

Мўмин ҲОШИМҲОНОВ

МАШРАБИ МЎЪТАБАР ЎЗУМ

Бобораҳим Машраб ижтимоий-маънавий, диний-тасаввуфий, ахлоқий мероси
ва унинг илмий-бадий адабиётдаги талқини
(XVII-XVIII асрлар)

Учинчи жилд

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент – 2008

*Бобораҳим Машираб ҳақидаги ушбу китобимни дини ислом ва ахлоқ илмининг
беназир билимдонларидан бири, отам Ҳошимхон Ғозихон ўғлининг нурли
хотирасига бағишлайман. Ушбу асар қўлга олинганда, отамни ҳам эслаб
қўйишларини муҳтарам китобхонлардан сўрайман.
Муаллиф*

Тақризчилар:

Филология фанлари номзоди, доцент

Фалсафа фанлари номзоди, доцент

У.Қосимов

С.Ғозиев

© Мўмин Ҳошимхонов

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти

КИРИШ

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Ватанимиз азалдан башарият тафаккур хазинасига унутилмас ҳисса кўшиб келган. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, маърифатсеварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва Ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланди ва ўз навбатида фалсафий ахлоқий таълимотлар ҳам халқимиз даҳосидан баҳра олиб бойиб борди»¹.

«Улуғ бобокалонларимиз – буюк мутафаккир, алгебра фанининг асосчиси ал-Хоразмий, иккинчи муаллим, Шарқ Аристотели деб тан олинган Абу Наср ал-Форобий, улуғ Ҳаким Шайх-ур раис Абу Али ибн Сино, қомусий олим Абу Райҳон ал-Беруний, фалакиёт илмининг етук юлдузи Мирзо Улуғбек Муҳаммад Тарағай, ўзбек адабий тилининг асосчиси, даҳо шоир Алишер Навоий, беназир муҳаддис Хожа Исмоил ал-Бухорий, тасаввуф илмининг буюк алломалари Аҳмад Яссавий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Муҳаммад Замахшарий, шоир ва подшоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур, тасаввуф шоири ва авлиёи Ҳақ Бобораҳим Машраб ва бошқаларнинг номлари жаҳон халқлари томонидан ханузгача ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олиниб келинмоқда».²

Марказий Осиё мутафаккирлари яратган фан ва маданиятнинг барча соҳаларига тааллуқли нодир асарлар, қимматбаҳо фикр-мулоҳазалар ҳозирги кунда ҳам жаҳон халқлари маънавий дунёсини бойитиб, уларнинг маънавий камолотига хизмат қилиб келмоқдаки, бундан биз қанчалик фахрлансак арзийди.

Ўзбек халқининг тарихий тараққиёти даврида моддий ва маънавий маданияти бир текисда ривожланган эмас. Унда биз уйғониш, юксалиш билан бир қаторда депсиниш, турғунлик ҳолатларини ҳам кузатишимиз мумкин.

XX асрда Бобораҳим Машраб ижодига муносабат ана шундай депсиниш ва турғунлик даврини бошидан кечирди. XX асрнинг 70-80-йиллари Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодига «сарой шоири» дея салбий муносабат билдирилиб, уни ҳатто «конхўр» дейишгача борилди.

Ўзбек адабиётининг жонбахш илдизлари қирқилиб, шарқона услубга ёт сунъий япроқлар ясалди. Ўзбек адабиётининг сарчашмалари, шажарасини ўрганмай туриб, унга ҳаёт бағишлаб бўлмайди.

Адабиётшунос олима Дилором Салоҳий фикрича: «Маънавий етук инсонни тарбилаб вояга етказиш масаласи қадимдан бунёдкор бўлган ўзбек халқининг энг муқаддас, барча даврлар учун долзарб ҳисобланмиш вазифаларидан бири саналган. Ўзбек мумтоз адабиёти эса халқимизнинг бу азалий орзуси, мақсадини амалга оширишда энг ижтимоий фаол ва ишончли омиллардан биридир. Бинобарин, ўзбек мумтоз адабиётини бугунги кунда янгича ўрганиш ўсиб келаётган авлод тафаккур тарзини миллий ғоя асосида шакллантиришга кенг имконият очиб беради».³

Халқимизнинг маданий мероси, юксак маънавий қадриятларини чуқур ва атрофлича ўрганиб, уларни диёримизда яшовчи ҳар бир инсоннинг онгига сингдириб, айниқса, ёш авлодни маънавий етук, фидоий кишилар этиб тарбиялаш ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Бобораҳим Машраб яшаган XVII-XVIII асрларда мустақил миллий давлатларнинг мавжудлиги исломнинг минтақа халқлари ижтимоий ҳаётидаги мавқеини янада кучайтирди, уни қудратли маънавий-мафкуравий кучга айлантирди. Бу ўзига хос руҳий-маънавий жараён, ўз навбатида, мутафаккирларнинг ижтимоий-фалсафий, сиёсий, ахлоқий, эстетик, бадий қарашларида, улар асарларида яққол кўзга ташланади.

XVII аср иккинчи ярми ва XVIII аср бошларида яшаб ижод этган улуғ ўзбек мутасаввуф шоири аҳлуллоҳ Бобораҳим Машраб ижтимоий фикр тараққиёти ўсишида, унинг ривожи ва фалсафасида, ўзбек адабиёти тарихида, ижтимоий-сиёсий, диний-тасаввуфий, илмий-бадий, ахлоқий-таълимий масалаларни ўзида акс эттирган ғазаллар, мустазодлар, мураббаълар, мухаммаслар, мусаддаслар, мусаббаълар, мусанманлар, маснавийлар, фардлар, тўртликлар, ривоятлар, ҳикоятлар муаллифи сифатида Шарқда, айниқса, Мовароуннаҳрда, Шарқий Туркистонда машҳур шоир ҳисобланади.

¹ И. А. Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. «Ўзбекистон», Тошкент, 1996, 7-бет.

² Жондор Тўланов. Қадриятлар фалсафаси. «Ўзбекистон», Тошкент, 1998, 3-бет.

³ Дилором Салоҳий. Навоийнинг шеърий услуби масалалари. «Фан», Тошкент, 2005, 5-бет.

Шарқ жаҳон фанига улкан даҳоларни, шеърят яловбардорларини етказиб берди. Шайх Саъдий, Низомий Ганжавий, Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий, Саид Имомиддин Насимий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Мирза Абдулқодир Бедил, Сўфи Оллоҳёр, Хўжаназар Хувайдо, Муҳаммад Эрнӣзбек ўғли Оғаҳий каби мутафаккир шоир, алломалар улкан шеърӣй мерос қолдирдилар, Шарқ маънавияти ва шеърӣяти ривожига беқиёс хисса қўшдилар.

Ўзбек шоири ва мутафаккири Бобораҳим Машраб салафлари ва замондош мутафаккирлар ижодиётининг тадрижий-тарихий давомийлигини таъминлаган ҳолда ижтимоий-маънавий, диний-тасаввуфӣй, илмий-бадий, ахлоқий-дидактик мерос қолдирди ва у қолдирган маънавий мерос ўзининг долзарблиги, муҳимлиги, ҳатто бугунги кун талабига монандлиги билан аҳамиятли ва қимматлидир.

Машраб шахсияти ҳақида XVIII асрда Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаландарон», Пирмат Сеторийнинг «Қиссаи Машраб» асарлари яратилди. Машрабнинг ғазаллари ва турли жанрдаги шеърӣй асарлари кўп бўлишига қарамасдан, унинг тугал девони бизгача етиб келмаган. Турли даврларда тўпланган, асосан, Машраб тадқиқотчиси Жалолиддин Юсупов саъи-ҳаракати билан унинг икки марта 1990 йил «Меҳрибоним, қайдасан» ва 2006 йил «Машраб. Девон»и нашри адабиётимизда катта воқелик бўлди.

Бобораҳим Машрабдан улкан маънавий мерос қолди. 1994 йили мутафаккир шоирнинг «Мабдаи нур» («Нурнинг ибтидоси», «Аллоҳ нурининг жило бериши»), «Кимё» («Қимматбаҳо, ноёб иксир»), «Қиссаи Вайсул - Қараний», «Қиссаи Меърोजи Расули Акрам с. а. в.» каби асарлари эълон қилинди. Ҳали-ҳануз Машраб тадқиқотчилари томонидан унинг шеърӣй ижодиётидан намуналар топилиб, эълон қилиб борилмоқда. Шоир асарларида ижтимоий-маънавий, диний-тасаввуфӣй, илмий-бадий, дидактик-ахлоқий, маърифий-таълимий ва умумбашарӣй фикрлар, ғоялар ифода этилиб, дунёқараши, тафаккури билан Шарқ ижтимоий-фалсафӣй фикри тараққиётига улкан хисса қўшди, тасаввуф шеърӣяти қўлами доирасини кенгайтди.

Мутафаккир шеърӣяти диёримизда истилочилар зулми ҳукм сурган даврда деярли тақиқланган, унинг оташин шеърӣятини, ғазалиётини омма севса-да, улар нашр этилмаган, фақат халқ китоблари туркумида у ҳақдаги «Қиссаи Машраб»ларнинг бир-биридан озгина фарқ қилувчи вариантлари қўлдан-қўлга ўтиб севиб ўқилган, шеърлари ашула қилиниб куйланган.

XX асрнинг сўнги чорагида Машраб ижодининг Илоҳ, илоҳиятдан айри, холи шеърлари танлаб олиниб, кичик девонлари икки-уч марта нашр қилинди, аср адоғининг сўнги ўн йиллигида эса шоир «Девон»и эълон қилиниб, мустақилликдан сўнг у ҳақдаги «Қисса»лар китобхонларга тухфа этилди.

«Совет тузуми» даврининг иккинчи ярмидан бошлаб у ҳақдаги бадий, илмий адабиётларда фақат бир томонлама фикр айтилиб, унинг шахсияти ўта илоҳийлаштирилган, баъзи ўринларда даҳрий, шаккок, исёнкор деган ғайри, номуносиб фикрлар ёпиштирилиб, ижод маҳсули тор ва бузиб талқин этилди.

Бобораҳим Машраб ижоди билан махсус шуғулланган социолог файласуф, адабиётшунослар М. Мўминов, В. Абдуллаев, А. Ҳайитметов, И. Гафуров, А. Абдуғафуров, Исматуллоҳ Абдуллоҳ, М. Зокиров, Ж. Юсупов, Д. Ҳамроева, М. Тожихўжаев, Э. Мусурмонов, М. Ҳошимхонов каби олимлар шоир ижоди, унинг ижтимоий-фалсафӣй дунёқараши, қолдирган асарлари ўз даврида ва бугунги кунда ҳам муҳим, долзарблигини, нафақат Мовароуннаҳр халқлари, балки башарият учун маънавий-маърифий жиҳатдан зарурлигини таъкид этдилар.

Биз мазкур ижтимоий-адабий монографияда шарқ халқлари хурфикрлилигига катта хисса қўшган, фалсафӣй шеърлари билан омма қалбини ўзига жалб этган, жозиба кучига эга, оҳангдор, оташин ғазаллари билан уч ярим асрдан буён нафақат Шарқ, балки Ғарб, хусусан Россия, Германия, Белгия, Франция, Венгрия ва бошқа халқлар ўқувчилари меҳр-муҳаббатини қозонган, ижтимоий фикр тараққиётида ўз мавқеига бўлган Бобораҳим Машраб ижтимоий-маънавий, диний-тасаввуфӣй, илмий-бадий, дидактик-ахлоқий қарашларини, адабиётшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этишга, унинг тадқиқ қилинмаган жиҳатларини ўрганиб, ёритишга ҳаракат этдик.

Ўзбек адабиёти тарихи фанида XVII- XVIII асрларни ўз ичига қамраб олган давр Мовароуннаҳр халқларининг ижтимоий-маънавий, илмий-бадий жиҳатларини ўрганишга

унчалик эътибор қаратилмади. Шунинг учун ушбу илмий тадқиқотда мутафаккир Машрабнинг ижтимоий-маънавий мероси, шоир ижодида тасаввуф таълимоти, унинг дин ва ахлоққа муносабати мавзуларининг ёритилиши каби муаммоларни тадқиқ этиш мақсад қилиб олинди.

Мазкур монографияда Бобораҳим Машраб яшаган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳвол маданият ва илм-фан, маънавий фикрнинг муҳим хусусиятлари, шунингдек, шоирнинг ижтимоий-маънавий мероси таҳлилда Бобораҳим Машраб ҳаёти, унинг ижодий мероси, шоир сиймосининг «Қиссаи Машраб»да ёритилиши, шунингдек, авлиёи Ҳақ шахсиятининг бадиий адабиётлардаги талқини, мутафаккир ижодиётининг илмий адабиётлардаги тадқиқи масалалари ёритилди.

Машраб ва тасаввуф таълимоти мавзусини ўрганишда, аввало Машраб ижодига мутасаввуф алломалар таъсири, шоир ғазалиётида тасаввуфий ғоялар талқини, шунингдек, мутафаккирнинг тасаввуфий қарашларида комил инсон муаммоси каби бугунги кун учун долзарб ва муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Машрабнинг дин ва ахлоққа муносабати муаммоси ҳал қилинаётган бобда шоир дунёқарашида ислом динига бўлган масалаларнинг ёритилиши, Машрабнинг ижтимоий-ахлоқий дунёқараши таҳлил этилиб, у қолдирган мероснинг аҳамияти, моҳияти, шоир томонидан шеърларида илгари сурилган ғояларнинг бугунги кунда ҳам ахлоқий-дидактик, ибрат-панд, таълим-тарбиявий аҳамиятининг юксаклиги, ҳар қандай тузум, жамият талабига жавоб бериши, башарият онги ва тафаккурининг ўсишига, унинг маънавий камолоти шаклланишида, дунёқараши такомилда ҳисса бўлиб қўшилаётгани ва жуда катта манфаат етказётгани қаламга олинди.

Машраб ижтимоий-маънавий мероси унинг ижодий маҳсули бўлган шеърлари ҳали деярли ўзбек адабиёти тарихи нуқтаи назаридан тадқиқ этилмаган, мутафаккирнинг янги нашрдан чиқаётган ғазаллари тадқиқотчи олимлар ўртасида турлича фикр-мулоҳазалар уйғотиб, улар эътиборини ўзига тортиб келаётир. Унинг шеърини девонларини ўрганиш жараёнида ғазал, мухаммас ва турли жанрлардаги асарларини ўз ичига олган шеърини мажмуа ва девонлари, шунингдек, унинг ҳаёт ва фаолиятини ёритувчи қисса ва тазкиралар нашр этилди.¹

Тадқиқотчи олимлар томонидан турли эътироз, шубҳа, гумонлар туғдирса-да, «Мабдаи нур», «Кимё», «Қиссаи Вайсул - Қараний», «Қиссаи Меърожи Расули Акрам с. а. в.» каби асарлар Бобораҳим Машраб асарлари эканлиги аниқланди. Рус шарқшунос олимлари, тарихчилари В. Л. Вяткин, Н. И. Веселовский, Н. С. Ликошин, У. Е. Остроумов, Ҳерман Вамбери, М. Хартман, А. П. Хорошхин, Н. А. Пантусов, Л. Миронова, С. Улудог мутафаккир Машраб ижодининг у ёки бу томонларини тадқиқ қилганлар.²

Мазкур мавзунинг манбашунослик, тарихий-бадиий, бадиий-адабий жиҳатларини ёритиш борасида амалга ошган тадқиқот сирасига Абдул Муталлиб Хўжа Фаҳмий, Муҳаммад Бадеъ Малехо, Саид Ҳакимхонтўра, А. Абдуғафуров, А. Ҳайитметов, А. Шарипов, Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний, А. Рустамов, Абдурауф Фитрат, А. Ёқубов, Б. Дўстқораев, Б. Валихўжаев, Б. Тўхлиев, В. Абдуллаев, В. Раҳмонов, Д. Салоҳий, Й. Жумабоев, Ж. Туленов, И. Султон, И. Ҳаққул, И. Мўминов, И. Сувонқулов, И. Гафуров, И. Ғозий, И. Салоҳий, И. Адизова, К. Қаҳҳорова, М. Хайруллаев, М. Нуритдинов, М. Ҳасаний, М. Назаров, М. Тожихўжаев, Н. Комилов, Н. Жумахўжа, П. Қайномий, П. Равшанов, Р. Воҳидов, Р. Орзибеков, С. Рафъиддин, Ф. Каримова, Э. Шодиев, Қ. Тўқсонов, Ғ. Ғулом, Ғ. Гафуров, Ғ. Саломов, Ҳ. Ҳомидий, Ҳ. Болтабоев, Ҳ. Алиқулов, Ҳ. Муҳаммадхўжаев, Ҳ.

¹ 1. Машраб. Избранное. Перевод с узбекского на рус. язык. Т. , 1959; 2. Машраб. Танланган асарлар. Т. , 1963; 3. Машраб. Танланган асарлар. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т. , 1971; 4. Машраб шеърятидан. Ўзбекистон КП МКнинг нашриёти, Т. , 1979; 5. Машраб. Девон. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980; 6. Бобораҳим Машраб. «Меҳрибоним, кайдасан». Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990; 7. Исҳоқ Богистоний. Тазкираи қаландарон. Шарқ юлдузи. 1990, 8-сон; 8. Пирмат Сеторий. Шоҳ Машраб қиссаси. «Шарқ», Т. , 1991; 9. Қиссаси Машраб. «Ёзувчи», Т. , 1992; 10. Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур. Т. , «Фан», 1994; 11. Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур (сайланма). Т. , «Фан», 1994; 12. Машраб. Девон. Янги аср авлоди. Т. , 2006.

² В. А. Вяткин. Ферганский мистик Диванаи Машраб. Т. , 1923. Н. И. Веселовский. Восточные заметки. Петербург, 1895. Н. С. Ликошин. Туркестанские ведомости, 1905, 53-сон. Н. С. Ликошин. Дивана-и Машраб. Т. , 1910. Ҳ. Вамбери. Марказий Осиёнинг икки замонавий шоири Мунис ва Амирий. Вена, 1892. Ҳ. Вамбери. Ғарбий Осиё сабоқлари. Лейпциг. 1897. М. Хартман. Худосиз, художўй ва тентак донишманд. Берлин. 1902. М. Хартман. Қадамжой. Ориенталише литературцайтунг. Берлин. 1903. Дитрел ден Рен. Буюк Осиёга илмий сафар. Париж. 1895. А. Д. Шмидт. Ал-Искандария. Ташкент, 1923. А. П. Хорошхин. Сборник статей касающихся до Туркестанского края. Санкт-Петербург, 1876. стр. 230-231. Н. А. Пантусов. Протоколы Туркестанского кружка любителей археологии. Туркестан. 1899-1900. стр. -24. Л. Миронова. Цветоведение. Москва. 1984. стр. 72. С. Улудог. Тасаввуф терминлари лугати. Истанбул. 1995. Б. -299. Ворлдбук энциклопедик лугат. Америка корпорацияси. 1993. № Ларус. Париж. 1993. Остроумов, Н. А. Пантусов.

Ғулум (шунингдек «Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар») ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий ишлари киради.¹

Бобораҳим Машрабнинг ижтимоий-маънавий мероси, у ҳақдаги илмий-бадий, фалсафий-тарихий дунёқарашини ўрганишда Д. Ҳамроева, Ж. Юсупов, Исмаатуллох Абдуллох, М. Зокиров, Э. Мусурмонов, М. Ҳошимхонов ва бошқа олимлар тадқиқот ишлари олиб бордилар.²

Тадқиқотчилар Бобораҳим Машраб фаолияти, унинг ижоди, шоир дунёқарашининг мураккаб томонлари, мутафаккир ижтимоий-фалсафий қарашларининг муҳим ва долзарб хусусиятлари, XVII-XVIII асрларда илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт ва фалсафага қўшган ҳиссасини ёритиб бердилар. Тоталитар тузум даврида яратилган тарихий ва бадий, адабий ва фалсафий тадқиқот ҳамда рисолаларда Машраб ижоди ва меросига бир томонлама ёндошилди, унинг ижтимоий ғоялари, шеърини асарларида илгари сурган фикрлари ислом динига қарама-қарши, терс талқин этилди. Мутафаккир шоирнинг умуминсоний ғоя, фикр ва қарашларни олдинга сурган таълимий-ахлоқий, дидактик-насихат руҳидаги ижоди тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб, деярли уларга мурожаат қилинмади.

Давлат мустақиллигининг дастлабки йилларида, хусусан, шоир таваллудининг 350 йиллиги муносабати билан кўплаб илмий-тадқиқий мақолалар чоп этилди. Уларда мутафаккир шоир ижодиётининг муҳим, кўп қиррали жиҳатларига эътибор қаратилиб, ундаги умуминсоний, умумбашарий ғоя ва таълимотлар чуқур, атрофлича таҳлил этилиб, жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинди.

¹ Муҳаммад Бадъ Малехо. Музокир ул-асҳоб. Самарқанд. 1888-91; Абдул Муталлиб Хўжа Фаҳмий. (босилган жойи номаълум. 1763); Мунгалаб ут-таворих. Қўқон. 1872; А. Абдуғафуров. 1. Ўзбек адабиёти тарихи II том, Т., 1984. 2. Ўзбек тили ва адабиёти журнали, 1991, 4-сон. 3. Машраб. Сўзбоши ўрнида. Т., 1979; 4. Эрк ва эзулик куйчилари. Т., 1979; 5. Бобораҳим Машраб, Т., 1979; 6. Буюк бешлик сабоқлари. Т., 1995; 7. Буюк сиймолар, алломалар. Бобораҳим Машраб. 46-52-бет; 8. Қалб қаъридаги кадрлар. Т., 1998; А. Хайитметов. 1. Ҳаётбахш чашма. Т., 1974. 2. Машраб лирикаси. Шарқ юлдузи. 1980. 3-сон. 3. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. Т., 1970. 4. Адабий меросимиз уфқлари. Т., 1997; А. Шарипов. Мироззрение Машраба. Очерки истории общественно философской мысли в Узбекистане. Т., 1977; Абдулҳаким Шарий Жўзжоний. 1. Тасаввуф ва инсон. Т., 2001; 2. Ишқамишда. «Ўзб. адаб. ва сан.», 1992, 13 ноябрь; Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. Т., 2000. Ғойиблар ҳайлидан ёнган чироклар. Т., 1994, 279-284-бет; Б. Дўстқораев. Б. Очилова. Ихлосмандликда мерос ва ворисийлик уйғунлиги. Т., 2006; Ўзбек насрида Машраб тимсолини яратиб тажрибаси ҳақида мулоҳазалар. Тўплам. Т., 2006. 196-211-бет. Б. Валихўжаев. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Т., 1993. Б. Тўхлиев. Маккага ёрсиз бориш жоизми? Тўплам. Т., 2006, 24-29-бет. В. Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. Т., 1980; В. Раҳмонов. Буюк исёнкор. Машраб. Девон. Т., 1980; Д. Салохий. Навонийнинг шеърини услуби масалалари. Т., 2005; Й. Жумабоев. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан. Т., 1997; Ж. Туланов. Фалсафа. Т., 1990; Кадрлар фалсафаси. Т., 1998; Иззат Султон. Асл Машраб. Т., 1972; И. Ҳаққул. 1. Тасаввуф ва шеърят. Т., 1991. 2. Адабиёт ва санъат. Тўплам. Т., 1982; И. Мўминов. Танланган асарлар. I том. Т., 1969; И. Сувонкулов. Қалб гавҳари. Т., 2006; И. Салохий. Ижтимоий муносабатлар қурбони. «Ўзб. адаб. ва сан.», 1997; 14 февраль. И. Гафуров. Ҳаё – халоскор. Т., 2006; Илёсхон Ғозий. Махдуми аъзам Имом ал-Косоний. Т., 1996; И. Адизова. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. Т., 2006; К. Қаҳқорова. Матнга эътибор керак. Шарқ юлдузи. 1983. 11-сон; С. Ғозиев. Подшоҳона қарашларида ижтимоий ахлоқ масалалари. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Т., 1999. М. Хайруллаев. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. Т., 1971; М. Нуриддинов. Юсуф Қорабоғий ва XVI-XVII асрлардаги ижтимоий-фалсафий фикр. Т., 1991; М. Ҳасаний. Шоҳ Машраб киссаси. Муқаддима. Т., 1991; М. Тожиқўжаев. 1. Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодининг хорижда ўрганилиши. Адабиёт кўзгуси. 2000, 5-сон; 2. Бобораҳим Машраб шахсининг Европача эътирофи. Олими Нуктадон манам. Т., 2006; М. Жўраев. С. Рафъиддин. Қиссаи Машраб хусусида. Қиссаи Машраб. Т., 1992; Н. Комилов. 1. Тасаввуф. Иккинчи китоб. Т., 1999; 2. Н. Комилов, Ғ. Саломов. Шоирни аналхак. Т., 1999. Н. Жумахўжа. Машраб ҳамма замонда исёнди. Гулистон. 1998, 5-сон; П. Қайюмов. Тазкират уш-шуаро. II-китоб. Т., 2006; 1. П. Равшанов. М. Хусенов. Ҳофиз Рўзибой Машраб. Т., 1997; Р. Воҳидов, П. Эшонкулов. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. Т., 2006; Р. Орзибеков. Ўзбек адабиёти тарихи. Т., 2006; Р. Воҳидов, Ҳ. Хомидий. Ҳиммат иноятсиз бўлмас. Тўплам. Т., 2006; Ф. Каримова. Халқчил шеърят. Тўплам. Т., 2006; 1. Э. Шодиев. Машраб «Девонини» ҳақида мулоҳазалар. Адабий мерос. 1983, 3-сон. 2. Шоир Машрабнинг адабий таҳаллуслари. Адабий мерос. 1986, 2-сон. Тузувчи ва илмий муҳаррир Қ. Назаров. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. Т., 2004; Қ. Тўқсонов. Шавкат Бухорий Бобораҳим Машраб билан учрашганми? Ўзбек тили ва адабиёти. 1997, 6-сон; 1. Ғ. Ғулум. Икки Машраб. Адабий танқидий мақолалар. Т., 1976; 2. XI том. Ғ. Ғулумов. Шарқ жаҳоирлари. Т., 2000; Ғ. Саломов. Тилларда дoston шоирини Машраб. «Девонга сўзбоши. 2006. 1. Ҳ. Хомидий. Қўхна Шарқ даргалари. Т., 1999. 2. Ҳ. Хомидий, М. Маъмуров. Наманган адаблари. Т., 2007. 1. Ҳ. Болтабоев. Ислом тасаввуфи манбалари. Т., 2005. 2. Мумтоз сўз кадри. Т., 2004. 3. Машраб ва каландарийлик тариқати манбалари. Т., Тўплам. 2006; Ҳ. Аликулов. Ўрта Осиё халқлари хурфиқрилиги тарихидан. IV боб. Т., 1990. Ҳ. Муҳаммадхўжаев. Дард ахлининг султони. «Мабдаи нур»га сўзбоши. Т., 1994; Ҳ. Ғулум. Машрабга дебеча. «Ўзб. адаб. ва сан.» 1990, 3 август каби тадқиқотчиларнинг илмий ишлари киради. (Давоми кейинги бетда)

² (боши олдинги бетда) 1. Д. Ҳамроева. Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т., 2004. 2. Ишқ ва маърифат илҳомлари. Ўзбек тили ва адабиёти. 2001, 5-сон. 3. Машраб ҳақидаги афсона ва ҳақиқатлар. Ишонч, 2004, 7 май. 4. Манбаларда Машраб ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти. 2002, 3-сон. 5. Маноқиб ва тарихий ҳақиқат. Ўзбек тили ва адабиёти. 2003, 4-сон. 1. Ж. Юсупов. Ҳақиқий Машрабни излаб. Т., 1990. 2. Уни девонини Машраб дерлар. Ёзувчи, 1998, 5 август. 3. Машраб. Девон. Т., 2006. 4. Ниҳоясиз баҳри нур. «Дўстлик байроғи», 1995, 28 февраль. 1. Исмаатуллох Абдуллох. Машраб таржимаи ҳолига оид ғазал. «Ўзб. адаб. ва сан.», 1992, 17 январь. 2. «Мабдаи нур»га сўзбоши. Шарқ юлдузи. Т., 1992, 12-сон. 3. Машраб ҳикматлари. Наманган. 2000. 4. Машраб ва «Мабдаи нур», «Ўзб. адаб. ва сан.», 1991, 12 апрель. 5. Кўнгулни узма шундоғ кимёдин. «Ўзб. адаб. ва сан.», 1999, 23 апрель. 6. Исмаатуллох Абдуллох Ғайри илм шарпаси. Тафаккур, 2005, 1-сон; 1. М. Зокиров. Машраб. Адабий-танқидий очерк. Машраб. Бадиий адабиёт нашриёти, Т., 1966. 2. Эрк ва маърифат куйчилари. Т., 1984. 3. М. Зокиров. Шубҳалар ўринлими? «Ўзб. адаб. ва сан.», 1982, 29 январь. Э. Мусурмонов. Раҳимбобо Машраб ва унинг бадиий адабиётдаги талқини. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Самарқанд, 1995; М. Ҳошимхонов. 1. Машраб ва Ўрта Осиёда ижтимоий фикр тараққиёти. Т., 1994. 2. Машрабни мўътабар ўзум. Монография. Т., 2001. 3. Бобораҳим Машраб ижодини ўрганиш. Методик қўлланма. Т., 2002. 4. Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодий фаолияти. Монография. Т., 2007. 5. Машрабни мўътабар ўзум. Монография. Т., 2007.

Абдурашид Абдуғафуров, Муҳсин Зокиров, Исматуллоҳ Абдуллоҳ, Жалолиддин Юсупов, Эркин Мусурмонов, Мўмин Ҳошимхонов тадқиқотларидан сўнг Дилором Ҳамроева Машраб ғазаллари поэтикасининг муаммоли жиҳатлари устида ишлаб, Миллий адабиёт тарихи ихтисослиги бўйича илмий тадқиқот яратди.

Эътироф этмоқ керак, Ўзбек адабиёти тарихи фанида Машраб ижтимоий-маънавий, диний-тасаввуфий, ахлоқий мероси, унинг илмий-бадий адабиётдаги талқини масаласини ёритувчи монографик тадқиқот яратилмаган, мутафаккир шоирнинг муфассал шеърини маъно-мазмун, моҳият-бадииятини таҳлил этишга қаратилган асар йўқ эди.

Мазкур тадқиқотнинг бош мақсади мутафаккир Машраб яшаган давр Мовароуннаҳр ижтимоий фикр ривожининг иқтисодий-сиёсий ва маънавий замини, шоирнинг ижтимоий-маънавий мероси, унинг тасаввуф таълимотига қўшган ҳиссаси, шунингдек, мутафаккирнинг дин ва ахлоққа муносабати масалаларини Ўзбек адабиёти тарихи нуктаи назаридан таҳлил этиб ҳамда ундаги ғоя ва мақсаднинг умуминсоний ва инсонпарварлик моҳиятини, унда тилга олинган фикр ва қарашларнинг туб илдизини ёритиб беришдир.

Мазкур фикрлардан келиб чиқиб, тадқиқотда қуйидаги вазифаларни бажариш мақсад қилиб қўйилди:

– Бобораҳим Машраб яшаган даврда Мовароуннаҳрда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳвол;

- маданият ва илм-фан;
- маънавий фикрнинг муҳим хусусиятлари;
- Бобораҳим Машрабнинг ҳаёти;
- Машраб ижодий мероси;
- шоир сиймосининг «Қиссаи Машраб»да ёритилиши;
- Машраб шахсиятининг бадий адабиётлардаги талқини;
- Машраб ижодиётининг илмий адабиётдаги тадқиқи;
- шоир ғазалиётида тасаввуфий ғоялар талқини;
- мутафаккирнинг тасаввуфий қарашларида комил инсон муаммоси;
- шоир дунёқарашида ислом динига бўлган масалаларнинг ёритилиши;
- Машрабнинг ижтимоий-ахлоқий дунёқараши;
- мутафаккирнинг ижтимоий-маънавий ва дидактик қарашлари;
- шоирнинг тадқиқ қилинмаган шеър ва мухаммаслари;
- Машраб ҳақидаги ҳикоят ва ривоятларнинг мазмун-моҳияти;
- унинг Илоҳ, пайғамбар (с. а. в.) ҳақидаги шеърлари мазмуни.

Бобораҳим Машраб XVII-XVIII асрлар Мовароуннаҳр давр ва жамиятининг тарихий шахси эканлигини, унинг ижоди, шеърини мероси жамиятнинг турли табақа ва тоифаси учун бирдек қадри ва аҳамиятли эканлигини, у билан бирга яшаган омма, жамоа шоир ижодидан баҳраманд бўлганлигини, мутафаккирнинг ижтимоий-маънавий, тасаввуфий қарашлари, шунингдек, унинг дин ва ахлоққа муносабати масаласининг таҳлили, бундан қутилган мақсад эса улуғ шоир ижодида муҳим ўрин тутган унинг ҳаёти ва ижодий меросидан истисно ҳолда, шоир сиймосининг қисса ва тазкираларда ёритилиши, унинг шахсиятининг бадий-илмий адабиётлардаги талқини ва тадқиқи муаммоларининг ҳал этилиши, асосийси Машраб ва у эътиқод қўйган тасаввуф таълимоти ғояларининг унинг ижодиёти маҳсули бўлган шеърини манзумаларида ҳал этилиши, Машраб ижодига мутасаввуфлар таъсири, шоир ғазалиётида тасаввуфий ғоялар талқини, мутафаккирнинг тасаввуфий қарашларида комил, ориф инсон муаммоси, унинг дунёқарашида ислом динига бўлган масалаларнинг ёритилиши ва ҳал қилиниши, Машрабнинг ижтимоий-ахлоқий дунёқарашидаги таълим-тарбия, одоб-ахлоқ ҳақидаги фикрларнинг, ғояларнинг, ижодидаги ижтимоий-маънавий, дидактик қарашларнинг ижтимоий фикр тараққиётига таъсири, тарихий-адабий жараёнларга, бой маънавий меросга тарихий-диалектик нуктаи назардан холисона ёндашиши тадқиқотнинг методологик асосини ташкил қилади. Ушбу муаммони ёритишда мумтоз адабиётшуносларнинг тадқиқот услуби ҳам тарихий-илмий асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотнинг, баъзи назарий-илмий, адабий-бадий, услубий жиҳатларини ёритиш ва аниқлашда, мутафаккир шоир ижодининг мураккаб, муаммоли томонларига аниқлик киритишда таниқли файласуф, социолог ва адабиётшунослар, мумтоз Ўзбек адабиёти тарихини тадқиқ этган тадқиқотчилар ишларига мурожаат қилинди. Мутафаккир шоир Машрабнинг ўзбек ва рус тилларида чоп этилган асарларига, шунингдек, унинг хорижий

мамлакатларда ўрганилиш тарихи ва таржима қилинган ижоди намуналарига эътибор қаратилди. Мазкур монографик тадқиқотдаги асосий илмий янгиликлар қуйидагилардан иборат; биринчидан, Машрабнинг ижтимоий-маънавий, тасаввуфий қарашлари, шоирнинг дин ва ахлоққа муносабатини билдирган махсус монографик асарнинг Ўзбек адабиёти тарихи фани бўйича йўқлиги; иккинчидан, унинг фанларда тўпланган материалларни (манбаларни) ижтимоий-адабий, илмий-бадий, маънавий-ахлоқий, диний-тасаввуфий умумлаштириш ва назарий таҳлил қилиш; учинчидан, Машраб ижтимоий-маънавий, диний, тасаввуфий, ахлоқий, илмий, бадий қарашларини илк бор янгича тафаккур асосида тадқиқ қилиш; бу бизнинг фикримизча, ўша даврдаги ижтимоий-маънавий фикр таракқиёти қай даражада эканлигини белгилаш ҳамда унинг муҳим хусусиятлари ва қонуниятларини билишга, аниқлашга ёрдам беради. Ислом дини ва ахлоқ, тасаввуф таълимоти, шунингдек, Машраб ижтимоий-маънавий дунёқарашидаги шоир сиймоси, шахсиятини белгиловчи омиллар бугунги кун нуқтаи назаридан кўриб чиқилди, унинг қиёфасини акс эттирувчи қисса ва тазкиралардаги афсона ва ривоятлар заминидagi мазмун ва маъно, бадий-илмий адабиётлардаги маълумотлар унинг ижтимоий-маънавий, тасаввуфий, диний ва ахлоқий қарашларидаги миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳар томонлама, муфассал илмий тадқиқ қилинди.

Мазкур монографиядаги барча мавзулар Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институтида, Жиззах Давлат политехника институтида, Жиззах ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида, Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи ва мутахассислик кафедраларида, шунингдек, бошқа илмий муассасаларда фалсафа, мантиқ, сиёсатшунослик, социология, ўзбек мумтоз адабиёти тарихи, адабиёт ўқитиш методикаси, маданият тарихи ва маданиятшунослик фанларидан маърузалар ўқишда қўлланилди. Шунингдек, келгусида «Фалсафа тарихи», «Фалсафа», «Социология», «Адабиёт ўқитиш методикаси», «Адабиётшунослик ва эстетика асослари», «Адабиёт тарихи», «Ўзбек мумтоз адабиёти», «Маданият тарихи ва назарияси», «Маданиятшунослик» ва бошқа фанлардан олий ўқув юртларида фойдаланиш зарурати назаримиздан четда қолмади.

І БОБ. МОВАРОУННАХРДА ИЖТИМОЙ ФИКР РИВОЖИНИНГ ИҚТИСОДИЙ – СИЁСИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЗАМИНИ

ИЖТИМОЙ – ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ АҲВОЛ

Шоир ва мутафаккир Бобораҳим Машраб XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII аср бошларида Мовароуннахрда яшаб, ижод этди. Бу даврда Мовароуннахрда аштархонийлар давлати ҳукмронлик қилган ва унинг сулоласи салтанат тебратган эди. Бу давр ижтимоий-сиёсий жараёнлари жуда мураккаб кечган, унинг авлоди бир ярим аср ҳукмронлик қилиб, сўнгра сиёсий ва иқтисодий жараёнда чуқур таназул домига тушиб қолган эди. Бобораҳим Машраб мана шундай сиёсий тушкунлик ва чуқур инқироз, жамият оғир аҳволни бошидан ўтказиш даврида яшаб, ижод қилди.

Мутафаккир шоир Бобораҳим Машраб яшаб, ижод этган даврда Мовароуннахрда дастлаб иккита – Бухоро ва Хоразм хонликлари, XVIII асрнинг бошларида эса (Ҳўқанд) Қўқон хонлиги ташкил топган эди.

Бу даврнинг сиёсий аҳволи ва ижтимоий-иқтисодий муҳити қай тарзда эди?

Шайбонийлар (1500 – 1599) давлатини (Абдуллахон Иккинчи 1557 йилдан 1583 йилгача отаси Искандар Султон номидан, 1583 йилдан сўнг эса ўзи мустақил ҳокимиятни бошқарган) бошқаруви охирида Бухоро хонлиги ҳудудида бошланган ўзаро урушлар унинг меросхўри Абдулмўмин даврида янада кучайди. Натижада отаси каби йирик давлат арбоби бўлмаган Абдулмўмин кучайиб кетган зодагонлар гуруҳлари томонидан ўлдирилди. У Бухоро хонлигини бор-йўғи олти ой давомида бошқарган эди. Абдулмўминдан кейин тахтга ўтирган сўнгги Шайбоний Пирмуҳаммадхон Иккинчи ҳам марказий ҳокимиятга душман бўлган зодагонларни тийиб қўя олмади. У шайбонийлар давлатининг кичик бир бўлагига ҳукмронлик қилиб ўзаро урушларнинг бирида ҳалок бўлди. Юз йил ҳукмронлик қилган Шайбонийлар сулоласи барҳам топди¹.

Шундан сўнг Мовароуннахрда Жўжихон наслдан бўлган аштархонийлар (жонийлар) сулоласи ҳукмронлиги бошланган. Улар ўзи аштархонлик (Астрахон), Абдуллахон синглисига уйланган, шу туфайли шайбонийларга қариндошлиги бор ва Бухорода яшаб турган Жонибек султонни хон қилиб кўтаришга қарор қиладилар. Лекин Жонибек султон бу таклифдан бош тортади. Тахтга Жонибекнинг катта ўғли Динмуҳаммадни кўтарадилар. Аммо у Бухорога келаётиб отдан йиқилиб ҳалок бўлади. Шунда унинг укаси Бокимуҳаммадхон ворис деб эълон қилинади. Қабул қилинган анъанага кўра Валимуҳаммадхон Балхга ноиб этиб юборилади. Ана шу тариқа 1601 йилдан бошлаб Бухоро хонлигида ҳокимият аштархонийлар сулоласи кўлига ўтади. Бу яна Жонибек сулоласи – жонийлар сулоласи деб ҳам юритилади².

Аштархонийлар ёки Жонийлар ҳукмронлиги ўзбек давлатчилиги тарихидаги энг зиддиятли давр ҳисобланади. Олий ҳокимиятни 150 йилдан ортиқроқ (1601 – 1756) давр мобайнида ўз қўлларида сақлаб келган аштархонийлар даврида марказий давлат жуда заифлашди, ўзаро урушлар ниҳоятда авж олди. Абдуллахон Иккинчининг саъй-ҳаракати билан барпо этилган улкан Бухоро хонлиги ҳудуди қисқариб кетди. Марказий ҳокимият мамлакатдаги вазиятни назорат қилолмаганлиги, ҳудудий яхлитликни таъминлай олмаганлиги сабабли XVII асрнинг бошларидаёқ Хуросоннинг катта қисми қўлдан бой берилди. Хоразмда мустақил Хива хонлиги барпо этилди. XVIII аср бошига келиб эса хонликнинг шимолий чегараларида Қўқон хонлигига асос солинди. Кўпгина аштархоний ҳукмдорларнинг сиёсий фаолияти ва ҳаёти давлатни бошқара олмаслик ҳақида аччиқ сабоқ бўлиб тарихга кирди³.

Аштархонийларнинг ижтимоий келиб чиқиши ҳақида фикр юритганда, Олтин Ўрдада (Жўжи улуси) заифлашиб борар экан, унинг бир қанча майда хонликларга бўлиниш эҳтимоли ҳам кучайган. Натижада XV асрнинг 30-йилларида Волгабўйи ерларида Аштархон хонлиги юзага келади. «Астрахан» Аштархоннинг руслашгандир. Аштархон эса аслида «Ҳожи Тархон» сўзидан олингандир. Тархон туркий тилли халқлар ҳаётида имтиёзли унвонлардан ҳисобланган. 1552 йили Россия Қозонни босиб олгандан сўнг 1554 йили

¹ Ўзбекистон тарихи. (1 қисм). Тошкент, «Университет», 1999, 279-бет.

² Р. Шамсутдинов ва бошқ. Ватан тарихи. «Шарк», Тошкент, 2003, 24-бет.

³ А. Сағдуллаев ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Давлат ва жамият тараққиёти. «Академия», Тошкент, 2000, 174-бет.

Аштархон хонлигига нисбатан босқинчилик қилади, урушда енгади ва тахтга шу сулолалик Дарвишалини ўтказди. Дарвишали Москвага бўйсунмагач, Россия хонликини бутунлай йўқ қилади, бу ерлар Россия империясиники деб эълон қилинади. Рус босқинидан қочиб Ёрмухаммадхон фарзандлари Жонимухаммад султон, Аббос султон, Турсун Мухаммад султон, Пирмухаммад султон ва аҳли аёли билан Мовароуннахрга келган¹.

Шайбонийлар сулоласи билан яқин бўлиб кетган аштархонийлар уларнинг таянчига айланган ва кейинчалик Боқи Мухаммадхон Самарқанд тахтини шайбонийлардан тортиб олган.

Боқимухаммад хонликдаги ички сиёсий низоларга чек қўйишга ҳаракат қилди, хонликнинг шимолий чегараларини кўчманчи қабилалардан ҳимоя қилиш чораларини кўради. Балх вилоятдан эронликларни ҳайдаб чиқариб, у ерга укаси Валимухаммадни ҳоким этиб тайинлади. Аштархонийлар Хоразмни ва Хуросоннинг катта қисмини бутунлай қўлдан бой бердилар. Тошкент учун қозоқ султонлари билан кўплаб урушлар олиб боришга тўғри келди.

Аштархонийлар сулоласи XVIII асрнинг ўртасигача ҳукмронлик даврини ўтади. Сулола саккизта хондан иборат бўлган. 1. Боқимухаммад (1601 – 1605). 2. Унинг укаси Валимухаммадхон (1605 – 1611). 3. Имомқулихон (1611 – 1642). 4. Унинг укаси Назрмухаммадхон (1642 – 1645). 5. Унинг ўғли Абдулазизхон (1645 – 1680). 6. Унинг укаси Субхонқулихон (1680 – 1702). 7. Унинг ўғли Убайдуллахон (1702 – 1711). 8. Унинг укаси Абулфайзхон (1711 – 1747). Улардан фақат учтаси умрини тахтда тугатди, холос. Учтаси (Валимухаммадхон, Убайдуллахон, Абулфайзхон) сарой тўнтаришлари оқибатида фожеали ўлдирилган. Иккитаси эса тахтдан ағдариб ташлангандан сўнг ўз ҳаётини қувғинликда ўтказган. Буларнинг ҳаммасига асосий сабаб шуки, ҳокимият, тожу тахт учун кураш, ҳатто ота-бола ва ака-укалар, қариндош уруғлар ўртасида мисли кўрилмаган даражада кучайган эди².

Бухоро хонлигида тинчлик, осойишталик бўлмади. Амирлар ва беклар ўзбошимчалиги авжига минаяди, марказий ҳокимиятдаги мансабдорлар ўртасида ўзаро фитна, низолар, ур-ийқитлар мамлакат тинка-мадорини қуритади.

Боқимухаммад 1605 йилда вафот қилганидан кейин, унинг укаси Валимухаммад тахтга ўтказилди. Бироз вақт ўтгач, Бухорода Валимухаммадга қарши тил бириктирилиб, Бухоро зодагонлари унинг ўрнига Имомқулихонни (1611 – 1642) тахтга ўтказишга қарор қилдилар. Имомқулихон давлатни ўттиз йилдан кўпроқ бошқарган. Бу Боқимухаммадхон ва Валимухаммадхонларга нисбатан олганда катта давр. Шунинг ўзиёқ Имомқулихон ҳукмронлик қилган йиллари барқарор, марказий ҳокимият мустаҳкам бўлганидан далолатдир. Тўғри, Имомқулихоннинг ҳам шимолдан Тошкент ва Андижонга хавф солиб турган қалмоқ ва қозоқ қавмларини тийиб туришига тўғри келгани маълум. Чунончи, 1613 йили уларни қувлаб то Қоратоғ ва Ашпара томонларгача борган, мазкур юришда укаси, Балх ҳокими Назрмухаммад султон ҳам қатнашган. Бу эса ўз ўрнида Жанубий чегараларда бошқа бир куч – марҳум Валимухаммадхоннинг Ҳиротда паноҳ топган ўғли, Рустам султон лашкари пайдо бўлишига сабаб бўлган. Чунки Рустам султон Балхни тарк этганидан хабар топиши билан бу томонга ҳамла қилади. Бироқ бу сафар ҳам ҳеч нарсага эришолмай, мағлуб бўлиб яна орқага қайтиб кетади³.

XVII аср 30-йиллари охирида аштархонийлар ва бобурийлар ўртасидаги муносабатлар бироз зиддиятлашганлиги кўзга ташланади. Рустам султоннинг Шибирғон, Андхуд, Ўбағу Чечакту, Маймана, Жўзжон томонларга зуғуми, аштархонийларнинг асосан, Назрмухаммад султон кучларининг Бало Мурғоб, Ҳирот, Машҳад атрофларига бир-икки юриши, Имомқулихон даврида Бухоро ташқи сиёсатида кенг қўламда ва мақсадга мувофиқ равишда сиёсий-ҳарбий ҳаракат қилинмади. Имомқулихон мамлакат ташқи хавфсизлигини таъминлагани ҳолда, кўпроқ мамлакат ички ҳаёти билан машғул бўлиш имконини берган.

Имомқулихон даврида мамлакатдаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий барқарорлик нисбатан бир маромда бўлган. Бу ҳақда «Муқимхон тарихи»да шундай маълумотлар бор: «Имомқулихон ночорлар ишини енгиллаштирди, арз билан келганларни қайтармади, унинг

¹ Ҳожи Мир Муҳаммад Салим. Силсилот ас-салотин. Бодлеян кутубхонаси, Рақам 169, 124-варақ.

² Р. Шамсутдинов ва бошқ. Ватан тарихи. «Шарқ», Тошкент, 2003, 24-бет.

³ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. «Шарқ», Тошкент, 2000, 260-бет.

замонида на камбағал, на бечора қолмаганди. Чиқарган буйруклари ижроси борасида амалдорларига қаттиқ турди, қоронғи тушиши билан оддий кийим кийиб вазири ва кўрчи билан бозорлару маҳаллаларни айланиб, оддий халқнинг ҳақиқий турмуш аҳволидан бохабар бўлиб турарди. Буни халқ биларди. Шунинг учун ҳам унинг ҳукмронлиги йиллари мамлакатда бирон марта ҳам исён туғи кўтарилмади»¹.

Имомқулихон кўчманчилар-қозоқлар, қалмоқлар, мўғуллар ва қорақалпоқларга қарши ҳам курашлар олиб борди. Уларга қарши олиб борилган муваффақиятли курашлар Имомқулихоннинг мавқеини мустаҳкамлади. Унинг узоқ давом этган ҳукмронлик даври Бухорода хон ҳокимиятининг нисбатан кучайиш даври бўлди. Имомқулихон зодагонларнинг қарши чиқишлари ва ўзаро курашларини бирмунча тўхтатишга муваффақ бўлди. Бироқ ер эгаллиги муносабатлари ривожланиб катта ерлар амирлар қўлига ўтиб борган сари йирик зодагонларнинг аҳамияти кучайиб борди. Шу туфайли марказий ҳокимиятдан қочувчи кучлар кучая бошлади. Бу ҳол давлатнинг емирилиши ва бўлиниб кетишига ёрдам берди. Имомқулихон даврида бу жараён эндигина бошланиб, кенг миқёсда авж олмаган эди².

Унинг даврида йирик зодагонлар вилоятларда ўзларини хондан мустақил ҳисоблар ва қўшни вилоятларга уруш ҳам эълон қилар эдилар. Ана шундай баҳодир ҳукмдорлардан бири бўлган Ялангтўш бир неча йиллар давомида Самарқандни бошқаради. Унинг мингдан ортиқ қароли, хизматкори, жуда катта бойликлари бўлган. Ялангтўш баҳодир даврида икки маҳобатли бино – Шердор ва Тиллакори мадрасалари бунёд этилган. Регистон майдони ҳам ҳозирги қиёфасига унинг даврида келган эди. Бадахшон ҳукмдори Маҳмудбий қатағон ҳам кучли таъсирга эга бўлган зодагонлардан ҳисобланган. Бу жараён, хусусан, Имомқулихон вафотидан сўнг кучли тус олади. Имомқулихон ҳажга кетаётиб йўлда вафот қилган эди³.

Имомқулихоннинг укаси, Балх ҳокими Назрмуҳаммадхон (1642-1648 йиллар) атиги уч йил мамлакатни бошқарди, чунки у қозоқларга қарши юриш қилганида Хўжанддан чиқиб кетиши биланоқ бир гуруҳ амирлар, ўғли Абдулазизни (1645-1680 йиллар) хон қилиб кўтардилар. Назрмуҳаммадхон ўзининг 12 нафар ўғлига Балхнинг айрим туманларини мулк сифатида, қолган туманларни эса амирларга бўлиб берди, шундай қилиб тарқоқликни кучайтирди.

Кейин Назрмуҳаммадхоннинг ўғиллари ўртасида ўзаро уруш бошланди ва Назр Ҳиндистондаги темурийларга ёрдам сўраб мурожаат қилди. Шоҳ Жаҳон (1627-1658) Балхни ўз қўл остига олишни кўзлаб ёрдамлашишга рози бўлди⁴.

«Муқимхон тарихи» муаллифининг сўзларига қараганда, 1647 йилда Шоҳ Жаҳон авлодлари Балхни забт этганлар. Улар халқни сиқиб шу қадар жабр-зулм қилдиларки, вилоят аҳолиси ўз юртини ташлаб қоча бошлади. Улар Амударёдан ўтиб, Мовароуннаҳрга йўл олдилар. Ҳиндистонликларнинг Балхдаги ҳокимлиги икки йил давом этди. Вайрон қилинган мамлакатдаги очарчилик ва қаттиқ қиш иссиқ иқлимга ўрганган ҳиндистонликлар учун ҳалокатли бўлди. Шоҳ Жаҳон лашкарларини Ҳиндистонга чақириб олишга мажбур бўлади, Балхни эса Эрондан тақлиф қилинган Назрмуҳаммадга топширади.

1651 йилда Назрмуҳаммад Маккани зиёрат қилиш учун кетаётганида йўлда вафот этади.

1655 йилда Мовароуннаҳр Абулғозихон бошлиқ (1645-1663 йиллар) хиваликларнинг даҳшатли хужумига дучор бўлди. Хиваликлар Бухоро воҳасига бостириб кириб, Қорақўлни вайрон қилдилар ва бой ўлжалар билан қайтдилар. Ўша йили Карманани ҳам вайрон қилган, хужумлар оқибатида «Мовароуннаҳр вилоятларининг барчаси таланиб, хонавайрон бўлди, аҳолиси тарқатилиб, пароканда қилиб юборилади». Хиваликлар босиб олиш учун эмас, балки босқинчилик мақсадида хужум қилганлар. Бухоро хони хиваликларни даф қилиш учун энди қўшин тўплади дегунча улар босиб олган ўлжаларни олиб, дарҳол орқага чекинардилар⁵.

1657 йили Хива хони Абулғози Карманана юриш қилиб, катта ўлжа билан қайтаётганда Абдулазиз хужум қилиб, уни тор-мор этади. Абулғозининг ўзи хавф остида қолиб, ўғли Анушанинг ёрдами туфайли асир тушмайди. Хиваликлар 1658 йилда Вардонзени талаб,

¹ Муҳаммад Юсуф мунши. Муқим-ханская история. Ташкент, 1956, 82-83-стр.

² Масъул муҳаррирлар. А. С. Сағдуллаев ва бошқ. Ўзбекистон тарихи, 1-қисм, 281-бет.

³ Р. Шамсутдинов ва бошқ. Ваган тарихи. «Шарк», Тошкент, 2003, 26-бет.

⁴ Ўзбекистон халқлари тарихи. II жилд, «Фан», Тошкент, 1993, 35-36-бетлар.

⁵ И. Мўминов тахрири остида. Ўзбекистон тарихи. I том, Тошкент, «Фан», 565-бет.

вайрон қилишади, 1662 йилда эса пойтахт шаҳар Бухорогача етиб келадилар. Абдулазиз Абулғози билан сулҳ тузганда хиваликлар Бухоро дарвозаси олдида, Намозгоҳда туришганди. Абулғози вафотидан кейин (1664 йили) унинг ўғли Ануша (1663-1687) Бухоро вилоятларига хужум қилиб, бостириб келаверади.

Абдулазизнинг даъвати билан Бухоро ва унинг атрофидаги аҳоли қуролланиб, душманга қарши бош кўтаради. Кейинчалик улар Бухоро ва Самарқандга яна бир неча марта хужум қилдилар. Муҳаммад Юсуф муншининг гувоҳлигига қараганда, улар ўн саккиз марта хужум қилганлар.

Хива билан узоқ давом этган урушлар Мовароуннахрнинг умумий иқтисодий аҳволига жуда ёмон таъсир қилди ва аштархонийлар давлатидаги ички зиддиятларни кучайтириб юборди.

Хиваликлар билан бўлган урушдаги муваффақиятсизликлар Бухорода жиддий ҳокимият кризисига сабаб бўлди. Кексайиб, касалманд бўлиб қолган Абдулазиз мудофаа ишларини уюштиришга ожизлик қилади. Субҳонқулининг очикдан-очик таҳдид солишидан таъсирланган Абдулазиз тахтдан воз кечади ва Маккага кетиб ўша ерда вафот этади. Абдулазиз кетгач, Субҳонқули хонликка кўтарилади¹.

Субҳонқулихон даври (1680-1702)да Бухоро билан Хива ўртасидаги уруш янги куч билан давом эттирилди. Ануша Кармана ва Вардонзе атрофларини эгаллаб, Самарқандни ҳам қўлга олади. Самарқанд зодагонлари Анушахон номини хутбага қўшиб намоз ўқиш ва унинг номи билан пул зарб қилишга рози бўладилар.

Субҳонқулихон қатағон қабиласидан бўлган Бадахшон ҳокими Маҳмудбий қатағон оталиқ ёрдамида хиваликларни Самарқанддан ҳайдаб чиқаради ва шаҳар аҳолисидан қаттиқ ўч олади².

Субҳонқулихон даврида мамлакатдаги сиёсий вазият издан чиқди. Бу хонлар маҳаллий зодагон ва ташқи душманларга қарши тўхтовсиз урушлар олиб боришга мажбур бўлдилар. Бу курашларда ҳокимиятнинг асосий таянчи дин пешволари эди. Шу сабабли бу даврда ер майдонлари оммавий равишда диний маҳкамалар ва йирик уламолар (Жўйбор хўжалари) ихтиёрига ўта бошлади. Мамлакатда диний мутаассиблик кучайди. Бу ўз навбатида дунёвий тараққиётни бўғар, давлат ва жамият тараққиётига тўсқинлик қилар эди³.

Субҳонқулихон мамлакатни йигирма йилдан кўпроқ, узоқ йил давомида бошқарган бўлса-да, у Балх «масаласи» билан шуғулланишга мажбур бўлган. Балхга бир неча маротаба ўз ўғилларини тайинлаган ва бир неча маротаба фитна уюштирилиб, шахзодалар қурбон бўлган. (Искандар султон, Ибодулло султон, Абулмансур султон, Сиддиқ Муҳаммад, Муҳаммад Муқим султон). Бу ҳолат Марказий ҳокимиятнинг Балхдаги мавқеи ниҳоятда заифлашиб кетганидан ва маҳаллий сиёсий кучларнинг, хусусан, йирик амирларнинг нуфузи ошиб борганидан далолат беради. Бунинг исботини шундан ҳам билса бўладики, 1688-1697 йиллар давомида Балх ҳукумати йирик амирлардан Маҳмудбий ихтиёрида мужассамлашган эди⁴.

Субҳонқулихон катта қийинчилик билан хиваликлар устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатишга эришди. Бунинг учун Субҳонқулихонга қатағон уруғидан бўлган оталиқ Маҳмудбий кўп ёрдамлар берди. Бунинг эвазига Субҳонқулихон Маҳмудбийга аввал Балхни, кейин эса Бадахшон ҳокимлигини берди. Маҳмудбий Балхда маълум даражада тинчлик ўрнатгач, ўша пайтда Бадахшонда ҳокимлик қилиб турган Ёрбекхон устига юриш бошлади. Аммо бу юриш муваффақиятсиз чиқиб, Ёрбекхон билан сулҳ тузишга мажбур бўлди.

Маҳмудбий Балхга яхши ўрнашиб мустақил бўла борди ва Субҳонқулихон билан ҳисоблашмай қўйди. Бундан хавотирланган Субҳонқулихон уни Балхдан ҳайдаб, ўрнига набираси Муҳаммад Муқимхонни тайинлади. Аммо маҳаллий зодагонлар Муқимхонни тан олмай Балхга Солиххўжани ҳоким этиб кўтардилар.

Аштархонийлар давлатининг тобора таназзулга юз тутиб пароканда бўлаётганлиги XVIII аср бошларида ўз чўққисига етади. Субҳонқулихон ҳукмронлик қилган сўнгги йиллар мамлакат учун умумий оғир вайроналиклар ва тартибсизликлар келтиради. Уруғлар, қабилалар ўртасида тинимсиз урушлар, тартибсизликлар авж олади. Аштархонийлар

¹ Ўша асар, 566-бет.

² Р. Шамсутдинов ва бошқ. Ватан тарихи. «Шарқ», Тошкент, 2003, 28-бет.

³ А. Сагдуллаев ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. «Академия», Тошкент, 2000, 176-бет.

⁴ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. «Шарқ», Тошкент, 2000, 267-бет.

хукмронлиги Бухородан нарига ўтмайди. Ана шундай ур-йиқит, бебошлик ва тартибсизликлар авжига чиққан бир даврда, 1702 йилда Субҳонқулихон вафот этади. Бухоро тахтига Субҳонқулихоннинг ўғли Убайдуллахон (1702-1711) ўтиради. Бу даврда тожу тахт учун кураш ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилади. Бу даврда Балх, Термиз, Шаҳрисабз ҳокимлари мустақил бўлиб олишга ҳаракат қилади. Убайдуллахон уларга қарши ҳарбий юришлар қилишга мажбур бўлади. Самарқанд ва Ҳисорда бош кўтарган қабилаларга қарши кўшин юборади¹.

Убайдулла ҳокимликда мутлоқликка интилди-ю, лекин оқибатда ўз амирлари кўлида қўғирчоқ бўлиб қолади, давлатни тўққиз йил идора қилиб, уни батамом вайронага айлантиради. Убайдуллахон феодал тарқоқликка барҳам беришга интилиб, Балхда ҳукм суриб турган сепаратистик ҳаракат тарафдорларига дуч келади, чунки Балхда Муҳаммадмуқим ўзини Бухородан мустақил хон деб эълон қилган эди. Муҳаммадмуқимнинг орқасида Кундуз юртидаги ўз қатагон қабиласига суянган қаттиққўл оталиқ Маҳмудбий Муҳаммадмуқимни ўлдириб, ўзини Балх хони деб эълон қилди. Шунда Убайдулла Маҳмудбийга қарши кўшин тортиб боради, лекин исёнкор Балхни ўзига бўйсундира олмайди².

Амирларнинг бир-бирига рақобати, хонга душманлиги Убайдуллани Маҳмудбий билан ярашишга ва Балх билан суверен ҳуқуқларини сақлаб туришга мажбур этади.

Убайдуллахон мутлоқ ҳокимлик учун курашганлиги туфайли унинг душманлари кўп эди. Оқибатда 1711 йилда унга қарши фитна уюштирилиб, у ўлдирилди. Хазинаси ва мол-мулки талон-тарож қилинди. Тахтга Убайдуллахоннинг укаси Абулфайзхон ўтиради (1711-1747). Абулфайзхон даврида марказий ҳокимият ўз аҳамиятини яна йўқота борди. Мамлакат ўзини мустақил ҳисобловчи вилоятларга бўлина бошлади. Мамлакатни бошқариш манғит уруғлари томонидан кўллаб-қувватланган ва йирик зодагонлар орасида обрўга эга бўлган Муҳаммад Ҳакимбий кўлига ўта бошлади. Аммо кўп ўтмай Ҳакимбийдан зодагон гуруҳлар норози бўла бошладилар ва у Қаршига ҳоким қилиб юборилди³.

Бу сиёсий парокандаликдан яна бир ташқи душман усталик билан фойдаланди. Кўчманчи қозоқ қабилаларига қараганда анча кучли бўлган бу душман Эронда янги сулолага асос солган Нодиршоҳ кўшинлари эди.

1736 йилда Нодиршоҳнинг ўғли Ризокул бошчилигидаги Эрон кўшинлари Амударёни кечиб ўтиб, Қаршига юриш қилдилар. Бухородан ўз душманлари иғвоси билан чиқиб кетишга мажбур бўлган Ҳакимбий бу пайтда Қаршида ҳокимлик қиларди. У бу вазиятда Абулфайзхонга содиқ қолиб, шаҳар мудофаасини ташкил этди ва Бухородан ёрдам сўради. Катта кўшин билан етиб келган Абулфайзхон шаҳар яқинида бўлган жангдан енгилиб, Қарши қўрғонига бекинишга мажбур бўлди. Ғузур шаҳрини ва бир нечта мудофаа қўрғонларини эгаллаган эронликлар кўшини қайтиш ҳақидаги Нодиршоҳ буйруғини олгандан сўнг, Қарши қамалини тўхтатдилар. Орадан 3 йил ўтиб, 1740 йилда Нодиршоҳнинг ўзи катта кўшин билан келиб Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Самарқанд ва Ҳисорни эгаллади ҳамда катта бойликларни олиб кетди⁴.

Бу ҳарбий ҳаракатлар вақтида Қарши ҳокими Муҳаммад Ҳакимбийнинг ўғли Раҳимбий манғит Нодиршоҳ хизматида кирди. Бу Муҳаммад Раҳимга кейинчалик Бухоро тахтини эгаллашга ёрдам берди. 1747 йилда Нодиршоҳ Мовароуннаҳрга яна ҳужум уюштириб Тошкент, Ўтрор, Туркистонни эгаллади. Шу йили Абулфайзхон сарой фитнаси оқибатида ўлдирилди ва ҳокимиятни Муҳаммад Раҳим манғит эгаллади. Сўнгги аштархонийлардан Абдулмўмин (1747-1751), Убайдуллахон Иккинчи (1751-1754) ва Шерғози (1754-1756) Бухоро тахтига расман ўтқизилган бўлсалар-да, амалда давлат бошқаруви бутунлай Муҳаммад Раҳим манғит (1756-1759) кўлида эди. У 1756 йил декабрида расман Бухоро тахтига ўтказилди ва шу тариқа Бухоро хонлигида янги сулола – манғитлар ҳукмронлиги бошланди⁵.

Аштархонийлар даврида зодагонларнинг оғир жабр-зулмлари, ўзаро урушлар, очарчилик ва қашшоқлик халқ оммаси норозилик ҳаракатларининг кучайишига олиб келди.

¹ Р. Шамсутдинов ва бошқ. Ватан тарихи. «Шарк», Тошкент, 2003, 30-бет.

² Ўзбекистон тарихи. I том, 568-569-бетлар.

³ Ўзбекистон тарихи. Тошкент, «Университет», 1999, 283-бет.

⁴ А. Сағдуллаев ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. 178-бет.

⁵ Ўша асар, 179-бет.

Мовароуннахрнинг турли вилоятларида доимо халқ ҳаракатлари ва кўзғолонлари бўлиб турди. Абдулазизхон даврида Самарқанд атрофидаги Дахбед қишлоғида бўлган кўзғолонни хон қўшинлар билан келиб, ўзи бостирди ва қишлоққа ўт қўйди¹.

1703 йилда Ҳисорда катта кўзғолон кўтарилди. Бухоро қўшинлари маҳаллий аҳоли ва юз уруғи томонидан қаттиқ қаршиликка учради.

1708 йилда Бухорода оддий халқ Убайдуллахон ўтказган пул ислоҳотига қарши кўзғолон кўтарди. Норозилик жамиятдаги турли табақалар орасига ёйилди. Кўзғолон бостирилди, пул ислоҳотига бирмунча ўзгаришлар киритишга мажбур бўлдилар.

1714 йилда Бухорода оталиқ Иброҳим бошчилигида аркка бостириб кириб, сарой тўнтариши қилишга уринилди.

XVIII асрнинг биринчи ярмида жуда кўп кўзғолонлар бўлиб турди. 1713 йилда Самарқандда, 1713-1714 йилларда Бухорода, 1719 йилда Балхда, 1746 йилда Тошкентда, 1751 йил Шаҳрисабз ва Қаршида халқ ҳаракатлари бўлиб ўтди. Бу чиқишлар хонлар ва амирлар юргизаётган сиёсатга, тобора ўсиб бораётган зулмга, ўзаро урушларга, очлик ва қашшоқликка қарши қаратилган эди².

1645-1680 йиллар орасидаги тарихий ерлик халқлар учун ниҳоятда оғир бўлди. Чунки Имомқулихондан кейин тахт учун бўлган кураш узоқ ва қонли кечди. Бундай оғир вазият бора-бора Субхонқулихон ҳукмронлигининг сўнгги йилларида ниҳоятда чуқурлашди ва XVIII асрнинг бошига келганда аштархонийлар давлати тушкунликка учраб, парчалана бошланди. Кейинги иқтисодий, сиёсий тараққиёт Мовароуннахрнинг учта хонликка бўлиниб кетиши учун замин тайёрлаб берди³.

Давлат бошқаришда ҳокимиятдаги муҳим лавозимлар нуфузли амирлар қўлига ўтиб қолади. Марказий ҳокимият заифлашгач, 1711 йилда Балх, 1723 йилда Самарқанд вилояти Бухоро хонлигидан ажралиб чиқади. 1720 йилда Тошкент вилоятини қалмоқлар босиб олади. 1723 йилда қалмоқлар қозоқ даштларига бостириб кириб қозоқларни Мовароуннахрга қочишга мажбур қилган. Қозоқлар чорва моллари билан Зарафшон водийсига кириб боғ ва экинзорларни пайхон қилганлар. Бухоро хонлигида иқтисодий ва сиёсий танглик кучайгандан кучаяди, охир-оқибатда хонлик таназзулга юз тутди. Мовароуннахр парчаланиб учта хонликка – Бухоро, Қўқон ва Хива хонликларига бўлиниб кетади⁴.

Бухоро хонлигига тобе ҳисобланган Фарғона водийсида XVIII аср бошларида янги давлатга – Қўқон хонлигига асос солинди. XVIII асрда фақат Фарғона водийсини ўз ичига олган бу давлат XIX аср бошларида Тошкент воҳаси, ҳозирги Қирғизистон, Жанубий Қозоғистон ва шимолий Тожикистон ҳудудларини ўз ичига олган йирик давлатга айланди. Хонлик 1876 йилда чор Россияси истилочилари томонидан тугатилиб, унинг ҳудуди Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига қўшиб олинди.

Аштархоний Субхонқулихон вафотидан сўнг Бухоро тахтига ўтирган Убайдуллахон ҳукмдорлиги даврида хонликдаги ижтимоий-сиёсий вазият чигаллашиб, марказий ҳокимият янада заифлашди. Бундан фойдаланган Чодак хўжалари 1709 йилда Фарғонада кўзғолон кўтариб, водийнинг бир қисмини эгаллайдилар. Натижада мустақил давлат тузилганлиги эълон қилинади ва 1710 йилда ўзбекларнинг минг қабиласи бошлиғи Шохруҳбий ҳокимият тепасига келади (1710-1721). Дастлаб Қўқон, Наманган, Марғилон, Конибодом, Исфара ва улар атрофидаги қишлоқларни ўз ичига олган бу давлат ҳудуди Шохруҳбийнинг ўғли ва вориси Мухаммад Абдурахимбий (1721-1733) тахтга ўтиргандан сўнг анча кенгаяди. У Андижон ва Хўжандда ўз ҳукмронлигини ўрнатиб, ҳатто қисқа вақт Бухорога тегишли Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларини эгаллаб, Шаҳрисабзга ҳам таҳдид солади. Унинг ворис укаси Абдукаримбой пойтахтни Тепақўрғондан Қўқонга кўчиртириб келади. Шу тарихи янги шаҳар – Қўқон шаҳри давлатнинг пойтахти бўлиб қолади ва давлат шаҳар номи билан Қўқон хонлиги деб атала бошлади⁵.

Минглар нафақат Фарғона водийсида, балки мамлакатнинг бошқа ерларида ҳам яшаган уруғ. Манбаларга кўра уларнинг Ургут, Чечакту, Маймана, Сарипул, Гурузвон, Шибирғон, Андхуд каби ерларида ҳам мавқелари бўлган. Минглар Фарғона водийсида сиёсий

¹ Ўзбекистон тарихи. Тошкент, «Университет», 1999, 285-бет.

² Ўша асар, 286-бет.

³ Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995, 181-бет.

⁴ Р. Шамсутдинов ва бошқ. Ватан тарихи. 31-бет.

⁵ А. Сағдуллаев ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. 215-бет.

хокимиятни қўлга олиб, уни бир бутун хонлик микёсига кўтара олгани сабабига тўхталганда, водийда шунга яраша шароит тузилган, қолаверса, аштархоний Убайдуллахон даврида Бухоро тасарруфидаги вилоятлардан баъзиларида катта мавқега эга Минглар намояндлари Ургут, Маймана ва унинг атрофида тазйикқа учраганлар. Афтидан, мазкур ҳолат Фарғонадаги Мингларнинг фаоллашувига яхшигина туртки бўлган. Хуллас, Убайдуллахон Фарғонада юз берган сиёсий бурилишга қарши бирон чора қўлламаган¹.

Хуллас, 1599-1747 йиллар давомида аштархонийлар сулоласи даврида ҳукм сурган сиёсий, ижтимоий тарқоқлик, хонлар, султонлар, шахзодалар ўртасида авжига чиққан ўзаро тожу тахт учун курашлар, талончилик урушлари ўша давр аждодларимизнинг дунё тараққиёти цивилизациясидан бирмунча орқада қолиб кетишига бош сабаб бўлди.

Юқорида биз XVII-XVIII асрлар аштархонийлар сулоласи ижтимоий-сиёсий ҳаётини кўриб чиқиб унга назар ташладик. Асосий урғуни Мовароуннаҳр ҳаётига қаратиб, шу билан бирга Қўқон хонлигига ҳам бир қур назар солдик. Бухородан кейин катта сиёсий мавқега эга бўлган, иккинчи пойтахт шаҳар Балх ва унинг ҳукмдори Маҳмуд қатағонбийга ҳам эътиборни қаратдик. Аштархонийлар сулоласи яшаган тарихнинг энг чигал, мураккаб даврида Фарғона водийсининг Наманган шаҳрида туғилган шоир Бобораҳим Машрабнинг ҳаёти унинг устози Офоқхожа таъкидлаганидек, айнан Балх шаҳрида интиҳосига етганлиги, бу давр ижтимоий-сиёсий вазияти нечоғли оғир, мураккаб бўлганлигини кўрсатади. Аштархонийларга бўйсунмаган ва мустақил сиёсат юритган, Мовароуннаҳр халқининг тавқи лаънатига учраган Маҳмуд қатағонбий Машраб ўлимига фатво бериб, ўзи ҳам зилзила остида қолиб ҳаёти хотима топган (1711). Бу мутафаккир шоир яшаб, ижод этган даврга, сиёсий аҳволга чизгилардир.

Энди мутафаккир Машраб яшаган давр ижтимоий-иқтисодий муҳитига мухтасар эътибор қаратамиз.

Жонийлар давлатида Бухоро ва Балх расмий даражадаги марказ ҳисобланган. Хоннинг ўзи Бухорода бўлиб, Балхни шахзодалар ёки йирик саркардалар бошқарган.

Ижтимоий ва сиёсий тарқоқликнинг кучайиши, кўплаб ўзаро урушлар, шаҳарларнинг хувиллаб қолиши, турли зодагон гуруҳлар томонидан солиқлар солиниши натижасида ўтроқ аҳолининг хонавайрон бўлиши, воҳалар ва савдо қарвонларининг талон-тарож қилиниши, буларнинг барчаси аштархонийлар даврига хос эди. Айнан мана шу сабабларга кўра, XVIII асрда Ўрта Осиё вилоятлари ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан анча оғир аҳволга тушиб қолдилар.

Қишлоқларда хўжалик издан чиқди. Ер-мулкка нисбатан солиқлар ошиб кетди. Солиқлар ҳатто бир неча йил олдин ва кўпроқ ундириб олинган бўлди. Масалан: Субхонқулихон даврида солиқлар етти хисса ортиқ олинди. Амин Бухорийнинг ёзишича, Субхонқулихон ўзининг бутун давлатидан айниқса Самарқанддан ҳар йили солиқларни етти хисса кўп оларди. Агар бирор киши бир танга солиқ тўлаши лозим бўлса, ундан етти танга ундириб олинди. Солиқлар «моли жиҳот» ва «хирож» дейиларди. Солиқ зулми жуда авж олиб деҳқонлар шунчалик хонавайрон бўлдиларки, XVIII аср бошларига келиб ҳукумат солиқларни ошириш ҳақида ўйламай қўйди. Доимий ўзаро урушлар ва чидаб бўлмас солиқлар натижасида деҳқон жамоалари хонавайрон бўлди.

Аштархонийлар даврида ҳунармандлар ҳам катта ва кичик зодагонлар томонидан турли сиқув остига олиндилар. Ҳунармандчилик ва савдо-сотик учун катта-катта солиқлар тўлаш лозим эди. Зулм ва оғир солиқлар натижасида йирик-йирик қадимги шаҳар марказлари ҳам хувиллаб қолди.

XVII-XVIII асрнинг биринчи ярмида битта иқтисодий ҳудуддаги бир элат, бир халқнинг учта мустақил, сиёсий хонликка ажралиб кетиши бу ҳудудда яшаётган халқларнинг бошига жуда оғир кулфатларни келтирди. Хонликлар ичидаги сулолавий ва ўзаро урушлари халқнинг оғир аҳволини янада оғирлаштирди. Хиваликларнинг туркман уруғларига қарши уюштирадиган мавсумий талончилик юришлари, Бухоро амирлигининг Китоб ва Шаҳрисабз бекликларига қарши олиб борган доимий юришлари, Қўқон хонлигининг Тошкент ва Хўжанд учун Бухоро амирига қарши курашлари битта халқнинг парчаланишига, ўзаро маданий савдо алоқаларининг узилиб қолишига сабаб бўлди².

¹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. «Шарқ», Тошкент, 2000, 288-бет.

² Р. Ҳ. Муртазаева ва бошқ. Ўзбекистон тарихи. Маърузалар матни. Тошкент, 2000, 66-бет.

XVIII асрнинг биринчи ярмида аштархонийлар хусусий мулкчиликка асосланган ишлаб чиқариш муносабатлари босқичида эдилар. Айрим қабилалар тепасида ворис зодагонлар – Чингизхон хонадонидан бўлган султонлар турган. Ўз навбатида қабилалар, уруғлар ва авлодларга бўлинган. Улар султонлар билан бирга қабилаларнинг етакчиси беклар ва бийлар томонидан бошқарилган. Улардан энг қудратлиси хон этиб сайланган. Хоннинг ўз лашкари бўлиб, қабилаларнинг йигитлари билан бирга унинг қуролли кучларини ташкил этган.

XVII аср бошида ҳокимият тепасига келган аштархонийларга шайбонийлардан оғир мерос насиб этган эди. Амир Темур вафотидан кейин 200 йил ўтиб, Мовароуннаҳр худуди сиёсий тарқоқлик, ўзаро қирғинбарот урушлар натижасида халқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш бутунлай издан чиқиб инқироз сари юз тутган эди.

Манғитлар вакиллари энг юқори амалдор лавозими бўлган оталиқ лавозимини, дўрмонлар парвоначи ва Қарши ҳокими лавозимини, қатағонлар Бухоро олий Ясовули лавозимини эгаллаганлар. Ана шу тарихи халқ ва давлат бойлигини талон-тарож қилувчи, мамлакатни хароб қилувчи улкан бошқарув аппарати ва амалдорларнинг катта бир гуруҳи таркиб топади. Буларни фақат бойлик ва шахсий манфаат қизиқтирган. Мамлакат, миллат ва халқ тақдири, истиқболи улар учун бегона эди.

Аштархоний ҳукмдорлар давлатда ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлаш учун хизматкор ноибларга ерлар инъом қилишни давом эттирадидлар. Бу даврга келиб ер инъом қилишнинг илгариги шакли – суюрғолдан ташқари танҳо шакли ҳам вужудга келади. Танҳо фақат ҳарбий саркардаларга бериларди. Танҳо соҳиби ернинг эгаси бўлмай, балки ерга ишлов берувчи деҳқонлардан ўлпон тўлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳарбий зодагонлар эдилар¹.

XVII асрда шаҳар ҳаёти сустривожланди. Савдо-сотик ниҳоятда кам, чунки савдо қарвонлари талон-тарож қилувчи кўчманчиларнинг хужумларидан кўп зиён кўришарди. Ҳунармандчилик асосан Хивада ва бошқа айрим шаҳарларда мавжуд бўлган, фақат оддий, арзон газламалар тўқиларди. Қимматбаҳо, сифатли газламалар Бухородан олинарди. Ҳунармандчилик ва савдо сустривожланганлигидан, XVIII аср бошларида шаҳар қишлоқдан кескин фарқ филмаган. Шаҳарликлар ҳар куни эрталаб деҳқончилик ишлари учун далаларга катнашган. Асосан буғдой ва арпа экишган, ипак қурти боқишган.

Иқтисодий инқироз хон хазинасига путур етказди. Ўз хизматкорларига ҳақ тўлаш учун Абулғозининг пули йўқ, дейишарди одамлар.

Хазина аҳволи ночорлигига қарамай, айрим хонлар мудофаа ва хўжалик аҳамиятига молик иншоотларни бунёд этишга талайгина маблағ сарфлашар эди. Чунончи, Анушахон ҳукмронлиги даврида янги Қиёт барпо этилиб, у ерга Амударё ювиб кетган шаҳар аҳолиси кўчиб ўтган, шунингдек ўша даврда Ёрмиш канали қазилган. 1681 йилда энг йирик каналлардан бири – Шохобод канали қурилиб, Шохобод қалъаси бунёд этилган.

XVIII асрда иқтисодий танглик чуқурлашди. Кўллар қамишзорларга, далалар ўтзорга, қишлоқлар бойкуш маконига айланди².

Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида Орол ўлкаси алоҳида ўрин эгаллаб, бир неча бор ажралиб чиққан ва бошқарувга гоҳ бухороликларни, гоҳ қозоқларни, гоҳ қорақалпоқларни таклиф этган.

XVIII асрнинг биринчи ярмида феодал тарқоқлик чўққисига етди, хон амир ва ўзбек қабила бошлиқлари қўлида қўғирчоқ бўлиб қолди. Амирлар ҳақиқатда ўз юртларининг мустақил ҳокимлари бўлиб оладилар. Улар қўшниларига қарши уруш олиб борадилар, хужум қиладилар, улар билан ўзлари мустақил сулҳ тузадилар. Бу амирлардан бири бир неча ўн йиллар Самарқандни идора қилиб турган. Ялангтўшбий, Маҳмудбий қатағон, оталиқ Раҳимбий ва бошқалар ўзлари бошлиқ бўлиб турган қабилаларнинг ҳарбий кучларига таяниб, бутун давлатда, вилоятлар ҳаётида муҳим рол ўйнадилар. Хон уруғи аъзолари ўртасидаги амлоқларга бўлиниш ўрнини энди айрим қабилалар ўртасидаги амлоқларга бўлиниш олди.

Бухоро хонлиги аштархонийлар даврининг охирларида марказий ҳокимиятдан бутунлай мустақил бир қанча қабила мулкларидан ташкил топганди³.

¹ Р. Шамсутдинов ва бошқ. Ватан тарихи. Иккинчи китоб. 39-бет.

² Ўзбекистон халқлари тарихи. 2-том, «Фан», Тошкент, 1993, 18-бет.

³ Ўзбекистон тарихи. 1 том, 585-бет.

Хонликлар худудида ер эгалигининг учта тури: давлат ерлари, хусусий ерлар, вақф ерлари мавжуд эди.

Хонликлар аҳолиси асосан деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик билан шуғулланар эдилар. Асосий солиқ турлари хирож, закот бўлиб, шу билан бирга турли мажбуриятлар мавжуд эди. Булар Хива хонлигида бегар, қазув, мушрифона ва бошқалар бўлса, Бухоро амирлигида уруш пайтда олинадиган фавқулодда солиқ – жул, сув ҳақи, нимсара ва бошқалар. Кўкон хонлигида эса хашар, ҳарбий хизмат мажбуриятлари бор эди.

Хонликлар бошқарувида ислом мафқураси асосий ўринни эгаллаган бўлиб, диний мутаассиблик мамлакат тараққиётига салбий таъсир кўрсатар эди. Айниқса, хонликлар ичидаги этник гуруҳбозлик фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришига тўсиқ бўлар эди. Ундан ташқари турли уруғ вакиллари давлат бошқарувида юқори мавқеига эга бўлиш учун бошқа уруғ вакилларига қарши зимдан ва очикчасига кураш олиб бориб, сиёсий беқарорликни келтириб чиқарар эдилар¹.

Аштархонийлар даврида солиқларнинг қирқтага яқин тури жорий қилинган. Бу ҳол омманинг қашшоқланишига олиб келади. Убайдуллахон ҳукмронлиги даврида пул тизими инқирозга учрайди ва халқни талаш авжига чиқади. Битта кумуш тангадан тўртта танга зарб эттирила бошланган, бундай тангаларнинг кудрати тўрт баробар пасайиб кетган. Буларнинг оқибатида мамлакат халқ хўжалиги батамом инқирозга юз тутуди, очлик-яланғочлик оддий бир нарса бўлиб қолади. «Убайдуллонома»дан: “мушкул аҳволда қолдилар, кундалик ейиш-ичишдан маҳрум бўлдилар, ҳатто кафан учун мато тополмай, жонларини худога топширдилар”².

Маъмурий амалдорлардан ташқари олий табақали диндорлар (уламо) ҳам давлат ишларига аралашардилар. Ҳатто энг кучли хонлар ва амалдорлар ҳам уламолар билан маслаҳатли сиёсат олиб борардилар. Уламолар орасида саййидлар ва хўжаларнинг мавқеи ниҳоятда баланд бўлиб, уларга жуда катта имтиёзлар берилган эди. Айниқса хўжалар орасида Жўйбор шайхларининг обрўи катта бўлган. Давлат ишларини Шайхулислом (ислом йўлбошчиси) бошқариб турган.

Бу лавозим авлоддан-авлодга қолдирилган. Аштархонийлар давлатида Шайхулислом Жўйбор шайхларидан эди.

Бухоро ва Самарқанд бозорларида пахта, ипак, юнг матолар, тайёр кийимлар, металл буюмлар, ҳарбий қуроллар, заргарлик буюмлари, бўйра, намат, китоблар, бўёқлар, ғалла, мева-чевалар сотиларди. Баъзи шаҳарларда маҳсулотларнинг маълум турларига ихтисослашган бозорлар ҳам бор эди. Бозорларда чорва моллари сотиш ҳам кенг йўлга қўйилган, йирик шаҳарларда чорва моллари сотиш учун қўй бозор, мол бозор, от бозор деб номланувчи махсус майдонлар ажратилган эди. Бухоро ва Тошкент бозорларида козок даштлардан кўплаб қўй ва от келтирилди. Туркман отлари ва маҳаллий қорабайирлар кадрланган³.

Хива хонлигида аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Хонликда ердан фойдаланишнинг уч хил шакли бўлган: мулкӣ ерлар, подшолик ёки амлок ерлар ва вақф ерлари бўлган. Хонликда уруғларга тегишли жамоа ерлари ҳам бўлиб, бу ерлар ижтимоий табақаланишнинг кучайиши орқасида айрим кишилар қўлида тўплана бошлади. Ерсиз қолган қамбағал деҳқонлар бойлар қўлида ёлланиб ишлашга мажбур эдилар. Ерлар Шоҳобод, Ярману, Ғазовот, Полвонёб, Қилич Ниёзбой, Довлан ва бошқа каналлар орқали суғорилган. Бутун сув тизими хон ва зодагонлар қўлида тўпланган. Ерсиз деҳқонлар балиқчилик ва бошқа ишлар билан шуғулланган. Хонликда солиқ, мажбурият ва ўлпонларнинг 25га яқин тури бўлган⁴.

Халқ оммасини эзиш, унинг норозиликларидан зодагонлар ўзаро ички урушларда фойдаланишди. Руҳонийларнинг айрим гуруҳлари ва дарвиш жамоалари ҳам бундан ўз мақсадларида фойдаландилар.

Аштархонийлар даврида четга чиқариладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бирмунча яхши аҳволда эди. Четдан бўлган эҳтиёж бунинг учун имкониятларни яратарди. Бу ўринда Ўрта Осиёнинг Россия билан бўлган савдо муносабатларини алоҳида таъкидлаш лозим.

¹ Р. Ҳ. Муртазаева ва бошқ. Ўзбекистон тарихи. Маърузалар матни. Тошкент, 2000, 65-бет.

² Мирмухаммад Амин Бухорий. Убайдуллонома. Тошкент, «Фан», 1957, 158-бет.

³ Ўзбекистон тарихи. Тошкент, «Университет», 1999, 288-бет.

⁴ Ҳ. Бобобеков ва бошқ. Ўзбекистон тарихи. «Шарқ», Тошкент, 2000, 140-бет.

Чунки аштархонийлар даврида бу муносабатлар мустаҳкамланиб ва кенгайиб борди. Рус давлати Ўрта Осиё билан савдо алоқаларини мустаҳкамлашидан анча манфаатдор эди. Шунинг учун ҳам бунга имкониятлар яратиб беришга ҳаракат қиларди. Ўрта осиелик савдогарлар учун энг қулай йўл Сибирь орқали савдо қилиш эди. Бу ерда савдогарлардан жуда кам солиқ олинар эди. 1735 йилда Оренбург шахрига асос солинганидан кейин бу ерда бирмунча муддат Ўрта осиелик савдогарлардан солиқ умуман олинмади. Маҳаллий савдогарлар Россияга асосан пахта матолари ва улардан қилинадиган маҳсулотларни олиб борардилар¹.

Ўрта осиелик савдогарлар Россиядан ташқари Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, Хитой каби давлатлар билан савдо-сотик муносабатларини кенг йўлга қўядилар. Убайдуллахон даврида қўшни давлатлар билан савдо муносабатларини олиб боришга катта эътибор берилган бўлишига қарамай XVII асрнинг охири XVIII аср бошларида Шарқ давлатлари билан олиб борилган савдо муносабатларига анчагина путур етган эди.

Аштархонийлар давлатининг энг ожиз ва кучсиз томони шунда эдики, уларда мунтазам армия бўлмаган. Хон армияси асосан қабилалар лашкарларидан ташкил топган. Улар оддий қурооллар: қилич, камон ҳамда найзалар билан қуроолланган эди. Ўт очувчи қурооллар камдан-кам бўлган. Қўшинда хизмат қилувчи сипоҳларга маош берилмасди, уларга босиб олинган юртлар аҳолисини талаш ҳуқуқи бериларди. Албатта, оддий ва қадимий қуроолларга таянувчи, тартиб-интизоми бўлмаган қўшин билан узокқа бориб бўлмас эди.

Аштархонийлар ҳукмронлигининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий таназзулининг туб сабабларидан бири, кейинги, айниқса, Абулфайзхон даври сарой аъёнлари ва турли табақа вакиллариининг беҳуда тўкилган қони эди. Абулфайзхон ён-веридаги ҳар бир соядан ва давлат арбобларининг хатти-ҳаракатларидан чўчиб, хунрезлик билан давлат идора этиб, кўп қон тўкилишига сабабчи бўлди. Бу эса аштархонийлар сулоласи инқирозини тезлаштирди.

Ўзбек шоири ва мутафаккири Бобораҳим Машраб тарихнинг мана шундай мураккаб бир даврида яшаб, ижод этди ва улкан ижодий мерос қолдирди.

¹ Ўзбекистон тарихи. I қисм. 289-бет.

МАДАНИЯТ ВА ИЛМ – ФАН

XVII – XVIII асрлар Мовароуннахр сарҳади Бобораҳим Машраб яшаган муҳитида маданият ва илм-фан равнақи қай ҳолатда эди? – деган табиий савол туғилади. Бу ҳолат ўша муҳитнинг шоири ва мутафаккири Машраб ҳаёти ва ижодига маълум даражада таъсир кўрсатиши табиий ҳолдир.

XVII – XVIII асрлар Мовароуннахр сарҳадида маданият ва илм-фаннинг турли соҳалари: адабиёт, тилшунослик, тарих, тиббиёт, география, фалсафа, ахлоқшунослик, илми нужум, математика, меъморчилик, тасвирий санъат, хаттотлик, наққошлик, мусиқа ва фикҳ илмлари ривожланиб борди. Бу даврда ижтимоий-маънавий ҳаётда ислом дини муҳим аҳамият касб этиб, маданиятнинг таркибий қисми сифатида ҳаётнинг барча соҳаларида фаол иштирок этди, чунки ислом дини ўша даврнинг ҳукмрон ғоясига айланган эди.

XVII – XVIII асрлар илм-фан намояндалари жаҳон маданияти ва илм-фани тараққиётига ўзларининг бекиёс ҳиссаларини кўшган буюк ватандошлари Форобий, ибн Сино, Беруний, Улуғбек, Али Қушчи, Жомий, Навоий каби мутафаккирларнинг табиий-илмий, ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий фикрлари, ижтимоий ғоялари билан кизикдилар ва уларни ривожлантиришга, кенг халқ оммасига ёйишга ҳаракат қилдилар¹.

Машраб яшаган даврдаги маданий ҳаёт ҳақида шуни қайд этиш лозимки, ҳукмрон сулола намояндалари сиёсий ҳарбий арбоб бўлиш билан бирга ўз даврларининг етук илм эгалари ҳам эдилар. Уларнинг барчаси туркийдан ташқари форс ва араб тилларини билганлар, шу тилларда хат ёзганлар, дунёвий ва диний илмлардан чуқур билимга эга бўлганлар. Имомқулихон, Назрмуҳаммадхон, Абдулазизхон, Субхонқулихонлар шеър ёзганликлари маълум. Субхонқулихон «Нишоний», Абдулазизхон «Азизий» таҳаллуси билан ижод қилган. Абдулазизхон насх ва настаълиқ хатларида ёзишни, мактуб ва иншо машқини замонасининг энг сара алломаларидан ўрганган. Кейинчалик олий ҳукмдор даражасига етишганда, Ҳиндистон, Эрон ва Румга хоҳ туркий, хоҳ форсийда бўлсин, нома битиларкан, уларни ўзи таҳрир қилиб, ёқмаса бошқатдан шахсан, ёзаркан².

Шу боис XVII асрнинг биринчи ярмида Бухоро давлатида маданий ҳаёт бирмунча ўзига хос йўсинда ва йўналишда ривожланиб борди. Гарчанд бу асрларда диний мутаассиблик, жамиятимиздаги биқиклик ва ижтимоий-иқтисодий таназзулликлар таъсирида анъанавий дунёвий фанларнинг ривожланиши у қадар кўзга ташланмаса-да, бироқ тарихшуносликка оид муҳим қимматга молик бўлган талай асарларнинг яратилганлиги, адабий-бадий ижодда кўплаб истеъдодли шоиру адиблар қалам тебратганлиги аниқдир. Бу даврда яратилган тарихий асарлар сирасига Муҳаммад Юсуф муншийнинг «Муқимхон тарихи» (1704 йилгача бўлган аштархонийлар даври тарихи), Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдуллонома» (аштархонийлар ҳукмдори Убайдуллохон (1702-1711) даври тарихий воқеаларини ўз ичига олган) сингари тарихий китобларни нисбат бериш мумкин³.

Сиёсий вазият қандай бўлишидан қатъий назар, аштархонийлар илм, фан, санъат, меъморчиликка ҳомий бўлишган. Шу сабабдан ҳам Бухорода Абдулазизхон, Убайдуллохон мадрасалари, Боқимуҳаммадхон, Убайдуллохон масжидлари, Субхонқулихон Регистонда қурдирган ҳовуз ва Бухородаги касалхона (Дорушшифо), Балхда Назрмуҳаммадхон, Субхонқулихон мадрасалари, Балх атрофидаги қатор чорбоғлар саройлари билан, Балх аркидаги иморатлар, жоме масжиди, ҳазрати Али мазоридидаги гумбаз ҳамда Имомқулихон Мадинада қурдирган чорбоғ, Нур тоғидаги ҳовуз, Маккада Каъбага кираверишдаги дарвозалардан бири остонаси учун ишлатилган олтин ва кумуш тутқичли ёғоч зиналар ҳақида маълумотлар тарих саҳифаларидан ўрин олади. Бундай савобли ишларни бошқалар, хусусан, маҳаллий сулолалар, амиру амалдорлар ҳам бажарган. Чунончи, XVII асрда Хивада Араб Муҳаммадхон, Хожамберди, Шерғозихон мадрасалари, Бухорода Пояндабий оталик масжиди, Шодимбек, Назр довонбеги мадрасалари, мазкур довонбегининг ҳаракатлари билан бунёд қилинган. Хонақоҳ ва ҳовуз; Бозори гусранд мадрасаси; Самарқандда

¹ Сирож Ғозиев. Подшохожа қарашларида ижтимоий ахлоқ масалалари. Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999, 21-22-бетлар.

² Муқимхон тарихи. Силсилот ас-салотин. 295 аб варақлар.

³ Ҳ. Бобобеков ва бошқ. Ўзбекистон тарихи. «Шарқ», Тошкент, 2000, 151-бет.

Ялангтўшбий курдирган Шердор, Тиллакори мадрасалари, Самарқанд атрофидаги Назр довонбеги мадрасаси, шаҳардаги қози Соқий мадрасаси қурилди¹.

XVII – XVIII аср бошларидаги хўжалик ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўзига хос хусусиятлар меъморчиликда сезиларли даражада акс этди. Ўзбек қабилалари бошлиқлари ва амирларнинг таъсири кучайиб, бойлиги ошиб борди. Шаҳарлар ва бутун вилоятлар деярли уларнинг қўлларида эди. Шунга ўхшаш зодагонларда бойлик кўп эди. Шунинг учун ҳам улар ўз номларини қолдириш, шон-шухрат қозониш мақсадида кўплаб меъморчилик иншоотлари курдиришга қодир эдилар. Йирик бой зодагонлардан бири Ялангтўшбий бўлиб у Самарқанд регистонида катта қурилиш ишларини бошлаб юборди ва бу ерда ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган ёдгорликлар курдирди².

Улуғбек мадрасасига ҳамоҳанг Шердор мадрасаси (1613), майдоннинг учинчи томонидан «Тиллакори» мадрасаси қурилган. Бухорода Улуғбек мадрасаси қаршида солинган бинолар, Самарқандга яқин жойда Хўжа Аҳрор қабри ёнидаги мадрасалар шу даврда қурилган. Бухорода 1712 йилда қурилган Лабиҳовуз масжиди ўша замондаги энг йирик бинолардандир.

Аштархонийлар даврига оид яна бир меъморлик ёдгорлиги Бухорода бўлиб, у Абдулазизхон мадрасасидир. Ундан ташқари XVII асрда Ўрта Осиёнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларида саройлар, масжидлар, бозорлар, карвонсаройлар, ҳаммомлар қурилдики, ўша давр ўзаро урушларга, ички жанжалларга қарамай, меъморчилик санъатида олдинги давр иншоотларига нисбатан ўзига хос томонлар пайдо бўлди. Айниқса бу давр меъморчилигида биноларни безаш усуллари таҳсинга сазовор бўлди. Безакчилар ва наққошлар ўтган асрлар меъморчилик анъаналарини ривожлантириб маълум ютуқларга эришдилар.

Хонлиқнинг кўпгина бошқа шаҳарларида ҳам йирик қурилишлар олиб борилган, хусусан, Қаршида XVIII аср бошларида иккита иншоот – Шермуҳаммадбий ва Хўжа Қурбонбий мадрасалари, Шаҳрисабз воҳасида Хўжа Илимхон меъморий мажмуаси барпо этилди.

XVII асрда Бухоро хонлигидаги йирик шаҳарларда олий таълим берувчи 150га яқин мадрасалар фаолият кўрсатган бўлса-да, улардаги таълим тизими замон тараққиётини белгилаб берадиган билимларни беришда ожиз эди. Гарчи бу даврда ҳам риёзат, хандаса, кимё, астрономия соҳасида иш олиб борган Мулло Турсун Фаризий, фалсафа ва мантиқ каби илмлар билан шуғулланган Юсуф Қорабоғий бўлса-да, бу соҳаларда ҳатто ўрта асрлардаги ютуқлар даражасига ета оладиган асарлар яратилмади. Лекин шу билан бирга маданий ҳаётни бутунлай йўққа чиқариш ҳам мумкин эмас. Аштархонийлар даврида тиббиётда Шарқ халқларига хос анъаналар, халқ табobati ўз замонасига мос равишда ривожланишда давом этди. Бухорода Субхонқулихон даврида тиббиётга ихтисослашган мадраса ва шифохона фаолият кўрсатган бўлиб, бу ерларда бу соҳага оид билимлар ўқитилиши билан бирга, беморларни даволаш ишлари олиб борилган. Шунингдек, бу даврда тарих, адабиёт каби ижтимоий фанлар фаолиятида ҳам ривожланиш давом эттирилди³.

XVII – XVIII асрларда хаттотлик санъатига, тасвирий санъатга, меъморчилик, мусиқага ҳам алоҳида эътибор берилди. Султон Али Машҳадий, Мир Али Ҳиравий ва бошқалар машхур хуснихат усталари эдилар. Рассомлардан Маҳмуд Музаҳҳиб, Жалолиддин Юсуф, Муҳаммад Мурод Самарқандийларнинг тасвирий санъат ривожига қўшган ҳиссалари салмоқлидир.

XVII аср бинокорларида ишлаб чиқариш техникаси такомиллашган, нафис панжара ишланиш кенг расм бўлган. Бухородаги кошин нақшли панжаралар билан безалган Мир Араб мадрасаси, Абдуллахон, Кўкалдош мадрасаси, Баҳоуддин Нақшбанд мақбараларига қўйилган мраморсимон оҳақтошлардан ясалган панжаралар ажойиб меъморчилик намуналаридандир⁴.

XVII – XVIII асрларда Мовароуннаҳр маданияти ҳар қандай зодагон маданиятга хос хислатларга эга эди. Фан, санъат ва маорифдан асосан аҳолининг юқори қатлами баҳраманд эди. Муҳим маданий бойликларнинг катта қисмини тарихда номи қолмаган халқ усталари яратган бўлишига қарамай, баъзан зулмдан эзилган, юқори қатлам орасидаги низо-

¹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. «Шарқ», Тошкент, 2000, 272-бет.

² Ўзбекистон тарихи. Тошкент, «Университет», 1999, 290-бет.

³ А. Сағдуллаев ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. 186-бет.

⁴ Ҳ. Бобобеков ва бошқ. Ўзбекистон тарихи. 130-бет.

жанжаллар дастидан хонавайрон бўлган халқ оммаси фан, санъат ва маориф ишларига яқин йўлатилмасди. Шубҳасиз, халқнинг ўз маданияти алоҳида ривожланиб борди: халқ ўз дostonларини, кўшиқ ва эртақларини, мақол ҳамда масалларини яратди. Халқ оммаси мана шу кўшиқлар, мақол ва маталларда ҳукмрон тузумга қарши ўз норозилигини изҳор қилди.

Оғзаки халқ ижодидан бизгача етиб келганлари бошқа тарихий шароитларни акс эттирувчи кейинги даврдаги ижод қатламлари билан аралаш-қуралаш бўлиб кетган. Моддий маданият буюмларига келганда, улар бутунлай йўқолиб кетган.

Халқнинг маънавий ҳаётига баъзи руҳонийлар ақидапарастларча муносабатда бўлар, ҳар хил расм-русумлар, урф-одатларга рия қилишни назорат қилиб, хурофот, бидъатларни қувватлаб туришарди. Кўчманчи ва ўтроқ аҳолига дарвиш ҳамда сўфий жамоаларининг таъсири айниқса кучли эди.

Ҳукмрон табақа маданиятига ҳам мусулмон руҳонийларининг таъсири зўр бўлди, шу билан бирга диний мафкуранинг энг ашаддий намояндalари бўлган дарвиш шайхларнинг исканжаси тобора кучайди. Бу нарса фан соҳасида айниқса кучли бўлди. XVII – XVIII асрларда биз энди Улуғбек ва унинг Самарқанд расадхонаси ходимлари Али Қушчи ва бошқа олимлар каби сиймоларни учратмаймиз. Ҳақиқий «дунёвий» фан ўрнини мусулмон диний ақоидлари мустаҳкам эгаллаб олди. Бухоро эса унинг таянчидан бири бўлиб қолди¹.

XVII – XVIII асрларда Самарқанд аввалгидек йирик шаҳар бўлиб қолаверди. Бу ерда ижтимоий фанлар ривожланди, тиббиёт равнақ топди ва ихтисослашди, тасвирий санъат юксалди.

XVII асрда Самарқандда йирик олимлар Маҳмуд ибн Муҳаммад, математик ва астрономлар Мирам Чалабий (Али Қушчининг шогирди), мулло Назмуддин ибн Муҳаммад (Али Қушчининг шогирди), таниқли шоир ва созанда Давоий Самарқандий, олим ва шоир, миниатюрачи рассом Муҳаммад Дарвеш Самарқандий, олим, шоир Дўстий Самарқандий ва бошқалар илмий иш олиб бордилар.

Самарқандда адабий ижод асосан ҳунармандчилик – савдо муҳитида ривожланган эди. Таниқли шоирлар, олимлар ва аскиячиларнинг иштирокида мадрасаларда, хусусий кишиларнинг уйларида, ҳунармандлар ва савдогарларнинг дўконларида, бозорларда кизиқарли йиғилишлар, мунозаралар ўтказилар эди. Турли ижтимоий табақа намояндalарининг адабий ижодга жалб этилиши бадий асарларнинг мазмуни ва тилига ўз таъсирини ўтказди.

XVII асрнинг 40-йилларидан бошлаб Самарқандда адабиёт ривожлана бошлади. Атоқли шоир Малехо Муҳаммад Баде ибн Муҳаммад Шариф Самарқандий ўзининг «Музоққир ал-Асхоб» (1692) асарида Мовароуннаҳрдаги 2000га яқин шоирнинг номини тилга олади. Шу шоирларнинг кўпчилиги самарқандлик бўлган ёки Самарқандда ижод қилган².

Дин ва шариат таомилларига рия қилиш талаб этилар, шунинг учун биринчи навбатда масжид ва хонақоҳлар қуришга, дарвеш ва қаландарлар учун такяхоналар бино қилишга катта эътибор берар эдилар. Ўрта Осиёнинг шаҳар ва қишлоқларида кўзга ташланадиган биринчи бино – нақшинкор ва кунгурадор, чиройли ва баланд, ҳашаматли ва маҳобатли Аллоҳнинг уйи ва мусулмонларнинг ахлоқий тарбия маскани масжидлар эди. Фарғона, Хоразм, Самарқандда масжид ва хонақоҳлар оз эмас эди³.

Мовароуннаҳр мадрасаларида таълим олаётган талабаларнинг ҳаммаси маълумот даражасига қараб уч гуруҳга бўлинарди.

Барча хизматчилар ва мадрасада таълим олувчилар натура ва пул билан таъминланар эди. Юқори гуруҳнинг ҳар бир талабасига ҳар ойда 45 мис динор ва ҳар йили 60 ман ғалла, қуйи гуруҳ талабасига 25 динор ва йилига 30 ман ғалла берилар эди.

Бошланғич мактаб ва мадрасаи олияларда ўқувчи ва талабаларни диний таълимот негизлари ва адабиёт билан араб ҳамда тожик тилларида таништарардилар, шуниси ҳам борки, мактаб таълимоти исломий бўлишига қарамай, классик-мумтоз форс-араб адабиётини тарқатиш ва унинг таъсирини ўтказиш, гарчи бу адабиётда жуда кучли ифода қилинган бўлса-да, истисно қилинмасди. Эски мактабларда Ҳофиз, Бедил билан бир қаторда туркий-ўзбек тилда ёзилган асарлар, масалан, Навоий асарлари, озарбайжон адабиётининг классиги

¹ Ўзбекистон тарихи. I том, 592-бет.

² В. Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. «Ўқитувчи», Тошкент, 1980, 11-бет.

³ Самарқанд тарихи. Биринчи том. «Фан», Тошкент, 1971, 193-бет.

Фузулий асарлари ўқитиларди. Фузулийга келганда шуни айтиш керакки, у жуда машхур эди, унинг асарларининг қайта-қайта нашр этилиши фикримизнинг далилидир¹. (Туркистонда унинг асарлари қиркка яқин нашр этилган).

Самарқанд мадрасаларининг ўқув курсида тилшунослик, мантик, дин қоидалари, қонуншунослик (шариат) ҳодисаларнинг шарҳи ва пайғамбар Муҳаммад (с. а. в.)нинг ривоятлари тўғрисидаги таълимот бор эди. Ўқувчилар ҳисоб бўйича тўрт амални, алгебра ва геометриянинг бошланғич қисмини ўрганишарди. 16 ёшдан бошлаб 8 йилдан то 15 йилгача, ва ҳатто 20 йилгача ўқитилар эди. Бинобарин, баъзи бир кишилар мадрасани 36 ёшда ва бундан ҳам катта ёшда тамомлаб чиқишлари мумкин эди. Мадрасада жума ва пайшанба кунлари, рамазон ойи ва ёз фаслида уч ой таътилдан ташқари ҳар куни эрта тонгдан кун ботгунча маърузалар ўқиларди.

Мактабнинг иккинчи тури – қуйи мактаб эди. Бу мактабларда 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар саводга ўргатилар ва дини ислом йўлида тарбияланар эди.

Самарқандда ҳар бир маҳалла, ҳар бир гузарда мактаб бор эди. Яқин атрофдаги масжиднинг имоми ана шу мактабнинг домласи ҳисобланарди. Мактаблар ўқувчиларнинг ота-оналаридан йиғиладиган маблағ ҳисобига сақланарди. Бундай мактабларда ҳам ўқиш муддати белгиланмаган эди. Қизлар учун ҳам мактаблар бор эди.

XVII асрда китобларни безатиш ва ҳуснихат санъати бениҳоя юксак даражага кўтарилганди. Миниатюралар соҳасида Бухоро ва Самарқанд мактабларининг ўтган асрдаги анъаналари давом эттирилди. Самарқандлик миниатюрачи рассомлар, хаттот-муқовасозлар Мовароуннахрдагина эмас, балки бошқа мамлакатларда ҳам шуҳрат қозонган эдилар. Бўёкнинг ранг-баранглиги, расмнинг нозиклиги, ҳаракатни моҳирона бера олиш, кўп фигурали композицияларни яратиш санъатини XVI – XVII асрлардаги миниатюрачилар яхши эгаллаб олишган эди².

Самарқандлик мусаввир Муҳаммад Шариф Самарқандий 1616 йили Саъдийнинг «Бўстон» достонига ишлаган тўртта миниатюрадан бирини чизган. Муҳаммад Дарвиш Самарқандий 1618 йили ўзининг «Достон Зебо Зевар» асарига тўртта миниатюра ишлаган. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида етти та миниатюра бор.

Халқ театр санъати ривож топди, кўғирчоқ театри XVII асрнинг охиридан бошлаб тез ривожланди. Мусиқа соҳасида уста созандалар етишиб чиқди. Машхур муаррих ва шоирлар Биноий, Ҳофиз Таниш Бухорий, шоирлардан Лутфий, Ҳасан Ансорий, хаттот Маҳмуд Исҳоқ, табиб Мавлоно Ҳасан Самарқандий ва бошқалар етишиб чиқди.

«Ўн икки маком» деб аталган мусиқа назарияси бўйича кўпгина рисолаларнинг муаллифи Мавлоно Кавкабий, мусиқа назариясига оид рисолаларнинг муаллифлари Хўжа Муҳаммад ибн Абдулҳасан Самарқандий, Дарвиш Алилар мусиқа соҳасида йирик назариётчилар эди³.

Абдулазизхоннинг Бухорода қурдирган бинолари айниқса машхурдир. Булардан бири – Бухородаги Улуғбек мадрасасининг рўпарасига солинган бўлиб, у Улуғбек мадрасаси билан ягона ансамблини ташкил қилади. Жуда ҳам баҳайбат қилиб солинган бу каттакон бино ҳаддан зиёда нақшланган; деворларининг пастки қисми мармар панель билан қопланган бўлиб, қимматбаҳо ўймакор кошин ва сирланган гулдор парчинлар ўрнатилган, гумбазлари жуда мураккаб, «сталактит» деб ном олган формада ганж нақшлар билан безатилган, ниҳоят масжиднинг ички деворлари, дарс ҳамда бошқа хоналари жуда нафис ва ажойиб нақшлар билан безатилган. Безакларда Хитой ва Ҳиндистонни эслатиб турувчи аллақандай тасвирий ифода ва ижро маҳорати кўзга ташланади.

XVIII асрнинг биринчи ярмидаги баъзи тасвирий санъат ва меъморчилигининг машхур ёдгорликлари бизнинг замонимизгача етиб келмаган. Бухоро регистонининг Ғарбий томонида 1712 йилда қурилган Болоҳовуз масжиди ўша замондаги энг йирик бинолардандир, лекин у ўзининг меъморлик-бадийлик сифатлари жиҳатидан XVII асрда қурилган бинолардан кейин туради.

XVII асрда қўлёзма китобларни безаш ишлари жуда юқори даражада эди. Ўзбекистон шаҳарлари, айниқса, Бухоро ўзининг ажойиб хаттотлари билан шуҳрат қозонган эди, булар

¹ Ўзбекистон тарихи. I жилд. 593-бет.

² Самарқанд тарихи. Биринчи том. 296-бет.

³ История Узбекистана. Ташкент, «Фан», 1999, 408-410-стр.

хуснихат санъатида ривож топган, Самарқанд қоғозининг сифати эса жуда юқори турган темурийлар замонидаги машхур хаттотларнинг шогирдлари эдилар. Абдулазизхоннинг хаттоти Ёдгор XV асрдаги машхур Хирот хаттотларидан қолишмайдиган ажойиб санъаткор эди.

Хиротлик рассомларнинг Бухорога кўчиб ўтиши билан жуда кўп ажойиб санъаткор рассомлар тўпланган эди. Машхур уста Жаҳонгир шундай рассомлардан бўлиб, донғи кетган Бехзод унинг шогирди эди. XVII асрда яшаган турк ёзувчиси Авлиё Чалабий маълумотида кўра, Султон Боязид II замонида Туркияга Ўрта Осиёдан уста Бобо наққош кўчиб келиб, турк рассомларига устозлик қилади, натижада Туркияда рассомчилик ривожлана бошлайди, бу эса Бухорода тасвирий санъатнинг ривож топганидан далолат беради¹.

Тарихнависликда XVII аср бошларида хожа Самандар Термизийнинг ўрта аср мусулмон бадий-тарихий адабиётида ноёб ҳисобланган «Дастур ал-мулук» асари, Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдуллонома», Муҳаммад Вафо Карманогийнинг «Тухфат ул-хоний», Абдурахмат Давлат (Толё)нинг «Тарихи Абулфайзхон» каби тарихий асарлари яратилди. Бу асарларда хон ҳокимиятини, шахсини улуғлаш билан бирга жамиятдаги инқирозли ҳодисалар ўзаро урушларнинг натижаси эканлиги тўғри англаниб, бунга барҳам беришнинг асосий чораси марказий ҳокимиятни адолатли бошқаришда деган фикрлар ҳам илгари сурилган. Ушбу тарихий асарларда мусулмон оламида кенг тарқалган афсоналар, ривоятлар, шеърлар ва насрий шаклдаги ҳикматли сўзлар, Қуръон оятлари ва диний китоблардан парчалар тарихий воқеликка ўта маҳорат билан бирлаштирилиб юборилганлигини кўрамыз. Бу аштархонийлар даври тарихшунослигида ҳам ўрта аср анъаналари давом эттирилганлигини кўрсатадиган муҳим белгидир².

XVII асрда Ўзбекистон шаҳарларида ўймакорлик (ёғоч) ва сангтарошлик санъати юқори босқичга кўтарилди. Бронза ва кумушдан ишланган идишларга битилган нозик нақшлар юксак санъати билан ажралиб турар эди. Темирчилик маҳсулотлари анчайин содда бўлса-да, ишлов бериш санъатининг пухта ва етуклиги эътироф қилинади.

Мисдан тайёрланган буюмлар ғоят нафис бўлган. Ўрта Осиё ҳунармандчилигида кулолчилик алоҳида ўрин эгаллаган. Тайёрланган идишларнинг шакл бойлиги ва бадий безаги ҳамма таважжуҳ уйғотиб келган.

Ўрта Осиё шаҳарларида кулолчилик ва мисгарлик усталари қаторида чармсозлик, тўқувчилик санъат аҳли ҳам юксак бўлган. Уларнинг маҳсулотлари ўз гўзаллиги, ранг-баранглиги, нақшлари ва гулдорлиги билан Москва ва Сибирь давлатларида машхур бўлган³.

XVII-XVIII асрлар адабиётида шаҳар демократияси дид ва талаблари билан ўзини намоён қилади. Убайдуллохон вақтида Бухоро шоирлари орасида энг машхурлари – «Убайдуллонома» муаллифининг таърифи билан айтганда, «Бухоро шоирлари тахтига минган шаҳзода» – Саидо Насафий, шоир Қосимхўжа, касби каштачи самарқандлик Фитрат ва ниҳоят пардозчи уста Мулла Мулхан эди.

Ўрта Осиёдаги кўп шаҳарлар қадиман ўзининг кутубхоналари ва қўлёзмалар коллекциялари билан шуҳрат қозонган эди. Чунончи, Бухоро ва Самарқанд маърифат ўчоқлари, маданият ва илм-фан маркази сифатида жуда кўп қўлёзма ва тошбосма китобларга бой бўлган илм даргоҳлари эди. Ҳукмдорлар ва нуфузли шахсларнинг ҳам бой кутубхоналари бўлиб, улар машхур олим ва шоирларнинг асарларини йиғиш ишларига ҳомийлик қилар эдилар.

Бухоро кутубхоналаридаги, хусусан мадраса ва сарой аҳли ихтиёридаги аксар асарларнинг мазмуни дин ва ҳуқуқ соҳаларига оид эди. В. И. Беляев Бухородаги бир кутубхона кўздан кечиргач: «Булар ҳукмрон табақага хизмат қилган анъанавий схоластик доираси хусусида ва узоқ асрлар мобайнида ҳадсиз-худудсиз илмий ва дарслик адабиётларни юзага келтирилгани ҳақида фикр юритиш имкониятини беради», — деб ёзган эди. Бу кутубхоналарда, шунингдек, тарих, адабиёт, мантик, грамматика, риторика (илми бадеъ), тиббиёт, математика (риёзиёт) ҳамда астрономия (илми нужум)га оид асарлар йиғилган эди⁴.

Аштархонийлар меъморчилик ишларида фаол қатнашиб ўзларидан қатор ёдгорликлар қолдирганлар. Бу ишда нафақат сулола намояндалари, балки ўша даврнинг кўзга кўринган

¹ Ўзбекистон тарихи. I том, 559-бет.

² А. Сағдуллаев ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. 186-бет.

³ М. Нуриддинов. Юсуф Қорабоғий ва Ўрта Осиёда XVI-XVII асрлардаги ижтимоий-фалсафий фикр. «Фан», Тошкент, 1991, 10-бет.

⁴ Ўша асар, 11-бет.

зодагонлари, ҳукмдорлари ҳам четда қолмаганлар. Мадрасаларнинг таъмирланиши, Бухоро шаҳар девори таъмири, Мир Араб, Абдуллахон, Модарихон, Фатхулла Кушбеги, Мухаммадхожа, Порсо, Жўйбор, Марақанд, Қулбобо, Кўкалдош мадрасалари, Мадрасаи Калон, Хожа Зайниддин, Баланд, Чор Бакр, Кўкалдош масжидлари, заргарлар, саррофлар, телпақфурушлар тимлари, чорбоғлар, ҳаммомлар, бозорлар, турли шаҳарларда қурилган кўплаб қарвансаройлар ва бошқа қатор қурилиш, таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

XVII-XVIII асрларида кўшиқлар, ҳикоялар ва эртақларда оммавий халқ ижоди намоён бўлди. Халқ театр санъати кенг ривож топди. Икки турдаги театр бор эди. Биринчи турдаги театрлар сайёр артистлар (акробатлар ва жанглёрлар, дорбозлар, раққослар, фокусчилар, айиқ ва эчкиларни ўргатувчилар)нинг кўча-кўйда кўрсатадиган томошаларидир. Қизиқчилик – аскиябозлик халқ театрининг энг ёрқин тури эди. Тўйлар, байрамлар сайёр созандаларсиз ўтмас эди. Халқ театри артистлари, шу жумладан, созандалар ва хонандалар созанда деган уюшмани ташкил этишарди.

XVII асрга келиб Самарқандда қурилиш ишлари яна жонланиб кетди. Аштархонийлар даврида қудратли вазир Имомқулихон Нодир девонбеги ташаббуси билан баъзи қурилишларга қўл урилди. Унинг фармони билан Самарқанднинг Жанубий қисмида Намозгоҳ масжиди қад кўтарди. Масжид узунасига кетган, уч томонидан равоқлар билан очилган ва фақат Жанубий Ғарб томондан бекилган эди. Бу томонда меҳроб жойлашган эди. Бинонинг марказида кошинлар билан ишланган баланд гумбаз бор эди¹.

Самарқанднинг Жанубий чеккасида дарахтлар ва ўтлар ўсиб ётган кичкина қабристонда Абди Берун мақбараси бор. Бу мақбара XVII асрда қурилган. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу даврда дахмалар деярли қурилмас эди, чунки кўзга кўринган ҳокимлар ва рухонийлар ўша вақтда мадраса ва хонақоҳлар ёнига дафн этиларди. Абди Берун мазоридида мутаносиб пештоқлар мавжуд.

XVIII асрда Шердор мадрасасининг Шимолий-Шарқий бурчагида қад кўтарган Тим (Чорсу) ўзига хос услубда ажойиб қурилган ёдгорлик намунаси. Чорсу олти бурчакли бинодан ибрат бўлиб, унинг марказида баланд гумбаз ва ундан ажраладиган олти йўлак бор. Булар шаҳар дарвозалари: Бухоро, Қаризгоҳ, Сўзангарон, Феруза, Оҳанин ва Ҳайдарободга қараб кетади. Самарқанднинг олти асосий дарвозаси Темур даврида ана шундай деб аталган эди.

XVIII асрда Самарқандга кўчирма қилиш туфайли келган аҳоли орасида меъморлар бор эди, улар ўзларининг қуриш анъаналарини сақлаб қолган эдилар. Самарқандда Бухоро, Хива, Тошкент, Фарғона ва бошқа типдаги уй-жой бинолари бор эди. Улар ўзига хос архитектура мактабини яратдилар².

Кейинги даврларда шарт-шароитлар қурилиш, меъморчилик ва санъатнинг ривожланиши учун етарли имконият яратиб бермади. XVII асрнинг иккинчи ярмида хўжалик вайронагарчилиги, ўзаро урушлар, шаҳар ва қишлоқларнинг бузилиши, халқ ҳаракатлари, Хива хонларининг ҳужумлари ҳамда кўчманчиларнинг хуруж қилган даври эди. Айниқса Марказий Мовароуннаҳр ва Балх ҳароба ҳолга келиб қолди. Аҳоли ҳар томонларга тарқалиб, Бухоро ва Самарқанд каби маданий марказлар вайрона ҳолатда эди.

Ўрта Осиёнинг XVI – XVII асрлардаги маданий ҳаёти ниҳоятда оз ўрганилган. Вамбери бу даврда маданият таназулга юз тутган эди деб ёзган эди. Бунга қўшилиб бўлмайди. Бу хусусда Ўрта Осиё тарихининг йирик тадқиқотчиси П. П. Иванов фикрини келтириш ўринлидир: «Дарҳақиқат, Ўрта Осиёда эски маданий анъаналар XVI асрда ҳам, XVII асрда ҳам сақланиб қолди. Ўзбекларнинг ҳукмрон синфи ўтмиш маданий анъаналарига адоват кўзи билан қарамади, аксинча уларни давом эттириш ва ривожлантиришга интилди».

XVII – XVIII асрларда илм-фан, санъат ва маърифатдан, асосан, жамиятнинг юқори табақалари баҳраманд бўладилар. Шунга қарамай, муҳим маданият дурдоналари халқнинг номаълум санъаткорлари томонидан яратилган эди. Турли нифоқ ва урушлар туфайли меҳнат аҳли ижод жараёнига дахлсиз эди. Заҳматкашлар ўзига хос маданият намуналарини яратар эдилар.

¹ Самарқанд тарихи. Биринчи том. 300-бет.

² Ўша асар, 304-бет.

Шуларга қарамай халқ орасидан машҳур алломалар, файласуф ва тарихчилар, шоир ва адиблар етишиб чиқди. Улар ўз ижодларида илғор анъаналарни ривожлантиришга, халқ армон ва орзуларини ҳаққоний ифодалашга ҳаракат қилдилар.

Маданият мусулмон руҳонийлари таъсирида эди. Зероки, диний мафқуранинг намояндалари – дарвешлар, шайхлар тобора куч йиғиб борардилар. Бу айниқса, илм-фан ривожидида ўз аксини топар эди. Ҳақиқий илм ўрнини мусулмон динидаги сунний мазҳаб мустаҳкам эгаллаб, аниқ ва табиий фанлар қувғинга учраган эди¹.

XVII – XVIII асрларда Хива ва Қўқон хонликлари ва Бухоро амирлигида таълим, фан ва маданият ҳақида гап борганда шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ва биринчи навбатда маданият ва мафқурада ислом дини ғояси марказий ўринни эгаллар эди.

Баъзи тўсиқларга қарамай таракқиётнинг тарихий одимини тўхтатиб қола олмадилар, маънавий бойликларнинг тарқалиши ва йиғилиши жараёнига тўсқинлик қила билмадилар. Бу давр илғор кишиларини Улуғбекнинг илмий ғоялари, Жомий ва Навоийларнинг ҳайратомуз асарлари руҳлантирар эди. Улар илм-фан равнақи, инсон билими уфқларини кенгайтириш учун ислом ақидаларига қарши кураш олиб бордилар, ўз асарларида ердаги ҳаёт гўзалликларини тараннум этдилар. Бу давр Ўрта Осиё, Эрон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар олимларининг фалсафий меросига, дунёвий илмларга бўлган қизиқиш, гуманистик ғояларнинг ривожланиши, ўтмишдаги олимлар асарларини ўрганиш билан характерланади².

Ўзбек халқининг ана шундай қадимий, бой оғзаки ва эпик, фалсафий, мазмунан тафаккурга бой мероси XVII – XVIII асрларда ҳам мавжуд эди. Бу асарлардан «Гўрўғли» туркумидаги ва бошқа ўнлаб жанрномалар, тарихий, фалсафий, панд-насихат мазмунидаги романтик ҳамда қахрамонлик асарлари: «Тоҳир ва Зухра», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Сайёд ва Ҳамро», «Асли ва Карим», «Санобар», «Юсуфбек ва Аҳмадбек», «Алибек билан Болибек», «Хуршид ва Маликаи Дилором» каби дostonлар, уларнинг фольклор ва халқ китоби хиллари тарқалди³. Айниқса XVII асрдан бошлаб қатор ўзбек шоирлари бой фольклор ашёлари, айрим ҳолларда эса ёзма адабий манбалар асосида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ўша давр адабий фалсафий илмида «ривоят», «қисса» номлари билан юритилган халқ қарашлари руҳидаги асарларни яратдилар.

Жонийлар давридаги бадий ва тарихий адабиёт соҳасидаги илмлар бирмунча кўзга кўринарлидир. Бу даврда Бухорода ва Балхда адабий марказлар бор эди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бу даврда Ўрта Осиё халқлари адабиёти аввалги даврларга нисбатан сезиларли ривожланди. Субхонқулихон даврида тартибнинг қаттиқлигидан баъзи бир сарой шоирлари мамлакатни тарк этдилар. Аммо шаҳар ҳунармандлари орасида тушқунлик кам эди. Ҳунармандлар орасидан машҳур шоирлар етишиб чиқдилар⁴.

Бу даврда ижод қилган шоирлар ичида Турди Фароғий (XVII аср) фаолиятини алоҳида айтиб ўтиш лозим. Ўзбекларнинг юз уруғидан бўлган бу шоир Абдулазизхон даврида анча нуфузга эга бўлиб сарой доираларига яқин турган бўлса, Субхонқулихондан анча зулм кўради ва хонга қарши кўтарилган кўзғолонда ҳам иштирок этади. Ундан 400 мисрадан ортиқроқ шеърлар бизгача етиб келган бўлиб, уларда меҳнаткаш халқ аҳволига ачиниш, амалдорлар зулмини қоралаш, ўзаро тотувликка, тинчликка чорловчи ғоялар етакчи ўрин тутади. Турди Фароғий айниқса «Тор кўнгуллик беклар», «Субхонқулихон ва унинг амир амалдорлари ҳақида ҳажв» каби шеърлари билан машҳурдир⁵.

Даврининг илғор зиёли мутафаккирларидан бири Фитрат Зардўз Самарқандий 1657 йилда Самарқандда тилла суви билан ишлов берувчи ҳунарманд оиласида дунёга келди. Унинг ўзи ҳам бу ҳунарни пухта эгаллади. 1685 йилда у Бухорога бориб мадрасада ўқийди. Шоир қийинчилик билан кун кечириб, XVIII асрнинг бошларида вафот этади. Фитрат Зардўз назм ва насрда ижод этган. Унинг ижодий меросидан бизгача «Толиб ва Матлаб», маснавийси, битта сатира, бир неча асарлари етиб келган. Унинг девони ҳалигача топилгани йўқ.

¹ М. Нуриддинов. Юсуф Қорабоғий ва Ўрта Осиёда XVI-XVII асрлардаги ижтимоий-фалсафий фикр. 17-18-бетлар.

² М. Нуриддинов. Юсуф Қорабоғий ва Ўрта Осиёда XVI-XVII асрлардаги ижтимоий-фалсафий фикр. 20-бет.

³ Ўзбек адабиёти тарихи. III жилд. «Фан», Тошкент, 1978, 78-бет.

⁴ Ўзбекистон тарихи. Тошкент, «Университет», 1999, 291-бет.

⁵ А. Сағдуллаев ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият таракқиёти. 187-бет.

Сайидо Насафий бу даврнинг йирик шоирларидан эди. У Абдулазизхон, Субхонқулихон ва Убайдуллахон замонларида яшади ва ижод қилди. Ўз ижодий фаолиятининг дастлабки даврида Сайидо бир неча ҳукмрон доира вакиллари билан яқинлашиб, уларнинг таъсири остида бир нечта қасидалар битди. Унинг ижоди халқчиллиги, ҳаққонийлиги ва ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Шоирнинг «Баҳориёт» асари айниқса катта аҳамиятга эгадир. Шоир бу асарида ҳайвонлар образи орқали жамиятдаги турли ижтимоий қатламларни ифодалар экан, оддий меҳнат аҳлини чумолига қиёслаб, агар улар жипслашса шерни ҳам енгиши мумкин деган ғояни илгари суради. Сайидо Насафий аштархоний хонлари даврида биринчи бўлиб ўз жамиятини танқид қилиб, меҳнаткаш оммани ҳимоя қилиб асарлар яратди¹.

XVII асрда адабий асарлардан ташқари тарихий асарлар ҳам яратилган. Бу давр тарихчиларидан бири Маҳмуд ибн Вали бўлиб, унинг «Ахборотлар асосида сирлар денгизи» («Баҳрул-ал-асрор фимунакиб ал-ахбор») номли тарихий асари маълумдир. Бу асар ўзига хос комус бўлиб, тўрт китобдан иборат. Асарнинг тарихий қисми Чингизхон давридан аштархонийлар давригача бўлган даврни ўз ичига олиб, бу ерда ўша давр Ўрта Осиё тарихи ҳақида қизиқарли маълумотларни учратиш мумкин.

Бу даврларга оид тарихий асарлар орасида Муҳаммад Амин Яроқчининг «Тарих уммони» («Муҳит ат-таворих») асарини санаб ўтиш лозим. Яроқчи бу асарида аштархонийлар даври ҳақида маълумотлар беради².

XVII асрда Самарқандда кўпгина шоирларни бирлаштирган адабий мактаб вужудга келди. Унинг вакиллари ижодида ҳам ҳалол меҳнатни улуғлаш, зулмни қоралаш ва шарқ шеърлятига хос бошқа ғоялар етакчи ўрин тутди. Самарқандлик бу ижодкорлар ичида атторлик билан шуғулланган Ғофур Самарқандийни, темирчи Масиҳони, этикдўзлик билан ҳаёт кечирган Манзур Самарқандийни ва бошқаларни адабиёт, хусусан, шеърлят ривожига бирмунча ҳисса қўшган ижодкорлар сифатида айтиб ўтиш мумкин.

Асли Ўрта осиелик бўлган ва Ҳиндистонда яшаб ижод этган Мирза Абдулқодир Бедил (1644-1730) шеърляти ҳам ўзининг чуқур фалсафий мазмуни, ҳаётбахш ғоялари билан ажралиб туради. Унинг бой илмий ижодий меросининг умрбоқийлиги, яшовчанлиги боиси ҳам мана шунда.

Тадқиқ этаётган даврда Хива хонлигининг маданий ҳаёт жараёни ҳам алоҳида кечганлиги шубҳасиз. Азалдан Хоразм диёри бағридан қанча-қанчалаб доврўғи оламни тутган алломаю киромлар, олиму фузалолар, машхур шоиру адиблар етишиб чиққанлигига кўхна тарихимиз жонли гувоҳдир. Бу ўринда XVII асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган ҳукмдор ва ижодкор, етук тарихчи олим Абулғози Баҳодирхон (хонлик даври 1643-1663 йй.) фаолияти айрича аҳамият касб этади. У ўз замонасида нафақат мамлакатнинг иқтисодий ва маданий ҳаётининг юксалишига, сиёсий барқарорлигига, балки шу билан бирга илм-фан ва бадий ижод равнақиға ҳам катта улуш қўшди. Унинг қаламига мансуб «Шажараи турк» ва «Шажараи Тарокима» номли асарлар ўзининг тарихий қиммати, бой ишончли манбаларга тўлаллиги билан ҳозирда ҳам катта аҳамият касб этади. Хива тарихшуноси Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг маълумотиға қараганда Абулғозий тиббиётға оид йирик асар ҳам ёзган экан. Бу асар Санкт-Петербургдаги кутубхонада сақланмоқда.

XVII асрда Абулғозийдан ташқари, Мавлоно Ҳасанқули Аҳсаний, Вафой, Нодир каби ёзувчи-шоирлар, XVIII асрда Умархўжа Ҳожи Ҳевакий, Мавлоно Насриддин бин Омонхўжа бин Гулшан, Яхё Байзо, Саид Муҳаммад охунд, шунингдек, Муҳаммад Тохир Хоразмий, Равнақ, Роқим, Нишотий, Андалиб, Муҳаммад Хоксор, Киромий, Умар Боқий, ниҳоят Мунис каби шоирлар, ёзувчилар, хаттотлар яшагани ва ижод қилгани маълумдир.

XVI – XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёдаги ҳар учала амирлик ва хонликларнинг маданий тараққиётига хос бўлган умумий ўхшашликлар диққатға лойиқдир. Бу ўхшашликларнинг сабаблари ҳам бир-бириға жуда ўхшашдир. Биринчидан, Ўрта Осиё худудидаги давлатлар XV асрларда маданий тараққиётда дунёдаги энг етакчи ўринларда турган бўлса, XVI – XVII асрлардан эътиборан бу худудда тушкунлик бошланди. Иккинчидан, ҳар учала давлат бирликлари ўзлари алоҳида мустақил фаолият кўрсатсалар-да, давлат идора ишлари ўзбек ва форс тилида олиб борилган. Бухорода форс, Қўқонда форс-

¹ Ҳ. Бобобеков ва бошқ. Ўзбекистон тарихи. 152-бет.

² Ўзбекистон тарихи. I қисм. 292-бет.

ўзбек, Хивада ўзбек тили расмий тил бўлиб ҳисобланган. Турмушда, адабий ижодда ўзбек ва форс тиллари кенг қўлланилар эди. Учала давлатда ҳам аҳолининг асосий қисми туркий тилда сўзлашган. Учинчидан, анъанага кўра фанда, адабиёт ва мактабда араб ва форс тилининг обрўси сақланиб қолганди.

Бухоро амирлиги. Қўқон ва Хива хонликларида халқ таълимининг тузилиши ва фаолияти деярли бир хил бўлган. Уларда мадрасалар, мактаблар ва қорихоналар мавжуд эди. Мадрасалар мусулмон олий ўқув юртлари ҳисобланган¹.

Мактаблар масжидлар қошида ва хусусий уйларда ташкил этилган².

Машраб Наманган шаҳрида шундай масжид ва хусусий уйда саводини чиқарган эди.

XVII – XVIII асрлар Мовароуннаҳр маданияти ва илм-фани ўзига хос равишда ривожланишда бўлди. Аштархоний ҳукмдорлар томонидан талай меъморий обидалар қад кўтарди.

Халқнинг кўпроқ қуйи поғонасидан санъат ва адабиёт вакиллари етишиб чиқдилар, улар ўз даври, ижтимоий ҳаёти ҳақида халқ кайфиятини ифода этиб, назм ва насрда ижод қилдилар. Мусиқа, ҳунармандчилик соҳасида бақувват асарлар яратилди, маънавий бўшлиқ тўлдирилди.

Халқ кайфиятини ифода этиб қуйлаган забардаст шоирлардан бири оташин мутафаккир Бобораҳим Машраб эди.

¹ Х. Бобобеков ва бошқ. Ўзбекистон тарихи. «Шарқ», Тошкент, 2000, 152-153-бетлар.

² Р. Шамсутдинов ва бошқ. Ватан тарихи. «Шарқ», Тошкент, 2003, 115-116-бетлар.

МАЪНАВИЙ ФИКРНИНГ МУҲИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

XVII – XVIII асрларда Мовароуннахрдаги ижтимоий-маънавий фикр тараққиёти ўзига хос хусусиятга эга ҳолда ривожланишда давом этди. Бу даврда яшаган ва ижод этган мутафаккирлар ўтмиш тадрижий-тарихий қарашларини, салафлар ижтимоий ижтимоий-маънавий меросини, улар қолдирган умуминсоний ва маънавий қадриятларни, ундаги илғор фикрларни кенг халқ оmmasига ёйдилар, ўзлаштирдилар, такомиллаштирдилар ва уларга шарҳлар битдилар. Умумбашарий ва миллий қадриятларнинг ривожланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

XVII – XVIII асрлар Мовароуннахр, Хуросон, Ҳиндистон мамлакатларида яшаган ўз даврининг етук фозил ва шоирларидан, шарқнинг улуғ мутафаккирлари ҳукмдор Абулғози Баҳодирхон, туркий миллатнинг турли тоифа ва табақаларидан етишган Сўфи Оллоҳёр, Мирзо Бедил, Хўжаназар Ҳувайдо, Юсуф Қорабоғий, Сайидо Насафий, Турди Фароғий, Муҳаммад Шариф Бухорий ва бошқа кўплаб улуғ алломалар ўз асарларида даврнинг илғор ижтимоий, маънавий, сиёсий, диний, тасаввуфий, ахлоқий, таълимий муаммоларини ёритиб беришга ҳаракат қилдилар. Улар ўзларининг сермахсул ижодлари, дунёвий қарашлари билан Ватан, миллат тўғрисидаги илғор фикрларини илгари сурдилар.

Биз тадқиқ қилаётган асрларда Мовароуннахр ўзининг бадиий ижод бобидаги тарихий анъаналарини давом эттирди. Бу даврда бадиий ижоднинг турли жанр ва йўналишларида шоир ва адиб, олим ва фозил кишилар етишиб чиқдилар. Улар ўз ижод дурдоналари билан жаҳон фани ва маданияти хазинасига муносиб ҳисса қўшдилар.

Мактаб ва мадрасаи олияларда илм олиш мувафакқиятли тартибда олиб борилганки, XVII – XVIII асрларда ҳам боланинг ёш хусусияти алоҳида эътиборга олинди, кичик ёшдаги ўқувчиларга ҳуснихат ва оғзаки ҳисоб ўргатилса, катта ёшдаги ўқувчиларга Қуръоннинг оят ва сураларидан ташқари форс, араб, туркий тилларда ёзилган ўнлаб ҳаётий китобларни ўқитиш ўргатилган.

Дастлабки бошланғич таълимдан сўнг Қуръон хатм қилиниб, «Чор китоб», кейин эса «Сўфи Оллоҳёр» ибтидо қилинган. Ўқувчиларга «Одобнома» дастурлари асосида дарс берилган. Халқ оғзида юрган ахлоқий, фалсафий руҳдаги мақоллар, масаллар, мажмуалар, ривоятлар, хикоятлардан эса тарбия воситаси сифатида фойдаланилган¹.

Мадрасаларда Қуръон илми, фикҳ (шариат қонунлари), ҳандаса, илми нужум, ахлоқ, фалсафа, мантиқ, адабиёт, география, тарих, табобат фанлари ўқитилган. Талабалар араб ва форс тиллари орқали Фаридуддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» Ҳофиз Шерозий девони, Мирзо Абдулқодир Бедил девони, Мир Алишер Навоийнинг «Чор девон»и, Фузулий ғазалиёти ҳамда Шарқда миллий таълим соҳасида дарслик ва қўлланма сифатида фойдаланиб келинаётган «Маслак ул-муттақин», «Аввали илм», «Муъзи Вазанжоний», «Авомил», «Ҳаракат», «Қофия», «Шарқи мулоий Жомий», «Рисолаи Шамсия» каби рисоалар билан танишиш имконига ҳам эга бўлганлар. Бу эса мадрасаларда таълим жараёнида бадиий адабиётнинг мумтоз намуналари кенг ўрин олганлиги, дунёни англаш, тафаккурни шакллантириш борасида бадиий асарларга алоҳида аҳамият берилганлигини кўрсатади.

Мадрасаларда билим олиш мумкинлиги, бу ерда ҳам диний, ҳам дунёвий фанлар бўйича дунёга танилган мударрислар, олимлар бор бўлганлиги учун ҳам Туркистонда турли мамлакатлардан кўплаб талабалар келиб ўқиганлар².

Даврнинг муҳим хусусиятлари ҳақида фикр юритилганда, маънавиятда, ижтимоий фикр жараёнида аввало қандай асарлар яратилганлигига назар ташлаймиз. Бу асрларда ўзбек ва форс тилларида яратилган тарих китоблари тарихий манба бўлиши билан бирга, маълум даражада маданият ва адабиёт ёдгорлиги ҳамдир. XVII асрда Сайид Муҳаммадтоҳир бин Абулқосимнинг «Ажойибут-табақат» номли географик асари, Абулқосим бин Шоҳмирзо Ибн Саъдулла ал-Ҳусайний ал-Касбавийнинг «Натойижул-фикр» тарихий китоби, Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк», «Шажараи тарокима» номли тарихий таснифлари, Муҳаммадамин Яроқчининг «Муҳитут-таворих» асари, Мулло Шарафиддин Аълам ибн Нуриддин охунд Мулло Фарҳод Самарқандийнинг «Таворихи касира» асари, Маҳмуд ибн

¹ Р. Шамсутдинов ва бошқ. Ватан тарихи. 117-118-бетлар.

² Ж. Йўлдошев, С. Ҳасанов. Жадид тарбияшунослиги асослари. Тошкент, 1994, 5-6-бетлар.

Валининг «Бахрул-асрор фи манокібул-ағёр» китоби, Сухайлонинг «Имомқулинома» шеърӣ тарихи каби асарлар яратилган эди¹.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг сулоласининг Ҳиндистондаги ҳукмронлиги Эрон ва Марказий Осиёдан форсий забон ва туркий тилли олим, адиб, шоир, ижодкорларнинг Ҳиндистонга ташриф буюришлари натижасида адабиёт, фан, санъат, маданият ва фалсафа фанлари ривожланиши, фалсафий тафаккурнинг илғор хусусиятларининг намоён бўлиши ва зуҳур этиши билан ўз аксини топган эди.

Ўрта Осиё ва Ҳиндистон халқлари бир-бирларидан узоқда яшашларидан қатъий назар ўзаро яқин муносабатларда бўлганлар. Узоқ даврлардан бошлаб улар бошқа мамлакатлар билан фаол савдо олиб борганлар, бу эса Ўрта Осиё ва Хитой, Ҳиндистон, Эрон ҳамда Византия халқларининг ўзаро маданий муносабатларига таъсир қилар эди².

Бобурийлар саройида туркий ва айниқса, форсий тилдаги адабиёт, санъат, илм-фан ривож топди. Бу Марказий Осиё, хусусан, Туркистон ва Ҳиндистондаги бобурийлар давлати ўртасидаги маданий алоқаларнинг кучайишига, уларнинг ўзаро таъсири орта боришига олиб келди.

XVII – XVIII асрларда ўзбек ва тожик тилларида шеърӣ асарлар битган Туркистоннинг турли шаҳарларидан чиққан шоир, адиблар Сайидо Насафӣ, Турди Фароғӣ, Машраб, Сўфи Оллоҳёр бўлиб, уларнинг ижоди турли йўналишда эканлиги ўз даврининг тушкунликлари, зиддиятлари, қийинчиликларини ўзида ифодалаш билан кўзга ташланади. Бу даврда Ҳиндистонда яшаб ижод этган, ўз асарларини форсийда ёзган Мирзо Абдулқодир Бедилнинг чуқур ижтимоий-фалсафий мазмундаги шеърлари Туркистон зиёлилари орасида эътибор қозонди.

XVII асрда Субхонқулихон даврида Муҳаммад Бадеъ тазкира тузиб, унда ўз замонасининг 200 та шоир, адиб, адабиётшунослари ҳақида маълумот беради. Умуман XVI – XVIII асрлар маънавий ҳаётида Туркистонда тасаввуф таълимотлари, хусусан, нақшбандия, яссавия, кубравия таълимотларининг кенг тарқалгани, уларнинг адабиёт, санъат, ижтимоий билимларга катта таъсир кўрсатганини кўрамиз. Санъаткорлар тасаввуфдан замона қийинчиликларини енгиш, зулм-адолатсизликка қарши кураш, ҳақиқий инсоний муносабатларни тарғиб қилиш йўлида фойдаланишга интилдилар.

Мовароуннаҳр санъати, илм-фани, маданияти бу асрларда ҳам бошқа мусулмон Шарқи, Эрон, Туркия, Қашқар, Ҳиндистон каби мамлакатлар билан яқин алоқада бўлди, ўзаро таъсирда ривож топди. Бошқа ўлкалардан Мовароуннаҳрга турли зиёли, маданият арбоблари келиб ўз фаолиятини давом эттирганидек, Бухоро, Самарқанд каби турли шаҳарлардан чиққан олим, донишманд, санъат арбоблари бошқа мамлакатлардаги маданий оқимда иштирок этдилар³.

Мовароуннаҳрда сўнги асрлардаги тахт учун курашлар, парокандалик аста-секин ягона давлат таркибидан турли шаҳарларнинг ажраб кетиши, мустақил Хива ва Қўқон хонликларининг ташкил топиши, улар ўртасидаги уруш, зиддиятнинг авж олиши ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ёмон оқибатларга олиб келиш билан бирга, маданий-маънавий ҳаётга ҳам салбий таъсир кўрсатди, унинг ривожига ғов бўлди, орқага кетувига олиб келди.

XVII – XVIII асрлар давомида ижтимоий-фалсафий фикр, фикршунослик соҳасида ҳам янгиликлар вужудга келди, ўз даврининг етук мутафаккирлари етишиб чиқди. Ўз юрти Эронни ташлаб кетишга мажбур бўлган ва Бухорода хоннинг эътиборига сазовор бўлган Мирзажон Шерозийнинг асосий илмий-маърифий фаолияти Мовароуннаҳрда ўтди. У турли мадрасаларда фалсафа, мантиқ, фикр илмларидан маърузалар ўқиш билан бирга ўтмиш мутафаккирлари ибн Сино, Фаҳриддин Розий, Насриддин Тусий, Мир Саййид Журжоний, Давоний кабиларнинг турли рисоаларига шарҳ ва ҳошиялар ёзди.

Мирзажон Шерозийнинг шогирди бўлмиш асли озарбайжонлик Юсуф Қорабоғӣ ҳам XVII асрда Мовароуннаҳрнинг энг йирик файласуф ва мантиқшунос олимларидан бўлиб танилди. Бухоро хони Имомқулихон эътиборида бўлди. У Самарқанд, Бухоро мадрасаларида мударрислик қилди, фалсафа, араб грамматикаси, фикр, мантиқ соҳасида қатор асарлар ёзиб қолдирди. Қорабоғӣ фалсафа, араб тили бўйича шогирдлар етиштириб берди⁴.

¹ В. Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. «Ўқитувчи», Тошкент, 1980, 26-бет.

² М. Нуритдинов. Юсуф Қорабоғӣ ва Ўрта Осиёда XVI-XVII асрлардаги ижтимоий-фалсафий фикр. 30-бет.

³ Буюк сиймолар, алломалар. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Тошкент, 1997, 10-бет.

⁴ Ўша асар, 8-9-бетлар.

Ибн Муҳаммаджон Юсуф ал-Қорабоғий ал-Муҳаммад Шоҳий XVI аср охири ва XVII аср биринчи ярми давридаги Ўрта Осиё фалсафий фикрининг йирик вакилларидан биридир. У Озарбайжон турклар томонидан босиб олинган, Ўрта Осиёга қочиб келишга мажбур бўлди ва Самарқандда, кейинчалик Бухорода яшади.

Файласуф 1563 йилда Қорабоғ қишлоғида туғилиб, 1647 йилда Бухорода вафот этади.

Мутафаккирнинг илмий қизиқишлари кўп қиррали эди. У фақат фалсафани эмас, тиббиёт, математика, астрономияни қизиқиб ўрганди. Унинг фалсафий меросида рисолалар ва шарҳларга катта ўрин берилган. Қорабоғийнинг фалсафий қарашини ўрганишда аввало бу қарашларнинг қарама-қарши характерда эканлигини таъкидлаш мумкин. Агар, у бир тарафдан, бизни ўраб турган борлиққа зўр қизиқиш билан қараса, иккинчидан, биз унинг ўткинчи деб тарғибот қилувчи фикрларини ҳам кўраемиз. Ўрта аср фалсафасига хос муаммолар унинг дунёқарашини эгаллаб олганди. Булар борлиқ, материя ва унинг хусусиятлари, инсоннинг билиш фаолияти, билишнинг шакл ва босқичлари каби қатор масалалар эди¹.

Қорабоғий аниқ фанлардан хабардор бўлиб, тиббиётни билган, астрономия ва бошқа фанларга яқиндан қизиққан. Шунингдек, у ўзигача бўлган фалсафий йўналиш ва оқимларни қадимги юнондан тортиб ўз замонасигача пухта ўзлаштирган. Қорабоғий Аристотелнинг «Осмон ҳақида» номли асари билан яхши таниш бўлган. У илмий фаолиятдан ташқари шеърят билан ҳам қизиққан. Унинг номи ўша давр шоирлари орасида тез-тез ёдга олиб турилганлиги манбаларда кўплаб учрайди. Қорабоғийдан бой фалсафий мерос қолган, унинг жами асарларининг сони 24тадан ошади. Улар асл нусхадаги рисолалар, шарҳ ва изоҳлардан ташкил топгандир.

Қорабоғийнинг фалсафий қарашлари, унинг воқелик ҳақидаги таълимоти бошқа кўп ўрта аср Шарқ мутафаккирлари таълимоти каби тасаввуф элементларига эга. «Худо бирламчи сабаб» – дейди файласуф.

Қорабоғий бутун оламни қонуний тарзда узвий боғлиқ бўлган ягона жисм деб тасаввур қилади: «Олам – ягона жисм, ундаги барча мавжуд нарсалар унинг аъзоларидир. Оламда нимаики содир бўлса, ҳаммаси жисм манфаатига қаратилган»².

Олимнинг «Рисолаи ботинийа» рисоласида инсондаги нафсоний кучлар, одамдаги руҳий олам ҳақида ҳикоя қилинган. Бу асар «Етти жаннат» номи билан ҳам машҳурдир.

«Рисолаи хилватийа» асари араб тилида ёзилган бўлиб, олти қисмдан иборат. Хилватлар эса ўз навбатида «Тўхталиш»ларга бўлинган. Бу асарда муаллиф борлиқ билан боғлиқ бўлган жуда кўп фалсафий муаммолар ҳақида гап олиб борган. Асар давомида ўздан олдин яшаб ўтган машҳур алломалар билан у ёки бу масала ҳақида мунозаралар қилган.

«Фи таърифил илм» асарида илмнинг ҳикмати ҳақида фикр юритган. Қорабоғийнинг «Рисолаи фи баёнил жуз ла йатажазза» асари олимлар ўртасидаги фалсафий мунозараларни ёритишга бағишланган³.

XVII – XVIII асрларда фан ва маданият тараққиётининг асосий заминларидан бири – ўтмишда Яқин ва Ўрта Шарқда, айниқса, Ўрта осийлик буюк табиатшунос олимларнинг илмий ютуқлари ва уларга суянган оламга стихияли – дунёвий қараш ҳисобланган. Бу ерда Улуғбек ва унинг астрономик мактаби давридаги қулай шароит ҳам муайян роль ўйнади. Улуғбек ўз салафлари: ал-Фарғоний, ал-Хоразмий, ал-Форобий, ал-Берунийлар ва бошқалар асарларини ўрганиб, уларнинг илмий анъаналарини давом эттириб, астрономия, математика билан шуғулланди ва осмон жисмлари ҳаракатини толмай кузатди⁴. Олимнинг объектив олам мавжудлиги, унинг қонуниятларини билиш мумкинлигига оид фалсафий ва табиий-илмий қарашлари, шубҳасиз, ижтимоий-фалсафий ва табиий-илмий тафаккурнинг кейинги даврлардаги ривожидида илғор роль ўйнади.

XVIII асрда олимлар тасаввуф атамалари юзасидан турли луғатлар, қомуслар ва адабий ишоралар яратдилар. Йирик шайхлар орасидаги ёзишмаларида ҳам сўфийлик мафкураси тарихига оид бой маълумотлар учрайди. Бу даврда дидактик-сўфий мазмундаги асарлар яратиш ҳам ривож топади. Ўрта Осиёда XV аср охирига келиб, бошқа тариқатлар қатори «Кубровия» тариқати қисман ягона позициядан чекиниб, анъанавий характер касб этади, деб

¹ Ўрта Осиё халқлари хурфикрлиги тарихидан. «Фан», Тошкент, 1990, 148-бет.

² Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. 188-бет.

³ Буюк сиймолар, алломалар. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Тошкент, 1997, 35-бет.

⁴ Муминов И. М. Избранные произведения. Т. Т. Стр. 155.

хулоса чиқариш мумкин. Бу тариқатнинг баъзи намояндalари сўфий номи остида илғор ғояларни илгари сурдилар. Қорабоғий ана шулар жумласидан эди¹.

Юсуф Қорабоғий ўз ҳаётининг (сўнгги йилларини) бутун онгли қисмини тўлалигича Ўрта Осиёда кечириб, вафот этди.

Олимнинг қabri аввал Сафидмўй деган қишлоқда (Бухоро жанубида) бўлиб, бир неча ўн йилликлардан сўнг, 1690 йилда унинг жасади Бадахшонга кўчирилиб, устози Халилулло Бадахший қabri ёнидан қайтадан дафн этилади.

Қорабоғий аштархонийлардан бўлган Имомқулихон саройида давлат ишларига иштирок этган, ғоят баланд обрў ва ишонч қозонган.

Бу давр фалсафий ва табиий-илмий тафаккури ривожини Форобий, Ибн Сино ва Беруний бошлаб берган, кейинчалик эса бир гуруҳ атоқли Шарқ мутафаккирлари ва табиатшунослари давом эттирган фандаги илғор анъаналарни ажратиб ўрганиб бўлмайди. Бу бой анъана кейинроқ бориб Шарқ Уйғонишига замин бўлди ва ўрта асрчилик сўнггигача давом этди. Қорабоғий ана шу анъана давомчиларидан эди².

Қорабоғийнинг ижодий меросида «Чор чаман» («Тўрт чаман»), «Расоили муфида» («Фойдали рисоалар»), «Исботи Мухаммад» каби асарлар муаллифи эканлиги аниқланган, лекин бу асарлар топилган эмас.

Қорабоғий ижодида руҳ билан тананинг ўзаро алоқаси алоҳида ўрганилади. У мазкур масалани руҳ билан тана бирлиги нуқтаи назаридан тадқиқ ва таҳлил қилади.

Қорабоғий руҳнинг кўчиши ҳақидаги шарҳда «танасух» номи билан машҳур таълимотни танқид қилади. Бу таълимотга биноан руҳ абадий ва ўлмас, узлуксиз янгича шакл касб этади – ўлган танадан янгидан туғилганлар жисмига ўтади. «Ҳар бир жисм пайдо бўлишида руҳ ҳам пайдо бўлади. Чунки руҳ яратилгандир, унинг яратилиши ўз сабабиятига кўра моддага муҳтождир. Руҳ моддаси жисм ҳисобланади ва унинг маҳв бўлиш сабаби жисмнинг йўқ бўлиши билан йўқ бўлади ва унинг пайдо бўлиши билан пайдо бўлади». Қорабоғийнинг бундай фикрларини давом эттирар эканмиз, унинг илғор ғояларни ўзида акс ва давом эттирганини кўрамиз. Олим фалсафасидан келиб чиқадиган хулосалардан бири шуки, шарҳдаги перипатетизм таълимоти у ёки бу даражада XVII асргача давом этган ва Қорабоғий унинг ёрқин намояндalаридан бири бўлган.

Қорабоғий ўз даврининг йирик маърифатпарварларидан, илм ва маърифатнинг тинмас тарғиботчиларидан эди.

У инсонни маънавий баркамолликка интилишга чорлайди. Инсон шаънига нолойик хусусиятларга тўхталиб, инсон улардан фориг бўлиши зарурлигини, инсон деган шарафли номга лойик бўлиш учун тинмай гўзал хислат ва фазилатлар орттира бориши лозимлигини маслаҳат беради³.

Мутафаккирнинг умумфалсафий позициясини белгилашда унинг асосий хусусияти Шарқ перипатетизми⁴ бўлгани алоҳида кўзга ташланади.

Юсуф Қорабоғий дунёқараши ўрта аср фалсафасига хос бўлган масалаларни ҳам, умуман фалсафага оидларини ҳам қамраб олади. Чунончи, воқелиқ масалалари модда ва унинг хусусиятлари, инсоннинг билиш фаолияти масалалари, билишнинг шакл ва босқичлари ва бошқалар. Воқелиқ масалалари, унинг тузилиши Қорабоғийнинг «Рисолаи хилватиййа», «Ҳикмату-л айн шарҳига ҳошия», «Бўлинмайдиган жузнинг баёни ҳақида» ва бошқа асарларида ўз аксини топган. У ёзади: «Гарчи олам жисмлари ҳолати ва унинг ажиб хусусиятлари турли-туман ўлароқ тасаввурда ҳаёлий бўлиб кўринса-да, дарҳақиқат бу жисмлар зехни ўткир онгли одамлар наздида катта оламнинг айнан нусхасидир, улар баъзан фалаклар ва унда мавжудотдан иборат бўлган «универсал жонзод» деб аталади. Универсал жонзодда Қуёш – юрак, Ой – ошқозон, Сатурн – қора талоқ, Юпитер – жигар, Марс – ўт халтачаси, Венера – буйрак ва Меркурий – мия»⁵ деб юритилади.

Қорабоғийни ақл ҳақидаги масала билан боғлиқ тарзда банд этган яна бир масала ваҳий ва пайғамбарлик бўлиб, мусулмон дини Исломда ғоят жиддий роль ўйнаган.

¹ М. Нуритдинов. Юсуф Қорабоғий ва Ўрта Осиёда XVI-XVII асрлардаги ижтимоий-фалсафий фикр. 50-51-бетлар.

² Ўша асар. 52-бет.

³ Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. 190-191-бетлар.

⁴ Перипатетик – «сайр этувчилар», Аристотел яратган мактаб.

⁵ Қорабоғий. Етти жаннат рисоласи. ЎзРФА ШИ. Инв. рақами 2311, 251 а-бет (форс тилида).

Қорабоғий фикрича, расмий мусулмон доктринасига биноан, Муҳаммад пайғамбар худо билан бирлашиш ҳолатига етишган, унинг буйруқларини қабул қилиб, Аллоҳнинг оддий кулларига етказган. Аллоҳдан ҳикматли сўзларни қабул қилиб, одамларга етказиш Муҳаммад томонидан ваҳий жараёни деб қаралган. Ана шу сирли қабул ва етказиш қобилияти эса «пайғамбарлик» деб аталиб, унга фақат Аллоҳ томонидан сайлаб олинган шахслар – пайғамбаргина сазовор бўлган.

Юсуф Қорабоғий – энг аввало мутафаккир, у ўзига замондош жамиятнинг иллатларини, ҳукмдорлар, давлат идораси аҳли ва риёкор рухонийлар ҳамда мунофиқ ахлоқчиларнинг кирдикорларини кўра билди ва фош қила олди.

Қорабоғий ижтимоий-сиёсий қарашлари марказида инсоннинг яратувчилик меҳнати туради. У ҳаёт мазмуни еб-ичиш ва ухлаш эмас, балки меҳнат қилиб, ўз меҳнати эвазига яшаш деб билади. Инсон ўз ҳаётини меҳнат билан бойитиб, жамият эзгулиги учун яшаши керак – бу Қорабоғийнинг маънавий принциpidир:

*Кам емакдан ҳеч ким титроқ тутмайди,
Кўп емакдан эса ҳар кунда юзлаб одам ўлади.*

Ўз даврининг буюк олими ўлароқ, Қорабоғий илм ва илмий билимларга юксак баҳо беради, маърифатга катта аҳамият билан қарайди. Маърифат ёрдамида, унингча, жаҳолатга барҳам бериш, хурофот ҳамда одамларнинг ғайри-илмий тасавурларини йўқотиш мумкин.

Юсуф Қорабоғий ўз даврининг илғор мутафаккири эди. У дил-дилидан одамларни жаҳолат зулмидан озод бўлишга даъват этди. Ақл ва билимни кўкларга кўтарди. У араб ҳикматига мурожаат қилади ва ёзади: «Муаллим ҳақиқати ота-оналар жиҳатидан афзалдир. Чунки ота-она менинг жисмоний қиёфам сабаби, ўқитувчи эса – чин инсоний кўринишимнинг».

Қорабоғий барча мавжудот орасида энг олий ва энг комили инсондир, деб ҳисоблаган. У ёвузлик учун эмас, балки эзгулик учун яратилган. Бинобарин, инсон эзгулик йўлида хизмат қилиши, ўзида яхши ва гўзал фазилатларни ривожлантириши лозим. Унинг фикрича, яхшилик қилиш одамларни янада эзгу натижаларга эргаштиради. Аксинча, ёвузлик, разиллик қилиш ёки унга мойил бўлиш ёмон талофат етказиши¹.

Шарқ классиклари ижодида анъанавий ҳислат ва белгилар қанча кенг ўрин тутмасин, шу асосда бу ижодкорларнинг ҳар бирининг ўзига хос ғоявий-бадиий қиёфаси, услуби йўқ, деб айта олмаймиз. Чунки ижодий иш ҳамма вақт ҳамма ерда ўзига хос хусусиятга эга бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Ҳақиқий санъаткор ўз она тилидаги адабиётни, маълум бир тарихий даврдаги ижтимоий воқеа ва ҳодисаларга, илғор ғоя ва интилишларга, шу давр кишиларининг ҳис-туйғу ва қарашларига ўзига хос муносабатда бўлиб, уни ўз қараш, ўз ҳаётий тажрибаси, ўз хусусияти орқали бадиий акс эттириши туфайлигина бойитиши, унинг тараққиётига ҳисса қўшиши мумкин. Шу жиҳатдан ўзбек адабиёти тарихида Лутфий, Саккокий, Атоий, Навоий, Бобур, Турди, Машраб, Огаҳий, Мунис, Муқимий, Фурқат, Аваз ижодлари қанча кўп умумий хусусиятларга эга бўлмасин, уларнинг ҳар бири бошқасидан яққол ажралиб туради².

Шу билан бирга бу даврда ўзбек ва тожик адабиёт тарихида ўчмас из қолдирган, халқнинг оғир аҳволини, кайфиятини, орзу-умидларини ачиниш билан ўз асарларида баён этган Саидо Насафий, Абулғози, Турди, Машраб, Сўфи Оллоҳёр каби шоирлар тинимсиз ижод этдилар. Улар ўз асарларида ижтимоий ҳаётдаги зиддиятлар, босқинчиликнинг шафқатсизликлари ҳақида ҳаққоний куйладилар, халқни аҳилликка, бирликка чақирдилар.

Уларнинг асарларида Ўрта Осиё ва бошқа Шарқ мамлакатлари, Эрон, Озарбайжон, Туркия, Афғонистон, шунингдек, Ҳиндистон билан бўлган маданий алоқалар ҳам ўз ифодасини топади. Бу олимларнинг асарларида ўз даври илмий-маданий алоқаларига оид муҳим маълумотлар билан бирга, ўтмишдаги олимлар – Форобий, Беруний, ибн Сино, Улуғбек, Навоий таълимотларига ҳурмат-эҳтиром, қадимги юнон олимлари Арасту, Афлотун, Сукрот кабиларнинг меросига зўр ҳурмат ҳисси ёрқин сезилиб туради. Уларнинг асарларида шогирдни маърифатли қилиш, уларда илм-фанга муҳаббат уйғотиш, одоб-ахлоқ

¹ М. Нуриддинов. Юсуф Қорабоғий ва Ўрта Осиёда XVI-XVII асрлардаги ижтимоий-фалсафий фикр. «Фан», Тошкент, 1991, 90-91-бетлар.

² А. Ҳайитметов. Табаррук излар изидан. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1979, 24-бет.

қоидаларини эгаллашга даъват, устоз-шогирд, ота-ўғил муносабатларига оид таълимий фикрлар ҳам ифодаланади¹.

Бинни Оқатойхон бинни Ҳожимуҳаммад бинни Арабмуҳаммад Абулғози Хоразмий (1603-1664) ҳам олим, тарихнавис, адиб, тилшунос, шоир ва давлат арбоби сифатида жаҳон илм-фани, айниқса, ўзбек халқи маданиятига беҳад катта ҳисса қўшганлардан биридир.

Абулғози Баҳодирхон Хоразм ҳукмдори Арабмуҳаммадхон (1602-1623)нинг тўртинчи ўғли эди. У ёшлигидан ўз отаси номи билан аталгувчи Арабмуҳаммад мадрасасида замонасининг энг билимдон мударрисларидан, олиму фузалоларидан таълим олди. Абулғози ўз ака-укалари ўртасида ўта зехнли, қобилиятли бўлган².

Арабмуҳаммаднинг етти ўғли бўлган. Арабмуҳаммадхон, Абулғозихон, Асфандиёр ва Шариф Муҳаммадлар билан Ҳабаш ва Элбарс ўртасида низо кучайиб икки орада уруш бўлади. Бу урушда енгилган Арабмуҳаммадхон қўлга тушади ва кўзи кўр қилинади. Минг машаққатлар билан сувдан кечиб ўтган Абулғозийхон аввало Катга ва у ердан Имомқулихон саройига келади. Ҳабаш ва Элбарсга қарши кураш бошлаган Асфандиёр Абулғозихонни ёрдамга чақиради. Аммо Имомқулихон унинг боришига рухсат бермайди. У Имомқулихон саройида икки йил туради.

Ҳабаш ва Элбарс устидан ғалаба қилган Асфандиёрхон Имомқулихон саройига ўз инилари Абулғозихон ва Шариф Муҳаммадни тилаб киши юборади. Шундан кейингина Имомқулихон уларга Хоразмга қайтишга рухсат беради. Абулғозихон Хивага қайтади ва Асфандиёр уни Урганчга ҳоким қилиб тайинлайди. Энди Асфандиёрхон билан Абулғозихон ўртасида келишмовчиликлар майдонга келади.

Урганчда туришнинг иложини топа олмаган Абулғози Туркистонда, Тошкентда бўлади. Кейинчалик Хивага қайтади. Асфандиёрхон Абулғозини Эронга жўнатади. Шундай қилиб, Абулғозихон 10 йил Исфaxon шахрида туради. Харажат учун йилига 10000 танга ажратилади. Бир қанча тадбирлар ишлатиб, Абулғозийхон Бастом, Махин орқали Манқишлоққа келади. У ерда бир йил туриб, 1642-1643 йили Урганчга келади. У Хоразмга қайтганидан олти ойдан сўнг Асфандиёрхон вафот этади³.

Ороллик ўзбеклар 1643 йили Абулғозини хон қилиб кўтардилар. Орадан бир йил ўтгач, 1644 йили, у кўпчилик рақибларини енгиб, Хоразм тахтини эгаллашга муваффақ бўлди.

Абулғозихон йигирма (1644-1664) йил давомида тарқоқ ҳолатга келиб қолган Хоразм давлатини мустақил ва марказлашган давлатга айлантиришга эришди. 1655-1664 йиллари эса Бухоро устига юриш қилди. Ниҳоят, у мамлакатни иқтисодий ва маданий жиҳатдан мустақамлади.

Абулғози Хоразмда илм-фанни тараққий эттириш ва маданиятни яхшилаш мақсадида ўз саройига илғор фикрли олиму уламолар, шоиру бастакорлар, меъморунанқошлар, табиблар, тарихнавислар, адиблар, хаттотлар ва бошқа касб эгаларини тўплади. Шунингдек, у Хива, Орол ва Вазир шаҳарларида бир қанча бинолар, Шоҳобод, Ғозиобод каналларини, масжидлар, турар жойлар қурдирган, ободончилик, деҳқончилик ишларига алоҳида эътибор берган. Унинг бевосита раҳбарлигидаги лойиҳа асосида Хива қалъаси ичида ерости оқава сувидан фойдаланиб, бекик канализация тармоғи бунёд қилинди. У Хивада отаси Арабмуҳаммадхон хотирасига ҳашаматли улкан мадраса қурдирди. Баъзи маълумотларга қараганда, Абулғози бироз муддат шу мадрасада талабаларга дарс ҳам берган.

Абулғози Бухорода, Тошкентда ҳамда Эронда бўлган чоғларида кўпинча илғор фикрли олимларнинг тарихий асарлари билан танишди. Бу ҳол Абулғозида илмий дунёқарашининг шаклланишида ва унинг кейинчалик ўз замонасининг маърифатпарвар кишиларидан бўлиб етишишида катта рол ўйнайди. У Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома», эронлик машҳур тарихчи Рашидиддиннинг «Жомеъ ут-таварих» («Тарихлар мажмуаси»), Биноийнинг «Шайбонийнома», Мирхонднинг «Равзотус сафо», Бобурнинг «Бобурнома», Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллонома», Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома», Муҳаммад Солихнинг «Шайбонийнома» асарлари, Хондамир, Зайниддин Восифий, Абдураззоқ Самарқандий, Жуваний, Ибн Арабшоҳ каби муаррихларнинг китобларини ўқиб чиққанлигини қайд этади:

¹ Ўзбек педагогикаси тарихи. «Ўқитувчи», Тошкент, 1997, 132-133-бетлар.

² Солий Ҳасанов. Хоразм маърифати — олам кўзгуси. «Ўқитувчи», Тошкент, 1996, 199-бет.

³ Буюк сиймолар, алломалар. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Тошкент, 1997, 36-37-бетлар.

«Эрон билан Туронда ўтган Чингизхон ўғилларининг оталарини айтилган тарихлардан ушбу замон фақирнинг (Абулғози) олдинда ўн саккиз мужаллид ҳозир турар»¹.

Хива хонлигида XVII асрда рўй берган маданий ҳаётдаги тушкунлик Бухоро хонлигидагига қараганда кучлироқ бўлган. Абулғози Баҳодирхон хон бўлган даврда Хоразм тарихини ёзиб қолдириш масаласи кўтарилганда, бу ишни эплай оладиган бир кимса топилмаган. Бу ҳақда Абулғози Баҳодирхоннинг ўзи куйидагича хикоя қилади: «Аммо бизнинг ота ва ақоларимизнинг бепарвойилиқи ва Хоразм халқининг беуқувлиқи, бу икки сабабдин, бизнинг жамоатимизни Абдуллахоннинг оталари билан бизнинг оталаримизнинг айрилган еридин то бизга келгунча тарихларни битмай эрдилар. Бу тарихни бир кишига таклиф қилали теб фикр қилдук. Ҳеч муносиб киши топмадук. Зарур бўлди. Ул сабабдин ўзимиз айтдук. Туркнинг масали турур: «Ўқсўз ўз киндигини ўзи кесар, деган»².

XVII асрда яшаб ижод қилган Абулғози Баҳодирхон олий насаб тож-тахт соҳиби, ўз сулоласининг шону-шуҳрати учун кураш олиб борган, айна чоғда парчаланиб кетаётган Хива хонлигини кучли марказлашган давлатга айлантириш учун ҳам қурол билан, ҳам қалам билан кураш олиб бориб, нисбий осойишталик ўрнатишга эришолган ҳукмдор ҳам эди. У колоклашиб қолган Хоразмни ҳам иқтисодий, ҳам маданий жиҳатдан юқори кўтаришга интилди. Ҳукмдор сифатида бекликлар ўртасидаги зиддиятлар, ўзаро қирғин урушларга барҳам беришга қаратилган тадбирлар кўрган бўлса, ижодкор сифатида «Шажараи турк» («Турк сулоласи тарихи»), «Шажараи тарокима» («Туркманлар тарихи») ва «Манофе-ул-инсон» («Инсон учун фойдали тадбирлар») каби тарихий-бадиий ҳамда табибликка оид китоблар ёзди³.

Абулғози бу китоблари билан Хоразм тарихнавислик мактабига асос солди. Абулғози яратган тарихнавислик мактабини Мунис, Огаҳий, Баёнийлар давом эттирдилар.

Абулғози «Шажараи тарокима» асарида туркий қабилаларнинг, хусусан, туркман халқининг келиб чиқиши ҳақида қимматли маълумотлар беради. Асарда барча туркий халқларнинг афсонавий подшоси Ўғузхон ва унинг авлоди, тарихи, шунингдек, туркман уруғлари келиб чиқиши қисқа тарзда баён этилган. Бу асарда туркман халқи яратган кўпгина ривоят ва хикоятлар, хусусан, афсонавий Ўғуз-туркман, дада Қурқут ҳақидаги эртак ва афсоналар, шеърлар ўрин олган.

Абулғози Хива хонлигида яшовчи ўзбек уруғи ва қабилаларини тўрт гуруҳга бўлади: 1. уйғур ва найман; 2. қўнғирот ва қиётлар; 3. нукуз ва манғитлар; 4. қангли ва қипчоқлар. Мазкур гуруҳларга у бир неча майда қабилла вакиллари ҳам киритган. Бундай гуруҳларнинг номи 14та бўлиб, шулардан жалоир ва али-элилар қиётларга қўшилган, кенагаслар нукузларга, хўжаэлилар манғитларга, дўрмонлар, юзлар, минглар уйғурларга, саидлар найманларга қўшилган. Хивада ўзбеклар гуруҳига кирган қўнғиротлар ва хитойлар жуда озчиликни ташкил этади⁴.

«Шажараи тарокима» 1893 йилда А. Г. Туманский томонидан русчага таржима қилинган. Кейинроқ эса бу асарнинг тўлиқ таржимаси А. Н. Кононов томонидан амалга оширилади. Асар тили, услуби фонетик, морфологик, синтактик жиҳатдан чуқур таҳлил этилиб, изоҳлар ҳам берилади. Академик А. Н. Кононов шундай дейди: «Шажараи тарокима» асари фақатгина тарихий манба бўлиб қолмасдан, балки адабий ёдгорлик сифатида ҳам аҳамиятли бўлган, чунки унда халқ афсоналари, халқ этимологияси, этноми, мақол ва маталлари, масаллари моҳирона тасвирланган⁵.

Абулғози «Шажараи турк»ни ... «Туркий билан айтдум. Туркийни ҳам андоқ айтубманким, беш ёшли ўғлон тушунур», дейди.

1664 йили Абулғозихон оғир дардга чалиниб ётиб қолди, тожу тахтни эса ўғли Анушахонга (1664-1687) топширди. У 1664 йили вафот этди.

«Шажараи турк» Абулғозихоннинг вафоти сабабли тугалланмай қолди. Асар 9-бобининг давоми, яъни 1644-1663 йиллар воқеалари Анушахоннинг топшириғи билан Маҳмуд ибн мулла Муҳаммад Урганжий деган уламо тарафидан ёзилган.

¹ Абулғози. «Шажараи турк». «Чўлпон», Тошкент, 1992, 3-бет.

² Ўша асар. 5-бет.

³ Р. Шамсутдинов ва бошқ. Ватан тарихи. 119-бет.

⁴ Исо Жабборов. Антик маданият ва маънавият хазинаси. «Ўзбекистон», Тошкент, 1999, 170-бет.

⁵ Кононов А. Н. Родословная туркмен. М-Л., 1958, 23-стр.

«Шажараи турк» ҳажман у қадар катта бўлмаса-да, тарихий воқеаларнинг баёни билан илмий қимматга эгадир. Асарнинг V боби, яъни Мовароуннаҳр ва Қашқарда Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатой ва унинг авлодларининг подшолиги баёни муҳимдир. Асарда ёзилишича, Чигатойхон дипломат, оқил, доно подшоҳ бўлган. Чингизхон унга Мовароуннаҳрни, Хоразмнинг баъзи ерларини, Қашқар, Бадахшон, Балх, Ғазнадан то Синд сувигача бўлган ерларни берган¹.

Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» тарихий-бадий мемуар асарининг илмий қиммати, хусусияти, илмий-педогогик жиҳатлари, аҳамияти тўғрисида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Олим бу асарида одоб-ахлоққа оид маърифий-дидактик ғояларни ҳам илгари суради. Абулғози жамиятдаги кишиларни икки гуруҳга ажратади. Бир томондан яхши, одобли, камтар, илмни севувчи, халқ учун хизмат қилувчи кишилар, иккинчи ёқда эса худбин, ахлоқий бузук, бойликка ҳирс қўйган, «ўз бошина ва барча юрт бошина ортиқ жафолар келтирган» амалпараст кишилар. Ана шу қарама-қарши гуруҳларга муносабатда, уларни баҳолашда Абулғозининг ахлоқий-таълимий қарашлари аён бўлади².

Ҳаётий кузатишлар турли кишилар билан бўлган тўқнашув, муносабат ва муомалалар Абулғозида яна шундай таълимий-ахлоқий қарашларнинг шаклланишига замин бўлган. Абулғози илғор фикрли донишманд ва мураббий сифатида ахлоқ-одоб масалаларига тааллуқли ибратомуз фикр-мулоҳазаларини ифодалашда ўзбек халқ педагогикасининг олтин хазинаси ҳисобланган халқ оғзаки ижодидан ҳам унумли баҳраманд бўлди. У маърифий-дидактик ғояларни ташувчи халқ мақоллари, маталлари, ривоят ва афсоналар орқали мўғул ва туркий қавмларнинг, эл-элатларнинг турмуш тарзини, таълим-тарбия анъаналарини, айрим тарихий шахсларнинг яхши ва ёмон хулқларини ҳаётий фактлар ва ишончли далиллар билан тасвирлайди. Масалан, «Яхшилар айтиб турур, ўн дарвиш бир палос ичига сиғар, икки подшоҳ ер юзига сиғмас» мақолидан нодонлик ва калтабинлик қораланади. Киши салтанатни бошқаришда ҳушёрликка ва тадбиркорликка даъват этилади³.

Хулоса қилиб айтганда, Абулғозининг «Шажараи турк» асаридаги жамият тарихига оид мулоҳазалари ахлоқ ва одобга оид қарашлари билан чатишиб кетган. «Тарихимизнинг ва тарбияшунослик фикри тараккиётининг кўп саҳифалари очилмай қолган шу кунда «Шажараи турк» барча илм аҳли учун муҳим тарихий ва педагогик манба бўлиб хизмат қилади⁴. «Шажараи турк»нинг илмий-тарихий қиммати ҳақида Ҳ. А. Вамбери: «Абулғозининг кўпчилик ишлари Захириддин Муҳаммад Бобурни хотирага туширади, жаҳон унинг «Шажараи турк»и учун миннатдордир», – деган бўлса, таниқли адабиётшунос Олим Шарафиддинов: «Абулғози Баҳодирхон бинни Арабмуҳаммад ўзбек хонлари ичида Бобурдан кейинги муҳим шахсдир. Унинг маданият тарихида қилган ишлари улуғ» деб юксак баҳо берган.

Абулғозининг «Шажараи турк» асари машҳур рус ёзувчиси Владимир Галактинович Короленко, буюк рус ёзувчиси А. М. Горькийда ҳам катта таассурот қолдирган эди. М. Горький 1895 йил 7 августда Короленкога ёзган хатида: «Баҳодирхоннинг китобидан бошқа мўғуллар тарихига оид яна бирор манбани менга тавсия қилсангиз-чи, жуда қизик экан, бу мўғуллар» – деб «Шажараи турк» асарини тавсия қилганлиги учун устозига миннатдорчилик билдирган.

Марказий Осиё тарихини ўрганган шарқшунос олимлар Ҳ. А. Вамбери, В. В. Бартольд, Н. Н. Полтов, А. Н. Самойлович, А. М. Горький, А. Н. Кононов, А. И. Абрашеев, Н. Веселовский, А. Якубовский, К. Юсупов, С. И. Иванов, П. П. Иванов, В. Зоҳидов, А. В. Абдуллаев, Н. М. Маллаев, Я. Ғуломов, К. Муниров, Ҳ. Худойназаров ва бошқалар ҳам Абулғозининг «Шажараи турк» асари юксак маърифий-илмий манба сифатида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайдилар.

Шунингдек, Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» асари XVIII – XIX асрларда жаҳон илм аҳлининг диққат марказида бўлиб, 1726, 1732, 1770 йилларда немис, француз, инглиз, лотин, татар ва бошқа тилларга таржима қилиниб, қайта-қайта нашр этилди. 1825 йили бу асар С. Г. Саблуковский томонидан рус тилига таржима қилинди. Ниҳоят қарийб 330 йилдан сўнг, яъни 1992 йилда «Шажараи турк» асарини ўз она тилимизда ўқишга

¹ Солий Ҳасанов. Хоразм маърифати — олам кўзгуси. «Ўқитувчи», Тошкент, 1996, 205-бет.

² Ўша асар. 208-бет.

³ Солий Ҳасанов. Хоразм маърифати-олам кўзгуси. 212-213-бетлар.

⁴ Вамбери. История Бухара или Моварауннахра. М., 1964, 115-стр.

муяссар бўлди¹. «Шажараи тарокима» асари эса 1898 ва 1906 йилда бир неча мартаба нашр қилинган. 1871-1874 йиллар орасида П. Н. Демезон «Шажараи турк»ни француз тилига ағдаради. Бу асар Англия ва Америка халқлари орасида ҳам кенг тарқалган.

Абулғози Баҳодирхон ўзининг «Шажараи турк» асари билан Хоразм тарихчилиқ мактабига асос солди. Хоразм халқининг буюк фарзанди Абулғози бошлаган ғоятда улуғ ва мўътабар ишни ундан кейинги авлодлар Мунис Хоразмий ва Муҳаммад Ризо Огаҳийлар давом эттиради².

Хоразмлик машҳур тарихчи Муҳаммад Юсуф Баёний «Шажараи Хоразмшоҳий» асарида ёзишича, Абулғози ўз даврининг билимдон тарихчиси ва қобилиятли шоири бўлишдан ташқари, табобат илми билан ҳам шуғулланган. Абулғози жанглар ва савашларда орттирган жароҳатларини Абу Али ибн Сино, Абдурахмон ва Юсуф табибларнинг табобатга доир асарлари, маслаҳатларига кўра ўзи муолажа қилиб, 124 иллатга доир «Монофе-ул-инсон» («Кишиларнинг сиҳат-саломатликлари йўлида») рисоласини ёзган³. Абулғози бу рисоланинг яратилиши хусусида шундай дейди: «Китобларни назарга келтириб эрдик, мақсади гоҳо топилур эрди ва гоҳо топилмас эрди, улкин топилур эрди, ҳозир машаққат бирла ўртага келур. Шул сабабдин, иллатга илож қилмоқ учун, мўътабар китоблардин хоҳлаб жам қилиб, ондин сўнг иллатларни баён қилдим»⁴.

«Монофе-ул-инсон» рисоласи тўрт қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда оддий дорилар, иккинчи қисмда эса мураккаб дорилар, уларни тайёрлаш ва ишлатиш йўллари, учинчи қисмда дардларнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи омиллар, касалликларни даволаш тартиблари ҳақида, тўртинчи қисмда эса ўзидан олдин ўтган табибларнинг ва айни вақтда ўзининг беморларни даволаш соҳасидаги фикр-мулоҳазаларини оммабоп, содда тилда баён қилади. Қўлланманинг аҳамияти шундаки, муаллиф халқ табобатида қўлланилган 700дан зиёд дори-дармонлар тарқиқи 53 бобни ташкил этади. Ҳар бир боб алоҳида хасталикларга ва уларнинг даволаш усулларига бағишланган. Чунончи бош, кўз, кулоқ, тиш оғриғи, сариқ касал ва бошқа дардлар муолажаси ҳақида қимматли маслаҳатлар берилган⁵.

Абулғозихоннинг асарлари Хоразмнинг узоқ ўтмишидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ҳаётига оид жуда кўп маълумот беради. Шу сабабдан ҳам уни Хоразм тарихига оид қимматли ёзма манбалар қаторига қўшиш мумкин. Улар ўзбек халқининг илмий ва маданий ҳаётида муҳим воқеадир. Абулғози асарлари ўз хусусиятлари билан адабиёт, тарих, фалсафа, тиббиёт фанлари тараққиётига хизмат қилади.

XVI-XIX асрларда содир бўлган турли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳодисаларга қарамай, Самарқандда таълим тизими, олий таълим даргоҳи мадрасалари ўз фаолиятини давом эттирганлар. Аммо, уларнинг ўқув дастурлари йўналишида нақлий илмлар, шаръий илмларни ўқитишга мойиллик етакчилиқ қилган.

Самарқанд мадрасалари талабалари нақлий илмлар билан бир қаторда бадиий адабиёт билан, хусусан Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий, Сўфи Оллоҳёр, Абдулқодир Бедиллар мероси билан танишиб борганлар. Ана шунинг натижасида бу муаллифларнинг мерослари, хусусан девонлари, жумладан танланган асарлари жуда кўплаб кўчирилган ва ўрганилган. Жумладан, XVI аср охиридаёқ Муҳаммад Фузулийнинг девони Самарқандда маълум бўлган. XVIII аср охири ва XIX аср бошларида эса Сўфи Оллоҳёр, Абдулқодир Бедил девонларининг шуҳрати таралган. Алишер Навоий, Саъдий, Хожа Ҳофиз, Абдурахмон Жомийларнинг асарлари эса бундан анча олдин маълум ва машҳур бўлган. Ана шунинг туфайли мадраса хужраларида «Саъдийхонлик», «Ҳофизхонлик», «Навоийхонлик», «Фузулийхонлик», «Бедилхонлик», «Сўфи Оллоҳёрхонлик» гуруҳлари давом этган. Хусусан «Бедилхонлик»ка интилиш анча кучли бўлган.

Абдулқодир Бедил ифода этган фалсафий масалалар ниҳоятда мураккаб бўлганидан унинг шеърий услуби ҳам ўзига хос, бедилона услубда эди. Ана шу муносабат билан «бедилхон»ликларда турли баҳсу мунозаралар давом этар, уни ҳар хил тушунишлар кўзга

¹ Солий Ҳасанов. Хоразм маърифати — олам кўзгуси. 214-215-бетлар.

² Р. Шамсутдинов ва бошқ. Ватан тарихи. 129-бет.

³ Абулғози. «Монофе-ул-инсон». ЎзРФАШИ қўлёзмалар фонди, инв. №4107, 48-саҳифа.

⁴ Баёний М. «Шажараи Хоразмшоҳий». ЎзРФАШИ қўлёзмалар фонди, инв. №3596, 76-саҳифа.

⁵ Солий Ҳасанов. Хоразм маърифати — олам кўзгуси. 216-бет.

ташланарди. Ҳар ҳолда муҳими шундаки, Абдулқодир Бедилни тушунишга интилишлар, турли хил изланишлар жараёни узлуксиз давом этар эди¹.

Шарқ буюк шоири, файласуфи, мутафаккири Мирзо Абдулқодир Бедил Бенгалиянинг Азимобод шаҳрида 1664 йилда хизматчи оиласида туғилади.

Абдулқодир билимни асосан уйда эгаллайди. Амакиси Мирза Қаландар, тоғаси Мирза Зарифнинг ёрдами туфайли тасаввуф фалсафасини, хинд ва урду тилларини, юнон, айникса, Аристотель фалсафасини ўрганади. Шох Камол, Шох Фозил ва Мирза Абулқосим каби олимлардан таълим олади, ўз даврининг олим, шоир ва санъаткорлари билан самимий мулоқотда, муносабатда бўлиб, ижод қилади.

Бедил шох Аврангзебнинг ўғли Муҳаммад Аъзамшоҳ навкарлигида ҳам хизмат қилади. Аммо, у ҳарбий хизматда узоқ вақт бўлмайди, ўзини севикли ишига – илм-фан ва адабиёт соҳасида ишлашга бағишлайди.

Бедил туғилган шаҳри Азимободдан Ҳиндистоннинг сиёсий ва маданий пойтахти Дехлига кўчиб келиб, умрининг охиригача шу ерда яшаб, 1721 йилда вафот этади².

Бедил Ҳиндистон халқлари – хинд ва мусулмонларнинг турмушини, диний ва миллий урф-одатларини халқ оғзаки ижодини чуқур ўрганади. Бу – унинг ижодиёти учун муҳим манба бўлди.

Бедил хинд фалсафасини мукамал ўрганган. Ҳинд пантеизми, араб, форс ва Марказий Осиё фалсафаси Бедил дунёқараши шаклланишига зўр таъсир кўрсатди.

Абдурауф Фитрат Мирзо Бедилни Шарқ Гегели деб атагани бежиз эмас. Бедилнинг «уруғ» истилоҳи Гегелнинг «дунёвий руҳи»га монанд. «Уруғ» – «ҳақ» илоҳиётдир. «Дарахт» эса Гегелнинг «мутлоқ руҳнинг бегоналашуви» истилоҳига, яъни моддий оламга мос келади³.

Мирзо Бедил фалсафий фикри негизини объектив олам мавжудлигини эътироф этиш ташкил этади. Унинг таълимотига кўра, табиат абадий, ундаги нарса ва ҳодисалар ўзаро боғлиқ ҳамда дунё ҳамиша ўзгариш, ривожланиш ҳолатида туради.

Бедил «Ирфон»да ҳамма мавжуд нарсаларнинг илк замини, барча мавжудотлар ижодкори ҳаводир, деб ёзади. Бедил ҳавонинг табиатнинг ўзидан пайдо бўлишини, ўсимликлар, ҳайвонлар, одамзот учун сув, ҳаво, ёруғлик зарурлигини таъкидлаган эди.

Бедилнинг дунёдаги ҳар бир нарса ва ҳодиса ўзидан бошқа нарсалар билан зарурий алоқадаликдадир, деган фикрлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бедил Ҳиндистон, Марказий Осиё, Озарбайжон, Эрон, Арабистон фани, адабиёти, фалсафасига доир асарларни қунт билан ўрганиш орқали ўз даври маданиятининг юксак босқичига кўтарилди. У Низомий, Аттор, Саъдий, Жомий, Дехлавий, Ҳофиз, Алишер Навоий, Беруний, ибн Сино, Улуғбек, Бобур каби буюк алломаларнинг бадиий ва илмий асарларини зўр қизиқиш, меҳр билан ўқиб, ўрганади. Ўзи «Бедил» (яъни «Дилсиз») тахаллуси билан 130 мингдан ортиқ шеърий, 50 босма табокдан ортиқ насрий асарлар ёзади. «Тилсими ҳайрат» (1669), «Тарқибот ва таржибот», «Муҳити аъзам» (1681), «Турли маърифат» (1687), «Ишрат ва хикоёт», «Риқоёт», «Чор унсур» («Тўрт унсур», 1703), «Ирфон»⁴ («Билим», 1721) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бедил ўзининг «Ирфон» асарида ёшларни илм-маърифатга, адолатга даъват этади, хунарни, санъатни, шахс эркинлиги, дўстлик, муҳаббат, вафодорлик ва адолатни мадҳ этади. Бедилнинг «Ирфон» асарида ўрин олган «Комде ва Мудан» достонида адолатсизлик устидан адолат тантанаси ғояларини ифодалади, бу достони билан ўз замонасининг адабиёти, ижтимоий, педагогик фикрлар тарихида янгилик яратди⁵.

Шарқ шеъриятининг даҳоларидан бири улуғ файласуф шоир Мирзо Бедил Ҳиндистонда яшаб ижод этган бўлса-да, унинг ота-боболари Ўрта Осиёнинг туркий қабилаларидан чиққан эдилар.

Бедил энг яхши асарларида классикларимизнинг гуманистик анъаналарини давом эттирди. Унинг асарлари, айникса, Ўрта Осиё ва Афғонистонда шухрат топди⁶.

¹ Ботурхон Валихўжаев. Самарқандда олий таълим-мадрасаи олия – университет тарихидан лавҳалар. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Самарқанд, 2001, 141-142-бетлар.

² А. Зуннунов ва бошқ. Педагогика тарихи. «Шарқ», Тошкент, 2002, 152-бет.

³ Йўлдош Жумабоев. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан. 140-бет.

⁴ Ж. Туленов. 3 Ғафуров. Фалсафа, 84-бет.

⁵ Ўзбек педагогикаси тарихи. «Ўқитувчи». Тошкент, 1997, 262-бет.

⁶ Ш. Шомухамедов. Гуманизм – абадийлик ялови. Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1974, 179-бет.

XVII-XVIII асрлар ижтимоий-фалсафий фикр ривожининг йўналиши Ҳиндистонда бобурийлар давридаги Ўрта Осиёлик мутафаккирларнинг ижоди ва дунёқарашидир. Бобурийларнинг Ҳиндистонда 300 йилга яқин ҳукмронлик қилишлари ёлғиз у ердагина эмас, балки Ўрта Осиё ва бошқа қўшни мамлакатлардаги маданий ҳаётда ҳам чуқур из қолдирди. Маънавий ҳаётда улар ўзларини Ўрта Осиёнинг муайян бир қисми деб қарадилар ва ватанларидаги илғор анъаналарни садоқат билан давом эттирдилар, ривожлантирдилар.

Ўрта Осиё — Ҳиндистон фан ва маданиятининг ўзаро таъсири ва тараққиётининг муҳим омили бу мамлакатларнинг мустақкам маданий алоқалари ҳамда бошқа давлатлар орасидаги муносабатлари эди.

Бу асрларда давлатларнинг маданий алоқалари янги хусусиятлар касб этди. Қўшни давлатлардан келган илғор шахслар ҳиндларни ўз мамлакатларидаги фан ва маданият ютуқлари билан таништирдилар, ҳиндлар эса уларни ҳинд олимлари, шоирлари ҳаёти ва ижодидан хабардор қилдилар¹.

Бедилнинг XVII-XIX асрлардаги Ўрта Осиё ижтимоий-сиёсий тафаккурига таъсирини барча тадқиқотчилар эътироф этадилар. Шоир ҳали ҳаёт эканидаёқ унинг маслакдошлари, издошлари пайдо бўлган ва унинг бой меросини тадқиқ эта бошлаганлар. Улардан Ҳиндистон фалсафий тафаккури соҳасидаги издоши Абдул Ҳаким Сиёлкутий, Муҳиббулло ал-Ҳинди ва Қози Муборакни кўрсатиш мумкин.

Ҳиндистонда яратилган форс-тожик тилидаги адабиётнинг улкан намояндаси Бедил Шаркнинг энг йирик файласуф шоири сифатида жуда кенг шуҳрат қозонди. У ўзидан сўнг унинг услуби билан боғлиқ бўлган алоҳида адабий мактабга, йўналишга асос солди. Ўрта Осиё ва унга қўшни бўлган жойлардаги жуда кўп шоирлар бошқа буюк салафлар қаторида Бедил ижодиётидан ҳам баҳра олишиб, унинг услуби тарзида асарлар ёздилар. «Бедил ижодиёти, – деб ёзади чех олими, доктор Иржи Бечка, – Ўрта Осиёдаги тожик ва ўзбек адабиётига жиддий таъсир қилиб XX асрнинг 20-йилларигача унинг ўсишида маълум рол ўйнади».²

Бедил асарлари хусусиятларини, унинг ижодини тушуниш анчайин мураккаб эди. Бедил қўллаган тасвирий воситалар, адабий услублар қанчалик мураккаб бўлмасин, шоир ўз тақлидчиларини, бу услуб майдонида бел олишувчиларни қанчалик огоҳлантирмасин, барибир Ҳиндистон ва Ўрта Осиёда унинг пайравлари, тақлидчилари пайдо бўлдилар. Жумладан, Ўрта Осиёдаги тожик тилидаги адабиётнинг намояндalари Содик Жондорий, Ҳусайн Дониш, Сарир, Сирот, Исо, Асирий, Хўжандий, Жавҳарий кабилар Бедилга муваффақият билан тақлид қилдилар. Шунингдек, икки тилли ўзбек шоирларидан баъзилари ҳам, хусусан, Мужрим Обид, Маъдани, Понғозий, Роқим, Нодира, Хумулий, Ургутий, Шавқий Каттақўрғоний бу файласуф шоирга эргашдилар, унинг мураккаб услубдаги айрим ғазалларини мухаммасга айлантирдилар. Улар бу улкан шоирнинг ижодига катта ҳурмат ва самимият билан қараб, асарларини ўрганишга, сирини тушунишга ҳаракат қилдилар³.

Мирзо Бедил замонидан бошлаб XX асрнинг бошларига қадар Ҳиндистон, Покистонда тартиб берилган бирча тазкираларда, тарихий рисолаларда шоир даҳосига катта баҳо берилиб, унинг лирик мероси Шарқ поэзияси тарихининг муҳим босқичи сифатида характерланади. Бу ҳақиқатни шоир туғилиб ўсган диёрдаги форсий ва урдугўй адиблар, шунингдек, Афғонистоннинг ўтмиш ва ҳозирги илму араб аҳли Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг фозиллари, шоир ва олимлари ҳам тан олганлар. Жумладан, Ҳусайнкулихон Азимободий «Ништари ишк» тазкирасида шундай ёзади: «Мирзо (Бедил) Ҳиндистон шоирларининг сарасидир, янги сўз ва иборалар қўллашда кўп ижодий изланишлар олиб борган ҳамда шеъриятда янгича йўл ва бадий услуб яратган зотдир. Назму насрда унинг иқтидори бағоят кучлидир». Ҳиндистоннинг кўпчилики диди баланд фозиллари унинг ўзига хос услубини ардоқлайдилар, синчков ва нозик мушоҳадаларига иқроор бўлиб таъриф этадилар.

Ўрта аср тазкиранависларининг келтирилган фикр-мулоҳазаларидан маълум бўлишича, Ҳиндистонда яшаб ижод қилган форс-тожик адабиётининг улкан намояндаси ҳисобланмиш Мирзо Бедилнинг янгича услуби, илғор адабий-эстетик қарашлари адабий марказларда турли

¹ Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995, 184-бет.

² Иржи Бечка. «Бедил бедилizm», Москва, издательство «Прогресс», 1970, стр. 358.

³ Р. Орзибеков. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. «Фан», Тошкент, 1976, 116-117-бетлар.

йўналишга мансуб шоирлар, адиблар томонидан баҳс-мунозарага сабаб бўлган. Бу адабиёт тарихида фақат гениал шоирлар билан рўй берадиган ҳодисадир¹.

Бедил адабиёт майдонида кириб келар экан, шеърят вазифасини, шоирнинг ижтимоий ҳаётдаги роли ва масъулиятини ёшлик чоғлариданоқ чуқур тушунишга интилди. Бу борада «Чор унсур»да ажойиб бир мисол келтирилади. Маълум бўлишича, бир гуруҳ «адиблар» ўтмишининг бой, бадий, фалсафий меросини менсимасдан, Ҳоқоний ва Амир Хусравни ўзларининг хизматкорлари деб гердайганлар. Булар ўша суҳбатда маза-матрасиз ғазаллар ўқиб, бир-бирларига таҳсинлар ўқиб, олқишлаганлар.

Сув юзасидаги думалоқ пуфаклар нечоғлик бақосизлигини эслатиб Бедил уларни чаён чакқан итларга ўхшатади.

Юксак маънавий қиёфага молик Бедил жаҳон маданиятининг Шарқдаги улуғ вакиллари Румий, Ҳоқоний, Аттот, Саъдий, Амир Хусрав, Ҳофиз, Жомий, Навоий, Ҳилолий, Урфий, Соиб, Абдурахим ижодиётларига зўр самимият ва чуқур ҳурмат билан қаради. Улардан бадий маҳорат сирларини ўрганиш билан бирга қимматли умрларини қасидагўйликка бағишлаган адибларни кескин қоралади. Шоир «Эй шамъи базми қудс» қасидасида инсон концепциясидан атрофлича баҳс юритиб, салжуқийлар замонидаги маддоҳ шоирлар Авҳариддин Анварий ва Заҳириддин Форёбий қасидаларини жиддий танқид этдики, булар совға-салом ва катта инъомларни кўзлаб асарлар ёзган эдилар.

Бедилнинг адолатли танқидидан сўнг замонасининг улуғ донишманди Ҳаким Анварий ўз қилмишларидан пушаймон бўлиб, умрининг охирида маддоҳликдан кўра, кўчани шипириб юришли ишдир, деган хулосага келган².

Бедил Шарқ халқларининг маънавий ҳаётидаги шундай бир тарихий шароитда яшадики, форс-тожик адабиёти Ўрта Осиё, Эрон ва Хуросондагина эмас, XI асрнинг бошларидан бошлаб Ҳиндистонда ҳам ўз тараққиёт йўлини босиб ўтиб, Амир Хусрав, Файзи Даканий, Абдурахим Хон Хонон каби улкан фигураларни инсонийётга тақдим этди. Бундан ташқари форс-тожик адабиётининг талайгина вакиллари санскрит, хинд, урду, панжобий тилларини билишар, мазкур тилларда ижод қилишар эди. Урду адабиётининг пайдо бўлишида форс-тожик адабиётининг бой мероси, ажойиб анъаналари, мавзу сиймолар системаси муҳим роль ўйнаганини урдушунос олимлар эътироф этадилар. Шундай қилиб Бедил поэзияси муайян замин асосида, биринчидан, XVII-XVIII асрларда содир бўлган муҳим воқеа ҳодисалар, иккинчидан, ижтимоий ҳаётни синчковлик билан ўзлаштириш ва идрок этиш, форс-тожик, араб, урду адабиётининг яхши анъаналарини ижодий ўзлаштиргани ҳолда вужудга келди³.

«Чор унсур» – «Тўрт унсур» – Мирзо Бедилнинг эпик асари бўлиб, бу китоб наср билан ёзилган; айрим шеърӣ парчаларни ўз ичига олади. Унда Бедил ўзининг болалик, ўспиринлик, йигитлик ва қариллик чоғларидан хабар беради. Шу билан бирга Бедил ҳаётига оид маълумотлар ҳам берилади. Бедил тўрт элемент: ҳаво, сув, ер ва олов тўғрисида фикр юритади, ўсимлик, ҳайвонот ва киши-одамнинг пайдо бўлиши масаласига ўз қарашини баён этади. «Чор унсур»нинг тўртламчи элементга – оловга бағишланган қисми фавқуллода аҳамиятлидир. Ушбу асарда билиш назариясига оид ҳам қимматли фикрлар ёзилган. Бедил бу китобни 41 ёшида бошлаб 55 ёшларида тугатган.

Бедилнинг «Ирфон» – «Билим» асарини дoston, ҳикоялар тўплами ва бир бутун поэма деса бўлади. У ҳам ҳажми ҳам мазмуни жиҳатидан Бедилнинг классик асари, шоҳ китобидир.

«Ирфон» ўн икки минг байт, 22 минг мисрага эга поэмадир. Энциклопедик асар «Ирфон»да Мирзо Бедил ижтимоийёт, адабиёт, фалсафа, социология устида фикр юритади, бу масалаларни ўзига хос йўл билан ҳал этмоқчи бўлади⁴.

Мирзо Бедилнинг тили гўзал, сатрлари теран, сўзлари кенг маънолидир. Мирзо Бедил «Абу Маони», яъни «Маънолар отаси» лақабига сазовор адиб бўлиб, ҳар бир мухлиси кўз ўнгига ўткир фикрли фаол фикрловчи руҳ эгаси, ҳам дардли, ҳам аламли дил соҳиби, ажойиб тарихий шахс ҳисобланади⁵.

¹ Ш. Шукуров. Мирзо Бедилнинг поэтик мероси. «Фан», Тошкент, 1979, 44-45-бетлар.

² Ўша асар. 34-35-бетлар.

³ Ўша асар. 30-бет.

⁴ Иброҳим Мўминов. Мирзо Бедил. «Ўзбекистон», Тошкент, 1975, 32-33-бетлар.

⁵ Иброҳим Мўминов таҳрири остида. Мирзо Бедил. Рубоийлар. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1974, 7-бет.

XVII-XVIII асрлар маънавий фикрнинг муҳим хусусиятлари ҳақида тўхталганда, комилликка йўлловчи байтлар битган Сўфи Оллоҳёр ижоди ва шахсияти ҳақида мухтасар сўз юритиш мақсадга мувофиқдир.

Ўтмишдаги мактаб ва мадрасаларимизда, хусусий муаллимлар ихтиёридаги таълим тизимида Куръони карим, Ҳадиси шариф, Ҳафтияк, Чор китоблар билан бирга машхур зуллисонан лирик шоир, дostonнавис, исломий аҳкомларнинг жон-фидо тарғиботчиси Сўфи Оллоҳёрнинг «Саботул ожизин», «Маслак-ул-муттақин» асарлари ҳам бир дарслик сифатида ўқитилган.

Сўфи Оллоҳёр 1644 йили Каттакўрғоннинг Минглар қишлоғида зиёли оиласида дунёга келади. Отаси Темир Ёр ўғлининг тарбияси билан жиддий шуғулланди: у 12 ёшигача ўз қишлоғида ўқийди, кейинчалик Бухорога бориб мадрасаларда билим олиб, замонасидаги барча фанларни ўрганади, бадий ижод сеҳрини эгаллайди, ўзбек ва тожик тилларида асарлар ёза бошлайди. Мадраса хатмидан сўнг Сўфи Оллоҳёр бир неча йил Бухоро амирининг Ҳисор ва Қубодиён туманлари солиқ маҳкамаларида ишлайди, «Шумлиғим, расволиғим тегди вилоят халқига», деб кейинчалик адиб ўзининг ана шу фаолиятдан надомат чекади¹.

Мутасаввуф шоир бу давр ичида «Мурод ул-орифин», «Сирож ул-ожизин», «Маҳзан ул-мутиън», «Нажот ул-толибин» каби диний-фалсафий асарлар яратди. У ўз қарашлари билан ожизларга, йўлдан озганларга ҳидоят ва нажот йўлини кўрсатиб беради. Толибларга тўғри йўл кўрсатади. Инсофу адолатни, ҳалоллик ва тўғрилиқни, орифлик, ошиқлик, хилват ва узлатни тўлиб-тошиб қуйлайди, нафс ва худбинликни қаттиқ танқид қилади. Дунё лаззатларидан воз кечиб, ўзни ҳақнинг инон-ихтиёрига топшириш фалсафасини илгари суради. Марказий Осиёда кенг тарқалган Яссавия-Жаҳрия тариқати ғоялари учун курашди².

Сўфи Оллоҳёрнинг дунёвий ишларни тарк этиб, нақшбандия тариқати йўлига ўтишини таниқли навоийшунос олим Ёқубжон Исҳоқов қуйидагича изоҳлайди: «Оллоҳёр божхона хизматига кириб, бир неча йил қаттиққўл, шафқатсиз амалдор сифатида фаолият кўрсатади. Шайх Ҳабибуллоҳнинг бир муриди ғайриқонуний йўл билан Бухорога мол олиб кираётганда Оллоҳёр томонидан қаттиқ қалтакланганлиги ҳақидаги ривоят жуда машхур».

Оллоҳёр Шайх Ҳабибуллоҳ таъсирида нақшбандия тариқатига кириб, мансаби ва бошқа дунёвий амалларни тарк этади. У ўн йил Шайх Ҳабибуллоҳ мадрасасида таълим олиб, етук олим ва валий даражасига етишади.

Сўфи Оллоҳёр ўзбек адабиёти тарихида Навоийдан сўнг нақшбандия тариқатини шеърый шаклда энг изчил тарғиб қилган улуғ сўз санъаткори ҳисобланади. Унинг асарлари, гарчанд диний-тасаввуфий ахлоқ ташвиқига қаратилган ирфоний адабиёт намунаси бўлса ҳам, ўзининг такрорланмас санъаткорона услуби туфайли бадий шеърятнинг энг юксак намуналари сифатида эътироф этилган³.

Сўфи Оллоҳёрнинг исломий ақидалар яловбардори даражасига етишишида унинг шайх Наврўзга қўл бериб, ундан дарс олиши, машхур Офоқхожа эшон, оташзабон шоир Машраблар билан мулоқотлари, оддий меҳнаткаш халқ ҳаёти, руҳияти билан яқинорқ танишуви муҳим босқич бўлган. Умрининг кўп қисмини сўфистик ғояларни тарғиб этиб, комиллик сари интилган забардаст шоир 1721 йили Вахшиворда вафот этган. Оллоҳёршунос олим И. Сувонқуловнинг уқтиришича, бу сана «Саботул-ожизин»нинг бир дастхати ҳамда «Шарҳи Суфия» китобида аниқ кўрсатилган.

Сўфи Оллоҳёрдан бизга қадар катта ҳажмда ижодий мерос қолган: турли мажмуалар, баёзларда сақланиб қолган лирик шеърлар, «Мурод-ул-орифин», «Маслак-ул-муттақин», «Маҳзан-ул-муттеин», «Сабот-ул-ожизин» каби ахлоқий-таълимий, ижтимоий-фалсафий маснавийлар шулар жумласидандир⁴.

«Сабот-ул-ожизин» Сўфи Оллоҳёрнинг маснавий шаклида ёзган асари. Бугунги кунда «Сабот-ул-ожизин»ни шарҳлаш эҳтиёжи юзага келди. Бу эҳтиёжни қондиришга Тожуддун исмли киши киришиб шарҳ ёзади ва унга «Рисолаи азиза» номини беради. Зеро, шарҳ кизи Азизанинг бир неча бор илтимоси билан ёзилган эди.

¹ Ҳамиджон Ҳомидий. Кўхна Шарқ дарғалари. «Шарқ», Тошкент, 1999, 278-бет.

² Буюк сиймолар, алломалар. 52-бет.

³ Ёқубжон Исҳоқов. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Тошкент, 2002, 105-113-бетлар.

⁴ Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. «Шарқ», Тошкент, 2004, 183-бет.

«Рисолаи азиза» – «Саботул-ожизин» шарҳи асарида келтирилишича, Оллоҳёрнинг уч хотини, икки қизи ва бир ўғли бор эди. Бир қизининг исми Омина, иккинчиси Ҳалима эди. Ўғли – Муҳаммад Содик. Муҳаммад Содик Бухорода туғилиб йигирма етти ёшига етганда ота юрти Самарқандга кетди. Оллоҳёр Бухорода қолди. Ўн йилдан сўнг Оллоҳёр Байтуллоҳни зиёрат қилиш учун азм айлаб йўлда Булғор юртига дуч келиб бир оз вақт Қозон шаҳрида тўхтади. Ул замонда Булғорнинг бир комил сўфиси бор эди. Исми – Идрис Ҳофиз. Оллоҳёр бу сўфи билан бир силсилада экан. Оллоҳёр Булғордан Арзи Румга борган. У ерда ундан кароматлар кўрингач, Искандария шаҳрига келди. Шу ерда дори фанодан бақо уйига кўчди. Бу иш ражаб ойининг йигирма тўққизинчи кунида бўлди. Оллоҳёрнинг ёши ўшанда тўқсонда эди. Бу 1724 йил 24 апрелга тўғри келади.

Сўфи Оллоҳёр илм ва бадий ижод жабҳасида ўзигача бўлган туркий ва форсий тилдаги кўп асрлик бой адабиётни чуқур ўрганиб, унинг ўзига хос анъаналарини чуқур ўзлаштириб кириб келди. Шубҳасиз, унинг бадий ижод соҳасидаги дастлабки қадамлари ҳаётий ҳис-туйғуларнинг ифодаси сифатида юзага келган. Зероки, ҳеч ким ҳам тайёр мутафаккир шоир бўлиб дунёга келмайди. Шунингдек, ҳеч ким ҳам дунё ташвишларидан, унинг шодлик ва ғамларидан ташқарида яшай олмайди.¹

Сўфи Оллоҳёр адабий мероси ўзбек мумтоз адабиёти, тасаввуф ва ўзбек маърифатчилиги тарихида алоҳида аҳамиятга эга. Сўфи Оллоҳёр хизматларининг буюклиги шундаки, агар Хожа Аҳрор Вали, Махдуми Аъзам каби аллома бобоқолонларимиз сўфия тариқати таълимотларини ижтимоий ҳаётга татбиқ этишда намуна кўрсатган бўлсалар, Сўфи Оллоҳёр бу тариқатнинг барча даврлар учун долзарб этиб, миллий мадрасаларнинг таълим тизимига олиб кирди. Ўз ижодида комил инсонни тарбиялашни бош мақсад қилиб олди. У ўзининг ана шу хизмати билан даврларнинг, миллионлаб кишиларнинг муаллими ва мураббийсига айланди, буюклик касб этди².

Айниқса, Сўфи Оллоҳёрнинг икки китоби «Маслак ул-муттақин» ва «Сабот-ул-ожизин» анъанавий давлат тили бўлиб келган форсий ва туркий адабий тилларни улуғлади. Ва ўзининг бу фаолияти билан Сўфи Оллоҳёр Чин (Хитой)дан Шом (Сурия)гача, Оқ Эдил (Волга) бўйларидан Ҳинд сарҳадигача бўлган минтақаларда яшовчи туркий ва форсийзабон халқларни яққалам қилди. Уларни асл исломий эътиқоддан чалғимаслик, ёт мафкураларнинг турли бидъат таълимотларига учмасликка даъват этади. Яъни уларни бир исломий-ахлоқий, бир фалсафий эстетик мафкуравий ялов остида бирлаштиради. Бу эса ҳар қандай ижтимоий-иктисодий давр ҳамда сиёсий муҳитларда унча-мунча мутафаккир ижодкор кўлидан келаврадиган иш ҳам эмас эди. Сўфи Оллоҳёр буюклигининг туб боиси, аввало, ана шундадир. Негаки, унинг бу саъй-ҳаракати туфайли курраи заминнинг турли минтақаларида яшовчи халқлар бир-бирлари билан яқинлашадилар, бир-бирларининг маърифатларидан хабардор бўладилар³.

Ана шундай маърифатлантирган китоблардан бири «Сабот ул-ожизин»дир. Туркистон халқлари бу китобдан ўта таъсирланганларидан ёзувчисининг номини китоб номи қилиб олганлар. Шунинг учун «Сўфи Оллоҳёр» номи билан халқ орасига ёйилган. Бу китобдаги масалалар сўзга чечанлик йўли билан ояту ҳадисга мувофиқ ёзилган. Ўзлари Аллоҳ томонидан илҳом берилган зот бўлганлари учун, бу китобни ким ўқиса секин-аста юрагига тақво, амал қилиш, яхши ахлоқни ўзига сингдириш, камтаринлик кириб кела бошлайди.

Сўфи Оллоҳёр «Сабот ул-ожизин» китобининг ибтидосидан интиҳосигача инсонни том маънода покиза ҳаёт кечиршига ташвиқ этувчи фикрларни баён этади. У жамиятнинг ҳар бир аъзоси диёнатли бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Унингча диёнат виждон, инсоф, адолат, ҳақиқат тушунчалари билан яқин маънодош бўлиб, уни акси эса хиёнатдир. Шунинг учун ҳам диёнат эгаси бўлган инсон хиёнатга йўл қўймаслиги керак⁴.

«Сабот-ул-ожизин» ислом дини асосларини ўргатувчи энг муҳим фан бўлган ақида (ақоид) масалаларининг туркийдаги шарҳидир.

Сўфи Оллоҳёр унда Аллоҳ Таолонинг маърифати, тавҳиди, сифатлари, имон, фаришталар, қабр азоби, қиёмат куни, пайғамбар шафоати, умрнинг фонийлиги ҳақида хабар беради. Шунингдек, авлиёлар каромати, пири комиллар, ризо ва сабр, таъма, дунё

¹ Рисолаи азиза. «Саботул-ожизин» шарҳи. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Тошкент. 2000, 5-6-бетлар.

² Иноятулла Сувонкулов. Сўфи Оллоҳёр. Самарқанд, 2000, 6-8-бетлар.

³ Сўфи Оллоҳёр. Кўзунг ибрат била оч. 7-бет.

⁴ Иноятулла Сувонкулов. Сўфи Оллоҳёр. «Фан», Тошкент, 1995, 65-бет.

хийлаларидан қочиш, тажарруд, кибр, таваккул, дарвишлик, мулойимсўзлик, эзгулик, ҳақирлик, садоқат, чин эрлик, Худодан умидворлик каби инсон камолотини белгиловчи ҳолатлар ҳақида содда тил ва таъсирчан руҳда баён этади¹.

Сўфи Оллоҳёр мумтоз адабиётимизнинг мутафаккирларидан бири сифатида фалсафий-дидактик шеърят тараққиётига катта ҳисса қўшган. Бу унинг лирик асарларида ҳам равшан сезилиб туради. Оллоҳёр лирикасида жувонмардлик маслағи ва мафқураси илгари сурган гўзал ахлоқий сифатларни улуғловчи бир қатор намуналар мавжуддирки, улар бугунги кунда ҳам ўз ғоявий-тарбиявий аҳамиятини йўқотмаган:

*Ҳар кимни нияти бўлса, эҳсонда нон каби,
Гар солсалар танура, ичидин сурхрў чиқар.*

(Ҳар кимнинг ниятида яхшилик бўлса, уни тандирга (оловга) солсалар ҳам у қизилюзли (пок) бўлиб қолаверади).

Сўфи Оллоҳёрнинг лирик шеърлари орасида шундай бир намуна борки, у мутафаккир шоирнинг дунё, инсон ахлоқи, фаолияти ва тақдири ҳақидаги жуда чуқур, ҳаётий ва фалсафий хулосалардан таркиб топган².

Сўфи Оллоҳёрнинг рисолалари кейинги асрларда, хусусан, XIX-XX асрларда Тошкент, Қозон, Боку ва бошқа шаҳарларда қайта-қайта чоп қилинган, унинг номи халқ орасида машхур бўлган. Шуни айтиш керакки, унинг илмий ва адабий мероси ҳали мукамал ўрганилган эмас. Шоирнинг ижодини чуқур тадқиқ қилиш унинг дунёқарashiдаги тасаввуф ғоялари, ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий қарашларининг муҳим хусусиятларини очишга имкон беради деган умиддамиз³.

XVII-XVIII асрларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилганда, Мовароуннаҳр халқлари ижтимоий-бадий, фалсафий меросига ҳисса қўшган Муҳаммад Шариф Бухорий ижодиётига ҳам назар ташлаш ўринлидир. Муҳаммад Шариф Бухорий «ал-Мавлавий» лақаби билан машхур бўлган олим XVII асрдаги Мовароуннаҳр мутафаккирларининг ёрқин намоёндаларидан биридир. У ўз ижодида ёлғиз фалсафага оид билимнигина эмас, балки тарих, шеърят, ҳуқуқ, тилшунослик каби соҳаларни ҳам қамраб олган. Унинг бизгача йигирмадан ортиқ асари етиб келган ва улардан «Ар-рисола ал-даврийя» («Даврийлик ҳақидаги рисола») асари Бухорода ёзилган. Битилган йили номаълум. Қўлёзмасининг бир нечта нусхалари мавжуд. Шулардан бири «Рисолату истилзами давр мин тасалсул» («Даврийликнинг мутгасилликка зарурий тобелиги ҳақида») рисоласидир.

Рисола ниҳоялик ва бениҳоялик масалаларига бағишланган. Муаллиф бу масалани юқорига юксалувчи айланма ҳаракат кўринишида ҳал қилади. Олимнинг тасаввурича «юқорида турувчи» ва «қуйида турувчи» деган босқичлар мавжуддир.

Бухорийнинг «Такаммуле ат-татимме» («Такмилнинг тўлдирилиши») асари фалсафийдир⁴.

Муаллифнинг иккинчи асари «Хошия-и-Мавлавий Шариф бар шарҳи таҳзиб» – «Мавлавий Шарифнинг «таҳзиби шарҳига хошияси». Асл нусхасининг тўлиқ номи «Мантик ва каломнинг тузатилиши» бўлиб, қарийб барча манбаларда у қисқа тарзда «тузатиш» яъни «таҳзиб» деб аталади.

Бу асар фақат Ўрта Осиёдагина эмас, балки бошқа мамлакатларда ҳам машхур бўлган, олимлар XIX асргача унга қатор шарҳ ва изоҳлар ёзишган.

Муаллифнинг «Миръот ул-ҳақойиқ» номли рисоласи, «Китоби фавойида ҳақония» – «Ҳоқонларга фойдали китоб» рисоласи ва бошқа бир нечта китоблари мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти ҳали ўрганилган эмас⁵.

Муҳаммад Шариф ал-Бухорийнинг шеърӣ мероси унинг «Девони Шариф» номли шеърлар тўпламида ўз аксини топган. Бухорий шеърӣятига Марказий Осиёнинг йирик шаҳарларида катта қизиқиш билан қаралган. Унинг девонини ўрганиш бир жиҳатдан олим

¹ Шухрат Сирожиддинов. Сўфи Оллоҳёр илоҳиёти. 1-қисм. Тошкент, 2001, 15-бет.

² Иноятулла Сувоқулов. Сўфи Оллоҳёр. 13-бет.

³ Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995, 200-бет.

⁴ Буюк сиймолар, алломалар. 39-бет.

⁵ Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. 182-бет.

дунёкарашини аниқлашга ёрдам берса, иккинчи жиҳатдан эса адабиётимиз тарихини бойитади.

Бухорийнинг асарлари Ўрта Осиёнинг XVII-XVIII асрлар фалсафий, бадиий тафаккури ривожига даражаси ҳақида тасаввурларимизни кенгайтиради, бадиий адабиёт ва фалсафа тарихининг ўрганилмаган саҳифаларини тўлдирди.

Шарқнинг, Мовароуннаҳр сарҳадининг яна бир мўътабар фарзанди Мулла Хўжаназар Хувайдо XVIII аср ўзбек адабиётининг кўзга кўринган ва ўзининг лирик шеърлари, дostonлари билан машҳур бўлган шоирлардан биридир. Унинг лирик асарларида шоирнинг шахсий кечинмалари, ҳаёти, замонасининг турмуш тарзи ўзининг ёрқин ифодасини топган. «Роҳати дил» достони диний-ахлоқий ва дидактик мазмундаги асардир. У ўзбек адабиётининг энг ажойиб анъаналарини ўзида мужассамлаштирган бебаҳо асарлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.¹

Хўжаназар Ғойибназар ўғли Хувайдо Ўшда туғилиб, умрининг охиригача Фарғонанинг Чимён деган жойида яшаб, ижод этган. Хувайдонинг замондоши Мавлоно Носеҳ ва шогирди Мир Ҳасан Садойиларнинг марсия-таърихларида шоирнинг вафот этган санаси 1780-1781 йиллар деб кўрсатилади.

Хувайдонинг отаси Ғойибназар сўфи ўз даврида Қашқарда машҳур бўлган шайхул аъзамлардан Офокхожа эшоннинг муридларидан бири бўлиб, Чимёнда масжид ва хонақоҳлар қурдириб, эшонлик қилган. Хувайдонинг девонида келтирилган бир нақлга кўра, шоирга Хўжаназар исми ҳам Офокхожанинг «илтифоти» билан қўйилган экан.

Кўкон мадрасаларидан бирида таҳсил олган Хувайдо отаси ўлимидан сўнг мактабдорлик – домлалик ва хонақоҳларда воизлик қилади².

Мактабдорлик, ҳунармандлик ва шеър ижод этиш билан машғул бўлган Хувайдо ўта зиддиятли тақдирли, замонаси кули, ҳам исёнкори ҳисобланган нафосатчиларидан биридир. Мана шундай қарама-қаршиликли тарафда туриб ижод этган, ўзбек адабиёти тарихида ҳамда халқ ҳаёти ва авлодлар дилида ўзига хос чуқур из қолдирган санъаткорлардан биридир. У, бир неча жуда муҳим, истиқболли мувафиқлаштирувчи масалаларда ўзбек бадиий маданияти ва фалсафий онги тарихида катта ўрин эгаллаган ижодкорлардандир³.

Хувайдодан сўнг унинг авлодидан бир неча шоир ва шоиралар етишиб чиқиб, улар бадиий ижодда Хувайдо анъаналарини издоши бўлдилар. Чунончи, Хувайдонинг набираси Мавлавий Сирожий, чеваралари Самарбону, Салоҳиддин Соқиблар соҳиби девон шоирлар бўлганлар.

Хувайдонинг адабий мероси шоирнинг чевараси Ҳожи Салоҳиддин ва Мирза Ҳаким ибни Мирза Умид Марғилонийлар кўчирган мукамал қўлёзма девонда тўпланган бўлиб, у шоирнинг қаламига мансуб асарларни деярли тўла қамраб олади. Ҳатто уни Хувайдонинг куллиёти дейиш ҳам мумкин. Салоҳиддин Соқибнинг ушбу китоб сўнггида келтирган маснавийсидан кўринадики, у Қашқар, Ёркент, Оқсув, Хўтан, Балх, Бухоро, Хоразм ва бошқа жойларда бўлиб, ҳамма ерда Хувайдо шеърларига қизиқиш кучли бўлганлигини кўради.

Хувайдо ўз қалами ва бадиий ижоди билан ҳаётни кенг қамраб олишга, ҳар бир муҳим масалага ўз муносабатини билдиришга ва шундай қилиб ўз замонининг ҳозиржавоб шоири бўлишга интилди. Ҳақиқатдан ҳам унинг асарлари ўзбек халқи ва ватани тарихидаги маълум босқичнинг анчагина жиҳатдан умумлашган яхлит бадиий ифодасидир деса бўлади. Унинг ижодида инсоннинг, халқнинг олижаноб хислатларидан ва ватан табиати гўзалликларидан тортиб то давр чиркинликлари, одам қиёфасидаги ёвузларнинг разил қилмишларига қадар бутун воқелик ўзининг барча зиддиятлари илғор қарашлари ва заифликлари билан акс этди⁴.

XVII асрда Мовароуннаҳр минтақасидан форс-тожик адабиётининг бир неча ёрқин юлдузлари етишиб чиқдиким, улар орасида оташзабону ширинкалом шоир Сайидо Насафий алоҳида мақомга эга. Лирик турнинг деярли барча жанрларидаги асарлардан катта ҳажмдаги девон тузган, «Баҳриёт» («Ҳайвонотнома»), «Шахрошут» (шаҳар ҳунармандлари хусусида манзумалар) яратган сермахсул бу санъаткорнинг ижодини ўрганиш ва нашр этишда Холик

¹ Хўжаназар Хувайдо. Раҳати дил. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Тошкент. 1994, 3-бет.

² Воҳид Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. 88-бет.

³ В. Зоҳидов. Ҳаётбахш бадиият тароналари. Ғ. Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1975, 137-бет.

⁴ Ўша асар. 138-бет.

Мирзозода, Садриддин Айний, Абдуғани Мирзоев ҳамда Жўрахон Шанбезодаларнинг хизмати катта¹.

Сайидо Насафий (1637-1710) «Убайдуллонома» муаллифининг ибораси билан айтганда, «Бухоро шоирлари тахтида султон» деб ном чиқарган шоир ва ёзувчидир.

Сайидо Қарши (Насаф) шахрида таваллуд топган ва шу ерда бошланғич таълим олиб, Бухоро мадрасаларида ўқишни давом эттирган. У хунарманд-тўқувчи бўлган, оғир иқтисодий қийинчиликлар шароитида, «Убайдуллонома»да таъкидланганидек, «амирлар уйини ва хон саройларини зиёрат қилишга интилмаган, ўзига насиб қилган бир бурда нонга қаноат қилиб» яшаган. Шунга қарамадан у бадий ижод учун вақт ва имконият топа олган. Ўзи яшаган оғир ва қийин бир шароитда меҳнаткаш халқ билан бирга бўлди, унинг дардига ҳамдардлик қилади, халқнинг жабр-жафоларига шерик бўлади. Ўз ижодида демократик, халқпарварлик, маърифатпарварлик ғояларини илгари суради. Сайидо ўзаро сиёсий қирғинбарот урушларни қаттиқ қоралайди, мамлакатни ҳаробага айланттирганларни аёвсиз танқид этади².

Бизга қадар Сайидо Насафийнинг мукамал куллиёти етиб келган. Унинг қўлёзма нусхаларида 8500 байтдан иборат турли жанрлардаги шеърлар жамланган. Уларнинг мавзу доираси кенг, ғоявий йўналиши ранг-баранг, бадийлиги энг авж нуқтада. Ўша давр шоири ва адабиётшуноси Малехо Самарқандий ўзининг «Музаққир-ул-аҳбоб» тазкирасида Сайидо ижодига қуйидагича баҳо берган: «Мақташда унинг номи пайваста келмаган ғазал учрамайди, у мухаммас боғламаган ғазал ҳам топилмайди. Бокира ғазаллари сўз усталарини хайратда қолдирган, раъно янглиғ мухаммаслари сават тўла гулларнинг тождир. Шахрошублари бозорларга ғавғо солган, қозонган, қасидалари салмоқли, маснавийлари сирларга бой, қитъалари пандга сероб, мустазодлари қалбларни ром этувчи, мувашшаҳлари муаммо, чистонлари дилписанд нимаики ёзган бўлса бари мумтоз ва олийқадрдир»³.

Бир туркум маснавийлар Бухоро амирлари Абдулазизхон ҳамда Субхонқулихон ҳукмронлиги давридаги Мовароуннаҳрда рўй берган воқеалар тасвирига бағишланган. Улар бир томондан, шоир ижодидаги ҳаққонийлик, реалистик тамойилларни билиб олишга кўмаклашса, иккинчи томондан, ўша даврдаги тарихий воқеаларни аниқ тасаввур этишга кўмаклашади. Айрим тарихий шахсларнинг мавжуд ижтимоий тузумдаги ўрни ҳамда мавқееларини мукамал англашга ёрдам беради. Умуман Сайидо маснавийлари тузилиши, мавзу доираси, тимсоллар силсиласи, ғоявий йўналишию бадийлиги жиҳатидан ушбу жанрнинг тарихий тараққиётида муҳим бир ҳодиса ҳисобланади. Шарқ мумтоз адабиётида бу туркумдаги асарлар фақат Сайидо Насафий ижодигагина мансуб бўлиб, тили, услуби, бадий тасвир усуллари ҳам ўзига хосдир. Қасида, қитъа, рубоий каби жанрлардаги асарлар ҳам ана шу маснавийлардаги фикрларни тўлдиришга хизмат қилади. Жумладан, Баҳоуддин Нақшбандга бағишланган қасидалар шайх равзаси ҳақидаги маснавийларда ифодаланган мулоҳазаларни ривожлантиради, янада такомиллаштиради⁴.

Сайидо Насафий жуда кўплаб лирик шеърлар ва ғазаллар ҳам ёзган. Уларда шоир тасаввуф, нақшбандийлик ғоялари ва дунёқарашини илгари суради. Сайидо бу хусусдаги қасида ва маснавийлари аштархоний хонлар юришларининг шеърда ифодаланган тарихий асарлари, мухаммаслари, масалларида мамлакат ва халқ ҳаёти ҳақида ғоят қимматли фикр ва хулосалар беради.

Мовароуннаҳрнинг катта бўғини – Бухоро адабий муҳити равнақ шоҳсупасига кўтарилишига XVII асрда ажойиб ижодий имкониятлар вужудга келди. Бир ёнда Турди Фароғийдек оташин ватанпарвар ва миллатпарвар адабий сиймо жавлон урса, бир ёнда Субхонқулихондек маърифатли, айна пайтда, жангари ҳукмдор майдонга чиқди. Бошқа ижодкорларни қўятурайлиг-у, фақатгина Субхонқулихон ва Турди Фароғий ўртасида Феруз ва Огаҳий орасидагидай аҳил ижодий ҳамкорлик бўлганида ҳам, Бухоро адабий муҳити равнақ топган бўларди. Аммо, ҳаётда акси бўлди. Маҳаллий келишмовчилик, уруғчилик тарафкашлиги яхлит адабий бирликнинг бошига етди. Субхонқулихон ҳам ярим асрлик умрини турли жангу жадалларга сарфламай, Феруз каби маданият ва санъат оғушида осойишта ўтказганида, Бухоро адабий муҳити ўзгача манзара касб этган бўларди. Зеро,

¹ Ҳамиджон Ҳомидий. Кўхна Шарқ даргалари. 306-бет.

² Р. Шамсутдинов ва бошқ. Ватан тарихи. 50-бет.

³ Ҳамиджон Ҳомидий. Кўхна Шарқ даргалари. 307-бет.

⁴ Ўша асар. 310-бет.

алоҳида фаолият кўрсатган адабий шахслар ҳам адабиёт тарихида, миллат равнақи йўлида муҳим ўрин тутганлар. Турди Фароғий ягона ватан ва миллий бирлик учун оташин курашчи сифатида мумтозлар ичида мумтоздир. Бундай порлоқ адабий шахсиятлар таназзулига ўз замонасидаги ижтимоий инқироз сабаб бўлган¹.

Фароғий (эркин табиатли киши) Бухоро, Хўжанд ва Жиззахда яшаб, ижод қилади. Турдининг ҳаёти ва ижодий йўли ҳақида маълумотлар жуда кам. Асли ўзбекларнинг юз қабиласидан бўлиб, бошқа қabila бошлиқлари қатори Турди ҳам ўз қабиласи номидан оталиқ лавозимида бирмунча вақт Субхонқулихон саройида хизмат қилади. У Субхонқулихон ҳукмронлиги давридаги адолатсизликлар, халққа ўтказилган жабр-зулмларни ўз кўзи билан кўради. Хон саройидаги юқори мансаб эгаларининг лаганбардорликлари, порахўрлик, ахлоқий бузуқликларининг гувоҳи бўлади. Халқнинг эса зулм ва солиқлар дастидан қадди букилади, ҳатто «барот» солиғининг етти йиллиги бир йилда ундириб олинар эди. Меҳнаткаш омма 1681-1686 йиллар мобайнида Субхонқулихон сиёсатига қарши бир неча бор кўзғолон кўтарар эди. Шоир Турди ҳам кўзғолончиларга кўшилади.

Кўзғолончилар Самарқанд яқинидаги Кониғил деган жойда хон кўшинларидан енгилдилар. Турди Раҳимбий ва унинг ўғли Оқбут абийдан ёрдам олиш илинжида Хўжандда қолади. Раҳимбийга атаб мадҳиялар ёзади. Аммо бу ҳаракатларидан натижа чиқмагач, Жиззахда ўрнашади ва тахминан 1701 йилда шу ерда вафот этади.

Ҳажвчи, танқидчи, демократик ғоялар куйчиси Турдидан бир девон – шеърлар тўплами бизгача етиб келган. Унда 432 мисрадан иборат 17та шеър бор, улардан 2таси тожик тилидадир. Бу асарлар оддий, содда ва равон тилда ёзилган. Шоир Турдидан унинг юз, минг уруғ қabila бошлиқлари бўлган аристократ қариндош-уруғ ақраболари юз ўгирадилар, аммо халқ уни ҳурмат қилган. Бу шоир қалбини кўтарган².

XVII асрнинг 80-йилларида Турдининг ижодида янги босқич бошланди. У жамиятнинг ижтимоий масалаларига эътиборини қаратди. Субхонқулихон бошлиқ аштархоний ҳукмдорлари мамлакатни ҳамжиҳатлик билан бошқариш ўрнига уруғ-аймоқчилик анъаналарини авж олдириб юбордилар; қирқ, юз, минг, жалойир, жағалбойли, ойтамғали, хитой, кипчоқ, найман, кенағас, барлос каби уруғ бошлиқлари мансаб ва мартаба учун уруш-жанжал кўзғаб, халқ бошига турли-туман укубатлар соладилар, бундан қаттиқ ғазабланган шоир Турди турли уруғ зодагонларига мансуб бекларга қарата ёзади:

*Тор кўнғиллик беклар, ман-ман деманг, кенглик қилинг,
Тўқсон икки бори ўзбек юртидур, тенглик қилинг.*

*Бирни қипчоқу хитой, бирни юз, найман деманг,
Қирқу юз, минг сон бўлиб бир жон ойинлик қилинг³.*

У аштархонийлар кўшинида сиёсий арбоб ва ҳарбий бўлган. Лекин ҳарбийлик билан бир қаторда Турди ўз замонасининг энг ўқимишли, Шарқ адабиётидан мукамал хабардор, ҳаёт, жамият ҳақида кенг тушунчага эга бир киши бўлиб етишган эди. Унинг жамиятда тутган мавқеи эса ўз атрофида юз бераётган воқеа ҳодисаларга фаол аралашини тақозо этган. Афтидан у оддий аскар эмас, балки кўшин бошлиқларидан бири, баъзан бирон сиёсий гуруҳнинг раҳбари бўлган ёки бирон шундай гуруҳга ён босган⁴.

Турди хонни ва сарой аҳлини, айниқса, «Субхонқулихон ва унинг амир-амалдорлари тўғрисида ҳажв» асарида ўткир сатирик қалами билан фош этган эди.

Бу сатирик мухаммас 1691 йилда яратилган, 33 банддан иборат, 165 мисрани ташкил этади. Субхонқулихон Абдулазизга ихлосманд амир-амалдорларни, жумладан Турдини ҳам саройдан узоклаштиради. Турди Субхонқулихон ва унинг амир-амалдорларини танқид қилар экан, шахсий ғарази доирасида қолиб кетмайди, балки Субхонқулихон ҳукмронлигининг заиф ҳалқаларини кўрсатиб беради.

Турди ўз даврининг маърифатли ва пешқадам шоири сифатида ўзидан аввал ўтган ижодкорларга нисбатан шеъриятда муҳим янгиликлар бера олган, айниқса, ҳажвиётни,

¹ Нусратулло Жумаҳўжа. Ўзбек тили ва адабиёти. 1998, 1-сон, 5-бет.

² Р. Шамсутдинов ва бошқ. Ватан тарихи. 51-52-бетлар.

³ В. Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. 131-бет.

⁴ Буюк сиймолар, алломалар. 42-бет.

танкидчиликни ривожлантирган сатирик шоир сифатида ўзбек адабиёти тарихидан муносиб ўрин эгаллайди.

Маънавий фикрнинг муҳим хусусиятлари ҳақида хулоса қилинганда, аввало, Мовароуннаҳрдаги сиёсий муҳитнинг унга таъсири масаласини айтиб ўтамиз.

XVII-XVIII асрларда Туркистонда ҳукмронлик учун ўзаро курашлар-босқинчиликлар, талон-тарожлик, бошбошдоқлик, парокандалик авж олди. Муस्ताқил хонликка ажралиб чиққан Хива билан Бухоро хонлиги ўртасида ҳамда уларнинг ўзидаги ички зиддиятлар ниҳоятда кучайиб, улар узоқ вақт давомида узлуксиз урушлар гирдобиди яшаб, нотинчликни бошларидан кечирдилар. Бу ҳаммаси маданиятга салбий таъсир этмай қолмади. Нисбий тушкунлик, олдинги ютуқларни йўқотиш, сусайиш бу давр маданиятини тасвирловчи хислатлар бўлиб қолди. Ва маданият арбоблари шундай шароитда жон сақлашга интилдилар. Маданият соҳасидаги айрим янгиликлар, ўзгаришлар асосан Бухоро, Самарқанд, Хива шаҳарлари билан боғлиқ бўлди¹.

Мазкур асрларда Мовароуннаҳр халқлари бу даврда бой адабиёт яратгани, илғор ва истеъдодли алломаларни етиштирганлигини кўрсатди. Сўфи Оллоҳёр, Мирзо Бедил, Хўжаназар Ҳувайдо, Юсуф Қорабоғий, Сайидо Насафий, Муҳаммад Шариф Бухорий, Турди Фароғий, Бобораҳим Машраб ва бошқа забардаст сўз санъаткорлари етишиб чиқди.

Илғор адабий оқимнинг энг муҳим хусусияти унинг ҳаётга, халқнинг турмуши ва орзу-интилишларига тобора яқинлашиб боришидир. Бу ҳол илғор адабиётни мавзу жиҳатдан такомиллаштирди, янги тимсолларни вужудга келтирди, ижтимоий сатирани ривожлантирди, услуб раванлиги ва тил бойлиги учун хизмат қилди.

XVII-XVIII асрлар истеъдодли маънавий фикр намояндаларининг, илғор ҳурфикрли қалам аҳллариининг ижодиёти ўзига хос ҳаёт ва ижод йўли, диди ва истеъдоди, услуби ва йўналиши бетакрордир. Уларнинг асарлари инсонпарварлик ва халқпарварлик, ватанпарварлик ва маърифатпарварлик услублари, жамиятнинг айрим иллатларини танкид қилиш, олижаноб инсоний фазилатларни тарғиб этиш, халқ оғзаки ижодига ва мумтоз адабиёт анъаналарига ижодий муносабатда бўлиш каби жиҳатлари билан бир-бирига яқин туради ва бири иккинчисини тўлдиради.

Илғор адабий оқим ўша давр зиддиятларига қарамай, ўз даврининг тараққийпарварлик фикр-қарашларини илгари сурди, омма манфаатларини ифодалади, ўша жамиятнинг бир қанча иллатларини фош этди².

Мовароуннаҳр халқлари ижтимоий-бадий-фалсафий фикри аввало табиий-ижтимоий шароит ва тарихий хусусиятлар, кўп асрли маданий мерос асосида шаклланиши билан бирга у бошқа халқлар билан узлуксиз маданий алоқалар, маънавий-фалсафий қадриятларни ўзаро алмашинуви жараёнида бойиб, ривожланиб борди.

Шарқ, жумладан Мовароуннаҳрда ҳам ижтимоий-фалсафий, илмий-бадий, ахлоқий масалалар бадий ижоднинг энг муҳим мавзуларидан бири бўлиб келди, шунинг учун ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихини ўрганганда махсус файласуф олимлар билан бирга, йирик бадий адабиёт намуналари, адиблар ижодига эътибор бериш талаб этилади. Акс ҳолда бадий-ижтимоий-фалсафий, ахлоқий фикрлар тарихини ёритишда катта хатога йўл қўйиш эҳтимолдан холи эмас. Шу боис биз XVII-XVIII асрларда яшаган ва ўша давр бадииятига, назм ва насрига улкан ҳисса қўшган бир қатор илғор мутафаккир ва илм-фан намояндалари ижодиётига мухтасар назар ташладик. Ўша улуғ мутафаккир шоирлар замондоши Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодини муфассал бадийлик нуқтаи назардан ўрганиш тадқиқотимиз мавзусини белгилаб беради.

¹ Буюк сиймолар, алломалар. 140-бет.

² В. Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. «Ўқитувчи», Тошкент, 1980, 76-бет.

II БОБ. МАШРАБНИНГ ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

БОБОРАҲИМ МАШРАБ ҲАЁТИ

Ўзбек халқи кўп асрлик бой маданият тарихига эга. У жаҳон илм-фани, санъати ва адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшди. Улуғ ўзбек олимларининг илмий кашфиётлари ва асарлари, санъат ва адабиёт аҳллари томонидан яратилган ноёб обидалар жаҳон маданияти хазинасидан муносиб ўрин олиб келмоқда.

Ўзбек халқи маънавий маданиятининг катта ва ажралмас қисми унинг мумтоз адабиётидир. Бу адабиёт мураккаб тараққиёт босқичларини кечиб ўтди, унинг илғор намоянадалари ўрта асрнинг ихтилофли ақида ва одатларига қарши курашиб, халқ манфаатларини химоя қилдилар, инсонпарварлик, халқпарварлик, маърифатпарварлик ғояларини куйладилар, олижаноб инсоний фазилатларни тарғиб этдилар, ўлмас сиймо ва асарларни яратдилар. Хоразмий, Сайфи Саройи, Қутб, Дурбек, Амирий, Яқиний, Атоий, Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Лутфий, Навоий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Машраб, Турди, Мужрим, Хиромий, Нишотий, Махмур, Гулханий, Мунис, Огаҳий, Нодира, Увайсий, Маҳзуна, Комил, Мирий, Муқимий, Фурқат, Аваз ва Завқий каби истеъдодли сўз санъаткорлари ўзбек мумтоз адабиёти камолотида катта ўрин эгалладилар.¹

Ўзбек мумтоз адабиёти тараққиётида улуғ шоир ва мутафаккир Бобораҳим Машраб ижодий фаолияти ва ҳаёти ўзига хос мураккаб кечди.

Ўзбек классик адабиёти тарихида ўзига хос катта ўрин тутган, оташин ҳажвий шеърлари ва ўйноқи ғазаллари билан халқимиз қалбидан чуқур жой олган, номи бутун Ўрта Осиё ва ундан узоқларга машҳур бўлиб кетган ажойиб шоирларимиздан бири Бобораҳим Машрабдир. Машраб ижоди аллақачонлардан буён ижтимоий аҳамият касб этган бўлиб, унинг номи халқимиз ҳаёти ва тарихида мутаассибликка, ислом ақидаларига қарши курашнинг байроғи бўлиб келди. Руҳоний диндорлар Машраб номини ва асарларини бор кучлари билан бадном қилишга, баъзи ҳолларда эса унинг халқ орасидаги обрўсидан фойдаланиб, уни авлиёлаштиришга интилиб келдилар. Лекин Машраб халқ орасида доим яшашда, курашда давом этди ва ўзининг ўлмас, ёлқинли шеърляти билан бизнинг замонамизга ҳам кириб келди.²

Ўтган икки аср мобайнида адабиётга алоқадор ҳамма кишилар Машраб тўғрисида ғоятда жумбоқ ва мушкул бир тушунчага эга бўлиб келдилар, деб ёзади Ғафур Ғулом «Икки Машраб» мақоласида. Орадан яна юз йилга яқин вақт ўтаяпти ҳамки, Машраб ҳақидаги баъзи мунозарали фикрлар, унинг ҳаёти ва фаолияти, ижодига доир турлича қарашлар ҳамон давом этиб турибди. Мазкур тадқиқотнинг асосий мақсади оташнафас ва оловқалб мутафаккир шоир Бобораҳим Машраб ҳақидаги баъзи бир ёқлама баҳс талаб, ғайри илмий фикрларга ўз холисона муносабатимизни билдирмоқ, шоир ҳаёти, фаолияти ва айниқса, унинг ижодига тааллуқли илмий-ижодий меросни ўзга Машраб яратган деб даъво қилувчилар фикрини рад этиб, ҳақиқий Машраб ижодига доир асарлар эканлигини манбалар асосида исботлашдир. Чунки академик шоир Ғафур Ғулом юқоридаги илмий тадқиқотида: «Бу масала адабиёт тарихчиларимизнинг, илмий-текширув институтларимиздаги бир талай илмий ходимларнинг тадқиқот ишларида жуда чигал муаммо бўлиб келди»,³ – деб ўз даврида ҳам ташвишланиб ёзган эди. Бугунги кунда ҳам баъзи-баъзида Машраб ижодининг у ёки бу жиҳатларини таҳлил этувчилар ноаниқ, мавҳум фикрларни ўртага ташлаб, Машраб ижодини тор, чигал ҳолда таҳлил этиб, оммани чалғитмоқдалар.

Ғафур Ғулом «Икки Машраб» (Иккинчиси Машраби Рўзибой Соний – Машрабдан юз йиллар кейин Қаршида яшаб ўтган) мақоласида «... чинакам ишқ эгалари, покиза сўз, лирик ҳиссиёт, оташин севги талаб бўлган кўпчилик ўз шоири Бобораҳим Машрабнинг асл ижодини хас-хашақлар орасидан топилган дурдоналардай ардоқлаб, сақлаб, куйлаб, бизнинг замонамизгача эсон-омон етказиб кела олди.

¹ Н. Маллаев. Гениал шоир ва мутафаккир, «Фан», Тошкент, 1968, 3-бет.

² Ғафур Ғулом. Асарлар. Саккизинчи том. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1976, 276-бет.

³ Ғафур Ғулом. Икки Машраб. Юқоридаги жилд. 277-бет.

Эндиги бизнинг вазифамиз йирик шоиримиз Бобораҳим Машрабнинг ижодини қайта бошдан ўрганиш, уни аралашмалардан, тухматлардан тозалаб, халқимизга етказиб беришдир»,¹ – дейди.

Зеро, Машраб ҳаёти ва ижоди бугунги мустақиллик жараёнида ҳолисона ўрганилиб, чуқур таҳлил этилмоғи, саёз, юзаки, чала-чулпа халқимизга қайтарилган ва унинг «Мабдаинур»и асл ҳолича нашр этилмоғи, ўз баҳосини олмоғи зарурий ҳолдир. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаси шу чигалликларга аниқлик киритишдир.

Адабиётшунос олим, Машраб тарғиботчиларидан бири А. Абдуғафуровнинг эътироф этишича, «Бобораҳим Машраб ҳали ҳаёт вақтидаёқ оташин ғазаллар муаллифи сифатида ҳам ҳозиржавоб, тўғрисиўз, зукко, бурротил, бир сўз билан айтганда, етук табиатли шахс, мунофиқлик ва фирибгарлик, пасткашлик ҳамда зўравонлик билан асло келиша олмайдиган, ўзгалар нуқсонини ҳеч бир тортинмасдан дадил очиб ташловчи ботир юрак киши сифатида ҳам халқ орасида машҳур бўлган.

Машрабга бундай кенг шуҳрат келтирган омиллар унинг халқ дили ва тилига яқин, орзу-истакларига мос шеърларигина эмас, айти замонда шоирнинг бевосита омма орасида бўлиши, унинг ҳаёти, турмуш шароити билан танишуви, халқнинг «ўз одамига», «ўз шоирига», «ишончли вакилига» айланганлиги ҳамдир. Чиндан ҳам ўтинчи оиласи фарзанди Машраб доимо халқ билан бирга бўлди, қишлоқ деҳқонлари ва шаҳарнинг эзилган табақаси ичида ҳаёт кечирди, улар орасида ўз тенгдош ва фикрдошларини кўрди».²

Академик Иззат Султон 1936 йилда ёзган «Асл Машраб» номли мақоласида худди Гафур Фуломга хос фикр юритиб, Машрабни шарқда, хусусан, Ўрта Осиёда машҳур одам, уни қозоқ, ўзбек, туркман ҳам яхши билади, уни Европа олимлари ўрганганлигини, ҳатто унинг асарлари рус тилига таржима қилинганлигини таъкидлайди. «Лекин кишилар ҳануз ҳақиқий Машраб ким эканлигини билмайдилар. Чунки Машраб яшаган XVII асрдан бери ўтган узок муддат ичида жамиятдаги ҳоким табақалар Машрабдан, унинг шуҳратидан, обрўйдан ўз мақсадлари учун фойдаланишга уриниб келдилар, Машрабнинг ким эканини яшириб, унга аслида йўқ сифатларни тақиб, Машрабни ўз тилақларига хизмат этувчи малайга айлантирмоқчи бўлдилар. Бу унсурларнинг қолдиқлари ҳали ҳам Машрабга осилмоқдалар, Машраб номидан ташвиқот юргизмоқдалар, ҳар хил бўлмағур хурофий миш-мишлар тарқатмоқдалар, ўзларини гўёки Машрабнинг жуда самимий мухлислари қилиб кўрсатмоқдалар. Улар Машрабни оддий одам эмас, балки авлиё қилиб кўрсатганлар. Унинг номидан фойдаланганлар»,³ – дейилган.

Иззат Отахонович мазкур мақолада «Аслида Машраб ким эди?» деган саволга жавоб излаб, унинг таржимаи ҳолига доир қадимий-тарихий китобларидан «Маноқибни Хўжампошо» ва «Тазкиратул авлиё» (Мажзуби Намангоний асари)да айтилишича, Машраб XVII асрда Қашқарда жуда ном чиқарган мутасаввуф эшонлардан Офокҳожанинг муриди бўлганлигини таъкидлайди: «Машраб маълум сиёсий режага эга инқилобчи эмас эди. Лекин у эзилган оммадаги норозиликни кўп жиҳатдан акс эттирган талантли шоирдир. «Девони Машраб» фақат Машрабнинг ўз асарларидан иборат эмас. Унда Машрабга нисбат бериб айтилган кўп сўзлар ва воқеалар Машрабдан кейин, худди Машрабдек кайфиятли кишилар томонидан қўшилгандир. Шундай қилиб, халқ Машраб номига боғлаб туриб, ўзининг баъзи руҳонийларга, бекларга, хонларга ғзабини ифода этгандир.

Буни ҳоким табақалар яхши тушунганлар. Шунинг учун улар Машрабнинг аслда ким эканини яширишга, Машраб ижодидаги кучсиз томонларни ошириб кўрсатишга уринганлар. Нечун биз ҳануз анча жиҳатдан халқ кайфиятини акс эттирган Машрабдек катта шоирларни яхши ўрганмаймиз, уларнинг ижодини халққа ташвиқ этмаймиз, бу адабиётимиз классикарига эътиборсиз қарашимиз натижаси эмасми?!»,⁴ – дейилган.

А. Абдуғафуров Машраб ҳаёти ва фаолияти ҳақида фикр юритиб, шоирни сарой ҳаёти заррача жалб этмаганлигини, у хон ва ҳокимлар, олий табақа вакиллари билан «тил топишга» интилмаганлигини, аксинча уларга нисбатан очиқ муносабатини изҳор қилишдан тап тортмаслигини таҳлил этиб шундай ёзади: «Айниқса, фирибгар, иккиюзламачи баъзи

¹ Ўша асар, 284-бет.

² А. Абдуғафуров. Ўзбек адабиёти тарихи. III том, «Фан», Тошкент, 1978, 236-бет.

³ Иззат Султон. Ҳаёт, адабиёт ва маҳорат. Иккинчи том, Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1972, 17-бет.

⁴ Ўша асар, 22-бет.

дин арбоблари Машрабнинг аёвсиз масхараси остида қолдилар; шоир ўзининг ўткир шеърлари билан ҳам, фаолияти, қилмишлари билан ҳам уларни, шунингдек, диннинг айрим ақидаларини халқ олдида шармандасини чиқара олди, обрўсини тўка берди. Шоирнинг бу тўқнашув ва бахслари асосан, гузар ва сайилгоҳларда, бозор ва кишилар тўпланган жойларда бўлганлиги учун ҳам тезда омма орасига тарқалар, оғиздан-оғизга кўчиб юрар, янги-янги деталлар билан тўлдирилар эди. Натижада Машрабнинг қилмишлари, саргузаштлари турли тўқималар билан аралашиб кетади. Машраб қилмаган ишлар, аралашмаган воқеалар, айтмаган гаплар ҳам баъзида худди ҳақиқатдан бўлгандек, шоир томонидан айтилгандек, унга нисбат берилиб баён этила бошлайди».¹

Академик Воҳид Абдуллаев «Ўзбек адабиёти тарихи» китобида Бобораҳим Машраб ҳаёти, фаолияти, шоир адабий мероси ҳақида қимматли фикр билдириб, шундай дейди: «Бобораҳим Машраб ўзбек адабиётининг XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII асрлар бошларида яшаб, ижод этган атоқли намояндаларидан бири. Машраб яшаган муҳитининг иллатларини танқид қилувчи исёнкор шеърлар яратган, самимий севгини тараннум қилувчи халқчил, жўшқин ва ҳароратли шеърлари билан халққа манзур бўлган машҳур сўз санъаткоридир».²

В. Абдуллаев фикрича, давр кирдикорларини қаттиқ ҳажв қилган, инсоф ва адолат учун курашган бу халқчил шоир ҳақида жуда кўп ҳикоя ва латифалар вужудга келган. Уларнинг кўпчилигида Машраб Насриддин Афанди каби кўркмас, адолатпарвар, доно ва ҳозиржавоб халқ қаҳрамони сифатида тасвир этилади. Бунга чидай олмаган юқори тоифа доиралар Машраб асарларининг омма орасида тарқалиб шухрат қозонишига қарши кураш олиб борадилар. Лекин бунинг иложи бўлмагач, ижодиётини сохталаштиришга, уни худо ва пайғамбар йўлида девоналик қилиб юрган таркидунёчи шоир, бадбин дарвиш – қаландар қилиб кўрсатишга уринадилар. Бундай ҳолларнинг барчаси Машрабни турлича талқин этишга олиб келади. Бунинг устига котиблар ва ноширлар Машраб номи (ёки тахаллуси) билан ижод этган турли шоирларнинг шеърларини аралаштириб юборганлар.³

Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти томонидан «Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар» (2004) китоби нашрдан чиқди. Бу китобда шоир ва файласуф мутафаккирлар Юсуф Қорабоғий, Сўфи Оллоҳёр, Хўжаназар Ҳувайдо, Гулханий, Махмур, Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижоди фалсафий таҳлил этилган. Жумладан, Машраб фалсафаси ва қарашлари ҳақида шундай дейилган: «Машраб тўғри сўз, қатъий фикрли, ҳеч нимани яширмасдан очиқ гапирадиган, адолат ва ҳақиқат учун курашувчи, эътиқоди мустаҳкам одам бўлган. У бутун умр ҳақиқат излади, лекин ҳақсизлик, адолатсизлик, жабр-зулм, зўравонлик каби иллатларга кўп бора дуч келди. У Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган диний-гасаввуфий оқимга эътиқод қилиб, жамиятдаги адолатсизликка қарши қатъий кураш олиб боришга ҳаракат қилди».⁴

Давр ғаддорликларига қарши борган, тенглик ва адолат учун курашувчи, жамият иллатларини кескин танқид этувчи сўфий ижодкорлар ҳаёти, улар умр интиҳоси доимо фожеали хотима топган. Лекин улар жисмоний ўлимдан кўркмаганлар. Чунки одамзодга эҳтиром, унинг яратувчисига бўлган эътиқод, уларнинг онгли идеалига айланган.

Машраб шеърларида илоҳий ишқ, яъни Худога муҳаббатини такрорланмас сатрларда баён қилди. Бунини мажозий шаклда, яъни, капалакнинг шамга интилиши мисолида кўрсатиб беради. У пантеистик сўфийлардан Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож, Насимийларни шеърларида тилга олади, улар дунёқарашини ўрганиб, эътиқод қилади. Тасаввуфнинг бу йирик вакиллари зоҳид ва шайхларнинг дин ҳамда шариатга тўғри келмайдиган лўттибозлиги, таъмагирлиги, ёлғончилиги, фирибгарлигини фош қилганликлари учун умр бўйи таъқиб этилдилар ва пировардида қатл қилиндилар.⁵

Тасаввуфшунос олим Нажмиддин Комилов Машраб шеърляти ҳақида фикр юритиб, Машраб ижоди таҳлилини «Қамоли нури раҳматман» номи билан атаган. Шоир шеърлятида халқ, муҳаббат ҳақида жуда кўп истилоҳлар қўлланганлигини, лекин уни

¹ А. Абдуғафуров. Ўзбек адабиёти тарихи. III том, 237-бет.

² В. Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб, «Ўқитувчи», Тошкент, 1980, 140-бет.

³ Юқоридаги асар, ўша жой.

⁴ Тузувчи ва илмий муҳаррир К. Назаров. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. I китоб, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, Тошкент, 2004, 408-бет.

⁵ Ўша асар, ўша жой.

тадқиқотчилар ўз маъносидан йироқ тарзда таҳлил этганлигини, тасаввуфий маъноси ўта чуқурлигини, елкасида заминий дардни кўтаргани ҳолда подшоликни дарвишликка алишган Иброҳим Адҳам йўлини танлаганини таҳлил этган: «Жаҳонни тарк қилди Машраб Иброҳим Адҳамдек». Бу ягона йўл бўлиб, «толиби ишқ», яъни илоҳ васлига талабгор одамнинг ҳиммати – мардлигидир, у шу орқали руҳи, сози ва сўзини, виждонининг эркини таъминлашдан ташқари, ситам аҳлига қарши курашиш имконини ҳам яратади.¹

Адабиётшунос Н. Комилов таъкидлаган «толиби ишқ» Машраб мутасаввуф салафлари тутган йўлдан, яъни Ҳақ ва Ҳаққоният йўлидан бориб, халқни орқасидан эргаштирди.

Машраб шахсияти, унинг ижоди, илмий мероси таҳлил этилаётган мазкур бобда XX асрнинг 20-йилларида Фитрат қаламига мансуб «Машраб» номли тадқиқот яратилганлигини, у илмий жамоатчиликнинг диққатини тортганлиги, бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотмагани ҳолда, шоир дунёқарашини ўрганишда қимматли манба эканлигини таъкид этмоқчимиз.

Фитрат Машраб ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берувчи асарларни санаб ўтади ва уни тарихий шахс эканлигини эътироф этиб шундай дейди: «Машраб ҳақида ёзилган ва Ўзбекистоннинг ҳар томонида маълум ва машҳур бўлган «Девони Машраб» ёхуд «Девонаи Машраб» китобининг афсонавий бир манқабадан бошқа нарса бўлмағонига бизнинг ҳам шубҳамиз йўқдир, лекин бу шубҳасизлик Машрабнинг ҳақиқатдан тарихий бир шахс эканига ишонишдан бизни манъ қила олмайди».²

Фитрат Малехо, Хўжа Фаҳмий, Саид Ҳакимхонтўра, Мирзо Олим ва Мажзуб Намангонийларнинг асарларида Машраб ҳақида маълумотлар оз эканлигини, у ҳақдаги «Девони Машраб» ёки «Девонаи Машраб» манқабаларидан унинг таржимаи ҳолини ёритувчи маълумотни аниқласа бўлади, деган фикрни илгари суради. Фитрат ёзади: «Манқаблага кўра, Машраб Наманганда туғилган, оиласи жуда қашшоқ бўлган, онаси ип йиғириб сотиб, оила овқатини топар экан, ота-онаси уни 15 яшарлигида Охунд Мулла Бозор исмли бир шайхнинг тарбиясига берадилар.

Машраб мулла Бозор охунднинг рухсати билан Хитой Туркистонига сафар қилиб, Қашқардаги Офоқ Хўжага мурид бўладир. «Машраб» тахаллусини ҳам шундан оладир. Манқабани Машрабнинг Офоқ Хўжа эшикида уч йил ўтун, уч йил сув ташиб, яна бир йил бошқа хизматлар қилганини хабар берадир. Офоқ Хўжа Қашқар халқи ... ва ўзи учун жуда катта давлат таъмин қилган эди».³

Фитрат «Машраб» тадқиқотида шоир ҳаёти ва фаолиятини ёритувчи асосли фикрларни таҳлил этиб, Офоқхожа хонадонидан кўплаб муридлар, ҳадя қилинган қуллар, ичкарида чўрилар бор эдилар деб ёзади: «Машраб мана шу чўриларнинг бирта чиройлиси билан ширин муносабат боғлайди. Анча вақтдан кейин бу иши Офоқ Хўжага маълум бўлди. Машрабни ура-ура эшикдан ҳайдади. Машраб Қашқардан чиқиб Ёркендга борди. Унда Чигатой хонларидан Абдуллоҳхон билан кўришди, ундан чиқиб Хўтанга борди. Ундан Илага, қалмоқлар орасига борди. Қалмоқхоннинг кизини суйиб, унинг туябоқарлик хизматида кирди. Ундан яна Қашқарга қайтиб, Офоқ Хўжага тавба қилиб, мурид бўлди. Манқабани кўра, Машраб Офоқ Хўжанинг амри билан Тошкентга келиб, яна Қошғарга қайтган. Сўнгра Офоқ Хўжадан «иршод хати» олиб, Тахти Сулаймонга, ондин Андижонга бориб, онасининг хизматида жўнади».⁴

Шу ўринда икки ҳолатни тадқиқотчи масъулияти, бурчи билан аниқлаштириб кетишни ўринли биламиз. Фитрат нега Машрабни Наманганга эмас, Андижонга онаси хизматида жўнади, деган фикр билан яқунлади. Холисона айтиш керак, Машраб Наманган шаҳрида туғилганлиги инкор қилиб бўлмас ҳол. Наманган ўша даврда кичик, муъжаз шаҳар бўлган. Истисносиз у Андижон тасарруфида бўлган. Андижон вилоят мақомидаги катта халқ бўлган. Лекин Фитрат «Машраб» тадқиқотида манқабаларга таяниб, Машрабни Андижонда қашшоқ оилада туғилган деган нотўғри фикрни илгари сурган. Эҳтимол Гафур Гулом ва бошқа баъзи олимлар ҳам шу фикрга таяниб, уни Андижонда туғилган деган хулосага келишган. Иккинчи ҳолат «Машрабни ура-ура эшикдан ҳайдалиши» масаласи. Бу

¹ Н. Комилов. Тасаввуф. Иккинчи китоб, «Ўзбекистон», Тошкент, 1999, 133-бет.

² Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II жилд, «Маънавият», Тошкент, 2000, 83-бет.

³ Ўша асар, 84-бет.

⁴ Ўша асар, ўша жой.

ҳақда самарқандлик шарқшунос ва тарихчи олим Комилхон Каттаев шундай хулосани беради: «Шоҳ Машраб, Офоқхожанинг даргоҳидан қувилди, деган фикрларга келсак; Машрабдаги илоҳий севгини кўриб, уни ўзининг руҳониятли тарбиясига олган Офоқхожа, ривоятларга қараганда, Машраб бир чўри қизга дунёвий севгини изҳор этганини эшитиб Машрабдан кўнгли совиган бўлиши мумкин. Чунки тасаввуф йўлига кирганлар дунёвий йўлдан ўз хоҳишларича воз кечиб, Ҳақ йўлини, тариқат йўлини олишлари керак бўлиб, фақатгина халққа ва динга хизмат қилишни ўз бурчлари деб билишган. Эҳтимол, даргоҳидан қувилди, деган иборани «иршод бериш ҳуқуқидан маҳрум этилди», деб тушунилиши керакдир?!»¹

Машрабнинг илк девони унинг ҳаётлигида китобат қилинганлиги ҳамда бу девондаги бир қанча ғазаллар Офоқхожанинг мадҳига бағишланганлигини инобатга олсак, улар ўртасидаги бу совуқлик умуман бўлмагандек туюлади. Тасаввуф тарихида иршод ҳуқуқини олганларича халифа-муридлар ўз пирларининг даргоҳларида бир неча йиллар (ҳатто ўн йил) хизмат қилиб етуклик даражасига етишганликлари қайд қилинган. Халифалардан салгина бўлса-да, киборлик, таъма ёки кичик хато содир бўлса, яна бир неча йиллар шу хатоларни ювиш учун хизмат қилганлар.

Бобораҳим Машраб ва унинг пири Офоқхожа ораларида ҳам шунга ўхшаш гаплар ўтган кўринади.

Бунинг учун Офоқхожанинг Машраб ижодиётига, унинг маърифат йўлига қарши қўйиш нотўғридир.

Хулоса шулким, Шоҳ Машраб ғазалиётида, ижодиётида унинг пири бўлган Офоқхожанинг ижобий ролини ўз ўрнига қўйиб тадқиқ этилса, мақсадга мувофиқ иш бўлиб, Шоҳ Машрабнинг ҳам руҳи шод бўлар эди!²

Фитрат Машраб ҳаёти ва фаолиятини ўз замондошларига нисбатан чуқур ва муфассал ўрганганлиги тадқиқотда кўриниб турибди. Машрабнинг Офоқхожа хонадонини тарк этиб, кўплаб мамлакатларга сафарга чиқиши ва унинг хориждаги омма орасида танилиши, мамлакат ҳукмдорлари томонидан эъзоз ила иззат-ҳурматга сазовор бўлиши, лекин, ҳукмрон тоифага нисбатан, унинг қуйи табақа вакиллари орасида бўлиши, айниқса, аҳли илмлар билан суҳбатлари ва мунозарага киришиши, қўлида сози билан куйлаши ва оташ ғазаллар ўқиши, ҳар қандай жойда бетакаллуф қабул қилиниши унинг жуда катта истеъдод ва иқтидорга эгалигидан, қувваи ҳофизасининг кенглиги ва салоҳияти юксаклигидан эди.

Авалло у пири комили Офоқхожадан чуқур илм ўрганганлиги ва унга қўл бериб пир тутганлиги, унга юксак эҳтиром кўрсатганлиги, чунки пири комилнинг даргоҳи уни олий мартабага – авлиёлик мартабасига етказганлигини у ҳар жойда эслатиб туради. Замонасининг улуғ мутафаккир шоир ва азиз авлиёлари Мавлоно Шариф Бухорий ва Сўфи Оллоҳёр билан мулоқотлари, Ҳиндистонда темурийзода подшоҳ Абулғозихон билан кескин муносабати, Балх ҳокими Маҳмуд қатағонбий билан тик мунозараси унинг халқ манфаати учун ҳеч нарсадан тап тортмаслигидан, ҳатто ўлимни ҳам бўйнига олишидан дарак беради. Фитрат «Машраб» тадқиқотида шоир ҳаракатларини аниқ кўрсата олган: «сўнгра Хўжандға боруб, Оқбўтабий билан кўришди. Хўжанддан Тошкентка, ондан Туркистонға, ондан яна Тошкентка қайтди, ондин яна Хўжандға қайтди. Манқабага кўра, Машраб Хўжанддан ҳажга жўнади. Ҳиндистонға қараб буриладур. У замонларда Қашқардан Ҳиндустонға борган пири Офоқ Хўжа билан кўришадир ҳам Темур авлодидан Ҳиндустон подшоҳи бўлган Абулғозихон билан кўришадир. Ҳиндустондан Бухорога жўнайди. Бухорода машхур эшон ҳам мулла бўлғон охунд Мавлоно Шариф билан Бухоро хони Абдуллоҳхон билан кўришадир. Бухорода бир кун халқ орасида «Кўлим Худо, ўзим Муҳаммад» дегани учун уни оловга ёндирмоқчи бўладилар. У оловда куймайди, олов ичидан чиқиб, Бухородан Қободиёнга жўнайди. Қободиёнда машхур сўфи Оллоҳёр билан кўришади. Маноқиб унинг сўфи Оллоҳёр билан келиша олмаганини, сўфи Оллоҳёрнинг қуруқ зоҳидлигининг Машрабга ёқмаганини хабар берадир. Бу хабар ҳақиқат бўлса керак, зотан Машраб ва сўфи Оллоҳёр мижозларининг бир-бирига тўғри келмагани уларнинг асарларидан маълум.

¹ Комилхон Катаев. Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед. «Сўғдиёна», Самарқанд, 1994, 56-бет.

² Комилхон Каттаев. Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед. 56-57 бетлар.

Машраб Қободиёндан Балхга борди ва шунда Балх ҳокими Маҳмуд томонидан ўлдирилиб, Ишка(н)миш деган ерга кўмилди. Манқабани Машрабга ҳар вақт бир турли мажзублик, жиннимижозликни нисбат(ан) беришга тиришадир ва ҳолатидан фойдаланиб, унга ва у замондаги юқори табақа вакиллари жуда устли иборалар билан сўқдирадир. Машрабнинг бу сўқишига учраганлар мулалар, эшонлар, хонлар ва беклар бўлгонлар».¹

Фитрат Машраб таржимаи ҳоли ҳақида фикр юритиб, турли даврларда уни «текширган» тадқиқотчилар ҳар хил, терс фикрларни ўртага сурганлигини, мавҳумот фикрлар кўп эканлигини, баёз, маъхаз, манқабаларни ўрганиб, уни таржимаи ҳолига аниқлик киритишни мақсад қилганлигини айтади: «Машрабнинг Наманганли эканини манқабадан бошлаб бир кўб маъхазлар бир оғиздан хабар берадилар. «Мунтахаб ут-таворих» эгаси унинг Намангандан чиқиб ҳажга борганин ёзадир. «Ансоб ус-салотин» эгаси ҳам унинг «Намангоний» эканин тасдиқ қиладир. «Мажмуайи Фаҳмий»дан фойдаланган ўртоқ Айний ҳам унинг наманганли эканин тасдиқ қиладир».²

Фитратнинг ёзишича, самарқандлик Муҳаммад Бадъе Малехо Самарқандий «Музаққир ул-асҳоб»да Машрабнинг андижонлик бўлиб, бесоқоллик (ёшлик) замонида Наманганга борганини, кейинроқ Самарқандга келганини, бу тахминан 1689-91 йилларга тўғри келганини айтади. Наманганлик Мажзуб «Тазкират ул-авлиё»сида ёзишича, дейди Фитрат, Машраб Қаршида тўрт йил турган, шунда Офокхожа муридларидан Хўжам подшоҳни учратиб, ундан тасаввуф таълимотини ўрганган. Машрабнинг Бухоро сафари Ҳиндистон сафаридан олдин ёки кейин эканлиги ноаниқ деган фикрда қолади ва Машрабнинг туғилиш тарихи ҳақида фикрлар мавҳум эканлигини, аммо ўлими саналари тўғри таҳлил этилганлигини таъкидлайди: «Ҳар ҳолда Машраб Бухорога борган вақтларда онда Абдуллоҳхон отли бир хон йўғ эди. Шунинг учун манокӣбда ёзилган Абдуллоҳхонни «Убайдуллоҳхон» деб тасҳиқ қилишга тўғри келади. Манқабани кўра, Машраб Бухородан Балхга бориб, Балх подшоҳи Маҳмудхон томонидан ўлдирилган. «Мажмуайи Фаҳмий» эгаси Машрабни ўлдирган бу Маҳмудхоннинг Маҳмудбий қатағон эканини очиқ сўйлагани каби Машрабнинг 1121 (1711) Балхда эмас, Қундузда ўлдирилганини қайд қилади».³

Фитрат форс, араб тилларини чуқур билган адабиётшунос олим сифатида тарихий маъхаз ва рисоаларни қиёсан ўргангани, таҳлил этади, Машраб ҳаёти, унинг умри масаласида озгина жузъий хатога йўл қўяди: «Машрабнинг ўлими ҳақида бизга хабар берувчи маъхазлардан «Мунтахаб ут-таворих» эса, унинг Балхда Маҳмудбий қатағон томонидан ўлдирилганини хабар бериб, манқабани ривоятни кучайтиради. «Мунтахаб ут-таворих»нинг бу масалага оид тафсилоти кўра, Абдулазизхон замонида Қундузда Бадахшонбеги бўлган замонида унинг ўғли Муқимхонни Маҳмудбий қатағон Субҳонқули тилаб, Балхга келтириб ҳоким қилади. Убайдуллоҳхон замонида Муқимхонни ўлдириб, ўзини Балх хони эълон қилади. Шу замонларда Машраб отли жинни ҳажга бориш нияти билан Балхга бориб қолади ва қилган адабсизлиги сабабли дорга осилади. «Мунтахаб ут-таворих»нинг бу хабари «Мажмуайи Фаҳмий» томонидан Машрабнинг ўлум йили деб кўрсатилган 1121 (1711) рақамига тўғри келади. Буни ҳақиқат деб қабул қилишга монё йўқ. Машрабнинг туғилиш тарихи эса, тамоман қоронғуда қолади».⁴

Хатирчилик Машраб тадқиқотчиси Ж. Юсупов мутафаккир шоир ҳаёти, унинг умр йўли ҳақида изланишлари хотимасида қуйидаги фикрларни келтиради: «Раҳимбобо Валибобо ўғли Машрабнинг таваллуд топган санаси ҳанузгача баҳсли муаммо бўлиб турибди. 1990 йили шоирнинг «Меҳрибоним, қайдасан» номли шеърий тўпламини Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти саксон минг нусхада чоп қилган эди. Ўша китобнинг «Сўнгги сўз» қисмида Машраб туғилган вақтни 1653 йил деб кўрсатган эдик. Шу чоққача бўлган ҳар хил қарашларга чек қўйилгандек кўринди. Аммо 1994 йил «Фан» нашриётида чоп этилган Машрабнинг «Мабдаи нур» номли китобига ёзилган муқаддимада «Бобораҳим Машраб ҳижрий 1050 (милодий 1640) йили Наманган шаҳрида камбағал бўзчи оиласида дунёга келди» деб дарж этилган. Кўпгина тадқиқотчилар шоирнинг бир мухаммасида айтилган:

¹ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II жилд, 85-бет.

² Ўша асар, 87-бет.

³ Ўша асар, 88-бет.

⁴ Ўша асар, 89-бет.

*Ёши етмиш бирга кирган бандайи радди фалак,
Мару каждумлар билан тўлган дилида райбу шак*

71 ёшга «ёпишиб» оладилар ва уни ҳар гал 1640 йилда туғилган деб ёзишади. Бу тахминдан бошқа нарса эмас.¹

Фитрат «Машраб» тадқиқотида: «Машраб Самарқандга борганда унинг соқоли чиққан, яъни 22-25 ёшларда бўлган», Қашқар ва Бадахшон ўлкаларида 8-10 йиллар сафарда бўлган, сафардан қаландар қиёфасида Самарқандга киришини 1688-91 йилларда бўлган, ўша йилларда 33 ёшларда эканини, 1711 йилда ўлдирилганда 54 ёшларда бўлганини эътироф этади. Афсуски, Фитрат Машрабни Андижонда қашшоқ хонадонда туғилган деган хулосага келган: Шу тақдирда унинг 1657 йилда туғилганини қабул қилишга тўғри келади. Бу учун сўзларни қисқа қилганда, Машрабнинг таржимаи ҳоли ҳақида шундай дейиш мумкин: Бобораҳим Мулла Вали ўғли Андижонда қашшоқ бир оилада 1657 йилда туғилган. 15 ёшарлиқда Наманганга ўтиб Охунд мулла Бозорнинг тарбиясига кирган. 20-25 ёшларида Самарқандга келиб, ондин Наманганга қайтган, Намангандан Охунд мулла Бозорнинг далолати билан Қашқарга борган. Офоқ Хўжага мурид бўлган. Хитой Туркистонда 8-10 йил ўлкаларни айланиб, 1691 йилларда Самарқандга жўнаган, ондин Бухорога қайтиб, ондин Ҳиндистон сафариға чиққан. Ҳиндистондан яна Ўрта Осиёга қайтган ва Қарши (бугунги Бехбудий) шаҳарида тўрт йил турган. Қаршидан яна сафарга чиққан, бу сафарнинг 3-4 йилларида Балхда Маҳмудбий катағон томонидан 1711 йилда ўлдирилган».²

Ж. Юсупов Малехо тазкирасига таяниб, Машраб ва уларнинг учрашувлари ҳақида фикр юритиб ва бошқа манбаларга таяниб, мутафаккир шоир ҳаёт йўли ва уни яшаб ўтган умри ҳақида энг тўғри хулосани чиқаради: «Малехо Самарқандий «Музаккирул-аҳбоб» номли тазкирасида Раҳимбобо Машраб билан Самарқандда икки дафъа учрашганлиги, биринчи марта шоирни ўспиринлик, яъни соқол-мўйлови чиқа бошлаганида ва иккинчисида Самарқандга қаландар либосида, сочу-соқоли барқ уриб ўсган бир даврда кириб келганлигини сўзлайдилар. Унинг «Моро» радифли форсийда ёзилган шеъри намуна қилиб келтирилади. «Музаккирул-аҳбоб»нинг 1688-1692 йиллар орасида ёзилганлигини назарда тутсак, Малехонинг Машраб билан илк учрашуви 1672 йилда, иккинчи топқир учрашуви эса 1690 йилларда содир бўлган.

Яна бир далил шуки, Исҳоқ Боғистоний ўзининг «Тазкираи қаландарон» асарида «Ҳазрати Шоҳ Машраб мавтлари айёминда умрларидан 58 сана кечуб эрди», дейдилар. Филология фанлари номзоди Муҳсин Зокиров далил келтирган ушбу тазкирани кўрган эмасман. Голибо, бу фикр тўғри кўринади...

Раҳимбобонинг Балх ҳукмдори Маҳмудбий катағон амрига кўра Қундузда дорга осиб ўлдирилганлиги ҳамма манбаларда бирдек аниқ кўрсатилган. 1711 йил! 58 ёшида қатл этилганлиги аниқ бўлганидан кейин, муқаррар тасдиқ шулким: у 1653 йилда Наманганда туғилган. Бундан чиқадикки, шоҳ Машрабнинг ҳаёт йўли шундай: 1653-1711».³

Юқорида таъкидланганидек, Бобораҳим Машраб ҳаёти 58 ёшида хотима топганлиги ҳақиқат. Чунки Ж. Юсупов чиқарган хулоса тахмин эмас, балки мутафаккир шоир Машраб ҳаёт йўлининг у ҳақдаги топилаётган, манбаларда қайд этилаётган хулосаси. Илм фақат холисликни, ҳақиқатни ёқлагани ҳолда, бир томонлама фикрни, нохолисликни, қайсарликни хуш кўрмайди. Наманганлик Исматуллоҳ Абдуллоҳ Машраб ҳақида кўп изланишлар олиб бориб, унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида, хусусан шоир асарлари ҳақида матбуотда анчайин фикр билдирган машрабшунос олимлар тоифасига киради. Олимнинг «Яна Машраб ҳақида» («Ўзб. адаб. ва сан.» 2002 йил, 1 март) тадқиқоти эълон қилинди. Мазкур мақолада хожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ ЎзР ФАсининг ижтимоий фанлар бўлими томонидан 1991 йил 15 апрелда йиғилиш ўтказилганлигини, йиғилиш икки кун кейин бўлганлиги учун самарқандлик Ж. Юсупов йиғилишга иштирок эта олмай кетганлигини, лекин у билан суҳбатлашганлигини ва у йиғилиш ҳайъатига хат қолдирганлигини, мазкур хатда шоир Машрабнинг таваллуди 1640 йил эмас, 1653 йил эканлигини ва у Наманганда туғилганлигини илмий далиллар асосида исбот этди, дейди. Ўзбекистон Р ФАдаги учрашувда машрабшунослар Ҳ. Фулом, А. Қаюмов, А. Ҳайитметов, А. Абдуғафуров, М.

¹ Ж. Юсупов. Уни девонаи Машраб дерлар. «Ёзувчи», 1998, 5 август.

² Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II жилд, 90-бет.

³ Ж. Юсупов. Уни девонаи Машраб дерлар. «Ёзувчи», 1998, 5 август.

Зокиров, И. Ғафуров, Х. Муҳаммадхўжаев иштирок этганлигини, суҳбатни М. Саъдий «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси учун ёзиб олиб, эълон қилганлиги таъкидланган. Мақолада дейди ҳожи Исматуллоҳ: «Мен ҳам иштирок этганман. Йиғилишда Машраб ҳаётига оид баъзи чалкашликлар ҳақида фикр айтилиб, шоир 1640 йили Наманганда таваллуд топган ва 1711 йили Балхда дорга осилган; унинг таваллудига 350 йил тўлганлиги муносабати билан юбилей тантаналари, машрабхонлик кунларини юксак савияда ўтказиш маъқул деб топилсин деган қарор қабул қилинди дейилган.

Тадқиқотда муаллиф Машраб шеърляти ва унинг асарлари нашр этилиши ҳақида фикр юритиб, 1995 йили самарқандлик Э. Р. Мусурмонов «Раҳимбобо Машраб ва унинг бадиий адабиётдаги талқини» мавзуда номзодлик диссертацияси ёқлаганини, жиззахлик М. Ҳошимхонов ҳам Машраб дунёқараши ҳақида номзодлик диссертацияси ёқлаб, «Машраб ва Ўрта Осиёда ижтимоий фикр тараққиёти» (Тошкент, 1994 йил) китоби нашр этганлигини, буларнинг ҳаммасида Машраб 1640 йилда туғилганлиги қайд этилган деб ҳисобланган деган фикрга тўхтаб олади. Ниҳоят, дейди И. Абдуллаев: «Ёзувчи» газетасининг 1998 йил 15 ва 28 август сонларида Ж. Юсуповнинг «Уни девонаи Машраб дерлар» номли катта мақоласи эълон этилди. Муаллиф кейинги вақтда ўзи мутолаа қилган манбалар асосида Машраб ҳаёти ва ижоди ҳақида анчагина янги фикрларни айтиб ўтган, шоирнинг шеърларидан иқтибослар келтириб, уларни таҳлил қилган. Бу мақолани кейинги вақтда машрабшуносликка қўшилган янги ижод маҳсули сифатида тан олиш керак».¹

Мақолада И. Абдуллаев Ж. Юсуповнинг баъзи Машраб ҳаёти ҳақидаги қарашларини кескин инкор қилиб, уни илмий ҳолис муносабатда эмасликда айблади: «Йиғилиш қарори тахминдан бошқа нарса эмас», фақат Ж. Юсуфий фикри ҳақиқатми? Академик В. Абдуллаев, академик М. Хайруллаев... проф. А. Абдуғафуров буларни рад этиш, ўжарлик билан ўз фикрида туриб олиш илмий одобдан эмас», дейилган.

И. Абдуллаев Жалолиддин Юсуповнинг Машраб ҳақидаги тадқиқотлари илмий аҳамиятга эга эканлигини, аммо «Газкираи қаландарон»даги 58 ёш дейилган жумласига ёпишиб олган деб айб қўяди ва: «Машраб 1668-1672 йиллари ҳозирги Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳудудларидаги азиз-авлиёлар қабрларини зиёрат қилди, деган фикрлар асоссиз. Бу вақтда шоир Офокхўжа даргоҳида бўлган. Мақолада Машраб 1691 йили Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарлари қатори Самарқандда ҳам бўлган дейилади. Бу сана ҳақиқатга анча яқин. Машраб шу йиллар атрофида Самарқандга бир марта борган. Биродаримиз Жалолиддиндан нашрга тайёрланган тўпламларида Машраб туғилган йилни 1640 йил деб тўғрилашини илтимос қиламиз, илмда фақат ўз фикрини тўғри дейиш олим обрўсига путур етказди»,² – дейилган.

И. Абдуллаев нимагадир Ж. Юсуповнинг ўта катта илмий аҳамиятга эга тадқиқотидаги ютуқларга эмас, балки ўз нуқтаи назарига, ундаги баъзи жузъий нуқсонларга кўпроқ эътибор қаратган. Олимнинг қўлида менинг фалсафий монографиям «Машраби муътабар ўзум» тадқиқоти бўлгани ҳолда, у ҳақда лом-мим демаган. Ваҳоланки, мен мазкур монографияда ҳар икки машрабшунос олимлар И. Абдуллаев ва Ж. Юсуповларнинг Машраб шахсияти, унинг таржимаи ҳоли ҳақидаги фаолиятини, изланишларини ҳолислик билан кўрсатиб ўтган эдим. Фақат мақоланинг сўнги абзацидагина И. Абдуллаев Ж. Юсуповнинг хизматларини эътироф этиб, унга муваффақият тилаган: «Жалолиддин Юсуфий мақоласида Машрабнинг анча янги шеърӣ парчалари диний тасаввуфий нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Бу, албатта, мустақиллигимиз шарофати ва таҳсинга сазовордир. Жалолиддин шоирнинг 3769 мисрадан иборат янги девонини тайёрлаб қўйгани айтилган, у кишига девонни чоп этишида муваффақият тилаймиз. Биз нашр этган Машрабнинг ҳозиргача босилмаган ғазал, мухаммас, мусаддасларини ўз ичига олган «Алифни дилга жо қилмоқни бисмиллодан ўргандим» тўпламини, «Кимё» асари ва «Машраб ҳикматлари» рисоласини ҳам Жалолиддин кўздан кечириб қўйсалар фойдадан холи бўлмас эди»,³ – дейилган.

2004 йил «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти Зухриддин Ҳусниддинов таҳрири остида муаллифлар жамоаси томонидан «Ислом энциклопедияси»

¹ И. Абдуллаев. «Яна Машраб ҳақида», «Ўзб. адаб. ва сан. », 2002, 1 март.

² Юқоридаги манба.

³ Юқоридаги манба.

нашр этилди. Унда Машраб ҳаёт йўли ва ижодий мероси ҳақида фикр юритиб, жумладан шундай дейилган: «Бобораҳим Машраб ўзбек мумтоз адабиёти намояндаси, шоир, бастакор, созанда ва ҳофиз. Халқ ичида «Девони Машраб», «Эшон Машраб», «Шоҳ Машраб», «Марди худо», «Авлиёи Ҳақ», «Соҳиб каромат» каби номлар билан машҳур бўлган. Ижодий мероси «Девонаи Машраб қиссаси», турли тазкира, баёз ва мажмуалар орқали етиб келган. Машраб Наманганда бўзчи Валибобо оиласида туғилган. 7 ёшида муллага ўқишга берилган. 1665 йилда Мулла Бозор охундга шогирд тушган. Сўнгра Ёркендда, қашқарлик Офокхўжа эшон хизматида илоҳиёт билан шуғулланиб, 7-8 йил мобайнида тариқат сулукини ўтади. Иброҳим Адҳам ва Мансур Ҳалложни ғойибдан пири комил деб билди. Ижодда Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Имомиддин Насимий йўлидан борди. Лутфий, Навоий ғазалларига назиралар ёзди, мухаммаслар боғлади».¹

«Ислом энциклопедияси» бу қомусий асар. Қомусда Машрабнинг халқ орасида машҳурлиги, унинг ижтимоий адолат учун курашганлиги, ватанда ҳақгўйлиги таҳлил этилиб, ҳаёти интиҳосига ҳам ўрин берилган: «Машрабнинг шахсияти ва ижодиёти ўзбек адабиёти ривожига баракали таъсир кўрсатди, ғазаллари эл хотирасида муҳрланиб қолди. Мустақиллик даврида Машраб таваллудининг 350 йиллиги нишонланди (1992). Наманган шаҳрида Машраб боғи ва ҳайкали барпо этилди. Машрабнинг тасаввуфий руҳдаги ўнлаб шеърлари, «Мабдаи нур» асари мўтабар манбалар асосида биринчи бор нашр этилди».²

Тадқиқотчи И. Абдуллаев фикрига таянган жуда кўп фалсафа, тарих, адабиёт ва бошқа фанларда Машраб ҳаёти ва ижодий йўли ёритилганда бир хил маълумот ундан олинганига гувоҳ бўлинади. Қашқарда машҳур шайх Офокхожа кўлида етти йил тасавуф илмини эгаллаган, сўнг канизакларидан бирини севиб қолгани учун Офокхожа даргоҳидан қувилган Машраб қаерларга боради деган саволга ҳамма манбаларда проф. А. Абдуғафуров ҳам бир томонлама ёндошиб жавоб берган. Машраб Офокхожа даргоҳидан қувилмаган, балки авлиёлукка етишган. Тариқат илмини бу даргоҳдан мукаммал ўрганиб, унинг тариқатини тарғиб этиш учун кўп мамлакатларга борган: Ёркендга, у ердан Хўтанга, сўнг Ғулжага боради. Машраб Ғулжадан Қашқарга қайтади. Сўнг Офокхожа топшириғи билан Тошкентга ва яна Офокхожа ҳузурига, ундан кейин ўз она юрти Наманганга келади. Хуллас, 18 йил давомида юртларни кезган Бобораҳим Машраб Яман, Ҳиндистон, Дакан (шаҳар), Исфаҳон, Ҳирот, Машҳад, Макка, Мадина, Ҳалаб, Шероз, Шом, Рум, сўнг Бухоро, Тошкент, Шохимардон, Афғонистондаги Шибирғон, Андхўй каби жойларда ҳам бўлади. Буни Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сакланаётган 9968-рақамли қўлёзма асослаб беради. Унда Машрабнинг «Кимё» асаридан 16 кимё (боб) ва «Мабдаи нур» китобидан иккинчи дафтари, сўнг шоирнинг 71 ғазали, 7 мухаммаси ва битта мусаддаси берилган.³

1992 йил И. Абдуллаев «Машраб таржимаи ҳолига бир ғазал» мақоласида Ўзбекистон ФАси Шарқшунослик институтида 9968-рақамли қўлёзмадаги шоир ҳаёти ва фаолиятини ёритувчи ғазал машрабшунослар диққатидан четда қолиб келганлигини шундай изоҳлайди: «Ғафур Ғулломнинг «Қизил Ўзбекистон» газетаси 1959 йил 12 июль сонидида «Икки Машраб» мақоласи босилиб, бу мажмуага кирган асарлар Машрабники эмас, деб янглиш ҳукм чиқарилгани учун унга эътибор берилмаган. И. Абдуллаев фикрича, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасининг 1991 йил 12 апрель сонидида босилган «Машраб ва «Мабдаи нур» мақоласида юқоридаги мажмуага кирган шоир таржимаи ҳолига оид ғазалда унинг қайси юртларга борганлиги ҳақида маълумот берилган:

*Заминни хок этиб, бағридин эмди осмон кетдим,
Фалакни тай қилиб, аридин ўтуб то ломакон кетдим.*

*Чиқибон ломакондин бозина дорулфано узра,
Қарор олмай, гаҳи улён бориб, гаҳи буён кетдим.*

*Тиждоратни қибоб айлаб, тилаб ул холи рухсорин,
Яманни шаҳридин бир лаҳзада Ҳиндустон кетдим.*

Даканда неча кун ман истиқомат айлабон кўрдим,

¹ З. Хусниддинов таҳрири остида. Ислом энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедия нашриёти», Тошкент, 2004, 155-бет.

² Юқоридаги манба.

³ Р. Шамсутдинов ва бошқ. Ватан тарихи, «Шарқ», Тошкент, 2003, 129-бет.

Тамоми расми кофирни кўруб, ман Исфаҳон кетдим.

*Хуросонни ҳавоси яхши, аммо одами кофир,
Ҳироту Машҳадни сайр этиб, юрти Эрон кетдим.*

*Мадина, Маккани тавоф айлабон ҳам чоҳи Замзамни,
Чоҳар ёрни тавоф айладим, йиглаб равон кетдим.*

*Ҳалаб, Шероз билан Шоми шарифу Румни кўрдум,
Бухоро мулки индим, ўтубон Тошкон кетдим.*

*Яно ҳам Шоҳмардон шер даргоҳин тавоф айлаб,
Сарипулу Шибиргон, Андхўй худ ҳам ки он кетдим.*

*Қарори топмадим рўйи заминга, Машрабо ҳаргиз,
Ажални илқидин, аё дўстлар, охир равон кетдим».¹*

И. Абдуллаев Машраб асарларини синчиклаб ўрганиш, улуғ шоир ҳаёти ҳақидаги чалкашликларни бартараф этишга ёрдам беришлигини таъкидлайди ва шу пайтгача шоир ҳақида фикр юритилганда, уни ҳажга, Маккага бормаган, уламоларни танқид қилган томонлари кўпроқ кўрсатилганлигини айтади. Юқоридаги ғазалдаги яна бир далил – Машрабнинг Макка ва Мадинага бориб, ҳаж қилганидир. Ҳозиргача ёзилган ҳамма мақола ва китобларда шоирнинг Маккага бормай, йўлдан қайтгани ёзиб келинди. Бу Машрабни даҳрий қилиш учун анча қўл келарди ҳам.

1990 йил 24 январь «Туркистон» газетасида марҳум машрабшунос олим Муҳсин Зокировнинг «Машраб олдидаги гуноҳим» номли мўъжаз мақоласи эълон қилинади. Муаллиф мақолада ўтган XX асрнинг олтмишинчи йилларининг иккинчи ярмидан саксонинчи йилларнинг охирларигача Бобораҳим Машраб ҳақида илмий тадқиқот олиб борганлигини, лекин собиқ тузум даврида замонасозлик қилиб, шоирни ўта атеист – даҳрий, Аллоҳдан қайтган, ислом динининг ашаддий муҳолифи сифатида талқин қилганлигини, шеърларидаги маъно ва мазмунни бузиб таҳлил этганлигини, уни худодан ажратиб куфрга ботганлигини, гумроҳлик қилиб руҳини безовта этганлигини, унинг руҳонияти олдида истиғфор айтишлигини, гуноҳини кечиришлигини ундан ўтинади. Шу чокқача ёзганлари бир томонлама ёндашув эканлигини тан олади. «Машраб шеърларини кўпинча нотўғри талқин берганлигини ҳамда фалсафий-таълимий дostonларига қора ранг чаплаганлигини бузрукворнинг пок руҳи ва адабий меросига нисбатан қилган гуноҳлари учун» узр сўрайди.

Муҳсин Зокиров Машраб ҳақида илк тадқиқот ўтказган, филология фанлари номзоди илмий унвон олгани, лекин ишидан қониқмаганлигини ҳаёти интиҳосида расман мардлик билан эътироф этишга журъат қилган. Бу албатта ҳечдан кўра кеч бўлса-да, адолатли ёндошув. Мустақилликдан сўнг маданий меросга онгли қараш, фикрлаш натижасидир.

Адабиётшунос олимлар И. Абдуллаев ва А. Абдуғафуров Машраб таваллуди 350 йиллигига тайёргарлик кўрилаётган 1991 йил 15 апрелдаги ўша дастлабки суҳбатда М. Зокировнинг Машрабнинг дўсти Исҳоқ Боғистоний томонидан «Тазкираи қаландарон» ёзилиб, лекин маълум бир парчаси сақланиб қолганлигига шубҳа билан қарайдилар. «Тазкираи қаландарон»дан бир қисми 1990 йил «Шарқ юлдузи» журналининг 8-сонида Муҳсин Зокиров сўзбошиси билан эълон қилинган эди.

И. Абдуллаев: «Шарқ юлдузи»да чиққан асар ишончсиз деб биламан. Олим одам манбани кўрмасдан, уни қайта-қайта синчиклаб ўқимасдан, пухта текширмасдан фикр-мулоҳазаларини жамоатчиликка ҳавола этмаслиги керак», — деса, А. Абдуғафуров: «Муҳсин домла эълон қилган Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаландарон» асарига келсақ, албатта, бу кишини ёлғончига чиқаришимиз ҳам қийин, лекин бир нарсани кўрмасдан туриб, унга ишониш ҳам осон эмас. Эҳтимол, домла қўлёмани кўргандир, бирор жойдан чиқиб қолса, масала ойдинлашар. Ҳозир эса бунга ишониб бўлмайди».²

Муҳсин Зокиров «Тазкираи қаландарон» («Қаландарлар ҳақида тазкира») асари сўзбошисида шундай дейди: «XVII-XVIII асрларда ёзилган тарихий манбалар Машрабнинг

¹ И. Абдуллаев. Машраб таржимаи ҳолига оид ғазал. «Ўзб. адаб. ва сан. », 1992, 17 январь.

² Дили дардли халқнинг шоири. «Ўзб. адаб. ва сан. », 1991, 17 май.

хаёти ва ижодий фаолиятини муфассал ўрганишда бир қатор чалкаш фикрлар туғдиради. Аммо Исҳоқ Боғистоний қаламига мансуб «Тазкираи қаландарон» асарининг топилиши бир қанча чигал муаммоларни аниқлаш ва улар тўғрисида дадил фикр юритиш имкониятини вужудга келтирди».¹

М. Зокиров фикрича, «Тазкираи қаландарон» китоби Боғистон кентида Исҳоқ бин Зиёвиддин тарафидан тасниф қилинган бўлиб, муаллиф китобнинг мукаддимасида ўзи ва Машраб тўғрисида тарихий жиҳатдан қимматли маълумотлар беради.

Исҳоқ Боғистоний мулла Бозор охундининг доврўғини эшитиб, Наманганга сафар қилган ва Машраб билан танишиб, дўстлашиб кетган.

Исҳоқ Боғистонийнинг ёзишича, Машрабга йигирма йил ҳамсафар бўлган Пирмат Сеторий устози Бобораҳимнинг «руҳи поки хотирасига бир китоб тасниф қилмоқ ниятида ...» бўлади ва ниятини Андижонда амалга оширади. Унга «Китоби қиссайи ошиқи Машраб валиуллох» деган ном бериб Боғистонийга юборган асарига илова тарзида йўллаган мактубида Машраб ва унинг яқин дўстлари ҳақида китоб тасниф этишга уни ҳам чақиради. Пировардида «Тазкираи қаландарон» китоби майдонга келади.

Мазкур асар 87 варақдан иборат. Муаллиф унда Машраб ва Пирмат таниган қирқ қаландар шоир ҳақида ҳам ихчам маълумот беради. Тазкирада Машраб ҳаёти ва фаолиятига 11 боб бағишланган.

Муҳсин Зокиров тазкираниннг қўлёзма ва тошбосма нусхалари кенг тарқалганлигини, тадқиқотчилар томонидан шубҳа остига олинган маълумотларга ойдинлик киритишига умид билдириб ёзади: «Агар Пирмат Сеторий Машрабнинг фақат асрдошигина эмас, балки унинг машаққатли ва саргардон ҳаёт йўлида йўлдоши, ҳамдарди ва ҳамфикри эканлиги ҳақидаги маълумотлар эътиборга олинса, бу асар Машраб ҳаёти ва ижодий фаолиятига тааллуқли ишончли ҳамда ғоят муҳим тарихий маъхаз (илк манба) бўлиб қолиши ўз-ўзидан аёнدير».²

М. Зокиров томонидан тайёрланган Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаландарон» асари нақллардан ва беш лавҳадан иборат. Асар бор-йўғи 6 саҳифадан иборат. Таажжуб жойи шуки, асар нечоғли мўъжаз бўлишига қарамасдан, ундаги фикрлар ихчам ва ишонарли ҳолда берилган. Ундаги нақлларда айтилишича, Исҳоқ Боғистоний Наманганда мулла Бозор охунд мадрасасида сабоқдоши Машраб фожиали қисматини Пирмат Сеторий даъвати билан китобат қилган. Намангандан дили озор чеккан Машрабга шогирди Пирмат Сеторий ҳамсафар бўлиб Қашқарга Офокхожа даргоҳига жўнайдилар. Офокхожаниннг ўтқир нафаси ва муборак илтифоти билан шоир Машраб тахаллусига сазовор бўлади. Машрабнинг баъзи ғазабнок шеърлари боис Офокхожа ва шоир ўртасига совуқлик тушади. Халқ эса унинг ғазаллари шайдоси бўлади. Замона зўрлари Машраб шеърларини хуш кўрмай, унинг азиз ва табаррук бошига маломат тошлари ёғдирадилар, дакки ва дашном бўронига тутадилар.

Қаландар Машраб бир ерда қарор топмай, ўлка, вилоятларда юрган. Орадан йигирма йиллар ўтгач, баҳор фаслида Пирмат Сеторий Боғистонга ташриф буюрган. Боғистонийнинг ёзишича, Пирмат Сеторий ғам-аламга ботган, кўзида ёш Машрабнинг дорга осилганлиги ҳақида унга сўзлаб берган: «Вале, бисёр ғамгин, ғамбода, вужуди фиروق оташида, чашми хунбор. Неча фурсат сукутдан сўнг, Машраби Мажзубни Балх ҳокими Маҳмудбий катағон Мансурвор сиёсат дорига тортмиш тарихин барча тафсилотлари ила хикоят қилмиш. Пирмат Сеторий баҳор ва ёз фаслида фақирнинг камтарин хонасинда истиқомат қилмиш. Шу аснода устоз бузрук шоҳ Машраби Мажзуб ила турли ўлкалар, юртлар, мамлакатларда бошларидин кечирмиш ҳаводис фоже бузруквор шоҳ Машраби Мажзубнинг табаррук ашъор дафтарларин ва ўз дастхати ила китобат қилмиш «Мабдаи нур», «Кимёи саодат» дostonларин хуржунидан олиб, фақир назариға келтурди. Айдики, агар аллоҳ жонини омон сақлаб, узоқ умр адо қилғон бўлса, устоз ашъорларин жамлаб, бир китобат тартиб этмоқликдек муборак ниятда эрканин сўзлади. Баъдаз фақирга юзланиб, сиз ҳам кўп мажорай ҳаводис шоҳиди эрдингиз. Ул ҳазрати бузруквор борасинда кўрган-билганларингизни битик қилиннг дея даъват этти».³

¹ Муҳсин Зокиров. «Тазкираи қаландарон»га сўзбоши. Шарк юлдузи, 1990, 8-сон, 152-бет.

² Ўша манба, 153-бет.

³ Исҳоқ Боғистоний. Тазкираи қаландарон. «Шарк юлдузи», 1990, 8-сон, 153-бет.

Юқоридаги муждаларни эшитган Исҳоқ Боғистоний Пирмат Сеторий кетгандан сўнг ранж ва алам чеккан, Машраб ҳақидаги кўрган, эшитган воқеаларни бир китоб қилиш фикрига келган. Орадан икки йил вақт ўтиб, ўз ўйлаган ҳаёлот ва Пирмат Сеторий ривоятларига таяниб: «ожизона фикримдан бир китоби тасниф этуб, анга «Тазкираи қаландарон» унвонин бердим» дейди. Тазкирада Машраб билан ҳамкор ва ҳамфикр бўлган, у билан бир даврада бўлиб, унинг суҳбатига мушарраф бўлган қирқ қаландарларнинг исми ва лақаблари санаб ўтилган. Боғистонийнинг ёзишича, орадан анча фурсат ўтгач, Андижон вилоятидан бир мусофир уни йўқлаб келган. Салом-алиқдан сўнг Собир исмли йигит хуржунидан матога ўралган бир нарсани «омонатингиз» дея унга узатган. Омонат Машрабнинг Пирмат Сеторий томонидан жамланган шеърӣ мажмуаси ва «Китоби қиссайи ошиқи Машраби валиюллоҳ» экан.

Кўриниб турибдики, бу Машрабнинг ҳамнафас шогирди Пирмат Сеторий томонидан яратилган «Қиссаи Машраб» китобидир.

Адабиётшунос олим Сайфиддин Рафъиддин «Қиссаи Машраб» хусусида шундай ёзади: «У ҳақидаги ривоят ва афсоналар халқимизнинг Машраб шахсияти ва ижодига беқиёс меҳрининг тимсолидир. Бинобарин, «Қиссаи Машраб» шоир тўғрисидаги халқ ривоятлари ва афсоналарининг Пирмат Сеторий томонидан жамланиб, бадиий жиҳатдан қайта ишланган ва китобат қилинган намуналаридир. «Икки жаҳонга сиғмаган» соҳиби ишқнинг ғаройиб ҳаёт йўли, муқаддас қадамжолар ва азизлар остоналарини зиёрат қилиб юрган бузруквор шоир – қаландар тўғрисидаги ҳикоялар оғиздан-оғизга ўтиб, эл орасида ривоятланиб, Машраб номи тилларда дoston бўлиб кетган. Ровийлар шоир ҳақидаги ривоятларни севиб куйлаганлар, ўзининг бутун умрини ҳақиқатга етишиш йўлида азият чекишга сарфлаган Машрабнинг бевафо оламда маънавий тубанлик, разолат, ақлий нажосатга ботган инсонларга – подшодан тортиб қозигача, сохта олиму вафосиз обидгача, ўғридан тортиб нобоп деҳқонгача бўлган нафрат-ғазаби, ҳақ ишқи йўлидаги собит иймони, адлпарвар, одампарварлиги эл-улус орзу-умидларининг ифодаси янглиғ тобора мажозийлашиб, афсонавийлашиб борган».¹

Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаландарон» асарининг «биринчи лавҳа»сида Боғистонийнинг Наманганга келиб бир мўмин кишининг вайрона қулбасига жойлашиши, бир муддат ўтгач мулло Бозор охунд ҳузурига таҳсил талаб бўлиб келиши, у муборак зот уни ҳадиси шариф, каломи шариф, мушкати шарифдан имтиҳон қилиб мадрасаи олияга қабул қилгани ҳикоя қилинган. Боғистоний мадрасанинг хужрасига жойлашади. Хужрадоши унга ажиб тарзда кўринади. Улар тез чиқишиб, бир-бирининг келиб чиқишларини сўрайдилар. Унинг хужрадоши асли келиб чиқиши Андижон эканлигини, ёшлигида отасидан жудо бўлганлигини, у ҳам мадрасага илм истаб келганлигини сўзлайди: «Халойиқ мени Раҳимбобо дерлар, падари бузрукворим мулла Вали Чўпгар усталик ҳунари бирла машғул эркан. Фақир Раҳимбобо бирла шу хужрада валлоҳи аълам, олти ва ё етти йил умргузаронлик қилмишдик. Раҳимбобо шартаки, айтмиш сўзидан тонмас, баланд бўйли, сарви қомат, кенг пешона, сочлари фатила-фатила, дарвиштабиат, девонафеъл, дунёи дунга майли йўқ, оташнафас, ола кўзларидан мудом ўт чакнаб, назари тушмиш кимсанинг жону жаҳонини ўртаб юборгудек. Вужуди, наинки вужуди, жумла йўку бори гўё ашъор оташига йўғрулуб, мудом шу оташда куюб ўртанғувчи эрди. Ва хушовоз хонанда, сетор ва танбурни бағоят нозик ва нафис чертар эрди. Раҳимбобонинг ҳақсўзи, оташнок ашъори нопок дилларни куйдирғувчи эрди. Шу боисдан анинг бошига қазою қадар беадад маломат тошлари ёғдурдики, охирул амр Раҳимбобо Хўжам пошо ҳузури олийларин орзу қилиб, Қошғар сафариға отланди. Раҳимбобонинг девонаваш шогирдбаччаси Пирмат Сеторий бўлғувчи эрди. Шоиртабиат бу ўғлон ҳам бағоят хушнаво ҳофиз ва уста сеторчи эрдик, Раҳимбободин бир қарич айрулмас эрди. Алғараз, ул ҳам Раҳимбобоға ҳамроҳ бўлуб Қошғар сари равона бўлди... Баъдаз, орадин қанча муддат ўтуб, Раҳимбобонинг Балхда Мансурвор сиёсат дориға тортилмиши борасида фоже хабарни ҳам фақирға ул ривоят қилмишди».²

Боғистонийнинг ҳовлисида Пирмат Сеторий бир неча муддат истиқомат қилиб, Машрабнинг заҳматли умри борасида унга кўп ривоятлар сўйлаб беради. Унинг айтишича,

¹ Қиссаи Машраб. «Ёзувчи», Тошкент, 1992, 3-4-бетлар.

² Исҳоқ Боғистоний. Тазкираи қаландарон. «Шарк юлдузи», 1990, 8-сон, 154-бет.

Машраб ва Сеторий Бухорои шарифда маълум бир вақт истиқомат қилиб, Мавлоно Шарифдан сабоқ оладилар, лекин Машраб ва Мавлоно Шариф ораларида шиддатли мунозаралар бўлиб ўтади. Машраб ночор ва нотавон халойиқ аҳволдан муборак диллари вайрон бўлиб, фақир уфқаро аҳволи борасида ажиб шеърлар ёзади.

«Тазкираи қаландарон»нинг «Бешинчи лавҳа»си мутафаккир шоир Бобораҳим Машраб ҳаётининг интиҳосидаги энг мураккаб сюжетли воқеа билан бошланиб, шоир ва унинг кушандаси Маҳмудбий катағон ўртасидаги шиддатли мунозара – диалог ва ниҳоят лавҳа сўнггида кульминацион нуқта Машрабнинг дорга тортилиш жараёни билан тугалланган.

Зиёвуддин Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаландарон»ини филология фанлари номзоди Муҳсин Зокировнинг «Эрк ва маърифат куйчилари» асари орқали биламиз. Муҳсин Зокировнинг ёзишича, «Тазкираи қаландарон» асарининг муаллифи Исҳоқ Боғистоний Наманганда мулла Бозор охунд қўлида Машраб билан бирга ўқиган. Бу асар Машраб ўлимидан олти йил кейин – 1717 йилда ёзилган. Тазкира Машрабнинг узоқ сафарлардаги доимий ҳамроҳи Пирмат Сеторийнинг илтимосига кўра тасниф этилган. Сеторий Машраб ҳаётининг Боғистонийга маълум бўлмаган лавҳаларини баён этиб берган. Тазкирада Машрабнинг қашқарлик Офокхожа даргоҳидаги шодон ва аламли, азоб-укубатли кунлари, шоирнинг Офокхожа канизакларидан бири – Тўтибекани севиши, севилиши, бу қилмиши гуноҳ ҳисобланиб, бичилиши, даргоҳдан қувилиши ва қаландарлик жомасини кийиши каби муҳим маълумотлар берилади. Ушбу тазкирадаги энг эътиборли ахборотлардан бири Балх ва Қундуз вилоятининг ҳокими Маҳмудбий катағон томонидан Машрабнинг зиндонга ташланиши ва қатл этилиши билан боғлиқ воқеаларнинг анча кенг баён этилганлигидир.

Асарда Пирмат Сеторийнинг ривоят қилишича, Шоҳ Машраб у билан Бухорои шарифда бир киш фасли умргузаронлик қиладилар. У ерда Машраб Бухоро уламолари билан ва бир дафъа Мавлоно Шариф билан мунозарали мулоқотда бўлган. Мавлоно Шарифдан дили озор чеккан Машраб баҳор фасли етти қаландар билан Бухорои шарифни тарк этиш тараддудига тушган. Исмат қаландар, Шерзод Субҳий, Турсунбобо Мақомий, Ашраф Қаландар, Оқил кўса, Мирзараҳим Соқий, Обид шилпиқ ҳамроҳлигида Насаф томон йўлга тушадилар. Насафда бир мунча муддат сайру томошолар қилиб, Машраб у ерда ҳам узоқ туришга тоқат қилмай, сафар жабдуқларини эшакларига юклаб Байтуллоҳ сафарин мўлжаллаб, ният қилиб, аввал Балх сари юрадилар. Шоҳ Машрабнинг Балх сари отланганлигини хабар топган Балх қаландарларининг сардори Оғахон қаландар барча қаландарларини эргаштириб ўн фарсах йўлга унинг олдига, истиқболга пешвоз чиқадилар. Балхга келиб тушган қаландарлар бир неча муддат қаландархонада ҳордиқ чиқарадилар. Шоир аҳли, қаландару дарвешлар, фоний дунёдан қўл ювган девоналар бир-бир келиб Шоҳ Машрабни зиёрат қиладилар. Баъзилари назмий мажлисда унинг суҳбатини тинглашга муяссар бўладилар. Зиёрат аҳли орасида жабрдийда халойиқ вакиллари Маҳмудбий катағон жабр-зулмидан, аркони давлат сиёсатидан норози бўлиб шикоят қиладилар. Шоҳ Машрабнинг Балхга келганлиги овозаси Маҳмудбий катағон қулоғига етиб, у Фарғона заминидан келган девона – қаландарни ҳузурига чорлайди. Сарой навқарлари келиб одоб билан салом бериб, қаландар Машрабни Маҳмудхон ҳазрати олийлари саройга чорлагани хабарини берадилар. Шоҳ Машраб алар жавобинда дедиларки: «Мен киму Маҳмудхон ким, бандаи фақир бу янглиғ асъасага лойиқ эрмасмен, сизлар бораверинглар, мен саройга ўзим йўл топғум». Навқарлар ёнди. Бир неча муддат ўтказуб Оғахон сардори қаландарон ҳамроҳлигинда Маҳмудхон ҳузурига равона бўлдилар. Маҳмудхон ва уламои фузало аркони давлат анда ҳозир бўлмиш. Шоҳ Машраб тавозе бирла салом айлаб, пойгоҳда жойнишин бўлдилар. Маҳмудхон тавозе бурчидин ҳол-аҳвол сўрди, ё девона, иродаи Байтуллоҳ қилмушсиз, аллоҳ муборак қилғай, деди, зиёрат сўнггида дедик: ё қаландари Мажзуб, ширин ашъорингиз гўшимизга етушдики, анинг мутолаасидан бисёр лаззат топдик. Аммо баъзи уламои фузало ва аркони давлат тавсифинда ҳам бир кўп ношаён сўз демушсизки, бу корингиздин андак озурда хотир бўлдук. Аҳли мажлис қотинда бу носазо сўзларингиз борасинда тавба-тазарруъ қилсангиз бизни бисёр хушнуд қилурдингиз».¹

¹ Исҳоқ Боғистоний. Тазкираи қаландарон. «Шарк юлдузи», 1990, 8-сон, 157-бет.

Пирмат Сеторий худди шу ҳолатнинг гувоҳи бўлгани ҳолда, Маҳмудбий катағон ҳузурида Машрабнинг кўркмасдан неки битса ҳақ сўзни битганлигини, адолатсиз беку амалдорлар қилмишини ҳажв қилганлигини, шоҳ ва вазирдан авом «ола бўжи»дан кўркқандек кўркишини, шу боис улар ҳақида шеър битиб, уни қаландарлар ҳалойиқ олдида ўқиётганлигини яширмайди. Шоҳ Машраб дедиларки: «Оре ростдурким, мўмин-мусулмон бандаларни эрмас, балки ришвахўр қозиларни, окни қаро қилғувчи муфтиларни, икки тиллик уламоларни, шайдойи муллоларни ҳажв тили бирла тавсиф этмушдим. Неки битдим, ҳақ турур. Узр айтмоқлик фақирға одат эрмас, иззат-икром учун бағоят бурчдормен, шаксиз ҳазратлариға бўлгон бурчимни узурмен» деб, рухсат олиб, саройдан чиқдилар. Орадан бир неча фурсат ўтди. Шоҳ Машраб Маҳмудбий катағон ва вазири колони Бузрукхўжа Бухорийдирки, авом ани «ола бўжи» дерлар, таърифида ашъор битиб, бозор ва гузаргоҳларда ўқидилар. Бу абётларни бир неча қаландарлар ҳам авоми аннос мажлисинда ўқишишлар».¹

Машрабнинг ҳажвгўйлик овозаси Маҳмудбий катағонга хуфялар томонидан етказилгач, вазир Бузрукхўжа Бухорий Маҳмудхон подшога арз қилиб, Машраби девона подшо ҳақида ношоён сўзлар битиб, уни авом орасида тарқатиб, ҳалойиқнинг дилига ғулу солиб, уларни подшоликка қарши кўзғаётганлигини, агар унинг чораси кўрилмаса, охири вой бўлишлигини англатади.

Дарғазаб бўлган Маҳмудбий чошгоҳ палласида навкарларига қаландархонага бориб Шоҳ Машраб, Пирмат Сеторий, Оғахон сардор ва бир неча қаландарларни занжирбанд қилиб, ҳузурига олиб келишни буюради. Дарғазаб Маҳмудхон кўзларидин ўт чақнаб, хитоб бирла дедик: «Ё қаландари мажзуб, мен сени дарवेशи замона тариқида иззату икром қилдим, сен эрса ушбу иззату-икромға ўтурдинг». Анинг жавобида Шоҳ Машраб дедиларки: «Ё Маҳмудхон, жабринг андоқ даражасиға етушмушки, ҳалойиқ ушоқлари хархаша қилса, уни Маҳмудбий келур, деб кўрқитурлар. Оре, рост. Мен дунёдин кечган бир дарवेशмен. Иззати икромингни менинг қатимда сариқ чақалик қадри йўқ турур, илло, сен аркони давлатинг бирла юртга ўтурмушсен. Ҳар кимнинг жазосин тонгла маҳшарда тангри таоло берғуси. Халойиқда масалдурки, «ҳар кимса, экканини ўрар». На битибмен, ҳақ сўзни битибмен. То рўзи қиёмат сендин жафокорлик, мендин ҳақ сўзни битилмуш китобат қолғуси. Жавобингда ўзга айтар сўзим йўқ. На ҳукм этурсен, бисмиллоҳ деб қабул килурмен».²

Пирмат Сеторийнинг ҳикоя қилишича, уларни Маҳмудхоннинг амри билан Балхнинг «Қароқчиён» зиндонига зиндонбанд қилдилар.

Сўнгра Маҳмудхон уламоларни йиғиб мажлиси машварат ўтказади. Мажлис аҳлининг авзойи бузук. Шайхул ислом демушки: «Машраб ва ҳамроҳлари ҳалойиқни гумроҳликка ундар, шариат ва тариқатдин оздирур, ашъоридин куфр иси келур, Қуръони мажидни ҳақорат қилур, мардум орасинда ғулу кўзғатур, аларнинг жазоси дорға тортилмоқдир», деб фатво бермуш».³

Пирмат Сеторийнинг Исҳоқ Боғистонийга ҳикоя қилиб беришича, зиндонда Машраб чуқур ғамга ботиб, унга шеърларини асраб, эл назарига туширишни, ўтинган: «Шоҳ Машраб зиндонда бисёр ғамнок ва озурда хотир бўлдилар. Менга васият қилдиларким, мабодо зиндондан саломат кутулсанг, битикларимни асра, бу ўлкадан ҳеч ҳаялламай Фарғона сари отлан, аларни бир китобат тартиб бериб, бизни азиз тутғувчи ҳалойиқ назариға еткур. Бу янглиғ сўзлардин сўнг Шоҳ Машраб тафаккур уммониға ғарқ бўлдилар. Эрса зиндонбонни йўқлатуб, қалам, довот ва қоғоз сўрадилар, зиндонбон сўрмишларин мухайё қилди. Шоҳим тафаккурдин ҳушёр тортиб, ушбу абётни битдилар:

*Тўккиси хунимни охир Балхда Маҳмуд шоҳ,
«Алқасосул ҳақ» каломи анга ҳам муддат эмас.*⁴

Ва яна:

Минг шўри фиғон бирла, ҳай-ҳай, не бало келди,

¹ Юқоридаги манба, ўша жой.

² Ўша асар. 154-бет

³ ўша асар. 155-бет.

⁴ Бу ғазал олдинги жилдда берилган ва таҳлил этилган, шу боис уни такрор бермадик. (Таъкид: М. Ҳ. ники).

Жон қичқирадур қўй деб, ханжарни оло келди.

*Қўлида қилич фўлод, қошимга келиб жаллод,
Қилди мени бибунёд, тийги гузаро келди.*

*Кетсам бу алам бирла, юз хоҳиши гам бирла,
Савдойи санам бирла, хуш даври сафо келди.*

*Рози бўлайин ўлсам, жон бергунча бир кўрсам,
Мундоғ не бало бирлан шиддатли қазо келди.*

*Заҳматга қазо ёндош, бўлди ҳаммаси йўлдош,
Ул жавру жафо подош, тиклаб югуро келди.*

*Девонаи Машрабсан, қўрқуб нега йиғларсан,
Ошиқ кишига ўлмоқ ки, айни муддао келди.¹*

Шоҳ Машраб бу абётдин нусха кўчуруб, Маҳмудхонга элтмоқларини илтижо килдилар.

Маҳмудхон томонидан хабарчи келиб, Шоҳ Машрабни саройга келиб, уламо, аркони давлат қошида тавба-тазарру қилмоққа ундайди. Шоҳ Машраб унамайди. Сарой аҳли ҳукм ижро этилишини талаб қиладилар. «Охирул амр ҳукм ижросига тутиндилар. Рамазони шарифнинг ўн еттинчи куни ҳижратдин бир минг бир юз йигирма уч сана кечуб эрди, барча банди зиндонларни Балхни қатл майдониға сургадилар. Кўча-кўйда халойиқ бисёр йиғилгон эрди. Шаҳпар гузаридин ўтурда фуқаро орасинда ғулу қўзғалуб, навкарларга тажовуз қилинди. Фақир ва бир неча нафар жабрдийдаларни халойиқ ароға камраб олуб, банддан холос қилиб, яширдилар. Илло, Шоҳ Машрабни илки ва аёғи занжирбанд, кишан халқасин навкарлар қўлларида маҳкам тутмушти. Ул сабабдин аларни қутқармоқ имкони бўлмади. Алқисса, рамазони шарифни ўн еттинчи куни бавақти намози жумадин сўнг Шоҳ Машрабни Мансурвор сиёсат дориға тортмушлар. Андоғ маълум бўлурки, қатли ом муддатинда таваллудларидин элик етти сана кечуб эрди. Охирдаи амр девонаи мажзуб Шоҳи қаландар валиюллоҳ Машраб шаҳиди аъло топуб Мансур мақомиға етуштилар. Қолихум инно алайҳум рожиун...

Тақдир тақозоси андоғ бўлмишким, Шоҳ Машраб «алқасосал ҳақ каломи анга ҳам муддат эмас» деб каромат қилганларича бўлди. Маҳмудхон уч кундан сўнг зилзилада том остида қолуб, қаттол руҳ жаҳаннамға мубаддал бўлди...»²

Бугунги кунда Тошкентда яшаб, ислом университетиде Шарқ фалсафаси ва ислом ҳукуки, тасаввуф илми бўйича ёшларга таълим бериб келаётган йирик олим Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний Бобораҳим Машрабнинг ваҳдат уммониға қўшган ҳиссаси ва унинг мозори ҳақида биз учун энг қимматли маълумотлар берган.

Жўзжонийнинг ёзишича, унинг шаҳри Сарпул (Сарпул вилоят маркази) мактабларида, бошқа мактаблар сингари, махсус қизлар мактабларида Куръони карим, турли диний китоблар, шеърӣ асарлар, ўзбек ва дарӣй тилларида ўқитилган. Улар қаторида Ҳофиз, Навоӣй, Бедил, Ҳувайдо девонлари, баъзан Сўфи Оллоҳёр ва Бобораҳим Машраб китоблари ҳам ўқитилган.

Жўзжонийнинг эътирофича, Афғонистон ўзбеклари Бобораҳим Машрабни валий (худонинг дўсти) ва кашфу-каромат эгаси сифатида танишган, ундан содир бўлган кароматлар борасида кўп гапиришган.

Тан олинган ва ихлос қилинган инсонлар юксакликка кўтарилиб, муқаддас зотлар қаторидан ўрин олган. Омма уларга инониб, ўз мушкулотларини ечиб беришни сўраган.

Бобораҳим Машраб сиймосида ҳам ана шундай руҳоний куч бўлган.

Жўзжонийнинг фикрича, Румий, Насимий, Яссавий каби буюк зотларнинг ҳаёти ана шундай ажойиб можаролар ва фантастик воқеалар, эртаксимон ҳодисалар билан қўшилиб кетган.

Афғонистон ўзбеклари ва тожиклари орасида Шоҳ Машрабнинг шунча шуҳрат ва маҳбублик қозонганлигига сабаб, аввало унинг ҳар икки тилда ёзган ширин, такаллуфсиз

¹ «Шарқ юлдузи», 1990, 8-сон, 158-бет.

² «Шарқ юлдузи», 1990, 8-сон, 158-бет.

ва халқ тилига якин шеърлари бўлса, иккинчидан, унинг умр охирида Балх шаҳрига қилган сафари ва ўша ерда шаҳид бўлганидир.¹

Балхда Машраб у ердаги олим, адиб ва муллолар билан учрашиб, Балх ва Қундуз ҳукмдори Маҳмудхон қатағон билан мулоқотда бўлади.

Жўзжоний «Тасаввуф ва инсон»да ёзишича, Машраб ўз замонасининг йирик олим ва орифи сифатида ҳеч қачон ҳам ҳақиқатдан воз кечмас ва ноҳаққа таслим бўлмас эди. У қаерга бормасин, риёий шайхлар, амалсиз муллалар ва халқ жонига бало бўлган золим шохлар ва ҳокимларга қарши туриб, баъзан тўғридан-тўғри ва баъзан ҳажвий тарзда уларнинг ҳақиқий қиёфасини очиб берар, адолат ва инсонпарварлик ғоясини илгари суларди.²

Жўзжоний талқин қилишича, Маҳмудхон атрофида йиғилган дин илмидин йирок, жоҳил, сохтакор кишилар унинг эрксевар ва адолатпарвар ғояларига қарши туриб, Маҳмудхонни Машрабни осиб ўлдиришга қайрайдилар.

Машраб қишрий (юзаки) уламолар фатвоси билан Маҳмудхон фармонига биноан Балх шаҳрида дорга осиб ўлдирилди ва жасади ўша ерга дафн этилди.

«Халқ китоблари» туркумидан «Қиссаи Машраб», «Шоҳ Машраб қиссаси» китобларида Бобораҳим Машрабнинг Маҳмудхон томонидан дорга осиб ўлдирилиши тафсилоти ишонарли тарзда берилган: «Анда жаллодлар Шоҳ Машрабни дорга олиб борурда тамоми халойиқ орқаларидин навҳа ва зори қилиб борур эрдилар. Шоҳ Машраб жонлариға айдиларки: – Эй жон, киши маъшуқини кўрғоли борурда ҳам кўрқарму? – деб жонлариға қувват бериб, йўл борурда бу ғазални ўқудулар:

*Ичиб жоми муҳаббатдин ҳадиси шакарридинман,
Ўзини қудратин очқон Худони дафтаридинман.*

*Таноби халқани солғил мани бўйнулга, эй жаллод,
Киши билмас мани қадрим, бу конни гавҳаридинман.*

*Дури файз айладим мақсуд бўлдум, айладим нобуд,
Кушандам бўлди ул Маҳмудки, жаннат кавсаридинман».*³

«Қиссаи Машраб»да айтилишича, Машраб ғазални ўқиб бўлгач, жаллодларга икки марта эмас, бир марта халқаларига тиғ уришни ўтиниб, тиғ урилгач, ўзини дорга ташлаган.

У дорга осилгач, Балх шаҳрининг улуғу кичиклари Шоҳ Машрабга мотам тутиб, зор-зор йиғлаган. Маҳмудхон ўзига келиб вазиру аъзамлардан Машрабни сўраган. Шоҳ Маҳмудхон айдик: «Эй ноинсофлар, ман сизларга Шоҳ Машрабни ўлдурунлар деганимда кўзумни қисиб, ҳазилу мутоиба қилиб айтмадимму?» Жаллодлар айдилар: «Бизлар билмадук. Гарданларига таноб ҳам солмадук. Ўзлари бир жуфтак уруб, сакраб дорга осилдилар ва ҳам ўзларини бир тиғлари бор экан, ани бердиларки, шул тиғ бирлан урғил деб. Бизлар ўшал тиғ бирла бир солдук. Икки солғонимиз йўқ».⁴

«Қиссаи Машраб»да ёзилишича, подшоҳ Маҳмудхон пушаймон ва надоматлар билан Машраб ўлимига фармон берганига чидай олмай, аламла йиғлайди, тавқи лаънатга қолганлигини тушуниб етади: «Шоҳ Машрабни жасадларини лаҳадга дафн қилдилар. Шоҳ Машрабни оламдан ўтганларига уч кун ўтуб, тўртинчи кунда подшоҳ уйда ётиб эрди». Зилзила бўлиб, уни уй босиб қолади ва Маҳмудхон ҳам оламдан ўтади. Қиссада ёзилишича, Шоҳ Машраб вафотларидан етти кун ўтиб, тўққиз қаландар Балхга талқин айтиб келган. Маҳмудхоннинг вазирлари уларга пешвоз чиқадиладар ва уларнинг қаердан келишларини сўраган. Улар Макка ва Ҳирот томондан келишларини айтган ва улар Машрабни танишларини, уч кун бурун у Ҳирот даштида кафанлари бўйинларида, итларини кейинларига солиб, Макка мукаррамага кетиб бораётганлигини айтишган. Вазирлар бу сўзларни эшитиб, отланишиб Шоҳ Машрабни лаҳадларига келиб кўрдиларки, гўрларини қибла тарафдан бир эшик очилибдур. Анда на кафан кўринадур ва на жасад. Ҳеч бир нимарса йўқ. Вазир Масъуд кўз ёши қилиб, лаҳадни кўмуб, дуо ва такбир қилиб ёнди. Вазир тонгла кечаси туш кўрди. Вазирга Шоҳ Машраб айдилар: «Эй вазир, ман равзаи

¹ Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний, Тасаввуф ва инсон, «Адолат», Тошкент, 2001, 153-бет.

² Ўша асар, ўша жой.

³ Шоҳ Машраб қиссаси. «Шарқ», Тошкент, 1991, 49-бет.

⁴ Қиссаи Машраб, «Ёзувчи», Тошкент, 1992, 164-бет.

пайғамбар, алайхиссаломнинг зиёрат қилиб келдим. Ишконмиш деган ерни тайин қилдиларки, мани қабримни ўшал Ишконмишга кўтарғил»,–деб. Вазир эрта билан бориб гўрларин очиб кўрдик, Шоҳ Машрабнинг жасадлари ётибдур. Андин сўнг вазир ул лаҳаддин олиб, Ишконмишга дафн қилди. Шоҳ Машрабни қабрлари Ишконмишдадур.¹

Ҳозирча Балх шаҳрида «Жавонмарди қассоб» деган машҳур зиёратгоҳ яқинида Машрабнинг биринчи қабри туради. Эл уни бир муқаддас мазор сифатида хурмат қилиб, турли жойлардан уни зиёрат қилиш учун одамлар келишади. Аммо бу ориф шоирнинг абадий ётар жойи Ишқамиш деган шаҳардадир.

Жўзжонийнинг маълумот беришича, Ишқамиш Таҳор вилоятининг бир кичик шаҳри бўлиб, қадимдан Вазволин номи билан шуҳрат топган. «Ориёна доиратул – маориф» (Афғонистон энциклопедияси; 3-жилд, 177-бет)да берилган маълумотга қараганда, Ишқамиш шаҳри Хонобод шаҳридан 30 километр масофада, Ишқамиш дарёсининг ёнида воқе бўлган. Унинг ғарбий томонида Хонобод шаҳри ва Шўроб чўли жойлашган. Илгари Хонобод – Наҳрин – Кобул йўли шу даштдан ўтарди.²

Олмониялик олим Арвин Грош Бох «Афғонистон жуғрофияси» номли китобида, бошқа шаҳарлар қаторида Ишқамиш борасида ҳам сўз юритиб, унинг шаҳрий хусусияти, унда 200 та дўкон ва 8 та сарой борлигини ёзган. Китоб муаллифи, деб таъкидлайди Жўзжоний, 1972-73 йиллари ушбу шаҳарни кўриб ўтган. У анча обод бўлиб, унда 40-45 минг аҳоли яшаганлигини, уларнинг 70 фоизи ўзбек ва 30 фоизи тожиклар эканлигини, урушдан сўнг аҳвол бошқачароқ тус олганлигини қайд этади: Ишқамиш шаҳарчасидан бир ярим километр шарқ томонда ўзбеклар султонул-орифин, бурхонул-муҳаққикин ва зубдатул-мутақаллимин шоири Мавлоно Машрабнинг мақбараси жойлашган. Мақбара хом ғиштдан қурилган гумбазли бино бўлиб, турбатнинг ўзи ҳам лойдан ясалган. Қабрнинг тепасида араб тилида ёзилган бир тош лавҳа киши диққатини ўзига тортади.³

Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция раҳбари Зокиржон Машрабов ва экспедиция аъзоси Қамчибек Кенжа «Афғонистон сафари» мақоласида Машрабнинг Балхда қатл қилинганлигини, дафн жойи Ишқамишда эканлигини айтиб, қабри қишлоқнинг ғарб томонидаги ясси бир тепаликда эканлигини, зиёратгоҳга келаётган аёллар кўплигини, чоршанба куни – хотин-қизлар зиёрат қиладиган кун эканлигини қайд этади.

Мақбара – мақбара эмас, гувала лойдан тикланган, шифтлари оддий, ҳари-тўсинли ўртача ҳажмдаги бир уй, хужра эди. Ўртадаги қабр атрофи тахта-ёғоч билан супасимон қилиб ўралган ва устига зангори духоба ёпилган эди. З. Машрабов шундай ёзади: «Биз Бобораҳим Машрабнинг бу овлоқ тепаликдан кўнимгоҳ топиши сабаблари билан қизиқдик. Афсуски, улар ҳам Бобораҳим Машраб ҳақида Ўзбекистонда чоп этилган китоблардаги маълумотлардан, унинг қабрлари тарихи тўғрисида эса, бизга маълум бўлган афсона ва ривоятлардан бошқа манба ва ахборга эга эмас эдилар. Лекин энг муҳими, улар Машрабнинг машҳур шоирлигини билишар, уни Шо Машраби Қаландар деб аташаркан. Хужранинг деворларига ўзбек ва форс-тожик тилларида Машраб ғазалларидан парчалар битилган матолар илинган эди».⁴

Жўзжоний фикрича, Ишқамиш аҳолиси ва унга яқин минтақалар улуси Шоҳ Машрабни улуғ олим ва шайх деб билишади. Унинг ўзбекча ва дарий (форсий) шеърлари кодирия тариқати пайровлари томонидан жаҳрларда оҳанг билан ўқилади.

«Шоҳ Машраб мухлислари унинг қабрини ҳамиша зиёрат қилиб туришади, айниқса чоршанба кунлари аёлларнинг сони кўпаяди. Зоиралар Шоҳ Машраб руҳониятидан ҳожат тилаб, ўз мушкулларини ҳал қилиш умидида бўладилар. Катта боғда назру-хайрат ўтказиб, дам олишади. Неча йиллар муқаддам баъзи бир шайхлар бу мақбарада чилла ўтириб, маънавий камолотга интилар эдилар. Шундай қилиб, Бобораҳим Машраб руҳи, орифона ва риндона шеърлари билан мухлислар қалбида яшайди, минглаб кишилар учун руҳий таянч ва маънавий ёрдамчи сифатида хизмат қилиб келади».⁵

Шу ўринда Жўзжоний Бобораҳим Машрабнинг турбати Ишқамишда, Бобур Мирзонинг қабри Кобулда, ҳазрати Алишер Навоий, Гавҳаршод бегим ва Султон Ҳусайн

¹ Ўша асар, 165-бет.

² Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний, Тасаввуф ва инсон, «Адолат», Тошкент, 2001, 154-бет.

³ Ўша асар, 155-бет.

⁴ З. Машрабов, К. Кенжа. Афғонистон сафари, «Ўзб. адаб. ва сан. », 2004, 9 январ.

⁵ Жўзжоний, Тасаввуф ва инсон. 156-бет.

Бойқаро абадий ётар жойлари Ҳирот шаҳрида эканлигини эслатиб, уларнинг маънавиятлари Афғонистон ва Ўзбекистон халқларини камалак кўприк бўлиб бир-бирига чамбарчас боғлаб турганлигини, дўстликни мустаҳкамлаш омили бўлиб келаётганлигини таъкидлайди.

Самарқандлик адабиётшунос олим Исомиддин Салоҳий Машрабни қандай тарғиб этишарди ва аслида уни қандай тушунмоқ лозим, деган саволни ўртага ташлаб, тоталитар тузум даврида Машраб мероси ижтимоий муносабатлар қурбони бўлганлигини, унинг шеърляти тор маънода талқин қилинганлигини тадқиқ этган. Салоҳий Машраб қатл этилиши сабабларини руҳоний ва золим бойларни шаккоклик билан қоралагани учун дорга осилган эмас, деган фикрни илгари суради ва уни илмий манбага таяниб, тарихийлик нуқтаи назаридан таҳлил этади: Шарқий Туркистондаги ижтимоий-сиёсий бирлик, айниқса, маънавий-мафкуравий қарашлар бир бутунлиги Махдуми Аъзам вафотидан кейинроқ заифлаша бошлади. Эшоннинг фарзандлари ҳолининг бир-бирига ёвлашувини «оқтоғликлар» ва «қоратоғликлар» каби ижтимоий-сиёсий ва ғоявий муҳолиф, рақиб томонларга ажратиб ташладилар. Томонлар ўртасидаги кураш вилоят, шаҳарда ҳукмронликни қўлга киритиш йўсинида ҳам ўнлаб йиллар давом этган. Оқбошхон номли ҳукмдор Ҳидоятуллоҳ Офоқхожа эшон бошлиқ оқтоғлик хожаларни юртдан ҳайдаб чиқаради. Махдуми Аъзамга эвара бўлган Офоқхожа мазкур воқеадан кейин Тибетга келиб далай Ламадан (ҳоким ва бош руҳоний) ойрот ва қалмоқ хони Галдон – Бошоктуга (1671-1697) хат биттириб олади. Далай Лама хондан Қашқар ва Ёркендда хожанинг ҳуқуқини тиклашни илтимос қилган эди. Галдон бу шаҳарларни эгаллаб турган Исмоилхонни асир олиб, Ёркенд тахтига Офоқхожани ўтказди. Қашқарга эса унинг ўғли Хожа Яҳёни ҳоким қилиб тайинлайди.¹ Лекин бўйсундирилган шаҳарлар ойротларга вассал бўлиб қолаверган. Шарқий Туркистондаги вазият, Офоқхожа вафотидан сўнг (1694) бироз издан чиқиб, унинг ўғли Муҳаммад Яҳё қалмоқлар томонидан ўлдирилган. Аммо Офоқхожа авлодлари кейинроқ 78 йил Қашқар ва Ёркендда ҳукмронлик қилган.

Исомиддин Салоҳийнинг фикрича, Офоқхожа ва ўғиллари Шарқий ҳукумат ва мафкура арбоблари Хуросондаги аштархоний ҳукмдорлар билан ҳам яхши муносабатда бўлмаганлар. Офоқхожа ўғли Ҳасанхожанинг фатвоси билан қалмоқ хони 40000 черик билан бориб, Хуросоннинг Қундуз вилоятини талаб қайтган.

Бу воқеаларнинг Бобораҳим Машраб қатл этилишига алоқадорлиги шундаки, деб таъкидлайди Салоҳий, шоир аштархоний Махмуд қатағоннинг ҳукумат юритишига тамомила салбий муносабатда бўлган. Уни юрт бошқаришга нолайиқ шахс деб ҳисоблаган. «Девони Машраб»да қайд қилинишича, тахтни булғаган Машрабни кўриб Махмудхон: – «Эй Машраб, бу нима қилғонингиз? – дейди. Унга Машраб шундай жавоб берадилар.

– Хўб қилдим. Мен сени тахтингга ўлтурсам нима бўлибдур. Сан бу юртга ўлтурдинг».²

Кескин савол-жавоб хотимаси Машрабнинг Қатағон лақабли ҳукмдорга тик қараб, сан юртни булғадинг, расво қилдинг, деган гапи учун қатл этилганлигини тасдиқлай олади. Офоқхожа ўғли Саййид Ҳасанхожага бағишланган уйғурча маноқиб (Самарқанд музейи кўллезмалар фонди, инв. № 4204/2 рақамли сақланади) да Машрабнинг Офоқхожа вафот этганларидан кейин ҳам у кишининг фарзандлари билан яқин, дўстона алоқада бўлганликларини тасдиқловчи ўринлар бор.

Маноқибда қалмоқларнинг Қундуз устига юриш қилишини гўё Ҳасанхожанинг Машраб қатли туфайли Балх ҳукмдорларига ғазабининг натижаси эди, деган фикрни олға сургандай бўлади. Демак Машраб вафоти Офоқхожа фарзандларини ҳам изтиробга солган. Маноқибда ёзилишича: «Ҳазрати Хожам Подшоҳим (Ҳасанхожа) қалмоқнинг тўрасининг кўнглига солдиларки, ман санга Қундуз талқонини (назр-ниёз) бердим. Турмай бориб жиғиб олғил... 40000 черик (Қундузни) босди. Мамутхонни (Махмудхон) қиюри (томи) босиб бола-бақраси билан нест-нобуд бўлиб ўлди. Бу бадбахт ноинсофлар Ҳазрати Шоҳ Машрабни шаҳид қилди. Анинг учун Ҳазрати Хожам Подшоҳимнинг радаларига (ғазабларига, қарғишларига) кетган дебтурлар».³

¹ Исомиддин Салоҳий. «Ижтимоий муносабатлар қурбони», «Ўзб. адаб. ва сан. », 1997, 14 феврал.

² Шоҳ Машраб қиссаси. 48-бет.

³ Исомиддин Салоҳий. «Ижтимоий муносабатлар қурбони», «Ўзб. адаб. ва сан. » 1997, 14 феврал.

Салоҳий шоир ўлимига доир ҳужжатларни ўрганиб, икки хулосани илгари суради: «Демак, Бобораҳим Машрабнинг қатл этилишига кўп жиҳатлари билан даврнинг ижтимоий-сиёсий муносабатларига боғлиқдир. Унинг ҳаёти ва фаолиятини ёритишда бу нарсага эътиборни қаратиш лозим. Яна шуни чуқур англаш керакки, Машрабнинг қатл этилиши (у осилишга ҳукм қилинган бўлса-да, илтимосига кўра, шакалак томири кесиб ўлдирилган) унинг фожеаси эмас, балки олий армони эди. Чунки ҳақиқий ориф Ҳаққа этишгачгина чинакам бахтини топади».

Шоир ҳаётини ўрганишга оид яна бир ҳужжат: Шоҳ Маҳмуд Чуроснинг «Торих» рисоласи бўйича, «Анис ат-толибин» китобига асосланиб, ёзилган 111-изоҳда баён этилишича, Машраб ҳаётининг сўнгги йилларида Қашқарда Хожа Исҳоқ Валининг муриди Шутур Халифа лақабли киши халифа бўлган. Бу шахс яна ўлкадаги бош халифа – Муҳаммадхонга биринчи ноиб ҳам ҳисобланган. Бу шахсга эътиборнинг боиси шуки, Шутур – Халифа Қундуз вилоятидаги Шибирғон қишлоғида муқим яшовчи ўзбеклардан экан. Машраб қатл этилгач, танаси Маҳмуд қатағонни том босгунча (уч кун) дорга осилиб туради. Сўнгра бир тўда кишилар пайдо бўлиб, жасадни олиб кетадилар ва уни Шибирғон қишлоғида дафн этадилар.¹

Хулосада Салоҳий шундай фикрни илгари суради: Бу воқеалар ҳам бизнинг Машраб ижтимоий муносабатлар қурбони, у Офоқхожа эшон хонадони аъзолари билан юз кўрмас бўлиб кетмаган деган мулоҳазаларимизни қувватлайди. Шундай экан, Офоқхожа эшондай йирик дин ва давлат арбобининг Машрабдай ориф-шоир, яна кўз тиккан муриди билан гўё бир канизак баҳонасида сану манга боришларини тўқиб чиқариш ахлоқий жиҳатдан ҳақиқатга тўғри келмайди.

Пир – мурид ўртасидаги ўзаро ахлоқий муносабатни, канизак бир баҳона холослигини, Машраб сохта гуноҳ қилиб, унинг назарига тушишни ўзи онгли хоҳлаган ва «Мақбули ҳидоят бўлайин деб гуноҳ эттим», - дейди.

Машраб пири комили Офоқхожа ҳидоятига мақбул бўлиш учун унинг хонадониди етти йил хизмат қилишни шараф деб билган. Канизак И. Салоҳий айтганидек, бир баҳона эди, холос. Шу ҳол «Шоҳ Машраб қиссаси»да шундай тасвир этилган: «Эй Машраб, бизга хизматкор бўл!» Машраб туриб таъзим қилди. Уч йил ўтун ташидилар. Яна уч йил мешда сув ташидилар. Бир йил остонада ёттилар. Бу етти йилда бир пўстун кийдилар, ёз бўлса чармини кийдилар, қиш бўлса юнгини кияр эдилар:

*Эй биродарлар, кийибман бир кийими етти йил,
Бас машаққат тортмагунча лойиқи дийдор эмас.*

Етти йиллик хизмат ва етти йиллик илм олиш бу ҳали пирнинг дийдорига, илтифотига муяссар бўлиш дегани эмас эди. Пир шундай марҳамат қилиши лозим эдики, шу марҳамат боис Машрабдек нуктадон шогирд Ҳақнинг дийдорига, унинг пири жамолини кўриш бахтига ноил бўлиши керак эди. Машраб шу илтифот учун баҳона қидиради. Пир бир туртки ёки ишора билан Машрабни яралган дийдорига, нури Илоҳийга етказиши, унга илтифот қилиши мумкин эди. Бу даргоҳда юришдан мақсад шу эди, асли.

Машраб ва пир – Офоқхожа бу сирри нихондан огоҳ – гуноҳ қилиш ва гуноҳга жазо – илтифот зарур эди. Машраб бунинг учун ҳар қандай жазога – **Нафси Амморани** қурбон қилишга ҳам тайёр эди. Қиссада ўқиймиз: «Ду бора Ҳазратдин илтифот кўрмадилар, кўнгиллариға дард қилиб, ўзлариға айдиларки: «Эй Машраб, бу даргоҳға келганинға етти йил бўлди, пиринг бир йўл Машраб деди, яна бир йўл Машраб десалар, ишинг тамом бўлур эрди, кел эмди, бир гуноҳ қилғил. Худойи таоло бегуноҳни сўрмас экан, шоядки гуноҳ қилсам, гуноҳкорни сўрсалар керак. Ман бир зиноий ҳаром қилай, шоядки шу гуноҳим туфайли пирим этсаларки: «Элтинглар, бу Машрабни осинглар!» десалар, ўлсам армоним йўқ эди», деб шоҳ Машраб йиғлаб, чарх уриб, симоё қилиб туруб эрдиларки, подшоҳиға оби таҳорат бергучи бир канизаклари бор эрди, ул канизак равоқдин бошини чиқариб, нозу карашма бирла дедик: «Эй Машраб, то етти йилдирки, сани доғи ишқинг мени сийнамға жой олибдур, бугун менинг бирла бир ерда ўлтурмасанг, қиёматда мени кўлум сани этокингда бўлғай!» деди. Шоҳ Машраб кўрдиларки, бир нозанини моҳ талъат жилва қилиб турубдур, ани кўруб беҳуд бўлдилар. Яна хушлариға келиб дедиларки: «Эй, бор худоё,

¹ Юкоридаги манба.

мунингдек офатижон бандаларинг бор экан» деб, яна беҳуд бўлуб йиқилдилар. Бу воқеа Ҳазрати подшоҳимга аён бўлди. Қизил либос кийиб шамшири бараҳна бирла рўбару бўлдилар. Шоҳ Машраб Ҳазратни кўруб бу ғазални ўқудилар:

*Девонадурман духтари султони ажамга,
То банда олдидаги зулфи санамга.*

*Ногоҳ агар ичса эди бодани маъшуқ,
Ҳамдам бўлубон боргай эдук Макка ҳарамга,*

*Маъшуқ агар олса қиличини баякбор
Мен нола қилай Ҳазрати Эшон ҳашамга.¹*

Мансур Ҳаллож мартабасига етган Машрабни Офокхожа шу гуноҳи учун шахват томирини куйдириб ташлашни буюрадилар. Авлиёуллоҳ – Офокхожа каромат билан топтиларким, одамзоднинг шахватининг жойи банди гардон томуридадур, ўшал томурни топиб муҳр босдилар. Ҳазратимни илтифотлариға Шоҳ Машраб бу байтни ўқудилар:

*Бо ҳидоят дастгирам бош гумроҳ омадам,
Бар тавофи даргаҳат имруз бегоҳ омадам, –*

*(Ҳидоят йўлига бошлаш билан қўлимни тут,
Даргоҳингга тавоф қилиш учун бевақт бўлса ҳам келдим).*

Озурда хотир, афтодаҳол Машраб бир оғир гуноҳ қилганим учун ундан юз минг надомат тортаман, юз туман гуноҳларим учун ҳам бир пушаймон қилмайман дея, шу гуноҳим учун тонгла қиёмат бўлганда ўзинг қози бўлуб, шул гуноҳимни сўрғонингча ҳам дийдорингга тўярман!» деди:

*Бир гуноҳни устига юз минг надомат яхшидур,
Юз туман ёзуқларим бору пушаймон менда йўқ!*

Асосан Ҳазрат Навоий ва Шарқ адабиётининг тадқиқотчиси, профессор Абдуқодир Ҳайитметов Бобораҳим Машраб ҳаёти ва унинг ижодий мероси ҳақида бир нечта илмий мақолалар ёзди. Бу мақолаларида олим Машрабнинг кўпроқ ўтли ғазалларини, ундаги фалсафий ва бадиий руҳнинг ўта чўнглигини, оташнок ва исёнкорлигини, улардан шижоат ва жасорат мотивлари уфуриб туришини таъкидлайди: «Машраб кейинги давр ҳаётида дарбадар шоирлар ва қаландарларга қўшилиб, Мовароуннаҳр, Шарқий Туркистон, Хуросон ва Яқин Шарқ мамлакатларидаги кўпгина шаҳарларни кезиб чиққан. Ўз ижодини анъанага кўра ишқий шеърлар ёзишдан бошлаган шоир шеърятти бу даврда чуқур ижтимоий-сиёсий ва фалсафий моҳият касб этди. Шоир пойи қадами етган ҳамма жойларда халқ оммасининг кўп ҳолларда қийналиб яшаётганлигини, ўзига ўхшаган сарсон-саргардон кишилар беҳисоб эканини кўради. Унинг учун муҳаббат мавзуи секин-аста Навоийча, Фузулийча маъно касб этиб, инсонпарварлик руҳида талқин этила бошлади. Машрабнинг ҳаёт носозлигидан шикоят қилиб ёзган шеърлари эса алангага айланиб, кишилар қалбини, халқ юрагини ўртай бошлади».²

Давр нуқтаи назаридан, балки замонасозлик қилиб айтилган фикрга кўра, А. Ҳайитметов талқинича, Машрабнинг нури илоҳийга интилиш учун Офокхожа томонидан ихтиёрий тарзда бичилиши (нафси амморадан ғолиб келиб, руҳ билан қолиши (таъкид: М. Ҳ.) бир канизак баҳона бўлиб, Машраб оғир тан жазоси олган ва пир даргоҳидан қувилган деб хулоса чиқаришга олиб келади.

Мутафаккир Машраб ҳақида изланишлар олиб борган А. Ҳайитметов «Исёнкор шоир» номли мақоласида шоир шеъряттидаги бадииятнинг, содда тилининг, ундаги самимий туйғулар жилосини, равонлик, ўйноқилик ва ундаги бошқа сифатларни таҳлил этади, унинг пир даргоҳидан қувилиш сабабларини шундай изоҳлайди: «Шундан сўнг Машрабнинг қаландарлик ҳаёти бошланади. У қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар кезиб, халқ орасида ўз қарашларини шеър билан ташвиқ қила бошлайди. Бу вақтда мамлакатда феодал муносабатларнинг таназзулга юз ўгириши, иқтисодий ҳамда маданий ҳаётнинг

¹ Шоҳ Машраб қиссаси, 13-15-бетлар.

² Абдуқодир Ҳайитметов. Адабий меросимиз уфқлари. «Ўқитувчи», Тошкент, 1997, 38-бет.

орқага кетиши, диний ақидапарастликнинг таъсири, ўзаро ички урушларнинг авжга чиқиши натижасида халқ оммаси ҳар томонлама оғир аҳволда яшар эди. Машраб эса халқ оммасининг бу даврдаги руҳий аҳволига дардкашлик қилар, зулмни қоралаб, золимларни, ақидапарастларни қўрқмай ҳажв ўти билан фош этар эди. Шунинг учун халқ Машрабни тириклик вақтидаёқ севиб қолган эди».¹

А. Ҳайитметов Машрабни ўрганишда уни нафақат шоир сифатида, балки авлиёлиги ва бошқа сифатларига эътибор қаратиб ўрганишни тавсия этиб, у Шарқ шеърияти намояндалари ижодидан баҳрамандлигини ва Офокхожа даргоҳидаги фаолиятига ҳам тўхталади: «Биз шу пайтгача Машрабни кўпроқ шоир сифатида ўрганиб келмоқдамиз. Аслида у шоиргина бўлиб қолмай, «Машраби валиюллоҳ», «Орифи раббоний» ва «Ошиқи ҳаққоний» лақаблари билан ҳам машҳур. Бу тарихда, барча манбаларимизда бор гап. Менингча, Машраб ўз фаолиятида дунёвийлик билан динийликни қўшиб олиб борган буюк шахс ва буюк ижодкордир.

Бобораҳим болалик чоғидаёқ ўзининг илмга, шеъриятга бўлган муҳаббати билан ҳамманинг диққатини ўзига тортган эди. Унинг шеърияти билан яқиндан танишган киши шоирнинг ёшлигидан Шарқ шеъриятининг Аҳмад Яссавий, Ҳофиз Шерозий, Лutfий, Навоий, Жалолиддин Румий, Насимий каби намояндалари ижодини асосли ўрганганини, бу эса унинг шоир сифатида шаклланишига катта таъсир кўрсатганини сезмаслиги мумкин эмас. Унинг Намангандаги биринчи устози Мулла Бозор охунд маълум бир вақтдан кейин шогирдига бундан буён устозлик қила олмаслигини айтади ва уни Қашқардаги машҳур эшон Офокхожа ҳузурига юборади. Офокхожа фақат диний арбоб бўлмай, Қашқардаги ҳокимиятни ҳам ўз қўлида тутган одам эди. Машраб биринчи навбатда ўз шеърий истеъдоди, ёлқинли шеърлари билан Офокхожада яхши таассурот қолдирди. У ўз даргоҳидан Машрабга жой беради. Ривоятлар хабар қилишича, шоирга Машраб тахаллусини ҳам Офокхожа берган. Шоирнинг шеърлари бутун Шарқий Туркистонга тарқала бошлайди. Уйғур халқи Машраб сиймосида ўз шоирини топгандай бўлади. Ҳозир ҳам уйғур мақомларининг кўпгина куйлари Машраб шеърлари билан ижро этилиши бунинг ёрқин далилидир».²

Навоий ва Машраб тадқиқотчиси адабиётшунос А. Абдуғафуров Машрабни шеъриятда Навоий анъаналарининг давомчиси деб билади: «Улуғ шоир ижодий мактабини ўтаб, шеъриятнинг юксак чўққиларига кўтарилган ижодкорлардан бири Бобораҳим Машрабдир. Расмий мадрасаларда билим олиш имкониятига эга бўлмаган Машраб Навоий ва Шарқ адабиётининг бошқа буюк намояндалари тажрибаларини иқтидорли шогирд сифатида қунт билан шахсий мутолаа воситасида эгаллади. Машрабнинг энг етук асарларида Навоий анъаналарининг аниқ изларини, улуғ шоир меросининг ғоя ва образлари билан ҳамоҳангликни, воқеликни навоийча таҳлили ва талқинини кўрамиз».³

«Машраб фалсафий шеъриятида, ҳеч истисносиз Ҳазрат Навоийдан кейин юксак шеърияти билан ўзига хос услуб ярата олган исёнкор ижодкордир.

Истеъдодли мутафаккирнинг сўзи Шарқда ҳамон бетакрор ҳам Ҳақ учун дадил жангга кирганларга ҳамдам, маслакдош, аммо кеча-ю кундуз мол тилагида юрган «ўз нафси билан саргардон» кишиларнинг эса қаттол душмани».⁴

Академик Ботирхон Валихўжаев тарихий манокіб – ҳолатлар ҳақида маълумот бериб, Навоий, Хондамир ёзган манокібларнинг илмий савияси, салоҳияти, бадиийлиги, ўз замонаси насри талабларига жавоб бериши каби масалаларни таҳлил этган. «Уларнинг айримларида, жумладан, Бобораҳим Машраб ҳақида ёзилган манокібда, шоирнинг мақсади ва ғояси билан боғлиқ тарзда шарҳланади», – дейди ва Машраб ҳақида манокіб камлигини таъкидлайди. Машраб шеърларининг исёнкорона, халқчил руҳи шоирни ҳукмдорлар томонидан ҳамиша қувғин қилинишига сабаб бўлди. Аксинча, халқнинг оғзидан унинг ғазаллари, «ғарибона» усулидаги шеърлари тушмас эди. Боз устига, шоир сатрлари содда ва равон мусиқий мақомларга монанд.⁵

¹ А. Ҳайитметов. Ҳаётбахш чашма. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1974, 156-бет.

² Абдуқодир Ҳайитметов. Адабий меросимиз уфқлари. 37-38-бетлар.

³ Абдурашид Абдуғафуров. Буюк бешлик сабоқлари. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996, 154-бет.

⁴ Мўмин Ҳошимхонов ва бошқ. Нур Шарқандир. «Янги аср авлоди», Тошкент, 2003, 175-бет.

⁵ Ботир Валихўжаев. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. «Ўзбекистон», Тошкент, 1993, 26-бет.

Адабиётшунос олим Муҳсин Зокиров мутафаккир шоир Бобораҳим Машраб ҳақида тадқиқот олиб бориб «Машраб» (1964 йил), «Эрк ва маърифат куйчилари» (1984 йил) монографияларини яратди. Ҳар икки асарда муаллиф қисман замонасозлик боисми, мутафаккирнинг ғазалиётини таҳлилида уни даҳрий, аллоҳга ширк келтирувчи ва диний уламоларини танқид этувчи шеърлари таҳлиliga кўпроқ жой ажратган. Мустақилликдан сўнг Машраб олдидаги гуноҳини эътироф этиб, унинг руҳониятидан афв сўраган. Чунки ўтган аср сўнгги чорагида тасаввуф ҳақида фикр юритиш мумкин эмас эди.

М. Зокиров «Машраб» тадқиқотининг сўзбошисида шундай ёзади: «Бобораҳим Машраб ўзбек классик адабиёти тарихида ёрқин саҳифа яратган улуғ лирик шоир. Унинг яратган мислсиз лирик асарлари абадий барҳаётлик ҳарорати билан йўғрилган. Лекин бу улуғ сиймонинг ҳаёти ва мероси даврлар ўтиши билан афсоналар пардасига чулғаб ташланган. Шу боисдан шоир шахсияти ва ижоди ҳақида айтилган фикрлар бағоят зиддиятли бўлиб, уларнинг аксариятида Машраб йирик мутасаввуф шоир сифатида талқин қилинади».¹

Машрабнинг ҳаёти ва ижоди билан Европа шарқшунослари, асосан, рус шарқшунос олимлари ҳам қизиққанлар. Машрабнинг ҳаёти ва ижодий мероси билан қизиқиб, унинг Ўрта Осиё халқлари маънавий ҳаёти тарихидаги роли ҳақида илк дафъа диққатга сазовор фикр юритиб, рус илмий жамоатчилигининг диққатини бу масалага қаратишга ҳаракат этган академик Н. И. Веселовский бундай деб ёзган эди: «Ҳажвгў ва ҳозиржавоб Девона Машраб Ўрта Осиё халқлари орасида жуда машҳурдир... фикримизча, Машраб чуқур диққат билан жиддий ўрганишга сазовор шахс... У муттасил равишда маҳаллий руҳонийлар билан мунозарада бўлган ва ҳар доим улардан устун чиққан».²

Машраб тўғрисида илк маълумот берган шахс Муҳаммад Баде Малехо Самарқандий ўзининг 1689-1691 йилларда ёзилган (Машрабнинг ҳаёт даврида) «Музақкирул-асҳоб» («Машҳур кишилар тарихи») тазкирасида Машраб билан Самарқандда кўришиб, у билан ҳамсуҳбат бўлганлигини, бу даврда Машраб Фарғона ва Мовароуннаҳрда шуҳрат топган каландар шоир эканлигини сўзлайди. Шунингдек, у Машрабнинг таржимаи ҳолига оид қисқа бўлса-да, жуда қимматли маълумотларни беради: «У ўз зехнидаги ўткирлик туфайли бошқаларнинг диққатини жалб этди. Зўр ҳавас билан ўқиши соясида камолот касб этди. У балоғатга эришгач, Самарқандга келди ва бир мунча муддат туриб қолди. Сўнг яна Наманганга қайтди ва у ердан Қашқар ва Бадахшон сафарига жўнаб кетди. У Балхдан Самарқандга каландарлик даражасида келди. Машраб ўз саёҳатлари давомида кўп камолот топди, унинг ашъори ҳам етуклик касб этдики, буни мактаб ўтиришнинг ҳожати йўқ».³

Наманган кичик шаҳар бўлганлиги боис Андижон вилояти тасарруфида эканлигини истифода этмайлик. Шу боис Муҳсин Зокиров Машрабнинг ҳаёт йўли ҳақида фикр юритар экан: «Бобораҳим Машраб ўзи тўғрисида ёзилган қиссанинг иккинчи нусхалари ва халқ орасида тарқалган кўпгина афсоналарида нақл қилинганидек, Наманганда эмас, балки Андижонда туғилган. Аммо Машраб дунёга келган юртнинг Наманганга нисбат берилиши ҳам бежиз эмас. Яъни, қиссанинг қадимий нусхасида: «Аммо модарзодалари вали, оқила ва доно эрдилар. Асли насаблари Наманган шаҳриданурлар... Вақтики, Машраб атоларидан етим қолиб, ғариб бошларин на ерга урарин билмай, сарсон ва сарнигун бўлдилар. Эrsa оноларин ўгутлари била хешу ақраболарини паноҳ тортиб шаҳри Наманган сари равона бўлдилар», деган ривоят мавжуддир».⁴

Муҳсин Зокировнинг ёзишича, Исҳоқ Боғистоний «Тазкираи каландарон» асарида шундай фикр келтирган: «Бобораҳим асли Андижондин бўлиб, ирродати таҳсил умидида Наманганга дохил ўлмишди. Бобораҳим Андигоннинг Алакчиён элатига мансуб мулла Вали хезимкаш (ўтинкаш) фарзандидур. Падари бузруквори ушоклигида фавт ўлмиш. Волидаи азизалари Зубайдо ойимнинг ишораси бирла хешу ақраболарини паноҳ тортиб, Наманган сафарига отланмишди ва Мулло Бозор охунд мадрасаларида илм таҳсил қилмишди».⁵

¹ Муҳсин Зокирий. Машраб. Бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1966.

² Н. И. Веселовский. Восточные заметки. 1985 г. Санкт-Петербург, стр. 325.

³ Муҳаммад Баде Малихо Самарқандий. «Музақкирул-асҳоб». 217 варак.

⁴ Шоҳ Машраб қиссаси, 9-бет.

⁵ Тазкираи каландарон, 7-бет.

М. Зокиров фикрича, Машрабнинг ўзи эмас, балки онаси асли наманганлик бўлган. Бу факт, шунингдек, унинг ёшлик чоғидаёқ Наманганга бориши ва у ерда камол топиб, шоир сифатида танилиши, халқ орасида «Машраби Намангоний» деган нақлнинг тарқалишига ва кейинроқ бу нақлнинг қиссага ҳам сингиб кетишига олиб келганлиги шубҳасиздир.¹

М. Зокировнинг «Эрк ва маърифат куйчилари» асари Машраб ҳаёти, фаолияти, унинг ижоди ҳақида кенг, муфассал маълумот берувчи тадқиқот бўлса-да, унда бир-бирига терс, зид фикрлар, шоир ва унинг ота-онаси ҳақида ҳам турлича ёндошув ва қарашлар хилма-хиллигини кузатиш мумкин. Унда шундай жумлалар бор: «Қиссанинг турли қўлёзма нусхаларидан шоирнинг отаси ҳақида хилма-хил маълумотлар берилади: бир вариантда хезимкаш (ўтинфуруш), бошқа бир нусхада фақир мулло, яна бошқа бир нусхада эса бўзчи косиб деб кўрсатилади. Бу ривоятларнинг турлича бўлишига қарамай, уларнинг барчаси бир фикрни, яъни Мулло Валини камбағал тасдиқ этадилар. Демак, шоирнинг оиласи жуда фақирона кун кечирган. Оиланинг рўзгорини тебратишда онаси ҳам имконияти бор қадар кўмаклашиб, кўпинча ип йигириб сотган».²

Тадқиқотда айтилишича, шуҳрати Фарғона водийсини тутган Мулло Бозор охундникига боргунча у кўпроқ хусусий билимлар билан банд бўлганлиги, зийрак ақли, зехни, қувваи ҳофизаси баланд бўлгани ҳолда мутолаа билан шуғулланиб, ўсмирлик чоғларидаёқ кўпгина билимларни айниқса, мантиқ, фалсафа, адабиёт ва тасаввуф маслагининг айрим қарашларини чуқур эгаллай бошлаган. Шу даврлардаёқ бўлғуси мартабали шоир адабиёт, санъат ва сўфийлик маслагининг фалсафий тезисларига жуда қизиқиш билан қараб уларни, айниқса, катта ҳавас билан ўқиб, ўргана бошлаганга ўхшайди.

Машраб халқ орасида зўр, истеъдодли шоир сифатида ҳам шуҳрат қозона бошлайди. Унда давр ва давр улуғларига нисбатан уйғона бошлаган норозилик кайфиятлари, фақат хатти-ҳаракатларида эмас, балки шеърларида ҳам ўз ифодасини топа бошлаганлиги шубҳасиздир.

Шоирнинг Наманганда истиқомат қилишининг кейинги даврларида у «шаддод, номуссиз йигит» сифатида қаттиқ таъкиб ва таҳқирларга дучор бўла бошлайдики, унинг ҳаётидаги бу ходисалар Наманганни бутунлай ташлаб кетиши арафасида Мулло Бозорга қарата айтилган шундай бир таънали мурожаат қиссада ҳам учрайди: «Тақсир, неча халойиқ низоъ айлаб, кеча ва кундуз мани пойлаб юрурлар ва кўп маломат мани қилурлар. Эй, охундим, менинг орқамдан мўралоғичлар кўйиб, шармисор қилмоқчи экансиз. Эмди бу юрт сизга бўлсин. Бир ғилофга икки шамшир сиғмас экан, бизга йўл қутлуғ бўлсин».³

М. Зокиров ёзади: «Мана шу характерли қайдлардан, шоирнинг Наманганда яшаган даврининг сўнгги дамлари ғоятда қийинчилик ва таъкибларга тўлиқ бўлганлигини очик равшан исбот этади. Шу нарса диққатга сазоворки, қиссада келтирилган бу қайдлар шоирнинг ўз шеърларида акс этган ва биографик характерга эга бўлган иқрорий таъкидлар билан тўла-тўқис қувватланади. Ҳар ҳолда шоирни Наманганни тарк этиш олдидан ёзилган деб тахмин қилиш мумкин бўлган шеърини Тожикистоннинг Хўжанд туманида истиқомат қилувчи Оқилжон Зобир ўғли томонидан ёзиб олинганлиги масалага янада аниқлик киритиши шубҳасиздир:

*Намангандек табаррук юрт менга тор ўлди,
Муллолар қутқусидан азиз бошим хор ўлди,
Онам, синглим муштипар парча нонга зор ўлди,
Бўйним эгиб, тиз чўкмоқ найлай менга ор ўлди,
Кўринг эмди ёронлар, кўксим лолазор ўлди.*

*Куфринг ҳаддан ошди деб, хонам елга бердилар,
Тилни кесмоқ жоиз деб аълам фатво қилдилар,
Кўзни ўймоқ жоиз деб, жаллод сари элтдилар,
Сангсар этиб сўфилар қоним ерга тўкдилар,*

¹ Муҳсин Зокиров. Эрк ва маърифат куйчилари, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1984, 16-бет.

² Юқоридаги асар, 19-бет.

³ Қиссан Машраб, 25-бет.

*Кўринг эмди ёронлар, кўксим долазор ўлди».*¹

Юқоридаги шеър мазмунидан англашиладики, шоир тазйиқ, таъкиблар туфайли Ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлган. Шоирнинг Наманган ҳокимлари томонидан қувилиши, унинг ҳақида халқ орасида кенг тарқалган маноқибларда ҳам ёзилган, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор фондида сақланаётган ривоятларда шундай дейилган: «Шоҳ Машраб Наманганда юрганда ҳеч ким гапини эътиборга олмаган, гапларига қулоқ солмаган. Шу ҳолда юрганига маҳалладагилар, бу ерда турмагин, маҳаллада юрмагин, деб Машрабни хўрлаган экан, тез кет деб зўрлаган экан».²

Шу тахлит Машрабга ўз туғилиб ўсган шаҳри торлик қилиб, у бу табаррук юртдан бош олиб кетишга мажбур бўлади. Мутафаккир шоирни ахлоқан юксакликка кўтарган ва муқаддас Ватан, она юрт, туғилиб ўсган маскан ва унинг кадр-қимматини улуғлаган куйидаги ғазали вужудга келган:

*Намангандин кетар бўлсам, мени йўқлар кишим борму,
Ғариблик шаҳрида ўлсам, мени йўқлар кишим борму?*

*Қани қавму қариндошим, бу йўлда бўлса йўлдошим,
Кўзимдин оқизиб ёшим, мени йўқлар кишим борму?*

*Муҳаббат шарбатин ичтим, қозондек қайнабон тоштим,
Бу фоний дунёдин кечтим, мени йўқлар кишим борму?*

*Тушубдур бошимма савдо, рамузи шиқдин гавго,
Ўзига айлади шайдо, мени йўқлар кишим борму?*

*Турарга тоқатим йўқтур, юрарга ҳолатим йўқтур,
Юракда шиқ ўти чўқтур, мени йўқлар кишим борму?*

*Қарорим йўқ турай десам, Намангонда юрай десам,
Жаҳонни сайр этиб кезсам, мени йўқлар кишим борму?*

*Бу мискин зор Машрабни киши ҳолини билмайдур,
Бу ердин бош олиб кетсам, мени йўқлар кишим борму?»³*

Машраб Офокхожа рухсорини кўриш, ундан исломий ва дунёвий илмларни, хусусан, тасаввуф таълимотининг туб моҳиятини ўрганиш учун унинг даргоҳига борган, унга мурид тушиб «пир остонасидаги жамики риёзатларни бошқа сўфийлар қатори ихтиёрий тарзда ўзи хоҳлаган; ёр – Яратган васлини пирдан илм ўргангачгина кўришни орзу этган:

*Тикансиз гул, садафсиз дур, машаққатсиз хунар бўлмас,
Риёзат чекмагунча ёр васлига этиб бўлмас*

Тоталитар тузум даврида кўплаб Машраб ижодини бузиб талқин этишди ва ҳеч қайси олим замонасозлик қилиб хатога йўл қўйганлигини Муҳсин Зокировдек мардларча эътироф этишни хоҳламади.

Ёмон томони шундаки, Машрабдек улуғ авлиё нажот истаб борган «қутбул олам» даражасига етишган Офокхожа шахсиятини, унинг даргоҳини улар нималар деб атамадилар – фэйзсиз ва нурсиз даргоҳу, мутаассиб, мунофиқ эшон. Улар Офокхожани пайғамбар авлоди эканлигини, Маҳдуми Аъзамнинг невараси эканлигини ҳам билишарди, лекин унга тил теккизишарди: «Илғор фикрли шоирни эндиликда мутаассиб, мунофиқ эшон ортиқ ўзига жалб эта олмайди ва аксинча Офокхожа ҳам Машраб сиймосида содик, фидойи муридни эмас, балки «Мансури Ҳаллож мақомига етган» шаддод, ғоявий рақибини кўрди. Бобораҳим Машраб билан эшон ўртасидаги бу қарама-қаршилик 1672-73 йилларда содир бўлади. Офокхожа бу келишмовчиликка расмий тус беришдан, очик мунозарага киришидан асло манфаатдор эмас эди. У Машрабни бирор йўл билан гуноҳкор этиб, уни обрўсизлантириш чорасини ахтаради. Тез орада бу қора ниятни амалга ошириш учун «кучли» баҳона ҳам топилади.

¹ Муҳсин Зокиров. Эрк ва маърифат куйчилари, 24-бет.

² Тил ва адабиёт институти фольклор фонди.

³ Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним, қайдасан. 213-бет.

Машраб эшон даргоҳида муридлар учун ўрнатилган ғайриинсоний тартибни бузади. У Офокхожага назр этилган қизлардан бирини севиб қолади, севилади ҳам. Шоирнинг соф севгиси эшоннинг мутаассибона тарғибларидан устун келади, сўфий тушунчаларини енгади. Машраб билан канизак қиз ўртасидаги муносабатлар ошкор бўлгач, шоирга нисбатан чуқур кек сақлаб юрган эшон уни ваҳшийларча жазолайди, бир умрга майиб этиб, ўч олади. Шоир бу разил даргоҳни тарк этади».¹

Пайғамбар Видо хутбасини ўқишда ўз авлоди, сулоласига ҳам қавмлар, асҳобларига эътибор, иззат-икром билан муносабатда бўлишни уқтирган эдилар. Пайғамбарзода Офокхожа хонадони бутун шарқий Туркистонни тарбият қилиб, 80 йил подшоҳлик қилиб, элни ислом дини туғи остида бирлаштириб мамлакат салтанатини бошқарсаю, А. Абдуғафуров Машраб тадқиқотчисиман деб Офокхожа шахсияти ва унинг мавқеига мағзава ағдараверса?

«Офокхожа илмга берилган, адабиёт ва санъатга ҳомий, эзгулик ва инсонни кадрлайдиган киши эмас эди ва биз, Машраб бу шахсдан таълим олди, ўрганди, демоқчи ҳам эмасмиз. Аммо шу шубҳасизки, «пири комил» билан яқиндан танишиш, асл башарасини кўриш, бир неча йил давомида бу ўта мутаассибнинг ҳаёти ва доираси, турмуши ва қилмишларини кузатиш, покизалик ва художўйлик ниқоби остидаги разолатга гувоҳ бўлишнинг ўзи Машраб учун бир мактаб бўлди, унинг тафаккурини маълум йўналишда шакллантиришга жиддий таъсир кўрсатади.

Ҳа, Офокхожа «мактаби» Машраб тақдирида чуқур ва ўчмас из қолдирди: шоирга қисқа муддатли улкан бахт ва бутун умрга татирли чексиз алам-дард келтирди, бу нурсиз файзсиз даргоҳ! Улкан бахт шунда эдики, Бобораҳим худди шу масканда илк муҳаббатини топди, севди ва севилди. Шоир лирикасидаги ёр ва севги ҳақидаги жўшқин ва аламли мисраларнинг юракдан чиққан дардли нолаларни ифодаловчи ғазалларнинг ҳам куйчиси худди шу йилларда битилган, сайқал топган».²

Шундай улуғ зотлар ҳақида машрабшунос олимнинг фикри юқоридагича. Филология фанлари доктори Нусратулло Жумахўжа Абдулхолиқ Гиждувоний ва Офокхожа тариқатининг жаҳоншумул моҳияти ҳақида фикр юритиб, «Қиссаи Машраб»дан шундай маълумотни келтиради: «Маънийи Офок улдурки, «Қутбул Олам» деган бўлур. Дунёда икки Офок ўтубдурлар: бирлари Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний, яна бирлари ҳазрати Офокхожамдурлар». Бу нақлда қандай сир бор? Хожаи жаҳон қандай умумбашарий ғоялар билан «Офок», яъни «Қутб ул Олам» унвонига сазовор бўлганлар.³ Офокхожа шогирди Машраб эса ундан улуғ унвон «Қутбул ақтов», яъни «Авлиёлар улуғи» унвонига сазовор бўлган эдилар.

Қутб – тасаввуфдаги энг юқори даража. Қутб – комил инсон, Аллоҳнинг ер юзидаги «халифаси», унинг инсоният билан алоқасида воситачи. Тустарий ва Ҳаким Термизий дунёда бир вақтнинг ўзида фақат бир қутб яшаши мумкин деб ҳисоблашган. Шу боис қутбни «замон қутби», «замон соҳиби» ва «замон марди» деб тавсифлашган. Сўфийлар фикрича, қутб дунёда Аллоҳга маъкул келадиган тартиботни сақлаб туришга даъват этилган. Қутб халқни тўғри йўлга йўллаб туради. Лекин одамлар уларни қутб эканлигини сезмайди.⁴

«Ақтоби арбаъа» – тўрт қутбдан бири рифоия тариқатининг асосчиси – Аҳмад Рифоий, иккинчиси досуқия тариқатининг асосчиси Шайх Саййид Иброҳим Бурхониддин Дасуқий, учинчиси сўфий Саййид Аҳмад ибн Али Бадавий, тўртинчиси қутбият сифатини олган мадания тариқати асосчиси Абу Мадян Шуайб ибн Ҳусайн қутбул олам мақомига эришган».⁵

Тадқиқотчи Ж. Юсупов Машраб қутблар қутби эканлигига шундай изоҳ беради: «Қутб – ҳар бир нарсанинг маркази, фалакнинг меҳвари бўлиб, Шимолий қутб ва Жанубий қутб дейилади. Осмон жисмлари унинг атрофида ҳаракат қилади. Мажозий: қавм сардори ва улуғи: Қутби замон – даврнинг энг буюк кишиси қутби авлиё – авлиёлар бошлиғи, йўлбошчиси, қутби тариқат – сўфийлик йўлининг ягона порлоқ юлдузи, қутбул ақтов –

¹ Абдурашид Абдуғафуров. Эрк ва маърифат куйчилари, Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1979, 122-бет.

² Юқоридаги асар, 143-бет.

³ Нусратулло Жумахўжа. Тариқатнинг жаҳоншумул моҳияти. «Ўзб. адаб. ва сан. », 2003, 28 ноябр.

⁴ Ислом энциклопедия. 298-бет.

⁵ Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. 117-бет.

кутбларнинг кутби – ҳазрати Эшони Шоҳ Машрабнинг сўфийлик ва тарикатдаги даражалари».¹

Олимларнинг баъзиси ўзларини «... шунос» ҳисоблагани ҳолда сўқир, кўр, ожиз, басир бўлмаса улуғларга, хусусан Офоқхожа ва Машрабга берилган унвонларни билмас эдиларми?

Муҳсин Зокиров ҳам Офоқхожа шахсияти ҳақида бундан кам бўлмаган фикрларни ўртага ташлаб пир ва шогирд ўртасига «ихтилоф» солади: «Ниҳоят Машраб томонидан пирга нисбатан яна бир «катта гуноҳ» қилинадик, бу ҳолат уни қаттиқ жазога дучор бўлишига ва Қашқардан қувилишига бир баҳона бўлади. Яъни Машраб Офоқхожанинг ўзи учун авайлаб сақлаб юрган канизакларидан бирини севиб қолади. Канизак ҳам шоирни чин кўнгилдан ёқтиради. Улар жуда яқин муносабатда бўла бошлайдилар».²

Машраб ҳаётининг Қашқар даврига доир характерли нуқтасида Исҳоқ Боғистоний шундай ривоят қилади: «Офоқхожанинг кўп ихлосманд муридларидан Исоҳўжа отлик бири 13-14 ёшли қизи Тўти бекачни хожамга назира қилмиш эрди. Тўти бекач бисёр хушсуврат, сарвиқомат, донишманд ва ашъордин бохабар отинча эрди. Машраби мажзуб даргоҳда хизмат адоси асносида гоҳ-гоҳ Тўти бекач бирла мулоқотда бўлмиш. Бора-бора бир-бирларига кўнгил бермишлар. Машраб ашъорини Тўти бекач жонсўзлик бирла мутолаа қилуб, канорда хушовоз била хониш этарди. Ва ўзи ҳам ашъор битуб Машраб назариға етказур эрди. Ашъориға «Тўти» тахаллус эркан... Алар орасиндаги покбозлиғ у даражага етмушдики, бир оқшом бир-бирларининг висолига восил бўлмишлар».³

Бу ҳолат «Қиссаи Машраб»да шундай берилган: «... Девона Машраб кут бозию жувонмардлик бирла юракларини канизакнинг юрагига чандон босдиларки, етти йиллик ишқу дард бир лаҳзада осойиш топди». Бу ҳодисадан хабар топган Офоқхожа, аввал Машрабнинг бошини кесмоққа ҳукм қилади, аммо сўнг у фикридан қайтиб, унга шундай бир жазо берадики, бунинг натижасида шоир бир умрга ҳам руҳан, ҳам жисман мажруҳ ва майиб қилинади. Бу воқеани Исҳоқ Боғистоний куйидагича тасвирлайди: «Тўти бекач балоғати тамаъида бўлгон Хўжам Пошо бағоят дарғазаб бўлуб, Машрабни тутуб келтируб: «Хой нобакор, тузумни ичиб, қилгон шукронанг бу булурму? Хой сўфилар, бу тариқ нобакорликнинг жазоси надур?» – дедилар. Сўфилар ғулгула солуб: «Қатли-ом! Қатли-ом!» – дедилар. Хўжам Пошо демушларки, камина подшоҳ эрмасманки, гуноҳкорни қатлга еткурсам. Машрабнинг жазоси «Бичим!» дея хитоб қилдилар. Эрса Қилтириқ Сўфи отлиғ бири жазо анжомини ҳозирлади. Машрабнинг қўл-оёқларини боғлаб, ерга юз тубан ётқиздилар. Чўғдек темир халқани олатлариға босдилар. Машраб ҳушидан кетти. Эл-оёқ тарқади. Бобо қаландар бир неча дарвеш-қаландар билан бирга ҳозир бўлди. Бечораи мажзуби девонани замбарға солуб, такагя элттилар... орадин бир неча муддат ўтгач, Машраби ғамнок: «Эмди бизга Қашғар ҳаром бўлди» деб, бу юртдин сафар қилмоқликни ихтиёр эттилар».⁴

Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаландарон» асарида ёзилишича, мутафаккир шоир Машраб ҳаёти ва ижодий меросига доир ходиса ҳақида маълумот берилган. Худди шу ҳолни ёзувчи Хайридин Бегмат Машраб ҳақидаги «Меҳрибоним, қайдасан?» романида ҳам тасвирлаган. Унда ҳикоя қилинишича, Офоқхожанинг ҳузурида «Гумном» тахаллусли шоир хуфя ишлар ҳақида, пирга турли пинҳона хабарларни етказиб турар, баъзида ўзининг ёлгон-яшиқ сўзлари билан ҳазратни ишонтирар ва ноҳақдан жазолатар, алалхусус, охир-оқибатда кўплар ноҳақлик қурбонига айланар эди. Машраб ва унинг дўсти Пирмат Сеторий ҳам чақимчилик қурбони бўлишган. Тазкирада шу ҳол Пирмат Сеторий тилидан ривоят қилинган: «Пирмат Сеторий ривоят қилдиким, бир неча фурсат фақир ва Машраби мажзуб Хўжам Пошонинг ёзлик қароргоҳи бўлмиш Гулбоғ мавзеиндаги боғинда хизмат адосида бўлдук. Мазкур боғ равзаи Рузвондин нишона эрди. Жаннатмисол боғнинг мутасаддийси Хўжам Пошо хешлари бўлмиш Муҳаммад Эмин Хўжамкул Хирқатий эрди. Мазкур Хирқатий ва яна «Гумном» тахаллуси ҳам қилур эрди. Анинг қаламидин бағоят пурмаъни абётлар зухурга келмушдиким, Гумном аларни бир ерга жамлаб ашъор девони ҳам тартиб бермушди. Шу боисдан Гумном Қашқар халқи орасинда машҳурлик даражасига етушди.

¹ Машраб. Дивон. 2006, луғатлар. 599-600-бетлар.

² Муҳсин Зокиров. Эрк ва маърифат куйчилари, 27-бет.

³ Юқоридаги манба, 28-бет.

⁴ Исҳоқ Боғистоний. Тазкираи қаландарон, 13-бет.

Вале мазкур Гумном Хўжам Пошо хуфяларин ва айғоқчиларин ва мўролоғичларин сардори эрди».¹

Машраби мажзуб ва фақир борасинда ҳам ушбу бадкирдорлар айғоқчилик қилуб, бўлар-бўлмас сўзларни кўпиртируб, Хўжам Пошо ҳузурида арзга етурмушдиларки, шу боисдан Машраби мажзуб ва фақир банда ҳам неча бор жазога тортилмиш эрдик».

Машраб худди шу пойлоқчи ва хуфялар устидан ҳажвия ёзиб, уни халқ орасида ўқиб юборади. Бундан мутаассир бўлган Гумном Офокхожа ҳузурида Машраб ҳақида иғво гаплар гапиради ва уни ёмонотликка чиқаради. Офокхожа қабулида Машрабнинг «Дафтари ашъори калон»идан қуйидаги мисраларни ўқийди:

*Дилимни нимта айлаб, менга солдинг жудолигни,
Совурдинг, елга бердинг, хайф, бу аҳду ошнолигни.*

*Сен эй, Гумном, насиҳатни бориб хешинг аро қилгил,
Жаҳонда кўрмадим ҳаргиз киши сендек риёлигни.*

*Залолатпешалигни аҳли дунлар сиздин ўргангай,
Мунофиқ, бадасллик ҳам таъмагир русиёлигни.*

*Риё тоат қилуб кундузлари ўзни дебон муришид,
Кечадин тонг қадар қилгунг ўзингдек юз қаролигни.*

*Ҳама элни ҳароб айлаб, тазаллум пеша бўлмишсиз,
Сану пийринг қилур охир магар даъво худолигни.*

*Неча мазлум, халойиқни кўзин ёшлаб, бу Машрабдек,
Насиб эткай сенга охир худовандо гадолигни.*²

Ушбу байтлардан Хўжам Пошонинг муборак диллари озор топиб, ғазабнок бўлиб, «бас» дедилар.

Машраби мажзубга юзланиб дедиларки «Ё Машраб, фақир ва содиқ муридларимиз борасинда мундоғ ҳақоратомуз ва ношоён сўз айтмоққа на деб журъат этмушсен! Ҳозирийунлар қошинда тавбаю тазарру айлаб, гуноҳингни ювгайсен!»

Машраби мажзуб жойларидин кўпуб, Хўжам Пошога таъзим адосидин сўнг демушларки: «Ё пирим, на демишмен, ҳақ сўзни айтмишмен, тавбаю тазарру жоиз эрмасдур».

Машраби мажзуб жавобидин дарғазаб бўлгон Хўжам Пошо фармони олий килмушларким, мазкур «Дафтари ашъори калон»ни ўтга ташлағайлар ва Машраби мажзубга доғи йигирма дарра урғайлар. Анга ҳомийлик қилгон фақирни эрса бир ой муддат била банди зиндон қилғайлар, кўл ва оёқларинга кишан урғайлар».

Алғараз, бир ой муддатдин сўнг фақир зиндондин холос бўлгонда жабрдийда Машраби мажзуб хасталик туфайли Қошғар қаландархонасинда жойнишин эрдилар».³

«Тазкираи қаландарон» муаллифининг эътироф этишича, Машраб Қашқарда ўз истеъдодини тўла намоиш қилади. Унинг энг сара бадиалари шу даврда яратилди. Исҳоқ Боғистонийнинг ёзишича, Қашқар халқининг турли табақалари ўртасида Машраб машҳур ва манзур бўлиб қолган. Унинг лирик асарларига Қашқарнинг таниқли бастакорлари куй басталаган. Бу куй ва лирик бадиаларнинг овозаси Қашқар сарҳадларидан ўтиб, узоқ ўлкаларгача бориб етди. Шоирнинг эл ва элатлар ўртасида бу қадар шуҳрат ва обрў топиши унинг душманларини қаттиқ безовта қилди. Улар турли йўллар билан Машрабни обрўсизлантиришга жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилдилар. «Шоирга берилган жазолар етмаганидек, унинг устига бухтон тошини ёғдирдилар».⁴ Бу борада тазкира муаллифи шундай дейди: «Боз устига бу Машраби мажзуб бошига фалак маккораси беҳисоб бўхтон тошини ёғдирмиш... вақтики, мазкур Хўжамқули шоҳ қаландар Машраби мажзубни халойиқ орасинда бадном ва шармисор қилмоқликка ончунун жаҳду жадал қилдиким, жаҳолат ва қабоҳати ҳаддин ошди. Шоҳ қаландар Машраби мажзубнинг неча абётларин ўз

¹ Ўша асар. 14-бет.

² Муҳсин Зокиров. Эрк ва маърифат куйчилари, 31-бет.

³ Юқоридаги асар, ўша жой.

⁴ Муҳсин Зокиров. Эрк ва маърифат куйчилари, 33-бет.

куллиётига битуб, авом ичинда овоза қилмишким, Машраб қаландар номини Ҳирқатийнинг ашъорин ўзига нисбат бермушдур. Биллох, Қашқарнинг художўй соҳиби таъб аҳли фузалоси Хўжамқули восвосига ишонмамишлар. Мундоқ бўхтон овозаи можародин сўнг маълум бўлмишким, Исмоилхон ҳазратларининг баобрў аҳли шуаросидин бир гуруҳи Хўжам Пошо ҳузури муқаддаслариға етишуб, восвос овозаси можароларни рад этмушлар ва исботида арз қилмишларким, Машраби мажзубнинг бу тахлит оташнок ашъориға устод Муҳаммад Сиддик Андигоний танбури қошғар мақоми тариқинда мушқи басталамушким, эл аро машхуру манзурдур».¹

Машраб Қашқардан 1673 йилда Наманганга – онаси ёнига қайтади. Касалманд онасининг вафотидан кейин ҳеч кими қолмаган шоирнинг қўнимсиз ҳаёти бошланади. Унинг кейинги деярли қирқ йиллик умри сафарда, дарбадарликда, турли ўлкаларда мусофирликда ўтди. Турли адабий-тарихий манбалар, шунингдек, қисса нусхалари Машраб борган шаҳар, юртлари, сафар тартиби ҳақида хилма-хил, кўпинча бир-биридан фарқли маълумотлар беради. Уларда шоирнинг Самарқанд, Хўжанд, Тошкент, Туркистон, Бухоро, Андижон, Бадахшон, шунингдек, Яқин Шарқнинг қатор ўлкаларига борганлиги сўзланади. Машрабнинг адабий меросида ҳаёт йўлининг қатор нуқталари жумласига кирган, саналган шаҳарлар – кўплаб ўлкаларнинг номи зикр этилади. Машрабнинг бирор шаҳар-қишлоққа келиши изсиз ўтмас эди, маълум шов-шувларга сабаб бўларди: оддий халқ самимият ва хурсандчилик билан, ҳоким, амалдорлар, риёкор руҳонийлар эса ҳадиксираб, душман кўзи билан совуқ қарши олардилар.²

Қутбул олам Офқоҳжа Машраб ўлимини, унинг Мансурвор дорида шаҳид кетишини, кушандаси Маҳмуд катағонбий эканлигини башорат қилган эди. Жўзжонийнинг ёзишича, «Шоҳ Машрабга унинг муршиди Офқоҳжа, сен Маҳмудхон номли киши томонидан шаҳид қилинасан деб башорат қилган экан. Машраб ҳар ўз ашъорларида унинг тақдири Мансурга ўхшаган бўлиб, оқибатул амр Балх шаҳрида Маҳмудхон қўлидан шаҳодат шарбатини ичиши ҳақида эслатиб юрган».³

Навоийнинг фано йўлини танлаган Ширини Фарҳод ишқида, Мажнунни Лайли ишқида, Зулайҳо Юсуф висоли учун, Тоҳир Зухро васли учун, Вомиқ Узро васли учун ўзларини қурбон қилдилар. Улар фонийликда – ўткинчиликда бир-бирин васлига етиши, қисқа умрда умргузаронлик қилишлари мумкин эмас эдилар, васлни абадийликка қолдирдилар. Ҳурликни танладилар улар. Машраб ҳам фонийликда нафсни жиловлаб, Унинг, Яратганнинг ишқини, унга маҳлиёлик ишқини танлади. Шунинг учун у ўлимни Мансур Ҳаллож ва бошқа сўфийлар каби мамнуният билан қабул қилади:

*Қонимни тўқар эмиш Балх шаҳрида Маҳмудхон,
Тақдири азал бўлса, найлай, анга бермай жон.*

*Минг шукур худойимга Мансурга қўшулдим мен,
Ул рўйи сияҳларким Мансурни ўлдурган.*

*Бу ишқ йўлига кирган, албатта кечар жондан,
Кечмаса агар жондан, айтган сўзидир ёлгон.*

*Ширин гамида Фарҳод, тоғларда этиб фарёд,
Ишқ ўтида ўртаниб, охир чу фано бўлгон.*

*Ул ошиқи Мажнун ҳам Лайлига бўлуб шайдо,
Чўлларда ватан айлаб кўз ёши равон ўлгон.*

*Ул зори Зулайҳо ҳам Юсуфга бўлуб шайдо,
Кўрдунгму халойиқга расвои жаҳон бўлгон.*

*Кўр Тоҳиру Зухрони халқ ичра бўлуб машхур,
Кўнглини бериб ёрга ишқин йўлида ўлгон.*

*Ишқ ўтида ўртанган ул Вомиқу Узро ҳам,
Маҳшар куни бўлгонда жаннатда қилур жавлон.*

¹ Исҳоқ Боғистоний. Тазкираи қаландарон, «Шарк юлдузи», 1990, 8-сон, 156-бет.

² Буюк сиймолар, алломалар, 48-бет.

³ Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний, Тасаввуф ва инсон, «Адолат», Тошкент, 2001, 144-бет.

*Кўр ошиқ эранларни, эй Машраби девона,
Келганда ажал жоми жони била сипқоргон.*¹

Машраб кўнимсиз ҳаётининг сўнгги нуқтаси Балхда хотима топди. Ҳоким табақа, риёкор руҳонийлар, мутаассиб муллалар унга ўзларининг ашаддий душмани деб қарадилар ва жисман йўқотиш ниятида бўлдилар. Натижада уламоларнинг фатвоси ва Маҳмуд катагон (Балх, Кундуз ҳокими)нинг ҳукми билан шаҳид бўлди. Оташин шоир, довюрак шахс, жасур қалб соҳиби Бобораҳим Машраб осиб ўлдирилди. У худди Мансур Ҳаллож ва Имомиддин Насимий каби хурфиқр ғоялари йўлида, ўша замондаги ҳукмрон табақалар ва жоҳил уламолар расмий сиёсатига номувофиқ дунёқарашини йўлида қурбон бўлди.

Бобораҳим Машрабнинг қаерлик эканлиги ҳақида баҳс-мунозара бўлмаслиги керак. У на малак, на фаришта, ўзи куйлагани каби инсон наслдан у. Қоронғи хужранинг ўртасига бир шам ўрнатилса, унинг ёруғлиги ҳар томонга бирдек нур бергани каби Машраб ҳам башариятга шундай зиё ва маърифат улашади.

Тўғри кўплаб олиму фозиллар унинг ҳаёти, фаолияти, ижодиёти ва туғилган юрти Андижонми, Наманганми деган фикрда узоқ баҳслашдилар. Бу баҳслар бугунги кунда ўринсиздир. Адабиётшунос А. Абдуғафуров шу ҳақда куйидаги фикрларни бериб баҳсларга нуқта қўйгандек бўлган: «Мен Машраб ҳақида ёзган барча ишларимда уни наманганлик деб ёзганман. Аммо мен шундай деб ўз қатъий ишончим бўйича ҳақиқатни ёзар эканман, унга ҳеч қачон бирорта махсус маъно – урғу берган эмасман. Худди, Навоий Ҳиротда, Бобур Андижонда, Абдулла Қодирий Тошкентда туғилган дейилганидек, ишончим комилки, Машрабни андижонлик деб ҳисобловчи мутахассислар ҳам худди шундай уларга тарихий ҳақиқатни оддий қайд этишдан бошқа мақсад бўлмаган. Чиндан ҳам, гап у ёки бу ижодкорнинг, жумладан, Машрабнинг қаерда ва қачон туғилганида эмас. Муҳими шундаки, Бобораҳим Машраб менинг она тилимда, менинг ҳис-туйғуларим ва орзу-интилишларимни, менинг шоду хуррамлигим ва қайғу ҳасратларимни, шубҳа андишаларим ва ғазаб-нафратимни, махфий илинж ва ширин хаёлларимни юксак бадиий воситаларда ифода эта олди, менинг дардли ва умидли дилимдан ватан топди, оқибатда, менинг бир бўлагимга, юрагимнинг, шууримнинг, фалсафамнинг ажралмас бир қисмига, одоб-ахлоқим, юриш-туришим, феъл-атворимнинг бир кўринишига айланди. Бу самимий иқрорни, қаерлик бўлишидан қатъий назар, ҳар бир Машрабхон, шеърининг ҳар бир чин мухлиси мендек қатъий ишонч, кескин оҳанг билан айта олади. Бунда ҳеч қандай хато ёки муболаға йўқ:

Бу олам аҳли ичра дил паршон бўлмасун ҳеч ким!

– деб наъра тортган Машраб ҳаммага баробар ва у меники, сизники, бизники, барчамизники!

Ҳеч билмасман ўзумни қайси миллат халқиман,

ва шу ўриннинг ўзида жуда жиддий ва ниҳоятда муҳим изоҳ беради:

Ҳар қаерда бекасу бечорага ҳамхонаман!

Эҳтимол, шоирнинг дил-дилидан чиққан бу самимий иқрори ўринсиз баҳсларга эндиликда узил-кесил чек қўйишда бош мезон бўлгандир...»¹

Машраб тадқиқотчилари Исматуллоҳ Абдуллоҳ, Абдурашид Абдуғафуров, Дилором Ҳамроева, Жалолиддин Юсуповнинг хизматларини таъкидлаганим ҳолда, айниқса, хатирчилик, унвон талабида бўлмаган Ж. Юсуповнинг бугунги кунда шоирнинг юзлаб шеърларини топиб халқимизга тухфа қилаётганидан мамнунлигимни изҳор қилмоқчиман. Ж. Юсупов саъй-ҳаракати туфайли «Янги аср авлоди» нашриётида Машраб янги шеърини мажмуаси чоп этилди.

Машраб Наманган фарзанди, унинг ҳаёти, фаолияти ва ижодини ўрганиш, Афғонистондаги қабрини зиёрат қилиб, илмий меросини қайта тиклаш ва халққа етказиш долзарб ишдир.

¹ Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. 148-бет.

¹ Абдурашид Абдуғафуров. Қалб қаъридаги қадриятлар. «Ўқитувчи», Тошкент, 1998, 153-бет.

Шуни ишонч билан айта оламанки, Машраб 1640 йилда эмас, 1653 йил Наманган шаҳар Маддохлик маҳалласида туғилиб, 58 ёшида Қундузда қатл қилинган. Унинг бўш биринчи қабри Балх шаҳрининг «Жавонмарди қассоб» деган қабристониди, унинг иккинчи қабри — хоки, жасади жойлашган қабр эса Тоҳар вилояти Ишканмиш қишлоғида жойлашган. Маҳмудхон қатағонийнинг вазири Масъуд туш кўриб, тушида Машраб ўзининг хокини Ишканмишга кўчиришини айтгандан сўнг, 3 кун дор, 3 кун қабрда тургандан сўнг, 7-куни бу вазифани адо этган, яъни хок иккинчи қабрга кўчирилган.

Биз бу йил Машраб таваллудининг 355 йиллигини нишонлашимиз, вафотининг эса 297 йил бўлишини қайд этишимиз керак эди.

1. Зиёвуддин Исҳоқ Боғистонийнинг "Тазкираи қаландарон" асарининг хотима қисмида шундай хабар берилган: «Алқисса, рамазони шарифнинг ўн еттинчи куни ва вақти намози жумъадан сўнг Шоҳ Машрабни Мансурвор сиёсат дорига тортмушлар. Андоғ маълум бўлурки, қатли ом муддатинда таваллудларидан эллик етти сана кечуб эрди. Охирул охир девонаи Мажзуб Шоҳи Қаландар валлиюллоҳ Машраб шаҳиди аъло тариқин топуб, Мансур мақомига етуштилар»¹.

2. Жалолиддин Юсупов қуйидаги фикрни илгари суради: «Яна далил шуки, Исҳоқ Боғистоний ўзининг "Тазкираи қаландарон» асарида «Ҳазрати Шоҳ Машраб мавтлари айёминда умрларидан 58 сана кечуб эрди», дейдилар. Филология фанлари номзоди Муҳсин Зокиров далил келтирган ушбу тазкирани кўрган эмасман. Ҳолибо, бу фикр тўғри кўринади...

Раҳимбобонинг Балх ҳукмдори Маҳмудбий қатағон амрига кўра Қундузда дорга осиб ўлдирилганлиги ҳамма манбаларда бирдек аниқ кўрсатилган: 1711 йил! 58 ёшида қатл этилганлиги аниқ бўлгандан кейин, муқаррар тасдиқ шулким: у 1653 йилда Наманганда туғилган. Бундан чиқадики, шоҳ Машрабнинг ҳаёт йўли шундай: 1653-1711».²

3. Нарпайлик ўқитувчи Хайриддин Бегматнинг ҳали сиёҳи қуримаган «Девона Машраб» китобининг «Сўнг сўз»ида ёзувчи шундай дейди: «Олимлар қаламидаги «Ёши етмиш бирга кирган бандаи радди фалак» мисрасини мен учрата олмадим. Чамаси у мисра Машраб қаламига мансуб эмас. Шоир ёшини эллик саккиз сана деб белгилаган Зиёвуддин Исҳоқ сўзлари ҳақиқатга яқиндир».³

Кўплаб олимларнинг ва тадқиқотчиларнинг, хусусан, Абдурашид Абдуғафуров ва Исматуллоҳ Абдуллоҳнинг Машраб 71 ёшда қатл қилинган деган иқтибосни келтиришни ўйлаб кўрайлик, 71 ёшга кирган мункиллаган чолни эмас, айнаи куч-қувватга тўлиб, подшоҳни танқид қила олган Машрабни 58 ёшида қатл этишган. Исҳоқ Боғистоний 1 йилга адашган. У «эллик етти сана» деб ишлатган. Балки у она қорнидалигини қўшмай ҳисоблагандир.

Хулоса шуки: биз Машрабнинг 2008 йил 22 май куни 355 йиллик юбилей санасини нишонласак бўлади. 2011 йил унинг вафотига 300 йил тўлади.

Машрабнинг онаси Салимабиби Ҳоварий тахаллусли шоира, синглиси Моҳибадр – (тўлин ой) Махваш тахаллусли шоирадир.

Адабиётшунос Муҳсин Зокиров тадқиқотига кўра, оталари мулла Вали илмли, саводли, асли етти хазинанинг бири бўлган аравада ўтин етказиб берувчи – хезимкаш – ўтинчи ўтган.

Жалолиддин Юсуповнинг тахминича, Машраб Ҳазрат Алининг фарзандлари Ҳасан ва Ҳусайн – Ҳусайндан тарқалган – саййид (саййидсан, хожасан, мағрури насаб бўлма) авлодига бориб тақалади: Намангандан сўнг Самарқанд, «мен Бухоро шаҳрига келдимки, илм савдо қилай» деб, Бухоро, сўнгра Дахбетда Махдуми Аъзам қабрлари зиёрати ва шундан сўнг, Офокхожа хонадонига – Қашқарга йўл олган.

Машраб ғазалларининг бирида ўзини гулшан боғининг сайроқи булбулига ўхшатади, шомдан сахаргача фиғон чекувчи, хофизларга хуш ёкувчи асарга қиёслайди. У еру-осмонни ўз ҳарорати билан куйдирувчи қуёшга менгзайди.

¹ Исҳоқ Боғистоний. Тазкираи қаландарон. «Шарк юлдузи», 1990, 8-сон, 158-бет.

² Жалолиддин Юсупов. Уни девонаи Машраб дерлар. «Ёзувчи», 1998, 5 август.

³ Хайриддин Бегмат. Девонаи Машраб, «Шарк», Тошкент, 2005, 272-бет.

Мажнун Аллоҳга ошиқ, унинг жамолини кўришга иштиёқманд. Лайли-чи, у ҳам айна чоғда маъшуқа сифатида Мажнун дийдори учун ошиқ. Шам – нур сочиб турувчи, ёруғлик тарқатувчидир, дилсизлик, яъни бедиллик эса мақсадсизлик, муродсизликдир.

Васл – бу баҳрамандликдир, кеча-кундуз, шому саҳар бедор бўлиб, санам васлини кўриш ошиқ истагининг рўёбга чиқишидир. Рустиами Достондек мақсадга эришиш, ишқ йўлида подшоҳ бўлиш, Ҳамзадек паҳлавон бўлмоқ, шеъриятда пирлар ҳидоятига сазоворлик, ошиқи нуктадонлик ва муътабарлик унга – Машрабгагина хосдир:

*Гулишани боғи даҳр аро булбули нағмагар ўзум,
Бир туги бебадал учун ошиқи дарбадар ўзум.*

*Кунонга дам-бадам бориб навҳау зорлар қилиб,
Шому саҳар фигон этиб, Ҳофизу хуш асар ўзум.*

*Ё шаҳри меҳрибонмусан, ё маҳи осмонмусан,
Ер била кўкни куйдируб кавкабаю қамар ўзум.*

*Жоми майи луоб ичиб, Мажнуни бенаво бўлуб,
Нозу караималар қилиб, Лайлига ишвагар ўзум.*

*Шамъи жамолинг ўртади жону дилимни, эй санам,
Болу паримни куйдуруб, бедили навҳагар ўзум.*

*Васлингни истаб, эй санам, кечаю кундуз мудом,
Саҳарда бедор ўл дединг, ки, дояи саҳар ўзум.*

*Хисрави комрон бўлуб, Рустиами Достон бўлуб,
Бир зўр паҳлавон бўлуб, Ҳамзаи раҳнагар ўзум.*

*Ошиқи нуктадон манам, пири ҳидояхон манам,
Шуҳрати шеър бобида Маишаби муътабар ўзум.*

Машраб «Девон»и муқаддимасида Жалололидин Юсуповнинг «Уни девонаи Машраб дерлар» номли чуқур фалсафага эга бош мақоласи эълон қилинган. Мақоланинг мазмун ва моҳияти машрабшунослар учун ўта қимматли ва илмий аҳамиятга эгаллиги билан ўзига хосдир.

Жамолидин Юсупов Машраб ҳаёт йўлининг деярли ҳамма қирраларини мазкур мақолага жойлаштиришга эришган. Аввало, ота-онаси, синглиси ва у яшаган ижтимоий-маънавий муҳит ҳақида маълумот берган. Сўнгра шоир ижод йўли ва у кезган ҳудудлар ҳақида батафсил тўхталган. Айниқса, Машрабнинг Намангандаги биринчи устози Мулла Бозор охунд билан, кейинчалик Қашқардаги пири муршиди Офокхожа билан муносабатлари, устозининг унга тасаввуфий илмлар бериши, солиқ сифатида тариқат йўлига кириши ва сулуқатни қабул қилиши, пирнинг маънавий раҳнамолиги каби масалаларни тадқиқотчи-олим даражасида таҳлил этган. Машрабнинг пири комили Офокхожадан умиди катта эди. Чунки Жалололидин Юсупов таъкидлаганидек, «пир муриднинг сайқалгаридир». Машрабдаги истеъдод ва туғма валилик яратган томонидан ҳаммага ҳам берилавермайди. «Қиссаи Машраб»да шундай жумлалар бор: «Ҳазрат подшоҳим (яъни Офокхожа) Машрабни қабатларига оладилар. Зоҳир кўзларини юмиб, ботин кўзлар билан хабар оладиларки, Машраб чироғига филта қўйиб, филтани тайёр қилиб, равшан қилғоли пири комил топмай юругон экан. Ҳазрат подшоҳим айтдиларки: «Аюҳаннос, сизлар гувоҳ бўлингларки, бул девонанинг отини Машраб қўйдим, оллоҳу акбар», деб фотиҳа ўқидилар. Андин сўнг девонанинг оти Машраб шуҳрат топди ва лекин ўз отлари Раҳимбобо эрди». Жалололидин Юсупов таҳлилида айтилишича, Машраб форсий ва туркийда Умам, Риндий, Маҳдий таҳаллусларини қўллаган. У Машраб исмининг луғавий маъноси ва сифатларини кенг изоҳлаган: «Машраб» арабий сўз бўлиб, луғавий маъноси жуда чуқур ва кенг маънога эга. Машраб 1) майл, ҳавас, завқ; 2) покиза сув ичиладиган ва олинадиган жой; 3) сув, шароб ва ҳоказо нўш этиладиган идиш; 4) бахш, баҳра, насиба; 5) ғоя, маслак; 6) хулқ-атвор, хислат; 7) мазҳаб каби маъноларни ифодалайди.

Шоирнинг халқ орасида «Девонаи Машраб» лақаби билан машхурлиги ва уни шеърларида қўллаганлигини таъкидлайди:

Машраб – мазҳаб;

Машраб – яхши феъл-атвор;

Машраб – гўзал табиатли;

Машраб – гўдакдек покиза, маъсум, беайб, бегуноҳ;

Машраб – яхши хислатли;

Машраб – эзгу ўй-фикрли;

Машраб – эзгуликка чорловчи, илохий муҳаббатни тараннум этувчи;

Машраб – барча мўминларга маънавий баҳра берувчи;

Машраб – миллат ва дин равнақи, эҳтиёжи учун насиба этиб Оллоҳ томонидан фазилат ва кароматлар соҳиби – авлиё бўлиб яратилган, элни ислом ахлоқи асосида яхши табиатли, хушхулқ қилиб тарбиялашга, чанқоқ қалбларга ўзининг феъл-атвори, хулқи, хусусияти, яратилган асарлари билан наф етказувчи ва ниҳоят, Оллоҳ ишқи куйида хонумонидан, дунёвий орзу хаваслардан, ўзлигидан, борингки, бу фоний дунёда Оллоҳдан бошқа ҳамма нарсадан мосуво, мард ва фидойи ошиқи девона.

Жамолиддин Юсупов Машраб «Девон»и «Кириш»ининг сўнги мавзусини «Ҳаққингга бир дуо айлай» деб атаган. Унда Қундузда дор остида ўз кушандаси жаллодни дуо қилган Машрабнинг сўнги сўзлари келтирилган. «Қисса»ларда ёзилишича, Машраб пири комили Офокхожа Ҳазратларидан бир қаламтарош тухфа олган. Бу ўткир қаламтарошни бўйнига осиб юрган ва ҳукм ижро этилаётган сонияларда ўша кичкина тигни бўйнига урган ва «Мен шаҳиди ишқман, ўлсам, кафанга чулғаманг» дегани ҳолда жаллод икки тиг эмас, бир тиг урганда ўзини дорга ташлаб юборган. Бу ҳол ҳамма жойда қайд этилган. Жамолиддин Юсуповнинг тахмини шуни изоҳ этадики, Машрабдек «марди Худо» ҳатто ўлимни ҳам хуш ҳолда кутиб олган. Чунки сўфийлар тилида «тана худди қамоқхона, қачонки жон ундан чиқиб кетса, руҳ кейин таскин топар экан», ана шу руҳий азоблар фоний (ўткинчи)ликда азоб чекаверар экан, шунинг учун улар тирикликни эмас, ўлимни – Худо даргоҳини хуш кўришган. Ғазолийни эслайлик, жамиятга хизмат қилиб бўлгач, таом емай ўзини руҳан ўлимга тайёрлаб борган. Машраб ҳам ўлимни тансиқ ваҳдат (ваҳдат – учрашиш) деб билган. Чунки руҳ Яратган ҳузурига тезроқ чиқишини, омонат дунёни тарк этишни хоҳлашган! Шу боис ҳам Машраб жаллодни дуо қилган:

Худо йўлида, эй жаллод, манга ханжарни тезроқ ур!

Ҳаққингга бир дуо айлай, санам марди Худо бўлгил!

Ажойиб хуш муборак бу ўлумким, бошимга тушти,

Худо йўлида бир жон, минг агар жондур фидо бўлгил!

Бу эшони Шоҳ Машрабнинг дор остида айтган сўнги сўзлари эди. Дор остида ўз қотилини дуо қилиш ва яна унинг ситамгарликни ташлаб, ўзлари каби марди Худо бўлиб қолишини тилаш, ўлимни муборак бир неъмат каби қабул қилиш, Худо йўлида бир эмас, мингта жонни фидо қилишга тайёр туриш ҳар қандай тафаккур соҳибини шошириб кўядиган фавқуллодда жиддий ҳолатдир. Машрабнинг мардона кечган ҳаёт йўллари эътиқод, имон ва ишонч йўлларикидир. Умр деб аталувчи кичик бир фурсатнинг қанчалик оғир, жафоли ва машаққатларга тўлаллиги, унда умид билан хавф, орзу билан армон, нафс билан парҳез, адолат билан разолат ва бошқа яхши-ёмонликлар бақамти келишлигини, бу фоний дунёга пок келган инсон ундан қандай пок бўлиб чиқиб кетишини Машрабнинг маърифатуллоҳга тўла ибратли ҳаёт йўлларида ва ҳикматлар уммони бўлмиш дафтарларидан излашлари, кашф қилишлари лозим.

МАШРАБ ИЖОДИЙ МЕРОСИ

«Улуғ бобоколонларимиз руҳига, башарият тарихи ва маданияти хазинасига катта ҳисса қўшган улуғ аждодларимизга, улар қолдирган улкан меросга муносиб бўлиш истаги жамиятимиз аъзолари орасида кенг ёритилиши, ҳар бир фуқаронинг онгидан мустаҳкам жой олиши – бу ҳам янги замоннинг муҳим хусусияти»

Ислом КАРИМОВ

Мустақилликнинг муҳим хусусияти Ислом Каримов таъкидлаганидек, башарият тарихи ва маданиятига улкан ҳисса қўшган ва бой мерос қолдирган улуғ бобоколонларимиздан бири Бобораҳим Машраб ижодига бугунги кун нуқтаи назаридан ёндошмоқ ва уни холисона ўрганмоқ вазифасидир.

Ўқиш ва ўрганиш ҳақида хатирчилик Жамолиддин Юсупов шундай ёзади: «Ўқиганга яраша рост гапни ўқиган тузук. Зеро, ҳеч бир завқ ҳақ сўздан завқланиш саодатига баробар келмаган! Буюк аждодимиз, саркаш хаёллар соҳиби Бобораҳим Машраб шеърятти асрларки ҳақпарастлик руҳи билан қалбларни мунаввар этиб келади.

Кимки кўнглини Ҳақ нури билан покламоқчи бўлса, Машрабни ўқисин! Кошки илоҳий ишқ шаробин ичиб, мол-дунё хаёлидан фориг бўлмоқчи бўлса Машрабни ўқисин! Кимки ўзлигини таниб, ўлимга тик боқмоқни мурод этса, Машрабни ўқисин!

Машраб – миллатнинг азобда қолган виждони. Бу виждон саси бизни мудом илоҳий ҳурликка даъват этади»¹

Шоир Бобораҳим Машраб адабий мероси ҳақида фикр юритиб, М. Зокиров куйидаги фикрларни қайд этади: «Машрабнинг адабий-ижодий мероси ҳам худди унинг ҳаёт йўли каби замонлар ўтиши билан афсоналар пардасига чулғаниб, пароканда бир ҳолатда бизгача етиб келганки, бу чалкашлик ва ноаниқлик шоир адабий меросининг чегараларини аниқлаб олиш масаласини ниҳоят даражада мураккаблаштириб юборганлиги ўз-ўзидан аёндыр.

Шу боисдан, Машраб адабий меросининг ҳозирча шартли равишда бўлса ҳам маълум ҳадди-худудини белгилаб олишда бир қанча ўзига хос илмий тамойиллардан фойдаланиш лозим топилдики, ана шу қиёсий-услубий, илмий тадқиқотлар туфайлигина нисбатан таҳминий хулосага келиш мумкин.

Маълумки, Бобораҳим Машраб асосан ўзбек (турк) тилида, қисман форс ва араб тилларида ҳам ижод қилган».²

Юқоридаги фикр йигирма йиллар олдин айтилган хулосадир. Кейинги йигирма йилдан кўпроқ даврда машрабшуносликда айтиш жоизки чуқур тадқиқотлар олиб борилиб, унда шоир ижодиёти маҳсули бўлган ғазалиёти ва турфа жанрдаги шеърятти маҳсули унинг ижодига мансублиги, сўнгра, турли Машраб ҳақидаги қиссалар унинг шахсиятини аниқлагани, бинобарин, асосийси ўзаро баҳс мунозараларга сабаб бўлган «Мабдаи нур» ва «Кимё» шеърый асарлар Бобораҳим Машрабга тааллуқли эканлиги илмий асосланди. Муҳими, Машрабнинг кўплаб янги шеърый асарлари топилиб, жамоатчиликка тухфа қилингани бўлди. Шундай бўлса-да, баъзида матбуотда ғайри илм акс этиб, унга таалуқли асарларни бошқа ижодкорларга менгзаш ҳолати рўй бермоқдаки, у машрабхонларни ва унинг ижодини кузатувчиларни чалғитиб, ўринли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Бизнинг мақсадимиз, шу баҳс-мунозараларга чек қўймоқ ва илмийлик, холислик нуқтаи назаридан масалага ойдинлик киритмоқдир.

Ер бағридаги маъдан моддалар ҳарорат зўридан эриб, оловга айланиб, даҳшатли бир қудрат билан вулқон бўлиб ажралиб чиққанидай, чорасиз, эзилган халқнинг дарду аламлари садпора юраклардан кўтарилган ҳасрат-нолалар ҳам йиғила бориб, бу осий заминга сиғмай, вақти-вақти билан портлаб кўкка ўрлайди ва худди ана шундай замонда Машраб каби шоирлар туғилади-да, бу дарди аламлар тўфони алангаланган шеър бўлиб янграйди – мол-дунё ҳирсу ҳавасидан кўр дийдаларни бино этиш, ғафлат ғубори беркитган маърифат булоқларининг кўзини очиш, сўлгин дилларга мадад бериб, қарахт виждонларни ҳаракатга келтириш учун дунёга келган ялавоч – жарчи шоирнинг шўри ғавғоли исёнкор шеърятти бунёдга келади. Машраб шеърятти бунёдга келади. Машраб шеърятти бу дунёдан норози

¹ Ж. Юсупов. Тафаккур, 1997, 3-сон, 60-бет.

² М. Зокиров. Эрк ва маърифат куйчилари, 43-бет.

кетган аламзада, покдил инсонларнинг виждон кичкириғи, нур қидириб, нурга талпинган юракнинг нола-фиғони. Унинг шеърларининг ҳар бири – бир лаҳча чўғ, ёндирувчи олов: «Бошимдан оёғим туташиб хирмани оташ».¹

Машраб классик адабиётимизнинг етакчи жанрларидан бири бўлмиш ғазалнинг янада ҳақчил, ранг-баранг ва ижтимоий мазмундор бўлишига катта ҳисса қўшди. У ғазал жанрида, баъзан ижтимоий фикрларни, ўша давр ва тузум тартиб-қоидаларидан норозилик мотивларини, уларга нисбатан танқидий қарашларини бадиий юксак лирик формада ифодалай билди. Аммо шоир соф ишқий-лирик ғазалларнинг мохир устаси сифатида кенг шуҳрат қозонган; у ишқий лириканинг энг етук намуналари ҳисобланишига лойиқ ўнлаб ажойиб асарлари билан адабиётимизнинг тарихида алоҳида ўрин тутди. Шоир лирикаси ёшу қари, аёлу эркак ғазалхоннинг, тингловчининг юрагидан мустаҳкам жой олиб, ўзига мафтун этади, уни ҳаяжонлантиради, ўйга чўмдиради, завқини келтиради, Машраб лирикаси ана шундай ўзига тортиш кучининг, қалбларни тўлқинлаштириш кудратининг сабаб-сирали, бадиий юксаклик даражасига кўтарилиш омиллари кўп ва хилма-хилдир.²

Шоир Машраб ижодини ўрганишда Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 9968-рақамли қўлёзмада «Мабдаи нур», «Кимё» асарлари Машрабга тааллуқли эканлигини исботловчи далиллар бор. Бу манбадан ташқари «Тазкираи Фаҳмий», «Мунтахаб ат-таворих» (Муҳаммад Ҳакимхон тўра асари) ва Машраб замондоши, у билан бирга бўлган Исҳок Боғистонийнинг «Тазкираи қаландарон» асари ғоятда қимматлидир.

Машраб ўзининг ғазал ва рубоийларида илоҳий ишқни, худога муҳаббатини жуда жозибали тасвирлайди, лекин айни бир вақтда реал дунёнинг ишлари, ғам-ташвишлари, инсоний фазилатларга эга бўлиш, халқнинг аҳволини яхшилаш муаммоларини ҳам унутмайди.

Оташнафас шоир Бобораҳим Машрабнинг тақдири ниҳоятда мураккаб кечган. Турли даврларда Машраб шахси турлича талқин қилинди. Машраб ижодини юзага чиқариш учун аввало уни шаккок, худога ва руҳонийларга қарши кураш олиб борган шахс сифатида талқин қилинган. Машраб томонидан ёзилган «Мабдаи нур» ва «Кимё» асарлари бошқа Машраб таҳаллусли шахсга тааллуқли даъво қилинган. Бугунга келиб бу асарлар яна Бобораҳим Машраб номи билан боғланмоқда.³

Шу билан бирга шоир ижодини тадқиқ этувчилар томонидан унинг кўплаб шеърлари топилмоқда ва уларда яратганга бўлган ҳамд, мадҳ мотивлари ифода этилганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Машраб шеърлятига хос асосий хусусиятлардан бири Аллоҳга бўлган ишқдир. Унинг сўфиёна шеърларида илоҳий ишқ дарди инсон изтироб ва аламлари, орзу-умидлари билан ҳамоҳангдир. Машраб таъкидлашича, одам зотининг асосий нуқсонини «нафеу ҳирс балоси»га мубтало бўлганидир, бу нуқсон уни илоҳий фазилатлардан маҳрум этади, ахлоқан тубанлаштиради, ўткинчи майл-истакларни уйғотади, инсоний хислатлардан, ҳақиқат, маънавият ва маърифатдан йироқлаштиради. «Нафс аждаҳоси» комидан холос бўлганлар учун эса фақат Аллоҳ – ҳақдур, ҳақиқатдир. Шу боис инсон фақат Аллоҳни севиши, унга ошиқ бўлиши, комил инсон бўлишга астойдил интилиши, бу машаққатли йўлда барча укубатларга чидаши лозим. Барча яхшилик, эзгулик – Аллоҳдандир, бинобарин уни севган киши ўз яқинларини, ота-онасини, эл-юртини, жамики яхши одамларни ҳам севади.⁴

У дин йўлидан чиқиб кетган, шариат қонунларига риоя қилмай, риёкорлик, муттаҳамлик, фирибгарлик, бузукчилик билан шуғулланаётган дин вакилларини фош қилиб, уларни тўғри йўлга солмоқчи бўлади. Шоирнинг замондоши Исҳок Боғистоний «Тазкираи қаландарон» рисоласида Машрабнинг дин ва унинг вакилларига муносабатини жуда яхши тасвирлаб берган.

Фикҳ олими ва адабиётшунос Абдулҳаким Шаръий Жузжоний фикрича, Машраб нафақат Ўзбекистон ва Ўрта Осиё худудида «вахдат» (бирлик, якка-ягоналик, танҳолик) ирфоний-фалсафий йўналишининг охириги намояндаси ҳисобланади. Ундан кейинги айрим

¹ Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан, 5-бет.

² А. Абдуғафуров. Ўзбек адабиёти тарихи, 257-бет.

³ Маҳмуд Саъдий. Шоҳ Машраб кассаси, 3-бет.

⁴ Зухриддин Хуснидинов таҳрири остида. Ислом энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2004, 155-бет.

шоирларда ушбу тамойил баъзан кўзга ташланса ҳам, кўпинча тақлид асосида бўлиб, чуқур ақидавий ва ғоявий негизга эга эмас.

Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижоди билан бир қатор таниқли олимлар, айниқса, Абдуқодир Ҳайитметов, Абдурашид Абдуғафуров, Ғайбулло Саломов, Ваҳоб Раҳмонов, Комилжон Исроилов, Жамолиддин Юсупов ва бошқалар узоқ муддатлардан бери шуғулланиб келиб, унинг шеърини тўпламини тайёрлаб, таржимаи ҳолини ёзиб китобхонларга тақдим этганлар. Айниқса Жалолиддин Юсупов томонидан интиқодий услубда тайёрланиб, муфассал сўнг сўзи ва луғатномалар билан 400 бетда нашр этилган «Меҳрибоним қайдасан» номли Машрабнинг катта шеърини тўплами ўзига хос аҳамиятга эга. Таниқли олимлар Нажмиддин Комилов ва Ғайбулло Салом томонидан ёзилган сўз боши ўз илмий таҳлили ва интиқодий томонлари билан Машрабнинг бадиий ижоди ва дунёқарашини яхши англаб олишга ёрдам беради.¹

Асар тўпловчиси шоир асарларини ўз ичига олган 12 нусхани солиштириб ўрганиб, мазкур тўпلامни катта меҳнат ва узоқ муддатли саъй кўшиш билан тайёрлаган. Юсупов кўп жойларда шеърлардаги камчиликларни тузатишга уриниб баъзан уларни қиёсий шаклда, баъзан мантиқий йўсинда ва баъзан ўзининг шахсий завқи, тушиниш ва таъбири асосида ислоҳ қилиб келган. Лекин бу соҳада бажарилган ишлар етарли эмас. Ж. Юсупов ўзи ёзган сўнгги сўзда «Машрабнинг ҳаёти ва айниқса бадиий меросини тадқиқ қилишдек шарафли, айни чоғда жуда мураккаб иш давом эттирилиши керак» деб таъкидлаган эди. Негаки ҳануз ҳам Машрабнинг шеърларида аруз вазнлари ва мазмун нуқтаи назаридан анча камчиликлар ўзини сақлаб қолган. Агар шоирнинг буюк иқтидори, илмий даражаси ва олий шеърини қарихасини (истеъдод) назарда тутадиган бўлсак, мазкур камчиликларни (айримларидан ташқари) унинг ижодида табиий деб тасаввур қилишга ҳақли эмасмиз. Шунинг учун ушбу Ҳаллож ва Насимий йўлдоши, Ибнул-Арабий ва Жалолиддин Румий издоши ижодининг мукаммал илмий интиқодий матнини тайёрлаб, ундаги ирфоний атамалар, талмийҳлар ва тарихий образлар, Қуръон оятлари ва ҳадисларга тегишли ишоралар, арабча мисралар ва ибораларни изоҳлаб ўтиш, турли нусхалардаги сўзларни чуқур ўрганиш, топилган қарийна (аломат, нишона)ларга асосланиб қиёсий-мантиқий услубдан фойдаланган ҳолда камчиликларни тузатиш билан бирга, унинг дунёқарашини ҳар томонлама ёритиб бериш, адабиётшунос ва тасаввуфшунос олимларимиз олдида турган буюк фахрли вазифа хисобланади.²

Академик Воҳид Абдуллаев Машрабнинг ижтимоий-маънавий, тасаввуфий ва адабий мероси ҳақида ўз вақтида тадқиқот олиб бориб, шоир ижодининг ўрганилиш тарихи, унинг ғазалиётидаги исёнкорона ташбеҳлар, ишқий лирикасининг илоҳий жозибаси, шоир шеърлятидаги маҳорат ҳақида чуқур илмий изланиш қилган «Адабиётшуносликда яқин йилларга қадар «Девонаи Машраб», «Мабдаи нур» ва «Кимё» номли уч асар Бобораҳим Машрабга нисбатан берилар эди. Олимларимиз тадқиқотлари «Мабдаи нур» номли мистик асарнинг Бобораҳим Машрабга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини кўрсатди. «Кимё» асарининг Машрабга тааллуқли-тааллуқли эмаслиги ҳозирча аниқланган эмас. «Кимё» диний-афсонавий ҳикоятлардан ташкил топган ва Машраб дунёқарашига мувофиқ келмайдиган тасаввуфий бир асардир. «Девонаи Машраб» («Девони Машраб»)даги шеърларнинг кўпчилиги қисми эса, шубҳасиз, Бобораҳим Машрабнинг адабий меросидир.»³

Юқоридаги фикр замонасозлик оқибатими ёинки ҳақиқатда В. Абдуллаевнинг кузатишларими, бунга фатво бериш мушкул, лекин омма тугул, илм кишиларининг ҳам чалғиши муқаррар ҳодиса. Негаки, Машрабнинг ижод маҳсули бўлган «Мабдаи нур», «Кимё» унга алоқаси йўқлиги айтилмоқда.

«Девонаи Машраб»да шеърлар, Машраб ҳақида пайдо бўлган (ёки тўқилган) кўпгина ҳикоя ва латифалар билан бирга келтирилиб, асар гўё бир қисса шаклини олган. Асардаги кўпгина ҳикоя ва латифаларда Машраб халқпарвар, адолатпарвар, золимларни фош этган қахрамон сифатида талқин этилади. Машраб тарки дунё қилган дарвиш деб тасвирланган ҳикоя ва латифалар, афтидан, ҳатто Машраб номи билан берилган айрим шеърлар Машрабни ва унинг ижодиётини сохталаштиришга интилган муҳолиф доиралар томонидан тўқилган.

¹ Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон, 149-бет.

² Юқоридаги манба, 150-бет.

³ В. А. Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. «Ўқитувчи», Тошкент, 1980, 143-бет.

Шунинг учун «Девонаи Машраб»нинг нусхаларини чоғиштириб ўрганиш, Машраб шеърларининг аслини аниқлаш катта илмий ва маърифий аҳамиятга эга. «Девонаи Машраб» тўпламидаги шеърларни тематик-ғоявий хусусиятларига қараб шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Исёнқорона шеърлар.
2. Ишқий шеърлар.
3. Сўфиёна шеърлар.¹

«Девонаи Машраб»ларнинг ким томонидан тузилгани номаълум. У шоир ҳаётининг сўнгги йигирма йилида ҳамроҳ бўлган дўсти Пирмат Сеторий ёки унга маълум муддат ҳамроҳлик қилган Зиёвуддин Боғистоний томонидан ҳам тасниф этилган бўлса керак.² Чунки, Пирмат Сеторий Машрабдан ўзига бир ажойиб девон қолганини сўзлайди ва ундан бир нусха кўчириб, Боғистонийга ҳам юборади. Унинг қўлидаги Машраб девонини кўчириб кўпайтириш ўрнига Машраб ҳақидаги узук-юлуқ фикрларга тўлиб-тошган бир асарни тузганлиги ҳақиқатга сира ҳам тўғри келмайди. Машраб девонига эга бўлган Боғистоний тўғрисида ҳам худди шундай фикрни айтиш мумкин. Бундан ташқари, Пирмат Сеторий томонидан тузилганида эди, шубҳасиз, Машраб ҳаётининг сўнгги йигирма йили ҳақида ҳам маълумот берилган бўлар эди. Ваҳоланки, Пирмат Сеторий Машраб ҳаётининг охири дамларигача бирга бўлган, тасодиф натижасида ўлимдан омон қолган. Машраб дорга осилган. «Девони Машраб»ларда эса Машрабнинг Наманганга келиши (Офокхожа рухсатидан сўнг), онасининг вафотидан кейин сафарга отланиши, у ерда мутаассиб рухонийларни Маҳмудбийни ва унинг аркони давлатини ҳақорат қилиши билан шоир ҳақидаги «маълумотлар» тугайди. Демак, Машрабнинг Наманганни тарк этганидан то Балх шаҳрига боргунича бўлган 20 йиллик ҳаёти воқеалари қиссаларга киритилмай қолган.

Академик шоир, ўзбек ва форс-тожик адабиётининг билимдони Ғафур Ғулом мазкур қисса ҳақида, шунингдек, Машрабнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида фикрлар билдиргани кўпчиликка маълум. Ғафур Ғуломнинг филология фанлари номзоди Асил Рашидов томонидан нашрга тайёрланган «Адабий-танқидий мақолалар»ида Машраб девонининг тузувчиси ҳақида қуйидагича маълумот келтирилган: «Бугун бизнинг қўлимизда мавжуд машхур «Машраб девони» шоирнинг севгилиси Маҳвашхоним томонидан тўпланган ва тартибга солингандир. Шоиримиз Маҳвашхоним ўзбек адабиёти тарихи учун қилган бу азамат хизмати эвазига яна ўша Наманган диндорлари томонидан сочи қирқилди – гисбурида қилинди».³ Афсуски, бу маълумотларни Ғафур Ғулом қаердан ва қайси манбалардан олганлиги биз учун равшан эмас, – деб ёзади Ж. Юсупов.

Ғафур Ғуломнинг «Момойи гису набурида» (соchi қирқилмаган момо) очеркни кўздан кечирамиз. Унда Бухоро амири – амир Насрулло Қўқонни тор-мор қилгач, Қашқарга қочиб кетаётган Нодирабегимнинг ўғли Маъдалихонни ушлаб келиб ўлдиради. Ҳаммани ўлдиригач, унинг 14 ёшли ўғли Муҳаммадаминни – Нодирабегимнинг набирасини жаллод ўлдираётган пайти Афғонбоғ саройи эшигидан ялангоёқ, паришон соч, қариб қолган Нодирабегим чиқади ва набирасини ўлдирмасликни сўрайди.

Амир Насрулло жаллодларга: «Бу гисбурида, набираси билан барабар, секин-секин ўлдирилсин!» – деб иккинчи фармон беради. Секин ўлдирилган Нодира ва набира бир ҳафтагача кўмишга рухсат берилмайди.

Ғафур Ғулом йирик тадқиқотчи олим. У жуда кўп Шарқ қўлғамаларини билган ва улардан фойдаланган. Машрабнинг онаси Салимабиби Ховарий (Ховар: Шарқ, кун чиқишни англатади) таҳаллуси билан шеърлар битган шоира эканлиги исботини топган.

Ғафур Ғулом «гисбурида қилинди, сочи қирқилди» деган шоира Маҳвашхоним – Машраб севгилиси эмас, балки унинг ягона синглисидир.

Моҳибадр – Маҳваш – Машраб девонини тартибга келтириб бизга мерос қолдирган деган, хулоса – Ғафур Ғулом хулосаси тўғрига ўхшайди. Сабаби Маҳвашхоним шоира бўлган ва касалга чалинган, Машраб онаси ўлганда келиб, унинг қабрида бир неча кун йиғлаб, зиёрат қилиб ўтирганда «киши бандаси» сингил оғир дарддан азоб чекаётган эди. Эҳтимол, Машраб девонини тузган ва уни халққа тухфа қилган Маҳваш мутаассиб

¹ Юқоридаги асар, 144-бет.

² М. Зокиров. Шубҳалар ўринлими? «Ўзб. адаб. ва сан.» 1982, 29 январь

³ Ғафур Ғулом. Адабий-танқидий мақолалар. «Фан», Тошкент, 1973, 56-бет

диндорлар томонидан гисубурида қилинган бўлиши мумкин. Чунки Машрабнинг янги топилаётган ғазаллари ўша дастлабки девонда йўқ. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

18-20 йил ватанидан дунёга чиқиб кетган Машраб ҳаёти ва ижодидан унинг жазоланган ва эрта ўлиб кетган синглиси Маҳваш хабарсиз қолиши табиийдир.

Қатъий хулоса шуки, ҳамма тадқиқотчиларни бошини қотираётган ва ким томонидан тасниф қилингани номаълум бўлган «Девони Машраб» куллийети шоирнинг танҳо оқила синглиси Маҳваш томонидан тузилгани аниққа ўхшайди. Машрабнинг хоксор ва некбин синглиси Моҳибадр – Маҳваш камтарона хизматини бу девонни тузганда бирон жойга ўз номини битмаган ва иддаода бўлмаган бўлса керак.

Ж. Юсупов томонидан тайёрланган ва нашр этилган «Меҳрибоним, қайдасан» Машраб шеърятини мажмуасига «Девони Машраб» асос бўлган.

Адабиётшунос, Машраб ижодининг тадқиқотчиларидан бири А. Абдуғафуров шоир меросининг турли муаммолари ҳақида қуйидаги фикрларни айтади:

«Шоир меросининг мундарижаси ва ҳажмини белгилаш, асарларининг аслий ёки аслига яқин матнларини тиклаш энг муҳим ва мураккаб масалаларидан биридир.

Афтидан, шоир ўз асарларини тартибга келтириш, девон тузиш учун унчалик қайғурмаган. Бу жиҳатдан унинг ҳаёти ва ижодини баён этувчи манқаб – қиссага мана бу лавҳанинг кириб қолиши тасодифий бўлмаса керак:

«Шоҳ Машраб айтган сўзларини йиғочга битиб ташлаб кўяр эдилар. Ёрканд ҳокими охундининг шогирдлари айдилар:

– Шоҳ Машрабдин бир китоб қолса яхши бўлур эрди!

Охунд Машрабга мурожаат қилиб:

– Таксир подшоҳим, Сиздин бир китоб ёднома қолса дермиз!

Машраб айдилар:

– Охуним, китоб қолмағай дерман. Агар мандин китоб қолса аҳли муҳаббат хароб бўлурлар! – деб китобларини ўтқа ташладилар». Қандай бўлмасин, Машрабнинг ўз ёзмишларини куллийет ёки девон ҳолида тўплаганлиги хусусида бирор маълумот йўқ. Ҳанузгача шоирнинг қандай ва қанча асар ёзганлиги, қайси адабий жанрларда қалам тебратганлиги аниқланган эмас». ¹

Машраб адабий меросининг ҳажми, мундарижаси, жанр хусусиятлари ҳали етарли даражада тўпланган ва ўрганилган эмас. Машрабнинг ҳали нашр этилмаган етмишдан ортиқ ғазаллари топилганлиги ҳақида хабар ва бир неча намуналар топилгани бу соҳада ҳали кўп ишлар қилиш кераклигини кўрсатади. ²

Тўғри, жаҳонгашта, дунёнинг салкам ярмини саёҳат билан кезиб, мазлум халқ оммаси ахволдан бохабар Машраб ижодиёти, унинг – ҳар ерда қолиб кетган шеърини мажмуа намуналарини тўплаш хийла мураккаб ва мушкул ишдир. Шундай бўлса-да, заҳматкаш Машраб фидойиси (унинг уч асрлик кейинги шогирди десак ҳам бўлади) Ж. Юсупов ўзининг камтарона меҳнати, иддаосиз саъи-ҳаракати туфайли Ўзбекистоннинг кўплаб кутубхоналарида ўтириб, унинг ижодиётига мансуб бўлган кўлёмаларни – шеърини мажмуаларни тўплаб 1000 (минг)дан кўпроқ ҳали ҳеч жойда эълон қилинмаган шеърларни эълон қилаётир.

Ёш адабиётшунос олима, Машраб тадқиқотчиси Ҳамроева Дилоромхон «Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси» мавзuida миллий адабиёт тарихи доирасида номзодлик десертацияси ҳимоя қилиб, машрабшуносликка ҳисса қўшди. Олима Машраб ижодининг турли қирраларини чуқур ўрганишга ҳаракат қилган, унинг поэтик маҳоратини чуқур таҳлил этган. У бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Машраб мероси ўзбек адабиёти тарихида ўз мақеига эга. Машраб шеърятини мумтоз адабиётнинг энг илғор анъаналари заминиде шаклланган. Айни пайтда, у ўзига хос моҳият ва жозигабага эга шеърят. Шоир ижодида Аҳмад Яссавий, Ҳофиз Шерозий, Жалолиддин Румий, Лутфий, Имомиддин Насимий, Алишер Навоий, Шавкат Бухорий, Ҳилолий, Рабғузий шеърятининг таъсири кўрилади. Машраб ижодини шартли равишда уч босқичга бўлиш мумкин.

¹ Абдурашид Абдуғафуров. Қалб қаъридаги кадрийатлар, 155-бет.

² И. Абдуллаев. Машраб ва Мабдаи нур. «Ўзб. адаб. ва сан. » 1991, 12 апрель.

Биринчи босқич, Наманган адабий муҳитида шаклланган Машраб лирик шоир сифатида кўзга ташланади. Унинг шеърларида инсоний туйғуларнинг берган ифодаси, ўзига хос бир завқ, туғёнлик устунлик қилади.

Иккинчи босқич, Машраб ижодига Қашқар адабий муҳити ҳам катта таъсир ўтказган. Тасаввуфий истилоҳларнинг Машраб шеърларига чуқур кириб бориши, Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Лутфий, Алишер Навоийнинг ирфоний ғазалларига эргашиш шу даврларга тўғри келади. Машрабга замондош Навбатий, Ҳароботий, Ҳирқатий, Залилий, Гумном, Арший каби шоирлар ҳам «кошки», «айт», «бор», «оқибат», «келмади» радибли Навоийнинг бир неча ғазалларига баҳсма-баҳс назира ёзган. Демак, Алишер Навоий ва Бобораҳим Машраб ижодида бу қадар яқинликнинг вужудга келиши бежиз эмас. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, Машраб инсонпарвар, маърифатпарвар шоир.

Учинчи босқич, Офоқхожа даргоҳини тарк этгач, Машраб қаландар либосида дунё кезган. Турли халқлар маданияти, адабиёти, таълимотлари билан танишган. Жумладан, Имомиддин Насимий ҳаёти ва ижодининг Машрабга таъсири бекиёсдир. Насимий шеърляти Машрабни Мансур Ҳалложга яна ҳам яқинлаштирган. Унинг айрим шеърлари шатҳ холининг ифодасидан иборатдир. Машраб ва Насимий шеърлятидаги энг катта ўхшашлик руҳият тасвирида, лирик қаҳрамоннинг самовий ҳисларга йўғрилган руҳонияти гўзалликларини очиб беришда кўзга ташланади. Бир сўз билан айтганда ушбу босқичдаги Машраб – руҳоният куйчиси». ¹

Бобораҳим Машраб ўзбек классик адабиётнинг порлоқ юлдузларидан бири сифатида асрлар оша ўзидан таратган нур билан қалбу – руҳимизни ёритиб, ўз ёқимли шеърлари билан халқимизга манзур бўлиб келмоқда. У ҳам сўфий, ҳам лирик ва файласуф шоир, айна ҳолда инсонпарвар мутафаккир ва эркин тафаккур яловдори, адолатсизликка қарши кураш фидоий йўлчиси эди.

Машрабнинг ижоди кўп қиррали. «Ғараз кавну мақомдан ишқ эди, не кону не жавҳар» у, ҳақиқий ошиқ, ишқ ўтида куйиб кул бўлган шоир. Руҳининг уммонида ишқ тўлқинланиб туради, алангали, ниҳоясиз ва сонсизким лафз, калима ва иборалар қолипига сиғмайди, шеър вазни унга торлик қилади. Шу сабабли у ҳам баъзан Жалолиддин Румий сингари анъаналар чегарасидан чиқиб, ниҳоят ширин, ёқимли ва содда иборалар билан ўз хис-ҳаяжонларини ифодалаб «минг маънини бир нуқта билан мухтасар эттим», – дейди. ²

Замон ва замин дардини ўзида сингдирган Бобораҳим Машраб халқ ичида юриб, ҳақсизлик ва жаҳолатга қарши исён қилади. Аммо унинг исёни, олимларимиз ёзиб келганидай, феодал тузумга ёхуд дин ва худога қарши исён эмас, балки, аксинча, динни шайтоний нафсга қурбон қилган, мунофиқ ва порахўр, тамагир кишилар, уларнинг ҳамтовоқлари бўлган ўзга «аҳли бадқирдор»га қарши исён эди. Агар тасаввуфий нуқтаи назардан янада чуқурроқ олиб қарайдиган бўлсак, бу дунёнинг ўзига, барча нокасликлар, ишқсизлигу илоҳсизликлар жамулжамлигига қарши норозилик исёнидир. Шу учун ўз руҳининг аршга кўтарилгани, кайҳоний парвозидан ҳайратланувчи Машраб, айна вақтда фалак зулмидан, «бахти қаролар подшоҳига» айлангани, «жафодан монанди лол» бўлганини айтиб нолийди, зоҳирни кўриб, ботинни англамайдиган калтафаҳм шайхлар, ҳаром ва порадан ҳазар қилмайдиган муллоларни ҳажв остига олади, соф «заминий» шеърлар битади:

*Тинмайин юрдум бу ғам даштида ҳайронлик билан,
Охир умрим ўтди, сад афсус, нодонлик билан.*

*Бир гули шодим очилмай бахт гулистони аро,
Ҳайф умрим оқибат ўтти паршонлик билан.*

*Баски илму ҳолу қолнинг йўлида қилсанг амал,
Ушбу муллолар бари бухлу ҳаводорлик билан.*

*Неча мулло илм ўқуб, роҳи шаётинни топиб,
Чун рибоу риввани ерлар хушдорлик билан.*

Рост сўз айтсанг аларга зарра қилмаслар қабул,

¹ Ҳамроева Дилором Юнусовна. Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати.

² Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон, 139-бет.

«Куфр айттинг!» деб урарлар неча озорлик билан.

*Машрабо, ҳар бир сўзунгдур гавҳари қимматбаҳо,
Айтма бу сўзларни ҳар нокасга нодонлик билан.*¹

Машрабдаги комил эътиқод, илоҳ ишқи билан чўғланиб, ловуллаб турган виждон ҳақиқатни рўйрост айтиб, разолат аҳлини фош қилишга қудрат ва журъат берган. Зотан, у оддий қаландар эмас, балки улуғ шоир – қаландар, бир томондан «девона авлиё, иккинчи томондан дўсти кадрдон, ҳамдард инсон эди. Шунинг учун унинг шахси ҳам, ашъори ҳам, тарихда фавқуллодда ҳодисадир. Бу фавқуллодда шахс инсон, тийнати ва тақдирига хос улуғ бир зиддиятли фожиани теран англаб етди ва бу дард унинг шеърининг борлиги моҳиятини белгилади.²

Машраб лирикаси ўта таъсирчандир. Унинг ғазаллари, муҳаммас ва мураббаълари китобхонга янги-янги ҳис-туйғулар бахш этади, тўлқинлантиради. Бунинг сабаблари, биринчи навбатда, халқнинг дилига ва руҳига мос ва хос мазмунида бўлса, иккинчидан, шу мазмунга мувофиқ шакл гўзаллигида, ғоят самимийлигида, мусиқийлиги ва жонлилигида, ўйноқилиги ва жарангдорлигида, тасвирий воситаларнинг ранг-баранглиги ҳамда табиийлигида, бир сўз билан айтганда, бадиий етуклигидадир. Машраб туб маънода сўз санъаткоридир. Унинг мисралари мантиқан равшан, у ҳар бир сўзни чертиб қўяди, тежаб ишлатади ва натижада мисралар, байтлар ягона бир бирикма даражасига кўтарилади:

*... Кунда юз минг жабр қилсанг, ўргулай,
Кўй қадам гам юкини бардошима*

*Машраби девонани ҳайрон этиб,
Не сабабдин келмадинг бир қошима?»³*

Машраб ижодининг асосий йўналишини унинг халқчиллиги белгилайди. Унинг ўзи ҳам халқ оммаси каби ҳаёт кечиради, халқ орасида юради ва булар ҳаммаси унинг ижодига ижобий таъсир қилади. У оддий одамларнинг – қийин ҳаёт кечираётганларнинг ахлоқи, виждони соф эканлигини ва бу жихатдан уларнинг ҳар қандай дин арбоби, амалдорлардан устун эканлигини кўрди ва тушунди. Шунинг учун уларни Бадахшон лаълисига, золимларни эса қора тошга ўхшатиб, фахр билан қўйидаги байтларни ёзган эди:⁴

*Муддаи марди худодин ўзини тутса баланд,
Қаро тош ёқут ўлуб, лаъли бадахшон бўлмас.*

*Машрабо, гар сени ҳижрон ўқи минг пора қилур,
Гам ема, лаъл неча порадуар арзон бўлмас.*

Ёзувчи Ҳамид Ғулум Машраб таваллудининг 350 йиллиги муносабати билан «Машрабга дебоча» номли мақола ёзган. Унда айтиш жоизки, ёзувчи Машраб устози Офокхожага нисбатан салбий муносабатда бўлиб, уни тажовузкор эшон деб атаган. Бугунги кунда ёзувчининг бу фикрларига қўшилиб бўлмайди. У Машрабнинг Сайрамга, Яссига ва Хўжандга келганлиги ҳақида тўхталади: Бобораҳим Машраб аввал Сайрамга келиб, Хўжа Аҳмаднинг ота-оналари шайх Иброҳим ва Қорасоч она макбараларини зиёрат қилади. Шундан кейин йўлида давом этиб, Ясси-Туркистонга етиб келгач, Амир Темур кўрагон қурдирган улуғ макбара ҳужраларидан бирига қўнади.

Бобораҳим Машраб ўзи ҳаёт вақтидаёқ фақат Туркистонда эмас, балки бутун мусулмон Шарқида инсонпарвар, халқчил шоир сифатида донг чиқарди. Биз унинг қадами етган ҳар бир масканда алоҳида эъзоз ва эҳтиром билан кутиб олингани, олимлар ва шоирлар анжуманининг гули бўлганини, ғазаллари ҳофизлар томонидан севиб куйланганини яхши биламиз. Шоир узоқроқ яшаган Наманган, Қашқар, Туркистон (Ясси)дан ташқари, унинг Хўжанд ва Бухородан олимлар, шоирлар, ҳатто аркони давлат мажлисларида жўшқин маърузалар қилганлиги, мушоира, мусохабаларда ҳамиша ғолиб чиққанлиги бир қанча хотираномаларда қайд этилган.

¹ Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан, 129-бет

² Нажмиддин Комилов. Тасаввур. Тавҳид асари, «Ўзбекистон», Тошкент, 1999, 134-бет.

³ Машраб. Нашрга тайёрловчи А. Абдуғафуров, 10-бет.

⁴ А. Ҳайитметов. Ҳаётбахш чашма, Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1974, 158-бет.

Шундай бир ривоят бор: Хўжандда, каландар – дарвишлар анжуманида ўзига хос мусобақа ўтказилган эмиш ва бу мусобақа ғолиби – сўзи, нафаси ўткир, «қуввайи жазава», яъни ваъзхонликда бетакрор, мантиқда беназир Бобораҳим Машрабга «Шоҳ Машраб» деган улуғ ном берилган эмиш. Машрабдаги фикрий ва шеърый жасорат беназирдир.

А. Абдуғафуровни замонасозлик қилиб, Машраб устози Офокхожа юзига «лой чаплаб» ташлаганини ва шоир шеърятини 360 градус билъакс, терс таҳлил қилиб мақолалар ёзганлигини, лекин бирон-бир ўринда Машраб олдида гуноҳкорлигини эътиборга олиб, тавба қилганлигини учратмадим. Аммо шундай бўлса-да, адабиётшунос кейинги мақолаларида Машраб шеърятдаги диний истилоҳлар ва қарашлар, Офокхожанинг Машрабга бўлган ёндошувини тўғри изоҳлаб, шарҳлай олган: Офокхожа билан Машраб ўртасидаги муносабатлар асло ғоявий душманлик тарзида кечмаганлигини – ўз ҳаётини, барча фазилатларини, хатто «ҳар нафаси»ни пирининг шарофатидан, деб очиқ ойдин таъкидлайди.

*Ҳар нафаски, манда бор бўлди мадад Офокхожам,
Бўлмаса бир қуруқ ёғоч, даштда қўхсор ўзум.*¹

Машраб ижоди таҳлил қилинганда, у ҳақдаги қиссаларга, уларнинг турли вариантларига, улардаги ривоят ва афсоналарда шоир шахсияти, унинг ижодига мансуб шеърларнинг қиссаларга сингдириб юборилганлигига эътиборни қаратамиз.

«Қиссаи Машраб» халқ наsrининг энг гўзал намуналаридан биридир. Машраб ҳаёти ва ижоди «Қиссаи Машраб», «Девона Машраб», «Шоҳ Машраб», «Ғазали эшони шоҳ Машраб», «Эшон Машраб», «Эшон шоҳ Машраб», «Эшони шоҳ Машраби девонаи Намангоний», «Мухаммаси шоҳ Машраб» каби турли номлар остида инқилобга қадар китобот қилинган бўлиб, машрабхонларнинг энг сеvimли асари сифатида катта шуҳрат қозонган.

Ривоят ва афсоналар халқимизнинг Машраб шахсияти ва ижодига беқиёс меҳрининг тимсолидир. Бинобарин, «Қиссаи Машраб» шоир тўғрисидаги халқ ривоятлари ва афсоналарининг Пирмат Сеторий томонидан жамланиб, бадий жиҳатдан қайта ишланган ва китобот қилинган намуналаридир. Шоир ўзи ҳаётлик вақтидаёқ унинг дилрабо ғазалларини ҳофизлар севиб куйлашгани сингари «икки жаҳонга сиғмаган» соҳиби ишқнинг ғаройиб ҳаёт йўли муқаддас қадамжолар ва азизлар остоналарини зиёрат қилиб юрган бузруквор шоир – каландар тўғрисидаги ҳикоялар оғиздан-оғизга ўтиб, эл орасида ривоятлашиб, Машраб номи тилларда дoston бўлиб кетган. Кейинчалик эл орасида тарихий наср намунаси сифатида оmmаллашиб улгурган бу ривоят ва афсоналар халқ оғзаки ижодиётининг маҳсули бўлиб, бизгача асосан оғзаки ва ёзма манбалар орқали етиб келган. Ровийлар бу шоир ҳақидаги ривоятларни севиб сўйлаганлар, ўзининг бутун умрини ҳақиқатга етишиш йўлида азият чекишга сарфлаган Машрабнинг бевафо оламда маънавий тубанлик, разолат, ақлий нажосатга ботган инсонларга – подшодан тортиб қозигача, сохта олиму вафосиз обидгача, ўғридан тортиб нобоп дехқонгача бўлган нафрат-ғазоби, Ҳақ ишқи йўлидаги собит иймони, адлпарвар, одампарварлиги эл-улус орзу-умидларининг ифодаси янглиғ тоборо мажозийлашиб, афсонавийлашиб борган.²

Фитратнинг «Машраб» номли тадқиқоти XX аsrнинг 20-йиллари охирида Машраб шахси ва ижоди ҳақида нотўғри тасаввурлар кенгайган бир пайтда яратилди. В. Вяткин, Ғафур Ғулом ва бошқа кишилар шоирни «Икки Машраб»га ажратишга уриниб, унинг «Мабдаи нур» асари билан тасаввуфий шеърларини бошқа Машрабга «инъом» қилаётган бир пайтда бундай илмий кашфиётлар нотўғри эканлигини кўрсатиб берган мақоладир. Шунинг учун ҳам у машрабшуносликда то ҳозирга қадар ўз кучини йўқотмаган чуқур тадқиқот саналади.³

Мақолада Машраб ижодининг ўрганилиш тарихи, унинг қаландарлик тарикатини қабул қилиши, шоир асарлари ҳақида сўз боради. Унинг биз учун қимматли томони шуки, унда Фитрат – Машраб асарлари бўлган «Мабдаи нур», «Кимё» асарларини ҳақиқий наманганлик мутасаввуф шоирга тегишли эканлигини исбот этади: «Унинг бу кун бизга маълум бўлган асарлари мақоматида унга нисбат берилган шеърлар, 1906 йилда Қозонда босилган

¹ А. Абдуғафуров. Қалб қаъридаги қадриятлар. 162-бет.

² М. Жўраев, С. Рафъиддин. «Қиссаи Машраб» хусусида. Қиссаи Машраб, «Ёзувчи», Тошкент, 1992, 3-бет.

³ Б. Дўстқораев. Машраб, изоҳлар. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар, 94-бет.

«Боқирғон китоби»да Машраб тахаллусли парчалар ҳам Машрабка нисбат берилган «Мабдаи нур» ва «Кимё» исмли манзуб китоблардан иборатдир. «Боқирғон китоби»даги ўн парчанинг шул бизнинг Машрабнинг асарлари экани манқаб китобидаги шеърларни текширганимизда қатъий суратда онглашилди. Ундаги шеърларнинг ҳаммаси оз – кўб ўзгаришлар билан манқабда мавжуддир. Шунинг учун биз тўппа-тўғри манқабдаги шеърлар ҳақида гапурамыз: манқабанинг Машраб томонидан эмас, унинг муриди ё муридининг муриди бўлган бир киши томонидан афсонавий ва хаёлий бир шаклда тартиб қилингани бўлган гап».¹

Фитратнинг хабар беришича, «Мабдаи нур» Румийдан таъсирланиб ёзилгандир. Жалолиддин Румий «Маънавий маснавий»сини форс тилида ёзган бўлса, Машраб унга эргашиб, «Мабдаи нур»ни туркий тилда ёзган. Фитрат бу ҳақда шундай дейди: «Энди Машрабга нисбат берилган «Мабдаи нур» китобига кўчайлик. 1912 йилда Бухорода бош босмада босилган бу китоб машҳур Жалолиддин Румийнинг маснавийсига ўзбек тилида шарҳ каби ёзилгандир. Жалолиддин Румийнинг маснавийсидан баъзи байтлар олинган. Ҳар бир байтнинг форси (й)ча матнидан кейин айнаи вазнда ўзбекча манзум шарҳ бошланадир. Шарҳда Жалолиддин Румийнинг сўфиёна рамзлари изоҳ этиладир. Ондан кейин сўзнинг боришига муносиб бир-икки ҳикоя берилладир. Аксарият эътибори билан бу ҳикоялар машҳур сўфиларнинг ҳаётларидан олинган ёхуд шуларнинг ҳаётига боғланган бўладир. Ҳикоядан кейин шул ўринга муносиб ўзбекча ғазал келадир. Ғазалларнинг охири мисраъида «Машраб», «Мабдаи нур» сўзлари баровар юрадир. Фикримча, бу китоблар «Мабдаи нур» аталиши ҳам шунинг учун бўлса керак. Ғазалдан сўнгра яна Румийнинг маснавийсидан бир байт берилиб, юкоридаги тартиб билан давом этиладир. «Мабдаи нур» китоби уч жилд бўлуб, «Маснавий»нинг 1-2-3-жилдларига боғланган. Машрабнинг манқабдаги ғазалларидан бир қисмида кўрилган ҳаяжон «Мабдаи нур»даги ғазалларда йўқ. Умуман «Мабдаи нур»даги ғазаллар сўфиёна насиҳатлардан, йиғлашга ташвиқ, ўлумдан кўркитиш каби мавзуларга бағишланган. Масалан: Худо йўлига йиғлаш кераклиги ҳақида Румийнинг шу форси (й)ча байтини оладир.²

*Раҳматам мавқуф он хуш гузиҳо аст,
Чун гирист аз баҳри раҳмат мавж хост.*

Ва шуни тубандагича изоҳ қиладир:

*Йиғла ҳар соатки, жонинг борича,
Зикри ҳақ айткин забонинг борича.*

*Сен бу давлатхонада дам ўлтума,
Қил ёқангни чок беғам ўлтума*

Фитратнинг ёзишича, Вяткин «Мабдаи нур» асарига шубҳа билан қараганлиги у эҳтимол бошқа Машрабга доир асар бўлиши мумкин деган фикрни ташлаганлигини гумон қилганлиги учун уни танқид қилган: «Эмди бу китоб Машрабникими, йўқми деган бир масъаланинг устида бир оз турайик. Проф. Вяткин «Мабдаи нур» китобининг маълум манқабдаги Машрабники эканига шубҳа қиладир. «Мабдаи нур»даги шеърлар билан манқаб орасида Машраб исмидан бошқа ҳеч бир ўртоқ нарса йўқдир. «Мабдаи нур»нинг бошқа бир Машрабники бўлмоқ эҳтимолини тақдим қиладир. 17-асрнинг охирилари билан 18-асрнинг бошлари орасида ёзилган «Мабдаи нур» бу асарларда Машраб исмли тарихий бир одам борлиғига шубҳа қолдурмайди. П. Вяткин мана шу тарихий Машраб билан манқаб қахрамони бўлган Раҳим бобо – Машрабнинг бир киши эканини оча олса эди, бу даврда яна афсонавий бир Машраб ўйлаб чиқаришга лузум қолмас эди, албатта».³

Вяткиннинг кечирилмас хатосини, ҳақиқий Машрабнинг асари бўлган «Мабдаи нур»нинг бошқа Машрабга доир деган тахминини йўққа чиқариб, «Мабдаи нур»даги ҳар бир воқеалар тафсилотини муфассал ўрганган Фитрат холисона фикрларни айтган. Шу билан бирга Машрабнинг тарихий шахс эканлиги, манқаб қахрамони бўлган Машраб томонидан бу асар ёзилганлигини, «Девонаи Машраб» ва «Мабдаи нур»даги шеърлар бир хил услубда

¹ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар, 94-бет.

² Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар, 102-бет.

³ Фитрат. Танланган асарлар, 103-бет.

эканлиги, Офокхожанинг наманганлик муридидан бошқа Машраб исмли муриди йўклиги, бу асар Румийнинг маснавийсига жавобан ёзилган деган фикрларни ўртага ташлаб, алҳол «Мабдаи нур» Бобораҳим Машраб қаламига мансуб асар эканлигини ишонарли исбот этган: «Биз, зотан, «Мабдаи нур»га қарамасдан, манқаб ақрамони бўлган Раҳим бобо – Машрабнинг тарихий бир шахс эканини исбот қила олдик. Эмди «Мабдаи нур»нинг ҳам шу Раҳим бобо – Машраб томонидан ёзилганини исбот қиламиз:

а) «Мабдаи нур»нинг тили манқабдаги шеърларнинг тили билан бирдир;

б) Маориф комиссарлиги ихтиёрида бўлган муфассал «Девонаи Машраб» китобида тўрт-беш парча маснавий борки, услуби ҳар жиҳатдан «Мабдаи нур» услубининг айнаидир;

в) Офок Хўжа муридлари орасида Жалолиддин Румийнинг маснавийсини ўзбекча шарҳлаб юришга айрича аҳамият берилган. Мажзуб Намангоний ўзининг «Тазкират ул авлиё»сида Офок Хўжа муридларидан қашқарлик Мақсуд Хожанинг ҳам «Маснавий»ни ўзбекча шарҳлаб, дарс бериб юрганини махтаб ёзадир. Машраб ўзига ҳам Жалолиддин Румийнинг таъсири бўлганини юқорида кўрган эдик. Зотан, Жалолиддин Румийдан таъсирланган Машрабнинг ўз доирасининг талабиға мувофиқ маснавий шарҳи ёзиши қадар табиий нарса йўқдир;

д) буларнинг устида бир «Мабдаи нур» эгасининг Офок Хўжанинг муриди бўлганини ҳам хабар берсак, иккала Машрабнинг бир одам эканига ҳеч кимнинг шубҳаси қолмаса керак.

Бухорода босилган «Мабдаи нур»нинг 302 саҳифасида:

Имоннинг равнақи соҳиб дуони қийматиндадир

мисраъи билан бошланган бир ғазалнинг охирида шу байт бор:

*Этушти Машраб ўшал кони Мабдаи нурга,
Валийи Хожани Офок шоҳни ҳурматиндандур.*

Бу эса Офок Хўжанинг муриди эканини, яъни манқаб ақрамони бўлган Раҳим бобо Машрабнинг ўзи эканини очиқ кўрсатадир».

«Мабдаи нур» асари ҳақида илк мулоҳаза юритган адабиётшунос М. Зокиров шундай фикрларни баён қилади: «Мабдаи нур» асосан Жалолиддин Румийнинг «Маснавий»си таъсирида ёзилган. «Мабдаи нур» қуйидаги тартибда битилган: асарнинг бошланиш қисмида Жалолиддин Румийнинг «Маснавий»сидан илк байт олинган ва шу илк байт шарҳи сифатида кириш қисми ёзилган. Бундан кейин шу «Маснавий»дан турли байтларни сайлаб олиб бир қисмининг бошланмасига битилиб, ундан кейин Машрабнинг ўзи шу байтларнинг шарҳи сифатида турли диний афсонавий, ахлоқий ҳикоятларини берган.

«Мабдаи нур» 176 та диний, афсонавий, ахлоқий ҳикоятлардан, 30 та таълимий парча, 35 та ғазал, 2 та ўзбекча, 1 та арабча мустазаддан иборат».¹

«Мабдаи нур» ҳақида илмий мунозара давом этар экан, уларни бартараф этиш, баҳсларга ҳолисона чек қўйиш мақсадида бугунги кунда марҳум машрабшунос олим Исмадуллоҳ Абдуллоҳнинг «Тафаккур» журналида эълон қилинган айрим адолатли қайдларини келтиришни домла руҳонияти олдидаги бурчимиз деб билдик. Эҳтимол, бу домланинг «Мабдаи нур» ҳақидаги охириги ҳулосаси ва сўнги мақоласи бўлса керак. Чунки у киши «Мабдаи нур» Машрабга тегишли асар эканлигини исботлаш учун кўп тер тўқди, чала бўлса-да, уни нашр этди. (Мен Машраб тадқиқотчиси сифатида «чала» сўзини истиҳоласиз ишлатдим, негаки, заҳматкаш олим, хатирчилик Жалолиддин Юсупов «Мабдаи нур» матнини нашрга тайёрлашда олдинги нашр даҳшатли хатоларга тўлиқлигини, Машрабга ҳурматсизлик шу даражада совуққонлик ва чала-чулпалик билан «бажарилган»лигини исботлаб берди. Таъкид: – Ҳ. М) Исмадуллоҳ Абдуллоҳ мақола номини «Ғайри илм шарпаси» деб қўйган. Домлани мазкур мақолани ёзишга ундаган ҳол филология фанлари номзоди Мўминжон Сиддиқов «Тафаккур» журналининг 2003 йил 4-сонидан эълон қилган «Мабдаи нур» муаллифи Машрабми?» мақоласи туртки бўлган.

Исмадуллоҳ Абдуллоҳ мазкур мақоладаги фикрга катъий эътироз билдириб, муаллифни бирон бир манбага таянмай, ишончли далил келтирмай, муаллифнинг асоссиз даъволарига

¹ Бобораҳим Машраб. «Мабдаи нур», «Фан», Тошкент, 1994, 7-бет.

шундай маносабат билдириб, эътирозларини ва «Мабдаи нур» нинг Машраб асари эканлигини, асар унинг ижодига мансуб эканлигини исботлайди.

1. Фитрат «Мабдаи нур»ни Машрабга тааллуқли эканлигини исбот этган. (Уни биз ҳам юқорида шарҳладик. Таъкид: - Ҳ. М.)

2. ЎзРФА Шарқшунослик институтида «Мабдаи нур» қўлёзмаларидан 9 таси илмий тавсиф қилиниб, «Собрание восточных рукописей АН Уз ССР» фикристига киритилган (Тошкент, 1954, Т, II, №1554-1562). В. Беляев, А. Кононов, Н. Миклухо-Маклий, А. Молчанов, А. Семёнов каби йирик шарқшунос олимлар тузган бу фикристеда «Мабдаи нур» Бобораҳим Машраб асари деб кўрсатилган. (Жалолиддин Юсуповнинг шахсий кутубхонасида «Мабдаи нур» нинг 19 (ўн тўққизта) турли шаҳарларда чикқан қўлёзма нусхалари мавжуд, бу эса бошқа кутубхоналаримизда йўқ. Таъкид: Ҳ. М.)

3. «Мабдаи нур» нинг 1866 йили кўчирилган, хозирда Шарқшунослик институтида сақланаётган 3786-рақамли қўлёзмаси муқаддимасида «Мулло Раҳимбобо девонаи Намангоний ал-машҳур, мулоққаб ба Машраб» дея эътироф этилган.

4. Фафур Гулом «Мабдаи нур» муаллифи деб атаган Ҳофиз Рўзибой 1840 йили вафот этган, у Машрабдан юз йил кейин туғилган, русларнинг Ўрта Осиёга босиб келиши гувоҳи бўлган.

5. Шарқшунослик институтида сақланаётган 9968 – рақамли қўлёзмада Машрабнинг «Алифни дилга жо қилмокни бисмиллоҳдин ўргандим» деган машҳур мисраси билан бошланадиган ғазали ҳам (124 варақ) «Мабдаи нур» Машраб асари эканини тасдиқлайди.

6. «Мабдаи нур»даги ғазаллар сўфиёна руҳи, тили, бадиий услуби ва мазмуни жиҳатидан Бобораҳим Машраб қаламига мансублигига шубҳа қолдирмайди.

7. «Мабдаи нур»да учрайдиган «девона», «телба», «шоҳ» сўзларини фақат Бобораҳим Машраб ўзига нисбатан ишлатган ва шундай номлар билан шуҳрат қозонган.¹

«Мабдаи нур» Бобораҳим Машрабга тааллуқли асар эканлиги илмий жиҳатдан асосланган. Улуғ шоир мероси қайсидир шубҳа ва гумонларга эмас, мавжуд манбалар ва машрабшуносликда эришилган илмий натижаларга таянмоғи шарт.

Машраб ижодида унинг «Мабдаи нур» ва «Кимё» номли шеърый насрлари алоҳида ўрин тутуди.

Бу икки асар жуда муҳим фалсафий, ахлоқий, тарбиявий, илмий аҳамиятга эга бўлиб, Машраб асарлари сифатида халқ томонидан ўқилиб, оғиздан-оғизга ўтиб келган. Ҳеч ким бу китобларни қандайдир Машрабга нисбат бермаган. «Мабдаи нур» ва «Кимё» ҳақида илмий фикр юритиш XX аср бошларидан пайдо бўлди.

«Девонаи Машраб» китобининг рус тилига қилинган таржимасида Н. С. Ликошин шундай ёзади: «Бундан ташқари мен В. П. Наливкиннинг маслаҳати билан Машраб қаламига мансуб «Мабдаи нур» асари билан танишдим. Бу бир қанча ибратли ахлоқий ҳикояларни ўз ичига олган. Девонаи Машраб таржимаи ҳолига оид маълумотлар тўплаб беришни илтимос қилиб танишим Наманган уезди Чуст шаҳри қозиси Домулло Масъуд Мағзум, Домулло Муҳаммад Мурод қози калонга мурожаат қилдим. У ўғли Шайхулислом Нодим билан Машраб ҳақида мени қизиқтирган маълумотларни юборди.¹

Адабиётшунос, машрабшунослар орасида «Мабдаи нур» ва «Кимё» асарлари қайси бир шоир қаламига мансуб, деган савол ҳали-ҳанузгача ҳукм суриб келмоқда. Бунга сабаб, тадқиқотлар кўламнинг мукамал эмаслигидадир, деб ўйлаймиз.

Мақола аввалида алоҳида таъкидлаб ўтишни лозим топдикки, «Мабдаи нур» ва «Кимё» Раҳимбобо Машрабнинг китобларидир. Бу борадаги айрим шубҳаларни тарқатиш, авлиёйи ҳақ Машраб ҳазратларининг муборак руҳларини чирқиратмаслик илинжида ушбу мақолани ёздик ва ўз камтарона фикр-мулоҳазаларимизни далилларга асосланган ҳолда баён этишга ҳаракатландик.

Навий номли Тошкент давлат музейида 63-рақамдаги «Мабдаи нур» асари сақланади. Филология фанлари доктори Саидбек Ҳасаннинг марҳаматлари ила ушбу нодир нусхани тасниф этишга мушарраф бўлдим.

Ушбу асар 1288 ҳижрий, 1871 мелодий йилида «... ори замони адолат ҳазрат амиралмўъминийн ва зубдатул-ҳавоқийн Ҳазрат Амир Музаффар Муҳаммад Баҳодир султон

¹ Исмагуллох Абдуллох. Ғайри илм шарпаси. «Тафаккур», 2005, 1-сон, 123-бет.

¹ Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур, «Фан», Тошкент, 1994, 13-бет.

Ҳамиддаллоҳи таоло...» замонида ёзиб тугалланган. Амир Музаффар 1860-1885 йилларда Бухоро амирлигининг ҳукмдори бўлганлар. Асар Абдулқайюм хожа ибн Абдулла хожа каламига мансуб бўлиб, Машрабнинг «Мабдаи нур»ига қилинган пайравдир. «Пайрав» – издошлик, изидан ёхуд йўлидан бормоқ маъноларини англатади. Бу ҳақда Абдулқайюм хожа асар хотимасида шундай лутф қиладилар:

*Бўлди чун имдод руҳи Мавлавий,
То тамоғ эттим бу шарҳи «Маснавий».
Кимки битса ё ўқуб қилса назар,
Ҳақ қилур, албатта, иймонин қавий.
Шарҳи Машрабда муножоту газал,
Бул Ҳазин ҳам қилди андак пайравий.
Ким ўқуса сидқ ила, солса қулоқ,
Қолмагай кўнглида ғамдин бир жавий.
Ботини ғам-ғуссадин афсурдаси,
Нур олиб, албатта, ул тоғай навий.
Маънийи Қуръондир, абётий эмас,
«Мағзи Қуръон», деди пири маънавий.
Ё илоҳо, бул Абдулқайюм хожага қил карам,
Рутбайи урфон фаҳми «Маснавий».
(«Мабдаи нур», инв. 63. 227^а варақ)*

Ҳазин – Абдулқайюм хожанинг адабий таҳаллуслари бўлиб, ғамгин, хафа, кайғули маъноларини англатади. Ҳазин Машраб томонларидан ёзилган шарҳ, ҳикоят ва ғазалларни тўлиқ келтирадилар. Шундан сўнг Машрабга пайравлик қилиб, муножот, илтижо ва дуолар келтирадилар. Булардан сўнг бир ёки икки ғазални ўқувчилар диққатига ҳавола этадилар. Ҳазиннинг мақтаъсида, яъни тугалланмасида Машраб ва Мабдаи нур каломларини алоҳида таъкидлаб, ғазал муаллифи сифатида ўзларининг Ҳазин таҳаллусларини ҳам келтирадилар:

*Рост рў бўл, эй биродар, бўлмагин рафтори каж,
Рострўю рост феъл бўл, бўлмагин атвори каж.
Содиқул-қавл ўл, биродар, бўлма каззоби дурушт,
Мардни юз минг балоларга солур гуфтори каж.
Тахти ҳафтум ерга пинҳон айласанг феъли бадинг,
Халқи оламга бўлур маълум ҳам изҳори каж.
Зоҳиру ботин мувофиқ эт, мунофиқ бўлмагин,
Ким мунофиқдур иши бўлгай мудом идбори каж.
Нақшу коринг рост келса, зебу зийнат ортадур,
Пайрави нафармон кўринур бўлса гар бир тори каж.
Кизби норост ўлса қавлинг, зоҳиру ботин хилоф,
Фитналар рў бергай андин, ҳам яна осори каж.
Рост қавлу рост бўлсанг ҳар ера рост учрагай,
Бўлмасанг тўғри, қаён борсанг бўлур дучори каж.
Хор айлар мардни оламда мардум кўзига,
Охири Дўзахга бошлар бандани кирдори каж.
Хор бўлмас икки олам ичра мард гар рост рўй,
Рўйи беҳбудийни кўрмас, кимни бўлса кори каж.
Ростликдин яхшилар илкида жо топти асо,
Некларнинг базмига йўл топмагай беори каж.
Бебақодур давлату иқбол, кажрафтор халқ,
Зуд ўлур яксон йиқилиб бўлса гар девори каж.*

*Поклара ёр бўлсанг, охири бўлгунгду(р) пок,
Буларга ҳамсухбат ўлсанг, айлагай мурдори каж.*

*Ҳамчу Машраб «Мабдаи нур» бирла дилни рост қил,
Бул Ҳазин бандангни қилма, эй Худо, кирдори каж.*

Ҳазал ростлик-тўғрилиқ ва эгрилик; ростлик – чин, ҳақиқат ва кизб – ёлғон; яхшилик ва ёмонлик, инсоний фазилат ҳамда иллат баёнига бағишланган бўлиб, Машрабнинг Мавлоно Жалололдин Румийнинг:

*Каж машав, худ рост кун поси рост,
Рости, албатта, марзое Худост, –*

байтларини шарҳлаб берган икки ҳикоятларидан сўнг берилган. «Мабдаи нур»га пайрав сифатида ёзилган ҳар бир ҳазалнинг мақтаъси худди шу тахлитда хотималанган. Демакки, бундан «Мабдаи нур» Абдулқайюмхожа Ҳазиннинг асари экан-да, деган фикрга келишимизга ҳеч бир асос бўлолмайди.

Худди шунингдек, ўзларини Машраби Соний деб атаганлари Ҳофизи Рўзибой ҳақларида ушбу фикрни айтиш мумкин.

Умуман, ўзбек мумтоз адабиётида пайравчилик анъанаси алоҳида тадқиқ қилишга арзигулик бир йўналиш эканлигини таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Муқояса учун мумтоз адабиётимиздаги мухаммас жанрида ёзилган шеърларга назар ташлаб кўрайлик. Мухаммас – ҳар бир банди беш мисрадан таркиб топган шеър. Агар мухаммас бошдан охиригача бир шоир томонидан ёзилган бўлса, у шу шоирнинг ўз мухаммаси, ўз маҳсули ҳисобланади. Бордию, шоир ўз ҳазалига ёки ўзга бир шоирнинг ҳазалига уч мисра қўшиб, мухаммасга айлантурса, у тахмис деб юритилади. Ўзга шоир ҳазалига тахмис боғлаш XVIII аср охири ва XIX асрларда ижодкорлар орасида анъанавий бир йўналиш касб этган. Шоирлар ўтмишдошлари ёки замондошларининг ўзларига ёққан бирор бир ҳазалларини танлаб олиб, яъни тазмин (кафолат, қарз, омонат, замин – Ж. Ю.) сифатида фойдаланиб, унда ифодаланган маъно яхлитлигини сақлаб қолганлари ҳолда, унинг мазмунини янада кенгайтиришга ҳаракат қилганлар. Ва шу саъи ҳаракатлари билан салафлари ҳамда замондошлари ижодларига содиқликлари, чексиз эҳтиромларини ифода этганлар. Бу мумтоз адабиётимиздаги анъанавийлик ва ворисийликни сақлаб қолиш ҳамда уни ижодий ривожлантириш имконини берган. Масалан, Фурқатнинг Машраб ҳазалига боғлаган тахмис – мухаммасининг дастлабки ва охириги бандларини келтирамиз:

Фурқат: *Йиғилди дард аҳли мунда деб бир анжуман бўлсун,
Сабуҳи файз ато қилким, ҳаманинг зикри Сан бўлсун,
Валийлар руҳи поки кўзгудек фиган бўлсун,*

Машраб: *Карам қил, ё Карийм, бул халқада гул пирохан бўлсун,
Ҳамаул Ёрнинг дарди била бир жону тан бўлсун...
... Баҳаққи зоти покнинг ош Фурқат оҳин эшитгил,*

Фурқат: *Карамлик Подшоҳимсан гадонинг додига етгил,
Гуноҳим беадад, Саттор, сан айбимни беркитгил,*

Машраб: *Худоё, ушбу Машраб қалбини ислом(и)дин этгил,
Шу халқа ичра шоҳ бўлсун, гадо бўлсун ки ман бўлсун.*

Бунда ифодаланаётган фикр яхлитлиги, вазн, радиф ва қофияларнинг ўзаро мослиги Машрабда қай йўсинда бўлса, Фурқатда ҳам шу йўсинда давом эттирилган. Гўёки Фурқат Машраб ҳазалини омонатга олгану уни абадиян сақлаш учун ўз мисраларини кафил, зомин этган...

Пайравчилик ҳам шунга ўхшаш адабий бир жараёнدير. Машрабнинг «Мабдаи нур»лари бўлмаганида, бунга эҳтимол ва эътироз ҳеч ҳам йўқки, унга бунчалик шайдо ошиқ Машраби Соний ва Ҳазиндек буюк зотлар муҳаббат ила пайров қилмаган бўлур эдилар. Шундай экан, юқоридаги тахмис таркибидаги Машраб байтларини Фурқатга нисбат бериб

бўлмаганидек, «Мабдаи нур» муаллифлигини ҳам Ҳофиз Рўзибой ва Абдулқайюмхожага бериб бўлмайди. Лекин бу буюк зоти шарифларнинг рухлари олдидаги одоб бурчини унутиб қўйиш ҳам ноинсофликка киради. Чунки элимизда «дўстимнинг дўсти – менинг дўстим» деган нақл бор. Уларнинг пайравлари ошиқнинг маъшуқа этакларини, наълайни-кафшларини, ҳеч бўлмаганда шу кашф изларини зору зор ўпишга интилиш, деб тушунмоқ керак.

Раҳимбобо Машраб Мавлоно Жалолоддин Румий (1207-1274) ҳазратларининг «Маснавий» асарларидан олинган 66 байтга пирлари Ҳидоятулло Офоқхожанинг даъватлари ва Жалолоддин Румий ҳамда Аҳмад Яссавий жанобларининг руҳоний рухсатлари билан шарҳ битганлар.

63-рақамли «Мабдаи нур»да баён қилинишича, Машраб пирлари Офоқхожа хизматларида юрган даврларида Хуросон тарафдан Қашқарга бир сеҳргар одам келган. Турли-туман сеҳру жодулари билан халқни алдаб, ўзини соҳиб каромат бир авлиё сифатида намоён этган. Ҳатто Офоқхожа хонақоҳларидаги уч юздан ортиқ муриду мухлислар ҳам унинг орқасидан эргашиб, хонақоҳни тарк этиш даражасига бориб етганлар. Бу ҳол Офоқхожага қаттиқ таъсир этган. Хонақоҳда Машраб ва яна икки-уч содиқ муридлар қолишган, холос. Мухтасар қилиб айтганда, пирларининг топшириқлари билан Машраб бу ҳийлагар шахснинг найрангларини фош этадилар. Офоқхожанинг топшириқлари билан бу «ўтда ёнмайдиган ва сувда чўкмайдиган» мардум ўтда куйдирилиб ўлдирилади. Шундагина халойиқ унинг каромат соҳиби эмас, оддий бир найрангбоз ҳийлагар эканлигини тушуниб этадилар. Ана шу воқеа сабаби билан Офоқхожа Машрабга Жалолоддин Румийнинг «Маснавий»ларини шарҳлашдек табаррук ва масъулиятли ишни амалга оширишни таклиф этадилар. Офоқхожанинг фикрларича, туркийзабон халқ учун маънолар хазинаси бўлмиш «Маснавий»дек мўътабар асарни шарҳлаш ўша даврдаги энг муҳим масала ҳисобланган. Туркий қавмнинг иймон-эътиқодда муҳим ва мустаҳкам бўлишликлари, Пайғамбаримиз жаноблари белгилаб кетганлари тўғри йўлдан адашмай умргузаронлик қилишлари учун Қуръоний каломнинг форсий тилидаги такрорланмас нодир намунаси «Маснавий»нинг шарҳини жуда-жуда зарур, деб билганлар.

«Жавоҳирул-асрор», «Шарҳи Шамъа лил-маснавий-ул-маънавий», «Най рисоласи», «Нафоҳотул-унс», «Латойифул-маънавий», «Мифтоҳул-маънавий», «Жавоҳирул-маъний», «Миротул-маснавий»... булар Жалолоддин Румийнинг «Маснавийи маънавий»ларига битилган шарҳлар, тафсирлар бўлиб, замона орифларининг авомунносли бу буюк асарни нотўғри талқин ва тасниф қилишларидан асраш учун ёзилган ноёб дурдонадир. Кутубхонамизда «Маснавий»нинг 1798 йили ёзиб тугалланган, энг қадим ва нодир нусхалардан кўчирилган нусхаси сақланади. «Маснавий»нинг олти дафтари ҳам мукамал, ҳар бир дафтар дебоча – Жалолоддин Румийнинг араб ёки форсий лисондаги кириш сўз, муқаддималари билан бошланади. Асар 27667 байт, 55334 мисрадан иборат бўлиб, ҳар бир сатри икки байтдан, жами ҳар бир бетда қирқ байт берилган. Алоҳида варақларда шарҳлар бўлганидек, китоб хошияларида ҳам тиғиз ва майда ҳарфларда ёзилган турли замонларда яшаб ўтган машойих, уламоларнинг шарҳларидан кўплаб намуналар бериб борилган. Китобни Шайх Абдуллатиф бин Абдуллоҳ ал-Аббосий кўчирганлар. Биринчи дафтар фаҳрайи-мундарижасидан сўнг Шайх Абдуллатиф ҳазратларининг ўқувчиларга истидъо – ялиниб-ёлвориб сўраш ва илтимослари билан бошланувчи мактуботлари, сўнг Румий жанобларининг араб тилидаги дебочалари форсийга таржима қилиб берилади. Ва бундан кейин «Ин дебочаи фасиҳан балиғаро дар яке аз «Маснавиёт»и қадима бахат билоят ёфта шуда. Бағоят нодираст. Сўйи он як нусха дигар чандин «Маснавий»ки ададаш аз сад мутажавиз аст баназар дарнаёмада ва дийда ношуда» дейилиб, Бисмиллоҳир-рахмонир-рахим билан арабий тилдаги дебоча келтирилади. Охирида «Лабайифул-маънавий»дан олинган Абдуррахмон Жомий томонларидан «Маснавий»нинг дастлабки икки байтига қилинган шарҳ хусусида ижобий фикрлар билдирилган мақола берилади. Учинчи дафтар аввалида иккита катта ҳажмдаги шарҳ бор. Шарҳлар туркий тилда бўлиб, учинчи дафтарнинг дастлабки саксон уч байти тафсиридир...

Уч нуқта қўйдик. Чунки бунда айтиладиган гап кўпдир.

Ўзбек адабиётида Фаридуддини Аттор, Ҳаким Санойларнинг «Мантиқ-ут-тайр», «Илоҳийнома» асарларига жавобан Алишер Навоий «Лисон-ут-тайр» номли тасаввуф китобларини яратдилар. Аммо Жалолоддин Румийнинг мўътабар «Маснавий»ларига туркона

жавоб бўлмаган эди. Бу вазифайи олия Раҳимбобо зиммаларига тушди. Офоқ хожайи олам бекордан бекорга бу вазифани Машраби девона зиммаларига юклаган эмас эдилар. Чунки она ҳомиласида эканлар, бул олами ўткинчига келмаслариданок, етти ойлик чақалоқни «Модарзод авлиё» деб тан олган олам бузурглари яна икки ой ўтгач, дунёга «бир келибон бир кетгучи» Оллоҳи таоло ва Муҳаммад алайҳиссалом севгилари, муҳаббатлари учун дорга осиб ўлдирилиши лозим бўлган ибратий ориф, Марди Ҳақ, гўёки Вайсул Қаран ёхуд Боязиди Бистомийдек мартаба эгаси таваллуд топишларини билганлар.

Фитрат Машрабнинг «Кимё» асари ҳақида фикр юритиб, уни «Мабдаи нур»га яқин асарлигини таъкидласа-да, лекин асар муаллифи унинг қарашича, мавҳум бўлиб қолаверади.

«Бухорода босилган «Мабдаи нур»нинг охирида «Кимиё» исмли бир китоб бор. Аруздаги «ҳазаж» баҳрининг «мафойилун, мафойилун фаъувлун» вазнида ёзилган турли ахлоқий ҳикоялардан иборатдир. Асарни бостирган китобчининг сўзига кўра, бу ҳам Машрабнинг асаридир. Бу асар услуб ёғидан «Мабдаи нур»дан айрилмайдир. Лекин, бунинг ҳам ҳақиқатан Машраб томонидан ёзилиб-ёзилмаганига оид қониқарли бир ишорат ва қайдга учрай олмаганимизни эътироф қиламиз».¹

Исматуллоҳ Абдуллоҳ Машрабнинг «Кимё» асари ҳақида «Кўнгилни узма шундоғ кимёдин» номида мақола эълон қилди. Муаллиф мазкур мақолада мис, қалай маъданга, қимматбаҳо икхир тошга айланиши учун сайқалланишини, тозаланишини айтади.

«Кимё»даги тасаввуфий, тарбиявий-ахлоқий ғояларни, унинг услуби, мазмуни, тил хусусиятларини таҳлил қилсак, бу асар Машрабнинг қаламига мансублигига ҳеч бир шубҳа қолдирмайди. Қўлёзма ва босма нусхаларида «Мабдаи нур» ва «Кимё» асарларини ёзган бошқа бирорта Машраб номли шоир яшагани қайд этилган эмас. Бу ҳар икки асарни бошқа бир номаълум шоирга нисбат беришга уринишларга чек қўйиш керак.

«Кимё»да Бобораҳим Машраб инсон ҳаётидаги салбий иллатларни қоралаш, танқид қилиш билан бирга, улардан қутилиш, покланиш, ҳалоллик, ростгўйлик, саҳийлик каби инсоний хислатларни тараннум этади.

Машраб дунёдан тамом воз кечган, нафсини ўлдириб, ўзини ҳаммадан паст тутган, гуноҳкор банда деб билган. Шоир ғазалларида ва «Мабдаи нур»да кибрлик, ҳирсу ҳавога берилишни, молпарастликни қаттиқ қоралаган. Бу ғоя «Кимё»да ҳам ўз аксини топган.

*Ғурури илм чашмаи дилгадур мўй,
Зиёда мўйдиндур чашмаи бадрўй.*

(Илми билан ғурурланиб, кибрланиб кетиш юрак кўзи учун бир ортиқча тук-мўй, кўзининг хунуклиги ундаги мўйларнинг кўпайиб кетишидандир.).

«Девони Машраб» қўлёзмаларининг қадимий ва мўътабар нусхаларидан Бобораҳим Машраб таҳаллусини олгунга қадар Маҳдий, Риндий, Умам каби таҳаллусларда ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзгани маълум. Унинг ушбу сатрларига мурожаат қилайлик:

*Машраби Ринди Умам кўйинда жон берсанг, на гам,
Бир гуноҳи ўтга мандин тавбау оҳ қилди ё?*

*Машраби Маҳди, Адҳам хушлади фақр аҳлини,
Бандаи умум Умам сиддиқи босаро келур.*

Ёки:

*Машраби Ринди Умам сармасти Шайхони Умом
Хонақоҳи бенишон бо дайр вайрон кардаам*

Хуллас, Бобораҳим устози Офоқхожа иноят қилган Машраб таҳаллусини қабул этди, бу ном билан қўхна сўз санъатининг ёруғ юлдузларидан бири бўлиб, адабиёт ва фалсафий фикр осмонида мангу порлаб қолди.²

Машраб қисматидан яна бир сабоқ шуки, у юрган йўлларнинг бекатларини аниқлаш, қадим қўлёзмалар кетида яшириниб ётган Машраб ҳаёти ва ижодига оид нуқталарни излаб топиш, халқ орасида кезиб юрган латифа, саргузашт, эртақ, терма, кўшиқларни тўплаш фарзандлар қарзидир.

¹ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар, 105-бет.

² Фуломхон Ғафуров. Шарқ жавоҳирлари. «Маънавият», Тошкент, 2000, 170-бет.

Ўзбек шоири ва мутафаккири, жаҳонгашта девона, кўп мамлакат ва юртларни кезган, ҳақиқат излаб, тождору подшоҳларни адлу адолатга чорлаган, камбағалу мушфикқа ёрдам кўлини чўзган, оташ нафаси билан шеърят ихлосмандларини ўзига махлиё этган, «икки оламга сиғмаган» Бобораҳим Машраб меросини ўрганиш, унинг ғазалиётини таҳлил этиш, бунинг одамга қандай завқ беришини қалбда чуқур ҳис қилмоқ лозим.

Машраб ҳақида адабиётшунос олим ва файласуфларнинг нашр этаётган тадқиқот ва илмий рисоаларини иштиёқ билан ўқиб, ўрганиб бориш, кузатишлар ва йиғиб бораётган илмий мақолаларда Машраб шахсиятининг у ёки бу томонлари, улуғ мутафаккирнинг авлиёлиги, унинг шуҳрат кетидан қувмаганлиги, ҳар ерда хоксор ва мискинлиги, жамоа манфаати учун фидойилиги кишини ҳайратга солади:

Бу олам ахли ичра дил паришон ўлмасун ҳеч ким!

Бу барча тинчлик ва осойишталик учун курашаётган, она Сайёрада одам мавқеини эхтиром ва ҳурмат қиладиган донишманд файласуфнинг Манифести бўлиб жаранглайди.

Машрабдек ёлғизланган, лекин бани башар учун «мен»лигидан, ўзлигидан кечган Навоий сиймосини, унинг фикрини қўллагандек туюлади:

*Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам,
Менга қилса юз жафо, бир қатла фарёд айламам.*

Мана, икки ўзбек, туркигўй мутафаккирларнинг жамоа учун бир хил қарашлари:

Аё, дўзах мени куйдир, ҳалойиқ куймасин ҳаргиз,

– дейди Машраб бу дунёда гуноҳга ботиб дўзах оловида коврилаётганлар ҳолини кўриб:

Барчалар ёнди гуноҳдин, мен-чи ёнмасман ҳануз!

– дея ҳайқиради у ва шу билан бу оламдаги одам аҳлининг гуноҳини яратгандан сўраб олишга ошиқади.

У «шуҳрат талабнинг кейинида офат туриши»ни яхши англайди. Шунинг учун фонийликда одамлар жароҳатига малҳам кўйишни бурчи деб билади. «Қақнусга ўхшаб тириклай» деб «ёнган», «бир парча чўғ» бўлиб ўтган Машраб маънавиятини халқимиз тушуна олаётгани ёки унинг ота-боболаримиз қалбига ўрнашган шеърятдан бутунги авлод баҳраманд бўлаётгани? — деган саволлар мени қийнайди.

Ҳеч истиҳоласиз, такаллуфсиз Машраб ижоди билан шуғулланган ва шуғулланаётган тадқиқотчилар, олимлар билан мунозарага киришишни, уларни тинглашни, эшитишни, албатта ҳар бирдан «бир чимдим»дан бўлса-да, олишни мақсад қилиб академик Азизхон Қаюмов, адабиётшунос олимлар Нажмиддин Комилов, Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний, Ҳамиджон Ҳомидий, марҳум машрабшунос олимлар Исматуллоҳ Абдуллоҳ, Муҳсин Зокиров, Абдуқодир Ҳайитметов, Одилжон Носиров, Абдурашид Абдуғафуров, некбин ва хоксор инсон Ваҳоб Раҳмонов, чуқур, теран фикрлар соҳиби Иброҳим Ҳаққулов, унинг шогирди, Машраб тадқиқотчиси Дилоромхон Ҳамроева ва ниҳоят иддаосиз, унвон таъмаида бўлмаган Жалолиддин Юсуповларнинг ижодий фаолиятини кузатиб бораман.

Истиҳоласиз айтиш лозим, ўтган асрда Машраб шеърӣ тўпламлари номигагина нашр этилди ёнки унинг ижодига бир томонлама муносабатда бўлинди, деярли асрнинг сўнгги чорагида унинг ижодига бўлган эътиборни мустасно этмаганимизда ҳаёти, фаолияти жуда кам ўрганилди. Тўғри,

1959, 1963, 1970, 1980, 1990 йилларда Машрабнинг шеърларидан мўъжаз мажмуалар, кейинчалик девонлар нашр этилди. 1990 йили хатирчилик Машраб тадқиқотчиси Жалолиддин Юсуповнинг саъй-ҳаракати туфайли «Меҳрибоним, қайдасан?» шеърлар тўплами чиқди. Бу орада мустақиллик шарофати билан «Қиссаи Машраб», «Шоҳ Машраб киссаси» ва бошқа бадиий, илмий асарлар эълон қилинди. Ниҳоят, 2006 йил узоқ йиллик меҳнатнинг натижаси юзага чиқиб, унинг «Девон»и қўлимизга тегди. Бу ишни ҳам заҳматкаш, бардошли ва олижаноб инсон, Ғайбулла ас-Салом таъбири билан айтганда, «чинакам халқ академиги» машрабшунос Жалолиддин Юсупов қарийб 30 йил давомида тартиб, сайқал бериб уни нашрга таёрлаган.

Камтар инсон Жалолиддин Юсупов хатирчилик ҳамшаҳар устози Ғайбуллоҳ ас-Саломни чексиз, беҳад ҳурмат ва эҳтиром-ла эъзозлайди. Шунинг учун бўлса керак «Девон»га сўзбошини маромига етказиб ўзи тайёрлаган бўлса-да, энг аввало ўзидан ҳам олдин Ғайбуллоҳ ас-Саломнинг «Тилларда дoston» илмий-оммабоп мақоласини китобхонлар ҳукмига ҳавола қилган. Умри кескин зиддиятларда ўтган Машраб қиёфасини Ғайбуллоҳ ас-Салом ҳаяжон билан тасвир этган ва Жалолиддин Юсуповнинг 1990 йилда чиқарилган тўпламига муносабат билдирган: «1990 йилда шоирнинг тўрт юз саҳифалик «Меҳрибоним, қайдасан» деган каттакон китоби босилиб чиққан эди. Саксон минг нусха сал фурсатда тарқалиб кетди. Мазкур сайланмани нозиктаъб, ашъорфаҳм, билимдон шогирдим Жалолиддин Юсупов нашрга тайёрлаган. Имкон даражасида қиёсий танқидий матн тузган, луғат ва чуқур бир мақола шарҳ, эски ўзбек ёзувидан намуналар илова қилган эди. Бу нашр иқтидорли олим, заҳматкаш хаттотнинг йигирма йиллик тинимсиз илмий-ижодий меҳнати маҳсулининг якуни бўлди.

Абдулла Орипов тили билан айтганда «Кимсасиз шоирлар пири»га айланган шоир меросига яна халқ эга чиқди, Ғайбуллоҳ ас-Салом таъбири билан айтганда, Машраб «том маънода ХАЛҚ ШОИРИ»га айланди.

Тадқиқотчи Жалолиддин Юсуповнинг Машраб ижодиёти олдидаги энг катта хизмати мутафаккир шоирнинг бутун меросини тўплаб, айниқса, ғазалиётдаги шакл ва мазмун яхлитлигини сақлаб, кейинги авлодларга қолдиришни мақсад қилганлигидир.

Шуни айтиш жоизки, Жалолиддин Юсуповнинг ҳозирда шахсий кутубхонасида, ҳужжат асровида мутафаккир шоир ижодининг 27 та турли вариантлари сақланмоқда ва тадқиқотчи уларга ишлов, сайқал бериб, нашрга тайёрляпти. «Машрабнинг бадиий мероси» номли мавзуда Жалолиддин Юсупов эшони Шох Машрабнинг бизгача етиб келган куйидаги асарларини таҳлил этиб, улар ҳақида мухтасар маълумот берган.

1. Лирик шеърлар: ғазаллар, мустазодлар, мураббаълар, мухаммаслар, мусаддаслар, мусаббалар ва бир мусамман, бир маснавий ҳамда рубоий ва фардлар.

2. «Мабдаи нур» («Нурларнинг бошланиши» ёхуд «Нурлар манбаси»).

3. «Кимё».

4. «Қиссайи Вайсул Қараний».

5. «Қиссайи Мeroжи Расул Акрам (с. а. в.)»

Жалолиддин Юсупов Машраб «Девон»ини «1-китоб» деб ҳисоблаб, кўлида сақланаётган ва яқин келажақда нашр этилиши лозим бўлган унинг мероси яна бир неча китоб бўлишини орзу қилган. Шунинг учун 1-китобда нуқсонлар бўлса, улар борасидаги мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қилишини изҳор этган.

Шуни айтиш жоизки, яқинда Ҳамид Сулаймон номидаги қўлёмалар институти ва музейига бориб, академик Азизхон Қаюмовдан «Мабдаи нур» муаллифи ким экани ҳақида яна бир бор фикр сўрадим. Чунки мухтарам олимимиз «Мабдаи нур» жуда мунозарали, жуда кўп олимлар қаршилик Машраби Рўзибой Соний қаламига мансуб демокдалар, деган фикрни изҳор этган эди.

Қашқадарёлик тарихчи олим Поён Равшанов ҳам матбуотда бир чиқиш қилиб, «Мабдаи нур» Машраби Рўзибой Сонийники эканини таъкидлаганди. Лекин нимагадир Поён Равшанов бу мавзуга кейин қайтмади, «Мабдаи нур»га Рўзибой Сонийни даъвогар қилмади. Тўғрироғи, бу мавзу жуда кўп олимлар томонидан мунозараларга сабаб бўлди.

Бошқа олимлардан фаркли ҳолда Исматуллоҳ Абдуллоҳ ва Жалолиддин Юсупов «Мабдаи нур»ни ўрганиб, унинг Машраби Рўзибой Сонийга тааллуқли эмас, ҳақиқий Бобораҳим Машраб асари эканини исботлашди. Дафъатан «Мабдаи нур»ни қўлга олиб, ўқий бошлаганимизда ҳар қандай ўқувчида ҳам бу Машрабга тегишли асар эмас, деган шубҳа уйғониши табиий. Негаки, баъзи шеърлар ўз ўрнига ёпишмагандек, ғайритабиийдек туюлади, кишига. Аммо тадқиқотчи олимлар ҳам анойи эмаслиги шунда кўринадики, асарни синчиклаб таҳлил этиб чиққан Исматуллоҳ Абдуллоҳ ва Жалолиддин Юсупов асар қатъиян Машраб қаламига мансублигини исбот этишди.

Юқоридаги Азизхон Қаюмов суҳбатига эътиборни қаратганимизда, у киши падари бузруквори Пўлатхон Қайюмий «Мабдаи нур» Машрабники эмаслигини, балки ўзини иккинчи Машраб, унинг издоши деб билгувчи қаршилик Рўзибой Сонийники эканини ёзганлар деган фикрни изҳор этдилар ва биз «Тазкираи шуаро» китобида шу фикрни бердик, дедилар.

Азизхон Қаюмов фикрини давом эттириб, 1952 йилда Хуршид домла ҳам (у кишининг айтишларича, Хуршид Шамсиддин Шарафиддинов «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» пьесаларини ёзган катта олим, драматург ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвонига эга нуктадон тадқиқотчи бўлган) «Мабдаи нур» Машрабники эмас, Рўзибой Сонийники деган қатъий фикрни айтган эди, дедилар.

Академик икки йил олдинги суҳбатимизда «Мабдаи нур» қайси Машрабники бўлишидан қатъий назар, уни таҳлил этаверинг, деган эди. Ҳозирги суҳбатимизда ҳам у киши асар қайси Машрабга тааллуқлилигидан қатъий назар ҳақиқий ўзбек Машрабининг асари эканини бағрикенглик билан таъкидлади. Шубҳали бўлгани учун бирор жойда фикр айтмайман, бу томонини машрабшунослар хал этсин, деган фикрни билдирди. Илмда мунозара бўлгани яхши, деди.

Жалолиддин Юсупов жуда кўп мулоҳазаларни ўрганиб чиқиб, асарни синчиклаб таҳлил этиб, масъулиятни бўйнига олиб, турли фикр ва қарашлар бир томонлама эканини, масаланинг моҳиятига, илдизига чуқур етиб бормаганини таъкидлаб, қатъий ҳолда, фаразлар нисбийлигини четга суриб «Мабдаи нур» муаллифи Бобораҳим Машраб эканини исбот қилган ва қуйидаги фикрни келтирган:

1. «Мабдаи нур» Машрабнинг асаридир. Бу китоб Машрабнинг пири Ҳидоятулло Офоқхожанинг топшириғи билан ёзилгандир. Китобни ёзишга киришишдан аввал Машраб Жалолиддин Румий ва Аҳмад Яссавий жанобларининг руҳоний руҳсатларини оладилар. «Мабдаи нур» Жалолиддин Румийнинг «Маънавийи маснавий»ларидан тазмин қилинган байтларнинг туркий ўзбек тилидаги шарҳларидир.

Мен Жалолиддин Юсупов хонадониди «Мабдаи нур»нинг 19 хил қўлёзма вариантлари борлигига гувоҳ бўлдим. Назаримда Исматуллоҳ Абдуллоҳ ва Жалолиддин Юсупов, Машраб тадқиқотчилари ҳисобланадилар, бу соҳада олимлар адашган эмаслар.

Мухтарам олимимиз, форс ва туркий тиллар билимдони Ҳамиджон Ҳомидий ҳам «Мабдаи нур»нинг Бобораҳим Машраб асари эканини ҳар бир чиқишида ва илмий тадқиқотларида таъкидлаб келмоқда.

2. Машрабнинг «Кимё» асари ҳақида фикр юритилган. Унда айтилишича, «Кимё» «Мабдаи нур»нинг мантқиқий давомидир. Бу асар таркибида 22 та кимё бўлиб, ҳар бир кимё алоҳида-алоҳида бўлимлардан иборат. «Мабдаи нур» ва «Кимё»да Машрабнинг бизга таниш ғазаллари бериб борилган.

3. «Қиссайи Вайсул Қараний» ҳақида тўхталган Жалолиддин Юсупов унинг 180 байт, 360 мисрали маснавий эканини изоҳ этиб, «қисса» шахсий кутубхонасида 6-рақамли қўлёзма эканини таъкид этган.

4. «Қиссайи Мерожномаи» Расули Акрам (с. а. в) ҳақида бўлиб, бу «Қиссайи Машраб» қўлёзмаларининг ҳаммасида бўлиб, у мустақод жанрида ёзилганини билдирган.

Ж. Юсупов Машраб ижодининг тадқиқи, унинг нашрлари энди бошланаётганини, олдинги нашрларга кирмай қолган, шўролар мафкураси ҳазм қилолмаган шеърлари босилаётгани, шоир меросининг қаймоғи бўлган шеърини жанрларнинг ҳамма тур ва хиллари янги тўпламга киритилгани ҳақида қуйидаги фикрларни ёзади: «Машрабнинг ҳаёт йўллари, бизга қолдирган бой адабий меросини тадқиқ қилиш ишлари, «Мабдаи нур» ва «Кимё» каби асарларини тўлиқ ва мукамал ҳолда нашр қилишдек масъулиятли ва сабабли юмушларни давом эттирмоқдамиз. Машраб ижодий меросининг қаймоғи бўлган кўплаб ахлоқий, диний-тасаввуфий ғазал, мустақод, мураббаъ, мухаммас, мусаддас ва мусамманларни киритдик. Олдинги нашрларда тушириб қолдирилган байт ва бандлар ўз ўрнига киритилди».

Ж. Юсупов Машраб ижодий меросини ўрганиш, тадқиқ қилиш узлуксиз давом этаётганини мамнуният билан эслаб, бу ишга ҳисса қўшган устозлари Воҳид Абдуллаев, Алибек Рустамов, Эргашали Шодиев, Ботирхон Валихўжаев, Ғайбулла ас-Салом, Раҳмонкул Орзибеков, Нажмиддин Комилов, Қобилжон Тоҳировнинг хизматларини хотирлайди. Иш жараёнида Азиз Қаюмов, Озод Шарафиддинов, Абдуқодир Ҳайитметов, Абдурашид Абдуғафуров, Иброҳим Ҳаққулов, Исматуллоҳ Абдуллаев, Абдулҳаким Шаръий Жузжоний, Одилжон Носиров, Зайнал Ризаев, Мухсин Зокиров, Саидбек Ҳасанов, Раҳматилло Холиқов, Ваҳоб Раҳмонов, Комилжон Исроиловнинг мумтоз адабиётимиз вакиллари, жумладан, Машраб ижодиётини ўрганиш соҳасидаги илмий ишларидан фойдаланганини қайд этган. Машраб ҳаёти, ижоди ва маънавий оламини кунт билан ўрганиб, ажойиб тадқиқотлар олиб бораётган олимлар Эркин Мусурмонов, Гуландом Саломова, Дилором Ҳамроева, Мўмин

Ҳошимхоновнинг таҳсинга сазовор илмий ишларини мамнуният билан кузатиб бораётганини таъкидлаган.

Ж. Юсупов Машраб шеърларини парокандаликка юз тутишидан сақлаб қолиб, нашр ишларига қўмаклашган бир гуруҳ ижодкорларга, айниқса, дўсти Саъдулла Аҳмадга чексиз эҳтиромини изҳор этган. Устози Ғайбулла ас-Саломнинг Машраб шеърятини севишини, «Машрабни тушуниш учун Машрабнинг дардини, Машрабнинг аламлари марказини топиш керак», деган сўзини эҳтиром билан келтирган. Ж. Юсуповнинг отаси илм кишиси бўлиб, уларнинг хонадонида машрабхонлик бўлиб турган. Ота-онаси адабиётнинг фидойиси эканини, мумтоз адабиётнинг сир-асрорларини чуқур тушунишларини, уйлари меҳмонлар учун доим очиқлигини, келган кишилар ҳам Машраб шеърятини нозик тушунишларини мамнуният билан хотирлаб, куйидаги фикрларни ёзади: «Машрабнинг шеърӣ меросини аслий кўринишга яқинлаштириш учун узоқ йиллардан буён изланишдамиз. Бу йиллар орасида менга мадад бериб, қўллаб-қувватлаб, руҳиятимга осудалик бахш этиб келган боболарим мулло Жўрамурод, мулло Абдуқодир, падари бузрукворим ва мураббийим беминнатим Муҳаммад Юсуф Ҳақберди ўғли ва волидаий мухтарамам Рисолат Абдусалом кизи бу дунёи дағални тарк этиб, дорил бақо сари юз тутдилар. Уларнинг ҳар бири кўп ўқимишли, мумтоз адабиётимизни теран тушуниб етган ирфон соҳиблари эди. Хонадонимиздан доимо меҳмон аримасди. Уларнинг кўпчиликлари «эски»дан хабардор кишилар бўларди. Эсимда, Сталин ўлган йили (1953) Бухородан икки мулло бобо меҳмон бўлиб келишди. Кечга бориб, албатта, намоздан сўнг машрабхонлик бошланди. Уйқу, зарурат, намоз ва овқатланишдан сўнг бу ҳол икки кеча-кундуз давом этди. Бутунлай чарчаб колсалар, ўша заҳотиёқ иккинчи бировлари гапни гапга улаб кетардилар. Энг ажабланарлиси шундаки, улар Машраб «қисса»сини ёддан билишаркан. Икки кун-тун мобайнида уларнинг қўлларида бирорта ҳам китоб кўрмадим. Ривоят ва қиссаларни, Машраб ғазалларини тасвириб бўлмас даражада завқи шавққа тўлиб, гоҳ йиғлаб, гоҳида кулиб, йиғлашиб, кулдуриб айтардиларки, бу қизиқарли «эртақ»нинг беҳосдан тугаб қолишидан беихтиёр хавотирланардим. Машраб қатл этилиб, дафн қилинишидаги воқеаси билан қисса тугади. Машраб руҳларига қисқа дуойи хатм қилинди».¹

Ж. Юсупов камтарлик билан Машраб «Девон»ини тайёрлашда нуқсон ва жузъий хатолар бўлганини билдириб, китобхонлардан узр сўраган. Матнда ёхуд бошқа хатолар ҳақидаги нуқсонларни топиб, мактуб йўлловчи, фикр мулоҳаза билдирувчилар фикрини билдиришларини илтимос қилган.

«Девон»дан Машрабнинг аввал эълон қилинган, лекин тоталитар тузум даврида баъзи байт ва мисралари олиб ташланган, эндиликда тўлдирилган, бунинг ичида ҳали эълон қилинмаган жами 380 та ғазал, 21 та мустазод, 4 та мураббаъ, 78 та мухаммас, 7 та мусаддас, 2 та мусаббаъ, 1 та мусамман, 1 та маснавий, фардлар, тўртликлар, луғат ва изоҳлар ўрин олган.

Ж. Юсуповнинг олимлик салоҳияти шунчалик чўнг (сарбаланд)ки, роса 50 бет (550-бетдан 600-бетгача) луғат ва изоҳ тузган.

Бу ҳол 1990 йилги «Меҳрибоним, қайдасан?» девонида ҳам берилган эдики, бу гал фақат янги ғазаллардаги тушунилиши қийин сўзларга берилганини изоҳласак, олимнинг бардош билан қанчалик катта меҳнат қилганига гувоҳ бўламиз. Улар алифбо тарзида берилган. Олимнинг олимлиги қандай ҳолда юзага чиқади, дейилса, Жалололдин Юсупов каби изланиш, кунт, ирода, матонат билан сидқидилдан меҳнат қилгандагина, деган фикр тафаккуримизга келади.

Китобнинг яна бир қулай ва ўнғай томони — ҳар бир ғазалнинг биринчи матлаъи — бошланиши мундарижасида келтирилган, бу хоҳлаган ғазални тезда топишнинг калити вазифасини бажарган.

Бобораҳим Машраб ижодий мероси ҳақида хулоса чиқарилганда, «Бу олам аҳли ичра дилпарӣшон ўлмасин ҳеч ким!» деб нидо берган мутафаккир шоирдан нафақат Шарқ, балки Ғарб, башарият маънавий озӣқ олаётганлигини таъкидламоқчимиз. Унинг оташин лирикаси, ғазалиёти Насимий ва Бедилникидек ўтли сатрлари омма қалбидан жой олиб, инсониятни эзгуликларга чорлайди, яхшиликка даъват этади.

¹ Машраб. Девон. 2006, 45-бет.

Машрабдан ўзбек шеъриятига жуда катта, бой мерос қолди. Йиллар, асрлар ўтса-да, у инсон ва жамиятни уйғотишга, унга Илоҳни таниш ва эзгуликка чорлаш яловини тутаверади, ундан баҳраманд қалблар яхшилик ва ёмонлик фарқини ажратиб олаверади.

Бир тадқиқот мавзусида унинг ижодини тўласинча қамраб олиб мақсадга етдик деб фикр айтолмаймиз. Унинг ижодий мероси бугун ва келажакда ўрганилишига шохидлик бера оламиз.

ШОИР СИЙМОСИНИНГ «ҚИССАИ МАШРАБ»ДА ЁРИТИЛИШИ

Халқнинг маданий кадрятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган.

Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Беруний, ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Уларнинг номлари, жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк ҳиссалари ҳозирги кунда бутун дунёга маълум.¹

Миллий маданиятимизга ҳисса қўшган мутафаккир шоир Машраб шахсияти турли маноқиб, ривоят, қиссалар орқали бизнинг асримизгача етиб келди. Шунингдек, XX асрда ҳам ўзбек ёзувчи ва шоирлари ижодида шоир сиймоси талқин этилди ва ҳамон оташзабон мутафаккир, унинг шахсияти ҳақида бадиий асарлар яратилмоқда.

Аввало шуни қайд этишимиз зарурки, 1995 йил самарқандлик тадқиқотчи олим Эркин Мусурмонов «Раҳимбобо Машраб ва унинг бадиий адабиётдаги талқини» мавзуида номзодлик десертацияси ҳимоя қилиб ўз давригача яратилган бадиий асар ва маноқибларни таҳлил этиб, Машраб образининг бадиий тасвирини адабиётшуносликка маълум қилган эди.

2004 йилда яна бир нуктадон Машраб тадқиқотчиси бухоролик Дилором Ҳамроева «Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси» мавзусида десертация ҳимоя этиб, илмий ишининг биринчи бобини «Бобораҳим Машраб ҳаёти ва шеърятини ўрганишда халқ оғзаки ижоди, маноқибларнинг ўрни» мавзусидаги бўлимида Машраб сиймосининг хорижий ва олдинги асарлардаги ёзилган қисса ва маноқибларда ёритилиши масалаларига тўхталган ва илмий ишда қимматли маълумотларни берган эди.

Ҳар икки ўзбек миллий адабиёти тарихи бўйича қилинган илмий тадқиқот иш ва унинг муаллифларининг Машраб сиймосини яратишдаги хизматларини таъкидлаган ҳолда, вақт ўтиши, тараққиётнинг шитоб билан илгарилаши, давр ўтган сари давлатчилигимиз барқарор бўла бориши, ўтган аждодларимизнинг шу Ватанга хизмати, улар қолдирган ижтимоий-маънавий меросга қайта-қайта мурожаат ва ундан авлодлар баҳраманд бўлиши ҳисобга олиниб, бугунги кунда ҳам шоир Машраб ижоди унинг исёнкор сиймоси талқини масалаларини таҳлил этиш кун тартибига қўйилди.

Дастлаб Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаландарон» асаридан нақллар «Шарқ юлдузи» журналининг 1990 йил 8-сонида босилиб чиқди. «Халқ китоблари» туркумида «Шоҳ Машраб қиссаси» 1991 йил «Шарқ юлдузи» журналининг 6-сонида чоп этилди У ўша йили «Шарқ» нашриётида алоҳида китоб ҳолида босилди.

1992 йил «Ёзувчи» нашриётида «Қиссаи Машраб» нашр қилинди.

Тадқиқотчи Дилоромхон Ҳамроева талқинича, Машраб ижодига қизиқиш шоир ҳаётлик даврида бошланган. Машраб ҳақидаги «Қиссаи Машраб» китобларининг турли вариантлари омма орасига ёйилиши натижасида машрабхонлик йиғинлари кенг авж олган. Халқ қиссалари ва шоир шеърларининг шухрат қозониши Европа олимларининг ҳам эътиборини ўзига тортган. Улар эътиборини кўпроқ Машраб номи билан боғлиқ саргузаштларга бой халқ китобларига қаратган. Бироқ улар Машраб яшаган ижтимоий муҳит, унинг таржимаи холи ва маслагини деярли эътиборга олмаган. 1900 йил Парижда шарқшуносларнинг биринчи халқаро конгрессида И. Гольциер «Форсларда Ислом» номли маърузаси билан қатнашган. Бунга жавобан немис олими Мартин Ҳартман «Девони Машраб» ва «Шоҳ Машраб» асарлари асосида «Доно дарвиш ва авлиё даҳрий» (1902 йил), «Қадамжо» (1903 йил) мақолаларини ёзган.²

1992 йил Машраб юбилеи муносабати билан Францияда «Қиссаи Машраб» нашр қилинган.

Рус шарқшунослари тадқиқотларида Машраб номи билан боғлиқ қайдлар XIX асрнинг иккинчи ярмидан кейин учрайди. А. П. Хорошхин, В. П. Наливкин, Н. И. Веселовский, Н. Н.

¹ Ислом Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», 140-бет

² Тожихўжаев Мусо. Бобораҳим Машрабнинг Европадаги мухлислари. Адабиёт кўзгуси. 2005, 5-сон, 177-бет.

Пантусов, Н. С. Ликошин, В. Л. Вяткин, А. Карьцев, Л. В. Дмитриева, Г. П. Снесаров каби олимлар шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишга ўз хиссаларини қўшганлар.¹

Маноқиб – мумтоз адабиётда мустақил жанр сифатида кўзга ташланиб, асосан, тариқат вакиллари ҳақида яратилади. У бир-бирига мантиқий боғланган мустақил сюжетли кичик ҳикоялар йиғиндисидан иборат яхлит асардир. Баъзан муаллифи номаълум бўлса-да, у халқнинг бирор бир ўқимишли вакили томонидан зикр этилган бўлади. Яъни, таърифланаётган шахсга яқин кишилар: унинг дўсти, шогирди, ихлосманди томонидан маълум мақсадга мувофиқ ёзилади.²

Шу ўринда «Халқ китоблари» туркумига кирган «Иброҳим Адҳам қиссаси», Ҳувайдонинг «Достони Иброҳим Адҳам» қиссалари ҳақида мухтасар фикр юритишни лозим топдик.

Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» («Муҳаббат шабадалари») асарида Иброҳим Адҳам дастлабки сўфийлардан эканлиги айtilган. У Навоийнинг ёзишича, шох бўлганлиги, йигитлик пайтида тавба қилиб, сўфийликни ихтиёр этганлигини кўрсатган. Навоийнинг шохидлик беришича, Иброҳим Адҳам ҳақида ҳикоялар шу даражада кўпки, ҳатто Навоий замониғача у ҳақда ёзма, оғзаки, ривоят, қисса, ҳикоятлар кўп бўлган. Ўзбек адабиётида Иброҳим Адҳам ҳақида Сайқалий, Ҳувайдо, Холис, Санойй кабиларнинг наср ва назм йўлида ёзилган қиссалари яратилган.

Машраб ҳақида «Шох Машраб», «Қиссаи Машраб» номи турлича бўлган бу қиссаларнинг деярли ўзаги бир эканлигини унутмаслигимиз, шу асаргина Машраб ҳақида гарчи, бадий тўқима аралашса-да, шоир ҳаётини ёритувчи манба эканлигини фикримиздан соқит қилмаслигимиз керак бўлади.

«Машраб ҳаёти ва ижодини ўрганишда ҳам маноқиблар ғоят муҳим манба, – деб ёзади Д. Ҳамроева. — Аммо уларнинг жанр хусусиятларини эътиборга олмай, тарихий ҳақиқатга қиёсламасдан хулосалаш фанда кўпгина мунозараларни келтириб чиқарган. Айниқса, рус олими А. П. Хорошхин тадқиқотларида халқ оғзаки ижодининг таъсири яққол кўринади. Н. Н. Пантусов эса маноқибларга суяниб, Машраб қирғиз маликаси Сатиржобдан ўғил кўргани ҳақида маълумот берган. Рус шарқшуноси В. Л. Вяткин, ҳатто, Машраб тарихий шахс эмас, деган хулосага келади. Машраб Н. Веселовский таъкидлаганидек, чуқур эҳтиром ва эътибор билан ўрганишга муносиб шахсдир».³

«Қиссаи Машраб» халқ насрининг энг гўзал намуналаридан биридир. Машраб ҳаёти ва ижоди «Қиссаи Машраб», «Девонаи Машраб», «Ғазали эшони шох Машраб», «Эшон Машраб», «Эшон шох Машраб», «Эшони шох Машраби девонаи Намангоний», «Муҳаммаси шох Машраб» каби турли номлар остида инқилобга қадар китобот қилинган бўлиб, машрабхонларнинг энг севимли асари сифатида қатта шухрат қозонган.

Адабиётшунос Маҳмуд Ҳасанийнинг «Шох Машраб қиссаси» «Муқаддимаси»да ёзишича, оташнафас шоир Бобораҳим Машрабнинг тақдири мураккаб кечган. Турли даврларда Машраб шахси турлича талқин қилинди. Машраб ижодини юзага чиқариш учун аввало уни шаккок, худога ва руҳонийларга қарши кураш олиб борган шахс сифатида талқин қилинган. Машраб томонидан ёзилган «Мабдаи нур» ва «Кимё» асарлари бошқа Машраб таҳаллусли шахсга тааллуқли деб даъво қилинган. Бугунги кунга келиб бу асарлар яна Бобораҳим Машраб номи билан боғланмоқда.⁴

Адабиётшунос олимлар Маматкул Жўраев ва Сайфиддин Рафъиддин «Қиссаи Машраб» хусусида» асарга сўзбошида «Турли номлар билан аталган асарларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, – деб ёзишади, — уларнинг асосини Машраб ҳақидаги ривоят ва қиссалар ташкил этади, насрий қисм ниҳоясида эса шоир шеърятдан намуналар бериб борилган. Кўп ўринларда шеърый асарлар қисса ва ривоятлар мазмунига мос келмаслигига асосланиб мазкур қисса муаллифи – тузувчиси Пирмат Сеторий шоирнинг афсонавий саргузаштларига бағишланган ҳикояларини жамлаб, ҳар бир мустақил сюжетли ривоятга Машраб шеърларини илова қилиши натижасида бу асар халқ қиссалари ҳолатига келиб қолган деб тахмин қилиш мумкин. Кўпгина тадқиқотчилар «Қиссаи Машраб»даги ривоятларда «шоир шахси бузиб

¹ Ҳамроева Дилором. Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси. Фил. фан. ном. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент-2004, 4-бет.

² Юқоридаги автореферат. 6-7-бетлар.

³ Юқоридаги автореферат. 7-бет.

⁴ Шох Машраб қиссаси. «Шарк», Тошкент, 1991, 3-бет.

кўрсатилган» ёки «Машраб ҳақидаги ақлга сиғмайдиган, ишониш қийин бўлган» маълумотлар келтирилган деб ёзишади. Бизнингча, «Қиссаи Машраб» типидagi халқ китобларига киритилган асарлар ўзбек фольклорининг тарихий ривоят ва тарихий афсона жанрларига мансуб ҳикоялар ҳисобланади».¹

«Шоҳ Машраб» кўпроқ халқ достонларига ўхшаб кетади. Ундаги воқеалар Машраб туғилиши билан бошланиб, охири Маҳмудхон подшоҳ томонидан Балх шаҳрида дорга осилиши билан тугайди. Қиссанинг ичидаги «Алқисса Мулло Бозор охунд етиб келдилар», «Эрса шоҳ Машраб яна бу ғазални ўқидилар», «Ҳазратимни илтифотларига шоҳ Машраб бу байтни ўқидилар», «Бу ҳолни Оқбўтабий кўриб дедик», «Алқисса Шоҳ Машраб Хўжанддан чиқиб, Маккага равона бўлдилар» каби жумлалар ундаги ривоятларни бир-бирига боғлайди. Асарда келтирилган шеърлар баъзи ривоятларга мазмунан боғланса, баъзан боғланмайди. Булардан қатъий назар «Шоҳ Машраб» ҳозиргача шоир ҳаётини ўрганиш ва унинг ғазалларини чоп этишда асосий манба вазифасини ўтаб келди. «Қисса»да шоир мўъжизакор авлиё, билимдон, ҳозиржавоб шоир, тақводор, тўғрисўз, ҳалол, покиза инсон, дунё моли ва ҳузур ҳаловатидан воз кечган дарвиш қаландар сифатида тасвирланган. Машраб адолатсизлик, ноҳақликка қарши ўз шеърлари билан кескин кураш олиб борди, мазлум халқни ҳимоя қилди, бутун умри шу оддий халқ орасида ўтди.²

Эркин Мусурмонов тадқиқотининг «XVII – XIX асрларда яратилган бадиий асарларда Машраб образи талқини» деб номланган II бобида «Девонаи Машраб» қиссаси «Девони Машраб» деб аталиши нотўғри эканлигини, девонларга қиссалардаги каби насрий ҳикоялар киритилмайди, деган тўғри хулосани берган: «Классик адабиётда «демона» лақаби бутун фикру дунёси фақатгина ёрга етишиш билан банд, кўриниши ғарибу, аммо кўнгли пок, моддий талаб ва истаклардан воз кечган «зоҳиран маломатенгез, ботинан – соғу – саломат» бўлган ҳақиқий ошиқларга ҳам қўлланган. Машрабга нисбатан «демона» лақабининг қўлланганлигини назарда тутсак, асарнинг «Девонаи Машраб» деб номланиши асосли бўлади».³

Қиссаларда Машрабнинг бадиий сўз воситасида чизилган ташқи қиёфаси, сиймоси ҳақида сўз боради. Бунда асар қаҳрамонининг ташқи кўриниши, юзи, кийим-кечаги, юриш-туриши таҳлил қилиниб, шу асосда унинг зоҳирий қиёфаси очиб берилади. Машрабнинг ташқи қиёфаси маълум даражада шоирнинг ички дунёсини акс эттиради ва шу сабабли қиссалардаги воқеаларни тўғри тушунишга ёрдам беради. «Биз Машрабнинг руҳий дунёси ва унинг қиссаларда акс этишини ўрганишда «Девонаи Машраб»нинг 1992 йилда «Қиссаи Машраб» номи билан нашр этилган нусхасига асосланганмиз»⁴ – дейди Э. Мусурмонов.

«Шоҳ Машраб қиссаси»да қайд этилишича, Машраб онадан туғилгандаёқ унда бошқа болаларга хос бўлмаган ўзига хос хусусиятлар кўринган, бундан унинг ота-онаси шоду-хуррам бўлганлар ва у кеча-кундуз йиғламоқдан тўхтамаган. Етти ёшда мактабга берганлар. Устозлари айдилар:

– Эй ўғлим, бисмиллоҳир-рахмонир-рахим, алиф, – денг дедилар.

Шоҳ Машраб:

– Алиф, – дедилар.

Устозлари: «Бе» денг, – дедилар.

Шоҳ Машраб устозларидан сўрадиларки, алифнинг маъниси нимадир ва «бе»нинг маъниси нимадир, эй домла?

Устозлари аччиғланиб дедиларки, эй бачаи нодон, сан ким, бу маъни сўрамоқ ким, дедилар. Шоҳ Машраб айдилар: «Эй домла, алифни маънисини сиз айтмасангиз, ман айтаман», дедилар. Устозлари айдилар: «Эй ўғлим, алифнинг маъниси нимадир?» Шоҳ Машраб айдилар: «Алифнинг маъниси бирдир, ул сабабдин «бе» демасман, мундин ўтмак хатодур» дедилар. Устозлари бу сўзни эшитиб, ҳайрон бўлуб қолдилар:

Алифни дилга жо қилмоқни бисмиллодин ўргандим,

Шаҳид қонини тўкмоқни каломуллодин ўргандим...

¹ М. Жўраев, С. Рафъиддинов. «Қиссаи Машраб» хусусида». «Ёзувчи», Тошкент, 1992, 3-бет.

² Шоҳ Машраб қиссаси. 4-бет.

³ Мусурмонов Эркин. Раҳимбобо Машраб ва унинг бадиий адабиётдаги талқини. Фил. фан. ном. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Самарканд, 1995, 8-бет.

⁴ Юкоридаги автореферат.

*Ҳама айтурки, Машраб, мунча илми кимдин ўргандинг?
Худо лутф айлади, ман барчани мавлодин ўргандим!*¹

Машраб шахсиятининг улуғворлиги шунда намоён бўладики, у ҳали туғилмасидан етти ойлигида онаси қорнидалигида ерга тушиб ётган икки дона узумни волидаси оғзига солганда, узум эгасини рози қилмаса қоринда ғойиб бўлиб кетишини айтганда она беҳуш, беҳуд бўлиб йиқилган. Она эрининг розилиги билан баққол олдига бориб узум эгасини рози қилган ва то фарзанд туғилгунча тоза, покиза ҳаёт, ибодат билан машғул бўлган.

Бу ерда асосий эътибор, урғу туғилмаган боланинг жисмига эмас, балки руҳиятининг поклигига, имонининг сойфлигига қаратилган.

Э. Мусурмонов Машрабнинг етти ой она қорнида гапиришини, етти кунлик бўлганда бешикка солиниши хусусиятларини шундай изоҳлайди: 7 рақами комил рақам, чунки у тўлиқ тоқ бўлган уч рақамидан ва тўлиқ жуфт бўлган 4 рақамидан ҳосил бўлган. Аслида тоқ бўлган биринчи рақам 1, жуфт бўлган рақам 2. Лекин бу рақамларнинг ўз маъноси бор. Жумладан, 1 рақами «вахдат»нинг белгисидир, ягоналик фақатгина Аллоҳга тегишли, ундан ўзга илоҳ йўқдир. Демак, 1 рақами олам-одам, макону замон билан боғлиқ асосий масалани, яъни уларнинг яратувчиси сифатини очиб бериши учун хизмат қилар экан. 2 рақами санокда биринчи жуфт рақамдир. Бизнингча, бу рақам яралган оламнинг асосий белгисини билдирувчи сондир. Чунки моддий оламда барча нарса ва ҳодисалар жуфт яралган.²

Биз учун ҳийла ёмон жиҳати шундаки, мустақилликдан сўнг жуда кўплаб тарихий-илмий асарларда XVII-XVIII асрларда яшаб ўтган мутафаккир ижодкорларга ўрин берилиб, улар ҳақида тадқиқот ўтказилиб, улар ижоди ва ҳаётига у ёки бу маънода муносабат билдирилган бўлса-да, Машраб ҳақида ҳеч нарса дейилмаган ёки номигагина фикр билдирилган. Бу ҳол Машрабни кунт билан ўрганишга, унинг ҳаёти ва ижоди, у ҳақдаги бадий ва илмий асарларга, хусусан, у ҳақдаги қиссаларга муносабатни, уни таҳлил этишни ва қиссалар ҳақида машрабшунос олимлар фикрини тадқиқотда келтиришни зарурат даражасига қўяди. Шу нуқтаи назардан А. Абдуғафуровнинг «қиссалар» ҳақидаги фикрини келтириш мақсадга мувофиқдир: «Машрабнинг қолдирган адабий мероси хусусида ҳам аниқ маълумот берувчи манба йўқ. Унинг ўз асарларини тўплаб девон ёки мажмуа тузганлиги маълум эмас. Фақат «Девони Машраб», «Девонаи Машраб», «Эшони Машраб», «Ҳазрати шоҳ Машраб» номлари остида халқ орасида қўлёзма ва тошбосма шаклида жуда кенг тарқалган қиссаларигагина шоирнинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти маълум тартиб ва изчилликда баён этилади, шу жараёнда асарларидан намуналар ҳам келтирилади. Машраб фаолиятининг қатор нуқталари аниқ ва тарихан тўғри қайд этилганидан қиссанинг биринчи нусхалари шоирни яқиндан билган ва асарларидан хабардор бўлган шахс томонидан ўша даврлардаёқ яратилган, деб тахмин этиш мумкин. Айни замонда у узоқ йиллар ўзгартириш ва тузатишларга дуч келган, турли тўқималар, янги-янги ривоят, нақллар, саргузашт ва латифанома лавҳалар билан тўлдирила борилган. Натижада қиссаларда тарихий Машраб фаолияти халқ тасаввурдаги тўқима Машраб ҳамда у ҳақидаги саргузашт-ривоятлар билан қоришиб-чатишиб кетган. Шундай бўлса-да, Машраб ҳақидаги қиссалар шоир ҳаёт йўлини нисбатан тўла ва босқичма-босқич баён этувчи, шунингдек, яратган асарларининг кўпгина қисмини ўзида жамловчи адабий-тарихий манба сифатида илмий аҳамият касб этади».³

Академик В. Абдуллаев «Ўзбек адабиёти тарихи» китобида Машрабнинг шеърлари, у ҳақдаги қисса, қиссанинг рус тилига таржимаси ва нашр этилиши, унда Машраб шахсияти ҳақида қуйидаги фикрларни келтиради: «Туркистон вилоятининг газети»да «Намангонлик Машраб девонанинг аҳволини баёни» сарлавҳаси остида шоир ҳақидаги «Қисса»га таяниб «Ўргандим», «Келур», «Кўрдим» каби шеърларидан баъзи бирлари Н. С. Ликошин томонидан рус тилига таржима қилиниб, 1910 йили Тошкентда ва 1915 йили Самарқандда нашр этилган. Археолог, професор В. Л. Вяткиннинг Машраб тўғрисидаги мақоласи 1923 йилда «Туркистон Шарқшунослик институти тўплами» (Тошкентда) босилган. Унда шоирнинг Урта Осиё бўйлаб шуҳрат қозонишига сабаб «Машрабнинг мавжуд қалбакичилик, ноҳақликка қарши йўналган кучнинг тимсоли сифатида хизмат этишидир», деб уқтирилган. «Машраб ҳақидаги қисса ижтимоий симпатия ва эҳтиёж-интилишларни, халқ оммасининг

¹ Шоҳ Машраб қиссаси. 5-бет.

² Э. Мусурмонов. Автореферат, 11-бет.

³ А. Абдуғафуров. Буюк сиймолар, алломалар. 46-47-бетлар.

ахволи руҳияси, кайфиятини намойиш этади, халқ оммаси нималарга қарши норозилик билдирди ва нималарни майна-масхара остига олди – шуларни кўрсатади», деб ёзилган.¹

Проф. Исматуллоҳ Абдуллоҳ «Қиссаи Машрабнинг машҳур бўлиши, халқ, хусусан, аёллар томонидан севиб ўқилиши, унинг аҳамияти ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Қиссаи Машраб» оддий халқ орасида ниҳоятда шуҳрат қозонган, у қўлдан-қўлга, авлоддан-авлодган ўтиб, зўр қизиқиш билан ўқиб келинмоқда, уни махсус машрабхонликларда, чойхоналарда, масжидларда, муассасаларда, турли йиғилишларда иштиёқ билан ўқидилар, унинг жозибадор шеърлари қаландарлар томонидан халқ орасида, кўчалар, бозорларда ўқилган.

Қисса отин аёлларнинг ҳам энг севиб ўқийдиган китоби бўлиб, ундаги шеърларни ёдлаб олдилар, хонандалар эса мусиқага солиб, мароқ билан ҳозиргача кўйлаб келадилар. Бу шоир ғазалларининг халқ орасида кенг тарқалишига сабаб бўлди. «Қиссаи Машраб»да шоир ҳаётига мансуб бўлмаган, кейинги хаттотлар томонидан қўшиб кетилган анчагина афсона ва ривоятлар ҳам учрайди.²

«Қиссаи Машраб»га сўзбошида олимлар М. Жўраев ва С. Рафъиддин ривоятлар ҳам бадийлашган ҳолатда берилганлигини, унда тупроқнинг мифологик моҳиятини улуғланиши, чунки инсон тасаввуф истилоҳи, тушунчасида тупроқдан яралиши ва яна тупроққа қайтиши, шунинг учун тупроқнинг эъзозланиши Машраб ижодида ҳам бўртиб туришини таҳлил этадилар: «Қиссаи Машраб»да одамзоднинг пайдо бўлиши ҳақидаги қадимий ривоятлар ҳам ўзининг бадий ифодасини топган. Ҳикоя қилинишича, худо Одам Атони тупроқдан яратган экан. Шу боис Ёркент ҳокимининг шоҳона тўшагини ифлос қилган Машраб маломат қилган бекка қараб: «Сен ўзинг нимадан бўлгансан?» – деб сўраганида, у: «Тупроқдан!» – деб жавоб беради. Шунда Машраб: «Андоғ бўлса, сен ўз вужудингга сиярмусен?» – деган экан. Тупроқнинг мифологик моҳиятини улуғлаш тасаввуф фалсафасининг асосий ришталаридан бири. Тасаввуф таълимотига кўра, тупроқ – камтарлик, фақирлик ва улуғ инсон вужудининг рамзидир. Буюк шоир Аҳмад Яссавий ўз хикматларидан бирида, «Бошим тупроқ, ўзум тупроқ, жисмим тупроқ, Ҳақ васлига етарман деб руҳим муштоқ» деб бежиз айтмаган. Машраб тасавурида инсон жисми Аллоҳнинг меҳридан яратилганлиги учун замин мўъминларининг тупроқни ифлос қилишлари шоир назарида ўз вужудини ҳаромлаш билан баробар эди.³

Адабиётшунос А. Абдуғафуров «Қиссаи Машраб» ҳақидаги фикрини, уни адабиёт тарихида тутган ўрнини шундай изоҳлайди: «Қисса Машраб ҳаёти, фаолияти ва ижоди ҳақида адабиётшунослар кўлида асосий манба бўлиши билан биргаликда қатор чигал ва мавҳум масалаларни ҳам, бир-бирига зид талқин ва қарашларни ҳам ўзида жамлайди. Халқ орасида кенг тарқалган ва ўқувчилар диққатини ўзига тортган қисса мағзи ва мазмунига жамиятдаги турли ижтимоий табақалар йиллар давомида ўз мафкураларини сингдиришга ҳаракат қилганлар. Бундай аҳвол эса ўз навбатида қиссага ниҳоятда эҳтиёткорлик билан тарихий конкрет ва танқидий ёндошувни тақозо этади».⁴

А. Абдуғафуров изоҳ этишича, қиссада Машраб ҳозиржавоб, ўткир тилли шоир бўлганлиги, ундаги бадий тўқималарнинг ишончли чиқиши назмда ҳам баён этилишини тақозо этган. Машрабнинг дорга осилишидан олдин айтган ёки онаси тилидан қиссадан келтирилган ғазал – мухаммаслар ана шундай назмий тўқималардир.

Машрабшунос Ж. Юсупов «Қиссаи Машраб»ларнинг бир неча вариантларини чоғиштириб, муқояса қилгани ҳолда таҳлил этган, унинг фикрича ҳам «қисса»лар кўпроқ халқ дostonларига ўхшаб кетади: «Қиссаларнинг аксарияти «Аммо ровийлар андоғ ривоят қилибдурларким...» деб бошланади ва «Ҳоло ҳазрати эшони Шоҳ Машрабнинг қабрлари Ишконмишдадур» деб тугалланади.

«Девонаи Машраб» қиссалари илдизида «Девони Машраб» турганлигини эсдан чиқармаслигимиз керак бўлади. Буни Ж. Юсупов шундай изоҳлайди: «Ҳар бир ривоятдан сўнг «Шоҳ Машраб ёки эшони Шоҳ Машраб жунунлари зиёда бўлиб, бу абётни ўқидилар» қабалидаги ва шу шеърдан сўнг эса «Алқисса, Шоҳ Машраб...» сўзлари билан янги ривоят бошланади. Бу ҳолат «Девони Машраб» китобларининг ҳаммаси учун ҳам хосдир.

¹ В. Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. «Ўқитувчи», Тошкент, 1980, 141-бет.

² Исматуллоҳ Абдуллоҳ. «Мабдаи нур»га сўзбоши, «Фан», Тошкент, 1994, 3-бет.

³ М. Жўраев, С. Рафъиддин. «Қиссаи Машраб» хусусида «Қиссаи Машраб», 4-5-бетлар

⁴ А. Абдуғафуров. Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи жилд. 240-бет.

Ривоятлардан сўнг кўчирилган шеърларнинг мазмуни ҳамма ўринда ҳам шу ривоят мазмунига боғланмайди. Шеърлар қиссанинг бошидан охиригача бетартиб жойлаштирилган. Ундаги шеърлар ҳақиқий девонлардагидек аввал ғазаллар, мустазодлар, мусамматлар тартиб билан келмайди. «Девони Машраб»ларда шеърларнинг девоний тартиби ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Улар тахминан: ривоят-ғазал, ривоят-мухаммас, ривоят мустазод, ривоят-мураббаъ ҳолатларда бетартиб келади».¹

Лекин, барибир шу девонлар «Қиссаи Машраб»ларга пойдевор вазифасини бажарган.

Адабиётшунос, Машраб тадқиқотчилари И. Абдуллоҳ, А. Абдуғафуров, М. Зокировларнинг ҳар бири «Қиссаи Машраб»нинг ўзига хос жиҳатларини, қиссадаги Машраб шахсиятининг жозибатор руҳини таҳлил этган: «Қисса маълумотларига кўра, Бобораҳим отадан ёш етим қолади, оиланинг моддий қийинчиликлари янада ортади. Онаси ип йигириб тирикчилик ўтказди. Қиссада бўлажак шоирнинг гўдаклигиданоқ ниҳоятда ҳалол, зийрак, тўғрисўз бўлганлиги, ҳозиржавоб ва мушоҳадалилиги билан тенгқурларидан ажралиб туриши алоҳида таъкидланади. Ҳар ҳолда ўз даври билимдонларидан, хусусан дин асослари ва фалсафадан дурустгина бохабар бўлгани учун Наманганнинг сўфий эшони Мулла Бозор охунд номи билан шуҳрат қозонган Хўжа Убайдулло кўлига таҳсил тақмилига топширилган. Бобораҳим маълум муддат Мулла Бозор охундда диний таълимот ва сўфий тариқатлари бўйича билимини оширади, форсий тилни ўрганади, айни замонда, Шарқ шеърятини, хусусан, унинг йирик вакиллари меросини қизиқиш билан мутолаа қилади».²

«Қиссаи Машраб»да шоирнинг Офокхожа хонадонидан уч йил ўтин ташиганлиги, уч йил саноч – мешкобда сув ташиганлиги, бир йил ҳазрат остонасида қоровуллик қилгани айтилган. Шу билан бирга у бу даргоҳда тасаввуф таълимоти сир-асрорларини хонадон хожасидан мукамал ўрганишга ҳаракат қилди. Бу унинг жисмоний ва руҳоний қобилиятини чиниқтиришга, уни тасаввуфий ғоялар билан суғоришга таянч, пойдевор вазифасини ўтади. Чўри қиз баҳона бўлиб пир даргоҳини тарк этгач, қиссада қайд этилишича Машраб Ғулжа шаҳрига келиб, унинг ҳокими, унинг хотини ва қизини мусулмон динига киритади. Машраб Ғулжа ҳокимининг уч йил хизматини қилган.

«Қиссаи Машраб»ни муаллифи Пирмат Сеторийнинг шоҳидлик беришича, Машрабнинг ўн саккиз йиллик дунё кезиши, сўнгра Бухоро, ундан Хўжанд сафари, Тошкент, Туркистон, яна Хўжанд, Тошкент Бухорога қайтиши ва бу ҳақда турли ривоят ва афсоналарнинг тўқилишига сабаб бўлган омиллардир. «Қиссаи Машраб» ривоятларига қараганда, шоир қаерга бормасин, ўзининг кўриниши, сўфиёна, халқчил ғазаллари ва ажойиб оташин сўзлари билан тезда кўзга кўринади, авлиё сифатида шуҳрат қозонади, унинг орқасидан эргашиб, иззат-ҳурматини ўрнига қўйишади, ҳоким табакалар унга мурид бўлишга ҳаракат қилиб, дабдабали қошоналарга таклиф қиладилар. Ўз номини улуғланиши, ҳурмат-эътибор олиб, ҳирс-ҳавога берилиб, кибрланиб кетишини хоҳламаган шоир тезда бирор номақбул, одобга сиғмайдиган иш кўрсатиб одамлар ҳафсаласини пир қилади, уларнинг энсасини қотиради. Бунинг учун ҳаёти бир неча марта таҳлика остида қолади, лекин қаландар шоир диний ҳаётий далиллар билан ўзини оқлаб, яна йўлини давом эттираверади. Масалан, Бухоро масжидларидан бирининг меҳробига шоир қозик қоқиб эшагини боғлаб қўяди ва ўзи уйкуга кетади. Эрталаб имом девонани сўқиб уйғотганда, Машраб унга: «Сиз икки тийинлик кафшингизни ўғри олмасин деб олдингизга қўйиб намоз ўқийсиз, мен эшакни уч сўмга олганман» дейди.³

Халқ оғзаки ижоди қаҳрамонлари Жўхо, Хўжа Насриддин, Мушфиқий каби образлар, улар ҳақидаги латифа, бадий тўқималар ривоят ва афсона тарзида машҳурдир. Қиссаларда Машраб шахсияти ҳам худди шундай «сунъий» бўрттирилиб кўрсатилган ва зўрма-зўраки жойлаштирилган ўринлар кўп. Чаламуллалар «ғайри шаръий», «ғайри ахлоқий» деб ҳисоблаган тушунчаларни мантиқий фикрлар билан асослаб, унга Худога шак келтирувчи деб ҳисобловчиларни лол ва мот қолдира олган. Лавҳа – ривоятлар тарихий Машраб ҳаётига, саргузаштларига, шоир табиатига, хулқ-атвориға мос тушган. Шунинг учун ҳам А. Абдуғафуров қайд этганидек, «... қиссада тарихий Машраб ва унинг реал фаолияти тўқима Машраб ва у ҳақдаги саргузашт-ривоятлар билан қўшилиб-чатишиб кетади, халқ

¹ Ж. Юсупов. Сўнг сўз. Меҳрибоним қайдасан, 354-бет.

² А. Абдуғафуров. Буюк сиймолар, алломалар, 47-бет.

³ Исмаатуллоҳ Абдуллоҳ. «Мабдан нур»га сўзбоши, 7-8-бетлар.

кахрамонлари тилида Машраб образи юзага келади, баъзан эса Бобораҳимда аслида бўлмаган сифат – белгилар тақалади. Худди шу сабабдан қиссада тарихий Машраб шахсияти ва биографияси билан бир қаторда ва у билан чатишган ҳолда тўқима образ – Машраб саргузаштларининг ҳам баёнини кўрамиз».¹

В. Л. Вяткин Машраб тадқиқотчиси сифатида унинг Ўрта Осиё халқлари орасида шуҳрат қозонишининг туб илдизини очиб, шоир исёнкор шеърлари билан мавжуд калбакичилик, ноҳақликка қарши кучнинг тимсоли эканлигини таъкидлайди.

Юқори табақа вакиллари, руҳоний арбобларнинг Машрабга нисбатан муносабати жуда мураккаб ва зиддиятли кечган, шоир шахсиятидан улар чўчишган: «Меҳнаткаш халқ Машрабни адолат жарчиси, ҳоким табақа ва мунофиқ шайх-зоҳидларни кўркмай фош этувчи, айрим диний ақида-тушунчаларни менсимай, масҳара билан обрўларини тўқувчи журъаткор шахс сифатида тасаввур этган».² Машраб фаолияти, ижоди қанчалик сохталаштирилмасин ёки улуғланмасин, улар шоирга авлиёлик ва девоналик сифатларини тақаш орқали унинг фаолияти ва ижодини ҳаётини унинг мазмуни ва йўналишидан узиб олмоқчи бўлганлар: «... уламо – мулларнинг Машрабни инкор этиб, уни шоир сифатида ҳам, кучли мантиқ соҳиби ва журъаткор шахс сифатида тан олмасликка интилишлари ойни этак билан ёпишга тиришиш қобилятига беъмани ҳаракат эди, холос. Машраб ҳаётлик чоғида ҳам, вафотидан кейин ҳам халқ орасида шу қадар кенг шуҳрат қозонган эдики, бу довруқни айрим табақа, гуруҳлар хоҳишига кўра босиб бўлмас эди. Шоирнинг халқ дилига сингиб кетганлиги, шаҳар-қишлоқларда севилиб ўқилганлиги, тилдан-тилга ўтганлиги факти Машрабдан кўз юмиш муносабатининг муваффақият қозона олмаганлигини кўрсатади».³

Машрабнинг Пирмат Сеторий билан узоқ сафарга чиқиши 1691 йилдан бошланган. Илмий манбаларда бу сафар ҳақида деярли маълумот учрамайди. Тадқиқотчи Э. Мусурмонов фикрича, Машраб ҳаж қилиш ниятида сафарга отланиб Хоразмга борган, у ерда Паҳлавон Маҳмуд қабрини зиёрат қилиб, Хоразмда анча туриб қолган, Хоразм мусиқаси ва маданияти билан танишган.

Машраб у ердан Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига бориб, савдо-сотик қилувчи савдогарларга эргашиб, сув йўли билан, яъни Каспий денгизи орқали Озарбайжонга, у ердан Туркияга ўтган. Маданий ҳаёт билан яхши танишган, маънавий ҳаётда катта роль ўйнаган мавлавия, бектошия, хуруфия диний оқимларини ўрганган. Жалолиддин Румийнинг машхур «Маснавийи Румий» асарини мутолаа қилиб, ўзининг «Мабдаи нур» асарини яратган, шеърларидан таъсирланиб ижод қилган. Туркияда Машраб хуруфий шоир Имомиддин Насимий фаолияти, қисмати билан танишган, унинг шеърларига вазн ва радифлари ўхшаш шеърлар, назиралар ёзган. Сўнгра Арабистонга ўтиб, Маккани тавоф қилади, расулulloҳнинг ва қизлари Фотиманинг зиёратгоҳларида бўлади. У ердан Карбало даштига ўтиб, Имом Ҳусайн қабрларини зиёрат қилади. Ҳаж амалларини бажарган ва азиз авлиёларнинг қабрларини зиёрат қилган Машраб Ҳиндистонга келади.⁴

Академик Б. Валихўжаев «Девонаи Машраб» қиссаси, унда мутафаккир Машраб шахсияти, дунёқарши, асардаги бадий тўқима ва бошқа ҳолатларни ўрганиб, шундай фикрни изҳор қилади: «Девонаи Машраб китоби тарихий шахс – XVII асрда яшаб, ижод қилган Раҳимбобо Машраб, унинг фаолияти ва даври ҳақида маълумот берувчи асардир. Асар шаклан халқ китобларига ўхшаса ҳам, мазмун жиҳатдан тарихий заминда вужудга келган бадий асардир. Китоб ижодкорларининг Машраб ҳаёти ва фаолияти билан яхши таниш бўлганликлари, шоир руҳияти ва дунёқарашини тўғри тушуна билганлари асар таҳлилидан маълум. Қиссанавислар шоир ҳақидаги маълумотларни халқ китоблари талаблари бўйича қайта ишлаб, бадий сиймосини яратишган. Шунинг учун Машраб ҳақидаги бу хил китобларда шоирнинг сиймоси асарни яратувчининг мақсади ва ғояси билан боғлиқ тарзда шарҳланган».⁵

Адабиётшунослар М. Жўраев ва С. Рафъиддинлар «Қиссаи Машраб»да қадимий фольклор элементлари асосида яратилганлигини, унда Машрабнинг ғайритабий мўъжизакор фаолиятига ҳам тўхталдилар: «Қиссаи Машраб»даги тарихий ривоят ва

¹ А. Абдуғафуров. Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи жилд, 238 -бет

² Юқоридаги бет.

³ Ўша асар, 239-бет.

⁴ Мусурмонов Э. Автореферат, 16-17-бетлар.

⁵ Валихўжаев. Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. «Ўзбекистон», Тошкент, 1993, 26-бет.

хикоятлар Ўрта Осиё халқларининг қадимий фольклор ањаналари асосида яратилган. Ровийлар гоҳ эл орасида азалдан айтилиб юрган машҳур хикояларни Машраб номи билан боғлаб «қайта ишлашган бўлса, баъзида шоирнинг ғайритабиий мўъжизаларга бой заргузаштларини (ўтда ёнмаслигини, Хизр билан учрашиши, сув остига кириб, анча вақт туриб қолиб, сўнгра қайтиб чиқиши, ўз тақдирини олдиндан каромат қила олиши каби) тасвирлашда халқимизнинг қадимий мифологик тасаввурларидан фойдаланганлар. Айрим қисса ва диний ривоятлар сюжети эса бевосита Машраб ҳақидаги ривоятларга сингдириб юборилган».¹

Тадқиқотчи Д. Ҳамроевнинг талқинича, қиссада «Қонимни тўқар эмиш Балх шаҳрида Маҳмудхон», «Чун қўлим бирла оёғим боғламоқ ҳожат эмас», «Эй мусулмонлар, қазо топсам керак» каби мисраларда Маҳмуд қатағон номи ҳам кўп бор тилга олинади. Профессор Фитрат бундай шеърларни «Машраб қаламига мансуб эмас» деган фикрни илгари суради. Бироқ Машрабнинг шаҳид бўлишида ўша даврга хос ижтимоий фалсафий, диний-эътиқодий қарашларнинг таъсири катта.²

Машраб тадқиқотчиси Муҳсин Зокиров шоир шахсиятининг барча жиҳатларини муфассал таҳлил этган. Унинг фикрича, шоир ҳаётининг сўнгги йиллари Бухорода, сўнгра Ҳиндистонда, кейинча Қаршида 3-4 йил истиқомат қилгач, Балхга келган. Бу даврда Балх вилоятининг ҳокими Маҳмудхон қатағон эди. Маҳмудхон Субхонқулихон замонида бир қанча вақт Бадахшон вилоятининг ҳокими бўлган. У Марказий ҳокимият Бухорога қарши исён кўтарган. Субхонқулихоннинг вафотидан сўнг (1702) унинг набираси Муқимсултонни ўлдириб, ўзини Балх вилоятининг мустақил ҳукмдори деб эълон қилган. «Ҳамма тарихий манбаларнинг хабар беришича, Маҳмуд қатағон ғоятда шафқатсиз, қўпол, золим ва адолатсиз ҳукмдор бўлган. Меҳнатқаш халқ бошига беомон кулфатлар ёғдирган. Унинг ҳокимлик даврида ўлка қашшоқлашиб, фуқаронинг хонавайронлик даражаси сўнгги чекига етганлиги билан ҳарактерланади. Машрабнинг жим туриши қийин эди».³

Қиссада айтилишича, Машраб Балхга «ўзидек яна уч қаландар ҳамроҳлигида дохил» бўлган. Уларнинг ҳаққоний сўзлари, ўйноқи ғазаллари, фусункор ва шўх куйлари, амалдор ва уламолар ҳақида айтилган ўткир ҳажвлари халқ орасида жуда тез шуҳрат қозонган.

Машраб Балхга кириб келганда, унинг рўпарасидан бир неча мулларар чиқиб «қаландари қавий ҳайкал, сурхина рўй, сочлари фатила-фатила, гирди камарига тушган, эшакка тескари минган, барқ уриб келадир» дарвишга салом бериб отини сўраган. Машраб айдиларки: «Мани отим Худой». Муллолар бу сўзни эшитиб айдиларки: «Тутунглар, бу қаландар кофир бўлди. Муни ўлдирмак керак. «Шоҳ Машраб тезлик бирла ўзларини эшакдин ташлаб қочтилар. Шоҳ Машраб шул қочқонларича тўғри Маҳмудхонни ўрдасиға қочиб бордилар. Кўрдиларки, Маҳмудхон етти саккиз юз кишиға ош бердуриб, турубдур. Шоҳ Машраб ўшал жамъиятни орасидан ўтиб Маҳмудхонни тахти остиға кириб, ёттилар. Маҳмудхон муни кўриб ҳайрон қолди».⁴

Бу ҳолатга ҳайрон бўлиб туришганда ўттиз қирқ чоғли муллолар шоҳ Машрабнинг орқаларидан кириб келиб, Маҳмудхонга Машраб устидан шикоят қилиб, уни эшакка тескари миниб, отини «Худой» деб келганлигини айтишади. Шоҳ Машраб айдилар: «Ман «Худой» деб хануз «берган»ини айтмай туриб, булар ит бўлиб мани қувладилар. Ман мушук бўлуб мунда қочиб келдим». Мунда турган халойиқ бу сўзни эшитиб қаҳ-қаҳ урушиб, қулушуб юбордилар. Муллолар музтар бўлишиб қолдилар. Анда Маҳмудхон шоҳ Машрабни бу сўзларини эшитиб завқ қилиб айдик: «Эй муллолар, ман бу қаландарни гуноҳини сизлардан тиларман?» – деди. Муллолар ҳам қабул қилдилар. Шоҳ Машраб Маҳмудхонга қараб айдиларки: «Эй Маҳмудхон, мани кушандам сандурсан». Маҳмудхон ҳайрон қолди. Шоҳ Машраб қўлларига сеторларини олиб ўзларини маълум ва ошкор қилмоқ учун бу ғазални ўқудилар:

*Кел эй дилбар, юзунг очгил, тасаддуқдир бу жон эмди,
Фироқингда адо бўлди, куюб бу устухон эмди.*

Начук айлай биродарлар, бўлубман дард ила ҳайрон,

¹ М. Жўраев, С. Рафъиддин. «Қиссаи Машраб»га сўзбоши, 4-бет

² Ҳамроева Д. Автореферат, 21-бет.

³ М. Зокиров. Эрк ва маърифат куйчилари, 37-бет.

⁴ Қиссаи Машраб. «Ёзувчи» Тошкент, 1992, 157-бет.

Ўтубдур халқума жоним, манга йўқ меҳрибон эмди.

*Жаҳонда ҳеч киши борму, жудолигда адо бўлган.
Давосиз дардга учрабман, ўларман беғумон эмди.*

*Начук тоқат қилай дилбар, ки сансиз ман бу дунёда,
Чиқар кўксумдин оҳим, ҳам туролмас осмон эмди.*

*Кетибон меҳрибон дилбар, юрак-бағрим кабоб этти,
Етолмасман нигоримга, қилай жоним нишон эмди.*

*Кел, эй Машраб, жудолик дардидан кўб шиквалар қилдинг,
Қолубдур бизга бу суннат, кетар яхши ямон эмди.*¹

Алқисса, шоҳ Машраб бу байтларни ўқигандин кейин шоҳ Машрабни аёғларига йиқилди ва айдики ман эшитиб эрдимки: «Машраб деган бир авлиё чиқгон эмишлар. Маккага ўтубдурлар, – деб. Мани ниятим шул эрдик, ул қаландарни кўрсам, таҳоратларига сув берсам, – деб манда на ҳадки сизни бир тора мўйингизни ҳам қилсам». Шоҳ Машраб айдилар: «Эй Маҳмудхон, ғалат айтурсан, мани сарнавиштимда ажалим санинг қўлингга битилган. Мани шаҳид қилурсан. Манинг васиятим санга шулки, мани жасадимни бир баландроқ ерга чиқариб қўйғил, токи ҳар ким кўрса йироқдан дуойи хайр қилиб ўтгай». ²

Бу ҳолдан таажжубга тушган Маҳмудхон ўз олдидаги ошни унинг олдига қўяди, Машраб эса ошни итига беради. Ит ошга қарамайди. Маҳмудхоннинг хайрати ошиб, ошни на ўзи, на ити емаганлигини кўриб, ўзи ейди. Иккинчи кун ҳам Маҳмудхон Машрабни чақиртириб олади. Шоҳ Машраб айдиларки «Эй Маҳмудхон, бу тахти мижозингни манга бергил. Яхши бўлур экан. Устига чиқиб ўлтурайин». Маҳмудхон бажону дил мана, деб тахтдан тушти. Меҳмонхонани бўшатти. Шоҳ Машраб меҳмонхонага кириб, тахтни устига чиқиб, тах-батаҳ латта тўшакларга бавл қилиб қўйдилар. Шоҳ Машраб айдилар: «Эй Маҳмудхон, ол тахтингни!» Вазир келиб қарасаки, тахт нажосатга тўлубдур. Вазир яқосини йиртиб, подшоҳга айдики: «Эй подшоҳ, қайси ердин келган банги қаландарга ихлос қилубдурсиз? Фарғонаи заминдин бир қаландар келиб подшоҳ Маҳмуднинг тахтини нажосатга булғобдур, – деб абадул-абад бадномликка қолурсиз. Агар инонмасангиз ўзингиз бориб кўринг!» – деди. Подшоҳ Маҳмудхон навкарлари бирла отланиб келди. Қараса тахтни усти нажосатга ботибдур. Маҳмудхон айди: «Эй Машраб, бу нима қилганингиз?» Шоҳ Машраб айдиларки: «Хўб қилдим. Ман сани тахтингга ўлтурсам нима бўлубтур. Сан юртга ўлтурдинг». ³

Шундан сўнг қисса муаллифининг ҳикоя қилишича, Машраб билан Маҳмудхон ва сарой аъёнлари, уламолар орасида ғоятда кескин ва шиддатли мунозара бўлиб ўтади. Машраб ўз жавобларида ҳеч тап тортмай подшо саройини нажосатхонага, тахтни эса шу нажосат устига қурилган равоққа, Маҳмудхон ва амалдорларини нажосатхўр ўлаксахўрларга, уламоларни эса зулукка ўхшатади. Ана шундай журъаткор жавоблар билан шарманда қилиниб, жони халқумига келган Маҳмудхоннинг ҳолати ва шоирга нисбатан қўллаган жазо чоралари қиссада қуйидагича баён этилади: Подшоҳ Маҳмудхон дарғазаб бўлуб, дедики: «Эй жаллодлар, бери келинглари!» Дарҳол жаллодлар келиб дедилар: «Тақсири подшоҳим, нимага амр қилурсиз? Кимни умрини паймонаси тўлубдур». Маҳмудхон айдики: «Бу девонаи аҳли куффорни хос зиндонга ташлаб, то жонлари халқумларига келиб, оналаридин дунё юзига таваллуд топқонларига пушаймон бўлмағунча азоб қилғайсизлар. Эrsa муддати бир ой ҳар кеча зиндон жаллодлари ҳазрати Шоҳ Машраб ва ҳамроҳларини беҳад азобларга дучор қилур эрдилар». ⁴

Машраб ўлимни бўйнига олгани ҳолда дейди:

*Киши тақдирга тан бермас, ани иймони йўқ бешак,
Ани кавлига инкор айлаган қавми мардуддур.*

Келубдур остонанга, ки навмид этма Машрабни,

¹ Ўша асар, 158-бет.

² Ўша асар, 159-бет.

³ Ўша асар, 160-бет.

⁴ М. Зокиров. Эрк ва маърифат куйчилари, 39-бет.

Пушаймондан на суд эмди, кушандам Балхда Маҳмуддур.

Анда жаллодлар Шоҳ Машрабни дорга олиб борурда тамоми халойиқ навҳау зори қилиб борур эрдилар. Шоҳ Машраб жонларга айдиларки: «Эй жон, киши маъшуқини кўргани борурда ҳам кўркорму?» деб жонларига қувват бериб, йўл борурда бу ғазални ўқудилар:

*Ҳар кишининг дарди бўлса йиғласун ёр олдида,
Қолмасун армон юракда қилсун изҳор олдида.*

*Андалибу бенаводек нолаву афгон била,
Доимо йиглаб турарман айни гулзор олдида.*

*Мансури Ҳаллождек ичиб шароби антахур,
Чарх уриб йиглаб турарман ушбу дам дор олдида.*

*Ҳар киши бир журъайи нўш айласа бу бодадин,
Ул қиёматда қилур арзини Жаббор олдида.*

Шоҳ Машраб айдиларки: «Андек таваккуф қилинглар, ман ушбу жойда икки ракаат номоз ўқуй» – дедилар. Филҳол таҳорат олиб, икки ракаат номози шукри вузу ўқудилар. Андин сўнг шоҳ Машраб ҳазин овоз бирла, бу ғазални ўқудилар:

*Маҳкам чу белинг боғла Машраби девона,
Келди бу ажал сенга тўлгон эди паймона.*

*Кўрдунгму ўшал эрлар шиқ йўлида жон берган,
Юз турли балоларга ялғул эди бу жона.*

*Ул ошиқ эмас дўстлар, билса бу ажал келса,
Йўқтур хабари асло ошиқ ила мастона.*

*Эй Машраби девона, мардона қадам қўйғил,
Дор остига борганда, бўлма яна ҳайрона,¹ –*

деб, андин сўнг шоҳ Машраб жаллодларга айдиларки: «Эй жаллодлар, манга тиф солурсизлар, ўшал тиф солганда бир солинглар, икки бор солманглар». Ҳазрати соҳибқирон подшоҳим айтур эрдилар: «Эй Машраб, сан шаҳид бўлурсан», – деб марҳамат қилиб эрдилар. Ман айтур эрдимки: «Эй тақсири подшоҳим, ман шаҳид бўладурган бўлсам, сизнинг тифи муҳаббатингиздин умидвордурман, – деб эрдим. Шул вақтда қаламтарошларин бериб эрдилар. Ўшал қаламтарошни жандамни орасига қўйуб кийиб эрдим», – деб жандаларини сўкиб, шул тифни кўзлариға суртиб, йиглаб айдиларки: «Ҳай дариг, ўшандоғ соҳибқирон подшоҳим айтиб эрдиларки: – Мани кушандам Қоратоғда, сани кушанданг Балх шаҳрида Маҳмудхон, деб эрдилар». Анда шоҳ Машраб ҳазрати соҳибқирон подшоҳимнинг шаънларига бу ғазални ўқудилар:

*Водариго, дард билан ман адо бўлдум нетай,
Дурру гавҳарни етурдим, тоб майин ўлдум нетай.*

*На ганиматдур муридлар йиглабон дод айласанг,
Арш уза қилган макон тирдан жудо бўлдум нетай.*

*Йиглаюрман гариб, тонгла қиёмат бўлғуча,
Ул муруватлик хожамдин айрилиб қолдим нетай.*

*Машрабо маҳшар куни йиглаб яқонгни пори қил,
Мани Ҳошим ул Қурайшидан жудо бўлдум нетай,²*

деб шоҳ Машрабни ўзлари бир жуфтак уруб дорга осилдилар. Тигларини жаллодларга бердилар, ўзлари бу ғазални ўқуб адо қилдилар:

*Кел эй жисмим, шаҳодат тигига эмди яро бўлғил,
Ҳусайн ибн Алидек сан шаҳиди Карбало бўлғил.*

¹ Қиссаи Машраб. 162-бет.

² Ўша асар, 163-бет.

*Кириб бу жисми зоримга, фароғат кўрмаган жоним,
Худодин бу ажал келди, санам эмди ризо бўлгил.*

*Ки бу дунёи фонининг жафосидин холос этгил,
Худони васлини излаб, ҳамадин масуво бўлгил.*

*Худо йўлида эй жаллод, манга ханжарни тезроқ қўй,
Ҳақингга бир дуо айлай, санам марди худо бўлгил.*

*Ажойиб хуш муборак бу ўлим ким, бошимга тушти,
Худо йўлида бир жон, минг агар жондур, фидо бўлгил.*

*Кел эй қобиз, манга ўлмакни таъхир айлама ҳаргиз,
Фидо эттим бу жонимни, ки маъмури қазо бўлгил.*

*Бу Машраб дори дунёдин шаҳодат олия излаб,
Қиёмат тонги отгонда Худога дадхоҳ бўлгил.*¹

Балх уламолари фатвоси билан Маҳмудхон Машраб ва яна икки қаландарни дорга осиб ўлдирди.

Мазкур ходисани бошқа тарихий манбалар у ёки бу тарзда тасдиқ этадилар. Чунончи, бу ходисани Абдул Муталлиб Хўжа Фаҳмий ўз мажмуасида шундай баён қилади: «Машрабни 1123 ҳижрий йилда уламо ва ҳукамоларнинг фатвоси билан Маҳмудхон Қундузда шаҳид қилди».²

«Мунтахаб ат-таворих» эгаси ҳам Хўжа Фаҳмийнинг бу хабарини тўла тасдиқлаб шундай дейди: «... ва ул авонда Машраб девонаким, авом ани валий дерлар, иродаи Байтуллоҳ қилиб, вилояти Балхга дохил бўлиб, Маҳмудхон олдида беадаблик андин содир бўлди. Маҳмудхон буюрдики, ул бечораи девонаи Мажзубни мансурвор дориға тортидилар. Ва бир неча муддатдин сўнгра Маҳмудхон зилзилада уй остида қолиб ўлди».³

Машраб:

Чун қўлум бирла аёгим боғламоқ ҳожат эмас, —

матлаъи билан бошланувчи ғазални битган.

Мутафаккир шоир зиндонда даврида видолашув ҳақида ҳам ғазал битади:

*Хуш қолинг, мен эмди кетдим, эй ёронлар алвидо!
Бошимга тушти гариблик, ормонлар алвидо!*

*Бўлмагай эрди авалда қошки айёми ишқ,
Доғи ҳижрон ўртади, эй нуктадонлар алвидо!*

*Бўлди айёми баҳору сабза бўлди ер юзи,
Этти пайдо лоладек доғи ниҳонлар, алвидо!*

*Гар фалак куйдурса мундоғ неча кунлар айланиб,
Бул жаҳонда қолмагай ному нишонлар алвидо!*

*Нури дийдам, қуввати жону дилимсииз, дўстларим,
Ийгламоқдин кўзларимдин оқди қонлар алвидо!*

*Ҳар на бўлса, Машраби бечорадин айланг биҳил,
Хуш каломи булбули боғи жаҳонлар, алвидо!*⁴

Бу ғазалларда шоирни Маҳмудхон томонидан қатл этилиши ҳақида сўз боради, нақл келтирилган манбалардан аниқланишича, шоир тақдири ҳақида ҳукм чиқарилгач, у дархол ижро этилмади. Орадан бир ойча муддат ўтди. Бу муддат мобайнида Машраб ўз вазиятини акс эттирувчи қатор шеърлар яратди. Бу ғазалларда журъаткор ва ўтли каломи билан оламга гулгула солган фавкулудда бир ирода сохиби бўлиши мард бир инсоннинг ўлим олдидан кечирган ҳаяжонлари, ғоявий ғанимлари билан шиддатли кураши ўз аксини топади. Қиссадаги ривоятлар ва Боғистонийнинг хабар беришича, дорга тортилган Машраб ва

¹ Ўша асар, 164-бет.

² Мажмуаи Абдул Муталлиб Хўжа Фаҳмий, 123-бет.

³ Ҳакимхон Тўра. «Мунтахаб-ат-таворих», 135-бет.

⁴ Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. 158-бет.

қочишга муяссар бўлолмаган бир неча қаландарларнинг жасадини дафн қилиш Маҳмудхон фармони билан ман этилган. Аммо дорга осилишнинг иккинчи кечаси Оғохон сардор қаландар бошчилигидаги бир гуруҳ мухлислар навкарларни қўл-оёғини боғлаб, Машраб ва қаландарларнинг жасадларини яширин тарзда олиб кетиб, Балхнинг чекка мавзеларидан бўлган Ишконмишга дафн этадилар.¹

Д. Ҳамроева қиссаларга таянган ҳолда шундай хулосани беради: «Маноқибларда айтилишича, Офокхожа Машрабга Маҳмуд қатағон томонидан шаҳид қилинишини башорат қилган. Бу албатта, Офокхожанинг соҳибқаромат пир бўлганлигига урғу бериш мақсадида қиссалар таркибига кейинчалик киритилган бўлиши мумкин. Аммо Машраб бунга онгли равишда тайёр бўлган. Чунки Машраб шеърларида Мансур ва унинг тақдирига кучли ҳавас сезилиб туради. Қолаверса, ўша даврда қаландарлар орасида шаҳидлик ғояси жуда авж олган экан. Бу ҳақда «Тазкираи Мажзуб Намангоний»да хабар берилади. Дилором Ҳамроеванинг таъкидлашича, Машраб Мулло Лутфуллони учратган эшони шаҳид унга: «Эй девонажон, муборакбод бўлсин», – деса, Машраб: «Ўзингга ҳам» деб жавоб берган экан. Шу учрашувдан уч йилдан сўнг Машраб, ўн бир йилдан сўнг Мулло Лутфулло шаҳид бўлган.

Демак, Машрабда шаҳидлик иштиёқи аввалдан бўлган. Бундан ташқари, Машрабдек мажзуби девона, ошиғи барҳақни Маҳмуд қатағон унга беодоблик қилиши биланоқ дорга тортмайди. Аввал у ҳибсга олинган. Уламолар, «Тазкираи Фаҳмий»да айтилгандек, унинг қатлига фатво тайёрлаганлар. Мансурдек дорга тортилиш эса шоирнинг орзуси бўлган. Шу орада Машрабдек серзавқ, иқтидорли шоирнинг дор, қатл, Маҳмудхон ҳақида шеър ёзиши эҳтимолдан холи эмас. Фақат кейинчалик қиссаларга кириб қолган шу мазмундаги ғазалларнинг барчасини ҳам Бобораҳим Машрабга тегишли деб бўлмайди.²

А. Абдуғафуровнинг ҳам шу тўғридаги баъзи бир фикрлари баҳслидир: унинг фикрича, шоирнинг шаҳид бўлажаги, Балхда дорга осилажаги ҳақида мисра-байтлар учровчи ғазал-мухаммаслар, қиссада воқеалар ривожига кўра ҳамда Машрабни авлиёлаштиришга уриниш, башорат, каромат соҳиби сифатида кўрсатиш ниятида бошқалар томонидан тўқилган. Шундай намуналарнинг бирида «Балх шаҳрида шаҳид бўлиши» башорат қилинса, иккинчисида «Мансури Ҳаллождек дорга осилган ўзгинам» мисраси мавжуд:

*... Дори Мансури аналхақ жойидур,
Бош бериб юз минг нидо топсам керак.*

*Онаи зоримга берманглар хабар,
Балх шаҳрида қазо топсам керак.*

Ёки:

*... Неча Мансур ўлди иршодманд муҳаббат йўлида,
Манга ҳам дор қурулгонда етар бу қисматим.*

Балх шаҳрида Маҳмудхон дорга остирган. Аммо Машраб бўлажак воқеаларни олдиндан аниқ каромат қилган ва шеърга туширган, дейиш ишонарли эмас.³

Тадқиқотчилар Д. Ҳамроеванинг «... шу мазмундаги ғазалларнинг барчасини Бобораҳим Машрабга тегишли деб бўлмайди» ва А. Абдуғафуровнинг «Машраб бўлажак воқеаларни олдиндан аниқ каромат қилган ... дейиш ишонарли эмас» деган фикрларига қўшилиб бўлмайди. Бу ғазаллар нафақат қиссаларда, балки Машраб девонида ҳам бор ва Машраб зиндондалигида ундан олдин Ҳаллождек ўз ўлимини кўпгина ғазалларида тез-тез эслатиб турган.

Хуқуқшунос Жўзжоний, адабиётшунос А. Ҳайитматов ва кўпгина бошқа олимларнинг тадқиқотларида Машраб хокининг кўчирилиши сабаблари турлича талқин қилинган ва ҳаммасида ҳам «Қиссаи Машраб»даги маълумотларга таяниш мумкин. Истисносиз айтиш мумкинки, Д. Ҳамроева талқини ҳақиқатга яқинроқ деган фикрни илгари суриш мақсадга мувофиқдир: «Каромат ва валийлик борасидаги халқ эътиқодини рағбатлантириш учун тўқиб чиқарилган айрим лавҳалар халқ китобларининг тарихий аҳамиятини камайтирган.

¹ Мухсин Зокиров. Эрк ва маърифат куйчилари, 42-бет.

² Ҳамроева Д. Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикиси. Фил. фан. ном. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент-2003, 22-бет.

³ А. Абдуғафуров. Қалб қаъридаги кадрятлар, 162-бет.

Бирок манқабанинг жанрий талабларидан яна бири мантикий хулосалашдир. Масал сингари у киссадан хисса чиқаришни талаб қилади. Вазир Масъуд Машраб ўлгандан сўнг унинг тушига кириб, ўз қабрини Ишконмишга кўчиришни васият қилганини айтади. Эртаси куни қабрининг қибла тарафидан тешик пайдо бўлиб, буни ишорат деб тушунадилар ва қабрни Ишконмишга кўчирадилар. Аслида, бу каромат эмас. Унинг асосида Шарқ донишмандлигига хос ақлий бир тадбирни кўриш мумкин. Мақсад Маҳмуд қатағондек қаттиққўл подшоҳ қатл эттирган Машрабни зиёрат қилувчи ихлосмандларга имтиёз яратишга интилиш бўлган. Чунки Ишконмиш ижтимоий-сиёсий марказ бўлган Балхдан узокроқ, Тоҳар вилоятига қарашли тинч жой эди.

Маноқибларнинг оммалашиши, шоир шахсининг халқ орасида шуҳрат топиб бориши оғзаки ижодда кўплаб латифалар аралашшига ҳам сабаб бўлган».¹

Исҳоқ Боғистонийнинг «Газкираи қаландарон» асарида Машраб шахсиятининг қаландарлик даври ва унинг отолик Қатағонбий томонидан дорга осиб ўлдирилиш ҳолати ишонарли ёритилган. Тазкира ҳажман кичик бўлганлиги боис, (унинг кўп ўрни йўқолганлиги маълум) унда Машрабнинг дастлаб Наманганни тарк этиши, мулло Бозор охунд билан ўрталарида кечган баъзи тушунмовчиликлар, Машраб ортидан қўйилган хуфялар, шоир қалбининг озор чекиши ва ниҳоят Намангандан кетиши сабаблари кўрсатилган: «...Алғараз Машраб халойиқ орасида машҳурлик топди. Машрабнинг ринд табиати, оташнок ашъори ва ҳақгўйлигидан мутаассир қўймишди ва анинг теграсинда парвона бўлурди. Машрабнинг бир тоифа халойиқ ичра бу янглиғ бу турки сўфилар вужудига ғулғула солмиш. Ҳасаднинг зўрлиги андоқ даражада касб этмишки, Машраб борасинда охунд ҳазратлариға фисқу фужур сўзламишлар. Охунднинг муборак кўнгуллари озор топмиш. Машрабни дуоибад қилмишлар. Охири Маймоқ сўфи ва ҳамтабақлари муродига етмиш. Жаҳл ва фисқу фужур нопок диллари лола бўлмиш бу энағар сўфилар шаккок, вале хуштаъб ва оташ нафас Раҳимбобони ороға олиб муборак дандонларини синдуриб, эл аро кўп надомат ва маломат қилдилар. Ривоят қиладиларки, бу машъум ҳаводисдан сўнг Раҳимбобо «Тақсир охундим, неча халойиқ низо айлаб кеча ва кундуз мани пойлаб юрурлар ва кўп маломат қилурлар. Эй Охундим, менинг оркамдин мўралағичлар кўюб, шармисор қилмоқ орзусида эркансиз. Энди бу юрт сизга бўлсин. Бир ғилофга икки шамшир сиғмас эркан, бизга йўл бўлсин, аллоху акбар», дея Наманганни тарк этмишлар эмиш. Машраб бағоят озурда хотир, паришон кўнгул ва аламангез бўлуб, Наманганни тарк этмоқликдин ўзга иложи қолмади».²

Шоирнинг Наманганда истиқомат қилишининг кейинги даврларида у «шаддод, номуссиз йигит» сифатида қаттиқ таъқиб ва таҳқирларга дучор бўла бошлайдики, унинг ҳаётидаги бу ходисалар ҳақида қиссада анчагина аниқ ишоралар бўлганидек, унинг шеърларида ҳам бундай шароитдан аччиқ шикоят оҳанглари кўзга аён ташланади.

Машраб мулла Бозор охунддан барча илмларни эгаллагандан сўнг Қашқарга Офокхожа хузурига бориб унинг илтифотига сазовор бўлган.

Ҳазрат Офокхожа Машрабга қайта-қайта ғазал ўқитади: «Алқисса, Шоҳ Машрабни ўқуғонлари Ҳазратимга хуш келиб, ишорат қилдиларки, яна ўқуғил:

Бузургу марди худо деб дуо тилаб келдим,

Валийи шернамо деб паноҳ тилаб келдим.

Қўлига ханжар олиб, ул санам деди: Бош бер!

Камина бекасу ожиз ризо тилаб келдим.

Қаландаринг яна Машраб йўлингга бош қўюбон,

Бу остонага яна зиё тилаб келдим.

Бу сўз Ҳазратимга хуш келиб, назари илтифотлари бирла қараб, қўлларини очиб, Машрабнинг ҳақиға дуойи хайр қилиб, кифтига қоқдилар. Эрса, бисмил бўлгон мурғдек, беҳуд бўлуб йиқилдилар. Шул соат подшоҳим Машрабни бошини тиззалариға олиб, ботиндин хабар олдилар. Эрса, Машрабни дилини чироғига ёғ қуюб, пилтасини тайёр қилиб, равшан қилғоли бир пири комил топмай юргон экан».³

¹ Ҳамроева. Д. Ўзбек тили ва адабиёти, 2003, 4-сон, 49-бет.

² Исҳоқ Боғистоний. Газкираи қаландарон. «Шарқ юлдузи», 1990, 8-сон, 155-бет.

³ Шоҳ Машраб киссаси. 12-бет.

Офоқхожа илмда ҳар томонлама етук, айниқса шеърятда ниҳоятда нуқтадон воиз ва аллома эди. У Машрабдаги ўзига хос истеъдодни ва идрокни илғай олди ҳамда кўра билди. Бу ҳақда А. Абдуғафуров шундай дейди: «Афтидан, Офоқхожа билим доираси жуда кенг, жумладан, бадий адабиётдан ҳам анчагина хабардор бўлган, хусусан, шеърятнинг кадр-қимматини, унинг оммага таъсир кучини яхши тушунган. Шу боис, унинг даргоҳида шеърят ҳам юқори баҳоланган. Машраб ҳақидаги қисса маълумотлари худди шундан гувоҳлик беради. Бобораҳим билан илк учрашувдаёқ Офоқхожа уни шеърятдан ўзига хос имтиҳондан ўтказди, жумладан, Хўжа Ҳофиз Шерозий ва ўз ғазалларидан ёддан ўқишни талаб қилади. Бу синовдан муваффақиятли ўтган Бобораҳимга, қиссада ёзилишича, Офоқхожа «Машраб» тахаллусини беради. Бу маълумотнинг ҳақиқатга қанчалик мувофиқ эканини айтиш қийин. Ҳар ҳолда, айрим асарларида (шоирнинг) «Машраб» тахаллусини Офоқхожа қўйганлиги аниқ равшан қайд этиладики, бу бежиз бўлмаса керак.¹

Офоқхожамки, суюб «Отинг Машраб!» дедилар,

Чунки Машраб мулла Бозор охунддан кейин шундай етишган устод талабида эдики, замонасида Офоқхожадан устун келувчи ўзга пирни топиш мушкул эди. Шунинг учун у пир этагидан тутиб, у томонидан барча сўфийларга нима буюрилса, унга ҳам худди шундай юмушлар буюрилади. Машраб буни лутф ва марҳамат деб билди:

*Ҳажру фироқинг ўтида ошиқи беқарор ўзум,
Ой юзинг иштиёқида ошиқи хоксор ўзум.*

*Куйди юроким ўртаниб жабру ситамларинг билан,
Оҳима жовиодин қуяр, оташи тобдор ўзум.*

*Кўксима ханжаринг тегиб, оҳила аршни куйдуруб,
Қонима жисми жон бўяб гулшани лозор ўзум.*

*Чину Намангон ичида юрди Раҳимбобо сўраб,
Топмади бир ҳодийини, толиби роҳ-барор ўзум.*

*Пинҳон Зулайҳо доимо Юсуфга интизор эди,
Икки жаҳонда ёрини излаган ошкор ўзум.*

*Ҳар нафасики менда бор бўлди мадад Офоқхожам,
Бўлмаса бир қуруқ ёғоч, даштида кўҳсор ўзум.*

*Қуддуса сирриҳу Хожам отимни Машраб дедилар,
Қошгару Ёрканд ичида соҳиби гуфтор ўзум.²*

Машраб фақат оташзабон ижодкор сифатидагина эмас, балки айнаи замонда адолатсизлик ва зўравонлик, қабоҳат ва жаҳолат билан асло келиша олмайдиган довюрак шахс сифатида ҳам донг таратган. Халқ тасаввурида у жоҳил амалдорлар устидан кулувчи ахлақон тубан кишиларни, мунофиқ дин арбобларини аёвсиз фош қилиб, меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя этувчи ботирсўз, тадбиркор курашчи тарзида шаклланган: оддий халқ Машраб тимсолида ўз ишончли вакилини, ўз орзу-интилишларини баралла айта олувчи оташин сиймони кўрган.³

Жаҳон адабиётида ўз ижтимоий фаолияти ва ҳаётининг зиддиятли эканлиги, ғаройиб воқеа-ҳодисаларга бойлиги туфайли халқ оғзаки ижоди ва бадий адабиёт қаҳрамонларига айланиб кетган ижодкорлар мавжуд. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда Раҳимбобо Машрабнинг ҳам адабиётимизда алоҳида ўрни бор. Машрабнинг нафақат шеърятини, балки унинг воқеа-ҳодисаларга, ғаройиб саргузаштларга бой бўлган ҳаёти ҳам оддий халқ дилини мафтун этган. Халқ йиғинларида Машраб ҳаётида рўй берган турли воқеа-ҳодисалар ибрат, шу билан бирга енгил кулгини уйғотувчи ҳазил-мутойиба сифатида эсга олинган ва бу ҳолат одат тусига айланиб борган.⁴

«Шоир сиймосининг «Қиссаи Машраб»да ёритилиши» мавзусига хулоса қилинганда, ундаги ривоят ва афсоналарнинг ҳаммаси шоир сиймосини яратишда зарурий асарлардан

¹ А. Абдуғафуров. Қалб қаъридаги кадрятлар, 162-бет.

² Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним, қайдасан, 109-бет.

³ А. Абдуғафуров. Буюк сиймолар, алломалар, 46-бет.

⁴ Мусурмонов Э. Автореферат, 3-4-бетлар.

эканлигини таъкидламоқчимиз. Машраб ҳаёти ва ижоди ҳақидаги тарихий-биографик манба вазифасини бажара олмаса-да, унда ҳассос ижодкор дунёқарашининг кўпгина нозик кирраларини тушуниш имконини берадиган энг муҳим маълумотлар, шоир яшаган давр руҳини ўзида акс эттирувчи ҳаётий лавҳалар учраши билан унинг илмий-амалий аҳамияти қимматлидир.

Шунингдек, у оммабоп ва ҳаммабоплиги, жамият турли қатламлари томонидан тез қабул қилиниши ва эсда қолиши билан, ўқимишлилиги, назм ва наср намунаси билан омукта эканлиги, бадииятининг жозибаси, халқоналиги, миллий қадриятлар билан қоришиқлиги, асосийси, тез эсда муҳрланиб қолиши, мазмун ва моҳиятида янада чуқур мантиқ борлиги билан аҳамиятли ва муҳим асардир.

МАШРАБ ШАХСИЯТИНИНГ БАДИИЙ АДАБИЁТЛАРДАГИ ТАЛҚИНИ

Мазкур тадқиқот шу бўлимининг бош мақсади Машраб шахсияти, унинг сиймоси қиссалар ва бадиий асарларда берилишини тадқиқ қилиш, шоир ҳаёти билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни янада аниқлаштириш, уларни ҳолисона таҳлил этишдир.

Бунда бизнинг мақсад ўтган аср ва бугунги кунда Машраб сиймосини яратишга уринган шоир ва ёзувчилар, хусусан, Ойбекнинг «Машраб», Омон Матжоннинг «Бу Машраб, Машраб», Муҳаммад Алининг «Машраб» шеърӣй достони, ёзувчи Ҳамид Ғуломнинг «Машраб» («Шарқ юлдузи», 1981 йил, 1, 2, 3-сонлар) романини, Миркарим Осимнинг «Синган сетор» (Аждодлар фожеаси. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983) қиссасини, Иброҳим Ғафуровнинг «Дил эркинлиги» (Тошкент, «Маънавият», 1998) китобига кирган «Озод нафас» Машраб ҳақидаги ҳикояларни таҳлил этишдир.

Шунингдек, Ҳамид Ғуломнинг «Машраб» романи, йирик шоир ва ёзувчи Шухратнинг «Машраб» (Тошкент, «Шарқ» нашриёт-матба концернининг бош таҳририяти, 1998) романини, нарпайлик ўқитувчи Хайриддин Бегматовнинг «Девона Машраб» (Тошкент, «Шарқ», 2005 йил) романини мухтасар тадқиқ этишни мақсад қилиб олдик.

XX асрнинг сўнгги чорагида ўзбек романавислари Бобораҳим Машраб образини яратишни мақсад қилиб, у ҳақда йирик полотнода асарлар ёздилар. Ҳамид Ғулом «Машраб» романини яратди. У «Шарқ юлдузи» журналининг 1981 йил 1, 2, 3-сонларида босилди. Лекин, у китоб бўлиб босилиб чиқмади. Сабаби, адабиётшунослар Машраб ҳаёти ва ижодиётини билганлар, Ҳамид Ғулом замонасозлик қилиб Машрабни ўта даҳрий, шаккок, ҳудого тил теккизиш даражасида талқин этганлигини ўз вақтида унга изҳор қилишди. Қолаверса, бадиий тўқима ўта бўрттирилиб, Машрабнинг пири, унинг мутасаввуф устози Офоқхожага тил текказилганлиги жамоатчиликда норозилик уйғотди. Айтишларича Ҳамид Ғуломга авлиё Машраб сиймоси кўринган ва ёзувчи унинг руҳонияти олдида ундан узр сўраб, у ҳақда ортиқча мулоҳазалар тўқиганлигига истиффор айтиб, «Машраб» романини китобот қилмаган ва бу мавзуга бошқа қайтмаган.

1998 йил йирик ёзувчи Шухрат Алимовнинг «Шарқ» нашриёти томонидан «Машраб» кичик ҳажмли 80 (саксон) саҳифалик мўжъаз романи «Шухрат ҳаётига назар ва у ҳақдаги хотиралар» китобидан ўрин олгани ҳолда жамоатчиликка эълон қилинди. Мен Шухратнинг Машраб ҳақида роман ёзганлигини эшитган эдим, давр нобоплиги, ёхуд Шухратнинг ноҳақ катағонга учраганлиги боис китоб ўз даврида китобхонларга келиб етмаган, фақат мустақилликдан кейин ва Шухрат ўлиmidан 5-6 йил ўтгач, «Машраб» романи китобхонларга тухфа қилинди.

XXI аср бошида – 2005 йил «Шарқ» нашриётидан Машрабнинг ҳақиқий мухлиси, нарпайлик ўрта мактаб адабиёт фани ўқитувчиси Хайриддин Бегматов қаламига мансуб «Девона Машраб» романи китобхонлар кўлига тегди. Роман «Меҳрибоним, қайдасан» номи билан «Шарқ юлдузи» журналида 1991 йил 4, 5, 6-сонларида эълон қилинган эди.

Тасаввуф адабиётининг билимдони, ёзувчи, таржимон, адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуровнинг 1998 йил «Маънавият» нашриёти томонидан «Дил эркинлиги» ҳикоялар, мансуралар, бадиалар, адабий мақолалар асари босилиб чиқди. Китобнинг дастлабки қисми «Озод нафас» деб номланган ва у ҳикоялардан ташкил топган. Бу ҳикояларда шоир Машраб ҳаёти ва фаолияти тасвирланган.

Ёзувчи, шоир, олим Муҳаммад Али «Машраб» шеърӣй достони яратган. Кўплаб олиму шоирлар Машраб сиймосини у ёки бу жиҳатларини ёритганлар. Академик Ойбек «Машраб», шоир Омон Матжон «Бу Машраб, Машраб» шеърларини яратиб, мутафаккир шоир Машрабнинг сиймосини яратишга ҳаракат қилганлар. Машрабга мурожаат қилмаган, ундан илҳом олмаган, уни куйламаган ва у ҳақда нимадир яратмаган ижодкорни учратиш қийин.

Мазкур тадқиқотнинг мақсади Машраб ҳақида эканлигини фикримиздан истифода этмай, у ҳақдаги ривоят, қисса, манқаб, достон, бадиий асарлар – роман, ҳикоя ёхуд шеърӣй асарларда Машраб шахсияти ёнки унинг яшаган муҳити, шоир қиёфаси қандай акс этган бўлса, ўша нуқтани таҳлил этишни бурчли билдик. Истисносиз айта оламизки, Машраб ҳақида келажакда илмий тадқиқотлар, бадиий асарлар ҳали жуда кўп ёзилади ва яратилади. Чунки яқин ўтган даврнинг 70 йилида у ҳақда ёзиш, тадқиқот қилиш биров чекланган,

дарсликларга умуман киритилмаган, ҳатто ман қилинган эди. Чунки у Ҳаққа етишган авлиё шоир, шоир ва авлиё эди.

Академик шоир ва ёзувчи Ойбек 1937 йил «Машраб» шеърини яратди. Шеърнинг мазмун ва моҳияти шундан иборатки, Ойбек Машрабни сочлари патила, кўзлари махмур, унинг кўзларидан кучли нур сачраб туришини, ундан на саратон куёши, на қиш изғирини ўтишини, юзларида маъно акс этиб туришини, унинг давлати қалбидаги қайноқ отилиб чиқаётган шеър ва кўлидаги эски танбури эканлигини тасвирлайди.

Ойбек болалик тафсилотларини «Тўда-тўда дарвешлар, қаландарлар бозор кезадилар «Ҳақ дўст, ё олло!» деб қичқирадилар. Бошларида кулоҳ, эгниларида узун чакмон-жанда, белларида каттакон қовоқ-қачқуллар, ола-була мунчоқлар. Кўлларида хасса, ўтдонда исириқ, алланималар... Улар Машрабдан ва баъзи форс шоирлардан чуқур сўфиёна диний ғазаллар ўқиб, бозорни кезадилар. Мен орқаларидан эргашиб, бу ғазалларни тинглашни севаман» дея ифодалаган эди. Ойбек шеърларидаги дарвеш унинг болалигида кўрган дарвешлардан бутунлай фаркланади, албатта. Лекин ана шу таассуротлар шоирда дарвешга айрича меҳр уйғотиб, шуурига мустақкам ўрнашиб, унинг ўзгача талқинига туртки берганлигини ҳам унутмаслик керак. Ўз даврининг ижтимоий-сиёсий, адабий муҳитидан илгарилаб кетган шоир кечинмалари ифодаси учун ҳам дарвеш образи, айниқса, асқотган.¹

Ойбек тасвирича, шоир Машрабнинг боши ҳар доим мағрур ва кўркам, эгнида эса эски пўстин, у ямалган, уни шоир қишда жун томонини, ёзда тери-муздай томонини кияди. Шоир сахро ва чўллардан шамолдай елиб юради, унга кеча ва кундузнинг фарқи йўқ, оёқлари ортидаги тиконлари, унинг учун майсадек юмшоқ ва беозордир. Созигина унинг ҳамдамидир.

Чўл ва сахроларда учраган қудуқ ва сардобадан, унинг зилол, чашма сувидан ҳовучида сув ичган шоир тошлар устида ястаниб ётиб ҳордиқ чиқарар, у мовий ва феруза осмонга боққанда, тақдирдаги тошларга нигоҳи тушганда, унинг кўз оташидан чўл ва сахроларда чаманзор пайдо бўларди дея Машраб руҳиятини тасвирлайди Ойбек:

*Ана, шоир келар ... Бир тўда бола –
Унинг орқасидан ажралмас соя.
Кўзлар акс этади муҳаббат, мароқ,
Уни билиш қийин: гўё жуфти, тоқ.
Асрлар кўрмаган ажиб девона.²*

Ойбек талқинича, Машрабга жуда кўп зотлар табоқ-табоқ олтин тухфа қилганда ҳам, шоир уларга эътибор бермаган, уларнинг инъомларини оддий халққа улашган, уларга раҳнамолик қилган.

Дарвиш шоир кечаю кундуз йўл босади, не юрту мамлакатларга қадам ранжида қилади, тунлари дарвишларга гулхан ёқтириб, ҳатто ўзи ўтин қалайди, у оловни куёшни севган каби севади, чўғни кафтида ўйнатади, куёш жилвасини оловда, ҳар иккисин ҳароратини қалбида ҳис этади у чунки унинг қалби куёш ва чўғ ҳарорати каби одамларга иссиқлик, нур, зиё улашади.

Ойбек шеърида ифода этишича, авлиё шоирнинг қалбидан сирри ниҳон-яширин сирнинг, унинг мўъжизакорлиги ва ҳайратли ишлари ҳақида турлича баҳсу мунозаралар бўлаверади: Чунки Машраб ҳофиз ва машшоқ, созанда ва гўянда. У соз чалиб куйлайди, куйлаб соз чалади, жарангдор ва хуш овозда шеър ўқийди, унинг овози табиий ва унда сунъийлик йўқ:

Рухларнинг қаърида ёқади машъал ...

Мутафаккир шоир дабдабаю, кошоналардан ўзини четга олди, ҳатто хон қизларини ҳам назарга илмайди, у Ҳақ ва Ҳаққониятни Яратгандан сўради ва ёруғлик, нур, зиё кидирди, унинг ҳаёти афсона ва ривоятларга чулғанди, у халқ хотирасига муҳрланди, у халқ қалбида куёшдек ёруғлик тарқатувчи тимсол бўлиб қолди:

*Қочади ҳар ерда кошоналардан,
Шоҳ дўстлар чиркинроқ бегоналардан.*

¹ Акбарали Сабирдинов. Ойбек шеърларида дарвеш образи. Адабиёт кўзгуси. Илмий тўплам. 2006, 9-сон. 131-бет.

² Ойбек. Машраб. Ўзбекистон овози. 1992, 21 май.

*Ис босган кулбада топар ранг, зиё,
Хон қизи бўлолмас шиқига Лайло.
Қидирар қуёшни майхоналардан.*¹

Омон Матжон лирик шоир, у ғазал жанрида ҳам қалам тебратади. Унинг ғазаллари фалсафийлиги, мазмун чўнглиги билан ўзига хосдир. Шоир турли жанрлардаги шеърий асарлари билан халқ шоири унвонига сазовор бўлган. Унинг олтилик-мусаддас жанрида яратган «Бу Машраб, Машраб» шеъри фалсафийлиги, тарихни, мутафаккир шоир Машраб фаолиятини ёрқин ёритиб берганлиги билан ажралиб туради. Шеърга сўз бошида Омон Матжон ёзади: «Машраб – авлиё. Демак, у вали, башоратчи. У замонлар дарвешини, ҳаёт раққосини. Бир юракда шунча қувват, нола, наво нечук жам бўлгани бир Яратганинг ўзига маълум. Омон Матжон фалак дарахтидан айни тонг чоғи, оқ-қора қушларни ҳуркитган ким?» – деб савол бериб, гўзал ёз базмида булбулларга куйлар ўргатган, ҳар бир сўзига таъриф бўлмаган шоир Машраб эканлигини таъкид этади.

Машраб нигоҳи шу даражада ўткирки, унинг кўкка қарашидан булутлар парчаланиб кетади, унинг йиғисидан бўрон туриб кетади, кўкдаги юлдузлар унинг учун ўйинчоқ бўлиб қолади, яшин эса унинг овунчига айланади.

Машраб яшаган даврда ўзаро тожу-тахт урушлар кўпайиб, юрт пароканда, миллат ғафлат уйқусида, ватан зулматни, қоронғу кунларни бошидан кечираётган, ҳатто темурийлар давридаги салтанат инқирозга юз тутган эди:

*Ким у темурийлар хонадонининг,
Ўчоқларин қучиб, қўр титаётган?!
Йўллар тикланишин, тож ярқирашин,
Миллат уйғонишин зор қутаётган?!
Ва зулматни бузган наъралар бошлаб,
Бу – Машираб, Машираб!*²

Машраб яшаган даврда бутун миллат дарди, бир-бирига ёв беклардан безган эл, мансаб, ҳаю-ҳавас учун талпинаётган хону-ҳокимлардан, уларнинг тақику чеклашларидан зада юрт, ўғрию, қароқчи, қўрқоқ қозилардан ҳазар қилган омма, ҳақсизлигу адолатсизликдан номуси топталган, фитнакорликдан азият чеккан улус, аммо Яратганга эътиқодию иймони ва севгисию, қалби бутун кимсасиз халқини ташлаб кетмаган Машраб ҳақида Омон Матжон ёзади:

*Хў-хў ким йиқилди фитнадан ногоҳ,
Лекин қўлидаги Ҳақ жоми бутун!!
Иймони бутундир, севгиси бутун,
Кўнгли бутунларга саломи бутун,
Бўлса ҳам кетмаган бизларни ташлаб,
Бу — Машираб, Машираб!*³

Комил мусулмон Машраб ҳаж йўлида, шоир фикрича, покланиш учун исломнинг бешинчи рукнини бажариш сафари пайтида қатағонбий ғазабига йўлиқади, у илоҳий ишқни – Яратганга бўлган муҳаббатни, ишқ аҳлига бўлган севгисини, тангрининг севиқли қули бўлиб, қалбида абадий нур, адабий исён билан куйлаб ўтди.

Машрабнинг қалби мудом уйғоқ, юраги огоҳ, абадий уйқуга кетган бўлса-да, ғафлатга ботганларни уйғотувчи, унинг шамолидан туманлар тарқаб кетади. Машраб ўтиб кетган бўлса-да, унинг яшовчан шеърияти гумроҳлар учун, юртни ҳароб қилаётганлар учун исёндир, уларни уйғонишга даъватдир. Қаддини тиклаётган халққа яловини, байроғини кўтаришга ундовчи нидодир:

*Кел, бугун эй шоир, гумроҳ тўполон,
Турли гуруҳлардан нифоқни кўтар,
Ўмгани оҳиста тикланаётган,
Халқинг-ла бу озод байроқни кўтар!*

¹ Юкоридаги манба.

² Омон Матжон. Бу – Машраб, Машраб, «Ўзбекистон овози», 1992, 22 май.

³ Ўша манба.

*Сувратинг бир шараф, руҳинг бир шараф!
Эй, Машраб, Машраб!*¹

Шоир ва ёзувчи Муҳаммад Али 1966 йил «Машраб» номли шеъринг дoston яратди. Дoston «Биринчи кўшиқ»ва «Иккинчи кўшиқ» фаслларига бўлиниб, дostonнинг биринчи фаслида ёзувчи инсон туғилганидан уфққа интилиши, биз яшаётган минтақа куни ва туни ҳам оқ ва қорага бўлиниши, қоралик ва оклиғ, зулмат ва ёруғлик ҳақида фалсафий мушоҳада юритади. Ёш бола Машраб отасининг айтганини қилмай бебош юриши, баъзида хаёлга ғарк бўлиши, ўзига сирдош ахтариши, оклик, ёруғликни ахтариши, узоқ сафарларни орзу этиши, шаҳри азимнинг сараси бўлган Қашқарни, доврўғи дoston бўлган Офокхожа эшон зиёратини хоҳлайди:

*Отим йўртмоқ истар,
Тушдим мен йўлга.
Юрак қистар, қистар
Хайр, она ўлка!
Тушдим мен йўлга!
Йўргала, ҳей, тўриқ,
Қайдасан, Қашқар?
Олда ўзга йўл йўқ,
Қашқардан бошқа.
Қайдасан, Қашқар?»²*

Машраб бир умр тангри марҳаматига етишмоқ учун севган элини ташлаб, Қашқарга Офокхожа хонадонига боради. Пирга эътиқоди баланд бўлган Машраб Офокхожа хонадонига Гулгунни учратади. Ҳамма манбаларда Машрабнинг пир хонадонига маъшуқаси Тўтинисо деб келинса-да шоир Муҳаммад Али уни Гулгун деб атаган.

Дostonда тасвирланишича, йигирма икки ёш бўлган йигит Машраб Гулгундан кочиб кетишни, пирга назира қилинган қиздан эркини ўз кўлига олишни ўтинади. Сўнгра Машраб ва Офокхожа эшон ўртасида кескин ихтилоfli мунозара бўлиб ўтади. Эшон Машрабга шеърларида Маккага тил теккизганини ва ҳарамга кўз олайтирганини айтиб уни қарғайди. Ғазабланган эшон уни бичишга фармон берган.

Дostonнинг «Иккинчи кўшиқ» фаслида Машрабнинг жаҳонгашталиқ ҳаёти бошланади. Машраб жуда кўп кишлоқлардан ғазаллар ўқиб куйлаб ўтади. Чўлу биёбонлар-у саҳролардан ўтган шоир Аллоҳни зикр қилади:

*Дунё дея келганлар
Паст-баландни билганлар,
Эсиз, нодон бўлганлар,
Халқ дўст, ё олло!*

Дostonда Балх ҳокими Маҳмуд қатағон шоир Машрабни саройда яшашга таклиф этган. Аммо Машраб саройда тутқундай яшагандан кўра деб, унинг таклифига рад жавобин бериб шоҳнинг кошона саройини ахлатхонага тенглагач, подшоҳ Маҳмуд қатағонбий уни жаллодга топширади:

*«Билмадим деманглар, эй аҳли улус!
Дорга осилади, Машраб беномус!»*

Қисқаси дoston хотимасида шоир Машрабнинг дорга осилиш фожеасини тасвирланган.

Ўз даври учун дostonнинг аҳамияти, эҳтимол жуда юқори баҳолангандир, аммо бугунги кунда унинг мазмун-моҳияти ўта анъанавий руҳда ёзилганлиги кўзга ташланади.

Аввало ўтмиш ҳақида қалам тебратган ёзувчи Миркарим Осимнинг «Синган сетор» киссаси ҳақида мухтасар фикрларни изҳор этамиз. Китоб 1983 йил нашрдан чиққан. Бу дегани собиқ шўролар тузуми, коммунистик мафкура энг юқори нуқтада ўз ғояларини халққа тарғиб этаётган давр эди. Ёзувчи ўз халқи, ўзбек миллати, унинг ўтмиши ҳақида ёзса-да, унга таъна ва маломат тошлари отиши, унга қора лой чаплаши, замонасозлик қилиши, окни

¹ Ўша манба.

² Муҳаммад Али. Машраб. Дostonлар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1974, 73-бет.

қорага ўраб гапириши зарур эди. Бу қиссада ҳам ўша анъанага риоя этилган. «Қиссаи Машраб»лардаги воқеа-ҳодисалар бироз бошқачароқ усулда, давр нуктаи назаридан бадийлаштирилган ҳолда ўзлаштирилган. Аслида ўта художўй бўлган шоир Машраб ўта атеист, даҳрий, худосиз, ҳатто мутаассиб ҳолда тасвир этилган. Одатдаги воқелик – Машраб мулла Бозор охунддан тарбия олади, ундан илм сирларини эгаллайди, сўнгра шаккоклиги учун Қашқарга Офокхожа хонадонига жўнатилади. Эҳтимол, совет тузуми даврида, ўша давр мафқураси ва китобхони учун бу ҳол, яъни, Машрабнинг уламолар ва ислом ақидалари устидан мазах қилиб кулиши ўринли ҳолдир. Чунки ёзувчи ўша мафкура талабига «лаббай» деб жавоб бераётир ва Машрабни ўша «мафкура»га мослаштириб «замонасоз»шоирга айлантириб, даврга мослаб «хизмат» қилдираётир. Кўп эмас, деярли чорак асрдан сўнг тоталитар тузумнинг инқирози ва унинг мафқураси умри қисқалиги тезда аён бўлиб ўша давргагина хизмат қилган асарни бугунги китобхон қабул қила олмайди ва ундаги воқеиликни ҳам ҳазм қила олмаса керак.

Таниқли танқидчи, адабиётшунос олим, таржимон ва ҳикоянавис Иброҳим Ғафуров мутафаккир Машраб ҳаёти, фаолияти, унинг шеърляти ҳақида кўплаб илмий-оммабоп асарлар ёзиб ўқувчиларга тухфа қилган. Унинг насрий асарларидан бири Машраб ҳақида бўлиб, у ҳикоялардан иборат ва «Озод нафас» деб номланган.

Ёзувчи «Озод нафас» ҳикоялар тўпламида Машраб ҳаётининг болалик фаслини, унинг Ҳазрат мулла Бозор охунд хонадонига дастлабки илм ўрганиши, пок, бокира ички тугёнли туйғуларини ифодалайди.

Эр этган мулла Бозор охунд томонидан берилган барча илмларни эгаллаган Машраб, зехнининг ўткирлиги, закий ва зукколиги билан дўстлари ва маслакдошларидан айрича ажралиб турувчи шоир Офокхожа даргоҳига бориб ҳамма диний, дунёвий илмларни ўрганиб, унинг марҳаматига сазовор бўлади.

Офокхожа ҳазратлари обдон зуваласи илм билан пишган, дини ислом равнақи учун фидоий мурид Машрабни онгли бичиб, уни ўз тасарруфидаги вилоятларга юборишни, пир мавқеини янада ошириш учун хизмат қилишини ва солиқ мурид ўз-ўзини ҳам танитишини истаб, уни сафарга жўнатади: «Подшоҳим Машрабнинг келишган, куч ва шавкат ёғилиб турган қадди-басти, ҳайбатдор яғрини, бўрки тагидан жингалак бўлиб, тошиб чиққан қора ласдек қуюқ ялтираган сочларига қараб...»¹

Ёзувчи ҳикояда Машраб сиймосини ана шундай тасвир этган. Машрабнинг дўсти Пирмаст унга сафарларда ҳамроҳ ва сирдош, кўмакдош ва ғам андуҳларига шерик.

Машраб ва Пирмастларнинг доимий ҳамроҳи кучукча Барфоқ доим аккилаб улар атрофида айланиб, гоҳ олдинга ўтиб, гоҳ орқада қолиб кетади. Оёқлари тарам-тарам бўлиб ёрилган Машраб ва Пирмаст кенг майдонга чодир тикиб, далада ухлайдилар. Харобазор ва тўқайзорнинг подшоси шер чодирдан чиқиб қолган Машрабнинг оёғини аввал бирини, сўнгра иккинчисини ялаб, оёғи қитикланган Машраб оёғини чодир ичига тортиб олгач, у секин ярим тунда тўқай сари кириб кетиши ишончли чиққан. Туш кўраётган Машраб оёғини онаси ёғ билан малҳам кўяётгандек эркаланиб ётади ва қитиғи келгач, чодир ичига тортиб олади. Ҳайвонлар подшоси шер ҳам Машрабга тегинмаганлиги кишини ҳайратга солишини И. Ғафуров бадий тасвирини жуда ишонарли берган.

Ёзувчи И. Ғафуров наздида ҳақиқий Ҳаққа етишган авлиёлар ўтда ёнмас ва сувда чўкмайдилар. Барча Машраб ҳақидаги манқаб ва ривоятларда бадий ва илмий асарларда у Мансур Ҳаллож мақомига етишиши орзуси тасвир этилган. Чунки пир Офокхожа Машрабга мансурвор дорига тортилиш башоратини олдиндан унга изҳор этган. Машраб буни онгли қабул қилиб, Мансур қисмати ўзида тақрорланишини кутган ва ўз кушандаси Маҳмуд катагон эканлигини билгани ҳолда, у билан тиккама-тикка, жасорат билан мунозарага киришган ва раият тарафида туриб, унинг манфаатини кўзлаб, подшолардан адолат талаб қилган. Бадий тасвир, И. Ғафуров дунёқараши маҳсули шу даражада ишончли чиққанки, буни куйидаги сатрлар исбот этади: «Мен ўтда куймайман, сувда чўкмайман», – деб ўзи билан сўзлашарди. Машраб! – Мен Худонинг девонасиман. Увайс пирим азиз Мансуру Ҳаллождек балки... балки, о! – бу не бахт бўлурди! – дорда ҳалок бўлурман. Балки... балки Хожам подшоҳим ҳақдирлар. Нечунки изтироб ила бу гапни икки бор тақрорлаб айтдилар. Бир гал айтдиларким... аё сўфийлар, билингизларким, Машрабдин Мансурнинг иси келадур.

¹ Иброҳим Ғафуров. Дил эркинлиги. Тошкент, «Маънавият», 1998, 10-бет

Яна бир гал ўз кулоғимга дедиларким, эй, бўтам Машраб, сени Балхда Мансур каби дорга тортурлар. Балки... балки пирымнинг бу башоратлари бежиз эмасди. Ҳайй-ҳейй, кўнглим не ўсмирлик чоғларидан ул муборак зот Мансур-қисматини орзу қилади. Ҳавасларимни балки... балки пирым Хожам, подшоҳим каромат назари била укуб олгандирлар. Мен ўтда ёнмайман, - деб яна қайтарди Машраб. Барча дардмандлар йўли – менинг йўлим, барча эзилганларнинг йўллари менинг йўлларим. Ўтда ёққайлар мени. Дорга тортгайлар мени».¹ Муаллифнинг ёзишича, «Бу муҳаббат хирсдан пок эди». Чунки одамзодга муҳаббат, Яратганга муҳаббат, Коинот гултожи бўлган одам номини шарафлаган Машрабнинг манифести эди. Қолаверса, шер ҳар кимнинг ҳам пойини ялаган эмас.

Ҳикояларнинг хотимасида «Бобораҳимнинг сариқ гуллари» номли ҳикояда «Сарбарг» гулини муаллиф яхши таърифлаган. Чунки Машраб онасининг икки ёноғи беҳад нозик ишланган чиний кўзачаларга ўхшашлигини, кўзача ранги-ла сарбаргни эслатишини, бу гул эса чиройли эканлигини таъриф этади. Машраб севгилисидан сарбарг гулининг иси уфуриб туради. Шу боис Машрабнинг тушига девона мажнун киради, кўзачалардан эса онаси хиди келади.

И. Ғафуров Машрабдаги илмни, унинг шеърятдаги салоҳиятини, азизу авлиёлардан олинган сабоқни, салафлардан ўрганган тажрибани, ундаги нуктадонликни, киши руҳиятини забт этувчи илоҳийликни қуйидагича тасвир этади: «Бобораҳим бир ўқишга тушса, тўхтамасдан соатлаб ўқирди. Ҳазрат Навоийдан бошлаб, Лутфийга, ундан Ҳазрат Атойи ва Саккокийга, улардан Оқ Сарой ва Кўк сарой шоирларига, улардан Румий, Насимий, Жомий, Дехлавийга ўтарди. Саъдий ва Ҳофиз девонларини «Шоҳнома», Навоий «Хамса»сини ёддан биларди ва ҳеч тутилмай айтарди. У ўқиганда ҳамма танг қотиб қоларди. Овозида аллақандай киши руҳини бутунлай ром қиладиган шира пайдо бўларди».²

Хуллас И. Ғафуровнинг «Озод нафас»идаги ҳикоялари мутафаккир шоир Машраб ҳаёти ва ижодини ёритувчи ва унинг устозлари мулла Бозор охунд, Офоқхожа каби улуғ мутассавуфлар ҳақида бизга тушунча ва тасаввур берувчи мўъжаз асаргина эмас, балки эса қолувчи, ёрқин руҳда ёзилган қимматли асар сифатида ўқувчи хотирасида қолади.

Ўзбек адабиётида XX асрнинг кўзга кўринган ва роман жанрида ижод қилган йирик вакилларида бири ҳеч истисносиз ёзувчи Ҳамид Ғуломдир. Ҳ. Ғулом мутафаккир Бобораҳим Машраб ҳаёти, ижоди, фаолияти, у босиб ўтган йўллар, мамлакатлар ҳақида матбуотда анчайин баҳсталаб мақолалар билан қатнашиб, ўқувчиларга тақдим этган.

Ёзувчи Машраб ҳаётини ёритувчи йирик поғонадаги асар ёзишни кўнглига тугиб, у ҳақда узоқ изланиш олиб борди ва бу хайрли ишни ўтган асрнинг 70-йиллари охири ва 80-йиллари бошида амалга оширди.

Асар «Шарқ юлдузи» журналининг 3 та сониди босилиб чиқди, аммо кўп миллионли китобхонлар романни шундайлигича қабул қилмадилар ва у китоб ҳолида чоп этилмади. Чунки ёзувчи давр нуктаи назаридан замонасозлик қилиб, Машраб сиймосини яратишга уринса-да, уни ўта атеист, даҳрий, шаккок руҳда яратишга уринган. Энг ёмони Машрабнинг устозлари мулла Бозор охунд ва Офоқхожа романда замона зайли билан бутунлай бошқача талқин этилди.

Машраб ва унинг севгилиси Тўтихоннинг илк муҳаббати билан бошланган роман, унинг ўлими билан интиҳосига етади. Машраб онаси Зубайдабегим, отаси Мулла вали ҳақида ҳам романда ишончли маълумот берилади. Машрабнинг доимий ҳамроҳи Пирмаст Сеторий, Обид Восвос шоир қаерга борса унга ҳамроҳлик қиладилар. Бу асарда ҳам мулла Бозор охунддан олинган илм камлик қилгани ва у Қашқарга Офоқхожа хонадонига келиши улуғ пир Машрабни шунчаки қабул қилиши тасвир этилади. Ҳатто Машрабнинг мулла Бозор охунд томонидан Офоқхожа хонадонига келиши романда «Бадарға» деб номланади.

Тарих ва тарихий ҳақиқатга ноҳолис ёндошилганлик шунда кўринадики, бирор жойда Офоқхожа ҳақида илиқ фикр айтилмайди, аксинча у романда салбий руҳда тасвирланади.

Аслида Тўтихон Офоқхожага унинг хос муриди Исоҳўжабий томонидан назр қилинган қиз. Машраб бу қизни Офоқхожа хонадонига келгач кўрган ва унга ишқи тушган бўлиши мумкин. Қисқаси романда тасвир этилган тарихий воқелик бутунлай бузиб талқин этилган ва

¹ Ўша асар, 17-бет.

² Ўша асар, 47-бет.

бу ҳол китобхонни нафақат чалғитади, уни «ёпишмаган» «ҳақиқат»ни атайлаб кўрсатишга уринилганлик, сунъийлик, сув устидаги пўкак каби юзага чиқиб қолган.

Ёзувчи Ҳ. Ғулом асарда Машраб қаландар бўлгани учун «Қаландарлар» девоналар, уларнинг юриш-туриши, ҳаёт кечириши, аъмоллари, зикр, сано ва ҳоказолар ҳақида кўпгина деталлар келтира олган. Офоқхожа хонадонидаги девоналарга қўшилган Машраб бу хонадондаги барча юмушларни бажаради. Пир уйидаги хизматлар, ниҳоят бу ерда Тўтихонга ошиқлик саргузаштлари баён қилинади. Алалоқибат Пирмаст ва Обид Восвоснинг саъйи ҳаракатлари туфайли Машраб Тўтихон билан учрашади ва улар висол оқшомини ўтказадилар. Бу йўқ нарса. Машрабнинг Тўтихонга шайдолиги бор нарса. Ёзувчи бадий тўқимани ҳам шу даражада ишонарли чиқаришга интилади. Тарихан ёндошилганда Тўтихон ички ҳовлидан ташқарига чиқмаган. Машраб ички ҳовлига нарвон орқали мўралашга журъат этган, шунда ҳам Пирнинг назари тушиши учун, онгли ҳолда буни амалга оширган. Бу сунъийлик асар мазмунига путур етказган, пир ва мурид бундан онгли фойдаланишган, чунки Машраб тайёр солиқ эди, унга оқ йўл керак эди, у пир сулуқини тарғиботчиси бўлиб дини ислом ғояларини оламга ёйиши, Офоқхожа ва ўзи танилиши, «Қутбул олам» вазифасини ўташи зарур эди. Худди шу ҳол романда тесқари талқин этилган ва улар бир-бирига душман, ғаним бири бичувчи, бири эса жабрдийда, мазлум ҳолда кўрсатилган. Офоқхожа у пайти подшо эмас, шайхул аъзам эди, шунинг учун у Машрабни бичишга буюрган.

Чунки нафси ўлдирмасдан Ҳақни таниш мумкин эмас эди. Кўпгина олимлар ва баъзи ёзувчилар каби фикр юритган Ҳамид Ғулом ҳам буни шундай изоҳлаб Машраб ва пир ўртасидаги адоват деб қарашган, ҳарамга кўз олайтириш деб тушунишган. Канизак Машраб учун бир баҳона эканлигини бутунлай бошқача талқин этишган. Бу ҳатто замонасозлик ҳам эмас, тасаввуфни, тариқат йўлини мутлақо билмаслик, бу йўлдан хабарсизликдир. Асарда ёзилишича, Офоқхожа Обид Восвоснинг қулоғини ўзи шартта кесиб ташлайди. Қанчалик мантиқсизлик, Офоқхожа шахсиятини билмаслик, наҳотки «Шайхулаъзам» Офоқхожа қўлига тиғ олган бўлса? Асарда унга бутунлай қора чапланган, у зулмкор, сонсиз-саноксиз бойликка эга шахс сифатида кўрсатилган ва одамлар нафратини келтирувчи эпизодлар тикиштирилган. Ким бу бадий тўқималарга ишониши мумкин, ёшларми, оммами? Саводхон омма шунинг учун романни босилиб чиқишини рад этди, ундан ҳафсаласи пир бўлди.

Романда шу даража Машрабнинг кўплаб ғазаллари келтирилганки, ҳатто баъзилари асарга ёпишмаган ҳам.

Ёзувчи Машраб ҳаётини сарҳисоб қилиб, «Йигирма беш йил ҳикояси» 1687 йилдан 1711 йилгача Машраб ўлимигача бўлган воқеликни хронологик тарзда, маълумот тарзида берган, афсус билан айтаман, бу мутлақо нотўғри ҳолдир, Машраб шу йиллари Осиё ва Африка минтақасидаги кўплаб мамлакатларда саёҳатда ва ҳаж сафариди бўлган.

Ўлим ҳолати, Маҳмуд қатағоний билан ўзаро мулоҳазалари бадий тўқиманинг мислсиз юқори нуқтасига чиқди. Машраб ҳеч қачон подшоҳлар билан мурсаи мадорада бўлмаган, бинобарин қатағонбий билан ҳам ўртада шиддатли мунозара юз берган, тўғри, хон ҳам Машраб ўлимига осонликча фатво бермаган, ундан узр сўрашни кутган, лекин Машраб тупурган тупикни қайта оғизга олмасликни халқ олдида айтган ва сўзида қолган. Бу дегани Машраб зулмни қурбони бўлди дейилгани эмас, ўз эътиқодида қола билиш ва хонлар ҳам адолат билан давлат тебратишни эслатиш бўлган, холос.

Давр нуқтаи назаридан роман ёзувчи фикрича, талабга жавоб бериши мумкиндир, аммо халқ-омма романни қабул қилолмади, «ҳазм бўлмади». Самарқандлик тадқиқотчи олим Эркин Мусурмонов ҳам бу романнинг ютуғидан кўра, камчилиги кўплиги ҳақида мухтасар фикр юритиб, қуйидагиларни изҳор қилган эди: «Фикримизча, шўролар тузуми даврида Машрабни чин эътиқодли қаландар сифатида талқин этиш, унинг мақсад ва интилишларини аниқ очиб бериш мумкин эмас эди. Машраб ижобий қаҳрамон сифатида тасвирланар экан, демак у дин ва унинг вакилларига душман бўлиши керак, деган ақида асарнинг бошидан охиригача етакчилик қилади. Шунинг учун асардаги камчиликлар замонасозлик натижаси сифатида қаралиши лозим. Истиқлол шарофати билан маънавий қадриятларимиз янги тафаккур билан идрок этилмоқда, уларнинг қадр-қиммати аста-секин ўз мавқеини

тикламоқда. Ҳозирги давр адабиётида Раҳимбобо Машрабнинг ҳақиқий миллий образини яратиш ёзувчиларимиз олдида турган вазифалардан биридир».¹

Машрабнинг бугунги миллий кадриятлар қайтган даврда сиймосини яратиш аслида, ўша даврда ижод этган Шухрат ва бугунги кунда қалам тебратаётган муаллим ёзувчи Хайриддин Бегматга насиб этди.

XX аср иккинчи ярмида ўзбек адабиётида бир қатор – Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Шайхзода ва Шухрат каби адиблар ижод қилиб ўтдилар ва турли мавзуларда халқимиз ҳаёти, тарихи ҳақида асарлар яратдилар. Забардаст Ойбек «Навоий» романи учун ҳукуматимизнинг Давлат мукофотига сазовор бўлди. Шунингдек, Шухрат уруш, тинч ҳаёт, она-юрт, Ватан ҳақида бир нечта тарихда қоладиган асарлар яратди, афсуски Шўролар тузуми ёзувчини меҳнатини қадрлай билмади, аксинча, Ватан душмани деб қаралиб, Сибирга сургун қилинди.

Замоннинг зайли шу даражада оғир эканки, миллатнинг тарихий шахслари ҳақида роман яратган Шухрат ўз даврида «Машраб» романини эълон қилдирилмаган. Болалик, талабалик йилларимизда Машраб ҳақида ривоятлар эшитар эдик, аммо у ҳақда бадиий асар йўқлиги учунми қандайдир қизиқиш билан устозларимиздан сўраган, Шухрат Машраб ҳақида роман ёзганлиги кулоққа чалинган, аммо у эълон қилинмаганлиги учун ҳеч ким роман ҳақида бизга маълумот беролмаган эди. Ниҳоят, мустақилликдан кейин, 1998 йил адиб архивида сақланган мўъжаз «Машраб» романи Мурод Мансуров, Темур Убайдулло томонидан таҳрир этилиб, китобхонлар қўлига тегди. Шухратнинг «Машраб» романи эълон қилинди-ю, аммо адабий жамоатчилик бу ҳақда фикр билдирган эмас. Фақат Маъруф Жалил Шухрат ҳақидаги «Сабоқ» номли хотирасида «Машраб» романи ҳақида Шухратнинг куйидаги фикрларини эслайди.

«Домла Машраб ҳақида роман ёзаётганликларини айтадилар. Машрабнинг авлиё одам эканлиги, феъл-атвори, манбаларда ҳикоя қилинган воқеалар, мажозларни тўғри тушуниш, тўғри талқин қилиш, Машраб ҳақида асар ёзиш учун одам ҳалол бўлиши лозим, деб таъкидлардилар. Асар домла тириклигида босилмади».

Ҳақиқатдан ҳам Шухрат айтганидек Машраб оддий инсон эмас эди. Балки у XVIII аср ўзбек адабиётининг фавқуллодда илоҳий куч-қудратга эга бўлган, нурли сиймоси сифатида халқимизнинг онгига бутунлай сингиб кетган нодир шахсиятга молик эди. У зоти шарифнинг ҳаёти ва ижоди афсона-ю ривоятларга бой, унинг ҳаётини қарашлари, инсон умрининг мазмуни ҳақидаги фалсафаси исломий дунёқарашдан келиб чиққан бўлиб, кишилик жамиятининг асл мақсад ва муддаосини ҳаёт, ўлим ва абадият тушунчалари орқали юксак мақомдаги бетакрор образли ифодаларда тасвирлашга эришади. Аммо Машраб яшаган давр, хусусан, Маҳмуд қатағонбий ҳукмронлик қилган хонлик даври тожу-тахт, бойлик, шахсий манфаатлар учун кураш авжига чиққан мураккаб ижтимоий вазият юзага келган бўлиб, Машраб илгари сурган инсонпарварлик, ҳалоллик, илм ва маърифатни қадрлаш, ҳақиқат йўлини тушуниб етишга тайёр эмас эди. Бошқача қилиб айтганда, барча давр мутафаккирлари каби Машраб ҳам теран фалсафий қарашлари билан замондан олдинга кетган ҳукмрон доираларга мутлақо зид эди. Шоир ва у яшаб турган давр ўртасидаги барча қарама-қаршиликлар шундан келиб чиққан дейиш мумкин.

Адабиёт, умуман, маънавият тарихимизда Машрабдек бетакрор истеъдод соҳибларига қизиқиш, у ҳақда фикрлар билдириш, бадиий асарлар битиб, унинг ёрқин сиймосини гавдалантириб, кенг халқ оммасига етказишга ҳаракат олиму ижодкорларнинг ҳамма даврларда диққат марказларида турган. XX аср ўзбек адабиёти ва адабиётшунослиги ҳам бундан мустасно эмас. Айниқса, мамлакатимизда мустақиллик қарор топгандан кейин, Машраб ва унинг ижодига муносабат тубдан ўзгарди. У зоти шарифнинг бутун фаолиятини аслида қандай бўлса, уни тўлалиги билан авлодларга етказиш, унинг олмосдай серқирра шеърятининг мазмун ва моҳиятини ҳаққоний талқин қилиб беришга бўлган ҳаракат янада фаол тус олди. Адиб Шухратнинг «Машраб» романи ҳам ана шундай пок ният билан ёзилган асардир.

Шухратнинг «Машраб» романи 81 саҳифадан иборат бўлиб, ёзувчи унда Машрабнинг болалигидан, йигитликнинг дастлабки давригача бўлган ҳаёти – толиби илмлиққа берилган даври қамраб олинган деса бўлади. Асар етти ички бўлимлардан иборат бўлиб, уларнинг

¹ Мусурмонов Э. Раҳимбобо Машраб ва унинг бадиий адабиётдаги талқини. Автореферат. Самарқанд, 1995, 17-бет.

номланишининг ўзиёқ ёш Машрабнинг руҳиятида кечаётган нурли туйғуларини, ғамгин кечинмаларини англашиб туради.

Инсон ёшлиги ҳайратдан иборат дейиш мумкин. Айниқса, балоғат ёшига етган ёшлар учун ўз атрофида кечаётган, содир бўлаётган ҳамма нарсага лоқайд бўлолмайди. Унинг учун ҳамма нарса қизик, табиату инсонларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатида ажиб бир гўзалликни кўради ва у оҳанграбодек кишини, айниқса, Машрабдай фавкулудда мусаффо хис-туйғуларга бой бўлган ёшларни ўзига ром қилиб кўяди. Шухрат романда ақл-заковати барқ уриб, туйғулари мавжланиб турган Машрабнинг ана шу ҳайратларга тўлиқ руҳий оламини тасвирлашдан бошлайди.

Машраб қалбида чайқалиб турган туйғулар тўлқинининг тошиб, Машрабнинг ички оламида ўзи ҳам англаб ётмаган қизик ҳолатларни, ўй-кечинмаларини пайдо қилган куч Машрабнинг Арзигулга тасодифан дуч келишидан бошланади. Бошқача қилиб айтганда, ёзувчи асар қаҳрамонини Арзигул билан учрашуви орқали Машраб онгида, шуурида, бутун ҳаётида янги кун бошланганлигини шоирона самимият билан ифодалайди. Тасвирдаги бу руҳ асарнинг охириги саҳифасигача сақланиб қолган.

Романда ёзувчи Машрабни оилавий шароитда кўрсатганда ҳам, тут тараётган Арзигул билан тасодифий учрашуви тасвирида ҳам, ўз даврининг етук уламоси мулла Бозор охундга шогирд тушиб, ундаги илм дарёсидан қониб-қониб ичиб, устози фахрланадиган даражага етган, устоз ва шогирд ўртасидаги самимият, меҳр ва эътиқод камол топган, Машрабнинг олимлик ва шоирлик иқтидори эл орасида ҳавас ва эҳтиром туйғуларини уйғотаётган, Қуръон қироатида ҳамманинг меҳрини қозонган асар қаҳрамони фаолиятини унинг ташқи ҳаракатлари билан эмас, балки Машраб бошидан кечириётган инсоний муносабатлари-ю, Арзигулга бўлган сўнмас муҳаббати ҳақида чуқур руҳий кечинмалар, қувонч ва шодликлари, алам ва изтиробларга берилиб хаёл суришлари, маълум бир фикрий хулосалар чиқариш жараёнларини чуқур тасвирлаш ёзувчининг диққат марказида туради. Яъни адиб Машрабдай улуғ зотнинг ёшлик даврини, унинг ижтимоий шахс сифатида шаклланаётган йигитлик даврини, қаҳрамоннинг асосан ички дунёсини очишни мақсад қилиб кўяди ва бунга эришади. Китобхон кўз ўнгида Машраб пок қалбли, тўғри сўзли, эътиқоди мустаҳкам, аҳдига вафодор, ўткир истеъдод эгаси, етук ахлоқий фазилатлар мужассам бўлган ёш, нурли бир сиймо шаклланиб келаётганлиги аниқ гавдаланади.

Аммо назаримизда Шухрат «Машраб» романини охирига етказа олмаганга ўхшайди. Бунга ёзувчининг хасталиги имкон бермаган дейиш ҳақиқатга яқинроқ бўлади. Чунки Шухратдай иқтидорли ёзувчи бошлаган улкан орзусини охирига етказмай, ташлаб қўйиши мумкин эмас эди. Ёзувчи ўзи ҳаёт бўлган вақтида асарни эълон қилишга шонилмаслигининг сабаби ҳам шундан бўлса керак. Шунга қарамасдан Шухратнинг ушбу «Машраб» асари ҳаётининг маълум бир даврини яхлит шоирона ва самимият билан тасвирлаганлиги асарнинг ўқимишли чиқишини таъминлаган. Ёш Машрабнинг маънавий қиёфаси асарда ўз ифодасини топган. Шундан келиб чиқиб, асарни Машрабнинг ёшлиги ҳақидаги қисса деб аташ мақсадга мувофиқ деб уйлаймиз. «Машраб» романи мўъжаз роман. У етти мавзудан иборат. Асар, асардаги фикрлар ҳақиқатга яқин, у бошқа романларга хос такрорий фикрлардан холи.

Асарда Машрабнинг болалиги, ўсмирлик йиллари ва айни йигитлик давридаги муҳаббатга мубтало бўлган йиллари ҳақида ҳикоя қилинади. Немис классиги Йоганн Вольфганг Гёте «Ёш Вертернинг изтироблари» номли мўъжаз китобчасида инсоннинг руҳий ҳолатини жуда моҳирона усталик билан таърифлаб, китобхонни ўзига оҳанграбодек жалб қилиб олади. Шухратнинг Машраб романи ҳам худди шундай жуда енгил ўқилади ва ўқувчисини ўзига мафтун этади. Асарнинг биринчи боби «... Қоши қаросини кўринг» деб аталган. Унда Наманганнинг қирқ кокилли, тили чучук қизлари, уларнинг хипча бели, ўзига хос тили, талаффузи тасвири билан бошланади. Айни тут пишиғи пайтида бир тўда дуркун ёш қизлар тут қоқаётганда ёш Машраб бехосдан тут тепасида тутни силкитиб, қоқаётган қизга кўзи тушади. Қиз шунчалик чиройли ва жозибали эдики, Машрабга шўх-шодон қиз тут қоқиб берайми деб сўраганда, - Сиз қоқсангиз, қанча бўлса еганим бўлсин! деб жавоб беради. Шундагина истиҳолага берилган қиз тутдан тушиб, ўзини панага олади, лекин уларнинг кўзлари тўкнашиб, юраклари алланечук уриб кетадилар.

Бошига сават кўтариб кетаётган кекса аёлнинг саватини манзилига элтиб берган Машраб офати жон қиз ҳақида ғазал ёзади, қизнинг исми Арзигул бўлиб, у тамоман Машраб қалбини ром этган эди.

«Машраб» романининг иккинчи қисми «Болалик» деб аталган. Шухрат бу қисмда Машрабнинг қўшни отин бибида дастлабки таълимни олганлиги, қўчадан олтин танга топиб келганда отаси уни ўша жойга ташлаб келишини айтганлиги, вақтида тангани жойига қўйиб келмагани учун мулла Вали ўғли Бобораҳимга тарсаки туширгани ва ўғлига ҳалолликни ўргатгани ҳикоя қилинади. Бўй етаётган зеҳли Машрабни отаси мулла Бозор охунд ҳузурига олиб келиб, унга сабоқ беришни ўтинади. Кичик қийиқчада тухфа, бир беқасам тўн билан кириб келган Машраб ва унинг отаси Мулла Валини Бозор охунд илтифот ила кутиб олади. Онаси қорнида гапирган бола шуми, - деб сўраши, у Машраб ҳақида олдин билганлиги ва шунинг учун уни мамнуният билан қабул қилиши романда ёрқин ёритилган. Илм олаётган бола Машраб маҳсидўз отага ёрдам беради, бўш пайтларини устози мулла Бозор охунддан сўраб олган Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар»ни мук тушиб мутолаа қилади. Бундан ота хурсанд, чунки ўғлини ўзига ўхшаб косиб эмас, ўқимишли киши бўлишини тилайди ва Машрабнинг катталардек фикр юритиши ота дилини шод этади.

Шухрат романининг учинчи қисмини «Шайдо кўнгил» деб атаган. Унда шундай гўзал жумлалар бор: «Ёрнинг ўзидан ҳам хаёли ширин!».

Ўша тут силкитиб берган Арзигул қаерга ғойиб бўлди, деган ўйда ўсмир Машраб тут атрофидаги уйни мўлжаллаб айланиб юради, ҳадеганда қиздан дарак тополмаётган Машраб қаршисидан бошида сават кўтарган хола пайдо бўлиб, яна Машраб холанинг саватини чапдаст ҳолда кўтариб, манзилига элтиб, сирли жилмаяди. Машраб Чорсуга бориб ўша эшикни топади, аммо, қизлар аллақачон озод бўлиб кетганлигини айтишади. Ҳафсаласи пир бўлган ошиқ йигитча уйига қайтади.

Отасининг ўғитлари ва ўғлининг илмга интилиши асарда жонли чиққан.

Мактабдор мулла Бозор охунд ўқувчилари орасида алоҳида ажралиб турган Машраб ва Лутфилла исмли толибни рамазони шарифда Қуръонга ўтказмоқчи эканлигини айтиб, уларни имтиҳон қилади. Аммо хаёли Арзигулда бўлган Машраб Қуръон кироатини ўз маромида ўқий олмайди, мулла Бозор охунд, унга юзларини совуқ сувда ювиб келишини буюради. Шунча талабалар ичидан Қуръон тиловатига ҳар ким ҳам олинмай Машраб ва Лутфилланинг танланганлиги, уни ҳушёр тортиради ва пирнинг ихлосини қайтариб қўймаслик учун Машраб эътибор билан, жиддий ва кироат билан Қуръон мутолаасида устози ҳурматини қозонади. Бундан мамнун бўлган Бозор охунд кутубхонасидаги Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Навоийнинг «Хамса» ва «Чор девон»и, Бобурнинг «Бобурнома», ибн Синонинг «Китоб уш-шифо», «Қобуснома» ва бошқа китобларни кўрсатиб, уларнинг қимматли китоблар эканлигини айтади. Яссавийнинг «Ҳикматлар»и, айниқса, Имом Бухорийнинг ҳадислари моҳиятини Машрабга сўзлаб беради.

У «Саҳиҳи Бухорий» китобини бир хотин юз пардасидан омонатгина «қадрига етганга сотаман» деб сотганлигини, бироз пул қўшиб бериб, уни сотиб олганлигини мамнун бўлиб сўзлайди ва Хожа Исмоил ал-Бухорийнинг дунёни айланиб, пайғамбар ҳадисларини тўплаган муҳаддисни Бухорода, сўнгра Самарқандда қабул қилмаганликларини, бидъатпарасту ичи қора киборлар ўша пайти ҳам борликларини, рўшнолик кўрмаган, жон таслим этгунча, ғарибона яшаган, бойлигу маишат нима эканлигини билмай, замона уламоларидан туртки еб ўтган Бухорий тақдирини сўзлаб беради.

Бу албатта ёш муллавачча Машрабга устознинг ишончи эди, устози унга эл аро хуш нафасдек таралиб бораётган ғазалларидан хабари борлигини, ўзи ҳам ашъорлар битганини, фалакиёт ва риёзатга ихлос қўйса-да, бирон иш қила олмаганлигини афсус ва надомат билан гапириб, фиску фужур Мирзо Улуғбекнинг тилла бошини еганлигини сўзлайди. Ҳа, Машраб ҳис қилишича, устознинг ҳам ғам-андуҳи, ушалмаган орзу-умиди кўп эканки, Наманган шаҳрининг не-не казо-казолари фарзандини мулла қилиб сабоқ бераётган, ҳар жойда иззат-икром билан кутиб олинаётган кимсан мулла Бозор охунддек мударриси замоннинг ҳам армонлари кўп экан, армонларини ёш Машрабдек муллаваччага дардларини тўкиб ўтирибди? Машраб шуни сездикки, демак устозининг унга ишончи баланд. Устоз олдидан озод бўлиб чиққан Машраб Арзигул хаёли-ла, уни шундоққина яқинида таҳсил олаётганини ҳис қилиб, қандай, нима деб учратишини режалаштиргани ҳолда ўша соғинч билан ўйлаб йўл юришини Шухрат шу даражада эҳтирос билан тасвир этган.

«Машраб» романининг тўртинчи қисмини ёзувчи Шухрат «Мулла Бозор охунднинг сеvimли шогирди» деб атаган ва бунда устознинг «Домланинг талаби талабани мулла қилади» деган жумлага амал қилишини у Машраб ва Лутфиллага қарата айтиб,

муллаваччаларни Қуръон тиловатига солгани, ҳар бир жумла, Қуръон талаффузи устида ишлагани ҳикоя қилинади. Мулла Вали ўғлининг Қуръон кироатига тушганидан хурсанд ҳолда мулла Бозор охундга маҳси калиш тухфа қилгани тасвир этилган. Катта жомеъ масжидида рамазон бошлангач, охунд уларни таровехда Қуръон тиловатига қўяди ва мулла Вали унда иштирок этиб, ўғлидан фахрланади.

Ёзувчи Шухрат романнинг бешинчи қисмини «Висол онлари» деб номлаган. Бунда мулла Вали ва Бозор охунд ўртасида Машрабнинг бошини икки қилиш масаласи муҳокама қилиниб, ҳазратнинг панд-насихатлари Машрабга қор қилиб, у уйланишга рози бўлади ва мулла Вали, унинг синглиси шоирдан розичилик олишади. Хаёлан Арзигулни излаб, Машраб у ўқийдиган мактабга боради, аммо озод қизлар чиқса-да, Арзигул ҳадеганда кўринавермайди. Кечроқ учта чиққан қиздан бири Арзигул эканлигини кўрган Машраб у билан қорама-қора ортидан эргашиб кетаверади. Улар холи пайтда учрашадилар. Дил розларини изҳор этадилар. Арзигул отинбиби Бобурнинг ғазалини ўқиб берганлигини, подшоҳ Бобур ҳам ишқдан азият чекканлигини Машрабга ҳикоя қилиб беради.

Унга жавобан Машраб, Бобурнинг бир ғазалини дона-дона ўқиб бериб, ундаги Бобур соғинчини, ўз соғинчидек қилиб, Арзигулга изҳор этади. Бобурнинг «Бобурнома»си ҳақида сўзлаб, Бобурга юртидан олиб борилган икки дона қовуннинг бирини атрофидагиларга қарчлаб бериши, иккинчисини бир неча кун тилимлаб еганлигини айтади. Подшоҳ – шоир ва шоир – подшоҳ ҳақида гапириб беради. Машраб ўзи ҳам шоирлигини қизга эслатади. Ёзувчининг ёзишича, Арзигул ёшлигидан Офокхожага назр этилган қиз. Машраб билан учрашган қизнинг кўнглидаги шу фикр ялт этиб ўтади.

Уларнинг мамнун ҳолда учрашуви интиҳосида Машрабнинг кейин қачон учрашиш ҳақидаги саволига қиз: «Қизил қор ёққанда», деб ҳазиломуз жавоб беради.

«Машраб» романининг олтинчи боби «Қайғу ва ҳижрон» деб юритилган. Арзигул уйга келиб, чўнтагидаги Машраб берган ғазални ўқиб, ундаги ошиқ йигитнинг муҳаббат уфуриб турган, қайноқ қалб сўзларидан маст бўлиб қолади. Машрабнинг шеъри унга ёққан, унинг юраги қувончдан ёрилар даражада хурсанд бўлиб кетади. Арзигулнинг Машрабга раҳми келиб кетади. Хатни ўқигани сари бу ошиқ йигитни у ҳам бир кўргандаёқ ёқтирганлигини, уни севиб қолганлигини тан олади. У хатни йиғлаб-йиғлаб ўқийди. Арзигулнинг оғироеқ онаси қизидаги ўзгаришни сезади, йиғлаганлигининг сабабини сўрайди, Арзигул эса сабабини айтмайди. Арзигулнинг отаси қизни бола ҳисобламас, чунки унинг ўғли йўқ, иккита туғилган ўғилларини ерга берган, хотини билан ўғил важдан бўлган жанжалларни Бозор охунд эшитиб, қизингизни Офокхожага назр қилинг дея маслаҳат берган, шунинг учун нобуд бўлган фарзандларини пирни рози қилмаганим учун шундай бўлаётгандир деб, қизини тезроқ Офокхожа хонадонига ташлаб келишни кўнглига тугади, ҳомиладор хотини омон-эсон ўғил туғиб олишини Худодан сўрайди. Лекин Арзигулнинг онаси назр қилинган фарзанд отанинг ёдидан чиқиб кетар деган умидда уни мактабга отинбибига бериб, шўх-шодон қизни ўқитаётган эди. Қизнинг қалби бир ҳадикни сезиб юрар, аммо отадан кўрққанидан чурқ этолмаган эди.

Ёзувчи Шухрат романнинг сўнгги еттинчи қисмини «Тақдир ёзуғи» деб атаган. Мулла Бозор охунд Машрабга уйланиш ҳақида панду насихат қилиб, уни уйланишга кўндиради, Машрабнинг холаси ҳам уни тезроқ уйланишга ундайди. Арзигулнинг икки ҳафталардан бери кўринмай қолганидан ҳадиксираган Машраб, бир неча гал у ўқийдиган мактаб эшигига қараб юради.

Арзигулга кўзи тушмагач, мактабдор дўсти Эргашнинг синглиси орқали уни дарагини эшитмоқ ниятида сўроқлаб бораётганида Эргаш Машраб олдидан чиқиб қолиб, Арзигулни отаси Қашқарга Офокхожага назр қилиб, кечагина топшириб келганлиги хабарини беради. Бу хабардан Машраб ханг-манг бўлиб қолади. Энди шу ерда ёзувчи бадиий тўқимаси ҳақида икки оғиз фикр юритмоқчимиз. Тасодифми ёки ҳақиқатда Мулла Бозор охунд Арзигулнинг отасига қизини Офокхожа хонадонига назр қилинишини айтгани ҳақиқатми, деган савол кўндаланг туради. Фикримизча, ёзувчи Шухрат Мулла Бозор охундни «Машраб» романида шу даражада (гарчи асар Шўролар тузуми даврида яратилган бўлса-да,) ҳаққоний тасвирланганки, унинг уламолиги, донишмандлиги, шогирдларига астойдил илм бериши, қаттиқўллиги, одамохунлиги, самимийлиги, Машрабга ишониши, унга астойдил меҳрибонлиги, бизнинг Машраб оғиз солиб, яхши кўрган қизни кўр-кўрона пирга тухфа қилишни у атайлаб айтмаган-ку? Асарни жуда катта эҳтирос билан ўқиб, кульминацияда

Арзигул ва Машраб тақдири – иккисининг қовуша олмагани, қизнинг отаси назр қилинган кизни Қашқарга элтиб ташлаб келиши, қалби ҳувиллаб қолган Машрабнинг ҳолати ўқувчини ҳам тушкунликка тушириб юборади, қалби ҳувиллаб қолган ёш Машраб ҳолати китобхонни ларзага солади.

Ёхуд Шухрат роман давомини ёзмоқчи, аммо, унга улгура олмаганмикин – деган хаёлга тортади.

Нима бўлганда ҳам Мулла Бозор охунд – Машраб ихтилофи ҳеч қачон бўлмаган, ҳатто Офокхожа – Машраб ихтилофи ҳам бўлмаган. Бу ҳақиқат.

Ёзувчи Шухратнинг «Машраб» романи тугалланмай қолган асар. Адибнинг вафоти бунга имкон бермаган. Унда Бобораҳим Машраб ҳаётининг дастлабки – ўсмирлик пайти, яъни унинг Офокхўжа ҳузурига жўнаш воқеасигача бўлган қисми қамраб олинган бўлиб, романнинг мўъжазроқ етти фасли акс этган. «... Қоши қаросини кўрунг» дея сарлавҳа кўйилган фаслда муаллиф Машрабнинг эндигина балоғат ёшига қадам қўяётган пайтини тасвирлайди. Фаслда баён этилган воқеанинг асл моҳияти шундан иборатки, ёш Машраб мактабдан уйга қайтаркан, бир тўда қизларнинг тут қоқишаётгани устидан чиқиб қолади. Ўсмирларга хос қизиқиш туфайли бу воқеани дастлаб кузатиб туради, сўнг шўх қизларнинг гап ташлашлари, яъни «далда»си билан воқеалар силсиласига аралашади. Тут қоқаётганларнинг орасидаги Арзигул номли қиз Машрабнинг қалбига чўғ ташлагандек бўлади. Қизнинг кўриниши сулув: «Қиз эмас, пари дейсиз: қош-кўзи келишган, ғунча даҳан, оғзидан шакар тўкилади». Машраб қизни кўргач, вужудида аллақандай ўзгариш юз беради. «Кўрди-ю, илон авраган курбақадай қотди-қолди. Умри бино бўлиб бунақа истарали қизни кўрмаган! Ҳалигина ердан териб олган тутнинг қўлидагиси қўлида, оғзидагиси бўғзида қолди». Арзигулнинг ҳам нозик қалбидан кучли туйғулар эпкинни уфуриб ўтади. Машраб илк бор тасвири қийин ҳислар оғушида маст кишидек ҳуш-беҳуш қолади. «... Кутилмаган учрашувдан қарахт бўлиб қолган Машраб тўрвасини йўқотган гадодек талмовсираб, бошини куйи солиб боради. Ўзи нима гап? Бутун вужуди ўт бўлиб ёниб кетяпти. Умрида ҳеч бунақа бўлган эмас. Ҳа, тиззасида ҳам қалтироқ-а! Оғир юк кўтаргани йўқ-ку, ё чарчадими? Нимадан чарчайди? Тутга чиққани йўқки, оёғи толиққан бўлса! Тутда қиз, Арзигул эди-ку! Ҳа, ростданам, қиз нима деди-ю. У нима деб деб жавоб қилди, нега қиз тутдан ўзини ташлаб қочди?»

Хуллас, Машрабнинг мургак қалбида илк бор севги «майса»си ниш урди. У энди ошиқ! Ошиқлик туйғуси унга ҳаётни минг чандон гўзал қилиб кўрсатади. Айни пайтда, изтироблари ҳам бор... Унинг оёқлари беихтиёр тутли ҳовлига томон юради. Кўзлари «ўша» кизни ахтаради...

Романнинг бошланиши муаллифнинг ижодий ниятини англайтиб турибди. У асарида буюк мутасаввуф шоир Машрабнинг буюк муҳаббат эгаси эканлигини кўрсатиб бермоқчи. Лекин, Машраб ҳаёти ҳақида ёзилган турли маноқиблар ва тарихий китоблардагидек уни ёшлигиданоқ қандайдир мўъжизалар соҳиби қилиб эмас, оддий, жонли инсон тарзида, барча одамларга хос муҳаббат эгаси сифатида тасвирлашга уринган. Айни пайтда, муаллиф Машрабдаги бир хусусиятни ҳам «зимдан» таъкидлаб ўтган: «кўзлари алланечук ҳаяжон билан ёнган чиройли йигит», бўлиб кўринади у Арзигулга. Англашиладики, ҳар ҳолда, Машрабда қандайдир ўзига хос белги ҳам бор... Муаллиф романнинг илк саҳифасидаёқ Машрабнинг муҳаббати, ишқи тўғрисида ёзиши ҳам бежиз эмас. Оташзабон шоир тақдирида мажозий ва илоҳий ишқнинг нақадар катта ўрин тутганига ишора ҳам бор бу ерда.

«Болалик» деб аталган фаслда Машраблар оиласи, у ўсган ҳовли, меҳнаткаш ота-онанинг фарзандига муносабати (тарбия нуқтаи назаридан) тасвирланган. Айни замонда, бу фаслдаги муҳим бир эпизод меҳвар сингари воқеалар силсиласини ўз атрофида тутиб турибди. Фақир, камбағал яшашларига қарамай, Бобораҳимнинг отаси ва онаси ниҳоятда диёнатли, пок инсонлар бўлишади. Улар ҳалол кун кечирадилар. Косиблик билан рўзғор тебратишади. Лекин пулга доимо муҳтожлик сезилади. Шунга қарамай, ҳалол бўлмаган пулдан, бойликдан ҳазар қилишади. Романда бу ғоя Машрабнинг бир оз пул топиб олгани, буни билган отаси унга пулни топган жойига ташлаб келишга мажбур қилгани воқеасида очиқ ифодаланган. Муаллиф Машраб тўғрисидаги маноқибларда узум воқеаси ўрнига ушбу манзарани яратгани сезилиб туради. Аввало, Машрабдаги покдомонлик, ҳалоллик, бировнинг мулкидан, бойлигидан ҳазар қилиш, аслида, оилада, ота-онаси тарбияси

воситасида шаклланган, демокчи. Иккинчидан, муаллиф манокибдаги воқеани оригинал тарзда талқин қилишга уринган. (Очиғини айтганда, узум воқеаси фалсафий-теологик жиҳатдан кучлироқ таъсирга эга). Мазкур фаслда Машрабнинг «Юсуф ва Зулайҳо» достонини берилиб ўқигани баён этилган. Мазкур эпизод кишини ҳаддан зиёд ажаблантирадиган эмас. Кундалик, оддий эпизод. Лекин муаллиф бунга ҳам маълум даражада ғоявий нагрузка юклаган. Отаси топиб олинган пулни жойига ташлаб келиш воқеаси муносабати билан уни хафа қилиб кўйганини тушунади (чаккасига шапалоқ тортиб юбориш ҳодисаси). Шу боис уни хурсанд қилиб «гуноҳ»ини ювиш тараддудига ҳам тушиб қолади: варрак ясаб унга қувонч бағишламоқчи. Қайси бола варрак учиргиси келмайди?! Варрак учирганда ўғлининг қийқириб шодланганини кўрмоқчи бўлган Вали бобо Машрабнинг фикри-хаёли, ўйи бошқа нарсада эканини кўриб танг қолади. Уни варрак учиршидан кўра китоблар ўзига кўпроқ жалб қилади. Машраб «Юсуф ва Зулайҳо»ни ўқиркан, ошиқликнинг ҳар қандай одам ҳам илғай олмайдиган нозик жиҳатларини қалбан туяди. Зулайҳо бир уйда ўтирган ҳолда, ташқарида, отлиқлар орасида севгани Юсуф ҳам ўтганини сезади. Бундан Машраб хайратга тушиб ҳаяжонга келади. Ахир, у бунга ишонмай, тасвири рад қилиши ҳам мумкин эди. Лекин у достонда тасвирланган воқеанинг реаллигига чин дилдан ишонади. Негаки, чин ошиқлик, муҳаббат нималигини билган, ҳис қилган кишигина бунга ишониши мумкин. У отасига буни шундай изоҳлайди: «Оти бошқаларникидан фарқ қилмайди. Қаёқдан биласан, дейишса, Зулайҳо, ҳамманинг оти ерга оёқ кўйиб юрса, Юсуфники менинг кўксимдан босиб ўтади, садоси юрагимдан келади, деб жавоб қилади. Зулайҳо Юсуфнинг маъшукаси-да!» Ўғлидан бундай изоҳни эшитган ота хайратда қолади, аммо буни ўғлига билдирмайди. Шунчаки заминий севгига дучор бўлган киши муҳаббатнинг бундай «фавқулодда, самовий» ҳолатларини нозик тушуниши қийин. Мазкур эпизод воситасида муаллиф Машраб қалбида пайдо бўлаётган муҳаббат, ишқ оддий инсон юрагида уйғонадиган севгидан нимаси биландир бошқачароқ эканига, ундан кучлироқлигига ҳам ишора қилган.

Мазкур фаслда Машрабнинг мулла Бозор охунд мактабига қабул қилиниши ҳам тасвирланган. Бозор охунд Вали бободан ўғлининг отини сўраганида «Бобораҳим» дейди ва кўшиб кўяди: «Яна бироқ исми... Машраб». Мулла «Ҳа, ҳа, қулоғимга чалингани бор. Онасининг қорнидалигидаёқ гапирган бола шуми?» дейди. Мана шу эпизодга келганида ёзувчи Шухрат воқеалар тасвирини манокибдаги ҳодисаларга яқинлаштиради. Буни у онгли равишда қилганми-йўқми, англаш қийин (негаки, роман тугалланмагани бу ерда ҳам халал беради). Лекин «Машраб» сўзининг «она қорнида гапириш» ҳодисаси билан боғланиши бу ерда муваффақиятли чиққан бадиий йўл эмас. «Тасаввуф истилоҳлари луғатларида бу сўзга «Ичмоқ; ичадиган жой, чашма; табиат, фитрат; «тасаввуф» ёки «маломат» аслида бир машрабдир; яшаш тарзи, ҳис этиш, унга биноан иш тутиш маъноси ҳам бор», деган изоҳ учрайди. Демак, бу таҳаллусни шоир Бобораҳим тасаввуф йўлига киргандан кейин олган. Манбаларда «Машраб» таҳаллусини унга Офокхўжа берган дейилади. «Машраб – илоҳий шаробдан сархуш дегани», деб ёзади тасаввуфшунос олим Н. Комилов. Нима бўлганда ҳам, бу таҳаллус унинг она қорнида гапириш ҳодисаси билан боғлиқ эмас».

«Шайдо кўнгил» дея ном берилган фаслда Машрабнинг Арзигулни кўриш орзусида унинг ҳовлиси атрофида кезиб юргани тасвирланади. Албатта, ёзувчининг севги воқеасига бу тарзда ёндашиши, аввало, янгилик эмас, оддий ҳодиса, иккинчидан, мазкур тасвир кундалик ҳаётий воқелик ифодаси эканини тасдиқлаши керак эди. Воқеалар маркази секин-аста мулла Бозор охунднинг ҳовлисидаги мактабга кўчади. Бу эпизодда Машрабнинг етук талабалардан бўлгани англашилади: Қуръони каримни қироати билан ўқий олади, унча-мунча китоблар мутолаа қилган... Хуллас, у шогирд сифатида мулла Бозор Охунднинг меҳрини қозонган. Шуни ҳам таъкибланиш жоизки, ушбу фаслда китобхон мулла Бозор охунднинг пешқадам уламолардан бўлганини англайди. У шунчаки оддий мактабдор эмас, риёзиёт, фалакиёт, мантиқ ва фалсафадан хабардор домла. Айни пайтда, унинг дунёқараши, ҳаётга бўлган муносабати кўпчилик уламоларникига ўхшамайди. «Машраб севимли устоди мулла Бозор охунднинг ҳам юрагида анча-мунча гам-андуҳи борлигидан» огоҳ бўлади. Ҳар ҳолда, ёзувчи шухрат мулла Бозор охунд тимсолини ижобий хусусиятлар эгаси сифатида тасвирлаган. Лекин, таассуфки, Машраб мактабда ўқиб юрганиданоқ умрини бахшида этмоқчи бўлган тасаввуф йўлида мулла Бозор охунднинг фаолияти, тушунчаси ҳақида

деярли ҳеч нарса дейилмайди. Бизнингча, романнинг нуқсони ҳам мана шунда (ёзилган қисмлари юзасидан айтилганда).

Романнинг кейинги фаслларида Машраб билан Арзигул орасидаги қисқа висол онлари, устоди мулла Бозор охунднинг шогирди келажаги қайси йўлдан кетишини белгилашга уриниши, ота ва ўғил орасида ҳаётини масалалар ҳақида сўзлаш каби лавҳалар чизилган. Пировард натижада, воқеалар мулла Бозор охунднинг тавсияси билан Вали бобо розилиги олиниб, Машрабнинг таҳсилни давом эттириш учун Қошғарга, Офокхўжа ҳузурига жўнатилиши билан тугайди. Роман мана шу тасвир ва баёнлари билан реалистик асарлар кўринишига эга бўлган. Таассуфки, Машраб ҳақида ёзиладиган бадиий асар учун шунинг ўзигина етарли эмасди. Йирик мутасаввуф Офокхўжа ҳузурига жўнатиш учун Машрабда тасаввуф бобида алоҳида истеъдод сезилган бўлиши, яъни унинг атоқли пири муршидга юборилиши учун етарли асос лозим эди. Китобхон мана шу нарсаларни кўрмайди.

Таассуфки, Машрабнинг шеърятга, ижод майдонига кириб келиши билан боғлиқ манзаралар (аникроғи, бу билан боғлиқ жараён) кўринмайди. Ҳолбуки, манбаларда кўрсатилишича, Машраб Офокхўжа ҳузурига ўн олти, ҳатто йигирма беш ёшида жўнаган деювчи далиллар бор. Бу ёшга етгунча Машрабнинг шеърят бобида талайгина «машк»лар қилгани аниқ.

Шуни ҳам айтиш керакки, Шухратнинг романида тил анча жўн, халқона. Ҳолбуки, Машрабдек, мулла Бозор Охунддек сиймолар ҳақида асар ёзиларкан, секин-асталик билан бўлса-да, уларнинг муҳитига томон ўтиш тил жиҳатидан ҳам бошланиши лозим эди. Бунинг устига, матндаги «тўрвасини йўқотган гадодек», «илон авраган қурбақадай» каби иборалар ҳам, бизнингча, мазкур асар руҳига мос эмас.

Биз ишонамизки, Шухратнинг романи ҳали хомаки ҳолатда бўлган. Асар охирига етгунча қайта-қайта муаллиф таҳриридан ўтган бўларди. Шу боис биз бу камчиликларни тузатилиши мумкин бўлган, аммо объектив сабаблар туфайли тузатилмай қолган нуқсонлар деб биламиз.

Нарпайлик ўрта мактаб адабиёт фани ўқитувчиси Хайриддин Бегматов буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Бобораҳим Машраб ҳақида «Девона Машраб» («Шарқ», Тошкент, 2005) номли роман ёзиб, ўқувчиларга тухфа қилди. Ёзувчи романни ёзишдан мақсад қилиб Машраб ҳаёти, унинг оловли шеърятини, шоирнинг жўшқин, тасодифларга тўла, саргузаштларга бой умри мазмунини ёритишни олдига қўяди ва буни уддасидан чиққан ҳам. Чунки бу романдан олдин ёзилган бадиий асарларда йирик прозаиклар замонасозлик боисми ёхуд давр нуқтаи назариданми Машраб сиймосини ёритишда жуда катта хатоларга йўл қўйиб, уни бўрттирилган ҳолда идеаллаштирганликлари кўзга ташланади. Хайриддин Бегматнинг романида эса Машраб сиймосини ёритишда бадиий тўқима кўп бўлса-да, сунъий ҳолат кўзга кам ташланади.

Ёзувчи асосан асарга сюжет танлашда кенг режада иш олиб борганлиги намоён бўлган. Машраб шубҳасиз улуғ шахс ва унда авлиёлик сифатлари мужассам. Негаки она қорнида овоз бериб, онасига қўшнисининг бир шингил узумини егани учун уни рози қилмаса ичида ғойиб бўлиб кетишини талаб қилган фарзандда ҳеч шубҳасиз хислатли бўлиб туғилиши олдиндан намоён бўлиши камдан-кам учрайдиган ҳодиса ҳисобланади. Бола улғайгач эса унда ғайри табиий ҳолнинг намоён бўлиши, фавқуллоҳда ҳозиржавоблик, чўрткесарлик, англаш қобилиятининг тезлиги ва бошқа ғайри табиий хусусиятларнинг юзага чиқиши, унда келажакда валилик, башоратгўйлик фазилатлари нишона бераётганидан дарак беради.

Машраб яшаган XVII-XVIII асрларда Наманган Фарғона водийсининг кичик шаҳарларидан бири ҳисобланган. Манбаларда ёзилишича, шаҳар атрофи ботқоқ, шўрхоқ, туз-намаги кўп бўлгани учун Намак қон шакли Наманган тарзида айтила бошлаган. Кейинчалик тижорат – савдонинг йўлга қўйилиши, Андижон шаҳри йўли устидалиги ва бошқа жиҳатлари боис у Наманган шаҳар мақомини олган. Машрабнинг падари бузруквори Андижон шаҳридан бўлиб, етти хазинанинг бири ўтинкаш – хезимкаш бўлганлиги учун Намангонга тез-тез келиб турган ва маддоҳлик маҳалласида яшаган Салимабибига уйланиб, жуфти ҳалолдан Машраб ва унинг синглиси Моҳибадр туғилган. Ўз номидан аёнки, Мулла Вали ўртамиёна яшаган ҳунарли аравакаш қосиб, саводли шахс. Машрабнинг онаси эса зукко, тарбия кўрган шоиртабиат ва шеърятга ошно, замонасининг саводли, оқила аёлларидан бўлган. Қасалмандлиги айтилмаса шоирнинг синглиси Моҳибадр ҳам зеҳдли ва закий, нозиктаъб ва фаҳм-фаросатли шоира бўлган. Машраб оиласидагилар ҳар томонлама

етук фозил ва фозила инсонлар бўлганлар. Машраб шу ҳолни шеърларида тилга олган ва уларнинг ҳам шеърий битиклари сақланиб қолган.

Ёзувчи Х. Бегматов романда Машраб сиймосини яратишда бошқа ёзувчилардан фарқли ҳолда, уни Аллоҳга шак келтирувчи, гумроҳ, шаккок ҳолда эмас, аксинча, ундаги ғайри оддий, фавкулотда феъл-атворнинг туб моҳияти нима эканлигини, ўқувчи кўзи билан қараган ҳолда таҳлил этади. Жунунсифат, куч-ғайрати ўзига сиғмаган Машраб ҳаммани хайратга солиб қамиш найини сув ичида оғзига тутгани ҳолда нафас олиб туриши, яланғоч ҳолда шеърлар ўқиб юриши билан одамларда хайрат уйғотади. Биринчи устози мулла Бозор охунднинг эътиборига тушади. Устоз ундаги истеъдод ва салоҳиятни тезда англайди. Алифнинг яккаю ягоналиги, бе – дан ўтиш гуноҳлигини тушунган устоз ва шогирд ўртасидаги мунозара ҳали ёш мурғак бўлган Машрабнинг нечоғли ақлли эканлиги устозга аён бўлади. Замонасининг улуғ алломаси, мадраса кўрган Мулла Бозор охунд ўзидаги жамики илмларни шогирдига бериб, сўнгра уни Қашқарга Офокхожа ҳузурига боришни тавсия этади. Машраб бу таклифни мамнуният билан қабул қилиб Қашқар сари йўл олади. Ҳатто у биринчи устози Мулла Бозор охунд ҳақида:

*Маърифатнинг гулзори Мулла Бозор девона,
Ошиқларнинг сардори мулла Бозор девона, -*

деб мулла Бозор охунднинг маърифатли, илмли, замонасининг етук зиёли, фозил инсон эканлигини кўрсатиб ўтган.

Романда тасвирланишича, Машраб Қошқарга Ҳидоятулло Офокхожа хонадонига илм истаб, тўғрироғи тариқат йўлига кириб, Аллоҳни танишни, пирга садоқат билан хизмат этишни, жамики риёзату машаққатларга чидашни, улуғ пирнинг ўғиту насихатларига кулоқ осишни, уни бошқаришини, тўғри йўл кўрсатишини, нафсни енгишни, инсоният ва жамиятга манфаат етказишни ундан ўрганишни кўнглига туккан ҳолда, сомелик билан унинг ҳузурига келган. Пир уни мамнунлик билан қабул этган. Офокхожа Машрабнинг ўз хонадонига келишини, унинг ички ботиний қалбига кулоқ тутиб тез англаган ва тайёр солиқ мурид эканлигини тушунган. Пир ва мурид бир-бирини тез англашган. Шу ҳолда романда тасвир этилишича, Машраб Офокхожанинг етти йил хизматини қилади. Ўтинкашлик, чўпонлик, уй юмушлари, мешкобчилик, сайислик.

Умуман аҳли солиқ, яъни пирнинг этагини тутган мурид нима иш қилиши лозим бўлса, ҳаммасини миннатсиз, лутфан мамнунлик ила бажаради ва пирга эътиқодини изҳор этади, ҳатто қасамёд қилади.

Шавкат Бухорий тарихий шахс. У тарихчи олим. Офокхожа хонадонига гарчи тасаввуфни қабул қилмаган бўлса-да, лекин Офокхожани пир сифатида эътироф этган, Машрабга замондош, пирнинг ишончини қозонган хос муридларидан бири бўлган. Офокхожа кутби олам мартабасига етган улуғ шайхул аъзам, аллома ва етишган пир, минглаб муриду мухлисларга эга эшон, авлоди пайғамбар эди.

Машраб Офокхожа ҳидоятига сазовор бўлиш учун бу хонадонга ташриф буюрганда, дастлабки анжуманда унинг эсида қолган суҳбат бўлиб ўтади, яъни Шавкат Бухорий Офокхожага шариатнинг тўрт йўли моҳияти ҳақида савол беради. Унга Офокхожа ҳазратлари шундай жавоб беради: – Шимолдан шариат, жанубдан тариқатдур. Мағриб ила машрикдан маърифат бирла ҳақиқат зоҳир эрур. Шариат Оллоҳ зикри бирла турмак, тариқат сулук ичра юрмак, маърифат Ҳақ жамолини изламак, ҳақиқат эса васлидин дарак топмок манзилларидур. Шариат зоҳири калом, тариқат маҳсули йўл, маърифат изхори ишқ, ҳақиқат эрса камоли ҳолдур. Ҳаққа етишмиш банда «Инсони комил» аталиб, ул илми ҳол эгаси бўлур. Ҳақ васлинга бу тахлит эҳтиёж Қул Аҳмад исми бирла овоза топмишким, тариқи, зикри жаҳрийдур. Биз ул роҳни аҳли дил йўли танлаб, сулукимиз арқонига қўшдик. Ошиқони сулуки ишқие ўзлигини жаҳр овози бирла эълон этур:¹

*Ўн саккиз минг оламда ҳайрон бўлгон ошиқлар,
Топмай маъшуқ, сўрогин сарсон бўлгон ошиқлар.*

Пири комил бўлган Офокхожанинг лафзи Машраб дилини ёритиб юборади. У излаган нарсасини топгандай бўлади. Машраб пирига кўзларини мунаввар этганлигини изҳор этади.

¹ Хайриддин Бегматов. Девона Машраб. «Шарк», Тошкент, 2005, 88-бет.

Чунки Машраб излаб борган пир «Кутби олам» олам кутби замонасида тасаввуф илмида пешқадам эди.

Машраб Офокхожа ички хос хонадониди ҳазратнинг рафиқаси хоним Пошшонинг талаби билан танбур чалиб, ашула айтиб бериши, у ердаги барча канислар ва ҳарамга туҳфа қилинган қизлар ҳавасини келтиради. Қизларнинг ҳофиз йигитнинг хониши ва танбурни сайратиб чалиши маҳлиё этади. Уларнинг ичида Офокхожага тортиқ қилинган Тўтинисо Машрабга бефарқ бўлмайди, Машраб ҳам ўзгача ҳусни жамолга эга бўлган қизга маҳлиё бўлади. Ҳар иккиси изҳори дил қилишади.

Қисқаси роман жуда ўқимишли руҳда ёзилган. Романни варақлаганингиз сари ундаги образлар хатти-ҳаракати ўқувчини ўзига ром эта бошлайди. Биз воқеалар тафсилотига эмас, аксинча унинг таҳлилига ўрин беришни мақсадга мувофиқ биламиз.

Романнинг журнал вариантига («Шарқ юлдузи» 1990 йил, 4, 5, 6-сонлари) халқ ёзувчиси Пиримкул Қодиров мухтасар сўз боши ёзган, афсуски уни китобда «сўзбоши» қилиб бермаганлар. П. Қодиров уни «Тарих бағридаги маънавият» деб атаган: «Тарихимиз маънавиятга нақадар бой эканини ўзининг оловли шеърини билан асрлар давомида исбот қилиб келатган буюк сиймолардан бири Бобораҳим Машрабдир. Шу сабабли Машраб мавзуси турли авлодларга мансуб адиб ва шоирларимизнинг ижодларидан катта ўрин олмақда.

Адиб Хайриддин Бегмат Машраб ҳақида аввал ёзилган асарлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, бу мавзуда ўз сўзини айтишга интилибди. Машрабнинг шеърини истейдоди, инсоний ғурури ва замона зўрларининг жабру зулмига қарши руҳий исёни муаллифнинг диққат марказида туради».¹

Ёзувчи П. Қодиров «... ёш адибнинг мураккаб тарихий мавзуда асар ёзишга журъат этгани сўнгги ўн йил давомида кўпгина тарихий манбаларни синчиклаб ўрганиб чиққани, бахсталаб мавзулар талқинида ҳам китобхоннинг фикрини уйғотишга ҳаракат қилгани диққатга сазовордир», — деб таъкидлайди.

Хайриддин Бегмат асарининг долзарб аҳамияти шундаки, муаллиф Машрабнинг адолат учун кураши ва фожиавий тақдири орқали ўша даврдаги мураккабликларни кўрсата олади.²

П. Қодиров Х. Бегматовнинг Машраб сиймосини яратишдаги саъи-ҳаракатларини, бу қийин ва шарафли вазифа адиб зиммасига тушганлигини таъкидлаб, унга оқ йўл тилаган.

Адабиёт олдида инсонни бадий дид жиҳатидан ҳам баркамол қилиб тарбиялаш вазифаси туради. Бу вазифа инсоний эзгуликни, гўзалликни ҳис қила олиш, унинг чинакамига ошиғи қилиб тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлиб, машаққатли юмуш ҳисобланади. Тўғриси айтганда, бадий асарга, шоир ва адиблар салоҳиятига баҳо берганда ана шу мезон тамал тоши қилиб олинади. Бу эса адабиётимиз, маданият, илм ва санъатимиз тарихига ғоятда катта таъсир кўрсатган ўнлаб сермахсул ижодкорларнинг, хусусан Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Ҳусайн Бойқаро, Убайдий, Шайбонийхон, Сўфи Оллоҳёр, Машраб, Ҳувайдо, Абулғози Баҳодирхон, Амирий, Фазлий Намангоний, Феруз ва бошқалар ижодига, илмий-адабий фаолиятига янгича ёндашиш учун кенг йўл очади.³

Тўғриси айтиш керак, Хайриддин Бегмат «Девона Машраб» романини ёзгандан сўнг, асар эълон этилгач, мен адабиётшунос олимлар фикрини изҳор этишади деган ўйда матбуотни кузатдим. Афсуски, Бойбўта Дўстқораевдан бошқа ҳеч ким бу асарга ўз муносабатини билдиришмади. Менинг назаримда адабиётшунослик илмида қайсидир маънода мудроқлик бордек туюлди. Чунки Машраб ҳақидаги асар китобхонлар тарафидан қизиқиб ўқилди, аммо илмий жамоатчилик негадир сукут сақлашди. Озод Шарафиддинов Чўлпонни нашрга тайёрлаб, китоб чикқач одамлар уни навбатда туриб олишса керак деган орзуга боргандек, (афсуски, Чўлпон китоби жуда секин сотилган) мен ҳам Машрабга адабиёт таҳлилчилари ўз фикрларини айтишади деб ўйлаганман.

Б. Дўстқораев томонидан битта илмий таҳлилий фикр айтилса-да, чуқур мулоҳазали, аммо асарнинг ютуғию камчилиги ойдин кўринадиган мақола ёзилди, ҳойнаҳой. Асар таҳлили бошида Б. Дўстқораев ёзади: «Ўзбек адабиётида ўтган асрнинг 30-йилларидан

¹ Пиримкул Қодиров. Тарих бағридаги маънавият. «Шарқ юлдузи» 1999, 4-сон, 54-бет.

² Ўша манба, 54-бет.

³ Иноятулло Сувоноккулов. Қалб гавҳари. Сайланма. «Янги аср авлоди», Тошкент, 6-бет.

бошлаб Раҳимбобо Машраб тимсолини яратишга бағишланган назмий ва насрий асарлар ёзилиб турибди. Талайгина шеърлар, поэмалар, дostonлар, мансура ва романлар юзага келди, бу борада муайян ижодий тажриба тўпланди».

Б. Дўстқораев асарнинг чоп этилиши ҳақида, ундан олдинги Машраб ҳақидаги китоблар ҳақида ва уларга муносабат ҳақида қуйидаги фикрларни келтирган: «Биз мазкур мақолага объект сифатида, асосан Хайриддин Бегматовнинг дастлаб «Шарқ юлдузи» журналида, 2005 йил «Шарқ» нашриёт – матбаа акционерлик компаниясида чоп этилган «Девона Машраб» романини олмоқчимиз. «Ахир, ёзувчилар Ҳамид Ғулом ва Шухратларнинг ҳам Машраб ҳақида ёзган романлари бор-ку» деган ҳақли эътироз туғилиши табиий. Ҳамид Ғуломнинг «Машраб» романи, шўролар даврида яратилган бўлиб, унда мазкур даврда яққахукмрон бўлган коммунистик партия мафкураси тазйиқи остида Машраб ҳаёти, ижоди ва у яшаган давр ўзининг холис, ҳаққоний тасвирини топмаган.

Бунга, тадқиқотчи Э. Мусурмонов ёзганидек, «замонасозлик натижаси сифатида қаралиши лозим».¹

Ҳамид Ғуломнинг «Машраб» романида оташин шоирнинг 15-16 ёшлик давридан умрининг охиригача – Маҳмуд қатағон томонидан қатл этилгунига қадар бўлган йиллари, яъни бутун онгли умри қамраб олинган. Воқеалар Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаландарон» рисоласи, шунингдек, «Девонаи Машраб» маноқибиде келтирилган шахарлар, вилоятлар ва мамлакатларда кечади.²

Ҳамид Ғулом айтганидек Машраб Офокхожа хонадонига 15-16 ёшда эмас, 20-21 ёшларида, қаландар сифатида борган.

Адабиётшунос олим Б. Дўстқораев Шухратнинг «Машраб» романи шоирнинг Қашқарга, Офокхожа даргоҳига боришга азм қилган жойида тўхтаб қолганлигини, мазкур романнинг воқеалари ҳам анъанавий йўналиш бўйича режалаштирилганлигини айтиб, мазкур роман муаллифларининг мутафаккир шоир Машраб ҳаёти ва ижодига бағишланган манбалардан қай даражада фойдаланганликларига, асардаги хусусият муаллифларнинг Машраб тимсолини қандай тасаввур этишгани ва буни қай даражада бадиий жиҳатдан борлиққа чиқара олишгани, Машраб тарихий шахс эканлиги ва уни ўқувчига етказишда ҳаёт ҳақиқатига мутаносиб бўлишини таъкидлаб ёзади: «Бу иш анча мураккабдир. Чунки Машраб аввало тарихий шахс. Бўлгандаям, ғоят машҳур зот. Шу боис унинг дунёқараши, эътиқоди, маслағи, мазҳабига оид нимаики ёзилмасин, ўқувчи уни тарихий факт сифатида қабул қилади. Бадиий асарда Машрабнинг ҳаётига, у мансуб бўлган тасаввуфга, унинг танлаган тариқатига оид воқеалар, фикрлар аслида қандай бўлса – шундай, адабиётшунослик ибораси билан айтганда, ҳаёт ҳақиқатига мос бўлиши талаб қилинади. Бунда бадиий тўқима, ёзувчи тахайюлоти маълум даражада чекланган, йўл қўйилган ҳолларда ҳам бош йўналиш, у билан боғлиқ умумий масалалар билан сиғишадиган бўлсин, уларнинг «хужайра»сига сингиб кетсин. Машрабдек мўътабар зот ҳақида ёзилган ҳар бир гап, билдирилган ҳар бир фикр муштарий учун маърифий аҳамият кашф этишини унутмаслик керак».³

Ёзувчи Хайриддин Бегматнинг «Машраб» романи бошида ўн чоғлиқ қаландарлар гуруҳи кўчадан ўтаётганда икки отлиқ мусофир улар билан йўл таллашиб, баҳслашиб қолганларининг тасвири билан бошланади. Қаландарлар зикр тушишиб, сано айтишади, «бошларини олдга-орқага ташлаб, жазавани билан рақс этадилар. Сардор эса асосини ерга уриб, сано байтларини ўқийди. Уларнинг бу ҳаракатини кўрган «олти-етти ёшлар чамаси бир болакай ўзи билмаган ҳолда бош ва гавда ҳаракатлари билан қаландарларга жавоб айта беради». Бу «болакай» Бобораҳим эди. Ушбу тасвир билан муаллиф Машрабнинг тақдири боғланган қаландарликка роман бошидаёқ ишора қилади ва «болакай»нинг зуваласида бу тоифага ботиний, табиатан мойиллик борлигини таъкидламоқчи бўлади:

*Ато-ано, қариндош қаён кетти, фикр қил,
Тўрт оёғлиқ чўбин от бир кун санго етаро!*

Ё Олло, дўст, ё Олло,

¹ Бойбўта Дўстқораев. Ўзбек насрида Машраб тимсолини яратиш тажрибаси ҳақида мулоҳазалар. Мустақиллик даври адабиёти. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2006, 197-бет.

² Ўша манба, 198-бет.

³ Ўша манба, ўша бет.

*Ҳақ дўст, ё Олло!*¹

Ёш Бобораҳимни шу зикр ўзига махлиё қилган эди.

Адабиётшунос Б. Дўстқораев «Машраб» романи таҳлилидаги ҳар бир детални назардан кочирмайди. Унинг ёзишича, мумтоз адабиётда «ийҳом» деган шеърий санъат мавжуд. Бу Машрабнинг ёшлигида қаландарларга эргашиб, уларнинг зикри самосига ҳамоҳанг тебраниб юриши, Яссавий ҳикматларининг келажакда унинг қаландар бўлишига ишораси ва яқин фурсатда отаси Вали бобо ўлимига ишорадир.

Роман воқеалари Бобораҳимнинг мактабга бориши билан боғлиқлиги баёни тасвир этилган. Мулла Вали Хўжандий ўқувчилик қилаётган мактабга Мулла Бозор охунд келади. У ўқувчи болаларга «алиф» ҳарфини тушунтириб, «бе»га ўтади. Шу пайт Мулла Бозор охундга «Алифнинг маъноси недур? – деб болаларча билағонлик билан гап бошлади Бобораҳим. – Аввал ани айтинг, сўнгра «бе»га ўтинг!» Бу саволни одобсизлик деб ҳисоблаган Мулла Бозор охунд Бобораҳимга танбеҳ беради. Лекин ёш ўқувчи бўш келмайди. «Алифнинг маъноси бирдур, яъни Оллоҳ бирдур!» – дея саволига ўзи жавоб беради Бобораҳим. Мунаққиднинг фикрича, бу эпизод, табиийки, маноқибдан олинган ва роман «хужайра»сига сингдирилган. Таассуфки, «алиф»нинг «бир» маъносини англатиши замирига яширинган улкан диний-фалсафий мазмун очилмай, бу эпизод жўн бир воқеа ҳолида қолиб кетган. Ҳолбуки, Аллоҳнинг биру борлиги тушунчаси жўн воқеа сифатида талқин қилинадиган нарса эмас.²

«Машраб» романида шоирнинг болалик йиллари, бошқа болалар сингари турли ўйинлар ўйнаши, шўхлиги, тенгдошлари олдида ўзини кўрсаткиси келиши, пешқадамлигини исботлагиси келган ва Бобораҳимнинг болалик йиллари бадиий лавҳалар воситасида тасаввур туғдириши, Машраб тимсолининг болалик даври талқини ёзувчи томонидан образли яратилганлигидир.

Б. Дўстқораев талқинидаги романнинг «Ман бу жаҳона сиғмазам» фаслидан Машрабнинг мадрасада ўқиган муллабаччалик даври, балоғат сари йўл олаётган йилларининг тасвири билан бошланган. Шу фаслдан бошлаб Машраб сиймосининг, шахсининг шаклланиши, унинг тийнати, орзу-таманнолари қандай бўлганини ҳаёт ҳақиқати асосида бадиий ифодалаб бериши лозим эди. Танқидчи фикрича, Х. Бегматов, аввало, мохир ёзувчи, сониян, ўтмишни, тасаввуф илмини яхши биладиган олим сифатида иш кўришни талаб этарди. Ёзувчи бунга руҳан тайёрмиди? Бунга Х. Бегматов ўзи иқроор этади: бу романни «... яратгунга қадар катта-кичик ҳикоялар ёздим, газета-журналларда чиққан... Бобораҳим Машраб шеърияти менда ҳайрат уйғотарди. Дастлаб 30 га яқин персонаж киритилган «Исён» драмасини яратгандим, негадир кўнглим тўлмади. Романнинг имкониятлари кенгдай туюлаверди, шундай қилиб, бир йил ичида «Девона Машраб» романини ёзиб тугатдим».³

Х. Бегматов Машрабнинг бадиий тимсолини яратишга кўп вақт тайёргарлик кўрган, асарда талай жозибали, гўзал манзаралар ярата олган. Тасаввуфни ўрганган, тасаввуфий адабиётларни кўп ўқиб, мутолаа қилгани сезилса-да, барибир тасаввуфий фикрларни беришда умумий тайёргарлик етарли эмаслиги сезилади.

Б. Дўстқораев романда Бобораҳимнинг тийнатини кўрсатиш учун бир неча эпизодлар келтирилганини, унинг фардликка, яъни ёлғизликка интилиши, «... ёлғиз дарахт остидаги тош супагада сўзу соз, билан машғул. Гоҳ тоғларни жарангладиб чертади, гоҳ эса танбур дастасига таянганича баланд-баланд чўққиларга термулиб қолади. Эсаётган ғир-ғир шабада танларига хуш ёқиб, хаёлларини олис-олисларга олиб кетади».

Шу хаёлларга ғарқ бўлиш асносида Бобораҳим устози Мулла Бозор охунднинг ҳаёт тарзи, эътиқоди, тийнати, умуман шахсияти тўғрисида ўйлайди. Устозининг шахсиятига ботинан берган баҳоси воситасида муаллиф Машраб шахсиятининг кирраларини ҳам очиб бериш мақсадида қўйган.

Бобораҳимнинг хилватда бўлиш, ёлғизланишни хоҳлаши, ўзини четга олиши мулла Бозор охунд томонидан Маймоқ сўфининг уни кузатиш учун шоир орқасидан айғоқчи қўйилиши, ёзган фикрлар учун тергов қилиниши, охир-оқибат Намангандан бадарға қилинишига олиб келганини мантиқан асосламоқчи бўлганини мунаққид асосиз деб топади.

¹ Хайридин Бегматов. Девона Машраб. «Шарҳ», Тошкент, 2005, 5-бет.

² Б. Дўстқораев. Ўзбек насрида Машраб тимсолини яратиш тажрибаси ҳақида мулоҳазалар. 202-бет.

³ Хайридин Бегматов. «Маърифат» газетаси. 2006 йил 29 март.

Манбалардан бизга маълумки, Машраб хушовоз ашулачи ва танбурни нозик дид билан чертувчи машшоқ бўлган. Шунингдек, у ўзига хос оҳангда ғазал ўқувчи гўянда бўлган. Бу асардаги «Балхи тут» фаслида берилган. Шоир Махваш биби ҳовлисига Мулла Бозор охунд, Чодак валийси Мусахон Даҳбедий, Машраб, умуман, ўн чоғли одамни чорлаб мушоира, ғазаллар ўқилади, кўшиқлар куйланади, қизлар томонидан рақслар ижро этилади, бугунги тилда «шеърият кечаси» уюштиради. Машрабда ўз ғазалларининг нисбатан юксак савиялигидан фахрланиш туйғуси пайдо бўлади. Ёзувчи Х. Бегматов бу билан Машрабнинг шоир сифатида балоғатга етганини таъкидламоқчи бўлган.¹

Буни мунаққид Б. Дўстқораев, мазкур «санъат базми»ни шариат ҳукм сурган XVII асрни эмас, ўтган асрнинг иккинчи ярмидаги шўролар замонини эслатишини қайд этган. Юртнинг уламою киромлари, фузалолари йиғилган мажлисдан кўра, кўнгилочар муассасаларда бўладиган манзараларга ўхшашини қайд этган. Мунаққид бу беҳуда «ёпишмаган» манзаранинг нотўғри эканлигини кўрсатиб, сўфийлар такаларида ўша муборак кунларда аёллар ўтиришлари учун махсус жой бўлганлигини, у «қафас» деб аталганлигини тўғри кўрсатиб берган.

Танқидчи «Машраб» романининг биринчи бўлимида Бобораҳимнинг болалик ва ўсмирлик йиллари, муллабаччалик, охундга шогирд тушган пайтлари тасвирини берганлигини таъкидлаган. Шунингдек, бу даврда шоир табиатида зукколик, закийлик, хассослик, мусиқага, шеъриятга, тасаввуфга қизиқиши, бўлажак мутасаввуф шоирнинг тийнати шакллана борганлигини ифода этган. Алалхусус, асарда воқеаларни бир ипга боғлаб турадиган восита, меҳвар кўринмаганлигини, зиддиятлар ривожи етишмаганлигини таъкидлаб ўтади.

Адабиётшуноснинг фикрича, асарнинг иккинчи бўлимида Машрабнинг Қашқардаги сурурли ҳамда изтиробли йиллари акс эттирилган.

Ўн беш ёшли Бобораҳимнинг Офокхожа билан илк учрашуви ҳазратнинг Қашқардаги мадраса саҳнида халойиққа кўриниш бериб, ваъз айтганидан кейин содир бўлади: «Эшоннинг қалмоқ тилида ваъз айтиб, Или вилоятдан келган ўнлаб жўнғорларни муслим бўлмоққа даъват этиши, дунёда дини исломдан пок эътиқод, Аллоҳдан қудратли така, сулуки Ишкиёдан ёрқин йўл йўқлигини улар кўнглига сингдирмоққа қилган жажду жадали унинг назарида эшонни пайғамбар даражасига элтиб қўйган эди».²

Офокхожага мурид бўлгани келган йигитларни, Бобораҳимни ҳам эшоннинг пойига тиз чўктирадилар. Эшон йигитларга «Зоҳир кўзларингизни юмиб, ботин кўзларингизни очинг, бўталарим», деб буюради ва ўзи пичирлаб дуо ўқишга киришади. Бўлғуси муридлар унинг қўл ҳаракатига монанд ҳаракатлар қилишиб, худ-беҳуд тебранишадилар, титрашадилар, айримлари ерда тўлғониб ётадилар. «... Эшон Бобораҳимга тикланиб келмоқда эди. У қаттиқ бир сесканиб кўзларини очди ва сакраб туриб четлашди. Бобораҳим эшоннинг бу сеҳрини хазм қила олмай, қайсарлиги тутмоқда эди...

– Дилингда ғубор бор, йигит! – дея энгашган кўйи Бобораҳим кўзларига тикилиб гап бошлади у. – Ул ғубордин исён уруғи унар. Саркаш одатинг тобелик ипларини узур. Бирини танлагайсан. Ё ихлосу итоат, ё ўзга бир даргоҳ йўлини тутмак! Мурид ва муршид аро ўзга тариқат йўқдур! – Биз икки биродарни (ўзи ва Пирмат Сеторийни назарда тутмоқда) остона тортиб келмиш, ҳазратим! – дея таъзим этди, Бобораҳим.

– Боракалло!»³

Сўнг Бобораҳим қасамномани ўқийди. Шу билан йигитлар муридликка қабул қилинадилар.

Б. Дўстқораев бу лавҳани келтиришдан мақсадни шундай изоҳлайди: «Илмий адабиётларда бу маросимнинг бутунлай бошқача бўлгани баён этилган. Ҳар бир тариқатнинг муридликка қабул қилиш қоидаси бўлиб, унга қатъий амал қилинган. Романда Бобораҳимни муридликка қабул қиларкан, Офокхожа унга қасам ичкизгани тасвирланади. Негадир, қасамноманинг матни шўро даврида кашшофликка қабул қилишда ичиладиган қасамёд матнини ёдга туширади».⁴

¹ Бойбўта Дўстқораев. Ўзбек насрида Машраб тимсолини яратиш тажрибаси ҳақида мулоҳазалар. 2007, 7-бет.

² Хайридин Бегматов. Девона Машраб. 82-бет.

³ Ўша асар, 83-бет.

⁴ Бойбўта Дўстқораев. Ўзбек насрида Машраб тимсолини яратиш тажрибаси ҳақида мулоҳазалар. 209-бет.

Муридликка қабул қилиш барча тасаввуфий адабиётларда юқорида Хайридин Бегматов тасвирлаганидек эмас, балки, шайхларнинг тариқатдаги «одоб» китобларида ёзилган вазифалари асосида қабул қилинган. Жумладан, Усмон Турарнинг «Тасаввуф тарихи» китобида мурид истаги қабул этилиб, тариқатга олинган. Шайхда мавжуд бўлганидек, муридларда ҳам бўлиши талаб қилинадиган баъзи хусусиятлар ва амал қилиши керак бўлган хусусиятлар бўлган. Унинг вазифалари йигирмата бўлган. 1. Садоқат ва самимият билан ишни бошлашдан охири 20-си – Диний буйруқ ва таъқиқларга амал қилишда диққат-эътиборли бўлиш. ¹ Муриднинг қасамёди бўлмаган. Мурид аҳли аёну уламолар олдида тариқатга киришади «Жаноби Ҳақнинг маърифатидан баҳраманд бўлиш учун хузурингизга келдим» дея интисоб истаги борлигини шайхга билдирган. Шайх унинг исмини, хизматини, маслагини сўраб, шамоилига назар этиб «истихора» амр этади ва Муҳаммад (с. а. в.) га таважжуҳ этади, малаклар у кишини хузурига келтиришни буюрадилар ва тариқатда насиби бўлса, интисобига изн берилганини маълум қиладилар. ²

Машраб ана шундай пир томонидан изн берилган, у фақат пирнинг уй хизматида бўлган. Тўғри, пир муриднинг сайқалгари. Мурид мўрт ҳисобланади. Қачонки, у мис, қалайи ишлов берилгандан кейин тоза олтинга айланишини жуда яхши билган. У шунинг учун хатти иршод олмаган. Негадир Машраб ҳақидаги ёзилган бадиий асарларда шу ҳақда лом-мим дейилмайди. Чунки истиҳолалисиз айтамиз, тасаввуф илмини, унинг расмий қоидаларини ёзувчиларимиз чуқур ўрганишмаган.

Аслида Машраб тасаввуфнинг амалий қоидаларидан устун турган. Чунки Машраб ишк йўлида Мажнун мақомига етиб бўлган, у энди на дашту сахрога, на дунёга сиғмайди, қалби дарёи нурга тўлиб бўлди:

*Ажаб Мажнундуман дашт илан сахрога сизмамдур,
Дилим дарёи нурдур, мавж уруб дунёга сизмамдур.*

Мунаққид асарнинг иккинчи қисмида ёзувчи тасаввуф аҳкомлари, Мансур Ҳаллож, илми ғайб, тавҳид, сулуки Ишқие, мажзублик тўғрисида мунозара, муноқаша бўлганлигини таҳлил этганлигини, тўғри фикрлар, яхши тавсифлар, назарий масалаларни пухта ўрганганлигини таъкидлайди. Лекин романнинг айрим жойларида Машрабнинг устози ҳақидаги эътирозлар билдириши, бу муридлик одобига тўғри келмаганини кўрсатиб беради. У Офокхожага биринчи устози Мулла Бозор охунд тўғрисида шундай дейди: «То ақлимни танибменки, оёқларимга кишан уриб, кулоқларимга гўру қиёмат сурасин ўқурлар. Бозор охунддек мударрис бир зот қаламимни чекламоқ бирла қаноат топмай, қироатимни ҳам тайин этмак даражасинга борди. Ҳаллож номини зикр этмак, Насимий каломин тилга келтирмак ул зот наздинда дўзах оташинда ёнмоқ бирла баробар кўринади». ³

Тинглаётган Офокхожа ёки гапираётган Машраб шунақа саводсиз, ғийбатчиларми? (Мулла Бозор охунд ҳақида тадқиқотимизнинг 4-бобида муфассал маълумот берамиз.) Сўфийликка оид муриднинг 20 та вазифасидан биттаси: «Қалбан бўлса ҳам, шайхига эътироз қилмаслик, ҳар мавзуда ўзини ноҳақ, бошқа муридларни ҳақ деб билиш; шайхда гуноҳ содир бўлса, аралашмаслик...»⁴

Х. Бегматов романда Тўти исмли қиз билан Бобораҳим орасидаги муҳаббат тасвирини иштиёқ билан тасвир этган. Тўти Офокхожага назира этилган қиз. Машраб ишқи илоҳийдагина эмас, ишқи мажозийда ҳам беназир эканлигига гувоҳ бўламиз. Бизнинг назаримизда ва адабиётшунос фикрича, Бобораҳим ва Тўти орасидаги муҳаббатнинг мусулмонлик қоидалари бўйича покиза, ҳалол жиҳатлари билан тасвирлаш мақсадга мувофиқ бўларди, аммо ёзувчининг тафаккури, унинг хаёлий-бадиий тўқимаси шу даражада тизгиндан чиқиб кетганки, Тўти билан шаръий никоҳсиз фарзанд кутишгача борганини батафсил тасвирлаш жоиз эмас эди.

Романдаги иккита шунақа эпизод борки, ёзувчи қайси маълумот ёки манбага асосланиб, бундай ҳолга йўл қўйганини тасаввур этиб бўлмайди. Биринчиси; Машраб билан Тўти хуфиёна юриши натижасида қиз ҳомиладор бўлиб қолади ва «зинокаш»лар ушлаб олингач,

¹ Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. «Истиқлол». Тошкент, 1999. 69-бет.

² Ўша манба. 70-бет.

³ Хайридин Бегматов. Девона Машраб. 88-бет.

⁴ Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. 70-бет.

бола муддатидан олдин туғилиб, нобуд бўлади. Унга олиб кўйилган кўйлакчаларни олиб Тўти, болага «Алла, болам-о, алла ...» деб алла айтади.

Иккинчи эпизод пир Офокхожа билан Машраб ўртасидаги ихтилоф манзараси тасвири. «Зинокашлар» ушлаб олингач, Машрабни пир олдига олиб келишади.

– Сиздек пароканда пир оёғига тиз чўккандан кўра, тик туриб ўлмоқ афзалдур!

– Куфрона ўлимнинг бирла эл оғзида дoston бўлмоқчимисан?

– Сиз фақирни хоҳ осинг, хоҳ чопинг, хоҳ улоқтиринг, мақсудингизга ета билмассиз!

Машраб бул оламдин беному нишон кетмағай!

– Афсус, сад афсус! – дея бошларини чайқади Офокхожа. – Бу даргоҳда не бир ҳари нар шатри кубоб мақоминга етди, илло сен ношукр банда эркансан! Фақир адашибман: тикондин гул, захри қотилдан бол тама этибман!

– Сизнинг қусрингиз илмингизда эрмас, амалингиздадур. Давлатингиз ошмоғи сизни китоб юкланган ҳар нарға айлантирмиш!¹

Ҳайхот, бу қанақа беъманилик! Биринчи эпизод ҳақида фикримиз. Аввало, манбалардан маълумки Офокхожа ҳаётларининг сўнгги икки ярим йилида подшо бўлганлар. У кишида ҳарам бўлмаган. Ҳазратнинг шаръий, никоҳли учта аҳли аёллари бўлган. Назира қилинган қиз Тўти ички ҳовлида хизматкор бўлган. Мусулмон оламида ички, ташқи ҳовли бўлган. Ички ҳовли албатта чор атрофи девор билан ўралган бўлган. Ички ҳовлига «номаҳрамлар» кўйилмаган. Машраб пирнинг назарига тушиш учун деворга нарвон кўйиб уч марта ички ҳовлига – Тўти томонга мўралаган холос. (Бу ҳақда бошқа бобда муфассал маълумот берамиз: М. Ҳ.)

Иккинчи эпизод Офокхожа ва Машраб ўртасида ҳеч қачон ихтилоф бўлмаган. Пирнинг назарига тушиш учун атайин «гуноҳ қилган» Машрабни пир Мансур Ҳаллож мақомига етган вақтда жазоламаса пирнинг пирлиги қолмасди, муридни маънавий тарбиялаб Мансур мақомига етказиб, уни тариқат, маърифат йўлига бошламаса, қилган меҳнати куйиб кетарди.

Ёзувчи томонидан сунъий тўқилган бадиий тўқима шу даражада инсофсизлик, беъманилик билан асарга тикиштирилганки, бу оммани чалғитишдан бошқа нарса эмас. Инсоф юзасидан айтилганда «бадиийлаштириш» бу тахлит тасаввуфни, Офокхожадек «Шайхул-аъзам» мақомига етган, Машрабдек «Қутбул авлиё»га муносабат билдирилганда етти ўлчаб бир кесмоқ, асарни тасаввуф илмидан хабардор тадқиқотчиларга кўрсатиб олиш ва кейин ўқувчиларга туҳфа этиш маъкул бўларди.

Бу эпизодни ўқиган содда ўқувчи Машраб ва Тўтини зинокаш деб ҳисоблайди. (Х. Бегматовга Муҳсин Зокировдек Машраб руҳонияти олдида тавба қилиб, истиғфор айтишини тилаган бўлардим, ҳар икки авлиёга тил теккизилгани гуноҳи азимдир.)

Офокхожа томонидан Машрабнинг онгли бичилиши, пирнинг муридга марҳамати эканлиги, асли оқ йўл тилаш эканлигини ва Машраб нафсни жиловлаб васл иштиёқини шунда топганлигини наҳотки ёзувчи фикрлаб кўриб «ҳазм» этолмаса?!

Романнинг учинчи бўлимида Машрабнинг Офокхожа даргоҳидан жазоланиб қувилгандан кейин қаландарлар сафига қўшилгани, тинимсиз саёҳатлари, азиз-авлиёлар қабрларини зиёрат қилиши, айрим махсус шахслар билан баҳслари ва ниҳоят, Маҳмуд катагон томонидан қатл қилиниб, ҳаётининг хотима топгани тасвирланган. Бу эса қоладиган икки эпизодни танқидчи Б. Дўстқораев таҳлилида аниқ кўрсатиб беради. Биринчиси, Машрабнинг Ёркандда Бобо қаландар қўлидан жанда кийиши билан боғланган. Машраб ҳақидаги маноқиб ва манбаларда унинг қайси шахсдан хирқаи иродат кийганига қўшилгач, кимнинг қўлидан бўлса ҳам, жанда кийиши табиий ҳол. Буни Х. Бегматов тўғри тасвирлаган.²

Иккинчиси, Машрабнинг қайси тариқатга мансублиги ҳақида. Романда у шундай дейди: «Фақирнинг тариқатим дор сари элтгай. Ул роҳи Ҳаллож бўлиб, сўзи овоза, каломи «анал Ҳақ»дур! Фақир қаландармен, ҳам қаландарларга аду» (аду – душман, ғаним). Ҳар ҳолда, Машрабни биргина тариқатга боғлаб кўйиш тўғри эмасдек туюлади. Айрим сўфийлар ўзини бир неча тариқатга мансуб ҳисоблашган. Жумладан, Салоҳуддин Ушшоқий (ваф. 1782) шундай деган: «Тариқатларнинг сирлари менда тўпланган. Шундай экан, мен хилватий, жалватий, бектоший, байрамий, саъдий, кодирий, ушшоқий, накшбандий ва мавлавийман».

¹ Хайридин Бегматов. Девона Машраб. 181-182-бетлар.

² Бойбўта Дўстқораев. Ўзбек насрида Машраб тимсолини яратиш тажрибаси ҳақида мулоҳазалар. 210-бет.

Шундай бўлса-да, Машрабнинг мансурона ўлим топиши унинг сўфийлик тақдирида Мансур Ҳалложнинг муҳим аҳамият касб этганини англайди.¹

Шунинг учун Машрабни айнан бир тариқатга боғлаш керак: накшбандиянинг «Сафар дар Ватан» - Ватандан сафар қилмоқ, яссавиянинг зикри жаҳрияси, яъни қаландарлик тариқатининг фаол аъзоси, ҳатто Шоҳ қаландарлиги, маломатийларнинг фалсафасида қалба Аллоҳни унутмаслик, ўзини мавжудот эмас, балки йўқлик деб ҳис қилиш, фонийлик деб билиш ғояси, қисқаси шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат ҳаммаси унда мужассам эди.

Х. Бегматовнинг романи тилига келганда, унда нуқсонлар кўп. Машраб даври Навоий ва Бобур даврига нисбатан бизга яқин. Машраб шеъриятига разм солинса, у бугунги тилга, айниқса, халқ тилига жуда яқин тил.

Асарда шева унсурлари кўп ишлатилган. Лекин биз Ойбек ва Абдулла Қодирий сўзларини, уни ранго-ранг қудратини намойиш қилганини бир эслаб кўрайлик. Лоақал, Офокхожа хонадонидаги ҳолатда Машраб сўзлари моҳияти ўйлаб айтилса яхши бўларди, Машраб (яна таъкидлаймиз) бу хонадонда ҳар бир гапни пардалаб, эҳтиётлик билан сўзлаган.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек насрида Машраб тимсолини яратиш юзасидан уринишлар бўляпти, шулар ичида Иброҳим Ғафуров ва Хайриддин Бегматовнинг асарларини нисбатан кўрсатсак бўлади, аммо Ҳамид Ғулом асарини талаб даражасидаги асар деб бўлмайди, Шухрат асари тугалланмаган битиклигини ҳолисона айтишимиз керак.

Шундай қилиб, Машраб шахсиятининг бадий адабиётлардаги талқини ҳақида хулоса чиқарадиган бўлсак, XX асрда унинг сиймоси ҳақида Ойбек, Омон Матжон, Муҳаммад Али каби шоир ва ёзувчилар шеъриятда қалам тебратиб, унинг девона-дарвешлиги, қаландар-фақирлиги ҳақида асарларида талқин этдилар. Бу асарларни ўта Машраб қиёфасини улугловчи ва шахсиятида етук асарлар деб ҳисобламасак-да, ҳар қалай ижодкорларнинг уринишлари десак бўлади. Ҳамид Ғуломнинг «Машраб» романи омма қалбига кириб боролмаганлигининг сабабларидан бири, ёзувчининг тарих ҳамда тарихий ҳақиқатга замон мафкураси нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндошган десак тўғри бўлади деб ўйлаймиз. Миркарим Осимнинг «Синган сетор» асари ҳам давр нуқтаи назаридан ижобий баҳоланиши мумкин, аммо у бугунги кун талабига жавоб бермаслигини таъкидлаймиз. Иброҳим Ғафуровнинг «Дил эркинлиги» ҳикоялари мутафаккир Машраб шахсиятини ёритишда кечаги ва бугунги, эртанги кун ўқувчисига ҳам шоир ҳақида тасаввур берадиган асар эканлигини қайд этмоқчимиз.

Шухратнинг «Машраб» романи тугалланмаганлигини эътиборга олсак, унинг камчилигидан ютуғи кўпроқ эканлигини эътироф этса бўлади. Негаки, шоир яшаган муҳит бадий чиққанлиги адабиётшунослар томонидан эътироф этилган, у шоир шахсиятининг, унинг болалик ва ўсмирлик даврини ёритувчи асар эканлигига гувоҳ бўламиз.

Хайриддин Бегматовнинг «Девона Машраб» романи ҳажман ва мантиқан Машраб шахсиятини, унинг шоирлик салоҳиятини, илм излаб юрт кезганлигини, қаландар қиёфасида дунёга чиққанлиги бадий тарзда тасвир этилгани асарнинг қимматини белгилайдиган омил эканлигига ишонч ҳосил қилсак-да, аммо Машраб ва Офокхожа ўртасига асосиз раҳна, ихтилоф солингани, тасаввуфнинг бироз саъз тасвири, романни ёзувчи қайта ишлашда эътибор талаб мезон эканлигини таъкидламоқчимиз.

Шубҳасиз, Машраб улуг шахс, реал жамиятнинг фидокор, фаол аъзоси, яна мискинлар раҳнамоси, лекин у Авлиёи Ҳақ, Аллоҳнинг эрка, севиқли бандаси. Яратган унга истеъдод берган ва қалбини иймон нури билан нурлантирган. Шу жиҳатни, ўта нозик мантиқни, унинг ички, ботиний қалбини ёритиш кейинги бадииятимизда акс этса керак.

¹ Ўша манба, ўша жой.

МАШРАБ ИЖОДИЁТИНИНГ ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАРДАГИ ТАДҚИҚИ

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Бобораҳим Машраб ҳаёти, фаолияти, у қолдирган илмий мерос ҳақида ўз замонасида ва бугунги кунгача жуда кўп шоирлар, адиблар, олимлар фикр-мулоҳазаларини изҳор қилдилар ва қилмоқдалар. Айниқса, давлат мустақиллигига эришганимиздан сўнг Машраб ҳақида илмий доира унинг мураккаб ҳаёт йўли, ижодиёти ҳақида ўз ҳолисона фикрини айта олди ва у ҳақда тадқиқотлар кўлами кенгайди.

XX асрнинг 90-йилларида у ҳақда «қисса»лар эълон қилинган бўлса, XXI аср илк ўн йиллигида унинг ғазалиёти «Девон» шаклида жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилди. Адабиётшунос, файласуфлар энди мутафаккир шоир ҳақида десертациялар тайёрлаб, тадқиқотлар қилмоқдалар, монографиялар эълон қилина бошланди. Мазкур ишни ҳам шундай уринишлардан бири деб ҳисоблаймиз. Тадқиқот ишимизнинг шу бўлимини Машраб ижодиётининг илмий адабиётлардаги тадқиқига бағишлаб, унда мутафаккир шоир Машраб ҳақида илмий тадқиқот қилинган ишлар ва унинг ижодиётига илмий нуқтаи назардан қаралган, ёндашилган фикр-мулоҳазаларга муносабат билдиришдир.

Тадқиқотчи Д. Ҳамроева фикрича, Машраб ижоди билан дастлаб Европа адиблари Ҳерман Вамбери, Дитрель де Ренн, Бернер Гренер, Йоханнес Аветараннанлар шуғулланган.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан Европа олимлари А. П. Хорошхин, В. П. Наливкин, Н. И. Веселовский, Н. Н. Пантусов, Н. С. Ликошин, В. Л. Вяткин, А. Карцев, Л. В. Дмитриева, Г. П. Снесарев, Н. П. Остроумов, Н. Э. Петровский, В. И. Беляев, А. Н. Кононов, Н. Д. Миклухо-Маклай, А. А. Молчанов, М. А. Салье, А. А. Семёнов, О. И. Смирнова, А. Э. Шмидтлар Машраб ижоди билан шуғулланиб, машрабшунослик – шарқшунослик фанига ҳисса қўшганлар.

Машраб ҳақидаги «Қиссаи Машраб» ривоятлар асос бўлган қиссани шоир замондошлари Пирмат Сеторий ва «Тазкираи қаландарон» нақллари эса Исҳоқ Боғистоний томонидан яратилган.

Шу мавзу бўйича йирик адабиётшунос ва файласуф олимлар, академиклар И. М. Мўминов, В. И. Зоҳидов, М. М. Хайруллаев, А. Рустамов, А. П. Қаюмов, Б. Валихўжаев, М. Д. Баратов, В. Абдуллаев, И. О. Султонов, Ғ. Ғулом, фан доктори, профессорлар ва турли илмий даражадаги атоқли олимлар Фитрат, С. Айний, Н. Комилов, И. Ҳаққулов, А. Ҳайитметов, И. Салоҳий, Д. Салоҳий, Ҳ. Алиқулов, Ж. Туленов, И. Сувонқулов, А. Ш. Жўзжоний, Нусратилла Жумахўжа, Р. Орзибеков, П. Қайномов, В. Раҳмонов, К. Исроилов, Қ. Тоҳиров, И. Ғафуров, А. Абдуғафуров, Э. Шодиев, Ё. Исҳоқов, А. Ёқубов, С. Ҳасанов, Ҳ. Ҳомидий, Б. Дўстқораев, Р. Воҳидов, Б. Тўхлиев, Ҳ. Болтабоев, М. Тожихўжаев, З. Ризаев, С. Ҳасанов, Р. Холиқов, П. Равшанов, Ҳ. Муҳаммадхўжаев, Илёсхон Ғозий, И. Адизова, О. Боқиев, И. Жумабоев, Ғуломхон Ғафуров, Ж. Нутфуллаева, М. Жўраев, Сайфиддин Рафъиддин, Маҳмуд Ҳасаний, Қ. Қаҳҳорова, Қ. Тўқсонов, Р. Норматова, О. Жалилов, Саъдулла Аҳмад, М. Сиддиқов, О. Носиров, Аҳмад Убайдулло, Ж. Раҳимов, М. Маъмуров, А. Халилбеков, Р. Каримова, К. Муллахўжаева, Аҳмад Жаббор, Г. Саломоваларнинг илмий-тадқиқий ишларига мурожаат қилинди.

Таъкидлаб ўтмоқ керак, филология фанлари доктори, профессор Исматуллоҳ Абдуллоҳ Машраб асарлари юзага чиқишида фаол жон куйдирди. Хатирчилик Машраб фидойиси Ж. Юсупов Машраб «Девон»ларини нашр эттирди. Ўз даврида М. Зокиров тадқиқотлар эълон қилди. Ёш тадқиқотчи Д. Ҳамроева докторлик десертацияси устида ишламоқда. Э. Мусурмонов «Қиссаи Машраб» бўйича десертация ҳимоя қилган. М. Тожихўжаев ва М. Сиддиқов илмий изланиш олиб бормоқдалар.

Бобораҳим Машраб шеърини «Девон»ини нашрга тайёрлаган Ж. Юсупов китобнинг «Кириш»ида камтарона шундай лутф қилган: «Машрабнинг ҳаёт йўллари, бизга қолдирган бой адабий меросларини тадқиқ қилиш ишлари, «Мабадаи нур» ва «Кимё» каби асарларини тўлиқ ва мукамал ҳолда нашр қилишдек, масъулиятли ва савобли юмушларни давом эттирмоқдамиз. Машрабнинг қўлингиздаги «Девон»лари таркибига аввалги нашрларга киритилмай қолган, комфирқа тузуми эътиқодларига, яъни худосизлик ғояларига тўғри келмайди, деб ҳисобланганлиги сабаблиги тушириб қолдирилган аслида Машраб илмий

меросининг қаймоғи бўлган кўплаб ахлоқий, диний-гасаввуфий ғазал, мустазод, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ ва мусамманларни киритдик».¹

«Машрабнинг шеърий меросларининг аслий кўринишига яқинлаштириш учун узок йиллардан бери изланишдамиз. Бу йиллар орасида менга мадад бериб, қўллаб-қувватлаб, руҳиятимга осудалик бахш этиб келган боболарим Мулло Жўрамурод. Мулло Абдуқодир, падари бузрукворим ва мураббийим беминнатим Муҳаммадсӯф Ҳақберди ўғиллари ва волидаи муҳтарамам Рисолат Абдусалом қизлари бу дунёи дағални тарк этиб, дорилбако сари юз тутдилар. Уларнинг ҳар бирлари кўп ўқимишли, мумтоз адабиётимизни теран тушуниб етган ирфон соҳиблари эдилар».²

Ж. Юсуповнинг фикрларидан кўриниб турибдики, машрабхонлик кечалари деярли ҳар бир саводхон оилада бўлиб турган. Халқимиз унинг меросидан баҳраманд бўлган.

Академик файласуф олим И. М. Мўминов фикрича, халқ норозилик кўзғолонларидан сўнг меҳнаткашлар оммаси ҳар сафар алам ва хўрликни, ғзаб ва умидсизликни кўнгилларига тугиб, қутулиш йўлини топиш умидида сирли осмонга кўз тикиб, орқага чекинишга мажбур бўлган эдилар.

Ўзбек адабиёти ва ўзбек ижтимоий тафаккурида зиддиятлардан, ўзига хос ғоявий оқимлар ана шу социал негизлардан келиб чиқди. Ана шу жиҳатдан Машраб ижоди бирмунча аҳамиятга эгадир.

Саргардон шоир Бобораҳим Машраб ўткир зиддиятли шеърлари билан машҳур бўлиб, XIX асрда кенг халқ оммаси орасида Бедилдан ҳам ортиқроқ ном чиқарди.³

Машраб ижоди ички қарама-қаршилиқларга эгадир, бунда бир томондан, меҳнаткаш омманинг золимларга қарши норозилиги, иккинчи томондан озодликка интилувчи, бирлашмаган ва уюшмаган халқ оммасининг оҳ-ноласи, ожизлиги равшан ифодаланган.

Машраб – шоирнинг таҳаллусидир. Шоирнинг исми Бобораҳим бўлиб, унинг ёшлиги Фарғона водийсининг Наманган шаҳрида ўтган.

Машрабнинг ажойиб шеърлари ҳар бир китобхонда чуқур туйғулар ва ички кечинмалар пайдо қилиб, руҳий озик беради. Мана, Машрабнинг юксак бадиий лирикасидан мисоллар:

*Ишқинг ўтига куйголи келдим
Ойдек юзингни кўрголи келдим.
Савдои зулфинг тушиди бошига,
Сендан давосин сўрагали келдим.*

Машраб ўзбек бадиий сўзларининг моҳир устаси, фаросатли, жуда ҳам зўр юмор кучига эга шоирдир.⁴

Фитратнинг «Машраб» ҳақидаги илмий мақоласи шоир Машраб ҳаёти, ижоди, мутафаккирнинг илмий қарашларини ўрганишда долзарб ва муҳим манбалар сирасига қиради. Мақоланинг илмий қиммати, аҳамияти ва моҳияти шундаки, Фитрат бу тадқиқотда Машраб шахсияти ва шеъриятини халқ оммаси томонидан қабул қилиниши, омма уни ардоқлаши, лекин унинг ижодий мероси ҳали чуқур ўрганилмагани, уни текшириш кераклигини, Машраб ижодининг кейинги шоирларга таъсири ошиши учун, у ҳақда алоҳида тадқиқотлар қилиш зарурлигини таъкидлаган: «Машрабнинг ўз замонида теран мутасаввуф ва кучли шоирлардан бўлганини асарларидан онглаганимиз каби у тўғруда Мажзуб Намангоний «Тазкират ул-авлиё»сида бизга очик хабарлар берадир. Шундай бўлгач, унинг замондошлариға ва ўзидан сўнграги ўзбек шоирларига кўзга кўринарлик таъсир қилганини қабул қилмай чора йўқ. Лекин, бизнинг ҳали яхши текширилмаган, тартибқа кирмаган, ҳатто кераклик материаллари, маъхазлари тўпланмаган бир адабиёт тарихимиз бор. Бу ҳол бизнинг истагимизча текширишни давом эттиришимизга монёъ бўладилар. Машрабнинг ўзидан кейинги шоирларга таъсирини текшириш учун айрича ишлашқа тўғри келади».⁵

Абдурауф Фитрат Машраб ҳақида чуқур илмий тадқиқот йўқлигини, П. В. Вяткин Машрабни тарихий шахс эмас, афсонавий шоир даражасига кўтарилганлигини, Европада у

¹ Ж. Юсупов. Ҳақингга бир дуо айлай. Машраб. Девон. Тошкент. «Янги аср авлоди». 2006. 43-бет

² Ўша манба, 45-бет.

³ И. М. Мўминов. Танланган асарлар, 1-том. «Фан», Тошкент 1969, 211-бет.

⁴ Ўша манба. 214-бет.

⁵ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. «Маънавият», Тошкент, 2000, 105-бет.

машхурлигини, Машрабни Фарғонада ҳеч ким билмаслигини афсус билан қайд қилиб, таъкидлайди:

«Орамузда шу қадар кўб ўқулиб, шуҳрат топқон Машраб ҳақида чиққан илмий, тадқиқий, тўла бир асар йўқ. Оврупа олимларидан Машраб ҳақида Н. С. Ликошиннинг «Дивана-и Машраб» исмли бир таржимаси билан П. В. Вяткиннинг «Ферганский мистик девана-и-Машраб» (бўлиб) Вяткин домудла Машрабнинг тарихий бир шахс эканига шубҳа билан қараб, унинг афсонавий эканига ҳукм қилмоқчи бўладир ва XVII-XVIII асрларга бир Фарғона тарафларида Машрабнинг таржимаи ҳоли нари турсин, уни эслаган бир иборатка (ишора) ҳам учрамаганидан шикоят қиладир».¹

Фитрат Машраб шеърлятидаги услубий нозикликларни, ундаги кучли жозибани теран англаб, таҳлил этади: «Машрабнинг кучли бир услуб эгаси бўлганини форсийча, ўзбекча шеърлярида кўра олдик. Машрабнинг тили соддадир. У кўбрак шахар тилининг энг тақаллуфсиз услубида ёзадир. «Дур» қўшимчасининг букун бизда ишлатилган «р»сиз шаклини кўбрак ишлатадир:

*«Машраби бенаводуман,
Васлинг учун гадодуман.
Ҳажр ўтига куёдуман,
Ёр жафосини кўринг».*

*«Холу хатингни кўрмасам, йўқту қарорим эй санам».
«Девонадуман дўхтари султони ажамга».*

Букун бизда «билмайсан», «келмайсан» шаклида ишлатилган феълнинг чиғатойчада «билмон», «келмон» шаклида, ўғузчада «билмам», «келмам» шаклида ишлатилгани маълум. Машраб эса «билмайсан» феъллини «билманг» шаклида ишлатадир:

*Мани мавжудлигим базми ҳаробот эрди сан, билманг
Гунаш кордир сарупойим, каромат эрдисан билманг.*

*Мани Мажнунни бекор англама, эй аҳли гафлат сан,
Ки Кунда бошимга юз мингча офат эрди сан билманг».*²

Филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев адабиёт тарихи, тасаввуф адабиёти ва Шарқ мумтоз шеърлятини чуқур илмий тадқиқ этган, теран мушоҳадали мақолалари билан илмий доирада ўз фикрларини изҳор этувчи фидоий олимлар сирасига киради. Адабиётшунос «Шоҳ Машраб Фитрат талқинида» мавзусига кўл уриб, мазкур тадқиқотида «Фитрат ва Машраб мавзуси», «Бобораҳим Машраб Намангонийми?», «Икки Машраб ихтирочилари», «Машраб ва қаландарийлик тариқати», «Мабдаи нур зиёси» каби қисмларга бўлиб, уни чуқур таҳлил этган ва Фитрат илмий хулосаларига ўз муносабатларини холисона билдирган. Эътироф этмоқ керак, Ҳ. Болтабоев масалани ҳар томонлама ўрганиб, ундаги ҳар бир деталга Фитрат талқинидаги илмий фараз ва қарашлар меъёрида ўз хулосани берган. Шу нуқтаи назардан бу тадқиқотни аҳамияти ва моҳиятини назарда тутиб, қимматли таҳлилий илмий ишлардан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Биз Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодиётини тадқиқ этувчи тадқиқотимизда Ҳ. Болтабоевнинг илмий мақоласига эҳтиёж сезамиз ва керакли ўринларда унга мурожаат қиламиз.

Адабиётшунос Ҳ. Болтабоев Фитрат Машраб ҳаёти, унинг қаландария тариқатига мансублиги, шоир асарлари ҳақидаги илмий қарашлари билан ўтган аср 20-йилларида ҳеч қайси тадқиқотчи олим айтмаган фикрни айтганлигини, бугунги адабиётшунослик илми учун ҳам бу асар вақт ўтса-да, қайтадан жонланиши ва Машраб меросини ўрганишда унинг илмий қимматини таъкидлаган:

«Фитрат 20-йилларнинг охирида Машраб мавзусига кўл урар экан, XVI-XIX асрлар адабиёти, хусусан, Машраб яшаган даврнинг барча сиёсий-маданий хусусиятларини пухта ўргангандан кейингина бу масъулиятли вазифага ўзини бағишлади.

¹ Ўша манба. 83-бет.

² Ўша манба. 101-102-бетлар.

Фитратнинг мақола-тадқиқотини дастлаб нашрга тайёрлаган Б. Дўстқораев олимнинг Машраб мавзуга муносабатини шундай изоҳлаган: «Ноёб илмий истеъдод эгаси бўлган Фитрат ўзбек, умуман, Шарқ классик адабиётига оид ёзилган асарлардан етарли даражада кониқиш ҳосил қилмаса, уларда кўтарилган мавзуга қўл уриб бошқалар ҳал этиб беролмаган илмий муаммоларни ечишга интилган».

Фитрат мақоласида Машраб мавзуи билан боғлиқ уч муҳим масала илгари сурилган бўлиб, бу мақоланинг таркибида ҳам акс этган: 1. Машрабнинг ҳаёти. 2. Машраб ва қаландарийлик тариқати. 3. Машраб асарлари.»¹

Ҳ. Болтабоев Б. Дўстқораевнинг эътирофини келтириш билан билан Машраб таржимаи ҳоли тикланганлигини эътироф этилганлигини келтирган: «Фитрат талайгина маъҳаз, баёз ва бошқа манбаларга таяниб, Бобораҳим Машрабнинг таржимаи ҳолини биринчи марта илмий асосда тиклаб берган. Ундан кейин Машраб ҳақида ёзганлар гарчи Фитрат номини тилга олмасалар-да, у тиклаган шоир таржимаи ҳолини у ёки бу шаклда такрорлайдилар».

Ҳ. Болтабоев Фитрат афсонавийлашиб кетган Машраб таржимаи ҳоли тикланганлигини, бунда манқабани, тазкирани, тарих китоблари масаласига аниқлик киритганлигини, Фитрат каби олимларнинг тадқиқотлари келажак учун қимматли ва кадрли бўлиб қолаверишини таъкидлаган: «Фитрат 1930 йилда ёзилган «Машраб» номли мақоласида ўзбек адабиётшунослигида илк бор Машраб мавзуга қўл уриб, унинг ярим афсонавий бўлиб кўринган таржимаи ҳолини тиклади, манқабани билан замонасининг тазкирани ва тарих китобларини қиёсан ўрганиб, шоир туғилган жойи ва вақти масаласига аниқлик киритди.

Улуғ шоири Бобораҳим Машраб ижодини ўрганишда ва унинг поэтик дунёсининг сирларидан халқимизни таништиришда истиқлол даврида яратилган шарт-шароитлар асосида ҳолис, бирёқламаликларга бўйин бермаган илмий изчил ўрганишда Фитрат каби нуқтадон машрабшунос яратиб қолдирган илмий асарлар келгусида ўз аҳамияти, ўрни ва қуввати билан хизмат қилажакдир».²

Шунингдек, адабиётшунос Ҳ. Болтабоев томонидан тайёрланган «Ислом тасаввуфи манбалари» (тасаввуф назарияси ва тарихи) китобида шарқнинг улуғ мутасаввуф мутафаккирлари ҳаёти ва фаолияти ва улар ижодидан муҳтасар маълумотлар қайд қилинган. Унда Бобораҳим Машрабга ҳам ўрин берилиб, мутафаккир шоир ҳақида Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаландарон» асари ҳам берилган.

Тасаввуф олими Н. Комилов тасаввуфга бағишланган «Тавҳид асрори» китобида Машраб жазбаси ҳақида фикр юритиб уни «Қамоли нури раҳматман» деб атаган. Унда тасаввуф тарихи, уни таълимоти ҳақида фикр юритилиб, Машраб Иброҳим Адҳам, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий ижодидан илҳомлангани, Мансур Ҳаллож мақомини орзу этганлигини таҳлил этган.

Машраб бенаво-бечораларни кўрганда эзилган, ноҳақликлардан фиғон чекиб ўтли сатрлар битган. Бироқ, у ўз туйғуларини очиқ, яланғоч тарзда, аллақандай исён-тўполонларга даъват руҳида ифодалаган эмас. У ҳаётга бир илоҳий ишқ ошиғи, тасаввуф нуридан порлаган қалб нигоҳи билан қарайди ва ҳислари, муҳокамалари ҳам шу асосда ривожланган.

Шунинг учун у «юртга ўлтурган» Маҳмуд қатағонбийга қўрқмасдан «тахтинга ўлтурдим, нима дейсан» дея олган. «Аналҳақ» деган Мансур Ҳалложни замонасида тушуниб етмаган уламолар ва вазир ноҳақдан ўлимга ҳукм қилгани Машрабда ички исённи келтириб чиқарган, шунинг учун энди очикчасига кураш йўлига ўтган, Машраб шуни хоҳлаган, унда Ҳаллож каби кўрқув бўлмаган. Н. Комилов бунини шундай изоҳлаган: Аммо бу эътиқод Мансурга қандай фожеа олиб келган бўлса, Машрабга ҳам шуни насиб этди. Унинг ҳақ сўзидан оташин шеър ва тигли ҳажвидан таҳликага тушган шариат «ҳимоячилари» ҳукмрон табақа вакиллари билан қўшилган ҳолда шоирни гуноҳкор ҳисоблаб ўлдирдилар. Тарих яна бир марта қонга беланди, яна бир марта маърифат билан зулмат, эркин тафаккур билан таассуф ва нодонлик тўқнаш келиб, қурбонлик берилди – шоирнинг ўзи бутун инсоният фалокати деган ўша Нафси лаин жоҳил уламолар қиёфасида ҳақиқатдан ўч олди. Бироқ Машраб руҳи, шеърлари тирик, халқ бу гавҳарни бағрида сақлаб келди. Шуниси ҳам борки, унинг сўзларини ҳали ҳам турли хил талқин этувчилар, ўз қарашлари, манфаатларига хизмат

¹ Ҳ. Болтабоев. Шоҳ Машраб Фитрат талқинида. Мумтоз сўз кадри. (Адабий-илмий мақолалар) Тошкент. «Адолат» 2004, 148-бет.

² Ҳ. Болтабоев. Мумтоз сўз кадри. 167-168-бетлар.

килдирувчилар бор. Тушуниб-тушунмай у ҳақда гапириш, ўзгараётган замонга қараб, унинг маъноларини мослаб олишга уриниш қузатилмоқда. Сояи раҳмат бошига тушган шахид шоир огоҳлантирган эди:

*Машрабо, ҳар бир сўзингдир гавҳари қимматбаҳо,
Айтма бу сўзларни ҳар нокасга нодонлик била.*

Машрабнинг илоҳий пок шеърляти тадқиқи ҳам пок ният, покиза қалб меҳнатини талаб қилади».¹

Тасаввуф олими Иброҳим Ҳаққул Машраб ижодиёти ва унинг тасаввуфий қарашлари ҳақида теран фикр юритгани ҳолда, машрабшунослик учун долзарб илмий-тадқиқий мақолалар эълон қилган. Адабиётшуноснинг «Ҳақиқат йўл тутай десанг» ва «Сўзлар бизга оғриқдан бўзлар» мақоласи ана шундай ижод маҳсулидир.

«Машраб соҳибжунун шоир. Машрабдаги жунун илоҳий ишқ ҳосиласи. У ишқнинг энг шиддатли тугёнларида «жунун водийси»га қочади. Уни ҳамма жойда ва ҳамма томонда «ғам лашкари» таъқиб қилади. «Ғам лашкари ичра «ҳайрону ҳароб» шоир гоҳ «жисми» жони»нинг афғорлигидан сўзласа: «Лашкари ғам бу синук кўнглумни афғор айлади»; «Жисми жонимни фиғор этти ғамингни лашкари», гоҳ ўзлигини «ғам тарозусиға» тортади: «Ғам тарозусиға тушган бори вазминмен бугун». Машрабнинг дарди – ғам, дардига дармони ҳам ғам:

Ғамдин ўзга бўлмади дардимга дармон оқибат,

деганди у. Машрабнинг шахси ғам қуюни ичидаги бир дарахтга ўхшайди. Шоир қалбидаги беқарорлик, саргашталиқ, оворалиқ ва ҳайронлик мана шундан. Машраб шахсиятини тинглаган киши унинг ички ҳаётида ҳеч қачон сокинлик, хушнидлик бўлмаганлигига дарҳол ишонч пайдо қилади».²

Машраб ҳақидаги фикрини давомида Иброҳим Ҳаққул шоирнинг инсоний ва ижодий ўзлиги сохта таҳлилларга дуч келганлигини, ҳанузгача, уни ўта илоҳийлаштириб, унинг номи қайсидир тоифа манфаатларига мос талқин қилинаётганлиги ҳақида сўзлайди: «Бобораҳим Машрабни Машраб таҳаллуси билан ижод қилган бошқа шоирлардан ажратиш учун ўзбек адабиётшунослигида анча ишлар амалга оширилди. Шу маънода шоир шеърларини йиғиб, нашр эттирган олимларнинг меҳнатлари таҳсинга лойиқдир. Лекин асл Машрабнинг қиёфаси унинг шеърлятида, адабиётшунослик илмида Машрабнинг инсоний ва ижодий ўзлиги тубдан ўзгартирилган ҳамда сохта талқинларга гирифтор этилган».³

Машраб шеърларини ўқиб туриб, беихтиёр ўйланиб қоласан: шу қадар севиш, юракни шу даражаларда изтиробга солиш ва қайғуга чулғаш мумкинми? Мен бундай саволларга қатъий жавобларни қаторлашиб ташлашдан чўчийман. Негаки, буюк шоир носамимийлик сабабидан ёхуд муболагага эҳтиёжидан:

*Ҳеч кима маълум эмас ҳоли паришоним менинг,
Осмонни пора қилди оҳу афғоним менинг,*

демаган. Машраб ҳолатидаги паришонлик, ғуссасозлик, фиғон сасларини шарҳлаш учун «ғайрат тиғи бирла юрак»ни чопиш, «жон тоғини ғам тешаси бирлан» тинимсиз қазиш, ёрнинг биргина кўзи ҳаёлида «Ху-ху қушидек кечалар гўянда»лик қилиш, ишқ куйида «бир ўлиб, икки тирилиш», фироқ даштларига чиқиб «Мажнун ила ҳамхона» йиғлаш, «Дунё ясаниб жилва қилиб» олдига келганда ҳам «Борғил нари» деб кетига шатталаб ўта олиш сингари қанчадан-қанча ақлнинг эсини оғдирадиган захмат ва руҳий меҳнатлардан огоҳлик зарур. Улуғ санъаткорлар ички бедорликларимиз олам чироғи бўлсин, деб орзу қилишган. Машраб қалби ва руҳияти тўғрисида сўзлашнинг энг катта масъулияти ҳали мана шунда. Машрабдаги бедорлик, юрак ёлқини, тафаккур оламини нурлантирадиган чирокқа айланган. Шоирнинг маънавий уйғоқлигига ҳамоҳанг равишларда фикри мулоҳаза юритмоқ учун

¹ Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Тавҳид асари. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат ҳамда «Ўзбекистон» нашриётлари. Тошкент, 1999. 142-бет.

² Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърлят. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991, 173-бет.

³ Ўша манба. 178-бет.

гофиллик, биқиқликнинг барча турларидан деярли озод Рух, кенг ва нур сочадиган қалб керак. Бу эса жуда мушкул талаб.¹

Иброҳим Ҳаққул форсий ва туркий тилларни, тасаввуф адабиётини чуқур билгувчи ва таҳлил этувчи олимлардан. У Машраб ўлимнинг сабаби нима эканлигини, мутафаккир ўз ўлимни хушнидлик билан қабул этишини, бу ўлим моддий ўлим эрса-да, руҳоний ўлим эмаслигини, у ўз-ўзини муборак этишини чуқур, фалсафий таҳлил этган:

Форс-тожик шоири Соҳиб Табризий «Дарё шуди, Эй дил, дарёёяд муборак» - «Дарё бўлибсан, эй дил, дарёлигинг муборак» деган ғоятда ҳаяжонли, юракка олқиш ёғдирувчи сўзларни ёзган.

Севгисиз кун кечириниш – саҳрога ўхшаш тап-тақир, ҳувиллаган кўнгилга судралиш. Бу – даҳшатли андуҳ. Бундай андуҳнинг ишқ учун ҳеч даҳшати йўқ. У дашт, саҳро бўлиб ётган қалбларни дарҳол яшнатиб юборади. Инсон дилидаги шу икки ҳолат, манзарани бир ўринда Машраб қуйидагича гавдалантирган:

Аввал эдим дашт, гулхона бўлдим.

Бунақа толе ва иқбол шарафига ҳар қанча шукранолар айтса, қутлов сўзлари топса арзийди. Аммо Машраб ушбу жойда ишлатмаган «муборак»ни қаранг, қандай ҳақиқат учун қўллаётир:

*Чун муборак бўлсун, эй Машираб, қизил қонинг сени,
Хўб иш бўлди сенга, жон берганинг – офат эмас.*

Очиғини айтиш керак, романтик кайфият, самовий ҳаёл, жўшқин ва кўтаринки эҳтирослардан табиати йироқ кишилар учун мазкур байтдаги маъно ва ифода завқ кўзгамайди. Одатда бундай романтик бўёқли сўзлар кўнгли «дашт» кимсаларнингмас, дили «гулхона» бўлганларнинг тушунча ва туйғуларини акс эттиради. Ва у ички эркини ахтараётган, маънавий хурликка чанқоқ ҳамма давр ва ҳамма замон одамларининг қалбини ҳамиша тўлқинлаштиришга қодирдир. Машраб ишқ баҳонасида, баъзан қонлар тўкиб ҳам эришиб бўлмайдиган, жон беришни ҳам «офат эмас», «хўб иш»га айлантирадиган, «гофил одам»ларга насиб этмас сийрат эканлигини улуғлаган.²

Академик, адабиётшунос олим В. А. Абдуллаев «Ўзбек адабиёти тарихи» китобида Бобораҳим Машраб ҳаёти, фаолияти унинг илмий мероси ҳақида ўтган аср сўнги чорагида ўз даври учун «қимматли фикрлар»ни берган. Аммо у таҳлил бугунги кун учун аҳамияти йўқдай туюлади. Чунки китоб шўролар тузуми талаби доирасида ёзилиб, ўз даври мафкураси билан суғорилган. Унда Офокхожа ва мулла Бозор охундлар тамоман бошқача тарзда талқин этилган. Буни албатта замонасозлик деб тушунмоқ ва билмоқ керак. В. Абдуллаев Машраб фаолияти ва мероси ҳақида тўхталиб шундай фикрларни келтирган: «Бобораҳим мулло Вали ўғли Машраб асосан ўзбек тилида, қисман тожик тилида шеърлар ёзган, ўз ҳаёти ва фаолиятини Ўрта Осиёнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларида ўтказган, исёнкорлик руҳидаги халқчил шеърлари ва ишқий асарлари билан шуҳрат қозонган.

Халқчил шоир Машрабнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти адабиёт ва илм аҳллари кизиқтирган: Балх шоири Сураат, ҳинд шоири Бехуд, Нозим Ҳиравий, Шавкат Бухорий, 1645 йилдан бошлаб Ҳиндистоннинг шоҳи Жаҳонобод шаҳрида яшаган форс шоири Рафи Шоҳид, Сухан, афғон шоири Зухур, «Музокирул - асҳоб» тазкирасининг муаллифи самарқандлик Малехо каби таниқли кишилар ҳам Машрабнинг шеърлари, ҳаёти ва тақдири ҳақида ўз мулоҳазаларини ёзиб қолдирганлар. Айрим адабиёт мухлислари ўзлари тузган тўпламларга, «Баёз»ларга Машраб шеърларидан намуналар киритганлар, бин Мулло Зокир Бухорий сингари хаттотлар Машраб асарларини қайта-қайта кўчирганлар».³

Машрабнинг ишқий лирикаси «бечора»ларнинг, замонасининг бегуноҳ қулларининг мақсадлари билан суғорилган эди. Шоирнинг фикрича, ҳақиқий ошиқ ҳол-аҳвол сўрайдиган, ширинзабон, чиройли, хушфеъл ва самимий ёрни истайди. Ёрнинг пойқадамидан ошиқ даргоҳи чароғон бўлиши, ҳасрат-надомат ва оҳ-фиғон унутилиб, хушчақчақ оилавий ҳаёт

¹ Иброҳим Ҳаққулов. Сўзлар бизга оғрикдан бўзлар. Адабиёт ва санъат. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1988, 106-бет.

² Ўша манба, 199-120-бетлар.

³ В. А. Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. Тошкент. «Ўқитувчи», 1980, 140-141-бетлар.

бунёдга келиши керак. Бинобарин, шоир ҳақиқий ошиқнинг ўз ёрини кўриш истагини шундай ифодалайди:

*Эй менинг нозик ниҳол ороми жоним, қайдасан?
Бул кўнгул бўстонида гунча даҳоним қайдасан?*

*Неча йиллар бул кўнгул муштоқ эрур дийдоринга,
Ўргулай, эй дилбари ширин забоним, қайдасан?*

*Айрилиб мен ёрдин бир неча кун бўлдум жудо,
Ахтариб келдим сени, сарви равоним, қайдасан?*

*Ҳолу зорим кўп ёмондур, келмасанг бир йўл сўраб,
Эй менинг хуш меҳрибоним – ёри жоним қайдасан?*

*Кўзларим гирён бўлуб қолдим бу ғам саҳросида,
Ҳасратингда чиқти бул оҳу фижоним, қайдасан?*

*Ташналадур Машрабинг, бўлди юрак – бағри қабоб,
Фурқатингда чашмайи оби равоним, қайдасан?*¹

«Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар» янги нашр этилган китобда бошқа мутафаккирлар каби Машраб ижодиёти, шоирнинг илмий фаолиятига ҳам ўрин ажратилган. Унда Машраб илм эгаллаш мақсадида Намангандан сўнг 1671 йили Самарқандга боргани, 1672 йил ўз шогирди Пирмат Сеторий билан Қашқарга Офоқхожа хизматига жўнагани ва илмий фаолиятининг ўзаги шеърляти ҳақида фикр юритилади. Машраб бизга бой мерос қолдирган. Унинг кўплаб ғазал ва рубоийлари, мухаммасу мусаддаслари халқ орасида машхур, дейилган.²

Самарқандлик адабиётшунос олим Раҳмонкул Орзибеков томонидан лотин алифбосида «Ўзбек адабиёти тарихи» XVII-XIX (I ярми) асрлар янги ўқув қўлланмаси яратилди. Қўлланмага филология фанлари доктори, профессор Дилором Салоҳий муҳаррирлик қилган. Эътироф этмоқ керак, мумтоз адабиётимиз намояндалари ҳаёти, фаолияти, улар қолдирган ижодий мероснинг моҳияти, аҳамияти, ишланганлик даражаси ва даврнинг ижтимоий, маданий-адабий ҳаёти рисоладагидек ёзилган.

Р. Орзибеков ўзбек адабиёти тарихи муаммоларини чуқур, изчил, илмий тадқиқ этган. «Ўзбек адабиёти тарихи» китобида Бобораҳим Машраб ҳаёти ва фаолиятини ёритувчи илмий тадқиқий мавзу ўрин олган. Унда мутафаккир шоир меросининг ўрганилиш тарихи, Машраб ҳаёти ва ижодий фаолияти, адабий мероси, унинг поэтик маҳорати масалалари ёритилган. Машрабнинг тасаввуфий қарашлари, шоир ижодига салафлар таъсири ва ўзбек адабиётида унинг ўрни муаммолари чуқур ва илмий жиҳатдан холисона таҳлил этилган. Р. Орзибековнинг бу китоби ҳақида илмий доира ва адабиётшунослик ҳали ўз ижобий муносабатини билдиради. Шу ўринда муаллифнинг, хусусан, Машраб ҳақидаги илмий қарашларига мухтасар фикримизни холисона изҳор қилмоқчимиз. Адабиётшунос олим Р. Орзибеков Машраб ҳақида тадқиқий қалам тебратгунга қадар, муҳтарам олимимиз тилга олган олимлардан ташқари жуда кўп адабиётшунос ва файласуфлар, адиб ва ёзувчилар Машраб ижодиёти билан шуғулланишган, тадқиқотлар қилишган, қилмоқдалар. Китобда рус олимлари ва хорижда Машраб ижоди ўрганилиши деярли айтилмаган. Қолаверса, жуда кам адабиётлар фондидан фойдаланилган, жузъий нуқсонлардан қатъий назар «Ўзбек адабиёти тарихи» китобини адабиётимиз тарихи учун қимматли манбалардан бири деб ҳисоблаймиз.

Файласуф Жондор Тўланов «Қадриятлар фалсафаси» китобида Машраб дунёқарашининг фалсафий муаммолари масалаларини таҳлил этган. Файласуф фикрича, оташнафас ўзбек шоири Бобораҳим Машраб Марказий Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий фикрлари ривож тарихида муҳим ўрин тутди. Тўхтовсиз давом этган урушлар, ички низолар тинка-мадорни қуритадиган солиқлардан адои тамом бўлган меҳнаткаш халқни қўллаб-қувватлаш Машрабнинг асосий мақсади, ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Машраб қашшоқ ва ҳуқуқсиз меҳнаткашлар аҳволига доимо ачиниб, умрбод уларни ҳимоя қилиш ташвиши билан яшади. Буни биз унинг «Девони Машраб»идаги дард-алам билан

¹ Машраб. Девон. «Янги аср авлоди», Тошкент, 2006, 206-бет.

² Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. «Файласуфлар миллий жамияти нашриёти» Тошкент, 2004, 408-бет.

тўлиб-тошган шеърларидан кўришимиз мумкин. Бу ҳақида у «тани дарду аламдан ёра бўлган, дили тиғи ситамдан пора бўлган халқни кўрдим»¹ деб ёзган эди.

Ижтимоий адолатсизлик, ҳақсизлик, тенгсизликнинг бош ва асосий сабаби зўравонликда, деб билган Машраб ўзининг ўткир қалам кучи билан ҳукмрон табақаларни, шахсларни ва мулгаларни танқид остига олди. Бобораҳим Машрабнинг оташин инсонпарварлик сўзлари, исёнкор шеърлари ўша даврдаги ҳукмдорларга, шариат пешволарига мутлақо ёқмади. Машраб қаттиқ тазйиқ остига олинди. Машрабдан ўч оладилар. Мутафаккир шоирнинг қатл этилиши ўша даврнинг қатта фожеаси бўлди.²

«Буюк сиймолар, алломалар» китоби соф фалсафий асар бўлиб, унда Мовароуннаҳрда яшаб ижод этган мутафаккир шоир ва адиблар қолдирган ижтимоий-маънавий мерос тадқиқ этилган.

Унда Машраб мероси, шоирнинг дин ва тасаввуфга, таълим ва тарбияга, маънавият ва ахлоққа доир шеърлари, улардаги фалсафий ғоялар, уларнинг мазмун-моҳияти чуқур таҳлил қилинган: Машраб ўз ижоди билан ўзбек адабиётида халқчиллик, ижтимоий ва дунёвийликни чуқурлашувида, жаҳолат ва бидъатга қарши кураш ғояларини кучайишида, шеърят шакллариининг такомиллашуви ҳамда бадииятнинг камолга эришувида қатта ўрин тутган сўз усталаридан биридир.³

Машраб қолдирган ижодий меросда ҳаётийлик, тирик инсон ва унинг инсоний кечинмаларини ифодалаш, хислат-фазилятларини таърифлаш, орзу-умидлари, шодлик қувончлари ва ғам-ташвишларини ҳаққоний тасвирлаш ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Бу мавзу асосан, ҳаётий ишқ-муҳаббатни улуғлаш, гўзал ёр-маъшуқа ҳусни латофатини таърифлаш жараёнида таҳлил этилади.

Ҳаётий ишқ-муҳаббат мавзуи Машраб ижодида Шарқ шеърятининг ғазал, мустазод, мураббаъ ва мухаммас, шунингдек, мусаддас ва мусаббаъ турларида ишланди. Бу гуруҳ асарлари асосида ташвиш ва лаззатларга тўла инсоний севги ётганлигини кўрамиз.

Машрабнинг ишқий лирикаси, унинг барча шеърлари каби ҳаётий мавзуи ва жўшқинлиги, ниҳоятда раво ва ўйноқчилиги, халқ кўшиқлари каби содда ва самимийлиги билан тингловчилар қалбига тезда йўл топа билади, уларга бадиий завқ бахш этади. Шоир агар таъбир жоиз бўлса, асарларининг шу фазилятлари билан шеърятда Машрабона услуб яратди.⁴

«Мабдаи нур» асарида турли ривоят, ҳикоят, афсона, тарихий воқеалар, шахслар шеърӣ мисралар ёрдамида баён этилади. «Мабдаи нур»нинг турли асрларда кўчирилган ва типографик нашр нусхалар ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти фондида сақланади.

1994 йили Машрабнинг бу асари ЎзР ФА «Фан» нашриёти томонидан босиб чиқарилди. Машраб тасаввуфнинг йирик намояндаси, ўз даврида кенг танилган мутасаввуф шоир-мутафаккир Машраб кўп бўлмаса-да, форс тилида ҳам қалам тебратди, қатор ғазал, мухаммаслар яратди, «ширу шакар» (муламмаъ) шаклида намуналар битди.

Машраб ижоди шеърятимизни етук асарлар билан бойитди, унинг кейинги ривожига баракали таъсир кўрсатди. Шоир шеърлари Ўзбекистонда бир неча бор нашр этилган, рус тилига таржима қилинган. Унга бағишланиб қатор илмӣ, бадиий асарлар ёзилган. Шоир асарларининг қўлёзмалари ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида қатор нусхаларда сақланади.⁵

Машраб кишиларни бойликка ҳирс кўймасликка, ўзгаларга яхшилик қилишга, саҳийликка чақиради, у инсон ва унинг тарбияси ҳақида сўз юритар экан, киши кичиклигидан тўғри йўлдан бориши, ўзига муносиб устоз танлаши лозимлигини уқтиради. Айниқса, у инсон учун илм эгаллашнинг афзаллигини айтиб шундай дейди:

*Сахледур агар билса киши илми нўжуми,
Аллома эрур зоҳирида бўлса улуми.
Таҳсил эмас ул бўлмаса гар зарра ҳумуми,*

¹ Жондор Тўланов. Қадриятлар фалсафаси. Тошкент. «Маънавият», 1998, 160-бет.

² Ж. Тўленов, З. Ғафуров. Фалсафа. Тошкент. «Ўқитувчи» 1997, 82-бет.

³ А. Абдуғафуров. Буюк сиймолар, алломалар. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Тошкент, 1997, 46-бет.

⁴ Ўша манба, 51-бет.

⁵ Ўша манба, 52-бет.

*Яъники «Шитоб айла» деди мавлави Румий,
Султони тариқат шаҳи мардонани кўрди.¹*

Фалсафа фанлари доктори, профессор Х. Аликулов Машрабнинг хурфикрлилик ғояларини илмий таҳлил этган. Унинг фикрича, Машраб ижодида мистик ғоялар тез-тез учраб туради. Дунёга келиб фақат азоб-уқубат тортганини, ҳамма ерда зулм, адолатсизлик, ўзбошимчалик ҳукм сураётганини у алам билан ёзади:

*Онадин туғмиши куним рўзе ҳаловат кўрмадим,
Бу работи кўҳнада мен истиқомат кўрмадим.*

*Ғарқ бўлдум неча бор меҳнатга роҳат кўрмадим,
Ғуссадан ўлдим даме хоби фароғат кўрмадим.*

*Хонабордўши гадо бўлган кишидин дард сўранг.
Даст хушки бибизоатман жаҳондин бесамар.*

*Волидайдан айру тушганман, қолибман муштирапар,
Бекасу бемуттако бўлган кишини ким сўрар.*

*Ичганим заҳрабо бўлди, моҳазар – хуни жигар.
Ўртаниб соҳиб азо бўлган кишидан дард сўранг.*

Машраб бу дунёга, унинг ноз-неъматларига кўнгил бермасликка аҳд қилади ва бошқаларни ҳам шундай қилишга чақиради. Бу дунёни фоний, ўткинчи ва вақтинчалик эканлигини, шунинг учун ҳам унга берилиш фойдасиз эканлигини айтади ва бу фоний дунёдан кечиб охират умидида яшаш афзаллигини таъкидлайди.²

Филология фанлари доктори, профессор А. Ҳайитметов «Машраб ҳақида сўз» илмий мақоласида шоирнинг хурфикрлилик ҳақидаги ғояларини, шунингдек, мутафаккирнинг адабий мероси, унинг ўзбек адабиётида тутган ўзига хос ўрни ҳақида мулоҳазаларини баён этган: «Бобораҳим Машраб ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос услубга эга бўлган ва мактаб яратган шоир бўлиб, ундан бизга бой шеърий мерос қолган. Шоир шеъриятининг катта қисми эса муҳаббатни, дўстликни улўғлашга, ёнган кўнгилларга ширин ва жўшқин сўзлар билан тасалли беришга бағишланган. Шоирнинг бутун умри ишқ дафтларини яратишга, шу йўл билан инсонга хос энг нозик туйғуларни ардоқлашга сарф этилди, дейиш мумкин».³

Машрабшуносликда «Мабдаи нур», «Кимё» асарлари ҳам Машраб қаламига нисбат берилди. Машраб адабий меросини олимларимиз қилни қирқ ёриб, диққат билан ўрганмоқдалар. Шоир асарлари қўлёзмаларининг тарқоқлиги, қадимги нусхаларнинг камлиги бу ишни муваффақиятли олиб боришни мураккаблаштирмоқда. Лекин шунга қарамай, бу соҳада айрим ютуқларимиз йўқ эмас. Шоир асарлари нашрлари йилдан-йилга муаммаллашиб бормоқда. Лекин бу соҳада қилинадиган ишлар ва ўрганиладиган муаммолар ҳали кўп. Биз қийин замонлардан ўтиб, бугун буюк шоиримизни йўқламоқдамиз. Машрабнинг ўлмас шеърияти эса дилларимизни ҳар қачонгидан ҳам равшан ёритиб турибди.⁴

Академик Азизхон Пўлатович Қаюмов ташаббуси билан дастлаб Пўлатжон Домулла Қайюмовнинг «Тазкирайи Қаюмий» 3 жилдлик тазкираси, бирмунча фурсатдан сўнг муаллифнинг «Тазкирот уш-шуаро» икки китобдан иборат асарлари эълон қилинди. Истисносиз айтиш керак, ҳар бешала китобнинг юзага келишида А. П. Қаюмовнинг хизматлари катта бўлди.

Азизхон Қаюмов бир суҳбатларида Машраб ижодиёти хусусида сўз юритиб «Мабдаи нур» Бобораҳим Машрабники эмас, қаршилик Ҳофиз Рўзибой Машраб асари эканлигини бизга (таъкид: М. Ҳ) изҳор қилган эдилар. Бу мавзу хусусида машрабшунос тадқиқотчилар «Мабдаи нур» Бобораҳим Машраб қаламига мансублигини исботлашди.

¹ Акад. М. М. Хайруллаев таҳрири остида. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. Тошкент, «Ўзбекистон» 1995, 197-бет.

² Масьул муҳаррир академик М. М. Хайруллаев. Ўрта Осиё халқлари хурфикрлиги тарихидан. Тошкент, «Фан», 1990, 160-бет.

³ Абдукодир Ҳайитметов. Адабий меросимиз уфқлари. Тошкент «Ўқитувчи», 1997, 40-бет.

⁴ Ўша манба. 41-бет.

Ўша суҳбатда А. Қаюмов бизга жўяли фикрни айтган эдилар: «Мабдаи нур» қайси Машрабники бўлишидан қатъий назар таҳлил қилиниши керак, таҳлилни тўхтатманг», деб таъкидлаган эдилар.

«Тазкират шуаро»нинг иккинчи китобида 10 та Машраб тахаллусли шоир ҳақида мухтасар маълумот берилган. Шулардан 5 таси Машрабий бўлиб, 4 таси эронлик, 1 таси ҳиндистонликдир. Машраб тахаллусли шоирлардан 3 таси эронлик, 2 таси ҳиндистонликдир.

«Тазкираи Қайюмий»да 2 та Машраб тахаллусли шоир ҳақида мухтасар маълумот берилиб, шулардан бири Бобораҳим Машраб, иккинчиси Машраби Соний – Ҳофиз Рўзибойдир.

«Машраб I – бу киши Фарғона водийсидан бўлуб, Наманган шаҳридандир. Номи Бобораҳим бўлуб, мулла Вали номли кишининг ўғлидур. Эл орасинда шоҳ Машраб деб маъруфдир. Водий бўйича бу кишининг девони эскидан ўқулуб келинадур. Номаълум бир киши томонидан Машраб I нинг биографияси ила муносиб ўринга ғазал, мухаммаслар кўйилиб тартиб этилмиш китоби Тошкандда неча мароталаб литуграфияда бостирилмишдур.

Бошда Мулла Бозор номли кишини тарбиясинда бўлмиш. Сўнгра саёқлик ила Қашқарга бормишдур, Даҳбадийлардан бири бўлмиш шайх мулла Ҳидоятулла хўжа лақаби Офок Ҳожамбек хонақоҳида бўлмиш. Хизматида туруб бир жорияси муошиқаси туфайли ҳайдалмиш. Унда Фарғона қараб юрмишдур. Кўқон шаҳрида бўлмаган. Лекин Яйфан йўли ила ўтгани Қадамжо номли жойлардан маълум бўладур. Хўжандга келгон. Ҳокими Хўжанд Оқбўтабий юз билан мулоқат сўзланадур. Тошканд, Бухорода бўлгани, қалмоқ қизига учрагани ҳам сўзланур. Ниҳоят Амударёдан ўтуб ундаги ўзбеклар уламолари ила мулоқатда бўлуб, қандайдур бир масъала устида куфр ила иттиҳом этилиб Қундуз шаҳари уламоларининг фатвоси билан Субхонқулихоннинг Балхга кўйилмиш амири Қатағон қабиласининг бошлуғи Маҳмудбий қатағон томонидан Балх шаҳрида осдирилиб ўлдирилмишдир. Ҳижрий ила 1123 нчи йил мелодий ила 1711 нчи йилга тўғри келадур. Офок хўжа 1695 йилда вафот этмиш эди. Демак Машраб бундан 16 (ўн олти) йил кейин вафот этгани кўринадур».¹

Тазкиранависликни чуқур ўрганган ва тазкира тартиб берган П. Қайюмов Садриддин Айний асарларидан ва тожик мумтоз адабиётидан жуда кўп фикрлар келтирган, иқтибослар олган: Ҳижрий ила 1177 йилда (1763-64) таълиф этилмиш «Мажмуаи Абдулматлаб» номли тазкирадан олиб «Намунаи адабиёти тожик»да мухтарам устод Садриддин Айний кўрсатмишлар эди. Мен бундан олдим:

*Аламлик дардни гамбода бўлган мубматодан сўр,
Юрак дардини мендек жигар банди адодан сўр.*

*Юракда зарра гам бўлса изҳор этма бедардга,
Менингдек хонавайрон ва эшикларда гадодан сўр.*

*Муҳаббат дардини безавқ нодонлар нечук билсун,
Менингдек онадин тугмиш ҳамон бахти қародин сўр.*

*Ки айни нўшгиртимда ниҳолимни ҳазон этди,
Ду рўза ўтган умримни бориб боди сабодин сўр.*

*Ҳамма хавфу ражодин ҳеч киши ҳолий эмас, Машраб
Ёмону яхшиларни тонгла борганда худодин сўр.²*

Адабиётшунос олим, нуктадон публицист Иброҳим Ғафуров Шарку ғарб шеърятини чуқур тушунадиган, таҳлили чўнг алломалардандир. И. Ғафуров насрдагина эмас, мазмунан бой ва сермулоҳазали публицистик мақолаларида ҳам Машраб ижодиёти, унинг ўзбек шеърятдаги мавқеи ҳақида тиниқ ва шаффоф фикр юритиб, шоир хитобларини таҳлил этади. У Машрабни «Фақирлар шоҳи», «Сурати башар, сийрати малак» деб атайти, шеърятдаги мақомини «қудсий калом» деб таърифлайди: «Мен Машрабни куйган ва тинимсиз куйишда давом этаётган одам эмас, балки бус-бутун, яъни бошдин-оёқ мунаввар алангага айланган ва оқ аланга тимсолида жаҳонни саргашта кезган ҳақиқат қидирган зот деб

¹ Пулатжон Домулло Қайюмов. Тазкираи Қайюмий. Тошкент, 1998, 63-64-бетлар.

² Ўша манба. 65-бет.

тасаввур қиламан. Унинг ғазаллари шу оқ аланганинг бутун Мовароуннахр бўйлаб тўкилган ва ҳамон ёнаётган парчаларидир.

Шу маънода Машрабнинг девоналиги энг юксак маънодаги маърифат нишонаси, деб қаралмоғи керак. Машрабнинг девоналигини энг олий маърифат деб қарасаккина, унинг асарлари ўз асрор пардасини бизга андак очади. Яъни Машрабнинг ғазал оламини буюк аланганинг ўртасида очилган чечаклар деб қарамоқ лозим бўлади. Бу чечаклар намруд ўтига ташланган ҳазрат Иброҳим ёнида очилган чечакларга ўхшайди. Балки баайни ўша чечакларнинг ўзи бўлса ажабмас».¹

И. Ғафуров фикрича, ҳимоясиз, паноҳсиз халқнинг ночор аҳволига чидаёлмай Машраб дарбадарлик йўлини тутди. Зулм остида эзилган халқ аҳволига у бефарқ қараб туролмади. Халқнинг дардини юрагига жо қилди. Бу дард шунчалик поёнсиз эдики, у дунёга сиғмай қолди. Адолатсизликлар ҳукм сурган дунёда у ўзини бегона сизди.

Асли башарият ўз ва жамият ташвиши билан фоний дунёдан ўтиб кетаверди. Лекин шундай шахслар туғиладики, улар жамият ва дунё марказида инсонни – башариятни ҳушёрликка чорлаб, огоҳ этиб туради. И. Ғафуров наздида ана шундай огоҳ этувчи шахслар сирасига, дунёни ўткинчи эканлигини, осойишта ва фаровон яшашга ундовчи ва даъваткор ғояларга чорловчи дунё марказида турган шахс деб Машрабни тушунади: «Дунёнинг марказида қон ялаган, жаҳонни ўзи каби одамларнинг қонига ботирган ва ўзи каби одамларни неча ўн йиллаб тиканли симлар билан ўралган жаҳаннам чоғида сақлаган «дохийлар» эмас, Бобораҳим Машраб туради.

Бировнинг ризқини емаган, бировнинг молига ҳавас қилмаган, ўзи каби одамларга ҳеч қачон озор бермаган ва зиён-заҳмат етказмаган, ҳеч қачон ҳеч қандай бошпанаси, мол-дунёси, ҳирсу ҳаваси бўлмаган, жамики олам даргоҳларини ўзига уй деб билган, дунёни дарбадар кезиб ҳақиқат нурини қидирган Машраб ўзини чиндан ҳам оламнинг марказида турган каби тасаввур этади.

Машраб ҳар бир ғазалини чин маънода манифест каби ёзади. Дунёни ўз қарашларидан, ўз аҳволидан, руҳий ҳаётида кечаётган, ҳеч тинмайдиган ғалаёнлардан хабардор қилади.

Машраб манифест ғазалларида дунёга сиғмаган одам деб эълон қилади. Ўзини бахтсизларнинг бахтсизи, кулфатзадаларнинг кулфатзадаси, бир зум ҳам ғам нокидан фароғат кўрмаган кимса деб танитади».²

*Дунёга келиб ранжу балони кўруб ўттум,
Юз ранжу бало шиддатин ўргулуб ўттум.*

*Дунёга кўнгул берса киши бўлгуси расво,
Бу фоний жаҳон мулкига шатто уриб ўттум.*

*Билдим мен они душмани маккор эканин,
Мардона бўлуб белга этак қистуруб ўттум.*

*Жон олгучи Азроил эмас, ул ўзи билгил,
Невчунки, они бирла мен улфат бўлуб ўттум.*

*Машраб сени деб ушбу жаҳондин кўнгул узди,
Девона бўлуб ондин эшоким суруб ўттум».³*

Адабиётшунос олим А. Абдуғафуров Машраб ҳаёти, ижодиёти ва унинг илмий мероси ҳақида Исматуллоҳ Абдуллоҳ ва Ж. Юсуповдан кам иш қилмади дея олмаймиз. Афсусланарли томони шундаки, шўролар тузуми даврида замонасоз бўлган бу аллома бирон-бир илмий мақоласида Машраб ва унинг устози, пири Офоқхожа ва мулла Бозор охунд ҳақида салбий фикрларни жуда кўп айтишига қарамасдан, бу ҳақда лом-мим демасдан «Машрабшуносликнинг баъзи муаммолари» тадқиқида ўзи ҳақида эмас, Машрабни «Буюк исёнкор» даражасига чиқариб қўйган бошқа тадқиқотчиларга таънаю-маломат тошларини отган: «Чиндан ҳам, эндиликда оддий ва ҳатто, одатий бўлиб қолган «исёнкор шоир», «дахрий шоир» унвонларини олайлик – улар заминида катта ижтимоий-сиёсий ва амалий мазмун-маъно ётишига эътибор бермай шундай айтаверамиз. Таъкидлаб айтиш керакки,

¹ Иброҳим Ғафуров. Ҳаё-халоскор. «Шарқ», Тошкент, 2006, 277-бет.

² Ўша манба. 281 бет.

³ Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. 116-бет.

«исёнкор шоир» дейилганда, шубҳасиз ботирсўз ва жасурқалб шоир асарига руҳий туғён ва жасоратли хайқирик; шиддатли хитоб ва қатъий оҳанг, зулм ва адолатсизликка қарши кескин норозилик ва аёвсиз фош этишни эмас, амалий фаолиятидаги зўравон амалдорлар ва риёкор руҳонийлар билан мурасасиз баҳсни ҳам эмас, балки сиёсий тушунчадаги исёнкорлик назарда тутилган. Бундай сиёсийлаштиришда шоирнинг дорга осилганлиги жиддий далилдек туюлган».¹

Аммо машрабшуносликда, деб ёзади А. Абдуғафуров, – қатъиятлик билан исёнкор сифатида кўрсатишга зўр беравердик... охириги йилларда «Буюк исёнкор» деб тузатдик. А. Абдуғафуров 1980 йил В. Раҳманов томонидан «Девон»га ёзилган сўзбошида: Унга бағишланган мақолалардан бирига худди шундай сарлавҳа қўйилган. Шоирнинг «буюк исёнкор»лигини исбот этиш учун янги-янги ривоятлар тўқишга тўғри келди – натижада Машраб инқилобчи даражасига яқинлаштириб қўйилди.

«Синфий курашлар жангида (?) халқ ўз маънавий-маданий йўлбошчиларини етиштиради. Халқнинг мана шундай маънавий устозларидан бири Машраб эди. Яна ўқиймиз: «Машраб халқнинг руҳий раҳбари эди...»²

Машрабнинг ўзбек классик поэзиясидаги ўзига хос сиймоси шоирнинг исёнкор руҳи ва исёнкор шеърияти билан гавдаланди. Тасаввуф фалсафаси ва атоқли пантеистлар ҳақида сўз борганда, уларнинг халқ учун устоз ва раҳнамо эканликларини уқтирган эдик. Биз Машрабни ҳам ўша улуғ зотлар жумласидан деб ҳисоблаймиз. Бу бежиз эмас, чунки шоир ўз санъаткарона вазифаси ва халқ олдидаги ўз маънавий раҳбарлик бурчини аъло даражада англаган.³

Машраб «буюк исёнкор» бўлса «халқнинг руҳий раҳбари» ва «халқ олдидаги ўз маънавий раҳбарлик бурчини аъло даражада англаган», «синфий курашлар жангида халқ етиштирган йўлбошчи» бўлса – у қамалиши, зиндонга ташланиши ёки жилла бўлмаса сургун қилиниши керак. Чиндан ҳам, сургун қилинмаган исёнкор-исёнкорми ёки тарихда қайси буюк исёнкор сургун қилинмаган? Мантиқ Машрабни сургун қилинишини талаб қилади. Бобораҳим Машраб таваллудининг 350 йиллиги юбилейига тайёргарлик муносабати билан босилган мақолаларнинг бирида жиддий тарзда Машрабнинг «Намангандан Қашқарга номаълум муддатга ва эҳтимол, умрбод» бадарға этилганлиги ҳақида сўз боради.⁴ Муҳсин Зокиров ҳам тадқиқотларида шоирни Қашқардан сургун қилингани ҳақида «ўз юртидан қувилиб, ўзга элларда дарбадар ҳаёт кечиришга маҳкум этилганлиги»ни, Наманганда «сўнгги дамлари ғоятда қийинчилик ва таъқибларга тўлиқ бўлганлигини очик-равшан исбот этади».⁵

Изтиробли томони шундаки, айнан Машраб ҳақида ижод қилувчи адиблар ва тадқиқотчилар Машраб сиймосини халққа ана шундай етказишга ҳаракат қилдилар. Ҳали-ҳануз у ҳақдаги бадиий ва илмий мақолаларда Машрабнинг «мураккаб шахс»лиги тилга олиниши кечириб бўлмас фожиали хатогина эмас, Машраб шахсиятини чуқур билмаслик, унга нисбатан бўҳтондир. Мулла Бозор охунд хонадонидан Офокхожа даргоҳига бориб, илмларни ўрганиши ва уни кенгайтириши тасаввуф назарияси билан чуқур танишуви, улуғ шоирнинг илтифоти билан «кутбул ақтов»лик (авлиёлар улуғ) даражаси, мақомига эришуви ва нақшбандия, яссавия таълимотини қадами етган жойларгача ёйиши эди.

Офокхожа эшон билим доираси жуда кенг, бадиий адабиётдан ҳам анчагина хабардор бўлган, хусусан, шеъриятнинг кадр-қимматини, унинг оммага таъсир кучини яхши тушунган. Шу боис, унинг даргоҳида шеърият ҳам юқори баҳоланган.⁶

Машраб биринчи навбатда ўткир лирик шоир. Унинг шеърияти бадиий юксаклиги, ҳис-туйғуларнинг жўшқинлиги, нозик нуктапардозлиги, халқ ижодига хос бўлган маъно ва манзараларига бойлиги, жозибали самимияти билан минг қиррали олмосдай товланиб китобхонларни сеҳрлайди. Шоир асарларининг энг муҳим фазилати, икки нуқтада: бир томондан маъно ва мазмун баркамоллиги, иккинчи томондан, ифода мусиқийлиги тоғ жилғалари каби шарқироқ оқимида ўзлигини кўрсатиб туради.⁷

¹ Абдурашид Абдуғафуров. Қалб қаъридаги кадрятлар. 160-бет.

² В. Раҳмонов. Буюк исёнкор. Машраб «Девон»га ёзилган сўзбоши. Тошкент, 1980, 6-бет.

³ Ўша манба, 22-бет.

⁴ Ҳамид Ғулом. Машрабга дебеча. «Ўзб. адаб. ва сан. » 1990, 3 август.

⁵ Муҳсин Зокирий. Машраб. 13-бет.

⁶ Абдурашид Абдуғафуров. Қалб қаъридаги кадрятлар. 161-бет.

⁷ В. Раҳматов. Буюк исёнкор. 17-бет.

Уни «девона», «парвона», «бегона», «вайрона» қилиб, «ул хоби хаёлот»га ғарқ қилган, гўзал маъшуқа қизми ёинки яратганнинг ўзими? Машраб наздидаги «доно»лик, зукколик, закийлик қобилияти бор шеърият мухлиси ундаги мусикийлик ва ажиб хусусиятни тез илғайди:

*Эй моҳ, ишиқинг ўти айлади расво, девона бўлибман,
Ишиқ ўти ёнар жисмим орасида на паво парвона бўлибман.*

*Ул дамки ўшал моҳ юзин бир йўли кўрдим, ул хоби хаёлот,
Найранги рақиб ўлдию, ё ҳурлик худодур, бегона бўлибман.*

*Машраб ҳолини сўргали оламда ким бор, ким додига етгай,
Йўқтур бу бузуқ дилни сўрар маҳрами доно, вайрона бўлибман.¹*

Машрабнинг Алишер Навоий ижодий меросидан ўрганиши, унинг асарлари анъаналарини ўзлаштириши учун қачон қуруқ таъсирланиш, юзаки тақлидчилик, нусха олиш даражасида бўлмаган, устоз тажрибаларидан руҳланиб яратган асарлари эса шаклий ўхшашлик доирасидагина қолиб кетмаган. Аксинча, Бобораҳим Машраб улўғ шоир анъаналарига ўз даври ҳаёти ва талаблари, жорий ижтимоий онг ҳолати ва ахлоқ-одоб мезонлари, адабий дид ва бадиий завқ савияси нуқтаи назаридан тўла маънода ижобий муносабатда бўлган.²

Адабиётшунос А. Абдуғафуров «Ўзбек адабиёти тарихи» беш жилдлигининг учинчи жилдида Бобораҳим Машраб ҳаёти, ижоди, шоир мероси ва унинг бадиияти ҳақида маълумот берган. Китоб 1978 йилда яратилган бўлиб, ҳали мумтоз адабиёт тарихи ҳануз янгиланган эмас. Бинобарин, шоир ижоди ҳам шўролар тузуми мафқураси, нуқтаи назаридан тадқиқ қилинган. Шунинг учун биз тадқиқотимизда бу китобларга кам ўринлардагина мурожаат қилдик. Тўғри, бугунги кунда мазкур китоб адабиёт тарихини ўрганувчилар учун асосий қўлланма – дарслик эканлигини истифода этмаймиз. Аммо бу дегани Машраб илмий фаолияти бу китобда қандай ёзилган бўлса, шундайлигича қабул қилиш дегани ҳам эмас.

Бобораҳим Машраб илмий фаолияти, ижодининг туб моҳияти ҳақида А. Абдуғафуров кўйидаги холисона фикрларни келтирган: «Албатта, уламо – муллоларнинг Машрабни инкор этиб, уни шоир сифатида ҳам, кучли мантиқ соҳиби ва журъаткор шахс сифатида ҳам тан олмасликка интилишлари айни этак билан ёпишга тиришиш қабилдаги тентакона ҳаракат эди, холос. Машраб ҳаётлик чоғида ҳам, вафотидан кейин ҳам халқ орасида шу қадар кенг шухрат қозонган эдики, бу довруқни айрим табақа гуруҳлар хоҳишига кўра босиб бўлмас эди. Шоирнинг халқ дилига (чордевор ортидаги хотин-қизлар орасида ҳам) сингиб кетганлиги, тилдан тилга ўтганлиги факти Машрабдан кўз юмиш муносабатининг мувафқият қозона олмаганлигини кўрсатади. Шунинг учун бўлса керакки, ҳоким табақалар идеологлари, руҳоний арбоблар юқоридагича ёндошувга батамом зид муносабатни ҳам илгари сурдилар – Машраб шахсияти ва ижодий фаолиятига тамомила диний тус бериб, уни ўз идологлари сифатида кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Машраб ҳақидаги қисса диққат билан ўқилса, ана шундай интилишнинг ҳам аниқ изларини кўриш мумкин. Бу ерда гап бутун қисса давомида Машрабни авлиёсифат талқин этишга ҳам уриниш мавжудлиги ҳақида бораётир. Бу ишда, шубҳасиз, руҳонийлар ташаббус кўрсатганлар. Худди шулар томонидан Машраб баъзи ўринларда қандайдир ғайри-табиий салоҳиятга эга авлиё, айни замонда девона табиат, ринд, реал ҳаёт ва дунё ташвиш-роҳатлари билан алоқани узган, тажанг шахс сифатида гавдалантирилади, унинг ана шу белгилари тасдиқиға, ҳатто, шоир «ижоди»дан намуналар ҳам келтириладики, булар реал ҳаётга батамом зиддир».³

Машраб классик поэзиямизнинг турли лирик жанрларига мурожаат этди, уларни ҳам мазмунан, ҳам бадиий жиҳатдан етук асарлар билан бойитди. Шоир қайси бир жанрда қалам тебратмасин, у, аввало, кенг ўқувчилар оммасига яқин ва маълум бўлган шакллариини излади, арузнинг энг энгил вазнларини қўллади.

Машрабнинг адабий мероси тўғрисида сўз борганида унинг мустазод ва мураббалари ҳақида ҳам алоҳида тўхташ зарурати бор. Таъкидлаш лозимки, Машраб ўтмиш поэзиямизда энг кўп ва ҳар жиҳатдан маъқул мустазод яратган ижодкорлардан биридир. Шоир ўз

¹ Қиссаи Машраб. Тошкент «Ёзувчи», 1992, 29-бет.

² Абдурашид Абдуғафуров. Буюк бешлик сабоқлари. Тошкент. Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1995, 160-бет.

³ А. Абдуғафуров. Ўзбек адабиёти тарихи. 3-жилд. 239-240-бетлар.

асарлари билан бу жанрнинг адабиётимизда мустаҳкамланиши ва бойишига катта ҳисса қўшди. Машраб мураккаб, нозик лирик жанр бўлган мустазодда ҳам юксак бадиий маҳорат кўрсата билди. Унинг мустазодлари энг яхши ғазаллари каби шўх ва таъсирчан бўлиб, равон ва енгил ўқилади, китобхон ёдида тез сақланиб қолади. Мустазод соф лирик жанр. Унинг мавзуи – ишқ-муҳаббат, ошиқ садоқати, маъшуқа гўзаллиги, нозу ишваси, жабру жафоси, ахду вафоси.

Шоир ўз мустазодларида ҳам ёр гўзаллигини мадҳ этди, унинг баркамол чиройи ва фазилатларини улуғлади. Мустазодларнинг ҳам лирик қаҳрамони оташин севги ўтида ёнган, ўз севгилиси томон талпинаётган садоқатли ошиқдир. Лирик қаҳрамоннинг кечинмалари, висолга етишиш йўлида интилиши, орзу-умидлари, хижрон азобида қийналиши, дарду ҳасратлари ҳаётини лавҳаларда ўз ифодасини топади. Тасвирининг бадиийлиги, тил соддалиги, вазннинг равон ва ўйноқлиги шоир мустазодларини халқ кўшиқларига яқинлаштиради, тингловчи ёдида узоқ сақланиб қолишини таъминлайди.¹

Машрабни ҳайрон, сарсон, нолон, гирён, сўзон, тобон, қурбон қилган ғамзали маъшуканинг мақсади нима экан ўзи?

Кўз учи билан дилбари раъно манга боқти, –

Ҳайрон бўла қолдим,

Юз нозу караима била ёр қошини қоқти, –

Сарсон бўла қолдим.

«Жонимни олур бўлсанг ол!» деб ёнига бордим, –

Кулди: «нари тур!» деб,

Бехуд қилибон бошимга савдосини солди, –

Нолон бўла қолдим.

Айдимки, яна: «Ўргулайин, қошимга келсанг», –

Юзини ўгурди,

Хушум кетибон кўздаги ёш қон бўлуб оқти, –

Гирён бўла қолдим.

Боскан изини кўзума сурттум нола айлаб: –

«Дилбар қайдасан?» деб,

Чиқмади садо, ишқ ўтини жонима ёқти –

Сўзон бўла қолдим.

Оҳ урдиму айдимки, «Сани қайда топарман излаб –

Деди: «Сабр эт!»

Ҳеч қолмади сабрим, жигарим сув бўлуб оқти, –

Табон бўла қолдим.

Машрабга саҳар ёри ширин сўз қотиб ўтти, –

Жондин кеча қолдим,

Девона қилиб, жоним олиб, биллаҳ(ки) йиқти, –

Қурбон бўла қолдим.²

Адабиётшунос олим Иззат Султон 1936 йили «Асл Машраб» номли илмий мақола ёзган, мақола ўз даврида эълон қилинган ва у 1972 йил Иззат Отахоновичнинг «Ҳаёт, адабиёт ва маҳорат» китобидан ўрин олган.

Адабиётшуноснинг ўзи камтарлик билан мақола хийла эскирганлигини эътироф этган. Мухтасар айтилганда, Машрабни турли талотўплардан ҳимоя қилиб, унинг ижодини халққа етказиш масаласи қўйилган. Ўз даври нуқтаи назаридан келиб чиқиб, Машрабнинг диний, тасаввуфий қарашлари, уни душманлардан ҳимоя қилиш ва асл Машрабни халққа танитиш кўндаланг қўйилган. Очигини айтмоқ керак, мазкур мақолада Машраб сиймоси ўта даҳрий, илоҳни тан олмайдиған, худога ширк келтирувчи – атеист қиёфасида тасвир этилган. Балки ўша давр мафкураси учун Иззат Отахоновичдек ёш адабиётшунос олимга шу тахлитдаги

¹ Ўша манба. 259-260-бетлар.

² Машраб. Девон. «Янги аср авлоди» Тошкент, 2006, 337-бет.

илмий мақола ёзиш зарур бўлгандир: «Рухонийлар Машрабнинг «Девон»ини ўз манфаатларига мослаб тузиб чиқардилар. Унга ўзларининг кўп диний-мистик шеърларини қўшиб, уларни ҳам Машрабники қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. «Девони Машраб»нинг кўп нусхаларида биз Пскентда ўтган Мансурнинг ва Намангандин чиққан шоира Маҳвашнинг кўп шеърларини учратамиз. Анча шеърларда эса ҳеч кимнинг имзоси (тахаллуси) қўйилмаган. Ўтакетган диний тасаввуф руҳида ёзилган шеърларнинг жуда кўпи, бизнингча, кейин ана шулардан манфаатдор ҳокимлар томонидан киргизилгандир. Китобнинг Машрабнинг саргузаштларини тасвирлаган қисмининг ҳам кўп ўзгартирилгани шубҳасиздир».¹

Мазкур илмий мақолада И. Султон инқилобнинг 20 йилида Машраб номи ўчиб кетаётганлигини ташвишланиб ёзган ва унинг ижодини халққа ташвиқ қилиш зарурлигини, ўша вақт етганлигини кўрсатган:

«Демак, бугун рухонийлар томонидан Машрабга динчилик сифатининг тақилиши янгилик эмас. Улар ўзларининг қалбакичи боболарининг ишларини давом эттирмоқдалар.

Бу ерда жуда муҳим савол келиб чиқади: нима учун биз бугун, инқилобнинг 20 йилида Машрабдек анча жиҳатдан халқ кайфиятини акс эттирган шоирнинг номи, шуҳратининг халқ душманлари қўлида қурол бўлишига йўл бериб ўтирибмиз? Нечун биз ҳануз Машрабдек катта шоирларни яхши ўрганмаймиз, уларнинг ижодини халққа ташвиқ этмаймиз?! Машраб номининг диний ташвиқот қуроли бўлиб келаётган бизнинг эски адабиётимиз классикларига жинояткорона эътиборисиз қарашимиз натижаси эмасми?!

Машрабни душманлар қўлидан тортиб олиш, унинг энг яхши асарларини кенг оммага ёйиш вақти аллақачон етган!»²

Тўғри, Иззат Отахонович айтган гап бизнингча, эскирган эмас, чунки омманинг жуда кўп тоифаси ҳали Машраб ижодини, унинг саргузаштларга бой ҳаёт йўли саҳифалари ҳақида маълумотга эга эмаслар. (Яқинда институтда бирга ишлайдиган филолог профессорлардан бири, Машрабнинг мухлисман деб юрувчи домла, унинг қўлида менинг 2 та монографиям бўлгани ҳолда Машраб ҳаёти, фаолияти ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмаслиги мени таажжубга солди).

Иззат Султоннинг «Асл Машраб» мақоласи хусусида А. Абдуғафуров қуйидаги фикрларни билдирган: «Айни замонда, ўқувчи ва шоир ўртасига тўсиқ қўйиш, «оддий бандалар»нинг «авлиё» Машраб билан тенглаша олмасликларини таъкидлаш, у айтган аччиқ узиб олувчи гапларни, шарманда қилувчи фаолиятини ўзгалар қайтармаслиги лозимлигини, улар фақат «шоҳ» Машрабгагина хос бўлиб, фақат унинггина қўлидан келганлигини уқтириш каби чуқур мақсадларни ҳам кўзлаганлар.

Иззат Султон таъкидлаганидек, чиндан ҳам «Машрабни илоҳийлаштириб «авлиё» ва девона қилиб кўрсатишларидан мақсадлари шуки, улар: Машраб оддий одам эмас эди, у худога яқин одам эди, шунинг учун у нима қилса узрли эди, аммо оддий фуқаро Машраб айтгандек гапларини айтмаслиги, Машраб қилгандек ишларни қилмаслиги, лозим, демоқчи бўладилар...»³

А. Абдуғафуров XIX аср сўнгги чорагида Машраб ижодидан намуналар, унинг шеърлари рус тилига таржима қилинганлигини, улар «Туркистанские ведомости» газетасида эълон қилинганлигини қайд этади. Демак, шоир ҳаёти ва фаолияти илмий асосда рус шарқшунослари томонидан ўрганила бошлаган. Профессор Н. И. Веселовскийнинг 1895 йилда Санкт-Петербургда нашр этилган «Восточные заметки» асарида Бобораҳим Машраб хусусида ҳам сўз боради, жумладан, унинг турли диний масалаларни ҳал этишдаги ҳурфикрлилик намунаси сифатида чуқур диққат билан жиддий ўрганишга лойиқ шахслигини таъкидлаб, «у маҳаллий рухонийлар билан доимий баҳс-тортишувда бўлган ва ҳар вақт улардан устун келган» деб ёзади.⁴

Рус этнограф – шарқшуносларидан Н. С. Ликошин бир неча йил давомида Е. П. Остроумов, В. П. Наливкин, шунингдек, шоир Нодимлар ёрдамида Машрабга оид материалларни тўплаб ўрганади, мақолалар эълон қилади ва ниҳоят, 1910 йилда шоир

¹ Иззат Султон. Ҳаёт, адабиёт ва маҳорат. Иккинчи том. Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1972, 23-бет.

² Ўша манба, ўша жой.

³ Абдурашид Абдуғафуров. Эрк ва эзгулик куйчилари. Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1979, 109-110-бетлар.

⁴ Н. И. Веселовский. Восточные заметки. Санкт-Петербург, 1895, стр. 325.

ҳақидаги қиссани рус тилига таржима этиб, шарҳ-изоҳлар билан нашр қилади.¹ Бу таржима кейинчалик – 1915 йилда Самарқандда қайта нашр этилади.

В. Вяткин ҳам Машраб ҳақидаги қисса моҳиятини ёритиб, шоир ва унинг қарашларининг халқ оммасига таъсири масалаларини ёритган. Чиндан ҳам меҳнаткаш омма тарихий Машрабнинг ижоди ва фаолиятини талқин қилганида ҳам, тўқима ривоятларда ҳам ўз орзу-истакларини, интилишини ифодалайди, мавжуд муҳитга бўлган муносабатини билдиради. Худди шу хусусият қиссанинг кўп жойларида ўзининг сезиларли изларини қолдирган. Ана шу хусусиятни профессор В. Вяткин аниқ таъкидлаб ўтади: «Машраб ҳақидаги қисса ижтимоий симпатия ва эҳтиёж интилишларни халқ оммасининг нималарга қарши норозилик билдирди ва нималарни майна-масхара остига олди, шуларни кўрсатади.»²

Машраб қўнимсиз ҳаёт кечирди, умрининг жуда кўп қисми дарбадарликда, сафар-саёҳатда ўтди. Ўрта Осиё ва қўшни мамлакатларнинг қишлоқ ва шаҳарларини кезиб чиқди. Қаерда бўлмасин, у адолат ва тўғрилиқни тарғиб қилди. Зўравонлик ва диний ақидалар билан тинимсиз тўқнашув ва баҳсларда ўз қурашларини, юксак идрокию чексиз нафратини намоиш этди.

Бу тўқнашув ва баҳслар асосан халқ иштирокида гузар ва сайлгоҳларда, бозор ва кишилар тўпланган жойларда бўлганлиги учун ҳам тезда омма орасига тарқалар, оғиздан-оғизга кўчиб юрар, шубҳасиз, янги-янги деталлар билан тўлдирилар эди. Натижада, Машрабнинг фаолияти, саргузаштлари турли тўқималар билан аралашиб кета бошлайди. Машраб қилмаган ишлар, қатнашмаган воқеалар, айтмаган фикрлар, шоир томонидан айтилгандек, унга нисбат берилиб баён этила бошлайди.³

Машраб баъзи риекорликлардан қалби озор чекди, саргардон ҳаёт, роҳатсиз умр ҳақида «Кўрмадим ҳаргиз» шеърида ёзади:

*Жафо қилдинг бу жонимга, вафони кўрмадим ҳаргиз,
Бу оламда ўзумдек мубталони кўрмадим ҳаргиз.*

*Муҳаббат йўлига қўйдим қадам, ҳолим забун бўлди,
Ба гайр аз меҳнату дарду балони кўрмадим ҳаргиз.*

*Жароҳатлиг дилимнинг захмини ҳар кимга кўрсаттим,
Ажаб толеъ зарбундурман, шифони кўрмадим ҳаргиз.*

*Бузулган хотирим ҳаргиз жаҳонда кўрмади шодий,
Жаҳон айвонида гайраз жафони кўрмадим ҳаргиз.»⁴*

Бобораҳим Машраб ҳаёти, фаолияти, унинг ижодий мероси ҳақида адабиётшунос олим Муҳсин Зокиров 1966 ва 1984 йилларда илмий тадқиқий-монография эълон қилган. Унинг биринчиси «Машраб» «Адабий-танқидий очерк», кейингиси «Эрк ва маърифат куйчилари» монографиясидир.

Ҳар икки тадқиқот ҳам ўз даври мунаққидлари томонидан баҳосини олган ва жамоатчилик эътиборига тушган. Давлат мустақиллигига эришилгач, М. Зокиров бу икки асарда Машраб сиймосини шўролар мафкураси қолипида таҳлил этганлигини мардлик билан тан олди ва Машраб олдидаги гуноҳи учун кенг жамоатчиликдан сидкидилдан узр сўради. Гап шу ердаки, Машраб сиймосини, унинг меросини таҳлил этган тадқиқотчи М. Зокиров Офоқхожа ва унинг муриди Бобораҳим Машраб ўртасидаги муносабатни жуда бўрттириб, салбий жиҳатларини кучайтириб юборган. Ваҳоланки, Машраб пир остонасидан ҳайдалмаган, аксинча, унинг эътиборига, назарига тушиш учун атайлаб гуноҳ қилган. Шу нозик муносабатни англамаганимиз учун пир ва мурид ўртасига раҳна солаверамиз, «айб» кидираверамиз, чунки тасаввуф фалсафасидан огоҳ эмаслигимиз, илмимиз ноқислиги шу жойда панд беради. Аслида пир ва мурид аллоҳ дийдорига етишиш – васл эканлигини, нафси амморини қурбон қилмасдан унга ета олмасликни англашган.

¹ Н. С. Ликошин. Дивана-и Машраб, журн. «Средняя Азия», Ташкент, 1910; Дивана-и Машраб. Жизнеописание популярнейшего представителя мистицизма в Туркестане, Самарканд, 1915.

² Абдурашид Абдуғафуров. Эрк ва эзгулик куйчилари. 107-бет.

³ Ўша манба. 104-105-бетлар.

⁴ Машраб. Девон. 2006, 79-бет.

Дин ва тасаввуф тазйиқ остига олинган йилларда бу масала ҳақида гапириш нар арслондан сут талаб қилишдек гап эди. Шу боис М. Зокиров узрини олижаноблик деб тушунсак бўлади.

М. Зокиров Машраб лирикасининг жанр хусусиятлари, ундаги поэтик маҳорат ва бадий услуб масалалари хусусида сўз юритиб, мутафаккир шоир шеърятнинг ҳамма жанрларида ижод қилганлигини таҳлил этган: «Ўзбек классик адабиётининг деярли барча сиймолари ижодида бўлганидек, Машрабнинг адабий мероси ҳам, асосан, мустазод, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, марсия ва мутойиба каби адабий шаклларида намоён бўлди.

Маълумки, Бобораҳим Машрабдан олдинги, унинг ўз замонасидаги ва ундан кейинги адабий шеърятчиликнинг асосий чизигини лирик шеърятнинг етакчи бадий шакли сифатида энг кўп ва кенг тарқалган кўриниши ғазал ташкил этган эди. Чунки, ғазал ўзининг мундарижаси, шакли ва ҳажми жиҳатидан кенг китобхонлар доираси учун энг тушунарли, нисбатан осон ва қулай лирик шакллардан бири ҳисобланар эди. Шу босдан ғазал мусиқа билан жўр бўлган ҳолатда шохлар саройида ҳам, дарвешларнинг кулбасида ҳам, деҳқонларнинг чайласида ҳам, хунарманднинг дўконхонасида ҳам қуйланар, шеърхонлик мажлисларида декламация қилиб айтилар эди. Энг яхши ғазаллар у замон меҳнат аҳллариининг ажралмас маънавий йўлдоши бўлиб, бундай чиройли, дилга яқин ва жозибадор ғазаллар воситасида халқнинг кенг табақалари ўзларининг орзу-армонлари, қайғу-ҳасратлари ва фикр-андишаларини ифодалагандек бўларди.

Ғазал Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари, шу жумладан ўзбек адабиётида ҳам жуда қадимий замонларда вужудга келган ва лирик шеърятнинг энг эски шаклларида бири ҳисобланади.¹

Машраб Муҳсин Зокирий санаб ўтган жанрлардан ташқари мусамман, маснавий, фардлар, тўртликлар ижод қилган шоирдир. Бу жанрдаги асарлар 2006 йилги «Девон»га киритилди, олдинги «Девон»ларда бу жанрлар учрамайди.

Ҳақиқатан ҳам Машрабнинг исталган ғазали кўлга олинса, у лирик парчаларда шоир руҳини ҳаяжонга солган, мавжга келтирган, унинг ҳиссиётларида бўронли тўлқинлар пайдо қилган ёки изтиробли кечинмалар туғдириб, қайғуга солган, сезгиларига ижобий таъсир қилиб, масрур қайфиятлар уйғотган ва ё салбий таъсир этиб, ҳазин оҳангларни ҳаракатга келтирган они бир ташқи ҳодисани табиий шавқ-завқ ёки ёниқ ички бир дард, юксак санъаткорона маҳорат ва мўъжизавий бир ҳарорат билан ифодалаганлигини ўқувчи аён кўрибгина қолмайди, балки шоирнинг қайнаган ҳислари ва ҳаяжонли туйғуларга тўлиқ руҳий қайфиятлари бевосита ўқувчи-китобхон қалбига ўтиб, беихтиёр равишда шоирнинг жўшга келган ҳис-туйғуларига ҳамоҳанг бўла боради, ўша лирик шеърлардан ғоятда чуқур ва самимий таъсир олади. Шоир лирикасига хос бўлган бу ажойиб мўъжизавий маҳоратни қуйида келтирилган бир неча мисолларда аниқ ва равшан мушоҳада қилиш мумкин²:

*То кийди қизил ўзини зебо қилайин деб,
Ўт ёқти жаҳон мулкида гавго қилайин деб.*

*Мастона хиром эттию кўргузди қадини,
Мандек неча девонани шайдо қилайин деб.*

*Зебо санамим гул юзидин парда кўтарди,
Олам ҳама кўз бўлди тамошо қилайин деб.*

*Зулфини тараб, қош учуруб жилвалар этти,
Ошуби бало, фитнани барпо қилайин деб.*

*То айладим олдиға бориб арзи ниёзим,
Чин солди жабинига таманно қилайин деб.*

*Мастона саманд секрета келди шаҳи хунрез,
Шамшири жафони яна бурро қилайин деб.*

Кўп йилки бу қул хизматини қилмади баржо,

¹ Муҳсин Зокирий. Машраб. Адабий-танқидий очерк. Тошкент, «Тошкент» бадий адабиёт нашриёти. 1966, 80-81-бетлар.

² Юқоридаги манба. 93-бет.

Келдики газаб бирлан чу сазо қилайин деб.

*Бошимни кесиб олгилу хушҳол бўлиб кет,
Қонимни тўқуб лолайи саҳро қилайин деб.*

*Ханжар қўлида Машрабин ўлдурғали келди,
Ғавгою қиёматни хувайдо қилайин деб.¹*

Адабиётшунос Муҳсин Зокиров фикрича, Машраб ўз асрдошлари орасида уларга нисбатан ўта хоксор ва тенгдош топмаган мутафаккирдир. Адабиётшунос Шухрат Сирожиддинов бир илмий мақоласида Машраб Сўфи Оллоҳёр хузурига уч марта ўз хоҳиши билан борган, Машраб мартабасидан Оллоҳёр мартабаси улуғроқ деган фикрни сингдирган. Машраб Сўфи Оллоҳёрни беҳад ҳурмат-эҳтиром қилган, чунки Оллоҳёр ҳазратларининг ёши улуғ ва у киши мударрис авлиё эдилар. Нисбат берилганда ҳар икки улуғ мутафаккир шоирларни бири у даражада, бири бу даражада дейишнинг ўзи ўринсиз ҳол деб ҳисоблаймиз. XVII-XVIII асрларнинг улуғ шоирлари Мирзо Абдулқодир Бедил, Сўфи Оллоҳёр, Турди Фароғий ва Бобораҳим Машраб ижодининг у ёки бу қирраси истисносиз халқчиллиги, илоҳийлиги, тасаввуфий ғоялари билан қисман фарқли бўлиши мумкин. Ҳаммасининг ижоди дикқат марказида инсон турганлигини унутишга ҳаққимиз йўқ. Истиҳоласиз айта оламизки, бу замондош шоирларнинг тафаккур дурдоналари мағзини тўласинча ўқувчисига етказиб бера олганимизча йўқ. Оллоҳёр ёки Машраб, Турди ёки Бедил ижодиёти билан бизнинг замонамизда камгина одам шуғулланаётганлигининг ўзи ҳам бунга айни мисолдир.

Муҳсин Зокиров Машраб лирикаси ҳақида тўхталиб ўтган: «Машраб – журъаткор ва иқтидорли ҳажвгўй бўлиши билан бирга мислсиз нозик, нафис ва асрдошлари орасида ўзига тенгдош топмаган забардаст лирик шоир ҳамдир.

Машрабнинг лирик мероси, ўзбек классик шеърятининг энг ёрқин, бебаҳо, мислсиз оригинал ва эзгу саҳифаларидан бирини ташкил этади. Ўз замонасининг тараққийпарвар шоири ва мутафаккири бўлган Машраб у даврдаги илғор қарашларнинг ташвиқотчиси сифатида майдонга чиқди. У ўзининг олиймақом лирик асарларида инсоният оламининг сўнмас ўтли ҳарорат билан йўғрилган ҳис-туйғуларини ўзига хос бадиий маҳорат билан ифодалади. Лирик – созининг барча жанрларида шоир одамий ва дунёвий севгини шу қадар зўр мароқ ва ёниқ ички ҳарорат билан мадҳ этар экан, албатта бу табиий эди. Чунки, муҳаббат туйғулари башар наслининг реал ҳаётий маънавий эҳтиёжлари заминида вужудга келган, демак одамият дунёсининг абадий сўнмас, ажралмас йўлдоши бўлган энг зарурий ҳис-туйғуларидир. Бу кутлуғ туйғулар барча замонларда ҳам жамият ҳаётида мислсиз маънавий моҳият касб этди. Шунинг учун ҳам инсон руҳий оламининг реал эҳтиёжи – муҳаббат туйғуларини куйлаш жаҳон халқлари адабиётида энг яхши анъана бўлиб, барча даврларнинг тараққийпарвар қалам соҳиблари бу умумбашарий таронага зўр эътибор билан қараганлар. Бинобарин, ўтмишнинг ҳар бир улуғ санъаткори каби Машраб лирикасининг ҳам марказий ва етакчи мавзуи ҳаёт ва инсонга нисбатан бўлган самимий ва оташин севги тароналаридан иборат».²

Машраб дилида ғами бор киши кўзига нам келишини, одамнинг одамдан фарқи борлигини, маълум бир муддатда башарият учун керакли одам туғилишини, муллолар илмига мағрурланмаслигини, ҳар бир ишнинг рўзи маҳшар куни тош босишини, мевали дарахтга одам тош отишини, инсон боши аршга етса-да, ўзидан кетмаслиги, мағрурланмаслиги, кибрга берилмаслигини эслатади:

*Ҳар кишининг дарди бўлса, дийдасидан нам келур,
Кимки мунда шодлиг истар, орқасидин ғам келур.*

*Одамийнинг асли бирдур, бир-биридин фарқи бор,
Неча қарн ўтгонидин дунёга бир одам келур.*

*Муллалар илмига мағрур, омилар исёнга зарқ,
Кас на билсун, рўзи маҳшар кимни тоши кам келур.*

Гар бошинг арига етушса, сен ўзунгдин кетмагил,

¹ Машраб. Девон. 2006 йил, 67-бет.

² Муҳсин Зокиров. Эрк ва маърифат куйчилари. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1984, 91-92-бетлар.

*Ҳар дарахтнинг меваси кўп бўлса, боши ҳам келур.*¹

Машраб лирикасига хос нидолар фақатгина шоирнинг хусусий кайфиятлари бўлмай, улар ниҳоятда чуқур ижтимоий илдизга эга бўлган, ўз замондошлари учун бахт ахтарган, эзгуликка интилган, аммо қаерга бормасин бахтсизлик ва разолатдан қутилиш йўлларини тополмаган ўша даврнинг илғор ва хур фикрли фарзандларининг ички драмасидир, дейиш тўри бўлур эди. Аслини олганда, Машраб лирик созига бундай нолакор оҳанг ва кайфиятларни сингдирар экан, бу билан жамият кишилари диққатини катта ахлоқий, ижтимоий, фалсафий муаммолар атрофига жалб этишга интилади. Бу Ўрта аср шароитида нақадар катта журъат, жасорат эканлиги ўз-ўзидан аён. Шунинг учун ҳам разолат муҳити Машраб ва Машрабдек шахслар учун тор эди. Уларни замона зўрларининг чиқиштирмаслиги, таъқиб ва таҳқирларга дучор қилиниши табиий эди.²

«У пок ва қудратли қалбидаги олижаноб ғояларининг улуғворлигини ажойиб матонат ва собитқадамлик билан умрининг сўнгги нафасигача сақлаб қола билди. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, Машрабнинг лирик қаҳрамони (шоирнинг ўзи) анъанавий заиф ва ожиз, ўзини «ёр кўчасининг итлари» билан тенглаштирувчи хоксор ошиқ банда эмас, бу қаҳрамон гўзал маҳбубанинг кўнглини овлаш ва уни ўзига ром қилиш учун ҳар қандай каттиқчиликни ҳам бошдан кечиришга, мушкулларни бартараф қилишга қодир».³

Адабиётшунос А. Ҳайитметов Машраб қатлининг 250 йиллиги муносабати билан «Исёнкор шоир» илмий мақоласида унинг шеърларидаги жўшқинлик ва ўйноқиликни, равонлик ва соддаликни қуйидагича ифода этган: «Машраб шеърлари ўзига хослиги, тез оқар дарёдай жўшқинлиги, шўх ва енгиллиги, қутилмаган даражада ёрқин сўз ва бадий ифодалар билан бошланиши кишининг диққатини ўзига жалб этади. Улар самимий туйғулар билан суғорилганлиги, равонлик жиҳатидан халқ қўшиқларига яқинлиги, тилининг соддалиги, қофияларининг ҳам ўйноқилиги, натижада шеър ғоясининг очик-равшан ифодаланиши билан ўқувчи онгига тез етиб боради».⁴

Машраб тасвир этган ғамзали, малоҳат юзли, сарви расо, пари монанд, нозу ишвали, узун кифрикли, маҳваш маҳлиқо жамоли ўзига асир этади, лирик қаҳрамон унинг ошиғига айланади, маъшуқа эса уни юз минг балога гирифтор қилса-да, қиё боқмайди:

*Бўюнгни, эй пари, монандайи сарви расо дерлар,
Малоҳатлиг юзунгни офтоби ваззўҳо дерлар.*

*Тамоми халқни бир ғамза бирлан банд айлабсан,
Санинг дастингдин ошиқлар ҳама: «Во ҳасрато!» дерлар.*

*Бу нози ишва бирлан ҳар замон уйдин қулиб чиқсанг,
Киши ўргулмаса сандин, ани юзин қаро дерлар.*

*Агар кифрик ўқи бирлан бу қонимни тўқар бўлсанг,
Магар ишқ йўлида ўлсам, шаҳиди карбало дерлар.*

*Сочинг занжирида боғлаб кел эмди ол бу жонимни,
Худо қози бўлуб сўрса маниким дадхо дерлар.*

*Бу сўзни ийглаб айди кеча-кундуз Машраби мискин,
Бу оламда мани юз минг балога мубтало дерлар.*⁵

Филология фанлари доктори, профессор Иноятулло Сувонқулов Сўфи Оллоҳёр ҳаёти, фаолияти ҳақида сермаҳсул ижод этган, мутафаккир шоир ҳақида бир нечта илмий тадқиқотлар эълон қилган ижодкордир. Адабиётшунос мумтоз адабиётимизнинг улкан намоянадалари Алишер Навоий Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Убайдулла Аламқаш, Моҳлоройим-Нодира, Ҳожи Муин, Убайдуллахон, Мирзо Улуғбек, Ялангтўш Баҳодир, Абулғози Баҳодирхон, Абу Мансур Мотрудий, Саййид Абдулқодир Гилоний, Хожа

¹ Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. 193-бет.

² Мухсин Зокиров. Эрк ва маърифат куйчилари. 95-96-бетлар.

³ Ўша манба. 103 бет.

⁴ А. Ҳайитметов. Ҳаётбахш чашма. Мақолалар. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1974, 157-бет.

⁵ Машраб. Девон. 2006, 255-бет.

Убайдулла Ахрор, хусусан Бобораҳим Машраб ҳақида ҳам илмий изланиш олиб бориб, тадқиқий мақолалар ёзган, мумтоз адабиётимизни чуқур билимдонларидан биридир.

И. Сувонқуловнинг «Қалб гавҳари» Сайланма китоби («Янги аср авлоди» Тошкент, 2006) фанимиз учун қимматли манба вазифасини ўтовчи илмий асар бўлиб қолади. Тадқиқотчи адабиёт бир андоза ёки қолипга солинмаслиги, уни мафкуравий «изм»лардан холос этиш ва мумтоз адабиётимиз намояндалари ижоди билан омма танишиб боришини таъкидлаб ёзади: «... адабиётимиз тарихини чуқур илмий ёритиш қандайдир ғайри илмий «изм»ларга эмас, балки юртимизда ижод қилган қалам аҳлининг ғоявий қуроли сўфизм доирасида йирик шоирлар, адиблар ҳамда адабий оқимларга муносиб баҳо берилса, жиддий натижалар қўлга киритилиши шубҳасиздир. Ахир Аҳмад Яссавий, Бобораҳим Машраб, Сўфи Оллоҳёр, Ҳувайдо. Нишотий кабилар ижодини бошқа бирор йўл билан илмий баҳолаб бўладими?»¹

XVII аср иккинчи ярми ва XVIII асрнинг бошларида ижод қилган улуғ шоирларимиздан бири Бобораҳим Машрабдир. Аммо Машраб ижодига узоқ йиллар, тоталитар тузум даврида илмий нуқтаи назаридан ёндашилган.

Шу нарса муҳимки, Машраб ўз ҳамюртларини маърифатга чорловчи фикрларни айрим байт – мисралардагина ифодалаш билан қаноатланиб қолмай, балки бу мавзуда қатор мукамал шеърлар ҳам ёзган. Мана ана шундай шеърдан намуна:

*Тарозуи амални қўлга ол сўнгра баробар тут,
Хатарлик йўлдасан, то жистужу қил, яхиши раҳбар тут.*

*Бошинг гардунга етса, бўлмагил зинҳор хурсанде,
Ўзунгни ҳар хасу хошадин, эй банда, камтар тут.*²

Адабиётшунос олима Иқболой Адизова «Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи» (XVI-XIX аср I ярми) ўқув қўлланмаси (Тошкент, «Фан», 2006) яратган. И. Адизова «Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижоди манбалари», «Шоир таржимаи холи ва ижодий фаолиятини ёритишда «Қиссаи Машрабнинг ўрни», «Бобораҳим Машраб шеърляти», «Машраб шеърлятининг ғоявий хусусиятлари», «Машраб шеърлятида ишқ талқини» хусусида тўхталган. Бундай олиб қаралганда хронологик ва системали равишда мутафаккир-ижодкорлар ҳаёти, фаолияти ўз ўрнида берилган. Муаллиф уни ўқув қўлланмаси сифатида дорилфунун талабаларига тавсия этган. Бу яхши, албатта. Лекин кенг жамоатчилик, илмий доира ҳисобга олинмаганлиги афсусланарли ҳолдир. Чунки, илмий қўлланмага назар солинганда, биргина Машраб мисолида тадқиқот қуруқ, бошқа илмий асарлар такрори бўлиб қолган ва жуда кам илмий адабиётлар фондидан фойдаланилган.

Машраб шеърлятидаги асосий ғоялардан бири дунёнинг ўткинчи эканлиги, ҳаётда бунинглаш жуда муҳим. Чунки лаҳзалик нарсаларни ғанимат билиш лозим. Машраб асарларида шу жаҳоншумул муаммога катта эътибор берилган. Инсониятни ғафлатдан, мудроқликдан огоҳ этади. Кўнгиларни тирикликка, уйғоқликка даъват этади. Шоир фикрлари билан танишган ҳар бир ўқувчи ўзида ғайрат, куч-қувват пайдо бўлганини ҳис этади. Атрофга тийрақроқ назар ташлай бошлайди. Куйидаги каби мисралар эса ҳар бир кишига, мен ёнимдаги инсонни англаяпманми? Унинг юрагида қандай армонлар қоляпти? Қандай қилсам у ўзини бахтли ҳис қилиши мумкин, деган саволлар беришга мажбур этади:

*Ҳасратимга тоғу тузлар йиғлагай,
Ҳеч ким йўқтур сўзимни англагай.*

Машраб шеърлятининг асосий мақсади – инсонларни мудроқликдан уйғотиш. Бир-бирига муҳаббат билан боқиш, бир-бирини англаш ва бу орқали Аллоҳни англашга йўналтиришдир.³

Юридик фанлари доктори, ислом фалсафаси, Шарқ тасаввуфи бўйича бир неча рисоалар муаллифи Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний «Тасаввуф ва инсон» китобида Бобораҳим Машраб тасаввуфий қарашларини таҳлил этган ва шоирни «Ваҳдат» уммонининг ғаввоси» деб атаган. Жўзжоний мазкур тадқиқий мақоласида Машраб шеърляридаги

¹ Иноятулла Сувонқулов. Қалб гавҳари. Сайланма. Тошкент, «Янги аср авлоди» 2006, 5-бет.

² Иноятулла Сувонқулов. Қалб гавҳари. 14-бет.

³ Иқболой Адизова. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи Тошкент, «Фан», 2006, 109-111-бетлар.

ирфоний қарашлар, айниқса «вахдат» фалсафасига доир бир қатор муаммолар бўйича ўз фикр мулоҳазаларини билдирган: «Вахдат»га оид фикру-қарашлар, ҳис-туйғулар, Бобораҳим Машраб ижодида юксак туради. У завқу-жазбага берилган шоир сифатида, барча олам ва борликни ишқдан иборат деб тушунади. Унингча ишқ ҳаёт ва ҳаракатнинг турткиси ва яралишнинг мақсади».

Жўзжонийнинг фикрича, Машраб шеърларида вазн ва қофияларда баъзи камчиликлар учрайди. Унинг шеърларини кўчиришда хаттотлар томонидан йўл қўйилган саҳв ва хатолар ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, Бобораҳим Машраб қаландарона ҳаёт кечириш жараёнида, ўз шеърларининг ҳаммасини тўплаб девон шаклида тартибга солишга муваффақ бўлмаган. Кейинроқ кўпинча унинг шеърлари ёзма нусхалардан ташқари оғизма-оғиз ҳам айтилиб келган ва турли минтақаларда ривоят қилиниб юрган. Ғолибан, унинг асарларини тўплаганлар ҳам ёзма нусхалар, ҳам ана шу халқ орқали айтилиб юрган шеърларни, унинг ажойиб ҳодисаларга тўлиб тошган ҳаёт қиссалари билан қўшиб ёзиб олганлар.

Бобораҳим Машрабнинг форсча шеърлари, унинг ўзбекча шеърларига нисбатан тўғрироқ кўчирилган. Бунинг сабаби шу бўлса керакки, кўпинча нусхалар туркий тил билан чуқур ошно бўлмаган котиблар томонидан кўчирилган. Бундай ҳолатни Алишер Навоийнинг баъзи бир асарлари ва Убайдийнинг куллиётида ҳам яққол кўриш мумкин.²

Жўзжоний фикрича, Бобораҳим Машраб нафақат Ўзбекистон, балки бутун туркистон, Марказий Осиё худудида «вахдат» ирфоний-фалсафий йўналишининг охириги намояндаси ҳисобланади. Ундан кейинги айрим шоирларда ушбу тамойил баъзан кўзга ташланса ҳам, кўпинча тақлид асосида бўлиб, чуқур ақидавий ва ғоявий негизга эга эмас.

Адабиётшунос Ғуломхон Ғафуров Шарқ фалсафаси, мумтоз адабиётимиз намояндалари меросини ўрганиб, «Шарқ жавоҳирлари» бадиалар китобини яратди. Олим Машраб ижодига ҳам мурожаат қилиб, «Машраб сабоқлари» номли илмий мақола эълон қилган. Ғ. Ғафуров мазкур мақолада Машрабнинг дин ва тасаввуфга, Шарқ ахлоқига қўшган ҳиссасини таъкидлагани ҳолда, Машраб шеърятининг, унинг ижодиётининг ўзбек ва форс-тожик тилидаги илмий таҳлили, ундаги халқ тилига яқинлик санъати ва ўзига хос услубий жиҳатларини тадқиқ этган: «Машраб Шарқ адабиётининг маънавий ва бадиий бойлигини пухта ўзлаштирган, ўз ижоди билан ўзбек адабиётини шеърӣ санъатлар билан шаклан ва услубан бойитган ҳассос шоир даражасига кўтарилган. Аёнки, ўзбек ва форс-тожик шеърятидла энг машҳур қалам аҳлларигина эришган саҳле мумтане (осонд, мумкин эмас) услубида ижод қилган ноёб истеъдодли шоирлар орасида Машраб номи ҳам эъзоз билан тилга олинади. Зеро, зоҳиран қараганда халқ оғзаки шеърятига хос чексиз равон, содда, ҳаммабоп қуйма шеърӣ мисралар осон яратилгандай туюлади. Лекин, бу услубда шеърӣ мисралар тузиш ниҳоятда машаққатли. Машраб шеърларининг ҳаммаси ана шу машаққатли осону, мумкин бўлмаган шеърӣ санъат – саҳле мумтане услубида яратилган. Машраб шеърятӣ ҳис-туйғуларнинг жўшқинлиги, халқ ижодига хос маъно ва манзараларга бойлиги, жозибадорлиги билан олмосдай товланиб, қалбимизни сеҳрлайди».³

«Машраб ишқӣй лирикасининг моҳияти нима? Машраб ишқӣй лирикасининг ёр, маъшуқа, дилдор, севги, май, муҳаббат каби образлари – булар моддий нарсалар эмас, балки тасаввуф таълимотининг сарчашмаси бўлмиш олий мавжудот – Аллоҳ жамолининг бани одам ғариб кўнглига ишқ бўлиб кирувчи нурлари – ёғду-инжулардир!»⁴

Вужудан, ботиний қалби Аллоҳ деб турувчи қаландар, дарвешлар номозу рўзадан ҳам форӣғ бўладилар. Чунки, қалб Аллоҳни зикр қилиб туради:

*Санамнинг шавқида тинмай юруб оввора Маширабман,
Кўзи ёшлиғ, қади ҳамлиғ, дили садпора Маширабман.*

*Кўнгулда заррача дунёни меҳри бўлмайин менда,
Сени деб икки оламдин кечиб безора Маширабман.*

*Ўлиб кетсам, лаҳад ичра сўнгакдин кетмагай дардинг.
Жаҳонда топмадим чора ки, мен бечора Маширабман.*

¹ Абдулҳаким Шарӣй Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. 139-бет.

² Ўша манба. 140-бет.

³ Ғуломхон Ғафуров. Шарқ жавоҳирлари. Тошкент, «Маънавият», 2000, 173-бет.

⁴ Ўша манба 174-бет.

*Анодин қай куни бўлдум, сенинг ишқингда оҳ урдум,
Муҳаббат даштида юрган бўлуб оввора Маширабман.*

*Муҳаббат жомидин май туттилар, ичмасга чорам йўқ,
Кўзимдин қон ёшим тинмай оқар, хунбора Маширабман.*

*Бошимга минг бало келса, тилармен васлин, эй зоҳир,
Тилим кессанг тиёрим йўқ, деган: «Дийдора» Маширабман.*

*Халойиқлар мени қувлар, ёмон деб ҳар шаҳар борсам,
Ажаб мардуд, ажаб маҳрум, ажаб сангсора Маширабман.*

*Ўзумни халқ аро ихфолигимни ҳеч киши билмас,
Дилу жоним фидо айлаб, ажаб айёра Маширабман.*

*Мени девона Маширабга муҳаббатдин баён айланг,
Намозу рўзадин фориз бўлуб сайёра Маширабман.¹*

Машраб меросидан бахраманд бўлишдан яна бир сабоқ шуки, унинг ишқий ғазалларини ақл-идрок билан ўқиш ва уқиш, кўшиқларини фаҳм-фаросат ила тинглаш вожибдур.

Ўрта Осиё этикаси тарихини ўрганган файласуф олимлардан бири Йўлдош Жумабобоевдир. Файласуф IX асрдан то XVIII асргача бўлган ахлоқий фикрлар тарихини ўрганиб чиққан ва шўролар тузуми даврига хос бўлган, унинг мафкураси андозасидаги мутафаккирлар ижодинигина ўрганган. Шулар ичида Машраб фаолияти ҳақида ҳам қисман маълумотлар берилган: «Машраб ижоди чуқур фалсафий-ахлоқий, аммо у жуда мураккаб ички зиддиятлардан холи эмас. Мутафаккир дунёқарашига бир томонлама ёндашиш, у ёки бу позиция нуқтаи назаридан қатъий туриб баҳо бериш мумкин эмас, чунки у ўз замонасидаги бошқа бир қанча адиблар сингари сўфизмнинг кучли таъсирида бўлган.

Лекин шуни қатъий таъкидлаш керакки, Машраб ижодидаги бундай мотивлар унинг дунёқарашини белгилайди деб ўйлаш хато бўлур эди, чунки Машраб асарлари эркин фикрларга бой гуманистик ғояларни ўзида мужассамлаштирган ва у шубҳасиз Ўзбекистон ижтимоий-фалсафий ва этик тафаккур тарихида муҳим роль ўйнайди».²

Й. Жумабобоев роса 17 йил ўтиб «Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар таракқиёти тарихидан» илмий қўлланмасида «Бобораҳим Машраб дунёқараши» ҳақида тадқиқий мақола эълон қилиб, унда шоир ҳақидаги олдинги фикрларининг терс, билъакс жиҳатлари – тасаввуф, ислом динига бўлган муносабатини тадқиқ этган: «Ҳаттоки, ҳанузгача ҳофизларимиз Машраб шеър у ғазалларини куйга солиб, айтиб келадилар. Машрабга диний-фалсафий, афсонавий ҳикоятлардан ташкил топган «Кимё» ва Жалолиддин Румий таъсирида ёзилган тасаввуфга оид «Мабдаи нур» асари тааллуқли.

Машрабнинг сатрлари худди ҳозиргина ёқилган машъаладек ҳарорат ва нур тарқатиб тураверади».³

Нусратулла Жумаҳўжа мумтоз адабиётимиз тарихини, хусусан, Навоийнинг тасаввуфий қарашларини теран, соф фалсафий мантиқини ўзига хос услубда таҳлил этувчи адабиётшунос олимдир. Нусратулла Жумаҳўжанинг мумтоз адабиётимиз ҳақидаги кўп рисолалари илмий жамоатчиликнинг эътиборига тушган. Адабиётшунос Машраб ҳақида илмий-тадқиқий мақола ёзиб, уни «Машраб ҳамма замонда исёнди» деб атаган. Унда мутафаккир шоирнинг комил инсон ҳақидаги ғоялари, тасаввуфий қарашлари, ахлоқий-таълимий фикрлари таҳлил этилган. «Машрабнинг кўпчилик асарларидаги ҳар бир байт чуқур фалсафий фикрлар билан суғорилган:

*Гарчи осийман, анинг даргоҳидин навмид эмам,
Бир гул учун сув берурлар ҳазоран хорни.*

Шоир «гарчи гумроҳ ва гуноҳқор бўлсам ҳам маъшуки мутлоқ висолдан ноумид эмасман» деган фикрни тағзамини жуда бақувват ҳаётий тафсил билан изоҳлайди. Чиндан-да, боғбоннинг гулга берган сувидан унинг танасидаги тиканлар ҳам бахраманд бўладилар.

¹ Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. 120-бет.

² Й. Жумабобоев. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1980, 231-бет.

³ Йўлдош Жумабобоев. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий таракқиёт тарихидан. Тошкент, «Ўқитувчи» 1997, 147-бет.

Шоир ўзини хоксор ва камтар тутиб, умидворлигини изҳор этиган. Сўзаро шуни ҳам кистириб ўтиш керакки, Машрабнинг дардчил шеърятидан умидсизлик эмас, умидворлик уфуриб туради».¹

Адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулнинг шогирди Дилором Ҳамроева 2004 йил Миллий адабиёт тарихи мутахассислиги бўйича «Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Диссертациясининг «Кириш» қисмида Д. Ҳамроева шундай ёзади: «Ҳар бир давр адабиёти ўзининг юксалиш чўққиларини кўрсатадиган, тараққиётга муҳим ҳисса қўшган санъаткорларига эга бўлади. Бобораҳим Машраб ҳам XVII-XVIII аср шеърятининг худди шундай вакиллариандир. Шунинг учун инсоннинг қалб ва руҳоният гўзалликлари ифодаси бўлган Машраб шеърларига қизиқиш асрдан-асрга ортиб борганки, камаймаган. Машраб адабий меросининг катта қисми халқ китоблари орқали бизгача етиб келган».²

Д. Ҳамроева Машраб ҳақида талай илмий мақолалар эълон қилган. У «Ишқ ва маърифат илҳомлари» мақоласида адабиётшунос А. Абдуғафуровнинг «Навоий ва Машраб» мақоласига тўхталиб, унда Машраб Навоий анъаналарини изчил давомчиси эканлигини таъкидлаган: «Шарқ шеърятини адабий ижодий таъсир ва ўзаро алоқа кўпроқ адабиёт тараққиётининг асосий омили бўлган анъана ва новаторлик орқали юзага келган. Бунда ғоя, бадий тасвир усуллари, рамзий-мажозий тимсолларнинг такрорланиб келиши бадий ижодда янгилик яратишга монелик кўрсатмайди. Бу ҳақиқатни Машраб тажрибалари ҳам тўла-тўқис тасдиқлайди. Масалан: «Қошинг меҳроби, эй дилбар, менингким саждагоҳимдур» ёки «Ҳар кишининг дарди бўлса, йиғласин ёр олдида» мисралари билан бошланадиган ғазалларида Навоийнинг «Қошинг меҳробини васл аҳли этмиш қиблаи мақсуд», «Ҳар киши ёр олдида дер чинни ҳам, ёлғонни ҳам» сатрлари билан бошланадиган Ҳамоҳанглик сезилса, бошқа ўринларда поэтик тасвир ва образлар оламидаги ўхшашликни кузатиш қийин эмас. Ундан ташқари, ранг тасвирларидаги монандлик ҳам диққатга моликдир».³

Д. Ҳамроева Абдурауф Фитратнинг «Машраб» мақоласи моҳияти ва мутафаккир шоир ҳақида тадқиқот олиб борган олимлар, машрабшунослик ривожига ҳақида шу фикрларини илгари сурган: «Машрабшуносликнинг илк босқичида шоирнинг тарихий ҳаётини манокиблардан фарқламай, кўпроқ халқ оғзаки ижодига суянган ҳолда ўрганиш баъзи бир мулоҳазаларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Профессор Абдурауф Фитратнинг шу муносабат билан яратилган «Машраб» мақоласи ўзбек адабиётида шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган дастлабки жиддий илмий тадқиқотдир. Қолаверса, И. Султон, Ғ. Ғулом, В. Абдуллаев, А. Ҳайитметов, А. Абдуғафуров, М. Зокиров, З. Ризаев, М. Ҳаққулов, Н. Комилов, Ж. Юсупов, И. Абдуллаев, М. Ҳошимхонов, В. Раҳмонов, Абдулҳаким Шаръий Жўзжонийлар машрабшунослик ривожига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Шоир шеърларидаги мавжуд матний камчиликларни бартараф этиш борасида А. Абдуғафуров, О. Боқиева, Ж. Юсупов, Э. Шодиевларнинг хизматлари диққатга моликдир».⁴

Д. Ҳамроева Машраб ҳақидаги афсона ва ҳақиқатларга ҳам тўхталиб, шу жойда катта эътибор билан ҳеч ким илғамайдиган фикрни, асосийси адолатни фикрни илгари сурган: «... етти йил сулук таълимини олган, мажзуб ва ошиғи барҳақ сифати билан Машрабнинг Офокхожа канизаги билан пирнинг даргоҳидан қувиладиган даражада ишқий муносабатда бўлганлигига ишониш қийинроқ».⁵

Бир гуруҳ наманганлик адабиётшунос олимлар томонидан 1991 йил «Ўқитувчи» нашриётида «Бобораҳим Машраб» номли мўъжаз китоб чиққан. Китобдан адабиётшунос олимлар О. Носиров, Аҳмад Убайдулло, Жўра Раҳим, М. Маъмуров, Э. Ёндош, Ё. Аҳмаджонов, С. Ҳасанова, О. Хоназаров, Э. Нурматов, Р. Солижонов, А. Халилбеков, Б. Турдиалиевларнинг кичик илмий мақолалари ва ижодкорларнинг шеърлари ўрин олган. Шунингдек, Азиз Турсуннинг «Машраб» тўрт пардали лирик драмаси ўрин олган.

Адабиётшунос Жўра Раҳим «Манбалар тилга кирганда» мақоласида Машраб ва унинг замондошлари ҳақида шундай фикрларни берган: «Шоир оташин ғазаллари, хозиржавоблиги

¹ Нусратилло Жумаҳўжа. Машраб ҳамма замонда исендир. Гулистон. 1998, 5-сон, 55-бет.

² Ҳамроева Д. Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Тошкент 2004, 3-бет.

³ Дилором Ҳамроева. Ишқ ва маърифат илҳомлари. Ўзбек тили ва адабиёти. 2001. 5-сон, 23-бет.

⁴ Ҳамроева Дилором Юнусовна. Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси. Автореферат. Тошкент, 2004, 4-бет.

⁵ Д. Ҳамроева. Машраб ҳақидаги афсона ва ҳақиқатлар. Ишонч, 2004, 7 май.

билан оғизга тушиб кетган. Унинг аччиқ қисмати, ўткир шеърляти ўз вақтида замондошларининг эътиборини тортган. Балх шоири Сурат, хинд шоири Бехуд Нозим Ҳиравий, Шавкат Бухорий, форс шоирлари Рафи, Шаҳид, Сухон, афғон шоири Зухурлар Машраб ҳақида қимматли фикрлар билдирганлар.

Бундан ташқари, адабий-тарихий манбалар эса, оташнафас шоирнинг шеърларидан хуснихат усталари завқ олганликларидан гувоҳлик беради. Эргаш Девонаи Коший, Мирза Файзулло Хузорий, Курбон Ниёз, Муҳаммад Зиён Балхий, Мулло Аҳмад ибн Мулло, Жиянали Мулломурад ибн Мулло Зокир Бухорий, Абдулфаттоҳ ибн Мулло Абдулжалил Жўйборий, Мулло Мир Узомиддин сингари машҳур хуснихат усталари шоир шеърларини кўчириб, кишилар ўртасида тарқалишига муносиб ҳиссаларини қўшганликларидан сўзлаганлар».¹

Атоқли ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг рафиқаси Кибриё Қаҳҳорова адабиётшунослик илмининг иқтидорли билимдони, форс-тожик тилини чуқур билувчи моҳир таржимон, матншунос, адабиёт жонкуяри эди. Олима 1976 йили В. Раҳмонов томонидан нашр қилинган Аваз Ўтар ўғли ва В. Раҳмонов, К. Исроиловлар томонидан нашрга тайёрланган Машраб девони ҳақида «Матнга эътибор керак» илмий мақоласини эълон қилган эди. Ҳар бир нашрда учраб турувчи энг катта нуқсонлардан бири, матншуносларнинг, хаттотларнинг, котибларнинг айби билан асл қўлёзмалардан жуда кўп мисралар, бандларнинг тушиб қолиши, бундан маъно ва мазмунга путур етиши ҳоллари юз берганлиги Кибриё Қаҳҳоровани безовта этган ва Машраб ғазалиётидаги жузъий нуқсон ва сакталикларни истиҳолага ўрин қолдирмай танқидий руҳда тадқиқ қилган: «Адабий меросни ўрганиш, унинг таракқиёт йўлини аниқлаш қанчалик аҳамиятга эга бўлса, бадий асар матнини таҳлил ва тадқиқ ҳам шунчалик муҳимдир. Аслида матншунослик (текстология) адабиётшуносликнинг пойдевори ҳисобланади. Матн тарихини ўрганмасдан, мавжуд нусхаларни йиғнаб, бир-бири билан муқояса қилмасдан адиблар ижодини аниқлаш мушкул. Афсуски, сўнгги йилларда баъзи бир қўлёзмалар дурустроқ таҳлил қилинмасдан, хом-хатала, катта-катта тиражлар билан чиройли қоғозларда босилиб чиқарилмоқда. Бу ҳолатни «Машраб» девони ва «Аваз Ўтар ўғли» девони нашрларида яққол кўриш мумкин».²

Кибриё Қаҳҳорова «Девон»даги нуқсонлар ҳақида афсусланиб шундай фикрни берган: «Девонни варақлаб чиққандан кейин шундай ҳулосага келасизки, булар девонни мавжуд нусхаларга солиштирмасдан, биргина, у ҳам бўлса, асло мукамал бўлмаган, аруз вазнига тушунмайдиган, араб-форс сўзларидан батамом беҳабар чаласавод котиб кўчирилган нусхадан олишган.

Мен Машраб девонини Ҳамид Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти фондида сақланаётган 2263, 2265, 2775 ва 2924 рақамли тўрт нусха ва Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондидаги 170 ва 173, 225 рақамли қўлёзмаларга муқояса қилиб чиқдим. Матнлар ҳақиқатан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Шундай бўлиши табиий, чунки хаттот ва котиблар шоир ҳам, адабиётшунос ҳам, олим ҳам бўлмаган ва бу ишга фақат сабаби тирикчилик деб киришган. Аммо нашрга тайёрловчилар бунинг фарқига боришлари керак эди. Афсуски, матндаги хатоларнинг ҳаммаси янги нашрларда ўз аксини топган, бунинг устига, ноширлар ҳам ўзларидан анча-мунча қўшганлар».³

К. Қаҳҳорова Машрабнинг эски мактабларда алифбо тарзида ўтадиган бир шеърини кўчирган котиб, шеър мақтаини хато ёзганлигини келтирган.

*Пардаи исматда сақла Маишаби бечорани,
Дигари номаҳраимини ошно қилдим бугун*

Аслида шундай:

*«Ё» ётиб айшимни ишрат пардасига, Маишабо,
Дилбари номехрибонни ошно қилдим бугун.*

Машраб ўзбек тилидагина эмас, форс-тожик, араб тилларида ҳам шеърлар битган. Нашрга тайёрловчилар эса ҳеч қанақа изоҳсиз бутун-бутун бандларни ташлаб кетаверганлар.

¹ Бобораҳим Машраб. Тузувчилар: Ж. Раҳимов, А. Аҳмедов. Тошкент, «Ўқитувчи», 1991, 10-бет.

² Кибриё Қаҳҳорова. Матнга эътибор керак. «Шарқ юлдузи», 1983, 11-сон, 190-бет.

³ Ўша манба, ўша жой.

49-бетдаги ғазал асли саккиз байтдан иборат экан, нимагадир тўрт байти тушириб қолдирилган.¹

Истисносиз айтамыз, Тошкентда босилган ҳамма нашрларда – 1958, 1963, 1979 ва К. Қаҳҳорова фикр юритган 1980 йилги нашрда ҳам энг асосийси илоҳ ҳақидаги, унинг мўътабар ва муқаддас номи зикр этилган сатрлар, бандлари билан табиий ҳолда тушириб қолдирилган, бу эса шоирни шаккок, даҳрий, Яратганга тил теккизган, исёнкор деб талқин қилувчилар учун, шўролар тузуми даврида қўл келган. Содда қилиб айтганда, Машрабдан «қўлбола», рисоладаги «атеист» шоир ясалган. Бу замона мафқурасининг талаби эди. Баъзи битта ёки иккита мақола ёзувчи «машрабшунослар» ҳам бизнинг бошқа таҳлилчилар иқтибосини тадқиқотимизга киритиб таҳлил этишимизни бузиб келтиргани ҳолда, бизни ҳамон (таъкид бизники: М. Ҳ.) уни исёнкор деб атамоқда деган даъво қилмоқдалар.

Адабиётшунос Эргашали Шодиев Машраб ҳаёти, ижоди, шоир девонлари ва Машрабнинг адабий таҳаллуслари ҳақида бир неча илмий мақолалар эълон қилган олимлардан.

Э. Шодиев «Машраб «Девон»и ҳақида мулоҳазалар»² илмий мақоласида унинг 1980 йилги нашри ҳақида фикр юритиб, ундаги баъзи жузъий нуқсонлар, «девон»ни нашрга тайёрлаган В. Раҳмонов ва К. Исроиловларга ўз эътирозини билдириб, уларни Машраб қўлёзмаларидан хабардор эмасликларини, китоб сўзбошисида пала-партиш, ўринсиз шошма-шошарлик билан айтилган хом фикрлар жуда кўп учрашини, улар мутахассис олимлар билан маслаҳатлашиб иш кўрмаганликларини, танқидий мулоҳазалар ўринли эканлигини «Девон»даги нуқсонлар билан асосли исботлаб беришган. Шунингдек, кўп ўринлиларда Машраб шеърий мисралари, бандлар тушириб кетилганлигини таъкидлаган.

Эргашали Шодиев «Шоҳ Машрабнинг адабий таҳаллуслари»³ илмий мақоласида мутафаккир шоир Маҳдий, Риндий ва Умам, Мехр, Мирзо, Мурзойи, Ринд, Машраб таҳаллуслари билан ижод қилганлигини ва ҳар бир таҳаллуснинг ўз мазмун-моҳияти, хусусиятлари ҳақида кенг маълумот берган.

Адабиётшунос Қаҳрамон Тўқсонов «Шавкат Бухорий Бобораҳим Машраб билан учрашганми?»⁴ номи билан эълон қилиб, Наманган фарзанди Машраб ва унга замондош бўлган Шавкат Бухорийлар бир-бири билан учрашганларми ёки йўқми, Машраб Бухорога келганда Бухорий ўз юртини ташлаб кетганлигини айтиб, баъзи тадқиқотчилар хусусан, адабиётшунос З. Ризаев ҳам бу мавзунини чуқурроқ таҳлил этишини, унинг тадқиқоти бу талабга жавоб бермаслиги ҳақида ҳаққоний фикр юритиб, келажак тадқиқотлар масалага ойдинлик киритиши зарурлигини таъкидлаган.

Маҳмуд Назаров «Шоҳмашраб шеърларида майин табассум» илмий мақоласида мутафаккир шоирнинг юморга бой шеърляти, ундаги ҳазил-мутоиба ва қувноқ кайфият, майин табассумга йўғрилган гўзал шеърлятнинг мазмун-моҳияти ҳақида фикр юритган: «XVII аср ҳажвийетини тадқиқ этганда, Бобораҳим Машраб ижодини алоҳида таъкидлашга тўғри келади. Чунки унинг Машраб бўлиб танилишида худди шу юқимчил кулгисининг ўрни муҳим. Турди бошлаб берган ҳажвий руҳ XVII-XIX аср мумтоз шоирларининг кўпларига ҳам ижодий таъсир кўрсатган. Машраб шеърляти деганда, энг аввало, мунофиқ дин вакиллари ва амалдорларининг қиёфасини ўткир масҳаралаган, бетга чопар, ринд шоир гавдаланади. Шоир диндор бўла туриб, нопоклик йўлини ихтиёр қилган кимсалар билан сира келишолмайди.

Машраб девонларида ҳам бошдан-оёқ кулги мазмунига кўмилган соф юмористик хандалар унчалик кўп учрайвермайди, аммо аксарият шеърлари орасида жойи келса, ҳазил-мутойибалардан кичик лавҳа қўшиб, асарнинг қувноқлигини оширади. Бунда у, тез-тез халқ таъбирларидаги матал, масал ва жонли афористик сўзларидан озик олади. Ҳатто, «Ҳар кишининг дарди бўлса, йиғласин ёр олдида» деган соф лирик ғазалининг охири қаторида ҳам шоир юмор орқали кишиларни кайфи чоғликка чорлайди».⁵

Сайрамлик Мираҳмад Мирхолдоров «Машраб Сайрамда» мақоласида «Тазкираи қаландарон» муаллифи Исҳоқ Боғистоний Бўстонлик туманидаги Боғистон қишлоғида 1718

¹ Ўша манба, ўша жой.

² Эргашали Шодиев. «Машраб «Девон»и ҳақида мулоҳазалар. Адабий мерос. 1983, 3-сон, 32-бет.

³ Эргашали Шодиев. Шоир Машрабнинг адабий таҳаллуслари. Адабий мерос. 1986, 2-сон, 38-бет.

⁴ К. Тўқсонов. Шавкат Бухорий Бобораҳим Машраб билан учрашганми? Ўзбек тили ва адабиёти. 1997, 6-сон, 72-бет.

⁵ Маҳмуд Назаров. Шоҳмашраб шеърларидаги майин табассум. Гулистон, 2000, 1-сон.

йил Машраб ва каландарлар ҳақида китобни ёзганлигини, 20 ёшида Машраб билан танишиб, дўстлашиб кетганлигини, у кейинчалик шоирга ҳамроҳлик қилмай, она қишлоғи Боғистонда турғун бўлиб қолганлигини ҳикоя қилган.

М. Мирхолдорев Машрабнинг Сайрамга келиши, сайрамликлар шоирга ҳурмат билан муносабатда бўлиб, унинг номида ҳамон Машраб булоғи, Машраб ўтирган тош, Машраб суянган чинор ва бошқа атамаларни эъзозлаб келаётганлиги ҳақида маълумот бериб, тарихчи олим И. Массоннинг «Кўҳна Сайрам» (Тошкент, 1928 й.) китобидан қуйидаги фикрларни келтирган: «Қишлоқ ўртасида жойлашган Жума масжиди ҳовлисида ҳовуз бўлиб, унинг бир бурчагида катта сада-қайрағоч ўсиб турибди. Шу сада қайрағочнинг 50 сантиметрли баланд қисмини ўлчаганда дарахт айланаси 5 метру 15 сантиметр бўлиб чиқди. Сайрамга келган Бобораҳим Машраб шу сада-қайрағочга суяниб ўтирганини сайрамлик кексалар сўзлаб бердилар».¹

Машраб Сайрамнинг Турбат, Қорамурт, Манкент қишлоқларига бағишлаб ҳазил-мутойибали шеърлар ёзганлиги ҳақида маълумот берган.

1991 йил 11 январь «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»² газетасида Наманган Давлат педагогика институти доцентлари Салоҳиддин Жамолов ва Алихон Халилбековларнинг Машраб юбилеи олдидан «Зид маълумотлар» деган илмий-танқидий мақоласи эълон этилган. Холисона айтмоқ керак, мақола муаллифлари Машраб таваллудига зидликлар, унинг туғилган шаҳри мунозарали эканлиги, матбуотда чиқаётган маълумотлар, хусусан, Э. Шодиев ва М. Зокиров илмий рисолаларида бир-бирини инкор қилувчи, шоир ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда чалғитувчи ўринлар кўпайиб кетганлигини, қай бирига ишониш кераклигини асосли далиллар билан исбот қилишган.

Муаллифлар «Тазкираи каландарон» асарининг баъзи нақллари эълон қилиниши, унинг асл нусхаси йўқлиги, адабиётшунос М. Зокиров «Машраб» ва «Эрк ва маърифат куйчилари» монографиясида келтирилган маълумотларга буткул терс эканлигини ташвишланиб ёзганлар. Адабиётшуноснинг (М. Зокиров назарда тутилмоқда) айтишича, у «Тазкираи каландарон» китоби билан 1956 йили муфассал танишган. Қўлёзма Хўжанд вилоятидаги Ашт туманида яшовчи Оқилхон Зобир ўғлига тегишли бўлиб, 1208 ҳижрий йили Хўжандда номаълум котиб томонидан кўчирилган экан, деган фикрни келтириб, М. Зокиров томонидан «Тазкираи қадандарон» асарининг ҳамма нақлларининг эълон қилинмаганлиги, уни бор ёки йўқлигига шубҳа туғдиради, «Шарқ юлдузи» журнали таҳририяти ҳам асарнинг асл нусхасини кўрмай эълон этишган деган фикрни илгари суришган. Бу мунозарали муаммо ҳақида Исматуллоҳ Абдуллоҳ, Ж. Юсупов, А. Абдуғафуров ва бошқа кўплаб олимлар ҳам ўз вақтида эътирозларини билдиришган, аммо М. Зокиров сув тошқини пайтида китобни йўқотганлигини рўқач қилиб кўрсата олмаганлигини қандай баҳолаш мумкин деган фикр мавжудлигини таъкидламоқчимиз.

Хуқуқшунос Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний Бобораҳим Машрабнинг абадий ётар жойи ҳақида фикр юритиб, «Ишкамишда»³ деган илмий мақола эълон қилган. Унда муаллиф Ишкамиш шаҳри Хонобод шаҳридан 30 км фосилада, Ишкамиш дарёсининг ёнида эканлигини, мавлоно Машрабнинг мақбараси хом ғиштдан қурилган гумбазли бино бўлиб, турбатнинг ўзи лойдан ясалганлиги, қабр тепасида араб тилида ёзилган бир тош лавҳага унинг номи битилганлигини келтирган.

«Овози тожик» газетасининг мухбир-журналисти Абдулвоҳид Нуриддинов «Машраб ва форс-тожик адабиёти» илмий мақоласида мутафаккир Машраб икки тилда: форс-тожик ва турк-ўзбек тилларида сермахсул ижод қилганини, аммо у тадқиқотчилар назаридан четда қолиб кетганлигини, Машрабдек шоир шеърятидан аслида тожик халқи ҳам баҳраманд эканлигини мамнуният билан изҳор этган. У тадқиқотчи Э. Шодиев фикрларини ҳам келтирган: Бобораҳим Машраб ўзбек классик адабиётида ривожланган яхши анъаналардан бўлмиш зуллисонайнлик, яъни икки тилда баробар ижод қилиш анъанасини давом эттириб, форс-тожик тилида ҳам ажойиб ишқий ва фалсафий мазмундаги ғазалларини ёзади. Тадқиқотчи олим, профессор Эргашали Шодиев «Машраб ижодини ўрганган олимларимиз унинг тожик тилида ёзганини эътироф этсалар ҳам, уларнинг тақиқотларида бу шоир фақат

¹ Мираҳмад Мирхолдорев. Машраб Сайрамда. Гулистон. 1991, №12, 9-бет.

² С. Жамолов, А. Халилбеков. Зид маълумотлар. «Ўзб. адаб. ва сан.». 1991, 11 январь.

³ Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Ишкамишда. «Ўзб. адаб. ва сан.». 1992, 13 ноябрь.

Ўзбек тилида ижод этган адиб сифатида гавдаланади. Албатта, кейинги нашр этилган шоир тўпламларида тожикча шеърларга, ширу шакар усулида ёзган ғазалларга ҳам қисман ўрин берилган. Унинг бу тилдаги шеърлари ҳам жиддий тадқиқ этилиши ва алоҳида китоб ҳолида нашр қилиниши керак», – деб ёзиб ўринли хулосага келади. Албатта, биз буюк ҳамюртимизнинг ўзбек тилидаги оташин ғазалларини кўпини ёддан биламиз. Улар тилдан тилга ўтиб халқ орасида кўшиқларга айланган. Лекин оташнафас шоирнинг форс-тожик тилидаги мафтункор, жозибали, сермазмун ғазаллари адабиётшунос олим Э. Шодиев таъкидлаганидек, шу пайтгача чуқур ўрганилиб, мазмун мундарижаси аниқланмаган ва кенг китобхонлар оммаси эътиборига ҳавола этилмаган.¹

Машраб шеърятининг форс-тожик тилида яратилган намуналаридаги асосий мавзу – ҳақиқий ишқни куйлашдир. Машраб куйлаган ишқ руҳоний ишқ. Ҳақ жамолига етишмоқ ишқи, яратганнинг ишқидир. Машраб инсонда Илоҳий фазилатни кўриш ва севиш, айна пайтда Илоҳда ҳам инсон хислатини кўриш ва севишни тарғиб этади. Шоирнинг эътиқоди бутунлай ташқи олам – ҳақиқий Ёр жамолига етишмоқ орзусидир:

*Аввали қадами пири музонро ишқ аст,
Дуввум сару но бараҳноганро ишқ аст.*

*Риндони Бухорову бангиёни Кашмир,
Шоҳ Машраб тарки Андигонро ишқ аст.*²

Мазмуни:

*Майхона пирларининг қадами аввали ишқдир,
Иккинчи бош-оёқ ялангларни дарди ҳам ишқдир.*

*Кашмир бангилари-ю Бухоро риндларининг ҳам,
Андигонни тарк этган Шоҳ Машрабнинг дарди ишқдир.*

Тарих фанлари номзоди, доцент Ёўлчи Қосимов фикрича, Наманганнинг бирор бир жойида Андигон деган қишлоқ ёки маҳалла топилмаган.

Алибек Рустамов ва Ботирбек Ҳасановлар «Мабдаи нур»нинг нашр этилиши, «Исматуллоҳ хожи Абдуллоҳнинг мазкур китоби машрабшунослик соҳасидаги замонавий илмий асарларнинг энг қимматлисидир» деган фикрни илгари суриб «Мабдаи нур»нинг биринчи дафтарида – 17, иккинчисида – 27, учинчи дафтарида – 9, ҳаммаси бўлиб 53 та ғазал бор. Биринчи дафтар охирига Машрабнинг учта мустазоди ҳам киритилган. Булардан иккитаси ўзбекча, биттаси араб тилидадир, деб хулоса берганлар.³

Мутафаккир Машрабнинг Наманганда туғилганлигини инкор этувчи баҳслар кўпайиб, Фитрат, Ғафур Ғулом ва бошқа йирик олимлар, тадқиқотчилар даъвоси бўйича у андигонлик деган фикр ҳам илгари сурилган эди, кейинги тадқиқотларда Исматуллоҳ Абдуллоҳ фикрича ҳатто Ғафур Ғулом ҳам даъвосидан воз кечиб, далилларга мурожаат қилинганда, унинг наманганлик эканлигини эътироф этган: «Мен таваллуди ўшал фарзанди Намангониман» шеъри эълон қилинган, «Ғафур ака наманганлик зиёлилар билан бир суҳбатда: «Мана шу шеър Машрабнинг туғилган жойини кўрсатиб берди, энди баҳсга ўрин қолмади»,⁴ – деб айтган.

1991 йил файласуф Отахўжа Баҳодировнинг «Машраб сабоқлари» илмий мақоласи эълон қилинди. Холисона айтиш лозим, мазкур мақола давр нуқтаи назаридан Машраб меросини ўрганишда талаб даражасида ёзилган тадқиқий ишлардан деса бўлади. Чунки, унда Машрабнинг Офокхожа хонадонидан илм ўрганиши, тасаввуф қонун-қоидаларидан сабоқ олиши, Офокхожанинг Шарқий Туркистондаги мавқеи масалалари таҳлил этилган. Мақолага «Машраб сабоқлари» деб бежиз сарлавҳа қўймадик. Зеро, Машраб ҳаёти ва ижоди, дунёқарашидан илк сабоқ шуки, у ёшлигиданоқ дунёвий ва диний билимларни чуқур эгаллади. Сўз санъати сирларидан жуда эрта воқиф бўлди, турмуш ташвишларини, кажрафтор ғаддорликларини сабот-матонат билан енгди, улуғ зотлар кетидан эргашди, улар ҳимматини пок эътиқод билан адо этди. Устозларига иззат-хурмат, билимга чанқоқлик, илм-

¹ Абдулвоҳид Нуриддинов. Машраб ва форс-тожик адабиёти. «Ҳайрат». 2002, 23. 05.

² Ўша манба, ўша жой.

³ Алибек Рустамов, Ботирбек Ҳасанов. «Англагил най не ҳикоятлар қилур. . . » «Ўзб. адаб. ва сан. » 1996, 6 сентябрь.

⁴ Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Машраб таржимаи ҳолига доир қайд. «Ўзб адаб. ва сан. », 1990, 26 октябрь.

фанга, сўз санъатига муҳаббат ва эътикод – Машрабнинг ўзидан кейинги авлодларга қолдирган меросидан илк сабоқдир.¹

Наманганлик ёзувчи, шоир, драматург, адабиётшунос Абдулла Жаббор «Мен билган ва билмаган Машраб»² илмий мақоласини эълон қилиб, унда хорижий олимларнинг шоир ижодига муносабати, у ҳақдаги афсона ва ривоятларнинг унинг шахсиятида тутган ўрни, рус олимларининг ўтган асрда у ҳақда Туркистондан олган маълумотлари, Машраб ҳақида яратилган асарлар, бугунги кунда шоир ижодига берилаётган баҳолар ва уларга эътирозлари, унинг тасаввуф таълимотига муносабати, Машраб шеърлятидаги мазмун-моҳиятнинг туб илдизлари хусусида сўз юритган.

Мақолани кичик, аммо тадқиқот деса бўлади. Сабаби адабиётшунос жуда кўп изланган, мақоладаги фикрлар жонли, фалсафий, холисанилло айтганда, мақола ўқилиши ва муаллифнинг кўп изланиши боис, ундаги илгари сурилган ғоялар ишончли чиққан.

Мақола муаллифи мазкур сатрлар муаллифининг Машраб ҳақидаги 2-3 та монографияларини ўқимаганлиги, улар билан таниш эмаслиги кўриниб тургани ҳолда, (таъкид бизники: М. Ҳ) ўринсиз таъна тошларини отган. Биз Машраб ҳақида беш жилдлик фундаментал тадқиқот қилаётганимиздан мутлақо хабарсиз ҳолда мазкур мақола муаллифи ўзининг биттагина илмий мақоласи билан ҳамма ишни ҳал қилгандек фикр юритиши ҳеч қанақа қолипга сиғмайдиган гап эканлигини ҳис қилармикин?! Қанақа бўлишидан қатъий назар мен Абдулла Жаббор мақоласининг мантиқий мазмунини юқори баҳолайман. Илмда ғайрлик бўлдими, бу энди жаҳолат белгисидир.

2005 йил май ойи охирида Наманган шаҳрида машрабхонликда филология фанлари доктори, профессор Ҳамиджон Ҳомидий машрабшунос олимларга қарата: «Машраб ҳақида биз тўплам чиқармоқчимиз, яқин кунларда биттадан илмий мақола юборингизлар», деди. Домла сўзининг устидан чиқди, Машраб ҳақида «Олими нуктадон ўзум» тўплами юзага келди. Тўпландан Н. Комилов, Р. Воҳидов, Ҳ. Ҳомидий, Б. Тўхлиев, И. Ҳаққул, Ҳ. Болтабоев, Ф. Каримова, К. Абдуллаева, Д. Ҳамроева, К. Муллахўжаева, З. Машарипова, А. Убайдулло, Т. Бўриев, Д. Шарипова, Р. Норматова, Ҳ. Аминов, А. Жаббор, М. Тожиҳўжаев, Ш. Йўлдошев, Н. Раҳмонова, Ҳ. Жўраева, Ф. Азимова, А. Муродова ва шу сатрлар муаллифининг Бобораҳим Машраб ҳақидаги ирфоний-маънавий, тасаввуфий-ахлоқий, ғоявий бадиий курашлари акс этган ва уларни таҳлилига бағишланган китоб вужудга келди. Бу албатта, Шарқ мутасаввуфлари ижоди ва фалсафасининг теран таҳлилчиси Ҳамиджон Ҳомидий ташаббуси билан амалга оширилди.

Атоқли олимлар Раҳим Воҳидов ва Ҳамиджон Ҳомидий «Ҳиммат иноятсиз бўлмас...» номли илмий-тадқиқий мақолада Машрабнинг «Мабдаи нур» ва «Кимё» асарлари Машраби Сонийга нисбат берилганини, бунда шўролар тузуми мафкуриси шоирни ўз асарларидан «холос қилиш» йўлидан борганлигини таъкидлаганлар: «Бошқа тоифадаги олимлар эса «Мабдаи нур»ни Жалолитдин Румий «Маънавий маснавий»сининг таржимаси ёхуд шарҳи дейиш билан кўнгилларини овутидилар. Онда-сонда хавфсиз ўрта йўлни танлаганлар ҳам учраб туради. Охири нафасига қадар бўлган азиз умрини Бобораҳим Машраб маънавий мероси яхлитлигини таъмин этиш учун сарфлаган Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ «Мабдаи нур»нинг ҳақиқий муаллифини аниқлашга муваффақ бўлди. Теран фалсафий мушоҳадалар билан суғорилган ва тўлиқ илоҳий-ирфоний ғоялар манбаи ҳисобланувчи нодир асарнинг ўттизга яқин кўлёма-тошбосма нусхаларини ўта синчковлик билан кузатган, зарурат туғилганда уларни муқоясавий нуқтаи назардан ўрганган дақиқфаҳм олим куйидагича қатъий хулосага келади: «... Шунинг учун «Мабдаи нур»ни Жалолитдин Румий «Маснавий»сининг таржимаси ёки унинг шарҳи деб аташга асос йўқ. Машраб «Маснавий»сини яхши билган, эҳтимол уни ёдлаб ҳам олган, ундан таъсирланиб ва ундан илҳом олиб, мустақил асарини яратган. Муҳими шундаки, айти масалаларда нурли ва равон йўлни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, теран шарқшунос Исматуллоҳ Абдуллоҳ солиб берди. Келгуси тадқиқотлар эса, албатта, уни сайқаллайди ва ёдгорликнинг танқидий матни яратилади. Айти шарафли вазифа Бобораҳим Машраб ва Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳнинг мунаввар руҳлари олдидаги қарзидир...»³

¹ «Ёш ленинчи», 1991, 19 февраль.

² Абдулла Жаббор. Мен билган ва билмаган Машраб. «Ўзб. адаб. ва сан.», 2006, 9 июнь.

³ Раҳим Воҳидов, Ҳамиджон Ҳомидий. Ҳиммат иноятсиз бўлмас... Олими нуктадон ўзум. Тўплаб нашрга тайёрловчи ҳамда масъул муҳаррир Ҳамиджон Ҳомидий. Тошкент, 2006, 16-17-бетлар.

Шу тўпламга кирган илмий мақоласини Фарихон Каримова «Халқчил шеърият» деб атаган ва унда Машраб шеърияти том маънода халқона руҳ билан йўғрилганлигини таҳлил этиб, қуйидаги фикрни келтирган: «Гарчи шоир ижодиёти умумбашарий аҳамиятга эга бўлса-да, унда миллийлик, миллий ранглар, миллий тафаккур уфуриб туради, ўзбекнинг ўзлигини ғоят ҳаққоний акс эттиради. Миллий тил ва ундаги товланишлар, энг нозик туйғуларни акс эттира олиш қудрати ҳайратланарли тарзда намоён этилган. Бу жиҳатлар шоир танлаган шеърий вазнларда, радиф ва қофияларда, бадий санъатларда, тилининг ғоят халққа яқинлигида, халқ мақол ва маталларининг шеър мазмунига санъаткорона сингдирилганлигида, оғзаки нутққа хос ибораларнинг ўринли келтирилишида яққол кўринади».¹

Юқоридаги тўпламга киритилган Дилором Ҳамроевнинг «Машрабга муносабат» илмий мақоласи чинакамига Машраб тадқиқотчисининг фикрлари дейиш мумкин. Бевосита Машраб поэтикаси устида тадқиқот олиб бораётган ёш тадқиқотчи шоирнинг асарлари, унинг «Мабдаи нур» ва «Кимё» асарлари устида эҳтиёткорлик билан фикр юритган, унинг нафис ва халқона шеърияти замондош шоирлар шеърлари билан аралашиб кетган ҳолатларни синчковлик билан кузатган ва усталик билан баҳсталаб жиҳатларини ажратиб берган: Фаннинг баҳсталаб нуқталаридан яна бири шоир шеърлари матни билан боғлиқ. Машраб девонининг қадимий қўлёзмаси мавжудлиги бизга маълум эмас. Шоир ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар кўпроқ «Қиссаи Машраб», «Қиссаи девонаи Машраб», «Шоҳ Машраби Намангоний», «Эшони Шоҳ Машраби Намангоний» каби халқ китоблари орқали этиб келган. Шунинг учун, қиссаларда Машрабга тегишли бўлмаган ижод намуналари кўп учрайди.²

Наманганлик Мусо Тожихўжаев Бобораҳим Машраб ижодиётини ғарбда ўрганилишини тадқиқ этаётган тадқиқотчи. Мазкур тўпламда тадқиқотчининг «Бобораҳим Машраб шахсининг Оврўпача эътирофи» деган илмий мақоласи бор. Унинг эътирофича, Машраб ҳаёти ва ижоди нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам катта қизиқиш уйғотган. Машраб ҳаётини ўрганиш Европада XIX асрдан бошланган. Машҳур рус шарқшунослари Н. С. Веселовский, В. Л. Вяткин, У. Е. Остроумов, Н. С. Ликошинлардан ҳам олдин можар олими Ҳерман Вамбери «Чиғатой тили сабоқлари» асарида Машраб ғазалларидан намуналар берган. Ҳ. Вамбери кейинчалик яна Машраб мавзусига қайтиб, у «Марказий Осиёнинг икки замонавий шоири – Мунис ва Амирий» деб номланган асарида Машраб ижодига баҳо бериб ўтган.

Ф. Гренар ва Дитрел де Рен каби француз адабиётшунос ва этнографлари 1895 йилда Марказий Осиёга сафар уюштириб, унинг таассуротлари ва натижаларини «Буюк Осиёга илмий сафар» номли китоблар ёзганлар. Бу китобда Машраб шахси, яшаган даври ва ғазалларига тўхтанган. 1900 йилда бу икки француз тадқиқотчиси Парижда ўтказилган шарқшуносларнинг халқаро конгрессида шу мавзуда доклад қилганлар.³

М. Тошхўжаев Машраб ҳақидаги фикрларни, ғализ бўлса-да, айнан келтирган: «... Мен эшитган дostonларнинг кўпчилиги, жумладан «Аҳмад ва Юсуф» эпоси ҳамда халқ қалбини чуқур эгаллаган муқаддас Туркистоннинг қувноқ ва ғаройиб дарвешлари, каландар Машраб ҳикояти машҳур китоблардан жой олганлар. Рабле ва Диоганнинг бир-бирига аралаштириб юборилган афсонавий манбаларида ёзилишича, ўнганмас, дайди сайёҳ, тўрваю таёғидан бошқа бисоти йўқ, майпараст бу дарвеш ёруғ оламнинг буёқ кишиларини ўзича масхаралаб, уларнинг устидан кулиб юрган. Муҳтожларга ёрдам беришга доим тайёр, сабр-тоқатли, ҳаётини зое ўтказган, гоҳо ақли, гоҳо телба, шу билан бирга жиддий инсон бўлмиш бу Машраб раҳмдил Оллоҳга аталган ҳамду санолар, шукроналик ҳамда амру маъруфчиликни эрмак қилиб мазахлайди. Ўзининг бу қилиқларини турли уйдирмалар билан оқлаб юради...»⁴

М. Тожихўжаев германиялик шарқшунос Ҳартман Марказий Осиё тадқиқига бағишлаб юзлаб асарлар ёзганлигини, Машраб ижоди билан шуғулланганлигини, у ҳам 1902 йилда «Девонаи Машраб» ва «Шоҳ Машраб» асосида «Машраб — доно телба ва авлиё даҳрий» асарларини ёзганлигини келтирган.

М. Ҳартман Машраб асарларининг Қашқар ва Марказий Осиёдаги аҳамияти ҳақида маълумот сўраб, олмон шарқшуноси Йоханнес Аветаранианга мурожаат қилган. Йоханнес

¹ Фарихон Каримова. Халқчил шеърият. Тўплам. 47-бет.

² Дилором Ҳамроева. Машрабга муносабат. Тўплам. 79-бет.

³ Мусо Тошхўжаев. Бобораҳим Машраб шахсининг Оврўпача эътирофи. Тўплам. 131-132-бетлар.

⁴ Ўша манба. 132-бет.

Аветараниан 5 йил давомида Шарқ адабиёти ва тарихига оид кўплаб материаллар тўплаган ва шулар асосида бир қатор асарлар яратган. Жавоб хатида жаноб Аветараниан М. Ҳартман кўлида «Шоҳ Машраб» маноқибда кўплаб хатоликлар ва ғализликлар борлигини билдирган. У Қашқардаги уйида «Шоҳ Машраб» ва «Девони Машраб»нинг беҳато ва чиройли ёзилган нусхалари қолганини билдирган ва таржимонга ўзининг маслаҳатларини берган.

Тадқиқотчи М. Тожихўжаев фикрича, М. Ҳартман маноқибда келтирилган тарихий шахсларнинг фаолияти ва ривоятлардаги воқеаларни ойдинлаштириш учун инглиз, немис, француз, турк ва форс тилларидаги ўнлаб китобларни ўрганиб, уларни қиёслаб, ўзининг хулосаларини баён қилган. «... Бошқача қилиб айтганда, – деб ёзади у, – Машраб тахаллусли шоирнинг яшаб ўтганига шубҳам йўқ. Унинг ўзига хос ғоявий йўналиши эса бу шахснинг буюклиги белгисидир. Бу ғоялар шоирнинг шеърларида ифодаланган. Сўнгра улар турли ҳикоятлар билан ўралган».¹

Тадқиқотчи Машрабнинг туғилиб ўсган юрти Наманган шаҳри эканлигини таъкидлаб, унинг ота-онаси ва устози ҳақида мухтасар маълумотлар берган. М. Ҳартман таржимани тугатиб, уни журналда чоп эттирган, 1902 йилнинг кузида Марказий Осиёга сафар уюштирган. У Қашқар, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон шаҳар ва қишлоқларини кезиб чиққан. Қашқарда маҳаллий олим Орифдан сабоқ олган. Оқсувда «Девони Машраб»нинг айрим бобларини таҳлил қилган.

Сафар таассуротлари ҳақида М. Ҳартман «Қадам жой» мақоласини яратиб, 1903 йилда «Ориенталише литературцайтунг» журналида эълон қилган.

Мақолада олим ва сайёҳнинг Хитой ва Қирғизистон тоғликларидаги Машраб қадамжойлари, оддий халқнинг шоирга бўлган муносабати баён қилинган. У Машраб қатлини 1693 йил деб ёзган.

М. Тожихўжаев бу сафарни Европада машрабшуносликка қўшилган янги бир ҳисса деб баҳолаган. 1904 йилда М. Ҳартманнинг Марказий Осиё китоблари коллекцияси орасида 6 та «Шоҳ Машраб» ва «Девона Машраб» китоблари ҳам ўрин олган бўлиб, сўнгра уларнинг нашр йили, ҳолати ва мазмуни тасвирланган.

Бобораҳим мулла Вали ўғли Машраб Ғарбда ҳам, худди шарқдаги каби афсоналарга бурканган шахс, ажойиб лирик ва сўфий шоир сифатида эътироф этилган, деган фикрга келади М. Тожихўжаев.

Шундай қилиб, мутафаккир шоир Бобораҳим Машраб ижодиётининг илмий адабиётлардаги тадқиқига хулоса қиладиган бўлсак, жуда кўп файласуф, социолог, тарихчи ва адабиётшунос олимлар унинг ижодига мурожаат қилганликларига гувоҳ бўламиз. Машраб мероси ўзининг халқчиллиги ва оммабоплиги, ўйноқи ва жўшқинлиги, фикрлар қуймалиги ва тез ёзда қолиши, мусиқий ва оҳангдорлиги билан ўз ўқувчиси диққатини ўзига тортади. Унинг ўлмас ва боқий шеърляти жуда кўп истеъдодларини ўзига маҳлиё этган. Улар Машрабдан завқ ва илҳом олганлар, унга мухаммаслар боғлаганлар. Шоир ҳақида жуда кўплаб драматик, поэтик ва илмий асарлар ёзилган. Битта тадқиқот доираси у ҳақдаги фикрларни ўз ҳажмига сиғдиrolмайди. Биз у ҳақдаги илмий ишлар ва мақолалардан баъзиларинигина келтирдик, холос.

¹ М. Тожихўжаев. Бобораҳим Машраб шахсининг Оврўпача эътирофи. Тўплам. 137-бет.

III БОБ. МАШРАБ ВА ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИ МАШРАБ ИЖОДИГА МУТАСАВВУФЛАР ТАЪСИРИ

Ўзбек шоири ва файласуф мутафаккири Бобораҳим мулла Вали ўғли Машраб ижодига мутасаввуф салафлари таъсирини ёритишдан аввал тасаввуф таълимоти тарихи ва сўнгрок унинг ижодига замин бўлган масалани таҳлил этиш ушбу боб тадқиқотининг долзарб вазифасидир.

Қадимий Мовароуннаҳр ва Хуросон фарзандларининг жаҳон илми тарихи зарварақларига олтин ҳарфлар ила битилган асарлари оз эмас. Имом Исмоил Бухорий, Имом Термизий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Наср Форобий, Бурҳониддин Марғиноний, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобур, Машраб ва бошқа юзлаб зотларни жаҳон афкор оммаси яхши билади. Бу буюк олимлар силсиласида Шарқ фалсафасининг муҳим таркибий қисми бўлмиш тасаввуф таълимотининг буюк намояндалари Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳрор ва бошқалар ўзларининг муносиб ўринларига эгадирлар.¹

Тасаввуф илми, унинг тариқатларидаги кенг кўламли таълимотлар узоқ ўтмишга эга бўлиб, илдизлари ниҳоят қадимий даврларга бориб тақалади. Ирфоний тасаввурлар инсон тафаккурининг маҳсули бўлиб, унинг ўсиши билан бирга ўсиб ва ривожланиб келган.

Хурфикрлилик кишанланган тоталитар тузум даврида тасаввуф таълимоти, ундаги юксак инсоний ғояларга қарамасдан, ўрта аср тузумининг дунёқараши ва меҳнаткашларни йўлдан оздириш мақсадида ишлаб чиқарилган сунъий таълимот сифатида қораланиб келиб, унга қарши аёвсиз кураш йўлга қўйилган эди. Аҳмад Яссавий, Хожа Аҳрор каби тасаввуф таълимотининг буюк намояндалари камситилиб, уларга тухмат ва бўҳтон тошлари отиларди.

Мустақиллик шарофати билан барча миллий, маънавий кадриятларимизга қайтиш бахтига муяссар бўлди. Улуғ мутафаккир азиз авлиёларимизнинг, тасаввуф таълимоти ҳақида рисола ва илмий китоблар ёзган адибу уламоларимизнинг асарлари бирин-кетин чоп этилди, халкимиз бу тасаввуфий меросдан баҳраманд бўлди. Шайх Нажмиддин Кубронинг «Тасаввуфий ҳаёт» («Мовароуннаҳр», Т., 2004), Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг «Тасаввуф ҳақида тасаввур» («Мованоуннаҳр» Т., 2004), Усмон Турарнинг «Тасаввуф тарихи» («Истиклол» Т., 1999), Маҳмуд Асъад Жўшоннинг «Тасаввуф ва нафс тарбияси» («Чўлпон», Т., 2000) ва шу муаллифнинг «Юнус Эмро ва тасаввуф» («Фан», Т., 2001), Умар Форук Сайдо ал-Жазарийнинг «Тасаввуф сирлари» («Мовароуннаҳр», Т., 2004), Шайх ал-Колободийнинг «Тасаввуф сарчашмаси» («Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», Т., 2002), Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати» («Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти», Т., 1994), Идрис Шоҳнинг «Нақшбандий тариқати», («Ўзбекистон», Т., 1993), Абдулмуҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Алининг «Баҳоуддин Балогардон» («Ёзувчи», Т., 1993), Султонмурод Олимнинг «Нақшбанд ва Навоий» («Ўқитувчи», Т., 1996)» Е. Э. Бертельснинг «Сўфизм ва тасаввуф адабиёти» (Рус тилидан И. Мирзаев таржимаси Т., 2005), Нажмиддин Комиловнинг «Тасаввуф» (Биринчи китоб, «Ёзувчи», Т., 1996), шу муаллифнинг «Тасаввуф» «Тавҳид асрори», Иккинчи китоб («Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», Т., 1999), Абдулҳаким Шаръий Жўзжонийнинг «Тасаввуф ва инсон» («Адолат», Т., 2001), Иброҳим Ҳаққулнинг «Тасаввуф ва шеърят» («Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа бирлашмаси», Т., 1991), шу муаллифнинг «Ирфон ва идрок» («Маънавият», Т., 1998), Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар: Иброҳим Ҳаққул, Нодирхон Ҳасан, Азиза Бектош: «Хожа Аҳмад Яссавий ҳаёти, ижоди ва анъаналари» (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, Т., 2001), Иброҳим Ҳаққулнинг «Эътиқод ва ижод», («Фан», Т., 2007, Ҳамиджон Ҳомидийнинг «Тасаввуф алломалари», («Шарқ», Т., 2004), Тузувчи, сўзбоши ва шарҳлар муаллифи филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоевнинг «Ислом тасаввуфи манбалари», («Ўқитувчи», Т., 2005), Муаллиф – тузувчи Зуфаржон Жўраевнинг «Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар», («Ўқитувчи», Т., 1994), Дилором Салоҳий «Навоий насрида тасаввуф» (Ўқув методик қўлланма, Самарқанд, 1995) ва бошқа қатор тасаввуф тарихига бағишланган асарлар яратилди.

¹ Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. «Адолат», Тошкент, 2001 йил. 3-бет.

Мирзо Бедил, Алишер Навоий, хусусан, Бобораҳим Машраб тасаввуфий қарашларини ёритувчи Абдурауф Фитратнинг «Танланган асарлар» («Маънавият», Т., 2000), Иброҳим Мўминовнинг «Танланган асарлар» (1 жилд, «Фан», Т., 1969), В. Й. Зоҳидовнинг «Улуғ шоир ижодининг қалби» («Ўзбекистон», Т., 1970), А. Ҳайитметовнинг «Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан» («Фан», Т., 1970), Ҳамидулла Болтабевнинг «Мумтоз сўз қадри», («Адолат», Т., 2004), Исомиддин Салоҳийнинг «Эзгу сўз кудрати» (Самарқанд, 2004), Абдулҳай Абдурахмоновнинг «Саодатга элтувчи билим» (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат кутубхонаси, «Мовароуннаҳр», Т., 2002) ва бошқа илмий-тасаввуфий тадқиқотлар чоп этилди.

Тадқиқ қилинаётган бобнинг «Машраб ва тасаввуф таълимоти» деб номланиши қисман бўлса-да, тасаввуф таълимотининг илдизи, ижтимоий келиб чиқиши, ғоялари, мазмун-моҳияти, аҳамияти, дастлабки мутасаввуфлар ҳақида мухтасар ҳолда тушунча бериб кетиш эҳтиёжини кўяди, бунинг сабаби шуки, мутафаккир Машраб уларни асарларида тилга олиб, ижодиётини ўрганади.

Тасаввуф тарихи, шеърияти, ундаги мазҳаб ва оқимлар, улар ўртасидаги назарий курашлар, бу таълимотнинг инсонпарварлик моҳияти, жабр-зулм ва жаҳолатга қарши собит қадам кураши тўғрисида Евгений Эдвардович Бертельс, Фуод Куприлизода, Воҳид Зоҳидов каби таниқли олимлар қимматли тадқиқотлар мерос қолдиришган. Шунингдек, Натан Маллаев, Муҳсин Зокиров, Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ҳаққулов, Султонмурод Олим, Ориф Усмон каби олимларимизнинг рисола ва мақолаларида ҳам тасаввуф шеърияти хусусида қимматли мулоҳазалар мавжуд.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, тасаввуф фалсафий маслак сифатида ислом дини майдонга келгандан кейин жамият ихтилофларининг, зулмининг кескинлашуви ва бунинг натижасида адолатсизликнинг, қашшоқликнинг кучайишига қарши кўтарилган норозиликнинг оловланиб кетиши натижасида шаклланди, ривожланди. VII-IX асрларда, айниқса, араб дунёсида сўфизм тезлик билан ривожланади. Увайс Қараний, Ҳасан Басрий, Робиа Адавия, Иброҳим Адҳам, Боязид Тайфур ал-Бистомий, Абубакр Шиблий, Абумансур ал-Ҳусайн ал Ҳаллож каби мутасаввуфлар майдонга келади. Натижада тасаввуф араб оламида кенг тарқалиб, сўнг Хуросон ва Мовароуннаҳрга ислом дини билан бирга кириб келди. Бунинг натижаси ўларок, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Низомий Ганжавий Ҳисрав Дехлавий, Аҳмад Яссавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби жаҳоний мутафаккирлар етишиб чиқди. Бу мутасаввуфларнинг яратган илмий, бадиий асарлари, дoston ва ғазалларини кўздан кечирсангиз, улар тасаввуфдан четга чиқмаслик учун «Қуръон» ва Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларидан четга чиқмаслик лозим, деб уқтирадилар.¹

Муҳаммад пайғамбар ҳадислари ҳам юқоридаги фикрлар билан уйғун эканлигини эътиборга олсак, тасаввуф таълимотига Муҳаммад алайҳиссалом асос солган, десак янглишмаймиз балки тарихий ҳақиқатни тан олган бўламиз.

Шу боис бўлса керак, ўтмишда пайғамбарлар, уларнинг саҳобалари, азиз-авлиёлар, машойихлар, сўфийлар, қаландарлар тўғрисида жуда кўп хотира, қисса, дoston ва зикрлар яратилган. Улардан ёш авлодни тарбиялаш, тўғри йўлга бошлаш воситаси сифатида фойдаланишган.

Профессор Е. . А. Бертельс мулоҳазалари бўйича «Тасаввуф адабиётини ўрганмасдан туриб ўрта асрлар мусулмон Шарқи маданий ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас, бу адабиётдан хабардор бўлмасдан Шарқнинг ўзини ҳам англаш қийин. Унинг мумтоз вакиллари то XX асрнинг бошларигача кўплаб Шарқ адабиётларига таъсир ўтказиб келди. Буларнинг барчаси бизни бу адабиётга кучли эътибор қаратишга мажбур қилади. Инчунун, мусулмон шарқининг деярли барча улкан адиблари у ёки бу маънода тасаввуф билан боғланганлар.²

Бобораҳим Машраб жуда чуқур маънода сўфий қаландарлар мазҳабига мансуб шоирдир. Унинг «Мабдаи нур» асари сарлавҳасининг ўзиёқ тийран сўфиёна маънога эга, яъни у сўфиёна талқинида Оллоҳ нурунининг жило бериши, дунёни, кишилар қалбини ёритиш

¹ Ҳамиджон Ҳомидий. Кўхна Шарқ даргалари. «Шарқ», Тошкент, 1999, 292-бет.

² Е. Э. Бертельс. Сўфизм ва тасаввуф адабиёти. Тошкент, 2005, 102-бет.

каби маъноларга эга. Зеро: тасаввуф шеърияти энг аввало инсон қалбини илоҳий нур ва туйғулардан ажралишдан муҳофаза этадиган шеъриятдир.

Тасаввуф¹ хулқнинг хусни, ақлнинг имони, ишқнинг шуъласи, руҳнинг самовий саёҳати ҳисобланади.

Тасаввуфшунос олим Нажмиддин Комилов Шайх ал-Колободийнинг «Тасаввуф сарчашмаси» китобига ёзган сўзбошини «Қимматли манба» деб атаган ва у бизга араб тилидан Отакул Мардонкул ўғли билан Мавлуда Отакул қизи томонидан таржима қилиниб, у (Ат-таъарруф – тасаввуфни таништириш китоби) эканлигини, бу китоб тасаввуфий қарашларимизни кенгайтиришга ҳисса қўшишлигини таъкидлаган ва асар киришида таржимон Мавлуда Отакул кизининг тасаввуфга берилган таърифи келтирилган:

«... Халқ билан раббоний сифатда муомала қиладиган, ғойиб нарсаларни ҳам кўра оладиган, шоҳлар ҳузурига ҳам дарвешона кийимда борадиган, қабилалар ихтилофини бостирадиган, барча инсоний фазилатларни ўзида жамлаган, ҳужжат ва далиллар манбаи, кулоқлари тингловчи, диллари мусаффо, таъриф ва тавсифлари кенг тарқалмаган, сўфиёна, нуроний, софдирлар ...»²

Тасаввуфга берилган таърифдаги ҳол Бобораҳим Машраб мақомини белгилаб берганлигига шохид бўламиз «... ғойиб нарсаларни ҳам кўра оладиган, шоҳлар ҳузурига дарвешона кийимда борадиган ...» Ҳиндистонда Абулғози, Балхда Маҳмуд қатағонбий ҳузурида ҳам Машраб дарвиш хирқасида эди.

Шайх ал-Колободийнинг «Тасаввуф сарчашмаси» китобида «нима учун сўфийликни сўфий деб номланди?» деган саволга шундай жавоб берилган: кимники муомаласи Аллоҳ таолога нисбатан соф бўлса, унга берилган каромати ҳам соф бўлгай.

Яна бир қавм деди: Сўфийлар Аллоҳ таолонинг баргоҳида (қўл остида) биринчи сафдадурлар, уларнинг ҳикматлари ниҳоят даражада баланд бўлганлиги учун, улар ўз қалблари билан астойдил берилганликлари учун ва яна улар Аллоҳнинг ҳузурида тутган сирри асрорлари учундир.³

Яна бир қавм нима учун сўфийлик деб номланиши борасида шундай дейишди: Чунки уларнинг ҳамма сифатлари Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам даврларидаги сифатлик кишиларга яқин бўлганликларидандир. Яна бир бошқа бир қавм деди: Уларо жунлик уст-бош кийганликлари учундир. Суф – дейишлари, уларнинг зоҳирий аҳволларидан таъсирланганидандир. Машраб фақат жунли хирқа кийиб юрган.

Шунинг учун ҳам сўфийлар – бир қавмларки, улар дунёни тарк этганлар, ватанларидан чиқиб кетганлар, ўз биродарлари йўлида ҳижрат қилганлар, шаҳарларда оҳ чекиб юрганлар, ўзларини очликка мажбур этганлар ва жисмларини жуда нозик қилганлар, дунёдан ҳеч нарса олмаганлар, магарам, сатр-авратларини кўрсатмайдиган даражада тутганлар. Рамағда жонни эса сақлаш учун еганлар (ўлиб қолмаслик учун). Улар ўз ватанларидан чиқиб кетганликлари учун ғарийблар деб номланганлар. Сафарда кўп бўлганликлари учун саёҳатчилар деб номланганлар.⁴

Бобораҳим Машраб йигирма йил саёҳатда юргани унинг тасаввуфнинг қаландария оқимига мансублигини билдиради.

Абу Мусо ал-Ашъорий айтдиларки: ҳатто Расулulloҳ (с. а. в.) ҳам жундан кийинар эдилар ва эшакка миниб фақир-камбағалларнинг чақириқларига келардилар.

Ҳасан ибн Басрий айтдилар: Мен «Бадр» урушида қатнашган 70 кишини биламанки, уларнинг либослари жундан эди. Мана шу тоифалар сифат аҳлларининг сифатларидан бўлганликлари учун, уларнинг кийим зебу зийнатлик аҳллари «сафиятан», «суфиятан» деб ном олганлар.

Расулulloҳ (с. а. в.) айтдилар: Вақтики, кишининг қалбига нур кирибдими, унинг қалби ёзилибди ва покланибди. Расулulloҳдан, бунинг аломати надур, деб сўрадилар.

Расулulloҳ айтдилар: Бу ғурур дунёдан воз кечишлик, қиёмат кунини, яъни охират ўйини инобатга олмақликдир ва ўлим келмасдан олдин ўлимга тараддуд кўрмақликдир.⁵

¹ Иноятулла Сувонкулов. Қалб гавҳари. Сайланма. «Янги аср авлоди», Тошкент, 2006, 10-бет.

² Шайх ал-Колободий. Тасаввуф сарчашмаси. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 2002, 10-бет.

³ Ўша манба. 15-бет.

⁴ Ўша манба. 16-бет.

⁵ Ўша манба. 18-бет.

Аҳли ҳолларга «суфия», «соф» - шу сифатлари бўйича «наътйя» деб ном бердилар. Бу ҳам бўлса, сифат аҳлининг сифатларидандир, булар борасида Аллоҳ таоло ўз Қуръонида шундай дейди: «Унда покликни севадиган кишилар бордир. Аллоҳ эса ўзларини мудом пок тутувчи зотларни севар». (Тавба сурасининг 108-ояти).

Тасаввуф саховатга ўргатади, қаноатни тарбиялайди, юксак даражадаги маънавий комилликка йўл очади. Тасаввуф – тавба ва мурувват, ризо ва шукроналик сирларини кашф этиш демақдир». Машраб қатор шеърларида ўзининг сўфий шоир эканлигини баралла ёзган:

*Ошиқамман, Комиламан, сўфиямман, софиям,
Ҳирқаи зоти жамоли Каъбатулло ман бу вақт.
Ҳимматим бор, етти дўзахини ютар гамгин дилим,
Боязиддек ман адам шаҳрида танҳоман бу вақт.
Дори Мансурни қур эмди, ман халилоса борай,
Хожа Аҳрори Валидек маст шайдоман бу вақт.*

Машрабнинг тариқат йўлини тутишидан мақсади ҳам фақат жаннатлар умидида эмас, балки ўта изчил сўфий бўлишдир: Оллоҳ дийдорига восил бўлишдир:

*Муяссар бўлмаса жаннат ичинда дўст ҳам дийдор,
Беҳиштни қўюбон дўзах ичида куйганим беҳроқ.*

Демак, Бобораҳим Машраб ижодининг чуқур илмий таҳлилини бериш учун уни сўфия тариқати фалсафасига асосланган умумшарқ (қолаверса, дунё) адабиёт доирасида атрофлича тадқиқ этиш тақозо этилади.¹

Сўфийларнинг сирру асрорларининг мусаффолиги ва уларнинг фаросатларининг ошиқлиги тўғрисида Абу Умома ал-Боҳилий Расуллулоҳдан шундай ривоят қилади: «Мўминнинг фаросатликлigidан такво қилинлар (қўрқинлар), чунки улар Аллоҳнинг нури билан қарайдилар».

Тасаввуфда – Аллоҳни эслашдан мурод – Аллоҳнинг танбеҳидир. Фаришталарни эслашдан мурод – Аллоҳга итоат қилмоқликдир. Нафсдан эсламоқ – шаҳвоний назарнинг талабини рад этмоқликдир.

Тавҳид нури Аллоҳ таоло қабул қилишлигидур.

Маърифат нури билан фаришталардан қабул қилинади.

Иймон нури билан нафсни қайтаради.

Ислом нури билан душман қайтарилади.²

Юқоридаги тасаввуфий сифатлар Машрабда мужассам эди, у НАФСИ АММОРАдан ғолиб эди. «Мабдаи нур» (нурнинг жилоланиши, чиқиш жойи)дан хабардор бўлиб, унинг тўғрисидаги асаридида зухур этиши эди.

Агарда уларнинг лафзлари зоҳирида ҳар хил бўлса ҳам, уларнинг маъноси биттадир чунки «сафо», «сафва» деб номланганликлари билан барибир сўфийдирлар. Ва яна «соф» ёки «суффа» дейилганлиги билан барибир маъноси сўфийликдир. Мана шу «суфия»даги «ф» ёки «вов» ҳарфи келса ҳам маъноси ўшадир. «Вов»лик бўлиши ҳам жоиз, «София» дегани тиллардаги ишлатилиб келинаётган калимадир, холос. Бордию, шу калимани «суф» - жун лафзидан олинадиган бўлса, лафз ўз ўрнида бўлади ва луғат томонидан иборат тўғри ҳисобланади.

Сўфийлик ўзини иноятда ушлашлик зийнатида бўлганлигидан Аллоҳ таоло уни кечирган, улар кечирилганлардир.³

Машраб сўфий, дарвиш, девона, қаландар шоирдир. У Аллоҳнинг эрка бандаси ўз жамиятининг ва бугуннинг, келажакнинг ҳам девона шоири. Сўфийлар истилоҳида Аллоҳ ва бандалари севган сўфийлар девона, девонажон деб эрка саналганлар.

Тасаввуф арбоби бўлган зот, Аллоҳнинг севгили бандаси – авлиё – етган бўлса, Аллоҳ таоло унинг унинг хурмати учун кўп нарсалар эҳсон қилиши мумкин. Улар Аллоҳнинг эрка, севиқли бандаларики, улар нима тиласалар Аллоҳ бераверади.⁴

¹ Иноятилла Сувоңкулов. Қалб гавҳари. Сайланма. 11-бет.

² Шайх ал-Колободий. Тасаввуф сарчашмаси. 75-бет.

³ Ўша манба. 20-бет.

⁴ Маҳмуд Асъад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. «Чўлпон», Тошкент, 200, 22-бет.

Жунайждан тасаввуф ҳақида сўрашди, у киши жавоб берибди: «Қалбни тоза» тутмоқлик, одамларнинг сўзларидан қалбни мувофиқ қилмоқликдан қалбни тоза тутмоқликдир.

Шайх Умар Форук Сайдо ал-Жазарий тасаввуфга шундай таъриф берган: Тасаввуф – тақво билан амал этиш демакдир. Тасаввуф, арабча сўз. Ўзаги «сафо» бўлиб, соф, тоза, порлоқ ва шаффоф деган маъноларни англатади. Софий – топ-тоза дегани. Тасаввуф ахлининг қалби риё, ужб, кибр, ҳасад ва бутун ёмон хислатлардан холи, тозадир.¹

Усмон Турарнинг «Тасаввуф тарихи» китобида тасаввуфга шундай таъриф берилган: «Тасаввуф инсон қалбидаги ёмон сифатлардан холос бўлиш чораларини ўргатувчи, қалбдаги эзгу сифатлар ва уларни қўлга киритиш йўллари кўрсатувчи, маънавий мартабаларни босиб ўтиб энг юксак мартаба бўлмиш «комил инсон» мақомига эришмоқ қоидаларини ўргатувчи ва ниҳоят, тавҳид сирларини баён этувчи бир илмдир»²

Усмон Турар «Тасаввуфнинг ғояси» масаласини таҳлил этиб, шундай фикрни берган: «Ҳазрати пайғамбаримиз (с. а. в.) «Мен гўзал ахлоқни адо этмоқ учун юборилдим» дейиш билан сўнгги пайғамбар сифатида ўз рисолатининг ғоясини билдирганлар. Тасаввуфнинг ғояси ҳам ахлоқнинг камол мартабасига эришмоқ учун ҳар соҳада Расулуллоҳ (с. а. в.) кўрсатган йўлдан юриб, ботиний ва зоҳирий етуқлик жиҳатидан унинг ҳақиқий вориси бўлмоқ йўлини кўрсатишдир.

Тасаввуфнинг ғояси – Жаноби Ҳақнинг розилигига эришмоқ учун нафсни поклаб, гўзал ахлоқ эгаси бўлишга интилмоқ, яъни Аллоҳ ва Расулининг хулқи билан ахлоқланишдир».³

Инсон руҳ ва бадандан ташкил топган борлиқ бўлиб, унинг руҳи «илоҳий руҳ»дан ва «раббоний амр»дан, бадан эса «тупроқ» ва «балчиқ»дан ташкил топган. Латиф бўлган руҳ, жисм бўлган баданга киргач, моддий унсурларнинг руҳга кўрсатган таъсирлари, руҳнинг асл софлигига зиён етказганлигидан ва инсон камолоти фақатгина руҳнинг софлигини муҳофаза қилиш орқали мумкинлигидан, руҳнинг бадан устидан ғалаба қозониши учун чора-тадбирлар кўриш – тасаввуфнинг ғоясидир.⁴

Тасаввуфнинг ғояси – инсонга Аллоҳ билан қилган аҳду паймонини эслатиб, унинг зарурати ва сирларидан хабар бериб, инсон фитратида мавжуд бўлган, Аллоҳга эришмоқ орзусини бу дунёдаёқ рўёбга чиқармоқ йўллари кўрсатишдан иборатдир.

Ҳижрий II асрнинг машҳур зоҳидларидан бири Робиатул Адавия (ваф. 752) бўлиб, у ҳам Басра тасаввуф мактабига мансубдир. Унинг ҳаракат нуқтаси дўзах кўрқуви ва жаннат орзуси эмас, балки бевосита Аллоҳ ишқидир. Робиа бу ҳолати билан тасаввуф тарихига «илоҳий ишқ» тушунчасини биринчи бўлиб олиб кирган сўфий бўлди ва кейинги даврларда тасаввуфий тушунчада катта ўрин тутадиган бир чашма очиб берди. Унинг соясида тасаввуфий дунёқараш тарзи янгича шакл олди ва «илоҳий ишқ» қараши асрлар мобайнида тасаввуф адабиётининг бош мавзусини ташкил этибгина қолмай, тасаввуф фалсафасида ҳам муҳим ўрин тутди. Робианинг Аллоҳ ишқи бобидаги ушбу сўзлари машҳурдир: «Илоҳо! Сенга жаҳаннамдан кўрққаним учун ибодат қилаётган бўлсам, мени дўзах оловида ёқ! Агар жаннатинингни орзу қилиб ибодат қилаётган бўлсам, жаннатингни менга ҳаром қил! Агар ёлғиз сени севганим учун ибодат қилаётган бўлсам, мени азалий жамолингдан маҳрум қилма ё Парвардигоро!» Робиа ботинидаги изтиробнинг қаердан келганини бундай ифодалайди: «Аллоҳни севган киши севгилисига қовушмагунича фарёду фиғони асло битмайди.»

Робиадаги илоҳий ишқ икки хил кўринишда намоён бўлади:

1. Аллоҳдан бошқа нарсалар билан машғул бўлишдан чалғитувчи севги.

2. Аллоҳни фақатгина эски зоти бўйича севиш. Мақбул бўлган севги ҳам шудир.⁵

Робиа фикрича, инсон ўз ботинига яшириниб, тафаккур орқали илоҳий сирга эриша олади. Ҳар қандай борлиқ Аллоҳда бирлашади. Зеро, фақат Аллоҳ бор, коинот унинг сифатларининг тажаллисидан иборат. Аллоҳга эришмоқликнинг ягона йўли эса севгидир.⁶

Робианинг илоҳий ишқ ва бошқа хусуслардаги фикр-қарашлари ундан кейинги даврларда чиққан сўфийларга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Маъруф Кархий, Зуннун Мисрий,

¹ Умар Фарук Сайдо ал-Жазарий. «Мовароуннаҳр», Тошкент, 2004, 73-бет.

² Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. «Истиклол», Тошкент, 1999, 19-бет.

³ Ўша манба. 19-бет.

⁴ Моҳир И. Тасаввуф. 74-бет.

⁵ Умар Ризо Дўғрул. Ислому олиб келган тасаввуф. 31-бет.

⁶ Сунар Жовит. Ислому тасаввуфи тарихи. . Анкара, 1978, 14-бет.

Боязид Бистомий, Сирри Сақотий, Жунайд Бағдодий, Мансур Ҳаллож, Хорис Муҳосибий ва ҳоказолар шулар жумласидандир.¹

Басра, Куфа, Бағдод ва унинг атрофида кенг тарқалган тасаввуф ҳаракати ҳижрий III аср охиридан эътиборан Араб ярим оролининг ўзга ўлкалари Миср, Хуросон, Нишопур ва Ислом оламининг бошқа диёрларида ҳам ёйилди. Шу тарзда Бағдод, Басра, Миср, Мадина ва Хуросонда тасаввуф мактаблари юзага келди ва бу мактабларда тасаввуф жараёни янада ривож топиб, Ислом тараққиёти тарихида муҳим ўрин тута бошлади. Шу ўринда бир масалага эътибор берсак, фойдадан холи бўлмас: Ироқ ҳудудида Жунайд Бағдодий ва бошқа машҳур сўфийларнинг фикрлари асосида шаклланган тасаввуф тушунчаси, Хуросон ва Нишопур ҳудудларида ботиний жиҳатдан янада камол топиб, нисбатан фарқли характер касб этган. Чунончи, Хуросонда яшаган аҳли тасаввуфнинг кўпчилиги Ироқда ҳоким бўлган тасаввуф қарашларини «шаклий» деб топиб, тасаввуфни зоҳирий ошкор этмай, унинг фақатгина қалбда яшамоғи лозимлигини ва инсоннинг асл вазифаси – нафси ислоҳ этмоқ, риё амалларидан сақланмоқ, қалбини фақатгина Аллоҳга боғламоқ эканини таъкидлаганлар.²

Тасаввуф тарихининг билимдонлари Шайх ал-Колободий, Умар Фаруқ Сайдо ал-Жазарий, шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Аъяд Жўшон, Юнус Эмро, Усмон Турар тасаввуф тарихи, унинг тариқати бўйича муфассал маълумот берганлар.

Тасаввуф тариқатлари бўйича махсус шуғулланган олимлар Е. Э. Бертельс, Ҳамиджон Ҳомидий, Нажмиддин Комилов, Шаръий Абдулҳаким Жўзжоний, Иброҳим Ҳаққул, Ҳамидулла Болтабоев ва бошқа олимларнинг тадқиқотлари диққатга моликдир.

Тасаввуфий тушунча ва яшаш тарзи асосан тариқат воситасида халқ орасида кенг тарқалди. Шу боис тасаввуф тарихида тариқат дейилганда XII асрдан кейин кенг тарқалган тариқатларнинг машҳурларини ва уларнинг асосчиларини мухтасар санаб ўтамиз.

1. Қодирия тариқати. Ислом оламида кенг тарқалган тариқатлардан бири. Асосчиси ва пири Абдулқодир Гийлоний (ваф. 1160) бўлиб, «ғавсул аъзам», «ғавсул сақалайн» каби сифатлар билан танилган.

2. Яссавия тариқати. Бу тариқат асосчиси Хожа Аҳмад Яссавий (ваф. 1166) бўлиб, «Туркистон мулкининг шайхулмашойихи» даражасига етишган.

3. Нақшбандия тариқати. Осий ва Онадўли заминида кенг тарқалган тариқатлардан бири. Асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд (ваф. 1389) бўлиб, «Хожагон тариқати»га асос солган.

4. Хилватия тариқати. Бу тариқатга шайх Сирожиддин Умар ибн Акмалуддин Лаҳжий Хилватий (ваф. 1397) асос солган бўлиб, силсиласи ҳазрат Алига бориб тақалади.

5. Рифоия тариқати. Тариқат асосчиси Аҳмад Рифоий (ваф. 1183) бўлиб, «ақтоби арбаъа» - (тўрт буюк кутб)лардан бири саналади.

6. Мавлавия тариқати. Мавлавийликнинг асосчиси Мавлоно Жалолиддин Румий (ваф. 1273) бўлиб, «мавлавий» даражасига етган.

7. Шозалия тариқати. Бу тариқатнинг асосчиси шайх Абул Ҳасан Шозалий (ваф. 1258) бўлиб, «илм денгизининг ғаввоси» бўлган.

8. Саъдия тариқати. Бу тариқатнинг асосчиси Саъдуддин ибн Мусо ал Жибавий Шайбоний (ваф. 1301) бўлиб, руҳий беморларни даволай олган.

9. Дасукия тариқати. Асосчиси Шайх Саййид Иброҳим Дасукий (ваф. 1272) бўлиб, «ақтоби арбаъа (тўрт буюк кутб)»дан бири саналади.

10. Бадавия тариқати. Бу тариқат асосчиси Саййид Аҳмад ибн Али Бадавий (ваф. 1276) бўлиб, «Ақтоби арбаъа»дан саналган сиймолардандир.

11. Акбария тариқати. Бу тариқат асосчиси машҳур мутасаввуф олим Муҳйиддин ибн Арабий (ваф. 1240) бўлиб, у «вахдати вужуд» фалсафасининг энг буюк намояндасидир.

12. Сухравардия тариқати. Асосчиси Шаҳобиддин Абу Ҳафс Сухравардий (ваф. 1234) бўлиб, у сунний сўфийликнинг энг машҳур намояндаларидан.

13. Кубравия тариқати. Бу тариқатнинг асосчиси – шайх Нажмиддин Кубро (ваф. 1226) бўлиб, тасаввуф тарихидаги энг ёрқин сиймолардан бири.

¹ Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. 52-бет.

² Ўша манба. 56-бет.

14. Мадяния тариқати. Бу тариқатга Абу Мадян Шуайиб ибн Хусайн (ваф. 1198) асос солган «кутбият» сифати бўлган.

15. Чишдия тариқати. Бу тариқатнинг асосчиси – Муиниддин Муҳаммад Чиштий (ваф. 1236) бўлиб, «Офтоби мулки ҳинд» (ҳинд ўлкасининг офтоби) лақабини олган.

16. Байрамия тариқати. Бу тариқатга Онадўлининг машҳур мутасаввуфи Ҳожи Байрам Валий (ваф. 1430) асос солган, «ваъзи иршод» вазифасига кўтарилган.¹

XX асрнинг 70-йилларида йирик файласуф олим В. Й. Зоҳидов мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳақида «Улуғ шоир ижодининг қалби» китобини эълон қилди. Ўша тадқиқотда шоирнинг тасаввуфий қарашларини тадқиқ этиб, уни «Навоий ва тасаввуф» деб атаган. Файласуф В. Зоҳидов: Навоий тасаввуфга қандай муносабатда бўлган эди? Бу саволга бериладиган жавоб ортиқ даражада мароқли бўлиб, Навоийнинг ўзига хос оригинал маънога, характерга эгадир ва кўрсатадики, Навоий бу масалада специфик позицияда турган. Навоий бу масалада ҳам гениал мутафаккир сифатида ўз давридан, ўзига қадар бўлганлардан илгари кетган.²

Алишер Навоий даврига келиб бу тариқат ўзининг ҳаётийлиги инсон ва жамият эҳтиёжларига мослиги билан прогрессив аҳамият касб этди ва Алишер Навоий бу фалсафий таълимотни чуқур ўзлаштиргач, ўз ижодларида уни янада бойитишга, ижтимоий ҳаёт талабларига яқинлаштиришга ҳаракат қиладилар.

Ҳазрат Навоий нақшбандийлик тариқатининг асосчиси Муҳаммад ибн Муҳаммад Хожа Баҳоуддин Нақшбанддан билвосита, Носириддин Убайдуллоҳ Хожа Аҳрор Вали ва Нуриддин Абдурахмон Жомийлардан бевосита олган исломий билимларини ўзига хос йўналишда тарғиб этдилар, тараққий эттирдилар.³

Нақшбандия таълимоти бизда Ғарб мамлакатларидагидек чуқур ўрганилмаган бўлса ҳам В. В. Бартольд, В. А. Гордлевский, Е. Э. Бертельс, А. А. Семёнов, В. Болдилов каби йирик шарқшунослар Шарқ тасаввуфи ҳақида ёзганларида «Нақшбандия» тариқати ҳақида баъзи маълумотларни бериб ўтганлар.

А. Фитрат, С. Айний, М. Т. Ойбек, И. М. Мўминов, В. Й. Зоҳидов, И. О. Султонов, Н. М. Маллаев, Ш. М. Шомухамедов, А. П. Қаюмов, М. М. Хайруллаев, А. Рустамов, А. Ҳайитметов, Э. Рустамов ва бошқалар ҳам Жомий ва Навоийга бағишланган асарларида «Нақшбандия» таълимоти ҳақида баъзи маълумотларни берадилар.⁴

«Нақшбандия» (ёки «Хожагон») тариқатининг энг йирик вакиллари ҳақида сўз кетганда Шайх-уш-шуюх Юсуф Ҳамадоний, Хожа Абдулхолик Ғиждувоний, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Аловуддин Аттор, мавлоно Яъқуб Чархий, Хожа Аҳрор Вали, Абдурахмон Жомий, Махдуми Аъзам, Хожа Ҳидоятullo (Офокхожа) сингари бузруквор мутасаввуф донишмандларни эслатиб ўтмоқчимиз.

Тасаввуфнинг пайдо бўлиши ва кейинги такомилли ҳақида гап кетар экан, Шарқдаги хурфикрлилик ва унинг тасаввуф билан ўзаро яқин муносабатлари борлигини ҳам назардан четлаштирмаслик керак. Абу Сайид Абул Хайр, Бобо Кўхий Шерозий, Бобо Тохир Урён, Нажмиддин Кубро, Камол Хўжандий, Аҳмад Яссавий, Саъдий Шерозий, Умар Хайём каби Шарқнинг забардаст шоирлари нафақат буюк мутафаккир, мутасаввуф донишмандлар, балки пурқудрат хурфикр ва илғор гуманист шоир ҳам бўлганлар. Демак, Шарқда хурфикрлилик ила тасаввуф бир-бири билан чамбарчас боғлиқ тушунчалар ҳисобланади.⁵

Тасаввуфнинг машҳур билимдони, атоқли шарқшунос Е. Э. Бертельснинг ёзишича, Нақшбанд таълимотининг асосида ихтиёрий равишдаги фақирлик ётади... Шунга биноан, Баҳоуддин Нақшбанд умр бўйи деҳқончилик билан кун кечирган, ўз қишлоғида унчалик катта бўлмаган ерига буғдой ва мош экар экан. У уйида ҳеч қандай мол-дунё ва бойлик сақламаган. Қишда камишлар устида ётиб кун кечирган, уйида эса ҳеч қачон хизматкор сақламаган.

Бадахшонлик мутасаввуф олим ал-Бадахшийнинг «Насимат ул-қудс» асарида Нақшбандий мутасаввуф Саъиддин Қошғарий ҳақида маълумот берилган. Саъиддин Қошғарийнинг умри Ҳиротда ўтган, нақшбандия тариқатининг XV асрдаги улкан вакили

¹ Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. 103-124-бетлар.

² В. Зоҳидов. Улуғ шоир ижодининг қалби. «Ўзбекистон», Тошкент, 1970. 317-бет.

³ Дилором Салоҳий. Навоий насрида тасаввуф. Самарқанд. 1995, 14-15-бетлар.

⁴ Ориф Усмон. Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида. «Университет», Тошкент, 1993, 9-бет.

⁵ Ориф Усмон. Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида. 10-бет.

Абдурахмон Жомийга устозлик қилган. Жомий эса ўзининг шогирди ва дўсти Алишер Навоийни Нақшбандийлик тариқатига жалб қилган.¹

Нақшбандийлик Ўрта Осиё, Хуросон, Ҳиндистон, Шарқий Туркистон, Яқин Шарқ халқларининг, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида жуда катта аҳамият касб этган. Нақшбандийлар савдо-сотик, деҳқончилик, хунармандчилик, бадиий адабиёт, мусиқа, илм-маърифат, ҳаттотлик, наққошлик, миниатюрасозлик, қурувчилик ва бошқа барча фойдали ва хайрли юмушлар билан шуғулланишга даъват этганлар. Шунинг учун ҳам ўз давридаги илм-маърифатнинг, адабиётнинг йирик намояндалари бўлган Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Хушҳолхон Хатак, Аҳмад Шох Дурроний, Бобораҳим Машраб, Махтумқули Фироғий сингари юзлаб тараққийпарвар, инсонпарвар шоир ва мутафаккирлар нақшбандийлик йўлини танлаганлар, ҳаётни ва инсонни авжи баланд пардаларда қуйлаб баракали ижод қилганлар.²

Ҳазрат Алишер Навоий ўрта асрлар ислом оламида кенг ёйилган тасаввуф фалсафий тариқатининг нақшбандия сулукига расман кирган, бу тариқатнинг машхур намояндаларидан шайхул-ислом Абдурахмон Жомийга қўл бериб,³ муридлик ҳирқасини елкасига олган (1471) ва ундан орифлик мақомига етиб фотиҳа олган.

Адабиётшунос Дилором Салоҳий фикрича, «тасаввуф» истилоҳи ислом зуҳуридан анча олдин пайдо бўлган бўлса-да, тасаввуф фалсафий-диний, маърифий тариқати ва илми ислом даврида дунёга келди.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг маърифий насрлари ҳам ул зоти олийнинг бошқа жанрларда битилган асарлари каби ибтидосидан интиҳосигача ислом маънавий тафаккури, нақшбандийлик тариқати ғоялари билан суғорилгандир. Бу эса, умуман ўрта аср Шарқ маънавий тафаккури булоқлари, адабиёти анъаналари масалалари билан бевосита боғлиқдир.⁴

Адабиётшунос Дилором Салоҳий таъкидлаганидек, Шарқ маънавий тафаккури булоқлари, адабиёти анъаналарини XV асрда Алишер Навоий, XVI асрда Бобур, XVII-XVIII асрларда эса Бобораҳим Машраб давом эттирди. Тасаввуф ва ислом маънавияти тадрижий-тарихий давомийлиги Машрабнинг «Мабдаи нур», «Кимё», «Увайс Қараний» ва бошқа шеърӣ ижодиётда давом эттирилди.

Бобораҳим «Машраб ижодига мутасаввуфлар таъсири» мавзусини ёритишдан аввал тасаввуф олими Иброҳим Ҳаққулнинг «Моҳиятдан йироқлашмайлик» (ёхуд тасаввуфшуносликдаги ғаройиботлар) мақоласи мазмунига мухтасар эътибор қаратмоқчимиз. Мазкур мақолада муаллиф асл тасаввуф моҳиятини бузиб, қуруқ ифодалар билан чалғитувчи ғарб олимларининг тасаввуф ҳақидаги фикрлари кўпайиб кетганлигини ташвишланиб таҳлил этган ва баъзилар тасаввуф фалсафаси йўқ деган даъвони қилаётганлигини рад этган. Дунёда турли зиддиятларга бой, фавқуллодда мураккаб иккита таълимот бўлса, шунинг биттаси тасаввуф. Агар битта бўлса – ўша ҳам тасаввуф. Бу таълимотнинг туб моҳиятида Ваҳдат – одамларни соф ва юксак илоҳий бирлик туйғуси атрофида бирлаштириш ётади. Лекин ҳеч бир давр ва замонда тасаввуф нафсоний ҳис ва майлларни акс эттирадиган касратдан ғолиб чиқа олгани йўқ. Акс ҳолда улкан тасаввуф олими Усмон Жўллобой Хужвирий: «Маълум бўлсинким, тасаввуф илми бизнинг замонимизда йўқ бўлиб кетмишдир. Билхосса, ҳаво ва ҳавасла машғул бўлган, ризо йўлидан юз бурган ўлкаларда аҳвол шундайдир», деб ёзмасди. Шунга яқин мазмундаги фикрлар бошқа машхур тасаввуф арбоблари жумладан, Хожа Аҳмад Яссавий томонидан ҳам баён этилган.

Ислом сўфийлари ҳам тасаввуфни илми ҳол ва назар камоли деб билишган. Мурид ёки солиқ ҳол ва назар камолига етушгунига қадар мурид раҳнамолигида тариқат илмини эгаллаган, мушоҳада, муроқаб ва машғул бўлган.

«Тасаввуф фалсафаси» деган тушунча бўлмаса, унда ваҳдати вужуд таълимоти ва буюк ибн Арабийнинг тарихий хизматлари қаёқда қолади?⁵

¹ Ўша манба. 12-бет.

² Ўша манба. 14-бет.

³ Дилором Салоҳий. Навоий насрида тасаввуф. 6-бет.

⁴ Ўша манба. 17-бет.

⁵ Иброҳим Ҳаққул. Моҳиятдан йироқлашмайлик. «Ўзб. адаб. ва сан.». 2002, 5 апрель.

Демак, якин ўтмишда сўфийлик тасаввуф фалсафасидан буткул узоқлаштириб юборилган Машраб тасаввуфий қарашларига салафлари таъсири масаласи тадқиқотининг мазмун-моҳияти ибн Арабий таълимотига терс эмаслиги айна ҳақиқатга айланади.

Баҳоуддин Нақшбанддан кейин унинг таълимотини Хожа Аҳрор (1404-1490) давом эттирди. Ундан кейин эса 1515 йилдан бошлаб Хожа Аҳмад Косоний Нақшбандия раҳнамоси бўлди. «Махдуми Аъзам» (Буюк ҳоким) фахрий номи билан машҳур бўлган тасаввуфнинг бу йирик намояндаси асли ҳозирги Наманган вилоятининг Косонсой туманидан бўлиб, тасаввуфга оид бир қанча асарлар ёзиб қолдирган. Аҳмад Косонийдан кейин тасаввуфнинг йирик намояндаси ва машҳур авлиё Қашқарда яшаб ном чиқарган Офокхожа бўлган эди. Фарғона водийсида эса Мулла Бозор охунд тасаввуфнинг машҳур намояндаларидан бўлган.¹

Бобораҳим Машраб Мулла Бозор охунд ва Офокхожадан мукаммал тасаввуфий таълим олди. Пирлар хизматини адо этиб, қийин, машаққатли синов йўллари босиб ўтиб, Ҳаққа етишди ва тасаввуфнинг йирик вакили сифатида ўз ғазаллари ва «Мабдаи нур», «Кимё» асарларида бу ҳақ йўлни поклик, ҳалоллик ва Аллоҳга етишишнинг ягона воситаси де тавсифлади.

Машраб бир шаҳарда муқим яшамади, балки шаҳарма-шаҳар, юртма-юрт кезиб, тасаввуфнинг буюк намояндаси сифатида шухрат қозонди. Ўз ғазаллари, «Мабдаи нур», «Кимё» асарларида бу таълимотни халқ орасида кенг тарғиб қилди.

Ҳар бир маърифатуллоҳга етишган комил, ориф инсонларнинг камолот даражаларига етишувларида олийқадр Куръони карим, муборак ва муқаддас Ҳадиси шариф ҳамда устози мукаммаллар айтиб ўтган ҳикматлар ва айниқса уларнинг ҳаёт тарзлари, йўллари қанчалик аҳамиятга эга бўлсалар, булар Машраб тақдирларида ҳам шунчалик аҳамият касб этдилар ва «олими нуктадонлик», «пиру ҳидояхон», «шухрати шеър бобида мўътабар», «ҳафиз хуш асар» каби даражаларга эришувларида улар устози аввал мақомида бўлдилар.² «Неча устози мукаммалларга бўлдум ҳамсафар» ва лекин «топмади боғи муродим нашъайи ишқдин самар», дея нола қилган Машраб илоҳий ишқ наҳидаси сирларидан воқиф этувчи Офокхожа даргоҳларидан ўз мурод-мақсадлари сари йўл топадилар: «ул мукаммал қўлни тутди йўлда музтар бўлмадим», деб шукрона келтирадилар. Бу йўл сулуқат йўлидир. Бу йўл мурид учун пардаланган, муршид учун эса маълум босқичда ўтиб бўлинган бепарда йўлдир. Муршид муриднинг қўлидан тутмаса, бу йўлда унга раҳнамолик қилмаса, шубҳасизким, мурид адашади, ўзича биларман, деб ўйлаган йўлини йўқотади, гумроҳ бир кимса бўлиб қолади. Машраб учун Офокхожадек пиру мукаммални топиш жуда қийин кечган. Чунки Машраб бу йўлда «йўлни билмас омилларнинг кўзига ориф бўлиб» кўринган, аммо «ўзи манзилга етолмас нобинолар»ни, яъни ўзи кўр бўлатуриб, ўзларига йўлбошчилик даъвосини қилган ёлғоний, фирибгар, сохта пирларни - «нафс учун Шайтон билан юрган гадолар»ни жуда кўп синаб кўрганлар.³

Бугун бизнинг қўлимизда қимматли асар тарихчи олим Омонбек Жалилов томонидан тайёрланган «Офокхожа маноқиб» (Омонбек Жалилов, «Офокхожа маноқиб» «Ҳаёт» нашриёти, Андижон-2001) деб номланган мўъжаз манба бор. Истисносиз хулоса чиқармоқ керакки, мутафаккир шоир Бобораҳим Машраб ижодига мутасаввуфлар таъсири мавзусини ёритишда унинг устози, муршиди Офокхожа ижтимоий фаолияти, унинг ҳаёти ҳақида кенгроқ маълумот бериш айна долзарб вазифа эканлигини истифода этмаслигимиз зарур. Таъкидлаб кетишни ўринли ҳисоблаб, шу пайтгача яратилган жуда кўп, айниқса «шўролар тузуми» даврида Офокхожа шахсияти, у билан Машраб ўртасидаги муносабатлар ўта салбий даражада сохталаштирилганлигини, сунъий тўқималарга бўяб акс эттирилганлигини айтишни бурчимиз деб биламиз. Бу тадқиқотнинг вазифаси Офокхожа – Машраб муносабатларининг туб моҳиятини ишончли далиллар билан ҳолисона кўрсатиб беришдир ва асосийси Офокхожа – Машраб илғаган ҳақиқатни ёритишдир.

Ҳазрати Офокхожа таълимоти ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд тариқатининг Шарқий Туркистондаги бир окими сифатида мазкур диёр халқларининг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида жуда катта ўринга эга. Нақшбандия таълимоти Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон

¹ Бобораҳим Машраб. «Мабдаи нур» Сўзбоши Исмагуллоҳ Абдуллохники. «Фан», Тошкент, 1994, 12-13-бетлар.

² Ж. Юсупов. Уни девонаи Машраб дерлар. Машраб Девон. Тошкент, 2006 йил. 20-бет.

³ Ўша манба. 20-бет.

халқларини бир-бирига яқинлаштириб, дўст-биродар, қон-қариндош бўлиб, иноқ, иттифок яшашида жуда катта аҳамият касб этди.

Офокхожа нақшбандия таълимоти тариқати каби Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё ва кўшни мамлакатлар халқлари ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллади.

Офокхожани Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиё, Шимолий Ҳиндистон, Чин, Мочин, хатто Русия мусулмонлари Ҳазрати авлиёлардан ҳисоблайди.¹

Шарқий Туркистондаги тасаввуф оқими нақшбандия таълимоти қонун-қоидаларига каттиқ амал қилган. Айниқса, унинг қуйидаги қоидаларига урғу берилган.

Нақшбандиянинг энг машҳур ибораси «Дил ба ёру даст ба кор» («Дил ёр билан, қўл иш билан банд бўлсин»)дир. «Дилда ёр» ҳолати дилда ғараз, яъни худбинлик йўқлигини кўрсатади, энди «даст ба кор» бўлса, яъни ишга қўл урилса, ўз шахсий ғарази мақсади учун эмас, холис Аллоҳ учун, ҳақ учун, ҳақиқат ва адолат тантанаси учун амалий ҳаракатга киришган бўлади. Шу сабабли ҳар нафас «дилда ёр» бўлиши, Аллоҳ номи дилда зикр этилиши, яъни «Хуш дар дам» қоидасига риоя этишни тақозо қилинади. Чунки Аллоҳ номи билан бир нафас дилни тарк этса, дарҳол ўрнини ғараз-худбин бир ният эгаллаши мумкин. «Назар бар қадам» ҳам шу маънога яқин туради, яъни беҳуда бирор қадам босмаслик, ҳар бир амалий ҳаракатнинг Ҳақ йўлида қўйилаётганини таҳлил этиб, диққат билан кузатиб назардан кочирмай бориш кераклиги иккинчи қоидадир.²

Учинчи қоида – «Сафар дар ватан», яъни вужуд ичида турган ҳолда, руҳнинг моддий балчиғига булғонмаслиги. Ҳақ иродаси моддий хою ҳавасларнинг ғаразлардан холи равишда руҳингда ҳукмрон бўлиши лозим. Тўртинчи қоида – «Хилват дар анжуман» Ҳақ асрорини англаб етган орифнинг халқ билан бирга бўлиши лозимлигини, аммо доимо Ҳақни дилда тутган ҳолда халқ билан бирга бўлишни таъкид этади. «Хилват дар анжуман» эса мувозанатни сақлаб туриш демакдир. Нақшбандиянинг жами ўн бир қоидаси бўлиб, ҳазрати Махдуми Аъзам авлодлари уларга иложи бориша амал қилишга ҳаракат қилишган.³

Офокхожанинг мурид ва мушрифлари хондан то олим ва оддий халққача бўлган шахслар эди. У ана шулар билан биргаликда жуда кўп кишиларни ислом динига киритди, тасаввуфий йўлга эргаштириб борди.

Офокхожа ҳукмронлиги даврида тасаввуфнинг нақшбандия таълимотини давлат миқёсига олиб чиқди. Яъни давлатнинг ҳукмрон таълимотига айлантирди. Нақшбандия сулуқининг Шарқий Туркистондаги оқимини яратди. 300 мингдан кўп мурид-мушрифлар орттирди, уларни ўз ғоялари учун хизмат қилдирди.⁴

Офокхожа Хожа Аҳмад ибн Жалолиддин Хожаги Косоний Даҳбедий Махдуми Аъзам (1461-1542), у муборақ зотнинг ўғли Муҳаммад Имин (Хожа Калон) (вафоти 1005 (1596-97й.)), у зотнинг ўғли Хожа Муҳаммад Юсуф (Мозор подшоҳ)нинг уч ўғлидан биринчиси – Иноятиллохожа, иккинчиси Ҳидоятиллохожа (Офокхожа вафоти 1694) ва учинчиси Вилояттуллохожа бўлиб, Офокхожа Махдуми Аъзамнинг чеварасидир.

Саййид Аҳмад ибн Жалолиддин Косоний эса Ўрта Осиё ва Шарқда Махдуми Аъзам Хожаги Косоний, Даҳбедий таҳаллуслари билан танилган тасаввуф ва унинг назарий-амалий муаммолари ҳақида 30 дан кўп асарлар ёзиб қолдириб кетган мутафаккир ва илоҳиятчи олим – Ҳазратдир.⁵

Офокхожа Қумулда, (Шарқий Туркистон) – 1625 туғилган, 1694 йил Қашқар вилоятининг Қўқўн қишлоғида вафот этган. Офокхожа ислом ва тасаввуф илмининг йирик тарғиботчиларидан бири ва Ёрқент хонлигида тахтда ўтирган хожаларнинг дастлабкиси. «Офок» («Ёруғ дунё» ёки «ёруғлик эгаси») «Офокхожа, яъни уфқлар, дунё кутби, олам хожаси, ягона авлиё» маъноларини ифодалаган. Хожа номи билан машҳурдир. Офокхожа ёшлигида отаси Муҳаммад Юсуф (ибн Эшон Калон) билан турли шаҳарларда юриб билим ва тарбия олган. 1638 йилда Қашқарга келиб, отаси вафотидан сўнг бу ердаги оқтоғлик хожаларга бош бўлган. 1670 йилда Ёрқенд хонлигида юз берган ички курашлар натижасида Офокхожа Қашқарни тарк этиб Туркистон шаҳарларида, қалмоқлар (ойротлар) орасида ва

¹ Омонбек Жалилов. «Офокхожа манокиби» «Ҳаёт» нашриёти. Андижон, 2001, 17-бет.

² Ўша манба. 16-бет.

³ Омонбек Жалилов. «Офокхожа манокиби», 16-17-бетлар.

⁴ Ўша манба. 12-бет.

⁵ Ўша Манба. 5-бет.

Хэши йўлагиди (Хэсиизоулон) вилоятларида диний тарғибот ишлари билан шуғулланган. 1678 йилда Тибетга бориб 2 йилга яқин яшаган ва бу ерда Будда дини вакиллари билан яқин алоқада бўлган. 1680 йил Тибет зодагонлари ёрдамида ойротлар хони билан танишган. 1681 йил қалмоқлар томонидан Ёркенд тахтига ўтказилган. Бу узоққа чўзилмаган. Унинг жасади Ёғду деб номланган жойдаги ота-бувилари қабри ёнига дафн этилган. Шундан бошлаб ушбу қабристон «Офокхожа мозори» деб номланиб, зиёрат масканига айланган.¹

Офокхожа ўғли Қашқарда ҳокимлик қилиб турган вақтда отасининг буйруғига кўра Ёғдуга қурдирган мақбарага дафн этилган. Офокхожа ҳокимият тепасига чиққанидан кейин Ёғду деган жойни марказ қилган ҳолда Қашқарнинг шарқий-шимолидаги кўпгина ерларини ўз авлодларининг вақф ерларига айлантиради. Унинг вафотидан кейин у ерлар Офокхожа мозори вақф ерлари деб аталиб, Ёғду деган ном аста-секин қолиб кетади.²

Офокхожанинг ўлими ҳақида «Офокхожа манокіби»да ҳазратнинг 1694 йил заҳарлаб ўлдирилиши шундай нақл қилинган: «Нақл қилибдурларким, Ҳазрати Саййид Офокхожам қаддаса аллоҳу сирраҳул ал-азизи Ҳазрати Хон хоҷам подшоҳимни ўбдон хилват ерга айдиларким: Эй фарзанди аржуманд, бегона мазлумларга олишмоғлиқ подшоҳликқа лойиқ эмас. Андоғ иш яқин фурсатда тафариқилиққа салодир, деди. Андин кейин айтқонларидек ҳар мазлумлардин бир кароматни кўрдилар, Ҳазрати Мозор подшоҳимнинг фарзанди Ҳазрати Хожа Офок хоҷам Ёркандда дорул салтанатда эканларида Хожа Исҳоқ Валининг бир одами бор эдилар, анинг оти Хушшоди Хожа эрди, анинг адовати жўшға келди. Ул ҳаромзода Офокхожамга заҳар бериб Оқсуга қочиб кетти. Хоним подшоҳим анинг орқасидин кишиларини ибориб эдилар, тутуб ўлтуруб улуқини дарёга тошлади. Худованди таолонинг тақдири шундоғ кетиб экан, авлоди Пайғамбарга шаҳодат топмоқлиқ мерос экан. Ёркендда Ҳазрати Хожа Офокхожам қаддаса аллоҳу сирраҳул – азиз олами фониин олами боқийга рихлат қилдилар. «Қолу инна иллаллоҳи ва иннал рожиун.»³

Машраб тадқиқотчиси Д. Ҳамроева Офокхожани «1678 йилда муриди мухлислари ёрдами билан тахтни эгаллайди» деган фикрни келтирган. Машраб ва Офокхожа муносабатларига соя солиш учун айниқса ёзувчилар совет матбуотида, ҳатто ҳозир ҳам хоҳлаганларича «бадий тўқима» қилиб тасвирламоқдалар. Кичик мисол келтирамиз. Ёзувчи Саид Аҳмад Наманганда Машраб юбилейида сўз олиб «Офокхожа Машрабни бичдириб, кейин ҳайдаб юборган» деган фикрни шу даражада эҳтирос билан сўзладики, у тасаввуф фалсафасидан мутлоқо хабарсиз ҳолда ўзича шундай хулосага келганлиги ҳамманинг энсасини қотирди.

Ёзувчи Хайридин Бегмат эса «Девона Машраб»да Машраб севгилисини Машрабдан ҳомилдор қилиб, туғдиртиради. Тўтинисо боласига аза тутиб одамови бўлиб қолган ҳатто. Тасаввуф фалсафасини оддий китобхон қаердан билсин, ёзувчи ёзган деб бу воқеликка ишонаверади.

Тарих ҳамда тарихий ҳақиқатга ишониш учун манбаларга, тарихий воқеликка мувожаат этиб, масалани ойдинлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Д. Ҳамроева Машраб – Офокхожа муносабатларини ҳатто Тўтинисо Машрабдан ҳомилдорлик масаласини ишониш қийин, деган тўғри хулосага келган. Аммо Офокхожанинг тахтни эгаллаши масаласида озгина, жузъийликка йўл қўйган.

Офокхожа 1692 йил тахтни эгаллаган. Шу фикрни асослаш учун Офокхожа ва унинг авлодлари Шарқий Туркистонда ҳукмронлик қилган воқеликни тарихчи Олимбек Жалилов фикрларини келтириб ўтиш билан хулосаламоқчимиз. Чунки жуда кўп кишилар бу мавзу атрофида турлича қарашларга эга.

О. Жалиловнинг маълумоти бўйича, Офокхожа 1660 йили Йўлбарсхоннинг амакиси макитлик Убул Ходибекнинг қизига уйланган. Офокхожанинг уч хотинидан беш ўғил, икки қизи бўлган. Ўғиллари: Яҳё хожа (Хонхожа), Маҳди хожа (Подшоҳ хожа), Абдусамад хожа, Ҳасан хожа (Ғози подшоҳ) ва Қилич Бурҳониддин хоҷалардир. Офокхожа яшаган даврда «Оқ тоғлик» ва «Қора тоғлик»лар бора-бора ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши гуруҳга айланган эди. Йирик шаҳарлар ҳисобланган Қашқар, Оқсу,

¹ Ислом энциклопедияси. 191-бет.

² Омонбек Жалилов. Офокхожа манокіби. 17-бет.

³ Ўша манба. 41-бет.

Қучор, яъни ҳозирги Қашқардан Қўрлогача бўлган ерлар аҳолиси «Оқ тоғлик»лар тарафида, Ёркенд, Когилик, Хўтан аҳолиси «Қора тоғлик»лар тарафида эди.¹

Ёркенд хонлиги тахтига Исмоилхон ўлтирганидан (1670-1681) сўнг Офоқхожанинг тахт учун кураши кучаяди. У Тибетдаги браҳманларнинг Далай ламаси ва Жунғор хони Галдон Бушукту хон (1671-1673) ёрдамида 1692 йили хонлик тахтига чиқади. Шундай қилиб, 300 йил давом этган Чигатой авлодлари ҳукмронлигига чек қўйилиб, Шарқий Туркистонда Хожалар сулоласига асос солинади. Икки йил икки ойлик жаҳондорликдан кейин Офоқхожа 1694 йили 69 ёшида вафот этади. Ёркенд хонлиги тахтига эса унинг ўғли Махди хожа (Подшоҳ хожа) чиқиб, 1694-1696 йилларгача ҳукмронлик қилди. Шундан кейин (Мухаммад Мўмин – Оқбош хон (1696-1706) ҳукм сурди. У жунғорларнинг босқинчилик юришларига қарши жанглар олиб бориб қахрамонларча ҳалок бўлади. «Оқ тоғликлар» Қашқарни, «Қора тоғликлар» Ёркендни марказ қилишади. Аммо 1713 йилда Галдон Бишуктунинг жияни Қашқар, Ёркенд, Ордобали (Оқсу) ва Оқтоғ (Учтурфон)ни босиб олиб, Ёркенд хонлигини ўлпон тўлайдиган қарам хонликка айлантиришга эришди.²

Хожа Убайдуллонинг ўғли Дониёл Хожа қалмоқлар билан бўлган жангда асир тушди. «Оқ тоғликлар»дан Яҳёхожанинг ўғли Хожа Аҳмад қашқарликларга қарши қахрамонларча курашди, қалмоқлар уни асирга олганидан сўнггина иккала хожани Илига олиб келиб, Ирон-Кобулга деган жойга қаматдилар. Бироқ, Ҳасанхожа (Ғози подшоҳ), Дониёл Хожа (Кунхожа) ва Хожа Аҳмадларнинг кўзғолони, халқнинг қалмоқларга бўйсунтиришдан бош тортиб норозилик ҳаракатларини кўрган Жунғор хони Цэван Рабтон Дониёл хожани (1720-1735) Илидан қайтариб келиб ҳокимиятни топширади ва йилига 100 минг тангадан тўлаш мажбуриятини юклайди. Дониёл хожа авлодлари 20 йил Жунғор хонларига вассал (Дониёл хожадан кейин Бигич ўғли Ёқуб хожа Ёркенд ҳокими бўлди) бўлиб, фақат 1752-1753 йиллар Хожа Юсуф раҳбарлигида Ёркенд хонлиги мустақиллик эришди.³ Бироқ 1755 йили Жунғор хонлиги Чин империяси томонидан емирилгандан кейин Илида қалмоқлар назорати остида яшаётган Хожа Аҳмад ўғиллари, яъни Офоқхожанинг эваралари – Бурҳониддин хожа ва Хожа жаҳонни асирликдан озод этиб Чин (Манжур – Хитой)ларнинг бутун Шарқий Туркистонни босиб олиш учун мустақил Ёркенд хонлигини бўйсундиришда улардан фойдаланмоқчи бўлди. Чунки Шарқий Туркистон аҳолиси бу икки хожага катта ҳурмат билан қарар эди. Бурҳониддин хожани олдин Оқсуга, кейин Учтурфонга юбориб, Қашқар ва Ёркендга қарши юришга тайёрлашди. Унга Ёркенд тахтини ваъда қилишди. Аммо, «Оқ тоғликлар»нинг вакили Бурҳониддан хожани бу ерга келиши аҳолининг бўлинишига сабаб бўлди. Оқсу, Қучор ва Учтурфонликлар дарров Бурҳониддин томонга ўтди. Чин империясининг ёрдами билан Қашқар ва бошқа шаҳарларни жангларсиз ишғол этдилар. Бироқ Ёркендда «қора тоғлик»лар уларга қаттиқ қаршилик кўрсатишди. Шаҳарни қамал қилиб қанча уринишмасин уни ололмадилар. Саккиз ойлик қамалдан кейин, Ёркенд ҳокими Розибекнинг сотқинлиги сабабли Ёркендни эгаллашга муяссар бўлди. Ёркенд хони хожа Жаҳон асирга олиниб, бутун уруғлари билан қатл этилди. Назар хожагина икки ўғли билан қочиб қутилиб қолди. Лекин хитойларнинг ишончи оқланмади. Оқ тоғли хожалар раҳбари Ёркенд тахтини эгаллагач, хонликнинг мустақиллигини сақлаб қолиш йўлида Чин империяси, яъни Манжур-Хитой босқинчиларига қарши қонли жанглар давом этди. Босқинчилар хожаларга қарши икки йил тўхтовсиз уруш олиб бордилар. 1759 йил 6 августда Қашқарни ва Ёркендни ишғол этдилар.⁴ Оқибатда хожа Жаҳон Қашқарни, Хожа Бурҳониддин эса Ёркендни ташлаб Бадахшонга қочиб кетдилар. Бадахшон ҳукмдори Султон Шоҳ уларга яхши муносабатда бўлди. Бироқ сотқинлар томонидан 1759 йил октябрида ака-ука хожалар қатл этилди. Чин императорининг буйруғи билан Хожа Жаҳон Пекинга олиб келиниб, дорга осилди. Бурҳониддин хожанинг қабрини эса топа олишмади. Баъзи маълумотларга қараганда 1763 йилдагина унинг қабри топилган ва бола-чақалари (хотини ва ўғли) Пекинга юборилган. Тарихий далиллар шуни исботлайдики, Шарқий Туркистон хожаларидан Махдуми Аъзам авлодлари XX аср бошларигача Шарқий Туркистон халқининг Манжур-Хитой зулмига қарши курашида олдинги сафда туришган.⁵

¹ Омонбек Жалилов. Шарқий Туркистон хожаларидан Махдуми Аъзам авлодлари шажараси. Турон тарихи. Тўплам. 1994, 11-бет.

² Ўша манба. 12-бет.

³ Ўша манба, ўша жой.

⁴ Ўша манба, ўша жой.

⁵ Ўша манба, ўша жой.

Шарқшунос, тадқиқотчи олим Илёсхон Ғозий негадир Офокхожани 1591 йил Самарқанднинг Дахбед туманида дунёга келган деб ёзган. Машрабнинг пири Офокхожа кўп масжиду мадрасалар қурдирган. Вафотидан олдин тамом бойлигини камбағал, чорасизларга бўлиб берганини рус тадқиқотчиси Н. С. Ликошин ўз кундалигида ақс эттирган. Офокхожа эшон 1693 йилда Ёркендда вафот этади,¹ деган фикрни келтирган.

«Офокхожа маноқиб» ва бошқа манбалардагидан фарқли ҳолда Илёсхон Ғозий қайси манбага таяниб бундай хулосага келгани бизда таассуф уйғотди.

Офокхожа ҳамма манбаларда бирдай 1625 йил Қумулда туғилиб, 1694 йил Қашқарда вафот этганлиги дарж этилган. Офокхожа 69 йил умр кўрган. Аммо турли тадқиқотларда кўпхиллилик ақс этган.

Мазкур тадқиқотда муҳим бир нарсани унутишга ҳаққимиз (таъкид: М. Ҳ) йўқ. Офокхожа шахсиятига ва у муборак зотнинг авлодлари фаолиятига урғу беришимизнинг туб сабаби биз тадқиқ этиб, ҳаёти ва ижодини ўрганаётган Машраб аввало, тасаввуф таълимотининг моҳиятини Офокхожадан олди, сониян биз ҳазратни йирик мутасаввуф дея оламиз, чунки у кишининг тасаввуф мактаби Машраб ва Машрабга ўхшаган мутасаввуфларни етказиб берди. Чунки мурид буни ўз ижодида кўп таъкидлаган ва эҳтиромини изҳор қилиб турган.

Адабиётшунослик илмининг Самарқандда шундай чуқур илмли намояндалари яшаб ўтганки, улар ўша адабий муҳитда ҳалол-поклиги, тўғри сўзлиги, жасорати, асосийси адабиёт тарихи фанини туб илдизларини билганлиги ва тадқиқот ишлари билан (гарчи ўтиб кетган бўлсалар-да) катта олимлар айтолмаган гапларни биргина мақола билан ёритиб, масала мазмунини очиб беришган. Ана шундай камтар олимлардан бири адабиётшунос олим Исомиддин Салоҳийдир. Қайсидир маънода тадқиқотимизга назар ташлаётган киши Исомиддин Салоҳий ҳақида илмий ишнинг шу ўрни – Машраб ижодига мутасаввуфлар таъсири масаласида киритиш зарурати бормикин, деган фикр кўнглидан ўтиши мумкин. Зарурати шуки, Исомиддин Салоҳий Машраб ва унинг пири Офокхожа ўртасидаги ўта жиддий ва нозик вазиятни, Офокхожанинг Шарқий Туркистонда тож-тахтни эгаллаши муаммосини ва у ўз замонининг пиру-муршид даражасига кўтарилган «офок» эканлигини, шунингдек мурид Машрабнинг ҳазрат хонадонига боришдан кўзланган мақсадни ҳаққоний, чуқур, илмий ёритиб бера олган ва бу бизнинг тадқиқотимизда энг қимматли манба эканлигини таъкидламоқчимиз. Тадқиқотчи олим Исомиддин Салоҳий «Ижтимоий муносабатлар қурбони» (Машрабни қандай тарғиб этишарди ва аслида уни қандай тушунмоқ лозим) деган масалани кўйиб, XVII асрдаги ҳақиқий аҳволни тадқиқ қилган: «Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодининг талқинида қайта кўриб чиқишга муҳтож ўринлар анчагина. Шулардан бири шоирнинг Офокхожа эшон ва унинг авлодларига муносабати масаласидир. Чунки ҳозиргача илмий адабиётларда шоир ва эшон бир-бирига қарама-қарши кўйиб келинди. Албатта қизил мафқуранинг пишиқ режасига биноан эшон қораланди, шоир мақталди. Режанинг пишиқлиги шундаки, Офокхожадек кенг таъсирли эшонни ёмон отлик қилишдан мақсад (Убайдуллоҳ хожа Аҳрор Вали, Дукчи эшон ва бошқа юзлаб дин арбоблари шаънига доғ солингани каби) ислом динига зарба бериш эди».²

Исомиддин Салоҳий масаланинг туб илдизи ҳақида фикр юритиб, муаммони кўндаланг кўйгани ҳолда савол кўйиб, моҳият ечимини топган, уни ҳал этган: Хўш, Офокхожа эшон ким ва Бобораҳим Машраб унинг даргоҳига нима мақсадда борган?

Шоҳ Маҳмуд, Мирзо Фозил Чуроснинг 1676-1677 йиллари Шарқий Туркистон тарихига бағишлаб ёзилган «Торих» рисоласи (Москва, «Наука», 1976) ва бошқа манбаларда ёзилишича, Шарқий Туркистон давлати 1514 йили Чигатой хонларидан Султон Саъид ибн Султон Аҳмадхон томонидан асосланган. Дастлабки пайтлар унинг ҳудудига Қашқар, Янги Ҳисор, Уч, Оқсув, Хўтан, Бой, Кусан, Чалиш (Қорашаҳар), Турфон каби жойлар кирган. Бу янги ҳукмронликни у пайтларда «кичик Бухоро давлати», «Мўғилистон» номлари билан ҳам атаганлар. Мазкур ҳукмронликнинг маънавий-мафқуравий ҳаётида нақшбандийлик тариқатининг Носируддин Хожа Аҳрор Вали, Шайх Муҳаммад Қози каби буюк пешволаридан кейин ҳижрий 921 (мелодий 1515-1516) йилдан бошлаб раҳнамо бўлиб қолган Шайх Аҳмад Косоний катта мавқега эга бўлди. Халқ орасида Маҳдуми Аъзам Дахбедий

¹ Илёсхон Ғозий. Маҳдуми Аъзам Имом ал-Косоний. «Ўзбекистон», Тошкент, 1996, 29-бет.

² Исомиддин Салоҳий. Ижтимоий муносабатлар қурбони. «Ўзб. адаб. ва сан. », 1997, 14 февраль.

унвони билан машхур бу пири комил Шаркий Туркистон аҳолисининг маънавий камолоти, Мовароуннахр, Хуросон халқлари билан иқтисодий-сиёсий, адабий-маърифий ҳамкорлиги мустақамланиши йўлида хизмат қилди. У кишининг Шайбоний султонлар, Темурий шоҳу шаҳзодалар қаторида чиғатойи подшоҳларга ҳам муршидлик қилишларида катта ҳикмат бор: бундай ҳол, аввало, элу юрт орасида осойишталикни юзага келтириш, ўзаро қирғинларга чек қўйишда маълум аҳамиятга эга бўлган. Махдуми Аъзам вафотларидан сўнг Шаркий Туркистон аҳолисига маънавий раҳнамолик қилиш у кишининг фарзандлари Муҳаммад Амин (Эшони Калон), Хожа Муҳаммад Исҳоқ Вали ва ана шу эшонзодаларнинг авлодлари зиммасига тушди. Бобораҳим Машраб ана шу сулоланинг намояндаларидан бири Махдуми Аъзамнинг эваралари Ҳидоятуллоҳ Муҳаммад Амин Шайх Аҳмад – Офоқхожадан таълим олган.¹

Мусулмон Шаркида ҳар бир касб-хунар ва илм толиби пир-муршид таълимидан бахраманд бўлиши шарт ҳисобланган. Пир муридга маълум соҳада таълим бериш билан бирга уни турли ҳаётий синовларга йўлиқтириб, маънавий баркамол шахс бўлиб етишишига ҳам алоҳида эътибор берган. Бу ҳолат собиқ қизил матбуотда «қулдай эзиб ишлатиш» тарзида изоҳланиб келинди. Машраб ҳам Офоқхожа даргоҳида етти йил синов ва чиниқиш жараёнини бошидан кечирган. Хожанинг чин муҳаббатини қозонган. Бу ўринда шунини ҳам эслатиб ўтиш лозимки, Бобораҳим Машраб сўфийлик таълимини такомиллаштириш учун 27 ёшларида Офоқхожа эшон даргоҳига келар экан, у назарий жиҳатдан ғоятда етук сўфий эди. Мана биргина далил: Офоқхожа эшон Бобораҳим Машраб билан биринчи бор учрашгандаёқ уни синаш учун форс сўфий шоири Ҳофиз Шерозийдан бирор нарса ўқишни буюради. Машраб Ҳофизнинг сўфиёна шеърларини шундай ёниб айта бошлайдики, Офоқхожа чидаёлмай, қўлларини кўтариб:

« – Ҳой, бас... Агар мундин зиёда ўқисанг куюб кетурман» («Девони Машраб», тошбосма, Тошкент, 1900), деб нидо қилади.² Эшон Машрабнинг ўз шеърларини ҳам завқ билан тинглайди, дуо қилиб елкаларига қоқади. Офоқхожа эшон назарида Машраб Ҳақ висолига етиш бўсағасида турган комил толиб эди. Лекин пир унда руҳоний дунёдан пастга тортиб турувчи кўз илғамас ипларни ҳам кўради. Шу тариқа уни етти йил парваришлаб, камолга етказди. Собиқ совет матбуоти ва ўша даврда яратилган ишларига эшон томонидан Машрабнинг шаҳват томирига қизитилган муҳр босилиши ваҳима билан тасвир этилди, баҳсга арзимайдиган хулосалар чиқарилди. Улар Бобораҳим Машрабнинг талаб йўлида ана шу хилдаги муолажага муҳтож эканлигини англаб етишдан узоқ эдилар.

Шундай қилиб, расмий илмий-кузатув ишлари ва бадиий асарлардаги Офоқхожа эшон ва Машрабни бир-бирига қарши қўйиб, чиқарилган хулосалар асоссиз ва уларга ишониш кишини чалғитади. Офоқхожа эшон ва унинг фарзандлари Бобораҳим Машрабга катта ҳурмат ва муҳаббат назари билан қараганлар. Машраб ҳам бу хонадонга юрагини боғлаб яшаган.³ Машраб қалбини, маънавиятини пири Офоқхожага нафақат боғлаб яшаган, у пирининг хоки пойларини кўзларига тўтиё қилиб яшаган, «сояи пир» қанотида яшашни ғанимат билган. Муддаго, Ҳаққа етишишининг, уни Илоҳ билан дийдорлашнинг воситаси деб билган. Унинг бошқа муридлардан фарқи шуки, шоир уни йўлдан озганларга раҳнамо деб билган, Аллоҳ йўлини кўрсатувчи, уни танитувчи улуғ «Кимё» деб атагани ҳолда «Жумладин бегона бўлғил, ошнони ташлағил» деб унга эргашган. Пирнинг ҳар бир гапини бажаришни у шарт деб билган, уни офтобга, Каъбага қиёслаган, бу ҳол унинг «Амри пир» мухаммасида акс этган:

*Қудсийларга Каъбадин ортиқ сафодур амри пир,
Дийну ботинга ҳам чун кимиёдур амри пир,
Офтоби нури чаими ваззуходур амри пир,
Асли бўлсанг, қулли бу дарга даводур амри пир,
Хоки пойи кўзларимга тўтиёдур амри пир.*

*Пирга қўл топширдинг, эмди мосувони ташлағил,
Эй жигарбандим, бу кун сан муддаони ташлағил,*

¹ Исомиддин Салохий. Ижтимоий муносабатлар қурбони.

² Ўша манба, ўша жой.

³ Ўша манба, ўша жой.

*Жумладин бегона бўлгил, ошнони ташлагил,
Хотирингдин дам-бадам ҳирсу ҳавони ташлагил,
Бохабар бўлгилки, бас, амри Худодир амри пир.*

*Бир такаллум айласа, сўзини сан Куръонча бил,
Оғзидин ҳар куфр чиқса, куфрини иймонча бил,
Пир сани оташига солса, жаннати Ризвонча бил,
Соия пирни ганимат чун нури иймонча бил,
Охиратнинг йўлида нушти паноҳдир амри пир.*

*Бора-бора пир сани охир Худога еткурур,
Хизматини яхши қилсанг, муддаога еткурур,
Раҳматанлилолабийндек Подшога еткурур,
Амри пир бирла келибсан, Мустафога еткурур,
Кулли исёнингга ҳар дам зўр жазодир амри пир.*

*Машрабо, ҳар муриднинг орқасида фарқи бор,
Мурда бўл, пирга ўзунгни ташлагил, эй марди кор,
Амри пирни гар улуг тутсанг, кўрасан сан дидор,
Амри пирни жо-бажо қилсанг, Ҳажжи Акбаргача бор,
Йўлдан озган осиларга раҳнамодур амри пир.¹*

Офокхожа ва Машраб ўртасидаги ўша давр, тарихий шароит ва ижтимоий-сиёсий муҳит ҳақида Машраб тадқиқотчиси Д. Ҳамроева изланишлар олиб бориб, шундай фикрга келган: «Офокхожа ва Машраб адабиётшуносликнинг энг қизғин мавзуларидан бири. Шайбонийхон Марказий Осиёни эгаллагач, Фарғона ҳокими ўрнида турган Саидхон Шарқий Туркистонга қочиб кетиб, 1514 йилда у ерда Саидийа хонлигини ташкил этади. Махдуми Аъзам авлодлари эса ушбу хонликка хизмат қилган. XIV-XV асрга келиб, тасаввуф оқими катта сиёсий кучга айланган. Шаҳар авом эътиборида бўлиш, халқни бошқариш учун ҳам бирор-бир пирга боғланганлар. Саидийларнинг сўнгги вакилларида Исмоилхон ҳам Офокхожага мурид бўлган. Аммо давлатда юз бераётган инқирозларни кўрган Офокхожа тожу тахт даъвосини қилади. Чунки Косоний Даҳбедийнинг иккинчи хотинлари, Исҳоқхожанинг онаси Чингизийлардан бўлган. Тарихи ҳамидада келтирилганидек, Офокхожа Исҳоқ хожа авлодларига боғлиқлик туфайли ўзини хонликка муносиб ҳисоблаган. Машраб билан Офокхожа ана шу вақтда ижтимоий-сиёсий сабабларга кўра ажралишади. Бу ҳақда «Тазкираи қаландарон»да ҳам ишоралар бор. Етти йил Офокхожа даргоҳида хизмат қилган шоир иршод олмай, у ердан кетишга мажбур бўлган, чунки Машраб руҳоният кишиси эди. У бошқа қаландару муридлар сингари пири билан тахт таллашиб юра олмасди. Узоқ вақт машаққатларда юрган Офокхожа 1692 йилларда муриду мухлислари ёрдами билан тахтни эгаллайди. Устоз ва шогирдлик одобини сақлаган Машраб пири хузурига қайтиб боради. Манқабаларда айтилганидек, Машрабнинг иккинчи марта Қашқарга қайтиб бориши ана шу даврга тўғри келади».²

Машраб тадқиқотчиси Дилором Ҳамроева шоир ҳақида тадқиқотларидан бирини «Машраб ҳақида афсона ва ҳақиқатлар» деб атаган. Мазкур мақолада у Машрабнинг биринчи устози Мулло Бозор охунд ва Офокхожа ҳақида ўзига хос фикрлаб, шоир ҳар икки устозини ҳам эҳтиром билан шеърларида тилга олганлигини, уларни маънавий устоз ва пиру муршид эканлигини, чунки у руҳоният кишиси эканлигини таъкидлаб, шундай фикрларни берган: «Машраб ўзбек мумтоз шеърятининг энг ёрқин намояндаларидан бири. Шоир ижодининг тараққий этишида адабий муҳит, ижтимоий-сиёсий давр, хусусан, устозларининг ўрни бекиёс. У илк сабоқни кимдан олгани маълум эмас. Фақат манқабаларда етти ёшда мактабга боргани, ўн беш ёшдан бошлаб эса Мулло Бозор охунд қўлда таҳсил олгани ёзилади. Мулло Бозор охунд ўз даврининг эътиборли кишиларидан бўлган. Замондошлари уни девонажон лақаби билан улуғлайдилар. Уни Машраб шундай таърифлаган».³

Маърифатнинг гулзори Мулло Бозор девона,

¹ «Ўзб. адаб. ва сан. » 1998 йил, 4 август. (Машрабнинг янги топилган ғазаллари.)

² Д. Ҳамроева. Машраб ҳақидаги афсона ва ҳақиқатлар. Ишонч, 2004, 7 май.

³ Дилором Ҳамроева. Машраб ҳақидаги афсона ва ҳақиқатлар. Ишонч, 2004, 7 май.

Ошиқларнинг сардори Мулло Бозор девона.

*Йўқтур асло кийнаси, баҳри урфон сийнаси,
Нури Ҳақ ойинаси Мулло Бозор девона.*

*Жойларидур Наманган, Ҳақ йўлдиа жон берган,
Муридларини севган Мулло Бозор девона.*

*Ичларидур тўла нур, пирларидур Баҳодур,
Бухорода ул маишхур, Мулло Бозор девона.*

*Машраб ўзи девона, ишқ ўтига парвона,
Йўл юродур сарсона, Мулло Бозор девона».*¹

Демак у соҳибҳол ва мажзуб киши бўлган. Бу далил Машраб ҳаётини ўрганишимизда катта аҳамиятга эга. Чунки Машраб қиссаларида айtilганидек, Мулло Бозор охундни танигунга қадар «авлиёи модаризод», «масти мустағриқ» бўлмаган. Унда ҳозиржавоблик, ўткир мушоҳада, зеҳн ва ўзига хос бир кайфият бўлганлиги табиий. Бироқ Машраб сулукдан жазбага етган. Яъни, аввал солиқ, сўнгра мажзуб бўлган. Айримларда эса аввал жазба ғалаба қилган. Улар шундан сўнг сулукка кирганлар. Албатта, жазба Ҳақнинг ўз севган бандасига эҳсони. Аммо пир шу йўл билан муриддини тарбия этиши мумкин. Машраб бу вақтнинг ўзида сулук ва жазбадан тарбият топган. Ундаги бу хислатни кўрган Мулло Бозор охунд уни Қашқарга йўллади.²

Машраб Ўшдан чиқиб, Қашқарга равона бўлдилар. Неча кун лабташна, шикам гурусна юруб девонга етилар. Ҳориб, чарчаб, пирларини ҳақларига бу муножотни ўқудулар:

*Ё самадони тарк этиб, ё Санамим десаммукин,
Айшу сурурни қўюб ёки ғамим десаммукин.*

*Бўйни синуқ етим каби қошида зор йиғласам,
Кўз ёшимни равон этиб, холи дилим десаммукин.*

*Хоҳ ямону яхши ман, Тангрига хаста бандаман,
Тақдирига танам қўйуб, ё қаламим десаммукин.*

*Йўл уза келди Машрабнинг, қўл узат эй Офоқ хоҷам,
Ман киму Ҳаққа етмагим ёки пирим десаммукин»³*

- деб шоҳ Машраб довондан ошдилар. Шоҳ Машраб ўзларини ўшал соатда Қошғар вилоятида кўрдилар.

Иккинчи марта пири ёнига қайтган Машраб у ерда узоқ туриб қолмади. У шайбонийлардан кейин авж олган тарқоқлик ва сиёсий-иқтисодий емирилишлар даврида яшаб ўтди. XVII-XVIII асрларга келиб, диний-тасаввуфий оқимларда ҳам парокандалик, фитна, инкироз кучайган эди. Шу сабаб Машраб маърифатни қаландарликдан излаган. Тўғри, у биринчи марта Офоқхожа даргоҳидан кетгандан кейин Қаршига бориб, Ҳасанхўжа деган «Ҳожам подшоҳ» номи билан машхур шайхдан тасаввуф илмини ўрганган. Сўнгра Машраб Муҳаммад Шариф ал-Алавия ал-Ҳусайний ҳузурига борган. Ал-Алавий ал-Ҳусайний ал-Бухорий (ваф. 1697) XVII асрдаги Ўрта Осиё мутафаккирларининг ёрқин намояналаридан бири эди. У ўз ижодида тарих, шеърият, ҳуқуқ, тилшунослик каби фанлардан рисолалар ёзган. Етти-саккиз юз шогирдга ваъз ўқиган. Фақихдан ҳам тўла маънавий қониқиш ололмаган Машраб қаландар либосида юрт кезган. Бунга маънавий-руҳий эҳтиёж сезган.⁴

Тадқиқотчи Д. Ҳамроевнинг «маънавий қониқиш оломади» деган фикрини бироз бошқачароқ сўфиёна, Машрабона таҳлил этсак, Машраб Офоқхожа хонадонидан асли рухоният кишиси бўлиб бўлган эди, у дунёни кезиши керак эди. Д. Ҳамроева

¹ Машраб. Девон, 2006, 57-бет.

² Дилором Ҳамроева. Машраб ҳақидаги ҳақиқатлар. Ишонч, 2004, 7 май.

³ Қиссаи Машраб. «Ёзувчи», Тошкент. 1992, 30-бет.

⁴ Д. Ҳамроева. Машраб ҳақида афсона ва ҳақиқатлар. Ишонч. 2004, 7 май.

таъкидлаганидек «у ҳақиқатга маърифатдан, маърифатга риёзатдан, риёзатга саёҳатдан этишган» сўфий эди.¹

Адабиётшунос Абдумалик Ёқуббек Бобораҳим Машрабнинг тасаввуфий қарашлари ҳақида озу соз ижод этган тадқиқотчи. У Машрабнинг эркаклик хусусиятидан маҳрум этилиш, Офокхожа бир канизак туфайли эмас, балки пир назарига тушиш учун Машраб томонидан қилинган баҳона, сохта айб сабабини шу даражада моҳир адабиётшунос тадқиқотчи сифатида талқин этиб берганки, шу кичик илмий тадқиқот – мақола пир ва мурид ўртасидаги нозик муаммони ойдинлаштириб берган. Жаҳон адабиётининг классикларидан бири, француз ёзувчиси Александр Дюманинг «Граф Монте Кристо» романида бош қаҳрамон Эдмон Дантес ноҳақликдан сувлик-орол ўртасидаги Иф қальасига тушиб қолади. Шунда денгиз шовқини, сувнинг жилваланиши, мавжини тасвирлашда қийналаётган муаллиф ҳовлисига фаввора қурдириб, унинг пасти — ертўлада ижод кила болаганда, бир куни сокин тунда «топдим, топдим» дея ўрнидан туриб кетади. Шамол эсан пайтда фавворадан чиқаётган сас денгиз мавжи ва шовқинини эслатади ва ёзувчи шу руҳни асарида моҳирлик билан тасвирлай олган. Чунки калаванинг учи топилган эди. Ҳали тадқиқотчилар Офокхожа ва Машраб шаънига мағзава сочаётган, калаванинг учи йўқолган пайтларда Абдумалик Ёқуббек ўша йўқолган калаванинг учини сўқир кўзларга топиб берган, аммо бефарқлик шу даражада эдики, Машраб бичилгани ростлиги, аниқлиги учун Офокхожага тош отиш зарур эди.

Абдумалик Ёқуб бу чигал, баҳсли муаммо хусусида тасаввуфдан хабарсиз, пир ва мурид ўртасига раҳна солганларга қарата шундай дейди: Кўп баҳсталаб ўринлар «кескин синфийлик» нуқтаи назаридан ҳал қилинган. Шундай чигал хулосалардан бири Машрабнинг эркаклик хусусиятидан маҳрум этилиши масаласидир. Эмишки, жоҳил Офокхожа бир канизагига ошиқ бўлгани учун шоирни шундай ҳолга дучор этганмиш. Бундай жоҳил хулоса шу бугунга қадар ҳаммани ишонтириб келди. Бу савол ҳалигача кўпчиликни қийнаб келаётир.²

Бобораҳим Машраб дастлабки таълимни асли наманганлик, Бухорода таҳсил олиб қайтган Мулло Бозор охунддан олган. Бироқ ҳирқани қашқарлик ҳазрат Офокхожа хузурида кийган. «Офок» деган сўзнинг маъноси «Қутб ул-олам» демак бўлиб, «Қиссаи Машраб»да шундай дейилади: дунёда икки Офок ўтубдурлар: бирлари Хожа Абдул Холиқ Ғиждувони, яна бирлари Офокхожамдурлар. Машраб андиша қилдики: «Мундоғ юргонимдан андоғ зоти шарифни хизматлариға борсам беҳроқдур», - деб бу ғазални ўқудилар:

*Надоматда тўқуб ёш, васлинг излаб юргоним беҳроқ,
Ғаму дардинг рафиқ айлаб, мудом оҳ ургоним беҳроқ.*

*Жаҳон айвонида юрган, муҳаббат ўтига куйган,
Суяр қуллар изини кўзларимга сурганим беҳроқ.*

*Ўшал Мажнунни ҳайрондек юрак-бағрим оқар кўздин,
Санамни ҳажрида саҳрову чўлни кезганим беҳроқ.*

*Қиёмат ҳашргоҳида сўралгай барча кирдорим,
Яқомни чок этиб валлоҳ, букун дод этганим беҳроқ.*

*Муяссар бўлмаса жаннат ичида давлату дийдор,
Биҳиштин кечибон дўзах ичида куйгоним беҳроқ.*

*Хазон бўлмай гулистони баҳори умр, эй Машраб,
Саҳар вақтида булбулдек фгонлар қилганим беҳроқ.³*

Аёнки, «Офок» унвони буюк таҳайюл соҳиби эканликдан далолат беради. Мулло Бозор охунд Машрабни Қашқарда оламни сўраб турган Офокхожага юборади. Чунки Бобораҳим бунга маънан лойиқ эди. Бизнинг адабиётларимизда таъкидланганидек, «шаккоклик қилгани учун эмас. Офокхожа ислом мазҳабларидан бирининг (қодирия) асосчиси бўлмиш Махдуми Аъзамнинг чевараси эди. Офокхожанинг турк тасаввуф адабиётига қўшган ҳиссаси катта. У

¹ Ўша манба, ўша жой.

² Абдумалик Ёқуб. «Мақбули ҳидоят бўлайин деб гуноҳ этгим». Ғойиблар хайлидан ёнган чироклар. «Ўзбекистон», Тошкент. 1994, 279-бет.

³ Қиссаи Машраб. «Ёзувчи», Тошкент, 1992, 24-бет.

киши зикри самонинг Хуфия тариқасига мансуб эди. Бобораҳим бу зот томон йўлга чиқаркан: Қашқар тарафидан бир Марди Худони иси келадур», дея ният қилган. Бобораҳим Офокхожа хузурига Наманган, Лангар, Балиқчи, Андижон ва Ўш орқали келади. Йўл-йўлакай азиз авлиёларни зиёрат қилишни ҳам қанда қилмайди. Жумладан Машраб ҳақидаги манбаларда айтилишича, у Ўшда Осаф ибн Барҳиёнинг афсонавий қабрини зиёрат қилади. Маълумки, Осаф ибн Барҳиё Сулаймон пайғамбарнинг пири бўлиб, тасаввуф адабиётида у зот комил инсон сифатида талқин қилинади.¹

Ўшдан тўғри Қашқарга ўтган Бобораҳим Офокхожа остонасига шундай муножот билан кириб келган:

*Даргоҳингга бир оғжизу афғор келибман,
Арзи дилимни айтмак учун зор келибман.*

*Йўқтур илгимда санга бир тухфае лойиқ,
Жуз зилли гунаҳ эл ичида хор келибман.*

*Рад қилма қабул айлаки шармандалигимдин,
Расвою сари кўчаву бозор келибман.*

*Бозори жаҳон ичра ўшал шаҳри адамдин,
Жон нақди била санга ҳаридор келибман.*

*Лутф ила карам айлаву дардимга даво қил,
Дармон тилабон соҳиби озор келибман.*

*Зор ила тавалло қиладур хаста бу Машраб,
Оч парданиким, толиби дийдор келибман.*²

Бобораҳим Машраб номини Офокхожа кўйган: «Эй сўфийлар, сизлар гувоҳ бўлинглар, бу девонани отини Машраб кўйдим». Фикр аён: Машраб Офокхожа хузурига келгунга қадар ИЛМИ ҚОЛДАН воқиф этди. У учун Илми қол ИЛМИ ҚОЛ олдида бир касб этди. «Илми қол» далиллаши осон, ақлий ҳужжатлар асосига таянган дунёвий илмлар жами, ИЛМИ ҚОЛ эса шундаки, худди Рух сингари уни ҳам изоҳлаб, тушунтириб шу туйғу сабабли Машраб «валийи модаризод», яъни ОНАДАН ТУҒМА ВАЛИ номига сазовор бўлган. Офокхожа Машрабнинг кифтига қоққанларида унинг БЕҲУШ йиқилиши – бу шоирнинг орифлигидан далолат беради. Яъни худди шу ўринда Машраб ҚОЛнинг МУШОҲАДА мартабасига етганди. Умуман Машраб тайёр солиқ эди. Энди фақат унинг дил хумига дамо-дам ишқ шаробини куйиб турувчи ПИР лозим эди. Бу иш Офокхожа зиммасига тушди.³

Шоҳ Машраб ўз ҳолини кўрдик, ҳолати ўзгачадур. Билдик, илми ҳолни олдида илми қол бир касб, анга лойиқ бир ғазални ўқудилар:

*Даъвийи ишқ этгани Мажнуни бенаво керак,
Ўзини хоксор этиб, дарбадари гадо керак.*

*Шому саҳар фигон этиб, ёр висолини тилаб,
Тун кечаларда уйғониб, ёш тўқубон дуо керак.*

*Жаҳду жадал бугун, эртани кечга қўймагил,
Орифи Ҳақ бўлай десанг Адҳами бо сафо керак.*

*Чиқти расул мақом ошиб Жаброил эргашолмади,
Яъни бу сирни билгани орифи мунтаҳо керак.*⁴

Машраб Офокхожа хузурида уч йил ўтин, уч йил мешқда сув ташиди ва яна бир йил эшигида кўрикчилик қилди. «Бу етти йилда бир пўстун кийдилар, ёзда чармини, қиш бўлса юнгини кияр эдилар:

*Эй, биродарлар кийибман бир кийими етти йил,
Бас, машаққат тортмагунча лойиқи дийдор эмас».*¹

¹ Абдумалик Ёқуб. «Мақбули ҳидоят бўлайин деб гуноҳ этгим». 280-бет.

² Қиссан Машраб. 30-бет.

³ Абдумалик Ёқуб. «Мақбули ҳидоят бўлайин деб гуноҳ этгим». 281-бет.

⁴ Қиссан Машраб. 33-бет.

Бу Машрабнинг Офокхожа кўлида тасаввуфнинг амалий босқичларини босиб ўтганидан далолат беради.

Абдумалик Ёқуб таҳлилни жуда чуқур қилгани ҳолда тасаввуфдаги дийдор, фано, йўқотиш, топиш, жамол, эътибор истилоҳларининг маъносини шарҳлаб беради.

Айтишларича, Машраб пирдан икки маротаба илтифот кўрмаган. Бундан Машрабнинг кўнгилларига дард килиб, ўзларига айдиларки: «Эй Машраб, бу даргоҳга келгонингга етти йил бўлди, пиринг бир йўл Машраб деди, яна бир йўл Машраб десалар, ишинг тамом бўлур эди, кел энди бир гуноҳ қилғил, Худойи таоло бегуноҳни сўрамас экан, шоядки гуноҳ қилсам гуноҳкорни сўрсалар керак. Шоядки, шу туфайлидин пирим айтсалар элтинглар бу Машрабни осинглар десалар, «ўлсам армоним йўқ эрди».² Бу ўринда қизиқ бир ҳикмат дарж бўлган: Ошиқ Маъшуқи ишқида ёнар экан, унга икки оламнинг ҳеч бир мукофоти керак эмас. У ҳатто гуноҳ қилишдан ҳам қайтмайди. Сабаби «Худо гуноҳкорни жазолайди» дейди шариат аҳли. Бироқ ошиқ Маъшуқи жазосидан завқланади. Жазога лойиқми, демак у эътиборга тушибди. Ошиққа худди мана шу нуқта керак: у бир лаҳза бўлса ҳам Дийдорга мушарраф бўлсин. Машраб яна пири кўлида ўлишни Шараф деб билади. Чунки у вужудан ўлган, фақат Руҳ борлигига эга. Руҳ борлигида яшашни изоҳлаб ёки тушунтириб бўлмайди. Уни фақат ҳис этиш мумкин. Буни Фано деб аташади. Шу сабаб Пир кўлида жисмоний ўлиш Машраб учун ҳеч нарса эмас. Бу кўплар учун йўқотиш бўлиб туюлиши мумкин, аммо Машраб учун бу – топишдир. Айнан мана шу асос сабаб ҳазратнинг канизагининг ишқига Машраб лутф билан жавоб беради. Негаки Машраб канизақда Мутлоқ маъшук Жамолининг зухурини кўрганди. Бу воқеадан хабар топган Пир «қизил либос кийиб, шамшири бараҳна бирла (Машрабга) рўбарў келди». Аммо Машраб Пирига қарата дейди:

*Девонадурман шамъи шарар жилва санамга,
Қурбон бўлай оташкадайи шувъла адамга.*

*Зебо санамим бода ичиб, юзни қизортириб,
Ут қўйди паризоди гулистони Эрамга.*

*Бир ҳу чекибон Лайлини Мажнун қилаёздим,
Девоналигим шона эрур зулфи санамга.*

*Жоним қиличин остида бетоблиг этти,
Ишқида бу жоним берайин қоши қаламга.*

*Машраб на балодур ишкани туррайи кокил,
Барбод этадур кишваридин ушбу ҳашамга.³*

«Бир ҳу чекибон Лайлини Мажнун қилаёздим» моҳиятини биз тадқиқотимизнинг бошқа ўрнида муфассал шарҳлашга ҳаракат қиламиз.

Демак, Машраб ҳам гуноҳни шунчаки хоҳиш этмайди, балки, бунда у таъкидлаш лозимки, Маъшуқанинг эътиборини кўради. Эътибор бу Васлга қадам. Булардан сўнг бизга Машраб сатрининг маъноси бир мунча ойдинлашади. Ички ҳурлик Машраб наздида, Мутлоқ руҳига қовушиш учун йўлдир. У ҳам Ҳаллож сингари руҳини Мутлоқ руҳга мансуб деб билади ва «руҳи нотика» тилидан сўйлайди.

Пир Офокхожа Машраб гарданидаги томирни қизиган муҳри билан кўйдириб ташлаган ва Машраб уни ҳидоят деб атаган. Машраб нафси амморани енгиб, у «руҳи нотика» билан қолган ва унда нафсоний хоҳиш қолмаган, энди унга икки олам сири-асрори маълум бўлиб, авлиёлик мақомига етишган. Афсуски, чаламуллалар, Офокхожа канизақ учун Машрабдан ўч олди дегувчилар, хозирда ҳам учраб туриши таассуфлидир.

Шарқшунос Илёсхон Ғозий яқин ўтмишдаги шу каби ҳолатлар ҳақида кўйидаги фикрни келтиради: «Шундай даврлар бўлдики, замонасоз олимлар ташаббуси билан марксча-ленинча методологияга асосланиб Жомий ва Навоийга ўхшаган суяклари тасаввуф таълимоти билан қотган ҳазратларнинг кўлларига салкам қизил байроқ тутқазилиб, «бизники» деб эълон қилиндилар, қолган шу тоифа зотлар эса уларга қарама-қарши қўйилиб, қораланиб, руҳлари чиркиратилди. Бобораҳим Машраб эса тасаввуфнинг буюк сиймоси

¹ Қиссан Машраб, 34-бет.

² Қиссан Машраб, 34-бет.

³ Қиссан Машраб, 36-бет.

бўлатуриб, ғазаллари буткул ғайри маъноларда, яъни мажозий ғазал, ишқини эса мажозий ишқ, деб тушунтириб келинди. Лекин бу улуғ сиймонинг тамоми вужуди ҳақиқий ишққа, яъни Худо ишқига мубтало эди».¹

Машрабшунос олим Исматуллоҳ Абдуллоҳ шоирни отаси мулло Бозор охундникига олиб бориши, у ерда тасаввуфий илмларни эгаллаши, Ҳофиз ва Румий шеърлятига кизиқиши, бу унинг тасаввуф асарлари ёзишга ундагани ҳақида куйидаги фикрларни келтирган: «Ўғлидаги кучли истеъдодни сезган Валибобо ёш Машрабни ўша вақтда Фарғона водийси сўфийларининг раҳнамози бўлган наманганлик машхур эшон Домулло Бозор охундга (вафоти 1668) олиб бориб топширди. Эшон Машрабни ягона Аллоҳга эътиқод, дунё ҳаётидан воз кечиш руҳида тасаввуфнинг қонун-қоидалари асосида тарбиялади. Шоир унинг кўлида араб тили, адабиёти, Куръон, ҳадисларни ва тасаввуф адабиётини чуқур ўрганди. У ўзбек, араб ва форсий тилдаги адабиётни мукамал эгаллади. Машраб машхур Эрон шори Хўжа Ҳофиз (1325-1389) ижодига кизиқиб, шеърларидан ёдлаб олар ва куйлаб юрарди. Машрабнинг яна бир севган шоири машхур Жалолиддин Румийдир. Унинг «Маснавий Румий»си шоир ижодида жуда катта из қолдирди ва кейинчалик «Мабдаи нур» асарининг ёзилишига сабаб бўлди».²

Машрабдаги илмга, айниқса тасаввуфга бўлган чуқур муҳаббат ва иштиёқни сезган Бозор охунд шоир ўз тасаввуфий илмини тўла камолотга етказишини истаб, уни 15 ёшида янада машхур ва заковатли эшон Офокхожа хузурига Қашқарга юборади. Исматуллоҳ Абдуллоҳ Машрабни 15 ёшида Қашқарга кетганлигини айтган йўқ, Машраб тахминан 24-25 ёшларида Офокхожа даргоҳига борган. Мана шу даврдан то умрининг охиригача Машраб ҳаётида сарсон-саргардонлик йиллари бошланди. Етти йиллик оғир тайёргарлик, ўзининг жисмоний ва руҳий қобилятини чиниқтириш туфайли Машрабга тасаввуфий жозибалик сингиб борди. У тасаввуф илмини тўла эгаллади. Офокхожа даргоҳида унинг кўплаб муридлари мухлислари бўлган.³

Адабиётшунос А. Абдуғафуров Машрабнинг тасаввуфий қарашлари ва унинг ижодига мутасаввуфлар таъсири ҳақида сўз юритиб куйидаги фикрни келтирган: «Машраб ижоди, шеърляти ўз даврида кенг тарқалган тасаввуф руҳи билан чуқур суғорилгандир. Бу жиҳатдан унинг қаламига мансуб бўлган «Мабдаи нур» ва «Кимё» асарлари ниҳоятда таҳсинга лойиқдир. Тасаввуфий-ахлоқий йўналишда ёзилган бу асарлар шоир дунёқарашини ўрганишда, уларнинг ғоявий йўналишини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Машраб «Мабдаи нур»да ўздан аввал бутун мусулмон мамлакатларида ўтган машхур мутасаввуф, авлиё, пир-муршидлар номини фахр билан тилга олади, улар йўлини ҳақ йўл деб билади, улар фикрларини тарғиб ва ташвиқ қилади. У ислом оламида машхур бўлган Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож, Абдулқодир Жийлоний, Жунайид ал-Бағдодий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Хожа Ансорий, Баҳоуддин Нақшбанд каби машхур мутасаввуфларни зўр ҳурмат билан тилга олади».⁴

Бобораҳим Машраб ғазалларида эҳтиром билан тилга олган улуғ мутасаввуфларнинг тасаввуфий таълимотлари ислом дини Шарқ оламида ёйилгандан кейин адолатсизлик, зулм, муҳтожлик, қашшоқликнинг кучайишига қарши оловланиб кетиши натижасида шаклланди, ривожланди. VII-XI асрларда, аниқса, араб диёрида тасаввуф тезлик билан ривожланди. Увайс Қараний, Ҳасан Басрий, Робиа Адавия, Иброҳим Адҳам, Боязид Тафур ал-Бистомий, Абубакр Шиблий, Абдумансур ал-Ҳусайн ал-Ҳаллож каби мутасаввуфлар майдонга келди. Натижада тасаввуф араб оламида кенг тарқалиб, сўнг Хуросон ва Мавороуннаҳрга ислом дини билан бирга кириб келди. Бунинг натижаси ўлароқ, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Низомий, Ҳисрав Дехлавий, Аҳмад Яссавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Сўфи Оллоҳёр, Бобораҳим Машраб каби жаҳоний мутафаккирлар етишиб чиқди. Бу мутасаввуфларнинг яратган илмий-бадний асарлари, дoston ва ғазалларини кўздан кечирсангиз, улар тасаввуфдан четга чиқмаслик учун «Куръон» ва Муҳаммад с. а. в ҳадисларидан четга чиқмаслик лозим⁵, деб уқтирадилар.

¹ Илёсхон Ғозий. Махдуми Аъзам Имом ал-Косоний. 96-бет.

² Исматуллоҳ Абдуллоҳ «Мабдаи нур»га сўзбоши. 6-бет.

³ Ўша манба. 6-бет.

⁴ А. Абдуғафуров. Буюк сиймолар, алломалар. 51-бет.

⁵ Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. «Шарқ», Тошкент, 2004, 191-бет.

Машойихлар ўзларини пайғамбарларнинг маънавий меросхўрлари деб ҳисоблайдилар. Машрабнинг пири Офокхожа тасаввуф мактаби ана шундай меросхўрларни – Машраб каби «Қутб ул-ақтов»ларни етказиб берди ва юқорида номлари зикр этилган мутасаввуфларнинг тасаввуфий қарашларини Шарқ оламида ёйилишига катта ҳисса қўшдилар. Уларнинг таълимотлари энди башарият мулкига айланиб бормоқда. Чунки дунё, ислом оламини қайтадан кашф этаётган, ислом уйғониши юксалаётган, Шарқ фалсафаси жаҳонга чиқаётган даврда башарият уларнинг таълимот ва ғояларига эҳтиёж сезади.

Ж. Юсупов Машраб шеъриятининг такомиллида туркий ва форсийзабон мутафаккирларнинг таъсири катта эканлигига, шунингдек, у улуг мутасаввуф ижодкорларга эргашганлигини, хусусан унинг шеърияти Ҳофиз шеъриятига уйғунлигини таъкидлаган: «Раҳимбобо Машрабнинг шеърият борасида туркий ва форсийзабон халқлар орасида маълум ва машҳур мақоматга эришувларида ўтмиш ва замондош ижод аҳлининг адабий таъсирлари каттадир. Дейиш мумкинки, Машрабнинг шеъриятдаги такомилларида Аҳмад Яссавий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Саъдий ва Ҳофиз Шерозийлар, Саййид Имомиддин Насимий, Лутфий, Жомий, Навоий, Фузулий, Машриқий, Мирзо Бедил, Сўфи Оллоҳёр каби шоирлар муаллими соний – иккинчи муаллим вазифасини ўтаганлар. Машраб шеъриятида бу буюк мутафаккирларга эргашиб, уларнинг ғазалиётларидан таъсирланиш натижасида юзага келган татаббўълар, назиралар жуда кўп учрайди.

Машрабнинг форсийда ёзган ғазаллари услуб ва бадиий жиҳатлари билан Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий ва Абдурахмон Жомий шеърларига яқин туради. Айниқса, Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний «Тасавуф ва инсон» номли китобларида қайд этганларидек, Машрабнинг форсийда ёзган ғазаллари мазмунан ва тилининг раванлиги ҳамда ўйноқчилиги билан Ҳофиз шеъриятини эслатади».¹

Тасаввуф илмининг нуқтадон орифларидан бири, шубҳасиз Нажмиддин Комиловдир. Н. Комилов Шарқ тасаввуф тарихини, улуг мутасаввуф алломаларининг тасаввуфий ғояларини, комил инсон ҳақидаги фикрларини теран таҳлил этган олимдир. Олимнинг Машраб жазбаси ҳақида «Қамоли Нури раҳматман» илмий тадқиқий мақоласи улуг шоир ва мутафаккирнинг тасаввуфий қарашларини ёритиб берувчи қимматли ишлардан бири деса бўлади. Н. Комилов Машраб Шарқ тасаввуф назарияси, таълимотига улкан ҳисса қўшган улуг мутасаввуфлар ҳаёти ва ижодини ўрганганлигини, уларнинг ишқ ҳақидаги дунёқарашини, ҳамма нарса сўнса-да, эскирса-да, аммо яратганга бўлган ишқ янада сайқал топиб, чексиз, чегарасиз инсонни яхшиликка, истиқболга чорлаб, қалбларни янгилаб туришлигини таъкидлаб ёзади: Машраб шеъриятини синчиклаб мутоала қилинса, илоҳнинг ўзи муҳаббат, унинг учқунлари, зарралари олам узра таралган, билим ҳам, маърифат ва ҳикмат ҳам, дину эътиқод ҳам Ишқ туфайлидир. Ишқ Исони кўкка кўтарди, Мусони Тур тоғига чиқариб дийдор талаб қилди, исломни жорий этиб, Расулulloҳни меърож туни Парвардигор ҳузурига етаклади. Машраб шеърларида Вомиқ, Мажнун, Фарход, Боязид, Шиблий, Шамс Табризий, Аттор, Баҳоуддин Нақшбанд, Иброҳим Адҳам, Мансур Ҳаллож номлари тилга олинади. Булар бу ишқ сипоҳийлари илоҳий нур парвоналари сифатида таърифланади. Бари Машраб қавмидан ажойиб муқаддас силсила! Илоҳиёт олами беҳудуд, чексиз бўлганидай ишқ ҳам чегарасиз, унинг ўтмиши, мозийси йўқ, у доим истиқболдир. Ақллар қарийди, жисмлар эскиради, ҳислар сўнади, аммо ишқ ҳамма вақт навқирон, Ҳақиқат ва эзуликнинг ўзидай абадий. Шунинг учун шоир бемалол: «Намозу рўзадан кечкил, муҳаббатга бота кўргил» деб айтар экан, қанчадан-қанча донишмандлар, уламову аъламларга кулги бўлган ўз қавми – «девоналар» аслида орифларнинг орифи эканини фахр билан таъкидлаб ўтади. Мутлақиятга восил бу руҳ соҳиби бошини Мансур каби дорга тутишга рози.²

Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний «Ваҳдат уммонининг ғаввоси» илмий мақоласида Машрабнинг тасаввуфий қарашларини таҳлил этган. Шу хусусда филология фанлари доктори, профессор А. Маннонов шундай дейди: «Машҳур ўзбек шоири Бобораҳим Машрабнинг тасаввуфий қарашлари борасидаги А. Жўзжоний изланишлари ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Маълумки, шоир Машраб, унинг шеърияти борасида талайгина

¹ Ж. Юсупов. Сўзбоши. Машраб. Девон, 2006. 20-бет.

² Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Иккинчи китоб. Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат ҳамда «Ўзбекистон» нашриётлари. Тошкент, 1999, 138-139-бетлар.

тадқиқотлар, монографик ишлар мавжуд. Аммо уларнинг аксарияти совет даврида ёзилганлиги учун шоир ижодида, дунёқарашда асосий ўринни тасаввуфий қарашлари хусусиятлари ҳақида диққатга сазовор ишлар жуда камёб, борларида ҳам чалкашликлар кўп. Хусусан, Машрабнинг «вахдат ул вужуд» тушунчаси билан боғлиқ қарашлари хануз фанда тўлиқ ва рўйи рост очилган эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда А. Жўзжонийнинг Машрабнинг «вахдат ул-вужуд» фалсафаси ва унинг марказида турган инсон ҳақидаги фикрлари янгиликдир».¹

Машраб барча «Вахдатул-вужуд» сўфийлардек бутун коинотда фақат битта ҳақиқат, битта ҳақиқий Махбуб – ягона яратувчини кўради. Бу йўлда қаъба ва бутхона фаркига бормайди. Қаъбага қараб йўл олган ва ҳаммаси, ўша ягона ҳақиқатни излайдилар. Шунинг учун ҳам унинг кофирлиги ёки мусулмонлигига кўнгил боғламаслик керак, негаки у азалдан «Анал-ҳақ» айтиб келган, шу сабабли унинг ишқ соғарида ҳар доим Мансур қони май ўрнида мавж уриб туради:

*Анал-ҳақгуйи ижодам, тажаллий-парвари ишқам,
Мудом аз хўни Мансурам майи дар соғари ишқам.*

*На аз куфрам таманной, на аз исломам уммидий,
Надонам қаъба-у бутхона аз ҳам, кофири ишқам.*

Бобораҳим Машраб Мансур Ҳаллож осилган дорни орзу этиб, худди шундай жазога мустаҳиқ бўлишни хоҳлаган. Чунки у Ҳаллож ўлимида Ҳақ билан бирлашиб кетиш ғоясини кўради.

Жаҳон маданияти тарихида улуғ кишилар бошидан ўтган фожиалар жуда кўп эди. Халилнинг ўтга ташлаб, Зикриённинг арралаб ўлдирилиши, Насимийнинг териси шилиниб олиниши, Мансур Ҳаллож ва Бобораҳим Машрабнинг дорга осилиши ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундай даҳшатли фожиалар маърифатпарвар кишиларнинг ўзлари яшаб турган жамият ва ижтимоий тузумга бўлган муросасизликларининг натижаси эди.

Хусайн Мансур Ҳаллож тақдиридаги муҳим воқеалар замонасининг олимлари диққатидан четда қолмаган эди. Жумладан, Абдулла Ансорийнинг «Манозил уссоирин», Фаридидин Атторнинг «Тазкиратул авлиё», Абдурахмон Жомийнинг «Нафоҳотул – унс», Алишер Навоийнинг «Насойимул муҳаббат» асарларида Мансур Ҳалложга оид маълумотлар алоҳида ўрин олган.²

Хусайн Мансур Ҳалложнинг куняси Абулғайс араб ёки бошқа Байзодан эмас, балки айни форс Байзосидан эканлиги, шу билан унинг Ҳаллож касбига (пахтани чигитдан ажратувчи) мутлақ алоқаси бўлмай балки дўсти туфайли унга Ҳаллож лақаби кўйилганлигини уқтириб ўтади. Бу лақаб унга тобе бўлиб қолган.

Эронлик бўлган Ҳаллож, тасаввуф тарихида кўп шов-шувларга сабаб бўлган шахсиятдир. Тасаввуф илмини Тустарий, Амр ибн Усмон ал Маккий, Жунайд Бағдодий ва бошқа сўфийлардан ўрганган. Ирок, Хуросон, Сижистон, Мовароуннаҳр ва Ҳиндистонни кезиб, кўпчилик билан танишган. Бошқаларга нисбатан табиати жўшқинроқ бўлиб, ўз фикрларини ошкор айтаверарди. «Ҳақиқати Муҳаммадия»нинг азалий бўлиб, оламнинг яратилишига сабаб-восита бўлгани, илоҳий зотнинг, башарий зотга, яъни Лоҳутнинг Носитга айланиши ва барча динларнинг ягона манбага таяниши ҳақидаги фикрларни олға суради. Ўз қарашларини «Девон» ва «Китобут тавосин» асарларида баён қилган. Унинг фикрлари «илоҳий ишқ» ва «вахдату вужуд» назарияларининг шаклланишига анча таъсир кўрсатган. Ошқора айтаверадиган фикрлари туфайли зоҳирий уламоларнинггина кескин ҳужумларига учраб қолмай, баъзи тасаввуф аҳлининг ҳам танқидига сабаб бўлди. Шундай бўлса-да, сўфийларнинг аксарият қисми унга тарафдор бўлганлар. Уни танқид қилган сўфийлар «илоҳий сирни фош этиш»да айбланганлар. Баъзи сўфийларнинг фикрича, тавҳид дарахтини Боязид Бистомий эккан бўлса, Ҳаллож уни қони билан суғорган. Ҳалложнинг «Анал-ҳақ» сўзи фожевий равишда қатл қилинишига сабаб бўлди. Франциялик шарқшунос Луиз Массиссон, Ҳаллож мавзусида кўп тадқиқотлар олиб бориб, бир қанча асарларни чоп эттирди.³

¹ А. Маннонов. «Тасаввуф ва инсон» китоби ҳақида. А. Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. 189-бет.

² Ҳамидхон Исломов. Алишер Навоийнинг «Насойимул муҳаббат» асарида Мансур Ҳаллож. Адабий Мерос. 1988, 4-сон, 18-бет.

³ Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. 55-бет.

Тасаввуф олими Иброҳим Ҳаққул Мансур Ҳаллож ва Бобораҳим Машраб ўртасидаги муносабатда «Анал-ҳақ»лик даъвосини Машраб тафаккурида қай усулда кечганлигини шундай ифодалайди: «Ривоят борки, Мансур Ҳаллож ҳибсда экан, бир куни Имом Шиблий унинг ёнига келиб: «Эй Мансур, севги-муҳаббатинг недур?» – деб сўрабди. «Бугун сўрама, эртага келгил»- дебди Мансур. Эртаси уни қатл этмоқ учун зиндондан чиқариб бир майдонга олиб борибдилар. Шу пайт унинг ёнига етиб келган Шиблийга у дебди: «Эй Шиблий, севги-муҳаббатнинг аввали ёнмоқ, охири дорга осилмоқликдир». Балки, Шарқ ошиқлари ва шоирлари ўртасида дорни севиш ишқда аввал ёниб, кейин дорни бошга тикиш орзуси ана шу кундан бошлангандир. Машрабнинг «Минг «Анал-ҳақ» келадур Мансур осилган дордин» деган сўзлари ушбу даъвонинг бир исботи эмасми?»¹

Аҳмад Яссавий ҳам ишқда ёнишни дор қувончи ила уйғунликда талқин этади. Ва масалани гўё янада кескинроқ, янада қатъий тарзда ўртага қўйиб дейди:

*«Ло-ло» дегил, олам сени кофир десун,
Кофир дебон Мансур сифат дорга оссун,
Бошинг бергил, дийдоринг Ҳақ кўрсатсун,
Бошин берган Ҳақ дийдорин кўрар эмиш.*

Мансур Ҳаллож, Имомиддин Насимий «Ваҳдат» фалсафаси йўлининг қурбонлари бўлиб, Машраб нутқли назаридан порлоқ сиймолар ва ортга чекинмас қаҳрамонлар сифатида гавдаланиб турадилар. Машраб уларга нисбатан чуқур ҳурмат, чексиз муҳаббат билдириб, ўз тақдирини улар билан боғлайди ва Мансурга қўшилгани учун худога шукрлар қилади.²

Ҳаллож ҳол ва «илҳом масаласида» қатл қилинганди. Бу «анга жавр эди». Чунки у руҳоний юксалиш ва висол шавқи ила «Анал-Ҳақ» деганди. Хужжатул ислом Имом Ғазолий сўзлари билан шарҳланганда, Ҳалложнинг «назаридан Аллоҳдан бошқа барча борлиқ фоний. Йўқликка маҳкум ва ботил эди. Бу қадар юксак бир мартабага кўтарилган Ҳаллож Аллоҳнинг ёлғиз бир исми бўлмиш Ҳақ эди. Бу қадар юксак бир мартабага кўтарилган Ҳаллож Аллоҳнинг ёлғиз бир исми бўлмиш Ҳақ – мавжуд калимасини билур, ҳатто ўзини исмини ҳам хотирлай олмасди.³

Ҳалложнинг «Анал-Ҳақ»ида ҳурлик, руҳий шижоат ва инсоннинг мислсиз улуғлигидан ташқари, Эрих Фромм айтганидек, «инсон Худога муҳтож бўлгани каби, Худо ҳам инсонга муҳтож деган ғоядан» чуқур илҳомланиш ҳам ифодасини топган. Чунки сўфийлар жумладан, Мансур Ҳаллож ҳам, Ҳақнинг зоҳири – халқ, халқнинг ботини – ҳақ, деган машҳур тушунча доирасидан четга чиқишмаган.⁴

Ҳаллож на худолик, на пайғамбарлик даъвоси ила майдонга чиқмаган, балки «Мен доимий мавжудман, Ҳақнинг мавжудлиги абадий бўлганидек, фанофиллоҳ саодатига етишган ошиқнинг умри ҳам боқийдур», деган тушунчада устувор турган дейишга тўғри келади. Ва Аҳмад Яссавийнинг:

*Билмадилар муллолар «Анал-Ҳақ»нинг маъносин,
Қол аҳлига ҳол илмин Ҳақ кўрмади муносиб,*

деган танқид ва танбеҳ сўзлари ҳам ҳеч қачон кучини йўқотмай, халқу-халойиқни хушёрлик ва руҳий бедорликка чорлашга давом этаверади.

Илм икки тоифага бўлинади. Ҳол илми туғма салоҳиятдир. Мазкур фан инсон жавҳарларида мужассам бўлиб, улар ҳиссиёт воситасида дунё асрорларини англаб етади. Аксарият шайхлар шундай илмга эга бўлишган.

Иккинчи илм — қол илми. Бунда китоб ўқиб фан асосларини эгаллайдилар. Шу аснода ҳол аҳли ва қол аҳли улкан ҳақиқатларни қабул қилолмайдилар.⁵

Алалхусус, тариқат пирлари олий мақомдаги илмни сир сақлашликка буюрганлар. Чунончи, Мансур Ҳалложнинг устози Абу Амр Усмон Маккий шогирдларига ўша сир-асрорни пинҳон тутишни уқтирар эди.

¹ Иброҳим Ҳаққул. Ирфон ва идрок. «Маънавият». Тошкент, 1998, 8-бет.

² Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. 144-бет.

³ Иброҳим Ҳаққул. Ирфон ва Идрок. 9-бет.

⁴ Ўша манба, 13-бет.

⁵ Баҳром Рўзимухаммад. Буюк шахслар силсиласи. «Маърифат», 2002, 11 декабрь.

Али бин Усмон ал-Ғазнавийнинг «Кашфул-махжуб» асарида Ҳаллоҷ таълимотига боғлиқ масалаларнинг ўз замонида халқ орасида катта шуҳрат қозонганлиги кўрсатилган. Бу асарни Шарқда фан сифатида қабул қилганини Навоий қайд қилиб ўтади. Навоий Мансур Ҳаллоҷ қатлига боғлиқ уч сабабни кўрсатиб ўтади: «... Ул имомдур барча элга деди ва зайфга ҳамла қилди ва шорих рисояти қилмади». Бу Ҳаллоҷ қатлига биринчи сабаб эди. Иккинчиси: «Шайх Шибли дебдурки улча ул дер, мен ҳам дерман, аммо мени телбалик кутқарди ва ани ақл гирифтор қилди. Ул бир кун Жунайднинг эшигин қокди. Жунайд сўрдики, ким сен? Дедиким Ҳақ. Жунайд дедиким ҳақ эмассан, аммо ҳақ ила сен қайси дор йиғочини сенинг била боғлагайлар». ¹ Е. Э. Бертельс эса ушбу фактда келтирилган аналҳақ билангина мулоҳаза юритади. Алишер Навоий яна бир асосий сабабни Ҳусайн Мансур Ҳаллоҷнинг устози ҳукм сифатида келтиради. «Устози Абу Амр ибн Усмон Макки жузва тасниф қилиб эрди. Тавҳидда ва бу тоифанинг илмида. Ва сўз дақиқ эрди ва ёширур эрди. Ул ёшурун осиб, они ошқор қилди ва сўзнинг диққати жиҳатидин эл фаҳм қилмай анга мункир бўлдилар ва маҳжур қилдилар. Ул Ҳаллоҷни қарғадиким, илоҳий бировни анга гузорлаким илк – оёғин кесгай ва кўзин ўйғай ва дорға тортқай» ва барча анга воқе бўлдилар устоди дуоси била»²

Мансур Ҳаллоҷ халқ ва жамият учун маърифатпарвар инсон, даврнинг етук билимдони, машҳур арбоб сифатида маълум эди. Навоий Ҳаллоҷнинг айни замонда Шарқнинг машҳур билимдонлари, буюк кишилари Жунайд Бағдодий, Абу Ҳусайн Нурийлар билан суҳбат тутганлиги тўғрисида, баъзилар эса Ҳаллоҷни ўзига устоз тутганини ҳам ёзиб қолдирган. Фаридиддин Аттор баёзида шундай ёзади: «Фаридиддин Аттор Нишопурий алар шайх Маждиддин Бағдодийнинг муридидурлар ва «Тазкиратул-авлиё» китобиким аларнинг мусаннофатидиндур. Анинг дебочасида ўзларининг шайх Маждиддинга иродатларин изҳор қилибтурлар ва баъзи дебтурларки, Увайсий экандурлар ва Мавлона Жалолиддин Румий сўзларида мазкурдирки, шайх Мансур Ҳаллоҷ Нурий юз эллик йилдан сўнгра Фаридиддин Аттор руҳига тажалли қилди ва анинг мураббийси бўлибдур». ³ Ушбу фактда ғойиб устоз эканлиги кўрсатилиб, «Увайсий» деб аталган сабабини алоҳида уқтириб ўтади. Навоийдек буюк мутафаккир «Мағрибдан Машрикқача онингдек йўқ эрди» бўлган Мансур Ҳаллоҷдек буюк билимдон Имом шаънига Иброҳим Ҳаққул Навоий ортиқча мақтов сўзлар айтмаганини таъкидлаган.

Араб олими Абул Аъло Афибий ёзади: «Л. Массиган «Анал-Ҳақ»ни «мен яратувчи ҳақман» дея таржима қилишни мувофиқ кўрса-да, мен уни «Мен Ҳақнинг сувратиман». Яъни «Мен Ҳақнинг зуҳурлангани хорижий мазҳаридурман, бу мазҳар ила Ҳақ билинур ва унинг воситасида Ҳақнинг жалол ва жамоли намоён бўлур», дея изоҳлайман»⁴, — дейди.

Ҳаллоҷнинг «Анал-Ҳақ» даъвоси учун Бағдоднинг обрўли қозилари уни ўлимга – қатлига фатво беришган. Бағдод вазири Ҳамид ва моликия мазҳаби қозиси Абу Умар Юсуф, давлат аркони арбобларининг кистови билан шошилиш равишда исломдаги барча тўрт ақидавий-ҳуқуқий мазҳабларининг қозилари иштирокида фавқуллода олий суд чақиради ва улардан Ҳаллоҷни қатл қилишга фатво беришларини сўрайди.

Ҳайратланарли томони шундаки, судга шофееъий ва ханбалия мазҳаблари бош қозилари келишмаган, ханафийя мазҳаби қозиси эса келган бўлса-да, Ҳаллоҷнинг қатлига фатво бермаган, аммо сотиб олинган ханафия мазҳаби қозисининг ўринбосари қатл тўғрисидаги ҳукмга фатво берган. ⁵

Навоий ориф, доно ва билимдон сўфий Мансур Ҳаллоҷ ўлими ҳақида: «Ҳамул тарих ул деганларни барчасин анга қилдилар» иборасида Ҳаллоҷнинг оёқ-қўлларини кесиб, кўзини ўйиб, дорға осгандан кейин, унинг танасини кўйдирган, қўлини кўкка совурганлиги ҳақида фикрини келтирган.

Мансур Ҳаллоҷ ўлдирилган тарихий сана мелодий 922 йил 21 март кунига тўғри келади.

Ҳаллоҷнинг ҳолатини ҳақиқатга яқин тушунтирганлардан бири Жалолиддин Румий бўлиб, у Ҳаллоҷни куфр ва бидъатда айблаб, қатлга ҳукм қилганлари тўғрисида ўзининг

¹ Алишер Навоий. Насойимул муҳаббат. 106-бет.

² Алишер Навоий. Насойимул муҳаббат. 107-бет.

³ Ўша манба, 106-бет.

⁴ Иброҳим Ҳаққул. Ирфон ва идрок. 13-бет.

⁵ Абдуқодир Зоҳидов. Мансур Ҳаллоҷ. «Фан ва турмуш» 1991, 4-сон, 23-бет.

«Маънавий маснавий»сида шундай деган эди: «Баъзилар буни бекиёс даъво деб биладилар, аммо «Ҳақ — менман» ифодаси аксинча улуғ бир таслимни билдиради. Агар одам, «Худонинг кулиман» деса, бу билан у ўзининг нафси («мени») ва худо борлигини эътироф этади. «Худо менман» дегани эса айни пайтда: «Мен ғойибман. У(худо) бутун борликдир, худодан бошқа ҳеч нарса йўқ, мен-соф — йўқликдирман, мен — ҳечдирман» деб айтилгандир.¹ А. Зоҳидов Ҳалложнинг ғоясини келтирган: пешона икки зулф оралигида илоҳий суҳбатлар нури бордур; кулоқларда — нури яқин (ишонч) бордур; тилда — яққолик нури бордур; кўкракда — нури эътиқод бордур.²

Ҳаллождан сўнг унинг Ҳайкал деган шогирдини ҳам қатл қилишди. Бу каби ваҳшиёна жазо усулини, умуман, сўзни тор миқёсда тушунишни Аҳмад Яссавий, Машраб, айникса, Мавлоно Жалолиддин Румий қаттиқ қоралаганлар.

Мансурнинг ўлдирилиши унинг ғоялари кенгроқ ёйилишига сабаб бўлди, унинг тарафдорлари кўпайди. Мансурнинг фожиали тақдири, фавқулодда жасоратли ғоялари Машрабни қаттиқ ҳаяжонга солади. Шоир қайта-қайта ўзини Мансурга киёс этади, унга ҳаваси келади ва ўз умрининг ҳам охир-оқибатида Мансурникидай яқунланишини олдиндан башорат этгандай бўлади:

*Ҳар кишининг дарди бўлса йиғласун ёр олдида,
Қолмасун армон юракда, этсун изҳор олдида.*

*Андалиби бенаводек нолаву афгон ила,
Айланиб сайраб юрарман айни гулзор олдида.*

*Мансури Ҳаллождек ичиб шаробан антаҳур,
Чарх уриб йиглаб турарман ушбу дам дор олдида.*

*Ҳар киши бир журъае нўш айласа бул бодадин,
Ул қиёматда қилур арзини Жаббор олдида.*

*Телба Машраб, қилмагил сиррингни зоҳидга аён,
Айтиб-айтиб йиглагайсан, ошиқи зор олдида.³*

Жалолиддин Румийнинг эътирофича, Мансур руҳи юз йилдан кейин Аттор руҳига нузул этган бўлса, агар бу фикрни давом эттириш зарур бўлса, Мансур Ҳаллож руҳи Фаридиддин Аттор орқали олти юз йилдан кейин ўзбек шоири Бобораҳим Машраб жисмига сингган эди. Машрабнинг бетоқат кайхоний руҳи, шеърлятидаги шуурий қамров шунга шоҳид. Зотан, Машраб назарида Мансур битта эмасу, минг-минг:⁴

*Минг аналҳақ келадур Мансур осилган дордин,
Ҳар замон лаббайка деб келгай нидо Жаббордин.*

Яъни, Мансур сўзи хато эмас эди, у ҳақ гапни айтди, Тангрининг ўзи «лаббайка» — мана мен раббинг, деб, нидо бермоқда, унинг сўзларини тасдиқламоқда, дейди шоир. Машраб назарида еру кўк, дарахтлар, дарёлар, майса-кўкатлар, дор ёғочи, кесилган бош, Насимийнинг эт-суяклари ҳам аналҳақ деб фарёд чекади, «Бу ишқнинг фарёди. «Мансури дордо қилган ишқ» чексиз бўлмаганидай мансурлар, насимийлар ҳам беҳисобдир. Машраб, Мансур ғояларига биру бор имон келтириб, унинг бағрига талпинади. Соғинчимнинг дарди шундай зўрки, деб ёзади Машраб, дарахтларни хома, дарёларни сиёқ, осмонларни китоб саҳифаси қилиб ёзсам ҳам адо бўлмайди. «Қуръон»дан иқтибос қилинган бу ташбеҳ нақадар чиройли ва ҳашаматли! «Қуръонда у Аллоҳнинг қудрати тавсифи сифатида келтирилади, Машраб эса ҳам Аллоҳ қудрати ва ҳам Аллоҳ ишқи қудратини таърифлаб қўллаган бу ташбеҳни.⁵

Ваҳдат, ваҳдатул-вужуд ёки «Пантеизм» машҳур тасаввуфшунос олим Роже Арналдз қисқача ифодаси билан айтганда луғвий жиҳатдан модда (материя) бирлигидан иборат бўлса,

¹ А. Зоҳидов. Мансур Ҳаллож. «Фан ва турмуш» 1991, 5-сон, 21-бет.

² Ўша манба, 25-бет.

³ Машраб. Девон. 2006, 53-бет.

⁴ Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Иккинчи китоб, 140-бет.

⁵ Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. 141-бет.

ирфон фалсафасида ушбу атамадан мақсад «кавну амкон», яъни бутун коинотда фақат бир зот мавжуд бўлиб ва у яратувчининг ўзи эканлигини ифодалайди.

Олмониялик олим Макс Хўртан «Ислом фалсафаси» китобида ёзишча, Ҳаллож тасаввуфга қуйидагидек тавсиф берган: сўфий ҳаддан ортиқ «Ифрод» (яккалаштириш) натижасида яратувчининг зотида мустаҳийл бўлиб (қўшилиб, ҳол бўлиб), худодан бошқа нарса қолмайди. Сўфийнинг сўнги мақсади ўз вужудини илоҳий зотда маҳв этишдан иборатдир. (Фано – яъни яратувчи зотида фоний бўлиш – Буддистларнинг «Нирвано»си яъни бутунлай фоний бўлишига тенгдир).¹

Ваҳдатга эътиқод Ибнул-Арабий, Аттор, Жалолиддин Румий, Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож, Имомиддин Насимий, Алишер Навоий ва Бобораҳим Машрабда ҳам кучли даражада мавжуд эди. Жалолиддин Румий:

*Онанки талабгари худойид, худойид,
Берун зи шумо нест, шумойид, шумойид.*

Яъни: Эй яратувчини қидирувчилар, у сизлардан ташқарида эмас, ўзингиз, ўзингиз, ўзингиз сизлар! – деган бўлса,

Машраб:

*Сар ба жайби хеш бурдам, аз адам боз омадам,
Маиҳари зоти аластам, яктан автод омадам.*

Яъни: «ёқамга бош эгиб (чуқур тафаккурга бориб), адамдан қайтиб келдим. Мен «аласт» зоти (яратувчи)нинг Мазҳари (зоҳир бўладиган жойи)ман, бир ўзум «автод» ўрнида турганман, деб ёзади.

«Автод», Ҳажвирий ифодасича тасаввуф аҳли назарида, Аллоҳга яқин олти гуруҳ жумласидан, «Қутб» ва «Накиб»дан кейин, учинчи ўринда турган тўрт кишидан иборат бўлиб, дунёнинг тўрт томонида, оламнинг тўрт рукни – устун сифатида тўхтаган бўладилар.²

Лекин Машраб «Қутбул ақтов»дир, яъни «авлиёлар буюги, улуғи» мақомига эришгандир.

Шунингдек, Машраб бошқа бир шеърида «инний аналлоҳ» (мен худоман) деган яратувчи сўзини ўзига нисбат бериб ишлатган. Юқоридаги Машрабнинг ҳар шеъридан ва бошқа кўп сўзларидан, унда ваҳдат назариясига доир қарашларни яққол кўриш мумкин.

Адабиётшунос олим Зокир Худойшукур Машрабнинг тасаввуфий қарашлари, унинг ижодига мутасаввуфлар таъсири масаласида тадқиқий мақола ёзиб, уни «Нури ҳақдин кимиё топсам керак» деб атаган. Унда ёзилишича, Машраб сўфийлик хирқасини нақшбандия пирларидан бўлган Офокҳожанинг қўлидан кияди. Унинг девонидаги ғазалларининг кўпчилиги Мансур Ҳаллож таълимотининг ғоялари билан суғорилганини кўрамиз. У Мансур Ҳаллож таълимотига мансуб, унинг ғояларини жиддий ўзлаштириб, ўз қарашларини шакллантирган, ривожлантирган.

Адабиётшунос Н. Комилов «Тасаввуф» китобида шундай фикрларни билдирган: «Ишқ солиқни фанога ва ундан кейин бақога олиб боради. Аммо, бунда икки хил йўл, тўғриси – икки хил майл бор: бири – ҳаяжонли, сершовқин, руҳий кечинмаларни ғалаёнлар ичра изҳор этиб бериш майли бўлса, иккинчиси – осойишта, тамкинли, чуқур дарёнинг тубига ўхшаган ҳайбатли, вазмин, ички дарди қудратини яшириш майлидир. Биринчи майлнинг йирик намояндалари Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож, Абусайд Абулхайр, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Шамс Табризий, Бобораҳим Машраб»³

Ошиқлардаги бу ҳолат тасаввуф илмида «сукра», яъни мастлик атамаси билан аталган. Бобораҳим Машраб ҳам ана шу «мастлик» йўлидан борган. Шунинг учун унинг ғазалларида мансурона майл яққол сезилади:

*Етти, дарёга қўшилди оби чашма ҳимматим,
Неча Мажнунга сабоқ берди дилимда ҳайратим.*

Чашманинг мақсади дарёга қўшилиш ва унга сингиб кетишдан иборатдир.

¹ Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. 147-бет.

² Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. 148-бет.

³ Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. 144-бет.

Чашма суви, яъни ошиқ ишқ йўлини садоқат билан босиб ўтиб, дарёга – яккаликка, Худоба кўшилади. Айни шу пайтда, у жунунликнинг –«мастлик»нинг энг юксак босқичига кўтарилади. Байт мазмуни: «Ҳимматим чашмаси суви дарёга етди, кўшилди – кўнгилдаги илоҳий нур ишқ йўлидаги садоқатим туфайли висолга етди, яъни Оллоҳнинг маърифат дарёсига кўшилди. Шунинг учун ҳам мен неча Мажнунга – жунун даштидагиларга сабоқ беряпман. Чунки, ҳали улар мен етган босқичга етгани йўқ.

*Домонимдан тортиди, дунёни кўрунг дунни дағал,
Варна аршининг устида эрди камоли миннатим.*

Ошиқлар учун дарё «дунни дағал» – пасткаш, фирибгардир, «домони» – кишининг этагидан тортиш бўлмаса «варна» шуларсиз «Аршининг усти»да бўлар эдим, демоқчи. Насафийнинг «Зубдатул ҳақойиқ» асарида келтирилишича, арш ибтидода Ҳотам пайғамбарга, яъни Муҳаммад (с. а. в.)га берилган мақом. Аршнинг юқориси эса, Оллоҳнинг шахсига тегишли мулк, яъни Аллоҳнинг ўзи.

Байт мазмуни: «Дунёни кўринг, у пасткаш, фирибгардир. Агар у домонимдан тортиб, турли хил фирибгарлар билан алдамаганда эди, камоли миннатим аршининг устида бўлар эди, яъни Оллоҳнинг мулкигача камолатга эришардим, унга кўшилардим».¹

*Хуни ғарқ бирла адо қилдим, баса Мансурман,
Оҳи сарди бўлди савмим, ҳам фиғоним тоатим.*

Мансур Ҳаллож Машрабнинг идеали. Мансур Ҳаллож даражасига етишиш шоир учун Оллоҳга етишиш билан баробар. У Мансур Ҳаллож даражасига етишишни хуна ғарқ бирла адо этган. «Хуни ғарқ»га, яъни, қонли ғарқ бўлишга балоғатга етган садоқат маъноси берилган. Шу садоқати туфайли ошиқ Мансур Ҳалложга етишган – руҳи Аллоҳнинг руҳоният оламига бориб кўшилган. Шунинг учун унинг охи сарди-совуқ охи, савми-рўзаси, фиғони эса тоат-ибодати бўлган. Аммо, буни рўза ва тоат-ибодатни тўғридан-тўғри тарқ этиш, деб тушунмаслик керак. Машраб ошиқ Мансур Ҳаллож мақомига эришган, шу орқали руҳи Аллоҳнинг нур дарёсига кўшилган.²

Байт мазмуни: Мансур даражасига етишишни хуни ғарқ бирла адо этдим – балоғатга етган садоқатим кўмагида амалга оширдим. Шу орқали оҳи-сардим – совуқ оҳим, савми-рўзам, фиғоним эса тоатим бўлди – совуқ оҳ тортиб, фиғон чекаётганимда – кучли ишқ гулгуласига тушганимда рўза ва тоат-ибодатлар хотирамдан кўтарилди».

Машраб Мансур Ҳаллож аҳкоми, маслагини қабул қилиб, ғояларини қизгин тарғиб этишдан ташқари, Мансурни қатл этганлар билан очик мунозара бошлайди, уларни айблайди. Бундай муносабат Машраб салафларида йўқ. Аттор, Румий, Ҳофиз гарчи Мансур Ҳалложга катта муҳаббат билан ёндашган бўлсалар-да, аммо унинг қотилларини ёмонотлик қилиш, мазаммат этишга журъат этмаганлар. Машраб бунга журъат этади: «Ул русияҳларким, Мансурни ўлдурғон». Шоир наздида Мансурни осийга фатво берганлар, гарчи ўзларини мусулмон ҳисобласалар-да, динни ҳимоя қилдик деб жар солсалар-да, лекин улар гуноҳи азимга ботдилар, кофир бўлдилар.³ «Бу десам, аналҳақ деб олам бари ҳақ дер», дейди Машраб. Мансур ҳақлигига олам гувоҳ. Мансур ва Машраб эътиқоди бўйича, чин мусулмон, туну кун тангри ёдида ёнган, уни севган одамлар, аксинча, дунёпараст киши ҳар қанча ибодат қилган билан, аслида кофирдир.⁴

Мансур Ҳаллож айтган «Анал-Ҳақ» (Мен ҳақман» деган сўз). Бу каби сўзларни тилга олиш оқибатида Мансур Ҳаллож, Имомиддин Насимий, Яҳё Сухравардий ва Машраб киширий (юзаки) мутаассиб дин арбоблари томонидан ўлдирилдилар.⁵

*Неча Мансур ўлди иршодманд муҳаббат йўлида,
Менга ҳам дори қурулгонда етар бу қисматим.*

Мисрага «неча Мансурлар ишқ йўлидан юриб, «аналҳақ»ликка эришди ва бақога етдилар» деган маъно ҳам сингдирилган. Иккинчи мисранинг зоҳирий маъноси: «Менга ҳам

¹ Ўша манба. 151-бет.

² Ўша манба. 151-бет.

³ Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Иккинчи китоб. 141-бет.

⁴ Ўша манба, ўша жой.

⁵ Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф ва шеърят. 142-бет.

дори курулғонда, яъни, Ҳол мақомидаги ҳайратларимни ошкор этганимда менга ҳам дор курадлар ва шунда менинг ҳам қисматим етади, яъни, улардек дорга осиламан». Ботиний маъноси: «Менга ҳам дори курулғонда – Мансур мақомига кўтарилиб, «аналҳақ»ликни ошкор этганимда, бу қисмат менга ҳам етади, яъни, бақога эришаман».¹

Машраб жуда кўплаб ошиқона ғазалларида Мансур Ҳаллож тимсолини гавдалантирган. Бу шоирнинг Мансур Ҳалложга бўлган хурмати, эътиқоди ва муҳаббатининг ниҳоятда кучли эканлигини кўрсатади:

*Минг шукр Худойимга Мансурга қўшулдим мен,
Ул рўйи сияҳларким Мансурни ўлдургон.*

Лирик қаҳрамоннинг Мансурга қўшилишини ўша ошиқнинг Ҳаллож етган руҳий мақомига – камолотга етишиши эди, «аналҳақ» лафзини айтган пайтда, Мансур Худога қўшилган эди. Мансурга қўшилиш «аналҳақ»лик мақомига етиш, Аллоҳ – унинг руҳий вужудига сингишдир.²

Мансурга қўшилган ошиқ ажалдан чўчимайди. Аксинча, уни шоду хуррамлик билан кутиб олади. Чунки, ажал вахдатул-вужудни рўёбга чиқарувчи восита.

Адабиётшунос Зокир Худойшукур Машраб – Ҳаллож муносабатини шундай хулосалайди: «Машрабнинг адабий меросида Мансур Ҳаллож таълимотининг ғояси билан суғорилган ғазаллар жуда кўп. Машраб байтларининг ўзиёқ Мансур Ҳаллож шахсига ва унинг таълимотига бўлган ихлоснинг нечоғли кучли эканлигини кўрсатиб турибди. Машраб таълимот ғояларини куйловчи шоиргина эмас, аксинча, у таълимот ғоялари билан курулланган ҳолда, Мансур Ҳаллож босиб ўтган долғали ишқ йўлини фидоийлик билан босиб ўтган ошиқдир. Ҳатто, уларнинг қисматлари ҳам бир-бирига ўхшаш. Шу маънода, Машрабни Мансур Ҳалложнинг маслакдоши, издоши деб аташ мумкин».³

Мансур Ҳаллож, Насимий, Машраб ўлими ҳақида А. Ҳайитметов шундай фикрни билдирган: «Лекин вақти-вақти билан сўфизмдаги мистиканинг кучли ва исёнкор томони ҳам кўриниб қолар, у Ўрта аср қоронғилигини айрим сўфийлар вужудининг олови билан ёритишга интилар эди. Бу ўзини пантеистик маънода худонинг бир бўлаги, бинобарин худо деб ҳисоблаган ва «аналҳақ» дегани учун 922 йилда дорга осилган Ҳусайн ибн Мансур Ҳаллож шу ғояга содиқ қолиб, уни ривожлантиришга интилган, шу туфайли 1417 йилда тириклай териси шилинган Насимий, 1711 йилда дорга осилган Бобораҳим Машраб кабиларнинг фаолиятида ёрқин кўзга ташланади. Бу каби сўфийлар кўп диний қарашларни, давлат ва унинг муассасалари, тартибларини халқ оммаси кўзи олдида кўрқмасдан ошқора рад қилади, обрўсизлантирар эдилар».⁴

Ҳ. Ҳомидий «Кўҳна Шарқ дарғалари» мумтоз асариде: «Хоразмшоҳ Отсиз томонидан Адиб Собир Термизийнинг Амударёда бўйнига тош боғлаб чўктирилиши, Субҳонқулихон томонидан Турди Фароғийнинг таҳқир этилиши, Маҳмуд қатағон буйруғи билан Машраб дорга осилиши, Насруллохон жаллодлари томонидан Нодиранинг сўйилиб, Ҳозикнинг боши танасидан жудо этилиши – буларнинг ҳаммаси тарихимиздаги қора доғлардир»⁵ – деб ёзганида ҳақли эди.

Иқболой Адизова «Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи» ўқув кўлланмасида Машраб салафлари ҳақида куйидаги фикрни келтирган: «Машраб ижодидаги ишқ талқини ўзига хос. У Иброҳим Адҳам, Мансур Ҳаллож, Атторни ўзига ғойибона пир деб билади. Уларнинг йўлидан боради. Мансур Ҳаллож каби ўтли ишқ оташида ёниб яшайди. Бу Оллоҳга бўлган муҳаббат. У ҳаётнинг, тирикликнинг мазмунини шунда кўради. Унинг асосий мақсади Оллоҳни севиш ва у билан бирлашиш. Чунки у инсонни ғуборлардан, вужудий, нафсоний қафаслардан фақат шу ишққина озод этишига ишонади».⁶

Машраб ижодига мутасаввуфлар таъсири масаласида фикр билдирилганда, шоир ўзига хос мактабни ўтаганлигини, у Ҳофиз Шерозий, Жалолиддин Румий, Ҳилолий, Шавкат Бухорий, Сойиб Табризий каби форс-тожик адиблари, Лутфий, Имомиддин Насимий,

¹ Зокир Худойшукур. «Нури ҳақдан кимиё топсам керак». 152-бет.

² Ўша манба, 153-бет.

³ Ўша манба, 154-бет.

⁴ А. Ҳайитметов. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. «Фан», Тошкент, 1970, 165-бет.

⁵ Ҳамиджон Ҳомидий. Кўҳна Шарқ дарғалари. «Шарқ», Тошкент, 1999, 287-бет.

⁶ Иқболой Адизова. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. «Фан», Тошкент, 2006, 112-бет.

Алишер Навоий сингари забардаст туркий иждокорлар меросини ўрганди, уларнинг иждодий тажрибаларини ўзлаштирди.

Иккинчи, Машраб иждодида уни бошқа шоирлардан ажратиб турадиган ўзига хос бир завқ, туғён бор. Унинг шеърлари Яссавий, Лутфий, Насимий, Фузулий каби тили содда ва равон, шу билан бирга кучли образлиликка йўғрилган.

Учинчидан, Машраб ўзидан олдинги шоирлардан илҳомланибгина қолмай, гўзал ва сермазмун шеърляти билан ўзидан кейинги давр иждокорларига иждодий таъсир ўтказган. Ҳувайдо, Муқимий, Фурқат, Нодира, Зорий каби шоирлар унга издошлик қилганлар.

Тўртинчидан, Машраб, ҳофиз Шерозий, Навоий таъсирида кўпроқ маърифий, Румий, Насимийдан илҳомланиб мажзубона шеърлар яратди. У руҳият тасвирини жуда чиройли очиб беради.

Қолаверса, адабий издошлик Шарқ мумтоз шеърляти малоҳатини заррача қамайтирмайди. Иждоднинг бундай мураккаб жараёнида ўзига хосликни намоеън эта олиш шоирдан истеъдод, тажриба, билим ва маҳорат талаб қилади. Бу жиҳатдан Машраб иждоди эътиборга моликдир.¹

Жалолиддин Румийнинг «Маънавий маснавий» китоби форс тилидан Асқар Маҳкам томонидан таржима қилинди. Мазкур асарга «Румийни англаш иштиёқи» номи билан адабиётшунос ва тасаввуф олими Н. Комилов сўз боши битган. Унда Асқар Маҳкамнинг мутаржимлик меҳнати эътироф этилган. Н. Комилов: «Моҳиятни идрок этмай тавҳид сирини, иймон нурини эгаллаш, илм-маърифат қозониш мумкин эмас, деб Худони қалб кўзи билан идрок этадиганлар моҳиятга яқинлашиб борадилар»², дейди

Жалолиддин Румийнинг «Маънавий маснавий» асари сўзбошидаги Н. Комиловнинг фикрини батафсилроқ келтиришимизнинг боиси шуки, Машраб Румийга эргашиб «Мабдаи нур»ни яратганлигини асос-заминини бермоқчимиз.

Н. Комилов Румийнинг Аллоҳ ва Қуръон ҳақидаги фикрини келтирган. Румий дейдики, Аллоҳнинг яратган оламлари чексиз бўлганидай, унинг илми ҳам чексиздир ва Қуръони карим Аллоҳ илмининг ҳаммаси эмас. Қуръон бу илмнинг бир қисми – Муҳаммад (с. а. в.)га араб тилида юборилган илм. Аллоҳ илми олдинги пайғамбарларга бошқа тилларда ҳам юборилган эди, демак, кейин ҳам бу илм кашф этилиши мумкин. Румий фикрича: «Дин дунёда бирлаша олмайди, фақат қиёматда бир бўлади. Қиёматда уларнинг ҳаммаси бирлашади, бир кулок, бир тил ҳолига келади».

Ҳа, дунё касрат (кўплик) олами. Касрат эса хилма-хиллик, хилма-хил қарашлар, тушунчалар, истак ва хоҳишлар демакдир. Дин ана шунга мос равишда кўпдир. Қиёматда улар бирлашади, чунки ҳамма ягона парвардигор ҳузурида бўлади, истаклар Аллоҳ истагига келиб уланади. Аллоҳ – ваҳдат. Ваҳдат эса касратни бирлаштиради.³

Зеро, бу тортишувлар замирида дунёвий манфаат ётади. Диққат қилинса, Румий «дин дунёда бирлашмайди» дейиш билан дин, гарчи Худога эътиқодни талаб қилса-да, охират ҳақида сўзласа-да, аммо у дунёвий ҳодисадир. Дунёга эмас, балки Аллоҳга боғланиш, Ҳаққа етишиш учун риёзатларни роҳат деб улуғ муҳаббат билан интилиш фақат тасаввуф таълимотига хос. Ана шу жиҳати билан тасаввуф аҳли, айниқса, Румий, ибн Арабий, Жомий, Машраб каби улуғ орифлар барча динлар ва мазҳаблардан юқори турганлар, мазҳаблараро тортишувларни маънисиз ва беҳуда нарса деб қараб, одамларни буни англашга ва бирлашишга чақирганлар. Тасаввуф гуманизмининг умумжаҳонийлиги ва ўлмаслиги ҳам шундадир.⁴

Адабиётшунослик ва фалсафа тарихи фанларида анчайин тортишув, баҳс-мунозаралар бўлиб, «Мабдаи нур» Ҳофиз Рўзибойи Соний Машраб ёинки Бобораҳим Машрабникими деган фикрлар давом этди. Ҳатто баъзи мунозараларда ҳар икки тарафлар асослар, далиллар билан исботласалар-да, уларнинг чеки-чегараси бўлмади. Аммо захматкаш Машраб тадқиқотчилари Исматуллоҳ Абдуллоҳ, Жалолиддин Юсупов, кейинроқ Ҳамиджон Ҳомидий жиддий, синчковлик билан тадқиқот олиб бориб, «Мабдаи нур» муаллифи Бобораҳим Машраб эканлигини жамоатчиликка билдиришди. Ж. Юсупов «Девон»нинг «Машрабнинг бадий мерослари» қисмида шундай ёзади: «Мабдаи нур» Раҳимбобо Машрабнинг

¹ Ҳамроева Дилором Юнусовна, Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси. Диссертация. 49-бет.

² Нажмиддин Комилов. Румийни англаш иштиёқи. Сўзбоши. Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. «Шарқ», Тошкент, 1999, 10-бет.

³ Ўша манба, 11-бет.

⁴ Ўша манба, 11-бет.

асарларидир. Бу китоб Машрабнинг пирлари Хидоятullo Офокхожанинг топшириклари билан ёзилгандир. Китобни ёзишга киришишдан аввал Машраб Жалолидин Румий ва Ахмад Яссавий жанобларининг рухоний рухсатларини оладилар. «Мабдаи нур» Жалолиддин Румийнинг «Маънавий маснавий»ларидан тазмин қилинган байтларнинг туркий-ўзбек тилидаги шарҳларидир».¹

Султонмурод Олим тасаввуф таълимотининг моҳияти, илдизи ҳақида бир неча китоб эълон қилган адабиётшунослардан ҳисобланади. Румийнинг «Маънавий маснавий» асарига жавобан Машрабнинг «Мабдаи нур» асари ёзилмаганлигини таҳлил этишдан аввал Машраб ҳам увайсми деган фикр тадқиқотимиз қиммати учун зарурлигини унутмаганимиз ҳолда шу мунозарали фикрни ҳолисона таҳлил этишни бурчимиз деб билдик. Ҳа, Машраб ҳам увайсий сўфий – мутасаввуфлардан. Ундоқ бўлса Машрабнинг пири бор-ку, бу ҳол Офокхожа пирлик мақомига соя, ғубор тушурмайдими, дегувчилар ҳам бўлиши мумкин. Ҳа, айнан Офокхожа Машрабга шу тавсияни – уни увайсий бўлишини хоҳлаб, Румий ижодини чуқур ўрганиб, туркий тилда «Маънавий маснавий»га жавобан «Мабдаи нур» асарини ёзишни буюрган. Шундай асар ёзишни Навоий режалаштирган, ўйлаган, аммо у бунга вақт ажрата олмаган. Ўзбек адабиётида бу ишни Машраб уддалаган, тўғрироғи, Офокхожа шу ишни Машраб бажара олишига ишониб, уни шунга чорлаган, даъват этган.

Инсон кўнглини, руҳини камол топтиришнинг тасаввуф таълимоти қатъий қоидасига кўра, солиқ, яъни сўфий албатта бир пирнинг этагини тутиб, унга мурид тушиши шарт. Навоий «Ғаройиб ус-сиғар» девонининг 51-ғазалида тасаввуф водийларини пирсиз кезиш мумкин эмаслиги ҳақида ёзган:²

*Пирсиз кезма бу водий ичраким, топмас калим,
Тийра шомин равшан амр этмай анга хизмат Шуайб.*

Қай бир сўфийни илгари замонлар оламдан ўтиб кетган бирор машхур шайхнинг руҳи келиб тарбиялайди. Бундайлар увайсий дейилади.

Шайх Мансур Ҳаллож нури юз эллик йилдан кейин шайх Фаридиддин Атторда жило топди. Фаридиддин Аттор ҳам увайсий эдилар. Олти юз йилдан сўнг Ҳаллож руҳи Машрабда жилоланди. Машраб Ҳаллож руҳониятидан мадад олиб, унинг руҳи тарбият қилиб увайсий мақомига етказди.

Ж. Юсупов Румийнинг «Маънавий маснавий»ига жавобан Машрабнинг «Мабдаи нур»и бунёдга келганлигини ва унинг ислом оламидаги аҳамияти ҳақида шундай фикрни изҳор этади: Нақшбандия тариқатининг буюкларидан Абдуллоҳ Деҳлавий (1744-1824) деганлар: «Уч китобнинг йўлдоши йўқдир. Булар Куръони карим, Муҳаммад бин Исмоил Бухорийнинг «Жоме саҳиҳ» ва Жалолиддин Румийнинг «Маснавий» китобларидир. Авлиёлик йўлининг камолотини билдирадиган китобларнинг энг устуни «Маснавий»дир». Румий ва Машраб ижодини, улар асарларининг турли вариантларини қиёслаб, чоғиштириб ўрганган тадқиқотчи Ж. Юсупов қуйидаги фикрларни билдирган: Қўлимиздаги мукамал «Маънавий маснавий» ҳижрий 1201-1212, мелодий 1786-1797 йилларда Муҳаммад Ҳаёт Сиёлкутий томонидан кўчирилган. Олти дафтардаги байтлар сони 27667 та. Қўлёзма хошияларда, шунингдек, алоҳида варақда «Латойиф ул-маоний», «Жавоҳир ул-асрор», «Мифтоҳ ул-маоний», «Жавоҳир ул-маоний», «Сирож шабистон», «Гулшан», «Миръот ул-маснавий», «Нафоҳот ул-унс...», «Шарҳи Шамъи лил Маснавийи Маънавий» каби «Маснавий» шарҳига бағишланган асарлардан олинган иқтибослар форсий ва туркий тилларда байтлар мазмунини очиб берувчи очқич сифатида бериб борилган. Дафтари аввал фехрастидан сўнг Шайх Абдуллатиф бин Абдуллоҳ ал-Аббосийнинг қуйидаги сўзлари келтирилган: «... Махзани асрори илоҳий «Маснавийи маънавий»инки, чун ин китоб ҳақиқат нисоб баҳсат, Ғамузи ғомиза ҳиками тилсими Раббоний дорад ва маънийи Куръони форсий аст ...» «Яъни: хазиналар сири илоҳий «Маснавийи маънавий» булки, бул китоб ҳақиқат даражаларидан баҳс юритади. Фаҳмлаш қийин, мушкул ва мубҳам бўлган ишоралар Раббоний ҳикмат тилсимларидир ва у Куръоннинг форсий маъносидир».³

¹ Машраб. Девон, 2006, 36-бет.

² Султонмурод Олим. Нақшбанд ва Навоий. «Ўқитувчи», Тошкент, 1996, 15-бет.

³ Ўша асар, ўша жой.

Жалолоиддин Румийнинг «Маънавий маснавий» китоби сингари кўқларга кўтарилиб мақталган, эъзозланган ва инсоният яратган мўъжиза асарлардан бири сифатида тан олинган асарлар кам десак муболага бўлмас.

Жалолоиддин Румийнинг «Маснавий» асари ўз даври ва ундан кейинги замонларда шунчалик катта шуҳрат топдики, уни Абдурахмон Жомий ҳатто «Паҳлавий тилидаги Қуръон» деб атади.¹

«Маснавий»да бир неча юз ҳикоят ва ривоятлар келтирилган. Қуръони каримнинг юзлаб ояти тилга олинди, тафсир этилган. 690 ҳадисга румиёна шарҳ берилган. Кўз олдимизда Калом илмининг улуғ билимдони, ҳам тасаввуф таълимотини сарбаланд чўққига олиб чиққан ориф инсон ва ҳам муқтадир даҳо шоир гавдаланади. Оддий латифалар, ҳикоятлардан Румий фавқуллода фалсафий-сўфиёна маънолар чиқаради, теран тафаккури доирадан доирага, даражадан даражага кўтарилиб боради. «Қуръоннинг уч қабат ботиний маъноси бор», деб қайд этади у ва шу маъноларни изчил бизга тушунтиради.

Най – руҳи Илоҳдан ажралган ва ўша аслига қараб шиддат билан интилаётган ошиқ орифдир. Бутун «Маснавий» шу ошиқ ориф қалбининг тафсиридир. Бу қалб - Шамс Табризийнинг, Шайх Хусомиддиннинг, улуғ Жалолоиддин Румийнинг қалбида, уларнинг пок руҳлари таратган нурдир.

Бу ориф қалби – касрат дунёсини обдон ўрганиб, ваҳдат оламига парвоз этади, шу олам шавқида илоҳий ҳикматларни тизиб ташлайди.

Шу боис Румий асарларини англаш, ундан баҳра олиш кишига ҳузур бағишлайди, бу асарлар маънавиятнинг кони, маънолар хазинасидир.²

Демак, «Маснавий»нинг маъно ҳикматларини тушунтириб бериш, шарҳлаш ҳар қандай таржимон ёки олимнинг удалай оладиган иши эмас. Ана шундай асарнинг айрим байтларини шарҳлаш ислом оламининг буюк шариат ва тариқат олими, авлиёуллоҳ Раҳимбобо Машрабга насиб этган.³ Бу ҳақда Машраб шундай дейдилар:

*Қутби аъзам шоҳи Мавлоноий Рум,
Кошифи Фирқону дарёи улум.
Олти дафтар, «Маснавий» қилди баён,
Жумласи ҳамду санойи Мустаъон.
Марзи Қуръон олди, қолди пўстин,
Асли илм мин ладундур ул яқин.
Қишири қолди манзи Қуръондин тамом,
Партав урду шўълайи шамси калом.
Ҳам буюрди «Маснавий»да Мавлавий,
Қутби олам, гавси баҳри «Маънавий»:
«Моз – Қуръон магзиро бардоштам,
Қиширо бодигарон багузоштам».
Бўлди Машраб тобейи шаръи набий,
Мавж урди баҳри гайбдин «Маснавий».
Орзу қилдимки, этсам шарҳини,
«Маснавийи Маънавий» алфозини.
Манга келди гайбдин илҳоми «Хув!»,
К – эй фалон, бул орзудин қўлни юв!
Деди Машраб: «Ман, гуломи Мавлавий!
Шарҳ айларман китоби «Маснавий».
Ҳақ Таоло берса ҳиммат манга воз,
Бул дари баста юзумга бўлса боз.
Мавлавий қилса агар лутфу карам,
Шарҳ қилсам «Маснавий»ни ушбу дам.
Келди хотифдин нидо: «Эй хушманд,
Азм этгин, ҳимматинг эркан баланд».
Ҳам ижозат бўлди: «Машраб, қўл узот,*

¹ Тилаб Махмудов. Илоҳият бағрида ҳаёт нафаси. Гулистон, 2000, 5-сон, 21-бет.

² Нажмиддин Комилов. Румийни англаш иштиёқи. Жалолоиддин Румий «Маънавий маснавий», 12-бет.

³ Ж. Юсупов. Машрабнинг бадий мерослари. Машраб. Девон, 2006, 39-бет.

*Оч кўзингни, ҳимматинг топти қувот»...
... Бўлмасайди ушбу шеъри «Маънавий»
Мушкул эрди фаҳми илми «Маснавий»
Ҳақ таоло лутф қилди ҳолиё,
«Мабдаи нур» айлади ҳам раҳнамо.
Хатми дафтар бўлди сан хушёр бўл,
Дийдалардин қон тўқуб, хунбор бўл.
«Мабдаъий нур» бул замон васф айладим,
Асли толибларга маъний сўзладим...
... Хатм бўлди «Мабдаъий нур»ий тамом,
Ҳам биъавни Холиқул – Ҳайул-аъзом...¹*

Бундан ташқари Машраб «Мабдаи нур» охирида, «Маснавий»дан 66 байтни шарҳлаганликлари ҳақида ҳам маълумот берадилар:

*Кимёйи нур топтим ман яқин,
Хатм қилдим «Мабдаъий нур» дафтарин.
Хатми дафтар бўлди, эй озода мард,
«Мабдаъий нур»ий будур англа бадард.
Олтмиш олти байти шарҳи «Маснавий»,
Интихоби «Маснавийи Мавлавий».
... Хатм қилдим холиё ушбу сухун,
Беададур асли бул илми ладун.
... Мавлавийни бизна этгин дастгир,
Ҳурмати бул «Маснавий»и дилпазир.
Қилмагайсан ҳеч кимийни радди боб,
Аз карам валлоҳи аълам бис-савоб.²*

Жалололдин Румийдан кейин «Маснавий» шарҳига бағишланган кўплаб китоблар, рисоалар ёзилди. Аммо унга ўзбек тилида «Маснавий» вазнида шеърий шарҳ ёза олган ягона шахс бу бизнинг Раҳимбобо Машрабимиздир. «Мабдаи нур»дек беқёс ва беназир китоб билан ҳар бир ўзбек фахрланса арзийди.³

Исматуллоҳ Абдуллоҳ «Мабдаи нур»нинг қисқа мазмуни ва ахлоқий-тарбиявий аҳамияти ҳақида фикр юритиб, шундай ёзади: «Мабдаи нур» ибораси (нурнинг бошланиш, чиқиш жойи) тасаввуф тушунчасида Аллоҳ нурининг жило бериши, дунёни, кишилар қалбини ёритиш каби маъноларга эга. Агар нур сўзи «ан-нур» ёзилса, Аллоҳнинг номларидан бири бўлади.

Машрабнинг «Мабдаи нур» китоби Жалололдин Румийнинг машҳур «Маснавий»лари таъсирида тасаввуфий руҳда ёзилган бўлиб, уч дафтардан иборат шеърий асардир. Румий «Маснавий»си олти дафтардан иборат. Эҳтимол Машраб ҳам ўз китобини олти дафтар қилиб ёзмокчи бўлган ва улгура олмагандир. Асар маснавий усулида арузнинг рамали мусаддаси маҳзуф баҳрида ёзилган бўлиб, Жалололдин Румий «Маснавий»сининг қуйидаги биринчи байти ва унинг назмий таржимаси билан бошланади:

*Бизнав аз нав чун ҳикоят мекунад,
Ваз жудойиҳо шикоят мекунад.
Англагил най не ҳикоятлар қилур,
Ким жудоликдин шикоятлар қилур.*

«Мабдаи нур» тузилиши, илоҳий-ирфоний, фалсафий-бадий йўналиши жиҳатидан ўзбек мумтоз адабиёти тарихида мутлақо янги ҳодиса ҳисобланади. Чунки шеърий ҳикоят, ғазал ва мустазодлар воситасида бағоят улкан ҳаётий-адабий, илоҳий-ирфоний масалаларни назокат ҳамда маҳорат билан тасвирлаб борувчи ўшандай бошқа бир жавоҳирот манбаи ҳозирча маълум эмас.

¹ Ўша манба, 39-бет.

² Ўша манба, 40-бет.

³ Ўша асар, ўша жой.

«Мабдаи нур» ноширининг қатъий таъкидига кўра, Жалолоддин Румий «Маснавий»сидан асар таркибига тазмин санъати асосида олиб кирилган иқтибосларнинг умумий сони қирқ байтдан иборатдир.

«Мабдаи нур» эллик уч ғазал, уч мустазод ва бир юз қирқ икки ҳикоятдан таркиб топган. Ҳикоятларнинг «дафтар»лардаги микдорий нисбати бир хил эмас. Ёхуд биринчи дафтардан қирқ олти, иккинчи дафтардан олтмиш тўққиз, учинчи дафтардан йигирма етти ҳикоят ўрин олган. Аксарият ҳикоятларда қаламга олинган ва бадиий ифодасини топган ғоявий ният ғазалларда давом эттирилади. Ҳар бир дафтар ибтидосида ихчам ҳамду наътлар анъанавий муқаддимадан кейин «Дар баёни суннатҳо» («Суннатлар баёнида») сарлавҳаси остида қирқ олти мисралик шеър келтирилади.¹

Таъкидлаш жоизки, «Мабдаи нур» бағрида келган шеърӣ ҳикоятларнинг етакчи қисми сайёр воқеаларнинг машрабона талқинларидан иборатдир.

«Мабдаи нур»да Румий «Маснавий»сидан олинган байт мазмунига мос ҳикоялар, кейин Машраб ғазаллари берилиб, ора-сирада «Маснавий»дан байтлар киритиб кетилган. Ҳаммаси бўлиб «Маснавий»дан 40 байт берилган. Шунинг учун «Мабдаи нур» Жалолоддин Румий «Маснавий»сининг таржимаси ёки унинг шарҳи деб аташга асос йўқ. Машраб «Маснавий»ни яхши билган, эҳтимол уни ёдлаб ҳам олган, ундан таъсирланиб ва илҳом олиб, мустақил асарини яратган.²

«Мабдаи нур»даги ғазалларнинг жами 53 та бўлиб, шулардан 17 таси иккинчи дафтарда, 9 таси учинчи дафтарда берилган. Бу ғазаллар Машраб қаламига мансуб бўлиб, ҳар бир ғазал охирида Машраб таҳаллуси билан бирга «Мабдаи нур» сўзи қўшиб келтирилган.

Шарқшунос В. А. Вяткин Машраб халқ орасида машҳур тасаввуфӣ-ахлоқӣ асар ёзганлигини айтиб, лекин мақоласи охирида «Мабдаи нур» Бобораҳим Машраб қаламига мансублигига шубҳа билдириб: «Бу асарнинг ҳам фарғоналик домулло Бозор охунднинг шогирди ва Шоҳ Машраб таҳаллуси билан юрса ҳам, совуқ ахлоқӣ тушунчалар, тасаввуфнинг қуруқ тавсиф ва ибратларидан иборат бўлган бу тўпламнинг бизнинг қиссамиз (яъни «Девонаи Машраб») билан умумийлик жойи йўқ», деб ёзади. Бу асоссиз хулоса, чунки Мулло Бозор охунднинг Машраб номли бошқа шогирди ёки муриди бўлмаган. Абдурауф Фитрат «Машраб» мақоласида В. А. Вяткин фикрини бутунлай асоссиз деб топиб шундай ёзган:³

«17-асрнинг охирлари билан 18-аср бошлари орасида ёзилган «Мабдаи нур» бу асрларда Машраб исмли тарихий бир одам борлигига шубҳа қолдирмайди. Проф. Вяткин мана шу тарихий Машраб билан манқабани («Қиссаи Машраб») қаҳрамони бўлган Раҳимбобо Машрабнинг бир киши эканини оча олса эди, бу даврда яна афсонавий бир Машраб ўйлаб чиқаришга лузум қолмас эди, албатта». Кейин Фитрат «Мабдаи нур»нинг тили манқабандаги шеърларнинг тили билан бир эканлиги, маориф комиссарлиги ихтиёрида бўлган муфассал «Девонаи Машраб» китобида тўрт-беш парча маснавий борлиги, унинг услуби «Мабдаи нур» услубининг айни эканлигини ва ниҳоят, Офоқхожа муридлари орасида фақат битта Машраб бўлганини таъкидлаб, «икки Машрабнинг бир одам эканига ҳеч кимнинг шубҳаси қолмаса керак» деб хулоса чиқаради.⁴

Ж. Юсупов «Мабдаи нур»нинг қўлёзма нусхалари ҳақида қуйидаги фикрларни билдирган: Алишер Навоӣ номидаги Давлат музейида 63-рақамли «Мабдаи нур» қўлёзмаси сақланади. Филология фанлари доктори, проф. Саидбек Ҳасаннинг лутфлари билан, ушбу қўлёзмани тасниф қилиб чиқдик. Қўлёзма ҳижрий 1288, мелодий 1871 йили Абдулқайюмхўжа томонларидан Бухоро амири Амир Музаффар замонларида ёзилган. Абдулқайюмхўжа Машрабнинг «Мабдаи нур» асарларига пайров сифатида ўз муножот ва ғазалларини илова этганлар. Ғазаллари мақтаёсида ўз таҳаллуслари билан қайд этиб кетганлар. Бу китоб ўз тузилиши-композицияси, Румийдан келтирилган тазмин байтларга битилган шарҳлар, ҳикоятлар, ғазал ва мустазодлар билан шарҳий қайта шарҳланишлари Машраб томонидан ёзилган «Мабдаи нур»нинг айнан ўзидир. Улардаги фарқ ҳар бир бўлим хотимаси-туғалланмасидан сўнг унга Абдулқайюмхўжа – Ҳазин ўз муножот ва ғазалларини

¹ Раҳим Воҳидов, Ҳамиджон Ҳомидӣ. Ҳиммат иноятсиз бўлмас. . . Олими нуктадон ўзум. Тошкент, 2006, 17-18-бетлар.

² Исмаатуллох Абдуллох. «Мабдаи нур»га сўзбоши. 28-бет.

³ Исмаатуллох Абдуллох. «Мабдаи нур»га сўзбоши. «Мабдаи нур», 14-бет.

⁴ Ўша манба, ўша жой.

илова, пайрав сифатида киритиб борганларидадир. Абдулқайюмхўжанинг адабий таҳаллуслари Ҳазиндир. Бу ҳақда қўлёзма хотимасида Абдулқайюмхўжа Ҳазин шундай ёзиб қолдирганлар:¹

*Бўлди чун имдод руҳи Мавлавий,
То тамоғ эттим бу шарҳи «Маснавий».
Кимки битса ё ўқуб қилса назар,
Ҳақ қилур, албатта, иймонин қавий.
Шарҳи Машрабда Муножоту газал,
Бул Ҳазин ҳам қилди андак пайравий.
Ким ўқуса, сидқ ила солса қулоқ,
Қолмагай кўнглида гамдин бир жавий.
Ботини гам-ғуссаси афсурдаси,
Нур олиб, албатта ул топгай навий.
Маънийи Қуръондур, абётий эмас,
«Маъзи Қуръон», деди пири Маънавий.
Ё Илоҳо, бул Абдулқайюмхўжага қил қарам,
Рутбайи урфон фаҳми «Маснавий».²*

«Мабдаи нур»нинг бу нусхасида берилган Ҳазиннинг газал ва муножотлари Машрабнинг изидан бориб, унга эргашиб ёзилгандир. Бу билан «Мабдаи нур» муаллифлигини Машрабдан олиб, Ҳазинга нисбат бериб бўлмайди.

Худди шунингдек, Ҳофиз Рўзибой – Машраби сонийга нисбат берилиб келинаётган «Мабдаи нур» ҳақида ҳам айнан ана шу фикрни такрорлаш мумкин. Ҳофиз Рўзибой ва Абдулқайюмхўжа Машрабнинг чин маънодаги ҳақиқий, садоқатли ғойибона муридларидирлар. Улар бу асарнинг туркийзабон халқлар маънавий-руҳоний такомиллида бекиёс ва бетакрор аҳамиятга эга эканлигини англаб етган буюк шахслар эканликлари шубҳасиздир.

Турли мавзулардаги ишқий-саргузашт, ахлоқий-таълимий, қаҳрамонлик руҳидаги киссалар: «Қаҳрамони қотил», «Қиссаи Жамшид», «Қиссаи Дилнавоз», «Қиссаи Адҳамбек ва Юсуфбек», «Девонаи Машраб», «Иброҳим Адҳам», «Ҳазрати Али киссаси», «Қиссаи Маликаи Дилором», «Қиссаи Дароби зарринкамар», «Жангномаи Суҳроби Ял», «Китоби подшоҳ Афросиёб», «Сиёвуш киссаси» ана шу хилдаги асарлар сирасига киради. Шу ва бошқа асарларда азиз авлиёларимиз турли фазилат ва хусусиятлар эгаси сифатида талқин этилган. Чунончи, Ҳаким ат-Термизий илму амал, фалакиёт, ҳайвонот илми, тавсир соҳасида улуғ китоблар тасниф қилган «Ҳаким ал-авлиё» унвонига сазовор бўлган. Робиа яккаю ягона аёл-авлиё бўлиб сеҳрлайди, ҳавода муаллақ тура олади. Абу Туроб Нахшабий қўлини темирчилар кўрасига тутиб тура олади, ерни тепса чашма қайнаб чиқади. Ҳабиб Ажамий, Иброҳим Адҳам дарёдан юриб ўта олади, дарахтни ўзи билан юргизади. Ҳасан Басрий, Боязид Бистомий, Башир Хофий истиқболда бўладиган ишларни башорат қилади. Абул Ҳасан Ҳарақоний юзлаб фарсанг масофани оз фурсатда босиб ўтади. Мансур Ҳаллож кўл ҳаракати билан уюм пахтани момикқа ва чигитга ажрата олади. Машраб гулханда зикри само рақсига тушиб, оловда куймайди, Боязид масжидга етгунча тупирмайди ва ҳоказо.³

Иброҳим Адҳам Балҳда подшо эди, қалбига илоҳий нур куйилиб бир кечада ҳамма нарсасини ташлаб, дарвиш кийимини кийди, деб ривоят қилинади. Тасаввуф аҳли эса буни улуғ мардлик, жасорат дея баҳолайди.⁴

*Жаҳонни тарк қилди, Машрабо Иброҳим Адҳамдек,
Сарапо дард кўрдим, муддаони кўрмадим ҳаргиз.*

Бобораҳим Машраб Иброҳим Адҳам ва Мансур Ҳалложни тез-тез тилга олади. Номлари афсонага айланган бу икки мўътабир зотни Машраб ўзининг ғойибона пири комили деб қабул қилади, улар аъмоли ва ақидаларини бошқаларга ибрат қилиб кўрсатади. Зеро, Иброҳим Адҳам подшолик тахтидан, давлати бойликларидан буткул воз кечиб (VIII аср)

¹ Ж. Юсупов. Машрабнинг бадиий мерослари. Машраб, 38-бет.

² Машраб. Девон, 2006, 36-37-бетлар.

³ Ҳамиджон Хомидий. Кўхна Шарқ даргалари. 298-бет.

⁴ Нажмиддин Комил. Ҳикмат ва ибрат достони «Тафаккур», 2003, 3-сон, 69-бет.

дарвиш хирқасини кийиб, сўфийликни қабул қилган шахс. Бугина эмас. У ҳукмдорлар, аъёнлар мол-мулкани, алқисса меҳнатсиз топилган жамики сарватларни ҳаром, деб эълон қилиб, ўз меҳнати воситасида ҳалол нон топиб ейишни тилаб қилган. Ҳатто шоҳларнинг совға-саломини ҳам олмаган, ўзи қўриқлаётган боғнинг мевасидан бўлса бировнинг моли деб татиб кўрмайди.¹ Бу Машрабнинг онаси кўшнининг узуми улар ҳовлисига ўтиб турган ишқомдаги шингил узумнинг еганида, уларни рози қилиш воқеасини эслатади.

Машраб оналари Биби Салимага бағишлаб ёзган шеърларида ҳам Иброҳим Адҳамни тилга олади. Ўзи ҳам Иброҳим Адҳамдек гадою дарвиш бўлиб юрганлигини, унинг мақомига етишиш орзуси эканлигини баён этади. Дунё мажароларидан этак силккан, Яратганнинг васли, Ишқи билан ёнган Иброҳим Адҳам мардлиги, унинг шу ҳолга солганлигини, ҳабиб-дўстнинг тажаллийси Аллоҳ эканлигини эътироф этади:

*Бу тожу тахти бахтимни қилиб торож ишқида,
Ки Иброҳим Адҳамдек гадо бўлгон баланг келди.*

*Ичиб жоми бақони, кечди дунё можаросидин,
Ки мастони худога ошно бўлгон баланг келди.*

*Илоҳо, Машрабингни ноумид этма, Худойимсан,
Ҳабибинг хонадонига гадо бўлгон баланг келди.²*

Самарқандлик тадқиқотчи Саодат Йўлдошева «Шоҳнинг фақирлик фалсафаси. Иброҳим Адҳам: бадий тўқималар ва тарихий ҳақиқат» тадқиқий-илмий мақоласида Ҳувайдонинг «Достони Иброҳим Адҳам» ва «Иброҳим Адҳам қиссаси» дostonлари асосида Иброҳим Адҳам подшолиги, унинг ўз ихтиёри билан тож-тахтни ташлаб, фақрлик йўлига кирганлиги ҳақидаги фикрларни таҳлил этган: Манбаларга кўра Иброҳим Адҳам Балхда таваллуд топган. Кейинчалик бу шаҳарга ҳукмдорлик қилган. Е. Бертельс фикрича, у ҳарбий хизматчи оиласида туғилган. Иброҳим Адҳам замонасининг барча илмларини мукаммал эгаллаган, етук киши бўлган, у аслзода оиласида камолга эришган. Қисса ва дostonда ёзилишича, унинг онаси Балх шоҳининг қизи – Маликаи Хубон, отаси каёний подшоҳзодаларидан девона Адҳам бўлганлиги зикр қилинади. Уни оламга машҳур қилган нарса насл-насаби эмас, ундаги иймон ва эътиқод, инсонпарварлик қарашларидир. Иброҳим Адҳам ростгўй эди ва давлатманд киши эди. Ўшал замонда барча инсонларга Иброҳимнинг қилган иши ва сўзи ҳужжат эди, яъни «бу ишни ё бу сўзни Иброҳим қилди ва деди» десалар ҳеч киши хилоф қилмас эди. Иброҳим Адҳам шоҳлик мартабасига эришгунга қадар ҳам эл орасида донишманд ва авлиё киши сифатида ном таратган. Шу боисдан Муҳаммад Сиддик Рушдий уни нафақат дунёнинг, балки диннинг ҳам улуғ шоҳи, узлат оламининг ганжи деб таърифлайди.³

У подшоҳ бўлгандан кейин уламо ва фузало, саййидларга ва фақир у бечораларга, кўр ва шолларга хайру эҳсонни, инъомни бисёр қилиб, уларнинг дуои хайрини олди.

Аллоҳга бўлган муҳаббат шу даражада юксак эдики, натижада у мамлакатни идора қилиш ҳуқуқидан – шоҳликдан ихтиёрий тарзда воз кечиб, қаландар хирқасини кияди ва Маккага ҳажга отланади.

Машраб Иброҳим Адҳамнинг тожу тахтдан воз кечиб, фақирлик йўлини ихтиёр этганлигини таъкидлаб, ёзган:

*Тарк этибман молу жонимни букун Адҳам каби,
Ғайрате кўнглумга бергил, марди шайдулло бўлай.*

Алишер Навоийнинг «Насойимул-муҳаббат» асарида ёзилишича, шикорга чиққан Иброҳимга ғойибдан огоҳлантириш келади ва ҳаётда яшашдан мақсади нима эканлигини унга эслатиб қўяди. Шундан сўнггина у Аллоҳни ёдга олиб, тавба қилади ва тоат-ибодатга берилади. Шоҳликдан фақирликни афзал қўради.⁴

Унинг ҳаёти гарчи фожиа билан тугаса-да, у Аллоҳ васлига етиш учун ҳамма нарсадан воз кечган. Машраб Иброҳим Адҳам таълимотидан ўрнатилган олади ва уни ғазалларида қайта-қайта тилга олган. Мазкур тадқиқот талабидан келиб чиқиб, Иброҳим Адҳам ва бошқа

¹ Н. Комилов, Ғ. Саломов. Шоир аналҳак. Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним, қайдасан. 4-бет.

² Машраб. Девон. 2006, 90-бет.

³ Саодат Йўлдошева. Шоҳнинг фақирлик фалсафаси. «Ўзб. адаб. ва сан.», 1998, 25 декабрь

⁴ Ўша манба, ўша жой.

мутасаввуфларнинг Машраб ижодига таъсири масаласига нукта кўйиб, уларнинг тасаввуфий қарашларини кейинги боб ва алоҳида тадқиқотларда давом эттириш фикрини айтмоқчимиз.

«Мабдаи нур»да бевосита Шарқ машойихларининг ҳаёти, рафтору гуфторлари, кароматлари билан боғлиқ ҳикоятлар ўттиздан зиёд. Диққатга молик томони шундаки, Бобораҳим Машраб китобда машриқзаминда шуҳрат қозониб, улар ҳақидаги ҳикояту ривоятлар асрдан-асрга, китоблардан китобга ўтиб юрган Боязид Бистолӣ, Ҳусайн Нурий, Суфён Саврий, Зуннун Мисрий, Мансур Ҳаллож, Саҳл Тустарий, Абдулло Мағрибий, Довуд Тойи, Махдуми Аъзам Косоний, Жунайд Бағдодий, Фахриддин Розий сингари алломалар ҳақидаги ранг-баранг ҳикоятлар билан бир қаторда кенг илм-адаб аҳлига кам маълум бўлган Шайх Нуриддин, Махдуми Сарахсий, Исмоил Шомий, Хожа Акмал, Хожа Абдували Нишопурий, Юнус Нишопурий, Хожа Илёс Самарқандий сингари тасаввуф арбоблари ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳикоятларни ҳам келтирган.¹

Адабиётшунос Тошмурад Бўриев «Машраб шеърлятида анъанавий образлар» илмий-тадқиқий мақоласида Машрабнинг ишқи илоҳийси, унинг Шарқнинг улуғ мутафаккир сўфийларидан олган ғойибона мадади ва маърифатидан илҳом олганлиги, уларни шеърлярида катта эҳтиром билан тилга олганлиги таҳлил этилган: Машраб гўдаклигидаёқ мурғак қалб билан илоҳий фазилатларга ошно тутинди. Вақт ўтиб пиру муршидлар кўмагида Ишқи илоҳий унинг ягона эътиқоди манбаига айланади. Бутун умр шу йўлда азиятлар чекди, матлуб васлига етишиш дарди билан ёнди, алангали тил билан куйлади:

*Сўроқлаб васли дийдоринг жамийи халқдин сўрдим,
Эмиш «Жўянда ёванда» ки, мен топмай адо бўлдим.*

Зеро, Ҳақ васлини мудом истаган «жўянда» (истовчи, қидирувчи) «ёванда» (топа олувчи, топа олган)лар кўп ва эл аро маълуму машхур эдилар.²

Иброҳим Адҳам, Мансур Ҳаллож, Абу Бакр Шиблий, Шамс Табризий, Жалолиддин Румий, Боязид Бистомий, Аттор, Насимий, Кубро, Нақшбанд, Офокхожа, Хожа Аҳрор каби бу улуғ зотларни Машраб ўзининг ғойибона пири комили деб қабул қилади. Уларни ҳавас билан такрор ва такрор тилга олади, алқайди уларга ўзини қиёс этади. Бу муборак зотлар билан боғлиқ байт ва ғазаллар ҳам Машраб дунёсининг турли қарашларини намоён этади.³

Адабиётшунос Ш. Қўлдошев «Ўрганган ҳамда ўртанган Машрабдур ул» илмий-тадқиқий мақоласида шоирнинг Шарқий Туркистон – уйғур мумтоз намояндалари ижодидан илҳом олганлигини, уларнинг халқ кўшиқ ва термаларига ҳамоҳанг шеърлар битганлигини ва ҳали-хануз унинг ижодини халқ эъзозлаб келаётганлиги хусусида ёзади: Машраб ғазаллари мухаммас ва мустазодлари бутун Шарқий Туркистон халқи орасида кенг оммалашиб кетганидек, шоирнинг ўзи ҳам уйғур классик адабиёти намояндалари ижодидан илҳом олган. Жумладан, Саъдулла ибн Хожа Юсуф ва Ҳирқатийнинг асарлари Машраб ижодига ижобий таъсир кўрсатган. Айниқса, Саъдулла ибн Хожа Юсуфнинг қаламига мансуб «Ғариб ва Санам» достонининг Машраб ижодида таъсири яққол сезилади. Бош қахрамон Ғарибнинг ўз севгилиси Санам билан дийдор чоғида юраги тўлиб-тошган қувончини изҳор қилиб айтган «Муяссар бўлибман» ғазали билан Машрабнинг «Келибдур» радифли ғазалини солиштиришнинг ўзиёқ фикримизни тўла тасдиқлайди.⁴

Саъдулла ибн Хожа Юсуфнинг достонидаги Ғариб тилидан:

*Нигор жамолин кўрмоққа муяссар бўлибман,
Дилдор висолин кўрмоққа муяссар бўлибман,
Агар бошимга минг кулфат тоши ёғилса майли,
Жонон илкида турмоққа муяссар бўлибман.*

Машрабнинг «Келубдур» ғазалидан:

*Дилбар юзини кўргали девона келубдур,
Юз нозу қарашма била жонона келубдур,
Девона шўрида бу жононнинг фидо қил,*

¹ Раҳим Воҳидов, Ҳамиджон Ҳомидий. Ҳиммат иноятсиз бўлмас. Олими нуктадон ўзум, 22-23-бетлар.

² Тошмурад Бўриев. Машраб шеърлятида анъанавий образлар. Олими нуктадон ўзум, 106-бет.

³ Ўша манба, 107-бет.

⁴ Ш. Қўлдошев. «Ўрганган ҳамда ўртанган Машрабдур ул». Олиму нуктадон ўзум, 143-бет.

*Кокили анинг белига чўлғона келубдур.*¹

Ш. Қўлдошев ўзбек-уйғур халқлари ўртасидаги муштарак муносабатлар, маданий алоқалар аънавийлик, Шарқий Туркистондаги оммани Машраб шеъриятидан баҳрамандлиги хусусида шундай фикрларни келтирган:

«Муштарак адабий мерослар – бир-бирига ҳар тарафлама яқин бўлган ўзбек ва уйғур халқлари ўртасида давом этиб келаётган маданий алоқалар ойнасидир. Айни чоғда улар ўтмишининг бир-биридан нақадар ажралмас ва чамбарчас эканлигини кўрсатувчи асосий омиллардан биридир. Бобораҳим Машрабнинг бадиий мероси ҳам уйғур халқининг маънавий бойлиги қаторидан ўрин олиши билан бирга, шу қадар илдиз отганки, уйғур халқининг исталган вакили билан суҳбатлашсангиз, Машрабни билмайдиган ёки унинг асарларини ёддан ўқиб беролмайдиган Шарқий туркистонлик кишини топишингиз қийин. Буни 1872 йилда Шарқий Туркистонга келган инглиз сайёҳи Роберт Шоу ҳам, 1958-59 йилларда Қашқарда яшаган адабиётшунос Рўзи Қодирий ҳам ўз асарларида қайд этганлар».²

Шарқий Туркистонда биргина «Байрамона» сўзи «Машрабона» сўзи билан бир хил маънони ифодалайди. Қашқар, Ёркент, Янгихисор кўчаларидаги халқ сайилларида санъаткорларни «машраблар» деб аташади. Бизда-чи? Машраб ғазалини оддий халқ тугул мактабдаги зиёлилар ҳам тўғри ўқий олмайди ёки маъносини тушунмайди.

Абдурауф Фитрат Машраб ижодидаги форсий шеърларда бедилона таъсир борлигини, Бедил Ҳиндистонда яшаб ижод этганлигини, лекин Машраб ундан илҳом олганлигини, сўнгра Румий ижодиёти уни ўзига мафтун қилганлигини қайд этган: «Машрабнинг шеърларида, айнуқса, форсий шеърларда Бедилнинг таъсири кўринадир. Бедил Машраб билан замондош бўлиб, ундан ўн йил сўнгра Ҳиндустонда ўлғон. Машраб Ҳиндустонга борғонда Бедил билан кўришдими ё Бедилнинг шеърлари ўз ҳаётлик вақтида Ўрта Осиёга келиб, мундаги шоирларга таъсир қиларлик даражада машҳур бўлганми? Бу ҳақда қатъий бир нарса айтмоқ шу чоғда менга мумкин бўлмади.

Машраб ўзидан бурунги ва муосир бўлган бир кўб мутасаввиф шоирларимиз каби ҳаяжонсиз шоирлардан эмас. Унинг шеърларида ҳар вақт кучли бир ҳаяжонни кўриб бориш мумкин. У кўбрак Жалолиддин Румийдаги сўфиёна ҳаяжонни ўз шеърларида акс эттиришга тиришадир».³

*Гулишани боғи даҳр аро булбули нағмагар ўзум,
Бир бутти хуш ҳиром учун ошиқи дарбадар ўзум.
Ё шаҳи меҳрибонмусен, ё маҳи осмонмусен,
Ёр била кўкни ахтариб, кавкаби камар ўзум.*

Фитратнинг ёзишича, Румий каби шоирлардаги сўфиёна ҳаяжонни ўз шеърларида акс эттиришга уринган. Машрабнинг умуман; лирикаси кучли, унинг енгил, ўйноқи ва чиройли ғазаллари бор:⁴

*То кийди қизил ўзини зебо қилайин деб,
Ўт ёқди жаҳон мулкина яғмо қилайин деб.
Машишота била жилвада кўр гўзди ўзини,
Мандек неча девонани шайдо қилайин деб.
Зебо санамим гул юзидин пардани очди,
Олам ҳама кўз бўлди тамошо қилайин деб.
Ширин сўз ила қошу кўзин жилвагар этти,
Ошуби бало, фитнани барпо қилайин деб.
Мастона саманд сакрата келгач шаҳи хунрез,
Шамшири жафони яна бурро қилайин деб.
Ханжар қўлида Машрабин ўлдирғали келди,
Ғавгон қиёматни ҳувайдо қилайин деб.*⁵

каби гўзал парчалар ёзадир.

¹ Ўша манба, 144-бет.

² Ўша манба, 145-бет.

³ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 98-бет.

⁴ Ўша манба, 99-бет.

⁵ Ўша манба, ўша жой.

Бобораҳим Машраб ижодига Баҳоуддин Нақшбанд ва Аҳмад Яссавий, Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румий, Боязид Бистомий ва Иброҳим Адҳам, Мансур Ҳаллож ва Саид Имомиддин Насимий, Саъдий ва Ҳофиз Шерозийлар, Лутфий ва Жомий, Фузулий ва Навоий, Мушфиқий ва Мирзо Бедил, Сўфи Оллоҳёр ва бошқа жуда кўплаб сўфий мутафаккирлар таъсир этди. Машраб улар қолдирган ижодий намуналардан баҳраманд бўлди, уларнинг илгари сурган таълимот ва ғоялардан илҳом олди, уни ривожлантиришга хисса кўшди. У мутасаввуфлардан Жалолиддин Румийга увайс бўлди, айниқса, пири комили Офокхожа илмини, унинг ўғит ва насихатларига риоя қилди, шеърларида уларни эътироф этди.

Машраб ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос беназир ва бетакрор бир мактаб яратгандир.

Лирик жанрларнинг имконият доираларини янада кенгайтириб, услуб, мазмун, мавзу ва бадий жиҳатдан янгидан сайқаллашга муваффақ бўлади. Машраб шеърлятида киши руҳиятига таъсир кўрсатувчи сирли бир оҳанграбо – микротис мавжуд. Бу каби омиллар Машрабдан кейинги даврларда яшаб ижод этган қалам аҳлларининг адабий-бадий тақомилига эришувларида алоҳида ўрин тутган. Ҳувайдо, Махмур, Амирий, Нодира, Увайсий, Адо, Фазмий, Ходимий, Мухлис, Шайдо, Шўхий, Мижмар, Равнак, Садоий, Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий, Шавқий Каттақўрғоний, Мужрим, Камина – Маъдан, Муқимий, Фуркат, Ҳамза каби яна кўплаб шоирлар Машраб яратган ўзига хос улкан бир мактабдан баҳраманд бўлганлар.

ШОИР ҒАЗАЛИЁТИДА ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАР ТАЛҚИНИ

Мустақиллик илм-фаннинг барча соҳаларида, жумладан, тасаввуф таълимоти тадқиқотлари масаласида ҳам ўзбек олимларига катта имкониятларни очиб берди. Ўтган қисқа давр мобайнида уларнинг саъй-ҳаракатлари асосида кирилл алифбосида ўзбек диний адабиёти яратилди ва тасаввуф таълимоти манбалари заҳиралари вужудга келтирилди. Қуръон ва ҳадислар, кўплаб йирик дин ва тасаввуф алломалари асарларининг ўзбек тилига таржима қилиниши халқимизнинг бу соҳалардаги билимдонлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Тасаввуфга оид тасаввурлар бирмунча кенгайди.¹

Кейинги давр тасаввуф намояндалари ўз фаолиятлари ва тариқатлари воситасида таълимот ва тартибнинг янада чуқурроқ қирраларини очиб берганлар. Таниқли олим профессор Ҳамидулла Болтабоев «Ислом тасаввуфи манбалари» («Ўқитувчи» 2005) илмий-методик мажмуаси тасаввуф назарияси ва тарихига доир яратилган асар бўлиб, тузувчи унда Боязид Бистомий, ибн Сино, Имом Ғаззолий, Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Вали, Алишер Навоий, Хусайн Воиз Кошифий, Фахриддин Али Сафий, Бобур, Сўфи Оллоҳёр, Бобораҳим Машраб, Исҳоқ Боғистоний ҳақидаги, улар қаламига мансуб тасаввуф тарихи ва назариясига доир асарларнинг энг муҳим ўринларини киритади.²

Анъана – мумтоз шеърятдаги узвий силсилавий ҳодиса. Мумтоз адабиётимиз намояндалари доирасида бу босқични ўтамаган, салафлари бой меросидан узилиб қолган деярли бирор бир ижодкорни учрата олмаймиз. Масалан, Ҳофиз: «Қиблау меҳробни ман абрўи дилдор асту бас», Насимий: «Қибладур юзинг, нигоро, қошларинг меҳроблар», Навоий: «Қошинг меҳробини васл аҳли этмиш қиблаи мақсуд», Машраб: «Қошинг меҳробни, эй дилбар, менингким саждағоҳимдир», Хувайдо: «Қошингга сажда қилдим мисли меҳроб», – деб икки қош оралиғини бир хил шаклда, аммо турли мақсадларда меҳробга ўхшатган.³

Машраб ижоди ҳам мумтоз шеърят анъаналари заминидан ривожланган. Машраб асарлари моҳиятини теран англаш учун шоирнинг ҳаёти, маслағи ва маънавий-маърифий илҳом сарчашмаларини чуқур ўрганиш керак. У Ҳофиз Шерозий, Лутфий, Имомиддин Насимий, Алишер Навоий каби устозлар ижодини яхши билган ва улардан маънавий озуқа олган. Бобораҳим Машрабнинг қадимий анъаналар соҳиби бўлган, дунёга машҳур адабиёт даҳолари берган форс-тожик адабиётига яқин муносабатда бўлганлиги тўғрисида ҳам турли ақидалар мавжуд. Тасаввуф адабиёти таъсирида бўлган ҳамда илоҳий ишқни юксак даражада тараннум этган буюк ғазалнавис шоир сўфийлик адабий жараёни тамал тошини қўйган ва уни юқори чўққиларини забт этган Фаридиддин Аттор, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, мавлоно Жалолиддин Балхий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдурахмон Жомий, Махдуми Аъзам Косоний каби форс-тожик адабиётининг буюк намояндалари ижодидан баҳра олган, улар ақидаларини ривожлантирган.⁴

Фалсафа фанлари доктори Бахти Очилова тасаввуфнинг назарий жиҳатлари ва унинг илк шаклланишида, таълимотга эришишида иштирок этган араб ва туркийзабон мутасаввуфларнинг фаолияти ҳақида шундай фикр келтирган: «Тасаввуфнинг назарий жиҳатдан VII асрда Муҳаммад пайғамбар фаолияти билан боғлиқ ҳолда шаклланганлиги манбаларда қайд этилган. Тасаввуф илк бор IX асрда Эронда, кейинчалик Туркистонда кенг ёйила бошлади. Унинг кенг кўламдаги таълимотга айланишида араб олимлари Ҳасан Басрий, Робиа, Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож, форсигўй алломалар Аттор, Румий, Санойи, Жомий, туркийзабон мутафаккирлар Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқурғоний, Машраб, Сўфи Оллоҳёр, Хувайдо қабиларнинг хизмати каттадир. Демак, тасаввуфнинг назарий асослари уч тилда юзага келган ва ривожлантирилган».⁵

Адабиётшунос Ғулломхон Ғафуров «Машраб сабоқлари» ҳақида фикр юритиб, шоирнинг отаси мулла Вали номи билан машҳур қосиб киши эканлигини таъкидлаб қуйидаги фикрларни ёзган: «Илм-маърифатли ота-она ўғли истиқболга ғамхўрлик қилиб,

¹ Шухрат Сироҷиддинов, Фазлиддин Равшанов. Тасаввуфни ёритувчи китоб. «Ўзб. адаб. ва сан.» 2006, 2 июн.

² Ўша манба, ўша жой.

³ Ҳамроева Д. Бобораҳим ғазаллари поэтикаси. Диссертация. 27-бет.

⁴ Абдулвоҳид Нуриддинов. Машраб ва форс-тожик адабиёти. Ҳайрат. 2002, 29 май.

⁵ Батри Очилова. Ихлосмандликда мерос ва васийлик уйғунлиги. Тошкент ислом университети. Тошкент, 2006, 122-бет.

қишлоқда бошланғич маълумот олган Бобораҳимни Наманган мадрасаларидан бирига ўқишга беради. Ўша давр илмий муҳити тақозосига кўра, истеъдодли Бобораҳим мадрасада форс-тожик ва араб тилида ёзилган бадиий юксак асарларнинг тамал тоши аслида мадраса хужраларида қўйилган, толиби илмнинг ўша пайтдаги захматли меҳнат маҳсули дейишимизга тўла асос бор. Айни маҳалда Бобораҳим мадраса ислом маданиятининг асосий калити тасаввуф илмидан бохабар бўлади. Шу боисдан ўша пайтда Намангандаги машҳур сўфий мулла Бозор охунд – Хожа Убайдулло ҳузурига таҳлил олиш учун келган ўсмир идроки, кучли мантики, кувваи ҳофизаси билан пирни лол қолдиради».¹

Бобораҳим бир муддат бу ерда сўфиёна билимлар–диний таълимотлардан таҳсил олади, ўзидан олдин ўтган мутасаввуф устозлари Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Хўжа Ҳофиз, Жомий, Лутфий, Навоий, Насимий каби Шарқ мутафаккирлари ижодини чуқур ўрганади. Мулла Бозор охунд таълимини меъёрига етказгандан сўнг Қашқарга – ўша давр ислом оламига машҳур сўфий эшон Ҳидоятулло Офоқхожа ҳузурига йўл олади. Бобораҳим айни навқирон ёшида ҳақталаблик йўлида Офоқхожа остонасига қадам қўяди. Офоқхожа XVII асрда ўрта ва қўшни мамлакатларда донг таратган минглаб муридлари-тарафдорлари бўлган, ўша давр ижтимоий онг ҳолатини белгилаб турган-сиёсий ҳаётга бекиёс таъсир кўрсатган мутасаввуф арбоб эди. Бобораҳим машҳур шайх даргоҳида илоҳий билимларини чуқурлаштиради, пирнинг талаби билан етти йил йилки боқади. Унинг тасаввуфий ғоялар билан шеърляти шу ерда чуқур мазмун билан бойийди.²

Адабиётшунос олим Ҳ. Болтабоев фикрича, Фитрат Турди, Муҳаммад Солиҳ ва бошқа мутафаккирларнинг ижоди изсиз йўқолмаслигига ҳаракат қилиб, улар ҳақида илмий тадқиқий ишларни амалга оширган ва у «... сўнг навбат «XVII асрнинг машҳур халқ шоири Машрабга келди»³», деб ёзади.

Фитрат мақоласида Машраб мавзуи билан боғлиқ уч муҳим масала илгари сурилган бўлиб, бу мақоланинг таркибида ҳам акс этган: 1. Машрабнинг ҳаёти. 2. Машраб ва каландарийлик тариқати. 3. Машраб асарлари.

Ҳ. Болтабоев Машраб ҳаёти таржимаи ҳолига тааллуқли ҳақиқатни Фитрат юзага чиқарди деган хулосага келади. У ёзади: «Айни жиҳат бизнинг бошқа ишларимизда ўрганилгани учун бу ҳақдаги Б. Дўстқораевнинг эътирофини келтириш билан чекланамиз: «Фитрат талайгина маъҳаз, баъз ва бошқа манбаларга таяниб Бобораҳим Машрабнинг таржимаи ҳолини биринчи марта илмий асосда тиклаб берган. Ундан кейин Машраб ҳақида ёзганлар гарчи Фитрат номини тилга олмасаларда, у тиклаган шоир таржимаи ҳолини у ёки бу шаклда такрорлайдилар».⁴

Ҳ. Болтабоев Фитратнинг «Машраб» илмий-тадқиқий мақоласига чуқур муносабат билдириб, уни таҳлил этган, айни ҳолда «Икки Машраб» ихтирочиларининг фикри асоссиз эканлигини исбот этиб ёзади: «Фитрат 1930 йилдаёқ бу хавфни сезган бўлса керакки, «Икки Машрабчилик» ғояси кенг ёйилишига йўл қўймаслик учун дастлаб, манқабачилик билан бизга яхши таниш бўлган шоирнинг бир шахс эканини исбот этган, сўнгра эса, «Мабдаи нур»нинг муаллифи масаласига аниқлик киритиб, унинг Бобораҳим Машраб асари эканини исботлаб берган. Бу билан ҳам қониқиш ҳисси туймаган олим Машрабга нисбатан динсиз, даҳрий, материалист каби баҳо беришлар ўринсиз бир ҳаракат эканига ўз ўқувчиларини ишонтирган эди».⁵ «Машраб мутасаввуфдир ва мутасаввуф бўлгани учун материалист ва динсиз бўла олмайди. Унинг шеърларининг ҳар қатиди мунини кўриб бориш мумкин. Манқабачилик баъзи ҳикоя ва шеърларга алданиб, унга бошқа қиммат бериш ярамайди. Бутун илоҳиёт фалсафасига мансуб оқимларда бўлгани каби тасаввуф оқими ҳам ақл ва мантиқ даражасида ўз мақсадини изох қилишдан ожиздир.»⁶

*Дунёни пушти по уруб, Адҳами бенаво ўзум,
Авжи фалакда юрган тариқи пурзиё ўзум,
Йўқти табиби ҳожатим дардимма ҳам даво ўзум,
Куфр ила дин ичинда йўқ ҳеч кима нисбатим мани,*

¹ Гуломхон Ғафуров. Шарқ жавоҳирлари. «Маънавият», Тошкент, 2000, 168-бет.

² Ғ. Ғафуров. Шарқ жавоҳирлари. 169-бет.

³ Ҳамидулла Болтабоев. Мумтоз сўз қадри. 148-бет.

⁴ Б. Дўстқораев. «Машраб»га сўзбоши. «Ёш ленинчи», 1991, 29 июнь.

⁵ Ҳамидулла Болтабоев. Мумтоз сўз қадри. 155-бет.

⁶ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 97-бет.

Ҳам ватан, ҳам сафар ўзум, ҳам шоҳу, ҳам гадо ўзум.

Машраб мутасаввуф Жалолиддин Румийнинг таъсири остида ёзилган бу ғазалида «вахдати вужуд»нинг ўзини жуда очик кўрсатадир.

Жалолиддин Румий каби Машраб ҳам «ҳар нарса ўзимдан иборатдир» дейди. Бу узил-кесил хулосадан 30-йиллардаёқ адабиёт илмига шу фикр маълум бўлган эдики, «Қиссаи Машраб» ёки «Шоҳ Машраб» номи билан машҳур бўлган манокиб китобининг қаҳрамони бизга яхши таниш бўлган шоир Бобораҳим Машрабнинг айнаи ўзгинаси. Фитрат мақоласидан келиб чиқадиган хулосалар, айниқса, «Мабдаи нур» асарига муносабатда илмий изчиллик касб этган. Бу хусусда олим ёзадики: «Биз зотан «Мабдаи нур»га қарамасдан манқабача қаҳрамони бўлган Раҳимбобо Машраб томонидан ёзилганини исбот қиламиз:

а) «Мабдаи нур»нинг тили манқабачадаги шеърларнинг тили билан бирдир.

б) Маориф Комиссарлиги ихтиёрида бўлган муфассил «Девонаи Машраб» китобида тўрт-беш парча маснавий борки, услуби ҳар жиҳатдан «Мабдаи нур» услубининг айнидир.¹

Фитрат Машрабга Жалолиддин Румий асарларининг таъсирини дастлаб ғазал ва мухаммаслари орқали кўрсатиб, сўнгра «Мабдаи нур»нинг ёзилиши бевосита Румийнинг «Маснавий маънавий» асари билан боғлиқ эканини, бунинг устига «Мабдаи нур»нинг муаллифи Офокхожанинг муриди бўлганини исботлагандан сўнг, бир неча манбаларда «Мабдаи нур»да ҳамда Мажзуб Намангонийнинг «Тазкирату-л-авлиё»сида келтирилган намуналар бир кишининг қаламига мансуб бўлганини ҳам аниқлангандан сўнг бошқа бир «Машраби соний» масаласига ўтиш ноилмий ҳаракат деган хулосага келган.²

Ҳ. Болтабоев «Мабдаи нур» асарининг дастлаб «Шарқ юлдузи» ва кейинроқ 1994 йил китоб ҳолида чиқиши бу асар Машрабга тегишли асар эканлигини тасдиқ этади: Энди, бизнингча, машрабшунослик олдида турган навбатдаги вазифа бир вақтлар Фитрат ўзбек адабиётшунослигида илк бор бошлаб берган машрабшунослик илмини давом эттириб, шоир ижодини ва «Мабдаи нур» асарини тасаввуфий талқинда ўрганишдан иборат³, деган фикрга келган.

Биз, мазкур тадқиқотимизда Машрабнинг «Мабдаи нур», «Кимё» ва бошқа асарлари, шунингдек, шоир ғазалиётидан тасаввуфий ғоялар талқинини тадқиқотчилар фикрига таянган ҳолда ва қувваи ҳофизамиз даражасида таҳлил этишни мақсад қилганмиз.

Машраб анъанавий мавзу ва мазмунларни назм риштасига тортар экан, уларни мутлақо ижодий қайта яратади, ўзининг Ҳақ ишқи, маърифат, адолат, инсонпарварлик, ҳалоллик ва поклик, барча жонзотга бирдай ҳалим бўлиш, танлаган йўлда фидоий, собитқадам бўлмоқ каби ғояларни тараннум этишга бўйсундиради. Бундан ташқари шоир ҳикоятларда ирфоний ғояларни нафис ва латиф бир тарзда ифодалаш билан бирга, худбинлик, такаббурлик, нокамтарлик, амалу мулкка хирс қўйиш, таъмагирлик, мунофиқлик, риёкорлик, фиску фужур, илмига амал қилмаслик, тақво ва риёзатда иккиюзламачилик, амалда нособитлик сингари ғайриинсоний хислатларни қоралайди, судхўрлик, товламачилик, ғирромлик, зулм-зўрликни рўй-рост танқид қилади.⁴

*Номимиздан дур олур аришу малак,
Фисқимиздан жирканур кўҳи фалак.*

*Водаруго, юртда соҳибдард йўқ,
Юртни зулмат тутубдур, мард йўқ.*

Машрабшуносликдаги мунозарали масалалардан бири «Мабдаи нур» ва «Кимё» асарларининг Машрабга нисбат берилишидир. Тадқиқотларда шоир ҳаётининг йигирма йилга яқин даври халқ китобларида очик қолдирилганлиги айтилади. Бу вақтда Машраб Хоразм, Румо, Макка ва Мадина зиёратида бўлгани тўғрисида «Девони Машраб»нинг баъзи нусхаларида қайд этилган. Г. П. Снесарев Нажмиддин Кубро мақбараси ёнида қаландархонага бир вақтлар фарғоналик сўфий девонаи Машраб ҳам ташриф буюрганини, халқ орасида у ҳақда баъзи ривоятлар юрганини ёзади. Адабиётшунос Э. Мусурмоновнинг эътирофи этишича, Машраб Озарбайжон орқали Туркияга ўтган. У ерда Насимий,

¹ Ҳамидулла Болтабоев. Мумтоз сўз кадри. 156-бет.

² Ўша манба, ўша бет.

³ Ўша манба, 157-бет.

⁴ Раҳим Воҳидов, Ҳамиджон Ҳомидий. Ҳиммат иноятсиз бўлмас. Олими нуктадон ўзум. (тўплам) 23-бет.

Жалолиддин Румий ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишиб, «Мабдаи нур»ни ёзган бўлиши мумкин. Профессор Абдурауф Фитрат ҳам ўз вақтида «Мабдаи нур» ва «Кимё» муаллифи сифатида Бобораҳим Машрабни қайд этган эди. Бобораҳим Машраб ғазаллари билан солиштириганда, «Мабдаи нур», «Кимё» асарлари тили, ёзилиш услубида кескин фарқлар кўзга ташланади. Ҳ. Болтабоевнинг фикрича, Фитратнинг эътирофларини рад этиш учун ҳам исёнкор, ҳозиржавоб, зукко Машрабга қарама-қарши диний-мистик иккинчи Машраб ўйлаб топилган.¹

Адабиётшунос олим Ҳ. Болтабоевнинг «Мабдаи нур» зиёси» шу даражада чуқур маълумот берувчи илмий-тадқиқий ишки, унда муаллиф Абдурауф Фитратнинг «Машраб» тадқиқотининг нечоғли аҳамиятли асар эканлигини эътироф этиб, унга ўз кузатишлари ва қарашларини билдирган. Ҳатто унда Фитрат изидан бориб, унга таяниб «Мабдаи нур»ни таҳлил этган Исматуллоҳ Абдуллоҳ ва «Мабдаи нур»ни чуқур, кенг таҳлил этмаган Фитрат камчиликлари ҳам таҳлил этилган: «Бироқ ҳар икки мақолада ҳам олим ўзи асосланган қатъий манбани ёки «Мабдаи нур» билан Румийнинг «Маснавий маънавий» асарини солиштиргани ҳақида бирор қайдни учратмаймиз. Фитратнинг асар таркибига оид чуқур кузатишларини ўрганишнинг ўзиёқ бу давронинг илмий жиҳатдан асоссиз эканини англатади».²

Ҳ. Болтабоев «Мабдаи нур»га сўзбоши ёзган И. Абдуллаев фикрини назарда тутиб, мақола муаллифи қарашларига Фитратнинг амалдаги жавоби қизиқтиришини таъкидлаб Фитратдан қуйидаги иқтибосни келтирган: «Масалан: Худо йўлида йиғлаш кераклиги ҳақида Румийнинг шу форсийча байтини олади:

*Раҳматам мавқуф он хуш гузи ҳо аст,
Чун гирист аз баҳри раҳмат мавж хост.*

Ва буни тубандагича изоҳ этади:

*Йиғла ҳар соатки жонинг борича,
Зикри ҳақ айтгин забонинг борича.*

*Санки оқилсан, бу йўлда навҳа қил,
Навҳасиздир тоати марди бахил.*³

Ундан сўнгра қарғани йиқилгани учун йиғлаган бир «золим»ни жуда қаттиқ сўқадир:

*Гиряларга хосият бисёрдир,
То у гиря, то бу гиря кордир.
Ҳар эшак ҳанг айласа гиря дема,
Худга ҳам бор, ҳарга ҳам бор замзама,-*

деб ўзига кўра мақул бўлган йиғлаш билан маъқбул бўлмаган йиғлашнинг айирмасини кўрсатадир ва шул йиғлаш ҳақида яна уч ҳикоя бергандан кейин:

*Охир коринг нечук бўлган, бу йўлда беҳабар йиғла,
Ҳамма Ҳақ ичра жо бўлди, қўнуб шому саҳар йиғла
Агар маҳшарда гўрдин сурру бўлиб қўнай десанг,
Қадингни ҳам қилиб даргаҳга бош ур, бештор йиғла. ,*

байтлари билан бошланган бир ғазал бериб, яна «Маснавий»сининг форсийча бир байтига қўчадир».⁴

Ҳ. Болтабоев Румий «Маснавий»сининг туркча таржимасини қиёсий ўрганиш боис «Мабдаи нур» Машраб асари эканлиги исботини топганлигини шарҳлаб ёзади: «Фақатгина мавлоно Жалолиддин Румий «Маснавий»сининг туркча таржимасини «Мабдаи нур» асарининг Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида 3786 рақами билан сақланаётган қўлёзмаси билан қиёсий ўрганиш натижасида Фитрат батафсил изоҳлаб берган мураккаб шарҳлаш усули ўз исботини топди».⁵

¹ Д. Ҳамроева. Машрабга муносабат. Олими нуктадон ўзум. (тўплам) 77-бет.

² Ҳамидулла Болтабоев. «Мабдаи нур» зиёси. Мумтоз сўз кадри. 164-бет.

³ Ўша манба, 165-бет.

⁴ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 103-бет.

⁵ Ҳамидулла Болтабоев. Мумтоз сўз кадри. 166-бет.

Шу ўринда Исматуллоҳ Абдуллоҳнинг «Мабдаи нур»нинг қўлёзма ва босма нусхалари сўзбошисидан баъзи фикрларни келтирамиз: «Мабдаи нур»нинг Ўзбекистон ва қўшни давлатларда сақланаётган қўлёзмаларининг тўла тавсифи ва танқидий матнини тайёрлаш узоқ меҳнат талаб қиладиган машаққатли ишдир. Шарқшунослик институтида сақланаётган иккита тўла ва яхши кўчирилган нусхасидан фойдаландик.

1. 9082 рақамли қўлёзма.

Қўлёзма Жалололдин Румий маснавийсининг куйидаги биринчи байти билан бошланади:

*Бишнав аз най чун ҳикоят мекунад,
Ваз жудойиҳо шикоят мекунад.*

Охири Румий «Маснавий»сининг куйидаги байти билан тугайди:

*Пок кун аввал замири хешро,
Бо бидани сарҳари дарвешро.*

Қўлёзманинг «Кимё» қисмида 76 кимё берилган ва куйидаги байт билан тугаган:

*Агар сад марта айтсам гўши карсан,
Дилиннга маъни йўқ, кардин батарсан.*¹

2. 4949 рақамли қўлёзма. Қалин Қўқон қоғозига настаълиқ хати билан жуда яхши ёзилган. Қўлёзма қалин қоғоз муковада. Хаттот Абдулфаттоҳ ибн Абдужалил Жўйборий, 1322 йил жумод-ул-охир ойида (1904) кўчирилган.

Исматуллоҳ Абдуллоҳ «Мабдаи нур»нинг тош босмада олти марта нашр этилганлигини маълум қилиб, унинг нусхалари Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик, Қўлёзмалар институти, шаҳарлар кутубхоналари ва шахсий кишилар қўлида сақланаётганлигини изҳор этган. Уларнинг ҳаммаси Машрабнинг «Кимё» асари билан бирга чоп этилган. Кимёлар сони 22 та.²

Энди Ҳ. Болтабоевнинг И. Абдуллаевга ўринли эътирозини тўласинча, муфассал бермасликнинг иложини тополмаймиз. Негаки, Машрабдай улуғ мутафаккир шоир Румий «Маснавий»сига жавобан «Мабдаи нур» асарини ёзибдими, демак, Машраб чала иш қилмаган. Румий «Маснавий»ни олти дафтар ёзган бўлса, Машраб ҳам олти дафтар ёзган бўлиши керак. Булар ё йўқолган ёки қимматли манба сифатида дунёнинг қайсидир кутубхоналарида сақланаётгир. Биз (таъкид: М. Ҳ.) олдинги бобларда «Мабдаи нур» Машраб асари эканлигини батафсил баён этган эдик.

Шунинг учун Ҳамидулла Болтабоев И. Абдуллаевга эътирозини очиқ баён этган: «Бу ўринда И. Абдуллаев уни мустақил асар сифатида таништиришда асос қилиб олган, «Маснавий» олти дафтардан иборат. «Мабдаи нур» эса уч дафтарнигина ташкил қилади» сўзларини шундай изоҳлаш мумкинки, Машраб ўз асарида «Маснавий»нинг фақатгина уч дафтарига кирган айрим маснавийларнигина изоҳлаган. Нимагадир «Маснавий»нинг 4-, 4-, 6- дафтарига кирган байтларнинг изоҳини Машраб асарида кўрмаймиз. Бундан англашиладики, Машраб, эҳтимол, кейинроқ бу ишни охирига етказишни назарда тутгандир ёки қаландарийлик тариқати билан айрим – айрим ўринларда келишиб олмайдиган сўнги уч дафтар маснавийларини изоҳлашга балки ҳожат топмагандир».³

Бизнинг фикримизча, Ҳ. Болтабоевнинг бу тадқиқоти ва унда адабиётшунос берган мантиқли хулоса ҳақиқатда «Мабдаи нур»ни Машраб ижодининг маҳсули дейишга асос беради. Негаки, Ж. Юсупов ва И. Абдуллаевларнинг хулосаларини, Ҳ. Ҳомидийнинг фаразларини ва иккиланаётган баъзи олимларнинг тахминларини бу хулоса янада ойдинлатиб тасдиқлайди. Чунки Ҳ. Болтабоев «Мабдаи нур»нинг кўплаб қўлёзмаларини киёслаб ўргангандагина масалага ойдинлик киритилишини таъкидлаган. И. Абдуллаевга нисбатан ишга чуқурроқ ёндашган Ж. Юсуповгина катта заҳматли меҳнати ҳисобига шу киёсий мураккаб ишни амалга ошира олди. Бундай дейишимизга тўла асос ва исбот борки, «Мабдаи нур»ни қайта кўриб, тасниф этиб чиққач Ж. Юсупов томонидан тайёрланган «Мабдаи нур» нашрдан яқин вақтда чиққан, у ҳажман бир ярим икки баробар катта

¹ Исматуллоҳ Абдуллоҳ. «Мабдаи нур»га сўзбоши. 22-бет.

² Ўша манба, 23-бет.

³ Ҳамидулла Болтабоев. Мумтоз сўз кадри. 166-бет.

чикқандан кейингина қолиб кетган ҳикоят ва ғазаллар билан тўлдирилганлигини кўргач, илм аҳли бу воқеага ишонадилар. Мен бунга ёруғ юз билан айта оламан. (таъкид: М. Ҳ.)

Ташлаб кетилган, тушиб қолган ўринлар ҳақида Ҳ. Болтабоев ташвишланиб ва номаълум қирралари мавҳумлиги ҳақида қайғуриб шундай ёзган эди: «Мабдаи нур» асаридан берилган парчада юқорида Фитрат кўрсатган шарҳлаш жараёни акс этмаган. Чунки унда Машраб томонидан шарҳдан сўнг ёзилган Хўжа Зуннун, Султон Боязид, Хорун ар-Рашиднинг Мажнун билан учрашуви ҳақидаги ҳикоялари ва уч ғазалигина келтирилган холос. Эҳтимол, нашрга тайёрловчи сўз бошида айтилган сўзларни тасдиқлаш учун «Мабдаи нур»нинг Румий маснавийларини шарҳлаган қисмини ташлаб, фақатгина Машрабнинг оддийгина асари сифатида қабул қилинувчи ҳикоят ва ғазалларни олган бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда Ўзбекистон Р ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ва бошқа кўлёмалар ҳазиналаридаги мавжуд 28 та кўлёмани қиёсан ўрганиб, унинг танқидий матнини яратиш, сўнгра Румий асарининг форс ва турк тилларида амалга оширилган тўла нусхалари билан қиёсан батафсил ўрганилгандагина табиийки, Машрабдай улкан тасаввуф шоири ижодининг янги номаълум қирралари очилишига ишониш мумкин.¹

Жуда кўп кўлёмна нусхаларда бир муқова остида «Мабдаи нур» асари билан бирликда «Кимё» асари ҳам берилган. Айрим котибларнинг таъкидига қараганда бу асар ҳам Машрабга тегишлидир. Фитрат бу ҳақда бир мақола хажмида чуқур кузатиш ва тадқиқотлар қилишга имкон топмай, фақат бу асар услуби ёғидан «Мабдаи нур»дан айрилмайдир» дейиш билан чекланган, холос.²

Яна бир бора «Мабдаи нур» Бобораҳим Машраб асари эканлигига шубҳа билдирувчилар эътирозини нотўғри, асоссиз эканлигини айтиб, тадқиқотимизда «Мабдаи нур», «Кимё», шунингдек, Машраб шеърлятидаги тасаввуфий ғоялар талқинига ўрин беришни лозим биламиз ва Ж. Юсуповнинг юқоридаги фикрларни тасдиқ этувчи маснавий ҳақида маълумот берамиз. Бу ҳуруфи ҳижодаги маснавий Машрабнинг «Мабдаи нур» номли асарларидир. «Мабдаи нур»даги маснавийёт арузнинг рамали мусаддаси маҳзуф вазнида ёзилган. Бу асар Жалолиддин Румийнинг «Маънавий маснавий»ларидан олинган байтларга энг юксак савияда қилган шарҳларидан иборатдир...

Жалолиддин Румийнинг:

*Боз аз Меърож гаитанд Мустафо,
Аз Худо омад бағушаиш ин нидо,*

- байтлари, байтнинг Машраб томонларидан қилинган таржималари:

*Туштиллар Меърож устидан Наби,
Ҳақ Таолодин нидое англади,*

- билан бошланган шарҳ ва бу шарҳни шарҳлаш учун келтирилган тўртта ҳикоятнинг учинчиси таркибида ҳуруфи ҳижо –алиф-лом келтирилади. Шахсий кутубхонамиздаги 17-рақамли «Мабдаи нур»да қизил сиёҳ билан «Назми тасаввуф батартиби ҳуруфи ҳижо мазмуни «Маснавий» турур» деб ёзилган:

*Ҳар кишининг хатда бир имлоси бор,
Хаттининг имлосида бисмиллоси бор,*

- байтидан сўнг ҳуруфи ҳижолик байтлар-араб алифбоси сирасида:

*Бир алифни алиф билсанг шеърсан,
Ваҳдати нури Худога серсан.
Бе-балогат домиди қалбинг сани,
То берур жоҳил бўлур қалбинг сани.
Те-тамошахонага кирган замон,
Боди тунд келса замин қолмас омон.*

-ва ҳоказо бериб борилади.³

¹ Ҳамидулла Болтабоев. Мумтоз сўз кадри. 166-бет.

² Ўша манба, ўша бет.

³ Машраб. Девон. 2006, 26-27-бетлар.

Д. Ҳамроева Машрабнинг Офокхожа хизматидаги муҳит ва ижодий таъсир масаласида юксалиш ва камолот эгасини кўрганлигини қайд этади: «Мабдаи нур» ва «Кимё» асарларини Туркистон адабий муҳити вакиллари ижоди билан қиёслаб ўрганиш ижобий натижа беради. Чунки Мажзуб Наманганий тазкирасида Ҳидоятулло Офокхожа муридларидан бўлган, Машрабга яқин тарихий даврда яшаган Мирмақсадхожа Эшон ҳақида маълумот берилган. У ва Румий «Маснавий»сига шарҳ ёзган умрининг охирида шаҳид бўлган экан. Шарқий Туркистон адабий вакиллари орасида Румий ижодига издошлик яққол сезилиб туради. Машраб ғазалларида буни кузатиш мумкин. Адабий муҳит ва ижодий таъсир нуқтаи назаридан ёндашилса, Машраб ушбу асарлар муаллифидир, деган хулосаларни илгари суриш хато эмас. Чунки мулло Бозор охунд ҳузуридаги Машраб билан Офокхожа хизматидаги Машраб шахсида сезиларли ўзгаришлар мавжуд.¹

Машраб пири комили Офокхожа нафасини ҳар доим ҳис қилиб, сезиб туради, Машраб таҳаллуסי у муборак зот томонидан кўйилганлигини шеърларида фахр билан тилга олиб, эслатиб туради. Зулайҳо Юсуфга интизор бўлгани каби Машраб ҳам Офокхожа дийдорини соғиниб туришини, унинг суҳбатини олишни вожиб деб билади:

*Ҳажру фироқинг ўтида ошиқи беқарор ўзум,
Ой юзунг иштиёқида ошиқи хокисор ўзум.*

*Юзунгни кўрмасам агар, бўлмагай эрдим интизор,
Раҳм айлагил бу ҳолима, ошиқи бемадор ўзум.*

*Куйди юроким ўртаниб жабру ситамларинг билан,
Оҳима жовидон қуяр, оташе тобдор ўзум.*

*Кўксума ханжаринг тегиб, оҳ ила Аршни куйдуруб,
Қонима жисму жон бўяб, гулшани лоззор ўзум.*

*Чину Наманган ичида келди Раҳимбобо сўраб,
Топмади бир ходийни, толиби рох-барор ўзум.*

*Махфий Зулайҳо доимо Юсуфга интизор эди,
Икки жаҳонда ёрини излаган ошкор ўзум.*

*Ҳар нафасики манда бор бўлди мадад Офокхожам,
Бўлмаса бир қуруқ ёғоч, даштида кўҳсор ўзум.*

*Қуддуса сирриху Хожам отими Машраб дедилар,
Қошгару Ёркенд ичида, соҳиби гуфтор ўзум.²*

Адабиётшунос И. Сувонкулов Офокхожа ва Машраб пир – устоз – мурид – шогирдлик муносабатлари хусусида тоталитар тузум давридаги ҳолатни таҳлил этиб ёзади: «Мумтоз адабиётимиздаги яна бир ҳол, бу Ҳидоятулло Офокхожа ва Бобораҳим Машрабнинг устозлик ва шогирдлик масаласидир. Тоталитар тузум даврида ёзилган дарслик ва турли мақолаларда уларнинг устозлик ва шогирдлик муносабатлари бир томонлама ўрганиб келинди. Уларда гўё Машраб Офокхожа эшоннинг хаддан ташқари «зуғум» ва «хурофотлари»га чидай олмаган тарзда баён қилинади. Ваҳоланки, ўз вақтида «Қиссаи Машраб» ва бошқа манбаларда Офокхожа ҳақида илиқ фикрлар тилга олингандир.

Бир нарсани ёдда тутишимиз лозимки, Машраб Офокхожа вафотидан кейин ҳам унинг хонадонига, Офокхожа ўғли Муҳаммад Яҳё ҳузурига бориб турган. Демак, Машраб ва Офокхожани бир-бирига қарши қўйиш адабиётга синфийлик нуқтаи назаридан қарашнинг оқибати бўлган эди. Эндиликда бу ҳолга ижодий ёндошмоқ керак. Мумтоз адабиётимизни авлодларимизга асл холида етказмоғимиз ва талқин этмоғимиз лозим».³

Адабиётшунос Дилдора Шарипова Машраб ижодида ғоявий-бадиий синтез хусусида сўз юритиб, шоирнинг истеъдоди, унинг диний-ахлоқий, тасаввуфий қарашлари, шоир фитратидаги ҳалоллик, поклик ва унинг Ҳаққа интилиб яшаши ҳақида мулоҳаза юритади: «Машраб ҳам бошқа мумтоз адабиёт вакиллари каби ишқни тараннум этади. Аммо шоир

¹ Д. Ҳамроева. Машрабга муносабат. Олими нуқтадон ўзум. Тўплам. 78-79-бетлар.

² Машраб. Девон. 2006, 173-бет.

³ Иноятулло Сувонкулов. Қалб гавҳари. Сайланма. 9-бет.

ижодида бошқа санъаткорларга қараганда ўзига хос етакчи хусусият мавжуд. Бу чин инсоний муҳаббат билан Мутлақ Ҳаққа бўлган ошиқликнинг бир – бирига уйғунлигидир. Бу икки илоҳий туйғуни синтезлаштира олиш учун ижодкорга буюк қалб, кучли қувваи хофиза, ноёб қобилият, қолаверса кенг мушоҳада бўлиши шарт. Акс холда шоир ижоди асрлар оша мумтозлигини асраб қолаолмаган бўларди:

*Дилбар куйида вашиамси, ваззуҳо ўқуй,
Мақбул бўлса ҳамдингга лаҳни уло ўқуй.
Мажнунсифат фироқ даштида зор йиғладим,
Дарду гаминг, лайливашим, лайлу наҳор ўқуй.*

Бандда тилга олинган «Вашшамс» ва «Ваз-зуҳо» сураларнинг номи бўлиб, иккинчисида пайғамбаримиз Муҳаммад (С. А. В.)нинг сифатлари келтирилади, яъни энг севиб ўқиладиган суралардан биридир. Ошиқ махбубасини ана шундай улуғликка кўтаради. Хулоса шуки, шоирнинг ёрга ва яратганга муҳаббатини бир – бирдан ажратиш қийин. Бу шоир Машрабнинг Аллоҳ ишқида эҳтиросли эканини ва инсоний ишқни илоҳий кудрат даражасида ҳис эта олишини кўрсатади».¹

«Мабдаи нур»ни нашрга тайёрлаган Исматуллоҳ Абдуллоҳ ҳар уччала дафтардаги ҳимоялар ва ундаги тарбиявий ахлоқий, тасаввуфий-таълимий, диний-маънавий жиҳатлари ҳақида куйидаги фикрларни берган: «Мабдаи нур»да берилган ҳимоялар аксарият эътибори билан машхур сўфийларнинг ҳаётларидан олинган ёхуд улар ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, мусулмон Шарқида араб ва форс тилларидаги ёзма ва оғзаки адабиётда қадимдан машхур бўлган пайғамбарлар, шоҳ-амирлар, авлиёлар, шайхлар, хожалар, тақводорлар ва бошқа машхур кишилар ҳаётидан олинган ибратомуз, ахлоқий-тарбиявий ривоятлардир. Ҳикоялар орасида инсон ҳаётидаги салбий ҳислатлар соҳиби бўлган иймонсиз, диёнатсиз, фосиқ, ёлғончи-каззоб, риёкор, маиший бузук, ўғри, хасис, молпараст, мутаккаббир қабилар ҳақидаги ривоятлар ҳам мавжуддир. Биринчи дафтарда 46 та, иккинчи дафтарда 59 та, учинчи дафтарда 27 та, жами 132 та ҳимоя берилган. Булардан баъзи бирлари, шу жумладан охириги учтаси 4949 рақамли ва қисман 9082 рақамли кўлёмаларидан олинди».²

Д. Ҳамроева Қашқарда Машрабга замондош бўлган Залилий таҳаллусли шоир ўтганлигини, унинг шеърлари ҳам Машрабникига ўхшаш ҳамоҳанг эканлиги ҳақида фикр юритади: Муҳаммад Сиддиқ Залилий-Машраб билан бир ижтимоий-адабий даврга мансуб ижодкор. У ҳижрий 1087-1091 (м. 1676-1680 йиллар) оралигида Ёркендда туғилган. Залилий девонини ўқиганда, ундаги образлар олами, тасвир ва ғояни ифодалаш услуби Машрабга жуда ўхшашлиги дарҳол сезилади. «Эй, жилваи жамолинг дарёи нур эмасму», «Ишқи адамда бор эди, йўқ эди мосуво ҳануз» мисралари бунга мисол бўла олади.

Залилий ғазаллари орасида Машрабга нисбат бериладиган «эттим» радифли бир ғазал учрайди:

*То олами зоҳирга келиб, ман гузар эттим,
Тарк айладим-у жумлани қатъи назар эттим.*³

Бадий ижодда бир шоирнинг бир ёки икки байтини кўчириб, давомидаги шу радиф, қофия ва вазнда шеър ёзиш асосида тазмин ё тахмислар яратилиши ижобий ҳодиса. Аммо етти-саккиз байтли ғазалнинг тўрт-беш байти бир хил бўлишини на ижодий ва на ижобий ҳодиса дейиш мумкин. Қолаверса:

*Меҳмон агар келса, Залилий емагил гам,
Ҳуни жигарим жамъи қилиб моҳазар эттим*

мақтаъси иккинчи вариантда «Минг маънини бир нукта била мухтасар эттим» дея Машрабона якунланди.

Залилий иқтидорли, маърифатли шоир. Аммо Машраб шеъриятининг ўз оҳанги, завқи ва туғёни бор. Уларда шоир шахси - «мен»лиги кўриниб туради.⁴

¹ Дилдора Шарипова. Машраб ижодида ғоявий-бадий синтез. Олими нуктадон ўзум. Тўплам. 112-бет.

² Исматуллоҳ Абдуллоҳ. «Мабдаи нур»га сўзбоши. 29-бет.

³ Дилором Ҳамроева. Машрабга муносабат. Олими нуктадон ўзум. Тўплам. 80-бет.

⁴ Ўша манба, ўша жой.

«Жаҳон адабиёти» журналининг 2007 йил сентябрь сониди ЎзМУ Ўзбек филологияси факультети тадқиқотчиси, уйғур адабиётшуноси Турсун Қурбон Туркашнинг Муҳаммад Сиддиқ Залилий ҳақида «Илм била фазл гулистони» илмий-тадқиқий иши эълон қилинди. Унда Залилий, Машраб, Хувайдо меъроси ва ундаги муштарак жиҳатлар ҳақида шундай дейилган: «Муҳаммад Сиддиқ Залилий XVIII аср уйғур адабиётининг энг йирик намояндаси ва кўп асрлик туркий шеърият анъаналарини муносиб давом эттирган оташнафас шоирдир. Залилий адабий меросини чуқур ўрганиш Машраб, Хувайдо ҳаёти ва ижодига доир баъзи муаммоларни аниқлашда ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки бу уч шоир яшаган ижтимоий-сиёсий муҳит макон ва замон нуқтаи назаридан ўзаро яқиндир».¹

Залилийдан девон қолган. Залилийнинг 20 га яқин ғазал ва мухаммасларида Ҳалложга мурожат қилинади. Румий, Жомий, Навоий ва Машрабларга ташбеҳ, ишора ва татаббуълар тез – тез учрайди. Шоир лирикаси таҳлили – унинг ўз замонасида ҳар томонлама етук олим ва кўп қиррали сўз санъаткори бўлгани ҳақидаги хулосага олиб келади.

Адабиётшунос Турсун Қурбон Туркаш ўзбек-уйғур халқи қариндош ва тақдирдош эканлиги, улар ўртасида жуғрофий кўшничилик, икки миллат адабиётининг муштарак анъаналари, Машраб ва Залилий ижодидаги ҳамоҳанглик жиҳатларига тўхталган: «Биз ўзбек-уйғур мумтоз адабиёти матнларини қиёслаб ўрганиш орқали буюк ўзбек шоири Бобораҳим Машраб девонидаги (2006 йил Ж. Юсупов нашрга тайёрлаган девон) айрим ғазаллар билан «Залилий девони»даги ғазалларда ўхшашлик, баъзан эса айнан уйғунлик мавжудлигини аниқладик. Бу асосан Залилийнинг Машрабга мухлис бўлгани, улуғ салафи ижодини ибрат билиб, маъно – мазмун ва вазн жиҳатдан ҳамоҳанг шеърлар ёзгани билан изоҳланади. Масалан, Муҳаммад Сиддиқ Залилий лирика ва дostonларида тазмин санъатидан фойдаланиб, Машраб шеъриятига хос бўлган «Аршнинг кунгураси» иборасини тез-тез қўллаган».²

Девондаги 40-ғазалида:

*Чаманнинг гулларин, булбул, кўрибон чекмагил хасрат,
Қаландар машрабона риндининг тарзи кулоҳидир.*

деб ёзган бўлса, 125-ғазалида:

*Машраби оли умамнинг шеъри шаккар боридур,
Дона – донангубимни не жудо келтирмишам*

байти орқали Залилий Машрабни пир – устоз тутганини таъкидлайди.

Машраб ва Залилий девонларидаги ғазал ва мухаммасларнинг қиёсий таҳлили уларда, айрим тафовутларни эътиборга олмаганда бир-бирига айнан ўхшаш бир қанча шеърлар мавжудлигини кўрсатади. Қуйида айрим мисоллар келтириб ўтилган:

«Машраб девони», 207-ғазал:

*Сани Лайлийи раънодек ажойиб дилрабо дерлар,
Мани Мажнунни шайдодек куйингда бир гадо дерлар.*

*Кеча кундуз эшигингда фиғону нолалар қилсам,
Ки ҳарчанди наво қилсам, ханузам бенаво дерлар.*

*Бориб сўрдим табиблардин: «бу дардимга даво борму?»
Алар айтдурки: «Эй нодон, бу дардни бедаво дерлар!»*

*Боқибон ул пари кўз учидин юз ноз қилиб ўтти,
Руҳи учун ул моҳи тобонни анварул худо дерлар.*

*Тафарруж айлабон ногаҳ назар қилса гўристонга,
Кўпуб гўрдин ҳама одам, ҳама «Во ҳасрато!» дерлар.*

*Қани Лайли, қани Мажнун, қани Ширин билан Фарход,
Алар ўтти бу оламдин, бу олам бевафо дерлар.*

Итини хоки пойиники Машраб кўзига суртти,

¹ Турсун Қурбон. Илм била фазл гулистони. «Жаҳон адабиёти», 2007, сентябрь, 180-бет.

² Ўша манба, 186-бет.

*Нидо келдики оламдин бу кўзга тўтиё дерлар.*¹

«Залилий девони»даги 52-ғазал, Машраб ғазалига кўп жихатдан уйғун экани аён бўлади:

*Сени Лайлию раънодек ажойиб дилрабо дерлар,
Мани Мажнуни ҳайрондек куйингда бир гадо дерлар.*

*Ажабдур эй шоҳи хубон кеча кундуз эшигингда,
Хамиша ман наво қилсам дағи сан бенаво дерлар.*

*Боқибон эл сари, жоно юзингдин бир ниқоб олсанг,
Рухингки чун моҳи анвар тажаллийи худо дерлар.*

*Табассум айлабон токи назар қилсанг гўристонга,
Кўпуб гўрдин бори мурда ҳама во ҳасрато, дерлар.*²

«Машраб девонидаги» 97-ғазал ва «Залилий девонидаги» 128-ғазал ҳақида ҳам худди шу фикрларни айтиш мумкин.

Залилий девонидаги:

*Қаландарман, жаҳонни тарк этиб қилдим сафар танҳо,
Чу семурғки парвоз айлағай беболу пар танҳо,*

матлали 5-ғазалга шоирнинг ўзи мухаммас боғлаган. «Машраб девони»нинг 491 саҳифасидаги мухаммас Залилий ғазалига тахмис бўлиб чиққани ажабланарли ҳолдир. Бир вазнда, бир-бирига монанд қофияда, бир хил радиф ва мавзудаги муштарақ мухаммаснинг дастлабки банди куйидагича:

*Зиҳи расволигим оламга солди шўри шар танҳо,
Бўлибтур Нуҳ филки гавгоси зарра, алҳазар танҳо,
Нигорим бирла ман бир пираханда, халқ дер танҳо,
Қаландарман, жаҳонни тарк этиб қилдим сафар танҳо,
Чу семурғки парвоз айлай беболу пар танҳо.*

Залилий мухаммаси 9 бандда таркиб топган бўлса, Машраб мухаммаси 8 банддан иборат.³

Тахмис боғланган ғазалнинг сўнгги байтидаги озгина фарқни ҳисобга олмаганда, мухаммаслар таркибидаги ғазал байтларининг сўз ва мазмуни асосан ўхшаш. Ҳар икки мухаммас матни деярли бир-бирини такрорлайди.

Адабиётшунос Турсун Курбон Туркаш Машраб Залилий шеърятининг ҳамоҳанглилиги ва қаландарлик фалсафасидаги маслақдошлиги ҳақида шундай хулосага келган: Залилий Машраб шеърятининг ҳақиқий шайдоси ва муҳлиси бўлган. У Машраб ижодидан таъсирланиб, ҳар жихатдан унинг ғазалларига ҳамоҳанг шеърлар ёзган. Бунинг биринчи сабаби маломатийларнинг зоҳидлик мактабларидан бўлган тасаввуфнинг қаландарлик фалсафасидаги маслақдошлиги бўлса, иккинчи сабаби ҳар икки шоирнинг Қашқар муҳитида яшагани бўлса ажаб эмас. Бошқа тахминларга кўра, Машраб Қашқарда бўлган 1665 йиллари Залилий ҳали дунёга келмаган эди. Машраб қатл этилган 1711 йили эса Залилий 35 ёшларда бўлиб, эҳтимол анча кекса ёшида шоҳ Машраб ёш шоир Залилий ғазалига мухаммас боғлагандир. Бу ҳол котибларнинг хатоси билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин...»⁴

Машраб шеърлари орасида Шарқий Туркистон адабиёти вакиллариининг асарлари учраб туриши бежиз эмас. Қашқарда Офокхожа ҳузурида яшаган Машраб Шарқий Туркистон адабий муҳити билан яқиндан танишган. Залилий сингари шоирлардан илҳомланган, ўз навбатида, уларга ҳам таъсир ўтказган. Булар орасида Хожаи Жаҳон, Хожа Яъқуб номи билан машҳур Арший ижоди алоҳида эътиборни тортади.

¹ Машраб. Девон. 2006. 256-бет.

² Турсун Курбон Туркаш. Илм била фазл гулистони. 187-бет.

³ Ўша манба, ўша бет.

⁴ Ўша манба, 188-бет.

Арший Ёркенда макон топган ва ўз девонини тузган. Унинг шеърлари орасидаги саккиз байтли:

*Қилди манга бир жилвае ногоҳ боқа қолдим,
Дунё билла уқбани динга сота қолдим,*

матлаъли ғазали Машрабда ҳам учрайди.¹

Арший ва Машраб бир даврда яшаган бўлса ҳам, ўзаро яқин адабий муносабатда бўлганлиги хусусида аниқ бир нима дейиш қийин. Умуман, Бухоро, Наманган ва Шарқий Туркистон адиблари бир – бирини ижодий давом эттирган. Буни Машраб асарларини Мажзуб Намангоний, Лутфуллохўжа, Мирмақсудхўжа, Залилий, Ҳирқатий, Арший, Футуҳийлар адабий меъроси билан қиёслаш жараёнида ҳам кўриш мумкин.²

Адабиётшунос Т. Бўриев Машраб шеърларида тилга олган образлар афсонавий авлиёлар даражасидаги шахслар, пайғамбарлар ва чорёрлар эканлигини таъкидлайди: Хусусан, Машраб ўз шеърлятида Мажнун, Лайли, Фарход, Ширин, Юсуф, Зулайҳо, Вомиқ, Узро, Тохир, Зухро, Сулаймон, Билқис, Осаф бин Бурҳаё, Рустам, Сухроб, Жамшид, Искандар, Хисрав, Афросиёб, Қорун, Хотам, Шайх Санъон, Қақнус, Семурғ сингари қирққа яқин энг сара афсонавий – бадиий образларни қўллайди.

*Хисрави Комрон бўлиб, Рустами достон бўлиб,
Бир зўр паҳлавон бўлиб, Ҳамзаи раҳнагар ўзум.*

*Ўшандоғ тожу тахтини қўйиб анвои нурони,
Сулаймон ҳолатимга Осаф бин Бурҳаё йиғлар.*

Машраб ўз мақсади – маҳбуб васлига эришиш йўлида ўзини Хисрави комрон, Рустами достон, Ҳамзаи раҳнагар ёхуд бир зўр паҳлавон ҳис қилаётир.³

Т. Бўриев тасаввуф намояндалари Иброҳим Адҳам, Мансур Ҳаллож, Боязид Бистомий, Шайх Шиблий, Шайх Аттот, Насимий ва бошқаларни Машраб шеърларида тилга олганлигини, уларнинг умуминсоний ғоя ва таълимотларини у давом эттирганлигини таҳлил этиб ёзади: Иброҳим Адҳам, Мансур Ҳалложларни тилга олар экан, шоир ўз мақсади, шуури, тафаккури ва маслаги улар билан муштарақлигини таъкидлайди:

*Хотиримга ҳиммати Адҳамни келтирди бу кун,
Ким, худо тарсдир анга, даркор эмас молу миноя,-*

байтида мол – дунё, тож тахтини Ҳақ йўлида нисор этган Иброҳим Адҳамнинг бир бутун тарихи мужассам, чунки худодан кўрққан бандасига мол-дунё даркор эмас. Машраб фалсафасида кўрқмоқлик севги-муҳаббатнинг аломатидир.⁴

Иброҳим Адҳамдек ўзини жаҳондан Мосуво этган Машраб оҳи сардини – рўза, фиғонини – тоат билиб, бу ишни «хуни ғарқ бирла адо қилдим», эндики бас, Мансурман дейди. Мансур осилган дорни кўзлайди. Ўша куни Мансур «Анал-Ҳақ»лиги ошқора бўлишини таъкидлайди:

*Дори Мансур Анал Ҳақ жойидур.
Бош бериб юз минг нидо топсам керак.*

Иброҳим Ҳақкул Машраб тасаввуфий ғояларининг илдизи Шарқ ва ундаги Атоийи каби издошларнинг фикрий қарашларида эканлигини шарҳ этиб ёзади: «Машрабгача бўлган ўзбек классик шеърлятининг оташин вакилларида бири Атоий, агар менга охир дам-сўнгги нафасларимда имон келтиргил десалар, «имоним ўшал моҳ!» дегумдир, дағи ўлгум» деб ёзади. Албатта Насимий сингари шоирлар ёрни «Оллоху акбар, эй санам...» сўзлари билан таърифлаганда, маъшукани имонга тенглаштириш фавқулудда ҳодиса эмас. Лекин, моҳиятда улар битта осмондаги ёру ягонага эмас, заминдаги гўзалга, яъни ердаги худога сиғиниш, имон келтириш эътиқодини тарғиб этади. Шу юксак ғоявий майдонда Машраб Шарқ ва Яқин Шарқдаги буюк истеъдодларги издош ва маслақдошдир.

¹ Ўша манба, 81-бет.

² Ўша манба, 82-бет.

³ Т. Бўриев. Машраб шеърлятида анъанавий образлар. 104-бет.

⁴ Ўша манба. 107-бет.

Атойнинг юкоридаги фикри юрак овози эшитилаётган зўр фикр. Бирок унда умумнинг нуқтаи назари ифодаланмагандай: шоир дилида туғилган ушбу мақсад ва орзуга хоҳлаган диққат қилади, хоҳламаган йўқ. Атойникига яқин, уни эслатадиган маъно Машрабда ҳам бор, у умумга қаратилган, барча учун айтилган Машраб ҳукмига биноан, ишқ – бу Имон. Севган, кўксида «доғи муҳаббат чаман»га дўнган кишиларгина имонли:

*Қайси танни ишқи йўқ бўлса они имони йўқ».*¹

И. Ҳаққул Машраб шеърятининг тасаввуфий жиҳатларига эътибор қаратиб ёзади: Машраб шеърятининг ғоявий, фалсафий, ахлоқий замини тасаввуф. Шоир ижодиётига доир тадқиқотларда унинг шеъри онгли равишда ўз заминидан ажралиб таҳлил қилинган. Натижада илоҳий ишқ моҳиятини очувчи фикру кечинмалар дунёвий муҳаббатга мансуб тасвирлар сифатида тавсия этилган.

И. Султон ва И. Аҳмедовларнинг «Асл Машраб» мақоласида бундай дейилади: «Хонларнинг зулми, бекларнинг талаши, руҳонийларнинг алдамчилиги ва сотқинлиги натижасида неча неча минг халқ хонавайрон бўлди, оч-яланғоч қолди, гадои бўлди. Бу омма ғазабланар, лекин бу ҳолдан чиқиш йўлини билмас эди... тасаввуф таълимотида шу иложсиз ҳолда қолган омманинг кайфиятига мос тушадиган бир қанча унсурлар бор эди».²

«Ўзбек адабиёти тарихи» китобида Машраб яшаб ижод этган даврларда «диний реакциянинг» кучайганлиги, «зулм ва истибоднинг» авж олганлиги, «ҳоким ва беклар, кичик-кичик феодаллар» ўртасидаги ўзаро урушлар натижасида меҳнаткаш халқнинг ниҳоятда эзилганлиги таъкидланиб, яна ёзилади: «Бундай шароитда ҳеч тасодифий эмаски, олти-етти асрлар илгари шаклланган сўфий таълимот турли йўналишларда кенг тарқала бошлади... Аммо бу даврда ҳам тасаввуфнинг ана шундай ўта пессимистик зоҳидлик йўналишига нисбатан бир мунча жонли, ҳаётий бўлган бир талқини, йўналиши ҳам бор эдики, Бобораҳим Машраб дунёқарашининг «айрим томонлари» ҳам ўша феодал шароит тақозоси билан изоҳланувчи чекланган томонлар», деб хулосалангандир. Наҳотки, тасаввуф дейилишиданоқ, дарҳақиқат дарҳол тарки дунёчилик тушунилса? Ҳамма нарса ўз номи билан аталадиган бўлса, тасаввуф умидсизликка бутунлай қарши-ку! Тасаввуфда «ўта пессимистик зоҳидлик йўқолиши» йўқ. Булар ўйлаб чиқарилган гаплар. Тасаввуф Машраб дунёқарашининг ички офтобидир. Тасаввуф, биринчи галда руҳ тарбияси. Тасаввуф-ахлоқ ва одоб камолоти учун изчил қайғуриш демак. Тасаввуф-Хаёл ва тасаввур кенглиги. Дин сингари тасаввуфнинг ҳам оламшумул мафқураси Ишқдир. Шу маънода дин ва тасаввуф ўртасида кескин ихтилоф йўқ».³

Бобораҳим Машрабнинг «Ўртар» номли машҳур ғазали бор. Халқ ҳофизи Умаржон Отаев томонидан «Фарғона тонг отгунча» узоқ йиллар куйланган бўлса, халқ артисти Муроджон Аҳмедов томонидан Машрабнинг «Ўртар» ғазали билан айтиладиган ашуласи ҳам XX асрнинг 70-йиллари бошидан то бугунги кунгача халқимиз томонидан севиб эшитилиб келинмоқда. Халқ ҳофизи Муроджон Аҳмедов эҳтимол бетакрор овозио шу ашуласи балан, одамлар қалбидан жой олгандир. Чунки машҳур ҳофиз Машрабнинг «Кўринг», «Жонон қиз», «Бўлмас», «Ўртар» ва бошқа ашулаларини шу даражада муҳаббат, завқ-шавқ, жўшқинлик, маҳорат билан ижро этдики, буни омма жуда яхши қабул қилди. У ижро этилганда, ашуланинг оҳанграбоси, жозибаси ҳар қандай шинавандани ўзига маҳлиё этади. Халқ артисти ва ҳофизи Таваккал Қодиров «Ўхшайди» (Дучава) ашуласини айтганда шинаванда ана шундай улуғвор мусиқий оҳанг ва (ижрочи) санъаткор жозибасини ҳис қилади. Машрабнинг «Ўртар» ашуласи Муроджон Аҳмедов ижросида янграганда манзурнафас хонанданинг сеҳрли овози шинавандани ўзига ром қилиб олади.

«Ўртар» ашуласининг мусиқаси ва матни диёримизда яшовчи санъат шинавандасининг диққатини ўзига жалб қилиб, уни ҳозир ҳам ҳиргойи қилмаган одам топилмаса керак.

Ашула матни Машраб муҳаббатининг, маъшуқага ошиқлигининг васфи билан бошланади. Ошиқликнинг икки жиҳати бор, реал ҳаётдаги ошиқнинг маъшуқага севгиси ва инсон-лирик қаҳрамонининг Яратувчига бўлган ишқи баён қилинади.

¹ Иброҳим Ҳаққул. Сўзлар бизга оғриқдан бўзлар. Тўплам. 104-бет.

² Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърят. 178-бет.

³ Ўша манба, 180-бет.

Бу ишқ қайсики қалбга, унинг руҳига тушса у энди маъшуқа висолини кўрмагунча бетоқат бўлади, тоқатсизланади, у фироқ ўтида куйиб ёнади. Ҳатто маъшуқа жамолини васф этишга ошиқнинг тили лол, кўзи гирён, «сўнгах» суякларигача зирқираб азоб бериб, унинг жисми жони ўртанмоқда. Маъшуқа васли, унинг висолидан жудо бўлмоқ ошиққа қаттиқ руҳий азоб, изтироб бермоқда. Ёр васлига етишни хоҳлаган ошиқнинг оҳига ҳатто еру осмон, само ҳам чидай олмасдан ўртанмоқда.

Энди ошиқ аҳволи, руҳияти шу даражада тушкунки, чунки ёр-маъшуқа унга эътиборсиз, холини сўрамайди, тану-жони, эти-устихони ўртаб, дили шикасталикдан, изтиробдан толиқди. Лирик қаҳрамон-шоир-Машраб жоно-Аллоҳга мурожаат қилиб, бундай ишқни ҳеч ким бошига солмасликни муножот қилиб, ўз муҳаббат дарди-ошиқлигини баён этиб, маҳшар куни-тонгла қиёматда оҳ чексам беҳишт-жаннату, жовидон-дўзаху-жаҳаннам менинг севгим олдида ҳеч нарса бўлмай қолади демоқда:

*Агар ошиқлигим айтсам, куюб жону жаҳон ўртар,
Бу ишқ сиррин баён этсам, тақи ул хонумон ўртар.*

*Кишига ишқ ўтидин заррайи тушса бўлур гирён,
Бўлур бесабру бетоқат, юрак бағрим ҳамон ўртар.*

*Нечук тоқат қилай, дўстлар, бу дард бирлан бўлиб ҳайрон,
Ғамим бошқа, алам бошқа, юрагимни ниҳон ўртар.*

*Мени бехонумон тинмай куюб ҳар дам фироқингда,
«Нигоро» деб отинг айтсам ки, шавқингдин забон ўртар.*

*Қаю тил бирла, эй жоно, санинг васфинг баён айлай,
Тилим лолу, кўзим гирён, сўнгахларни чунон ўртар.*

*На қаттиг кун экан, дилбар, висолингдин жудо бўлмоқ,
Менинг оҳим ўтига бул замини осмон ўртар.*

*Юракда дарду ғам қат-қат, ки менда қолмади тоқат,
Агар бир заррасин бул вақт десам ишқи баён ўртар.*

*Бу дард бирлан ҳароб ўлдим, келиб ҳолимни сўрмайсан,
Унум чиқса юракдин бул тану жон, устихон ўртар.*

*Бу Машраб дардини, жоно, ки ҳеч ким бошига солма,
Агар маҳшарда оҳ урсам, беҳишти жовидон ўртар.¹*

Тасаввуф олими Н. Комилов «Жон ва жонон мижароси» ҳақида мулоҳаза юритиб, Алишер Навоийнинг «Ҳазойинул маоний» девонида икки ярим мингдан ортиқ ғазал борлигини таъкидлаб, улуғ шоир бир ғазалининг ўзида «жон» сўзи ўн тўққиз, «жонон» сўзи ўн олти марта такрорланиб келганлигини айтган.

«Жон» Бедил фикрича, танадаги танасух, она ҳомиласида уч ойда инсонга берилган рух, тириклик манбаи. Жоно дейилганда сўфийлар Аллоҳни тушунадилар. Жоно маҳбуб — улар Аллоҳни жола бўркли маъшукани севгандай севадилар. Жонон — маъшуқа қиз, реал ҳаётдаги севиқли ёр.

Машраб ишлатган «Бу Машраб дардини жоно, ки ҳеч ким бошига солма», радифида шоир Яратганга муножот қилиб, Аллоҳ ишқида ёнаётганлигини, унинг Нури жамолига ошиқлигини, бу дард уни (шоирни) безовта этаётганлигини сўзлаган. Шунинг учун рўзи қиёмат – маҳшар куни ҳам уни сўроқлаганда, ҳатто қиёмат қойим куни ҳам Машраб унинг жамолидин Мосуво бўлмасликни ундан (жоно)дан ўтинмоқда, негаки, унинг жамолини кўриш иштиёқи шунчалик чўнг (баланд)ки, қиёмат-охир замонда, беҳишт эшиклари очилиб, дўзах ўт-оловида куяётганлар ҳоли намоён бўлганда ҳам у Яратган висолидан умидвор, унинг васли иштиёқида ўртади.

Турк мутафаккир шоири Юнус Эмро ҳам Бобораҳим Машрабдай ишқни, Яратганни эҳтироси ила тилга олиб, унга ошиқлигини, севгисини шундай тараннум этган:

Ишқсиз одам дунёда, асли одам эмасдир,

¹ Машраб. Девон. 2006, 249-бет.

Ҳар бири бир нарсага севгиси бор, ошиқдир.

*Аллоҳнинг дунёсида юз минг турли севги бор,
Қабул қилгил ўзингга, кўр, қай бири лойиқдир.*¹

Нодирабегим ҳам Аллоҳга Ишқини баён этиб: «Муҳаббатсиз киши одам эрмасдир, гар сен одам эрсанг, муҳаббат ихтиёр эт» деб лутф этганлар.

Адабиётшунос А. Абдуғафуров Машраб Навоий шеърини анъаналарини давомчиси эканлиги ҳақида қуйидаги фикрларни келтирган: «Машраб ижодий меросидаги «Ўртар» радибли ғазали ҳам Навоий анъаналарининг оташзабон шоир томонидан изчил давом эттирилганини исботловчи далиллар жумласига киритиш мумкин. Бу ўта таъсирчан ва кенг шуҳрат тутган ғазал мисралари жисми ва руҳига ҳам Машраб дунёқарашига хос сўфиёна таълимотнинг асосий ғоя-образлари усталик билан жойлаб юборилган.

Машраб асарининг ёзилишига, «Наводир уш-шабоб» ва «Бадоеъ ул-васат» девонларидан ўрин олган «Ўртанур» радибли икки ғазал бевосита туртки бўлган. Биз уларда Машраб ғазалларининг барча етакчи белгиларини, фақат навоиёна талқин ва ифодада тўла-тўқис учратамиз: Мана уларнинг биринчи байтлари:

*Менда бир ўтдирки, гар дам урсам афлок ўртанур!
Асрасам кўнглумда, жони жисми гамнок ўртанур!*

*Меҳр эмас оҳим ўтидин кўкка етмиш бир шараф,
Айб эмасдур гар десам: «Дам урсам афлок ўртанур!»*

*Бас таним ўртарга қонлиг новакин, ҳижронни қўй!
Барқ не ҳожат, бир учқун бирла хашок ўртанур.»²*

Навоий ғазалларига назиралар тарзида битилган намуналар анчагина. Уларда Машраб улуғ устози асарларининг мавзуси, талқини, вазни, қофия ва радифларини тўла-тўқис сақлаган ҳолда ўз асарини яратади. Худди шунинг учун ҳам улар жонсиз ўхшатма, ҳистуйғусиз тақлид даражасида қолмаган, аксинча, тўлақонли мустақил янги асарлар савиясига кўтарилган.

Мазкур бобнинг шу қисмида тасаввуф таълимотининг қаландария мазҳаби ҳақида муфассал маълумот беришни ва мутафаккир шоир Бобораҳим Машрабнинг қаландария тариқатини қабул қилиш сабабларини, унинг шеърлятида бу ҳол акс этганлиги ҳақида тўхталишни зарурат деб билдик. Тадқиқотимизнинг нечоғли долзарблигини назардан кочирмай қаландария тариқати тарихи, «қаландар» атамасининг этимологияси, қаландарларнинг кийиниш жараёнлари, қаландарларнинг моддий унсурлари ва Машрабнинг қаландарликдан кутган манфаати тўғрисида тушунча беришни бурчимиз деб биламиз.

Аввало Машраб Пайғамбар (с. а. в.) ўғитларига амал қилиб Офокхожа хонадонида илм сирларини эгаллади.

Муҳаммад Ғаззолий «Ихёу улумид-дин» (Дин илмларини жонлантириш) биринчи китоб – Илм китобида пайғамбаримиз Муҳаммад (с. а. в.) илм олиш фазилати ҳақида жуда чуқур, пурмаъно фикрларни изҳор қилганликларини баён этиб ёзади: «Ким илм талаб қилиш йўлини тутса, Аллоҳ таоло уни жаннат йўлига йўллаб қўяди». Малоикалар толиби илмнинг қилган ишидан мамнун бўлиб, унга қанотларини ёзадилар. Илмдан бир боб ўрганиб тонг оттиришинг юз ракаат намоз ўқишингдан афзалдир.

Абу Зарр ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: Набий (с. а. в.): «Олимнинг мажлисида ҳозир бўлиш минг ракаат намоздан, мингта касални бориб кўришдан, мингта жанозага иштирок қилишдан афзалдир», дедилар. Шунда: «Ё Расулуллоҳ, Қуръон тиловатидан ҳам яхшироқми?» деб сўрашди. Пайғамбаримиз (с. а. в.) айтдилар: «Илм бўлмаса, Қуръон тиловати фойда берадими?»³

Пайғамбар (с. а. в.) айтадилар: «Ким Исломни тирилтириш учун илм ўрганаётганида вафот этса, жаннатда у билан пайғамбарлар орасида бир даража қолади».

Ибн Аббос (р. а.) айтадилар: «Илм олишда (қийналдим) бир оз хорландим, тилагим ҳосил бўлгач, азизу мукаррам бўлдим».

¹ Маҳмуд Ассад Жўшон. Юнус Эмро ва тасаввуф. «Фан», Тошкент, 2001, 109-бет.

² Абдурашид Абдуғафуров. Буёқ бешлик сабоқлари. 157-158-бетлар.

³ Муҳаммад Ғаззолий. Ихёу улумид-дин. Биринчи китоб. «Мовароуннаҳр», Тошкент, 2003, 26-бет.

Имом Шофеев (р. а.) айтадилар: «Илм ўрганиш нафл ибодатидан афзалроқдир». ¹

Ибн Абдулҳаким (р. а) айтадилар: «Мен Имом Молик ҳузурларида илм ўқидим. Пешин вақти кириши билан нафл намоз ўқиш учун китобларимни йиғиштира бошладим. Шунда устоз, агар ниятинг дуруст бўлса, ² ҳозир машғул бўлиб турган ишинг бажармоқчи бўлган ишингдан афзалроқдир, дедилар».

Муҳаммад Ғаззолийнинг фикрларини беҳуда келтирмадик. Фосик, ичи-ботини, юзи-зоҳири бошқа-бошқа, хашаки олимлар кўпайиб, ҳаттоки илмни ҳам воситаи жоҳ қилувчилар ёмғирдан сўнгги кўзиқорин тусини олмоқдалар. Олим кам, аммо, олимликни даъво қилувчилар урчиб кетгани ташвишли ҳолдир.

Н. Комилов «Тасаввуф» биринчи китобида пайғамбар меросхўрлари бўлган олимлар, илм кишилари қаландару-дарвешлар, девонаю-сўфийлар, уларнинг жамиятда тутган ўрни ҳақида ёзади: «Алишер Навоий ҳам Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдурахмон Жомийни гарчи Хисрав Дехлавий каби пайғамбар давомчиси деб атамаса-да, лекин уларни «муршиди Афок», «кошифи асрори илоҳ», барча ишлардан хабардор, кароматли ва пок ниятли зотлар сифатида таъриф-тавсиф этади. Сўфий ва дарвешлар ҳақиқатдан ҳам катта нуфуз ва обрўга эга эдилар. Муқтадир шайхларгина эмас, қаландарлар, эшонлар, мажзуб «девоналар», оддий дарвешларни ҳам одамлар ҳурмат қилганлар. Шунинг натижаси ўлароқ, дарвешлик ҳаракати кенг қулоқ ёйган, дарвешлик удумлари шаклланиб, дарвешлар алоҳида бир тоифа-табақа сифатида жамиятда муҳим ўрин эгаллаган». ³

Н. Комилов «Тасаввуф» китобида Аллоҳнинг зоти сифат, арши курси, лавҳу қалам-ҳаммаси инсонда эканлигини таъкидлаб ёзади: «Худо излаб ҳар қаёқларга боришнинг хоҳати йўқ, жумладан, Маккатулога боришнинг ҳам. Чунки ҳар бир инсон Худони ўзидан изласин. Унинг қудрати ва шавкати ўзида кўрсин. Зеро, Аллоҳ-таолонинг сўзи бор: «Мен яширин хазина эдим ва сизни севиб қолдим, токи Мени билиб олинглар ва жинлар (малаклар), одамларни яратдим, токи Мени билинглар». Инсон маҳлуқотнинг, оламларнинг гултожи. Аллоҳнинг Ердаги халифаси экан, демак, унда Аллоҳ сифатлари бўлиши мантикий ҳол. Бундан ташқари, «яширин хазина» бўлган Аллоҳ таоло илму ҳикматининг бир қисмини инсон қалбига жойлаган. Яъни инсон «яширин хазина»ни сақловчи хазинадордир. Шу боис инсон кўнгли «ирфон махзани». Аллоҳ яширинган тилсимотдир:

*Кўнгли они махзани ирфон қилиб,
Ул тилсим ичра ўзин пинҳон қилиб.
Рози махфий ганж ўлуб бу турфа жисм,
Сунъидин ул ганж ҳифзига тилисм.*

Тасаввуф фалсафасига кўра, инсон қарама-қарши икки асос-модда ва руҳдан иборат. Шунинг учун унда шу икки асоснинг хусусиятлари жамдир. Агар моддийлик ғалаба қилса, инсонда ҳайвонийлик ва агар руҳ томон устун келса, илоҳийлик ривожланади». ⁴

Машраб инсон илоҳий нурдан яралганлигини талқин этиб, қалбини, динини маҳшар кунигача унинг, яъни Илоҳ нуридан бебаҳра қолдирмаслигини илтижо қилади. Шунингдек, имонини саломат сақлашни ўтилади, чунки, имон – қалб гавҳари эканлигини таъкидлайди. Ҳеч ким йўлдан адашмаслигини, унга Аллоҳгина йўл кўрсатувчи эканлигини эътироф этади. Шунингдек, у Аллоҳга яна бир бор муножот этиб, осий бандаларни, умматларни ҳам пайғамбардан Абу Бакр, Умар, Усмону Ҳайдардан жудо қилмасликни ўтилади.

Чунки Машраб эътирофича, азалда адам-йўқлик-йўқ одамни бино қилган ва унга жон бағишлаган Аллоҳ эканини, Аҳмади Мустафони пайғамбар қилиб яратганини яна бир бор таъкидлайди:

*Дилимни, ё Илоҳо, хавфи Маҳшардин жудо қилма,
Имон – гавҳар эрур, бандангни гавҳардин жудо қилма,
Адашганларни ё Раб, йўлда раҳбардин жудо қилма,
Илоҳоси умматни паямбардин жудо қилма,
Абу Бакру Умар, Усмону Ҳайдардин жудо қилма!*

¹ Ўша манба, 27-бет.

² Ўша манба, 28-бет.

³ Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Биринчи китоб. 11-бет.

⁴ Ўша манба. 42-бет.

*Азалда йўқ эдим, қудрат билан шундоқ бино қилдинг,
Мани мушти хокимга карамдин жон ато қилдинг,
Баҳар сувратда қилдинг, боз қавми Мустафо қилдинг,
Ило оси умматни пайгамбардин жудо қилма,
Абу Бакру Умар, Усмону Хайдардин жудо қилма!¹*

Гарчи Машраб тасаввуфнинг қаландарлик тариқатини танлаган бўлса-да, ундан ахлоқий покликка етишиш, ҳаётдаги салбий иллатларга қарши курашиш учун фойдаланади. Унингча инсон мақсад ва муродга етишиш, фисқу фасод ва ёмонликдан, жабру ситамлардан қочиш учун қаландар бўлиши керак. У адолатсизлик, жабр-зулм, зўравонлик ва ўзбошимчаликка, фирибгарлик ва мунофиқликка, хуллас, разиллик ва ёмонликка қарши курашиш учун қаландарлик йўлини танлайди ва ҳақиқатга эришишда ундан фойдаланмоқчи бўлади.

Машраб охират, жаннат ва дўзах тўғрисида мулоҳаза юритар экан, ишқ – муҳаббат, ёр билан висолни улардан афзал кўради. Муҳаббат ердаги ҳаётни ҳам, охиратни ҳам куйдиришга қодир, ишқ ўти дўзах ўтидан кучлироқдир.²

Воҳид Абдулло «Ўзбек адабиёти тарихи» китобида Машраб қаландар бўлиб, кўп жойларни кезганлигини, у ижтимоий тенгсизликни, бир томонда давлатмандларни, иккинчи томонда, оч-яланғочларни кўрганлигини, ҳақиқат ахтариб, жанда кийиб, дунёи дунни дарбадар кезганлигини айтган.

У ёзади: «Машраб қаландарлар тўдасига кўшилди. Қаландарларнинг ҳаммаси ҳам бир хил маслакдаги кишилар эмас эди. Текинхўр, риёкор, хийлакор ва бадбин қаландарлардан ташқари, халқ манфаатларини ҳимоя қилган, довюрлик билан ҳукмдорларни, руҳонийларни масҳаралаган, намоз ўқиш ва рўза тутиш каби диний урф-одатларни ҳажв қилган қаландарлар ҳам бўлган. Халқ ана шундай қаландарларга эътиқод қўйган ҳамда «қаландар кўрганини айтади» ва «қаландар кўрқидан кўрқади» каби мақол ва таъбирлар яратган. Машраб ҳам «кўрганини айтадиган», кўрқидан кўрқидан билмайдиган қаландар эди».³

Иброҳим Ҳаққул «Ҳақиқат йўл тутай десанг...» илмий мақоласида Машрабнинг қаландария тариқатига мансублигини, бу тариқат вакиллари халқнинг камбағал табақасига мансублигини, улар зулм ва истибодга қарши халқ томонида бўлганлиги ҳақида фикр юритиб куйидагиларни ёзади: «... тасаввуфдаги қаландария мазҳабига Жамолиддин Соважий асос солган. Қаландария маломатия силсиласи билан узвий боғлиқдир. Бобораҳим Машраб қаландария мазҳабига мансуб шоирлардан. Бу тўғрида О. Шарафиддинов ва С. Ҳусайннинг «Ўзбек адабиёти» мақоласида шундай дейилган. Машраб ўз замонасида кенг ёйилмағда бўлган қаландарликнинг (сўфизмнинг бир оқими) йирик вакили сифатида танилган ва халқ ичида катта таъсирга эга шоирдир. Мақола муаллифлари қаландарлик тариқати вакиллари «оғир зулмларни бошидан кечирмоқда бўлган ва жуда қашшоқлашган» омманинг ўртасида «душманлардан ўч олиш ва зулмдан қутулиш учун ёрдам берувчилар» сифатида баҳолаб, Машрабнинг ана шу кураш қурбони бўлганлигини қайд этганлар. Машраб бутун ижоди давомида тасаввуфдан узоклашмаган ва ваҳдати вужуд идеали билан яшаган мистик шоир. Зоҳирий оламдан ботиний дунёга у жуда вақтли чекинган».⁴

*Мени зоҳир кўзида кўрган, эл ўзин гумон айлар,
Вале, эл ичра ўздин, барчадин бегона Машрабман.*

«Эл ичра ўздин» ва «барчадин бегона»лик Машраб лирик ҳаётининг мазмунини характерлайдиган, бундан аниқ ифода топиш қийин. Машрабдаги ёлғизлик – «ўздин» ҳам бегона бир танҳолик. Акс ҳолда у «шаккоклик» билан, «Этагимни елпишдин юз худо пайдо бўлур», дея башорат эта олмасди. Машрабдаги инсоний ёлғизлик, илоҳий ёлғизликка эврилгандир. Ундан «Ёлғизлик нима?» – деб сўралганда у албатта «Худо!» – деб жавоб берган бўлурди. Ёки куйидаги сингари мисраларни эсга солурди:⁵

¹ Машраб. Девон. 2006, 371-бет.

² Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. 409-бет.

³ В. А. Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. 146-бет.

⁴ Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърят. Ғафур Ғулум номидаги Нашриёт матба бирлашмаси. Тошкент, 1991, 177-бет.

⁵ Ўша манба, 178-бет.

*Ху десам, Анал-ҳақ, деб олам бориси ҳақдур,
Лайлига бўлуб шайдо Мажнунга ўтай дерман.*

Иброҳим Ҳаққул озарбайжон файласуфи Мирзо Фатали Охундовнинг «Ҳинд файласуфларининг – ишончларига кўра, мухтарам пайғамбар «ўлмасдан бурун ўлинг» деганлар:

Ошиқлари ўлмас бурун, ўлар эрмиш, –

калимасини келтириб, ислом сўфийларининг барчаси мазкур ҳадисни Муҳаммад алайҳиссаломга нисбат беришган деб ёзади.

Навоий бир рубоийсида:

Ҳақ йўлида нафсинга ўлим косасини тут,

деб даъват қилганлигини келтирган.

Шунинг учун Имом Раббоний, «... ўлмасдан бурун ўлим ҳақиқатга айланмагунча, муқаддас зотга етишмак мумкин бўлмас... бу фано ҳали валоят (валийлик) мартабаларига ташланадиган илк одимдир ва шунинг ибтидосида ҳосил бўладиган бир камол даражаси эрур»¹ – деганлар.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» – тазкирасида ёзади: «Сўфий Пири Сесадола-Дарвеш Хусайнниг набирасидир. Ва Мавлоно Муҳаммад Чохуннинг ўғлидур. Сўфийликка табобатни зам қилибтур, Гўё мараз риёзатин тортқон солиқларга «муту қабла ан тамату» иршодин қилур». Демак, Сўфий Пири Сесадола сўфийликка табобатни кўшаркан, нарсани енгиши, яъни солиқларга руҳоний ҳаёт ва завқу шавқ ила яшаш сирларини кўрсатган».²

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд: Агар хоҳласам, нафсимни эллик марта сув лабига олиб бориб, яна ташна ҳолида қайтариб келаман, деганлар.

Сўфи Оллоҳёр нафси амморани шахслантириб, уни семирган сари тишлари ўткирлашиб, одам этларини узадиган йирткичга ўхшатади. Унинг макрига учишни илонни асраб-авайлаш билан тенг кўради, унингча агар инсон нафси амморага бўйин эгиб умр кечирса, у ҳеч пайт инсонийликка даъво қилмаслиги керак.³

Буюк озарбайжон шоири Насимий нафс ҳақида:

*Нафсни ҳар кимсаким, таниди ул Ҳақни билур,
Орифи раб ўлди ул ким, таниди, бўлди сабот –*

дейди.

Усмон Турарнинг «Тасаввуф тарихи» асарида нафси аммора ҳақида шундай фикрлар келтирилган: Солик бу босқичда тамоман ҳайвоний ва шахвоний орзуларининг асиридир. «Чунки нафс албатта барча ёмонликларга буюргувчидур» (Юсуф – 12:53) ояти билан бу мартабага ишора қилинган. Сайру сулукка янги бошлаган солик бу мартабада ҳисобланади. Унда солик нафси амморанинг таъсиридан қутилиш учун шайх билдирган шартларни бажаради: истиғфор, салоту салом ва ҳоказо ибодатлар билан биргалиқда «Ла илоҳо иллаллоҳ» зикрини қилади ва унга «Ла мабуда иллаллоҳ» маъносини беради.⁴

Нажмиддин Кубро Сулукка шундай таъриф берган. «Сулук тариқатга кириш. Аллоҳ тажаллиси учун қалб уйини хорижий нарсалардан тозалаш. Жаҳлдан илмга, ёмон феъллардан яхши ва гўзал хулқларга, ўз вужудидан Ҳақ вужудига томон ҳаракатланиш.

Аслида тасаввуф таълимотида ҳалол меҳнат қилиб, пок лўқма истеъмол қилиш, бировларга юк бўлмаслик, балки бошқаларга ёрдам бериш ташвиқ қилинади. Шу жиҳатдан қай бир тариқат аҳлининг шахсий ҳаётига назар ташласак, ҳар бирининг касбу кори бўлган, ўз кўли билан ҳалол меҳнат қилиб умр кечирган Атор, Нассож, Ҳаллож, Сиккиний, Ҳаддод, Кулол, Нақшбанд каби номлар эгаларининг маълум бир ҳунар билан банд бўлишганини билдиради. Ҳатто подшолар уларга ҳадя сифатида жўнатган олтинларни ўзларига олмай, илми толибларга тарқатар эканлар. Шу жиҳатдан нафақат Яссавий, балки Нақшбанд, Кубро, Навоий каби умуминсоний кадриятларни қуйлаган кўплаб мутафаккирларимизнинг асарлари

¹ Иброҳим Ҳаққул. Ирфон ва идрок. 156-бет.

² Иброҳим Ҳаққул. Аҳмад Яссавий. 29-бет.

³ Иброҳим Ҳаққул. Ирфон ва идрок. 118-бет.

⁴ Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. 83-бет.

хамда ўзларининг шахсий ҳаётлари бугунги наслимиз учун ибрат олса арзийдиган намуна обидаларидир. Уларнинг инсонпарвар эканликлари, инсонни улуғловчи халқчил фикрлари асарларида акс этиб туради».¹

Машраб ўзидан фоний бўлиб, Ҳаққа етган зот. Нафси билан жиҳод қилиб, дунё молини буткул тарк этган. Уни на подшоҳларнинг назру ниёзи, на ҳокимларнинг эҳсони ва унга кўрсатган ихлос ва иззат қизиқтирмайди. У-мол ва мансабни ҳаром деб билган Оллоҳдан бошқа ҳеч нарсага муҳтожлиги бўлмаган хур фикрли девона.

Машраб қаландарона кезишларидан бирида Бухорога келади. Оташнафас қаландарнинг доврўғини эшитган Абдуллоҳон астойдил ихлос қилиб Машрабнинг истиқболига чиқади. Ўрдага олиб келиб иззат-ҳурмат кўрсатади.

Етти сипор олтин, икки зар фўта ва қимматбаҳо от совға қилади. Машраб олтинларни тегиб юборади. Абдуллоҳон Машрабнинг оёқларига йиқилиб, нима учун менинг ҳадямни олмадингиз, ваҳоланки бу амир Темурдан қолган хазинадан келтирилган эди, деб хафа бўлади. Бунга жавобан Машраб: «Эй Абдулло, пушти по урдим, деб юрур эрдим, Худойи таолодан талабим бор эрдик, бир одил подшоҳ бўлса, дунё деган палидни олдимга олиб келса, мен дунёни кетига шатталасам, деб, алҳамдулиллоҳ, сенингдек подшоҳ дунё деган палидни муяссар қилди, эмди анга шатта урганим рост бўлди», – дедилар.² Абдуллоҳоннинг буйруғи билан қаландар Машрабга олтин эгарли арғумоқ тухфа қиладилар. Отда қушдек елиб келаётган Машраб ўзини ерга ташлаб, муриди Пиримастига от тўғига пойтеша уришни буюради. Шунда: «Тамоми Бухоро халқи айтдиларки: «Эй Машраб, мундоқ яхши арғумоқни нобуд қилманг, бу икки юз тиллолик арғумоқдир», дедилар. Шох Машраб айтдиларки: «То ўрдадин регистони Бухорога кетдича, ушбу отни миниб, Аллоҳи таолодин ғофил бўлдим, яна ҳар бандаи мўмин бу отни устига миниб Худойи таолодин ғофил бўлмасун, шу сабабдин ўлдуришлар, дерман».³

Кўнгли муҳаббат аҳди билан тўлган Машраб наздида Яратганнинг ёдидан чалғитадиган барча нарсалар ҳаромдир, шу жумладан отга минганда пайдо бўлган бир нафаслик завқ ва хушнудлик ҳам. У халқ орасида бўлганида ҳам Аллоҳ ёдидан бир нафас узоқлашмайди, Раббул иззатнинг ҳузурини эканини доимо ҳис қилиб туради.

Машраб нега дарвешлик ва фақирлик йўлини танлади? Нажмиддин Кубро дарвеш тушунчасини шундай талқин этади: «Дарвеш — тасаввуфининг ўндан зиёд тариқатлари асосида турган энг юксак ҳол, ўзига хос гўзал маслак ва ҳуррият мақомидир. Узлуксиз ишқ оташида тобланиш, ўтмиш учун «ўлиб», келажак учун «қайта туғилиш» ва руҳоний эркин, тўлақонли озод умр кечириш дарвешларга хос фазилат ва сифатлардир.

«Ғиёс ул-луғат»да изоҳланишича, дарвеш сўзининг асл маъноси эшиклардан нарса тиловчи демақдир, тиланчилик қилиб юрувчи қашшоқ ва гадолар билан тариқатга мансуб дарвеш ўртасида боғлиқлик йўқ. Бироқ мажозий ўхшашлик бор. Дарвеш учун муршиднинг эшиги бамисоли Каъбадурки, у ана шу эшикка осилувчи ва ундан нажот тиловчидир.

Дарвешларга яқинлик — нафсу ҳаводин йироқлашув демак. Дарвешлар суҳбатини тинглаш Ҳақ сирларидан огоҳликдир».⁴

Машрабнинг пири Офоқхожанинг гапини эслайлик: кимки Машрабга етибдур, билсинки, у Ҳаққа етубдур.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанддан: «Ўзгаларнинг кўнглини билиб олиш дарвешларда қандай пайдо бўлади?» – деб сўралганда, «кўзи очиклик ва англаб олиш фаросат нури орқали бўлиб, Ҳақ Субҳоналлоҳу буни дарвешларга ато қиладики, «фаиннаҳу янзуру би нуриллаҳи» – «Чунки у (яъни дарвеш) Аллоҳ Нури орқали боқади»,⁵ – деб жавоб қайтарган эканлар. Юқоридаги фикрлардан сўнг Машрабнинг шу йўл-фақирлик ва дарвешлик йўлини нега танлаганини изоҳсиз берса бўлади:

*Олурга дину дунёнинг матоҳин орзу қилмай,
Қаландарман жаҳонни сайр этиб қилдим сафар танҳо.*

¹ Хожа Аҳмад Яссавий ҳаёти, ижоди ва анъаналари. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. Тошкент, 2001, 19-бет.

² Зиёда Машарипова. «Қиссаи Машраб»да ошиқ тимсоли. Тўплам. 95-бет.

³ Ўша манба, ўша жой.

⁴ Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуф истилоҳлари шарҳи: Иброҳим Ҳаққулники: 217-бет

⁵ Ўша манба, 218-бет.

*Шаҳи рӯйи замини, тахту тожин орзу қилмай,
Гадойи фақр бўлдум, сайр этарман баҳру бар танҳо.*¹

Яна Машраб шу ҳақда:

*То олами зоҳирга келиб ман гузар эттим,
Тарк айладиму жумлани қатъий назар эттим.*

Шоирнинг дардини, уни девоналикни танлаганини Худогина билади, чунки у оқ-ноласи чиқиб турган дўзах оташидек ёнган, ўзини таоми тўкилган коса, синиб, паймонаси тўлган банда, дунёи дундан йироқ, оммадан бегона, мунофиқлар кўзига дур, инжу бўлиш учун келганлигини ва девоналикни нега танлаганини шундай талқин этган:

*Ўзинг додимга етгин, мубтало девона Машрабман,
Ки оҳи ўртаган Дўзахни отаиҳона Машрабман,
Тўкилган коса, синган соҳиби паймона Машрабман,
Ўшул дунёга ҳорис-барчадин бегона Машрабман,
Мунофиқлар кўзидин мундаман дур бўлгани келдим.*²

Тасаввуф истилоҳлари шарҳида «Абдол»га шундай шарҳ берилган: «Абдол» – тарки дунё айлаб Ҳаққа юз бурган вали. Улар руҳларини, маънавий борлиқларини моддий борлиқлари ўрнига бадал айлаган дарвешлардир. Абдоллар дунёнинг маънавий посбонларидир. Ибн Арабийга кўра, Аллоҳ етти иқлимни етти абдол воситасида бино қилган. Шу боис етти замоннинг руҳонияти уларга боғлиқ ва ҳар бир абдол ўз кучини етти замоннинг биридан ўрин олган пайғамбарлар-Ҳазрат Иброҳим, Ҳазрат Мусо, Ҳазрат Ҳорун, Ҳазрат Идрис, Ҳазрат Юсуф, Ҳазрат Исо ва Ҳазрат Одам алайҳиссаломдан олур. Ҳазрат Яҳё эса Исо билан Ҳорун ўртасида юриб пайғамбарлардан эшитган ҳақиқатларини етти абдол қалбига нақш айлаб турармиш.³

Машраб шеърлятида юқорида номлари тилга олинган абдоллар, шунингдек, жамики азиз авлиёлар, дунёни худди ўзидек, дарвеш, қаландарваши кезган бақо сўфийлар, чорёрлару пайғамбарлар, шайхлару уламолар, тариқат пирларию валиларни аввало яратган Илоҳни эсга олади, улардан мадад сўрайди:

*Ё Раҳим-Раҳмон, Ўзингсан, ё Илоҳ, Сандин мадад,
Изладим ман, ё Муҳаммад Мустафо, Сиздин мадад,
Довуду Нуҳи набий, Шис набийё Сиздин мадад,
Қабани бунёд қилгон, Халило, Сиздин мадад,
Юнусу Мусоу Исо, Солиҳо, Сиздин мадад.*

*Ҳожа Аҳмад, Мавлавий Жомию, Аттори вали,
Пири комил истадим, оқу қарони билгали,
Машраби осийни қўлланг сиз бузург шайху вали,
Садр атову Бадр ато ё Шоҳ Аббоси вали,
Дини Хоразм бузруги Полвон ато Сиздин мадад.*⁴

Тасаввуфнинг қаландария тариқати ва шоир Машрабнинг нега бу йўлни танлагани ҳақида учта олим жўяли фикрни айтиб тадқиқот олиб боришган. Машраб тасаввуфий қарашлари билан шуғулланганлар Абдурауф Фитрат, Муҳсин Зокиров, Ҳамидулла Болтабоевларни айта оламиз. Гарчи, бевосита Машраб ижоди билан шуғулланган Исмадуллоҳ Абдуллоҳ, Жалололдин Юсупов, Дилором Ҳамроевалар Машрабнинг қаландарийлик тариқатига мансублигига доир махсус тадқиқот қилмасалар-да, аммо йўл-йўлакай ўз қимматли фикрларини билдирганлар.

Муҳсин Зокиров Машрабнинг қаландарийлик тариқатига мансублигини ўз даври нуқтаи назаридан ёритганда кўпроқ зулм ва истибдодга қарши восита деб талқин этса, Абдурауф Фитрат Машрабни мутасаввуф эканлигини ва мутасаввуф бўлгани ҳолда у динсиз бўлмаслигига урғу бериб, шоир тасаввуфнинг қаландария тариқати орқали ўз ғоя ва

¹ Машраб. Девон. 2006. 197-бет.

² Машраб. Девон. 2006. 441-бет.

³ Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. 208-бет.

⁴ Машраб. Девон. 2006. 388-389-бетлар.

таълимотларини илгари сурганлигини таҳлил этган. Ҳамидулла Болтабоев Фитратнинг Машраб тасаввуфий қарашлари муносабати нуқтаи назаридан келиб чиқиб олимлик салоҳиятини намоён этгани ҳолда биратўла қаландария тариқати, унинг тарихий илдизлари ва бу тариқатнинг манбалари ҳақида муфассал тадқиқот қилган. Машраб қаландарийлик тариқати манбалари ҳақида фикр юритганда биз Ҳ. Болтабоевнинг бу хусусда чуқур изланишларини эътироф этган ҳолда, кўпроқ унинг фикрларига таяниб, иқтибослар олишга ҳаракат қиламиз.

Ҳ. Болтабоев ёзади: Машрабнинг қаландарийликка муносабати шоирнинг «Бобораҳим», «Шоҳ Машраб», «Девонаи Машраб» каби исм ва унвонларидан яққол англашилиб турган бўлса ҳам, тасаввуф таълимоти ва унинг қаландарийлик тариқати ҳақида етарли тасаввурга эга эмаслигимиз туфайли шоир ижодини, унинг ўзи қисматини қатъий боғлаган қаландарийликдан ажратиб талқин этишга йиллар давомида йўл қўйилди. Зеро:

*Худодин келса фармон лаҳаддин бош кўтаргил деб,
Кафанни бўйнима чулғаб, талабда бир қаландарман,*

байтининг ўзиёқ Машраб учун қаландарийлик икки дунё саодатидек бир улуғ хилқат саналганлигини англаувчи далилдир.¹

Ҳ. Болтабоев фикрича: «Қаландарийлик тариқати ўзбек адабиётшунослигида гарчи XVII асрдан Машраб номи билан боғлиқ ҳолда талқин қилинаётган бўлса ҳам, бу тариқатнинг илдизлари қадимги даврларга бориб тақалишини ушбу далиллар кўрсатиб турибди. XX асрнинг дастлабки чорагида тасаввуф илмида биринчилардан бўлиб илмий ахборот берган профессор Фитрат қаландарийлик ҳақида маълумот берувчи манбалар «Шоҳ Машраб» манқабасини «Ҳафт қулзум», «Баҳори аҷам» асарларини, Абдурахмон Жомийнинг «Насойиму-л-муҳаббат», Ҳожи Абдурахмон Бухорийнинг «Рисолаи одоби тариқ» тазкира ва рисолаларини санайди. Улар қаторида Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаландарон», Мажзуб Наманганининг «Тазкирату-л-авлиё» ва номаълум муаллифнинг «Рисолаи қаландарий» асарларини келтириш мумкин».²

Ҳ. Болтабоев «Машраб ва қаландарийлик тариқати» тадқиқий мақоласида Туркия ва Кичик Осиёда қаландарийлик тариқатининг илдизларига тўхталиб, бу тариқат яссавийликдан озикланганлигини, Фитрат Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар илмий-тадқиқий мақоласида ҳам бу хусусда фикрлар изҳор қилганлигини таъкидлаган. Турк олими Фуод Кўпрулу эса, қаландарийлик тарихи ҳақида сўз юритиб, XIII-XIV асрларда Онадўлидаги машҳур тасаввуф оқимлари бобийлик, абдоллик, бектошийлик, ҳуруфийлик, ҳайдарийлик қаторида қаландарийлик мавжуд бўлиб, бу оқимлардан нисбатан кенг тарқалган бектошийлик таълимоти ўзининг асосини қаландарийликдан олганини ва дастлаб қоришиқ ҳолда мавжуд бўлганини қайд этган.³

Шу билан бирга Кичик Осиёда абдоллик таълимотининг асосчиси Пир Абдол асосан Қаландар Абдол исми билан машҳур бўлганини ҳам эътиборга олсак, бу тариқат Онадўлида Юнус Эмрога қадар мавжуд бўлган деган хулосага келишга ёрдам беради. Ўрта Осиёда эса қаландарийлик айрим ҳолларда яссавийлик тариқатидан озикланганини ва ундан сўнгра мавжуд бўлганини тасдиқловчи асослар бор. «Боқирғон китоби»да Яссавий шоирларининг асарлари келтирилгани ҳолда унда Машрабнинг ҳам шеърлари учраши бу икки тариқат ўртасида бир-бирини туташтирувчи воситалар бўлганини кўрсатади. Фитрат «Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар» мақоласида мана шу муҳим нуқтани қайд этиб ўтган.⁴

«Шоҳ Машраб» манқабасида ёзилишича:

Кечиб дунёйи фонийдин талабда бир қаландарман.

ёки:

Солиб ҳар ерда бир гулхан талабда бир қаландарман.

¹ Ҳамидулло Болтабоев. Машраб ва қаландарийлик тариқати манбалари. Олими нуқтадон ўзум. Тўплам. 37-бет.

² Ўша манба. 38-бет.

³ Ҳ. Болтабоев. Мумтоз сўз кадри. 157-бет.

⁴ Ўша манба, 158-бет.

деган Машраб Хўтан шахрига келгач, у ернинг фозиллари билан бўлган суҳбатда «Мушкоти шариф»дан икки масъала орасига солгач, «бу қаландар илми ҳолдан хабардор экан» деб, унга тавозеъ қиладилар. Бу ҳолат қаландарийликнинг илми ҳол (тасаввуф) билан муносабатини кўрсатувчи муҳим нуқталардан бири бўлиб, Машрабнинг ҳали Хўтанга Офокхожа даргоҳига келмай туриб, қаландар сифатида танилганини кўрсатувчи ҳужжатдир.

Ҳ. Болтабоев Ўрта Осиёда Фитрат келтирган маълумотларга кўра, қаландарийлик Онадўлидагига нисбатан ҳам қадимийроқ эканлигини таъкидлаб, унинг вужудга келиш тарихини яссавийлик тариқатидан сўнг тахминан XII –XIII асрларда деб билиш мумкин, деган хулосага келади.

Фитрат «Боқирғон китоби» ҳақида фикр юритиб, унда ёзилишича, яқингача яссавийчи шайхлар Кармана ва Бухорода жаҳр зикрларини ўтказганликларини билдирган деб: яссавийлик тасаввуф адабиётидир. Масалага киришишдан бурун Ўрта Осиёда тасаввуф ҳақида тўхташ керак бўлади. Ўрта Осиёда тасаввуф мусулмонлик билан бирга келиб кенг бир суръатда тарқалди. Ўрта Осиё тасаввуфининг кубравия, яссавия, нақшбандия ва қаландария каби кўп оқимлари ўринлашган. Яссавийликнинг таълимоти хилват, тарки дунё, бурунги турклардан бўлган мусиқий ўйинли ибодатнинг бир шакли бўлган жаҳр.²

Қаландарийликнинг ўзига хослигини изоҳлаш борасида ҳам алломаларнинг бир-бирини тўлғазувчи турли қарашлари мавжуд. Жумладан, «Ҳафт кулзум»да: «Қаландар бутун расмий тақлифлардан, бутун қайдлардан озод бўлган, ҳар турли диний амал ва одатлардан айрилган, бутун моддий, ҳаётий алоқаларни тарк этган, ибодат ва одатларнинг ҳаммасини бузғувчи кишининг исмидир»,³ дейди.

Абдурахмон Жомийнинг «Нафахотул-унс» асарида эса «Қаландар диний ибодатларнинг фарз бўлган қисмларинигина адо қиладилар.

... Маломатийлар диний ибодатларни ижро қиладилар, бироқ ижро қилганларини халқдан яширадилар. Қаландарлар эса, тўғридан-тўғри диний ибодатлирни ва одатларни бузадилар», дея баҳоланади.

«Баҳори Ажам»да қуйидаги байт келтирилади:

*Сана мораи қаландар сардор ба ман намон,
Ки баса дароз дидам раҳу расми порсоён.*

(Мазмуни: Такво йўли жуда ҳам узоқ экан, менга қаландарлик йўлини кўрсатинг).

Қаландарийлик ҳақида ўзаро яқин хусусиятларни: уларнинг ҳаёт тарзларида яссавийликка хос жаҳрийликни, маломатийликнинг айрим белгиларини, нақшбандийликка хос умумбашарий, гуманистик ғоялар мутаносиблигини ҳам кузатамиз.⁴

Ислом тасаввуфи манбалари (тасаввуф назарияси ва тарихи) илмий мажмуасини тузувчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳамидулла Болтабоев мазкур китобига «Тазкираи қаландарон», «Рисолаи қаландарий» асарларини киритган.

Адабиётшунос олим Сайфиддин Рафъиддин «Ёшлик» журналининг 2000 йил 3-сонида «Қаландарлик одоби» ҳақида илмий тадқиқий мақола эълон қилиб, ўша журнал саҳифасида «Рисолаи қаландарий»ни чоп этган.

Ҳ. Болтабоев мажмуага киритган «Рисолаи қаландарий» «Ҳазрати Мавлоно Шариф раҳматуллоҳи алайҳ таъкидлайдиларки...» жумласи билан, С. Рафъиддин журналда эълон қилган «Рисолаи қаландарий» эса «Ҳазрати шайх Сухравардий раҳматуллоҳи алайҳ таъкидлайдиларки...» жумлалари билан бошланади, ваҳоланки, ҳар иккиси бир асар бўлган ҳолда ибтидоси икки хил тарзда бошланиши таажжуб уйғотади.

Сайфиддин Рафъиддинов мазкур асар ҳақида фикр юритиб, Ўз. РФА Абу Райҳон Беруний номидаги ШИДа № 9175 рақами остида тасаввуфга оид 200 саҳифалик қўлёзма манбадан 10 саҳифалик «Рисолаи қаландарий» жой олганлигини келтирган: «Асар матнидан маълум бўлишича, муаллиф Имом Сухравардий ва ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг сўфиёна қарашларидан истифода этиб бу рисолаи тартиб берган. Эҳтимол дарвешлик, хоксорлик, пири муридлик ҳақида Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг, қаландарлик ҳақида эса ҳазрат

¹ Ҳ. Болтабоев. Машраб ва қаландарийлик тариқати манбалари. Олими нуқтадон ўзум. 39-бет

² Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 38-бет.

³ Икболлой Азизова. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. 105-бет.

⁴ Ўша манба, 106-бет.

Имом Сухравардийнинг фикрларига таянгандир. Чунки имом Сухравардийнинг қаландарликка доир айрича қарашлари мавжуд»¹. Рус олими О. Ф. Акимускин бир мақоласида: «Жомий ва Сухравардий иккиси ҳам ҳақиқий қаландарлар билан ур-тўполонларда иштирок этиш учун қаландарлар либосини кийиб юрадиганларни чалкаштириш керак эмаслигини қайд этгандир»² деб ёзади.

Қаландарларнинг ўзига хос феъл-атвор, кийфа, юриш-туриши ва кийиниш одоблари бўлган. Бу маслакни қабул қилувчи ҳар бир аъзодан мавжуд қоидаларга амал қилиш талаб қилинган. Рисолада таъкидланишича, белига качкул осаётган қаландар ушбу оятни ўқиши керак экан: «Бисмиллоҳир роҳманир роҳим. Ва ютџимунат таома ало хуббиҳи мискинан ва ятиман ва асиро». Яъни: «Ва таомни суюб-хоҳлаб турсаларда, (ўзлари емасдан) мискин, етим ва есирларни таомлантирурлар»³ (Инсон:8).

Сайфиддин Рафъиддинов «Қаландар» атамасининг этимологияси ҳақида илмий тадқиқий мақоласида фикр юритиб «қаландар» атамасининг ижтимоий ва маънавий ҳаётимиздан, хусусан оғзаки ва ёзма адабиётимиз саҳифаларидан чуқур жой олиб келганлигини, унга изоҳ ва шарҳлар битилганлигини бу атама тарихий, илмий ва адабий моҳиятга эғалигини таъкидлаган ва уни XI асрдан истеъмолга кирганлигини аниқлаган.

Қаландар сўзи «қалан» ва «андар» сўзларининг бирикишидан ҳосил бўлган. Маъноси: «Оғир юк ташиган», «оғир юк остида қолган» ёки арабча «ақалл» ва форсча «андар» сўзларидан таркиб топиб, «оз, аҳамиятсиз, хор бир аҳволда бўлган» деган маъноларни билдиради. Бу атама мажзуби соликин ёки сулукдан сўнгра жазбага етишган бир солики мажзубнинг лақаби бўлиши ҳам мумкин.⁴

«Гиёсул луғат»да ёзилишича: «Қаландар – аслида арабий «коф» билан «қаландар» эди, эшик тез очилмаслиги учун орқасидан қўйиладиган тарашланмаган кунда маъносида берилган. Баъзилар уни арабий сўз деб атадилар.

Хатиби Форсийнинг «Манокиби Жамолиддин Совий» асари қаландарлик маслагини англатувчи, одоб арконларидан, пирлардан баҳс этувчи энг муҳим асарлардан биридир. Унда қаландар сўзига изоҳ берилиб, «коф» — қаноат, «лом» — лутф, «нун» — надомат, «дол» — диёнат, «ре» — риёзат маъноларида талқин қилинади.⁵

«Қаландар» бир қанча маъноларни билдиради: 1. Дин. Диний ғазаллар ўқиб мусулмон динини тарғиб қилиб дарбадар кезувчи, тарки дунё қилган дарвеш. 2. Кўчма маънода: дунёдан воз кечган, тарки дунё қилган киши: зоҳид. 3. Ўзбек халқ куйларидан бирининг номи. 4. Қаландар (эркаклар исми). Қаландарвачча — қаландарнинг шогирди. Қаландар хона — қаландарлар йиғиладиган ва тунайдиган жой.⁶

Хусайн Воиз Кошифий «Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати» китобининг тўртинчи бобини «Хирқа ва аҳли фақрнинг кийимлари, уни кийиш, кийдириш ва муридларга хирқа етказиш ва бунинг шартлари, одобу аркони баёнида»ни ўн бир фаслга бўлиб тасаввуфнинг-қаландарийлик тариқатига кирган сўфийларнинг одоби-ахлоқи, кийиниши ва ҳоказо жиҳатларига тўхталган. Қаландар Машраб ва бошқа қаландарлар Воиз Кошифий тасвирлаган шартларга тўлиқ амал қилишган.

Аксар дарвешларнинг тўни йиртиқ ва эски, баъзан турли матоларнинг парчаларидан ямаб тикилгани учун уни хирқа дейдилар.⁷

Хирқалар тўрт хил – жундан, пахтадан, палосдан, теридан тикилган.

Сўфийлар ва дарвешларнинг бош кийимлари кулох кигиздан бўлиб, уни Жалолиддин Мавлави Румий тож деб билган эканлар. Доира шаклида кулох атрофини ўраб, «алиф» суратли кигиз боғлаб: «биз ростлик доирасидан бошимизни ташқари чиқармаймиз ва ўз биродарларимиз учун бошни ўртага қўямиз» деган фикрни илгари сурганлар. Сўфи ва дарвешлар жойнамоз, ридо, кафш, суҳбат камари, таъя пўстаги каби нарсалар билан жиҳозланган.⁸

¹ Сайфиддин Рафъиддинов. Қаландарлик одоби. «Ёшлик», 2000, 3 сентябрь, 3-сон, 45-бет.

² Дж. С. Трименгэм. Исломда сўфий тариқатлар. Москва, 1989, 277-бет.

³ Сайфиддин Рафъиддинов. Қаландарлик одоби. 45-бет.

⁴ С. Рафъиддинов. «Қаландар» атамасининг этимологияси ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти. 1998, 5-сон, 60-бет.

⁵ Сайфиддин Рафъиддинов. «Қаландар» атамасининг этимологияси ҳақида. 63-бет.

⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томлик. 2-т. Т., 1981, 545-бет.

⁷ Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти. Тошкент, 1994, 45-48-бетлар.

⁸ Ўша манба, ўша жой.

Усмон Турар «Тасаввуф тарихи» китобида кулох, унинг усти «кубба», ички қисми «лангар» – салла-дастор, хирқа, кулох ва камар «жиҳози тариқат», камар «шадд» жундан таёрланган белбоғ, ёқасиз кийим-ҳайдарий, «таннура» ёқасиз, енгсиз, узун тўпикқача, олди белгача очик дарвеш либоси, «або» жундан тикилган кийим¹ ҳақида муфассал маълумот берган.

Ҳ. Болтабоев «Рисолаи одоби тариқ» рисоласидаги қаландарийликнинг ашёларига тўхталиб шундай фикрларни келтирган: «Ҳожи Абдурахим Бухорийнинг 1672 йилда ёзилган «Рисолаи одоби тариқ» рисоласида қаландарийлик исмигагина эмас, унинг ҳар бир ашёсига, нарсасига ҳам тасаввуфий маъно юклатилиб, уларнинг қуйидагича шарҳи берилган. Қаландар кулохи тўрт турли бўлади: кулохи амр, кулохи равият, кулохи субҳоний, кулохи ато. Бу тўрт турли кулохдан ҳар бирининг тўрт бурчаги бўладир. Кулохнинг бурчагига форсийча «тарк» дерлар. Қаландарлар сўз ўйини қилиб, бу форсийча «тарк»ни арабча «тарк» (воз кечиш) сўзига айлантирадилар. Ва кулохларнинг «тарк» бурчакларидан ҳар бирига арабча тарк сўзидан фойдаланиб, бир турли тасаввуфий маънолар берадилар».²

С. Рафъиддинов «Қаландарлик одоби» тадқиқотида кулохнинг тўрт бўлаги «чор тарк» ҳақида Нақшбанднинг машҳур байтини келтиради:

*Дар тариқи Нақшбанди лозим омад чор тарк,
Тарки дунё, тарки уқбо, тарки нафси, тарки тарк*

Яъни нақшбандий тариқатида тўрт нарсани: дунёни, охиратни, нафсни, тарк қилиш ва ҳатто шу таркни ҳам тарк қилиш лозимдур. Китоб муаллифи нақшбандийлик қарашларини қаландарийлик маслагига татбиқ этиб шундай дейди: «Ва билгинки, кулохнинг тўртта хонаси бор. 1. Шариат хонаси. 2. Маърифат хонаси. 3. Ҳақиқат хонаси. 4. Тариқат хонаси. Ва яна шуки кулохнинг тўрт тарки бор 1. Нафс тарки. 2. Халқ тарки. 3. Дунё тарки. 4. Охират тарки».³

Китоб сўнгида шундай сатрларни ўқиймиз: «Худонинг қутби хожа баҳоул ҳаққ вад дин қадда-саллоху руҳаху шундай қилганлар ва шундай буюрганлар ҳар ким бу амаллардан ташқари бўлса, қаландарлик тариқатидан ташқарида дир. Ва бу ҳақда у кишидан кўп сўзлар айтилган эди. Лекин мухтасар тарзда тугалланди».⁴

Ҳ. Болтабоев қаландарларнинг камар ва либоси, соч қўйиши ва махсус тиллари ҳақида рисолаларга таяниб, қуйидаги маълумотларни беради: «Рисолаи одоби тариқ» муаллифи қаландарларнинг камарлари етти банд бўлиб ҳар бири тасавуфдаги бир мартабага ишорат эканини, уларнинг кийим либослари долқ деб аталиб, улар ўз навбатида уч турли – хирқа, кафаний ва жандадан иборат бўлганини қайд этади. «Рисолаи қаландарийда эса кулох ва жандани кийиш, камарни боғлаш, асони тутиш ва қачқул олиш пайтида ўқиладиган дуолар ҳам келтирилган. Шу билан биргаликда қаландарларнинг қачқул, каду, матбах ва асолари ҳақида ҳам турли тасаввуфий ишоратлар англатилган. «Яна қаландарларга махсус шартлардан бири соч қўйишдир. Айниқса, биринчи даврларда соч қўйишни жуда лозим деб биладилар. Ўз ораларида сўйлашга махсус сунъий бир тиллари ҳам бор. Унга «абдол тили дейлар»».⁵

«Рисолаи қаландарий»да «яна дарвешларнинг еттита белгиси» қайд этилган. 1. Манъ қилинган нарсалардан парҳез қилиш. 2. Тақдирга рози бўлиш. 3. Ҳаромдан ўзини йироқ тутиш. 4. Ўзидан улуғларнинг хизматини қилиш. 5. Машаққатларга сабр қилиш. 7. Қаноат қилиш. Бундан ташқари «фақру фано» масаласида ҳам қаландарийликнинг айрича сифатлари келтирилган: «Агар бенаволик (фақирлик)нинг йўли нечта деб сўрасалар, тўртта деб жавоб бер: 1. Истиғфор айтиш. 2. Улуғ ва ғолиб Худога таваккул қилиш. 3. Ҳаромдан йироқ бўлиш. 4. Нафсга қарши курашиш».⁶

С. Рафъиддинов қаландарларни Аллоҳнинг ошиғи, уни излаш қўйига тушган мажзублиги ҳақида, бу маслак ғояси давлатлар чегарасигача етиб борганлиги ҳақида ёзади:

¹ Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. 101-бет.

² Ҳамидулла Болтабоев. Машраб ва қаландарийлик тариқати манбалари. 40-бет.

³ Сайфиддин Рафъиддинов. Қаландарлик одоби. 45-бет.

⁴ Ўша манба. 46-бет.

⁵ Ҳ. Болтабоев. Машраб ва қаландарийлик тариқати манбалари. 41-бет.

⁶ Сўзбоши ва тузувчи: Ҳ. Болтабоев. Ислом тасаввуфи

«Қаландар атамаси, Хитойнинг ғарбий чегараларидан то Марокашга қадар кенг ёйилган ва тарихий жиҳатдан дарвешларнинг турли табақаларига нисбатан қўлланган:

1. Қаландар истилоҳ сифатида тарки дунё қилган, шариат ҳақиқатини, ҳақ сўзни тап тортмай айтадиган, Аллоҳни, ҳақ ва ҳақиқатни излаш кўйига тушган мажзуб. У Аллоҳ ҳақиқатини ҳар нарсадан устун кўядиган, диний ибодатларга бепарводек кўринса-да, зоҳиран кимлигини билиб бўлмайдиган кишидир.

2. Сўфиёна шеъриятда қаландар — Аллоҳнинг эҳтиросли ошиғи. У масту мустағрик бўлиб, фано ҳолатига етишган, висол ишқида ёнган жунунвор кишидир. Форс шеъриятида Ансорий, Санойи, Атор, ўзбек шеъриятида Навоий, Машраб, Нодиралар ижодида бу тимсол-атама тез-тез кўзга ташланади;

3. Қаландар — қаландарлик маслагининг аъзоси, тарғиб қилувчиси.

4. Ҳожилар қарвонини қўриқлаб борадиган қуролланган дарвешлар ҳам маълум бир давлатда қаландар деб аталган. Ҳиндистон, Эрон ва Марказий Осиёда «дарвеш» сўзи «қаландар» атамасининг синоними бўлиб хизмат қилади.¹ Қадимда хинд дарвешларидан бирортаси ўз қабиласи қолиб, бошқа қабилага мансуб қизга уйланса қаландар дейилган. Бу ҳолат ўз қабиласи урф-одатига хилоф иш қилган киши учун бир навъи ҳақорат ҳисобланган. Вақт ўтиши билан бу сўзнинг Эрон ва Ҳинд дарвешлари орасида нафсни тарбия этмоқ, бошқа кишиларнинг ҳақоратидан четда қолмоқ каби ўзига хос маънога эга бўлиши ва шу сабабли халқ орасида қаландария деб номланиб кетган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.²

Абдурауф Фитрат «Машраб» мақоласида «Девонаи Машраб» манқабаси маълумотларига таяниб, шоирни «жиннимижоз» бир қаландар деб атаса-да, манқабаси маълумотларига шубҳа билдириб, тарихий маъхазларга мурожаат қилиб, уни қаландарийлик маслагига мансублигини таҳлил этади: «Машраб Наманганда туғилган, биринчи тарбияни Наманганда олган, сайёҳ, наша чекувчи, кўкнорихоналарда турувчи, жиннимижоз бир қаландар шоир бўлган. Энди бу натижани кўлимиздаги тарихий маъхазларнинг маълумотига қараб Машрабнинг таржимаи ҳолини собит бир шаклга киргизишга тиришайлик»³ деб, Айний, Муҳаммад Бадеъ Малехо Самарқандий асарларидаги фикрларни келтириб, унинг тақдирида тасаввуфнинг – қаландария тариқати кишиси қиёфаси шаклланганлиги ҳақидаги муждаларни дарж этади: Малехонинг кўрсатишига кўра, Машрабнинг ёшлиқда Андижондан Наманганга ўқишга келгани, афсонадаги «15 ёшарлиғида Мулла Бозор охунд тарбиясига киргани» билан таъкид этилади. Малехонинг ривоятига кўра, Машраб Наманганда 7-8 йил тургандан кейин Самарқандга келган. Онда бир муддат қолган. Сўнгра Наманганга қайтиб, ондин Қашқар, Бадахшон, Балх шаҳарларига борган ва шу сафардан унга «пишиқликлар» ҳосил бўлган, яъни, шеър ва таъсаввуф кишиси бўлуб, қаландар қиёфасида яна Самарқандга қайтган. Малехо бу Самарқандга қайтишнинг қайси йилда эканини очик кўрсатмайди. Шундай бўлса ҳам, баъзи 1689-91 лар орасида бўлганин гумон қилиш мумкин».⁴

Юқоридаги фикрларни Ҳ. Болтабоев ҳам таҳлил этиб, олим Бадеъ Малехонинг Машраб ва қаландарлар билан учрашувлари ҳақида қимматли фикрларни берган:

«Машраб ва қаландарийлик мавзусида бизга аниқ маълумотлар берадиган манбалардан бири Муҳаммад Бадеъ Малехо Самарқандийнинг «Музаккиру-л асҳоб» («Сухбатдошлар зикри») асаридир. Малехо тазкира тузиш орзусида кўпгина шаҳарларни кезиб чиққан. Сафар давомида бир қатор шоир ва қаландарлар қаторида Машраб билан учрашган. Сафардан қайтиб, тазкирани тузишга киришган. Тазкира 1691 йилда ёзиб тугатилган бўлиб, унда XVII аср Марказий Осиё ва Эронда яшаб ўтган 221 нафар шоир ҳақида қимматли маълумотлар берилди. Асарнинг афзал жиҳатларидан бири шундаки, муаллиф ўзи қаламга олган шоирларнинг деярли барчаси билан сухбатдош бўлган ва кўлёмалардан бири (4270 рақамли) муаллиф дасхатига мансуб. Асар бизни қаландарийлик тариқатига мансуб бир неча шоирлар ижоди билан таништиради. Улар орасида Машраб, Шох Шавкат Қаландар Бухорий, Қосим Девона, Кубоий Қаландар каби шоирлар бор. Сўфийлик йўлидаги бу кишилар қаландар бўлишлари билан бирга нозиктаъб ва ўз даврининг машхур шоирлари бўлгани учун Малехо уларнинг шоирлигини асосий эътиборда тутган ҳолда тазкирага киритган».⁵

¹ С. Рафъиддинов. «Қаландар» атамасининг этимологияси ҳақида. 61-бет.

² Ўша манба, 62-бет.

³ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 86-бет.

⁴ Ўша манба, 87-88-бетлар.

⁵ Ҳамидулла Болтабоев. Машраб ва қаландарийлик тариқати манбалари. 41-42-бетлар.

Фитрат Машрабнинг қаландарлиги ҳақида фикр юритиб, уни бобо қаландар – қаландарлар бошлиғи бўлганлигини ва шоир ундан кутган мақсад ҳақида маълумот бериб ёзади: «Машрабнинг қаландарлиги ҳақида маноқибда бир кўб қайдларнинг борлиги билан баробар уни 1691 йилларда Самарқандда кўрган Муҳаммад Бадеъ Малехо ҳам хабар берадир. Қаландарларнинг ўз бошлиқларини «бобо» атаганлари маълум. Машрабнинг Бобо Раҳим – Раҳим бобо аталгани (дан) унинг бир вақтлар қаландар бошлиғи бўлганини ҳам гумон қилиш мумкин. Шунинг учун бошлаб қаландарлар ва қаландарлик ҳақида ва унинг майдонга чиқишига сабаб бўлган шароит тўғрисида тафсилот бериш лозим. Зотан, Машрабнинг синфий тусини оғмоқ учун қаландарлик маслагининг синфий моҳиятини белгиламоқдан бошқа чора йўқ. Лекин, бахтга қаршу, бизнинг тарихимизнинг ҳеч текширилмаган ёхуд оз текширилган саҳифаларидан бири шул қаландарликдир. Ўзим ҳам бу туйғудаги бутун изланишларимнинг «мана» деб кўрсатарлик бир натижаси бўлмаганини эътироф қиламан. Қўлимдаги жуда оз материал билан қаландарлик маслагининг синфий моҳиятини очмоқ ва шу йўл билан Машрабнинг ҳам синфий тусини кўра олмоқ мумкин бўлмайди. Шундай бўлса ҳам, бундан сўнграги текширишларга балки ёрдами бўлур умиди билан қаландарлик ҳақида билганим нарсаларни қайд этиб ўтмакни муносиб кўраман».¹

XX асрнинг дастлабки чорагида замонасининг диний, дунёвий билимларини чуқур билимдони бўлган Фитратдек олим камтарлик билан «мана» деб кўрсатарлик» иш қилолмаганини айтиши унинг нечоғли улуг олим эканлигини билдиради. Бойбўта Дўстқораев XX асрда Фитратнинг «Машраб» илмий тадқиқотидан бошқа тадқиқий иш йўқлигини эътироф этиб турганида бу камтарона фикр бугунги «машрабшунослик» илмида яна бир долзарблигини намоён этади. «Синфий моҳиятини белгиламоқдан бошқа чора йўқ» деган фикрига келсак. Совет тузуми мафқураси шундай дейилмаса Машраб ҳақида ўша 30-йиллар бошида унинг (Фитратнинг) «Машраб» тадқиқоти ҳам эълон этилмасди.

Фитрат қаландарийлик тариқатининг тарихий-тадрижий моҳиятини ўргана бориб, Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» асарида қаландарларнинг ибодати, диний амалларни уларнинг бажариш-бажармаслик ҳақидаги ўз қоидалари, Жомийнинг ўзи ҳам мутасаввуф бўлганлигини шарҳлаб, ёзади: «Зотан, яқин замонларгача бизнинг орамизда ҳам «Қаландар Машраб» ва «қаландархона» сўзларининг қайдсизлигини ифода қилгани шуни қувватлайди. Қаландарликни Ўрта Осиёда қачондан бошлаб ўрунлашганлидан маълумотимиз йўқ. Бироқ Жомийнинг юқоридаги маълумотидан 15 нчи асрларда қаландарликнинг борлиқлари англашилгани каби машхур Шайх Камолиддин Хусайн Хоразмийнинг ҳам 15 нчи асрнинг охирида Хоразмдан Хуросонга бораётқонда йўлда бир қаландархонада кўнгани «Мифтоҳ ут-толибин» исмли манқаб китобида мазкурдир».²

Мустақилликнинг илк йилларида Муҳаммад Ёқубнинг «Қаландарлар» илмий-тадқиқий мақоласи эълон қилинди. Унда асосан қадимги Хоразм қаландарийлик тариқати тарихига оид фикрлар тилга олиниб, яқин-яқин йилларда ва ҳозир ҳам Хоразм ашулаларида сўфий қаландарларнинг оҳанги уфуриб турганлигини қайд этган. Унинг ёзишича, «Ўзбекистон тарихи»нинг 1957 йилги нашрида қаландарлар ҳақида қуйидаги фикрлар келтирилган: «Қаландарлар шаҳар ичи ёки чеккасидан маълум жойни ажратиб олиб, ўз бошлиқлари уйининг атроф-теварагига бошпана солиб ўрнашганлар. Халқ қаландарлар яшайдиган жойларни «қаландархона» деб юритган. Қаландарлар алоҳида гул солиб тикилган, жун шокилари кийим-бош кийганлар, жанда чакмон кийиб, белларига энлик гулдор жун белбоғ боғлаб юрганлар... Ўрта Осиё қаландарлари зикр тушганлар».³

Хивадаги қаландарлар жамоаси авлод-аждодлари изларини Мирхонд ва Хондамир келтирган маълумотлардан қидирадиган бўлсак, унда уни тасаввуф фалсафасининг кубровийлик оқими тарихи-шажарасидан излашимизга тўғри келади. Тасаввуф Яқин Шарқ, Эрон, Ўрта Осиё халқлари тарихида, ижтимоий-фалсафий фикр тараққиётида ўзига хос ўринга эга бўлган, диний-ахлоқий, фалсафий оқимдир. Хоразмда сўфийлик оқимининг бир қанча тармоқлари ва уларнинг пешволари бўлган. Масалан: Футувват тариқати, яъни жавонмардлик оқимининг Паҳлавон Маҳмуд сингари «Пурёй валий»си, кубровийликнинг

¹ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 91-бет.

² Ўша манба, 91-бет.

³ Муҳаммад Ёқуб. Қаландарлар. Халқ сўзи. 1992, 6 май.

Нажмиддин Кубро каби пешвоси, «Айёрон» - дайдиларнинг ўзига хос йўлбошчилари, нақшбандийчиликнинг ўз шайхлари ва ҳоказо.¹

Ўзб. Р. ФА М. М. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти файласуф олимлари томонидан тайёрланган «Ўрта Осиё халқлари хурфикрлиги тарихидан» китобида Хуросондаги сўфий хонақоҳлари – қаландархоналар ва уларнинг сир-асрори, риёзати, амалу тадбирлари ҳақида муфассал маълумот берилган китобда шундай фикр келтирилган: «X-XI асрларда Хуросонда сўфийларнинг доимий ва вақтинча яшайдиган жойлари – хонақоҳлари пайдо бўла бошлаган. Баланд деворлар билан ўралган хонақоҳда бир неча иморат бўлган, минорали масжид, сўфийлар мажлиси ўтказиладиган катта хона, кенг ҳовли саҳнида қатор маҳсус хоналар ва хужралар. Хонақоҳ ташқарисида эса отхона, карвонсарой ва катта мазор бўлган. Хонақоҳда, одатда вақф, васият қилиб қолдирилган маблағлар, садақалар, хайр-эҳсонлар ҳисобига кун кечирилган. Хонақоҳлар мазкур замон тасаввуф адабиётида майхона, майкада, дайри муғон ва бошқа истилоҳлар билан ифодаланган. Сўфийлар хонақоҳда пир раҳнамолигида маънавий покланиш, камолотга эришиш йўлининг сир-асрорларини ўрганганлар, риёзиёт чекиб турли амаллару тадбирларни қўллаганлар, тасаввуф ахлоқ қоидаларини эгаллаганлар. Сўфийлар мажлисларида жамоатхонада самоъ билан шуғулланганлар, яъни най ва бошқа мусиқа асбоблари навоси остида шеърхонлик қилганлар, худонинг номлари ва сифатларини айтиб зикр тушишган, суҳбатлар қуришган».²

Шарқшунос И. П. Петрушевский X-XI асрларда Хуросон тасаввуфнинг маркази бўлган дейди. У бу даврда Хуросонда сўфийлар хонақоҳлари сони 200 га етгани ва 300 дан ортик машхур сўфийлар бор бўлганлигини ёзади.³

Сўфизмнинг сўл оқимларига мансуб Мансур Ҳаллож, Боязид Бистомий, Имомиддин Насимий, Машраб каби мутафаккирлар тасаввуфий қарашлари учун диний жаҳолат қурбони бўлдилар.

XII асрда тасаввуф Хуросон ва Ўрта Осиёнинг моддий ва маънавий ҳаётига сингиб кетиб, халқнинг турли табақага мансуб кишиларини қамраб олган эди. Шарқшунос Е. Э. Бертельс бу хусусда шундай дейди: «... ҳар қандай прогрессив одам ўзини шубҳага солаётган масалаларга айнан тасаввуфдан жавоб қидирган».⁴

Фалсафий оқим сифатида қаландар-дарвешларнинг маломатиййа оқими дастлабки урф-одатларни қўмсаш, унга интилиш ва ихлос қўйиш натижасида юзага келган. Хоразм тарихининг билимдони С. П. Толстов ёзади: «... ўрта асрларда эркаклар ўз маслакларига кўра «меҳмонхона»ларда, «чойхона»ларда, «болахона»ларда йиғила бошлаган. Қаландар-дарвешлар эса, ўз хонақоҳларида зикр тушар эдилар:

*Дунё учун гам ема, Ҳақдин ўзгани дема,
Киши молини ема, сирот узро тутаро.*

*Ло олоҳо иллоллоҳ, ҳаақ дўст, ё оллоҳ!
Ло олоҳо иллоллоҳ, ҳаақ дўст, ё оллоҳ!*

*Аҳли аёл, қариндош, ҳеч кам бўлмайдур йўлдош,
Мардона бўл, гариб бош, умринг елдек ўтаро.*

*Ло олоҳо иллоллоҳ, ҳаақ дўст, ё оллоҳ!
Ло олоҳо иллоллоҳ, ҳаақ дўст, ё оллоҳ!*

Ё, ҳувв! Ё, ҳувв! Ё, ҳувв!»⁵

Муҳаммад Ёқуб фикрича, инқилоб даврларида Полли дузчи деган машхур ҳофиз билан Қаландар дўнмас лақабли ҳофизлар кўшиқлар, суворалар айтишиб, баҳслашар эканлар. Одамлар бу орада Сафо Муғанний билан Мадраҳим Шерозийларнинг ҳам мусиқий садоларини тинглаганликларини мамнуният билан хотирлайдилар. Бизнинг давримизда эса, Хиванинг машхур халфалари беллашар эдилар:

«Бу қулбаи эҳзона хуришиди жаҳон галди,

¹ Ўша манба, ўша жой.

² Ўрта Осиё халқлари хурфикрлиги тарихидан. «Фан», Тошкент, 1990, 110-111-бетлар.

³ Петрушевский И. П. Ислом в Иране. Л., 1966. стр. 325.

⁴ Ўрта Осиё халқлари хурфикрлиги тарихидан. 113-бет.

⁵ Муҳаммад Ёқуб. Қаландарлар. Халқ сўзи, 1992, 6 май.

*Гўёки ўлик эдим, жисмим аро жон галди.
Жаҳувв, жаҳувв, жаҳувв».*

Кўшиқнинг, куйнинг сеҳри одамларни бирин-кетин ўртага ўйинга олиб чиқади. Рақсга тушаётганлар басма-басига янгидан-янги муқомларни кўрсата бошлайдилар. Ҳар бир янги муқом ёки ҳаракат, олқишловчи қарсақ ва сўзлар билан қарши олинади.¹

Хоразм «лазги»сининг авж пардаларида баъзи бир чапанлар ўзларини уриб ўйнай бошлайдилар. Гоҳ ўнг қўл билан, гоҳ чап қўл билан ўз энсаларига ва кўкракларига тушира бошлайдилар. Уларнинг бу қилиқлари мусиқа оҳангига жуда-жуда мос тушади. Улар садр тушиб, йиқилиб, холдан тойгунча ўйнайдилар. Жаҳувв, жаҳувв деб халфа-созандаларнинг мадад бериб туриши ўйновчини баттар жазавалар туширади. Жаҳувв, жаҳуввнинг: ё хувв, ё хувв сўзларига ҳамоҳанглигини ҳисобга олмасликнинг ҳеч бир иложи йўқ. Бу қаландар-дарвешларнинг анъанавий «ло илоҳо, иллоллох», «Ҳақ дўст, ё оллох», «ё хув, ёхув»² деб зикр тушишларини билдиради. Халқ артисти Комунна Исмоилова шу хилдаги ашулаларни кўп куйлаган.

Фитрат «Машраб» тадқиқотида қаландарликнинг диёримиздаги ҳолати, уларнинг омма олдига чиқиши, шаҳарга чиққандаги зикрлари, Яссавий, Машраб шеърларини ўқиши, таъминоти масалалари ҳақида фикр билдириб ёзади: «Қаландарлик мусулмон тасаввуфининг шўъбасидир. Бу маслак бизнинг ўлкамизда сўнг кунларгача давом қилди. Ўзбекистон шаҳарларидан ҳар бирининг ташқарисида «қаландархона» исмли гўзал боғча ҳолига келтирилган бир жой бор эди. Қаландарлар шунда турар эдилар. Булар қисман маҳаллий, қисман мусофир, хусусий мулклари бўлмаган кишилардан иборат бўлиб, асос касблари тиланчилик эди. Ҳафтада икки дафъа тиланчиликка чиқиб, шаҳар ва бозорларни айланар эдилар. Ўзларига махсус қаландарий куйлари бор эди. Ораларидан энг яхши товушлиси шу куйларда Яссавий, Машраб каби шоирларнинг шеърларини ўқир ва бошқалари унинг нақоратини қайтариб турар эдилар. Ораларидан бир бошлиқлари бўлуб, мунга «бобо»дер эдилар. Тиланчилик чоғида пулни шул боболари терар ва шундан уларни таъмин қилиб турар эди.

Бухоро хонлиғи замонида буларнинг устида ҳукумат томонидан тайинланган бир «мутавалли» бор эди. Қаландарлар тиланчиликдан тўплаган пулларни шунга топширар эдилар ва шу мутавалли уларнинг ҳақларини тақсим қилиб берар эди».³

Фитрат бундан ярим-бир аср аввал Ўрта Осиё шаҳарларининг энг обод жойи қаландархоналари эканлигини, қаландархоналар шаҳар халқининг жума кунлари чиқиб ўтирадиган дам олиш, саёҳат жойлари бўлганлигини қайд этган. Шунингдек, қаландарлар ҳафтада икки кун (маълум кунларда, бозорлар бўлгон жойларда бозор кунлари) тиланчиликка чиқишини, бошқа пайтлари улар қаландархоналарда наша чекиб, кўкнор ичиш билан машғул бўлиб, диний ибодатларга аҳамият бермасликларини таҳлил этиб куйидагиларни ёзади: Қаландарлар ва қаландарлик ҳаққида бера олганимиз шу нуқсонли маълумотларнинг ижтимоий мавқеъларини чамалаб бўлса ҳам белгилашга ёрдам қила олса керак. Бизнинг фикримизга кўра, қаландарлар феодализм идорасининг бутун оғирлиғи остида қолиб эзилган, бор-йўқларидан айрилган, эзувчи кучга қаршу курашмоқ умидини тамом йўқотган, шахсий ҳаётларини таъмини учун қўлларидан ҳеч хунар келмаган бир гуруҳ бўлганлар. Булар тиланчилик билангина таъмин этилмақда бўлган ҳаётларининг аччиқ дақиқаларини нашанинг мастлиғи остида кечиришқа туришқонлар. Машраб мана шу гуруҳ орасида яшаган киши бўлган.⁴

Х. Болтабоев ўтган аср 20-йиллари иккинчи ярми, халқимиз яратган маънавий бисот оммавий ўрганилаётган даврда Машраб шеърятини қаландарийлик билан ёки кенгроқ маънода тасаввуфий талқинда шарҳлашга уриниш бўлганлигини айтади. Фитратнинг машрабхонлик хусусидаги хабарлар ўз-ўзидан қаландарлик билан боғланганини айни шу ўринда ҳис қиламиз. «Халқ бир чойхонада ё бирининг меҳмонхонасида йиғилишар, энг яхши ва баланд товушли бор ҳофиз (машрабхон) Машрабнинг ғазалларини «Савт», «Талқин»,

¹ Ўша манба, ўша сон.

² Ўша манба, ўша жой.

³ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. . 92-бет.

⁴ Ўша манба, 94-бет.

«Муножот» каби куйларда ўқир эди. Унинг атрофида ўтирган кишилар кимирламай, нафас чикармай, буюк бир диний ҳаяжон билан тинглар эдилар».¹

Мен бундан 4-5 йил олдин Фарғона водийсининг Бувайда туманидаги пир Иброҳимхон Тўранинг такяхонасида бўлдим. Накшбандия тариқатининг давомчи бўлган ҳазрат даргоҳида Туркменистондан, Душанбадан, Конибодом, Исфара, Бухоро, Хўжанд, Самарқанд, Туркистон, диёримизнинг турли худудлари, ҳатто Жиззахдан жуда кўп тариқатга кирган ёшлар келиб илм олаётганликлари гувоҳи бўлдим. Уч кеча такяхонада тунадим. Лайлатул кадр кечаси деярли мингдан кўп халқ тик тургани ҳолда Қуръон тиловатига берилганлигини, кориларнинг Қуръонни қироат билан ўқиб, ҳамманинг кўзидан шашқатор ёш оққанлигини, ора-орада қорилар Бедил, Сўфи Оллоҳёр, Машраб ғазалларини ашула қилиб ёки ғазални чўзиб ўқиб хиргойи қилиб қалбга жойлаганликларини гувоҳи бўлдим. Айниқса, андижонлик отахон қорининг Машраб ғазалларини мусиқий оҳангда ўқиши ҳамманинг кўзига ёш келтирди. Менга ҳам тун ярмида Машраб ғазалларидан ўқишга навбат беришди. Мен Машрабнинг «Бул мусофир шахрида ҳар дам тутошиб ёнаман» матлаъли ғазалини ва «Не ғурбатларни чектим, чарх бевунёд дастингдин» радифли мусаддасни ўқидим. Бу ерга ўлкамизнинг турли томонларидан уламолар, муллолар, ислом дини пешволари ташриф буюриб, амри маъруф нахий мункарда иштирок этишлари, одоб сақлаб Аллоҳ номини тилга олиб ибодат қилишлари ҳаяжонли кечиши, ҳатто таниқли олимларимизнинг бу даргоҳга келиб пир кўлини олиб зиёрат қилиб туриши хаёл ва қалбим, тасаввуф ва тушунчамдаги Офокхожа даргоҳини эслатиб, ёш йигитларнинг саъй-ҳаракатлари Машраб ва унинг ҳаммаслакларини ёдимга солди. Пирнинг амри билан илм ўрганаётган, накшбандия тариқати коидаларини ўрганаётган муллаваҷчаларнинг ҳар бири хизмат қилиб чарчамаслиги, бирорта меҳмонни эътибордан, назардан қочирмаслиги, ҳатто зарурат жойида кўлида кесак ва обдастада иссиқ сув тутиб такаллуф қилишлари, бўш пайти эса масжидда ўлтириб, Аллоҳни зикр этиб, ибодат билан машғул бўлишлари, ҳар бирининг олдида Қуръон туриши ва уни деярли паст овозда мутолаа қилиши накшбандия Хожагон тариқатининг давомчилари ҳали диёримизда давом этаётганлигини намоён этди. Уларни пири муршид Иброҳимхон тўра «демона» деб мулозамат қилар эканлар. Такяхона ҳақиқатда болаҳонали, ундаги ашё ва унсурлар Усмон Турарнинг «Тасаввуф тарихи» китобида зикр этилганидек, ўшанга мувофиқ ҳозирланган эди.

Худди шу ҳол Фитрат талқинлари Ҳ. Болтабоев томонидан куйидагича келтирилган: «Мундақа машрабхонлик мажлислари эркалар орасида ҳам бор эди. Хитой Туркистонида классик мусиқамизнинг машҳур «Шашмаком»дан бошқа «Машраб» исмли етти куйдан иборат яна бир маком пайдо бўлганини мусиқамизни текширувчи Ғулом Зуфарий менга хабар берди. Бу эса Хитой Туркистонида ҳалиги машрабхонлик мажлисларининг жудаям теранлашганини бизга очиқ билдирарлик далилидир. Демак, халқ буюк бир диний ҳаяжон билан тинглаган, ўз уйларида, меҳмонхона ва чойхоналарда уюштирган машрабхонлик анжуманларининг боиси Машраб шеърларининг халқчил, тасаввуфий ва санъаткорлик нуқтай назаридан юксаклигидан келиб чиққан ҳолатдир».²

«Шарқ юлдузи» журналининг 1990 йил 8-сонида Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаландарон»идан нақллар босилганлигини олдинги жилд китобларимизда айтиб, баъзи ўринларини таҳлил этганмиз.

Бобораҳим Машраб 350 йиллик юбилеи муносабати билан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси таҳририятида учрашув бўлиб, унда академиклар А. Асқаров, А. Қаюмов, Т. Мирзаев, профессорлар А. Ҳайитметов, А. Абдуғафуров, И. Абдуллаев, машрабшунослар М. Зокиров, Ҳ. Муҳаммадхўжаев, адабиётшунос И. Ғафуров, ёзувчи Ҳ. Ғулом иштирок этган, суҳбатни М. Саъдий ёзиб олган эди.

Ўша суҳбатнинг битта жиҳатини – Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаландарон»га доир маълумотларни Исматуллоҳ Абдуллоҳ, Азиз Қаюмов ва Муҳсин Зокиров фикрларини мавзумиз доирасида тилга олиб ўтишни лозим кўрамиз.

Ўша суҳбатда И. Абдуллаев «Шарқ юлдузи»га М. Зокиров тайёрлаб берган «Тазкираи қаландарон» асарининг борлигига шубҳа билдирди.

¹ Ўша манба, 95-бет.

² Ҳамидулла Болтабоев. Мумтоз сўз кадри. 160-161-бетлар.

– Бу киши «Тазкираи қаландарон»ни бировдан кўчириб олдим, дейди, – деди сўзини давом эттириб И. Абдуллаев. – Бирпасда шунча нарсани кўчириб бўладими? Ёддан тикладим, дейдилар яна. Бу ҳам одам ишонадиган гап эмас. Эски қўлёзмаларни ўқишнинг ўзи кони машаққат-ку! Бу осон иш эмас. Мен ишонмайман. Китоб бўлса кўрсатсинлар,¹ – деб журналда чиққан «Тазкираи қаландарон»ни ишончсиз ҳисоблаган. Бахтга қарши «Тазкираи қаландарон»даги воқеалар тафсилоти мутафаккир шоир Машраб ҳаёти ва ижодини изчил ўргана борганимиз сари тўғрилигини исботламоқда. Энди Машраб тадқиқотчиси М. Зокировнинг фикрларига эътибор берайлик: – Мен Машраб ҳақидаги биринчи мақоламни 1939 йили ёзган бўлсам, мана эллик йилдан ошибдики, унинг ижоди билан шуғулланаман. Шу давр мобайнида Машрабнинг йигирмадан зиёд қалами девонларини ўрганиб чиқдим. 50-йилнинг ўрталарида Ленинобод пединститутда ишлардим. Бир куни ҳамкасбим Обиджон Орифий билан бозорда юргандик. У киши менга бир чолни кўрсатиб, «Эслаб қолинг, кўлида зўр китоби бормиш», деди. Кейин чол билан танишдик. Уни Оқил қаландар дейишаркан. Бир неча марта ҳамсухбат бўлгач, Оқил қаландар Орифий айтган китобни кўрсатди. «Тазкираи қаландарон» Боғистон кентлик Машрабнинг шогирди Исҳоқ Боғистоний қаламига мансуб бўлиб чиқди. Китобнинг 11-12-бобида Машраб ҳаётига доир воқеалар ҳикоя қилинган эди. Мен асардан ўзимни қизиқтирган жойларни кўчириб олдим. Шунча қилдим, бироқ чол китобни сотмади. Кўчирганларимни бир марта йўқотиб ҳам қўйдим. Хайрият кейин топилди. Қўқонлик бир шогирдим китобнинг муқоваси суратини олган экан. Шу ҳам қўлимда сақланади. Тазкира содда услубда, халойиққа тушунарли тилда ёзилган. «Шарқ юлдузи» журналининг ўтган йили август сонидан эълон қилинган лавҳалар шу тариқа қўлимга тушган. Менинг бир нуқсоним борки, қизиқиб ўқиган нарсам 10-15 йил ёдимда сақланади. Журналдаги баъзи жойларни шу тариқа хотирамда тиклаганман.

Кейинчалик Ленинободга бориб китобни қидирдим. Оқил қаландар оламдан ўтган экан. Хўп суриштирдим, бироқ, афсуски, «Тазкираи қаландарон»нинг изи топилмади.²

Азизхон Пўлатович Қаюмов Муҳсин Зокировнинг «Тазкираи қаландарон» асарини тиклаганлигини ва унинг керакли асар эканлигини таъкидлаб шундай дейди:

— Менинг шу муносабат билан Муҳсин Зокировга нисбатан бўлаётган ишончсизликка ҳам эътирозим бор. Яхшими, ёмонми бу одам асарни рўёбга чиқарди. Эҳтимол, баъзи гаплар ёдидан кўтарилиб, чалкашликлар содир бўлгандир. Лекин, «Тазкираи қаландарон»да баён этилган воқеалар ниҳоятда кучли. Менингча, бир-икки бадий асар учун сюжет беради. Шундай гўзал сюжетки, энди битта-яримта адибимиз ундан фойдаланар, деб ўйлайман.³

Халқ ёзувчиси Ҳ. Ғулом ҳам шу асар ҳақида қисқа шундай лутф қилган: — Бу киши эълон қилган парчаларнинг тили одамни, қисман бўлсада, ишонишга мажбур қилади. Ахир, Муҳсин Зокировнинг ўзи бундай тилда ёзолмайди-ку!...⁴

Дарҳақиқат, «Тазкираи қаландарон» тили худди «Офоқхожа маноқиб» ва «Қиссаи Машраб»лар тилидек руҳда ёзилганлигининг ўзи ҳам асар Исҳоқ Боғистоний томонидан яратилганлигини исботлайди.

Адабиётшунос олим М. Зокиров «Тазкираи қаландарон» китоби хижрий 1130 йил жумодул-аввал ойининг 15-кунида Боғистон кентда (ҳозирги Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги Боғистон қишлоғи) Исҳоқ бин Зиёвиддин тарафидан тасниф қилинган бўлиб, муаллиф китобнинг муқаддимасида ўзи ва Машраб тўғрисида жуда қизиқарли, тарихий жиҳатдан маълумотлар беради, дейди.

М. Зокировнинг фикрича, Исҳоқ Боғистоний уни олтмиш ёшда ёзган: ... «умр дафтаримдан олтмиш саҳифа варақланмиш фурсатда», яъни 60 ёшимда бу китобни ёздим, деб таъкидлайди. Муаллиф ҳикоя қилишича, у ёшлигидан бошлаб илм ва маърифатга ихлосманд бўлиб, аввал кентдоши Шайх Умар Боғистоний авлоди (Хожа Аҳрорнинг тоғаси)га мухлис бўлган, кейин Мулло Бозор охунднинг доврўғини эшитиб, Наманганга сафар қилган. Машраб билан танишган. Улар тез орада дўстлашиб кетганлар.⁵

М. Зокиров фикрича, «Тазкираи қаландарон» шарқ тазкирачилик андазаларига изчил амал қилинмаган ҳолда содда тилда ёзилган, асар 87 варақдан иборат. Исҳоқ Боғистоний

¹ Дили дардли халқнинг шоири. «Ўзб. адаб. ва сан.» 1991, 17 май.

² Ўша манба, ўша жой.

³ Ўша манба, ўша жой.

⁴ Ўша манба, ўша жой.

⁵ Муҳсин Зокиров. «Тазкираи қаландарон»га сўзбоши, «Шарқ юлдузи», 1990, 8-сон. 152-бет.

Машрабга замондошлигидан ташқари, унинг хос мухлиси ва сафарларида йўлдош ва ҳаммаслаги бўлган. У асар ҳақида ёзади: «Фақир ҳам бағоят дарду алам чекдим ва охирул амр бир китобат тасниф этмоққа жазм эттум. Алғараз, орадин икки йилча ўтгач, ожизона китобатларда азиз ва табаррук биродарим Машраби мажзуб бирла кечирмуш дамлар ҳақинда ва Пирмат Сеторий чашми хунборлиқ-ла сўзламиш ривоятларни фикри ожизим имкон хорижинда сўзламишмен. Ва яна ҳазрати Шоҳ Машраби мажзубнинг муборак даврасинда бўлмиш, ул табаррук зоти шариф суҳбатлариға мушарраф ўлмиш девонавор қирк қаландарлар: Бехбуд қаландар, Кўса Маддох, Ажлолхон Боғистоний, Зуннун, Девона, Олим Девона, Азиз Қаландар Шаҳристоний, Бадриддин Андигоний, Шоҳруҳ қаландар Хўжандий, Обид вас-вас Хўжандий, Ориф қаландар Чангий, Асқар Сеторий, Толиб қаландар Шоший, Холмуҳаммад девона Намангоний, Ҳошим сўта қаландар, Раҳмат девона, Қахҳор девона, Ҳусайн қаландар Тамбурий, Ғози маймоқ қаландар, Собир девона, Баҳром қаландар, Илҳом қаландар Чангий, Комил қаландар, Ҳошим девона, Абдулрахмон қаландар, Нозим тентак, Козим шапкўр қаландар, Ислон қаландар, Кабир қаландар, Мурод қаландар, Одил девона, Карим қаландар, Собит қаландар, Зобир қаландарбоши, Ортиқ қаландар, Раҳим қаландар ҳаққинда ҳам (аларнинг кўплари олам фонийдан олам боқийға рихлат қилмишлар) баҳоли кудрат ва ривоят абётлариндан қитъа битмишмен. Илло мазкур китоботимнинг ўн бир бобини биродарим ҳазрати Шоҳ Машраби мажзуб шаҳиди аъло хотирлариға бахш этмушмен».¹

Исҳоқ Боғистоний «Тазкираи қаландарон»да қирк қаландарнинг исми ва лақабларини келтирганлиги гувоҳи бўлдиқ. Ўтибор берсак, деярли қаландарларнинг лақаби бор, улар наздида Аллоҳ ҳузуринда нуқсонли кўринишлари лозим бўлиб, ўзини яратган олдида хоксор, некбин, ожиз сезиб, угина мукамал эканлигини эътироф этиш ҳисобланар экан. Машраб шу қаландарларнинг етакчиси қаландарбоши, шоҳ қаландар эди.

«Тазкираи қаландарон» асарининг тўртинчи лавҳаси Машраб ва Сўфи Оллоҳёр учрашувига бағишланган. Ҳар икки тасаввуф намояндалари замондош бўлиб, бир бири билан уч марта учрашган ва бу учрашувлари «Қиссаи Машраб», «Тазкираи қаландарон»да қайд этилган. Шу масала, унинг мазмун моҳияти ҳақида ҳам айрим адабиётшунос олимларнинг турли хил қараш ва муносабатлари бор. Бизнинг мақсадимиз турфа қарашларга ўз ҳолисона муносабатимизни билдириш, чунки илмда мунозара бўлмаслиги, демак унинг ривожини бўлмай, депсиниш, тўхтаб қолишига кўмак беришини ўйлашга мажбур этади. Шу нуқтаи назардан Машраб ва Сўфи Оллоҳёр муносабатига ёндошганда, уларнинг шахсияти ва тасаввуф оламидаги мақом ва даражасининг паст-баландлиги ҳақида эмас, балки бир-бирига ҳурмат-эҳтироми ва улар орасида бўлиб ўтган учрашув тафсилоти, унинг башарият маънавиятига фойдали жиҳатлари хусусида фикр юритмоқ мақсадга мувофиқ ишдир. Чунки, СамДУда бўлган бир ҳимоя ишида икки оллоҳёршунос олимлардан бири мардларча Сўфи Оллоҳёр талқинида озгина йўл қўяётган хатосидан истиғфор айтиб, ҳамманинг дилини равшан қилган эди. Лекин ўқиганим, аммо ҳозир қўлимда бўлмаган далил, қайсидир олим Сўфи Оллоҳёр Машрабдан жуда мақоми баланд, уларни бир-бирига тенглаштирмаслик керак, деган фикри мени таажжубга солган эди.

Филология фанлари доктори, профессор Шухрат Сирожиддинов Машраб ва Сўфи Оллоҳёр ўртасидаги муносабатга тўхталиб шундай ёзади: «XVI асрнинг машхур сўфийси, тариқат пири Махдуми Аъзамдан кейин унгача ўтган неча машхур пир муршидларнинг (Махдуми Аъзамнинг ўзи олтиш пир тарбиялаб чиқарган), жумладан, мавлоно Лутфуллоҳ Чустий, Ҳидоятуллоҳ Офокхожа, Мусохон Даҳбедий, Шайх Ҳабибуллоҳ ва Ғулом Али Шоҳ Муҷаддийларнинг тадқиқотлардаги хизматлари беқиёс эса-да, номлари Сўфи Оллоҳёр даражасида машхур эмас. Унинг номи халқаро миқёсда эътироф ва эҳтиромга сазовор бўлгандир. Бобораҳим Машраб у билан суҳбат қуриш истагида уч марта излаб борганлиги маълум. Икки юз йил давомида китоблари мадраса ва тарбия ўчоқларида асосий қўлланма ва дарслик сифатида ўқитилиб келинган».²

Мажзуб Намангонийнинг «Тазкирату-л-авлиё» асари «авлиё ва қаландарларнинг суҳанларидан баҳраманд бўлиб» ёзилган муқаддимада айтилади. Тазкирада Машрабнинг Қаршидаги ҳаёти билан боғлиқ қўйидаги маълумот берилган: «Девонаи Машраб сулуқ

¹ Исҳоқ Боғистоний. Тазкираи қаландарон. «Шарк юлдузи», 1990, 8-сон, 54-бет.

² Шухрат Сирожиддинов. Сўфи Оллоҳёр илоҳиёти. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси. 2001, 4-бет.

тахсилини Офокхожадан олди. Кичик халифалардан эди. Аммо Қаршига келиб тўрт йил турди. Голибо, унинг сулуки Хўжам Пошшо суҳбатидан батафсил бўлди. Бир куни Хўжам Пошшодан сўрашди: «Илми Сўфи Оллоҳёр афзалми ё илми Девонаи Машраб?» Хожам Пошшо айтдики, «Илми Сўфи Оллоҳёр шундай илмики, уни мадрасаларда толибларга ўргатса бўлур. Илми Девона Машраб асрор илмидирки, гоҳ-гоҳида авлиёуллоҳ суҳбатидан баъзиларгагина муяссар бўлур».¹

Таъкидлаб кетамиз: Машраб «кутбул ақтов» – яъни авлиёлар улуғи мақомига кўтарилган. Уни ҳеч ким ёхуд ҳеч нима билан қиёслаш мумкин эмас. Машраб бекорига: «Шухратталабнинг кейнида офат турур» демаган. У шухрат кетидан қувмаган. Авлиёлар ҳаёти ва мақоми зоҳирий эмас, ботинийдир.

Сўфи Оллоҳёр ижоди бўйича илмий тадқиқот олиб бориб, йигирмага яқин илмий асарлар ёзган Иноятулла Сувонкулов қаландар Машраб ва Сўфи Оллоҳёр учрашуви ҳақида кичик илмий тадқиқий иш эълон қилди. Унда тадқиқотчи олим замонасининг икки улуғ шоирлари уч бора учрашганликлари ҳақидаги маълумотни беради ва Машраб Сўфи Оллоҳёр билан икки марта Каттақўрғонда, учинчи марта Қабодиёнда учрашганликларини ва бу учрашув тафсилотлари шундай кечганлигини келтиради: «Бири оби чашми ҳиммати етти дарёни қуритган қаландарваш бўлиб, девона халқумини тиғи анбарга тутиб, бу йўлда сийнаи поки забехуллоҳга сиғмаган Машраб, бири муҳаббат аҳлининг жўёни бўлган риёзат хокига ҳар кеча бош урган ёмондин қоч деб, ёмондин оҳ урган Сўфи Оллоҳёр. Улар бир даврда яшаган тасаввуф тариқатига мустаҳкам эътиқод боғлаган сиймолар бўлган.

Атоқли шоир Ғафур Ғулом XX асрнинг 60-йиллари Самарқандга келганида Обираҳмат бўйидаги бир суҳбатда Самарқанд олимларига қарата шундай деган эди: «Сўфи Оллоҳёр бобомиз ҳақида бир нарса ёзиб кўринглар... У зўр бўлмаса Машраб Сўфи Оллоҳёрни уч марта излаб, унинг ёнига келармиди?»²

Биринчи бор Машраб Бухородан қайтиб келаётганда, йўлда бир дехқоннинг уйида кўноқ бўлганлиги тўғрисидаги хабар Сўфи Оллоҳёрга етиб келади. Сўфи Оллоҳёр ихлос билан Машраб йўлига пешвоз чиқиб, кутиб олади.

Шу ўринда, Машрабнинг бир гал Самарқандда бўлганлиги ҳақидаги ривоятни эслаш ҳам ўринлидир. Самарқандда Сафо Хожа қаландархонаси ва яна иккита «Мулло Қаландар», «Эски Қаландар» номли маҳаллалар бўлган. Машраб Сафо Хожа ҳузурига келганида у ҳаж зиёратидан қайтган ва у истиқомат қилаётган манзилда така (дарвешлар турадиган жой) қурилаётган пайт эди. Сафо Хожа билан Машраб масжид қурилишида бирга ишлашган. Сафо Хожа ғишт терган, Машраб эса ғишт ва лой узатиб турган. Машрабнинг шўхлиги тутиб, ғишт деса лой, лой деса ғишт узата берган. Шунда Сафо Хожа уни бир кичик дарахтга боғлаб қўйган экан. Машраб эса дарахтга суяниб уни эгилтирган, шу-шу дарахт эгилган ҳолда ўсган, ҳозир уни «Шифо дарахти» деб аташади. Дарахт одамларга шифо бахш этади. Шу дарахт тагидан ўтиб беморлар ўзларига шифо, бекфарзандлар фарзанд тилайдилар. Машраб Каттақўрғонга учинчи марта келганида Сўфи Оллоҳёр Қабодиёнда эди. Бу хусусда Машраб ғазалларининг бирида шундай сатрларни ўқиймиз:

*Топмасак Сўфи изин Каттақўрғона юриб,
Хўш, Оллоҳёр деб азми Ҳисор истар кўнги.*³

Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаландарон» ва Пирмат Сеторийнинг «Қиссаи Машраб» китобларида Сўфи Оллоҳёр ва Бобораҳим Машрабнинг учинчи бора учрашувлари тафсилоти билан дарж қилинган. Чунки ҳар икки мутафаккир ҳам авлиёи ҳақ эдилар, уларнинг учрашувларига омма гувоҳ бўлган.

Машраб Сўфи Оллоҳёр билан 1710 йилда Қабодиёнда учрашганлигини Исҳоқ Боғистоний «Тазкираи қаландарон» мўъжаз китобида шундай келтирган: «Вақтики, Шоҳ Машраб бирла ҳамкорликда Қабодиёнга дохил ўлдик. Қабадиён қадимдан қадамжо ўлмиш. Биллоҳ, мунда мавлоно Носир Ҳисрав таваллуд топмишлар.

Шоҳ ва яна етти қаландар ва фақир Қабодиённинг такяхонасига кўндик. Шоҳ Машрабнинг Қабодиёнга дохил ўлмишлари оз фурсатда эл орасинда машҳур бўлмиш. Андек

¹ Ҳамидулла Болтабоев. Машраб ва қаландарийлик тариқати манбалари. 44-бет.

² Иноятулла Сувонкулов. Машраб ва Сўфи Оллоҳёр. «Шарк юлдузи», 2007, №1, 129-бет.

³ Ўша манба, ўша жой.

фурсатдин сўнг маълум ўлдики, эшони Сўфи Оллоҳёр мунда эрканлар, орадан бир муддат ўтиб эрдик, эшони Сўфининг муридларидан икки нафари келиб, шоҳга куллуқ адосидин сўнг дедиларки, ё шоҳ қаландар, пиримиз эшони Сўфи Сиз азизни ўз кулбалариға чорлайдурлар. Шоҳ Машраб алар жавобида дедиларки: маъкул эрта намози жумаъдин сўнг эшони Сўфи ҳазратларига куллуқ адосин қилғаймиз».¹

Салом-алик адосидин сўнг Сўфи Оллоҳёр Шоҳ Машрабга юзланиб демишларки: «Ё Машраби девона, шоирлик шухратингиз оламни тутадур. Сизни бирла мулоқот орзусида эрдим, эрса Тангри таоло бу орзумни етказди. Хуш келибсиз, сафо келибсиз!» Андин сўнг шоҳ ва эшони Сўфи ораларинда ажиб суҳбат бўлиб ўтмиш. Гап орасинда Шоҳ Машраб дедиларки: «Ё сўфим, Сиз бутун умрингиз мобайнида пулисиротга хушомад қилмишсиз. Ҳузурий дегани эса дўзахга хушомад этмиш. Ё сўфим, инсоф бирла тафаккур қилинса, дўзах ва пулисирот шу ёруғ дунёнинг ўзида мавжуд эмасму? Фарзанди одам умрининг ибтидосидин то интиҳосига қадар босиб ўтмиш йўлнинг ўзи-қил устида турмоқлик; гардун ва золимлар анинг бошиға ёғдирмиш, азобу укубатлар, сонсиз фалокатлар дўзах азобидин камму? Ё сўфим, оёқларингиз остиға бир назар ташланг «пулисирот» ва дўзах анда мавжуддир».²

Машраб Сўфи Оллоҳёрга юзланиб бу ғазални ўқидилар:

*Англа бу сўзни эй санам, ошиқи муддао ўзум,
Асло юракда бағри йўқ дунёда, бедаво ўзум.*

*Кошки юзунгни шаъмига бўлмагай эрдим интизор,
Раҳм эта кўр бу ҳолима, ошиқи беқарор ўзум.*

*Қатрайи май тотурмасанг, ол бу жонимни қийнамай,
Сансиз агар бу дунёда ўлмакима ризо ўзум.*

*Ул аросат дўзахига якка ўзум бир кирай,
Юрдуму кўрдум ҳамани дунёда пур гуноҳ ўзум.*

*Парда кўтаргил эй санам, рози дилимни айтайин,
Барча паямбар олдида илгари додҳоҳ ўзум.*

*Ошиқ эрурсан эй рафиқ, кўрқма бу жонни ваҳмидин,
Қилса мадад ўзи вале, журмима ҳам шифо ўзум.*

*Куйди юрогим ўртаниб, жаври ситам ҳам этмагил,
Оҳима жовидон куйар оташи тобдор ўзум.*³

Эшони сўфи ва аҳли уламо Шоҳ Машраб жавобларидин тағйир, истиғфор келтирмишлар. Эшони Сўфи Шоҳ Машрабга юзланиб дедиларки: «Ё Машраби мажзуб, гуноҳга ботманг. Олло Таоло беҳишт ва дўзахни солих ва кофир бандалари учун яратмиш. Ғофил бандаларни бу ҳақиқатдан огоҳ қилмоқ сиз ва биз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир». Анда Шоҳ Машраб дедиларки: «Ё сўфим, агар ҳақиқат қилинғуси бўлса, дўзах аро барча гуноҳкорлар тўлиб-тошуб, анда оёқ босарға жой қолмас, азоб малоикалари эрса ўз юмушларининг уҳдасидан чиқолмағайлар. Беҳишт эрса бўш қолур. Келинг, то танда жон мавжуд экан, шу ёруғ дунё ташвишлари борасинда жисмижў қилмоғимиз маъқулроқдир...»⁴

Эшони мажлис аносинда дедиларки: «Ё Машраби мажзуб, такахонада истикомат эрмишсиз. Анда халойиқ авомдир. Дилингиз озор топғусидир. Фақир кулбаси ихтиёрингизда, муридлар эрса хизматингизда бўлғай».

Шоҳ Машраб Сўфи жавобларинда дедиларки: «Ё сўфим, илтифотингизга арзимасмен. Такахона мен учун боёнлар қасридин ортиғдур. Анда жоним роҳатда, фисқу фужурдин холи бўлғай...»

Шу тариқа Қабодиёнда бир ойдин ортиқроқ муддат истикомат қилинди. Авоми аннос Шоҳ Машрабга бағоят иззату эҳтиром кўрсатмиш.⁵

¹ Исҳоқ Богистоний. Тазкираи қаландарон. 156-бет.

² Ўша манба, ўша жой.

³ Пирмат Сеторий. Қиссаи Машраб. 150-151-бетлар.

⁴ Исҳоқ Богистоний. Тазкираи қаландарон. 156-бет.

⁵ Ўша манба, ўша жой.

Адабиётшунос олим И. Сувонкулов Сўфи Оллоҳёр ва Машраб ўртасидаги улуғ руҳоний суҳбат ҳақида шундай фикрларни келтирган: «Сўфи Оллоҳёр ва Машраб нақшбандия тариқатининг улуғ тарғиботчилари бўлишган. Сўфи Оллоҳёр Оллоҳ унинг дўзахи ва жаннатига ҳам эътиқоди кучли, у бу дунёда гуноҳга ботган кишилар муқаррар равишда дўзахда ёнадилар ва Оллоҳнинг раҳматидан бенасиб қоладилар, деб фикрлайди. Шунинг учун мусулмон бандалари исломий саводхон бўлсин, деган ниятда шариатни тарғиб этади. Машраб эса, шариатдан ўтиб, тариқат йўлида ўз асарлари билан хизмат қилади. Умумбашарий ғояларни олға суради, инсонни шарафлайди. Уни қалбан поклянишга ундайди. У тариқатга интилади.

Дарҳақиқат, бу иккала дарди пок қалб орзу қиладиган дард, бу ишқ поклик рамзи. Тасаввуф эса, дил поклиги ва руҳ поклигини ўргатадиган таъминотдир. Хулоса шуки, Машраб ва Сўфи Оллоҳёрнинг бой фалсафий-ахлоқий мероси, уларнинг панд-насиҳат тарзидаги қарашлари бугунги кунда ҳам юксак тарбиявий аҳамиятга эга маънавий бойликдир».¹

XVII-XVIII асрларда қаландарлик тариқати Туркистонда кенг тарқалган. Бу тариқат хижратнинг 724 йилида Ҳиндистонда (ҳозирги Покистон қисмида) Абу Юсуф ал-Қаландарий томонидан асослангандир. Тасаввуфдаги бошқа бир қанча йирик тадқиқотларга ўхшаш қаландарлик мактабларининг мукамал дастури, муайян қонун-қоидалари бор эди.

Қаландар гуруҳлар, асосан, омма орасида яшаб дарбадар, девонавор ҳаёт кечирар, тиланчилик билан кун ўтказар, халқ ҳаётининг кўз илғамас салбий жиҳатларигача яхши билар эдилар. Уларнинг адабий ижодга мансуб доиралари эса ўз ижодий фаолиятларида бундан кенг истифода этардилар.²

М. Зокиров таъкидлаганидек, қаландарликнинг барча гуруҳ ва вакиллари ҳам ҳамма вақт шундай кайфиятда бўлган эмаслар, албатта. Бу гуруҳнинг асосий бошлиқлари, аслида ўз манфаатларини кўзда тутиб, кўпинча ўз уюшмаларига мансуб бўлган оддий қаландарларга шафқатсиз зулм ўтказганлар. Айниқса, XVIII асрнинг ўрталаридан бошлаб бу тариқат ҳам ўз фалсафий моҳиятини йўқотади. Қаландарлар деярли текинхўрлик йўсинида ҳаёт кечирувчи гуруҳларга айланиб, уларнинг бошлиқлари – бобоқаландарлар катта мулк эгалари бўлиб қоладилар.

Сўфийликнинг сўл тараққийпарвар мазҳаблари ва унинг қаландария тариқати Машраб яшаган замонда жамиятнинг маънавий-ижтимоий ҳаётида ижобий тарихий аҳамиятга эга бўлганлиги шубҳасиздир.³

М. Зокиров Машрабнинг қаландарликдан кутган мақсадини шундай ифодалаган: «Шоир тасаввуф ва қаландарликнинг тарафкашлик элементларидан бадиий-адабий восита сифатида кенг фойдаланиб, шу йўсинда ўз шеърларида жамият зулми, ҳақсизлик ва адолатсизликка қарши журъаткорона овоз кутарди. Унинг шеърлари муайян тарзда кескин сатирик ва халқчиллик характери касб эта борди».⁴

М. Зокиров фикрича, қаландарликнинг мутлақо салбий жиҳатларини характерловчи адабий-тарихий факт сифатида намоён бўлган эмас, аксинча, қаландарлик маълум даражада Машраб ижодида мутлақ сўфиёна ғояларни ташвиқ қилиш анъанасидан илғор ва демократик адабий ҳаракатчилик поэзиясига яқинлашиш ва ўтишда муҳим бир кўприк ролини ўйнади деб айтиш мумкин. Зотан, шоирни халқнинг кенг табақалари орасида «сўфи Машраб», «эшони Машраб», «шайхи Машраб» сифатида эмас, балки, «девона Машраб», «қаландар Машраб» сифатида машҳур бўлиб, катта шухрат ва обрў қозонганлиги, ниҳоят, қиссадаги кўпгина манқабаларнинг ҳам худди шундай руҳ билан суғорилганлиги эътиборга олинса, юқорида айтилган фикрларни аён тарихий факт эканлигини, ҳеч қандай шак-шубҳасиз қувватлайди.⁵

Бу жиҳатдан қараганда Машраб шеърляти чин ва муайян гражданлик руҳи ва характери касб этиб, шоир ижодида замона учун муҳим бўлган ижтимоий ахлоқий муаммоларни майдонга ташлашга интилиш майллари очик-равшан сезила бошлайди.

Машраб бир мухаммасида дейди:

¹ И. Сувонкулов. Машраб ва Сўфи Оллоҳёр. 130-бет.

² Мухсин Зокиров. Тасаввуф таълимоти ҳақида. «Шарқ юлдузи», 1990, 7-сон, 173-бет.

³ Ўша манба, ўша жой.

⁴ Мухсин Зокиров. Машраб. Адабий-танқидий очерк. Бадиий адабиёт нашриёти. Тошкент, 1966, 40-бет.

⁵ Ўша манба, 42-бет.

*Шариат шарбатин ичган, тариқат халқасин тутган,
Балолар шоҳини суйган, адолат кўзини ўйган.
Залолат кўйида юрган, ки давлат шавқини сурган,
Жаҳон майдонида турган, тазаллум йўлига кирган,
Забункаш хайлини чўблаб (кетига) тепганим беҳроқ.*

Бу мисраларда шоир ҳажвларига хос бўлган асосий ҳарактер белгилар яққол бўртиб туради, бу ва шунга ўхшаш ўтли ҳажвий мисралар «...камчиликларни, кишиларнинг заиф томонларини, қабоҳатларни масҳаралаш бўлмай, балки аччиқланган ҳиснинг ҳаммаси, энергияси, олижаноб ғазабнинг момақалдироси ва чақмоғи»¹ бўлиб жаранглайди.

Машраб шеърларида жабру жафога сабр-тоқат билан чидаш керак деган тезисларни рад этади. Мутасаввуф шоир Хожа Аҳмад Яссавий томонидан майдонга ташланган халқчил ғояларни қабул этган Машраб зулмга қарши чеккан ўтли оҳим билан ҳам истибдод аҳли ва уларнинг бутун афсоналарини куйдириб ташлашга қодирман деб, мустабидларга нисбатан бўлган руҳий тугён ва нафратини журъатқарона бир қудрат билан жуда аён ифодалайди:

*Нолаю оҳим билан дўзахни куйдурсам керак,
Ҳам беҳишту жаннатул маъвони куйдурсам керак.
Хўжа, охунду акобир муллою шоҳу гадо,
Беғу хону, жоҳилу донони куйдирсам керак.*

Бу шеърӣ парчада «аччиқланган ҳиснинг ҳамласи» «олижаноб ғазабнинг момақалдиросқдай» ўтли ҳужуми жуда яққол намоӣш қилинган.²

Н. Комилов Машраб ички, ботинидаги дардни таҳлил этиб ёзади: «У Маърифат аҳли кушандаси, солиҳ, ҳалол одамларни хор этган нотанти, кажрафтор фалакнинг «устига ўтлар кўйиб», барбод этмоққа чоғланади. Ўз шеърларини «дарднома», ўз юрагини эса «жароҳатхона», «ҳасратхона», «мотамкада»³ деб атайди.

У шариат, тариқат, маърифат йўлидан бориб, Ҳақ ва ҳақиқатга эришишни орзу этган, Яратганнинг нурли жамолини кўришга иштиёқманд, «муҳаббат ўтида куйган»:

*Шариат шарбатин тотган, тариқат халқасин тутган,
Ҳақиқат ёрини суйган, разолат кўзини ўйган,
Малоҳат куйида юрган, шарофат шавқини сурган,
Жаҳон майдонини кезган, муҳаббат ўтида куйган,
Суяр қуллар изини кўзларимга сурганим беҳроқ.⁴*

Адабиётшунос И. Ғафуров Машрабни «фақирлар шоҳи» деб атаган. Ҳеч бир публицист Машраб қалбини, унда кечган дардларни, андуҳларни, унинг руҳоний бойлигини, қаландар дарвешлигини, шоҳлардан улуғлигини, башариятга хизматини Иброҳим Ғафуровчалик чуқур таҳлил ва талқин қилолмаган: Баъзилар Машрабни авлиё деб биладилар. Бошқа бировлар Бобораҳим Машраб – улуғ шоир, деб айтадилар. Кимларгадир Машраб – сўфий, дунёни саргашта кезган, қўнимсиз, тинимсиз қаландар. Оддий қаландар эмас, қаландарлар шоҳи. Барча фақирларнинг шоҳи, яъни шоҳ Машраб.

Тириклик чоғида ва ундан сўнг бир қанча замон Машраб оддий халойиқ орасида «девона Машраб» деган ном билан шухрат қозонган. Унга Машрабнинг ўзи асос берган. У онгли суратда девоналик йўлини танлаган. Бир қанча ғазалларида ўзини девона деб атайди. Девона эканлигини тўхтовсиз таъкидлаб боради.

И. Ғафуров Машраб яшаган даврда «девона» сўзи ёлғиз Ҳақнинг тимсоли бўлса, бизнинг даврда ҳақорат бўлиб эшитилиши, у ақлсиз эмас, балки илоҳий фикрлайдиган шахс эканлигини куйидагича таҳлил этган: «Бизнинг замонамизда шунчалар оташин, тоза нафас асарлар яратган зотни девона десангиз, ҳақорат бўлиб эшитилади. Машраб замонасида – ўн еттинчи асрда девона деганда дунёни – моддий дунёни тан олмаган, мол-давлат йиғмаган ва ҳатто бола-чақа орттирмаган дарвешваш, қаландарваш кишиларни девона дер эдилар».⁵

¹ В. Г. Белинский. Танланган асарлар. Тошкент, 153-бет.

² Мухсин Зокиров. Эрк ва маърифат куйчилари. Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1984, 83-бет.

³ Н. Комилов. Тасаввуф. Иккинчи китоб. 131-бет.

⁴ Машраб. Девон, 2006, 513-бет.

⁵ И. Ғафуров. Ҳаё-халоскор. 276-бет.

Девоналик асли бу ўзини ва дунёни бениҳоя теран англаш ва билиш бўлса керак. Шу асосда девоналик ўзликдан ва дунё меҳридан кечиш, яъни ўзини бутунлай унутиш бўлса керак. «Соқийи азалдан майи антаҳур ичибман, Бас онинг учундир манга бу нашъаи даврон», дейди Машраб, Майи антаҳур Худонинг муборак китобида «Инсон» сурасида эслатилган энг тоза шаробдир. Ва суқойҳум раббихум шаробан тахуран. Яъни Худо уларга умрини яхшилик билан ўтказувчилар – арбобларга энг тоза шароб ичирди. Бу Яратганнинг ишқ шаробидир. Машраб ўзини шароб ичганлар сафида кўради. «Нашъаи даврон» деганда унда мастликни назарда тутди. Қуръон ўртага ҳар томонлама гўзал маънавий инсон ғоясини қўяди. Машраб ҳам шу илоҳий, ҳам тугал инсоний ғояни ўзига дастур қилиб олди. Шу ғоя тагига етганда унинг тенгсиз гўзаллигидан девонага айланди. Машраб яна ўша ғазалида айтади. «Ишқинг ўтида бу юрагим ўртанадур оҳ. Охир юрагим бўлғуси ишқ ўтида бийрон». Машраб шундай улғ бир ишқ ўтида тинимсиз қовурилаётган одамдек таассурот қолдиради. Унинг тили – шу ишқнинг тили. Унинг сўзи – шу ишқнинг сўзи. Унинг девоналиги – шу ишқнинг девоналиги».¹

Машраб шу хусусда айтади:

*Май ичиб азалдин, маст кетти оқибат,
Жонни бермасдин бурун, жононга етган бормукин?*

Сайдо ал-Жазарий ёзади: «Авлиёуллоҳлар гуноҳдан маъсум эмас, бироқ маҳфуздирлар, яъни ҳимоялангандир. Аллоҳ таоло инсонларни фарқли фитратларда яратган. Баъзи мўминлар борки, қалба зикр қилишдан қалблари таскин топади. Баъзилар жаҳрий зикрни; жамоат ичида овоз чиқарган ҳолда зикр қилишни ёқтиради. Аллоҳ инсонларни ана шундай яратган, демак, иккисига ҳам эҳтиёж бор».²

Мусулмон, диндор инсон Аллоҳ таолонинг кудратини, азаматини тафаккур этади. Зикрининг ишқига фарқ бўлади, пировардида жазбага келади, ўзидан кечади, ўзини йўқотиб қўяди. Ҳолати руҳония кимгадир кўпроқ берилади. Пайғамбаримиз (с. а. в.) саҳоба Жобир р. а. га: «Сенинг ташқи қиёфанг ҳам, хулқинг ҳам менга ўхшайди» дедилар. Бу сўзни эшитиш нақадар буюк саодат. Саҳоба шунчалар севингандики расулуллоҳ (с. а. в.) ҳузурда ўйнай кетди, жазбага тушди. Расулуллоҳ (с. а. в.) унинг бу ҳолатига кўп севиндилар.³

Усмон Турар нақшбандия зикрини Хофий – овоз чиқармай қилинадиган зикр ва Жаҳрий – овоз чиқариб қилинадиган зикрга бўлади. Машраб нега Ҳаллож ўлимида Ҳақ тажаллийсини кўрганлигини Нодирхон Ҳасан таҳлилидан кўрайлик: «У шундай Мансур эдики, дорга эҳтиёж йўқ эди. Ҳақ аҳлининг сифати ўлароқ «анал-ҳақ»да десанг, ёмон ҳол эгаси бўлсанг ҳам, яхши ҳол аҳлининг сифатларига эришурсан». Ишқ дорининг «анал-ҳақ» дегувчисини ўлдирмоқ қандай қилиб ўйин бўлиши мумкин?!» Чунки Яссавий:

*Мансур бир кун йиғлади, эранлар раҳм айлади,
Чилтан шарбат ичурди Мансурга меҳрин солиб...*⁴

Энди Машраб орзусига тушуниб етамиз:

*Ман шаҳиди ишқман, ўлсам кафанга чулгаманг,
Ул қизил қон бирла қўйнуи тўлдирайин дермусан.
Мансури Ҳаллождек ичиб шароби антаҳур,
Судратиб дор остига олиб борайин дермусан.
Ишқ аро дарду балоларники солдинг бошим,
Маширабингни ишқ ўтида куйдуройин дермусан.*⁵

«Этагимнинг елпишидан юз худо пайдо бўлур. Бу дилимни кавламанг, оташкадо пайдо бўлур» дейди Машраб. Бу фикрнинг ёрқинлиги, қутилмаганлиги, жасорати бизни ҳайратга солади. Киши жуда юксак маърифат эгаси бўлмаса, у бундай фикрни айта олмайди. Ва шу билан бирга Машрабдек дард ва дарбадарлик йўлини босиб ўтиш керак. Қаландар ҳар зарра Худонинг зуҳуроти эканлигини билади. Зарра – худодир. Эҳтимол у замонда Машрабни осийш учун шу биргина исёнкор сатрнинг ўзи етарли эди. Лекин Машраб буни айтмай ҳам

¹ Ўша манба, 277-бет.

² Сайдо ал-Жазарий. Тасаввуф сирлари. 102-бет.

³ Ўша манба, 104-бет.

⁴ Хожа Аҳмад Яссавий ҳаёти, ижоди ва анъаналари. 327-бет.

⁵ Машраб. Девон, 2006, 202-бет.

туролмади. Айтмаса, Машраб бўлмасди. Мансур Ҳаллож ва Мажнун этагида юрган ориф каландар бўлмасди. Машрабни яхлит бир аланга деган эдик. Оташкадада эса ўт ҳеч қачон сўнган эмас. Зухд эли бу ўтга дош беролмайди. Шоирнинг эркин фикри улар ўртасида ғалаён кўтаради. Такводорлар гулғулага тушиб, наъра тортадилар. Дод-фарёд кўтарадилар. Шоир бу ғавғоларга тинч қараб туролмайди.¹

*Дил туташиди куфр ўтига шайх гавгосин кўриб,
Ул ситамгар ришвахўрлар зухду тақвосин кўруб...
Фақр элидан музд олур муфти томонносини кўруб,
Шармсор зухҳод элини халқни яғмосин кўруб,
Бу тилимдин найлайн, аччиқ садо пайдо бўлур.*

Машраб ўта огоҳ зот эди. Огоҳ зотлар эса зулм ва зулмларга индамайгина қараб туролмайдилар. Ўзларини ёлғиз Худогагина таслим қилган одамлар ҳар қандай золимнинг олдида эгилмайдилар.

Бўлмаса Маҳмуд қатағонбий аёнларига Машраб уламолар қошида бир мартагина узр сўрашни сўраганда, у «тупирган тупигимни қайтиб олмасман» деб жавоб берган, шундан сўнг у ҳукмга фатво бердиртирган.

Тарикатда сайри сулук бор, бу нафс тарбияси учун йўлдир. Айримлар сайри сулук жараёнида юзага келган жазбага берилиб, ўша жазба ҳолидан чиқмаганлар. Фақат шу жазба «мажзублик» сабабли бу дунё билан алоқасини узган бўлади.

Баъзи инсонлар сайру сулук исносида у жазбани енгиб ўтиб, устки бир мақомга чиқади, зоҳирон оддий инсон кўринишида, дунё ичида бўлади. Бирок, қалбан доимо Аллоҳ таоло билан биргадирлар. Улар ўша жазбани ичларига сингдирган бўладилар; Жаноби Ҳақ ўша тақво ва қобилиятни берган бўлади. Вазифадорлар жазбани енгиб, сулукни давом эттирадилар, умрларининг сўнгигача инсонлар хизматида бир нур, бир куёш бўладилар. Булар мажзуба солиқлардир.² Машраб Ҳақ ва Ҳақиқатга етиш учун ўшандай бахрнинг бир дарёси эди:

*Оҳи сардинг бўлса, Машраб, оҳ уруб Маҳшарни буз,
Моҳийи баҳри ҳақиқатга ўшал дарё керак.*

Оҳи Маҳшарни бузишга тайёр солиқ Машраб жазбасидир бу. Шайх Нажмиддин Кубро жазбага шундай таъриф беради. Жазба – руҳнинг севинч, сурур ва ғайрат туфайли юксак мақомга кўтарилиши, ортиқ даражада ҳаяжонга берилиши, ўздин кетмоқ холи. Бу ҳам хусни Мутлоқнинг ўзига бутунлай мафтун айланиши ва қулнинг Аллоҳ билан бирлашувидир.³

И. Ғафуров публицистик руҳда фикр ифода этиб, Машраб ўзини можаралардин холий қилиш учун дунёдан этак тортганлигини, дунё эса тўхтовсиз уни ўз домига, лаззатига тортиб келганлигини, шоир руҳи ундан қочиб, дунё ишқини заррама-зарра вужудидан суриб чиқариб, унинг ўрнини ҳайрат эгаллаганлигини ва яратганни англаш, уни ҳис қилишнинг энг баланд нуқтаси каби пайдо бўлиши ва ҳайрат уни то сўнгги дамгача тарк этмаганлигини ифода этади: «Машраб том маънода ҳайратга чўмган одам эди. Унда жозиба қудрати камолга етган эди. У ўзини бекорга «Машраби мажзуб» деб атамайди. У ўзини ва ўз ҳаёт тарзини доим Мусо, Исо, Мажнун, Мансур сиймоси ва яшаш равишларига қиёслаб боради. Ўзини улар изидан бораётган, уларга эргашаётган ҳолда тасаввур қилади: «Лекин арш устида Жабрилдир менинг ҳамсуҳбатим⁴...»

У ҳар қачон кўз ўнгидан Мансур қисматини жонлантиради. Ўзини жуда эрта Мансур қисматини такрорлашга, Мансур ичган азоб шаробини ичишга чоғлайди: «Неча Мансур ўлди иршодманд муҳаббат йўлида, Менга дори қурулғонда етар бу қисматим...» Машраб умри туганчида эришган дорни умрининг ибтидосиданоқ орзу қилган, ўзи учун Мансур Ҳаллож йўлини йўл деб танлаган эди. Мансур унинг назарида ўзининг буюк ҳаёти ва руҳи билан Худонинг васлига етишган зот эди.

¹ И. Ғафуров. Ҳаё – халоскор. 279-бет.

² Сайдо ал-Жазарий. 132-133-бетлар.

³ Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. 219-бет.

⁴ И. Ғафуров. Ҳаё — халоскор. 287-бет.

Сўзи нияти, иши бениҳоя тоза сиймо эди Машраб. У: «Суратим гарчи башар келди, малакдур сийратим» деганда, бу чиройли сўзларгина эмас, бу унинг шоир, инсон ва мутафаккирнинг чин маънодаги борлиғи эди.

«Дунёнинг виждони» деган бир европача тушунча бор. Инсоният тарихида жуда оз зотлар дунёнинг виждони деган таърифга муяссар бўлганлар.

Машраб ишқининг буюклиги, излашларининг буюклиги ва инсоният азобларини ўз устига олганлиги ва покликнинг энг гўзал мақомига эришганлиги, ўзининг маънавий камолотнинг олий чўққиларига олиб чиқа олгани билан дунёнинг – виждони деб аталишга лойиқ. У мужассам виждон эди. Унинг буюклиги виждон буюклигидир.¹

Машрабнинг қисмати аччиқ, ҳаёти кемтикларга тўла бўлса ҳам, у ўз сўздан, ниятидан, шижоаткорлигидан қайтмас, уни ҳаммаслаклари, дўстлари, устидаги жандасидан бошқа оғирлиги бўлмаган қаландарлар «Машраб» деб эмас, «Шоҳ Машраб» деб атар ва мурожаат қилар, унга ишонар, у юрган йўлдан борар, Ҳақ йўлида ўлимдан ҳам қайтмас эдилар. Шунинг учун ҳам Машраб тасаввуф мавзуидаги бир ғазалида:

*Ваҳдат майини пири музгон илгидин ичтим,
Мансур каби бошимни дорга тутта қолдим.
Девоналигим шуҳрати оламга тўлубдур,
Бир жилвасига икки жаҳондин ўта қолдим,*

– деб ёзар экан, бунда ҳеч бир муболаға йўқ эди.²

Бобораҳим Машрабнинг тасаввуфнинг Мансур Ҳаллож, Саид Насимий кабилар мансуб қанотига издошлиги, унинг кўп вақт мавжуд сиёсий ҳокимиятга танқидий муносабатда бўлгани, унга қарши тик боргани бошига кўпгина кўнгилсиз ҳодисаларни солди. Машраб ҳукмдорларнинг инсофли, адолатли бўлишини, элга раҳнамолик қилмоқчи бўлган кишиларнинг эса доно, узоқни кўра биладиган, масъулиятни чуқур ҳис этадиган бўлишини истар эди. Ҳаётда эса бундай эмас, уларнинг кўплари ўз манфаатларинигина ўйлаган, шуҳратпараст, халқ оммасига нисбатан носамимий одамлар эди. Шунинг учун Машраб бир ғазалида уларнинг шаънига шундай аччиқ гапларни айтган:

*Шуҳрат айлабким, алардек худнамоларни кўрунг,
Зоҳири суратпараст, ноошиноларни кўрунг.
Йўлни билмас олийларни кўзига ориф бўлиб,
Ўзи манзилга етолмай, нобиноларни кўрунг.
Барчага айлар насиҳат, ўзини доно этиб,
Йўлда қолгон бекасу бераҳнамоларни кўрунг...
Лоф урарлар орифи якдилман деб халқ аро,
Халқни гумроҳ қилиб, юзи қароларни кўрунг.³*

Машрабнинг бундай хурфикрлилик руҳидаги шеърлари жоҳил амалдорлар ва риёкор ғоявий раҳбарларга қамчидек таъсир қилар эди. Бу ҳукмдорларга ёқмас, дағал муносабат деб ҳисоблаб Маҳмуд қатағон уни дорга осишга ҳукм қилгани, Маҳмуд ўз номини абадул абад лаънат муҳри билан тамғалагани эди.⁴

Ҳ. Болтабоев Фитратнинг «Машраб» тадқиқотини таҳлил этаркан, ёзади: Машраб айрим «олим»лар кўрсатганидай, «наша чекиб, кўкнор ичиш билан машғул бўлган, жиннимижоз киши» эмас, балки ўткир тасаввуф шоири бўлганини англатиб улгуради:

*Минг маънини бир нукта ила мухтасар эттим,
Кўтоҳ назари бўлмаса деб хаста бу Машраб.*

Шоирнинг бундай поэтик хулосага келишида Офокхожа билан кечган бир суҳбатни манқабамуаллифи асос сифатида келтирган:

*Илоҳи мағрифат дарёсидан Машрабни шодон эт,
Ҳамиша «Шайъаниллоҳ» деб қаландарвор йиғларман,*

¹ Ўша манба, 288-бет.

² Абдуқодир Ҳайитметов. Адабий меросимиз уфклари. «Ўқитувчи», Тошкент, 1997, 39-бет.

³ Машраб. Девон. 2006, 74-бет.

⁴ Абдуқодир Ҳайитметов. Адабий меросимиз уфклари. 40-бет.

мақтаъси билан тугалланадиган ва :

*Кеча-кундуз бу Машрабни хаёли остонбуси,
Висолинг давлатин топмоқга итларни салоҳимдур,*

мақтаъси билан якунланган ҳамда:

*Кел, эй Машраби умид этгил Худойинг лойазал этмиш,
Муҳаммад Мустафо ҳаққи мана васлингга еткургил,*

байти билан тажассум этилган ғазалларини ўқигандан сўнг Офокхожа: «Эй Машраб, сани ичинг торлик қилди, маънини ошкор қилдинг»¹ деб оғизларига туфлаган эканлар. Шундан Машраб шеърлятида янги бир тасаввуфий чуқурлик, яъни зоҳирий маънини очмоқ эмас, балки маънининг ботиний дунёсига рағбат кучайган. Натижада «минг маънини бир нукта ила мухтасар этган» санъаткорлик йўлида изланишлар кечганини унинг шеърларининг ички поэтикасидан англаш мумкин».²

Иброҳим Ғафуров Машрабни оламга, башариятга берган саволларини ва ўзлигини, Ҳақни билиш даражасини, тафаккурни таҳлил этиб ёзади: «Машраб ўз дафтарида дунё ва коинот олдида кўйган саволлар туркиёналиги, беҳад соддалиги ва шахснинг буюк бир изтиробларини ёлқинли акс эттириши билан улвийлик қозонади. «Ёрга етар кун борму, ёронлар?» – деган ҳам Машраб эди. «Бу дардимга даво борму?» – деган ҳам Машраб эди. «Ёрни куйида ўлган бормукин, бир ўлиб, қайта тирилган бормукин?» – деган ҳам Машраб эди. «Бу тани хокинию руҳи равонни на қилай?» – деган ҳам Машраб эди.

Булар Машрабнинг оламга берган саволлари. Дунёдан ва ўз ўзидан савол сўраш мутасаввуф шоирларга хос хислат. Уларнинг бутун муҳокамалари савол-жавоблар асосига курилади. Бу – уларнинг тинимсиз излашларидан бир лавҳа. «Ўзини билди эрса, ҳақни билди», дейди Яссавий бобомиз».³

Д. Ҳамроева Машраб яшаган даврда қаландарийлик тариқати оммалашиб кетганлигини, Машраб шуни яшаш манбаига айлантирмай, балки, ишқ сири воситаси, дунёни билиш ва англаш куралига айлантирганлигини шундай таҳлил этган: «Саргардонлик, қаландарона ҳаёт унинг жазбасини орттирган.

XVI аср охирларидан XX аср бошларигача қаландарлик катта бир ижтимоий гуруҳ, мустақил бошқарув тизимига эга жамоатни ташкил этарди. Бу яшаш тарзининг бир шакли, касбдек оммалашиб кетган, ҳатто алоҳида қаландарлар маҳалласи бўлган экан. Лекин Машраб қаландарликка кун кечириш манбаи, яшаш тарзи сифатида қарамаган. Шу сабаб: «Қаландар Машрабингман, икки оламини ўттим», дейди. Унинг қаландар бўлишдан мақсади ишқ сири, борлиқнинг моҳиятини англашдир».⁴

И. Адизова қаландарийликнинг мазмун-моҳиятини ва Машрабнинг шу хусусда шеърлар ёзганини изоҳлаб шундай фикр келтирилган: Машраб ҳам унинг инсонпарвар ғояларини ойдинлаштирувчи, изоҳлаб берувчи ғазаллар ёзган. Унинг «Қаландар бўл, қаландар бўл» радибли ғазали шундай асарларидан биридир. Бу асар ҳам қаландарликнинг, ҳам Машраб ижодининг ўзак-моҳиятини англашимизда асос бўлади. Бунда лирик қахрамон солиққа Асл мақсадга етиш, руҳан озод бўлиш йўлини кўрсатиб беради. Лаҳзалик фоний ашёрлардан ғолиб кела олиш ва боқийликка Мушарраф бўлиш синоатидан сабоқ беради.

Нусратулло Жумаҳўжа «Машраб ҳамма замонда исендир» илмий тадқиқотида Машраб янада мусаффо эътиқодга эришиш учун қаландарлик йўлини тутганлигини, қаландарлик фалсафаси жуда содда, аммо ҳали очилмаган кўриқ эканлигини, тасаввуфдаги қаландарлик йўли ҳақидаги дастлабки содда тасаввурларни бизга Машраб шеърляти беришини шундай изоҳлайди:

*Ҳавас бозорини дур айлагил, зинҳор бошингдин,
Қўлунгни икки дунёдин узуб, дилни қаландар тут.*

Мана шу байтнинг ўзиёқ қаландарлик фалсафасининг асосий моҳиятини акс эттира олади. Англашиладики, қаландар шундай инсонки, унинг бошида дунёнинг битта орзу-

¹ Ҳамидулла Болтабоев. Мумтоз сўз кадри. 161-бет.

² Ўша асар, 162-бет.

³ Иброҳим Ғафуров. Ҳаё-халоскор. 293-бет.

⁴ Д. Ҳамроева. Машраб ҳақидаги афсона ва ҳақиқатлар. Ишонч, 2004, 7 май.

хаваси айланмаслиги, тафаккури манфаат исканжасидан озод, хоотири тирикчилик ғам-ташвишларидан, можаролардан осойишта бўлиши керак. Ҳавас бозорига айланган бошга рўзгорнинг минг бир савдоси тушади ва у эркин бўлолмайди. Қаландар эса фикран, қалбан, рухан эркин, икки дунё манфаатларидан қўл тортган.¹

Нусратулло Жумахўжа «Дили ғамгин халойиқ хайлини севдим» тадқиқотида ҳам Машрабнинг бу йўлни танлаганлиги ҳақидаги мақсад-муддаосини таҳлил этиб ёзади: «Соликнинг мақсад-муроди Ҳақнинг дийдорига муяссар бўлиш, ҳақиқатни очишдир. Бу асил ва олий муддаога эришиш учун қаландарлар дунёнинг барча ҳузур-ҳаловатию айшишратларидан, орзу-хавасидан воз кечганлар. Улар Ҳақни телбаларча излаганлар. Улар дунёнинг бошқа лаззатлари қатори, оила куриш бахтидан ҳам қўлларини ювиб қўлтиққа урганлар. Дунёнинг барча машаққат ва риёзатларидан бир йўла кутулганлар. Қаландарлар танларини-да озод тутганлар, хонақоҳларни тарк этганлар, тақвонинг зоҳирий чегараларини ёриб ўтганлар, шаҳарма-шаҳар, юртма-юрт кезиб, эзгуликдан маърифат қилганлар. Улар яктан, ялангтўш бўлиб халойиқ ўртасида дунёнинг вафосизлигидан, ижтимоий адолатсизликдан фарёд қилиб, ҳақиқат йўлини, динни, пайғамбару авлиёларни талқин этиб, илоҳият илми ҳақида байту ғазалу ҳикмат, достону ривоятлар айтиб маърифатнинг бозорини қизитганлар. Улар жаҳонни сайр этиб юриб, ўз хурриятлари, маърифатлари билан ситам аҳлини ютганлар. Қаландарлар ҳар қандай дунёвий исканжадан озод бўлиш учун доимий макон ҳам қурмаганлар. Қаландархоналарда уюшиб, тарқалиб жон сақлаганлар. Лирик қахрамоннинг ўй-фикрлари, аҳволи руҳияси, «Шоҳ Машраб» қиссасидаги саргузаштлар Машрабнинг ўзи мана шундай қаландар табиат инсон бўлганлигидан далолат беради».²

Машраб ғазалиётида тасаввуфий ғоялар талқини хусусида хулоса қилинганда, шоир ўзидан олдин яшаган мутасаввуф ижодкорларнинг асарларини ўрганиб, ўз ижодида уларнинг таълимот ва тасаввуфий қарашларини ривожлантирганини кўрамиз. Мутасаввуф Машраб салафлари, уларнинг шеърий, назмий асарларидан илҳом олганлиги, уларга татаббуълар, мухаммаслар боғлаганлиги кўзга ташланади. У «Ал-фақру-фаҳр» – фақирлик фаҳримдир» ғояси моҳиятидаги мазмунни идрок ва мушоҳада этгани ҳолда тасаввуфнинг қаландария тариқати асосида маърифат тарқатди. Дунёни кезди, фақиру гадоларга «дили ситамдан яро бўлган халқ» – мазлумлар жароҳатига малҳам қўйди. Подшоларнинг тухфаю инъомларини халққа берди, қаландарлик орқали эл-юрт дардидан огоҳ бўлди, ҳукмдору бекларга адлу инсоф, адолату шафқат тилаб халқ ҳолидан хабар олишга чақирди, дардлилар ҳолидан хабар олишни бурчи деб билди. «Маърифатдан беҳабарсан, мужмаримни кавлама» дейди у маърифатсизларга. Унинг тасаввуфий ғоялари ундан кейин ижод этган қалам аҳлига, шоиру олим, адибу санъаткор руҳониятини ёруғ, равшан этиб келаётганлиги мутафаккир шоир шеъриятининг боқийлигини англагача керак.

¹ Нусратулло Жумахўжа. Машраб ҳамма замонда исёндир. Гулистон. 1998, 5-сон, 55-бет.

² Нусратулло Жумахўжа. Дили ғамгин халойиқ хайлини севдим. «Ўзб. адаб. ва сан. » 1996, 5 июл.

МУТАФАККИРНИНГ ТАСАВВУФИЙ ҚАРАШЛАРИДА КОМИЛ ИНСОН МУАММОСИ

Файласуф Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шаҳри» асарида инсоннинг комиллашуви ўша жамиятнинг гуллаб-яшнаши, улар онги ва тафаккурида улкан ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлиши хусусида фикрлаб шундай дейди: «Фозил одамлар яна одамзод қандай яралганини, рухнинг хусусиятларини, фаол ақл унинг руҳини қандай қилиб нурлантирганини, шу туфайли инсонда дастлабки тушунчалар пайдо бўлганини, у Оллоҳнинг иродасига бўйсунуши ва нималарда эркинлигини билишлари зарур».¹ Форобий инсон вужудан Оллоҳ яратган мўъжизавий мавжудот эканлигини таъкидлаган. Форобий шундай дейди: «Ақли етуклик, илм маърифат эгаси бўлиши эзгу хулқ, эзгу сўз, эзгу ишлари, олижаноб ниятлар ватанпарварлик, халқпарварлик туйғулари билан узвий алоқада ривожланиши лозим. Шунда руҳий маънавий комиллик ҳар бир инсон сийратида ва бутун жамиятда намоён бўлади».²

Розий ибн Мискавайх, Беруний, Форобий, ибн Сино каби мутафаккирлар фикрича, илоҳий моҳиятга эга бўлган инсон яшайдиган дунё ҳақиқийдир. Шунинг учун инсон шу дунёда инсонлик ва ақл талабларига риоя қилган ҳолда яшаши ҳақиқий моддий ва маънавий бахт-саодатга эришиши керак. Ана шунда ундан келажак авлодларга яхши хотира, маънавий мулк қолади ва у келгуси авлодлар хотирасида яхши одам, фозил – етук киши, комил инсон сифатида абадий яшайди.

VIII-XII аср Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий-сиёсий қарашлари жамият, давлат ва инсоннинг шахсий ҳаётида ҳукмрон табақалар, авлиёлар, пайғамбарлар ўйнайдиган ролни ақлий, инсонпарварлик нуқтаи назаридан ҳал қилишга имкон беради. Бу эса пайғамбарлар, файласуфларни инсоният жамиятини фозил жамиятга, инсоннинг ўзини эса Комил инсонга айлантириши, тарбиялаш, уларга маънавий раҳбарлик қилишларини тоқазо этади. Форобий, Розий, Беруний, ибн Сино каби мутафаккирлар, пайғамбарлар ва файласуфлар инсоният жамиятини фозил жамиятга, инсонни эса Комил Инсонга айлантиришлари зарурлиги, бу уларнинг илоҳий ва инсоний бурчлари, миссияси эканлиги ғоясини олдинга сурганлар.³

Тасаввуф олими Н. Комиловнинг «Тасаввуф» биринчи китобининг деярли ярми «Комил инсон» муаммоси таҳлилига бағишланган.

Комил инсон – бир идеал, барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи мутлоқ руҳга туташ, файзу кароматдан сероб, сийрату сурати саранжом, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим покиза зот, Навоий тили билан айтганда:

*Фонийвашеку, ҳам сўзидир пок, ҳам ўзи,
Хуш давлат ул кишигаки, тушгай анинг кўзи.*

Дейдиларки, унда тўрт малак Жаброил, Мекоил, Исрофил ва Азроилнинг хислати (Азроиллиги – нафсининг қотили эканлиги) Хизрнинг пайғамбарлиги, офтобнинг саховати мавжуд. Унинг кўнгли жоми чети намодай (дунёни кўрсатувчи жом – қадах) етти фалак ва ўн саккиз минг оламни акс эттириб, ғайб асроридан хабар бериб туради. Уни яна Одил, Оқил, Фозил, Фақир хазинаси, Иксири Аъзам (улуғ малҳам), Қибрити Аҳмад (мисни олтинга айлантирувчи жавҳар) сифатлари билан тавсиф этадилар. Комил инсон, одамзод орзу қилган жамики эзгу хислатларнинг ифодачиси, у гўё Мутлоқ илоҳ билан инсоният ўртасида восита бўлувчи муқаддас хилқат.⁴ Бундай мартабага мушарраф инсонларни валиюллоҳ, қибла, кутб, ғавс, (мададкор), автод (устунлар), абдол (бадал қилинган) деб улуғлаганлар. Мўътабар китобларда нақл қиладиларки, дунё шундай зотлар туфайли барқарор ва осойиштадир. Ернинг икки қутбида иккита қутби аъзам, тўрт бурчагида тўртта автодлардан, етти иқлимда етмиш иккита абдол доимий кўриқчи бўлиб турар экан, уларнинг бири оламдан ўтса, иккинчиси дарров ўрнини босар экан. Шунинг учун Ер юзида ҳар қанча гуноҳ кўпайиб кетганда ҳам, у зеру забар бўлмасдан ўз ўқидан чиқиб кетмай тураркан, чунки, ана шу азиз авлиёлар бандаларни гуноҳини Парвардигордан сўраб турар эканлар.⁵

Тасаввуф аҳли хоҳлаган идеал – Комил инсон аслида халқ идеали, адабиёт идеали эди.

¹ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Абдулла Қодирий номли Халқ мероси нашриёти. Тошкент, 1993, 167-бет.

² Тилаб Маҳмуд. Комиллик сирлари. «Адолат». Тошкент, 2006, 3-бет.

³ Фалсафа. Э. Ю. Юсуповнинг умумий таҳрири остида. «Шарқ», Тошкент, 1999, 100-101-бетлар.

⁴ Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Биринчи китоб. «Ёзувчи», Тошкент, 1996, 143-бет.

⁵ Ўша манба, 144-бет.

Юридик фанлари доктори Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний «Тасаввуф таълимотида комил инсон» мавзусига тўхталиб шундай дейди: «Комил инсон масаласи ваҳдат фалсафасига боғлиқ бўлган мавзулардан бири ҳисобланади. Тасаввуф таълимоти марказида инсон моҳиятини тушуниб олиш, руҳидаги маънавий томонларини юксалтириш ва комил инсон мақомига кўтариш ғояси ётади.

Нақшбандия тариқатининг йирик вакилларида бири Маҳдуми Аъзам Саййид Аҳмад ибн Жалолиддин Косоний «Рубойлар шарҳи» рисоласида ёзишича, одам боласи туғилгандан кейин дунёга кўнгил бериб, илоҳий руҳдан иборат бўлган унинг пок борлиғи булғанди ва бутунлай кўздан беркилиб, у билан ҳақиқий маҳбуб васли орасида ҳижобга айланган. Солик кўнглидан ушбу булғанчликлар ва тааллуқлар комил ва мукаммал муршид раҳбарлигида оғир риёзат ва ибодат орқали зойил бўлгандан кейин, ҳақиқий маҳбуб жамол ва жалол сифатида унинг кўнгли кўзгусида тажаллий қилиши мумкин. Ўшанда қалби ва руҳи илоҳий тажаллийга ўрин бўлган бу инсон жисмоний қолипга боғланишдан озод бўлиб, ўз руҳи билан ваҳдат уммониға фарқ бўлади ва ўз ҳолини қуйидагидек ифодалайди.

*Севги нимадир, дема ўзимман,
Жонман бутуну ўринда йўқ тан.*

*Кўзадан дарёга сув тушса агар,
Маҳв ўлуб дарё бўлур сўз мухтасар».*¹

Ширвоний «Риёз ус саёҳа» ва Ризоқули Ҳидоят «Риёз ул-орифин»да қайд этишларича, комил инсон 45 дан кўпроқ ном билан аталган экан. Улар жумласидан Жаброил, Микоил, Исрофил, Азроил, Нуҳ, Мусо, Илёс, Икриси аъзам, Инсони мутлақ, Хизр, Аллоҳнинг халифаси ва бошқаларни айтиш мумкин.

Кубравия ва нақшбандия тариқатларида комил инсон сиймоси ҳеч қандай иғроқ ва муболағасиз амалий ҳаёт талабларига мос келадиган шаклда тасвирланади. Шубҳасиз Нажмиддин Кубро ҳам, Баҳоуддин Нақшбанд ҳам шунингдек, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий ўзи комил инсон даражасига кўтарилган зотлардан эдилар. Н. Комилов «Тасаввуф» китобида «Улуғ Алишер Навоий комил инсоннинг ёрқин тимсолидир» деб ёзади. Лекин улар ҳеч қачон кашфу каромат даъво қилмасдан ва ўзлари учун бошқаларга нисбатан устунлик сезмасдан ҳаёт билан чамбарчас боғланган ҳолда яшаб, халқ ва ватан олдида ўз инсоний вазифаларини бажариб келганлар.

Нажмиддин Кубро Хива шаҳрида йирик хонақо қурдириб, кўп сонли муридлар тарбияси ва илмий асарлар ёзиш ишлари билан машғул эди.²

Шайх Саъдий тариқатни қуйидаги қисқача иборалар билан таърифлаган эди: «Тариқат иши фақат тасбеҳ тутиб, жундан либос кийиб ибодат қилиш билан бўлмайди, тариқат халқнинг хизматидан бошқа нарса эмас».

Фаридиддин Аттор ривоятига кўра, Шайх Абдулҳасан Ҳарақоний бундай деган экан: «Кошки, барча халқ учун мен ўлсайдим, ўшанда халқ учун ўлим бўлмасди. Кошки, барча халқнинг ҳисоб-китобини мен билан қилишсайди, ўшанда қиёмат куни улар учун саволу жавоб бўлмасди. Кошки, барча халқ ўрнида мени жазолашсайди, ўшанда уларни дўзах оловига олиб боришмаган бўларди».

Бундай инсонпарварлик комил инсон характери қирраларидан бирининг инъикосидир.³

Н. Комилов комил инсон ҳақида махсус асарлар ёзган ва комил инсон сурати, қиёфаси зухур этган инсонлар ҳақида шундай фикрларни билдирган: «Комил инсон тасаввуф адабиётида кўп марта тилга олиниб, мунозараларга сабаб бўлган ва бу ҳақда махсус китоблар ёзилган. Шулардан Саййид Абдулқодир Гилоний ва Азизиддин Насафий (XIII аср)ларнинг «Инсони комил» номли рисоаларини махсус тилга олиб ўтиш мумкин. Ибнал Арабий наздида комил инсон – бу ақли аввал ёки нафси аввал, ақли кулл тушунчалари билан маънодошдир. Чунки Тангри таоло илоҳий нурдан илк марта Ақли аввални яратти ва унинг сурату шаклини Комил Инсон қиёфасида зухур этди.

¹ Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф таълимотида комил инсон сиймоси. Тошкент Ислам университети. Илмий-таҳлилий ахборот. 2003, 2-сон, 37-бет.

² Ўша манба, 38-бет.

³ Ўша манба, 40-бет.

Сайид Абдулқодир Гилоний: Комил инсон, воқеан, Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва олиҳи ва салламдир ва қолган анбиё авлиёнинг камолати унга нисбатандир, худи фозилнинг афзалга нисбатидай».¹

Шайх Омилий дейдиким, олам Комил инсон ҳақиқати туфайли барқарордир, зеро фалаклар унинг нафаси билан айланурлар, мулки малакут ундан таълим олурулар. Шундай мартабада Комил инсонни Ҳақнинг кўзгуси дейдилар. Ҳақ таоло ўз исми ва сифатларини фақат Комил инсонда кўради. Комил инсонгина Ҳақ қудратининг буюклиги, чекизлигига гувоҳ бўла олади.

Шайх Азизиддин Насафий фикрича: Одамлар коинотнинг хулосаси ҳамда мавжудот дарахтининг меvasи бўлсалар, Комил инсон одамлар мавжудотининг қаймоғи ва хулосасидир.²

Адабиётшунос Эргаш Очилов «Дарвеш – Комил инсон тимсоли» тадқиқотида Ҳақ йўлига кирган сўфий дарвешнинг ва улуғ шоҳу тождорларнинг дарвеш-комиллиги ҳақида шундай фикрларни илгари сурган: «Дарвеш сўзининг луғавий маъноси қашшоқ, бенаво, фақир, гадо бўлса-да, тасаввуф истилоҳотида у изловчи, истовчи маъносини ифодалаб, сўфий, фақир, ошиқ, ориф, соҳибдил, соҳибасрор, соҳибназар каби ўзини Ҳаққа бағишлаган табаррук зотларнинг сифатини билдириб келади. Шунинг учун ҳам сўфиёна таълимотга кўра, бировни дарвеш деб аташ уни ҳақорат қилиш эмас, балки улуғлаш ҳисобланади. Биллоҳ Алишер Навоий Ҳусайн Бойқарони шоҳлар дарवेशию дарवेशлар шоҳи, сувратда шоҳу сийратда дарвеш, деб таъриф- тавсиф этган эди. Шунинг учун ҳам Убайдий шоҳ бўлишига қарамай, дарвешликни орзу этган:

*Оллоҳга шуқур, афзал эрур шоҳликдан,
Эй дарवेशлар, ҳамиша дарवेशлигимиз.*

Тасаввуфда дарвеш-барча илоҳий ва дунёвий эзуликлар, фазилатлар соҳиби, мукаммал илму ахлоқни ўзида мужассам этган комил инсон сифатида тасвирланади».³

Эргаш Очилов Навоий идеалидаги комил инсон Фарҳод образини таҳлил этар экан, шундай фикрларни келтиради: маънавий етук киши жисмоний жиҳатдан ҳам гўзал бўлса, бу комил гўзаллик ҳисобланади. Хуллас илмли одамнинг хунари ҳам бўлса, ўз навбатида, хунарманд ҳам илму-маърифатдан бохабар бўлса, ҳақиқий баркамоллик шу.

Навоий Бадиуззамон Мирзога берган таърифида ҳам таъкидлайди: «...хусни сурат ва хусни сийрат билан ораста ва жамоли зоҳирий ва камоли ботиний била пийроста йигитдир»⁴

Сиёсий фанлар доктори, прафессор Н. Жўраев комил инсон феномени, унинг дунёси, сир-синоати ҳақида улуғ мутафаккирларнинг фикрларини келтириб, олий мавжудот инсонга таъриф беради. Алишер Навоий «Маҳбулбул қулуб»асарида «Одам икки дунёнинг энг азиз энг шариф махлуқидир», – дейди.

Америкалик атоқли ёзувчи Жек Лондон эса: «Инсон бебаҳо махлуқларнинг энг охиргисидир», дейди.

Аристотел қарашларига кўра «Рух энг эзгу олам бўлгани учун инсон аввало ўзининг руҳини камол топтириши зарур» экан. Инсоннинг яратувчилик қудрати, иқтидори, даҳолик ақлий мўъжизаси Айни мана шу руҳий ирода орқали, руҳий қудрат орқали бошқарилади.⁵

Имом Ғазолий ўзининг «Кимёи саодат» китобида таъкидлашича: «Инсон фаришта ва ҳайвон орасидаги махлуқдир. Ҳайвон ривожланмайди, инсон унинг ўзи пок, илоҳий нурдан иборат. Фақат инсонда ривожланиш, руҳий камолот хислати мавжуд».

Н. Комилов комил инсон ҳақидаги турли фикр ва қарашларни жамлаб, қуйидаги хулосаларни беради:

Комил инсон — инсонларнинг энг мукаммали, энг оқили ва энг доноси.

– Комил инсон Илоҳ билан одамлар орасидаги воситачи, илоҳий амр, ғайб асрорини оддий одамларга етказувчи улуғ ҳомийдир.

– Комил инсон мартабада Ақли кулл (Ақли аввал)га тенг. Аллоҳ аввал Ақли куллини, яъни комил инсонни яратди, кейин у туфайли бошқа махлуқотлар яратилди.

¹ Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Биринчи китоб. 146-бет.

² Ўша манба, 148-бет.

³ Эргаш Очилов. Дарвеш – Комил инсон тимсоли. «Ўзбек тили ва адабиёти», 2000, 2-сон, 3-бет.

⁴ Эргаш Очил. Фарҳод – комил инсон. Тафаккур. 2000, 3-сон, 39-бет.

⁵ Нарзулла Жўраев. Инсон феномени. Туркистон, 2004, 21 апрель.

– Комил инсон руҳи азалдан маълум, у тангри таоло яратган энг қудратли руҳдир.

Комил инсон шу сифатлари билан мутлақ илоҳий хислатларни жамлаган кайҳоний мавжудликдир, у агар оддий инсон суратида кўринса ҳам, лекин маънан коинотни қамраб олган ҳамиша бедор ва ҳамма нарсадан хабардор бир зотдир.

– Шу мартабада у Аллоҳнинг халифаси бўла олади.¹

Пайғамбарлар, авлиёлар, донишмандлар руҳи бошиданоқ юқори оламда маълум эди, бу руҳларнинг мартабалари аввалдан белгиланган эди, дейди шариат аҳли.

Насафий айтгандай, ўзлигини таниган, башарий сифатлар ўрнига илоҳий сифатларни касб қилиб ололган шахслар комилдирлар.²

Инсон коинот гавҳаридир, борликдаги энг улуғ неъматлар инсон учун. Аммо хом сут эмган бандаларнинг ҳаммаси ҳам комил эмас. Юқоридаги – комил инсонга берилган жамики сифатлар биз тадқиқ этаётган мутафаккир дарвеш шоир Бобораҳим Машрабда мужассам эди:

Оғиздан дур сочай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Машраб тарки дунёчилик фалсафасининг моҳияти ҳам шу нуқтада аёнлашади. Чунки у нопоклик оламидан, поклик оламига, ҳайвоний хирслар қулига айланган нокас одамлар оламидан илоҳиёт оламига чекиниб, қаландарликдан паноҳ изласа-да, аммо у бадбинликка чорлаган шоир эмас эди. Ҳаётга зоҳирона нафрат туйғуси Машраб учун бегона. Дунё зулми муҳаббат ва софликка ошно руҳни эзган, шоир «борини тарки назар эттим», «икки дунёдин юмдим кўзим» деб таъкидлагани билан гўшанишин бўлиб олган эмас.³

Бобораҳим Машраб энди бекорга барча комил сўфийлар номини эхтиром-ла, тилга олиб, ўтиб кетган Шамс Табризий, Жалололдин Румий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Шамсиддин Кулол, шайх Маждиддин манам деяётган эмас. Чунки улар ҳар бири ўз замонасининг фозил, илмли-маърифатли сўфийси, шайхи, уламиси, комил инсони эдилар:

*Вақти талаввундин ўтибман муждаи тамкин манам,
Кайфиятни излаган ҳолоки тажридин манам,*

*Нақши давлат муҳрини нафсимга бости чун ажал,
Шамс Табризий манам, гоҳи Жалололдин манам.*

*Хилвати роҳи ватан топдим, нишоним қолмади,
Гоҳ Нажмиддин манам, гоҳи Баҳоуддин манам.*

*Ҳосилим дунёву уқбодин ки ҳар сў келди, бас,
Бир назар ҳолимга қилгил, руҳи Шамсиддин манам.*

*Чун хамир бўлди бу хоким шўриши Маҳшар билан,
Ташла дилдин фикратингни, шайхи Маждиддин манам.*

*Машраби девонадурман ҳеч киши билмас мани,
Гоҳи комил, гоҳи фозил, гоҳи чун мўмин манам.⁴*

Машраб фикрича, ишқ барча мушкулотнинг калити инсоннинг халоскори, вужудни покловчи олов, иксири Аъзам. Машраб салафлари Фаридиддин Аттор ва Жалололдин Румийлар ижодида илоҳиёт билан қўшилиш шодлиги, васл базмининг нашида ва сурури ҳамда ана шу қўшилиш тавҳиднинг нима эканини таҳлил ва таҳқиқ этиш асносидаги шоирона кашфи бош мақсад бўлса, Машрабда тавҳид масрурлиги, Ёр ҳузур-ҳаловати тасвири шу ҳаловатга етиш йўлидаги қийинчиликлар, яъни ишқ изтироблари, тасаввуфий тил билан айтганда талаввун ва тафриқа, тажрид ва тафрид босқичларидаги азоблар қўшиб тасвирланади.⁵

Н. Комилов Машраб шериятидаги тасаввуфий истилоҳларни туб моҳиятини чуқур таҳлил этган. «Талвин» (ёки «талаввун») – хилма-хиллик, солиқ кайфиятнинг барқарор бўлмаган, ҳали кўнглидан шубҳа батамом кўтарилмаган пайти. Бу босқичдан эсон-омон ўтса, унинг камолига камол қўшилиб, «тадриж»га киради, яъни руҳ яланғоч бўлади, жисм қафасидан ажрала бошлайди, у худодан бошқа нарсани истамай қолади, худо талабидан

¹ Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Биринчи китоб. 150-151-бетлар.

² Ўша манба, 152-бет.

³ Н. Комилов. Тасаввуф. Иккинчи китоб. 134-бет.

⁴ Машраб. Девон. 2006, 182-бет.

⁵ Н. Комилов. Тасаввуф. Иккинчи китоб. 135-бет.

бошқа талаби бўлмай, дунёни арзимас кўриб, фикри зикри парвардигор ёди билан бўлишидир. Бу босқичда қалб мосуваллоҳдан кутилади, илоҳ учун холи бўлади. Тажрид босқичи қалб (яқинлашиш)га олиб боради, солиқ ғариб ҳолатларни бошдан кечиради. Тажриддин қурбга, қурбдан эса тафридга (яккаланиш) ўтилади. Бу ҳаққа етиш демак. Рух шунда барқарор бўлиши («Тамкин»), хузур-ҳаловат оламига етишиши мумкин.¹

Мана ошиқ солиқнинг «талаввун» давридаги ҳолати:

*Кетти қарори сабру ҳуш, қолмади танда тоқатим,
Тун-кун ила зиёдадир меҳнату дарду офатим,*

*Оҳ урубон қаён кетай, тоғу тоша бошим урай,
Бошима минг балову ғам-кунда эрур аломатим.*

Аммо Машрабнинг лирик қаҳрамони бу мақомлардан ўтиб, фано ва бако мартабасига эришган, кўнглида баҳри раҳмат тошиб, илоҳий нурга ғарқ бўлган орифи комилдир.²

*Вақти талаввундин ўтибман, муждаи тамкин манам.
То кишига дард тегмай бўлмади бағри кабоб,
Дилда дардинг бўлмаса, сардафтаримни кавлама,*

дейди Машраб.

Муҳаммад Фузулий дардни комилликнинг дояси ҳисоблаган: «Ким дардли бўлса, у комилдир». Қорин захмати, тилла ташвиши учунгина ишлаб, фақат шулар учунгина яшаб бўлмаслигини англаш дамлари-маънавий камолот сари ташланган дастлабки одимлардир. Лекин ҳар қанақа дарз кетган дилни суядиган мутлақо парчаланмас қудрат жаҳонда мавжуд. Бу ишқ. «Кўтаҳназар халқ муни» билмайди:

*Аҳли дардларга қилай зоҳир пинҳон дардни,
Бехабарларга ва лекин Нуҳни тўфониман...*

Ишқ азоби, ҳижрон захри, армон тиглари қалбни қон қилиб ташлаши табиий. Бирок ўша неча қатрагина қон қандай қилиб дунёни ўзига сиғдиради, қандай тарзда оламжаҳон маърифат, доноликни, комилликни ўзида акс эттиради. Бу жиҳатдан ҳам Машраб қалби беҳад ҳайратланарли «олам ҳама кўз» бўлиб томоша қилса арзийдиган ҳилқатдир.³

Жўзжоний Машрабнинг Комил инсон ҳақидаги қарашларини шундай ифода этган: «Ҳақиқий Комил инсон ҳақида Машрабнинг қараши ажойиб ва қизиқарли. У барча коинот, ҳаттоки фаришталардан ҳам устун туради, чунки ҳазрати инсон (ҳазрати одам) улар учун масжўд бўлган, яъни инсон яралганидан кейин яратувчи уларга бош қўйиб унга сажда қилишни буюрган эди. Инсон ўзининг ҳақиқий маънавий мақомига эришгандан кейин, еру-кўк, Маҳшару кавсар ва ҳатто Жаброилдек буюк ва муқарраб фаришталар унга тенг бўла олмайди, негаки улар инсон эмаслар, шунинг учун ҳам ишқдан-севгидан яроғ бўлиб, ишқ дарду қайғусини сеза олмайдилар»:⁴

*Тортсам бир оҳ дард билан Маҳшаринг куяр!
Қилсам фиғон, булоғи қуриб кавсаринг куяр!
Қоч осмон панога ёшун пайқаринг куяр!
Эй Жаброил йиғ эмди ўзингни паринг куяр!
Бедардсан, фариштасану ишқдан яроғ!*

Бобораҳим Машрабнинг комил инсон ҳақидаги қарашлари Баҳоуддин Нақшбанд нуқтаи назарига яқин келади. И. Сувонкулов Машрабнинг комил инсон ҳақидаги фикрлари Нақшбанд нуқтаи назарига яқин келишини қуйидагича изоҳ этади:

*Ақли комил бирга Афлотун кетибдур беимон,
Роҳи нодонлиги тут, соҳиб фаросатман дема.*

¹ Ўша манба, 135-бет.

² Ўша манба, 135-бет.

³ Иброҳим Ҳиккулов. Сўзлар бизга оғриқдан бўзлар. 104-бет.

⁴ Абдулҳаким Шарий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. 141-бет.

Байтнинг маъноси шуки, Афлотун комил ақлга эга бўла туриб беомон кетди. Сен ҳам унингчалик ақлга эга бўлсанг-да, ўзингдан кетма, чунки бу фазилятнинг Комил эгаси Оллохдир. Унинг қарашида инсоннинг ақлу фаросатлилиги кўп узоққа бормайди. Зеро, баъзи бир кароматлар соҳиби бўлиб, «аналҳақ» дейиш адабиётимиз баъзи талқинида хато бўлиб, инсон ўзини қандай қилиб бутун коинотни, ўн саккиз минг оламини, ҳатто инсоннинг ўзини ҳам яратган Ҳақ таолога тенгман дейишга журъат этсин. Инсон ўзини имконияти даражасида баҳолагани маъқул. Машраб байтидаги фикр манманликни қоралаш жиҳатидан эса, доимо замонавий моҳият кашф этади.¹

Адабиётшунос А. Абдуғафуров Машрабнинг Комил, комила инсон ҳақидаги қарашларини гапирар экан, у реал замин гўзали эканлигини, шоирнинг идеали баркамол инсонни мадҳ этишга қаратилганлигини таҳлил этиб ёзади:

«Машраб ўз лирикасида ҳар томонлама комил, чиройда танҳо ёр образини чизади. У қотиб қолган ҳаётдан айрим яшайдиган қандайдир афсонавий-мавҳум образ эмас, унда бутун инсоний хислатлар мавжуд, у реал замин гўзалидир. Шоир тасвирида у кишини бир боқишда ўзига мафтун эта оладиган баркамол ва бенуқсон, ҳатто «у дунё» ҳуру ғилмонлари уни кўрганларида ҳайрон бўлиб, лол қоладилар, ўзларининг қусурли эканликларини тан олиб, унга чўри бўлишга рози бўладилар.

У шу қадар гўзал ва жозибадор,² лирик қаҳрамон унинг васли учун ҳар нарсадан, ҳатто, диндан, имондан ҳам кечигишга тайёр.³

*Сени кўрдим ҳама элни унуттум,
Жаҳон лаззатидин кўнглум совуттум.*

*Сенга бердим дилу жонимни ул дам,
Биҳишти жовидон таркини туттум.*

*... Кавсар шароби ёдимга келмас,
Лаъли лабингдин мастона булдум.*

*... Қилди менга бир жилва ногаҳ боқа қолдим,
Ул жилвага дин ила дунё сота қолдим.*

Жўзжонийнинг фикрича, Машрабдек ориф шоирнинг шеърлари илмий-ирфоний руҳда ва у ўзбек ва форс тилларида битилган, унинг қаҳрамонлари фидоий комил инсон, фидоий шахс: ҳар ҳолда Бобораҳим Машрабнинг шеърларини унинг ирфоний қарашлари ёруқлигида чуқур ва ҳар томонлама текшириб, бошқа ваҳдат шоирлари билан унинг муштарак томонлари ва ўзига хос бўлган қарашларини илмий нуқтаи назардан белгилаб бериш, ушбу ориф шоирнинг илмий ирфоний шахсиятини ёритишга катта ёрдам беради. Негаки Машраб фақат ўзбек ва форс тилларидаги шеърлари билангина эмас, балки ўзининг ирфоний-фалсафий дунёқараши ва ушбу қарашларнинг изчил тарғиботчиси адолатсизлик ва хурофот ҳомийларига қарши ўз ақидасини тарқатувчиси ва тарғиботчиси, Ҳақ йўлида ўз жонини қурбон қилган фидоий шохид ва қаҳрамон сифатида ҳам ката эътибор ва эҳтиромга сазовор инсондир.³

Машраб риёкор, ўзини замона раҳнамоси деб билувчи, бошида қаландар кулоҳи, эгнида унинг жандасини кийган «Абдоли вақт-ман!» деб лоф урувчи ва ўзини комил қилиб кўрсатувчи, сўзида маъно йўқ, юрган сохта уламолардан «Худо берсин паноҳ» дейди:

*Ўзлари комилсифат, ҳар луқмаси ҳаққи сагир,
Юртни деб ул соҳибдуосидин, худо берсун паноҳ.*

*Лоф урар «Абдоли вақт-ман!» деб, сўзида маъни йўқ,
Бу замона раҳнамосидин худо берсун паноҳ.*

*Бул қаландир жандасининг торида зуннори йўқ,
Бошига кийган кулосидин Худо берсин паноҳ.*

Машраби шўриданнинг қилган дуосин қил қабул,

¹ Иноятулла Сувонкулов. Қалб гавҳари. 13-бет.

² А. Абдуғафуров. Бобораҳим Машраб. Ўзбек адабиёти тарихи. III том. 257-бет.

³ Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. 149-бет.

*Ул саҳархезнинг дуосидин Худо берсин паноҳ.*¹

Иброҳим Ғафуров Машрабнинг инсони комил ҳақидаги қарашларини таҳлил этар экан, уни сўз қидиришда Навоий тили билан айтганда «Сўздирки ҳаёт эрур ўликка жондин» мисрасидагидек доим илҳом, ақл қидирганини сўзлайди: «Ақлга ақл қўшиш ўз-ўзидан бўлмайди. Қидириш билан бўлади. Пайгамбаримиз қирқ ёшларигача илҳом қидириб юрдилар, ўзларини ғайб сўзига ҳозирлаб бордилар. Ҳазрат султонул орифин Яссавий ҳақиқат нурини қидириб олтмиш учда ер остига кириб кетдилар ва яна шунча яшасалар ҳам қайта чиқмадилар. Бобораҳим Машраб жуда эрта излаш мақомига кирди. Яратганнинг васли ва ҳақиқатини қидириб жаҳонни тўхтамай кезди. Бир зумгина бўлсин қадамини ишқ кўчасидан узмади. Бошини ишқ йўлида саргардонликдан қутқарай демади. Ўзини жаҳолатнинг дорига тайёрлади».²

Ўзининг қидириш қудрати ва туганмас иштиёқига кўра бу одам инсониятнинг энг гўзал Ақл Эгаларидан биридир.

Машраб инсониятга қидириш шавқини, шиддатини ва эътиқодини қолдирган мубориз зотлар қаторига қиради.

Машрабнинг сўзи ҳам нақшбандийлар тушунчасидаги қудсий калом даражасига кўтарилгандир. Унда чорлаш, қидириш ва бу йўлда ўзини ҳар қандай қийинчиликларга тайёрлаш гўзаллиги мужассам.³

У доим ишқ дардини дафтарга битиб бўлмаслигини таъкидлаб боради.

*Менинг рози дилим розим фаровондур, битиб бўлмас,
Ки ишқ афсонасини дафтар узра шарҳ этиб бўлмас.*

А. Абдуғафуров Машраб тасаввуф алломалари, шайхлари асарларини қунт билан ўрганганликларини, шунингдек, Жомий ва Навоий шеърятидан илҳом олганлигини таъкидлаган:

«Алишер Навоийнинг улкан адабий мероси кейинги беш аср давомида барча туркий халқлар миллий адабиётларининг умумий йўналиши ва тараққиётида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлди, уларнинг ривожини ва ғоявий-бадиий камолотига бевосита ва баракали таъсир кўрсатиб келди. Бу таъсир, равшанки, биринчи навбатда, ўз миллий адабиётимиз намояндалари фаолиятларида жуда равшан кўринди ва ниҳоятда самарали бўлди. Кейинги асрлар адабиётимизнинг барча йирик вакиллари улуғ шоирни устоз, мураббий ўрнида қабул қилдилар ва бу билан фахрландилар, Навоийнинг мазмунан халқчил, шаклан баркамол асарларини ўз ижодий тажрибалари учун юксак намуна ва ибрат деб, Навоийникидек мисралар битишни эса ўзларига шараф деб билдилар».⁴ Шоир шеърятига назар ташлаганимизда – Навоий, Бобур, Машраб шеърятларидаги муштарак жиҳатларни кўрдик.

Машрабнинг Навоий ижодидан ўрганиши, унинг анъаналарини ўзлаштириши ва давом эттириши мавзусини ёритувчи бешубҳа далиллар етарли мавжуддир.

Ғазалнавислик анъаналарини давом эттирган уч забардаст шеърят султонлари Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машрабнинг комил инсон ҳақидаги ғоялари, ишқ аҳли ҳақидаги тушунча ва тасаввурлари, Илоҳни қидирганликлари, жоно – Ёр васлига муштоқлиги унинг ҳажрида: «Ҳажр ила дилхаста»лиги, «Истаб жаҳонни топмаган»лиги, «Фироқ даштида ташна»лиги ва асосийси дардларини бир хиллиги мутафаккирларнинг Инсон ва уни Яратувчисига меҳр-муҳаббатлари юксаклигидан далолат беради. Ҳар уч шоирнинг «Топмадим» ғазалларидаги уйғунлик, муштараклик жиҳатларига назар ташлаймиз.

Навоий:

*Ғам била жонимга еттим, гамгусоре кўрмадим,
Ҳажр ила дилхаста бўлдим, дилистоне топмадим.*

Ишқ аро юз минг маломат ўқига бўлдим нишон,

¹ Машраб. Девон. 2006, 278-бет.

² Иброҳим Ғафуров. Ҳаё-халоскор. 290-бет.

³ Ўша манба, ўша жой.

⁴ А. Абдуғафуров. Буюк бешлик сабоқлари. 154-бет.

Бир камон абрӯда тузлукдин нишоне топмадим.

*Хусн мулки ичра сендек шоҳи золим кўрмадим,
Ишқ кўйида ўзимдек натовоне топмадим.*

*Кўп ўқудум Вомуқу Фарходу Мажнун қиссасин,
Ўз ишимдин булғажаброқ достоне топмадим.*

*Ул амон ичинда бўлсун, эй Навоий, гарчи мен-
Бир замон ишқида меҳнатдин Амоне топмадим.¹*

Бобур:

*Жонимдин ўзга ёру вафодор топмадим,
Кўнглимдин ўзга маҳрами асрор топмадим.*

*Жонимдек ўзга жони дилафгор кўрмадим,
Кўнглим киби кўнгилни гирифторм топмадим.*

*Усрук кўзига токи кўнгил бўлди мубтало,
Ҳаргиз бу телбани яна ҳушёр топмадим.*

*Боре борай эшигига бу навбат эй кўнгул,
Нечаки бориб эшигига, бор топмадим.*

*Бобур, ўзунгни ўргатакўр, ёрсизки мен-
Истаб жаҳонни мунча қилиб ёр топмадим.²*

Машраб:

*Бу оламда ўзумдек сийнаси афгор топмадим,
Ки, розим айтгали бир маҳрами асрор топмадим.*

*Фироқ даштида ташна юруб зору саргардон,
Лабинг зилолидин бир паймонаи саршор топмадим.*

*Ки, ишқи гаминг мени охир юроким айлади садчок,
Висол завқини бир лаҳзаё, бир бор топмадим.*

*Тамоми рози дилим демакки изладим маҳрам,
Бу дашти Хўтан кезибон бир дили ҳушёр топмадим.*

*Биёбон булбулидек, Машрабо, ҳеч йўқтур оромим,
Кўнай десам чаманда бир гули баҳор топмадим.³*

И. Ҳаққул комил инсон ҳақида гўзал асарлар ёзган Азизиддин Насафий ҳақида ёзади: Унингча комил инсон шарият, тариқат ва ҳақиқатга етишган зотдир.

У ёзади: «Инсони комил яхши сўз, яхши ахлоқ ва яхши билимга эга бўлган кишидир. Бу тўрт нарсада комил касб этган одам комилликни қўлга киритган ҳисобланур» Инсони комилга бир қанча номлар берилмиш. Булардан айримлари қуйидагилар: шайх, ҳоди, маҳди, ориф, имом, ҳалифа ва соҳиби замон.

Инсони комил жаҳонни акс эттирувчи кўзгу, ўлукни тирилтирадиган Исо, қушларнинг тилини билгувчи соҳиби салтанат Сулаймон, оби ҳаётдан қонган Хизр кабидир. Яссавий нуқтаи назарида бу дунё Инсони комил билан файзли ва барқарордир. Чунки ундан ҳеч нарса яширин қолмайди. У ашёни ва ашёнинг сирлари қандай бўлса, худди шундай ҳолатда биледи. Халқда Ҳақни, Ҳақда халқни кўра олгани учун ҳам Ҳақнинг, ҳам халқнинг хизматини шараф ила адо айлайди.⁴

Ҳамма давр, ҳамма замонлар учун ўрнак ва намуна бўлган Инсони комил Оллоҳнинг расули Ҳазрати Муҳаммад пайғамбаримиздир.

¹ Алишер Навоий. Ғазаллар, шарҳлар. «Камалак», Тошкент, 1991, 56-бет.

² Бобур. Танланган асарлар. «Ўқитувчи», Тошкент, 1976, 25-бет

³ Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним, қайдасан. 80-бет.

⁴ Иброҳим Ҳаққул. Аҳмад Яссавий. 32-бет.

Машрабга замондош бўлган Хўжаназар Хувайдо ўзини Аллоҳ талабгори деб ҳисоблайди. У нафсингни ўлдирмагунча Оллоҳ васлига етолмайсан дейди.

*Талабгори висол ўлсанг, дили жонинг била йиглаб,
Тириклий ўлмагунча топмагайсан васлин, эй солик.*

Машраб, Сўфи Оллоҳёр, Хўжаназар Хувайдоларнинг комил инсон ҳақидаги қарашлари бир хилдир. Аллоҳ уларнинг назарида инсон ақлу тушунчаси, тасаввурига сиғмайдиган, барча сифатлар, исмлар ,таърифу тавсиф ва ўлчовлардан баланд турадиган зот. Машраб ана шу бекарон буюкликни назарда тутди ва айна вақтда шу буюк кудратнинг бир қисмига айланган комил инсонни ҳам англайди. ¹ «Хужжат ул-ислом» мақомига эришган Муҳаммад Ғаззолий Муҳаммад пайғамбарни комиллар сарвари деб билади.

Н. Комилов «Тасаввуф» китобида Машрабнинг комиллик ҳақидаги фикрларини куйидагича изоҳлайди:

«Оламни ўзига сиғдириб, оламга сиғмаган бу комил руҳ шоир талқинида гўё барча ошиқлар, шайху ориф, наби ва валиларнинг, Ҳақ ва ҳақиқат излаган зотларнинг кўнгил ганжинасини жамулжам этган йиғма тимсол, воҳид бир жавҳар. Унда малаклик сифати ҳам, Жаброилу Мекоил хислати ҳам мавжуд. Бу ишқ жавҳари, ошиқ руҳ ҳали олам яралмасдан бурун бор эди, Одам Атони беором этган, руҳга имону, Мусоға эътиқод берган, Иброҳим Ҳалилуллоҳни оловга ташлаб яна олов ичидан омон-эсон олиб чиққан куч шу илоҳий кудратдир. Иброҳим куйган олов ишқ-олови эди, дейди Машраб ва яна бир қизиқ ташбехни кўллайди: «Юнус ул батни самак ўлғонда мен қармоқ эдим». ² «Қиссасул анбиё»ларда ривоят қиладиларким, Юнус пайғамбар тангрининг иродаси билан денгизда тўфон кўтарилганда кемадагиларни халос этиш учун ўзини сувга отади ва наҳанг балиқ уни ютади. Юнус қирқ кун балиқ қорни ичида яшайди ва қирқинчи куни балиқ уни қирғоққа чиқариб кўяди. «Юнус балиқ қорнида эканда мен қармоқ эдим» деганда, Машраб, Юнусни балиқ ичига солган ҳам, уни омон сақлаган ҳам ва яна балиқ қорнидан олиб чиққан ҳам Ишқдир, яъни илоҳ муҳаббатидир демоқчи. Қармоқ-Ишқ ёки Мутлақ руҳ, шоир бу ўринда ҳар икки тушунчани бирга олиб, уни яна ўзи ва Комил инсон руҳи билан тенглаштирмақда». ³

Комил инсон пайғамбар ёнида бўлишлиги ҳақида кўп китоб ва рисоаларда, диний-тасаввуфий манба ва ҳодисаларда дарж қилинган. Машраб олам халқини жаннатга киришини хоҳлаб, ўзи дўзахга киришни истайди. Комил ва ориф шоир руҳи доим пайғамбар руҳига яқин, унга арз қилишни, «дил жароҳатини очиш»ни, у Оллоҳ муҳаббатини қозонганлигини, «Камоли нури раҳмат»га сазоворлигини, ҳақиқатни юзага чиқарувчилигини, «жаҳон нуктадони» яқинлигини эслатиб боради, комиллик мақоми Илоҳга намоён бўлгач, пировардида «сани ман жаннатий қилдим» - деган Яратгандан нидо келади:

*Қулуби орифи биллоҳ, ва лекин зоти бисмиллоҳ,
Топай руҳи Халилуллоҳ, манга Дўзахни танҳо бер!*

*Қилай шўриши бу Маҳшарга, очай дафтар паямбарга,
Деяй арзимни акбарга, манга Дўзахни танҳо бер!*

*Ки маълум йўқтур абётим, билолмам қайсидур зотим,
Жаҳонни тутти зарротим, манга Дўзахни танҳо бер!*

*Сарахбори муҳаббатман, камоли нури раҳматман,
На парвойи Қиёматман, манга Дўзахни танҳо бер!*

*Ҳақиқат меҳмониман, жаҳоннинг нуктадониман,
Фалақдин шиква қониман, манга Дўзахни танҳо бер!*

*Нидо келдики, эй Машраб, сани ман жаннатий қилдим,
Бу йўлда айлагил таслим, манга Дўзахни танҳо бер!*

Машраб улуғ сарафлари қатори форс адабиёти ғазалчилигига улкан ҳисса қўшган Ҳофиз Шерозий ижодий анъаналарини давом эттирган десак янглишмаймиз. Шу ҳақда

¹ Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Иккинчи китоб. 136-бет.

² Ўша манба. 138-бет.

³ Ўша манба. 138-бет.

Ҳофиз Шерозий ғазалларини нашрга тайёрлаган Эргаш Очиллов ёзади: «Ҳофиз ўзбек адабиётига кучли таъсир ўтказди. Шоирларимиз ундан таъсирланиб, шеърлар битишди, ҳатто девонлар тартиб беришди. Сайфи Саройи, Ҳофиз Хоразмий, Саккокий, Атоий, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Нодири, Амирий, Мунис, Огаҳий, Муқимий, Фуркат, Ҳамза каби деярли барча ўзбек шоирлари Хожа Ҳофизни ўзларига устоз деб билганлар. Ривоятларга кўра, Бобораҳим Машраб:

– Ер юзида оят ва ҳадис кўтарилганда Ҳофиз девони уларни боса олади! – деган экан.

Машрабнинг ижодий камолотида айниқса, Навоий меросининг ижобий таъсири катта бўлди. Шоирнинг энг яхши асарлариди Навоий ижодига хос фалсафийлик ва дунёсеварликни кўрамиз, мазмуннинг ҳаётийлиги, халқчиллигини, вазн равланиги ва ўйноқчилигини, уни бадиий талқинида яқинлик ва ўхшашликни учратамиз. Машраб маҳаммасларидан бирида маъшуканинг учрашув ҳақида ошиққа ваъда бергани, ошиқнинг тунларни бедор ўтказиб, интизорлик билан васл дақиқаларини кутиши тўғрисида сўз боради. Аммо, маъшуқа ваъдани бузади, вафосизлик кўрсатиб учрашувга келмайди. Муҳаммас ошиқнинг ана шу ҳолатдаги ҳаяжоний, ҳис-туйғуларини, ҳижронда ёрни кутишдаги нозик кечинмаларини юксак бадиийлик билан ниҳоятда жонли ифодалайди».¹

*Ваъда қилди бир келай деб, кўзга уйқу келмади,
Термулуб йўлида қолдим, шўхи бадхў келмади,
Неча келди шум рақиблар, ул парирў келмади,
Дардидин ўлдим, табиб, дардимга дору келмади,
Мен шаҳиди ишқ бўлдим, қатраи сув келмади.*

Бу муҳаммас Машраб ижодига Навоий баракала таъсирини қайд этишда мисол бўла олади. Бунда Навоийнинг:

*Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади, –*

матлали машҳур ғазалидан илҳомланганлигини, ижодий баҳраманд бўлганлигини исботлашга зарурат йўқдай кўринади.²

Фалсафа фанлари доктори Бўри Зиёмуҳаммадов «Комилликка элтувчи китоб»илмий монографиясини эълон қилди. Олим китоб мавзусини «Фалсафий савод китоби» ва «Рухий нажот китоби»га бўлса-да, ҳар икки қисмда ҳам дин ва диний таълимот моҳиятини ва тасаввуфдаги комил инсон муаммосини таҳлил этишга уринган ва уни Шарқ фалсафасидаги дастлабки ибтидоий қарашлар, унинг шаклланиш жараёни, инсон дунёқараши, онгининг, тафаккурининг комиллик сари интилиш процессини илмий ёритади.

Асосан, унда Шарқ фалсафасининг ўрни, инсоннинг интилиш жараёни, дастлабки комил инсонда, уламоларнинг шу мавзудаги асарлари таҳлил этилган. Комил инсоннинг сиймосини яратган бир қатор алломаларнинг асарлари кўриб чиқилиб фалсафий таҳлил этилган. Б. Зиёмуҳаммадов шу тўғрида ёзади: «Мадрасаларни битирганлардан мударрис, мутавали, қози ва имомлардан ташқари кўп бўлмаса-да, фан арбоблари, адиблар, шоирлар етишиб чиққан. Чунончи Бобораҳим Машраб, Муҳаммад Амин Косоний – Намангоний, Фазлий Намангоний, Шавқий – Намангоний, Саидо Насафий, Сўфи Оллоёр, Зебунисо, Дилшоди Барно, Увайсий, Муҳаммад Мир Олим Бухорий, Абулғозий Баҳодирхон, Махтумқули, Саъдий, Залилий, Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ ва бошқалар шулар жумласидандир».³

Шўролар тузуми даврида дин ва тасаввуф каттиқ таъқибга олинган ва қораланган вазиятда халқлар дохийси В. И. Лениннинг «Дин — маънавий истибод турларидан биридир» деган шиори амал қилаётган чоғда Машраб диний ва дунёвий қарашлари ҳақида гапириш тугул, унинг шеърляти тилга ҳам олинмас эди. Машраб илмий мероси ҳақида изланиш чоғида деярли адиб ва олимларнинг унинг ҳаёти ўта мураккаб кечганлиги ҳақидаги фикрдан нарига ўтмаганлиги, уни ислом динининг ашаддий душмани атеист ва исёнкор қилиб талқин этишлари, уни Илоҳиятдан узоклаштириб тушунишлари мени таажжубга солди. Ваҳоланки, шоир ҳам исломий, ҳам дунёвий қалам тебратиб, мақсад-муддаоси

¹ Ҳофиз Шерозий. Ишқ гавҳари. «Шарқ», Тошкент, 2006, 11-бет.

² А. Абдуғафуров. Ўзбек адабиёти тарихи, 252-бет.

³ Бўри Зиёмуҳаммадов. Комилликка элтувчи китоб. «Турон – Иқбол», Тошкент, 2006, 204-бет.

инсоннинг комиллашуви учун хизмат қилгани парда ортида қолаверган экан. «Машраб шеъриятнинг мураккаблиги»ни талқин этган тадқиқотчиларнинг ҳеч қандай фикрини бу илмий тадқиқ ишимизга яқин олиб, муносабат билдирмадик.

Ўтмишга ҳадеб таъна ва маломат тоши отаверишдан фойда йўқ. Аммо лоақал сиёсий мафкура энг кучайган даврда, шу мафкуранинг юқори бўғинида турган олим кишининг Машраб ва унинг динга муносабати ҳақидаги қарашларини икки оғизгина тилга олиб ўтмасак бўлмас: «Руҳонийларнинг Машрабни ёмон кўришига сабаблардан яна бири шундаки, у мусулмонларнинг Каъба жойлашган Макка шаҳрига паст назар билан қараганлигидир. Ундан ташқари у ўз шеърларида мусулмонларнинг дилида чуқур илдиз отган жаннат, дўзах каби тушунчаларга бефарқ қараши билан бирга, уларни «бир шиша майга» алмаштиришга ёки «бир пулга сотишга тайёр» эканлигини очиқ айтади».¹

Буни бошқалар қандай изоҳлайди билмадим, мен (жорий йил — 2007 йил назарда тутилмоқда — беш минг, мустақилликдан сўнг жами эллик беш мингга яқин одам Макка зиёратига бордилар) Машрабдек мутафаккирнинг Каъбага паст назар билан қарашини ёхуд «жаннату дўзахни» «бир шиша майга» алмаштиришини «очиқ айтиши»ни ҳазм қила олмаяпман:

*Каъбаи асрорни топқаймуман деб Машрабо,
Ман Худодин қўрққанимдин Каъбатуллоҳ бораман.*²

Машрабнинг комил инсон ҳақидаги тасаввуфий қарашлари нафақат бани башар учун айтилган нидо, балки ўзининг комил инсон мақомига етганлигидан дарак беради. Мутафаккир шоир «Манам» радибли ғазалида комилликнинг энг юқори поғонасида турган Аллоҳнинг элчилари-пайғамбарлар, фаришталар, азизу авлиёлар, ҳукамоу анбиёлар ёнида турганлигини, Аллоҳ сирларидан воқиф-огоҳлигини изҳор этади:

*Арига етгай руҳи жоним, осмони ҳам манам,
Воқифам асрори ҳақдин, нури жони ҳам манам.*

*Гоҳ мусофир, гоҳ мужовир, гоҳи олим, гоҳи шоҳ,
Яъни, ўз нафсимга боқсам, халқни султони манам.*

*Юнусам ман, Идрисам ман, Довуд ҳам Зикриё,
Кулли малоикаларни чун тасбиҳ, Куръони манам,*

*Жаброил ариши супургил, бораман хилват аро,
Мустафои нуриман, ё ҳақни меҳмони манам.*

*Жаброил мандуну Мекоилу Исрофил ҳам,
Чунки Азроилни қудрат вақтида жони манам.*

*Машрабам ман ҳам каломи нури исботимдур,
Тўбию кавсар манам, фирдавси ризвони манам.*

Адабиётшунос олим Боқижон Тўхлиев «Маккага ёрсиз бориш жоизми?» илмий мақоласида Машрабнинг тасаввуфий шеъри — комилликнинг юқори поғонаси бўлган фикрларни ифода этган «Бу тани хокийнию руҳи равонни на қилай?!» матлаи билан бошланувчи ғазалини таҳлил этган. Б. Тўхлиев ёзади: «Аслида ишқнинг буюк бир вазифаси бор. Бу вазифа инсоннинг Аллоҳ билан яқинлик боғлашига имкон беришдир. Мана шу вазифа тўғри англансагина «жонон»нинг моҳияти ойдинлашади. Унинг оддий маъшуқа эмас, балки илоҳий қудрат эгаси эканлиги маълум бўлади. Шундан кейингина биз қуйидаги мисралар мазмунини тушунишга яқинлашамиз».³

*Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак?!
Иброҳимдин қолгон ул эски дўконни на қилай?!*

Инсон Маккага нима учун боради? Маккага боришнинг бош сабаби руҳий-маънавий покланиш, Ҳақ билан яқинлашишга жиддий уринишдир! Бунинг учун эса инсон тайёр

¹ Т. Тошланов. Зулмат ичра нур. «Шарқ юлдузи», 1988, 12-сон, 176-бет.

² Машраб. Ғазаллар. «Ўзб. Адаб. ва сан.» 1991, 22 май.

³ Боқижон Тўхлиев. Ёрсиз Маккага бориш жоизми? Тўплам. 25-бет.

бўлиши керак. Бу тайёргарликнинг асосий «ашё»лари «ёр» ва «бода»дан иборат. Агар «ёр»нинг мумтоз адабиётимизда, хусусан, тасаввуфий шеърятимизда кўнгилнинг энг излагани ва интилгани эканлигини, «май», «бода» — ҳақиқат тимсоли эканлигини назарда тутсақ, мисралар мазмуни анчайин равшанлашади.

Маккага борган одам унга муносиб бўлиши керак. Бу-кўнгил-маърифатли бўлмади туриб, Макка зиёратига номуносиб бўлади, демакдир. Маърифатга этадиган йўл эса, тасаввуф таълимотига кўра «ёр» ва «бода»дир. Агар «май»нинг хусни мутлақ – Оллоҳнинг уни излаётган киши қалбидаги ўзига хос тарздаги акс этиши-жилваси эканлигини эсга олсак, нима учун ёрсиз ва бодасиз Маккага бориб бўлмаслиги аёнлашади». ¹

Шайх Нажмиддин Кубронинг «Тасаввуфий ҳаёт» китобида АРШга шундай маъно ва мазмун берилган. Арш — айвон, осмон, тахт. Айрим манбаларда таъкидланишича, Арш тўққизинчи кўкдадир. Арш бутун оламларни бағрига олган мунаввар бир борлиқ — кулли макон. Арш сўфийлар тасавурида борлиқ ва вужуддир. Аршга «Нафси кулл» номини берганлар ҳам бўлган экан. Арш коинотнинг муаззам руҳи бўлиб, у моддий оламнинг илк босқичи саналган. Арш-тажаллий манбаи, яъни илоҳиёт қудрат эгаси. Шунинг учун ҳам у илоҳий тахт деб қабул қилинган. «Арши муалло», «Арши раҳмон», «Арши илоҳий», «Арши яздон», «Фалаки аъзам» — булар Аршга қўйилган номлардир. ²

Аршда шу шаклда ёзув бор: «Мен (Оллоҳ) манга итоат этганнинг истакларини бераман, ишини йўлга қўяман. Мени севганни севаман. Мени чақирганга жавоб бераман. Афв тилаганни афв этаман». ³

Бу «Тамкин»оламини кашф этган комил ошиқ солиқ руҳи Эзгулик ва Ҳақиқат салтанатини Мутлақ руҳ уммони билан бир қатраси, гавҳари («дурри дарёи маоний») деб англайди. У ягоналик шавқи, яъни «вахдат майидин» сархуш бўлиб («Машраб» илоҳий шаробдан сархуш дегани), улувият мақомида ўзини арши аълода кўради:

*Аршининг кунгурасин устига қўйдум аёғим,
Ломакондан жой олибман, бу маконни на қилай?*

«Ломакон»нинг маъноси макондан хориж, ҳадду ҳудудсиз демак. Яъни макон тушунчаси биз яшаб турган дунё билан боғлиқ илоҳиёт дунёси макон тушунчасига сиғмайди. Аммо Машраб восил бўлган Мутлақ руҳ нафақат макондан, замондан ҳам хориж-у азалий ва абадий: унинг олдида мавжуд моддий дунё бир лаҳзалик кўнимгоҳ: «Бир лаҳзада дам олмай турибон, лаҳзада кетдим». ⁴

Б. Тўхлиев Машрабнинг Аршнинг кунгураси ҳақидаги фикрини шундай изоҳлайди: Олам уч қаватдан иборат: Ер ости, ер усти ва осмон. Арш юқори қават ҳисобланади. Лирик қахрамоннинг тафаккур имкониятлари жуда кенг. У ана ўша борлиққа — аршгача ҳам чиқа олади. ⁵

И. Ғафуров Аршнинг моҳиятини шундай талқин этган: «Арш-Коинот қаърида ердан қараганда ва одамнинг нигоҳи билан боққанда энг юксак макон. Унда Яратганнинг тахти ва Рухул-Қудс макон тутган. Бу ерда эса Яна ўша дунёга сиғмаган зот ўзини коинот кунгурасига оёқ босиб тургандек тасаввур этади.

У моддий дунёдан бутунлай юз ўгириб, йўқлик дунёсини, ломаконни хоҳлайди ва ломаконни соғинади. Бутун муҳаббатини ломаконга қўяди. Моддий, реал дунё уни бахтсиз ва бесарупо қилгани учунми?

Ёлғиз Яратганнинг муҳаббатини тан олгани ва излагани туфайлими?

Бу девоналик барча моддий нарсалардан ва лаззатлардан воз кечилгани сўнггида эришиладиган энг олий шуур эмасми?

Биз ўша байт орқали Машрабнинг коинот кунгурасининг устига оёғини қўйиб турган зот сифатида таниймиз». ⁶ Мутасаввуфлар инсонни комил деганда қуйидагича фикрлаганлар: «Яширин хазина эдим ,мени билиб танишларини истадим, маҳлуқотни яратдимки ,мени

¹ Ўша манба. 26-бет.

² Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. 211-бет.

³ Абу Ҳамид Ғаззолий. Мукошафат-улқулуб. «Янги аср авлоди», Тошкент, 2004, 30-бет.

⁴ Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Иккинчи китоб. 136-бет.

⁵ Б. Тўхлиев. Маккага ёрсиз бориш жоизми? 27-бет.

⁶ И. Ғафуров. Ҳаё – халоскор. 282-бет.

таниб билсинлар» Кудсий ҳадисда айтилганидек, борлиқлар олами Аллоҳни билиши учун яратилган.¹

Инсон руҳидаги маънавий сафарга тасаввуф таълимотида «сайри уружий» дейилади. Бу сафарини тугатиб «ву суп» мақомига эришган киши илоҳий ўзлигига қовушиб Ҳақнинг барча исм ва сифатлари зоҳир бўлган бир ойна ҳолига келади. Шу кишига «инсонни комил»² дейилади.

Мутасаввуфларнинг инсон ва комил инсон ҳақидаги барча изоҳларидан чиққан натижа қуйидагича: инсон оламнинг яратилиш сабабидир. У оламдаги мавжудотлар орасида энг камолга етганидир. Жисмоний тузилишининг асли тупроқ бўлиб, руҳий жиҳатдан энг аввал яратилгани инсондир, инсон руҳининг келиб чиқиши Ҳақнинг зотидир. Бир муршиди комилнинг тарбияси остида, нафс мартабаларини тамоман босиб ўтиб руҳан камолотга эришган киши, ўзидаги илоҳий исм ва сифатлар тажалли этган бир ойна ҳолига келади.³

Шу боис Муҳаммад (с. а. в.) «Мўминнинг фаросатидан кўркингиз, чунки у Аллоҳнинг нури билан қарайди» деганлар.

Машраб шеърятининг ғоявий оламида инсонпарварлик энг юксак ўринда туради. Машраб «Анал-ҳақ» – «Мен худоман» таълимотини яратган Мансур Ҳаллож йўлидан бориб, инсон мартабасини Илоҳ даражасида юқори кўтарган адабий сиймодир. Машрабнинг инсонга муҳаббати умумбашарий моҳиятга эга. Тангри жамолики мавжудот ичра энг мукаррам зот деб инсонни яратган. Ўзидаги энг гўзал фазилатларни унда мужассамлаштирган. Инсон дилида ўзига нисбатан оташин муҳаббат уйғотган. «Инсоннинг қалби – Худонинг уйи» дейилади ҳадисда. Бинобарин, одамзод юрагида Аллоҳ муҳаббати мавжуд экан, у Каъба сингари муқаддас, муборақдир. Одамнинг дил оламига кириш Каъбани зиёрат этишдек савоб. Одамнинг дилини оғритиш Каъбани вайрон этишдек гуноҳи азим. Машрабнинг инсонпарварлик нуқтаи назарича, инсонни севиш Аллоҳга муҳаббат боғлаш, инсоний камолотга эришиш, Ҳақнинг сифатларини ҳосил қилиш, ҳақиқатга етишиш билан баробар.⁴

Азалдан мен дили ғамгин халойиқ хайлини севдим.

«Дили ғамгин халойиқ» Машраб наздида Ҳаққа яқин комил инсон. Машраб комил пир топишни, унга мурид тушишни хоҳлаган, Машрабнинг пирлари – биринчиси мулла Бозор охунд бўлса, иккинчиси Офокхожа. Чунки Машраб Худонинг ошиғи, шунинг учун у «бир пири комил керак» деб ундан – Худодан пир сўраган:

*Тангдаст бўлган кишига ҳосили дунё керак,
Мен ўзум лаб ташнадурман, мавжиши дарё керак.*

*Кимки толибдур, жаҳонни борини юклар анга,
Ҳафт осмон борини кўтаргали бир фил керак.*

*Мен сирот устидадурман, тут қўлимни Қосимо,
Ҳар кими қурбига лойиқ бир улуг манзил керак.*

*Кимки маъшуқ жабрини ул чекмаса ошиқ эмас,
Маъшуқи Лайлисифат ҳам ошиқи Мажнун керак.*

*Бандалик осон эмасдур, эй жигарбандим, эшит,
Тиғи Ҳаққа халқни сўнмоққа Исмоил керак.*

*Даври Аҳмад ўтти деб, кўп йиғлама, эй Машрабо,
Ҳақ таоло раҳм қилса, бир пири комил керак.⁵*

Машраб ўша пири комилни топган эди. Пир, форсийда кекса маъносини билдирувчи, пир – тариқатда шу тариқат асосчиси бўлган мутасаввуфга айтилади. Тариқат анъанасига кўра, бир шайхга боғланиб, унга қўл бермагунча солиқ ёки ҳар қандай бир мусулмон Ҳаққа восил бўлолмайди.

¹ Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. 139-бет.

² Ўша манба, 140-бет.

³ Ўша манба, 141-бет.

⁴ Нусратулла Жумаҳўжа. Машраб ҳамма замонда исендир. Гулистон, 1998, 5-сон, 54-бет.

⁵ Машраб. Ғазаллар. «Ўзб. адаб. ва сан.». 1992, 15-май.

Шайх тариқатга кирган ва ўзига интисоб этган муридлар учун ҳар бир ҳаракати билан ўрнак инсон сифатида намоён бўлади. Шунингдек, шайх мурид учун йўл кўсатувчи, тарбияловчи ва муаммоларнинг ҳал бўлишида ёрдам берувчи киши ҳисобланади. Шунинг учун шайхнинг барча кўсатма-тавсияларига амал қилмоқ, бутун қалби билан унга боғланмоқ, уни маънавий ота ва устози деб билмоқ лозим. Мурид шайхига қанчалик қаттиқ боғланса, вуслат йўлида шунчалик тезлашади. «Умматим учун Набий қай даражада муҳим ўрин тутса, мурид учун ҳам шайхнинг аҳамияти шу даражададир» деган ҳадис ҳам нақл этадилар.¹

Муршид – инсонларни иршод этиш учун Аллоҳ томонидан вазифа берилган валийдир.

Мурид, дарвеш, солиқ булар тариқат шайхига байъат қилинган ва сайру сулуқини давом эттираётган кишига мурид, дарвеш ва солиқ дейилади. Мурид қабул этилиб, тариқатга олинган. Восил-сайру сулуқини тамомлаб, Аллоҳга восил бўлганлар.²

Машраб Аллоҳнинг васлига восил бўлган, тариқат пирининг этагини тутган, истаги Офоқхона даргоҳида қабул бўлган Комил дарвеш эди.

Хондамирнинг маълумот беришича, Султон Ҳусайн Бойқародан: «Салтанат соҳиби бўлмаганингизда нима иш ила машғул бўлардингиз?» — дея сўрашганда, «Нажмиддин Кубро мақбарасида жўробкашлик қилардим», – деб жавоб қайтарган экан. Нажмиддин Кубро ана шундай улуғ эҳтиром ва эътиборга тўла лойиқ валий зотдир.³

Машраб мешкобчилик қилди, мешда тоза сув ташиб, одамлардан дуо олди.

Тасаввуфда муршидга шундай изоҳ берилган. Муршид-тариқат пири, тўғри йўлга бошловчи раҳнамо. Муршиди Комил эса Ҳаққа етишган, фанофиллоҳ мартабасига юксалган вали.⁴

Сир эса – яширин, пинҳон нарса. Тасаввуфда Оллоҳ ила кул орасидаги яширин ҳақиқат. Тил ила изҳор этилмас маъно. Рух-ишқ, қалб-маърифат, сир-мушоҳада манзили эрур. Сир инсон вужудидаги руҳга ўхшаш бир латифлик. Рух қалбдан устун бўлганидек, сир руҳдан устун маънога эга. Сирни сирга улаш илоҳий бирликка етишмоқликни англатади.⁵

Офоқхожа Нажмиддин Кубро айтган тасаввуфдаги тариқат муршиди бўлиб, яширин, пинҳоний сирлардан воқиф, ҳақ – ҳақиқат – ғайб синоатларидан хабардор пир эди.

Офоқхўжа Махдуми Аъзам Хожаги Косонийга чеварадир. Машраб пири ва устози Офоқхожанинг қатта боболари Махдуми Аъзамнинг Даҳбеддаги хилхонасини зиёрат қилиш билан устозига чексиз ҳурматини изҳор этган:

*Неча бир кун Даҳбед ичра истиқомат айласак,
Хожаи Офоқни ҳам дам зиёрат айласак,
Қўл бериб, хизмат қилиб, гаҳ базми суҳбат айласак,
Рухсат олиб боз алардин роҳ азимат айласак,
Маъдани илму адолат деб Бухор истар кўнгил.*⁶

Толибу илм ота-онасининг дуосини олиши билан бирга таълим берадиган устозининг ҳам дуосини олиб, уларнинг назарига тушиб, юксак даражаларга эришиши лозим. Зеро, ота-она фарзандини моддий томондан едириб-ичирса, устозлар уларнинг руҳониятларини тарбиялаб, одоб-ахлоқ билан зийнатлаб, ҳидоят йўлини кўсатадилар. Шунинг учун ҳам доно халқимиз «Устоз отангдан улуғдир», дейишган.

Ривоят қилинишича, улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий ёр-дўстлари билан отда Ҳирот кўчаларидан кетаётганларида рўпараларидан бир ёш бола келаётган экан. Шунда Ҳазрат Навоий дарҳол отдан тушиб, ҳалиги болага марҳаматлар кўрсатиб, яна отга миниб, йўлларига равона бўлибдилар. Ёнидагилар бу воқеага ҳайрон бўлиб, «Ҳазрат, отдан тушиб, бола билан муомала қилишнинг боиси не?» деб сўраганларида, Ҳазрат Навоий: «Бу бола устозимиз ва пиримиз Ҳазрат Абдурахмон Жомийнинг набираси эрди. Шу сабабдин ҳурматини жойига қўйдим», деб жавоб берибдилар. Демак, ота-боболаримиз нафақат устозининг ўзига, ҳатто авлод-аждодига ҳам ҳурмат кўрсатишган эканлар.

¹ Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. 68-бет.

² Ўша манба. 69-бет.

³ Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. 29-бет.

⁴ Ўша манба. 229-бет.

⁵ Ўша манба. 240-бет.

⁶ Машраб. Девон. 2006, 421-бет.

Офокхожа вафотидан кейин ҳам Машраб у кишининг фарзандлари хузурига бир неча бор келиб, улар билан муносабатини узмай, Офокхожа рухониятларини эслаб, унга атаб газаллар битгани ҳақида маълумотлар бор:

*Туттим пирнинг этокин, охир йўлга бошлади,
«Йўлда қолгон гумроҳ деб Офокхожам хушладим,
Айди: « Кирган бу йўлга ўзлукини ташлади,
Ёди бирлан оҳ уриб, икки кўзин ёшлади,
Тинмай айдим саносин, хобу гафлат қолмади.*

*Ишққа қадам қўймасанг биллоҳ, маъшуқ топилмас,
Мунда жафо чекмасанг дари раҳмат очилмас,
Бағринг кабоб ўлмаса, кўздин ёшинг сочилмас,
Йўл устида йўл бўлмай, нафси шайтон чопилмас,
Дебон тирим май берди, дилда ҳасрат қолмади.¹*

Машраб азиз авлиёларни, пиру устозларини зиёрат қилиб, бу инсонни комил бўлган зотларнинг рухониятларига бағишлаб шеърлар ёзди. Шоҳ Машраб Ўшга бориб, тахтни зиёрат қилиб, Осаф Ибн Бирхиёни остоналарига келиб, бу муножотни ўқудилар:

*Тавофи остонингга гарибу нотавон келдим,
Умид айлаб мадад сандин бу чаими хунфишон келдим.*

*Талаб айлаб висолингини, кўрарман деб жамолингини,
Бўлиб булбули нолони, қилиб оҳу фиғон келдим.*

*Қалам ёзгон экан манга буни наҳни қасамнода,
Муҳаббат тиги андози билан чун бағри қон келдим.*

*Юрубдур дарбадар йиғлаб, бўлиб лабташна бул Машраб,
Шароби маърифат излаб чу лоли бағри қон келдим.²*

Машраб Офокхожадан «Шухрат талабнинг кейнидан офат келур» деб Офокхожадан хатти иршод олмаган. Яъни пири муридлик рутбасини олишни хоҳламаган, «қўл олмаган», дарвешликни ихтиёр этиб, ҳирқа кийган:

Шухратим Офоқ олар деб Машрабинг қўл олмади.

Бу энди комилликнинг энг юқори нуқтаси деса бўлади. Чунки тасаввуфдаги комил инсон мақоми дарвешлик, фақирлик ва гадолик, ишқ йўлидаги талабнинг моҳияти шу ўзи.

Комил инсон ғоясини таҳлил этган Н. Комилов пайғамбар ва авлиёларнинг ўз хаётларини қурбон қилиб, Ҳақ васлига етишларининг туб сабаб ва унинг илдизлари ҳақида маълумот беради: Иброҳимни оловга ташлаган Намруд, Мусони таъқиб этган Фиръавн, Исони англамай чормих этган яҳудийлар қанчалик гумроҳ, гуноҳкор бўлсалар, Мансур котиллари ҳам шунчалик гумроҳдирлар.

«Кимки ўзини англаса, Раббини ҳам танийди» деган қуроний оят яна шунга ҳидоят этадики, кимки ўзини англаса, у оламни англайди, илоҳий сиру асрор, ғайб ҳикматидан бохабар бўлади ва:

Пиру комилсан, ҳақиқат бобида дарёйи ҳол,

дея олади ўзига ўзи. Ҳатто ҳонақо ҳам Машраб учун муқаддас жой эмас. Ҳолбуки, ҳонақо сўфийлар йиғиладиган ва шайх-пир раҳбарлигида мурид-соликлар тарбияланадиган жой. Лекин Машраб «ҳонақодан қочиш»ни маслаҳат беради, чунки бу ҳам зоҳирий даргоҳ, чин ошиқ бу ерга ҳам сиғмайди...»³

Машраб пири комили Офокхожанингни олдига кейинги боришларидан бирида «Кони зар, толиби заргар», «шуълаи аҳгар» бўлишни, еттинчи осмонга чиқиб Исосифат, ташналарга соқийи кавсар бўлишни ва комил инсон бўлишликни Оллоҳдан сўрайди.

Муҳаммад пайғамбардан олдин келган христианликнинг асосчиси Исо пайғамбардек Машраб нега ҳафт осмонга чиқишни хоҳлаб қолди? Фаришта Жаброил биби Марям олдига

¹ Машраб. Девон, 2006, 391-бет.

² Машраб. Девон, 2006, 148-бет.

³ Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Иккинчи китоб. 137-бет.

келиб, унга муқаддас рух тушишини ва иффати сақланган ҳолда болага ҳомиладор бўлишдан огоҳлантиради. Исо туғилади, аммо яҳудийлар золим ҳокими Ирод бундан хабар топиб барча чақалоқларни ўлдиришни буюрди. Улар Мисрга қочиб кетиб жон сақлашади, Исо мўжизалар кўрсатиб, ўликларни тирилтирган, кўрларни, майиб-мажруҳларни даволайди. Қуддус аҳолиси худонинг ўғли ва одамзотнинг халоскори бўлган Исони тошбўрон қилиб, Галгофа тоғида катта ёғоч санамга тириклай михлаб ташлайдилар.

Исо ўлдирилгандан кейин мўъжиза рўй бериб, осмонга кўтарилиб кетган, у келажакда тириклар ва ўликлар устидан ҳукм чиқариш учун охират куни ерга қайтиб келади.¹

Жўзжоний Исонинг сўнгги кунлари ҳақида шундай ёзади: «Исонинг можароларга тўла ҳаёти айниқса охирги кунлари ниҳоят оғир, азоб-уқубатли бўлиб ўтган. У ҳақиқат ғалабасини таъминлаш ва адолатни ўрнатиш йўлида олиб борган изчил кураши учун душманлар томонидан дорга осилиб, ваҳшиёна тарзда қийналган. Шу жиҳатдан Машраб ўз тақдирини унга ўхшатади, баъзан Исосифат бўлиб, ҳатто ундан ҳам юксакроқ даражага кўтарилгиси келади:

*Бўлибман кони зарман, толиби заргар бўлай дерман,
Самандардек тутошиб шуълайи ахгар бўлай дерман.*

*Ҳақиқат кўчасида раҳнамои интизоринг ман,
Тамоми аҳли гафлатларга пайғамбар бўлай дерман.*

*Бошим ҳафт осмонга етса ман Исосифат бўлсам,
Худо даргоҳида ман мунданам беҳтар бўлай дерман.*

*Мани комилсифат эт, офтоби нурдин Машраб,
Буюрсанг ташналарга соқийи кавсар бўлай дерман».*²

Филология фанлари доктори Фозила Сулаймонова Исо Масихни шундай талқин этган: «Алишер Навоийгача бўлган адабиётда, хусусан, шоир ижодида, ундан кейинги даврлар Шарқ адабиётида Масих образи, ўликка жон киритувчи, тирилтирувчи, нажот берувчи афсонавий шахс образи кўплаб учрайди. Масих, бу Исо пайғамбар.

Инжилда замонлар ўтиб дунёга машиах, яъни яҳудийларни қутқарувчи пайғамбар келади, дейилган. Исо пайғамбар Иудейнинг (ҳозирги Исроилда) Назарет деб аталган жойида дунёга келган ва ўзи асос солган таълимотни тарғиб қилган эди. Исо Христос – яҳудийча «Ёшуа машиах» (яҳудийларнинг қутқарувчиси) қишлоқ, шаҳарлар кезиб уч йилча яҳудийларни янги динни қабул қилишга ундайди.

Рим империясининг ҳокими Ироднинг буйруғи билан римликлар одати бўйича хочга тортиб михлаб ўлдирилади. Исавийларнинг хочга сиғинишларининг боиси ҳам шунда. Масих ибораси яҳудийча «машиах» арабча «масих» тусини олди, «қутқарувчи» сифати эса «тирилтирувчи», «жон ато этувчи» ва нажоткорга айланди.

Исо пайғамбарнинг янги бир сифати «Рухуллоҳ», яъни, «Оллоҳнинг руҳи» демакдир. Бу ибора, Исонинг илоҳиятдан пайдо бўлишига ишорадир».³

Машраб шунинг учун ёзади:

*Ҳам чу Солиҳдек бу йўлда ноқатулло изладим,
Орзуманди тажаллийи нури мавло изладим,
Қатраман, вақти саҳар бўлганда дарё изладим,
Гоҳ дунё деб югурдим, гоҳ уқбо изладим,
Ҳамроҳи Исо бўлуб осмонда юрдум ахтариб.*⁴

«Қиссаи Машраб»да ҳам инсон баркамоллиги, унинг комилликка етишуви ҳақида ривоятлар бор. Машраб ишқ тажаллийсидан бошқа нарсани кўрмайди. Кўнгли Тур тоғига айланиб кетган ошиқ бутун вужуди ва тафаккури билан курб (илоҳиётга яқинлашиш) ва вуслат мақомига интилади:

¹ У. Жўраев, Й. Саиджонов. Дунё динлари тарихи. «Шарқ», Тошкент, 1998, 86-87-бетлар.

² Қиссаи Машраб. 78-бет.

³ Фозила Сулаймонова. «Масих»нинг маъноси. «Фан ва турмуш», 1993, 1-сон, 26-бет.

⁴ Машраб. Девон, 2006, 378-бет.

*Кўнглумдур ишиқ Тури, тушиди тажаллий нури,
Ҳар ер анинг зухури, шаъми жаҳон эмасму?*

Ошиқнинг қалби Тур тоғи. Фавқулудда гўзал ташбех, беқиёс ўхшатиш. Ҳазрати Мусо ва Тур тоғи билан боғлиқ воқеаларга ишоралар «Қиссаи Машраб»нинг турли ўринларида турлича муносабатлар билан келтирилган. Шоир қалбида бу воқеаларга яқинлик, уйғунлик бор. Тоғки дош бера олмаган тажаллий нурига инсон қалби қандай бардош берар экан? Машраб замин у осмонда, гулзору гулда, куёшу ойда, олам ва одамда, тоғу тошларда, ҳаёт ва ўлимда, қалбининг тизгинсиз ғалаёнларида, кўйинги, моддий ва маънавий ҳодисотларнинг барчасида Аллоҳ тажаллийси нурини кўради. Беором ва беқарор кўнгил ҳамиша мана шу нурга талпинади.¹

*Элик йил Ийсо билан юрдум ўлукни тиргузуб,
Боиси бир нуктадин Машраб замонга сизмадим,*

дейди у Исо ҳақида.

«Қиссаи Машраб»да Машраб – Ҳусни мутлақдин файз топган авлиё барҳақ сифатида гавдаланади. Бу файз унинг фақат нурли аъмолларидагина эмас, балки сувратида, ташқи киёфасида ҳам жилоланади. Маърифатда комил пирлардан баҳра олган Ҳақ йўлидаги бу девона қаерга борса, ноқис ва ғофил бандаларга маърифат етказади, қалбларини ҳақиқат нурлари билан мунаввар қилади.

Қалби мусаффо, фазли дарё бўлган дарвиш – Машраб учун Маъшуқи азал ризолиги ва унга яқин бўлишдан ўзга кўнгилга фароғат этадиган ҳеч нарса бўлмаган. «Эй бандам, менга бир қарич яқин келсанг, мен ҳам сенга бир қулоч яқинлашаман», – дейилади Қуръони каримда. Машраб мана шу яқинликдан сархуш ошиқ. Шу сархушлик туфайли у бир умр «қозондек қайнаб тошди», «оламга сизмасдан» яшади. Оламлар хожасига яқинлик ва ризолик охир-оқибат уни ошиқлар шоҳига айлантирди.²

Ҳазрати Исо ҳар қанча уруж қилиб осмонларга кўтарилган ва кибриё ҳаримида яшайдиган бўлса ҳам, ҳақ дийдорини кўришга муяссар бўлгани йўқ:

*Исий руҳпарвар, тарки таалуқ айлар,
Кўк саҳнида қаландар, яхши макон эмасму?*

Машраб висол давлатига эришиш учун «ёри-ғор» бўлишини орзу қилади. «Ёри-ғор» атамаси ҳижрат жараёнида ҳазрат пайғамбаримиз билан ўз тақдирини боғлаб, унинг йўлдоши, паноҳ излаган ғор ичида унинг суҳбатдоши, содиқ ва мухлис дўсти сифатида, у билан хатарли онларни кечирган биринчи халифа Абубақр Сиддиққа берилган лақаб бўлиб, Қуръонда «Сони иснайниз ҳумо филғор» (ғорда бўлган икки кишининг бири, иккинчиси) каби сўзлар билан унга ишора қилинган.

*Исий чиқиб ҳаво уза, кўрмади маъшуқи юзин,
Ишиқнинг ўтига ман қўйиб, биллоҳи ёри – гор ўзум.*³

Инсониятнинг охирги пайғамбари Ҳазрати Муҳаммад (с. а. в.) аёл номини улуғлаш, унинг шаънини кўтариш, хотин-қизларнинг ҳуқуқини белгилаб беришда фақат ислом умматига эмас, ўн беш асрдан буён бутун кишилик жамиятига ибрат ва намуна бўлиб келяптилар. У зотдан ривоят қилинган ҳадисда айтилган: «Ўз хотинига меҳр-шафқатли бўлган кишилар ораларингиздаги энг яхши кишилардир». Пайғамбар уч нарсани яхши кўрган. Биринчиси – хушбўй гулларни – илмли кишилар хушбўй гулга ўхшаб, ўзларидан анвои, муаттар, ёқимли ҳид таратади, ҳамма унинг атрофига, зиёсига талпинади. Иккинчиси – аёлни, аёл бу сулҳ, тинчлик, осойишталик ва гўзаллик рамзи. Учунчиси – жойнамозни – бир кунда беш марта покланиб, Аллоҳ билан юзлашиб, намоз ўқиган киши Худодан кўрқади, ўзгаларга ёмонлик қилмайди.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг аёллари ҳам у зотга нисбатан чексиз ҳурмат, садоқат, итоат, муҳаббат намуналарини кўрсатишди. Биринчи завжалари Ҳадичаи Кубро қабиланинг энг обрўли, бадавлат, насабли ва гўзал аёлларидан эдилар! Бу оқила аёл Пайғамбаримиз (с. а.

¹ Зиёда Машарипова. «Қиссаи Машраб»да ошиқ тимсоли. Тўплам. 93-бет.

² Ўша манба, 96-97-бетлар.

³ Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. 143-144-бетлар.

в.)нинг ҳалол, хушхулқ ва ростгўйликлари туфайли ўзлари совчи қўйиб у зотга турмушга чиққанлар. Бутун бойликларини, меҳр-муҳаббатларини қўш қўллаб тутганлар. У зотнинг Исломи динини ёйиш йўлидаги машаққат-азобларига шерик бўлдилар, қийин кунларида юпанч, далда бердилар, чинакам сафдош ва сирдош бўлдилар. Кенжа завжалари ҳазрати Ойша (р. анҳо) пайғамбаримиз (с. а. в.)дан энг кўп ҳадис ривоят қилган сафдошларидан бўлдилар. У зотнинг кўрсатма ва даъватларини Исломи умматига ёйишда энг кўп жонбозлик қилдилар. Пайғамбаримизнинг қизлари Фотимаи Заҳро ҳам имом Ҳасан-Ҳусайнлардай табаррук инсонларга ҳаёт берган, тарбиялаган энг олижаноб аёл сифатида тарих қатларига муҳрланганлар.¹

Шарқда аёлни улуғламаган, унинг шаънига бирор оғиз мадҳия, мактов битмаган алломаи шоирни, фузалои мутафаккирни топиш қийин. Мавлоно Жалолиддин Румий ҳазратлари дунёни ҳайратга солган шоҳ асари «Маснавий»да шундай ёзади:

*Аёл – Аллоҳ нури, оддий жононмас,
Яратур, яралган ошуфта жононмас.*

Мавлоно Абдурахмон Жомий ўзининг «Нафаҳот ал-унс» асарида шундай дейди: «Барча аёллар биз тилга олиб ўтган аёллар каби бўлганларида эди, аёллар эркакларга қараганда анча устунроқ бўлган бўлардилар». Мавлоно Жомий айтган аёллар мол-мулк ва нафс, роҳат-фароғатдан воз кечиб, Аллоҳ ва эр розилигини топмоқчи бўлган саодатманд хотин-қизлардир.

Олмониялик таниқли олима Аннемарис Шиммер хоним «Жонон менинг жонимда» номли китобида ёзади: «Исломи жамиятида энг катта ҳурматга лойиқ зот – аёл, аниқроғи она ҳисобланади. Бу ҳол Пайғамбар алайҳиссаломнинг «Жаннат – оналарнинг оёғи остидадир» деган ҳадиси шарифларида яққол баён этилган. Исломи дини нозил этилган кундан бошлаб ҳозирги кунларгача тақводор, зиёли ва ёлғиз Аллоҳ таолони севгучи аёллар бўлган, бор ва бўлади».²

Машрабнинг онаси комила бўлган она Салимабиби нозиктаъб, нуктадон шоира бўлган. Синглиси Моҳибадр («Тўлин ой») ҳам фозила шоира бўлган.

Машраб мулла Бозор охунддан сабоқ олиб бўлгач, Қашқарга жўнайди. Ҳар қандай она каби Салимабиби учун ҳам ўғилни мусофир юртга илм олиш учун юбориш осон кечмаган кўринади. Ҳолбуки, Машраб «қол букун» радифли ғазалида ортидан йиғлаб қолаётган онага тасалли бериб, кўз ёш тўкмасликни, уни дуо қилиб туришни, мардона бўлишлигини, она ундан зарра вафо кўрмаганлигини, унинг қалбига ишқ тушганлигини жону устихони илм иштиёқида ёнаётганини, у пир хизматида йўл олганлигини, она Каъбаи қибласи эканлигини айтиб, унинг яхши қолишини илтижо қилади:

*Жоним онам, йиғлама, бечора онам, қол букун,
Абри найсан кўзларинг, дурдона онам қол букун.*

*Чун дуои хайр этгил, фараҳ бунёд этиб,
Ожизу бечорига ҳамхона, онам, қол букун.*

*Жон чекиб сан бир неча фарзанд камолин айладинг,
Кўрмадинг зарра вафо, гирёна онам, қол букун.*

*Машраби бечора пирнинг хизматида олди йўл,
Каъбаму қиблам маним, ҳамхона онам, қол букун.*³

Шунингдек, Машраб оналари вафотида ҳам қаттиқ қайғуради. Ҳазрати подшоҳим марҳамат қилиб айдилар: «Эй Машраб, онангни зиёрат қилғил, санинг кушанданг Балх шаҳрида подшоҳи Маҳмуддир», – деб Машрабнинг ҳақиқа дуои хайр қилдилар. Андин сўнг Машрабга руҳсат бердилар.

Машраб Наманган сари йўлга тушади. Унинг ҳамроҳлари йўлга талқон оладилар. Машраб талқонни қолдиртиради. Улар йўлда уч кун оч юрадилар. Машраб ҳолдан тойган шерикларига қозонсиз, ўтинсиз ҳолва пишириб беради: Шундан еган киши албатта пири

¹ А. Муҳаммад. Аёл – Аллоҳ нури. Хуррият. 2003, 1 октябрь.

² Ўша манба, ўша жой.

³ Машраб. Девон, 2006, 230-бет.

комил бўлур. Асалдан ширинроқ ютуб шул замон мардони Худодин бўлди ва аҳли диллардин бўлуб камолот ҳосил қилди. Демак, Машрабга ҳамроҳ бўлиб юрган ҳамнишин ва шериклари, унинг сир-синоатли авлиелик кароматларини кўриб, очликка чидаб софдил бўлдилар, унинг наздида комиллик мақомига эришдилар.

Машраб Андижон йўли билан ўтиб Наманганга келади. Орадан ўн саккиз йил ўтган, онаси ҳолидан хабар ололмаган эди: «Эй Машраб, сани кетганинг ўн саккиз йил бўлубтур, аввал хабар олғилки, анонг борму, ё йўқму?» деб оҳиста келиб эшикдин қародиларки, чароғ ёниб турибдур. Аноларини сочлари оқариб, фарзанд фироқида йиғлаб, кўзлари кўр бўлубдур, кулоқ солдиларки, анолари Аллоҳи таолога муножот қилиб, йиғлаб ўлтурубдурлар.

Машрабнинг келганидан хабар топган оналари беҳуд бўлиб йиқилади. Сингиллари ҳам келади. «Эй болам, эшикни очкусини тополмай турубдурман. Эшикни ёруғдин этогингни узатгилки, кўзумга суртай», – дедилар. Шоҳ Машраб жандаларини этагини узатдилар анолари ушлаб, кўзлариға суртуб муножот ўқудилар:

*Худовандо, улуг зотинг сифотинг кибриё ҳаққи,
Ҳабибинг Мустафоу чори ёри босафо ҳаққи.*

*Хусусан руҳи Абубакру Умар, Усмону Зиннурайн,
Шоҳи соҳибқирон, яъни Алиййи Муртазо ҳаққи.*

*Мани бечорау саргаштани оввора ҳолига,
Иноят қил, Ҳасан-бирла, Ҳусайни Карбало ҳаққи.*

*Не бўлгайким, иноят кўзи бирла бир назар солсанг,
Расулунг ҳурматидин мустажоб ўлгон дуо ҳаққи.*

*Ҳазин кўнглумни шод этгил, ҳарими Каъбайи аъзам,
Ки тўқсон тўққиз отингу сифотинг кибриё ҳаққи.¹*

Дарҳол кўзлари очилиб, бино бўлди. Муножот қилиб дедиларки: «Эй Худоё, мани фарзандим кўзини ёши ҳурматидан кўзумга ёруғлиқ бер», – деб жандани этогини кўзларига суртдилар. Шул соат кўзлари равшан бўлди. Ташқари чиқиб Машрабдин уч мартаба айланиб «Сандин розидурман», – деб Худойи таолоға муножот қилиб айдик: «Эй бор Худоё, эмди омонат жонимни ол, санга топширдум, «Оллоҳу акбар», – деб жон баҳақ таслим қилдилар. «Қолу инно лиллоҳи ва инно илайҳи рожибун».²

*Дориго дунёдин ўтти, жамиъи беку султонлар,
Қаро ерга ниҳон бўлди ҳама кокил паришонлар,
На мардонлар фано бўлди, бу дунёдин муслмонлар,
Қаро ер остига кирди ҳама хон бирла ҳоқонлар,
Ғаниматдур биродарлар, ки бизга ушбу давронлар.³*

*Бул ўлум зор йиғлатиб қилди мани барги хазон,
Танда дармон қолмади, бўлдум заифу нотафон,
Бул огир юк остида бўлди қадим мисли камон,
Бўлмасун олам элида ман каби бехонумон,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?*

*Эрка ўстум, дардмандлик бирла одат қилмадим,
Ҳар тараф елдек юруб, тўқлуққа тоқат қилмадим,
Ҳарза юрдум, бир шаҳарда истиқомат қилмадим,
Эй азизим, ман санга жон бирла хизмат қилмадим,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан.*

*Айланиб фарёд этарман халқ аро парвонавор,
Сабр-тоқат қолмади, эмди бўлибман беқарор,
Бўлмасун ҳеч ким менингдек булбули беъътибор,
Хизматингда ҳозир ўлмай Маширабингдур шармисор,*

¹ Қиссаи Машраб, 91-бет.

² Қиссаи Машраб, 92-бет.

³ Қиссаи Машраб, 92-бет.

*Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан.*¹

Тадқиқотчи Ж. Нутфуллаева Машрабнинг Наманганга Андижон орқали келишини Андижонга қайтиб онаси ва синглиси билан кўришади деб, унинг туғилган жойини Андижон деб келтирган. Тадқиқотчи юқоридаги шеър ҳақида шундай фикрни илгари сурган: «Шоир онасини мусулмонларнинг энг муқаддас қадамжоси Каъбатуллоҳга қиёс этади. Бу масканга эса дилни покламай бориб бўлмайди, она хузурига ҳам ҳудди шу тарзда ташриф буюриш зарур. Она ўз фарзандини кутмаган дақиқанинг ўзи бўлмайди, лирик қаҳрамон – қаландар ўғил эса уни фироқ ўтига ташлаганидан афсусланади, азобланади, энди эса уни тавоф қилмоққа келди, бу ўғилнинг дил мақсади. Шоир ўз байтларида онани Каъбага қиёслаш орқали унинг муқаддаслигини, мўътабарлигини, улуғлигини, дийдори фарзандлар учун ҳамиша дил орзуси бўлиши кераклигини таъкидлайди».²

Нусратулла Жумаҳўжа Алишер Навоийга бағишланган жуда кўп тадқиқотлар олиб бориб, ўзи ҳам Навоийдан жуда кўп илм ўрганганлигини, унинг шахсияти ва ижодиётини ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб этиш орзуси эканлигини мамнуният билан қайд қилиб ёзади: «Навоийнинг Ватанимиз, ҳатто ўзимнинг тақдиримда тутган ўрни ҳақида ўйласам, унинг нақадар авлиёсифат бир зот эканига яна бир бор имон келтираман. Навоий бир шоҳбайтида башорат қилиб айтган:

*Кишиким қилса олимларга таъзим,
Қилур гўёки пайғамбарга таъзим.*

Чунки пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бир ҳадиси шарифларида айтибдилар: «Олимлар пайғамбарнинг ворисларидирлар». Навоий эса олимларнинг алломаси. Олимни сийлаш пайғамбарни сийлаш билан баробар экан, пайғамбарни сийлаш Оллоҳнинг назарига тушиш демакдир».³

«Шахсан ўзим ҳам Навоийдан кўп барака топдим. Шоир даҳосидан ҳали кўп умидворман. Навоий менинг яқин устозим, дўстим, сирдошим, маслаҳатгўйим, насихатгўйим, кўнглимга дард соладиган, дардимни оладиган дардкашим, доимий ҳамдамим, ҳамроҳим бўлиб қолди. Навоийнинг муродбахш шахсияти ҳамда ижодиётини тадқиқ ҳамда тарғиб этиш, ўқитиш, ўргатиш умрбод орзум бўлиб қолган ва шундай бўлиб қолади».⁴

Машраб ҳам шоҳбайтида башорат қилиб ёзган:

*Олими нуктадон манам, пири ҳидояхон манам,
Шухрати шеър бобида Машраби мўътабар ўзум.*

Комил инсон Машраб, пирига ўзини ҳидоя қилган, шеърият бобида шухрати оламини тутган, оламга ёйилган, у олими нуктадонлиги, азизу муқаррамлиги боис мўътабар инсон.

Буни жуда кенг шарҳласак бўлади, аммо мазкур сатрлар муаллифи ва бошқа омма шоир Машрабнинг авлиёлигини, у ўзини Ҳаққа бағишлаган фақир гадолигини, аммо мартабаси Илоҳ ва биз – омма олдида баландлигини ҳис қила оламиз. Шу боис Нусратилла Жумаҳўжа Навоийдан қанча кўп нарса олган бўлса, мен ҳам Машрабдан шунча кўп олишга ҳаракат қилаётганимни, бироқ олганларим ҳали мени қаноатлантираётган эмаслигини, ҳали ундан кўп олишим кераклиги, унинг шахсияти ва ижодиётини тадқиқ этишга ҳамда тарғиб қилишга, у менинг маънавий устозим эканлигини эътироф этишга, унинг ҳали ўрганилмаган қирраларини, комиллик тимсоли эканлигини оммага билдириш бурчим эканлигини англаб бормоқдаман.

А. Абдуғафуров Машраб лирикасидаги комил инсон образини шундай тасвир этади: Машраб ўз лирикасида ҳар томонлама комил, чиройли танҳо ёр образини чизади. У қотиб қолган, ҳаётдан айрим яшайдиган қандайдир афсонавий мавҳум образ эмас, унда бутун инсоний хислатлар мавжуддир. Шоир тасвирида у кишини бир боқишда ўзига мафтун эта оладиган баркамол ва бенуқсон: ҳатто «у дунё» хуру ғилмонлари уни кўрганларида ҳайрон

¹ Машраб. Девон. 458-бет.

² Ж. Нутфуллаева. Машраб ижодида кўнгли ва Каъба талқини. Тил ва адабиёт таълими. 2003, 6-сон, 28-бет.

³ Нусратилла Жумаҳўжа. Абдий даҳо. Тафаккур, 2001, 2-сон, 29-бет.

⁴ Ўша манба, ўша бет.

бўлиб, лол қоладилар, ўзларининг кусурли эканликларини тан олиб, унга чўри бўлишга рози бўладилар.

У шу қадар гўзал ва жозибадорки, лирик қахрамон унинг васли учун ҳар нарсдан, ҳатто диндан, имондан ҳам кечишга тайёр.¹

*Сени кўрдим ҳама элни унуттум,
Жаҳон лаззатидин кўнглум совуттум.*

*Сенга бердим дили жонимни ул дам,
Беҳишти жовидон таркини туттум.*

Машраб тахминан 1675 йилларда мулла Бозор охунд тавсиясига кўра ўша замонда катта обрўга эга бўлган йирик дин арбоби қашқарлик Ҳидоятулло Офоқхожа эшон ҳузурига боради. Бобораҳим кўп билимлар соҳиби, фозил Офоқхожага мурид тушади, уни ўзига муршиди комил деб қабул қилади ва етти йил унинг даргоҳида хизматини ўтайди, юмушларини бажариб, сабоқ олади, муридлари қаторида кун кечиради. Қиссаларда таъкидланишича, шеърятни юксак қадрлаган Офоқхожа Бобораҳимнинг ижодий иқтидорини юқори баҳолайди, ҳатто «Машраб» тахаллусини ҳам у тавсия этади. Машраб ғазалларининг бирида учровчи мана бу байтда ҳам худди шу мазмун ифодаланган:

*Қуддиса сирриху хожам отимни «Машраб!» дедилар.
Қошғару Ёркенг ичида соҳиби гуфтор ўзум!²*

Асл шоирларни бежиз халқнинг виждони дейишмайди. Виждон эса мудом уйғоқ бўлади. Уйғоқ виждон билан ижод қилган шоир элнинг дарду аламини, шодлигу қувончини ўзиники деб билади. Уйғоқ виждони билан ижод қилган шоир шу элнинг иззат-ҳурматиға, муҳаббатига, самимий эҳтиромиға, таъбир жоиз бўлса, Халқ Муҳаббатига сазовор бўлади.

Уч ярим асрдан бери Халқ Муҳаббатига сазовор шоирлардан бири Бобораҳим Машрабдир. Тадқиқотнинг шу қисмида Машраб тахаллуси ва унинг маъноси, тарихда нечта Машраб тахаллусли шоирлар ўтган, шулар ҳақида ҳам мухтасар маълумот беришни лозим деб билдик.

Адабиётшунос олим Эргашали Шодиев «Навоийнинг адабий тахаллуслари» тадқиқотида улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг тахаллуслари ҳақида фикр юритиб ёзади:

*Ўйлаким ҳар кимса неким қилгуси,
Баъзи шита бор онинг бир белгуси.*

*Ким бу Саъдий ё Низомийнинг дурур,
Ё бу Ҳисравнинг, бу Жомийнинг дурур, –*

сатрлари Алишер Навоийнинг «Лисонут-тайр» достони хотимасида келтирилган. Шоир адабий тахаллусни ҳар бир муаллифнинг белгиси, тамғаси ёки муҳри деб ҳисоблар эди. У ўзи ижод этган асарларига адабий тахаллуслари орқали имзо чекиб, уларни авлодларга мерос сифатида қолдирган эди.

Алишер Навоий адабий тахаллуслари юзасида сўз борганда уни асосан икки тахаллус «Навоий» ва «Фоний» тахаллуслари билан ижод этган деб юритиларди. Навоий нафақат туркийда, форсий шеърларида ҳам Навоий ва тожикча ва ўзбекча асарларига ҳам «Фоний» тахаллусини қўллаган эканлар. Садриддин Айнийнинг «Тожик адабиёти намуналари», «Оташқадаи озар», «Осори Ҳирот» ва бошқа кўплаб илмий асарларда Навоий «Фоний» тахаллусини қўллаганлиги келтирилган.³

Бобораҳим Машраб адабий тахаллуслари бўйича жуда кўп адабиётшунос ва тадқиқотчилар фикр юритиб, шоир нега бу тахаллусни танлаганлигини ва қанча Машраб тахаллусли шоирлар ўтганлигини ёзиб кетган ва ҳамон ёзмоқдалар. Исматуллоҳ Абдуллоҳ, Жамолиддин Юсупов, Бойбўта Дўстқораев, Пўлатжон Қайюмов, Эргашали Шодиев, Аҳмад Убайдуллоҳ, Абдулла Жаббор, Ғуломхон Ғафуров, Жўраҳон Раҳимов, Алихон Халилбеков,

¹ А. Абдуғафуров. Эрк ва эзгулик куйчилари. 135-бет.

² А. Абдуғафуров. Бобораҳим Машраб. Буюк сиймолар, алломалар. 47-бет.

³ Эргашали Шодиев. Навоийнинг адабий тахаллуслари. Адабий мерос, 1990, 5-сон, 24-бет.

Одилжон Носиров, Дилором Ҳамроева ва бошқалар бу тахаллус ўзига олган маъно ва мазмунни, ундаги илоҳийлик билан бирга шарҳ этмоқдалар.

Эргашали Шодиев «Шоир Машрабнинг адабий тахаллуслари» илмий тадқиқий мақоласида Муҳаммад Шариф Гулҳаний кейинроқ ўзига «Журъат», Муҳаммад Шариф Узлат «Узлатий», бошқа шоирлар ҳам ҳаётидаги ва дунёқарашидagi муҳим ўзгаришлар шоирнинг бир неча тахаллус танлашга ва ўз тахаллусини ўзгартиришга сабаб бўлганлиги келтирилган. Баъзан ижодий изланиш чоғларида танланган тахаллус кейинроқ улғайган, тажриба пайдо қилган пайтда шоир табиатига мос тушмай қолиши сабабли ҳам ўзгартирилиши мумкин.¹

XVII аср ва XVIII аср бошларида яшаб ижод этган иқтидорли ўзбек шоири Раҳимбобо мулла Вали ўғли Машраб бир неча тахаллус билан ижод этган. Машраб ҳақида тадқиқот олиб борган ва алоҳида адабий-танқидий очерк яратган Муҳсин Зокиров унинг тахаллусларига эътиборсиз бўлган. Унинг Машраб ҳақидаги нашр эттирган китобида шоирнинг:

*Шеъра мужаррадим мани олама берса равнақи,
Чиқса лаҳаддин «оҳ» уруб Мавлавий бирла Мушфиқий,
Саъдиго Жомий айтадур анда на қилғуси Нақий,
Банда имом, имом, имом миннати ўзгадин тақи,
Йўқтур табиба ҳожатим дардима ҳам даво ўзум,²*

сатрлари келтирилади. Бу сатрлар Машрабга тааллуқли эканлиги шубҳасиздир. «Умам» тахаллусини шеърда уч марта такрорлаган, адабиётшунос араб ёзувидаги «алиф» ва икки «мим»ни «имом» деб ўқиган, ваҳоланки, бу сатрни:

«Банда Умам, Умам, Умам миннати ўзгадин тақи», – шаклида ўқиш ва ёзиш тўғри бўларди.

Адабиётшунос О. Носиров унинг бошқа тахаллуслари ҳақида ёзади: «Машрабнинг «Махдий» ва «Зинда» деган бошқа тахаллуслари ҳам бўлган. Бироқ бу тахаллусларни қўллаб у оз шеър ёзганлиги сабабли кейинги тахаллуслари унча шуҳрат тутган эмас».³

Шоир танлаган асарларига ёзилган сўзбошида В. Раҳмонов бу масалага тўхталиб, «...ўнлаб Машраб девонлари ва «Девони Машраб» китобларининг энг қадимий ва мўътабарроқ нусхаларида Машрабнинг Махдий, Риндий ва Умам тахаллусларидан фойдаланганлиги» уқтирилади ва шу тахаллуслар кўйилган шеърлардан намуналар келтирилади.

Э. Шодиев В. Раҳмонов айтган «Зинда» тахаллусини бирорта шеърда учратмаганлигини таъкидлайди ва у ёзади: «Ҳақиқатда ҳам, бу истеъдодли шоиримиз «Машраб» тахаллусидан ташқари «Умам», «Ринд», «Меҳр», «Махдий», «Мирзо» тахаллуслари билан ижод этган».⁴ Биз қўлга киритган маълумотларга кўра, шоир ёшликдан юқоридаги тахаллуслар билан кўплаб шеърлар ижод этган, «Машраб» тахаллусини эса кейинроқ қўллаган ва шу кейинги тахаллус билан халқ орасида шуҳрат қозонган кўринади.

Наманганлик адабиётшунос Абдулла Жаббор «Исмингиз нима, шоҳ Машраб?» илмий мақоласида ўзбек мумтоз адабиёти тарихини шеърятини билан беаган шоир Машраб шахсини ҳаётлик чоғидаёқ афсонага айланганини, замондошлари эътирофини, уни кимлар севганини, олимлар мунозарасини, тахаллус ва ҳақиқий исми ҳақида фикр юритиб куйидагича ёзади: Машраб ижодида «Махди» (тухфа қилинган, раҳбарликка ёки тарбияга олинган), «Умам» («Уммат»нинг кўплиги), «Ринди» (майхўр, майпараст) тахаллуслари билан ёзилган асарлар учраб туради. «Қиссаи Машраб»да шоирнинг «Зинди» («тирик») тахаллуси борлиги ҳам айтилган. Аммо асарнинг асосий қисми «Машраб» тахаллуси билан ёзилган.⁵

Э. Шодиев «Машраб»дан бошқа тахаллусларининг ҳам шуҳрат топганлиги ҳақида шундай ёзади: «Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда шоирнинг замондошлари уни бошқа «Машраб»лардан ажратиш учун шоирнинг бу тахаллусига «Ринд», «Умам», «Махдий» ва бошқа тахаллусларини қўшиб ишлатганлар. Баъзан шоирнинг ўзи ҳам ўз шеърларида қўшалок тахаллусларини қўллаб ўз асарларига «Машраби Махдий», «Машраби Умам», «Машраби Ринди Умам», «Машраби Мирзой» деб имзо чеккан, айрим шеърларига эса

¹ Т. Қораев, Р. Воҳидов. Тахаллуслар. «Фан», Тошкент, 1979, 64-бет.

² М. Зокиров. Машраб. Адабий-танқидий очерк, 86-бет.

³ О. Носиров. Ҳамшаҳар шоиримиз ва унга боғлиқ муаммолар. «Наманган ҳақиқати», 1976, 11 сентябрь.

⁴ Э. Шодиев. Шоир Машрабнинг адабий тахаллуслари. Адабий мерос, 1986, 2-сон, 39-бет.

⁵ Абдулла Жаббор. Исмингиз нима, шоҳ Машраб? Олими нуктадон манам. Тўплам. 124-125-бетлар.

тахаллусларини алоҳида-алоҳида «Машраб», «Ринд», «Умам», «Махдий», «Мирзо», «Меҳрий» шаклларида қўллаган бўлса, айрим ғазалларида бир тахаллусни бир неча марта (масалан «Умам, Умам, Умам» шаклида) такрорлаган»¹.

Ж. Юсупов Машраб, Ринд, Умам адабий тахаллусларини девондаги ғазалларда бирга келишига мисоллар келтирган:

*Машраби Ринду Умам кўйида жон берсанг не гам,
Бир гуноҳе ўтса мандин, тавба, гавго қилдилар.*

Э. Шодиев Машраб «девон»ининг 178-варағидан ўрин олган шоирнинг «Келур» радифли ғазалининг мақтаъсида бирданига уч тахаллус ишлатилган, шулардан «Умам» тахаллуси уч марта такрорланганлигини келтирган:

*Машраби Маҳдию Умам хушлади фақр аҳлини,
Бандае Умам, Умам, сидқи дилим Сафо келур.*²

Бу «Умам» – Раҳимбобо Машраб эканлигини ёки аниқроғи «Машраби Махдий» эканлигини унинг замондошлари ҳам яхши билар эдилар. Шунинг учун ҳам шоирнинг худди ана шу «Умам» тахаллуси билан ёзган ғазалига татаббуъ тариқасида жавобия ёзган истеъдодли замондоши шоир Мижмар³ ўз ғазалида Машраби Махдий номини тилга олади.

Юқоридаги ғазалга Мижмарнинг жавобияси қуйидаги матлаъ ва мақтаъдан иборат эди:

*Махмурами мастам, сари қайсар шиканастам,
Афсурда танам, зинати афсар шиканастам...*

*... Миръоти сафо, шамъи бақо Машраби Махдй,
Парвонасифат Машраби Мичмар шиканастам.*⁴

Кўриниб турибдики, Машраб ўз ғазалини «Умам» тахаллуси билан ёзган эди.

Э. Шодиевнинг маълумот беришича, шоир Мижмарнинг Машраб шеърларига жавобия тариқасида яратган татаббуълари қўлёманинг тожикча, ўзбекча девон қисмида ҳам учрайди: Машрабнинг:

*То телбалигим шуҳрати оламни тутубтур,
Мундин бери Мажнун сўзини халқ унутибтур, –*

матлаъли ғазалига ҳам Мижмар жавоб айтган эди.

Машраб замондоши Мижмар шу ғазалга мухаммас боғлаб охирида:

Мижмар бу жавоб, айтди на хуш Машраби Махдий:

*«То телбалигим шуҳрати оламни тутибдир.»*⁵

Мижмар Машрабнинг: «Ичгин шароби соғари ваҳдат каноралар», – сатри билан бошланувчи ғазалига татаббуъ боғлаган:

*Мижмар навоийи Машраби Махдий тарона қил;
«Ичгин шароби соғари ваҳдат каноралар».*

Э. Шодиев комил шахс, баркамол шоиримиз фақатгина «Машраб» тахаллуси билангина эмас, балки, «Умам», «Меҳрий» («Меҳр»), «Махдий», «Ринди», «Мирзо» («Мирзой») тахаллуслари билан ижод этган⁶ деб таъкидлаган.

Э. Шодиев «Машрабга оид янги манбалар» илмий тадқиқотида шоирнинг ўзбек ва тожик тилларида яратилган икки девонининг жуда мўътабар нусхаси мавжуд бўлган деб тахмин қилиши мумкин деб шоир ҳақида янги топилган шеърлардан намуналар ксеросини эълон қилган ва бу ҳақда шундай фикр беради: «... бу ажойиб талантили шоирнинг ижодий мероси ўз асридаёқ жуда кенг тарқалган эди. Унинг шеърлари фақат ўзбек халқи орасидагина эмас, балки бошқа бир қатор халқлар орасида ҳам маълум ва машҳур эди.

¹ Эргашали Шодиев. Шоир Машрабнинг адабий тахаллуслари. Адабий мерос. 41-бет.

² Ўша манба, ўша жой.

³ Э. Шодиев. Машраб издошлари. Адабий мерос, 1980, 3-сон, 51-бет.

⁴ Эргашали Шодиев. Шоир Машрабнинг адабий тахаллуслари. Адабий мерос. 41-бет.

⁵ Ўша манба, 41-бет.

⁶ Ўша манба, 42-бет.

Шунинг учун ҳам жуда кўп қўлёзма ва манбаларда китобларнинг хошияларида, турли баёзларда Машраб шеърлари учраб туради».¹

Омонбек Жалилов томонидан нашрга тайёрланган «Офокхожа маноқиб» рисоласида ҳам Машраб тахаллуслари ҳақида маълумот берилган: «Бобораҳим Машраб Офокхожанинг муридларидан бўлиб, унинг Машраб тахаллусидан ташқари, Махдий, Риндий ва Умам деган тахаллуслари ҳам бўлган».²

Ғулумхон Ғафуров: «Машраб тахаллуси Бобораҳимга нима сабабдан берилди?» – деган фикрни келтириб, шундай жавоб берган: «Машраб» сўзи кўп маънога эга: бир маъниси шароб, май – ичимлик; бир маъниси – ҳазилкаш; бир маъниси – маслак, маслакдош. Кўринадики, бу маъноларнинг ҳаммаси шоир ижоди ва ҳаётининг турли қирраларини ботинан ва зоҳиран изоҳлайди. Зеро, Бобораҳим ўта ҳазилкаш, Насриддин Афанди каби халқ ўртасида ҳақ сўзни ҳар қандай шароитда айта олган, туғма таланти, хассос шоир, тасаввуф маслағига қаттиқ эътиқод қўйган ижтимоий шахс бўлган.

Машраб тасаввуф таълимотининг асосий негизи – Аллоҳ ишқи, васлига етишиш йўлида заҳмат чекди, шу йўналишда ҳаёт кечирди, ижод қилди. Тасаввуфчилар Аллоҳ васлига етишишнинг олий ҳақиқатга эришишнинг бирдан бир йўли Аллоҳга ишқдир, деб билганлар. Шароб, ичимлик бўлмай, балки Аллоҳ жамолидан баҳрамандлик – ишқ васфидан маст бўлишдек ботиний муҳаббат рамзида тушуниланган. Демак, шароб маъносидаги «Машраб» сўзи ҳам шоир ижодини, дунёқарашини тўлалигича рамзий ифодалайди».³

Наманганлик адабиётшунос Жўра Раҳим «Машраб» сўзининг маъноси нима?» деган саволни қўйиб, Машраб оила аъзолари ҳақида маълумот йўқлигини айтиб, А. Ҳайитметов, Ғ. Ғулумнинг «Икки Машраб» мақоласидаги фикрларни келтиради. Унинг ёзишича А. Ҳайитметов 1961 йил ёзида ҳозирги Санкт-Петербургда (Ленинградда) – Салтиков Шchedрин номидаги Давлат Халқ кутубхонасида қўлёзмаларни ўрганиш жараёнида Машраб ҳақидаги қиссага дуч келганини, унинг 71-варағида: «ва оналарининг оти Биби Салима эрди»⁴, – деган сўзлар борлигини келтирган.

Академик шоир «Икки Машраб» мақоласида «Машраб» истилоҳига шундай маъно бериб ёзади: «Машраб» деган луғатнинг биздаги маъносида араб лексиконига қатъиян алоқаси йўқ. Арабларнинг «Шариба» масдаридан келиб чиқадиган «машраб» сўзи бирор ичимлик ичиладиган «ичиш ўрни» маъносида бўладики, бу албатта кишига исм ёки тахаллус бўлмайди. Биз Ўрта Осиё халқлари, озарбайжонликлар, эронликлар, афгонлар «машраб» сўздан ринд, лауболи, яъни эркин фикрли маъноларини англаймиз. Исм бўлмай, ёлғиз ҳолда «Машраб» табиат, феълу атвор дегани; «шўх Машраб киши» деганда, шўх табиатли кишини тасаввур қиламиз».⁵

Ғафур Ғулум она ҳомиладорлик ҳолатида кечадиган жараён ва унинг онага таъсири ҳақида қуйидаги фикрларни келтирган: «Ҳеч ким йўқ ерда, биров чақиргандай, кўз ўнгида бир сават пахта юмалаб кетгандай, аланга ёнгандай бўлади айрим-айрим хотинларда гўё қорнидаги болалари йиғлагандай, шу овозни онаси «баралла эшитган»дай, сезгандай ҳам бўлади. Оналар ғоятда қаттиқ қўрқадилар, хушдан кетиб қолганлари ҳам бўлади. Ваҳоланки, бола она қорнида ҳеч қачон йиғламайди. У ерда овоз чиққудай ҳаво тўлган жой йўқ. Бу, галлюцинациянинг ўзгинасидир...

Шундай қилиб десангиз, «она қорнида йиғлаган» болаларнинг исмларини «Машраб» кўядилар. Бу қадим ўзбеклардан қолган этнографик бир одатдир».⁶

Ж. Юсупов «Машраб» истилоҳини шундай изоҳлайди: «Машраб» арабий сўз бўлиб, луғавий маъноси жуда чуқур ва кенг мазмунга эга. «Машраб» – 1) майл, ҳавас, завқ; 2) сув ичиладиган ва олинадиган жой; 3) сув, шароб ва ҳ. нўш этиладиган идиш; 4) бахш, баҳра, насиба; 5) ғоя, маслак; 6) хулқу атвор, хислат; 7) мазҳаб каби маъноларни ифодалайди. Форслар бу сўз олдидан «пок», «хуш» сифатларини келтириш орқали «покмашраб», «хушмашраб» каби сўзларни ясайдиларки, бундан покиза хулқли, беайб, бегуноҳ, яхши табиатли, хушхулқ; юриш туриши ёқимли каби маънолар англашилади».⁷

¹ Эргашали Шодиев. Машрабга оид янги манбалар. Адабий мерос. 1978, 10-сон, 99-бет.

² Омонбек Жалилов. Офокхожа маноқиб. 15-бет.

³ Ғулумхон Ғафуров. Шарқ жавохирлари. 170-бет.

⁴ Жўра Раҳим. Бобораҳим Машраб. «Ўқитувчи», Тошкент, 1991, 13-бет.

⁵ Ғафур Ғулум. Икки Машраб. 8-жилд. 281-бет.

⁶ Ўша манба, ўша жой.

⁷ Машраб. Девон, 2006, 12-бет.

Абдулла Жаббор «Машраб» тахаллусини шундай шарҳлайди: Машраб – арабчада маслак, ғоя, йўл, шароб, шароб ичиладиган идиш, шароб ичиладиган жой, мижоз, мазҳаб, феъл-атвор каби маъноларни англатади. «Навой асарлари лугати»да а) Машраб – сув ичиладиган жой, булоқ (ахли машраб – ичкиликлар); б) феъл, атвор тарзида машраба – сув ичиладиган идиш, чўмич маъноларида берилган.¹

Наманганлик Абдулла Жаббор «Машраб» исми қўйилиши ва ундаги сифатлар ҳақида шундай ёзади: «Динимиз тарихи, набийлар, авлиёлар ҳаётига оид тафсилотларда Худонинг қудрати ила она қорнидаги ҳомиланинг тилга кириши билан боғлиқ воқеалар учраб туради. Бу ҳикматга шубҳа қилмоққа даллил йўқ. Бироқ бундай ҳолларда болага Машраб исмини қўймоқ кейинчалик афтидан, Шоҳ Машраб сифатлари, кашфиётлари ҳақидаги асарлар, ҳикоятлар таъсирида одат тусига кирган бўлса керак. Шоҳ Машрабдан ташқари номлари бизга маълум 13 Машрабнинг ҳаммасида ҳам бу исм эмас, тахаллус ўрнида келади. Агар қадим замонлардан буён ана шундай сифатли болаларга Машраб исмини қўйиш одат бўлганида эди, шоиримиз қулоғига ҳам Раҳимбобо деб эмас Машраб, деб азон айтилган бўлур эди».²

Абдулла Жаббор Машрабга бу тахаллуснинг берилиши унинг руҳиятидаги юксаклик, ҳокими Мутлаққа муҳаббатнинг ўта кучлилиги, жазабанинг фавқулудда устунлиги, Дийдорга тезроқ етмоқ истагининг тизгинсизлиги бўлса керак деб ҳисоблайди. Шу маънода Офок Хожам бир сиқим жусса-вужудда ўзгаларни ҳам масту мустағрик қилишга қодир илоҳий шароб жо эканлигидан ҳайратга тушган ва уни шароби антаҳур тўла жомга менгзаган бўлсалар ажаб эмас.³

«Қиссаи Машраб»ларнинг деярли ҳаммасида Машраб – Шоҳ Машраб, Девонаи Машраб, Эшони Машраб, Эшони шоҳ Машраб, эшони Шоҳ Машраб девонаи Намангоний нисбатлари билан сифатлангани, табаррук зотга шунинг учун қисса ҳам у билан бирга айтилиши бежиз эмас.

Бу ҳол «Қиссаи Машраб» бошларидаёқ Машраб ҳали Офокхожа даргоҳига бормасдан унга Машраб тахаллуси билан шеърлар битганини кузатиш мумкин. Шоир ёшлигида бошқа тахаллуслар билан шеърлар ёзганлигини истисно этмасдан, Офокхожа даргоҳига келмасдан аввалроқ ҳам Машраб тахаллуси билан шеър битганлигида намоён бўлган:

*Машраб ўзи девона, ишқ ўтига парвона,
Йўл юрадур сарсано, Мулла Бозор девона.*

«Наманган шахридан кетсам, мени йўқлар кишим борму?» ғазал мактаъсида ҳам Машраб тахаллуси келади. Лекин бизга тарихдан маълум кўплаб авлиёлар Офокхожа ва Машраб ҳам ғойибдан суҳбатлашув, ҳатто дийдорлашув бахтидан насибадор этилган валиюллоҳлар эдилар ва улуғ пир ҳали шоир Намангандалигиданоқ Қашқарда туриб ўз муридига Машраб тахаллусини берган бўлиши мумкин.⁴

Ж. Юсупов Машраб тахаллусининг маъноларини шундай изоҳлаган:

Машраб – мазҳаб;

Машраб – яхши феъл-атвор;

Машраб – гўзал табиатли;

Машраб – гўдакдек покиза, маъсум, беайб, бегуноҳ;

Машраб – яхши хислатли;

Машраб – эзгу ўй-фикрли;

Машраб – эзгуликка чорловчи, илоҳий муҳаббатни тараннум этувчи;

Машраб – барча мўъминларга маънавий баҳра берувчи;

Машраб – миллат ва дин равнақи, эҳтиёжи учун насиба этиб Оллоҳ томонидан фазилат ва кароматлар соҳиби, модарзод авлиё қилиб яратилган, элни ислом ахлоқи асосида яхши табиатли, хушхулқ қилиб тарбиялашга, чанқоқ қалбларга ўзининг феъл-атвори, хулқи, хусусияти, яратилган асарлари билан наф етказувчи ва ниҳоят, Оллоҳ ишқи кўйида

¹ Порсоҳон Шамсиев. Навой асарлари изоҳли лугати. 205-бет.

² Абдулла Жаббор. Исмингиз нима, шоҳ Машраб. Наманган ҳақиқати. 2005, 11 май.

³ Ўша манба, ўша жой.

⁴ Абдулла Жаббор. Исмингиз нима, Шоҳ Машраб? Олими нуктадон ўзум. Тўплам. 127-бет.

хонумонидан, дунёвий орзу-ҳавасларидан, ўзлигидан, борингки, бу фоний дунёда Оллоҳдан бошқа ҳамма нарсадан мосуво мард ва фидойи ошиқи девона.¹

Машраб комил инсонлиги, унинг таҳаллуси масаласи ҳар доим мунозарали бўлиб келган. Биз (таъкид: М. Ҳ.) муаммони шу таҳлитда ечиш тарафдоримиз. Бунинг учун олдин Абдулла Жаббор келтирган Навоий асаридаги фикрни шундай келтирамиз: Буюк Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида улуғ юртдошимиз Ҳазрати Боб Фарғоний ҳақида катта эҳтиром ила ёзилганини эслайлик. Ана шунда «Боб» сўзи арабчадан таржимада эшик ёки дарвозани англатибгина қолмаслигини билиб оламиз. Навоий таърифида Ҳазрати Боб кашфиётлар соҳиби, валиюллоҳ сифатида намоён бўлади. Бизнингча, Бобойи Самосий, Ҳазрати Боб, Арслонбоб сингари авлиёлар каби бўзчи Валибобода, у кишининг фарзандлари бўлмиш Раҳимбобо Машрабда ҳам ана шундай хислатлар мужассам бўлган.² Валийлик сифатлари билан туғилиши башорат қилинган ва туғилган кишилар исмига «бобо» қўшиб айтилган, динни ёювчиларга ҳам боб қўшиб айтилган.

«Қиссаи Машраб»нинг бир неча ўринларида «Раҳимбобо девонадурки, ўн беш ёшга борибдур» (оналари), «Чорланглар, Раҳимбобо қайдадир?» (Мулло Бозор охунд).

Ғазалларининг бирида шоир:

*Чину Намангон ичида юрди Раҳимбобо сўраб,
Топмади бир ҳодийсини, толиби раҳ-барор ўзум.*

Тадқиқотчи Э. Мусурмонов 1995 йилда Самарқандда ёқлаган илмий ишини «Раҳимбобо Машраб ва унинг бадиий-адабиётдаги талқини»³ деб атаган.

Тазкиранавис Муҳаммад Баъде Малехо Самарқандий 1688-1692 йилларда ёзилган «Музаққир ул-аҳбоб» тазкирасида шундай жумла бор: «Машраб – қаландар Раҳимбобонинг таҳаллусидир».

Шарқшунослик институтида 2315 рақами билан сақланаётган «Мусаввадаи Абдушукур Зиё» қўлёзмасида Машраб номи келтирилиб, шундай дейилади: «Намангандан эди. У жанобнинг номи Бобораҳимдур».⁴

Пўлатжон Домулло Қайюмов «Тазкираи Қайюмий» асарида: «Бу киши Фарғона водийсидан бўлиб, Наманган шаҳридан дур. Номи Бобораҳим бўлиб, Мулла Вали номли кишининг ўғлидир. Эл орасинда шоҳ Машраб деб маъруфдур»,⁵ дейилган.

Э. Мусурмонов Машрабни «Раҳимбобо» деб атаган бўлса, у киши тадқиқотида Машраб ижодини эмас, «Қиссаи Машраб»ни таҳлил этган. «Офокхожа манокіби», «Қиссаи Машраб», «Тазкираи қаландарон» ҳам нақллар ва афсона, ривоятлар асосига қурилганлигини ҳисобга олсак, олим Абдушукур Зиёнинг қўлёзмасига, Пўлатжон Домулло Қайюмов тадқиқотлари ва Исматуллоҳ Абдуллоҳ фикрларига, уларнинг китобларига мурожаат қилсак, Боб, бобо истилоҳлари исмдан олдин келишини инобатга олсак «Раҳимбобо» эмас, «Бобораҳим» Машраб таҳаллуси келиб чиқишини эътироф этмоқ керак.

Биз манокіб ва қиссаларни ёзганларга эмас, чунки улар ривоят, ярим ривоят, афсоналарга қоришиб кетганлигини унутмайлик. Олимлар, тадқиқотчилар фикрини ҳисобга олиб иш юритайлик. Шу жиҳатдан Раҳимбобо эмас, «Бобораҳим» деб аташ мақсадга мувофиқдир.

Ж. Юсупов Машраб таҳаллусининг мажозий маъносини шундай шарҳлаган: Машрабнинг жисми май тўлдирилган жом. Бу май илоҳий ишқдир. Шу ўринда Алишер Навоийнинг:

*Сен гумон қилгондин ўзга жому май мавжуд эрур,
Билмайин нафй этма бу майхона аҳлин, зоҳидо, –*

байтлари эсга тушади.

Мумтоз адабиётимизда қўлланган «жом», «май», «соқий», «муғбача» сингари сўзлар айнан ана шу луғавий маънони бермайди. Улар тасаввуфий атамалар бўлиб, ўзларида жуда

¹ Машраб. Девон. Сўзбоши, 2006, 12-бет.

² Абдулла Жаббор. Олими нуктадон ўзум. Тўплам. 128-бет.

³ Юкоридаги манба. 129-бет.

⁴ Ўша манба, 129-бет.

⁵ Пўлатжон Домулло Қайюмов. Тазкираи Қайюмий. 63-бет.

салмоқдор, яширин ирфоний, диний-илохий англамаларни жамлаган сўзлардир. Инчинун, Умар Хайём буюрмишлар:¹

*Шундай ичайинки, ўлсам ул шароб,
Ҳиди чиқсин мазоримдан гуркираб,
Хумори ўтса гар қабрим бошидин,
Иси элитсину, айласин ҳароб.*

Бинобарин, бу шароб қосир ақл ўйлаган – «гумон қилғон» май эмас. Бундан ўзга жому май мавжуд. Шароб – Оллоҳнинг ишқи муҳаббати, ҳид эса Оллоҳнинг ишқи ила ўртаниб адо бўлган қалбнинг унга айтаётган тасбеҳи, зикри, ўзликдан ажралиб чиқаётган оху ноласидир. Хумор бўлмоқ – асло «эсирмоқ» эмас, балки ишқ кўйига тушмоқ, яъни бу фоний дунёда Парвардигор ишқида алангаланаётган ошиқ. У ишқ шаробидан, муҳаббат лаззатидан бахраманд, аммо озроқ тотган. Бу фоний дунёдан кўз юмиб, Оллоҳ – маҳбубаси ҳузурига равона бўлган ошиқнинг қабридан чиқаётган «ис» аслида файздир. Бу файздан бахравар бўлиш «хумори»ни хароб - хароботий этади, бошқача айтганда авлиёлик мақомига етиштириб, Оллоҳга яқинлаштиради.²

Адабиётшунос, Машраб тадқиқотчиси Бойбўта Дўстқораев Машрабнинг номи ва тахаллуси ҳақида тадқиқот қилиб, бизнинг фикрларимизга ойдинлик киритган ва у ҳақдаги кузатишларимиз тўғри эканлигини асослашга замин ҳозирлаган: «Энг аввало, унинг номи ва тахаллуси масаласини олайлик. Ёзувчи Ҳамид Ғуломнинг романида бўлгуси шоирни «Баъзилар... гоҳ... улуғлаб, гоҳ эса ундан кулиб «Раҳимбобо», «Бобораҳим» деб атайдилар. Хуллас, сал вақт ичида Раҳимнинг исми «Бобораҳим» деб аталадиган бўлди»³, деб ёзади.

Б. Дўстқораев мусулмон қавмлари фарзандларига Аллоҳнинг сифати билан боғлиқ исм кўйиб, бу сўзга «кул», «банда» маъносини берувчи «Абду» компонентини қўшадилар. «Раҳим» сўзи тоқ ишлатилмаган. «Абдураҳим» каби. Фикримизча, чакалоққа ота-онаси шундай исм кўйгану, улғайиб қаландарлик тариқатига киргач, уларнинг бобоси бўлиб, Раҳимбобо, Бобораҳим деб аталган. Буни Фитратнинг куйидаги фикри тасдиқлаши мумкин: «Қаландарларнинг ўз бошлиқларини «бобо» атаганлари маълум. Машрабнинг Бобораҳим – Раҳимбобо аталғонидан унинг бир вақтлар қаландар бошлиғи бўлғонини ҳам гумон қилиш мумкин».

Б. Дўстқораев «Машраб» тахаллусига тўхталиб ёзади: «Тасаввуф истилоҳлари луғатларида бу сўзга «ичмоқ; ичадиган жой, чашма, табиат, фитрат. «Тасаввуф» ёки «маломат» аслида бир Машрабдир. Яшаш тарзи, ҳис этиш, унга биноан иш тутиш маъноси ҳам бор», деган изоҳ учрайди. Демак, бу тахаллусни шоир Бобораҳим тасаввуф йўлига киргандан кейин олган. Манбаларда «Машраб» тахаллусини унга Офокхожа берган дейилади. «Машраб – илохий шаробдан сархуш дегани», деб ёзади тасаввуфшунос олим Н. Комилов. Нима бўлганда ҳам, бу тахаллус унинг она қорнида гапириш ҳодисаси билан боғлиқ эмас».⁴

Адабиётшунос Б. Дўстқораев Х. Бегматовнинг романида «Машраб» тахаллусини ўзи танлаб олгани баён қилинган. Ҳар ҳолда, унга ушбу тахаллусни Офокхожа бергани ҳақиқат бўлса керак. Зеро, бу тахаллус унинг тасаввуф аҳлиданлигига, бу оқимга табиатан мос ва хослигига ишора бўлса керак. Фаразимизча, у ижодининг илк даврида Умам, Риндий, Маҳдий каби тахаллусларни қўллаб, биттасида барқарор қололмай, иккиланиб юрган пайтлари бўлган кўринади. Бу фактлар шуни англатадики, Машраб ҳам шеърятга кириб келаркан, ижодий ўрганиш машаққатларини бошидан кечирган. Таассуфки, учала романда ҳам шоирнинг ижодий ўсиш жараёни, изланиш изтироблари кўринмайди. Гўё у бирданига, дафъатан етук ижодкор, бўлгандаям балоғатга етган мутасаввуф шоир сифатида талқин қилинган. Буни ҳаёт ҳақиқатига мос келади дейиш қийин.⁵

Б. Дўстқораев Машраб номига «Девона», «Шох» ва «Эшон» сўзлари қўшиб айтилиши ҳақида куйидаги фикрларни ёзади: «Девона» сўзи «жинни», «тентак» маъноларини беради.

¹ Машраб. Девон. Сўзбоши: Ж. Ж. Юсупов. 2006, 12-бет.

² Ўша манба, 13-бет.

³ Бойбўта Дўстқораев. Ўзбек насрида Машраб тимсолини яратиш тажрибаси ҳақида мулоҳазалар. Мустақиллик даври адабиёти. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2006, 198-бет.

⁴ Бойбўта Дўстқораев. Ўзбек насрида Машраб тимсолини яратиш тажрибаси ҳақида мулоҳазалар. Тўплам. 199-бет.

⁵ Ўша манба. Ўша жой. 199-бет.

Қаландар Машрабнинг эл олдидаги хатти-ҳаракатлари, ўзини ғайритабиий, аниқроғи, жиннисифат тутиши унга шу маснаднинг берилишига сабаб бўлган ва у маноқиблардан, «қисса»лардан ҳам ўрин олган. «Шох» сўзи унинг қаландар бошлиғи, бобоси эканига ишорадир. Бу атамани кўпроқ Помир-Бадахшон ва ундан жанубдаги минтақаларда қўллашган. «Эшон» атамаси эса, машхур мутасаввуф Абусаид Абулхайр (967-1049) номи билан боғлиқ. Тасаввуф ҳақида бир қанча асарлар битган Низомиддин Доъии Шерозийнинг (1407-1466) ёзишча, Абусаид «... барча дарвешларни кўргандан кейин «ман» сўзи ўрнига «эшон» («улар») сўзини ишлата бошлаган. У ҳеч қачон «мен» сўзини ишлатмаган, шунингдек, «биз», «сен» сўзларини ҳам истифода этмаган дейишади. Бу ажойиб сўз («эшон»)да борлиғини йўқотган киши билан боғлиқ сирдан бошлаб талайгина сирлар мавжуд. Яъни бу ерда «мен» йўқолиб, мисли Соф (май) қолган, майнинг қуйқаси кўзадан чиқиб кетган. Бу менинг Аллоҳга қўшилиб кетганим белгиси ҳам, бу улар (дарвешлар) кўрсатади, дейди. Эшон, дарвеш, сўфий – улар – оломон ичида ёнаётган шамъ.¹ Яъни, улар («эшон») мавжуддирлар, улар бизнинг уйимизда муносиб киши бор бўлса, шунинг ўзи кифоядир. Агар уйимиз ичида улар («эшон», яъни кўпгина мистик ва дарвешлар) бор бўлишса, бу ҳурматли одамларнинг мавжудлигидан ўзга (қолган барча) нарса йўқликдир». Ҳозирги пайтгача ишлатилиб келаётган «эшон» атамаси мана шу воқелик билан боғлиқ деб ўйлаймиз.²

Профессор А. Ҳайитметов шеърятдаги ҳасби ҳол мавзусида фикр юритиб, унда комиллик мақомига етган шоирлар ўз ҳаётлари ҳақида ижодларида у ёки бу маънода тўхтаб, қаерда яшаганлиги, шаҳри, ижодини шеърларига сингдириб, тасвирлашларини – ҳасби ҳолларини билдириб туришлиги ҳақида шундай ёзади: «Ҳасби ҳол – Шарқ халқлари шеъриятида, хусусан, форс-тожик, озарбайжон, ўзбек адабиётларида автобиографик характердаги асар. Ўз аҳволини баён қилиш, ўз турмушининг қандайлигини ҳисоб бериш маъноларини англатади. Ҳасби ҳол «Ҳасбулҳол» шаклида ҳам қўлланади».³

Навоийнинг девонлари ва дostonларида ҳам таржимаи ҳол характерида эга бўлган шеърлар, шеърый парчалар кўп. Шоир «Садди Искандарий» дostonидаги лирик чекинишларидан бирида муғаннийга мурожаат қилиб, «Наво», «Турки Ҳижоз» каби мумтоз куйларни чалишни ҳамда унинг «Ҳасби ҳол»ини ифодалаган шеърларидан қўшиқлар айтишни илтимос қилади:⁴

*Муғанний, келу черт туркона соз,
Мақоми «Наво», йўқса «Турки Ҳижоз»,
Навоийнинг ашъоридин неча байт –
Менинг ҳасби ҳолим тотиб, турки айт.*

Шу жойда бир лирик чекиниш қилиб олиб, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидаги бош қаҳрамон – Отабек ҳолатини, унинг ҳасбу ҳолини эсга олайлик. Чақимчилар туфайли бахт нашидасидан масрур ёш келин-куёв Отабек ва Кумушбиби айрилиқ, ҳижрон азобларида юрган пайтда бек ўғли Отабек Тошканднинг чекка, хилват бўзахонасида машшоқдан ўз ҳолатини ифода этувчи «Ажралиш, ҳайдалиш» куйини чалишни ўтинади. Танбурдан садо бераётган нола берувчи, қалбларни тилкаловчи куй висол азобида коврилаётган Отабекнинг ҳасби ҳолини – руҳиятини акс эттиради.

Барот Бойқобилов ўз ижоди ҳақида (яссавийона) Ҳасби ҳол шеърый поэмасини яратган. Яссавий ҳасби ҳоллари туғилгандан умри сўнгигача яратилган шеърятда акс этган.

Наманганлик адабиётшунос Жўрахон Раҳимов «Машрабнинг ҳасби ҳоли» ҳақида куйидагича маълумот берган: «Мумтоз ўзбек адабиётининг намояндалари асарларида ўз аҳволлари ҳақида гапиришни «Ҳасби ҳол» деб атаганлар.

Буюк шоир Бобораҳим Машраб ижодидида ҳам ўзининг кўриниши табиийдир. Тўғри, шоир шеърларида ота-онаси, умуман, оиласи ҳақида гапирмаган. Аммо ўзининг туғилган жойи, ўзи ҳақида маълумот берадики, бу маълумотни ҳеч қандай замондоши, тарихчи

¹ Ўша манба, 200-бет.

² Ўша манба, 201-бет.

³ А. Ҳайитметов. Адабий меросимиз уфклари. 198-бет.

⁴ Ўша манба. 199-бет.

айтмаган. Биз учун муҳими ўзи томонидан ўзи гапириши ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Биз фақат унинг ўзига ишонишимиз, ўзининг гувоҳлигига қараб фикр юритишимиз мумкин».¹

Машрабнинг «Келди» радифли шеъри унинг ҳасби ҳолини ифода этади: «Бизнингча, у Қашқарда, пири комил Офокхожа эшон даргоҳида юрганида ёзилган бўлса керак. Шоир юксак қувонч ва ифтихор ҳисларига тўлиб – тошган ҳолда Наманган шаҳридан дўстлари унинг ҳузурига келганлигини эътироф этади. Уларни «Ёронларим» дейди. «Ёронлар»и ҳам унга яқин кишилар бўлиб, ота-онасини биладилар. Улар иш билан эмас, балки меҳмон бўлиб, тўғрироғи, уни кўргани, ундан хабар олгани келишган:

*Наманган шаҳридин, дўстлар, менинг меҳмонларим келди,
Отам бирла онамни билгучи ёронларим келди.*

Ҳаммалари ҳам анойи одамлар эмас, шижоатли, жасоратли бўлиб, ҳатто Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асаридаги афсонавий қаҳрамонлар Рустам ва Сухробга ўхшаб кетишади. Бу сифатдан ташқари, ҳар бирлари ноёб инсоний фазилатларни ўзларида мужассамлаштирганлар. Ҳам иноятли, ҳам диёнатли, бунинг устига «муршиди комил» бўлиб, бариси ориф – билимли, маърифатли, доно, мукаммал илм эгаси бўлиб ҳисобланади.²

*Шижоат бобида ҳар қайси бир Рустаму Сухроб,
Адолат тахтига минган бу кун султонларим келди.*

*Иноятли, диёнатли, яна ҳам муршиди комил,
Ҳама ориф, ҳама содиқ, ҳама ирфонларим келди, дейди шоир.*

«Керак» радифли шеър ҳам Қашқарда ёзилган бўлиши мумкин. Унда онаси Биби Салима тирик бўлса керак. Машрабнинг ўзи:

*Онаизоримга берманглар хабар,
Балх шаҳрида қазо топсам керак,*

дейди ишонч билан.

Профессор Дилором Салоҳий Шарқ шеърлятидаги шеър тузилиши, унинг композицияси ва ҳажми ҳақида шундай фикр келтирган: «Навоийдан кейинги даврлар шеърлятининг машҳур вакилларида Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Зокиржон Фурқат, Завқий ва Аваз Ўтар каби шоирлар ғазалларида шеър семантик структураси ва тасвир типи, унинг композицияси ва ҳажмини белгиловчи омиллардан бири сифатида хизмат қилганлиги кўзга тушланади».³

Дилором Салоҳий Машраб шеърлятидаги комиллик сирлари ҳақида фикр билдириб ёзади: «Мавлоно Лутфий ёки ҳазрати Машраб шеърляти сирлари, илоҳий илҳом, жозиба сирлари, яна жуда кўп тушунтириш қийин бўлган бадий комиллик сирлари фақат муаллифларнинг ўзларигагина маълум эканлиги беистисно ҳақиқатдир. Демак, асарни ўқувчига тақдим этишда, у орқали ўзининг бадий тафаккури ва истеъдодини намойиш этишда муаллиф имкониятлари кенгроқ, албатта, у талқин этувчидан олдинги ўринда туради. Бунда муаллифнинг истеъдоди ва қобилияти масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эгадир».⁴

Энди мазкур тадқиқотда Машраб таҳаллусли шоирлар масаласида ҳам тўхталиб ўтишни бурчимиз деб биламиз.

Машраблар ҳақида мутафаккир шоир Алишер Навоий, тазкиранавис Пўлатжон Домулло Қайюмов, академиклар Воҳид Абдуллаев, Ғафур Ғулом, машрабшунос Исматуллоҳ Абдуллоҳ, наманганлик олимлар Аҳмад Убайдуллоҳ, Жўраҳон Раҳимов ва бошқалар маълумот берганлар. Уларнинг маълумоти керакли бўлса-да, деярли бир-бирини такрори ёки озгина ўзгартиш-қўшимчалар билан ёзилгандир. Бизнингча, ҳамма машраблар ҳақида маълумот Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкирасидан олинган. Жўраҳон Раҳимов «Нечта Машраб бор?» мақоласида Ғ. Ғуломнинг «Адабий-танқидий мақолалар тўпламига таяниб ёзади: «Қомуси Аълум» номли луғатда, – дейди академик шоир, – бир эмас, бешта Машрабдан хабар берилади. Ҳақиқатдан ҳам Алишер Навоий «Мажолис ун-

¹ Жўраҳон Раҳимов. Машрабнинг ҳасби ҳоли. Чортоқ ҳақиқати. 2007, 26 май.

² Ўша манба.

³ Дилором Салоҳий. Навоийнинг шеърлий услуби масалалари. «Фан», Тошкент, 2005, 134-бет.

⁴ Дилором Салоҳий. Навоийнинг шеърлий услуби масалалари. 22-бет.

нафоис» тазкирасида «Мавлоно Машрабий – машҳадликдир. Хуш таб йигитдур», – деб келтирган.¹

Ж. Раҳимов В. Абдуллаев тадқиқоти ҳақида ёзади: «Академик Воҳид Абдуллаев адабиётда етти Машраб ўтганини кўрсатади. Биринчиси исфахонлик шоир Ҳаким Абдураззоқ, иккинчиси табризлиқ шоир Мирхусайн, учинчиси Мир Иноятулло, тўртинчиси Шерозда вафот этган Мирзо Ашраф, бешинчиси ҳиндистонлик Машраб, олтинчиси Ҳофиз Рўзибой ва ниҳоят еттинчиси наманганлик Бобораҳим Машраб. Мазкур шоирлар Машраб таҳаллуסי билан ижод этганлар. Буларнинг деярли ҳаммаси бир даврда XVII – XVIII асрларда яшаганлар. Аммо ўзларининг ҳаёт йўллари, ижодий маҳоратлари, ғоявий-эстетик нуқтаи назарлари билан бир-биридан тубдан фарқ қилганлар.²

Пўлатжон Домулло Қайюмов «Тазкираи Қайюмий» I китобда иккита: Машраб I да наманганлик Бобораҳим Машраб ва Машраби Соний – Қашқадарёнинг Қарши шаҳрида Ҳофиз Рўзибой Соний – ўзини иккинчи Машраб деб ҳисоблаган шоир ҳақида маълумот берган.

«Тазкираи Қайюмий»га «Сўзбоши» ёзган филология фанлари доктори, профессор Насимхон Раҳмонов тазкира бажарган иш юзасидан шундай фикрни келтирган: «Тазкираи Қайюмий» бу вазифани ҳам шараф билан бажаради. Шоир билан бадиий тафаккур имкониятлари, шеърларнинг тил хусусиятлари ва бошқа қатор унсурлар тазкирадаги шоирнинг ўзбек адабиёти тарихидаги ўрнини белгилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Жумладан, Залилий ва Машраби Соний тўғрисидаги маълумотлар бунинг яққол намунаси дур. «Тазкираи Қайюмий»да шундай маълумот берилган: Даҳбедий шайхлардан Қаршига бормиш бир кишининг муриди экани тўғрисида хабар беради. Тахминан ҳижрий йили 1200 нчи (1785-1786) йилларда нашъу намо этмиш бир шоир экани гумонимиздир. Номи Рўзибойдур. Ҳофиз деб номина кўшиб Рўзибой Ҳофиз деб юритилмишдур».³

Аҳмад Убайдулло «Машраб» таҳаллусли шоирлар ҳақида қисқа, аммо яхши фикрлар изҳор этган: Шарқ халқлари адабиёти тарихига назар ташласангиз Машраб, Машрабий таҳаллуслари билан ижод этган талайгина шоирлар ўтганига гувоҳ бўласиз. Мазкур Машраб, Машрабийлар ҳақида турли тазкираларда, тарихларда, рисоаларда, баёзларда маълумотлар берилган. Аҳмад Убайдуллонинг ёзишича, Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида 174 шоир ҳақида маълумот берилган, булар орасида 160-ўринда Мавлоно Машрабий ҳақида фикр айтилиб, у Навоийнинг замондоши бўлган, Навоий у билан кўп марта суҳбатда бўлганлигини айтган.

Машхур турк олими Шамсуддин Муҳаммад Сомибек ўзининг 6 жилдлик «Қомусулаълом» номли энциклопедиясининг 1898 йили Истамбулда «Меҳрон» матбаасида нашр этилган 6-жилдининг 4288-саҳифасида бир қанча Машраб ва Машрабий таҳаллусли шоирлар ҳақида ҳам маълумот беради.

Биз (таъкид: М. Ҳ.) Аҳмад Убайдулло ва Пўлатжон Домулло Қайюмов – «Тазкират уш-шуаро» II китобидаги Машраб ва машрабийларнинг баъзилари битта шахс эканлигини таъкидлаб, ҳар икки тадқиқотчининг Машраблар ҳақидаги маълумотини қиёсий чоғиштирган ҳолда келтирамиз.

Машраб: Форс шуаросиндан беш кишининг таҳаллусидир:

Аҳмад Убайдуллода:

1. Машраб (Ҳаким Абдур – раззоқ) Исфахон Саййидларидан бўлиб тиббий ва ҳуқуқ илмлари соҳиби эди. Оламгир подшоҳ замонида Ҳиндистонга кетиб, Ҳинд мамлакатларини саёҳат қилиб, ҳижрий 1127, мелодий 1715 ёки 1716 йилда вафот этган.⁴

Пўлатжон Домулло Қайюмовда:

Машраб I. – Бу шоир Эронли бўлуб, Исфахон шаҳаридандур. Номи Ҳакам Абдурразоқдур. Ўз замонининг улум ҳакимийа ва тиб илмларидан воқиф киши эди. Темурийлар даврида Ҳиндистонга бориб Шоҳ Оламгирнинг илтифотига нойил бўлмиш эди. 1127нчи (м. 1715) йилда вафот этмишдур. Шул байт ундандур.⁵ Ҳар иккиси ҳам бир хил –

¹ Алишер Навоий. Асарлар, 15 томлик. Ўн иккинчи том. Тошкент, 1961, 91-бет.

² Жўраҳон Раҳимов. Нечта Машраб бор. Тўплам. 13-бет.

³ Пўлатжон Домулло Қайюмов. «Тазкираи Қайюмий», Тошкент, 1998, 78-бет.

⁴ Аҳмад Убайдуллоҳ. Машраб таҳаллусли шоирлар. Олими нуқтадон ўзум. Тўплам. 99-бет.

⁵ Пўлатжон Домулло Қайюмов. Тазкират уш-шуаро. II китоб. Тошкент. 2006, 130-бет.

Аҳмад Убайдуллода форсий ва туркий таржимаси билан, Қайюмийда фақат форчаси қуйидаги байт келтирилган:

*Дил аз шавқи шаҳодат изтироби сокини дорад,
Чу жавҳар чаши ман шуд мавжи дарёи шамшери.*

Мазмуни:

*Дил шаҳодат шавқидан сокинлик изтиробидадир,
Кўзларим эса гавҳардек шиқ дарёси шамширининг тўлқинидадир.*

Аҳмад Убайдуллоҳда:

Машраб 2. Шох Аббоси Мозий (XVII аср) мулозимларидан Мир Ҳусайн шигарнинг ўғли бўлиб, Қум шаҳри сайидларидан эди. Табризда вафот этган, насталиқ хатида маҳорати бор эди.¹

Пўлатжон Домулло Қайюмовда:

Машраб II-Бу шоир Эронли бўлуб, Қум шаҳрининг мўътабарларидан эди. Шох Аббос Мозийнинг мулозимларидан Мир Ҳусайн шишанинг ўғлидур. Насталиқ хатига усталиги билан машҳур эди. Табризда вафот этмишдур.²

Ҳар иккисида шу байт келтирилган:

*Тарки хунрезики, бошад қатли мардумкеши,
Пеши но уштадо мазмунест сар дар пешу у.*

Мазмуни:

*Гўзалнинг ошиқ қонини тўкишини тарк этиши кишини ўлдиришидир.
Маъшуқа оёғи остига ўзни ташлашининг мазмуни унинг олдида бўлишидир.*

Аҳмад Убайдуллода:

Машраб 3. Мир Иноятуллоҳ – деҳлилик шу байт уникидир:

*Мерави-ю, чу гард аз пойу ту.
Машраби хокисор меояд.*

Таржимаси:

*Кетарсану пойингдан мисоли гарддек,
Бу Машраби хокисор келадур.*

Пўлатжон Домулло Қайюмовда:

Машраб III. – Бу киши форс шоирларидан бўлуб, Ҳиндистонлидур. Деҳли шаҳарида нашъу намо этмишдур. Номи Мир Иноятуллоҳдур.³

Аҳмад Убайдуллода:

Машраб 4. Мирзо Ашраф. У асли Омира арабларидан бўлиб, Нодиршоҳнинг саройида китобат хизматида бўлган. Сўнгра Нодиршоҳнинг амри билан кўзларига мил тортиб кўр қилинган бўлса-да, унинг саройида хизматини давом эттирган ва ниҳоят Шероз шаҳрида вафот этган. Шу байт уникидир:⁴

*Васли ту, гуфтам расад пештарам аз ажсал,
Оҳин, аз бахти бад, ин нарасид, он расид.*

Таржимаси:

*Дедим муяссар ўлгай васлинг ажсалдин аввал,
Эвоҳки, бахти баддин, бу келмади, у келди.*

Машҳур Машраб Мирзо Ашраф ҳақида маълумотни эронлик шоир ва тазкиранавис Аҳмадгуржи Ахтар (XVIII асрнинг биринчи ярми ва XIX асрнинг боши) ўзининг «Тазкираи анжуманора» номли асарида беради: Машраб Мирзо Ашраф Нодиршоҳ жазосидан сўнгра

¹ Аҳмад Убайдулло. Тўплам. 99-бет. .

² Пўлатжон Домулло Қайюмов. Тазкират уш-шуаро. 130-бет.

³ Пўлатжон Домулло Қайюмов. Тазкират уш-шуаро. 130-бет.

⁴ Аҳмад Убайдулло. Тўплам. 99-бет.

ниҳоят давлат хизматидан воз кечиб, дарвеш либосини кийиб юрди ва Зандлар салтанати даврида бир неча йил Шерозда яшади.

У жуда билимдон киши бўлиб, сиёх (ҳисоб-китоб) илмидан хабардор эди. У сафавийлар давригача бўлган даврни ўз ичига олган «Тарихи Ашрафий» номли тўрт жилддан иборат тарих китобини ёзган ва 1300 байтдан иборат икки девон тузган. Мавлоно Машраб 1180 хижрийда (мелодий 1766-67) йилда Шерозда вафот этди ва Сайид Мир Аҳмад Шоҳи чоррох равзасига дафн этилди.¹

Пўлатжон Домулло Қайюмов IV Машраб ҳақида жуда қисқа Аҳмад Убайдулло берган маълумотни берган.

Аҳмад Убайдуллода:

Машраб 5. Ҳиндистон браҳманларидан ва Рожкпут қавмига мансуб кишилардан бўлиб, Акбарободда яшар эди. У Муҳаммад Муқим Кашмирий шогирдларидан эди. Савдогарчилик йўлида бир неча муддат Банголага саёҳат қилгандан сўнг вазири мамолик Шижоуддавла Баҳодир хизматида кирган ва ҳижрий XII, мелодий XVIII асрнинг охирларида вафот этган. Шу байт униқидир:

*Ман бар сиёх кори худ то назар кунам,
Чун хома сар фуръу барамугар ясар кунам.*

Таржимаси: Мен ўзимнинг қора ишларимга назар қилсам, қалам қаби бошимни қуйи қилиб сияҳ томчисидек кўзларимдек ёш тўқаман.²

Пўлатжон Домулло Қайюмов ҳам юқоридагидек маълумот берган:

Масалага жиддий ёндошиб, Машраб эмас, Машрабий шоирлар ҳақида ҳар икки олимнинг маълумотларини муқояса қилиб келтирамиз.

Пўлатжон Домулло Қайюмовда:

Машрабий I – Бу киши Эронли бўлиб, Қум шаҳриданур. Санъаткорлардан эди. Шул байт ундандир. Шеърда баланд парвозликлар бор. Бадиий томони тузукдир.³

*Кардан шаҳидон ту чун рўзи жазе жамъ,
Маълум шавад рисъати саҳройи қиёмат.*

Таржимаси: Агар муқофот бериш куни сенинг ишқинг шаҳарларини тўпласалар, қиёмат саҳросининг катталиги ва кенглигини аниқлаш мумкин бўлади.

Машрабий II – Бу шоир Эронга тобеъ туркманлардан бўлуб, таклу аширатининг раислари сафавийлардан Султон Муҳаммад Худобанданинг замонида шоир Мусайибхон билан суҳбат этмиш эди. Темурийлардан Акбаршоҳ замонида ул Ҳиндистонга кетиб унда вафот этмишдур. Анатолийда ҳам шеърлари бўлса керак. Шул байт ундандир.⁴

*Дар хаёли зулфи рўят шуд зи ашки оҳи ман,
Оби дарё лолагун садд боди саҳро мушкбў.*

Машрабий III. – Бу киши форс шоирларидан бўлуб, Ҳиндистонлидур. Саҳсувон қасабасидан бўлуб, номи Аҳмад Хусайндур. Қасида ва маснавийга маҳорати зиёда эди. Шул байт ундандур.⁵

*Дами саҳаргаҳи гулгашту сабзаи гулзор,
Шу дам ба дидаи дил доғилию лувало бисор.*

Машрабий IV. – Бу шоир Эронли бўлуб, Хавонсор шаҳриданур. Шул байт ундандур:

*Ба шабе хоб раҳ бачаишми пур обам наме барад,
Чандон хаёл ҳастки, хобам намебарад.*

Машрабий V. – Бу шоир Эронли бўлуб, Астробод шаҳриданур. Номи Муҳаммаддур. Шул байт ундандур.⁶

¹ Аҳмад Убайдулло. Тўплам. 100-бет

² Ўша манба. 101-бет.

³ Пўлатжон Домулло Қайюмов. Тазкират уш-шуаро. 131-бет.

⁴ Пўлатжон Домулло Қайюмов. Тазкират уш-шуаро. 131-бет.

⁵ Ўша манба. 131-бет.

⁶ Ўша манба. 132-бет.

*Соқий агар майам надеҳад ҳавоӣи гул
Дастӣ манасту домани соқийю пойи гул.*

Аҳмад Убайдуллоҳ истамбуллик турк Машрабий шоир ҳақида маълумот берган: 1-Машрабий. Ҳижрий Х, мелодий XVI Усмонли турк шоирлардан бўлиб, истамбулликдир. Султон Салимхон Сонийнинг шахзодалиқ даврларида Мағний Сода (Туркиядаги шаҳарда) хизматларида бўлган. Шу қитъа униқидир:¹

*Фироқийла заифу, нотавону, дарднокам бан,
Ғамингда шарҳа-шарҳа, пора-пора чоку-чакам бан.*

*Кими ўлдирса ихё айлар ул Ийсо нафас, аммо
Бу бан ўлмалусан қатл, айлаамиз анга ҳалокам бан.*

Демак, баъзи биздан шуни қизиқиб сўровчиларга фикримиз шуки, Машраб таҳаллусли шоирлар етгита, Машрабий таҳаллусли шоирлар олтита, жами эса ўн учта деб жавоб берсак бўлади. Шундан: Машрабий таҳаллусли иккитаси Мовароуннаҳрда, бештаси асосан, Эрон ва Ҳиндистонда яшаб ижод қилгандирлар. Машрабий таҳаллусли шоирлар ҳам аксарияти – тўрттаси эронлик, биттаси Туркистонликдир.

Бу тўғрида Исматуллоҳ Абдуллоҳ: Сомий ва Навоий маълумот берган олти шоирнинг ҳаммаси форс тилида ижод этган. Ўрта Осиёга боғлиқ жойи йўқ, деган.

Машраблар ҳақида Аҳмад Убайдуллоҳ шундай фикрни келтирган: Шарқ халқлари классик адабиётида Машраб, Машрабий таҳаллусли билан ижод этган шоирлар ҳақида тазкираларда берилган маълумотлар шулардан иборатдир. Мазкур Машраб ва Машрабийларнинг аксарияти ҳамюртимиз, оташнафас шоир Бобораҳим Машрабнинг замондошлари бўлишган. Эҳтимол, кўплари билан Бобораҳим Машраб учрашган бўлиши керакки, деярли барча Машраб ва Машрабий таҳаллусли шоирларни у жуда яхши билган. Чунки унинг бир форсий шеърида шундай мисралар учрайди:

*Машраби риндон манам, сармастро шайхон манам,
Хонақоҳи бениёз бо дайри вайрон кардаам.*

Мазмуни: Нозик табиатлар Машрабиман, Худо ишқи мастларининг шайхиман. Шунинг учун мақсадсиз хонақоҳин, бутхона билан бирга вайрон қилдим.

Дарҳақиқат, Бобораҳим Машраб Намангоний ғазаллари ўзининг нозиклиги, ошиқоналиги, ўйноқилиги, мастоналиги билан бошқа Машраблар шеърларидан ажралиб туради.²

Бобораҳим Мулла Вали ўғли Машрабнинг асарлари халқ орасида кенг тарқалиб, ўз замонасининг шоирларига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Асрлар давомида унинг ижодидан баҳраманд бўлиб, асарларига татаббуъ тариқасида, жавобия усулида ёзилган шеърлар, ғазалларига боғланган мухаммаслар кўплаб учрайди. Бу ҳолат шоирнинг шуҳрати кенг тарқалганидан, унинг издошлари, мухлислари кўп бўлганидан далолат беради.

Машраб асарлари ўзбек шеърятининг кейинги тараққиётига, хусусан, Ҳувайдо, Муқимий, Фурқат каби шоирлар ижодига сезиларли таъсир кўрсатди.

Кўлэзма манбаларда Ўзбекистон ва Тожикистон ФА Шарқшунослик институтлари кўлэзмалар фондларидаги бир қатор нодир китобот намуналарида Мижмар, Аҳмади Самарқандий, Манзур, Шайдо, Шўхий Хўжандий сингари бир қатор шоирларнинг Машраб ижодидан баҳраманд бўлиб ёзган шеърлари учрайди.³

Ж. Юсуповнинг таҳлилича, Хожаназар Бобоназар ўғли Ҳувайдо Машраб шеърятининг ҳақиқий шайдоларидан биридирлар. Ҳувайдога Машраб руҳияти, Машраб яратган дилбар шеърят шунчалик манзур бўлганки, ўртада таҳаллус бўлмаса, бу икки шоир шеърларини улардан қайси бирлари ёзганликларини фарқлаш қийин бўларди. Улар бамисоли эгизакларга ўхшашади.

Машраб:
Ишиқ водийсидан бир кеча ман ҳай-ҳалаб ўттум,

¹ Аҳмад Убайдуллоҳ. Тўплам. 101-бет.

² Аҳмад Убайдулло. Тўплам. 102-бет.

³ Эргашали Шодиев. Машраб издошлари. Адабий мерос. 1980, 3-сон, 51-бет.

Монанд найистон гулига ўт қалаб ўттум.

Хувайдо:

*Дунёга келиб дунёни бир шатталаб ўттум,
Монанд наистон гулига ўт қалаб ўттум.*

Машраб:

*Гул-гул юзунгни очиб кел сайри боға дилбар,
Нозу карашма бирлан келгил қучога дилбар.*

Равнақ:

*Қурбон ўлай шакардек ширин дудога дилбар,
Тушимши азалда завқим бодом қабога дилбар.*

Машраб:

*Дунёни пушти по уруб Адҳами бенаво ўзум,
Авжи фалакда юругон кавкаби пурзиё ўзум.*

Махмур:

*Даври фалакда, дўстлар, сар-сари танги раҳ ўзум,
Гирди жаҳонни чарх уруб сайқали меҳри моҳ ўзум.*

Машраб:

*Қилди бу чархи фалак расвойи даврон оқибат,
Бор-йўқум бўлди охир ерга яксон оқибат.*

Нодира:

*Васл уйин обод қилдим, бузди ҳижрон оқибат,
Сели ғамдин бул иморат бўлди вайрон оқибат.*

Машраб:

*Кўрдумки букун ул парирў дилбари раъно,
Хуш сурату хуш ҳилъату хуш рафтори зебо.*

Шавқий:

*Ишқ офатидин тушти мани бошима савдо,
Мажнун каби ҳайрон кезаман дашт ила саҳро.*

Машраб:

*Тушти савдойи муҳаббат бошима,
Ор этар мардум келурга қошима.*

Огаҳий:

*Дарди захри солди чинлар қошима,
Келмади ҳолим сарарга қошима.¹*

Девонаи Машрабнинг ҳақиқий мухлисларидан бири Ёрмуҳаммад Мухлис Намангонийдирлар. Машрабдан сўнг ўзбек адабиёти тарихида энг кўп мухаммаслар ёзган шоирлар Мухлис ва Огаҳий ҳисобланадилар. Мухлис ҳақиқатдан ҳам Машрабга ошиқ, вола – мафтун, мухлис – ихлосли валиюллоҳ шоирлардир. Мухлис томонларидан яратилган ғазал ва мусамматларнинг деярли кўпчилиги Машрабга эргашиб ёзилган ва уларнинг аксарияти ҳамд, сано, муножот ҳамда наътлардан иборатдир. Қуйида Машраб, Мухлис ва Фурқатларнинг бир вазнда, бир-бирига монанд кофияда, бир хил радифда ва мавзуда муштарак мухаммасларининг дастлабки бандларини келтирамиз:²

Машраб:

*Соқиё, махмурман, дафъи хумор истар кўнгил,
Бода бергил, нўш этай, фасли баҳор истар кўнгил,
Саҳни гулшанда дарахти саявор истар кўнгил,
Ўртада бир маҳваше сиймин узар истар кўнгил,
Ғам кунинда ҳам нишини ғамборар истар кўнгил.*

¹ Машраб. Девон. 2006. 21-22-бетлар.

² Ўша асар. 23-24-бетлар.

Мухлис:

*Ким баҳор айёми келди сабззор истар кўнгил,
Май ичига ҳамнишин беихтиёр истар кўнгил,
Зулфи сунбул, соқи сиймин гулбузар истар кўнгил,
Журми беҳад, раҳмати Парвардигор истар кўнгил,
Нийяти сайёҳлик беихтиёр истар кўнгил.*

Фурқат:

*Дўстлар, айши тараб фасли баҳор истар кўнгул,
Ҳар кун саҳрода сайри лолазор истар кўнгул,
Айламак ҳар сори оҳулар шикор истар кўнгул,
Кабк рафторин кўрарга қўхисор истар кўнгул,
Доғи хурсанд этгуси ҳар неки бор истар кўнгул.*

Шундай қилиб, мутафаккир шоир Бобораҳим Машраб тасаввуфий қарашларида комил инсон муаммоси ҳақида хулоса қилинадиган бўлса, аввало Машраб улуғ салафларнинг инсон ва унинг жамиятда тутган ўрни ҳақидаги қарашларини идрок этган ҳолда ўрганди. Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Румий, Фаридиддин Аттор шеъриятидаги комиллик ҳақидаги ғояларни, Иброҳим Адҳам, Боязид Тайфур Бистомий, Мансур Ҳаллож, Саид Имомиддин Насимий дунёқарашидаги ишқи илоҳий ва комиллик ҳақидаги таълимотни, у шеърларда тилга олган мутафаккирларнинг комил инсон ҳақидаги тушунчалар ва улар илгари сурган ғояларни ривожлантирди.

Машраб инсон идеали Пайғамбар Муҳаммад (с. а. в.) эканлигини, чорёрлар, уламолар, айниқса, унга идеал бўлган пири комили Офқоҳожанинг етишган пир ва инсон эканлигини шеърларида эҳтиром билан тилга олади.

Машраб шеърларининг лирик қаҳрамонлари у орзу қилган комил инсон образлари эди. Шунинг учун у ғазалларида ўша мақомга етган комил одамлар сиймосини яратди.

IV-БОБ. МАШРАБНИНГ ДИН ВА АХЛОҚҚА МУНОСАБАТИ

ШОИР ДУНЁҚАРАШИДА ИСЛОМ ДИНИГА БЎЛГАН МАСАЛАЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Аллоҳ (араб. «ал-илоҳ» – илоҳий куч, худо), Оллоҳ – ислом динида бутун мавжудотни яратган олий илоҳий куч; Худонинг номи. Одатда Аллоҳга таоло (улуғ, олий) сифати қўшиб айтилади. Аллоҳ Ислом ёйилиши арафасида баъзи арабларнинг, хусусан, Макка аҳлининг Худоларидан бири бўлган, деган фикр бор. Дастлаб Аллоҳ сўзи маъно жихатидан «Илоҳ» (худо) ва «рабб» (парвардигор, эга) сўзларидан фарқ қилмаган. Бунга Муҳаммад (с. а. в.)нинг оталари Абдуллоҳ исмида бўлганлари далилдир. Якка худога – тавҳид – исломдан анча илгари бошланган. Иброҳим алайҳиссалом араб қабилаларини ўз санамларидан воз кечишга ва ягона Аллоҳ (Илоҳ)га эътиқод қилишга даъват этганлар. Улуғ авлодларни якка худоликка тарғиб қилиб, ислом динига киришиши Муҳаммад пайғамбар (с. а. в.)га биринчи бора ваҳий келган 610 йилдан бошланган.¹

Ислом динига биноан Аллоҳ – яккаю-ягона Худо, оламнинг яратувчиси ва қиёмат кунининг эгаси. У Муҳаммад пайғамбар (с. а. в.)ни инсониятга ўзининг сўнгги элчиси сифатида юборган. Исломнинг энг асосий талаби ҳисобланмиш Каломи шаҳодат «Ла илоҳа иллаллоҳи Муҳаммадун расулуллоҳ» («Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг пайғамбари»), деб уқтиради. Исломга кўра, Куръон Муҳаммад (с. а. в.)га нозил қилинган Аллоҳнинг ягоналиги ва буюклиги жуда кўп бор таъкидланади. Шунингдек, Куръонда доимо Аллоҳнинг мукамаллиги, қодирлиги ва улуғлиги ҳақида гапирилади. Аллоҳ «алим», яъни билувчидир, Аллоҳ «мурид» яъни хоҳловчидир, Аллоҳ «қадир», яъни ҳар ишга қудрати етувчидир ва ҳоказо. Унинг 99 номи ва 1001 сифати бордир. Аллоҳ ҳақидаги таълимот мусулмон дини ва илоҳиёт фанининг асоси бўлиб қолади.²

Ислом арабча сўз бўлиб, таржимаси «Ўзини Аллоҳ ихтиёрига бахшида этиб, тинчлик (осойиш) топиш» деган маънони англатади. Ислом барча мусулмонлар динининг номидир. Муҳаммад Расулуллоҳга нозил қилинган Куръони каримнинг сурасида бундай дейилади: «Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўқис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим». (Моида сураси, 4-оят).

Аллоҳ – Худонинг исмидир, у атоқли от бўлиб, унинг кўплик шакли йўқ. Аллоҳ ўзи ҳақида гап кетганда, қайси томонга урғу берилишига қараб, «Аллоҳ» «Биз», «Худо», «У» ёки «Мен» деб сўзлайди. Куръон бир сурасида шундай дейилади:

«Пайғамбар ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсаларга иймон келтирди ва мўминлар (ҳам) иймон келтирдилар. Аллоҳга, фаришталарга, китобларга ва пайғамбарларига иймон келтирди. Ҳар бир киши (айтадилар). «Унинг пайғамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз. Парвардигор, гуноҳларимизни мағфират қилишингни сўраймиз. Ва фақат ўзингга қайтажакмиз». (Бақара сураси, 286-оят).³

Ҳар бир пайғамбар ўзининг дини бошқача номланганлигига қарамай, барибир «Ислом»дан таълим берган. Шунинг учун Куръон инсонларга туширилган сўнгги илоҳий қонун китобидир.

Куръон ягона тугал қонунни ифодалагани сингари Муҳаммад алайҳиссалом ҳам оламдаги барча кишиларга мурожаат қилган биринчи зотдир. «Айтинг эй Муҳаммад; Эй одамлар, албатта мен сизларнинг барчангизга Аллоҳ юборган элчиман. Аллоҳ шундай зотки, самоват ва Ер унинг мулкидир. Ҳеч илоҳ (ҳеч тангри), йўқ магар унинг ўзи бирдир. Ҳаёт ва ўлим берадиган ҳам унинг ўзидир. Бас, Аллоҳга ва унинг элчисига – Аллоҳ ва унинг сўзларига ишонадиган умумий пайғамбарга иймон келтирингиз ва унга эришингиз – шояд хидоят топурсиз». (7 сура, 159 оят).⁴

Муҳаммад пайғамбарга иймон келтириб, унга эргашган киши мусулмон бўлади. «Айтинг (Эй Муҳаммад: «Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва (гуноҳларни) кечиргувчи ва меҳрибондир» (3-сура 32 оят). Ла илоҳо илло Аллоҳ, Муҳаммадур Расулуллоҳ деб кишилар мусулмон бўлишади. Бу дуонинг мазмуни шундай: «Аллоҳдан ўзга ҳеч илоҳ йўқ. Муҳаммад унинг пайғамбаридир». Калимаи таййиба

¹ Ҳамидулла Караматов, Абдулазиз Мансур. Аллоҳ. «Ўзб. адаб. ва сан. » 2001, 27 апрел.

² Ўша манба, ўша жой.

³ Хидоятуллоҳ Ҳюбш. Ислом нима? «Ўзб. адаб. ва сан. ». 1991, 20 декабр.

⁴ Ўша манба, ўша жой.

деб аталмиш бу калима Исломи динининг бешта устунидан биринчисидир ва у на ўғли ва на шериги бор, осмонлар ва ерни ҳамда улардаги нарсаларни яратган Аллоҳнинг мутлақ чекланмаган бирлигидан далолат беради. Аллоҳ узи ҳақида шундай хабар беради: Бандаларим (Эй Муҳаммад) мен ҳақимда сўрасалар (айтинг, мен уларга яқинман. Менга дуо қилган пайтларида, дуоғўйларнинг дуосини ижобат қиламан. Бас, Ҳақ йўлига юришлари учун (улар ҳам, менинг даъватимга жавоб қилсинлар ва менга иймон келтирсинлар)» (Бақара сураси, 187-оят).¹

Яна бир сурада эса мана бундай дейилган: «Чиндан ҳам биз инсонни яратдик ва жони унга нималар деб шивирлаётганидан хабардормиз. Чунки биз унга бўйин томиридан ҳам яқинроқмиз». (Қоф сураси, 17-оят).

Исломининг иккинчи устуни кундалик диний ибодат, яъни намоздир.

Исломининг учинчи устуни рамазон ойида 30 кун рўза тутишдир.

Исломининг тўртинчи устуни Аллоҳ йўлида садақа қилиш, яъни закот беришдир.²

Исломининг бешинчи устуни Маккаи Мукаррамани зиёрат қилиш, яъни ҳаждир.²

Муҳаммад Сиддиқнинг ёзишича, поклик иймоннинг бир қисми ҳисобланади. Исломи поклик ва озодалиқ динидир. У тозаликни иймоннинг узвий бўлаги деб ҳисоблайди. Расули Акрам саллоллоҳу алайҳи вассаллам буни шундай деб баён қилганлар: «Поклик иймоннинг бир қисмидир». Инсоннинг поклигини таъминлаш, уни ҳиссий ва маънавий ифлосликлардан ҳалос этиш шариати исломийнинг асосий мақсадларидан биридир. Ташқи кўринишнинг – бадан, кийим ва жойнинг поклиги намознинг қабул шартини бўлса, ички дунёнинг поклиги эса, жаннат неъматларига эришмоқ шартидир.³

Дунё маданиятининг бешиги бўлмиш Шарқда ижтимоий тузумнинг қайси босқичдалигидан қатъий назар шахсни ҳар томонлама камол топтириш муаммоси ҳамиша етакчи масала ҳисобланиб келган. Исломининг ўз олдига қўйган асосий мақсадларидан бири ҳам вужудга келган кундан бошлаб фикрловчи комил, яратувчи, беозор инсонни тарбиялаш эди.⁴

Исломи – дунёда кенг тарқалган жаҳон динларидан бири. Осиё қитъасидаги Арабистон яриморали, Йордания, Сурия, Ироқ, Эрон, Туркия, Афғонистон, Покистон, Африка қитъасидаги Марокаш, Жазоир, Сомали сингари мамлакатлар халқлари, Эфиопия, Ғарбий Суданда яшовчиларнинг бир қисми, Малайзия, Индонезия халқлари, Ливан, Ҳиндистон, Хитой ҳамда Филиппин аҳолисининг маълум бир қисми мусулмон. Исломи Марказий Осиё, Кавказ орти ва Шимолий Кавказ, Волга бўйи, Ғарбий Сибир ва бошқа айрим районларда яшовчи аҳолининг бир қисми онги ва турмушида мавжуд бўлиб, бу халқлар турмуш тарзига ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда.⁵ Жаҳонда 192 та давлат бўлса, шунинг 39 тасида исломи дини амал қилади, улар аҳолиси бир ярим млрд. кишига етди. Исломи дини таълимоти унинг муқаддас китоби Қуръони каримда баён этилган.

Исломи таълимотича, Қуръон Аллоҳ томонидан фаришта Жаброил орқали Муҳаммадга ваҳий қилинган.

Исломи таълимотининг асосини иймон, исломи ва эҳсон ташкил этади. Иймон 7 ақидага мосланади. Булар: 1) Аллоҳга; 2) Фаришталарга; 3) Муқаддас китобларга; 4) Пайғамбарларга; 5) Охиратга; 6) Тақдирга; 7) Ўлгандан кейин тирилишга ишонишдир.⁶

Филология фанлари номзоди Раҳматилла Иноғомов Муҳаммад пайғамбарнинг туркий авлодларини ўрганган олимлардан биридир. Бу ҳақда адабиётшуноснинг рисоласи ҳам эълон қилинган. Р. Иноғомов ёзади: «Шундай инсонлар, табаррук зотлар, оламшумул олимлар борки, уларнинг насл-насаблари башарият тарихида ўчмас из қолдирган, буюк сиймоларга, мўътабар аждодларимизга, кароматли-азиз авлиёларга, ҳатто пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга бориб тақалади. Ана шундай зотлар орасида бобокалонлари пайғамбаримиз авлодларига мансуб миён ҳазратлари авлоди бу авлоддан етишиб чиққан кўплаб уламо ва азиз авлиёлар алоҳида эътиборга молик. Мусулмон Шарқида беқиёс ўрин тутувчи, тасаввуфдаги «Қодирия» сулукининг асосчиси, авлиё аллома Ҳазрати Ғавсул Аъзам

¹ Ўша манба, ўша жой.

² Ўша манба, ўша жой.

³ Муҳаммад Сиддиқ. Поклик иймоннинг бир қисми. Ҳидоят, 2001, 3 сон, 13-бет.

⁴ Ҳамиджон Ҳомидий, Иқром Остонулолов. Боязид Бистомий. Сирли олам. 1991, 11-сон, 33-бет.

⁵ Проф. Анвар Абдусамедов таҳрири остида. Диншунослик асослари. «Ўзбекистон», Тошкент, 1995, 62-63-бетлар.

⁶ Ў. Саиджонов. Дунё динлари тарихи. «Шарқ», Тошкент, 1998, 110-бет.

Мухйиддин Саййид Абдулқодир Гилоний мусулмон оламидаги табаррук сиймолардан биридир, тасаввуфдаги нақшбандийлик тариқатининг асосчиси Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд ва машҳур олим Имом Раббоний, мутафаккир шоир ва насрнавис, шеърлари халқ ичида довриқ қозонган сўфи Оллоёр ана шу авлодга мансубдирлар».¹

«Миён» сўзи келиб чиқиши жихатидан тожикча бўлиб, ўрта маъносини англатади. Миёнлар ота томонидан ҳазрати Умарга, она томонидан эса ҳазрати Али ва Фотима (Муҳаммад пайғамбарнинг севимли қизлари) орқали тарқалган мўътабар авлодга мансуб. Миёнларга мансуб авлод вакиллариға миён ҳазрат, улуғ ҳазрат, саййид, эшон, тўра, хожа, муфти, шайх, амир унвонларини қўшиб айтиш одат тусига айланган.

Миёнлар авлодидан етишиб чиққан Муҳаммад пайғамбаримиздан кейинги азиз авлиёларимиз орасида энг нуфузли зотлардан бири Ғавсул Аъзам Мухйиддин Саййид Абдулқодир Гилоний бўлган, замонасининг тенгсиз донишманди, буюк мударрис, кароматли авлиё бўлиб етишган бу аллома «Қодирия» сулукига асос солган. Асл насл-насаби ўн авлод олдин Муҳаммад алайҳиссаломнинг қизи Фотимаи Захро ва унинг ўғиллари имом Ҳасан ва Имом Хусайнга бориб тақаладиган Саййид Абдулқодир Гилоний мелодий 1079 йили (ҳижрий 472 йил) Эроннинг Гилон вилоятида оламга келади.²

Шарқий Туркистоннинг Ёркент диёрида умр кечирган мутасаввуф олим ва тилшунос Муҳаммад Сиддиқ Рушдий XII асрда яшаган «Ғавсул Аъзам», «Шайхи Машрик» номи билан машҳур буюк инсон Саййид Абдулқодир Гилоний ҳақида асар ёзган. Асарни Икромиддин Остонакул ўғли сўз боши билан нашрга тайёрлаган. Абдулқодир Гилоний 16 ёшида Бағдодга бориб илм тахсилуғига берилади. Ўз даврининг улуғ олимларидан Ислом дини асослари ва тасаввуф таълимотини пухта эгаллайди. Бағдод шаҳрида мадраса барпо этиб, ўттиз уч йил давомида толиби илмларга сабоқ беради.³

«Падари бузрукворим Муҳаммад Хизр Мувсилийдинки, айтур эрдилар, пирим Ғавсул Аъзам ўз мадрасаларида 13 қисм илмга дарс айтур эрдилар. Чунончи, илму тафсир, илми ҳадис, илми мазҳаб, илми усул, илми ахлоқ, илми фикҳ, илми наҳв. Ва намози пешиндан кейин тиловат «Қуръон» килур эрдилар.

Ғавсул Аъзам башоратда ва фаросатда тенги йўқ зот бўлиб, ўз замондошлари орасида «Султон ул авлиё» деб эъзозланар, унинг бир умрлик мақсади кишиларни яхшилик йўлида тарбиялаш, улари ёмон йўлдан қайтариш, ожиз ва йўлдан адашганларга ёрдам бериш, ҳалоллик ва эзгулик учун курашиш эди».⁴

Тожик олими М. Ҳазратқулов ўзининг «Тасаввуф» китобида (Душанбе, 1998) куйидаги фикрларни ёзади: «Қодирия – тариқат силсилаларининг дастлабкиларидан бўлиб, асосчиси Абдулқодир Гилонийдир. У ханбалий суннийларидан ҳисобланади. Абдулқодир Гилоний аввал ақлий ва фикҳий илмларни эгаллаб, сўнг зоҳирий ва ботиний таълимга қўл урган. У киши ҳукумат ва подшоҳлар мажлисиға бормаганлар. У аввал Эронда, кейин Бағдодга фаолият кўрсатиб, катта обрў-эътибор қозонган. Шайхнинг 42 фарзанди бўлганлиги ва улардан 11 нафари оталари тариқатига киргани ҳақида ривоят қилинади».⁵

Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг «Ғавсул Аъзам» китобининг «Иккинчи фасли» Гилонийнинг насабиға бағишланган: «Билгилким, ул ҳазратнинг оталари тарафидан нисбатлари ҳазрати Имом Ҳасан Разияллоҳу Анхуғадир. Ва оналари тарафидан нисбатлари ҳазрат Имом Хусайн разияллоҳу Анхуғадир. Нисбати шарифлари силсиласи оталари тарафидин бу тариқа бирладурким, Шайх Саййид Мухйиддин Абдулқодир ҳазрати Саййид Абу солих Мусонинг ўғлонларидир. Булар Саййид Абдулло Жайлийнинг, булар Саййид Яҳё Зоҳиднинг, булар Саййид Довуднинг, булар Саййид Мусонинг, булар Саййид Абдуллонинг, булар Саййид Мусо Ал-Жавоннинг, улар Саййид Абдулло Муқсиннинг, булар Ҳасан ал-Мусаннонинг, булар ҳазрати Амралмўмин Али-ал-Муртазонинг фарзандларидур».⁶

«Ва волидаи шарифлари тарафидин фарзандлари силсиласи бу тариқа биладурким, ул ҳазратнинг волидаларининг исми шарифалари Фотима ва куниялари Умми Хайр. Ва лақаблари Амонатул Жаббордир. Булар ҳазрати Шайх Абу Абдулло Савмаъийнинг, булар

¹ Раҳматилла Иноғомов. Муҳаммад пайғамбарнинг туркий авлодлари. «Ўзб. ад. ва сан. », 1996, 9 май.

² Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Ғавсул Аъзам. Абдулло Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти. Тошкент, 1993, 4-бет.

³ Юқоридаги манба, ўша жой.

⁴ Ўша манба. 4-бет.

⁵ Ўша манба. 5-бет.

⁶ Ўша манба, 18-бет.

Абу Жамол Саййид Муҳаммаднинг, булар Абу Муҳаммад Тоҳирнинг, Булар Саййид Абу-ал-Атонинг, булар Саййид Абу Камол Исонинг, булар Алоуддин Муҳаммаднинг, булар ҳазрати Имом Жафар Содикнинг, булар ҳазрати Муҳаммад Боқирнинг, булар ҳазрати Имом Зайнул-Обиддиннинг, булар ҳазрати Имом Хусайннинг, булар Амир ал-мўминин, Али ал-Муртазонинг фарзандларидир. Бу хосиятдин ул ҳазрат ҳам Ҳасаний ва ҳам Хусайний аталадурлар».¹

«Авлиёлар султони» деб эъзозланган ҳазрат Ғавсул Аъзам Абдулқодир Гилоний мусулмон оламида Муҳаммад алайҳиссалом ва унинг саҳобаларидан кейинги энг муқаддас зотлардан бири ҳисобланган.²

«Рисолаи Қодирия»да нақл қилинишича, бир куни Расулulloҳ қизлари Фотимаи Заҳронинг уйларига ташриф буюрадилар. Пайғамбаримиз Бағдодий ун олиб келадилар. Бундан хурсанд бўлиб Фотимаи Заҳро хамир қилиб нон пиширмакка машғул бўладилар. Шу маҳалда кичик ёшдаги ҳазрати Имом Ҳасан ва укалари ҳазрати Имом Хусайн ўйнаб юриб келиб қоладилар. Муҳаммад пайғамбаримиз Ҳасан узоқроқда бўлгани учун яқиндаги Хусайнни муборак бағриларига оладилар. Шу маҳалда Фотимаи Заҳронинг кўнгилларига фарзандининг кичигига оталарининг илтифотларини кўриб, катталарига илтифот қилмаганларидан хаёллари фаромуш бўлганлигини сезиб, пайғамбаримиз уларнинг ҳам иккиси жигаргўшаси ва нуридийдаси эканлигини, ҳар иккиласига меҳру-муҳаббатлари баланд эканлигини айтиб, башорат қилиб келажакда Имом Хусайннинг авлодларидан тўққиз мукамал имоми комил, дини исломнинг мустаҳкам таянчлари, Имом Ҳасаннинг авлодларидан бир имом туғилишини айтадилар. Шунда Фотимаи Заҳронинг кўнгилдан яна шу тўққиз имом катта фарзандим Ҳасаннинг авлодидан тарқалса яхши бўларди деган ўй ўтганлигини сезиб, пайғамбаримиз деди: «... ё Фотима, хотирингизни жам қилингизким, ҳазрати Имом Ҳасаннинг авлодларидин бир имому миллат ва чироғи уммат зухур қилгайким, у тўққиз имомнинг баробарида машҳур ва маъруф бўлғай. Уларнинг исми шарифлари Абдулқодир ва лақаблари Муҳйиддин, яъни дину миллатимни тиргизгучи ва ғавсус саклайн ва менинг ва Худонинг маҳбуби ва менинг ноибим жами авлиё илоҳнинг сарварларидурлар».³ Ҳазрат Фотимаи Заҳро бу хабар хушни онглаб ҳадсиз шод-хуррам бўлдилар.³

«Рисолаи Қодирия»да ёзилишича, пайғамбаримиз пешиндан кейин озгина мизғиб, туш кўрадилар. Ҳазрати Шохимардон Али Муртазо, Фотимаи Заҳро, Имом Ҳасан ва Имом Хусайн Карбало қалъаси ичида ўтирибдилар. У ерда ўнта чироқ шуъла сочиб турибди. Тўққизтаси бир томонда ва яна биттаси бир томонда. Ҳазрати Али, Фотимаи Заҳро ва икки имом тўққиз чироққа ишорат қилганда ҳар чироқдан нурлар айрилиб, бир чироққа уланиб, ҳаммалари бир бўлди ва чироқ ёруғлиги кучайиб «Жамъи оламини равшан ва мунаввар қилди».⁴

Саййид Абдулқодир Гилонийнинг руҳи авлиёи Аллоҳнинг сафидин эмас, анбиёлар сафида турганини эшитган пайғамбаримиз у кишини қўлларидан тутиб, Ҳақ Таолонинг амри билан: — Эй фарзанд, фардон қиёматда сенинг мақоминг менинг ёнимда, мақоми маҳмуддадир деб илтифот қилганларидан сўнгра Ҳазрати Ғавсил Аъзам ўз жойларида қарор олдилар.⁵

Машраб «Ўргандим» радифли ғазалида чорёрлар Абубакир, Умар, Усмон, Ҳайдарда азалиятни ўрганганлигини, Ҳасан ва Хусаннинг Аллоҳ йўлида шаҳиди аъло мақомига етганлигини, фақирликни пайғамбар Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ва Фотимаи Заҳрода ва асосийси ундан сўровчиларга Яратганнинг лутфи билан «Мавло» - Аллоҳдан ўрганганлигини фахр ила айтади:

*Абу Бақру Умар, Усмон имонимнинг гувоҳидур,
Аъзалнинг ҳимматини Ҳайдару Аълодин ўргандим.*

*Ҳасан бирлан Хусайн Ҳақ йўлида жонини топшиурди,
Кўнгул таъсирини, бил, нолайи Заҳродин ўргандим!*

¹ Ўша манба, 18-бет.

² Раҳматилла Иноғомов. Муҳаммад пайғамбарнинг туркий авлодлари. «Камалак» Тошкент, 1995, 17-бет.

³ Муҳаммад Сиддик Рушдий. Ғавсул Аъзам. 21-бет.

⁴ Ўша манба. 52-бет.

⁵ Ўша манба. 23-бет.

*Кийибон салтанат фақрин танимга мосиво бўлдум,
Фақирликни Муҳаммад ибни Абдуллодин ўргандим.*

*Ҳама айтурки: Машраб, мунча илмни кимдин ўргандинг,
Худо лутф айлади, ман барчани мавлодин ўргандим.*¹

Абдулқодир Гилоний 90 йил яшаб, ваъз айтиш пайтида вафот этган. Вафотидан сўнг ўғиллари Иброҳим ва Абдулазизлар кейинчалик набиралари Гилоний ишини давом эттирган, кодирия тариқатини бутун Шарқ бўйлаб ёйишга муваффақ бўлишган. «Девону Ғавсул Аъзам» китоби ҳам бизгача етиб келган. Тасаввуфнинг кодирия силсиласи Ироқ, Эрон, Туркия каби мамлакатларда кенг тарқалган бўлиб, юз минглаб тарафдорлари бўлган, турли шаҳарларда кодирияхоналар, хонақохлар қурилган, мактаблар очилган.²

Миёнлар авлодидан етишиб чиққан кишилардан бири Баҳоуддин Нақшбанд «Шоҳи Нақшбанд», «Хожаи Бузрук», «Баҳоуддин Пирим», «Девонаи Баҳоуддин», «Шайх Баҳоуддин», «Ҳазрати Эшон», «Ҳазрати Хожа», «Баҳоуддин Балогардон» унвонлари билан шарафланган.

Баҳоуддин 17 ёшида уйланади. Йигитча дарвеш – қаландарлар қаторида Шоҳизинда мазоридида ётиб юрган тунларининг бирида ҳазрати Хизрни туш кўради. Хизр унга: Чин сўфий бўламан десанг, хотинингга рағбат қилмағил, дейди. Шундин кейин у ўзининг бутун ҳаётини Аллоҳ йўлига, маърифатга бағишлайди, оилавий хузур-ҳаловатдан воз кечади.

Тариқат илмидаги улкан ютуқлари учун «Махдуми Аъзам» унвонига сазовор бўлган Саййид Аҳмад Косоний ҳам ана шундай сиймолардан биридир. Муҳаммад пайғамбаримизнинг авлодларидан бўлган косонийлар Мовароуннаҳрга XIV асрнинг охирларида келиб ўрнашиб қолишган. Тўлиқ номи Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин хожа Косоний бўлиб, Косон кентида 1461 (ҳижрий 868) йили дунёга келган. Косонийнинг фикрича, «Дин ва муқаддас китоблар инсон учун ва инсонни ахлоқий камолотга етаклаш учун берилгандир; инсон дин учун эмас, балки дин инсон учун яратилгандир».³ Миён ҳазратларининг авлодлари ичидан етишиб чиққан энг улуғ сиймолардан бири Имом Раббонийдир. Ўрта асрларда раббонийлар авлодидан Далилуло ҳазрати Абдул Аҳмад, Ҳазрати Шайх Муҳаммад Миён Обид, Муҳаммад Мусохон Хожа Даҳбедий, ҳазрат Шайх Ғуллом Маъсум Валий, ҳазрати Эшон Сўфи Оллоҳёр сингари фозил ва шоир илмий ва адабий ҳаётда кўп хизматларни амалга оширганлар. Булар орасида улуғ шоир ҳазрат Эшон Сўфи Оллоҳёр айниқса машхур эди.

Энди ҳазрати Али авлодлари ҳақида мухтасар фикр келтирамиз: Али авлодлари – Али ва унинг рафиқаси Фотима (Муҳаммад пайғамбарнинг қизи) дан тарқалган авлодлар. Ўрта аср мусулмон мамлакатларидаги айрим сулолалар – идрисийлар, фотимийлар, зайдийлар улардан бошланган. Марокашда шалавийлар сулоласи ўзини Али авлодлари деб ҳисоблайди. Али авлодлари ҳозирги вақтда барча мусулмон мамлакатларида мавжуд. Али жами 28 фарзанд кўрган, шулардан 11 нафари ўғил, 17 нафари қиз эди. Фотимадан тарқалган Али авлодлари «саййидлар», ўзбеклар орасида «тўралар» деб аталади. Алининг бошқа хотинларидан – канизаклар, жориялардан тарқалган авлодлари «хўжалар»га киради.⁴

Саййид, демак, миён ҳазрат, улуғ ҳазрат, амир унвонлари кўшиб айтилганлиги «Эшони шоҳ Машраб» унвони берилганлигидан аниқ бўлаяптики, Машраб ҳазратлари Жалолиддин Юсупов таъкидлаганидек, ва мен (таъкид: М. Ҳ.) шеърларида унга ишораларни кузатганимдек, у зот Ҳазрат Али авлодига мансуб авлиё ҳисобланади. Офоқхожа пайғамбар авлоди, у киши Махдуму Аъзамнинг чевараси. Шунинг учун Машраб Офоқхожа хонадонидан кўнгил узолмаган. Бу муборақ хонадонни доим «абри найсонлар йиғлаб, кўмсаб» шеърлар битган, Офоқхожа хонадони пайғамбар авлоди эканлигини, Аллоҳ унга шу ишқни солганлигини, у туну кун пири илтифотидан умидвор лутф кутганлигини, Офоқхожа унинг пушти паноҳи эканлигини, унинг ҳидоят кўрсатишини, адашган, ғарибга раҳнамолик қилишини, унинг гуноҳини авф этишини, чунки Офоқхожа ва ўзининг маънан бир авлод эканлигини, Ҳасан ва Ҳусайн ҳурматидан уни шоҳ деб билгани боис, ундан йўл кўрсатувчи, тўғри йўлга солувчи пири комил эканлигини эслатиб туради:

¹ Машраб. Девон. 2006, 138-бет.

² Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари 114-115-бетлар.

³ Раҳматилла Иноғомов. Муҳаммад пайғамбарнинг туркий авлодлари. 26-бет.

⁴ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий давлат энциклопедияси» нашриёти. Тошкент. 2001 йил. 85-бет.

*Азалдин то абад, дўстлар ҳамиша оҳ деб келдим,
Тилимда раббиял аъло яна Аллоҳ деб келдим.*

*Ки сан авлоди Пайғамбар, отингдур ҳазрати Офоқ,
Ки навмид қўймагайларким, улуг даргоҳ деб келдим.*

*Азалдин манга солди ушбу ўтти, эй, мусулмонлар,
Анинг учун куярман туну кун юз оҳ деб келдим.*

*Ҳидоят кўргузинг, Офоқхожам, пушти паноҳимсиз,
Адашган, йўлда қолганман, зарибга роҳ деб келдим.*

*Кел, эй Машраб, умид этгилки, афв этгай гуноҳингни,
Ҳасан бирлан Ҳусайним ҳурмати ул шоҳ деб келдим.*¹

Масаланинг туб илдизини, моҳиятини айтганимизда Абдулқодир Гилоний – Жилий она томонидан юкорида асосладик, ҳазрат Ҳусайн, ота томонидан ҳазрат Ҳасаннинг авлоди ҳисобланади.

Абдулқодир Гилоний кучли ҳанбалий мазҳабига мансуб. Комилхон Каттаевнинг нодир манба ҳисобланган «Равойихул-қудс» (муаллифи Мақсуд ибн Носириддин Бухорий) китобининг «Махдуми Аъзам» бобида шундай сатрлар бор: «Ул зотнинг муборак номлари Саййид Аҳмад Косоний бўлиб, Мавлоно Хожа Махдуми Аъзам исми ила машҳурдурлар ва ҳазратнинг нафису шарафли нисбатлари Шайх Бурҳониддин Қиличга бориб, ул зотнинг асл насаб гавҳари эса Карбало Даштининг шаҳиди Абу Абдулло Имом Ҳусайн (яъни, пайғамбар набиралари Имом Ҳусайн) разиоллоҳнинг шарафли садафига етади».²

Мазкур сатрлар муаллифи она томонидан Махдуми Аъзам Хожаги Косоний – Даҳбедий авлодидан, онам Офтобхон Султонхон қизи Даҳбедда Махдуми Аъзам авлодидан етук мутасаввуф олим Каттахон Хожанинг амаки укалари Султонхон хонадониди туғилиб тарбия топганлар ва ёшлигимизда онам Махдуми Аъзам Хожаги Косоний, Каттахон боболарим руҳи покларига дуога қўл очиб фотиҳада тилга олиб ўтирар эдилар. Ота томонидан Абдулқодир Гилоний – Жилий авлодига бориб тақалишимизни қайд этмоқчиман. Пайғамбар қизлари Фотимаи Заҳрога гапирган гаплари ҳазрат Ҳусайндан 9 та ва ҳазрат Ҳасандан 1 та «Ғавсул Аъзам», «Ғавсул сақалайн» ҳам она томонидан ҳазрати Ҳусайн ва ота томонидан ҳазрати Ҳасан авлоди Абдулқодир Гилоний менинг отам Ҳошимхон ибн Ғозихон таъкидлаганларидек, у муборак зот бобоколониим бўладилар. Чунки «... хосу ом Ғавсул ҳазратларининг юкори даражада ҳурматласалар-да, у киши шариат аҳкомларидан четга чиқмай «Аҳли суннат вал жамоа» мазҳабида юрганлар. «Шариат ҳукми этмай истиқомат, таажжуб ишлари бўлмас каромат»лигини, албатта ул буюк зот теран англаганлар. Зеро, агар киши башорат ва каромат кўрсатар экан, шариатдан четга чиқса, унинг амали эзгулик эмас, ёмонликка хизмат қилиши мумкин».

«Қодирия» тариқати бутун Шарқ мусулмон дунёсида, хусусан, Фарғона водийсида ҳам кенг шухрат қозонган. Мавлоно Ҳазиний ҳам «Сулуким - Қодирия» дейди бир шеърда:

*Ғавсул Аъзам – авлиёлар сарвари,
Ул Муҳаммад умматининг гамхори,
Масиҳога жон бағишлар гуфтори, - деб ёзади.*³

Марҳум Умаржон Отаев томонидан узоқ, қирқ йиллар ижро этилиб, ашулачилигимизда маънавий мулк, меросимизга айланган «Фарғона тонг отгунча» ашуласининг муаллифи Ҳазиний эътирофи бизни мамнун этади.

Машраб тадқиқотчиси Ж. Юсупов тариқатлар ҳақида фикр юритиб ёзади: «Исломи оламида тариқатлар кўп. Улар шу тариқатга асос солган тасаввуф олими, авлиёлар номи билан аталади. Бу тариқатлар бир-бирини инкор этмайди. Бир тариқатга мансуб бўлган шахсни бошқа тариқат аъзосидан фарқлаш учун шу тариқатга асос солган шахс номи қўлланган. Масалан, тайфурийя, яссавийя, кубравийя, мавлавийя, бектошийя, нақшбандийя...

¹ Машраб. Девон. 2006, 144-бет.

² Комилхон Каттаев. Махдуми Аъзам ва Даҳбед. Самарканд, Сугдиён, 1994, 9-бет.

³ Муҳаммад Сиддик Рушдий. Ғавсул Аъзам. 5-бет.

Ушбу тариқатлар, ўз навбатида тўрт мазҳаблардан бирига бориб боғланади. Қуръони карим, ҳадиси шарифларнинг мураккаб англамли ўринларини шарҳлай олиш қувватига эга бўлганлар мужтаҳид дейилган. Мужтаҳид – очувчи, мушкул диний масалаларни Қуръон, ҳадису шарифлар ҳукми асосида ҳал қилувчи, ислом шариатининг қонунларини яратувчи олим. Мазҳаб – мужтаҳид томонидан кўрсатилган аҳком-ҳукмлар мажмуасидир. Ислом оламида Ханафийя, Моликийя, Шофийя, Ҳанбалийя мазҳаблари мавжуд. Бутун дунё мусулмонлари, тадбиқ этилган ислом аҳкомларининг тўртдан уч қисми Имоми Аъзам Абу Ҳанифага мансубдир. Тасаввуф, валийликнинг энг юқори табақаларидан бўлган авлиёлар илмсиз омий бўлган мусулмонлар каби бир мужтаҳидга тобеъ бўлиш мажбуриятидадурлар. Масалан, Абдулқодир Гилоний – ханбалий, Абубакр Шиблий – моликий, Имом Раббоний ва Жаририй – ханафий, Холиси Муҳосиб – шофий мазҳабларига мансуб эдилар». ¹

Машраб ханафий мазҳабига мансуб бўлса-да, ўзидан олдин ўтган буюк тасаввуф аҳли сингари тўртала мазҳабни ҳам чуқур билган. Унинг шеърлятида қайси мазҳабга боғланган бўлмасин, Абу Бакр Шиблий, Боязид Бистомий, Жунайд Бағдодий, Мансур Ҳаллож, Жалолиддин Румий, Шамс Табризий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд каби авлиёи Ҳақларга нисбатан бўлган чуқур эҳтироми бунинг исботидир. ²

«Ҳам Саййиду, ҳам олиму дарвеш бу Машраб, бу бефуқародир» деб, дарвеш – қаландарлигини, замонасининг олими ва насаб келиб чиқиши саййидлар хонадонига мансублигини билдиради.

Ҳазрати Алининг ўғиллари Ҳасан жанобларининг авлодларига «шариф», Хусайн жанобларининг авлодларига эса «саййид» унвони берилгандир. Шу нуқтаи назардан қараганда Машрабнинг аждодлари силсиласи мазкур мўътабар хонадонга бориб тақалади, уланади. Шоирнинг «Эшон», «Эшони шоҳ Машраб» деб юритилиши ҳам ана шундан. Аммо у наслий ҳирсу ҳавас, маҳдудлик, кибру ҳаволарга мутлақо тоқат қила олмасди. Етук авлиё сифатида наслу насабдан ғурурланмаслиги тўғрисида «Сайидсан, хўжасан зинҳор мағрури насаб бўлма» мисраси билан такрорланиб борувчи катта бир мухаммасни ёзиб қолдирганки, унда хўжа ёки саййид бўла туриб ножоиз ишлар билан шуғулланиш, аждодларга эътиқод қилиб мағрурланиш, қиёмат кунида қулли офатларга дучор қилиши мумкинлиги ҳақида чуқур фалсафий фикрлар билдиради. ³

*Улуғ дарёи раҳматдин ҳимиша хушиқилаб бўлма,
Ки сан ҳар ерда бўлсанг, эй азизим, беталаб бўлма,
Эранлар хизматиға борсанг аммо беадаб бўлма,
Мабодо қўрқаман манондайи ул Булаҳаб бўлма,
Сайидсан, хожасан зинҳор мағрури насаб бўлма,*

*Сайид авлодиман, деб тутмагил роҳи шақоватни,
Кўзинг борида ахтаргилки бир аҳли ҳидоятни,
Сарингдин қанда қилгил дамбадам ҳам бори гафлатни,
Тақаббур сахт эрур, бўйинунга осма тавқи лаънатни,
Сайидсан, хожасан, зинҳор мағрур насаб бўлма.*

*Ёронлар риштасидин зоҳиру ботинни маҳкам қил,
Агар тарк айласанг дунёни сан монанди Адҳам қил,
Гуноҳ ёдингга келса дам-бадам ёди Жаҳаннам қил,
Кўзунгни нури кетмай бу жароҳатларга малҳам қил,
Сайидсан, хожасан, зинҳор мағрур насаб бўлма.*

*Кел, эй Машраб суҳан қўтоҳ қилгил, яхшилар кетти,
Сан ҳам бир кун кетарсан, жумла охир чашми тар кетти,
Кўнгулнинг ганжини билган хожса соҳибназар кетти,
Жаҳон зиндонидин охир ҳама хуни жигар кетти,
Сайидсан, хожасан, зинҳор мағрури насаб бўлма. ⁴
Агар аслигга боқсанг, қатраи обу манийдурсан.*

¹ Жалолиддин Юсупов. Уни девонаи Машраб дерлар. «Ёзувчи», 1998, 26 август.

² Ўша манба, ўша жой.

³ Ўша манба, ўша жой.

⁴ Ваҳоб Раҳмонов. Кўнгулга хўп ярошур дона холинг. Китеб дунёси. 2005, июл-август. 9-бет.

Машраб ижодини таҳлил этганда, бевосита унга замондош бўлган машрабона ғазаллар ёзган авлиё шоир Хожаназар Ғойибназар ўғли Хувайдо ҳақида икки оғиз фикр юритиб кетмоқ вазиғамиз эканлигини айтиб Ваҳоб Раҳмоновнинг қуйидаги иқтибосини келтирмоқчимиз: «Хувайдо ўзбек мумтоз адабиётининг истеъдодли намояндаси. Адабиётшунос олимлар уни бошқа мумтоз шоирларга қиёслашганда, образли қилиб «Бобораҳим Машрабнинг иниси» дейишади. Бунинг икки асоси бор: Биринчиси – Машрабдан кейин яшагани; иккинчиси – ижоди машрабона, халқчил, хаттоки оҳанг жиҳатидан ҳам жуда ҳам ўхшаб кетади».¹

Хувайдо ўзига хос шоир. Фақат ижодий йўналишнинг муҳаббат ва тасаввуф маданиятига алоқадорлиги бу яқинликни юзага чиқарган. Машраб кутби замон — Ҳидоятulloҳ Офокхожанинг муриди бўлса, Хувайдо Офокхожа муриди – Ғойибназарнинг фарзандидир. Қолаверса, Хувайдо мумтоз шоирларимиз орасида кўпроқ Машраб таъсирида бўлган, унинг фикрлари, мисралари кейинги шоир ижодида учраши – тазминчилик ҳам ана шу туфайлидир. Шоирнинг бошқа шоирдан бир мисра ёки бир байт олиб ўша мавзу, руҳ ва оҳангда янги шеър ёзиши тазмин усули бўлади.

Чунончи, қуйидаги бир ғазалнинг уч байти шундоққина Машрабни эслатиб туради. Аслида эса бу мутлақо Хувайдонинг шоирона усуллари орқали дунё топган. Фақат Хувайдо маҳорати маҳсулидир:

*Нигорим ой юзингга хўп ярашур донаи холинг,
На деб хол узра хол айлаб, ясамоқ бўлди ашғолинг.*

*Лабингни тотлигу қанду асални шаънини бузди –
Ки гўё Салсабилдин томди ўхшар шакаркин болинг.*

*Чу ишқ бозорида, жоно, чиройинг раҳтини ёзсанг,
Кўруб Юсуф, Зулайҳо бўлгуси олдингда даллолинг.*²

Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир Абдулла Орипов Машрабни даҳрийга айлантиришга уринишлар замон манфаатидан келиб чиққанлигини, шоир «ёлғиз ёр»га интилиб яшаганлигини, унинг ижодига халқ эга чиққанлигини таъкидлаб ёзади: «Ажабо, маълум даврларда Машрабдан даҳрий шоир яшагача астойдил уринишлар бўлган эди. Қуръони каримда ҳам, пайғамбар ўғитларида ҳам сиғинувчи ҳар қандай мўмин фақатгина Яратганнинг ўзига мурожаат қилсин, бошқаларга топиниш гуноҳдир дейилади. Шу сабабдан ҳам Машраб «ёлғиз ёр»га – Парвардигорга талпинди. Мафкуравий, сиёсий доиралар тарафидан рад этилган, балки қатл этилган кимсасиз шоирга халқ эга чиқди. Машрабнинг ота-онаси ҳам ёрию фарзанди ҳам халқ бўлди. Саводи борми-йўқми, ҳар бир кимса ҳар қандай шароитда ҳам саройларни четлаб ўтиб, ўз кулбасида фақат Машраб ғазалларини ёд этди. Ҳатто яқин-яқинларгача бозорларда учрайдиган қаландарлар Машраб байтларини хушхоллик билан ижро этиб, халқдан садақа йиғар эдилар. Бошқа қайси бир шоирга шундай толеъ насиб этган!! Албатта, бундай шоирлар жаҳон адабиётида камдан – кам учрайди. Машрабнинг бу қадар халқчиллиги сабабларидан бири сатрларининг содда ва раволиги ҳамдир».³

«Адабиётимиз тарихида минглаб назм аҳли ўтган, уларнинг аксарияти бир-бирларини мазмунда ҳам, оҳангда ҳам такрорлайдилар. Бармоқ билан санарли 3-4 шоирнигина зимистон тунда ҳам адашмай топиш олиш мумкин. Булар, албатта, улуғ Навоий ҳамда Бобур, сўнгра эса Машрабдир».⁴

Иззат Султон «Асл Машраб» илмий мақоласида Машрабнинг мистика мактабида етишган шоирлигини, ўша давр мафкурачилари уни ўта кетган мистик қилиб кўрсатишганини, унинг кўп, оддий, ишқий лирик шеърларига ҳам диний тус бериб, унинг руҳонийларга қарши ҳаракатларини астойдил ниқоблаганлар. Машраб кайфиятидаги кишилар ҳам «Девона Машраб»нинг ёзилиб тарқатилишини таъминлаш, уни «цензурадан ўтказиш» учун Машрабнинг қилиқларига бирмунча диний тус беришга мажбур бўлганлар.

¹ Ваҳоб Раҳмонов. Кўнгила хўп ярошур дона холинг. Китоб дунёси. 2005, июл-август, 9-бет.

² Ўша манба, ўша бет.

³ Абдулла Орипов. Кимсасиз шоирлар пири. Саодат. 1991, 1 сон, 14-15-бетлар.

⁴ Ўша манба, ўша жой.

Чунки у вақтда дин жамиятда ҳоким идеология эди ва диний қобикқа беркинмаган ҳаракат катта муваффақият тополмас эди.¹

Бу маккорликларнинг тагини очиш қийин эмас. Машрабни илоҳийлаштириб «авлиё» ва девона қилиб кўрсатишларидан мақсад шуки, улар Машраб оддий одам эмас, у худога яқин одам эди, шунинг учун у нима қилса, узрли эди; аммо оддий фуқаро Машраб айтгандек гапларни айтмаслиги, Машраб қилгандек ишларни қилмаслиги лозим, демоқчи бўладилар ва дейдилар ҳам».²

Бу мақола 1936 йил ёзилган. Ўша давр мафқураси учун шундай мақола ёзиш, замонасозлик қилиш Иззат Султондек истеъдодли олимлар учун ҳам зарур эди. Худди ўша даврда Фитрату Чўлпон, Қодирийу Бехбудий ва бошқа миллат таянчлари бадном қилинган эди.

Иброҳим Ҳаққул Машрабдаги илоҳий зиёни, унинг ислом динига ҳеч қачон шак келтирмаганини, шеърларида Аллоҳ номини муқаддас санаб тилга олганлигини, доим унинг васлига интиқлигини, ваҳдат ташкил этиш учун, интилаётганлигини шундай ифодалайди: Қалби илоҳий зиёдан йироқ диндор – шоирга қоқоқлик, чекланганлик тимсоли бўлиб кўринганлиги рост. Аммо Машраб ҳеч пайт ислом динининг асл моҳиятига шак келтирмаган. Шунинг учун ҳам «Бир Худодан ўзгаси, барча ғалатдур», - деб ҳисоблаган. Машраб маслагича, оламнинг мазмуни, хаёлий гўзаллиги ва адабияти биргина сўзда ифодаланади. Бу сўз – Худо. Шу сўз дунёнинг Дили, дунё тили. Жаҳоннинг қайси гўшасига назар ташламанг, ҳусн нуруни сочаётган ва забони ғайба тақаллум этмоқда бўлган Худо зоҳирдир: «Олам хама кўз бўлди тамошо қилайин деб».

*Висоли Ҳақ бўлай десанг, ишқу муҳаббат ҳосил эт,
Ўрта ҳавоу кибр уйин шамсѝ юзин зиёсига.*

Машраб «илоҳий ишқу муҳаббат ҳосил» этмоқ маъносида қаландарлик тариқатини танлаган. Ва қаландар ошиқнинг биринчи вазифаси бу, ваҳдат майидин қонмоқ деб билган. Унинг қатор байтларида шу моҳият ўз аксини топгандир:³

*Соқий, қадаҳни қилгил муҳайё,
Ваҳдат майидин ичголи келдим.*

«Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар» китобида Машраб ислом динининг ғаними эмас, балки риёкор дин арбобларининг душмани эканлигини, асли Мансур Ҳаллож инсонда Аллоҳнинг тажаллийси акс этишини, «Анал-ҳақ»лик Худо даъво қилишлик эмас, Худо инсон қалбида, ботинида эканлигини, инсонда Худонинг зарраси, жилваси борлигини тушунтириш ва у ўзини Ҳаллож қиёфасида кўришни орзу қилишини акс эттирганлиги ҳақида шундай дейилган: Машрабнинг дунёқараши, турмуш тарзи, тақдири Мансур Ҳалложникига ўхшаб кетади.

Бобораҳим Машраб тадқиқотчиси Жалолиддин Юсупов «Машраб» девонининг кириш қисмида унинг лирикасида «хуруфи хижо», «хуруфи далолат», «алиф-лом» санъати ҳақида фикр юритиб, ғазал, мустазод, мухаммас ва маснавий йўлларида шеърлар ёзганлигини айтади. Мазкур шеърлар заминиде Машрабнинг ислом дини, Аллоҳ, пайғамбар, чорёрлар, машойихлар ҳақидаги қарашлари ифода этилган. Бу тўғрида Ж. Юсупов шундай ёзади: «Аллоҳ таоло бандасини барча маҳлуқотлардан мукамал, муаззам ва муҳташам қилиб яратди. Ўз каломини Жаброил алайҳиссалом орқали Муҳаммад Мустафо (с. а. в.)га нозил этди. Усмону Аффон (р. а) томонларидан ҳеч бир нуқсон и бўлмаган муқаддас китоб ҳолига келтирилди. Куръони каримдаги Бақара ва Оли имрон сураларининг биринчи оятлари «Алиф, лом, мим», Аъроф сурасининг биринчи ояти «Алиф, лом, мим, сод», Юнус сурасининг биринчи ояти «Алиф, лом, ло» ва бошқа сураларнинг биринчи оятлари ана шундай арабий ҳарфлар билан бошланади. Бу ҳарфларнинг маъноларини ёлғиз Аллоҳи таоло билади. Аммо ислом оламининг буюк машойихлари бу ҳарфлар замирида қандай илоҳий маънолар борлигидан ҳам хабар берадилар».⁴

¹ Иззат Султон. Асл Машраб, 22-бет.

² Ўша манба, 23-бет.

³ Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърят. 181-бет.

⁴ Ж. Юсупов. Машраб. Девон, 2006. Сўзбоши 21-бет.

Ж. Юсупов талқинича, Машрабнинг қалбига илҳом берган илоҳий завқу шавқлар боиси Қуръони карим, унинг бағридаги ҳар бир сура, ҳар бир оят ва ҳаттоки ҳар бир ҳарфи муборақдир. Машрабнинг ҳуруфи ҳижодаги шеърлари муроди асосан Аллоҳи таолонинг, Муҳаммад пайғамбаримизнинг (с. а. в) чорёрлар (р. а.)нинг севги ва иштиёқларидир.

Ғазалдаги «эй» ёки «ай» нидо сўзларининг биринчи ҳарфи «а» - «алиф»дир. Алифдан мурод бирдир. Яъни Аллоҳ биттадир. Алифнинг қоматга ўхшатилиши ёки қоматнинг алифга ўхшатилиши унинг рост ёки тўғрилигига ишорадир. «Ибтидо» сўздан мақсад Тангри таолонинг ҳали замон ва макон йўқ экан азалда бор бўлганлигига ишорадир. «Бе»дан мурод бало ва офат, кулфат ва айрилиқдир. Аллоҳу Таолодан ва шундай олиймақом, асл ватан бўлган жаннатдан жудо бўлиб, бу ғариблик дунёсидан вақтинчалик қарор топишининг негадир оғир дардлигини фақат унинг ориф бандалари яхши биладилар. Шул сабабли маъшуқадан келадиган доғи дардни дилга жо қилиш ошиқ учун тақдирнинг буюк бир инъомидир. Радиф «қилдим букун» сўзининг зиммасида «Шу бу кун», яъни «бугун» маъноси эмас, балки «ҳаётим борича», «Туғилганимдан то ўлгунимча» маъноси ётади.¹

Машраб томонларидан айтилган ушбу мустазод Муҳаммад алайҳиссалом ҳазратларини сифатлаш, мақташ ва мадҳ этишга бағишланган наъти Набийдир. Мустазоднинг бошидан то охиригача пайғамбаримиз (с. а. в) таъриф, тавсиф ва васф этиладилар. Мустазоднинг дастлабки байтлари қуйидагича бошланади:

Эй – Алиф илми қадиминг аълоий Муҳаммад, -
Бе – Бори Таоло.
Те – тавбаи ҳар нафасе ох Муҳаммад, -
Бўлғайму шафохоҳ?
Се – Савоби дилим қолмади ҳам сабри қарорим, -
Йўл келди хатарлик,
Жим – Жоми дили маракаорайи Муҳаммад, -
Бўлғайму мададгоҳ?
Ва охириги байтлари шундай тугалланади:
Лом - алиф – лола каби қирмизи бўлубдур, -
Кўксимдаги доғим,
Ё – ёйи ўшал дийдаи бинойи Муҳаммад, -
Ажрану азиймо.
Ғурбат чоҳига тушти: «Заломно», деди Машраб,
Манандайи Одам,
Кўнглида эди оҳу заламной Муҳаммад, -
Ул айди: «Заломно».²

Ўзбек мумтоз адабиёти тарихида мустазод жанрида энг кўп ва энг беназир асарлар яратган шоир Машраб ҳисобланади. Ҳозиргача Машрабнинг йигирмадан ортиқ мустазодлари борлиги аниқланди. Ва бу жанрнинг ўзбек мумтоз адабиётида ўрин эгаллашида Машрабнинг хизматлари ниҳоятда каттадир.

Машрабнинг дунёқараши, турмуш тарзи, тақдири Мансур Ҳалложникига ўхшаб кетади. Зеро, у асарларида ўзини Мансур Ҳалложга ўхшатади, унинг эътиқодига, ғоясига қўшилади. Маълумки, Мансур Ҳаллож (858-922) тасаввуфнинг машхур намояндаси бўлиб, «Анал – Ҳақ»-«Мен – ҳақман, мен – Худоман» деган машхур гапи учун қатл қилинган эди. Мансур Ҳаллож инсонни илоҳийлаштиради, уни зиндонга ташлашса ҳам, ўз эътиқодидан қайтмайди. Худога бўлган муҳаббатни, мусулмончиликнинг баъзи қоидаларини инкор қилгани, ўзини Худо билан тенглаштиргани ва бошқа «гуноҳлари» учун уни айблашади. Мансур Ҳалложнинг дунёқараши, илоҳий эътиқоди Машрабга кучли таъсир кўрсатади.³

У тақводор мўмин мусулмонларни, ислом дини ва шариат қонун қоидаларидан четга чиқмаган, руҳонийларни танқид қилмаган. Машраб шайхлар, зоҳидлар, қозилар, воизларнинг ярамас қилиқларини, риёкорлигини очиб ташлаган.⁴

Йирик файласуф олим, академик Иброҳим Мўминов Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашларини таҳлил этишда унга замондош бўлган мутафаккир шоирлар қатори Бобораҳим

¹ Ўша манба, ўша жой.

² Ўша манба, 26-бет.

³ Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. 409-410-бетлар.

⁴ Ўша манба, ўша жой.

Машраб шеърятидаги тасаввуфий, диний ғояларни, Машраб тадқиқотчиси Н. Ликошин маълумотларига таяниб таҳлил этган ва ўз қарашларини қуйидагича ифода этган: «Машраб – шоирнинг таҳаллуси, унинг исми Бобораҳим бўлиб, унинг ёшлиги Фарғона водийсининг Наманган шаҳрида ўтган».¹

Н. Ликошин бундай деб кўрсатади: «Машраб оддий халқ орасида катта ҳурматга эга, аммо Туркистон аҳолисининг юқори табақалари Машрабга каттиқ нафрат билан қарайдилар. Бирор саводсиз, ҳатто соддагина одам билан Машраб тўғрисида суҳбатлашганингизда у қаҳ-қаҳ уриб кулиб юбориб, Машрабнинг энг беодоб, лекин ўткир маъноли ғазалларидан бир неча бандини оғзаки ўқиб беради. У бу ғазални саводхон кишиларнинг бирор йиғилишида эшитган бўлиши мумкин, унинг тили равон ва воқеа бирор «телба, тентак»нинг ҳаётидан олингани учун реал бўлиб, тез эсда қолади. Агар бирор маҳаллий руҳоний киши билан Машраб ҳақида гаплашиб қолсангиз борми, ундан Машраб ҳақида энг ёмон сўзлар эшитасиз, уни паст одам, ислом динига мансублиги номаълум одам деб қоралаб беради».²

И. Мўминов «Танланган асарлар» I томида Н. С. Ликошиннинг қуйидаги фикрларини келтиришдан аввал шундай дейди: Ўзбек тилида ёзилган «Девонаи Машраб» номли шеърлар тўплами китобида шоир ўз дунёқарашларининг асосларини ифодалаб беради ва шайхлар, муллаларнинг беҳаёлигини фош қилади, зўравонлик ва зулмни қоралайди. У бундай деб ёзади:

«Май ич, Қуръонни ёндириб ташла, Маккага ўт қўй, будпарастлик қил, лекин мардум – халққа зулм қилма, уни эзма. – Нега сен Маккага борасан? Минг марта Маккага боргандан кўра, ҳеч бўлмаса бир кишига ёрдам кўрсатсанг, яхши иш қилган бўласан».³

«Шайхлар қўлларидаги китоблари билан дин фатволарини адо этаётгандек кўринадилар». «Минглаб ирим-сиримларни бир коса майга алишган бўлардим».⁴

Машраб юқоридаги сатрларида зўравонликлар ва фахш руҳонийликни қоралаб, ўз фикрларини очиқ ва чин ифодалайди. Машрабнинг шунга ўхшаган терс фикрлари зодагонларга маъқул бўлмаслиги равшан эди, шунинг учун ҳам улар Машрабни жазолаб ўлдирдилар.

Машрабнинг терс руҳдаги ижоди XIX асрда ҳам маълум даражада прогрессив аҳамиятга эга бўлди, чунки у мусулмон руҳонийларининг ҳукмронлиги негизларини танқид қилишга қаратилган эди.⁵ «Буюк сиймолар, алломалар» китобининг А. Абдуғафуров томонидан берилган «Бобораҳим Машраб» мавзусида унинг ислом динига бўлган муносабати ўта тор шоирнинг мусулмон ақидаларини менсимаслик руҳида берилганлиги қайд этилган: Бобораҳим Машраб қолдирган ижодий меросда диний ва тасаввуфий ғоялар ҳам, ўша замонда кенг тарқалган қаландарлик тариқатининг айрим оҳанглари ҳам сезиларли ўрин эгаллайди. Шоир исломнинг асосий назарий қоидаларини шубҳасиз қабул этади. Аммо, айни замонда ислом таълимотининг бир қатор зоҳирий белгиларини бирламчи деб ҳисобланган қонун-қоидаларини, шариатнинг айрим кўрсатма-талабларини, фарз-суннатларини тан олмаслик ва паст назар билан қараш ҳам кўзга ташланади, айрим диний рукн тушунча ва муқаддас деб билинган маросим ва одатларга, талқин ва ақидаларга шубҳа билан қараш, ҳатто, очиқдан-очиқ менсимаслик ва масхараомуз муносабат анча-мунча учрайди.⁶

Файласуф Йўлдош Жумабоевнинг «Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан» китобининг «Бобораҳим Машраб дунёқарашини» мавзусида Машрабнинг «ёр» орқали худони мадҳ этгани, унга эришмоқ учун киши ўз-ўзини билмас даражада «маст» бўлмоғи керак эди:

*Ошиқ улдур танда жонин билмаса,
Маст бўлиб хонумонин билмаса.
Жумла яксон бўлса ишиқ олдида ҳор,
Ўлдирур мақсади ошиқ пойдор.*⁷

¹ И. М. Мўминов. Танланган асарлар. Тошкент, «Фан», 1969. 211-бет.

² Н. С. Ликошин. «Дивана-и Машраб», «Средняя Азия», 1910, Тошкент.

³ Ўша манба. Ўша жой.

⁴ «Машраб шеърлари», Литогр. Нашр. 1898, 46-бет.

⁵ И. И. Мўминов Танланган асарлар. 214-бет.

⁶ А. Абдуғафуров. Бобораҳим Машраб. Буюк сиймолар, алломалар. 50-бет.

⁷ Йўлдош Жўрабоев. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан. «Ўқитувчи», Тошкент, 1997, 145-бет.

Абдурауф Фитрат замона зайли биланми, ҳамма тадқиқотчилар каби Машраб ижодини ёритишда уни ислом эътиқодларини писанд этмасликда, кўпроқ динсиз ҳолда тасвирлаган ва шундай фикрни келтирган: Ўз фалсафасини «кашф ул-ҳақға» (ҳақиқатни кашф этиш) таяндирадир. Ва ўзининг энг кучсиз нуқталарини шеърини парчалар билан қоронғулатиб ўткармоқчи бўладир. Тасаввуф фалсафасининг асос нуқтаси «ваҳдату вужуд» бўлгани учун, айниқса, ислом эътиқодларига тўғри келмайдир. Машрабнинг ҳам динсизлик билан сифатланиш ва ўлдирилиш сабабларини шу томондан изламак керак. Ва шунинг учун дин олимларининг ҳужумига учрайдир. Машраб бутун мутасаввуфлар каби динни ички ва ташқи қисмларга ажратадир ва ташқи ёқдан иборат деб танигани диний ибодатларни танқид қиладир.¹

Фитрат Машрабнинг базм, май, шам ҳақидаги фикрларини негадир илоҳий унсурлар эканлигини эътироф этса-да, шоирнинг «йиғлади» радибли шеърда отанинг боласини йўқотгандаги ва боланинг отаси учун йиғлагани ҳолатини Юсуфу Канъон, Яъқуб мисолида сўзлаб Машрабни ўта йиғлоқи ҳолда тасвир этади: Машраб ўз муҳитида йиғламоқдан бошқа бир нарсани кўрмайдир, ё кўргуси келмайдир. Унинг назарида базмнинг шамъи парвонаси, май шишалари, ҳамма-ҳаммаси йиғлайдир. Ул боласини йўқотгон отагина йиғлайдир, деб ўйламайдир, боланинг-да отаси учун йиғлаганини назарга оладир:

*Кеча базмингдан йироқ шиқ аҳли чандон йиғлади,
Куйди ҳам парвонау шамъи шабистон йиғлади,
Согиниб Юсуфни ёлғиз йиғламас Яъқуб зор,
То мусофир бўлди Юсуф ибн Канъон йиғлади,
Соқийё, сун бир суроҳи дам бадам фарёд этиб,
Аҳли мажлис олдиға ёш ўрниға қон йиғлади, -*

дейдир.²

Юқоридаги шеърнинг мазмун-моҳияти Фитратнинг Машрабни йиғлоқи ҳолда тасвирлаши, Юсуф, Канъон йиғиси ҳақидаги Машраб ғоялари ва шоирнинг камбағал хонадонда, кўз ёшлари орасида ўсгани, шунингдек, бошқа ҳолатлари ҳақида адабиётшунос Ҳ. Болтабоев қуйидаги фикрларни ёзади: «Машраб асарларининг тасаввуфий талқинида Фитрат аниқлаган ҳолатлардан бири йиғидир. Бу фақатгина айрилиқ ёки дунёнинг бошқа бир кўрнамакликлари туфайли юзага чиққан зоҳирий, руҳий ҳолат эмас, балки шоир ўз қаландарлик тариқати ва эҳтимол шахси зухур бўлган ишқи илоҳийнинг сурати сифатида ўзини йиғлашга ҳақли кўрсатади:

*Матлабим бор нораво, мен йиғламай ким йиғласин,
Дард берибдир бедаво, мен йиғламай ким йиғласин.*

Бундай «йиғи»га гирифтор бўлган биргина шоир эмас, унинг назарида «базмнинг шамъи парвонаси», «май шишалари» ҳамма ҳаммаси йиғлайди. Ўз боласини йўқотган ота Яъқуб зор бўлибгина йиғламайди, балки боланинг ҳам отаси учун, унинг шу гуноҳи учун Юсуф йиғлашини, бу ҳолга Ибн Канъон ва бошқалар ҳам йиғлаши лозим фожеъ деб қарайди».³

«Йиғи» рамзи билан боғлиқ Машрабнинг ўндан ортиқ ғазал ва мухаммаслари учрашини, уларнинг ҳаммасини Аллоҳнинг ишқи деб, кўкрагини чок қилган қаландар йиғиси деб қабул қилиб бўлмаслигини, булар шоирнинг шахсий ҳаёти, фожеаси билан боғлиқ унинг оддий кишилар сингари самимий кўз ёши тўкиб йиғлаган ҳолатларига Фитрат асос келтиради: «Унинг бундан кўз ёши бандаси бўлганига бир кўб сабабларнинг бўлиши мумкин: иб йиғириб сотиб, нафақаи аҳли аёл қилғучи камбағал бир онанинг кучоғида, унинг кўз ёшлари орасида ўсгани, шул қашшоқликнинг таъсири билан тиланчи – саёқликка ва шу йўлдан қаландарликка мажбур бўлгани, ўзидаги эътирозчилик табиат сабабидан борган жойида калтак егани каби ҳоллар билан бир қаторда у онасини кўмадир. Онасининг самимий муносабати билан ёзилган бир марсияси бор:

Эй, сафобахи баҳори бўстоним қайдасан...

¹ Абдурауф Фитрат. Танл. Асарлар. II жилд. 97-бет.

² Ўша манба, 100-бет.

³ Ҳамидулла Болтабоев. Мумтоз сўз кадри. 162-бет.

Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан.

Н. Комилов илоҳий муҳаббат файзи туфайли камолот тахтини эгаллаган инсон ҳам худди шу илоҳнинг ўзи каби замон билан макондан хориж, у адабийликка баробардир деб, ҳисоблайди ва асосий ғоя динларнинг туб моҳиятини, ўзини ва раббисини англашини тушунтиради:

«Бундай комил инсон олдида барча динлар баробар, масжиду бутхона, Каъбаю калисо орасида фарқ йўқ. Чунки барча динларда ҳам ҳаққа интилиш, ҳақни севиш – асосий ғоя, яъни ҳақ ҳамма динларнинг туб моҳиятини белгилайди, демак, динлар шу асосда бирлашади»:¹

*Шариат ҳам, тариқат ҳам, ҳақиқат мандадур мавжуд,
Чу султони азалдурман, Ки Арши аълога сизмамдур.*

Н. Комилов ҳақ динлардан, мазҳаблардан, баланд туришини, диний маросим, ҳукмлар ҳисобланмиш тоат, рўза, ҳаж ва бошқалар, сиғиниш даргоҳларининг зоҳирӣ воситалари, Ҳаққа инсон бевосита интилиш – бу кучли муҳаббат шавқи қанотида, узликдан кечиш эканлигини шундай тушунтиради: «Ўзликдан кечиш индивиддаги ноқисликларни бартараф қилиб бориш, жисмни маҳв эта бориб, ботиндаги интуитив туйғуларни, идрокий шуурни ривожлантириш, сўфийлар айтган вадж қобилиятини шакллантиришдир. Шунда у суқра ҳолатига қиради, ўзини ва Раббини англайди».²

Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний Машраб асарларини таҳлил қилиб, ундаги мазмун чуқур, иборалар зилол сувдек шаффоф эканлигини сезиш мумкинлигини, «Ифрод» (яккалаштириш) фақат яратувчига хос бўлса-да, Лое Масинион таъкидлашича, шундай бир инсоний амалким киши ўзи назарда тутган вужудни танлаб олиб, уни бошқалардан шу даражада ажратадики, ўзи ва ундан (одам ва яратувчидан) бошқа нарса қолмайди.

Сўфий олимлар айтган даражага етгандан кейин у улиҳият зотида мавжуд бўлади, бир қатра сув чексиз уммонга тушиб ўзини кўрмоқчи бўлганда фақат уммонни кўрганидек, у ҳам ўзини кўрмоқчи бўлганда фақат «Зот»ни кўради. Навоий ифодаси билан айтмоқчи бўлсак:

*Қилиб ҳақ вужудида маҳв ўз вужудин,
Навоий мун бил тариқи тасаввуф».³*

Аллоҳ тажаллийсининг рамзи бўлмиш Тур тоғи, «Айман» водийси бот-бот унинг шеърларида такрорланиб туради. Қуръони каримда зикр этилган Тур тоғи, Айман водийси номли катта биёбоннинг чап томонига жойлашган бўлиб ҳазрат Мусо пайғамбар, ўша ерда Аллоҳдан «раббий ариний» яъни «Эй эгам, ўзингни менга кўрсат» деб илтижо қилганда, унга «Лан тароний», яъни бу дунёда мени ҳеч қачон кўришинг мумкин эмас, деб жавоб берилган эди. Сўнгра Худо томонидан Мусога – тоққа боқ, агар мен кўринганимда у ўз жойида тура олса, сен ҳам мени кўражаксан дейилади. «Тур» тоғи Аллоҳ тажаллийсига чидаёлмай парчаланиб кетганини кўрганда Қуръонда «Ва ҳарра Мусо Саико» (Мусо ҳушсиз бўлиб йиқилди) дейилган.⁴

*Бешинчи кўҳи Турда рези махфий айладим нурдин,
Тажаллиёт кўрдум, ҳазрати Мусо бўлиб келдим.*

Мазкур илоҳий ходиса ҳар доим Машрабни ўзига тортиб тўлқинлантириб туради. У неча ўринда мазкур ходисага ишора қилиб, ниҳоят жасорат ва шаҳомат билан:

*«Наям Мусо ниқоб аз чеҳра бирдор»
«Нами ояд хушам ин «Лан тароний»*

яъни мен Мусо эмасман, юзингдан пардани кўтар, бу «Лан тароний мени ҳеч қачон кўролмайсан» деганинг менга ҳеч ёқмайди, деб ёзади. Бошқа бир шеърида «Харра Мусо» рафтаму «инний аналлоҳ», яъни мен Мусо каби йиқилиб тушдим, лекин «инний аналлоҳ» (шубҳасиз мен худоман) деб келдим, деб «шатҳиёт» айтишга ўтади. Шатҳиёт юзаки маъноси

¹ Нажмиддин Комилдов. Тасаввуф. Иккинчи китоб. 137-бет.

² Ўша манба, ўша жой.

³ Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. 148-бет.

⁴ Ўша манба, 141-бет.

шариатга қарши бўлиб, комил, ориф ва сўфийлар томонидан вайрон ҳаяжон ва жазба ҳолатида тилга олинадиган сўзлар.

*Бор эдим Нух вақтида, гарқ этмади тўфони ҳам,
Ҳамраҳи Мусо бўлуб тури Синонга сизмадим.*

Машраб Мусо образини у Худо дийдорига ета олмади деб яна бир жойда қуйидагидек тилга олади:

*«Раббий ариний» деди. «Мусийи Калийм, ҳеч этмади,
«Ишқдин нолон бўлубон, кечалар бедор ўзум».*

«Хизр» Мусога йўл кўрсатган, абадий ҳаёт рамзи ва Ҳақ йўлига йўлловчи зот сифатида танилган. Машраб ҳам у каби махбубнинг (Илоҳнинг) абадияти зилол чашмасидан сув ичиб, Хизр каби абадий ҳаётга эришмоқчи бўлади:

*«Зилол чашмасидин Хизр топти умри тавийл»
«Манго бақолиғ учун чашмаи зилолинг оч».*

Мазкур бобнинг шу қисмида Бобораҳим Машраб дунёқарашига ислом динига бўлган масалаларнинг ёритилиши мавзуси таҳлил қилинаётган вақтда шоирни дини исломнинг ахлоқий қадриятлари, Қуръони карим, ҳадиси муборак шарафлари билан нурлантирган, илмга бўлган ҳаракатини илҳомлантирган, унга тўғри йўл кўрсатган, дунё, олам уфқларидан бохабар қилиш муриди Машрабни Қашқарга йўллаган Хожа Убайдуллоҳ Мулла Бозор охунд ҳақида муфассалроқ маълумот беришни бурчли билдик.

Е. Э. Бертельс «Сўфизм ва тасаввуф адабиёти»да пир, устоз, мурид, шогирдлик ҳақида ёзади: «Шайх кўлида таълим ва тарбия кўрган киши мурид араб: «талабгор», авлиёда ўз иродасини шайх ихтиёрига топширган толиб деб аталган. Шайх иродасига мутлақо бўйсуниб унинг кўрсатмасини сўзсиз бажариши лозим бўлган ва уни муҳокама қилиш ман этилган. Шайх кўлида мурид мурдашўй кўлидаги мурдага ўхшаши керак. Муриднинг иродаси шу тарзда синдирилган ва у шайх кўлидаги итоаткор қуролга айланган. Пир муридни зоҳидлик билан боғлиқ кўплаб машқларни бажаришга, рўза тутишга, тунларни бедор ўтказишга, жуда оғир ва ноқулай ҳолатда Қуръон ўқишга, чиллада ўтиришга мажбур қилган».¹

Машқлар аста-секинлик билан бошқача тус олган. Шайх муриднинг тафаккурини образли, символик тафаккур асосида қайта қурган. Энди у ҳар қандай тўсиқдан енгил ўтишга қодир қатъиятлилик ва ирода тарбияланган. Пирларнинг ўзига хос экспериментал психология билан шуғулланиши асносида муридда сеҳрли ҳолатни ҳосил қилиш, унинг ўй-фикрларини уқиш каби ўша даврларда мўъжизакор таассурот қолдирган қатор хусусиятларни шакллантирган. Бундай истеъдод туфайли пир авлиё ва соҳиби каромат сифатида донг таратган ва халқ орасида катта обрўга эга бўлган.²

Мулла Бозор охунд ва Ҳидоятullo Офoқхожанинг шу чоққача мартаба ва мақоми, мавқеи ва обрўси сақланиб келишида мурид Машрабнинг ўрни бордир.

Хожа Исматуллоҳ Абдуллоҳ «Хожа Убайдуллоҳ мулла Бозор охунд» номли илмий мақоласида Фарғона водийсининг машҳур муршид, пири авлиёларидан бўлмиш мулла Бозор охунд ҳақида қуйидаги фикрларни келтирган: Ота-боболаримиз уни яхши билишган. У халқ тилидан тушмаган, номи тилдан-тилга ўтиб зикр қилинган.

Қабри Наманган халқининг зиёратгоҳи бўлган, қабр ёнидаги мадрасада юзлаб толиби илмлар ўз илмий камолотларини такомиллаштирганлар, ўзларини мулла Бозор охунд муриди ҳисоблаб, унинг йўлини тутиб, тасаввуфий тариқат йўлидан борганлар. Шундай қилиб бу буюк валий нафақат ўз замонида, балки 300 йил давомида халқимизнинг севган авлиёси, мурид – пири бўлиб келди.

Унинг мақбараси 1934 йили ер билан яксон қилиб текисланди, мадраса ва масжид вайрон этилиб, ўрнига бино қуриб юборилди.³

Исматуллоҳ Абдуллоҳнинг ёзишича, мулла Бозор охундни билган кексалар 30-йилларда йўқотиб юборилган.

¹ Е. Э. Бертельс. Сўфизм ва тасаввуф адабиёти. Тошкент, 2005, 72-бет.

² Ўша манба, 73-бет.

³ Хожа Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Меҳрибоним сен ўзинг. «Наманган» нашриёти. 2006, 20-бет.

Чуст шахрининг қозикалони Мулла Масъуд Маҳмуд мулло Муҳаммад Мурод «Қиссаи Машраб» асарини рус тилига таржима қилган, Туркистонда яшаган шарқшунос Н. С. Ликошиннинг (1860-1922) илтимоси билан унга Мулла Бозор охунд таржимаи ҳоли ҳақида сўзлаб берган экан: «Ҳақиқий муҳаббат кўеши, илм осмонининг тўлин ойи, ҳақиқат денгизининг дури яктоси, фан боғининг булбули гўёси, донолик чашмаси, Наманган авлиёларининг сўнгиларидан бири, Аллоҳнинг сидқан ибодат қилувчи бандаси, ўз мўъжизалари билан шухрат қозонган Мулла Бозор охунднинг насаб шажараси Муҳаммад Ҳанафий Али ўғлига бориб етади. Шундай қилиб, Ҳазрати Шери Худонинг авлодларидандир. Бу авлиёнинг отаси Султон Муҳаммадхон Бобур Қорахон ўғли бўлиб, унинг аجدодлари шажараси қуйидагича, отаси Бобур Қорахон Қобил Қорахон ўғли, ундан олдингилар Гадои Қорахон, Султон Қорахон, Санжар Қорахон, Жихот Қорахон, Жамол Қорахон, Чоғиз Қорахон, Мансур Қорахон, Авлиё Қорахон, Бузар Қорахон, Қилич Қорахон, Абдуманнонхон, Абдуфаттоҳхон».¹

Авлиёнинг номи Хожа Убайдуллоҳ бўлиб, у киши подшоҳ Хожа Домулло Бозор охунд номи билан машҳурдир. Унинг фазилат ва мўъжизалари ададсиз, бу авлиёнинг Аллоҳга бўлган иштиёқи шунча кучли бўлганки, қачон Аллоҳ номини зикр қилса, оғзидан олов ёлвириб чиқар, ўтирганларининг барчаси олов нуруни кўришган. Унинг отаси аввал туркистонлик авлиё ҳазрати Султон Яссавий мақбараси ёнида яшаган. Кейин у ердан Кўкон шахри яқинига кўчиб келган. Бироз вақт ўтгач, Наманганга кўчиб келиб уйланади ва иккита ўғиллик бўлади, улардан бири ҳазрати авлиё Мулла Бозор охунд, иккинчи ўғли ҳазрати Олим хожа бўлган. Отаси Наманганда вафот этгандан кейин унинг ўрнини Мулла Бозор охунд эгаллайди. Бу вақтда авлиё Мирзо Баҳодир Бухорий яшаган эди. Домулло Бозор охунд бу пирдан иршоднома (йўлланма) олади. Ҳозирги кунда Мулла Бозор охунд қабри Наманган шахрининг ўртасида Курашхона гузари маҳалласига қўйилган. Унинг ёнида отаси Султон Маҳмуд қабри жойлашган. Мулла Бозор охунд ўтган акаси вафотидан сўнг унинг ўрнини эгаллаб, муридларига раҳнамолик қилган ва ўзидан кейин авлодлар колдириб кетган. Ҳозир улар Мулла Бозор охундга тегишли уйда яшамокдалар. Бу авлодлар қуйидагилар: Атоуллоҳ Хожа, Катта Хожа, Ҳамро Хожа ва Подшоҳ Хожа. Мулла Бозор уйи унинг ва отасининг қабридан 200 метрча нарида жойлашган. Унинг вафоти муносабати билан битилган тарих ҳисоби қуйидаги шеърда ифода этилган:

Менинг жоним мулла Бозор охунд вафоти кунини билишни истади ва ғойибдан овоз эшитилди:

(Биринчи мисранинг форсчаси берилмаган)

«Булбул бирафт аз боғи илм»

(булбул илм боғидан чиқиб кетди)

Бу ерда «Боғи илм» сўзини абжад билан ҳарфлар рақамларини қўйиб ҳисобласак, Бе – 2, алиф – 1, ғайн – 1000, айн – 70, лом – 30, мим – 40, жами - 1443 бўлади. Бу санада «булбул» (64)ни чиқариб ташласак, 1079 чиқади. Бу мулла Бозор охунднинг вафот этган йили, мелодий ҳисобда 1668 йил бўлади. Мулла Масъуд Қози «Авлиё бундан 241 йил илгари вафот этган» деди. 1079 га 214 қўшсак 1320 (мелодий 1902) йил бўлади. Демак, Н. С. Ликошин мулла Бозор ҳақидаги маълумотларни мулла Масъуд Қозидан 1902 йил олган.²

Мулла Бозор охунд Бобораҳим Машрабдек буюк авлиё, жозибатор шоир, Ўрта осие тасаввуфи йирик намояндасининг биринчи устози, пири муршиди бўлган. Машраб ундан Қуръон, ҳадис илмларини, араб ва форс тилларини ўрганди. Тасаввуф сулуки йўл-йўриқларидан таълим олди. Ўз асарларида мулла Бозор охунд номини мароқ билан ёзди. «Қиссаи Машраб»да мулла Бозор охунд билан Машраб орасида бўлиб ўтган суҳбатлар, баҳслар ҳақида ривоят қилинган. У ерда мулла Бозор охунд «Бузрук киши», «Ҳазрати эшони мулла Бозор» каби номлар билан тилга олинган.

Эшон кўрдиларки, Машрабда ажаб ҳолати бордир. Айдилар: «Эй, девона, хуш келдингиз». Шоҳ Машраб эшони мулла Бозорни илтифотлариға бу ғазални ўқувдилар:

Ишқинг ўтига куйноли келдим,

Ойдек юзингни кўрголи келдим.

¹ Ўша манба. 21-бет.

² Ўша манба. Ўша жой.

*Савдойи зулфинг тушиди бошимга,
Сандин давосин сўргали келдим.*

*Баҳрингга кирдим гавгос бўлай деб,
Бир дури мақсуд олгали келдим.*

*Мендин сўрасанг, эй гулғузорим,
Маҳви жамолинг бўлголи келдим.*

*Осий қулингман ёниб гунаҳдин
Астағфируллоҳ айтголи келдим.*

*Қофила кетти, манзилга етти,
Мен ҳам аларга етголи келдим.*

*Соқи қадаҳни қилгил муҳайё,
Ваҳдат майидин ичголи келдим.*

*Раҳмат эшигин Машрабга очгил,
Ишқинг кўйида ўлголи келдим.¹*

Исматуллоҳ Абдуллоҳнинг ёзишича, мулла Бозор охунд мақбарасининг, мадраса ва масжидни қайта тиклаш борасида вилоят ҳокимлиги, вилоят, шаҳар, туман аҳолисининг ташаббуси, моддий ёрдами билан анча маблағ йиғилди ва бу савобли ишга киришилди ҳамда кўркам тароватли мулла Бозор охунд мажмуаси бунёдга келди.

Биз Машраб ижоди ҳақида фикр юритганда ва олдинги бобларда шоирнинг кутбул олам пири бўлган Офокхожа ҳақида ҳам батафсил маълумот берган эдик. Машраб ижодиётининг ислом динига боғлиқ жиҳат ва томонлари ўрганилаётган мазкур бобда ҳам унинг пири Офокхожага доир фикрларни «Офокхожа манокйиби»га таянган ҳолда баъзи ўринларини келтиришни лозим топамиз.

Офокхожа кароматли уламо бўлган. Бу ҳақда «Қиссаи Машраб», «Мабдаи нур», «Девонаи Машраб» кўлёзма китобларда маълумотлар келтирилган.

Машраб Офокхожа даргоҳидан ҳайдалганидан сўнг қайтиб келиб яна бир йил пир хизматида бўлади. Пирининг топшириғи билан Тошкандда имонсиз охиратга кетиш хавфида турган Нуриддин хожанинг иймонини сақлаб қолишида катта хизмат кўрсатади. Шундан Қашқарга қайтиб борганида Офокхожа унга насихатлар қилиб, аввал ота-онасини зиёрат қилиб, сўнг Байтуллоҳга бориб, тавоф қилиб, Балх шаҳрига боришин тайинлайди. Шу билан бирга, ана шу Балх шаҳрининг ҳокими Маҳмуд қатағон томонидан бир баҳона билан қатл (шаҳид) этилишини олдиндан айтади.

Машраб онаси олдиға келиб, у билан хайрлашаётганда бу сўзларни айтади: «Эй каъбам, мени пирим амр қилдиларким, аввал мартаба отанг бирла онангни хизматларига бориб, аларни ризо қилиб, ондин кейин Байтуллоҳга бориб, ондин сўнг равзаи мутаххир раҳмат хоҳи оламиёнга бориб тавоб қилиб, саёҳат қилиб, ондин ўтиб Балх шаҳрига келурсан. Сени Маҳмуд оталиқ ҳокими бир баҳона бирла шаҳид қилур, дедилар. Эмди эй каъбам мендин рози бўлуб оқ фотиҳа беринг дедилар. Оналари, эшон Машрабни бошларидан етти маротаба айланиб, ҳамширалари ҳам айланиб, оналари зор-зор йиғлаб, эй болам, сендин минг маротаба розидурмен деб, бу сўзни айдилар», - деб ёзади.²

«Ишқия» ва «Ислоҳоқия»дан иборат икки гуруҳга оид хожалар келиб чиқиши томонидан Шарқий Туркистон хонларига мансуб бўлганлиги учун ҳам Ёркенд хонлиги тахтига даъвогар эдилар. Шарқий Туркистон хожаларининг ўзига хос хусусиятлари ҳам мана шу бўлгани боисидан улар бир неча замон тахт эгаси бўлиб яшадилар. Чунончи, Ёркенд тахтида Исмоилхон ўтирган даврда (1671-1682) Офокхожанинг тахт учун кураши кучайди. Унинг муридлари «юртни пайғамбар авлоди бошқариши керак...» деб гап тарқатганида у розилигини билдиради ва хитойлик Галдон Бошактухон (1671-1697) ёрдамида хонлик тахтига чиқади. Шунинг билан 300 йил давом этган Чигатой авлодлари ҳукмронлигига чек қўйилиб, Шарқий Туркистонда хожалар сулоласига асос солинади.

¹ «Қиссаи Машраб». 18-19-бетлар.

² Омонбек Жалилов. Офокхожа манокйиби. 910-бетлар.

В. В. Бартольд берган маълумотиға кўра, Офокхожа ва унинг ўғиллари ҳукмронлиги қисқа муддатли бўлади. Ўғли Яҳё хожа билан бирга икки йилу икки ойгина (1692-1694) хонлик қилган. Бироқ Исмоилхоннинг иниси Муҳаммад Эминхон Офокхожадан хонликни тортиб олади. Офокхожа билан сулҳга биноан бир неча замон Ёркенг хонлигини биргаликда бошқаради. Бир-икки ойдан сўнг Муҳаммад Эминхон қатл этилади, яна Офокхожа тахтга чиқади. У Шарқий Тукистоннинг бир қисмини жунгорларга қарам хони бўлиб қолди. Офокхожа авлодлари Шарқий Туркистонда 80 йил подшолик қилдилар.

Офокхожа Тибет орқали Хитойга келганида, уларнинг ҳокими шаҳар дарвозаси олдиға чиқиб кутиб олгани, меҳмондўстлик кўрсатишгани, ҳазратни зиёрат қилишгани, у ер аҳолисининг айримлари Офокхожа кароматларини кўргач, мусумонликни қабул қилган.

Офокхожанинг энг содиқ ва ишончли шогирдларидан бири Мир Ҳолидиддин ал-Ёркендий эди. Мир Ҳолидиддин котиб ибн Мавлоно қози Шох Кучак ал-Ёркендий 1659 йили туғилган. Офокхожаға мурид ва шогирдликка тушиб, 42 йил пири ва фарзандларининг хизматида бўлган. 60 ёшларида уларнинг оиласидан кетиб, ижодий иш билан шуғулланган ва 1729-1730 йиллар «Ҳидоятнома» номли асар ёзган.¹

Ҳазрати Офокхожанинг мурид-мушриф ва яқин кишилари жуда кўп бўлган. Мулло Хол Тошкандий шоир, Ховуждорбек, Толиб ясовул, Ҳайдар мирохўр, Мулло Абдурахмон мунажжим Ёркендий, Хожа Абдуллоҳ заргарлар ҳазратнинг ишончини қозонган муридлари ҳисобланган.

Охунд мулло Боқининг тасдиқлашича, ҳазрати эшон раҳбарлигида 400 минг киши Офокхожа таълимоти таъсири остида ислом динига ўтганлар.

Машраб умрининг қайноқ даври – ёшлигини Қашқарда ўтказгани учун уйғурлар диёрини қайта-қайта мадҳ этади:

*На ҳожат ҳажжжи акбар, Қашқар узра мазорим бор,
Зиёий чаимима ҳоки даридин сўр мазорим бор.*

Машраб Шарқий Туркистоннинг кўп шаҳарларини кезганлигини:

*Хўтан даштиға туштум бул фалакнинг гардиши билан,
Хитой-у Чину Мочиндин Хўтан деб ўргулиб ўтдум, -*

мисраларидан англаймиз. Ҳазрати эшоннинг Хитой ва Чину Мочин сафарида бирга иштирок этган бўлиши мумкин, деган тахминлар ҳам бор. Машраб халқнинг оғир қисматиға ҳамдард эди.²

Офокхожа мақбараси Қашқар шаҳридаги тарихий ёдгорликлардан бири. Шаҳарнинг шарқий-шимолидаги Кўкон қишлоғида жойлашган. Хитой адабиётида «Шянг пэйму» (Ипархон мазори) деб аталади. Ипархон Офокхожанинг эвараси бўлиб, унинг отаси манжур истилочиларига қарши чиққанлиги сабабли унинг ака-укалари, опа-сингиллари ва яқинлари билан бирга Пекинға олиб кетилган. Унинг тенгсиз гўзаллигиға хоннинг кўзи тушган. Аммо у бегона эл ҳоқонига итоат қилишдан бош тортиб оламдан ёш кўз юмган. Мавжуд ривоятларға кўра, Ипархоннинг жасади Пекиндан олиб келиниб мазкур мақбараға дафн этилган. Офокхожа мақбараси илк бор 1664 йилда қурилган. Офокхожа вафотидан сўнг қайта қурилган. Мақбара атрофидаги катта мазор ҳам Офокхожа мазори деб аталади. У ерда Қашқарда ўтган кўпгина йирик шахслар ҳам абадий макон топган.³

Офокхожа мазори мақбара, шарбаткўл, кўркам масжид ва хонақоҳдан иборат бир комплекс ёдгорликдир. Мақбаранинг бутун мазор қурилишининг гултожиси деса бўлади. Унинг ости юзаси 29 метр, узунлиги 35 метр, минора ичига олтин ҳал берилган ярим ой шакли туширилган. Гумбаз деворига уйғур (туркий), араб, форс тилида ҳикматли сўзлар ёзилган. Тепа гумбази диаметри 17 метр келади. Гумбаз ичра сағаналар қурилган. Гумбаз ичидаги сағаналарға Офокхожа аждодларидан беш авлодиға тегишли 72 кишининг жасади дафн қилинган.

¹ Ўша манба, 15-бет.

² Ўша манба, 16-бет.

³ Ислом энциклопедия. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2004. 191-бет.

Офокхожа мақбараси нафақат Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё, балки хорижий Шарқ мамлакатлари мусулмонларининг ҳам зиёратгоҳига айланган¹.

Машраб тадқиқотчиларидан А. Абдуғафуров Офокхожа ва Машраб муносабатларига шу пайтгача салбий урғу бериб, иккисининг чуқур ихтилофдаги шахслар эканлигини роса бўрттириб кўрсатганлардан бири эди. Аммо А. Абдуғафуров кейинги тадқиқотларида аввал ёзганларига терс бўлмаса-да, ҳарқалай пир, мурид ўртасидаги ғовларни олиб ташлаб бошқачароқ фикр билдирган:

«То шу кунга қадар бир ёклама ва далилларга зид ёритилган масалалардан яна бири Машраб ва Офокхожа муносабатларидир. Машрабнинг асли бухоролик бўлган Ҳидоятуллоҳ Исҳоқхожа ўғли Офокхожа (таажжуб: нимага асосланиб Махдуми Аъзам чевараси – асли даҳбедлик бўлган авлодни бухоролик деб атамоқда, бу ерда мантиқ йўқ. (таъкид: М. Ҳ.) даргоҳига бориши мутлақо «бадарға» эмас, (чунки жуда кўп асарларида муаллиф уни «бадарға» деб уқтирган эди (таъкид: М. Ҳ.) аксинча, замонасининг машҳур диний арбобига мурид тушиш ва шу орқали маънавий камолотга эришиш каби эзгу ният йўлида ҳамда Мулла Бозор охунд тавсиясига кўра қилинган ихтиёрий ишдир. Машраб бу ерда сўфий фалсафий билимларни, қаландарлик шарт – шароитлари ва йўл-йўриқларини эгаллашга киришади».²

Машраб ислом динининг қонун-қоидалари, унинг равнақини, унга руҳонийларнинг мададини, шунингдек у диний раҳбар топганлигини, раҳбарсиз киши ҳассасиз-асосиз кўр ва ожиздек жарга кулаши муқаррар эканлигини, у Офокхожадек пири комил топганлигини фаҳр билан тилга олган:

*Ки топмай раҳбарни ҳеч киши топмас Худого йўл,
Чу кўру беасокашга бўлур хафву хатар пайдо.*

*Бу йўл устида қолгон бенаво бир кўри ожизман,
Асокашсиз қадам қўйсам бўлур олдинда жар пайдо.*

*Келибдур поя-поя чун бу нисбат ушбу соатда,
Офокхожам пиримдин бўлди чун бору дигар пайдо.*

*Оти Исломки, андин бўлғусидир равнақи ислом,
Ки толибларга дам-дам айлаган нури дигар пайдо.*

*Жалолиддини Румий шайхи Олий айтиб ўтдилар:
Бўлур шаҳбозлар улдамки туркдин пир бўлар пайдо.*

*Бу сўзларни баён эттим мане девонаи Машраб,
Чораки бўлдилар манга ҳамма руҳонилар пайдо.³*

Эшон даргоҳидаги кангизакларнинг бирига муҳаббати туфайли шоирнинг жисмоний жазоланиши масаласига келсак, бизнингча, бу онгли равишда қилинган ва шахват ўлдириш, ўз нафсини тийиш, тамоман илохий ишққа берилиш ниятидаги расмий маросимларни эслатади. Машраб «фожеаси»ни Шайх Шиблийнинг ўз кўзига мил тортиб кўр қилиши ёки Хожа Аҳмад Яссавийнинг ёруғ дунёни тарк этиб, қоронғу ғорга кўчиши билан қиёслаш ўринли кўринади. Шоирнинг бу масала юзасидан Офокхожа қошида:

Мақбули ҳидоят бўлайин деб гуноҳ эттим –

деган иқрори ҳам худди шу режага ишора этгандек тўйилади.⁴ Офокхожанинг қиссада таъкидланишича, Машраб гарданига ўз муҳрини қиздириб босиши ҳам бу тахминни – расмий маросимни қувватлагандек кўринади.

Шу маънода Машрабнинг ўз пирига нисбатан чин ҳурмат-эҳтиромни умрбод сақлаб қолиши ҳам бежиз бўлмаса керак. Қисса маълумотларига кўра, шоир Қашқарга яна бир марта келади, кейинчалик эса, Офокхожанинг Ҳиндистонда эканлигини эшитиб, ўша томон унинг зиёратига шошилади. Шоир асарларининг бирор ўрнида, жумладан, қиссада ҳам Офокхожа ҳақида салбий баҳо йўқ, аксинча унинг номи доимо иззат-иқром билан тилга

¹ Омонбек Жалилов. Офокхожа манокіби. 18-бет.

² Абдурашид Абдуғафуров. Қалб қаъридаги қадриятлар. 161-бет.

³ Машраб. Девон. 2004, 234-235-бетлар.

⁴ Шоҳ Машраб. «Шарқ юлдузи», 1991, 6- сон 45-бет.

олинади. 1694 йилда унинг вафоти муносабати билан эса махсус марсия таърих ёзади.¹ Шох Машраб манзили мороҳилни тай қилиб, ҳазрати Офокдин айрилғонларига афсус қилиб, бу мухаммасни ўқудилар:

*Эй биродарлар нетай, ман ёрдин айрилмишам,
Фитна чаиму, шўх, хуш рафтордин айрилмишам,
Булбули шўрида ман гулзордин айрилмишам,
Қошлари ё кўзлари хунхордин айрилмишам,
Бир пари талъат шакар гуфтордин айрилмишам.*

*Йўл адошиб гамга тўйдум, ҳамсафардин айрилиб,
Мисли булбулман бу кун, ҳам болу пардин айрилиб,
Модари ёру биродар, ҳам падардин айрилиб,
Қолмасун ҳеч ким менингдек раҳбардин айрилиб,
Кўҳна дунёни манга мотамсаро қилди фалак.*

*Машрабо ҳаргиз билолмассан улуғ асрорни,
Нури Аҳмаддин ҳатти гумбази давворни,
Сан ганимат бил, бу йўлда Аҳмади Мухторни,
Ҳам Абубакру, Умар, Усмон, Али қаррорни,
Фотимани нури чашимидин жудо қилди фалак...²*

Қисқаси Офокхожа билан Машраб ўртасидаги ўзаро самимий пир-муридлик муносабатлари адабиётшуносликда жиддий бузилиб, ғоявий рақиб шахслар ўртасидаги душманлик муносабатлари тарзида талкин этилганки, бунда ҳам ўша сунъий сиёсийлаштиришнинг аниқ излари бор.

Муҳаммад ал-Ғаззолий «Ихёу улумид-дин» (дин илмларини жонлантириш) китобида Офокхожадек улуғ пирларнинг илми ва уни шогирдларига тарқатиши борасида шундай фикрни келтирган: «Мол-дунё каби, илм ҳам йиғилади. Унда ҳам талаб ва касб қилиш ҳолати, сўрашдан беҳожат бўлинадиган даражада таҳсил қилиш ҳолати истибсор қилган илми тафаккур қилиш ва ундан фойдаланиш ҳолати, ҳамда табсир бошқаларга йўл йўриқ кўрсатиш ҳолати бор. Бунинг ҳам охиригиси улуғдир. Ким илм олса, унга амал қилса ва бошқаларга ўргатса, у киши осмонларда улуғ инсон деб чақирилади. У одам қуёш кабидурки, бошқалар учун зиё тарқатади ва ўзи ҳам зиёлидир ёки мушки анбар кабидурки, бошқаларни хушбўй қилади ва ўзи ҳам хушбўйдир:

*У ёнгувчи пиликдирки, атрофга нур таратур,
Кимлар ундан нур эмур, у ёниб адо бўлур.*

Инсон қачон илм беришга кирасша, улуғ ишни, катта вазифани зиммасига олган бўлади».³ Машрабнинг пири Офокхожа ўз даргоҳида ана шундай катта вазифани зиммасига олган устоз-пир эдилар.

Машраб ўзи мансуб бўлган эл-элатларнинг буюк файласуф шоири эди. У ўз эл-элатларини яхши хислатлар билан Тангри таоло назарига тушишини юракдан орзу этар эди. Шоирнинг ўз элига қарата «жигарбандим» «эй ёри азизим» каби меҳр тўла сўзлари билан мурожаат этиши заминиди чуқур халқпарварлик туйғуси ётади:

*Эй, ёри азизим, қани бил Одами Ҳавво,
Ул шоҳи ҳақиқат билан Нажмиддин Кубро.*

Жигарбандим қўлингдан келса бир чумолига ҳам озор берма. Мўминлик шуки, унинг кўнглида раҳму-шафқат жо бўлади. Шунинг учун ҳам беҳуда эмаски, юракни Тангрининг уйи Байтуллоҳ деб атайдилар, деган маърифат уфуриб турган мазмун ётади.

Афсуски, шоирнинг ана шу руҳдаги шеърлари динни қоралаш баҳонасида халқимиз назаридан яшириб келинди. Бу эса бир-икки авлоднинг бадахлоқ, бадният кишиларга хос руҳда тарбия топишга ўзига яраша таъсирини кўрсатмай қолмади.⁴

¹ Абдурашид Абдуғафуров. Қалб каъридаги кадрийлар. 163-бет.

² Қиссан Машраб. 82-83-бетлар.

³ Муҳаммад ал-Ғаззолий. Ихёу улумид-дин. 136-бет.

⁴ Иноятулло Сувоқулов. Қалб гавҳари. 13-14-бетлар.

Бобораҳим Машрабнинг чуқур эътиқодига кўра, Тангри Таоло назарида сайид, хожа, ёхуд дарвешликка мансуб бўлиш эмас, балки чин мусулмон бўлиш эътиборлидир:

*Илоҳо Машрабингни йўл юрарда аҳли иймон қил,
Сайиду хожау ҳам дарвеш қилма, мусулмон қил,
Худоё, оси-жофий қулларинг дардига дармон қил,
Илоҳо, оси умматни Паямбардин жудо қилма,
Абу Бакру Умар, Усмону Ҳайдардин жудо қилма.*¹

Машрабнинг «Урайнму бошима саккиз беҳишту дўзахин», «Бир Худодин ўзгаси барча ғалатдур, Машрабо» каби мисраларини ўз ичига олган шеърлари билибми-билмайми гўёки даҳриёна руҳда ёзилган шеърларининг асл маъноси ўқувчига етказиб берилмади. Ҳақиқатда эса Машраб бу шеърни ёзганда муқаддас Қуръони карим таълимотидан заррача узоқлашмаган. Унинг муборак «Фотиҳа» сурасидаги: «Иййака наъбуду ва иййака настаъийн» («фақат сенгагина сиғинамиз ва фақат сендангина мадад тилаймиз») деган кўрсатмаси доирасида иш кўрган. Демак, бу шеър шоир даҳриёна қарашларига эмас, балки сўфиёна қарашларига далил бўла олади. Бу шеърдан маълум маънода Машрабнинг хурофотни кораллаши йўлида фойдаланиш мумкин бўлур эди.²

Шунинг учун Машраб пайғамбар айтаяптики бу сўзни ҳар кимни Худоси бўлиши керак, акс ҳолда у дўзахидир дейди:

*Дин ани дерларки, ҳаргиз можароси бўлмаса,
Кўр ани дерларки, бас, чаими биноси бўлмаса.*

*Жаннатул-фирдавсни муфт берса бу йўлда излама,
Хайр ани дерларки, арзандек риёси бўлмаса.*

*Ҳобгоҳим Арш эди, мунда ғалат туштум, дариг.
Нур бўлар эрдимки, нафси аждоҳоси бўлмаса.*

*Деди пайғамбар бу сўзни, Машрабо, босидқ эшит:
«Дўзахи дерлар ани тарсо Худоси бўлмаса».*³

Фитратнинг ёзишича, Машраб Офокхожа даргоҳидан ҳайдалгач, Ёркентга йўл олган. Халқ орасида ғайри табиий, айрим феъл-атворидан у ердан Хўтанга кетишга мажбур бўлади. Исломга зид ишлари учун уни ўлдирмоқчи бўладилар, лекин у диний далиллар келтириб, ўзини оқлайди. Кейин Ғулжа шаҳрига йўл олади.

Исматуллоҳ Абдуллоҳ Фитратнинг баъзи фикрларига унчалик кўшилмайди. Бизнингча, Машрабнинг қувилиши эмас, Офокхожа хонадонини тарк этиши бўлса керак.

Машраб бу ерда мулозим, чўрилари билан отда кетаётган Ғулжа ҳокимининг қалмиқ кизини учратиб қолади, унга ишқи тушиб, уч йил туясини боқади, шу давр ичида шоир ёмғир сувини ичиб, гиёҳлар илдизини еб тирикчилик қилади. Пировард оқибатда Машраб Ғулжа ҳокими, унинг хотини ва кизини мусулмон олами – ислом динига киритади.⁴

Машраб дунё мол-мулкига, жону жононига парво қилмаганлигини фақат дилида Аллоҳни ва бисмиллоҳни тилидан қўймаганлигини, комил мусулмон бўлганлигини ғазалларида тилга олган:

*Молу мулку жону жонон салтанат барбод уруб,
Дунёдин парвоси йўқтур муришиди Аллоҳни.*

*Авлиёлардек муаззам бўлайин десанг бу кун,
Машрабо, қўйма дилингдаин лаҳза бисмиллоҳни.*

Машраб Офокхожа хонадоида муридлик пайтида йилки боқиб, ўтинкашлик қилиб, ҳатто бир йил мешкобда сув ҳам ташиган. Нафсни ўлдириш учун пир хонадоида у ҳар қандай ишни сидқидилдан бажариши шарт эди. Ҳусайн Воиз Кошифий саққо (мешкобчилар)

¹ Машраб. Девон. 2006, 372-бет.

² Иноятullo Суванкулов. Қалб гавҳари. 10-бет.

³ Машраб. Девон. 2006, 59-бет.

⁴ Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур. 7-бет.

хакида: Билгилким, сакқолар ҳам маддоҳларга кирадилар. Бироқ сакқолар ғоят мўътабар кишилардурлар ва уларнинг рутбаси улуғдир:

*Денгиз қаърига шўнгиган диловор эр,
Ё гарқ бўлади, ё гавҳар олиб чиқар.*

Ва баъзилар сакқолик касбининг пирини Салмон Форсий дебдурлар. Негаки Салмон Форсий доимо елкасида меш билан одамларнинг уйига сув ташиган, шу боис бу ривоят дурустдур. Шайх Саъдий ҳам сакқоларни ҳаёт бағишловчи мардлар деганлар.¹

Машрабдек пири мард сакқо – мешкобчи бўлиб, Салмон Форсийдек хонадонларни сув билан таъмин этган.

Иброҳим Ҳаққул: «Шарқнинг Ҳаллож сингари хур фикрли фарзандлари аллоҳпарастликка эмас, балки подшоҳпарастликка, халку халойиқнинг эрку ихтиёрини қўлга олиб ҳар қандай бедодлик, зўравонлик ва ҳуқуқсизликка кўниш, шукр айлашга мажбур этадиган мустабидлик мафқурасига қарши чиққан.

Мансур Ҳаллож диннинг душмани эмас эди. У бутун борлиғи ила Аллоҳни севар, ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом учун жон фидо этишга ҳам тайёр эди. Чунки мусумон оламида содир бўлажак таназзул, парокандалик ва турғунликларни у олдиндан кўра билган улуғ шахсиятпарастлардин бири эди».²

Машраб ижтимоий-сиёсий емирилишлар даврида яшаб ўтган. У шу йўл билан тузумни, жамият ва инсон фожеасини фош этган ҳамда «Мунтахаб ут-таворих»да айтилганидек, «Мансурвор сиёсат дорига тортилган». На Офокхожа, на Мавлонаи Шариф каби ориф ва олим устозлари уни саҳв ҳолига олиб ўтадиган кудратга эга эдилар. Ушбу жиҳат билан ҳам у Мансурга ўхшайди. Машраб қатл қилинаётганда, Фаҳмийнинг хабар беришича, «Сукри тофех дошт»-«ғояти беҳуд бўлган». Я. А. Ўзтурк: «Ҳалложнинг қотили шариат эмас, сиёсатдир. Шариатни тамсил этганлар, ушбу жиноятга уни шунчаки восита қилганлар», деган. Бу фикр маълум маънода Машрабга ҳам дахлдор. Академик Ғафур Ғулом айтганидек, у «хурлик тимсоли»га айланган.³

Дин мавзуи – нозик мавзу. Ножўя бир гап, пухта ўйланмай айтилган бир жумла минг-минглаб кишиларнинг ҳис-туйғусини оловлантириб, кутилмаган ғавғоларни кўзгаши ҳеч гап эмас. Буюк рус адиби Л. Толстойнинг айтишича, олмон файласуфи И. Кантнинг динга бағишлаб ёзилган бир рисоласини ўқиган ақидапараст руҳонийлар дарғазаб бўлиб бош кўтарибди. Шунда мамлакат ҳукмдори Фридрих иккинчи Кантга мактуб йўллаб, фикрларидан воз кечиб, диний мавзудаги маърузаларини тўхтатишни талаб қилибди. Кант эса «Маърузани албатта тўхтатаман, аммо фикр қарашимдан воз кеча олмайман» деган экан.⁴

Шунга ўхшаш воқеа Шарқ мамлакатларининг бирида юз бергудек бўлса борми, анчайин ғайриодатий фикрни илгари сурган ҳар қандай олим ё кофирга чиқарилар ёки Имомиддин Насимий ва Бобораҳим Машраб сингари қатл қилинарди.

Мана, буюк аллома ибн Сино вафотидан хийла кейин «тўқилган» бир айбнома: «Ибн Сино шаробхўр ва фосих бир кимса эди: тарихга назар ташла, кўргилки, у ким бўлган? Наинки динсиз, балки унинг мазхаби ҳам йўқ эди. Номазҳабликда шуҳрат топгани учун Султон Маҳмуд Ғазнавийдан қочиб кўп можаролардан сўнг Ҳамадонда кўним топди. Дайламийга вазир бўлди. Вазирлик айёмида шундоқ бир ишларни қилдики, сарбозлар ғазабга миниб уйини ғорат, ўзини ўлдирмоққа қасд этди. Қочиб қирқ кун Шайх Абусаиднинг ҳовлисида яширинди. Иккинчи бор вазирликни қўлга киритгач, кундузлари маъмурий юмушлар билан машғул бўлиб, окшомлари талабаларга дарс берар, сўнгра эса муғанний, созанда ва раққосаларни атрофига тўплаб, маишат ва ичкиликбозлик билан шуғулланар эди».

Аҳли шариатга ёқмаган, улар билан ихтилофга борган деярли ҳар бир мустақил шахс ана шундай туҳмат ва айбловлардан қочиб кутулмасди. Ҳолбуки, ислом дини туб моҳияти жаҳолат ва зўравонликка қарши. Маърифатсизлик, авомлик, ношудлик билан ислом ҳеч қачон келишолмайди.⁵ Мансур Ҳаллож ва ибн Синолар жоҳил ва авом, риёкор дин

¹ Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёҳуд жавонмардлик тариқати. 78-бет.

² Иброҳим Ҳаққул. Шайтон нега йиғлаган. Тафаккур, 2006, 3 сон, 86-бет.

³ Д. Ҳамроева. Автореферат. 14-15-бет.

⁴ Иброҳим Ҳаққул. Шайтон нега йиғлаган. 86-бет.

⁵ Ўша манба, 87-бет.

арбоблари томонидан тухмат, иғво, бўҳтонга қолган бўлсалар, Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаландарон» рисоласида тасвирланишича, Бобораҳим Машраб ҳам худди шундай бадхулқ уламолар, ёлғон-яшиқ хулқ-атворга эга бўлган бадкирдор айғоқчилар томонидан Офокхожа сафарда вақтларида унга қилинган иғволар туфайли, Офокхожа сафардан қайтгач чақимчиларнинг иғвоси билан Машраб вақтинча бу даргоҳни тарк этишгача боради.

Таъкидлаганимиздек, Машрабнинг бу даргоҳдан кетиши, кўнгил узиши осон кечмаган. Машраб истеъдодли шоир эди. Табиийки, Офокхожа даргоҳида унинг истеъдодини кўра олмовчи, ҳасадчи бошқа мурид-шоирлар ҳам йўқ эмас эди. Ўшаларнинг қутқуси билан Машрабдек авлиё шоирнинг ҳам дили озор чеккан, бу унинг шеърлятида, айниқса, «Тазкираи қаландарон» асарида акс этган реал воқелиқдир. Тазкирада берилишича, Гумном Офокхожа хуфялари сардори бўлган. Унинг тасарруфида Билол жоҳил, Сотим қароқчи, Говсўфи, Лазиз каззоб, Воҳид қаллоб, Пирмат энағар, Асқар сўта, Иброҳим оқпадар, Илс тиртик, Қосим «бежирим», Жалол ўпка ва бошқа қаландарлар хизматида ҳозир у нозир бўлганлар. Ҳар қандай салтанатда бўлгани каби Офокхожа даргоҳида, унинг муридлари орасида шундайлари бўлгани табиий ҳолдир, балки. Шундайлар бўлмаса Навоийдек улуғ вазир Балх ҳокими бўлган Дарвешалидек иниси, укасидан, Баддиуззамон фарзанди Мўмин Мирзодан ажралмаган бўларди. Тазкирада ёзилишича: Мазкур бадастар кўп ожиз мўмин-мусулмонлар борасинда Офокхожага ёлғон-яшиқ сўзлар еткарур ва охир оқибатда банди бечоралар азобу укубатларга мустаҳиқ бўлурди. Бисёр банди мўминлар алар жафосидин безор бўлуб, Қашғардин бадарга қилинубди ва эл орасинда сазойиш қилинуб, бегуноҳ бошлари уят ва номусдан ҳам бўлурди.¹

Машраби мажзуб ва фақир (Исҳоқ Боғистоний) борасинда ҳам ушбу бадкирдорлар айғоқчилик қилуб, бўлар-бўлмас сўзларни кўпиртируб, Офокхожа хузурида арзга етурмушдиларки, шу боисдан Машраби мажзуб ва фақир банди ҳам неча бор жазога тортилмиш эрдук.

«Тазкираи қаландарон»да ёзилишича, Машраб «Хуфялар ва мўралоғич» бадастар ҳақида захарханда ҳажвиялар битиб, эл орасида уларни ўқишни одат қилгач, бундан воқиф бўлган Гумном ва хуфялари Офокхожа сафарда бўлган пайтда улар «Кулбаи хоси»ни ков-ков қилиб, Машрабнинг «Дафтари ашъори калон»ларини олиб Офокхожага етказдилар. Офокхожа сафардан қайтгач, жума намозидан сўнг муриду мухлислар хузурида Гумномга ишорат қилиб Машрабнинг шеърӣ дафтарида шеърлар ўқиб беришни сўраган. Алқисса ишоратлари била Гумном – Ҳирқатий Машраби мажзубнинг йитулмиш «Дафтари ашъори калони»дин абётлар ўқимокқа тутинди:

*Дилимни нимта айлаб, бас, менга солдинг жудолиғни,
Совурдинг, елга бердинг, ҳайф, бу аҳду ошнолиғни,*

*Сен, эй, Гумном, насиҳатни бериб хешинг аро қилғил,
Жаҳонда кўрмадим ҳаргиз киши сендек риёлиғни.*

*Залолатпешалиғни аҳли дунлар сиздин ўргангай,
Мунофиқ, бадасллик таъмагир рўсиёлиғни.*

*Риё тоат қилиб кундузлари ўзни дебон муришид,
Кечадин тонг қадар қилгунг ўзингдек юз қаролиғни.*

*Ҳама элни ҳароб айлаб, тазаллум пеша бўлмишсиз,,
Сени пийринг қилур охир магар даъви худолиғни,*

*Неча мазлум, халойиқни кўзин ёшлаб, бу Машрабдек,
Насиб эткай сенга охир худовандо гадолиғни.²*

Ушбу байтлардин Офокхожанинг муборак диллари озор топиб, ғазабнок бўлиб «бас» дедилар.

Машраби мажзубга юзлануб дедиларки, «Ё Машраб, фақир ва содиқ муридларимиз борасинда мундоғ ҳақоратомуз ва ношоён сўз айтмоққа на деб журъат этмушсен! Ҳозирӣйунлар қошинда таъбаю тазарруъ айлаб, гуноҳингни ювгайсен!»

¹ •Исҳоқ Боғистоний. «Тазкираи қаландарон» 155-бет.

² Ўша манба, ўша жой.

Машраби мажзуб жойларидин кўпуб Офоқхожага таъзим адосидин сўнг демушларки: «Ё пирим, не демушмен, ҳақ сўзни айтмишмен, таъбаю тазарруъ жоиз эрмасдур».

Машраби мажзуб жавобидин дарғазаб бўлган Офоқхожа фармони олий қилдиларким, мазкур «Дафтари ашъори калон»ни ўтга ташлагайлар ва Машраби Мажзубга доғи йигирма дарра урғайлар. Анга ҳомийлик қилгон фақирни эрса бир ой муддат ила банди зиндон қилғайлар, қўл ва оёқлариға кишан урғайлар.

Алғараз, бир ой муддатдан сўнг фақир зиндондин халос бўлганда жабрдийда Машраби мажзуб хасталик туфайли Қошғар қаландар хонасинда жойнишин эрдилар.¹

Кўп манбаларда ёзилишича ва юқоридаги тафсилотлардан маълум бўлишича, шундай воқеа бўлган, бу ерда пир Офоқхожа Машрабга онгли ҳолда жазо берган ва мурид буни унга (пирга) рад жавоб бериб, ўша ўз ашъори (шеъри) эканлигини эътироф этиб, жазога тайёрлигини билдириб ундан қайтмаган, тавба қилмаган. Машраб тавба қилганда эди, пир уни афв этган бўларди, унда Машраб уни кўролмаган бадахлоқ ғаламислар олдида шери мард Машраб бўлолмасди. Қавмнинг олдида Офоқхожа жазо бермаси ҳам бўлмасди, чунки тасаввуфда пир ва мурид ўртасидаги муносабатларда муридга берилган жазога ҳам улар илтифот, лутф деб қарашган, ҳар қандай жазони қабул қилишган. Машраб бу ерда пирга эмас, унга шаккоклик қилмаяпти, аксинча, бадахлоқ кишиларни ҳажв, масҳара қилгани учун ҳам чакув, ҳам улар томонидан маломатга қолиб, ноҳақ жазо олаётир. Шуни, тасаввуф фалсафасининг, диний-исломий моҳиятини англолмаган, тўғрироғи тушунмаганлар пир ва мурид ўртасига раҳна солиб кўядилар. Яна таъкидлаймиз, Машраб ҳеч қачон пирдан этак силккан эмас. Чунки тасаввуфнинг амалий босқичларини замонасида ҳеч ким Машрабнинг пири комилидек чуқур идрок этмаган ва сабр-тоқат ила муридлари қалбига соллолмаган. Офоқхожа замонасининг «Шайхул аъзам»и даражасига кўтарилган. Унинг муриди, шогирди Машраб «Қутбул ақтов» унвонини олган. Машрабнинг комиллигини билмоқ учун бунга замонамизнинг уламиси Раҳматилла қори Обидовнинг бир ривоятини келтирмоқчимиз. Шоҳ Машраб йўлда кетаётиб Хизрни учратибди ва салом-алик қилиб, йўлида давом этибди. Хизр шоҳ Машрабни тўхтатиб «Мени танимадингизми?» деб сўрабди. Шоҳ Машраб дебди: «Танидим, сиз – Хизрсиз». Хизр ажабланибди: «Унда мендан сўрайдиган бирор тилагингиз йўқми?». Шоҳ Машраб унга жавобан: «Аллоҳ билан бизнинг ўртамазга даллолнинг ҳожати йўқ!» дебди ва йўлига равона бўлибди.

Аллоҳ васли, унинг жамоли учун интилган Машраб шунинг учун қуйидаги шеърида қалби унинг иштиёқида ёнаётганлигини, этагининг елпишидан юз Хизр пайдо бўлишини тасвирлайди:

*Этогимни елпишидин юз Хизр пайдо бўлур,
Бу дилимни кавламанг, оташкада пайдо бўлур,
Ҳар тарафдин наъраи «во ҳасрато» пайдо бўлур,
Зухр элига «Ҳой-ҳув» аччиқ нидо пайдо бўлур,
Аҳли тақволар аро вовайлато пайдо бўлур.*²

Адабиётшунос Рабоҳат Норматова Машраб ижодида тарихий ва афсонавий тимсоллар талқини хусусида фикр юритиб, унда шоирнинг ислом дини, пайғамбарлар, авлиёлар орасида рамз бўлган сиймоларни шеърларида тилга олганлигини таҳлил этган: «Пайғамбар ва авлиёлар орасида аллақачон афсона ва ривоятлар билан чатишиб, бадий образ ва маълум рамз ифодаларига айланиб кетган Мусо, Сулаймон, Исо Масих, Нух, Иброҳим, Али, Илс, Довуд, Яхё, Юсуф, Абу Бакр, Умар, Усмон каби ҳукмдор, пайғамбарлар ва диний арбоблар сезиларли ўрин олади. Буларнинг ҳар бири мўъжизалар кучига эга бўлган образлар сифатида кўзга ташланади. Масалан, Мусо – чўпон, Элсевар пайғамбар, Исо – ўликка ҳам жон ато этувчи пайғамбар. Нух эса тўфонни дафъ этган бўлса, Довуд сеҳргарлик овози ва сози билан машхур бўлган. Сулаймон эса донолиги, шавкати, жони, мўъжизакор узуги билан элга таниш. Яъкубда эса сабр-бардошлилик фазилати кучли бўлса, Юсуф эса хусни жамол билан таърифу таҳсинга сазовор бўлган. Машраб буларнинг барини ўрни келганда қўллаб, ўз

¹ Ўша манба, ўша жой.

² Исҳоқ Богистоний. Тазкирани қаландарон. 154-бет.

ниятини рўёбга чиқара олган. Машраб уларга нисбатан берилган сифат ва хислатларни оддий кишиларга, Аллоҳни ифодаловчи маҳбубага кўчиради.¹

*Норасоларга суҳан қилма, хатодур Машрабо,
Билса ҳар ким чориёри босафони дардини.*

Машраб бу сатрларда саҳобалар Абу Бакр, Усмон, Умар ва Алиларнинг, уларнинг мусаффо ниятларини ишқ йўлидан хабарсиз норасоларга билдириш ҳайф эканини эслатмоқда. Машраб пайғамбарлардан Мусо, Нух, Сулаймонларни бадий тимсол сифатида тилга олади. У айниқса, Мансур Ҳаллож, Насимий, Боязидлар илгари сурган ғоялардан чўчиш ислом риёкор руҳонийларини таҳликага солиб турганлигини, Машрабнинг дорга тортилишига ҳам ана шу «анал ҳақ» ғояси сабабкор бўлганлигини айтган.²

Тадқиқотимизнинг ушбу қисмида Бобораҳим Машраб дунёқарашида ислом динига бўлган масалаларнинг ёритилиши мавзуси хулосалари хусусида мухтасар фикрга келинган кўйидаги жиҳатларни айтиб ўтаемиз. Аввало Машраб комил муслмон, у исломий руҳда илм ва таълим-тарбия олди. Унинг Намангандаги устози мулла Бозор охунд ва Қашқардаги пири комили Офокхожа ҳам дини исломнинг шаръий аҳкомларини мукамал эгаллаган, бошқа шогирдлар катори Машрабдек истеъдодли, қувваи ҳофизаси баланд шогирдга меҳр-муҳаббат билан, аслида айрича муносабатда бўлган. Ундаги Аллоҳга яқинликни, илмни ўз пайтида англашга, Машрабни ўзига хос ўз таълимотлари билан тарбиялашган. Мулла Бозор охунд, Офокхожа даргоҳида барча исломий билимларни эгаллаган шоир тасаввуф таълимоти билан қуролланиб, авлиёлик мақомига эришиб, тариқат йўлига кирган, қаландарликни танлаб юрт кезган, подшолар ва беку аёнларга адолат ва инсоф билан юрт тебратишни ижоди билан англаган. Жамиятни тарбиялашда Аллоҳ нурина, пайғамбар ҳаётини, Қуръон мазмун-моҳиятини тушунтира билган. Унинг исломий дунёқараши шаклланишида Нақшбанд ва Яссавий, Румий ва Насимий, идеал шахслар Иброҳим Адҳам, Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож, Шайх Шиблий ва бошқа буюк мутафаккир алломаларнинг ҳаёти, фаолияти, ижоди намуна бўлган.

Шоир шеърларида салафнинг ишини давом эттирганлигини, улардан ўрнак ва мадад олганлигини эслатади. Машраб даҳрий, ширк келтирган деб ҳисобловчиларга аслида у ўта художўй аллома эканлигини, Аллоҳ номини муқаддас билиб тилидан қўймаганлигини ва исломий ақидаларни қалбан бажарганлигини таъкид этмоқчимиз.

¹ Рабоҳат Норматова. Машраб ижодида тарихий ва афсонавий тимсоллар талқини. 118-бет.

² Ўша манба. 119-бет.

МАШРАБНИНГ ИЖТИМОЙ-АХЛОҚИЙ ДУНЁҚАРАШИ

Мумтоз асарларнинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, улардаги умуминсоний гуманистик ғоялар ғоят яшовчан ва ҳар бир янги давр руҳига ҳамоҳанг бўлади, эзгулик ва адолат, одамийликни тарғиб этиб, кишиларнинг қалби ва фикрига ижобий таъсир этиб туради. Шу сабабли ҳам Рудакий ва Хайём, Лутфий ва Навоий, Саъдий ва Ҳофиз, Хисрав ва Жомий, Машраб ва Бобур асарларини севиб ўқиймиз, улардан рухланамиз, турмушда, яшашда уларни ўзимизнинг ҳамроҳимиз деб биламиз. Бу гуманизмнинг абадийлигига, инсонпарвар ғояларнинг ўлмаслигига, тарихий шароитга мослашиб, янги куч-қудрат билан янграшига далилдир. Хусусан, бизнинг ҳозирги замонимизда, инсон омили биринчи режага кўтарилган, яхши инсоний ахлоқни улуғлаш, поклаш, эътиқод, ростгўйликлик, маънавий етуқликни ҳимоя қилиш, кўпроқ ва дадилроқ турмушга татбиқ этиш зўр ижтимоий аҳамият касб этган даврда турмушга классик адабиётда асрлар давомида куйланиб келинган гуманистик ғояларнинг роли яна ошди. Улуғ шоирлар қаламидан чиққан нодир бадиий асарлар бу жиҳатдан қайта-қайта ўрганилса, изчил текшириб, уларнинг бебаҳо ҳикматлари халққа етказилса фақат фойда келтиради.¹

Шу нуқтаи назардан Шарқ мумтоз фалсафаси, бадиияти, шунингдек, диний, тасаввуфий, маънавий, сиёсий, илмий меросига улкан ҳисса қўшган Бобораҳим Машраб ижодиётининг ижтимоий-ахлоқий жиҳатлари ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Шарқда, хусусан бизнинг диёримизда ахлоқ илмига ҳисса қўшган ва дунё ахлоқ илмини ўзлаштириб, уларнинг меросини авлодларга туҳфа этган улуғ мутафаккирлар Закариё ар-Розий, аз-Замахшарий, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Мансур Мотрудий, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Насриддин Тусий, Унсурулмоаний Кайковус, Жалолиддин Давоний, Ҳусайн Воиз Кошифий, Шайх Саъдий, Муҳаммад Ғаззолий, Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек Муҳаммад Тарағай, Али Кушчи, Муҳаммад Ҳайдар Дуғлат, Қодирғали Жалоирий, Мансур Ҳаллож, Хожа Исмоил ал-Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, Хожа Аҳмад Яссавий, Абдуллоҳиқ Ғиждувоний, Абдулқодир Гилоний – Жилий, Баҳоуддин Нақшбанд, Маҳмуд Қошғарий, Маҳмуд Чағминий, Марвазий, Мискавейх, Журжоний, Абу Абдулло Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Жалолиддин Румий, Нажмиддин Кубро, Сулаймон Боқирғоний, Умар Хайём, Амир Темур, Абдураззоқ Самарқандий, Хожа Аҳрор Вали, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Мирзо Абдулқодир Бедил, Сўфи Оллоҳёр, Хўжаназар Ҳувайдо, Низомиддин Шомий, Абулғози Баҳодирхон, Муҳаммад Шайбонийхон, Абулғози Убайдуллахон, Муҳаммад Солиҳ, Мажлисий, Абдулвахҳобхожа, Муҳаммад Шариф Гулханий, Маҳдуми Аъзам, Худодод Вали, Камолиддин Биноий, Зайниддин Восифий, Аҳмад Ҳазиний, Абдурахмон Мушфикий, Муҳаммад Нойи Мутрибий, Паҳлавон Маҳмуд, Маҳтумқули, Чўқон Валихонов, Абай Кўнонбоев, Аҳмад Дониш, Бердах, Тоқтоғул Сотилғонов, Муқимий, Фуркат, Беҳбудий, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Исмоилбек Ғаспдали, Мунавварқори Абдурашидхонов, Исҳоқхон Ибрат, Саидахмад Сиддикий, Аваз Ўтар, Муҳаммад Сўфизода ва Бобораҳим Машраб каби улуғ аждодларимизнинг хулқ-одоб, маънавий-ахлоқий мерослари билан нафақат юртдошларимиз, балки башарият баҳраманд десак хато бўлмайди.

Маърифий рисолаларда асосан ахлоқнинг назарий ва амалий масалалари таҳлил этилган. Форобий, ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Тусий, Давоний, Кошифий, Кайковус, Саъдий, Жомий, Навоийларнинг «Фозил одамлар шаҳри», «Бахт-саодатга эришув ҳақида», «Ахлоқ ҳақида рисола», «Ишқ рисоласи», «Қутадғу билиг», «Ахлоқи Носирий», «Ахлоқи Жалолий», «Ахлоқи Муҳсиний», «Ҳибат ул-ҳақойиқ», «Қобуснома», «Гулистон», «Бўстон», «Маҳбуб ул-қулуб» каби инсон камолотига оид асарлари инсон шахсини, маънавиятини шакллантириш ва такомиллаштириш муаммосини ҳал этишда соф маърифий асарлар сифатида муҳим аҳамиятга эга. Мазкур асарларда инсоннинг маънавий камолотга етишиши юксак хулқ, одоб, илм ва фанни эгаллаш асосидагина амалга ошиши мумкин, деган ғоя илгари сурилган.²

¹ Муслихиддин Муҳиддинов. Барҳаёт ғоялар. Адабиёт ва санъат. Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1988, 121-бет.

² Бўри Зиёмухаммедов. Комилликка элтувчи китоб «Турон – Иқбол», Тошкент, 2006, 194-бет.

Мутафаккир шоир Бобораҳим Машраб ижтимоий-ахлоқий қарашлари ўрганилаётган ушбу қисмда биз ахлоқ ёки ахлоқшуносликнинг у ёки бу жиҳатини қамраб олган ахлоқий-таълимий, хулқ-одоб мазмунини ифода этиб берувчи бир қатор асарларга мурожаат қилиб, улардаги бугунги кун учун ҳам керак бўлган томонларини Машраб ижодига боғлаб, татбиқ қилиб ўрганишни бурчли билдик.

Муҳаммад ал-Ғаззолийнинг «Ихёу улумид-дин» (Дин илмларини жонлантириш), («Мовароуннаҳр», Тошкент, 2003), Абдулқодир Гилоний – Жилийнинг «Раббонийликни англаш» («Мовароуннаҳр», Тошкент, 2005), Хусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати» («Панднома») (Абдулла Қодирий номидаги Халқ Мероси нашриёти, Тошкент, 1994), Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавийнинг «Жомий ул-мутун» («Мовароуннаҳр», Тошкент, 2000), Ал-Ғақих Абу Лайс Самарқандийнинг «Бўстонул орифийн» («Мовароуннаҳр», Тошкент, 2003), Ҳожи Аҳмаджон Бобомуроднинг «Комил инсонлар йўлидан» («Мовароуннаҳр», Тошкент, 2003), шу муаллифнинг «Камолот сари» («Чўлпон», Тошкент, 2000), Қори Низомиддин бин Мулла Ҳасаннинг «Илми ахлоқ» («Ёзувчи», Тошкент, 1994), Абдурауф Фитратнинг «Оила» («Маънавият», Тошкент, 2000), Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» («Ўқитувчи», Тошкент, 1992), Аннамарие Шиммелнинг «Жонон менинг жонимда» («Шарқ», Тошкент, 1999), М. М. Хайруллаевнинг «Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири» («Ўзбекистон», Тошкент, 1991), Абдулла Шернинг «Ахлоқшунослик» (Тошкент, 2000), Йўлдош Жумабоевнинг «Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари» («Ўзбекистон», Тошкент, 1980), шу муаллифнинг «Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараккиёти тарихидан», («Ўқитувчи», Тошкент, 1997), Э. Умаровнинг «Эстетика» («Ўзбекистон», Тошкент, 1995), Сирож Ғозиевнинг «Подшохожа қарашларида ижтимоий ахлоқ масалалари» («Абдулла Қодирий номидаги Халқ Мероси нашриёти», Тошкент, 1999), Улфат Маҳкамовнинг «Ахлоқ-одоб сабоқлари» («Фан», Тошкент, 1994), Тоҳир Маликнинг «Одамийлик мулки» (Ахлоқ китоби) («Мовароуннаҳр», Тошкент, 2005), Бахти Очилованинг «Шахс маънавий камолотида ихлосмандлик ва ибрат бирлиги» («Ўзбекистон», Тошкент, 2004), Тўлқин Алимардоновнинг «Сиёсат ва ахлоқ» («Фан», Тошкент, 2005), Бўри Зиёмуҳаммадовнинг «Комилликка элтувчи китоб» («Турон-Иқбол», Тошкент, 2006), каби шахсий кутубхонамиздаги асарлардан фойдаланиб Машрабнинг ижтимоий-ахлоқий дунёқарабини ёритишни мақсад қилдик.

Муҳаммад Ғаззолий: «...талаба аввало қалбини жирканч хулқлардан, мазмум-ёмон сифатлардан поклаб олиши керак. Чунки илм қалб ибодати, махфий намоз ва Аллоҳга ботиний яқинликдир. Зоҳирий аъзолар вазифаси бўлган намоз фақат ҳасад ва нопокликлардан зоҳирий тозаланиш билангина дуруст бўлади. Ботиннинг ибодати ва қалбнинг илм билан обод бўлиши ҳам, фақатгина уни жирканч хулқлар ва разил сифатлардан поклаш билан юзага чиқади. Пайғамбар (с. а. в) ҳадисларидан бирида «Бу дин поклик устига барпо бўлган», деганлар.¹

Абдулқодир Гилоний яхши ахлоқ билан Худога яқинлашишни, аксинча ёмон ахлоқ билан ундан узоқлашишни «Ўттиз биринчи мажлис»ида шундай баён этган: «Кимки одобини гўзал қилса, Аллоҳга яқинлашади ва агар хулқини хунук қилса, ундан узоқлашади. Гўзал хулқ Аллоҳга ибодат қилиш, хунук эса, унга осий бўлишдир. Эй қавм! Нафсларингизни ҳисоб-китоб қилишни кечиктирманглар. Охиратга боришдан олдин, шу дунёда уни сарҳисоб қилишга шошилинглар».²

Ахлоқ ҳақида Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг куйидаги фикрларини келтириш жоиз: «Аслини олганда, ахлоқ – маънавиятнинг ўзаги», «Инсон ахлоқи шунчаки салом-алиқ, хушмуомалиқдангина иборат эмас. Ахлоқ – бу, аввало, инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани».

Ибн Сино ўз асарларида бир қанча ахлоқий фазилатларга таъриф беради. Чунончи, ифбат, ҳикмат, шижоат, адолат, саҳийлик, қаноат, қатъият, садоқат, ҳаё, камтарлик. Шунингдек, аллома уларнинг акси бўлган – ўғрилиқ, алдамчилик, фиску-фасод, нафрат, рашк, адоват, бўҳтон, иродасизлик, такаббурлик, нодонлик каби иллатларни ҳам тавсифлайди; ҳар икки турдаги мазкур тушунчаларнинг бир-бири билан боғлиқлиги, бир-бирига ўтиб туришини ва бундай боғланиш ижобий ҳол эканини таъкидлайди. Демак,

¹ Муҳаммад ал-Ғаззолий. «Ихёу улумид – дин» (Дин илмларини жонлантириш). 119-бет.

² Абдулқодир Гилоний. Раббонийликни англаш. 105-бет.

ахлоқшунослик илмида фақат фазилатлар эмас, балки иллатлар ҳам ўрганилиши зарур. Айни пайтда, ббн Сино устозлари анъаналарини давом эттириб, ҳар бир ахлоқий фазилат икки нуқсон оралиғида бўлади, яъни ўрталик хусусиятига эга, дейди.¹

Ўрта асрларнинг то мўғуллар босқинига қадар бўлган даврида қомусий алломалардан ташқари аз-Замахшарий, ал-Беруний, Аҳмад Яссавий, Абдулхолиқ Гиждувоний, Жалолиддин Румий, Нажмиддин Кубро сингари ўнлаб мутафаккирлар ахлоқ илмининг назарий ёки амалий соҳаларида фаолият кўрсатдилар.

Навоий шеърлари ва дostonларида илгари сурилган ахлоқий тамойиллар ҳамда ижобий қахрамонлар қиёфаларида тажассум топган адолат, садоқат, бурч, муҳаббат, раҳм-шафқат, мардлик, камтарлик сингари фазилатлар ёзилган. Навоий сўфийликнинг нақшбандия сулукига мансуб йирик шахс – мутасаввуф сифатида ҳам ахлоқшунослик назарияси ҳамда амалиёти тараққиётига улкан ҳисса қўшган мутафаккирдир.² У «Қаноат нақшининг ифшоси ва нақшбандия тариқатининг адоси» деган шеърида ўзи мансуб бўлган тариқатнинг тўрт тамойилини шундай тушунтиради:

*Десанг хилватим анжуман бўлмасун,
Керак анжуман ичра хилват санга.
Ватан ичра сокин бўлиб сайир ўл,
Сафардин агар бўлса меҳнат санга.
Назарни қадамни йироқ солмагил,
Бу йўл азми агар бўлса рағбат санга.
Дамингдин йироқ тутмагил ҳушни,
Ки юзланмагай ҳар дам офат санга.
Бу тўрт иш била рубъи маскун аро,
Чолинмоқ не тонг кўкси давлат санга.
Бу оҳанг ила бўлғум нақшбанд,
Навоий, агар етса навбат санга.³*

Дилинг Худо билан, қўлинг иш билан банд бўлсин, деган шиор нақшбандия тариқатининг асосий тамойилидир. Навоий бутун умр, аввало, шахсан ўзи ана шу тамойилга амал қилди, қолаверса, деярли ҳамма асарида инсонни заминдан оёғи узилмаган қахрамон тарзида талқин этди. Шунинг учун ҳам аллома Е. Э. Бертельс Навоийни, нафақат буюк шоир ҳамда мутафаккир, балки буюк ва покиза, номи бош ҳарфлар билан ёзилишига лойиқ Инсон эди, деб таърифлайди.

Алишер Навоий адолат тўғрисидаги қарашларида инсоннинг ахлоқий тарбияти билан боғлиқ ижтимоий иллатларнинг моҳиятини излайди. Жамиятда эзгуликнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил этади. Адолатли жамиятга эришишда нафақат подшоҳ одиллиги, балки фуқаролар ўртасидаги муносабатларнинг ахлоқий бўлиши лозимлигига эътиборни қаратади: «Оламда бўлмиш ҳар навъ одам билан кўришдим, катта-кичикнинг феъл-атворини ўргандим; яхши-ёмоннинг хислатларини тажрибадан ўтказдим; яхшилик ва ёмонликларнинг шарбатини ичиб, захрини тотиб кўрдим. Бахил ва пасткашларнинг захмини, саховатли кишиларнинг малҳамини кўнглим дарҳол сезиб қоладиган бўлди»⁴ дейди. Шу тариқа, у «Маҳбул-қуллуб» асарида ҳар хил одамларнинг феъл-атвори ва аҳволи, яхши феъл хосияти ва ёмон хислат касофати ҳақидаги қарашлари асосида жамият ижтимоий муносабатларининг яхлит назарий тизими, фуқаро – жамият – давлат ўртасидаги ахлоқий мажбуриятларни умумлаштиришга эришади.⁵

Демак, ҳамма нарса инсоннинг ўзига боғлиқ. Инсонга имконият берилган. Агар инсон буни англаса, маънавий таъкомиллашса, аслига – поклик оламига, Ҳақ ҳузурига мушарраф бўлади. Аммо буни англамаса, интилмаса – тубанлашиб, ҳайвонлар қаторига қўшилади, инсонлик шарафи ундан буткул кетади.

¹ Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Тошкент, 2000, 35-бет.

² Ўша манба, 40-бет.

³ Алишер Навоий. Асарлар. 15-жилдлик. Маҳбул-қуллуб. 1961, 49-бет.

⁴ Алишер Навоий. Асарлар. Тошкент, 1983, 13-бет.

⁵ Жакбаров М. Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият. «Академия», Тошкент, 2002, 51-бет.

Мана шу ғоя асосида инсон ахлоқини поклаш, комил инсон идеалига интилиш шавқи Навоий асарларининг мазмунини ташкил этган.¹

Навоийнинг замондоши Ҳусайн Воиз Кошифий ўз даврининг етук ва фозил кишиси бўлиб, риёзиёт, фалакиёт, ахлоқшунослик, фалсафа, тарих, адабиёт, таълим-тарбия, наср ва назм соҳаларида ижод қилган йирик олимдир.²

Арасту, Афлотун, Форобий, ибн Сино, Насриддин Тусийнинг ахлоқ ҳақидаги асарларини ўрганиб, ўзлари ҳам ахлоқ илмидан кўплаб асарлар яратган Ҳусайн Воиз Кошифий, Жалололдин Давоний, Хожа Самандар Термизий каби мутафаккирлар сермахсул ижод қилдилар, улар яратган ахлоқий асарлар назарий ва амалий жиҳатдан инсониятнинг дурдона мероси бўлиб қолди.

Арасту «Ахлоқи кабир» асарида ахлоқ илмининг моҳиятини, унга кимлар муносиб бўлиши ҳақида шундай фикрларни келтирган: «Этика-ахлоқ муаммолари ҳақида гапиришдан аввал биз ахлоқ нимага тааллуқли эканини аниқлаб олишимиз керак. Гапнинг лўндасини айтсак, ахлоқ – сиёсатнинг таркибий қисмидир. Чиндан ҳам, муайян ахлоқий фазилатларга эга бўлмаган одам ижтимоий фаолият кўрсатиши мумкин эмас. Муносиб одам бўлмоқ – фазилатларга эга бўлмоқ демакдир. Зеро, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда фаолият юритмоқчи бўлган одам ахлоқан фозил бўлмоғи керак. Хуллас, этика, ахлоқ – сиёсатнинг таркибий қисми, унинг асосидир. Шунинг учун, ахлоқни бемалол сиёсат деб аташ мумкин.³

Ўрта Осиёда ижтимоий фикр, адабиёт, тарих фанлари, фалсафа, муסיқа, меъморчилик, тасвирий санъат ривожланди, қатор мадраса ва мачитлар қурилди. Жумладан, ибн Муҳаммад Юсуф ал-Қорабоғий, Муҳаммад Шариф ал-Бухорий, Машраб ва Сўфи Оллоҳёр, Нодира, Увайсий, Дилшод, Комил Хоразмий, Аваз Ўтар, Бедил, Фузулий, Аҳмад Дониш, Муқимий, Огаҳий, Фурқат, Мулла Олим Махдум хожи ижодиётида шу даврнинг энг илғор ахлоқий ғоялари яратилди.⁴

Файласуф Бўри Зиёмуҳаммадов Алишер Навоийнинг одоб-ахлоқ ҳақидаги умуминсоний ғоялари ҳақида шундай фикр келтирган: Алишер Навоий ўз даврининг илғор, маърифатпарвар алломаси сифатида исломдаги ахлоқ ва одоб қоидалари, ўзидан илгари ўтган мутафаккирларнинг қарашларини анъанавий тарзда давом эттирди. Айниқса, инсон камолотида илм-фаннинг ўрни, ақл-идрокнинг аҳамияти, ақлий тарбиянинг моҳиятини ёритиб берди.

Алишер Навоий ҳар бир инсон ақлли, ахлоқли, билимдон, оқил, доно, софдил, саховатли, сабр-қаноатли, адолатли, мурувватли, камтар, мард ва жасур бўлмоғи лозим, деб билган.

Ўрта асрларда яшаб ижод этган аллома фозиллар, мутафаккиру уламолар комил инсон сиймосини яратиб бердилар. Шулар қаторига Абдураззоқ Самарқандий, Абдурахмон Жомий, Жалололдин Давоний, Ҳусайн Воиз Кошифий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва кўплаб бошқаларни киритса бўлади.⁵

Э. Умаров эстетика (нафосатшунослик) фани соҳасида тадқиқот ва дарсликлар ёзган олим ҳисобланади. Тадқиқотчи олим фан, адабиёт, санъат, маданият ва нафосат илмида ҳам ахлоқий фикрлар бўлишини, санъатнинг ҳамма бўғинида ахлоқнинг ўрни ҳақида шундай ёзади: «Инсон воқеликка ахлоқий ва эстетик қарашлар боғлиқлиги қадим даврлардаёқ аниқланган бўлиб, халқ оғзаки ижодида «нафосат» тушунчаси эзгулик, ахлоқий поклик, гўзаллик тарзида ифодаланади.

Ахлоқий муаммолар мажмуи бадиий асар мазмунининг таркибий қисмидир, айниқса, бадиий адабиёт, театр, кино, тасвирий санъат асарларида муаммолар тугуни, тўкнашувлар, қахрамонлар феъл-атвори ва хатти-ҳаракатлари, тасвирланаётган объектнинг муаллифи кўзи (ақли, истеъдоди) билан баҳоланиши – буларнинг ҳаммаси ахлоқийлик билан суғорилгандир».⁶

Ҳаққонийликка асосланган санъат доимо эзгуликка хизмат қилади. Амир Темур, Бўронли Едигей, Отабек, Анвар, Жалололдин, Улуғбек, Навоий рамзий киёфаларида

¹ Н. Комилов. Навоий ва замонамиз. «Жаҳон адабиёти», 2001, 2-сон, 9-бет.

² Тўлқин Алимардонов. Сиёсат ва ахлоқ. «Фан», 2005, 43-бет.

³ Арасту. Ахлоқи кабир. Тафаккур. 1997, 3-сон, 104-бет.

⁴ Ўша манба, 46-бет.

⁵ Бўри Зиёмуҳаммадов. Комилликка элтувчи китоб. 202-бет.

⁶ Э. Умаров. Эстетика. «Ўзбекистон», Тошкент, 1995, 148-бет.

ахлоқийлик ақидалари тараннум этилган. Айни пайтда санъат ёвузлик ва ахлоқсизликнинг хунук ва пасткаш эканлигини фош этиш орқали ҳам эзгулик ҳамда ахлоқийликка хизмат қилади.¹

«Илми ахлоқ» рисоласида яхши ва ёмон хулқ, ахлоқ илми ҳақида шундай фикр келтирилган: «Ахлоқ илми инсонларнинг яхши хулқларга чақириб, ёмон хулқлардан қайтармоқ учун яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини баён қиладурган бир илмдир. Ҳар ким ахлоқ илмини билиб амал қилса бу дунёда азиз, охиратда шарофатлик бўлур. Ахлоқли яхши кишилар душманларини ҳам осонлик ила ўзларига дўст қилурлар. Инсонларнинг ҳайвонлардан фарқлари, айримлари ақл, илм, сўз, адаб, фикр, ахлоқ иладур».²

Мутафаккир жадид шоир Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари ахлоқий ва таълимий асардир. Унда муаллиф инсонларни икки гуруҳга – яхши ва ёмон хулқли кишиларга бўлади. У ахлоқ илмининг мазмун моҳияти, унинг одамлар онги ва тафаккуридаги жиҳатлари ҳақида шундай ёзади: Ахлоқ илмини ўқуб, билуб амал қилган кишилар ўзининг ким эканин, жаноби Ҳақ учун халқ қилганин, ер юзида нима иш қилмак учун юрганин билур. Бир киши ўздан хабардор бўлмаса, илми, уламони, яхши кишиларни, яхши нарсаларни, яхши ишларнинг қадрини, қимматини билмас. Ўз айбини билуб, икром қилуб, тузатмакга сазй ва қўшиш қилмаган киши чин баҳодир ва паҳлавон кишидур. Расули акрам набийи мухтарам афандимиз: «Мезон тарозусига қўйиладурган амалларнинг ичида яхши хулқдан оғирроғи йўқдур. Мўъмин банда яхши хулқи сабабли кечаси ухламасдан, кундузлари рўза тутуб ибодат қилган кишилар даражасига етар», демишлар:³

*Сўйласанг сўйла яхши сўзлардан,
Йўқса жим турмоқинг эрур яхши.
Ўйласанг яхши фикрлар, ўйла,
Йўқса гунг бўлмоқинг эрур яхши.
Ишласанг ишла яхши ишларни,
Йўқса бекорлигинг эрур яхши.*

Фалсафа фанлари доктори Бахти Очилова шахс маънавий камолотида ихлосмандлик ва ибрат бирлиги ҳақида тадқиқотлар олиб борган олимдир. Тадқиқотчининг илмий ишлари долзарблиги, жиддий муаммони кўтарганлиги, ахлоқийлиги билан ўзига хосдир. Олиманинг кундалик инсонлар ўртасидаги саломлашиш, меҳр ҳақидаги қарашлари фаол инсон шахсиятини шаклланишида амалий ёрдам бера олиши билан аҳамиятлидир. Б. Очилова бу тўғрида шундай фикрларни келтирган: «Салом бериш тил, дин, ёш ва катта-кичикни танламайди.

«Ассалому алайкум», – деб таниган ва танимаган кишиларга салом берилади. Тартиби: ёши кичик – ёши каттага, от, улов минган – пиёдага, пиёда – ўтирган кишига, озчилик – кўпчиликка салом беради. Пайғамбаримизга: – Аввал ким биринчи бўлиб салом бериши керак?» – деб сўраганларида: – Кимнинг Аллоҳдан умиди кўпроқ бўлса, ўша, – деб жавоб берган эканлар».⁴

Одамларнинг бир-бирига меҳр қўйиши учун улар бир-бирларининг дилларига йўл топа олиши керак. Ривоят қилинишича, жаҳонгашта сайёҳдан бир донишманд: «Шунча жаҳон кезасан, умрингда бирон-бир ғарибнинг кўнглини овлаганмисан?» – деб сўрабди. Шунда сайёҳ: «Одамлар кўнглини кезолмаганим учун жаҳон кезиб юрибман», – деган экан. Ҳақиқатдан ҳам инсон кўнглини овлаш учун, аввало, кишида унга нисбатан меҳр-шафқат бўлиши керак.⁵

Ҳожи Аҳмадҷон Бобомурод «Камолот сари» китобида «Аллоҳни бу дунёда кўрса бўладими?» деган мавзуда фикр юритиб, Муҳаммад (с. а. в.)дан бошқа пайғамбар Оллоҳни бу дунёда кўрмаганлигини, Оллоҳ инсоннинг тушига ҳам кирмаслигини, Машрабгина уни бир марта тушида кўрганлигини келтирган: Биринчи пайғамбар Одам алайҳиссалом ва пайғамбарларнинг охиргиси Муҳаммад алайҳиссаломлардан бошқа ҳеч қандай пайғамбар бу

¹ Ўша манба, 149-бет.

² Қори Низомиддин бин Мулла Ҳасан. Илми ахлоқ. «Ёзувчи», Тошкент, 1994, 3-бет.

³ Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. «Ўқитувчи», Тошкент, 1992, 11-бет.

⁴ Бахти Очилова. Шахс маънавий камолотида ихлосмандлик ва ибрат бирлиги. «Ўзбекистон», Тошкент, 2004, 15-бет.

⁵ Ўша манба, ўша бет.

дунёда Аллоҳни кўзлари билан кўра олган эмаслар. Мусо алайҳиссалом Аллоҳнинг сўзини эшитган бўлсалар, баъзи пайғамбарлар тушларида кўрган ва яна баъзилари қалб кўзи билан кўрган. Баъзи авлиёлар ҳам тушларида кўрурлар. Бир мартагина Аллоҳни тушида кўрган киши умрбод ошики беқарор бўлиб, табиатида шоирлиги борлари Машрабга ўхшаб шеърлар айтиб юрса, шеър айтишни билмайдиганлари доимо тилида ва қалбида Аллоҳ деб мажнун бўлиб юради.¹

Машрабнинг ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашлари эътиборга сазовордир. У ўзи яшаган даврда ҳокимлардан адолатли тадбир-чораларни кутади. Ҳатто, уларга мурожаат қилиб, халқ тўғрисида ғамхўрлик қилишни, уларнинг арз-додига қулоқ солишни сўрайди. Шунингдек, бу оламда Мажнун эканлигини, девона қаландарваш қалб каъбаси бузилиб, абгор бўлиб юрганлигини, юрагига ишқ чўғи оташи солинганлигини, машҳаргача кўзини термултириб кетганлигини ошкора айтади; у Ҳақ йўлида, унинг юзини, жамолини, васлини кўриш иштиёқида мунтазир ва интизор юрганлигини, ранж-жафо чекиб, сафарларда бўлганлигини, кўнгли, қалби изтироб чекиб, кўз ёш тўкиб юрганлигини, қалби зада бўлиб азоб-уқубатда қолса-да, ундан кўнгили узмаслигини, шу йўлда мис сайқал топиб, тиллога айланганлигини қайд этади:

*Мани олам аро Мажнуни бесар қилдию кетти,
Саримга солди савдони, қаландар қилдию кетди,
Дилимнинг қалъасин бузди-ю абтар қилди-ю кетти,
Юрагимга қўюб оташ самандар қилдию кетти,
Кўзум термултириб расвою Маҳшар қилдию кетти.*

*Йўлунда мунтазирман токи пайғом англасам ҳар шаб,
Сафар – дур, дарду ранж – кўп, ҳеч ҳосил бўлмади матлаб,
Кўнгулнинг захмини ман ашки хунолуд билан тузлаб,
Агарчандаки дилгирсан кўнгулни узмагил Машраб,
Азалдин мис эдим, тиллоий аҳмар қилдию кетти.*²

Машраб қаландарлик суликига риоя қилиш ахлоқий покликка эришишнинг муҳим воситасидир, деб ҳисоблайди. Инсон ўз нафсини тийиши, оз нарсаларга қаноат қилиши лозим. Бундай одам бойликка интилмаслиги, ўз ҳалол меҳнати эвазига кун кечириши лозим. Машраб бировларнинг берган хайр-эҳсонини олмасликка ундаб, сенинг олдингга «Тиллоий Аҳмар» тўкса ҳам олма, «амирнинг қандидан гадонинг ёвғон оши яхшироқдир», дейди. Унингча, бойларнинг берган оши ҳеч қачон беминнат ва сидқидилдан бўлмайди:

*Қадинг бирла баробар халқ агар зар тўкса ҳам олма,
Қошинга чош этиб, зировор-шакар тўкса ҳам олма.*

*Сани иззат қилиб тиллоий аҳмар тўкса ҳам олма,
Амирнинг қандидин авло гадонинг оши явғони.*

Машраб кишиларни сахийликка чақиради, бойликка хирс қўймасдан, ўзгаларга яхшилик қилишга даъват этади. У инсон ва унинг тарбияси ҳақида сўз юритар экан, киши ёшлигидан тўғри йўлдан бориши, ўзига муносиб йўлни танлаши лозимлигини уқтиради.³

Машраб дунёқарашида баъзи зодагонлар ва риёкор руҳонийларнинг ярамас хатти-ҳаракатлари, ахлоқсизлигини танқид қилиш, охират, дўзах ваҳимасидан кўркмаслик, замонасидан зорланиш, руҳий тушкунлик ғоялари муҳим ўринни эгаллайди.

Яссавийнинг «Туфроқ бўлгил, олам сени босиб ўтсин» сатрлари бор. «Туфроқ» диний ишончларга асосланган назмий нақш. Одам Атони Худо тупроқдан яратган. Тасаввуф фалсафасида тупроқ унсуридан энг покиза сифатлар – сабр, умид, эзгу хулқ ва мурувват кабилар вужудга келганлиги зикр этилади. Оловдан эса, бунга қарши ўлароқ – нафс, кибр, тама, ҳасад пайдо бўлади. Бундан ташқари тупроқ ва сўз – жаннат мулки, шамол ва олов – дўзах ичидаги нарсалар. Демак, шоир инсонни эзгу хулқ соҳиби, мурувватли ва илоҳий зот шарафига эришишга чақирган. «Туфроқ» ўз ишқига вафодорлик рамзидир. Кенгроқ маънода

¹ Ҳожи Аҳмадҷон Бобомурод. Камолот сари. «Чўлпон», Тошкент, 2000, 10-бет.

² Машраб. Девон. 2006, 399-бет.

³ Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. 441-бет.

эса, тупроқ – Она Ватан рамзи. Чунончи, одам Ватан билан бирликка эришса, у нафақат ўз элининг, балки олам аҳлининг эҳтиромига сазовор бўлади.¹ Машраб:

*Расво бўлгил халқ ичра, номинг олиб кетсунлар,
Туфроқ бўлгил ер узра, сени босиб ўтсунлар.*

Дилозорлик Куръон оятлари ва пайғамбарлар ҳадисларида, буюк алломалар асарлари ва шоирлар шеърларида ниҳоятда қаттиқ гуноҳ, инсонга ёт бўлган энг ёмон ҳислат сифатида кадрланган. Ута камтар, ўзининг доим тупроқ билан тенг тутган буюк Машраб «Мабдаи нур»да дилозорликнинг ёмон, жирканчли хулқ эканини такрор-такрор тилга олган:

*Қўлингдан келса ишни айтма ходимларга қилгин деб,
Дилозори хўб эрмас, ҳеч кимга бад забон бўлма.*

«Мабдаи нур»да қаттиқ қораланган яна бир иллат каззоблик, ёлғончилик, кўзбўямачилик, фирибгарлик, риёкорлик, эгри, қинғир йўлга киришдир:

*Рост бўл, эй сўфий аҳволнамо,
Каъба ҳам, бутхона ҳам мулки Худо.*

Кўринишидан мўъмин-мусулмон, лекин иймондан беҳабарларни каззоб, эшак деб атар экан, ундайлар ўзини Худога бандаман демасин, дейди:

*Зоҳиринг мўъмин, иймондин беҳабар,
Бандалик кўз тутма, эй каззоб ҳар.*²

Шоир худпарастлик (ўзим бўлайчилик)ни инсон фитратининг катта айбларидан бири ҳисоблаб, инсонни биринчи навбатда халқ ғамини ейишига, мардонавор туришга чақиради:

Ўзунг захраба ютгил, халқ комига шаккар тут!

Унинг фикрича, инсон ўз ҳаётини ҳамма ишда инсоф ва адолатни мезон қилиб олиши лозим. Акс ҳолда, охиратда унга ҳеч ким шафоат этмайди:

*То тириксан адл, инсофингни қўлдан бермагил,
Беамал бўлсанг бу вақт аҳли шафоатман дема.*

Шоирнинг бошқа шеърида:

*Бир дил гамин минг жаннатга бермасман бу кун,
Маърифат қилмас асар дилда жароҳат бўлмаса.*

Ҳаётий одоб-ахлоқ талабларини баён этувчи юқоридаги байтлар шарҳга муҳтож эмас. Лекин уларни ҳозирги замонда замондошларимиз онгига сингдириш эса ғоятда зарур ва фойдалидир. Халқимиз бундай байтлардан жуда катта маънавий озуқа оладилар, янги бойитилган мафкурамиз талабларига мос инсонлар бўлиб етишиши қайта тарбияланишда ундан фойдаланадилар.

Ж. Юсуповнинг Машраб ҳақидаги илмий фаолиятини таъкидлаган ҳолда, унинг «Меҳрибоним, қайдасан» китобининг «Ҳақиқий Машрабни излаб» сўнг сўзидаги баъзи илмий фараз ва қарашларини келтиришни зарур деб билдик. Унда қайд этилишича, «Девони Машраб» таркибига Махваш ва Мужрим Обид сингари шоирларнинг шеърлари ҳам сунъий равишда котиблар томонидан киритиб юборилган.

Шунингдек, «Девони Машраб» китобларида «Мабдаи нур», «Кимё» китобларидан кўчириб ўтказилган шеърлар жуда кўп. Лекин «Девони Машраб» қиссасининг энг қадим нусхаларидан бири ҳисобланган ва Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган 5940-рақамли қўлёзмада «Мабдаи нур» унвон вазифасидаги таҳаллусли шеърлар йўқлиги билан бошқаларидан фарқ қилади. Бу вариантда Машраб ҳақида жуда кўп диний ривоят ва афсоналар берилганки, уни Саидали бинни Саидахмад, шубҳасиз,³ бир гуруҳ мутаассиблар томонидан тузилган вариантлардан кўчирган дейиш мумкин.

¹ Йўлдош Жумабоев. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар таракқиёти тарихидан. 145-бет.

² Бобораҳим Машраб. «Мабдаи нур», Сўзбоши, 32-бет.

³ Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним, қайдасан. Ж. Юсупов. Сўнги сўз ўрнида. 355-бет.

Бобораҳим Машрабнинг ижодий мероси профессионал котиблар, шунингдек, шеърят мухлислари томонидан тузилган баёзлардан ҳам кенг ўрин олган. 1826 мелодий йилида Муҳаммадшариф Махдум Хоразмий томонидан кўчирилган баёз бўлиб, унга Бобораҳим Машрабнинг ўзбек тилидаги саккиз ғазали ва ўн битта мухаммаси киритилган.

Филология фанлари доктори, профессор Эргашали Шодиев ўз кўлида тўпламлардан бирини «Мажмуаи мунтахаби девонҳо» деб номлаган. Бу тўплам-мажмуанинг 43 varaғи (86 бет) Бобораҳим Машраб шеърларидан иборат. «Девони Машраб» қиссаларидан фарқли ўлароқ, ҳеч қандай ривоят ва афсонлар йўқ. Котиб ана шу икки девон асосида ўзи тузган бу мажмуага бир қатор тожикча ва ўзбекча шеърларини киритган.¹

Девон Машраб қиссалари шоир шеърятини намуналарини ўзида жамлаган тўплам бўлибгина қолмай, балки Машраб ҳаёти ҳақида қимматли маълумотлар берувчи манба ҳам ҳисобланади. Бу манба Машраб ҳаётининг ноаниқ томонларини аниқлаб олишда катта аҳамиятга эга. Қиссаларда келтирилган ривоятларнинг ҳаммасини тўлиғича Машраб ҳаётидан олинган ва ҳақиқатдан ҳам бўлиб ўтган воқеалар баёнидан иборат экан деб ҳисоблаш тўғри эмас. Улар орасида сунъий тўқиб киритилган афсонлар ҳам бор.

Тарих фанлари доктори, профессор Поён Равшанов ва унинг Қашқадарё воҳаси тарихи, Амир Темур Кўрагоний тарихларига оид асарларини, шунингдек, «Ҳофиз Рўзибой Машраб» тарихига ва «Аждодларимиз қадри» асаридаги фикрларга мухтасар тўхталиб ўтмасликни йўлини тополмадик. П. Равшанов «Ҳақиқат нуктадонии» илмий мақоласида Қашқадарёнинг «Қамаши» қишлоғида яшаб ижод этган, ўзини Машраби Соний – иккинчи Машраб деб ҳисоблаган Ҳофиз Рўзибой Машраб ҳақида маълумот бериб, «Мабдаи нур» асари шу сиймо қаламига мансублигини исботлашга ҳаракат қилган. Илм-фанда баҳсталаб муаммолар бўлиши аниқ, аммо далил ва исбот, тадқиқий ишлар масалани чуқур ўрганиш, вақти келиб, ким ҳақ ёхуд ким ноҳақ эканлигини ўз ўрнига қўяди.

Олдиндан шу фикрни айтиб қўйишни тадқиқотчи бурчи деб ҳисоблаб, «Мабдаи нур» масаласида Исматуллоҳ Абдуллоҳ бу асарни 1994 йилги нашрида ҳаддан ташқари чала-чулпа жузъий нуқсонлар билан нашрга тайёрлаб чиқарганлигини, Ж. Юсупов эса бу асарни узоқ вақт ўрганиб, ҳажман яна шунча қисми қолиб кетганлигини ва китоб икки марта катта ҳажмда чиқарилишига яқин келажакда эришиш мумкин эканлигини эслатмоқчимиз. Деярли 35-40 йил мобайнида «Мабдаи нур» Бобораҳим Машраб ёки Ҳофиз Рўзибой Машраб асарими деган мунозара давом этди. Масала нозик, аммо мунозара жиддий ва ўта муаммоли эди. Чунки рус олимлари ва ўзимизнинг йирик олимларимиз ҳам бу асар ҳақида икки фикрда ва ўта жиддий тадқиқ этмасалар-да, мазкур асар ҳақида ўз фикрларини айтган эдилар, бу ҳам ўзи чигал муаммони янада қийинлаштирган эди.

Машраб таҳаллуси билан ижод қилган шоирлар кўп эмас. Туркистонда наманганлик Бобораҳим Машраб, Қашқа воҳасида эса Мулло Рўзибой шу адабий нисбада маълум ва машҳурлик касб этган.

Ҳофиз Рўзибой охунд XIX аср бошларида, тахминан 1804-1805 йиллар оралиғида ҳозирги Касби туманидаги Қамаши қишлоғида таваллуд топди. Унинг авлоди, шажараси асли келиб чиқиши Насафдан бўлган, кейинчалик Ургутда мақомат топган Нодир Муҳаммад валийга бориб такалади.

Қамаши қишлоғида шоир Домулла Рўзибой охунднинг бутун бошли авлоди яшар экан. Ҳатто, унинг фарзандларидан бири қарийб юз ёшга кириб, 1965 йилда оламдан ўтган экан. Шоирнинг ўзи ҳам узоқ умр кўрган, айтишларича, у 97 йил яшаб, асримизнинг бошида вафот этган.

Қамаши қишлоғида шоирнинг катта хонадони, хилхонаси мавжуд. Унда Ҳофиз Рўзибой охунднинг даҳмаси, отаси, укалари, қавм-қариндошлари мақбаралари жуда авайлаб-асраб сақланган. Шоирнинг қабр тошидаги ёзув жуда жуда аниқ ва равон битилган, вафот этган йили таърихи ҳам берилган.

*Ёши тўқсон бирга кирган бандаи радди фалак,
Мари каждумваши бирла бир бўлгон, дилига райби шак.*²

¹ Эргашали Шодиев. Адабий мерос. 1978, 10-сон.

² П. Равшанов, Р. Ўроков. Аждодларимиз қадри. Тошкент «Шарк», 1999, 358-359-бетлар.

П. Равшанов «Мабдаи нур» муаллифлиги ҳақида Ғафур Ғулом ва Пўлатжон Қаюмов фикрини келтириб, бу асар Ж. Юсупов ва Исматуллоҳ Абдуллоҳ даъво қилганидек Машрабники эканлиги ҳақидаги фикрни илгари суради: «Лекин, асосий мунозара адабиётимиз тарихида катта ўрин тутадиган, тасаввуф йўналишидаги «Мабдаи нур» ва «Кимёи саодат» асарлари ҳамда уларнинг муаллифи масаласига бориб тақалади.

Вақтида академик шоир Ғафур Ғулом, «Тазкираи Қайюмий» муаллифи Пўлатжон Қаюмовлар бу икки асарнинг Ҳофиз Рўзибой Машраби Сонийга тегишли эканлигини таъкидлаган эдилар. Жумладан, «Тазкираи Қайюмий»да: «Машраби Соний – бу киши Қашқадарёли бўлуб, Қарши шаҳриданур... «Бир аъмо муаллими бўлуб анинг тарбиясинда хафзан илм-маърифат, қироати қуръон, ҳадис, тафсир, мантик, фалсафа, адабиёт, аруз, ниҳоят, тасаввуф қоидаларини ўрганмишдир. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг асари бўлмиш машҳур «Маснавийи шариф»нинг бошдаги муқаддимаси бўлган назм-маснавийсидан бир бандини шарҳ этиб, мавлононинг фалсафий мазмунларини исботлаш учун бир неча ҳикоятлар ила таъкидлаб ўтадур ва шул фалсафа моҳиятига бағишлаб бир ғазал ёзиб ўтади. Бу китобни «Мабдаи нур» номи билан атайди»,¹ дейилади.

90-йилдан сўнг, қачонки, сўфи шоирлар ижоди ҳақида ҳам эркин гапириш имконияти вужудга келгач, «Мабдаи нур» асарининг Бобораҳим Машрабники эканлиги ҳақидаги даъволар юзага чиқа бошлади. Дастлаб бу фикрни «Меҳрибоним, қайдасан» девонини нашрга тайёрлаган Ж. Юсупов ўртага қўйди. И. Абдуллаев ҳам унинг тарафдори. Албатта, бир-икки далил билан бу мушкул муаммони ечиш жуда қийин. Чунки, Ўзбекистон Фанлар академияси Қўлғезмалар институти ва Шарқшунослик институти жамғармаларида, шунингдек, бизнинг ўзимизда мавжуд ўнлаб «Мабдаи нур» нусхаларида Бобораҳим Машраб ва Рўзибой Машраб ижоди чегарасини аниқлаб олиш осон эмас. Хаттотлар улар иккаласининг меросининг бениҳоя чигаллаштириб, қориштириб юборганлар. «Мабдаи нур»нинг мавжуд 30 дан ошиқ қўлғезмалари атрофлича тадқиқ этилган тадқиқодигина бу масалада бир ечимга келиш мумкин бўлади, албатта.

«Мабдаи нур»ларнинг 1860 йилларда кўчирилган нусхаларида Ҳофиз Рўзибойнинг исми-шарифи учрайди, шоирнинг 91 ёшга кирганлиги зикр этилади. Шубҳасиз, Бобораҳим Машраб 60 ёшга ҳам етмасдан қатл этилган.²

Қашқадарёлик тарихчи олимлар Поён Равшанов, Олим Равшанов, Мирхон Ҳусенов ҳамкорлигида ёзилган «Ҳофиз Рўзибой Машраб» номли каттагина рисолаи жуда қийинчилик билан қўлга киритдим. Асарда муаллифлар «Мабдаи нур» Ҳофиз Рўзибой Машрабники эканлигини исботлашга уринганлар ва ҳатто жавоб олгандай ҳам бўлганлар. Асар охирида Ҳофиз Рўзибой охунд Машраби Соний шеърятидан намуналар берилган. Китобни кўриб чикқач, унинг муаллифларидан бири Паён Равшанов билан шу хусусда суҳбатлашдим. Муаллиф Ғафур Ғулом ва Пўлатжон Домулло Қаюмовлар фикри айти ҳақиқат эканлигини таъкидлади. Мен Машраб янги девонлари чиқаётганлигини, хусусан, Исматуллоҳ Абдуллоҳ тадқиқотларидан сўнг Ж. Юсупов «Мабдаи нур» муаллифлиги хусусида узил-кесил фикрга келиб, олдинги ҳамма тадқиқотларни инкор қилиб, унинг муаллифи Бобораҳим Машраб эканлигини эътироф этганлигини исботлаганлигини билдирдим. Шу боис муаллифларнинг мунозарали ва турли фикрлар билан илгари сурилган иқтибосини келтираман: Бундан ташқари, Ғафур Ғулом тўғри кўрсатганидек, Бобораҳим Машраб девонига киритилган ғазал ва мухаммасларнинг бир қисми Ҳофиз Рўзибой ижоди намуналари билан аралашиб кетганлиги сир эмас. Бу ҳол, ҳатто, Ж. Юсупов нашрга тайёрлаган «Меҳрибоним, қайдасан» девонида ҳам учрайди. Икки Машраб асарларини таниш ва саралаш амалда жуда қийин. Шунга қарамай, шеърлардаги ҳасби ҳолга оид сатрлар бу ҳақда тасаввуф бермай қолмайди.³

Таъкидлаб ўтамиз, «Мабдаи нур» ва «Кимё»ни икки Машрабнинг қайси бири ёзганлиги муаммоси осонликча ҳал бўлмайди. Балким, бу оммавий китобни йиллар давомида уларнинг ҳар иккаласи шакллантиргандир, иккаласининг ҳам муаллифи бирдир, биз бу ҳақда қаромат қилмоқчи эмасмиз.⁴

¹ Пўлатжон Домулло Қайюмов. «Тазкираи Қайюмий», Тошкент, 1998, 78-бет.

² П. Равшанов, Р. Ўроков. Аждодларимиз қадри. 362-бет.

³ П. Равшанов, О. Равшанов, М. Ҳусенов. Ҳофиз Рўзибой Машраб. Тошкент, «Шарқ», 1997, 89-бет.

⁴ Ўша манба. 96-бет.

Бобораҳим Машраб ижодининг ана шу ўзига хослиги XVII-XVIII асрлар ўзбек адабиётининг кўлами кенглигини, хилма-хил бадиий тасвирий имкониятларига эга эканлигини тасдиқлайди.¹

Навоийшунос олим А. Ҳайитметов мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг тасаввуфий қарашларини ёритганда, Машраб ижодининг шу мазмундаги ғазалига муносабат билдирган: «Асно» деган сўз худо билан биринчи кўришиш, танишишни англатган. Сўфийларнинг кўлига Бобораҳим Машрабнинг қуйидаги байт билан бошланган ғазали тушиб қолса, улар, албатта, уни шу мазмунда тушунганлар:

*Ногоҳ кўрубон, маҳви жамолинг бўла қолдим,
Ойдек юзунгга боқдимۇ ҳайрон бўла қолдим.*

Лекин бадиий адабиётнинг ҳақиқий табиатини тушуна оладиган кишилар эса бундай ёрқин ва гўзал сатрлар реал ҳаёт ҳодисалари ёки бу ҳақдаги реал таассуротлар таъсиридагина яратилиши мумкин деб биладилар. Шунинг учун бундай шеърларни ҳатто авторнинг ўзи тасаввуфга нисбат берган тақдирда ҳам улар ҳақи равишда бу хил шеърларни реал ҳаёт билан боғлашга ҳаракат қиладилар.²

Абдурауф Фитрат «Машраб» илмий тадқиқотида Машраб нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам кўп ўқилгани ва ўрганилгани ҳақида маълумот бериб, унинг ғазаллари ўқилиши, «машрабхон»лик кечалари ҳақида ҳам қуйидаги фикрларни келтирган: XVII-XVIII асрларда ўзбек шоирлари орасида (зиёлилар томонидан эмас, омма томонидан) ўқилган муҳим сиймо Машрабдир. Машрабнинг ғазаллари ва Машраб ҳақида ёзилган машхур манқабалар ўзбек оммаси орасида жуда теран ўрунлашган. Хитой Туркистонидан, айниқса, кашқарликлар орасида унинг нуфузи жуда каттадир.³

Ўзбек қишлоқларида ва яқин кунларгача ўзбек шаҳарларида, айниқса, қиш кечаларида «машрабхонлик» аталган, ўтуришлар бўлар эди. Халқ бир чойхонада ё бирининг меҳмонхонасида йиғилишар, энг яхши ва баланд товушли бир ҳофиз (машрабхон) Машрабнинг ғазалларини «Савт», «Талқин», «Муножот», каби куйларда ўқур эди. Унинг атрофида ўтурган кишилар қимирламай, нафас чиқармай, буюк бир ҳаяжон билан тинглар эдилар.⁴

Иброҳим Ҳаққул Машрабнинг ижтимоий-ахлоқий қарашларини таҳлил этиб, ундаги хурлик, Ҳақ йўлида қалбан йиғлаш, тавба мақомининг моҳиятига тўхталади: Хурлик нима? Бу саволга Машраб шеърятининг моҳиятида «Инсон!» – деган савол яширингандир. Аммо ҳар қандай инсон эмас. «Ишқ йўлига кирган албатта кечар жондин, Кечмаса агар жондин айтган сўзидур ёлғон», – деган, «жунун бозорида Мансурдек афсона» бир Инсон. Дунёнинг лойига булганмоқлик – бу, хорислик, гумроҳлик, нафсга қуллик. Бу – ғайбдан келадиган «илҳомни худони» сезмаслик. Машраб ғофилга ёр «дунё»ни тарк этиш тарафдори. Бу дунё руҳнинг душмани. «Йўлни кўрганлар» кимлар? Кўнгул «ғизоли» «анвори тажалли била сут» ичган, «Шариат ҳам, тариқат ҳам, ҳақиқат мандадир мавжуд», дея оладиган «мудом мискин» ахли ишқдир.⁵

Машраб тавба мақомига доир фикр-мулоҳазаларида «Маломат кўйида юрган» солиқларнинг ахлоқий-фалсафий қарашларини ёқлаб, гуноҳ ва гуноҳкорлик туйғуларини энг охири чегарасигача идрок этишга чақиради:

*Эй бандаи тургуноҳ тургил саҳарда, йиғлагил,
Кўз ёшингни ҳурматидин, ҳар кунда минг наво келур.*

Адабиётшунос Муҳсин Зокиров Машрабнинг ижтимоий-ахлоқий қарашларини, унинг соф ахлоқий фикрларини, шеърларида комиллик ва қаноатни куйлаганини шундай ифода этган: «...хўрланган оддий кишиларгина энг юксак башарий фазилатлар – тоза ахлоқ, соф виждон, меҳру-шафқат, олиҳиммат ва одамгарчилик соҳиби эканликларини кўрди, бутун вужуди билан ҳис қилди, англади. Ниҳот, уларни ҳар қандай «олий насаблардан» мислсиз

¹ Иноятулло Сувоқкулов. Қалб гавҳари. 14-бет.

² А. Ҳайитметов. Шарҳ адабиётининг ижодий методи тарихидан. 190-бет.

³ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 82-бет.

⁴ Ўша манба, ўша жой.

⁵ Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърят. 174-бет.

юксак даражада афзал эканликларига комил ишонч ва қаноат ҳосил қилди. Шоир ўзининг ҳам ана шу одамлар тоифасига мансуб эканлигини ифтихор билан сўйлайди:¹

*Муддаи марди худодин ўзини тутса баланд
Қаро тош ёқут ўлуб, лаъли бадахшон бўлмас.
Маширабо, гар сени ҳижрон ўқи юз пора қилур,
Ғам ема лаъл неча порадура, арзон ўлмас.*

Машрабнинг лирик мероси ўз ичига олган ва инъикос эттирган мавзу ва образлари жиҳатидан сермашққат ва кулфатларга тўлиқ бўлган шоир ҳаётининг ойнаси, умр дафтари дейиш мумкин. Бу лирик шеърлар инсоний бахт ва дунё лаззатларидан маҳрум этилган, одамий шарафи таҳқирланган соф виждонли олижаноб инсоний ғурур ва шарафни қадрлаш, руҳий ғалаён, дунёвий бахтдан умидворлик ва одам қудратига комил ишонч, гоҳо ҳаётдан аразлаш, нафис ва серзавқ инсоний туйғуларнинг рамзига берилиш, эл-юртга муҳаббат каби ҳолатлар равшан бўртиб туради.²

Унинг олижаноб орзулар иштиёқи билан жўш урган пок қалби жамиятда ҳукмрон бўлган ноинсоф, қўпол одатлар, ваҳший тушунчаларга дуч келиб қаттиқ жароҳатланади, сафоли ниятларга тўлган кўнгил шишаси чил-чил бўлгач, шоир юраги аламларга тўлиб, чуқур маъюсланади. Кўпинча у, даврдан шу қадар хафа бўладики, ундаги бу хафалик кайфиятлари шеърини мисраларга кўчиб, ўксик нидо касб этади:

*Ғаҳи булбул, дарафгонман, ғаҳи чун қумри нолонман,
Ғаҳи чугзи паршонман, ватан вайрона йиғларман.*

Адабиётшунос М. Зокиров Машрабнинг ижтимоий-ахлоқий фикрларни илгари сурган ғазалларини, улардаги завқ-шавқ, ёниқ ички дардни, шоир ҳис-туйғуларини, сўз – мўъжизавий қудрати билан мушоҳада этилишини чиройли ташбеҳларда ифодалайди. Ҳақиқатдан ҳам Машрабнинг исталган ғазалини қўлга олинса, у лирик парчалар шоир руҳини хаяжонга солган, мавжга келтирган, ҳиссиётларда бўронли тўлқинлар пайдо қилган ёки изтиробли кечинмалар туғдириб, кайғуга солган, оний бир ташқи ҳодисани ташқи шавқ-завқ ёки ёниқ ички бир дард, юксак санъаткорона маҳорат ва мўъжизавий бир ҳарорат билан ифодаланган сеҳргарликни ҳис этамиз:

*То кийди қизил ўзини зебо қилайин деб,
Ўт ёқти жаҳон мулкани яғмо қилай деб,
Машишота била жилвада кўргузди қаддини,
Мендек неча девонани пайдо қилайин деб.*

Шоир ҳар бир руҳий ҳолат ва кайфият учун реал ва оригинал ифодалар қўллайди, бу ифода ва тадбирларни бевосита конкрет ҳаётини кўринишлардан, соф инсоний сурат ва кайфиятлардан ахтариб, саралаб олишга интилади.³

Н. Комилов Мансур Ҳалложнинг сукура-бехудлик ҳолати ҳақида сўзлаб, уни тасаввуфнинг амалий-ахлоқий сулуқини босиб ўтиши, ориф инсон билан Илоҳ орасида тўсиқ қолмаслигини, «Анал-ҳақ»лик – мен ҳақман иборасининг моҳиятини ёритиб шундай ёзади: Ҳусайн Мансур Ҳаллож (922 йилда қатл этилган) – тасаввуфнинг йирик намояндаларидан, Боязид Бистомийнинг шогирди ва маслақдоши. Мансур сукура (бехудлик) концепциясини ривожлантириб, сўфий руҳи наинки тараққий этиб, покланиб, илоҳият оламига яқинлашади, ҳол мақомида, жисмдан фоний ўлароқ, балки Мутлақ руҳ билан қўшилиб, мутлақиятнинг ўзига айланади, яъни Ҳақни топган ҳам ҳақиқат бўлади деган ғояни тарғиб қилади.

Мансурнинг фалсафий аҳкоми, мушоҳадаси, орифлик мартабаси жуда юксак. У тасаввуфнинг амалий-ахлоқий сулуқини босиб ўтиш билан кифояланмай, ботиний шуур кучига таянган маънавий камолотнинг авжи илҳомида ваҳдати вужуд таълимотини таҳлил этароқ: модомики инсон Мутлақ руҳнинг бир бўлаги экан ва у тана жисм билан курашиб, тозалана бориб, аслига қайтар экан, демак, ориф инсон билан Илоҳ орасида тўсиқ фарқ

¹ Мухсин Зокиров. Машраб. Адабий-танқидий очерк. 55-бет.

² Ўша манба. 58-бет.

³ Мухсин Зокиров. Эрк ва маърифат куйчилари. 123-124-бетлар.

колмайди, улар бирлашади, яъни инсон ҳам Худо (Ҳақ)дир, деган фикрга келиб, буни элга шоён этади. Мансур ишлатган «Аналҳақ» – мен ҳақман деган иборасининг маъноси шу.¹

Бунинг яна бир маъноси шуки, мен ҳақ гапни айтаяпман, ҳақ битта, дунё ҳақиқат эмас, балки мажоз-ёлғондир. Инсон мажоз оламидан қутулиб, ҳақни топмоқчи бўлса, ҳаққа қўшилиши керак. Ана шу ақидаси учун зоҳирбин дин мутаассиблари, қози-муллолар унинг қўл-оёқларини кесиб, дорга осиб ўлдиришга ҳукм этганлар. Бир вақтлар яҳудийлар Исони хочга чормих қилиб, тафаккур ва ҳикматни маҳв этишга уринганлари каби.

Мансурнинг ўлдирилиши унинг ғоялари кенгроқ ёйилишига сабаб бўлди, унинг тарафдорлари кўпайди. Мансурнинг фожиали тақдири, фавқулодда жасоратли ғоялари Машрабни қаттиқ ҳаяжонга солади. Шоир қайта-қайта ўзини Мансурга киёс этади, унга ҳаваси келади ва ўз умрининг ҳам Мансурникидай яқунланишини олдиндан башорат этгандай бўлади:

*Бало жомин ичибман, мунда махмур бўлғали келдим,
Аналҳақ айтаман, монанди Мансур бўлғали келдим.*

У Мансур Ҳалложни ғазалларида тилга олиб, унингдек дорга осилиб ўлишни орзу этган. Чунки Машраб ишқнинг тажаллийсини унинг ғоя ва таълимотида кўрган, шу Ишқ, Ҳақнинг тажаллийси, унинг ягона орзусига айланган. Машраб шу йўлда кул бўлиб, куйиб кетишга тайёр бир кунда ўша орзу йўлида минг ўлиб, минг тирилишга, у ҳатто кўксини, сийнасини очиб Маҳшар куни ҳам нолаи фиғон айлаб, унинг дийдорини кўмсаб оҳ чекади, унинг фикрича мустақийм – тўғри, рост бўлганлар ҳам, Сирот – дўзах устига тортилган ингичка кўприк, йўлда одамлар йиғлашганда, ўша Ишқни тажаллийсини орзу этган Аллоҳни ўзига раҳбар этиб ундан ҳам ўтишига ишонади ва асосийси унинг сафида, ёнида бўлишни орзу этган:

*Ишқ ўтига ўртаниб девона бўлган ўзгинам,
Куя-куя кул бўлуб бирёна бўлган ўзгинам.*

*Ошиқи дийдорман, эй ёр, билмассан магар,
Мансури Ҳаллождек дорга осилган ўзгинам.*

*Куя-куя кул бўлуб дунёдин ўткан бормукин,
Ишқ йўлида минг ўлуб, минг бир тирилган ўзгинам.*

*Чок сийнамни қилиб Маҳшарда айларман фиғон,
Ул куни дийдор деб Маҳшарни бузган ўзгинам.*

*Ул Сиротал-мустақийм олдида барча йиғлашур,
Ишқни раҳбар қилибон андин ўтган ўзгинам.*²

Машраб бир шеърда «Дунёни топиб, ишқингда девона келибман», дейди. Машраб маломатлар ёғдирган, лаънатлаган, «ясаниб, жилва қилиб» келганда ҳам тепкилаган, умуман ундан буткул кечган дунёнинг таркиби ва моҳиятини мана шу байтдан тасаввур этса бўлади:

*Ул жоми муҳаббат майидан кимки ичибдур,
Жоҳу ҳашаму иззату роҳат чидаёлмас.*

Демак, «муҳаббат майидин» – ишқ, гўзаллик, эзгулик, фидойилик, садоқат, поклик шаробидин ичганлар, ундан ичмоқ бўлганлар бир олам дейдиган бўлсак, иккинчиси, жоҳ – мансуб куллари, ташқи ҳашамларга муккасидан шўнғиган киборлар, роҳату фароғатдан ўзга ғаму ташвиши йўқ мешчанлар олами, яъни бир сўз билан ифодалаганда ҳамма суратпарастлар дунёси. Машраб ясанчоқ мана шундай жаҳонга ва унга мансуб кимсаларга қарши, шулардан қочмоқни тарғиб этади. Аслида одамларни икки қутбга ажратиб, табиатан бир-биридан йироқ дунё кишилари сифатида фикр юритиш адабиётда анча олисдан келаётган ғоявий анъана бўлиб, Машраб унга ижодий ёндошган.³

Шарқ ахлоқи ҳақида фикр юритган И. Мўминов Машрабнинг ахлоқий-эстетик қарашлари ҳақида қисқача шундай фикрларни изҳор этган: «Рухонийлар Машрабга

¹ Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Иккинчи китоб. 139-бет.

² Машраб. Девон. 2006, 128-бет.

³ Иброҳим Ҳақкул. Сўзлар бизга оғриқдан бўзлар. 112-бет.

душманлик билан қарадилар. «Қулай келган ҳар бир вақтда муллаларнинг динга расмий-эстетик муносабатда бўлишларини фош қилиб тургандан кейин, муллаларнинг фирибгарликлари устидан уялтирадиган гаплар айтиб қулгандан кейин, ислом динини тарғиб қилувчиларнинг беҳаёлигини фош қилгандан кейин муллалар албатта Машрабни севмайдилар-да».¹

Афсуски, жуда кўп адабиётларда ҳамон Машраб дунёқарашининг қарама-қаршиликлар билан тўлалиги, мураккаблиги тасвир этилган. Бу нарса у яшаган даврнинг мураккаблиги, қарама-қаршилиги билан изоҳланади. Мазкур ғазалда ҳам шоирнинг қарашларидаги қарама-қаршиликлар акс этган. Ғазал гўё дунё тўғрисидаги шоир ҳукми каби жаранглайди. Дунё ғамхона, меҳнатхонадир. Одам қанчалик ҳасрат ўтида куймасин, у жаҳон ичра бир мушфик ҳамроз тополмайди. Ҳаётда кўпгина гумроҳ кишилар борки, улар дунёда мол-бойлик тўплаш учун яшайдилар. Шуларнинг ҳаммаси лирик қаҳрамонни – Машрабни ҳаяжонлантиради, ғамзада қилади.²

*Дунё сорига бир келибман ғамзада кеттим,
Бир лаҳза дам олмай турубон, лаҳзада кетти.*

*Бир мушфиқу ҳамроз жаҳон ичра тополмай,
Ҳасрат ўтидин куйдиму мотамзада кеттим.*

*Суртмай бир қаро юзни ўшал равзада бир йўл,
Юз ҳасрату меҳнат била меҳнатзада кеттим.*

*Ҳар жон келуру кетгусидур билсам они ҳам,
Юз ғамзада бўлдум, яна мотамзада кеттим.*

*Хорис бўлубон, дунёда юрди неча гумроҳ,
Урён келибон мунда яна арбада кеттим.*

*Ёрини хаёл айлади, Машраб кўзин очти,
Юз дарду алам бирлаки меҳнатзада кеттим.*

Адабиётшунос Ш. Қўлдошев ўрта асрларда «Шарқ дурдонаси» деб ном олган Фарғона водийсининг ҳар бир шаҳрига турли таърифлар берилганлигини, жумладан, «Ахсиуммул шаҳри Фарғона» (Ахси – Фарғона шаҳарларининг онаси), «Хўқанди Латиф» (Ёқимли шаҳар), «Марғилоний Тўрахоний», «Анда жони қолди» ҳамда «Намангони Эшоний» номлари Шарқ кўлёмаларида кўплаб учрашини келтирган.

Исматуллоҳ Абдуллоҳ Машраб ижодига синфийлик нуқтаи назаридан қаралиб, бошқача ёндошганлигини, ўрганишга арзимаيدиган шоир деб эътиборсиз қаралганлигини шундай шарҳлаган: «Ҳозир биз очик-ойдин эътироф этишимиз керакки, Машраб ижодига адабиётда синфийлик ва социалистик реализм асосида бутунлай нотўғри ёндошилди. Унинг ижодига Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоҳёр қатори қараб, уни гоҳ сўфий шоир, асарлари диний-тасаввуф асосида ёзилган, ўрганишга арзимаиди, халқ онгини захарлайди, деган фикрлар асосида шоир ижодини ўрганишдан чўчиб, унга ёндошилмади. Гоҳо Машраб даҳрий шоир, ўз асарларида дин ақидаларига қарши курашган деб шоирнинг тасаввуф руҳида ёзган шеърлари бутунлай нотўғри талқин қилинди».³

Бобораҳим Машраб ҳақиқий мусулмон, художўй, сўфий шоир эди. У ҳеч вақт динга қарши курашмаган. Тасаввуфни маҳкам ушлаган Мансур Ҳаллож, Иброҳим Адҳам, Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоҳёр каби Машраб ҳам ҳаёт айш-ишрати, бойлик ва умуман ҳамма дунёвий моддий ноз-неъматлардан воз кечган қаландар, дарвеш шоирдир. Инсонни Аллоҳга бўлган беадад ишқи, унинг дийдорини кўриш иштиёқи, унинг номи билан маст бўлиб юриш, унга бўлган муҳаббат шоир шеърларида асосий ўрин тутди. Машраб ўша замонанинг бир олови эди. Ноҳақликни кўролмади. Ёлғончию каззобларни сўкиб ўтди. Ва бу дунёдан исён бўлиб ўлиб кетди... Унинг даҳшатли мисралари бой – давлатмандлар ва нодон уламоларга ўқдай отилди. Машрабдаги дунёвий муҳаббат, ҳақиқий гўзалликни куйлаш уни самовий гўзалликка, Аллоҳ муҳаббатига руҳлантиради.

¹ И. М. Мўминов. Танланган асарлар. 212-бет.

² Ўзбек классик шеърияти жанрлари. «Ўқитувчи» Тошкент, 1979, 51-бет.

³ Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Исён бўлиб кетди шоир. Туркистон, 1992, 23 май.

Инсонни маломат қилган, таҳқирлаган, унга таъна қилганларни шоир одам жамоасига қўшмайди:

*Аҳли суннат бошқадур, аҳли жамоат бошқадур,
Ҳар киши халқ таънасин қилса, жамоатдин эмас.*

Шоир бутун ҳаётида халқ учун қайғуриб, мардум ғамини ер экан, халқдан ажралиб қолмасликка хитоб қилади, жамоат сени манзилга етказадиган қанот дейди:¹

*Қўлингдан келса эй ким, жамиятдан ҳаргиз айрилма,
Ки ҳар мурғни манзилга етиштирган бу шаҳлардур.*

Буюк Алишер Навоий каби Машраб ҳам мамлакатни комил, одил, доно, тадбиркор ҳукмрон бошқаришини орзу қилди. Агар юртда шундай посбон бўлса, ҳеч қандай деғу шайтон унинг халқига зарар етказолмайди:

*Юртда бўлса комили бир посбон,
Еткуролмас дев қавмига зиён.*

Асарда гоҳ ижобий кишилар, уларнинг яхши фазилятлари ҳақида, гоҳо палид, қабих, ҳийлагар, каззоб, иймонсиз, диёнатсиз, ҳасис кишилар ҳақидаги ҳикоялар чуқур ахлоқий-тарбиявий аҳамиятга эга. Баъзи ҳикояларни ўқиганда киши ўз-ўзидан йиғлаб юборади, ўша ҳикояда нақл қилинган одам ўрнига ўзини қўяди-да, бутун ҳаёт йўлини тарозуга солиб ўлчайди ва ўзига-ўзи баҳо беради, қилмиш гуноҳлари учун пушаймон еб, кўз ёши тўкиб, Аллоҳдан гуноҳларини кечишини илтижо қилиб сўрайди. Қирк ўғри ўғрилиқни ташлаб, авлиё бўлиб кетганидек, «Мабдаи нур»ни ўқиганлар ҳам ўзларидаги баъзи бир салбий хислатлардан холий бўлиб, поклик, ҳалоллик йўлига тушиб оладилар.²

Адабиётшунос Исмадуллоҳ Абдуллоҳ «Шоҳ Машраб» қиссасининг «Шарқ юлдузи» журнал вариантыга сўзбошисида бу асар шоир ҳаёти, фаолияти, ижодини қамраб олишдан ташқари ахлоқий-таълимий асар эканлигини таъкидлаб ёзади: «Қисса»да шоир мўъжизакор авлиё, билимдон, ҳозиржавоб шоир, тақводор, тўғрисўз, ҳалол, покиза инсон, дунё моли ва ҳузур-ҳаловатидан воз кечган дарвеш, қаландар сифатида тасвирланган. Машраб адолатсизлик, ноҳақликка қарши ўз шеърлари билан кескин кураш олиб борди, мазлум халқни ҳимоя қилди, бутун умри шу оддий халқ орасида ўтди».³

Тадқиқотчи Гулшан Раҳимова «Истилоҳлар ўз ўрнидами?» номли тадқиқий мақоласида В. Абдуллаевнинг Машраб ҳақидаги фикрларини таҳлил этиб, уни шўролар тузуми даврида ўта даҳрий, атеист қилиб кўрсатганлигини, лекин, аслида Машраб бу даражада даҳрий эмаслигини, у Аллоҳ, авлиёлар, шайху-зоҳидларни тан олганлигини, масжиду қаъбани оёқ ости қилмаганлигини, у ишқи илоҳийни куйлаганлигини, ҳудожўй эканлигини, жаннат, дўзах, у дунё, Макка қабиларга паст назар билан қарамаганлигини, уларни «бир шиша май»га ва «бир пулга сотиш»га эмас, балки у ўша «ёр»дан ажратмасликни, унинг яъни «Худо ёди» билан яшаш моҳиятини кўрсатиб берган.⁴ Шоир ахлоқи яратгандан унинг зуҳурини ҳар жойда кўриш орзуси эканлигини тасвирлайди. Минг йил аввал Абу Али ибн Сино жоҳилу нодон кимсаларга қарата ушбу сатрларни битганлигини келтирган:

*Менинг қуфрим айбларга, дилимдан ўзга султон йўқ,
Бу оламда менинг покиза имонимдек имон йўқ.*

*Замин аҳли аро танҳо мусулмон эдим, эвоҳ,
Агар кофир эсам мен ҳам, бу дунёда мусулмон йўқ.*

Эркин Воҳидов ҳам Аллоҳнинг воҳидлиги ҳақида шундай ёзади:

*Имон денг, виждон денг, майли отини, -
Лекин одамзоднинг Худоси бўлсин.*

Алишер Навоий:

¹ Ўша манба, ўша жой.

² Бобораҳим Машраб. «Мабдаи нур». Сўзбоши Исмадуллоҳ Абдуллоҳники. 34-бет.

³ Исмадуллоҳ Абдуллоҳ Шоҳ Машраб. Сўзбоши. «Шарқ юлдузи», 1994, 6-сон, 41-бет.

⁴ Гулшан Раҳимова. Истилоҳлар ўз ўрнидами? «Шарқ юлдузи», 1990, 5-сон, 197-бет.

Хури жаннат шаклидин ҳам дилрабо хуснинг латиф,

хамда:

Қайси кавсарнинг зилоли оби ҳайвонингча бор!

Машраб:

*«Масжид ила хонақоҳ ошиқлара даркор эмас»,
Истаса ёрин ёр ҳожат дару девор эмас.*

(Ёрнинг («Худонинг») васлига эришмоқ учун масжид билан хонақоҳ, дору девор ошиқларга керак эмас, фақат уни қалбдан исташ шарт);

«Дилда дардинг бўлмаса минг таотинг бекордир»

ва:

«Зоҳид, менга бир шишада май, сенга намозинг».

В. Абдуллаев назарда тутган мазмун куйидагича: шоир қалбан сиғинади-ю, диний расмиятчиликка қарши. Иккинчи маъно – асл ҳақиқат денгиз тубидаги дурдек ётибди. Дарҳақиқат, Машраб ҳамма қаттиқ эътиқод кўйган... расм-русмларга (динга эмас, расм-русмларга) қарши чиқаяпти. Негаки... Бу ерда Машрабнинг пантеизми (вахдати вужуд) намоён бўлмоқда. У Худога қалбан етишади, унинг учун Каъбаю масжид ёки бошқа воситалар на ҳожат. Унинг учун «мутлоқ ҳақ» – Оллоҳ турганда авлиёи «эътиқоди» бойликда бўлган шайх-зоҳидлару уларнинг фатволари не даркор?! У бу расмиятчиликни кескин танқид қилиш билан ўзининг Худога бўлган эътиқодида нечоғли собит эканлигини намоён этапти.¹

Машрабнинг ижтимоий-ахлоқий қарашларини ёритган Иброҳим Ғафуров дардли шоирни шўх, қувноқ, ҳазил-мутуйибага мойил, комил, юксак ахлоқли эканлигини таъкидлаб ёзади: Машраб чин ошиқликни ҳар доим қутлар эди. Улкан истеъдодларга хос бўлган бу қувноқлик унинг ғазал оламига ўзгача нафис, бир шуъла сочиб туради. Унинг ошиқона ғазаллари ғоятда ўйноқи ва шу билан бирга ўта дардлидир.

Машраб ўз ғазалларида ошиқлик, ишқ-муҳаббат, дард, ёрнинг туганмас озорлари ҳақида зўр муболаға қилиб лоф ураётгандек туюлади. Аслида булар на лоф, на муболаға. Машраб шундай яшар эди. Шундай ўйлар эди. Буларнинг бари унинг тафаккури, ҳиссиётлар оламининг бор ҳақиқати.²

Темурий ҳукмдорлар салтанатида Шарафиддин Али Яздий, Хондамир каби тарихчилар, Шоҳ Музаффар, Қосим Али, Мавлоно Ҳакам Муҳаммад, Камолиддин Бехзод каби рассомлар, Зайнулобиддин ал-Ҳусайний, Мажиддин Кавкабий, Дарвешали Чангий каби мусиқашунос бастакорлар етишиб чиққанлар.

Алишер Навоийнинг кўрсатишича, Ҳусайн Бойқаро буюк подшо, машҳур шоир бўлибгина қолмай, моҳир созанда ҳам экан:

*Хуш улки, базмда ойлар тепарда арғуштак,
Шаҳ анда танбура чолиб, Нагоний деса қўшуқ.*

Демак, ойлар – жононлар, арғуштак тепмак – депсиниб, сакраб рақс қилмоқ Навоий ва Ҳусайн Бойқаро саройида назм, базм кечаларида бўлган.

Зайниддин Восифий «Бадоеъ ул-вақое» асарида шундай ёзади: «Султон Ҳусайн кўнгили хушлиги учун сеҳрофарин мусаввирлар ва услуби гўзал наққошларни аъло даражали пойтахтда сақлаб, уларга зўр илтифот кўргузди».³

Тадқиқотчи Муроджон Мухторов жуда кўп мусиқа асбобларининг номи ва ўзбек тилида ишлатиладиган мусиқа номлари тўғрисида маълумот берган: амал, баёт, ироқ, машшоқ, мақом, мусиқа, нағма, санъат, танбур, тараннум, тасниф, ушшоқ, ҳофиз, шунингдек, муғанний, савт, тажнис, шуъба, ҳижоз кабилар.

Савт – куй, оханг, куйлаш, сайраш;

¹ Ўша манба, ўша жой.

² Муроджон Мухторов. Алишер Навоий асарларидаги арабча мусиқий атамалар. Ўзбек тили ва адабиёти. 1992, 2-сон, 20-бет.

³ Зайниддин Восифий. Бадоеъул вақое асари.

саъмо – ашула, мусика, ракс. Дарвешларнинг кўшик, мусика ва рақслар билан зикр тушиши каби маълумотларни берган.

Идрис Шоҳ «Накшбандий тариқати» ҳақидаги китобида мусиканинг зарари ва фойдаси ҳақида куйидаги фикрларни берган: «Тўғри тингланган мусикий шуурга яқинлашишни тезлаштиради. Агар одам уни эшитишга тайёрланган бўлмаса, мусикий оҳанглар ва ижрочи тингловчи таъбиға мутобиқ келмаса, мусикий зиён келтириши мумкин. Мусикий қалбларида уйғотган туйғуларни эса юксак ҳаяжон деб қабул қиладилар».¹

Тадқиқотчи Нафас Шодмоновнинг ёзишича, Имом Бухорийнинг «Аль-жоми ас-саҳих» (Ишончли тўплам) китобининг 3-жилдида мусика ва ашула ҳақида иккита ҳадис келтирилган. Робиа онамизнинг ривоят қилишича, жория қизлар доира чалиб, Бадр ғазотида шаҳид ота-боболари ҳақида йиғлаб куйлай бошлаганда, пайғамбар: «Бу кўшиғингни бас қилгин, аввалги кўшиғингни айтавергил!» деганлар.

Ойша онамизнинг ривоятида айтилишича: «Ойша разияллоху анҳо бир келинни бир ансорий куёвнинг ҳузурига кузатиб қўядилар. Жаноб Расулulloҳ: «Эй Ойша, мусика чалиб, ўйин кулги билан кузатиб қўйдингларми? Ансорлар мусика чалиб ўйин-кулги қилишни хуш кўрадилар», дедилар.

Расулulloҳ ийд куни Ойша онамизга мусика тинглашни манн қилмаганлари тўғрисида ҳадис бор.

Алишер Навоий «Насойим-ул муҳаббат» асарида зикр қилишича, авлиё Хирмоний: «Рубоб уни – беҳишт эшигининг калити», деган эканлар.²

Бугунги кунда мусикачилар: жаннатдан мусиканинг саси келади десалар, хофизлар жаннатдан ашуланинг саси келади дейишади. Ҳар иккиси ҳам тўғри фикр эканлигини эътироф этса бўлади.

Фитрат «Ўзбек классик мусикаси ва унинг тарихи» илмий-оммабоп рисоласида уд, қонун, танбур, чанг, най, рубоб, қўбуз, ғижжак, ишрат кунгура, сетор, руҳафзо, сурнай, балабан, ноғора, доира ва бошқа асбоблар ҳақида маълумот берган. Бугунги кунда кўшнай, афғон рубоби, ноғора, скрипка, сато ва яна бошқа кўплаб мусикий чолғу асбоблари яратилди.³

Абдурауф Фитрат «Танбур», «танбура» асли юнонча сўз эканлигини ёзган.

Машхур наср-и Сайёрнинг Хуросон валийлиги замонада Хуросондан Шом шахрига «тунбур»лар, «барбат»лар истанилгани «Равзатус-сафо»да хабар берилган. Ўрта Осиё халқлари орасидан «дўнбра» аталган бир чолғу бор. Тори иккитадир. Ўзи бу кунги бизнинг дуторимиздан кичкина, пардалари ҳам ундан оздир. «Танбур», «Танбура», «дўнбра» сўзларининг худди ўзи ё шунга яқин бир нарса эканига, яъни бу кунги бизнинг танбуримизнинг икки торли, ибтидоий бир шакли бўлғониға ҳукм этилса, янглиш бўлмайду.⁴

Алишер Навоий асарларида – мутриб-ашулачи, чолғучи, созанда, муғанний-ашулачи, хонишчи, куйчи, созанда, чолғучи маъноларини бериши қайд этилган. Танбур – мусика асбоби, чолғу эканлиги айтилган. Машраб танбурни жуда нозик пардаларда чертувчи ва хушовоз овозга эга хофиз бўлган.

Фитратнинг ёзишича, ҳижрий ўнинчи асрда яшаган Хофиз Дарвеш Али Чангий томонидан «Танбурнинг бурун замонларда икки торли бўлгани, сўнгра Хусайн Бойқаро замонда Шайбоний отли бир мусикийшуноснинг унга бир тор ортдирғани» тўғрисидаги хабар уни фикрларини тўғри эканлигини исботлаганини айтиб ёзади:

«Бизнинг чолғуларимизнинг энг каттаси танбурдир. «Шашмаком» куйлари танбурдагина ижро этиладур. Танбур тут ёғочдан йасаладир. Сопи, кичгинасида саккиз дециметр, каттасида тўққиз дециметрдир. Косаси каттасида 13х32 сантиметр, кичкинасида 10х29 сантиметр бўладир. Косанинг юзини тут ёғочидан юпқағина бир тахта билан қоплайдилар. Бироқ бу тахтани пишиб, туси қайтқанча оловга тутадилар; қизариб, туси қайтқандан сўнг, косага ёпиштирадилар. Танбурнинг сариқ симдан уч тори бўладир. Ўрта торининг икки ён торидан озгина йўғон бўлуши матлубдир.

¹ Идрис Шоҳ. Накшбандий тариқати. «Ўзбекистон», Тошкент, 1993, 23-бет.

² Нафас Шодмонов. Мусика – уйғониш демак. «Тафаккур», 1997, 3-сон, 37-38-бетлар.

³ Фитрат. Ўзбек классик мусикаси ва унинг тарихи. «Фан», 1993, 46-бет.

⁴ Ўша манба, 26-бет.

Танбурнинг йигирма пардаси бор. Бундан ўн олтитаси танбурнинг сопиға белбоғ каби ўралган ичак билан кўрсатиладир. Тўрттаси эса, косанинг сопқа ёпишқан ўрnidан бошлаб танбур юзига ёпиштирилган «хас» билан кўрсатиладир. Пардани кўрсаткучи ичак белбоғнинг қалин-ингичкалиги танбурнинг катта-кичиклигига қарайдир. Танбурнинг сопидағи ўн олти парда асл парда саналиб, коса юзидағи тўрт парда эса, «хас парда» аталадир. Танбурларнинг баъзисида ўн саккиз парда кўрсатиладир, бироқ булардан ҳам истанилганда яна икки «хас парда» товуши чиқармоқ мумкиндир.¹

Шарқ мусиқийсида пардалар тақсимоти тўғрисида Жомийнинг «Мусиқий рисоласи» катта аҳамиятга эғалигини Фитрат таъкидлаган. Бизнингча, Фитратнинг «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» асари ҳам мусиқачилигимиз тарихида энг қимматли асарлардан бири эканлигини комил ишонч билан айтиб ўтамыз.

Адабиётшунос М. Зокиров Машраб мусиқа ва мусиқий асбобларни руҳий озиқ берувчи манба деб қараганлиги ва Исҳоқ Боғистонийнинг китобида у ҳақда, унинг машшоқлиги ва хушовоз хонандалиги ҳақида қимматли фикрлар берилганлигини шундай талқин этган: «Машраб лирик сози учун муштарак бўлган ва унинг дунёвий характери ни белгилловчи яна бир муҳим ғоявий-бадий фазилат – май ва маҳбуб образи билан ёндош равишда мусиқа ва мусиқий асбобларни ҳам намоишкорона мақтайди, уни инсон маънавияти учун руҳий озиқ берувчи манба деб талқин қилади. Бу бежиз эмас эди. Исҳоқ Боғистоний ўз китобида шундай ёзади: «Раҳимбобо ушоқлиғидин мусиқийга бисёр кўнғил бермишди. Балоғат ёшида сетор жўрлиғида ўз ашъорига мақом басталаб, бағоят хушовоз билан хониш қилур эрди. Шу боисдан халойиқ ичра «Машшоқи Машраб», «Ҳофизи Машраб» демоклик машхур бўлмишди».²

Шоир ўз сеторига катта эътимод билан қарайди. У ўзидағи самимий ишқ туйғуларини рўй-рост намоён қилишда ясама фарёд, ҳароратдан маҳрум оҳ-воҳлар воситасида эмас, балки ўз шеърий сўзининг ўтли нафаси ва унга ҳамоҳанг тарзда намоиш топувчи санъатнинг фусункор сеҳрли навоси билангина маъшуқа кўнглини овлаш, уни ўзига ром қила олиш, унинг тошметин дилини эритиш мумкин эканлигини (сеторим торига жон риштасидин тор этиб чалсам, Ани хуш ноласидин бевафони кўнглини олсам) комил ишонч билан сўзлайди.³

Шоир шеъриятида танбур ёки сетор энг дардқаш ва мунис йўлдош сифатида тилга олинар экан, шоирнинг севикли ватанидан йирокда, ғурбатда, дарбадарлик, сарсон-саргардонлик ва қувғинда кечмоқда бўлган кулфат тўла ҳаётида жароҳатланган дилининг малҳами, унинг ҳамдарди, аламли юрагининг сирдоши ва доимий улфати, хассос руҳига озук ва мадад бахш этувчи эзгу воситалардан бири – танбур эканлигини Машраб алоҳида таъкид билан эътироф этади:

*Сетор деманг ҳоли дилим сўргучи танбур,
Кўнглим гиреҳин, гамларини сўргучи танбур.*

*Бир неча рақиблар сўзидин гамзада бўлсам,
Ҳамдард бўлубон оғушима киргучи танбур.*

*Қутоҳназар эл буни ҳеч қадрини билмас,
Даргоҳи азалдин кабире бергучи танбур.*

*Гар ёр жамолини кўруб пардага солсам,
Нағмаси анинг сийнаҳарош этгучи танбур.*

*Ҳам ёр жамолидек онинг нашъаси бордур,
Ҳайрат ўтидин маҳв санам қилгучи танбур.*

*Ошиқ юрагидин чиқиб ўттек келибон ул,
Бир учқунига жумлани куйдиргучи танбур.*

*Машрабни тамом ақлини олиб у бути хунрез,
Жонимни ёқиб сийнаҳарош этгучи танбур.*⁴

¹ Ўша манба, ўша жой.

² Исҳоқ Боғистоний. «Тазкираи қаландарон», 8-бет.

³ Муҳсин Зокиров. Эрк ва маърифат куйчилари. 115-бет.

⁴ Машраб. Девон. 2006, 263-бет.

Машрабнинг лирик сози абадий барҳаётлик ҳарорати ва дунёдан умидворлик шавқ-завқи билан нафас олиб, мислсиз қудратли сержило тарона бўлиб ҳамиша жаранглаб келаётганлигининг асрору сабаблари ҳам мана шундандир.¹

Наманганлик адабиётшунос Жўраҳон Раҳимов Машрабда шоирликдан ташқари иккинчи истеъдод, у ҳам бўлса созандалиги, бастакорлик эканлигини, у ўз ғазалларидан бирида «Хусайний», «Ажам», «Чоргоҳ», «Баёт», «Наво», «Ушшок» оҳанглари асосида сеторни чалганлиги, чолғу асбобларидан танбурга бағишланган ажойиб шеър битганлиги ҳақида хабар беради. 40 дан ортиқ шеърига ўзи куй басталаган. Шу боис замондошлари уни «Машшоқи Машраб», «Ҳофизи Машраб», «Мутриби даврон» (Давр куйчиси) деб аташган.²

В. Абдуллаев Бухоро ва Хоразмда ўтган шоирлар меросига назар солинганда Машраб шеърятига қизиқишнинг баракали натижаларини кўришни таъкидлаб, бу қизиқишнинг сабаби Машраб шеърларининг халқчиллиги, сермазмунлиги ҳамда содда, равон, ўйноқи ва мусиқийлигидир. «Сетор ила савти наво айлаганинг хўб» деб бошланган ғазалнинг ўзиёқ шоирнинг сетор, дутор, танбур, ғижжак, най каби мусиқа асбобларидан, «Савт», «Наво», «Дугоҳ», «Чоргоҳ» каби шашмақом йўлларида хабардор эканлигидан, замоннинг ҳасрат-аламлари қалб ярасини тирнаган вақтда шоир шу мақомларга мурожаат этиб шеър ёзганидан далолат беради.³

*Сетор ила савти наво айлаганинг хўб,
Хўблар ичида маснади жоҳ айлаганинг хўб.*

*Бир бокирае ҳури пари ҳуснига таржих,
Ишрат саманига минибон ҳайдаганинг хўб.*

*Паргор бўлуб гавҳари дарёи муҳаббат,
Бир нуктага жон гавҳарини боғлаганинг хўб.*

*Гар бад масал чарх уруб, Машираби мискин,
Мастона қаро кўзда нигоҳ айлаганинг хўб.⁴*

В. Абдуллаев Машраб шеърятдаги ишқий лириканинг куйлаш учун айтилгандай, мусиқага чорлашини, шоирнинг дунёвий руҳдаги ишқий тароналари, ўйноқи лирик ғазалларидаги мисралар, байтлар ҳам, Белинский таъбири билан айтганда, ўқиш учун эмас, куйлаш учун айтилгандай, кишини беихтиёр мусиқага чорлайди, куйлашга ҳаваслантиради, дейди:

*Зебо санамим гул юзидан пардани очди,
Олам ҳама кўз бўлди тамошо қилайин деб...*

Ёки:

*Дилбар юзини кўргали девона келубдур,
Юз нозу карашма била жонона келубдур.*

Бундай байтларнинг шўх, ўйноқи ва жозибадор мазмунини қисқа-қисқа зарб ва равон мусиқий садоларгина ифодалаш лозим. Шунинг учун шоир ўз лирик қаҳрамонини самимий севги ҳарорати билан бунёд этилган қалб кўшиқлари орқали ифодалашда ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфа махфуз баҳридан фойдаланиб, зўр маҳорат кўрсатади.⁵

Шарқ адабиётида инсоннинг орзу-умидлари, армонлари, ички кечинмалари куй, чолғу орқали ифодалаш анъанаси қадимдан мавжуд. «Искандарнинг шоҳи бор» эртагида най орқали сир ошкор бўлган, «Сабъаи сайёр»да шоҳ Баҳром соз сабаб Дилоромни қайта топган. Чунки эртақдаги най, дostonдаги куй бу – дард, лирик қаҳрамон кечинмаларини акс эттирувчи восита. Румий «Маснавий»сида орифнинг холи най мисолида очиб берилган. Шеърятда ҳар қандай тимсол, рамз лирик қаҳрамон билан маънавий-руҳий яқинликка, мантиқий бутунликка эга. Хусусан, куй-оҳанг билан боғлиқ поэтик рамзлар бу муштаракликни ўзида ёрқинроқ акс эттириши билан ажралиб туради. Поэтик тимсол,

¹ Муҳсин Зокиров. Эрк ва маърифат куйчилари. 116-бет.

² Жўраҳон Раҳимов. Дарслик маълумотларидан кўнгил тўлмади. «Сухбатдош». 2005, №19.

³ В. А. Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. 152-бет.

⁴ Машраб. Девон. 2006. 70-бет.

⁵ В. А. Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. 154-бет.

рамзлар икки жихатни ўзида намоён этади. Биринчидан, бадий тимсол лирик қахрамонга киёсланади. Иккинчи ҳолатда эса у бевосита лирик қахрамон ўрнида келади. Машрабнинг «танбур» радибли ғазалида у рафиқ ўрнида келган.¹

Миллий маданиятимиз исломий ғоялар билан чамбарчас боғланиб кетгани сир эмас. Бинобарин, унинг муҳим бир қирраси – мусиқа ҳамда мусиқа илмининг қадимий анъаналарини бор жозибаси, бўй-басти билан тиклашда исломни четлаб ўтиб бўлмайди.

Аллоҳ ҳар бир хилқатни яратар экан, унинг сирли ботинидан албатта зоҳирида нишонлар берган. Бу нишонлар унинг қуввати, қобилияти, эҳтиёжи каби маънавий омиллардан далолатдир. Мусиқа ана шундай сирли нишонлардан биридир.²

Машҳур адиб Чингиз Айтматов мусиқага бундай таъриф беради: «Ҳаёт, ўлим, муҳаббат, шафқат ва илҳом ҳаммасини мусиқа айтади, зотан, биз мусиқа воситасида энг олий ҳурликка эришамиз, бу ҳурлик эса онгимиз ёришган замонлардан то ҳозиргача – бутун тарихимиз давомида курашганмиз, лекин унга фақат мусиқа воситасидагина етишганмиз. Фақат мусиқагина замонларга хос ақидаларни енгиб ўтиб, мудом келажак сари интилади...» Бу таъриф Жалолиддин Румий асос солган мавлавия тариқати ғояларини тўлдиргандек бўлади: «Дунёда ҳеч нарса мусиқий ва рақс янглиғ инсон руҳининг яширин қувватларини ошқор этолмас, мусиқийчалик уни майда-чуйда турмуш ташвишларидан халос этиб, ўз руҳий олами сари бошлай олмас... Мусиқа хотин кишига ўхшайди. Унга чўри деб истифода этаркансиз, ўзингизда инсонни ухлатиб, ҳайвонни уйғотасиз. Лекин уни севишингиз, унга бирикиб, бир тўлқинда оқишингиз, шу йўсинда руҳиятингиздаги чин инсоний моҳиятни уйғотиш учун илк қадам қўйишингиз ҳам мумкин... Самоъ – уйғониш...»³

Шайх Нажмиддин Кубронинг «Тасаввуфий ҳаёт» асарида сўфий-дарвешларнинг рақс-самоъси ҳақида жуда яхши маълумот берилган: Жунайд Бағдодий демиш: «Агар бизнинг қандай ҳол ичра яшашимизни султонлар билишганида эди, унга эришмоқ учун, ҳеч шубҳасиз, бизга қарши жанг бошлардилар».⁴

Бир кун Жунайд бир гуруҳ дўстларининг самоъ мажлисида иштирок этарди. Дарвешлар жўшдилар ва рақс бошладилар. Жунайд жойидан қимирламади. Буни кўрган муридлар «Жунайд рақсни ҳаром ҳисоблади», дея ўйладилар. Ва рақсга иштирок этмаганлигининг сабабини сўрадилар. Жунайд эса бу саволга шу оят билан жавоб берди: «Сиз тоғларни кўриб тек қотиб турибди, деб ўйларсиз. Ҳолбуки, улар ҳам худди булутлар юргандек юрарлар...» (Намл, 27:88).

Абу Али ибн Сино қадимги юнон файласуфлари ҳамда Форобийнинг мусиқа тўғрисидаги таълимотини ривожлантириб, унинг инсон маънавиятини тарбиялашдаги аҳамиятини янада яқинроқ далиллаб берган. Алломанинг фикрича, мусиқа ҳаётбахш, олижаноб ахлоқий фазилатларни ривожлантиради, инсоннинг тафаккур қувватини оширади ва ахлоқини юксалтиради.⁵

Тасаввуф таълимотининг йирик намояндаларидан бири Зайниддин Муҳаммад Ғазолий ҳам маънавий баркамол инсон тарбиясининг муҳим шартларидан бири бадий дид, мусиқий сезги эканини таъкидлаган. У тасаввуф таълимоти, унинг турли тариқатлари ривожда мусиқа муҳим ўрин тутишига ҳам ишора қилган. Зеро, кўпгина мусиқий рисолаларда дарвешлар ўйини алоҳида таъкидланиб ўтилгани бежиз эмас. Чунки дарвешона рақс – зикр тушиш, жазбага берилиш, илоҳий кайфият мақомига етишишнинг муҳим босқичи ҳисобланган.

Сўфийлар азал-азалдан илоҳий кайфият ҳолатларига интилиб мусиқа тинглашни одат тусига киритган. Бундай ҳол самоъ, яъни эшитмоқ, тингламоқ деб аталган. Самоъ – бориб-бориб, сўфиёна суҳбатлар чоғида шеърларни мусиқага солиб куйлаш (кейинчалик бунга рақс ҳам қўшилган) анъанасини шакллантирган. Шу боис дарвешлик тариқатини зикрсиз, жазбасиз, рақсу самосиз тасаввур этиб бўлмайди.

¹ Ҳамроева Д. Диссертация. 94-бет.

² Нафас Шодмонов. Мусиқа – уйғониш демак. Тафаккур. 1997, 3-сон, 36-бет.

³ Ўша манба, 37-бет.

⁴ Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. 153-бет.

⁵ Феруза Асқар. Сирли муножот. Тафаккур. 2000, 3-сон, 45-бет.

«Тасаввуф анъанасида, — деб ёзади санъатшунос Оқилхон Иброҳимов, — арабча «самоъ» атамаси кенг қўлланиб, у қироатхонлик, зикр, ҳамду сано, муножот ва умуман, мусика билан боғлиқ барча жараёнларни қалб орқали тинглаш ва англаш деганидир».¹

Омонбек Жалилов Бобораҳим Машрабнинг устози ҳазрати Офокхожа Ёрканд хонлигида тасаввуфни тарқатишда уйғур халқи санъат бойлиги, маданий мероси, ўн икки мақом мусикаси рақсу усулларидан восита сифатида жуда усталик билан фойдаландилар. Уйғурларнинг пири муршидлик ҳаракатидан хонақоҳ рақси, (усул) шакллантирди. Яъни усули самодан фойдаландилар. Аниқроғи, эшон – сўфийлар муридлари билан зикрга тушганида, уларнинг ўртасида ёки хутбадан туриб ҳофизларни қўшиқлар – тасаввуф мазмунли қўшиқларни айтар, қолганлари эса мазкур қўшиқ куйларига мосланган рақсга тушиб зикр қилишганлар. Манбаларда Шарқий Туркистон, Хитой, Ўрта Осиё, Бадахшон, Ҳиндистон, Русия ва Булғориялик мурид мушрифларни учраганлигини ёзади. Мазкур жойлардан Қашқарга келиб, ҳазрати Офокхожага қўл бериб, тасаввуф илмидан сабоқлар олиб, мамлакатига қайтиб боргач, уни ўз халқига тарғиб ва ташвиқ этганлар.²

Қаландарлар зикри самони давом эттирган ҳолда бутун мамлакатлар бўйлаб юришган. Амир Темур ҳам дарвеш-қаландарлардан сиёсий курашда жуда ўрнида фойдаланган. Улар Амир Темурни адолатли сиёсати ҳақида, мафкуравий вазифаларни амалга оширишда жуда жанонгирга катта кўмак берган.

Улар зикри самога тушганда Яссавий ва Машраб ғазалларини жўрликда айтишган:

*Бугун бозорга ўхшайди,
Ятимлар зор қақшайди,
ё олло, дўст, ё олло*

*Худодан оздириб шайтон,
Ёмон йўлларга бошлайди,
ё олло, дўст, ё олло³*

Аҳмад Яссавий само ҳақида шеърларида жуда кўп ўринда тўхталган:

*Пири мугон назар қилди, шароб ичтим,
Шиблий ёнглиз само уруб, жондин кечтим.
Сармаст бўлуб, элу халқдин тониб қочтим,
Замзам бўлуб ер остига кирдим мано.*

Қаландарларнинг ахлоқий руҳдаги рақс – само ижро этиб айтадиган ашулаларидан бири Яссавийнинг куйидаги ғазали бўлган:

*Бешак билинг, бу дунё барча халқдин ўтаро,
Инонмагил молинга, бир кун қўлдин кетаро.
Ота-она, қариндош қаён кетти, фикр қил,
Тўрт оёглиз чўбин от бир кун сенга етаро.*

*Дунё учун гам ема, Ҳақдин ўзгани дема,
Киши молини ема, сирот узра тутаро.*

*Аҳли аёл, қариндош – ҳеч ким бўлмайдуз йўлдош,
Мардона бўл, гариб бош, умринг елдек ўтаро.*

*Қул Хожа Аҳмад, тоат қил, умринг билмам неча йил,
Аслинг билсанг обу гил, яна гилга кетаро!⁴*

Машраб уйғурларнинг ўн икки мақоми куйларидан илҳом олган ва ўз ижодида ундан фойдаланган. Ҳозирги кунга қадар шоирнинг шеърлари асосида басталанган куйлар Шарқий Туркистон халқининг бадиий адабиётига сингиб кетган. Уйғур халқ оғзаки ижодида «Дейман» деган қўшиқ «Дерман» ғазали билан уйғун ижро этилган.

¹ Ўша манба, 46-бет.

² Омонбек Жалолов. Офокхожа манокими. 12-1-бетлар.

³ Ҳамид Фулом. Машраб. Шарқ юлдузи. 1981, 2-сон, 111-бетлар.

⁴ Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Ғафур Фулом номидаги нашриёт-матба бирлашмаси. 1992, 33-бет.

Тарихчи Муҳаммад Содик Кошғарий «Тазкираи азизон» асарида Машрабнинг нақшбандийликка оид қарашлари Офокхожа томонидан шакллантирилганлигини ёзиб ўтган.

Машраб Офокхожа даргоҳида пирнинг ҳамма топшириқларини аъло даражада ахлоқан, покиза шогирд сифатида бажарган. Унга пир хатти иршод беришга рағбат берганда, Машраб ҳали хомлигини баҳона қилиб олмаган. Бу «Тазкираи азизон»да шундай тасвир этилган: Офокхожа Эшони Машрабни хурсандликларига қараб таҳорат тоза қилиб, ондин сўнг Аллоҳга сиғиниб, муножот қилиб, муруқабага бордилар. Аллоҳнинг кудратидан олижанобнинг ҳимматларидан жами руҳонийлар ҳозир бўлдилар. Баълам каромат руҳонийларнинг тамомийларини Эшони Машраб кўрдиларким, ҳамма пир таслим турубдурлар. Ондин сўнг бўюн сунуб турадилар. Ул вақтда олижаноб бир парча қоғозни олиб муборак кўллари бирла хатти иршод битиб, у хатни Эшони Машрабнинг бошларига сўкдилар, ондин сўнг олижаноб бирла жами асҳоблар муборакбод килдилар. Ул вақтда Эшон Машраб зор-зор йиғлаб Аллоҳга шукр қилиб бу ғазални ўз ҳаб ҳолларига ўкидилар:¹

*Хаёли қоллати бирланки ман умрумни ўткардим,
Мани бирча халойиқ дейдилар. «Девона-девона».*

Яна бир шеърда Машраб:

*Эй Машраби қаландар, яхшига банда бўлгил,
Ҳалвойитар бўлмас шаккар қўшулмагунча.*

Комилликнинг Аллоҳга ва бани башарга муҳаббатнинг тимсоли бўлган, юксак ахлоқий мазмун ва моҳиятга эга бўлган Машрабнинг шеърларидан бири «Кўрунг» радифли ғазалидир.

Мазкур шеърда Машраб ошиқнинг маъшуқага бўлган энг гўзал, ахлоқий туйғуларини ифода этган. Аввало, у севган маъшуқанинг қоши қора, «жонга офат» бергувчи ҳусн ва латофатга эга. Офтобдек чиройли юзида икки зулфи ўзига ярашган бу маҳлиқонинг сийм-тани париларникидек топ-тоза, хатто унинг гўзал ҳуснидан шамс-куёш ва қамар-ой ҳам хижолатда. Унинг ҳусни зиёсидан кўрганларнинг ҳаммаси ошику мубтало бўлган. У ноз-карашмали, аҳдида тургувчи, кийган қизил либоси ва қирмиз сочбоғи ҳам ўзига жуда ярашган. Унинг қоши, яъни чиқаётган ҳилол ойдек киприклари найза ўқидек, фаттон, жоду кўзлари ўйнаб турувчи, шу билан бирга макрли ва кибрли, аммо ошиқ шоир унинг олдида бенаво, чунки у маъшуқа ҳусну жамоли висолида, ҳажр ўтида куйган, унинг васли гадоси, унинг учун жафо чекмоқда:

*Офати жоним ул санам қоши қаросини кўрунг,
Икки юзига чулғаниб зулфи сиёсини кўрунг.*

*Ҳуру паридин тозадур, шамсу қамар хижилдадур,
Ким ани кўрса бандадур, ҳусни зиёсини кўрунг.*

*Гоҳ ёрим қизил кийиб, қирмизи сочбогин солиб,
Нозу караималар қилиб, аҳди вафосини кўрунг.*

*Гоҳ қошини чу ё этиб, кифрик ўқи бирлан отиб,
Жоду кўзини ўйнатиб, макру балосини кўрунг.*

*Машраби бенаводу(р)ман, васли учун гадоду(р)ман,
Ҳажр ўтига куёду(р)ман, ёр жафосини кўрунг.*

Ёки Машраб ва девона-қаландарлар куйлаб, рақсу само айтадиган ашулалардан бири булдир:

*Шодлик манга йироқдур, масканинг майхонадур,
Туну кун ишрат майидан кўзларинг мастонадур,
Лаългун май тобидин юзунгда минг дурдонадур,
Жон умид айлаб ўшал дурлар учун парвонадур,
Дарду меҳнат тошидин кўнглум мани вайронидур,*

¹ Ш. Қўлдошев. Ўрганган ҳамда ўрганган Машраб ул. Тўплам. 141-бет.

*Нотавон кўнглумга ҳар дам доғлар босқанмусан.*¹

Туркистоннинг Сайрамадан Мираҳмад Мирхолдоров «Машраб Сайрамда» илмий мақоласида Машрабнинг Сайрамга келиши, Хўжанд, Ўратепа, Шош, Туркистон вилоятларини кезиб, сафар қилиб, Боғистонда шоғирди Исҳоқ Боғистоний хонадонига тушиб, сўнгра Аҳмад Яссавий ва бир қанча алломаларнинг қабрларини зиёрат қилгани хақида шундай маълумот берган: Машраб Сайрамга келганида Хўжа Аҳмад Яссавий ва унинг ота-оналари, аллома Қози Байзовий, Қутбиддин Аллома, Камолиддин Вали Исфижобий, Лутфилла Сарёмий ва бошқа олиму фузалоларнинг шуҳрати кенг ёйилган, эл уларни авлиё деб чин меҳр қўйган эди. «Зар қадрини заргар билар», деганларидек, Сайрам атрофидаги қишлоқлар шаънига:

*Қишлогинг жаннат бўлса
Қирганингга арзимас,
Қизлари хурдан бўлса,
Қучганингга арзимас,*

сингари кулгили, кинояли байтлар битиб, Сайрамга тил текказмагани ҳам Машрабнинг шу алломаларга хурмати эвазига бўлса керак. Бу сўзларни халқ айтган. Бунда сўзсиз жон бор, албатта.

Сайрам яқинида бирор ерда булоқ йўқ. Қишлоқнинг шимолида каттагина зилол сувли булоқ бор. Машраб булоғи! Нега бундай аташган. Сайрамга келган шоирга халқ хурматидир.

Қишлоқ марказида катта ёшли қайрағоч бўлиб, унинг кун ботиш томони қулай ўтиришлик курсини эслатарди. Бу жойни Машраб суянган чинор деб атардилар. Сайрам яқинида Кизигурт тоғида бир супача бор, уни ўтирган тош дейдилар. Машраб қаерда бўлмасин халқ дардида ёнган.²

Бобораҳим Машраб бой ва кўп асрлик адабиётимиз тарихига ниҳоятда жўшқин, жарангдор ва таъсирчан лирик асарларнинг муаллифи, зодагон шароитнинг қатор иллатларини, баъзи риёкор дин арбобларининг пасткаш табиати ва ярамас фаолиятларини фош этувчи шахс сифатида кирди ва сезиларли из қолдирди. У ҳаётий, дунёвий лириканинг мазмунан чуқурлашуви ва шаклан бойишига, адабий тилимизнинг халқ жонли тили эвазига янада ранг-баранг ва жарангдор бўлишига, бадий санъатларнинг мукаммаллашувига жиддий ҳисса қўшди, ғоявий йўналишнинг ривожланишида, унинг кескин ва жанговор рух эгаллашида катта роль ўйнади.

Машраб хулқ-одоб масалаларига катта эътибор бериб, одамларни ярамас хатти-ҳаракатлари, ёмон қилиқлардан, хусусан, такаббуриқдан, ёлғон сўзлашдан сақланишга ундайди. Унинг айтишига қараганда, киши ҳеч қачон ўзининг келиб чиқиши, насл-насабига ишониб мағрурланмаслиги, вақтини беҳуда ўтказмаслиги, иймонини сотмаслиги лозим. У саййид бўладими, хўжа бўладими, камтарликни қўлдан бермаслиги, беадаб бўлмаслиги, яхши билан ёмонни ажрата билиши, ширинсухан бўлиши даркор. Машраб шеърларида нокас, бахил, яхшилар сўзига кирмайдиган, бошқаларни назар-писанд қилмайдиган кимсаларни танқид остига олади, доимо ҳақиқат томон интилишга, олий ҳимматли бўлишга даъват қилади.

Машрабнинг ижтимоий-ахлоқий дунёқараши шоирнинг ахлоқий-таълимий шеърлятида акс этиб, мутафаккирнинг ўзи яшаган муҳитга бўлган муносабатида, замоннинг баъзи бадхулқ, бадахлоқ муаммоларини, иллатларни йўқотишда жуда катта аҳамият касб этгани билан характерланади, улар бугунги кунда ҳам ўз мазмун-моҳиятини сақлаб қелмоқда.

¹ Машраб. Девон. 2006. 522-бет.

² Мираҳмад Мирхолдоров. Машраб Сайрамда. Гулистон. 1981, 12-сон, 3-бет.

МУТАФАКИРНИНГ ИЖТИМОЙ – МАЪНАВИЙ ВА ДИДАКТИК ҚАРАШЛАРИ

Туркий тилдаги адабиёт жуда қадимий тарихга эга. VII-VIII асрларга тааллуқли бўлган Ўрхун-Энасой битикларидан тортиб бу тилда ёзма адабиёт ривожланиб келади. Туркий халқлар руҳияти, диди ва завқу таъбини ифодалаган ҳисобсиз оғзаки ижод намуналари, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Рабғузий, Хоразмий, Атоий, Саккокий, Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб ва Огаҳийларнинг ўлмас адабий мероси маънавий хазиналаримиздир. Ўзбек адабиёти тарихининг ўзига хос тараққиёт йўли, халқимизнинг тарихий тақдири, ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ жиҳатлари мавжуд. Шу билан бирга мазкур адабиёт ўзининг кўп асрлик тараққиёти тарихида кўшни халқлар адабиёти билан зич алоқада бўлиб, ўзининг баҳрамандлик қонунияти асосида ривожланиб келди.¹

Истиклол шарофати билан тарихни холисона ўрганиш имконига эга бўлдик, ижодини ўрганиш тақиқланган алломалар мероси қайта тикланмоқда.

Авалло, шахсни юксак маънавиятли қилиб, тарихий ҳақиқатдан огоҳ этиб тарбиялаш мустақил Ўзбекистоннинг маънавий тараққиёти ва келажагини белгилайди, халқимизнинг фаровон ҳаётга замин яратади. Маънавиятли, ақл-заковатли, маданиятли авлодни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган эзгу мақсадларимизга эришишимиз мумкин.

Зеро, тафаккури турли ақидалардан холи, ўзини илмий ва умумбашарий қадриятларга ҳақиқий ворис деб билганларгина буюк келажакни барпо этишга, жамиятимизни янада такомиллаштиришга, демократик ҳуқуқлардан тўла-тўқис фойдаланишга қодир инсон бўла олади.²

Буюк аждодларимиз Имом Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, ибн Сино, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб каби дунё илм-фани ва маданияти тараққиётига улкан хисса қўшган мутафаккирларнинг табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий ахлоқий қарашларига алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, уларнинг жаҳон фани тараққиётига қўшган ҳиссалари бекиёс ва бетакрордир.

Мустақиллик туфайли маънавий мерос, жумладан фалсафий меросимизга муносабат тубдан ўзгариб бормоқда. Таълим-тарбия соҳасида кенг кўламда ислохотлар амалга ошмоқда.

Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг давлатнинг куч қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Нафақат кўхна тарих, балки янги тарих ҳам кўплаб мисолларини беради.³ Президент иқтисод билан бир қаторда маънавият ривожига эътибор беришни, акс ҳолда жамиятда маънавий бўшлиқ муқаррарлигини, шунинг учун маънавият ва таълим-тарбия соҳасига маблағни аямасликни, ёшлар онгига миллат ва умуминсонийликни, қадриятларни мутассил сингдириб бориш лозимлигини уқтирмоқда.

Халқимизнинг ўзига хос маънавий бойлиги тарихий меросимизда, аниқроғи, маданий меросимизда ўз ифодасини топгандир, бу меросни ўрганиш шу кунги энг муҳим вазифалардандир.

Мустақилликдан сўнг сиёсат ва маънавиятда муҳим ўзгаришлардан бири динга, хусусан, исломга бўлган муносабатнинг ўзгаришидир. Дин, жумладан, ислом халқимиз маънавиятининг ажралмас қисми сифатида эътироф этилади. Бу эса ўз навбатида тарихимизни, хусусан маданиятимиз тарихини ёритишга муҳим омил бўлди.

Мустақиллик маънавияти, унинг назарий ўзаги бўлган миллий ғоя, миллий мафқурани шакллантириш, унинг йўналишларини аниқ белгилаб олиш ва ривожлантириш ҳозирда ҳам энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолди.

Мустақиллик маънавияти, миллий ғоянинг мустаҳкамланиши ва ривожига халқимиз яратган бой маънавий меросни ҳар томонлама ўрганиш, ундан ижодий фойдаланиш ҳозирги маънавий юксалишнинг асосий йўналишларидандир. Бу мерос миллий мафқура, юксалаётган ҳозирги маънавиятимиз илдизи, манбасидир, унинг ўзига хос хусусиятлари, мазмуни ва

¹ Муҳиддинов Муслиҳиддин Кутбиддинович. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси. Автореферат. Тошкент, 1995, 3-бет.

² Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. 3-бет.

³ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, сиёсат, мафқура. Тошкент, 1996, 79-бет.

характерини белгиловчи асосдир. Мустақиллик маънавиятида дин, виждон эркинлиги муҳим ўрин эгаллайди.¹

Маънавий-ахлоқий негизлар замирида умуминсоний ва миллий қадриятлар муштараклиги, кишиларнинг маънавий маданиятини шакллантиришга эришиш мақсади ётади. Зеро, шахс тафаккурини ўстирмай унинг маънавий дунёсини бойитмай туриб, ижтимоий, иқтисодий, маданий жабҳалардаги вазифаларни бажариш мумкин эмас. Айни чоғда жамият ва давлат ўзлигини англаган, руҳан соғлом, жисмонан етук, умуминсоний ва миллий хулқ-атвор нормаларини ўз онги ва фаолиятида мужассам этган маънавий етук инсонни тарбиялаб вояга етказишдан ғоят манфаатдордир.

Бинобарин, у ёки бу миллатнинг маънавий бойлиги миллий ва умуминсоний қадриятларнинг бирлигидан ташкил топади. Маънавий мерос ўтмишнинг ютуғи.

Шунинг учун ҳам «Маънавият инсонга сувдек, ҳаводек зарур. Саҳродаги сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқоғини босади. Худди шунингдек, инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчиликлар билан маънавият сарчашмасини излайди.

Инсон ўзини халқнинг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади».²

Маънавият интилиш, руҳ ва онг эгаси бўлмиш одамга хос фазилатдир.

Маънавият жамиятнинг, миллатнинг ва ёки айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокини мужассамлантирувчи тушунча! Маънавият инсон ва жамият маданиятининг негизи, инсон ва жамият ҳаёти маълум бир йўналишининг бош омилидир. Маънавият бойиб борса, жамият равнақ эта боради ва айниқса маънавият кашшоқлашса, жамият бора-бора таназзулга юз тутаяди. Бой бўлмайди. Маънавият миллат ва жамият равнақининг бош омили ва пойдеворидир.

Маънавият кенг тушунча бўлиб, маърифат, маданият тушунчаларини ҳам ўзига камрайди.³

Ота-боболаримиз «Минг бир кеча», «Калила ва Димна», «Қобуснома», «Бахтиёрнома», «Бахтнома», «Ахлоқий Мухсиний», «Тўтинома», «Ҳотамнома», «Синдбанднома» сингари ганжина панднома-дидактик асарларни яратганлар.⁴

Шуни таъкидлаш керакки, ахлоқий мавзудаги адабиёт ўзи алоҳида бир йўналишдир. Буни шарқликлар «панднома» деб юритганлар. «Қобуснома», «Қутадғу билиг», «Ҳибатул ҳақойиқ», «Гулистон», «Бўстон», «Баҳористон», «Ахлоқи Мухсиний», «Анвори Сухайлий» шундай типдаги асарлардир. Шунга ўхшаш «Хамса»ларнинг биринчи дostonлари ҳам «панднома»ларга мазмунан яқиндир. Гап шундаки, «ахлоқий асар», «ахлоқий ғоя» деганда, одатда кўпроқ уқтириш, ўғит оҳангидаги асарларни назарда тутамиз.

Ватанимиз азалдан башарият тафаккури хазинасига унутилмас ҳисса қўшиб келган. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва Ислom дини таълимоти билан узвий равишда ривожландади. Ва ўз навбатида бу фалсафий-ахлоқий таълимотлар халқимиз даҳосидан баҳра олиб, бойиб борган.⁵

Шарқнинг улуғ шоирлари инсон камолоти ҳақида асрлар давомида кўйлаб келганлар. Ал-Бухтурий, Абу ал-Маарий, Абу Нувос, Рудакий, Фирдавсий, Мутаннобий, Умар Хайём, Низомий, Саъдий, Румий, Ҳофиз, Хисрав, Камол, Жомий, Навоий, Машраб, Бедил ва бошқа шоирлар инсон улуғворлиги, нуқсонлари, руҳияти, дарди ва камчиликлари ҳақида ажойиб ёниқ лирик асарлар ва жаҳоншумул дostonлар яратдилар. Тасаввуф инсон талқини ботинан ривожланган, руҳи Илоҳ руҳига туташ комил инсон бўлиб, у шеъриятнинг севган қаҳрамонига айланган эди.⁶

Марказий Осиёда қадимдан маънавий-ахлоқий масалалар кишиларнинг диққат марказида турган. Илк ўрта асрлардан бошлаб ҳар бир асрда маънавият, ахлоқ, хулқ-одоб, таълим-тарбия соҳасида рисоалар ёзилган, «Қобуснома», Фаридиддин Атторнинг

¹ М. М. Хайруллаев, Ҳ. Аликулов таҳрири остида. Ислom, тарих ва маънавият. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Тошкент, 2000, 3-бет.

² Ислom Каримов. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 81-бет.

³ А. Иброҳимов, Ҳ. Султонов, Н. Жўраев. Ватан туйғуси. «Ўзбекистон», Тошкент, 1996, 111-бет.

⁴ Мир Аммон Дехлавий. Чор дарвеш кисаси. «Ўқитувчи». Тошкент, 1996, 3-бет.

⁵ Муҳиддинов М. Қ. Алишер Навоий ва униг салафлари ижодида инсон концепцияси. Автореферат. 52-бет.

⁶ Абдуқаҳор Иброҳимов. Биз ким ўзбеклар. «Шарқ», Тошкент, 2001, 321-бет.

«Панднома»си, Убайд Законийнинг «Садпанд» ва бошқа насихатнома, ҳикматомуз йўсиндаги асарлар кенг тарқалган.

III-IV асрларда яратилган қадимги ҳинд адабий-дидактик ёдгорлиги «Панчатантра» асари бизда «Калила ва Димна» номи билан машҳур. Унда ахлоқий асл бахт, ахлоқсизлик инсон учун ҳалокат гирдобни эканини ажойиб ҳикоятларда, масалларда ўз аксини топади. «Калила ва Димна»нинг шакли, композиция қурилиши, услубий жиҳатлари кейинчалик жуда кўп пандномалар учун бадиий қолип ролини ўтади.

Мусулмон Шарқи минтақаси ахлоқий тафаккурида XI аср алоҳида диққатга сазовор. Унда икки буюк панднома яратилди. Биринчиси «Қутадғу билиг» (Яхшилик келтирувчи билимлар), иккинчиси форсийда Кайковуснинг «Қобуснома» асари.

«Қутадғу билиг» 13000 мисрани ўз ичига олган ахлоққа, сиёсатшуносликка доир монументал асар. Уни туркий халқларнинг ахлоқий қомуси деб аташ мумкин. Китобда эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, олижаноблик ва тубанлик, ҳалоллик ва ҳаромлик сингари тушунчалар батафсил қаламга олинади. Буларнинг моҳияти бадиий юксак мисраларда, шеърий ҳикматларда, мақолларда очиб берилади.

Кайковуснинг «Қобуснома» асари инсон ҳаёти ва фаолиятининг деярли барча томонларини қамраб олувчи ўғит кўрсатмалардан иборатдир. Унда меҳмонга бориш, меҳмон кутиш, савдогарчилик одатларидан тортиб чавгон уйини – спортчи одобигача қаламга олинади.

Шарқона пандномаларнинг энг машҳури, шубҳасиз, Шайх Муслиҳиддин Саъдийнинг (1184-1292) «Гулистон»асаридир. Жаҳонда бу асар таржима қилинмаган бирор бир маданий тил бўлмаса керак. Ўзбек тилига биринчи марта буюк ўзбек мумтоз шоири Сайфи Саройи томонидан XIV асрда таржима қилинган.¹

«Гулистон»нинг бу қадар машҳур бўлиб кетишига асосий сабаблар шундаки, аввал у муаллифнинг ҳаётий тажрибалари, кўрган-кечирганлари, ўз қулоғи билан эшитган воқеа ҳодисаларни ўз ичига олади, иккинчидан панднома буюк Саъдийга хос тенгсиз бадиийлик билан суғорилган, учинчидан, унинг услубида юксак ахлоқ эгасининг донишмандлиги ва самимияти кишини ўзига тортиб туради. Насрий ҳикоятлар билан шеърий ҳикматлар ахлоқий хулосаларнинг узвий боғланиб кетганлиги эса асарни яна ҳам ўқишли қилади. Саъдий биринчи навбатда одамлар қиёфасидаги эзгулик ва ёвузликнинг муносабатларини очиб беради. Оддий муомала одобидан тортиб, юксак ахлоқий тамойилларгача ана шу муносабатларни акс эттиришга хизмат қилади.²

Саъдийнинг «Гулистон»ига тақлидан жуда кўп асарлар яратилди. Улардан бири Жомийнинг «Баҳористон», шунингдек, Подшоҳожанинг туркийда битилган «Мифтоҳул-адл» ва «Гулзор» асарларидар. Ҳар уччала асар ҳам ҳикоятлар, шеърий парчаларда баён этилган ҳикматларни ўз ичига олади. «Баҳористон»да саккиз боб – равзанинг еттинчиси шоирлар зикрига бағишланган, саккизинчи равзи эса масаллардан ташкил топган. Ҳар иккала муаллиф асарларида буюк подшолар ва саркардалар ҳаётдан кўплаб ҳикоятлар келтирилади.³

Темурийлар даврида яратилган энг ажойиб, ўзига хос пандномалардан бири, бу – Хондамирнинг (1481-1535) «Мақорим ул-ахлоқ» («Яхши хулқлар») асари. Унинг ўзига хослиги шундаки, ундаги қаламга олинган барча фазилатлар бир буюк инсон – Алишер Навоий қиёфаси мисолида очиб берилади, талқин этилади. Шу боис уни буюк шоир ва мутафаккир ҳақидаги хотира ёки биографик маълумотлар деб эмас, айнан бир шахс бош қаҳрамон қилиб олинган панднома деб аташ мақсадга мувофиқ.⁴

Ўрта асрлардан кейин ҳам пандномаларни яратиш анъаналари давом этди. Лекин улар орасида машҳур бўлганлари кўп эмас, ана шундай истиснолародан бири – ўзбек мумтоз шоири Гулханийнинг (XVIII аср охири, иккинчи ярми – XIX аср бошлари) «Зарбулмасал» асари. У, аввало, ўзининг шаклий янгилиги билан ажралиб туради. Асар қолиплаш усулида ёзилган – катта масал – ҳикоя ичида масал – ҳикоятлар масаллар ичида эса, юзлаб ўзбек халқ мақоллари жой олган.

Асарнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, унинг асосий қаҳрамонлари ўз қиёфаларида ахлоқсизлик иллатларини мужассам этган салбий образлар. Гулханий бу иллатларга юксак

¹ Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Тошкент, 2000, 18-бет.

² Ўша манба, ўша жой.

³ Ўша манба, 49-бет.

⁴ Ўша манба, ўша жой.

ахлоқий нуқтаи назаридан қараб, ўқувчига тақдим этади. Ана шу усул билан инсонларни адолат ва диёнатга, ҳалоллик ва софликка чорлайди.¹

Ўзбек педагогикаси тарихида таълим-тарбия, ижтимоий-маънавий муҳит, дидактик қарашлар ҳақида, у ахлоқ илми эканлиги тўғрисида шундай фикрлар берилган: Қуръони карим мусулмон аҳлининг дунёқараши, фалсафаси, маънавияти, ахлоқи, ҳуқуқининг асоси бўлиб, унда илоҳиёт, диний эътиқод масалалари билан бирга инсонпарварлик, инсонларни қовуштириш, уларнинг ўртасида юзага келадиган зиддият-низоларнинг олдини олиш, улар ўртасида адолат ўрнатиш каби ахлоқий муаммолар ҳам ифодаланган.

Қуръони каримдан кейин мўътабар саналган пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифларида мусулмонларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан баркамол бўлишларини орзу қилиб, ота-онага ҳурмат, меҳнатсеварлик, ўзаро аҳил бўлиш, меҳр-оқибат, эҳсон, сабр-тоқат, камтарлик, вафо-садоқат, поклик каби инсоний сифатлар ҳақидаги насиҳатларни ва яхши фазилатли бўлиш йўллари баён этилган.²

XX аср бошларида Абдулла Авлоний «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарини яратди ва уни дидактика – таълим-тарбия ишларида тадбиқ этди. Абдулла Авлоний араб, форс, рус ва озарбайжон тилларини яхши билган олим эди.

Абдулла Авлоний одамларни хулқ-атвори, хатти-ҳаракат нуқтаи назаридан икки гуруҳга бўлади: бири яхши хулқли кишилар, иккинчиси ёмон хулқли кишилар. У бундай дейди: «Ахлоқ уламси инсонларнинг хулқларини иккига бўлмишлар: агар нафс тарбият топиб, яхши ишларни қилурга одат қилса, яхшиликка тавсиф бўлуб «яхши хулқ», агар тарбиятсиз ўсиб, ёмон ишлар ишлайдургон бўлуб кетса, ёмонликка тавсиф бўлиб, «ёмон хулқ» аталур».³

Файласуф Иброҳим Каримов «Маънавият, фалсафа ва ҳаёт» номли китобида маданиятимизнинг муҳим белгиси тўғрисида фикр юритиб, унинг кўп жиҳатлари, хусусан, ўтганларнинг яхши феъл-атворлари оила даврасида гапирилиши, қариндош уруғларнинг яхши, ибратли ишлари кексалар томонидан рағбатлантирилиб, «сени тарбиялаган ота-онанга раҳмат» дейиши каби пурҳикмат дидактик – панд-насиҳат ҳақидаги қарашлари изҳор этилган.⁴

«Темур тузуклари» асарини ҳам ижтимоий-маънавий ва дидактик – ахлоқий асар деб ҳисоблаш мумкин. Чунки асар давлат ва жамоат арбоби, саркарда, 30 га яқин мамлакатларни забт этиб, кўплаб халқларни битта, ягона туғ, ялов, байроқ остида бирлаштирган Амир Темурнинг аввало, ўз раиятига, салтанат қаламровидаги аркони давлат ва ақраболарига нисбатан насиҳат ва ибрат тарзидаги фикрларидир. У шундай фикрларни айтган: Тузумни топиб, менга ёмонлик қилганларни Парвардигори оламга топширдим. Иш кўрган, синалган шифқатли эр-йигитларни қошимда тутдим. Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очик эди. Нафси ёмон ҳимматсизларни, кўнгли бузук кўрқоқларни мажлисимдан қувиб юбордим. Очик юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром этдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим.⁵

Тасаввуф таълимоти Шарқ мусулмон халқлари маънавий ҳаёти тарихида ўчмас из қолдирган ижтимоий-фалсафий оқимлардан бири ҳисобланади. Фаридиддин Аттордан Мир Алишер Навоийгача, Жалолиддин Румийдан Абдурахмон Жомийгача, Аҳмад Яссавийдан то девонаи Машрабгача ва ҳатто ундан кейинги даврларда ҳам тасаввуф Марказий Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий дунёқарашининг асосий йўналишларидан бири сифатида ҳукмронлик қилиб келади. Улуғ мутасаввуфларнинг қарашларида ахлоқий-дидактик, панд-насиҳат ҳақидаги ғоя ва таълимотлар асосий ўринни эгаллайди деса бўлади.

Тасаввуф мутасаввуфларининг таълимий, ахлоқий, панд-насиҳат ҳақидаги қарашларида шундай изоҳ этилади: Тасаввуф Қуръон ахлоқи, Расулulloҳ (с. а. в.)нинг ҳаёт тарзи, шаъриятнинг нозик одобидир. Тасаввуф худбинлик эмас, инсониятга ғамхўрлик, раҳмдиллик, муҳаббат ва хизматдир. Сўзамоллик эмас, самимият, ихлос ва ҳикматдир.

¹ Ўша асар, 50-бет.

² А. Зуннунова таҳрири остида. Ўзбек педагогикаси тарихи. «Ўқитувчи», Тошкент, 1997, 26-бет.

³ Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. 3-бет.

⁴ Иброҳим Каримов. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. «Фан», Тошкент, 2001, 12-бет.

⁵ Темур тузуклари. Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, Тошкент, 1991, 64-бет.

Кўнгил поклиги, маърифат юксаклиги ва амали солихликдир. Разил эмас, гўзал ҳолдир, тошга гул, заҳарга асал, кўзларга нур, кўнгилларга сурурдир.¹

Мутафаккир ибн Синонинг панднома асарларида коинот гултожи инсонга бўлган насиҳат ва таълим-тарбия ҳақидаги ўғитлари, унинг, хусусан, «уй-жой тутиш тадбири» ҳақидаги асарида аёлларнинг ўн етти хислатини санаб кўрсатганлиги келтирилган: буларга дастлаб аёл оқил ва эътиқодли, шарм ҳаёлик ва ор-номуслик, зийрак ва фаросатлик, ёқимтой, ўз эрига меҳру-муҳаббат кўйган, фарзанд кўра оладиган, эзма бўлмаган, итоаткор, дили пок, беҳархаша, покиза, вазмин ва ўзини тутиб олган, жиддий ва улуғвор, ҳар бир хатти-ҳаракатида ўзининг яхши хислатлари билан ажралиб турадиган, эрининг бирини икки қиладиган-тежамкор, эрининг оғир дамларида унга малҳам бўла оладиган меҳрибон бўлиши керак.²

Мавлоно Муҳаммад Қози «Хукмдорга ўғитлар» рисоласида подшоҳ ва фуқаролар муносабати ҳақида тўхталиб ва уларга ўғит бериб ёзади: «Подшоҳ давлат ва мамлакатига таҳдид қиладиган хатардан ғофил қолмаслиги керак».³

Тасаввуф фани доктори, профессор, нақшбандия тариқатининг шайхи ҳазрати Маҳмуд Аъсад Жўшон «Ислому севги ва тасаввуф» китобида тариқатнинг асл муҳаббат, илоҳий ишқ, зикриллох, маърифатуллох, ахлоқни гўзаллаштириш каби муҳим ғояларни баён қилиб, нақшбандия қарашларини янгича мазмунда шарҳлаганлар.

Вали шоир Алишер Навоий бир рубойида бу камолот йўлини гўзал ифода этади:

*Камол эт касбким, олам уйидин,
Сенга фарз ўлмагай ғамнок чиқмоқ,
Жаҳондин нотамом ўтмак-баайниҳ,
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.*

Яъни бу ўғитдан мақсад шуки, «Камолот касб эт, комил инсон бўл, чунки сенга бу дунё уйидан ғам ва пушаймонлик билан чиқмоқ буюрилмаган. Жаҳондан чала ўтмоқ, камолга етмай ўтмоқ бамисоли ҳаммомга кириб, ундан яна нопок ҳолда қайтиб чиқмоқликдир». Ҳазрати Алишер Навоий дунёни камолот майдони, покланиш имкони деб уқтирмоқда.⁴

Исломушунос олим Шамсуддин Бобохонов Ҳамидулла Кароматовнинг «Қуръон ва ўзбек адабиёти» рисоласига сўзбошида мутафаккир шоир ва азизу авлиёларимизга ахлоқ, таълим-тарбия масалаларида ўғитлар, пандларни омма онгига сингдиришда улар Қуръондан катта маънавий озик олганликларини ва ўз асарларида унга мурожаат қилиб, мадад олганликларини таъкидлаганлар: «Қуръоний мавзуларнинг жаҳон ва хусусан, ўзбек адабиётига сингиб кетишини ўрганиш фақат диний нуқтаи назардангина ибратли бўлиб қолмай, балки Шарқ адабиётининг, хусусан ўзбек адабиётининг ҳам биз учун мавҳум кирраларини ойдинлаштириб, ҳозирга ўзбек адабиётининг шажаравий, мозийдан узилмас алоқаларини тиклашга ҳам мадад беради. Чунки шоирларимиз Хожа Аҳмад Яссавийдан Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Машраб, Сўфи Оллоҳёргача ва бошқа кўплаб қалам аҳли ижодида Қуръоннинг катта таъсири бор».⁵

Академик, файласуф олим М. М. Хайруллаев «Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири» илмий-тадқиқий асарида шоир мутафаккирлардан, ўзбек маданияти ва маънавиятига улкан ҳисса қўшган классиклар ҳақида қуйидаги фикрларни келтирган: XIV-XVII асрларда Тафтазоний, Журжоний каби файласуфлар Коший, Қозизода Румий, Али Қушчи каби астроном ва математиклар, Бехзод, Жомий, Лутфий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб каби санъаткорлар, сўз усталари бу давр маданиятининг классиклари даражасига кўтарилдилар.⁶

Аммо тасаввуф билан ислом, шариат ўртасидаги муносабатларнинг зидлашуви баъзида қатл, бадарға ва бошқа хунук воқеаларни келтириб чиқарар эди. Шу ҳақда «Ўзбекистонда фалсафий-ижтимоий фикрлар тарихидан» китобида шундай фикр келтирилган: Машраб илоҳий севги, яъни Худога муносабатини ўзининг шеърларида баён қилади. Буни у мажозий

¹ Маҳмуд Аъсад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. «Чўлпон», Тошкент, 2000, 25-бет.

² Ҳ. Жонматова. Абу Али ибн Сино таълим-тарбия тўғрисида. «Ўқитувчи», Тошкент, 1980, 21-бет.

³ Мавлоно Муҳаммад Қози. Хукмдорларга ўғитлар. «Шарқ», Тошкент, 1999, 9-бет.

⁴ Мирзо Кенжабек. Комиллик орзулари. Ҳожи Аҳмадхон Бобомуроднинг «Комил инсонлар йўлидан» китобига сўзбоши. 4-бет.

⁵ Шамсуддин Бобохонов. Кириш ўрнида. Ҳамидулла Кароматов. Қуръон ва ўзбек адабиёти. «Фан», 1993, 3-бет.

⁶ М. Хайруллаев. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. 44-бет.

шаклда, капалакнинг шамга интилиши мисолида кўрсатиб беради. У сўфийлардан Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож, Насимийларни ўз шеърларида тилга олади, уларнинг дунёқарашини ўрганиб, улар ғоясига эътиқод қилади. Тасаввуфнинг бу йирик вакиллари зоҳид ва шайхларнинг дин ва шариатга тўғри келмайдиган лўттибозлиги, таъмағирлиги, ёлғончилиги, фирибгарлигини фош қилганликлари учун зодагон ва руҳонийлар томонидан умр бўйи таъқиб қилиниб, пировардида қатл қилинган эдилар.¹

Тасаввуф ва ислом ўртасидаги ихтилоф Мансур Ҳаллож, Айн ул-Куззат, Саид Имомиддин Насимий, Бадриддин Симавий, Бобораҳим Машраб ва бошқаларнинг қатл этилишига, Боязид Бистомий, Ибн ал-Аърабий, Жалолиддин Румий, Мирзо Абдуқодир Бедил, Муҳаммад Иқбол каби мутасаввуф мутафаккирларни «худо»сизликда «айбланишлари»²га олиб келди.

Шу тўғрида Ҳамиджон Ҳомидий шундай фикрларни келтирган: «Хоразмшоҳ Отсиз томонидан адиб Собир Термизийнинг Амударёда бўйнига тош боғлаб чўктирилиши, Субхонқулихон томонидан Турди Фароғийнинг таҳқир этилиши, Маҳмуд катагон буйруғига биноан Машраб дорга осилиши, Насруллохон жаллодлари томонидан Нодиранинг сўйилиб, Ҳозикнинг боши танасидан жудо этилиши – буларнинг ҳаммаси тарихимиздаги қора доғлардир».³

Разолат ва сафолат ботғоғига ботган жамият зўравонлари қуткуси билан Зокиржон Фурқат: «Мен Ватандан кетмаганман, айро тушганман холос» дея Ватанни тарк этган, Садриддин Айний «йўқ гуноҳи» учун амирнинг 52 дарраси билан дарраланиб, Бухоро зиндонида ётган, Аваз Ўтар калтакланиб Хоразм зиндонида ёш ҳалок этилган эди.

Бундай воқеалар тарихимизда кўп бўлган, бу эса жадидларнинг оммавий қирғини билан яқунланган эди.

Бобораҳим Машрабнинг ижтимоий-маънавий ва дидактик қарашлари таҳлил этилаётган мазкур қисмда биз адабиётшунос олим, Машраб тадқиқотчиларидан бири Бойбўта Дўстқораевнинг ижобий фикрларини келтирмасдан ўтолмаймиз. Негаки, Машраб ўз шеърлятида энг кўп тилга олган мутасаввуфлардан бири шубҳасиз Мансур Ҳаллождир. Машраб шубҳасиз унинг таълимотида Ҳаққа қўшилиб кетиш ғоясини кўрди. Аллоҳни излаш, уни қидириш, уни тажаллийси, зарраси инсонни комил эканлигини билиш, улар ғоясининг, маслагининг, ўзаги, бош мақсади эди. Б. Дўстқораев шу хусусда ёзади: Даствлабки мутасаввуфлар Боязид Бистомий, Жунайд Бағдодий, Абусаид Абдулхайр, Мансур Ҳалложлар бу йўлда муайян кашфиётларга эришганлар. Муҳими улар излаган нарсаси – Аллоҳ билан яқинлашиш, бирлашиш, яъни тавҳид даражасига етганлар. Уларга бу жараёнларда шундай сирлар аён бўлганки, уни ошкор этиш зоҳирий илм эгаларини ғазабга келтириши мумкин эди. Шу боис улар етишган ҳолларини сир сақлаш лозимлигини англаганлар, акс ҳолда ўзларига зарар етиши мумкин бўлган. Улардан айримлари бу сирни сақлолмай ошкор қилганлар. Шулардан бири Мансур Ҳаллождир.⁴

Мансур Ҳаллож Ҳажга бориб, бир йил муқаддас даргоҳнинг ичида ўзини турли чеклаш ва риёзатларда синаб кўришга онт ичган. У мутассил ранж ва риёзатларга чидаб Аллоҳга бирлашиш даражасига эришган. Бу сирни ҳам бошқаларга билдириш мақсадида ошкор қилган.

Б. Дўстқораев фикрича, Мансур Ҳаллож Маккадан Ироққа қайтгач, ўзининг муршидлари билан алоқани узган, сўфийлик либосини ташлаб, қабо кияди, сўфийлар томонидан қабул қилинган қоида ва амаллардан чекинади. У халойиқ олдида ваъзларида ҳар бир киши Аллоҳни ўз қалбидан излаши кераклиги ҳақида ўғитлар беради. Бу иши учун уни «Ҳалложи асрор» деб атайдилар. 902 йили охириги учинчи Ҳаж қилиш пайтида муракқав (елкасига ташланадиган латта ва фута) кийиб, одамлар кўз ўнгида Аллоҳдан ўзини бутунлай расвои жаҳон этишини сўрайди. Тоқим ҳамма ундан нафратлансинлар, барча уни ёнидан қувсинлар. Айни пайтда, у Худодан содиқ қулининг дили ва оғзидан Ўзи ҳақида билдиришни сўрайди. Мансур Ҳаллож уйининг ҳовлисида кичкинагина қаъба куриб, ҳаж

¹ Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. 195-бет.

² А. Зоҳидий. Туркистонда Ўрта асрда араб-мусулмон маданияти. Тошкент, 1993, 74-бет.

³ Ҳамиджон Ҳомидий. Қўхна Шарқ дарғалари. 287-бет.

⁴ Бойбўта Дўстқораев. Ўзбек насрида Машраб тимсолини яратиб тажрибаси ҳақида мулоҳазалар. 205-бет.

пайтида унинг атрофини айланади. Буларнинг барчаси Бағдод уламоларининг ғазабини келтиради улар халифадан Ҳалложга жазо беришни сўрайдилар.¹

Бағдоднинг Ҳаллож майдонда 84 кишининг тўхмату иғвоси, уламоларнинг фатвоси, козиқалоннинг ҳукми, бош вазирнинг муҳри ва имзоси билан Мансур Ҳалложнинг аввал сазойи қилиниши ва сўнгра фожеали қатли башариятни яна бир марта ларзага солди ва уни Худо, Каъба ҳақида янада чуқурроқ мулоҳаза юритишга чорлади, ундади.

Шу хусусда адабиётшунос Эргаш Очилов фикр юритиб, Шарқ халқлари маънавиятини ислом динисиз, тасаввуф таъсиридан ажратиб қараш мумкин эмаслигини, тариқат шайхлари нафақат маънавий, балки ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳам катта роль ўйнаганлигини, ҳукмдорлар бу маънавият пирларидан маслаҳат кенгашлар олиб турганлигини, шу билан бирга улар ҳурматини жойига қўйганлигини, биргина Амир Темур дин ва тасаввуф намояндалари билан яқин муносабатда бўлиб, уларга катта ҳурмат, эҳтиром кўрсатганлигини таъкидлаб ёзади: «Мумтоз адабиётимиз эса тасаввуф қанотида ўзининг энг юксак чўққисига кўтарилди. Ҳолбуки, шўро даврида динга қўшиб, тасаввуф ҳам қатағон қилинди. Мутасаввуф шоирларга «мистик», «реакцион» деган тамғалар ёпиштирилди. Исёнкор шоирлар-ку тўғридан-тўғри даҳрийлар сафига қўшиб қўйилди. Бу борада Умар Хайём, Ҳофиз Шерозий, Бобораҳим Машраб, Имомиддин Насимий каби шоирларнинг номини келтиришнинг ўзи кифоя. Натижада мумтоз адибларимизнинг мероси бир ёклама ўрганилди».²

Тадқиқотчи Каримбой Қураббоев «Махтумқули шеърляти Ўзбекистонда» номли тадқиқий рисоласида дидактик-панднома хусусида шеърлар ёзган туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули ҳақида тўхталган ва унинг панд-насихат ҳақидаги тўртликларни келтирган:

*Доно бўлсанг, пандим олгин,
Бахтинг сенинг равон бўлсин.
Ёмонни қўй, яхши бўлгин,
Қора қўнғил вайрон бўлсин.*³

Машрабнинг панд-насихат туркумидаги шеърлари унинг девонида жуда кўп ва унда шоир фарзандларга мурожаат қилиб уларга ўғит беради, у таъмали нонга қўл узатмасликни, иғво ва бадъатга берилмасликни, бу дунё лаззати деб иймонни сотмасликни, Яратган қаҳридан қўрқишликни, эгри йўлга кирмасликни, разолат ва сафолат ботқоғига ботмасликни, ғафлатга ботиб, фосиклик йўлини тутмасликни, тонгла маҳшар, рўзи қиёмат куни Расулulloҳ олдида юзи қора бўлиб уялмасликни, диндан чиқиб дўзахга тушиб қолишдан сақланишни ўтинади:

*Таъма нонига чун арзанча бўлса даст узатманглар,
Набийнинг суннати маҳкам тутинг бадъатга қайтманглар,
Бу дунё лаззати деб гавҳари иймонни сотманглар,
Худонинг қаҳридан айланг ҳазар чап йўлга қайтманглар,
Худо: Кел банда! деб чорлайдур, ғафлат бирла ётманглар,
Қиёмат куни Расулulloҳнинг олдида уётманглар,
Мабодо қўрқаман тарсо сифат Дўзахга кетманглар.*⁴

Машраб тадқиқотчиси Муҳсин Зокиров шоир ғазалиётининг бадияти, ундаги жозиба кучи ҳақида фикр юритиб қуйидаги фикрларни келтирган: «Бобораҳим Машрабдан олдинги, унинг замонасида ва ундан кейинги адабий ҳаракатчиликда лирик шеърлятнинг етакчи бадий шакли ва энг кўп тарқалган кўриниши ғазал эди. Чунки ғазал ўзининг мундарижаси, шакли ва ҳажми жиҳатидан кенг китобхонлар доираси учун энг тушунарли, осон ва қулай шакллардан бири ҳисобланади. Шу боисдан ғазал мусиқа билан жўр бўлган ҳолатда шоҳлар саройида ҳам, дарвешнинг кулбасида ҳам, деҳқоннинг чайласида ҳам, хунарманднинг дўконхонасида ҳам қуйланар, шеърхонлик мажлисларида ифодали қилиб айтилар эди. Энг яхши ғазаллар у замон меҳнат аҳлларининг ажралмас маънавий йўлдоши бўлиб, бундай

¹ Ўша манба, 206-бет.

² Эргаш Очилов. Муборак сарчашмалар. «Ўқитувчи», Тошкент, 1997, 84-бет.

³ К. Қураббоев. Махтумқули шеърляти Ўзбекистонда. «Фан», 1984, 37-бет.

⁴ Машраб. Девон. 2006, 532-бет.

чиройли, дилга яқин ва жозибадор ғазаллар воситасида халқнинг кенг табақалари ўзларининг орзу-армонлари, қайғу-ҳасратлари фикр – андишаларини ифодалар эдилар». ¹

Машраб яшаган давр, шоирнинг ижодий муҳити, унинг дунёқараши, турли шахслар билан бўлган мулоқотлари ҳамда ҳаёт тарзи қандай ва нималардан иборат эканлигини аниқлашда катта илмий аҳамиятга эга. ²

Адабиётшунос олим Исматуллоҳ Абдуллоҳ Машрабнинг илмий фаолияти, унга алоқадор, у томонидан ёзилган асарлар, айниқса, «Мабдаи нур» асари унинг қаламига мансублигини исботлаш учун жуда кўп изланди, турли тадқиқотларда, хусусан, Ғофур Ғулом, В. Абдуллаев, П. Равшанов ва бошқалар томонидан ёзилган илмий ишларда бу асар Машрабга эмас, Ҳофиз Рўзибой сонийга нисбат берилгани уни шундай йўл тутишга, ишонarli асослаш, манбалар билан ишонтаришга ундади ва ниҳоят уни Бобораҳим Машраб асари эканлигини исбот қилди.

Бугунги кунда Машраб тадқиқотчиси Ж. Юсупов ҳам узоқ таҳлиллардан сўнг «Мабдаи нур»ни Бобораҳим Машраб асари эканлигини исботлади.

1994 йил Исматуллоҳ Абдуллоҳ томонидан нашрга тайёрланган «Мабдаи нур»га сўзбоши ёзган олим «Мабдаи нур» Бобораҳим Машраб асари» деб сарлавҳа қўйгани ҳолда, уни жуда кўп далил-исботлар билан таҳлил этиб, «Мабдаи нур»нинг турли қўлёзмалари ва уни нашрга тайёрлаган хориж, хусусан рус олимлари фикрини келтириб қуйидаги хулосани берган: «Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти китоб хазинасида «Мабдаи нур»нинг 19 та қўлёзма нусхаси (баъзилари «Кимё» билан, баъзилари «Кимё»сиз, баъзилари чала) сақланмоқда. Шулардан 9 таси илмий тавсиф қилинган. Бу тавсифлар уруш вақтида Тошкентга келиб қолган ва шу ерлик машҳур шарқшунослардан В. И. Беляев, А. Н. Канонов, Н. Д. Миклухо – Маклай, А. А. Молчанов, М. А. Салве, А. А. Семёнов, О. И. Смирнова, А. Э. Шмидтлар томонидан амалга оширилган.

Тавсифларда «Мабдаи нур» муаллифи билан машҳур бўлган Мулло Муҳаммад Раҳимбобо Девонаи Намангоний деб кўрсатилган». ³

Ғофур Ғулом «Икки Машраб» илмий мақоласида хулоса қилиб, «Демак Бобораҳим Машраб «Мабдаи нур» авторлигидан холис бўлди», – деб ёзганидан сўнг, уни Ҳофиз Рўзибой Машрабга нисбат бергач, жуда кўп олимлар юзаки таҳлилдан нари ўтмай, уни Машраб Рўзибой Соний асари деб ёзаверганлар. Шу ҳақда Исматуллоҳ Абдуллоҳ шундай фикрни келтирган: «Икки Машраб» мақоласи эълон қилинганидан кейин Машраб ҳақида ёзилган ҳамма илмий мақолалар ва тадқиқотларда «Мабдаи нур» Машрабники эмас деб уқтирилган. В. Абдуллаев «Ўзбек адабиёти тарихи» китобининг 1980 йил чоп этилган 3-нашрида: «Адабиётшуносликда яқин йилларга қадар «Девонаи Машраб», «Мабдаи нур» ва «Кимё» номли уч асар Бобораҳим Машрабга нисбат берилар эди. Олимларимизнинг тадқиқотлари «Мабдаи нур» номли мистик асарнинг Бобораҳим Машрабга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини кўрсатади. «Кимё» асарининг Машрабга таалуқли-таалуқли эмаслиги ҳозирча аниқланган эмас⁴», дейди.

М. Зокиров: «Кейинги маълумотларга қараганда Машраби Соний шеърлар «Девон»и қолдирган. Бундан ташқари, шу вақтгача Бобораҳим Машрабга нисбат берилиб келинган «Мабдаи нур» ва «Кимё» Рўзибой Машрабнинг асари бўлиб чиқди». ⁵ Бу фикрни тасдиқлаш учун М. Зокиров Мулла Рўзининг юқорида Ғофур Ғулом келтирган мисраларини илова қилади.

Исматуллоҳ Абдуллоҳ 9968 рақамли қўлёзмадаги ғазаллар Бобораҳим Машрабники эканлиги ҳақида ишонч билан қуйидаги фикрларни: биринчидан, ғазаллар сўфиёналиги, тили, бадий восталарнинг ишлатилиши, услуби ва мазмуни жиҳатидан Машраб ғазалларининг айнан ўзилиги; иккинчидан, бу ғазаллардаги радифлар, қофиялар ва кўплаб ишлатилган иборалар ва диний асарлардан олинган парчалар Машрабнинг ташқи ғазалларида ҳам учраши, учинчидан, ғазалларда «Шоҳ Машраб», «Машраби телба», «Девона Машраб» сўзлари учраб туришини келтирган:

¹ Муҳсин Зокиров. Эрк ва маърифат куйчилари. 117-бет.

² Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним, қайдасан. 357-бет.

³ Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур. Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Бобораҳим Машраб ва унинг «Мабдаи нур» асари. Сўзбоши. 14-15-бетлар.

⁴ В. А. Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. 143-бет.

⁵ М. Зокиров. Эрк ва маърифат куйчилари. 46-бет.

*Дилрабо эшигингда Машираб телбани танҳо дема,
Тера мўйи ишқдин бир қатра нам келтурмишам.*

Ёки:

*Маширабо Девона таън этма Худо тақдирига,
Амри пирни жо бажоҳ қилмоққа гайратинг қани!*

Ёки:

*Гам кулбасига нолау фарёд айлама,
Шоҳ Маширабини кўнглида холис дуоси бор.*

Девона, телба, шоҳ сўзларини фақат Бобораҳим Машраб ўзига нисбатан ишлатган ва ўзига шундай номлар билан халқ орасида шуҳрат қозонган. Қўлёзмада онаси номидан мана бу байтлар диққатга сазовордир:

*Хўтан даштини овлаб, авлиё бўлган болам келди,
Кўйиб ишқ ўтига ёниб, фано бўлган болам келди.*

*Худоё Маширабимни ҳазратингдан ноумид қилма,
Ҳабибинг хонадонига гадо бўлган болам келди.¹*

«Мабдаи нур» Бобораҳим Машраб қаламига мансублигини исботловчи яна бир далил унда Маҳдий тахаллусининг мавжудлигидир. Машраб ўзининг айрим ғазаллари остига Маҳдий тахаллусини кўйиб кетган.

Исматуллоҳ Абдуллоҳ далилий фикр ва илмий хулосалар 9968 рақамли қўлёзмадига «Мабдаи нур», «Кимё» асарларига, ундаги ғазалларга Мулло Рўзи Охунднинг ҳеч қандай алоқаси йўқлигини очик-ойдин исботлаб турибди, деган фикрни айтиб, асар Ҳофиз Рўзибой Машрабга таалукли бўлганда китобнинг бирор жойиди ёки бирор ғазалдан унинг номи зикр қилинган бўларди, деган хулосага келган. Шундай қилиб, «Мабдаи нур» ва «Кимё» асарларини тўла ишонч билан, ҳеч шубҳасиз Бобораҳим Машраб қаламига мансуб деб хулоса чиқаришимиз керак. Мана шу илмий асосга суянган ҳолда «Мабдаи нур»ни ҳозирги ўзбек имлосида илмий изоҳлари билан илк бор нашрга тайёрлаш ва бу нодир дурдона билан халқимизни баҳраманд қилишни мақсад қилиб, бу шарафли ва маъсулиятли ишга қўл урдик.²

Ж. Юсупов ҳам «Мабдаи нур» асарини Машраб ижоди маҳсули эканлигини эътироф этди. Тўғри, тадқиқотчилар ўртасида мунозаралар, баъзида иккиланишлар бўлди. Ж. Юсупов «Мабдаи нур»нинг 1994 йилги Исматуллоҳ Абдуллоҳ нашридан кейин ҳам турли хил фикрларни бартараф қилиш мақсадида мазкур асар Ҳофиз Рўзибой Сонийники эмас, балки Бобораҳим Машрабники эканлигини исботлади: «Машрабнинг илоҳий бир илҳом ила яратганлари «Мабдаи нур» ва «Кимё» номли асарларини била туриб ёки билиб-билмай ўзга бир ижодкорга нисбат бериб, зўрлаб тикиштиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар ажодларимиз ғоятда эътиқод қилганлари адолат мезонининг бузилишига сабабдир. Бир кишининг мулкига, жонига қилинган ножоиз тажовуз ниҳояси йўқ беодоблик, зулм-зўрликдир. Машраб бу дунёни ўзларига абадийлик макони деб билагн, асл боқийлик дунёсидан бенасиб бир тўда ғаламисларнинг шафқатсизлиги қурбони бўлдилар. Адолатсизлик қурбони бўлиб кетган бир мўмин банданинг руҳини безовта қилиш, Оллоҳи таола инояти билан яратган ўз китобларини бошқа бир кимсага зўравонлик билан олиб бериш гуноҳи азим эмасми? Бундай бедодлик қайси даврда, қачон ва қайси бир қонунда ёзиб кўйилганки, Машраби бечора қатлидан кейин ҳам ноҳақликка маҳкум этилиб, муаллифлик ҳукукидан жудо этилса?»³

Машраб сўнгги янги «Девон»ини тузган Ж. Юсупов «Мабдаи нур» муаллифлиги ортиқча мунозараларга тортилмаслиги учун ўз даврида Фитратдек тадқиқотчилар иккиланиброқ тадқиқ қилса-да, унинг муаллифлигини Машрабга нисбат берганлигини эътироф этган: «Мабдаи нур»нинг муаллифи ким? Бу савол октябрь тўнтаришидан илгарироқ то ҳозирги кунга қадар машрабшунослар олдида қайта-қайта кўндаланг бўлиб

¹ Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Бобораҳим Машраб. «Мабдаи нур»га сўзбоши. 21-бет.

² Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Бобораҳим Машраб. «Мабдаи нур»га сўзбоши. 22-бет.

³ Ж. Юсупов. Машрабнинг бадий асарлари. Машраб. Девон. Тошкент. «Янги аср авлоди», 2007, 40-бет.

турибди. Биз бу узоқ тарихли чигалликлар тўғрисида такрор тўхталиб ўтмоқчи эмасмиз. Аммо бу кунга қадар матбуотда эълон қилинган мақсадлар орасида юқоридаги саволга раҳматли Фитрат домладек тўғри, ҳақиқатга жуда ҳам яқин жавоб берган мақола муаллифини учратиш бўлмаслигини ҳам алоҳида қайд этмоқчимиз. Филология номзоди Бойбўта Дўстқораевнинг саъй-ҳаракатлари билан Фитратнинг «Машраб» номли мақолалари (1991 йилда) «Ёш ленинчи» газетасининг уч сониди босилиб чиққан эди. Мақолада Фитрат шубҳаланиброк бўлса-да, «Мабдаи нур» муаллифлигини Машрабга нисбат берганлар...»¹

Фитрат хатога йўл қўймаганлигига тасдиқ шуки, у Машраб Офоқхожа шарофати, ҳурмати билан Жалолиддин Румий даражасига етишди деган фикрни беради:

*Етушти Машраб ўшал кони мабдаи нурга,
Валиий Хўжаи Офоқ шоҳни хурматиндандур.*

Бу эса Офоқ Хўжанинг муриди эканини, яъни манқабача қаҳрамони бўлган Раҳимбобо Машрабнинг ўзи эканини очиқ кўрсатадир.²

Юқоридаги фикрлар «Мабдаи нур» Раҳимбобо Машрабга мансуб асар эканлигини тўла тасдиқлайди ва бу борадаги ҳар қандай шубҳаларни тарқатиб юбориш учун етарли асос бўла олади. «Мабдаи нур» Машрабнинг мўжизакор қаламларига мансуб бир табаррук китоблигини исботлайдиган, инкор этиб бўлмайдиган далиллар жуда кўп ва у ҳақда бир имкони доирасида тўлиқ маълумот бериш етарли эмас.³

Ж. Юсупов Машраб ижодида «Кимё» асарининг ўрни, у «Мабдаи нур»нинг давоми эканлиги, ҳар бир кимёда ҳикоятлар келтирилганлигини қисқача шарҳлаб ёзади: «Кимё» «Мабдаи нур»дан кейин ёзилган бўлиб, у ҳам Раҳимбобо Машрабнинг китобларидир. «Кимё» «Мабдаи нур»нинг мантикий давомидир. Фақат асарнинг тузилиши (композицияси) ва вазни ўзгача. «Мабдаи нур»да дастлаб «Маснавий»дан бир байт келтирилиб, шарҳ берилса ва шарҳни шарҳлаш учун бир ёки бир нечта ҳикоятлар берилиб, охирида ғазал, мустазод ёки мухаммас келтириш билан шарҳ якунланса, «Кимё»да бу тузилма мутлақо бошқача бир тартибда давом эттирилади. Бу асар таркибида 22 та кимё бўлиб ҳар бир кимё алоҳида-алоҳида бўлимлардан иборатдир. Ҳар бир кимё учун бир, икки ёки ундан кўпроқ ҳикоят келтирилади. Кимёларнинг аксариятида аввал бир мавзу берилган, сўнг шу мавзу ҳикоятлар орқали шарҳланиб, ўз ечимини топа борган».⁴

Ж. Юсупов Машраб илмий меросини ўргана бориб, «Девон»да «Қиссайи Вайсул-Қараний» ҳақида ҳам маълумот берган. Бу асар олдинги биронта девонларда тилга олинмаган: «Бу асар ҳам «Кимё» сингари арузнинг ҳазажи мусаддаси маҳкуф вазнида ёзилган. 180 байт 360 мисралик маснавийдир. «Қисса» шахсий кутубхоналаримиздаги 6-рақамли қўлёзма мажмуа таркибида берилган».⁵

Ж. Юсупов Машрабнинг яна бир асари ҳақида мухтасар фикр берган: «Қиссайи Меъроҷномаи Расули Акрам с. а. в.» Бу асар «Қиссайи Машраб» қўлёзмаларининг деярли барчасида бор бўлиб, у мустазод жанрида ёзилган. Ҳажман мустазод жанрига хос бўлмаган анчагина катта, аммо мазмунан яхлит бир мавзу тафсилотини ўзида акс эттирган асардир».⁶

Демак, Машрабнинг бадиий-илмий мероси ҳали ҳам топилаверади, ундан баҳраманд авлод унинг сўнмас шеърини муҳибига айланиб бораверади.

Бобораҳим Машрабнинг лирик ижодига, айниқса, ғазалиётига Лутфий, Навоий ва Бобурнинг кучли ижобий таъсир кўрсатилганлигини жуда аён кўриш мумкин. Бу таъсир излари шоирнинг Лутфий, Навоий ва Бобур, шунингдек, улуғ Фузулийнинг энг яхши ғазалларига жавоб айтиш билан бирга, уларнинг айримларига тахмис боғлаганлигида очиқ кўринади.

Машраб шеърининг лирик қаҳрамони (шоирнинг ўзи) даставвал, бағоят ранго-ранг маънавий мундарижа соҳиби бўлган оташин ошиқдир. Шоир ишқ-муҳаббат туйғуларини одам фарзандининг маънавий ҳаққи-хуқуқи деб билади ва бу туйғуларни рад этиб, унинг

¹ Ж. Юсупов. Машрабнинг бадиий асарлари. Машраб. Девон. 38-бет.

² Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. Иккинчи жилд. Илмий асарлар. Тошкент, «Маънавият» 2000, 104-бет.

³ Ж. Юсупов. Машрабнинг бадиий асарлари. Машраб. Девон. 40-бет.

⁴ Ўша манба, ўша жой.

⁵ Ўша манба. 41-бет.

⁶ Ўша манба. 42-бет.

устидан кулмоқчи бўлганларга, ошиқ ва маъшукларни гуноҳкор деганларга ғазабнок хитоб билан дейди:¹

*Қилма изво зоҳидо, мен ёр учун девонаман,
Настаран рухсорайи ашъора илҳомим қани?*

Шунинг учун ҳам шоир ўзининг бу бадиий муддаосини бир ғазалида янада ривожлантириб, агар бу нотекис қурилган дунёда ошиқларнинг таҳқирланган қалби мусаффо ишқ нуридан файзёб бўлмаганда эди, яшашнинг ҳам маъноси йўқ эди, деган реал ҳаётий фикрни илгари суради:

*Мен нечук юргум бу гурбатхонада дилдорсиз,
Умр эмасдур ошиқинг бир лаҳза бўлса ёрсиз.*

*... Машрабо, вақти ганиматдур, биродарлар қани,
Истиқомат қилма дунёда пари рухсорсиз.*

Шоирнинг пок ва олижаноб қалбини мафтун этган, унинг тоза ва эрксевар руҳини ўзига ошуфта қилган ва бутун вужудига маънан қовушиб кетган маъшуқа – гўзал ёр – бу конкрет тарихий шахс, исми насаби аниқ бўлган дилбар эмас, балки кўркемликнинг ниҳоятда дид ва завқ билан сараланиб, аниқ портрет чизиқлари нисбат берилган, юксак бадиий умумлашма даражасига кўтарилган типик, лирик образлардир.²

Шарқ мумтоз адабиётининг нозик жиҳатларини англай олиб, Лутфий, Навоий, Бобур ва Машраб ҳақида, уларнинг ахлоқий, дидактик шеърляти ҳақида қалам тебратган замонамиз алломаларидан бири Садирхон Эркиновдир. С. Эркинов «Қаландар шохнинг муҳиблари» илмий-тадқиқий мақоласида бу хусусда шундай фикрни келтирган: «Машраб ижоди ўзбек адабиётидагина эмас, балки бутун мусулмон шарқи адабиётининг буюк ходисасидир. Имон ва эътиқодни шахсий ҳаётидаги ирода устуворлиги билан ифода этган асарларида дилкаш нолалари ва айни пайтда шиддатли руҳий исённи санъаткорона ифодалаган Машраб Шарқнинг фидойи даҳолари қаторидан алоҳида ўрин олган. Мансур Ҳаллож, Имомиддин Насимий ҳақида сўз борганда муқаррар равишда Машраб номининг тилга олиниши бежиз эмас. Машраб Аллоҳ ва инсон севгиси билан яшади, шу мақаддас туйғуни тўлиб-тошиб кўйлади. Унинг давлат, бойлик деб билгани эътиқод ва диёнат эди. Бинобарин, шоир инсоннинг комиллик йўлидаги талпинишларига ғов ташлаб турувчи дунёпарастлик ва жоҳилликни қоралади. Унинг нигоҳи поклик нигоҳи, йўли поклик эди.

Машраб ижодининг марказида ҳаётдан эзгулик қидираётган улуғвор инсон туради. Шу инсон ўзини башариятни, коинотни идрок этиш йўли билан комиллик касб этади. Шунинг учун ҳам у вафо, садоқат, тўғрилиқ, ҳалоллик, диёнат эгаларини кўрса севинади, уларнинг юзида Аллоҳнинг нурини кўргандек бўлади. Кибру ҳаво, макру риёни ўзига касбу қор қилиб олган кишилар муҳитидан эса қочади. Уларга қаттиқ-қаттиқ гап айтиш, ўгит бериш, ҳатто ножўя хулқ-атворларини фош этишга журъат қилади. Ана шу хусусиятлар шоир ижодининг ўзига хос йўналишини ташкил этади».³

Ўзбек юрти тарихининг ғоятда мураккаб, зиддиятли, серможаро бу даврида яшаб ижод этган Машрабнинг лирик ижодида ҳам даврнинг қарама-қаршилик, шиддатли кураш ва ижтимоий зиддиятлар натижасида туғилган хилма-хил маънавий кайфиятлар жуда кенг ифодасини топганлиги шубҳасиздир.

Бу лирик шеърлар инсоний бахт ва дунё лаззатларидан маҳрум этилган, одамий шарафи таҳқирланган соф виждонли олижаноб шоирнинг серташвиш ва бўронли ҳаётининг қомусидир. Шоир лирикасида кизгин инсоний муҳаббат, разолатга нафрат ва исён, васл умиди, ҳижрон дардлари, ҳаёт завқи, руҳий тушкунлик, олижаноб инсоний ғурур ва шарафни қадрлаш, ожизона шикоят ва итоаткорлик руҳий ғалаён, таваккал ва эътиқод, дунёвий бахтдан умидворлик ва одам қудратига комил ишонч, гоҳи ҳаётдан аразлаш, нафис ва серзавқ инсоний туйғуларга берилиш, ҳаёт гўзалликларига жўшқин шайдолик, вафо ва

¹ Муҳсин Зокирий. Машраб. Адабий – танқидий очерк. 64-бет.

² Ўша асар. 64-бет.

³ Садир Эркинов. Қаландар шохнинг муҳиблари. Адабиёт кўзгуси. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъати нашриёти. Тошкент, 1998, 88-бет.

садоқат, замонадан аччиқ шикоят ва пушаймонлик, эл-юрт муҳаббати каби ҳолатлар равшан бўртиб туради.¹

У олам аҳлига мурожаат қилиб, ўзининг дидактик-насихатомуз фикрларини уларга қарата йўллади. Шу билан бирга Аллоҳдан мадад сўрайди. Қаландар Машраб икки олам – фонийлик – ўткинчи олам ва боқийлик абадий оламни тегиб ўтганлигини, беҳишту жаннатни, ҳуру ғилмонларни пучак пулга сотиб ўтганлигини, қаерда ўзидек аҳли дард топса, уларга ҳамдард ва ҳамроҳ эканлигини, куйиб ўтаётганлигини, шунинг учун кўзидан ёшин сепиб ўтаётганлигини, фақат Аллоҳ васли, унинг жамолини кўриш иштиёқини, унинг ишқида ҳаробат, дунёда васл умидида «қатра май ондин тотиб ўтган»лигини изҳор этади:

*Қаландар Машрабингман, икки оламни тегиб ўттум,
Беҳишту ҳуру ғилмонинг пучак пулга сотиб ўттум.*

*На айлай оби Кавсарни нигорим бўлмаса соқий,
Ҳаробат ичра бордим, қатра май ондин тотиб ўттум.*

*Висол айёми бўлгонда, кўринг, бахти сиёҳимни,
Бошимга келса ёрим-ман ётиб ухлаб, бўкиб ўттум.*

*Куйиб ўтгон мани-девона Машрабни сўрар бўлсанг
На ерда аҳли дард топдим, кўзум ёшин сепиб ўттум.²*

Инсон, унинг маънавияти ҳақида фикр юритганда, улуғ рус танқидчиси В. Г. Белинский айтган куйидаги фикрни келтириш ўринлидир: «Улуғ шоир ўзи тўғрисида, ўзининг «мен»лиги тўғрисида сўзлар экан, у умум тўғрисида – инсоният тўғрисида сўзлайди, чунки унинг табиатида инсоният нима билан яшаган бўлса, ўша нарса ётади. Шунинг учун ҳам шоир ифодалаган инсон дардида – ҳар ким ўз аламини кўргандай, унинг қалбида ҳар ким ўз руҳини томоша қилгандай бўлади. Ўқувчи фақат шоирни шоир дебгина эмас, балки инсон деб, инсоният бўйича ўзининг қардоши деб билади».³

В. Г. Белинский фикрига эътибор қаратсак, Машраб дунёқарашида, унинг ахлоқий-таълимий, дидактик шеърлятида инсон ва инсоният ҳақидаги қарашлар инъикос этилганлиги кўзга ташланади. Мутафаккир: «Зоҳиру ботини сан нури аҳлуллоҳдан тила» мухаммасида фарзандларга ўғит-насихат бериб, ҳар бир нарсани «Соҳиби асрордин қилғил талаб» дейди. Бу эса Яратганга шукроналик белгиси бўлиб «яширин хазина» бўлган Аллоҳдан, унинг қарам ва марҳаматларидан умидворлик, унинг уммати эканлигини билдириш, Мансур Ҳаллождек Яратганга ўзини бахшида этишлидир.

У фарзандларига ўғит бериб, кўз нури кетмасдан, уни (Худони) дуо қилишликни, яъни у берган ғайрат ва шижоатни ҳис қилиб саъи-ҳаракат қилишни, дард келмасдан унга чап беришни, авлиёлик талаб қилсанг, хавф-хатарни бартараф этишинг лозимлигини, кўп мол-мулк, илм тиламоқчи бўлсанг, Ҳақ зикрини қил дея ўғит беради.

У яна фарзандларга таълим-тарбия ахлоқ ҳақда сўз очиб, дуо қилишликни, Яратгандан бандаларига ҳидоят кўрсатишни тилаган, дўзах ўтини сувга айлантирган Аллоҳни зикр қилишни, комили соҳиб каромат ҳаққига ҳамд, сано, наът, суруд ўқишликни, еру осмон, коинот эгаси, соҳиби ҳақим бўлган Аллоҳни дуога қўл очиб ундан, ўзни паст тутиб, Унигина, яъни Яратганнигина юқори қўйиб тилак тилашни ўғит берган:

*Кайфиятни соҳиби асрордин қилғил талаб,
Бўйи Мансурни бу йўлда дардин қилғил талаб,
Умматимсан, Аҳмади Мухтордин қилғил талаб
Толиби Ҳақсан букун асрордин қилғил талаб,
Беҳи ихлоси дуони қилхуваллоҳдин тила.*

*Кўзни нури кетмайин соҳибдуони излагил,
Авлиёлик даъвисин қилсанг, балони излагил,
Дард келмасдин бурун қўбгил давони излагил,
Кеча-кундуз тинмайин марди Худони излагил,*

¹ Муҳсин Зокиров. Эрк ва маърифат куйчилари. 92-93-бетлар.

² Машраб. Девон. 2006, 181-бет.

³ В. Г. Белинский. Танланган асарлар. Ўздавнашр. ., Тошкент, 1955, 134-бет.

Қола зикрун маънмсини мулкони кисродин тила.

*Машрабо, қилгил дуо соҳиб насиҳатнинг ҳақи,
Қўл очиб омин деган аҳли ҳидоятнинг ҳақи,
Бу футуҳи комили соҳиб кароматнинг ҳақи,
Оҳи Дўзахни ўчирган оли ҳимматнинг ҳақи,
Сен бу ҳимматни бериб Шоҳи ав-аднодин тила. ¹*

Машраб ижодидаги ижтимоий мазмундорлик ва кучли танқидий йўналиш шоирнинг илғор дунёқараши, халқчил фалсафаси, замонасидаги салбий воқеа-ҳодисаларга аниқ танқидий муносабатидан шаклланган. Қатъий айтиш мумкинки, чуқур ижтимоийлик ва кучли танқидий муносабат Машрабнинг умумижодий фаолиятида устиворлик қилган ҳамда яратган кўпдан-кўп асарларининг асл фазилати даражасига кўтарилган.

Шоир адабий меросидаги диний мазмун ва тасаввуфий йўналиш руҳидаги шеърларнинг кўпчилик қисми Офокхожа даргоҳида ва унинг тарғибот сабоқлари таъсирида яратилган десак хато бўлмас. Офокхожанинг шахсий хислат-фазилатларини мадҳ этувчи, уни «пиру раҳбар» деб тан олувчи, байт-мисраларни таркибида жам этган ғазал ва мухаммаслар ҳам («Кошки» радифли ғазаллар, «Қолмади», «Қулман» радифли мухаммаслар) шу муридлик маҳсулидир. ²

«Офокхожа маноқоби»да Офокхожа Машрабнинг Балх ҳокими Маҳмуд қатағон томонидан бир баҳона билан шаҳид этилишини олдиндан айтиши ва пирнинг башорати билан Балхда шаҳиди аъло мақомини олиши, шоирнинг мурид сифатидаги ўз пири гапига кириши унга итоат қилиши ва эътиқоди баландлигидан эди.

Чунки пир унга шундай ўғит берган: «Эй, Машраб, Аллоҳ таоло сенга мададкор бўлсин. Ва яна айтдилар, эмди эй, девона, отанг бирла онангни ўзингдин рози қилгайсен. Борғилким, аларни топ, сенинг фироқинга куйиб-ёниб адо бўлубдурлар. Аларни рози қилгондин сўнг, зиёрати Байтуллоҳга бориб тавоф айлаб, ондин сўнг равзаи мутаххар мунаввар Ҳазрати раҳматхоҳи оламиёни ҳам зиёрат қилиб, хотиржам бўлуб, ондин сўнг қайтиб Балх шаҳрига келиб, Маҳмудхон оталиқ қатағон ҳокими бир баҳона бирла сени шаҳид қилур деб хабар бердилар...» ³

Бобораҳим Машраб ижтимоий-маънавий қарашлари таҳлил этилаётган ушбу қисмда Машраб тасаввуф ва ахлоқ илмидан таълим олган Офокхожа хонадони ва унинг хукмронлиги муҳитидаги баъзи маънавий-маърифий ишлар ва унинг мутафаккир шоир Машраб тафакқурига таъсири масаласига мухтасар тўхтаб ўтиш ўринлидир.

«Офокхожа маноқоби»да ёзилишича, Офокхожа муриди ва замондоши ёркентлик буюк олим Охунд Мулла Аваз Биний ўша даврда яшаган ислом дини ва шариат қонун-қоидаларининг билимдони, қонуншунос, фатвочи олим эди. Манбада кўрсатилишича, фатво чиқариб бергани учун олган ҳақи ҳар ҳафтасига минг тангагача етган. Мадрасаларда маъруза қилиб турган. Мавлоно Боқи ҳам Офокхожанинг муридларидан бўлиб, у Қашқарда таваллуд топган ва таълим олган. Сўзга жуда усталиги ва нотиклиги билан машҳур бўлган. Сехрли тадбиркор шахс бўлиб, унинг ҳаётлигида қалмоқлар Қашқарга бир неча бор хужум қилиб, мавлоно Боқи охунд тадбиркорлиги туфайли зарба еб, қайтиб кетган. Уйғур, қирғиз, ўзбек уруғлари унинг саъй-ҳаракати билан Қашқар кўрғонидан чиқиб, душман устидан ғалабага эришган.

Охунд мулло Азҳар Офокхожанинг шогирди кекса муридларидан бўлган. Қашқар вилояти хожалари уни Офокхожа ҳазратнинг сояси дейишган. У табобатни яхши билган номдор олим бўлиб, асли хўтанлик мусиқашунос олим ва хушовоз ҳофиз. У Офокхожанинг сафарларида иштирок этган, шахсий хизматида бўлган. ⁴

Асли қашқарлик мулла Сотиболди Офокхожанинг муридларидан бири, тасаввуфни тарғиб-ташвиқ қилиш сафарларида фаол иштирок этган, жамият маънавияти кенгашига катта ҳисса қўшган, Офокхожанинг ўғли Хожа Яхё Қашқар ҳокими бўлиб турганида мулла Сотиболди унинг хизматида юборилган.

¹ Машраб. Девон. 2006, 374-375-бетлар.

² А. Абдугафуров. Бобораҳим Машраб. Буюк сиймолар, алломалар. 47-48-бетлар.

³ Омонбек Жалилов. «Офокхожа маноқоби», 9-бет.

⁴ Ўша манба, 11-бет.

Хофиз Махмуд халифа асли кашқарлик Офокхожанинг Англия сафаридида иштирок этган.

Асли андижонлик бўлган мулла Муҳаммад ҳамма фанларнинг билимдони, олим ҳисобланган. У мусиқашунос, бастакор, хушовоз хофиз, уста нотик бўлган. Охунд мулло Боқи Самарқандий Офокхожанинг ишини давом эттирувчи тасаввуф назарийетчиларидан бири бўлган. Боқи Самарқандий Офокхожанинг ишончини қозонган шахсий ошпази, имоми, Қашқар халқининг ишончини қозонган, унга катта хурмат билан қарашган, у бир неча замон эса Ёркенд вилоятининг ҳокими ҳам бўлган.¹

Охунд мулло Отажон Тошкандий – Офокхожанинг яқин дўсти ва шогирди бўлган. Асли хитойлик дунганлардан мулло Юсуф Мочиний атоқли олим, шу туфайли дунганларнинг кўпи Офокхожага шогирдликка тушиб, пиримиз деб унга қўл беради.

Уйғур халқи Машрабни ўз шоиримиз, маънавий устозимиз деб билиб, унинг шеърларини ўн икки мақом мусиқа-куйларга солиб ҳозирги давргача куйлаб келишмоқда. Бу далиллар ҳам ўзбек ва уйғур халқлари маданиятининг бир-бирига жуда ҳам яқин, доимо алоқада бўлиб келганлигини кўрсатади.

Махдуми Аъзам ва унинг авлодларининг Шарқий Туркистонда олиб борган фаолияти мисолида Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон халқларининг маданий алоқаларини ёрқин кўрсата оламиз. Ўрта Осиё саййидлари Шарқий Туркистонда ислом дини ва диний-ахлоқий, таълим-тарбиявий, фалсафий-мистик оқимларнинг тарқатилишида катта рол ўйнаган деган хулосалар чиқара оламиз.

Ана шундай катта дидактик-ахлоқий-таълимий тасаввуф мактаби яратган, Шарқий Туркистонда, қўшни Хитой музофотларида ислом дини ғояларини ёйган Офокхожадек улуғ шайхул аъзам даргоҳида Машрабнинг ихлос билан исломий-тасаввуфий илмларни олиши, унинг даргоҳини азизу мукаррам деб билиши, унга солиҳ мурид тушиши, уни ўзига раҳнамо деб билиши, унинг ўғитларини олиб Офокхожага қарата: «Насихатлар қулоғимга пиримдан англаган қулман» дейиши, бу даргоҳни муқаддас билиши ва Офокхожага содиқ муридлиги эди.

Мутафаккир Машраб «Кўнгулни олдириб даргоҳингга кўп йиғлаган қулман» матлаи билан бошланувчи муҳаммасида Ҳақ ишқида юраги доғланган қул эканлигини, ажалдан кўрқмай Ҳақ ва адолат қидириб юрган миллатпарварлигини, зоҳидга кесатиқ билан эса насихатни қилмаслигини, чунки ўлимдан кўрқмай Ҳақ ва Ҳаққоният учун курашга бел боғлаганлигини, бу йўлда фақат пири Офокхожа насихатларига амал қилажанини изҳор этади:

*Кўнгулни олдириб даргоҳингга кўп йиғлаган қулман,
Муҳаббат ўтига куйган, юрокин доғлаган қулман,
Ажалдин кўрқмайин ҳаргиз белини боғлаган қулман,
Насихат қилмагил зоҳид, ўларни чоғлаган қулман,
Насихатлар қулоғимга пиримдан англаган қулман.*

Машраб фонийликда Офокхожа учун жонини қурбон қилишга тайёрлигини, унинг вафотидан сўнг эса ҳоки пойини кўзга суртишликни, фалакнинг гардиши уни саргардон ҳолга солганлигини, кўзи гирён, ўзи нолон, юраги пора, бағри бирён эканлигини, ўзни, ўзлигини унутиб «Худони излаган қулман» дея ягона, нажоткор Аллоҳни ишқида, унинг жамолини кўриш васлида ёнаётганлигини айтади:

*Қани Офқхожам, пирим, бу жоним айласам қурбон,
Ки топмай хоки пойини юрибман волаю ҳайрон,
Фалақунинг гардиши, дўстлар, мани айлабту(р) саргардон.
Кўзум-гирён, ўзим-нолон, юрак-пора, бағир-бирён,
Ўзумни мосиво айлаб, Худони излаган қулман.*

У онадан туғилиб, ақл ҳушини танигач, унинг Яратган ишқида оҳ урганлигини, ети ёшидаёқ қалбига Аллоҳ нури тушиб, ишқ дўконин қурганлигини, саккиз-тўққиз ёшида тариқат йўлида юрганлигини, Наманганда юргандаёқ эса Офокхожа йўлида интизорлигини, уни кўриш иштиёқида ёнганлигини, туғилибдики, то абад уни излаган қул эканлигини

¹ Ўша манба, 16-бет.

таъкидлаб, Худони англаган, унинг Ягона воҳидлигини билдирган устози Офокхожани алқайди:

*Анодин қай куни туғдим, Санинг ишқингда оҳ урдим,
Ёшим еттига етганда бу ишқ дўконини қурдум,
Дебон саккизда-тўққизда тариқат йўлини сурдим,
Наманган шаҳрида юрдим, Хўжамни бир йўли кўрдим,
Ки андин то абад, дўстлар, Хожамни излаган қулман.*

Машраб мажозий маънода соқийга мурожаат қилиб, қадаҳ сўнишини ва унга муҳаббатдан баён айлашини, Худонинг нури жамолини ва уни кўрган киши унга ошиқ бўлиб қолишини, халойиққа баён айлашини, қайсики муҳаббат йўлига кирган киши ўзидек жафо йўлига нишонлигини, унинг ишқида қалби рақсу само каби жавлон ураётганлигини, Яратгангина доно, Угина бино қилувчи, яъни еру осмонни-қоинотни Яратувчиси эканлигини, шоирнинг «мен»лиги, ўзи эса уни излаган қул эканлигини айтади:

*Кел, эй соқий, қадаҳ сунгил, муҳаббатдин баён айлай,
Худонинг шавқу завқини халойиққа аён айлай,
Муҳаббат аҳлини кўрсам, жафо йўлин нишон айлай,
Ки сирри рақси самони бу зоҳиддин ниҳон айлай,
Ўзунг-доно, ўзунг-бино, ўзингни излаган қулман.*

Машраб илоҳ жамолини кўриш иштиёқида интизорлигини, шунингдек, унга таълим берган Офокхожа завқи-шавқида беқарорлигини, ўз юрти Наманганни ташлаб мусофир, хору-зор бўлганлигини, ҳатто Офокхожанинг итлари билан бирга юрган некбин ва хоксор Машраблигини, унинг – пирнинг ҳасратида кеча-кундуз инграган қул эканлигини яширмайди:

*Муҳаббат дардидин, дўстлар, ўлар бул интизор Машраб,
Хўжамнинг завқи шавқидин юрибман беқарор Машраб,
Наманган шаҳридин чиқгон мусофир хору зор Машраб,
Итининг итлари бирлан юругон хоксор Машраб,
Пирининг ҳасратидин кеча-кундуз инграган қулман.¹*

Хулоса шуки, Машраб пири комили Офокхожа яратган панд-насихат, дидактик тарздаги тасаввуф таълимотидан нафақат баҳраманд, балки уни тарғиб-ташвиқ этувчи солиқ тариқат даъватчиси, тайёр мурид сифатида ҳам эъзозга сазовор бўлди.

Юқорида Машраб таълим-тарбия ва руҳий озуқа олган ижтимоий-маънавий муҳит ҳақида фикр берган эдик, демак, Шох Машрабга у яшаган ижтимоий муҳит таъсир кўрсатди, чунки Офокхожа хонадони зикри – само-дарвешлар зикр-рақс тушадиган даргоҳ эмас, балки таълимий-ахлоқий тарбия мусиқа ва ашула орқали, ғазалхонлик, қироатхонлик орқали, хушовоз ҳофизлар, машшоку гўяндалар ҳам ўз санъатларини намойиш қиладиган хонадон эканлиги билан ибратлидир. Чунки Машраб кўлидан танбур, сетор ҳеч қачон тушмаган, у бу чолгу асбобларисиз юрмаган. Шу хонадоннинг булбулларида бири Машраб эди. Бу тўғрида Муҳсин Зокиров шундай фикр келтирган: «Шу боисдан халойиқ ичра «Машшоқ Машраб», «Ҳофизи Машраб» демоқлик машҳур бўлмишди». Кўриниб турибдики, шоир ҳам бастакор, ҳам машшоқ ва ҳам мисли йўқ хушовоз хонанда бўлган. Зеро, шоирнинг бир қанча шеърларида сетор ва танбур инсон маънавий оламининг ранго-ранг жилоларини мусиқий тил билан ифодаловчи сероҳанг соз сифатида тасвирланади, инсон билан ҳамдамликда ундан чиққан руҳни титратувчи ва мажзуб этувчи ёқимли садонинг овозаси саккиз осмон чегараларидан ўтиб, аршдан ҳам юқорироқ кўтарилишга қодир деб тавсиф қилинади:

*Булбул ила сетор қўшилиб нолага тушди, жон титради шул дам,
Бир нола билан икки садо дилга ёпишди, ишқ ила ҳамдам.*

*... Машраб ила сеторига булбули хушхон, авж нолаи баржо,
Юз ришта бўлиб чирмашибон аршдан ошди, бу нолаи одам.²*

¹ Машраб. Девон. 2006, 467-бет.

² Қиссан Машраб. 89-бет.

Иброҳим Ғафуров «Муҳаббат маърифати» номли мақоласида Чўлпоннинг дутор чалиб, дуторни қалбларни юмшатгувчи, эритгувчи жозибадор, оҳангдор чолғу асбоби эканлигини, муҳаббат изҳорида унинг сеҳрли товуши инсон қалбига хузур бахш этишини ҳатто туғишганидек яқин олиб, талкин этиб ёзади:

*Мен дутор бирлан туғишган қўҳна бир девонаман,
Ўз туғишгоним билан бир ўтда доим ёнаман.*

Дутор деганда улуғ шоир бу ерда муҳаббатнинг чолғуси – унинг худди лира каби тимсолини назарда тутди. Муҳаббатнинг одамга бамисоли қўҳна сўз – илк бора пайдо бўлган Сўз, калима, логос сингари туғма, туғишган эканлигини шундай гўзал ифода этади.¹

Шоир ўз сеторига катта ихлос билан қараган:

*Сеторим торига жон риштасидин тор эшиб олсам,
Ани ким ноласидин бевафони кўнглини олсам.*

*Мақом олиб мақом ичра мақоми дилга жо қилсам,
Муҳаббат кўйига солса ани олдидан ман чолсам.*

*Мақомларнинг атосини Хусайни-ю, Ажам дерлар,
Булардин юқори ким пардаи Баётни чолсам.*

*Баёти Ҳақ таъоло ёдида чолсам паё-пай ким,
Ки кўнгул бенаво бўлгонини билсам наво қилсам.*

*Кел эй Машраб, қадаҳ сўнгил, бўлайин масти мустағрик,
Бир илкка косаи танбурни, бирга жомни олсам.*²

Машраб уйғурларнинг пири муршидлик (пирхонлик) ҳаракатида хонақоҳ ракси (усули)ни шакллантиради, яъни улар раксу самодан фойдаландилар. Аниқроғи, эшон-сўфийлар муридлари билан зикр тушганида, уларнинг ўртасида ёки хутбадан туриб Ҳофизлари тасаввуф мазмунли кўшиқларни айтар, қолганлари эса мазкур кўшиқ куйларига мосланган ракс (усул)га тушиб, зикр қилганлар. Машраб уйғурларнинг ўн икки мақоми куйларидан илҳом олган ва ўз ижодида улардан унумли фойдаланган.³

Пирмат Сеторийнинг «Қиссаи Машраб» асарида Машрабни устоз бастакор ва машшоқ сифатида тасвирлаши бежиз эмас деган хулосага келиш мумкин. Бу ўринда яна Қашқарда Машраб номи билан боғланган етти классик мақомни мавжуд эканлиги ва ҳали ҳам кенг равишда куйланиб келинаётганлиги назарга олинса, Бобораҳим Машраб фақат устоз шоиргина эмас, балки етук машшоқ ва бастакор бўлганлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.⁴

Адабиётшунос И. Сувонқулов Машрабнинг ижтимоий-маънавий ва панд-насихат ҳақидаги қарашларига тўхталиб кўйидаги фикрларни билдирган: «Шоирнинг хусусан миллий ғазалчилик ривожига хизматлари бениҳоя катта. Машраб лирикасида Инсон шарафи ва эрки, гўзаллиги ва маънавияти, эзгуликка талпиниши юксак бадий ифодасини топган.

Унингча, инсон ҳақиқат дарёсининг дури, муҳаббат хазинасининг жавҳари курби фариштадан ҳам аъло бўлган. Аллоҳнинг раҳматига сазовор бўлишига лойиқ бир халқ (Яратилган мавжудот)дир. Ана шу Ҳазрати Муҳаммаддек комил дин, ахлоқ тарғиботчисининг уммати бўлишдек давлату бахтга эга:

*Агар аслинга боқсанг дурри дарёи ҳақиқатсан,
Назар қилсанг ўзинга жавҳари коник муҳаббатсан,*

*Насухдек тавба қилсанг лойиқи дарёи раҳматсан,
Шу давлат сенга етмасмуки, он ҳазратга умматсан.*

Шоирнинг таъкидлаб айтишиича, Холиқ Жаннату бихиштни беҳудага эмас, балки инсон сазовор бўлсин деб яратган».⁵

¹ Иброҳим Ғафуров. Муҳаббат маърифати. «Ўзб. адаб. ва сан. », 2004, 10 декабрь.

² Қиссаи Машраб. 100-бет.

³ Ш. Қўлдошев. Ўрганган ва ўрганган Машрабдур ул.

⁴ М. Зокиров. Эрк ва маърифат куйчилари. 115-бет.

⁵ Иноятулло Сувонқулов. Қалб гавҳари. 12-бет.

Бино қилганди Холиқ сен учун биҳишту жаннатни.

Демак, ҳақиқий инсон ўз дунёвий ҳаёти жаннати бўлишини, орзу қилиб, пок беозор ҳаёт кечириши керак:

Қўлинг бирла тилингдин етмасин ҳеч кимга озоре.

У инсонларга: «Давомат яхшиларни суҳбатини орзу қилгин», - деб насиҳат қилади. Дунёнинг абадий эмаслигини ибрат қилиб кўрсатиб, ортиқча хою ҳавасга, молу мансабга хирс қўймасликни маслаҳат беради:¹

*Жаҳондин олгин ибрат, Одами Ҳавво сафар қилди,
Ўшандоғ ҳазрати Нуҳи набиюлло сафар қилди,
Кўнгулни берма дунёга Ҳалилулло сафар қилди,
Муҳаммад Ҳомиду маҳмуд Русулуллоҳ сафар қилди,
Шу давлат сенга етмасмуки, он ҳазратга умматсан.*

Адабиётшунос Исматуллоҳ Абдуллоҳ Машрабнинг панд-насиҳат ҳақидаги қарашларини, хусусан, унинг «Мабдаи нур» асаридаги ибрат, ахлоқ, таълим-тарбиявий ўғитларини қуйидагича шарҳлаган: «Тасаввуф амалиётида инсоннинг энг ашаддий жирканчли душмани нафсдир. Нафс одамни йўлдан чиқаради, балоларга гирифтор, дину иймонидан жудо қилади, хирсу ҳаво, шаҳват ботқоғига кулатади. Хору зор айлаб пировард оқибат дўзах азобига дучор этиб, Аллоҳ марҳамати ва пайғамбар шарофатидан маҳрум этади. «Мабдаи нур»да бу ҳақда кўплаб ривоятлар келтирилган, насиҳатлар қилинган:

*Кеча-кундуз нафси саркаш ҳамнишин,
Бизни бирлан роздону аҳли кин.*

Ёки:

*Бу замон халқи баҳодиру дамир,
Марди нафси, марди шаҳват, марди кир.*

Ёки:

*Баъзи шиқлар бор иморатларга банд,
Хушларию жонлари қасри баланд».²*

«Мабдаи нур»да иғво, ғийбат каби ярамас хулқлар қаттиқ қораланади. Дўстлик, ахиллик, одамийлик, ўзаро ёрдам мадҳ этилади. У аҳли одамга мурожаат қилиб гуноҳга ботмасликни, бировга ёмонлик қилмасликни ўғит беради: бировларни иғво қилиш, турли айблар қўйиш, маломат тошларини ёғдириш, ёмонлаш қаттиқ гуноҳлардан ҳисобланади. Буюк Шайх Саъдий:

*«Ҳама хаммоли айби хаитанид,
Таъна баайби дигарон мазанид».*

(Ҳамманг ўз айбингни кўтариб юрувчи ҳаммолсан, шунинг учун бошқалар айбига таъна қилма) деганлар. Машраб ҳам шу ғояни ўз асарларида қуйлади:

*Кимки ўз айбини билди, у етар раҳмонига,
Дийда ўз айбингга оч, дигарга нуқсон излама.*

Ёки:

*Ҳар киши ўз айбини билмас мудом,
Толиби маъний эмасдур, нотамом.*

Бир-бирига дўст бўлиб яшаш, яққаланиб қолмаслик, бир-бирига мадакор бўлиш Машраб «Мабдаи нур»да олға сурган ғоялардан бири. Лекин ҳар ким ҳам дўст бўлавермайди, бировнинг мансаби ёки бойлиги учун у билан дўстлашиш ва унга яқинлашишдан қочиш керак:

¹ Ўша асар, ўша жой.

² Исматуллоҳ Абдуллоҳ. «Мабдаи нур». Сўзбоши. 30-бет.

*Дўст улдур ақли комил, нек бахт,
Ҳақ суханни айтса чун юзунгга сахт.*¹

Бобораҳим Машраб Шарқнинг азиз авлиёлари бўлган Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож, Жунайд Бағдодий, Имомиддин Насимий ва Иброҳим Адҳамни шеърларида тилга олган. Негаки, уларнинг ҳаёти Машраб учун ибрат, ёзган дидактик асарларидан эса у илҳом олган. Булар ҳақида халқ китоблари туркумида кўплаб асарлар яратилган ва улар ахлоқий-таълимий, дидактик мазмуни билан севиб ўқилган, ўрганилган. Бу ҳақда филология фанлари доктори Баҳодир Саримсоқов куйидагича ёзади:

«Энг аввало шуни алоҳида таъкидлаш керакки, халқ китобларида мавзулар қамрови ҳам тарихий, ҳам жуғрофий, ҳам ахлоқий, ҳам дидактик, ҳам сиёсий жиҳатлардан жуда ҳам кенгдир. Унда тарихан муқаддас «Қуръон» сюжетлари билан алоқадор Юсуф қиссасидан тортиб, Абу Муслим достонигача, Аҳмад Зангидан тортиб Искандар ҳақидаги қиссаларгача барча-барчаси халқ китоблари учун барҳаёт мавзу бўлиб ҳисобланади».²

Адабиётшунос олим Қ. Тоҳиров «Қиссаи Иброҳим Адҳам» китобининг сўзбошида Иброҳим Адҳамни сўфийлик тариқатининг илк намояндalarидан бири эканлигини таъкидлаган. Адабиётшунос бу ҳақда шундай ёзади: «Фариддин Аттор, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Исмаил Бухорий, Абдуллатиф Балхий, Муҳаммад Сиддиқ Рушдий, Абу Нуотма кабиларнинг тазкираларида бу улуг зот ҳақида сўз юритилади.

Мир Алишер Навоийнинг «Насойим-ул-муҳаббат» асарида ҳам Иброҳим Адҳамнинг дастлабки сўфийлардан бири эканлиги қайд этилган. Шунингдек, Алишер Навоий Иброҳим Адҳамнинг шоҳ бўлганлиги, йигитлик пайтида тавба қилиб, сўфийлик ихтиёр этганлигини ҳам кўрсатган. Навоий уни Шом (Сурия)да (Мелодий 777-778) йиллари вафот этганлигини ёзган».³

Алишер Навоий Иброҳим Адҳам ҳаёти ҳақида ҳикоялар шу даражада кўпки, ҳатто улардан бир китоб тузиш мумкин, дейди. Алишер Навоий замонларигачаёқ Иброҳим Адҳам ҳақида оғзаки, ёзма ҳикоят ва ривоятлар жуда кўп бўлган. Бу ривоятлар шоирларнинг ҳам диққатини ўзига жалб этди. Фақат ўзбек адабиётидагина Иброҳим Адҳам ҳақида Сайқалий, Ҳувайдо, Холис, Санойи кабиларнинг достонлари ҳамда наср ва назмдан иборат «Қиссаи Иброҳим бинни Адҳам» асари юзага келди.

Бу китобга Алишер Навоийнинг Иброҳим Адҳам ҳақидаги маълумотлардан парча, Ҳувайдонинг «Достони Иброҳим Адҳам»⁴ ҳамда «Қиссаи Иброҳимбинни Адҳам» киритилди.

Тадқиқотчи С. Йўлдошева тадқиқотида Иброҳим Адҳамни Балхда таваллуд топиб, кейинчалик шу шаҳарга ҳукмдорлик қилганини ёзади: «Е. Э. Бертельс Иброҳим Адҳамни Балхда туғилса-да, бу ерга жангу жадаллар боис келиб, ўрнашиб қолган аслзода арабларнинг Бану Тамим қавмидан эканлигини таъкидлаган» дейди. Унинг фикрича, Иброҳим Адҳам ҳарбий хизматчи оиласида туғилиб, тарбияланган. Ҳувайдонинг «Достони Иброҳим Адҳам»да унинг Балх шахзодalarидан эканлиги таърифланади. Отаси Каний шахзодalarдан бўлиб, дарвешликни ихтиёр этган киши сифатида тилга олинади. Қиссада яна: «Адҳам девона дер эдилар, саққолик (мешкобчилик) қилиб кун кечирарди»⁵, деб ёзилган.

Тасаввуф олимларидан Жунайд Бағдодий таърифига кўра, Иброҳим Адҳам «Мифтоҳул кулуб», яъни тариқат илмини очган кишидир. Уни оламга машҳур қилган омил ҳам мана шудир. У шоҳлик мартабасига эришгунга қадар ҳам Худойи таолога бандалик қилиб, кечалари ухламас эди, унинг тилида зикру тасбеҳ ҳамду сано эди, фақиру бечораларнинг кўнглини овлаб, хушвақт қилар эди.

Алишер Навоий «Насойимул муҳаббат» асарида бу ҳақда куйидагича ёзади: «Бир кун овга борадур эрди. Хотифе нидо қилдики, эй, Иброҳим сени иш учун яратмайдурлар. Бу сўздин анга огоҳлиғ юзланди ва мулк таркин қилиб, бу тариқа тариқни ихтиёр қилди ва Маккага борди ва анда Суфён Сурий ва Фузайл Аёз ва Юсуф Ғайбулий суҳбатига етишди»⁶

Нуотманинг ёзишига қараганда., умрининг кўп қисми Сурияда ўтган Иброҳим Адҳам ҳижрий 160-166 йиллар оралиғида византияликлар билан бўлган денгиз жангида ҳалок

¹ Ўша асар, 32-33-бетлар.

² Иброҳим Адҳам қиссаси. «Ёзувчи», Тошкент. 1991, Б. Саримсоқов сўзбошиси. 5-бет.

³ Қиссаи Иброҳим Адҳам. Сўзбоши: Қ. Тоҳировники. «Зарафшон», Самарқанд, 1993, -бет.

⁴ Ўша асар, ўша жой.

⁵ Саодат Йўлдошева. Шоҳнинг фақирилик фалсафаси. «Ўзб. адаб. ва сан. ». 1998, 25 декабрь.

⁶ Алишер Навоий. «Насойимул муҳаббат», 38-бет.

бўлган. Шунингдек, бошқа бир манбада айтилишича, унинг жасади Румдаги Сукин калъасида (Кичик Осиёда) дафн этилган. Бертельс эса бошқа фикрни айтади: Иброҳим Адҳам ҳижрий 160 йилда Лаодикей яқинидаги Луккан тоғида вафот этган. Алишер Навоий ва Муҳаммад Рушдий умумийроқ тарзда Шом (Сурия)да вафот этган, деб кўрсатадилар.¹

Достон, қисса ва ривоятларда Иброҳим Адҳамнинг уч муҳитда шоҳ, ўз мулкини тарк этиб, дарвешликни ихтиёр этган ғариб ва сўнгиси Аллоҳ васлига етишган ошиқ сифатида кўрамиз.

Шоҳ сифатида унинг бирон нуқсони йўқ. Султон Иброҳим Балхни обод қилди, халқ учун фаровонлик, тинчлик-тотувлик яратди. Ҳувайдо бу ҳақда шундай ёзади:

*Бу-Иброҳим оти оламга тўлди,
Ки машириқу то мағрибга ёйилди
Қилиб эрди неча йил подшоҳлик,
Тамоми шахри қилди омонлик.*

Шунга қарамасдан у юксак мартабадан воз кечади ва бу билан тарихда мардликнинг олий намунаси сифатида мангу ибрат тимсоли бўлиб қолади.

Иброҳим Адҳамнинг ҳиммати жуда юксак эди. Чунки у тожу тахтни ташлаб дарвешликни ихтиёр этди. Машраб Иброҳим Адҳам мақомини орзу этади. Ишқи Илоҳий нашидасидан умид баҳрамандлиги Иброҳим Адҳамни ҳирқага чулғаниб, гадои фақирлик йўлига ундаган экан, у ҳам фоний дунё сарвати давлатидан воз кечиб, этак силкиб Иброҳим Адҳамдек фақирлик йўлини танлаган. Чунки толиби ишқлик ўзи зарраси бўлган моҳият, унинг Яратган васли нури жамолини кўриш иштиёқи, висол учун Мажнун каби талабгорлик уни бир дақиқа бир сония тафаккурини тарк этмаган:

*Санам юзини кўрсатур ошиғу мубталосига,
Ғами билан бўлгон адо Мажнунни бенавосига,
Толиби ишқ ўлай десанг ҳиммати Адҳами керак,
Зарра қачон етар вале васли санам орасига.
Ёр юзини кўрай десанг, васли билан бўлай десанг,
Рози керак қазосига, сабр керак балосига.²*

Адабиётшунос Қ. Тохиров шундай фикрларни берган: «Алишер Навоийнинг ёзишига кўра, Иброҳим Адҳам ўз биродарлари билан ниҳоят оз миқдорда овқатланиб яшашга келишган экан. Ўтмишда атоқли мутасаввуфларнинг кўплари ана шундай ҳаёт кечирганлар ва шу орқали юксак маънавий-руҳий ютуқларга эришганлар. Бундай мутасаввуфларни Алишер Навоий азизлар деб атаб, ҳатто шоҳлар ҳам уларнинг остоналарига юзларини суруб, тупроғини кўзига тўтиё қилганликларини ёзади. Бундай мутасаввуфларнинг ўз нафсларини жиловлаб, ғорларда узлатда яшашлари орқали ҳосил қилган фойдалари, яъни илмлари умуминсоният маънавий манфаатлари учун хизмат қилган».³

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Абдурахмон Жомий, Хожа Аҳрор, Алишер Навоий кабилар одамлар орасида доимий алоқада бўлиб яшашни афзал билдилар, инсон бахти, тинчлиги учун курашдилар. Ҳаётга муносабат, яшаш тарзида катта фарқ бўлса ҳам бу мутасаввуфлар бир-бирларини инкор этган эмаслар. Жумладан, буюк шоир Алишер Навоий сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётга фаол аралашиб кун кечирган ва шундай яшашга чақирган бўлса ҳам, дунё ишларидан кўл тортган мутасаввуфларни қоралаган эмас. Иброҳим Адҳам ана шундайлардан биридир.

Бобораҳим Машраб узлатга чекинмаган, аммо Иброҳим Адҳам йўлини танлаган сўфий эди.

Шунинг учун бўлса керак, Машраб ҳатто вужуддаги омонат жон ҳам агарки инсонда дард, Илоҳни кўриш иштиёқи бўлмаса арзимасдир, деб билади:

*Арзанега арзимас бул тандаги жонинг санинг,
Дилда дардинг йўқдур, оқмас дийда гирёнинг санинг.*

¹ Саодат Йўлдошева. Шоҳнинг фақирлик фалсафаси.

² Машраб. Девон. 2006, 62-бет.

³ Қ. Тохиров. Қиссаи Иброҳим Адҳам. Сўзбоши. 5-бет.

*Ҳимматинг гар бўлса холис, етти Дўзахни бузар,
Бўлса Иброҳимсифат оташ чу бозоринг санинг.*

Иброҳим шоҳликни ташлаб Маккага отланган пайтда унинг хотини Зулфия ҳомиладор эди. Вақти-соати етиб, Зулфия ўғил туғади. Унга Муҳаммад деб исм қўядилар. Муҳаммад вояга етгач отасининг кимлигини онасидан сўраб билиб олади ва уни излаб Маккага жўнайди. Маккадан Мадинага бориб, отаси дийдорини кўради, бироқ сал ўтмай вафот этади. Ўғлининг вафотига чидай олмаган Иброҳим ҳам шу ерда ўғлининг қабри устида жон беради. Эри ва ўғлини излаб келган Зулфия ҳам эрининг жаназаси устидан чиқиб қолади ва қайғу-аламга бардош бера олмай дунёни тарк этади. Уччови ҳам ёнма-ён дафн этилади.¹

Қисса таркибида баъзан ўйноқи, киши қайфиятини кўтарадиган ва баъзан жуда қайғули, маъюс қилувчи, ўйлантирувчи ғазал, мураббаъ ва мухаммаслар кўп келтирилган. Уларнинг бир қанчаси «Қиссаи девона Машраб», «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун» киссаларидаги шеърларга ўхшаш. Бу шеърлар айрим шоирлар ижодига ҳам таъсир кўрсатган. Қисса халқ ўртасида жуда машхур.

Айниқса, мотам кунларда хотин-қизлар орасида жуда кўп ўқилади. Яқинидан айрилган инсоннинг қалбидан отилиб чиққан нолаларни ифодаловчи шеърлар мотамийлар кўнглига таскин беради, сабр ва тоқатга чақиради.

Машраб Иброҳим Адҳам ҳаётини, у ҳақдаги ўзидан олдинги мутасаввуф сўфийлар қолдирган маънавий-ахлоқий-таълимий, дидактик тарздаги қасидаю, халқ китобларидан огоҳ ва баҳраманд бўлгани ҳолда, ғазалларида бу улуғ сўфийни тилга олган. Чунки Иброҳим Адҳам қайғуси ва ҳасрати билан Машраб дард аламлари бир хил дард, шунинг учун у «дарду ғамга ошно қилди бу дард» деб у қандай йиғлаган, кўз ёши тўккан бўлса, у ҳам шундай бўзлайди:

*Охиримни дарду ғамга ошно қилди бу дард,
Йиғламай найлайки, рўзимни сиё қилди бу дард.*

*Кийибон эғнима, қон йиғлайки, мотамлик либос,
Не даволарни ер ичра фано қилди бу дард.*

*Ёғдуриб бошимга ҳар соат лаҳаднинг гардини,
Кўр бу ҳолим: ғамзода бахти қаро қилди бу дард.*

*Ҳамнафаслардин жудо айлаб мусибат шаҳрига,
Ошноларни манга ноошно қилди бу дард.*

*Қайғулик бошимга ҳар дам кўҳи ғамни орттуруб,
Мисли Адҳамдек жаҳондин мосуво қилди бу дард.*

*Ичканим заҳрабо бўлди, кийганим бўлди кафан,
Бошима тўққиз фалакни осие қилди бу дард.*

*Ғусадан ўртанди Машраб, сўрмадинг аҳволини,
Дўст-душманга мани ангустнамо қилди бу дард.²*

Иброҳим Адҳам ҳақидаги ривоятларда олға суриладиган асосий ғоялар камтарона ҳаёт кечириш, раҳмдил бўлиш, нафсга азоб бериш орқали руҳий покизаликка эришиш, бу дунёда ҳеч бир кишига, ҳатто жониворларга ҳам азоб бермасликка ундаш кабилардир.

Айрим мутасаввуфлар ақидасига кўра, инсон жисми, танаси тупроқдан яралганлиги учун ейиш-ичиш, безаниш, шаҳвоний ҳислардан лаззатланиш кабиларни ёқтиради. Шунинг учун тана инсонни тубанликка ҳайдайди. Руҳ эса бундан азоб чекади. Тана билан руҳ ўртасида доимий кураш кетади. Бу курашда тана ғолиб келса инсон разолатга ботади. Агар руҳ ғолиб келса, инсон маънавий юксакликка эришади, бу дунё билан боғлиқ ҳар қандай тубанликлардан-бойликка, ҳирс қўйиш, кишиларга озор бериш, вафосизлик, золимлик, мақр кабилардан халос бўлади. Танани ўзига бўйсундирган руҳ ўзга олам билан алоқа боғлай

¹ Ўша манба. 4-бет.

² Машраб. Девон, 2006, 76-бет.

олади. Бундай алоқа инсоният учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган илм-маърифатга йўл очади.¹

Машраб Мажнун каби Илоҳий ишқ даъво қилмоқчи бўлсанг, ўзингни ҳоки пойгоҳда кўришни истасанг, шому саҳар фиғон этиб, Аллоҳни танишни билмоқчи бўлсанг, Иброҳим Адҳамдек ўзлигингдан кечиб, туну кечалар уйғониб, шому саҳар дуода бўл, Ҳақ васлини тиламоқчи бўлсанг эртани кеч қўймайин Иброҳим Адҳам йўлини танла дея ўғит-панд, насиҳат қилади:

*Даъвийи ишқ этгали Мажнуни бенаво керак,
Ўзини хоки по этиб дарбадари гадо керак.*

*Шому саҳар фиғон этиб, эртани кечга қўймайин,
Орифи Ҳақ бўлай десанг Адҳами бенаво керак.*

*Ҳам жаҳди ҳам жадал қилиб, ёрнинг васлини тилаб,
Тун-кечалар уйғониб, шому саҳар дуо керак.²*

Иброҳим ўткинчи дунёнинг хурсу ҳавасларидан, шоҳликдек поёнсиз ҳуқуқ ва имкониятлардан воз кечиб, фақирликда яшашда отаси Адҳам девонадан ўрнак олади. Ундаги ибрат бошқа сирларнинг самараси учун илк асос, пойдевордир. Ана шу пойдевор бўлмаганида Иброҳимнинг мардлиги бу қадар ишонарли ва таъсирли бўлмаган бўлар эди.

Машраб Аллоҳ ёдини ҳар бир одамнинг кўнглига солганлигини, сўфийлар тоату тақвосига мағрурлигини, аммо у нокасу ножинсларга ўзини тенг этмаганлигини, Сураи Ёсинни хатм этиб, Ягона Аллоҳ васли учун йиғлаганлигини, норасоларни тўғри йўлга солишга ҳаракат қилаётганлигини ўғит беради, шунингдек, Муҳаммад пайғамбарни Худонинг дўсти деб билганлигини, подшоҳ Иброҳим Адҳамни тахтдан тушириб, кўнглига, қалбига Ҳақ ёдини солиб, гадо, дарвеш ҳолига туширганлигини таъкидлайди:

*Шоҳи Иброҳими Адҳамни тушурдим тахтидун,
Ёди Ҳақни кўнглига солдим, гадо қилдим бу кун.*

*Ҳар киши ихлос ила девонани маҳкам тутар,
Қўл очиб ҳаққига онинг кўп дуо қилдим бу кун.*

*Лоф урар бўлсанг бу йўлга кирмагил, эй Машрабо,
Неча йиллик бемимонни боимон қилдим бу кун.³*

Адабиётшунос олим Нусратулло Жумахўжа «Хувайдо тасаввуфий шеърларида фалсафий-бадий талқин» тадқиқий мақоласида Хувайдонинг Иброҳим Адҳам ҳақидаги «Роҳати дил» манзумасига тўхталади. Бу асар панднома бўлиб, Хувайдо бадий услуби Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб каби йирик сиймоларга яқин туришини таъкидлаб, Машраб сохта, тақводор зоҳид суратини чизганлигини, уни риёкорлигини, намозу тақвосин эл кўзига қилаётганлигини эслатиб, унга ўғит беради:⁴

*Намозу тақвосин зоҳид қилур олам аро машҳур,
Ўғуруб субҳасин тинмай, иши доим риё эмиши.*

Г. Ниёзов ва Қ. Аҳмедовлар томонидан нашрга тайёрланган «Мабдаи нур» кичик дастлабки нашрда тасаввуфий руҳда ёзилган Машрабнинг панд-насиҳат ҳақидаги фикрлари бўртиб турганлигини таҳлил этган Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжа ўғли қуйидаги фикрни келтирган:

*Хайру шарни он қадар таҳқиқ қил,
Эй Аминиддин мани пандимни бил.*

*Саргарон айлар сани кибру гурур,
Гарчи мунда билмасанг марг билдирур.*

¹ Қ. Тоҳиров. Қиссаи Иброҳим Адҳам. Сўзбоши. 5-бет.

² Машраб. Девон. 2006, 113-бет.

³ Машраб. Девон, 2006, 231-бет.

⁴ Нусратулло Жумахўжа. Хувайдо тасаввуфий шеърларида фалсафий-бадий талқин. Шарк юлдузи. 1998, 4-сон, 179-бет.

«Мабдаи нур»даги дастлабки ушбу мисраларда Бобораҳим Машраб ўзининг фалсафий-тасаввуфона қарашларини ифодалаб, инсон билан Яратувчи Аллоҳнинг асли бир воҳид, лекин инсон вужуди бир най бўлиб, унга жон яширинган. Ўз аслидан ажралган руҳ-жон яна ўша вужуди мутлақга бирлашиши, васлига восил бўлиш шавқида найдан нолакор садолар чиқади. Муаллиф фикрни давом эттириб, бизга номаълум Аминиддинга насиҳат қилиб, хайру шарни таҳқиқ қилишга даъват қилади. Шунингдек, инсон беш кунлик ёруғ дунёдаги умрини кибру ғурурга берилмаслигини уқтиради. Асарда бундай ахлоқий-фалсафий қарашлар кўплаб учрайди. Бу хилдаги фикрлар асар таркибига сингдирилиб юборилган ғазаллар-мустаназотларда ҳам ёрқин кўзга ташланади.¹

Жумладан куйидаги:

*Сақирдин ҳам батардур марди ноқобил била юрмоқ,
Агар мард топмасанг, лозим эрур узлатда ўлтурмоқ.*

Яъни сафарда, ҳаётда ноқобил одам билан ҳамроҳ бўлиш дўзахдан ҳам қаттиқ азоб берувчи сақарга дучор бўлмоқ билан баробар. Агар яхши мард инсон топилмаса, узлатда ўлтурмоқ афзал, дейди.

Бир қатор кибру ҳаволи-такаббур кишилар қораланади. Чунончи:

*Такаббур аҳлига зинҳор салом алик демай ўтгил,
Аларни бошича бу деу малъунни ҳавоси бор.*

Бу хилдаги мисраларни кўплаб келтириш мумкин. Уларни Машраб турли ўхшатиш, талмиҳ, тазод каби қатор бадий тасвирий воситалар билан беаган. Ушбу ғазал мустаназотларни ўқиган ўқувчи, улардан маънавий озик олиш билан бирга юксак бадий завқ ҳам олади.²

Бобораҳим Машрабнинг дидактик-панд насиҳат ҳақидаги мухаммаслари ҳажман катта ва ижтимоий-маънавий нуқтаи назардан ҳар бир инсонга, айниқса камолот ёшидаги ўсмирга таълим-тарбиявий жиҳатдан кўмак берувчи шеърӣ асардир. Шундай мухаммаслардан бири «То отанг рози эмас...» мавзусидаги шеърӣдир.

Ота улуғ зот. Ота – инсониятнинг бош бўғини. Аллоҳ отамиз ва пайғамбаримиз Одам алайҳиссаломни тупроқдан яратди. Фоний дунё ҳаёти шундан бошланади. Аллоҳ отамиз Одам алайҳиссаломга тавҳид йўлини ўргатди. Барча амрларига амал қилишни буюрди. Бунинг эвазига мисли тасаввуримизга-да сиғмайдиган ажру савоблар ваъда қилди. Шубҳасиз, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Отамиз Одам алайҳиссалом инсониятнинг жисман мавжудлигига сабабчидирлар. Бинобарин, барча оталар Одам алайҳиссалом ворислари ҳисобланади. Ота номининг улуғлиги, ота номининг мубораклиги шундан.³

Отамиз ва пайғамбаримиз Одам алайҳиссаломга яратилган кунлардан бошлаб Аллоҳ билим ва маърифат ато этган. Билим ва маърифат нури билан ул зотни фаришталардан устун қилган. Мана шундай тадбир боис, инсоният Аллоҳ қодир қилганича борлиқ сирларини ўрганиб, ўзлаштириб келади. Дунёвий ҳаётини амалларга сарф этади. Охиратини обод қилишга уринади, инсониятни бундай амалларга ўргатган биринчи муаллим бу отадир.⁴

Ҳазрат Навоийда шундай байтлар бор:

*Ҳақ йўлида ким санго бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.*

Машраб отани норози қилганларга ўғит-насиҳат қилиб, ҳатто гўр ҳам уни қабул қилмаслигини, чиркин тани мурдорлигини, ўзи бадқирдорлигини, отага азоб берувчиларни Худо ҳам бандам демаслигини, Яратган ҳам ундан безорлигини, ота розилиги, Худо розилиги эканлигини таъкидлаган:

*Бўйи раҳмат анга етмас, кимки бадқирдордур,
Гўр ани қилмас қабул, чиркин тани мурдордур,
Чун Худо бандам демас, ҳар кимки дил озордур,*

¹ Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур. «Фан», Тошкент, 1994, 8-бет. Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжа ўғли сўзбошиси.

² Ўша манба. 9-бет.

³ Раҳматаллоҳ Носир. «То отанг рози эмас...». «Янги аср авлоди», Тошкент, 2003, 10-бет.

⁴ Ўша манба, ўша жой.

*Ким падарозордур, ондин Худо безордур,
То танг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сани.*

«Арш аъзамдин улуғдур бандага амри падар» деб отани улуғлайди. Машрабнинг фикрича, инсон волид-ота олдида беадаблик қилмаслиги, унинг олдида ўзини кулдек тутиши лозим. Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ: «Аллоҳ таолонинг рози бўлиши отанинг рози бўлишига ва унинг ғазаби ҳам отанинг ғазабига боғлиқдир», деганлар. Мутафаккир фикрича, ота тарбиясини, ўғитини олган оқил киши касофат иш қилмайди. Ҳеч кимга хиёнат қилмайдиган киши ота тарбиясидан баҳраманд бандаи мўминдир. Падарига озор берувчига Яратган ҳам шафоат қилмайди. Ота розилиги Унинг, Яратган розилигидир:

*Ҳеч оқил ўзини аҳли касофат айламас,
Бул гиёҳи талхини ҳеч ким зироат айламас,
Ким падар озордур Аҳмад шафоат айламас,
Бандаи мўмин омонатга хиёнат айламас,
То танг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сани.¹*

Бобораҳим Машраб маънавиятида, унинг ўғит-насихат, дидактик-ахлоқий шеърлятида пайғамбар Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи вассаллам, унинг икки олам сарвари мўмину мусулмонларнинг раҳнамоси, коинот гултожи бўлган одам аҳлининг яқтоси сифатида азизу мукаррамлигини мадҳ этувчи гўзал мухаммаслари жуда кўп.

«Қани марде қиёмат хавфидан тор бўлса мижғони», «Илоҳо бандаларни нури покнинг бирла ҳамроҳ қил», «Ажаб бахти қароман, жавҳаримдин айрилиб қолдим», «Оси умматларини пайғамбарларга еткур, эй Худо», «Ул чироғу пурзиё бўлган Муҳаммад Мустафо», «Равзаи покнингга келдим, ё Муҳаммад Мустафо!», «Оси умматга шафоат ё Муҳаммад Мустафо!», «Муҳаммад Мустафо отлиғ манинг пайғамбарим бордур», «Ё Муҳаммад бир мадад қилгил шафоат вақтидур», «Кўлумни сан туто кўргил, ки ё Расулуллоҳ», «Чунон аламзадаман, Мустафодин ўзга ёрим йўқ» каби Пайғамбарни улуғлаган, унга ҳамд, сано, наът, суруд бағишланган шеърлий мухаммаслари мавжуд.

Аввало «Қиссаи меърожномаи Расули Акрам» мустазоди ҳақида Ж. Юсупов қуйидаги фикрларни келтирган: «Пайғамбаримизнинг (с. а. в) меърожлари – малакут оламига чиқишлари, Арш, Курси, Лавҳ, Қалам, Жаннат, Дўзах ва бошқа ажойибу ғаройиботларни кўришлари, Аллоҳу таоло билан сўзлашишлари ва яна қайтиб келишларига ишонмаслик куфр саналади. «Қисса»да Муҳаммад алайҳиссаломнинг меърожларига ишонмай шарманда ва шармисор бўлган бир яҳудийнинг бошидан кечирган хунук воқеалари ва охирида ўз қилмишидан пушаймон бўлиб кечирим сўраши ҳамда мусулмончиликни қабул қилиши воқеалари ривоят қилинади».²

Машраб пайғамбардан шафоат тилаб, мусулмон бандаларни Илоҳ нури билан покиза қилишни сўрайди, умматларни Муҳаммад ҳурматидан Яратган олдида юзини ёруғ қил, ҳаммага нури тоат қасрини тухфа қил, кўзим ёшини ҳар қатрасини ҳар бир банда учун тўккил, осий умматинг бўлган, адашган Машраб кулингни Расулуллоҳга ҳамроҳ қил деб ўғит, панд беради:

*Илоҳо, бандаларни нури покнинг бирла ҳамроҳ қил,
Муҳаммад ҳурматидин умматига заррае во қил,
Ҳамага нури тоат бергилу қасримни боло қил,
Кўзумнинг ёшини ҳар қатрасини дуру якто қил,
Адашган осий умматни Расулуллоҳга ҳамроҳ қил.*

Адабиётшунос олим Муслиҳиддин Муҳиддинов «Ҳазрати пайғамбар сиймоси» илмий тадқиқотида Расули акрамнинг руҳоний кўринишларини Алишер Навоийнинг «Ҳайрутул аброр» асари сюжетида сингдирилганлигини келтириб, унда Навоий салафлари йўлини давом эттириб, унга ҳамд, наът билан ёндошганлигини таҳлил этган. Пайғамбарнинг Ер юзига келтирган энг улуғ мўъжизаси – бу Каломи Шариф, яъни Қуръони карим. Муҳаммад Мустафо пайғамбарлар силсиласида сўз моҳири сифатида шухрат қозонган. Ул жанобнинг нутқи, ваъзи, оятлари илоҳий ваҳийлар эди. Қуръон сўзлари Аллоҳнинг каломи бўлиб,

¹ Машраб. Девон. 2006. 409-бет.

² Ж. Юсупов. Сўзбоши. Машраб. Девон. 2006, 42-бет.

Жаброил алайҳиссалом Ҳазрати Муҳаммадга етказиб турган. Ҳазрати Муҳаммад Мустафо буни ўз навбатида халққа етказган.¹

«Қуръон»да исломий ақидалар, ваҳдат ва тавҳид ғоялари, мўъмин-мусулмонлик рукнлари, фалсафа ва ҳикмат, ғайб асрори ифодаси бўлган тилсимли маънолар, шунингдек, мўъминларнинг кундалик ҳаётига доир кўрсатмалар бор. Одам фарзандига керак бўладиган барча ахлоқий-маънавий нарсаларни бу муқаддас китобдан топиш мумкин. Ҳадислар ҳам инсон камолотига хизмат қилувчи, унинг ҳаёт тарзини йўлга солувчи ўчмас чироқлардир. Пайғамбар шариатни жорий этиш билан инсоният маънавияти тарихида бурилиш ясади. Одамлар яхшини ёмондан, гуноҳни савобдан, ҳаромни ҳалолдан ажратадиган бўлдилар.

Бобораҳим Машрабга пайғамбарнинг башарият учун қилган хизматлари, бутун ислом оламнинг унга бўлган эътиқоди ҳайратга солади, пайғамбарнинг фоний оламдан кечиши лаҳзаларини мушоҳада, тафаккур қилган шоир «Кўнгул бозорида бир гавҳаримдан айрилиб қолдим», «Кўюнғ, йиғлайки ман Пайғамбаримдин айрилиб қолдим», «Азизим, ҳамдамим, ғампарваримдин айрилиб қолдим», «Адашиб карвондин раҳбаримдин айрилиб қолдим» дея нола қилади, пайғамбар қолдирган маънавий меросдан башарият фойдаланишини насихат қилиб, уларга ўғит беради:

*Ажаб бахти қароман, жавҳаримдин айрилиб қолдим,
Мисоли қумридек болу паримдин айрилиб қолдим,
Фалак лабташнасиман, соғарамдин айрилиб қолдим,
Бу кун ғамдийдаи тожи саримдин айрилиб қолдим,
Адашган хаста дилман раҳбаримдин айрилиб қолдим.*²

Машраб мухаммасларида Расули акрамнинг фазилатлари, шамойиллари, юсак ахлоқларини ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади. Пайғамбарга бағишланган мухаммаслар, ҳамд, сано, наът, суруд, фахрия ва қутловлар билан айтилган. Пайғамбарни мадҳ этишдан мақсад, инсонларга унинг маънавий фикрларини, эзгу ғояларини, ижтимоий-ахлоқий, таълим-тарбиявий, дидактик-панд-насихатларини етказиш, ундан мусулмони комил бўлган кишилар баҳраманд бўлишига чорлаш эди.

Шу ўринда турк мутасаввуф алломаси Закои Кўнрапанинг «Пайғамбаримиз ва ашараи мубашшара» китобида тасвирланган пайғамбарнинг шамоиллари ҳақидаги фикрларни келтиришни лозим топдик: Расули акрам ўрта бўйдан новчароқ, йирик суякли, гавдали, баққуват, хушбичим бир инсон бўлганлар. Терилари юмшоқ, вужудлари қизғиш-оқ, киприклари қора ва узун, кўзлари қора ва каттагина. Икки қошларининг ораси очиқ, бироқ бир-бирига яқин. Соқоллари қалин ва бир тутам. Катта бошли, ҳилол қошли эдилар. Пешоналари баланд, бурунлари текис бўйчан. Кўкраклари кенг эди. Қоринлари билан кўкраклари бир (текис) эди. Семиз ҳам, ориқ ҳам эмас эдилар. Тиғиз этли эдилар. Қадамлари ясси эмас, чуқур эди. Кўзлари узоқни кўрар, қулоқлари узоқдан овоз олади. Оғизлари каттагина бўлиб, тишлари зич жойлашган эди. Юзларининг бутун чизиқлари кўринади. Гўзал юзли эдилар. Гўзал вужудли эдилар.³

Жавдат Пошо дейдики:

«Ранглари на оҳак мисол оқ, на сарғимтир, балки икки ўртасидаги гул каби қизилга яқин, оқ-порлоқ бўлган; муборак юзларидан нур тараларди. Кўзларининг оқида ҳам қизиллик бор эди. Тишлари инжу каби порлар, гапираётганларида гўё тишларидан нур сочилар, кулаётганларида оғизлари бир латиф чакмоқ каби зиё таратиб очилар эди.»⁴

Вафотларида соч-соқоллари эндигина оқаришни бошлаган эди».

Асҳобдан Ҳазрати Жобир:

«Пайғамбарнинг юзлари, қуёш, ой янғлиғ порлоқ эди. Моҳтобли бир кечада бир пайғамбаримизнинг муборак юзларига, бир ойга қарадим. Расулulloҳнинг юзлари янада жозибакор эди», деган.

Мутафакир Машраб Яратгандан мадад сўраб, осий уммат эканлигини, жумлаи бандаларни гуноҳини афв этишлигини, йўлдан адашганларга тўғри йўл кўрсатишини, юзини

¹ Муслиҳиддин Муҳиддинов. Ҳазрати пайғамбар сиймоси. Мулоқот. 1995, 1-2-сон. 26-бет.

² Машраб. Девон. 2006, 442-бет

³ Закои Кўнрапа. Пайғамбаримиз ва ашараи мубашшара. «Мовароуннаҳр», Тошкент, 1995, 154-бет. .

⁴ Ўша манба, 157-бет.

Яратганнинг ўзигина ёруғу мунаввар қилишини, чанқоқ ва ташна Машрабни – жаннатдаги Фирдавс кавсар сувидан баҳраманд этишлигини илтижо қилиб сўрайди:

*Ташнаман Фирдавси ул кавсарга еткур, эй Худо!
Ҳамчунон дарёйи нур анварга еткур, эй Худо!
Йўлдан адашганларни Сан раҳбарга еткур, эй Худо!
Жумлаи умматни ул Сарварга еткур, эй Худо!
Оси умматларни Пайгамбарга еткур, эй Худо!*¹

Машраб Муҳаммад Мустафонинг чироғи мудом ёруғлик, нур бериб туришлигини, барчага пушти паноҳ эканлигини, ўзлари гавҳари қимматбаҳо эканликларини, умматига раҳнамо, барчага соҳибдуо эканликларини таъкидлайди.

Шунингдек, шоир ранж-алам чеккан доно Айюбни, мурдаларни тирилтириб, қайта ҳаёт бағишловчи Исони, Кўҳи Тур тоғида юрган Мусони, одамзот тақдири, унинг ёрқин ҳаёти учун қайғу чекаётган, дуру қимматбаҳо бўлган Муҳаммад Мустафони излайди, кўмсайди, уни соғинади, сўроқлайди:

*Ранжу меҳнатларни кўрган Айюби доно қани?
Мурдаларни зинда қилган ҳазрати Ийсо қани?
Кўҳи Тур устида роз айтган ўшал Мусо қани?
Қайғуи мотамда қолган ул Расулulloҳ қани?
Бас, дуру қимматбаҳо бўлган Муҳаммад Мустафо.*²

Машраб Худонинг барча бандаларига раҳмдил ва меҳрибон эканлигини, гуноҳкорларнинг қилган гуноҳини сўраса афв этишини, Ҳақ йўлига кирган киши гуноҳлардан мосуво ва пок эканлигини, бу йўлда ранж-алам чеккан киши оқибат манзилга етишлигини, ўзида унинг хоки пойига-равзасига зиёрат қилиш учун келганлигини таъкидлайди. Шунингдек, аввал Худодан, кейин Муҳаммаддан умид кутиб, унинг даргоҳи улуғлигини, ўз кулини ноумид қайтармаслигини Худодан сўраб, илтижо қилади, Маҳшар куни унинг шафоатига умид боғлайди:

*Аввали охир Худо, ул кун Муҳаммаддин умед,
Бозийи ҳазратдаги муҳри нубувватдин умед,
Бу улуг даргоҳ эрур, қайтарма қулни ноумед,
Ташналар Маҳшар куни қилгай шафоатдин умед,
Равзайи покингга келдим, ё Муҳаммад Мустафо!*³

Закои Кўнрапа Расули Акрамнинг хушхулқ ва ахлоқлари, одамлар учун ибрат, намуна бўлган сурат ва сийратлари, зоҳирий ва ботиний жиҳатларини акс эттириб шундай фикрларни ёзган: «Расули Акрам саййидимизнинг устун ахлоқлари ҳам фитратлари (яратилишлари) каби эди. Илк ваҳий келгандан сўнг Ҳиро (Нур) тоғидан Ҳазрати Хадичанинг ёнига қайтган пайтларида завжалари Хадича у кишига тасалли бериб:

«Аллоҳга қасамки, ҳеч қачон Аллоҳ Сизни уялтириб қўймайди. Чунки Сиз акраболарнинг ҳолидан хабар оласиз. Қарздорларнинг қарзини тўлайсиз. Камбағалларга ёрдам берасиз. Муҳтожларнинг оғирини енгил қиласиз!» деган, пайгамбаримизнинг юксак ахлоқларини баён қилган эди».⁴

Бошқа завжалари Ҳазрати Ойиша она эса, Расули Акрамнинг ҳол ва шонлари ҳақида сўрашганида:

«Расулulloҳнинг ахлоқлари Қуръон эди», дея жавоб берган.

Дарҳақиқат, Расули Акрамнинг ҳаётлари Қуръоннинг жонли бир кўриниши бўлган. У кишининг шахсларида Қуръоннинг бутун амрлари кўринар эди. Қуръон инсонларнинг руҳ ва баданидаги бутун қувватларни ёритувчи бир юксак ахлоқ намунаси бўлгани каби, Расули Акрамнинг умрлари ҳам юксак ахлоқнинг амалий бир соҳаси эди. Шу сабабли мусулмонларнинг икки иршод манбалари бўлиб, улар: бири Аллоҳнинг китоби, иккинчиси эса комиллик намунаси бўлмиш Расулulloҳнинг ҳаётларидир.

¹ Машраб. Девон. 2006. 482-бет.

² Машраб. Девон. 2006, 484-бет.

³ Машраб. Девон. 2006, 488-бет.

⁴ Закон Кўнрапа. Расули Акрамнинг фазилятлари. «Ўзб. адаб. ва сан. ». 1997, 26 декабрь.

Ислом дини юксак ахлоқнинг тамали бўлгани каби, Расули Акрам ҳам: «Мен фақат гўзал ахлоқни мукамаллаштирмоқ учун юборилдим», деб марҳамат қилдилар.

Қуръони каримда эса:

«(Эй мўъминлар), Сизлар учун – Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг пайғамбарига (иймон-эътиқод ва хулқ атворида) гўзал намуна бордир», дея марҳамат қилингандир.

Жаноби Ҳақ пайғамбарларини гўзал ахлоқли қилиб яратди. Расули Акрам фазилатни фазилат бўлгани учун ёқтирардилар.¹

Машраб қиёмат хавфидан йиғлаб доим кўз ёш тўқади. Пайғамбаримизнинг авлиёлар, анбиёлар сарвари деб мадҳ этади. Сирот кўпригига борилганда, тамоми халқнинг номайи аъмоллари тарози тошига қўйилганда, дўзах ўти чандон ёниб турганда, қиёмат ваҳмидан гуноҳкорлар ларзага келиб титраб турганда, фоний дунёда қилган хайр-эҳсонлари учун баъзи осийларни ҳимоясига олишини Пайғамбардан сўрайди.

Мутафаккир шоир шому саҳар Аллоҳнинг расули, элчиси бўлган Муҳаммадга бағишлаб наът ўқийди, чунки қиёмат хавфидан у огоҳ этувчи элчи эканлигини бандаларга англатади, Аллоҳнинг бандаларини иймонини бутун ва саломат қилишларини, фоний дунё давлату бойлигини кўзга илмасликни, аксинча Ҳақни эслашни ва ундан кўрқишни огоҳлантириб, насиҳат қилади, Муҳаммаддек пайғамбари борлигига шукроналик келтиради:

*Баён эт, Машрабо шому саҳар наъти Муҳаммадни,
Керак агар умматига айласа ёди қиёматни.
Кеча-кундуз ҳаробат истагай Ҳақдин шу давлатни,
Ато қилгай Худо умматга иймони саломатни,
Муҳаммад Мустафо отлиғ манинг Пайғамбарим бордур.*

Машраб чорёрлар ва авлиёлар Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Ҳайдар, Ҳасан, Ҳусайн ҳаққи Муҳаммад пайғамбардан мадад сўраб, шафоат тилайди:

*Йўлда қолгон интизору божигарларнинг ҳақи,
Орзусига етмаган беболу парларнинг ҳақи,
Ул Абу Бакру Умар, Усмону Ҳайдарнинг ҳақи,
Ҳам Ҳасан бирлан Ҳусайн ул икки гавҳарнинг ҳақи,
Ё Муҳаммад, бир мадад қилгил шафоат вақтидир.²*

Бобораҳим Машраб шеърятнинг мусаддас жанри ҳақида сермахсул ижод этган мутафаккир шоир эканлигини эътироф этамиз.

Пайғамбар (с. а. в.)нинг умрларида оғизларидан бир марта бўлса-да, ёмон сўз чикқан эмас. Гапирсалар сўзнинг энг тотлиси, чиройлисини гапирганлар. У кишининг сўзларини бутун асҳоб бошини эгиб, жон қулоқлари билан тинглар эди.

Пайғамбаримиз ёлғондан, ёлғончилардан нафратланганлар. Гапираётган одамни диққат билан эшитар, ҳеч кимнинг гапини бўлмас эдилар. Ҳамма кулганида Расули Акрам фақатгина табассум қилганлар. Пайғамбаримизга каттик, кўпол сўз айтилганида, рўпарадаги одамнинг бу сўзларини сабр билан қарши олар, ўзларини мақтаганларни эшитишни ёқтирмас эдилар.³

Замона бегу султонларию, каззоби мунофиқлари тазйикидан Машраб кўнгли ранжимаган дейиш қийин. Машраб ўзини бетавфиқу қаллоблар дастидан аламзада санайди, аввало холиқу жаббордан, сониян Муҳаммад Мустафодан ва сўнгра чориёрлардан мадад кутиб улардан ўзга ёру ҳабиби-дўсти, рафиқи йўқлигидан қалби изтироб чекади, бу соҳибдуо ва орифлардан руҳ олади, Худонинг некбин ва хоксор бандаси эканлигини изҳор этиб, Расулнинг уммати эканлигини эътироф қилиб, Илоҳнинг ожиз бандаси эканлигини таъкид этади:

*Чунон аламзадаман, Мустафодин ўзга ёрим йўқ,
Ки чори ёри Расули Худодин ўзга ёрим йўқ
Рафиқи ҳамдами соҳиб дуодин ўзга ёрим йўқ,*

¹ Ўша манба, ўша жой.

² Машраб. Девон. 2006, 504-бет.

³ Закон Кўнрапа. Расули Акрамнинг фазилатлари. «Ўзб. адаб. ва сан. », 1997, 26 декабрь

*Бу йўлда орифи мушкулкушодин ўзга ёрим йўқ,
Худонинг бандасиман, Раббанодин ўзга ёрим йўқ,
Расулнинг умматиман, Мустафодин ўзга ёрим йўқ.*¹

Закои Кўнрапанинг ёзишича, Расули акрам шахсларига қарши уюштирилган суиқасдларни ҳам афв этардилар. Бироқ Аллоҳнинг амрларига қарши чиққанлар ўзлари лойиқ бўлган жазони кўрар, давлат душманларига омонлик берилмас эди.

Расули Акрамни биринчи бор кўрганлар у зотнинг виқор ва ҳайбатлари олдида титраб қолар, аммо у киши билан дўст бўлгач, Сарвари Оламга мафтун бўларди-қоларди. Бир куни бир одам жаноби пайғамбарни зиёратларига келиб, ҳузурларида титрай бошлаган. Одамнинг холини кўрган Расули Акрам: «Биродар! Титрамагин. Мен бир малик (ҳукмдор) эмасман. Мен Қурайшдан куруқ нон еган бир аёлнинг ўғлиман!» деганлар.

Ўзларига нисбатан ортиқча сифатларнинг қўлланишига рухсат бермасдилар. Яна бир куни бошқа бир одам Расули Акрамга «Хожамиз, энг хайрлимиз, энг хайрлимизнинг ўғли!» каби хитоблар қилаётганини эшитиб:

«Эй инсонлар! Аллоҳдан кўрқингиз! Шайтонга эргашмангиз! Мен Абдуллоҳнинг ўғли Муҳаммадман, холос. Аллоҳ мени пайғамбарлик билан шарафлантирди. Менга бундан ошиқча таъзим кўрсатишингизни истамайман!»² сўзлари билан кескин жавоб берганлар.

Йўлда кетарканлар, эркакми, аёл ё болами, ким бўлмасин, ҳар учраган кимсага салом берардилар. Фақирларни севар, ҳар оқшом бир камбағални камтарона дастурхонларига олар, бошқа фақирлар-ночорларни асҳобнинг уйларига мусофир қилиб тарқатар эдилар.

Расули Акрам ҳаётларида ҳеч бир фақирни эшиқларидан қайтармаганлар. Энг оғир дамларда ҳам, ҳатто ўзлари оч бўлишларига қарамай, муҳтожларни тўйдирар эдилар. Садақа қолмас, дарҳол тарқатар, фақат ҳадя қабул қилар эдилар.³

Машраб Илоҳга мурожаат қилиб, унинг илтижосини қабул қилишни, ғойибдан ҳамма дардига дармон юборишини, мўъминлар қавмини мусулмон этишлигини, тонгла қиёмат ва Маҳшар куни ҳар бир банданинг ишини осон қилишини, барчанинг гуноҳларини афв этиб, аҳли иймонли қилишини сўрайди. У фоний дунёда фақир эрса-да, гуноҳга ботганлигини, бу дунё ишига талоқ қўйганлигини, унга наът ўқиб, шафоат тилаётганлигини, унинг ўзга йўл топа олмаслигини, фақат Рабби бўлган Худодан ва унинг элчиси бўлган Расули Мустафодан ўзга ёри йўқлигини изҳор этади:

*Ҳаманинг дардига гайбдин ўзунг доруйи дармон қил,
Мукаммал айлагилким, қавми мўъмин ҳам мусулмон қил,
Бу йўлда шиддати Маҳшарни бул банданга осон қил,
Ҳатомизни афв айлаб, илоҳо, аҳли иймон қил,
Худонинг бандасиман, Раббанодан ўзга ёрим йўқ,
Расулнинг умматиман, Мустафодин ўзга ёрим йўқ.*

*Мудамо гамзадодурман, фақиру пургуноҳ Машраб,
Талоқ айлаб бу дунёни шафоат изла, ё Машраб,
Забон наътингга очти бул ҳақиру мубтало Машраб,
Қаерга йўл топар Сансиз зарибу рўсиё Машраб,
Худонинг бандасиман Раббанодин ўзга ёрим йўқ,
Расулнинг умматиман, Мустафодин ўзга ёрим йўқ.*⁴

Адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров ёзади: «Яссавий, Боқирғон, Машраб каби буюк шоирлар «Дафтар» деганда, доим унинг кудсий маъносини назарда тутадилар.

Сўзларнинг кудсий маъно касб этиши кунда неча-неча маротаба қўлланиладиган жуда оддий, жуда одми сўзлар устида ҳам юз беради:

*Ўшандоғ Мустафони ушбу оламдин фано қилди,
Худога бу сабабдин, эй биродар, баҳс этиб бўлмас.*

¹ Машраб. Девон. 2006, 527-бет.

² Закои Кўнрапа. Расули Акрамнинг фазилатлари «Ўзб. адаб. ва сан. », 1997, 26 декабрь

³ Ўша манба, ўша жой.

⁴ Машраб. Девон. 2006, 529-бет.

байтида қарангки, «ўшандоғ» сўзи қудсий сифат касб этади. Мустафо – жаноб пайғамбаримизнинг сифатларидан бири. Бунда «ўшандоғ» сифатга сифат бўлиб келаяпти. «Ўшандоғ» деган сўз ул олий зотнинг айтилган ва айтилмаган барча фазилатларини, умумжаҳон моҳиятини қамраб олади».¹

Машраб ўзини жаҳон боғининг булбулига ўхшатади. Шунингдек, ширин забон сайроқи тўтига менгзайди, мискину ғариблар ҳол-аҳволини, сир-асрорларини ва улар қалбини ҳикоя қилувчи, тинглаувчи ноёб гавҳар деб билади, аммо бошига тушган ғам қаддини эгиб қўйганлигини, йўлда қолган зор Машраб қўлидан тутишлигини Худога илтижо қилиб ўтинади:

*Эй ёронлар, булбули боғи жаҳон Машраб қани?
Тўтийи ширин забон, шаккарфишон Машраб қани?*

*Мискину иўрида дилга роздон Машраб қани?
Гавҳари ноёби соҳиб достон Машраб қани?*

*Қўҳи ғам бошимга тушти қилди қаддимни дуто,
Йўлда қолган зор бандангман, қўлум тут, эй Худо!*²

Машрабнинг Пайғамбар (с. а. в.) ҳақида ёзган наътлари «Девон»ида жуда кўплиги шоирнинг унинг (пайғамбарнинг) ислом дини, мусулмончилик ҳақидаги даъватлари тўғри эканлигидан, башарият у қолдирган меросни, унинг маънавиятини, панд-насихат ҳақидаги қарашларини бугунги кунгача яшовчанлигини ва келажакда ҳам инсон зоти учун энг зурур дидактик ғоялар бўлиб хизмат қилишини башорат қилади.

Навоий фикрича Пайғамбар (с. а. в.) ғайритабиий зот, ҳорикулодда одам, у оддий инсонларга ўхшамайди, иккинчидан у бир идеал, камолот идеали «хайрул башар». Наътларда яхшилик ва эзгулик, Ҳақ йўли учун кураш ғояси акс этган. Навоий пайғамбарнинг ҳолатини қандай акс эттирган бўлса, унинг издоши бўлган Машраб ҳам, унинг аъмолларини тасвирлашга ҳаракат этган.

Филология фанлари номзоди, доцент, навоийшунос олима Суйима Ғаниева Алишер Навоийнинг «Муножот» асарига сўзбоши ёзган. Олима уни «Абадиятга назар» деб атаган ва «Муножот» Алишер Навоий умрининг охирида яратган асарларидан бири эканлигини таъкидлаб ёзади: Муножот Аллоҳдан нажот тилаб, илтижо этмак демакдир. Улуғ шоир – мазкур асарида ўзининг бутун ҳаётини ва ижодий йўлига яқун ясайди ва Яратгувчига дил изхори-ла мурожаат қилади, унинг сатрлари зимнида шоир дунёқараши, шахсий ҳамда ижодий тақдири илғор ғоялар билан йўғрилганлигини идрок этамиз.

«Муножот» асосан Аллоҳга тазарруъ баёнидан иборат. Шоир унда давр, муҳит билан боғлиқ армон – ўкинчларини, инсоннинг асл хис-туйғуларини қаламга олади. У воқеликнинг норасоликларидан шикоят қилади, ёлғиз Аллоҳдан мадад истайди».³

«Муножот» мазмун билан шакл узвий бирлигининг бетакрор намунаси ҳамдир. Унда Навоий тили ўзининг бутун қудрати ажиб нафосати ила намоёндыр. Бу тил, тафаккур тили, хис-ҳаяжон тили. Шу боис у мусиқа каби дилларга ором бахш этади ҳам жунбушга солади. Ҳар бир сўз, ҳар бир илтижо муаллифнинг руҳий ҳолатини очиб беришга хизмат қилади.

«Муножот» Навоий эзгу ниятларининг, самимий интилишларининг тажассуми ўлароқ, моҳиятан келажак авлодларга қарата битилган асардыр. Унда мутафаккир шоир инсон зотини, ўзлигини англашга, маънавий камолот, иймон-эътиқод устунлиги устуворлиги, юксак мақсадлар сари интилишга даъват этади, бу йўлда тшқинлик қилувчи жамийки иллатларга қарши туришга чорлайди.⁴

Мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг «Муножот»и муқадимда ва уч қисм: «Ҳамд», «Наът» ва «Муножот»дан иборат. «Ҳамд» ва «Наът»даги фикрлар Навоий дostonлари аввалидаги ҳамд ва наътлардаги қайдлар билан мутлақо ҳамоҳанг бўлиб, Аллоҳнинг буюклигини, азалий ва абадийлиги, ягоналик сифатлари, Муҳаммад Пайғамбарнинг таърифини беради. «Муножот» қисми эса бевосита Аллоҳга мурожаат тарзида битилган. Муаллиф ундан афв илтижо қилиб, ўзини гуноҳкор, Аллоҳнинг қарамли эканлигини

¹ Иброҳим Ғафуров. Қудсий калом. «Ўзб. адаб. ва сан. », 1991, 22 май.

² Машраб. Девон. 2006, 526-бет.

³ Суйима Ғаниева. Абадиятга назар. Алишер Навоий. Муножот. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. Тошкент. 1991. 4-бет.

⁴ Ўша манба, ўша бет

таъкидлайли ва тасаввуфона руҳдаги эътирофларга ўтади. Модомики, дейди Навоий ҳар қандай мавжудот, унинг сифатлари, ҳар бир жонзот, унинг феъл-атвори, саъй-ҳаракатлари Аллоҳ томонидан қисмат этилган экан, «тақдир қилганингни қилурға не ихтиёр, қилмасмен демакка кимнинг ҳадди бор».

Навоийнинг қатор илтижолари унинг дидактик қарашлари билан боғлиқдир: «Илоҳи, ашёлар (нодўстлар) мазаллатидин асра ва бедиенатлар тухматидин асра. Илоҳи, жоҳил суҳбатига побанд этма ва арозил (разиллар) ҳашаматиға ҳожатманд этма». Бу илтижолар «Маҳбуб ул-қулуб»даги шоирнинг дидактик ўғитлари, бир қатор «танбех»ларидаги ҳикматли пандлари билан ҳамоҳангдир.¹

Физика-математика фанлари доктори Абдулла Аъзамов «Ҳазрати Навоий «Муножот»и» тадқиқий мақоласида шундай фикрларни келтирган: «Соҳибқирон Амир Темур ўзбек давлатчилигининг даҳоси бўлганидек, Низомиддин Алишер Навоий ўзбек маънавиятининг пири комилидир:

*Билмиллоҳир-раҳмонир-раҳим.
Зиҳи исминг азим,
Раҳмонлиғу раҳимлигинг – вожибут – таъзим.
Исм – сенинг исминг,
Раҳмонлиқ ва раҳимлигинг – сенинг қисминг,
Сен ганж ва офариниш – тилсиминг.*

Бу сеҳрли мисоллар билан Навоийнинг «Муножот» асари бошланади. Мазмунига кўра бошқалар ўқишига мўлжалланган бадий асар эмас, балки шоирнинг «ўзига-ўз мактуби» тарзида, интим руҳда битилган. Балки у ибодат пайтида дуо сифатида ўқилган, тасбех билан такрорланган бўлиши ҳам истисно эмас». ²

Тадқиқотчи Наргиза Эркабоева Абдуллоҳ Ансорий ва Алишер Навоий «Муножот» ва «Муножотнома» асарлари туркий насрда битилганлигини таҳлил этиб ёзади: «Навоий ҳамма вақт Ансорийга, унинг ижодига муҳаббат билан муносабатда бўлган. Хондамирнинг таъкидлашича, Навоий Ансорий макбарасини обод қилган, улуғ шоирга ҳудойилар ўтказган. Ансорийнинг «Муножотнома» асари ҳажман йирик ва унда шеърий парчалар учрайди:

*Ё Раб, пок дил, жонга бир огоҳлик бер,
Саҳар йиғи, тунлар оҳ чекишлик бер,
Ўз йўлингда аввал ўзлигим йўқот,
Ўзимдан кетгач. ўз йўлингга йўл бер».* ³

«Муножотнома»да Аллоҳдан мурожаат етакчилик қилади. Навоий «Муножот»ида ўзига хос композицион бутунлик мавжуд бўлиб, асар ҳамд, наът ва муножот қисмларидан иборат. «Муножотнома»да Ансорий деярли ҳар бир муножотда аввал Аллоҳнинг сифатларига урғу бериб, сўнгра муножот қисмига ўтади.

Тадқиқотчи Зилола Эшонова «Ҳайратул аброр» таркибидаги муножотлар ҳақида фикр юритиб, ушбу дostonдаги муножотлар сон жиҳатидан кўп, мавзу жиҳатидан хилма-хил бўлиб, тўртга бўлинганлигини, улар бир-бири билан изчил боғланганлигини, улар бир-бирининг мантикий давоми сифатида янграшини, унда дунёнинг яралиши ва мутлақ Илоҳ сифатлари таърифланишини ва лирик қаҳрамоннинг унга илтижоси-мурожаати орқали яқунланишини баён этган. ⁴ Бу муножотлар ахлоқий-таълимий, дидактик характерга эгадир.

Наманган Давлат педагогика университети катта ўқитувчиси, шоир тадқиқотчиси М. Тожиҳўжаев Машраб муножотлари ҳақида тадқиқий илмий мақола ёзган ва унда муножотларни дидактик моҳиятини изоҳлашга уринган. У шундай фикрларни келтирган: «Шарқнинг хурфикр мутафаккири, тасаввуфий ва лирик асарлари билан руҳимизга чуқур кириб борган Бобораҳим Машраб уч ярим асрдан бери Шарку Ғарб халқлари адабиёти ва фалсафасида ўзининг мўътабар нуфузига эга бўлиб келмоқда. Унинг Ягона Аллоҳга ва унинг Яратгани – буюк Инсонга меҳр-муҳаббати, ватанпарварлик, миллий ғурур туйғуси, адолат ва

¹ Ўша манба. 11-бет.

² Абдулла Аъзамов. Ҳазрати Навоий «Муножот»и. «Ёзувчи». 2000, 9 феврал.

³ Наргиза Эркабоева. «Муножот», «Муножотнома». Адабиёт кўзгуси. № 9. 16-бет.

⁴ Эшонова Зилола. «Ҳайратул аброр» таркибидаги муножотлар. Адабиёт кўзгуси. 2006, №9, 11-12-бетлар.

хақиқат тўғрисидаги ғоялари, келажакка бўлган ишончи ва орзу-умидлари ҳазрати Машрабнинг бутун ҳаёти ва ижод йўли учун хос хусусият эди. Машрабнинг кўп қиррали ва сермахсул ижодий мероси хали шоир ҳаётлигидаёқ ўрганила бошланган бўлса-да, Ўзбекистонда, айниқса, мустақиллик йилларида машрабшунослик билан шуғулланувчи олимлар авлоди шаклланди».¹

Бобораҳим Машраб буюк классикларимиз Низомий Ганжавий, Имомиддин Насимий, Мансур Ҳаллоҷ, Алишер Навоий каби Раҳмонир Раҳимнинг солиҳ бандалари қатори Аллоҳга кўплаб муножотлар, пайғамбарларга наътлар ёзган. Бизгача сақланиб қолган муножотларда Машраб Тангрининг ягоналиги, буюклиги, раҳмдиллиги каби тўқсон тўққиз сифатини улуғловчи дил изхорини битган.

М. Тожихўжаев Машрабнинг муножотларини шарҳлашдан олдин Алишер Навоий ва Хўжаназар Ҳувайдо муножотлари, мутафаккир шоирнинг аввало Тангри таоло ва Муҳаммад (с. а. в.)га бағишланган наътлари ҳақида мухтасар маълумот бериб қуйидаги фикрларни ёзган: «Муножот банданинг Аллоҳга илтижоси, ўтинчи, сўрови ва мурожаатидир. Муножот дастлаб муслимнинг ибодат тарзи бўлган. Ислом ўлкаларида кишилар беш маҳал намоз вақтларигина эмас, балки дастурхон устида, хайрли ишларни бошлаш ва яқунлаш арафасида Тангрига муножот-мурожаат қиладилар. Парвардигордан мадад сўрайдилар, келажак авлод учун дуоғўйлик қиладилар. Илтижочи қанчалик билимли ва солиҳ бўлса, унинг муножоти шунчалик кенг ва таъсирчан бўлган.

Барча йирик шоиру адиблар ҳам ўз асарларини муножот билан бошлаганлар. Жумладан, Алишер Навоийнинг «Ҳайратул аброр» асарида тўртта, «Лисонут тайр» асарида еттита муножот ёзилган. Хўжаназар Ҳувайдо ўзининг «Роҳати дил» асарини Тангрига муножот ва Расулуллоҳга наът билан бошлаган. Одатда муножотлар асарнинг дастлабки саҳифасида ёзилган ва Тангрига ҳамду-санодан сўнг илтижочининг сўрови баён қилинган. Шундай буюк орифлар қаторида Бобораҳим Машраб ҳам кўплаб муножотлар ва наътлар ёзиб қолдирган. 1892 йилда қайта кўчирилган «Қиссаи Машраб» маноқибидида жами 16 та муножот ва битта наът учрайди. Бу асарларнинг 14 таси ўзбекча, биттаси форсча бўлиб, яна биттаси шахду-ширу-шакар (уч тилда) ҳолда ёзилган. Муножотларнинг 12 таси ғазал, 2 таси мухаммас, биттаси мусаддас жанрида ва биттаси насрий ҳолдадир».²

Бобораҳим Машрабнинг 2006 йил Ж. Юсупов томонидан тасниф этилган шеърини «Девон»ида «Ибтидо Оллоҳу Акбардин нишон келтирмишам», «Ибтидо қилдимки Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим», «Илоҳо, раҳм қил ман хастага кўп нотавондурман», «Ё Илоҳо, ҳамдинга гўё лисон келтурмишам», «Бандасига меҳрибондур аввалу охир Худо», «Эй сифатингдин такаллум ҳар тил узра минг сано», «Илоҳи, бирлигинг зоти бу оламда Ҳувайдодур», «Бошимга доимо Ҳақ раҳмати саршор учун келдим», «Тилимдадур ҳамма вақт Ло илоҳа-иллоллоҳ» ва бошқа муножотлари бор.

Муножот Аллоҳга илтижо, ёлвориш, унга ҳамд, сано, наът, суруд ўқиш бўлса-да, унда катта ахлоқий-таълимий, панд-насихат, ўғит – андаларни Яратган олдидаги, унинг бири борлиги, воҳидлигига, уни англаш ва билиш, таниш ва қудратига ишонч каби туйғуларни шакллантиришга даъват ва чорлов мадҳ этилади.

Алишер Навоийнинг муножот ёзиш услубига эргашиб, Бобораҳим Машраб ҳам Ҳақ таолодан ўзининг ёзган асарларини, халққа марғуби матлуб этишни, маълум бир шахс учун унинг гуноҳини ва ривожини раҳмондан сўраган ҳамда авлодларга дуоғўйлик қилган. Машраб ғазалиётининг ҳозирга қадар севиб ўқилишининг сабабларидан бири унинг ўз ҳаёти учун ташвишидан кўра, келажак авлод учун кўпроқ қайғурганидир. «Қиссаи Машраб»да анъанага кўра 13 бандли мухаммас жанридаги муножот берилган. Бунда Аллоҳнинг мадҳи аввал араб, сўнгра туркий тилда маъноси келтирилган:

*Ибтидо қилдимки, бисмиллоҳир раҳмонир раҳим,
«Қулҳуваллоҳу аҳад» зотинг эрур исми азим.
«Кунту канзан махфиян» ҳар банда кўнглида муқим,
Минг бир исмингни сифотини бири эрмиш карим,
Оламу одамни қилмасдин бор эрдинг сан қадим.*

¹ М. Тожихўжаев. Машраб муножотлари. Наманган ҳақиқати, 2002, 22 май.

² Ўша манба, ўша жой.

*Ё илоҳи, эмди қилгайсан бу банданга назар,
Жандами, бар дӯш этиб кирдим бу йўлга дарбадар,
Дашту саҳраву биёбонларни излаб сарбасар,
Тобмади ҳаргиз бу Машираб ўз вужудидин хабар,
Бир назар қилсанг, ки роҳат тобқум жону таним.*

Ушбу мухаммас шаклан хийла кенг бўлиб, унда Куръон сураларидан олинган Аллоҳнинг сифатлари тавсифу, фаришталарнинг хизматлари, пайғамбарларга миннатдорчилик, инсонга Тангридан мадад-назар-талаблик ғоялари илгари сурилган.

Машрабнинг муножотларида ибтидо-бошланиш-дунёнинг яратилиши нишонаси Унинг қудрати билан, жумла мавжудотга Ҳақ нури аён бўлиши, маконда-фоний дунёдагиларга Унинг ломаконда зухур этиши, асли бандасининг, ернинг, осмоннинг, хуру парию, инсу жону, одамнинг шакли шамойилию, мавжудотнинг пайдо бўлиши Унинг зиммасида эканлигини англатади, унга ҳамд, сано ўқийди, унга муножот қилади.

Мутафаккир Машраб фикрича, ҳазрати Сиддиқи Акбар ғорда яшаганлиги, ҳазрат Умар ислом динини ошкор қилганлигини, Усмон эса Куръон учун жон фидо қилганлигини, чор ёрлар Худонинг шери дулдули эканлиги, расулуллоҳни Аллоҳнинг ўзи юборганлигини баён этади.

Ҳақ йўлида пайғамбарларнинг энг сахий ва хотами Муҳаммад (с. а. в.), у пайғамбарларнинг, жумла жаҳоннинг элчиси, расули этиб юборилгани, жумлаи жаҳон у кишининг хоки пойларига бошини қўйишлигини Рўзи Маҳшар куни унинг шафоати билан Аллоҳ нурининг намоён бўлиши, осий, гуноҳкор бандаларнинг гуноҳи У кишининг шафоати билан мағфират қилиниши, кечирилиши баён қилинган:

*Аҳмади мурсал эрурким ҳотами пайғамбарон,
У Расули мурсалийн тожи сари пайғамбарон,
Хоки пойига қўяр бош жумлайи шоҳи-жаҳон,
Рўзи Маҳшарда шафоат қилгай ул нури аён,
Мағфират қилгай гуноҳи осийн келтурмишам.*

Машраб ҳазрати Махдуми Аъзам Хожаги Косонийни орифлар пешвоси деб санаганлар ва у кишининг номлари «Ҳазрати Даҳбедий эрди номи эшони калон» ўз пири ва қиблагоҳ устози Офокхожа Ҳидоятulloҳ эканлигини, у кишиларни шому сабоҳ вақтларида содик муриди мухлислари тавоф этиб туришларини таъкидлаган:

*Ҳазрати Махдуми Аъзам пешвойи орифон,
Ҳазрати Даҳбедий эрди номи эшони калон,
Ҳазрати Хожам Ҳидоят қиблагоҳи ошиқон,
Тавоф этиб шому сабоҳ мухлисона садиқон,
Рўзи панжшанба тавофи инсу жон келтурмишам.¹*

Машраб Аллоҳга мурожаат қилиб, аввало халқни ўз қудрати билан яратганлигини, Арши Курсию, тахту, осмон, (яъни Арш ёнидаги осмоннинг бир табақаси)ни, бирни у ғанибой, бадавлат қилиб яратганлигини, кишиларнинг тақдирини ёзган Яратгувчининг қалами у томонидан яратилганлигини, бирни эса хору зор этиб келтирганлигини, кофиру мўъминга неъмат, ризқ-рўз берувчи ўзи эканлигини, тўксон тўққиз номи ва 1001 сифати билан ҳар жойда ҳозирю нозирлигини баён этган:

*Қудратинг бирлан яраттинг халқни, Парвардигор,
Арш, Курсию Қалам фазлингдин эрди барқарор,
Бирни қилдинг Сан ганий, бирни қилдинг хору зор,
То Худолик исми зотинг анда бўлди ошкор,
Кофиру мўъминга неъмат бергучи Сансан Наъим.²*

Машрабнинг Илоҳ ҳақидаги муножотлари уни Яратганга бўлган, унинг олдидаги ожизлигини, нотавон, бағри қон эканлигини, забонсиз, безабонлигини, ғариб, бекас,

¹ Машраб. Девон. 2006, 431-бет.

² Машраб. Девон. 2006, 448-бет.

беманзил, бемакон эканлигини, гадо, расвои жаҳон, ожиз санаганлиги, ранги заъфарон банда санаганлигида кўринади.

Шунинг учун у ўзини бало даштида қолган Мажнун, жунун бозоридаги Мансур деб билади, бебақо жаҳондан ўтиб кетган Кайхисраву Дорони, Жамшиду Искандарни, Рустаму Сухробни, Абу Бакр Сиддику Умарни, Усмони Ҳайдарни, Соҳиби меҳроб бўлган жумла пайгамбарларни қаердалигини Аллоҳга муножот қилиб сўрайди.

Машраб ўткинчи – фоний дунёда шайъаниллоҳ – Худо учун бирор нарса берувчи бўлиб келганлигини, гадои дарбадарликда ҳам фақат Аллоҳ деб уни излаганини, иймонни, ҳамроҳ қилиш учун адамулки (йўқлик, мавжуд бўлмаслик)га юзланганлигини, асхоб-дўстлар, ёронлар мажлис аҳлини суҳбатини олиш учун келганлигини, Аллоҳ остонасининг кули бўлишга ўзини тайёр саг-ит эканлигидан фахрланишини изҳор этган:

*Бу Машраб остонингга келибдур шайъаниллоҳ деб,
Гадои дарбадардурман ҳамиша исми Аллоҳ деб,
Адам мулкига юзландим, қилай имонни ҳамроҳ деб,
Баҳаққи оли асҳобинг қуруқ қайтарма гумроҳ деб,
Қаён боргайман, эй Аҳмад, саги бул остондурман.¹*

Машраб бандаларга Аллоҳнинг ягоналиги ҳақида, уни эслаб, унинг ёди билан яшашни ўғит беради. У инсонга мевали дарахтга ўхшаб ҳосил беришини, шому сахар Худо ёдида хушёр бўлишликни, оёқ остидаги чохдан эҳтиёткор бўлишликни, хатарли йўлдан сақланишни, Ҳувайдо-равшан, зоҳир, белгили, ошқора бўлган Аллоҳ ягоналигини эътироф этади. Тилида Аллоҳни зикр қилишликни, Унинг сифати, зоти пок исми аъзамлигини Қул хуваллоҳ-У Ягона Аллоҳ эканлигини, унинг зотини инкор қилган киши расво бўлишини панд-насихат қилади:

*Илоҳо, бирлишинг зоти бу оламда Ҳувайдодур,
Камолу сунъинг ҳар кўзда туман турлук тамошодур,
Каломуллоҳ тили ваҳдоният бобида гўёдур,
Сифоти зоти покнинг исми аъзам Қул хуваллоҳдур,
Санинг зотингни ким инкор қилса анда расводир.²*

Машраб ҳамма вақт Аллоҳ исмини тилидан туширмайди. Унинг қалби, ичи унга ҳамд сано ўқиб туради, Қуръондаги Тоҳо сураси, оятлари ҳаққи ҳурмати у Расулulloҳга муножот қилиб, кўлидан тутишликни ўтинади. «Мубаширан ва назирани литўъмину биллоҳ» яъни «Биз ҳақиқатан сени (Қиёмат куни халққа) гувоҳлик берувчи (мўъминларга жаннат билан) хушхабар берувчи, огоҳлантирувчи қилиб юбордик» деган ояти калимани моҳиятини келтиради:

*Тилимдадур ҳамма вақт ло илоҳа иллоллоҳ,
Забону ҳоли дилим ҳамдинг иландур гўё,
Шикастанга назар қил баҳаққи ул бисмиллоҳ,
Илоҳо, ҳурмати ояти сурайи Тоҳо,
Қўлумни сан тутто кўргил ки ё Расулulloҳ,
Мубашишаран ва назирани литўъмину биллоҳ.³*

Тасаввуфда юкори чўккига кўтарила олган сўфий Машраб ҳам ўзгалар гуноҳи учун азобланувчи, ўз вужудини поклаш орқали, ўзгаларнинг вужудларини покловчи мутасаввуф эди. У ҳақиқатни айтишдан ҳеч қачон чўчимаган, ўзини улуғлаганларни таҳқирловчи, бечораларга чора кўрсатувчи ва Ҳаққа улар учун ибодат қилувчи зот эди. Ўзининг бу ғояларини шоир деярли ҳар бир ғазалига сингдирган.

«Қиссаи Машраб»да ёзилишича, ўзига Офокхожа томонидан берилган жазо Тангри таолонинг ҳукмига биноан онгли бичимга ушбу насрий муножотда шундай дейилган: «Андин сўнг шоҳ Машрабни подшоҳимнинг олдига олиб келдилар. Шоҳ Машраб Аллоҳ таолога муножот қилиб айдиларки: «Илоҳо, поко Парвардигоро, Аҳадо, Самадо, Маъбудо,

¹ Машраб. Девон. 2006, 473-бет.

² Машраб. Девон. 2006, 507-бет.

³ Машраб. Девон. 2006, 524-бет.

агар Сандин амр бўлмаса бандаларингнинг оёғларига бир тикан ҳам кирмас, бас бу карашмалар санга маълум». Бундан ташқари, «Қиссаи Машраб»да шогирднинг устозга бўлган меҳри сифатида Офокхожанинг шарафига айтилган, Парвардигордан унинг гуноҳларини сўралган жами учта муножот берилган. Баъдаз китобда волидаи Машрабниги муножоти борки, бундан ота-оанинг фарзандга эҳтироми зўрлигини англаш мумкин.¹

Машраб Намангоний муножотларини кўзда ёш, қалбда қилинган гуноҳлар учун изтиробсиз, дилда Ҳаққа интилишсиз ўқиб бўлмайди. Ул зот XVII асрдан туриб келажак ёшларига дуоғўйлик қилиб, авлодларга инсофу тавфиқ, ризқ-рўз, сиҳат-саломатлик, ўзаро иттифоқлик ва яқдиллик тилаган. Унинг ҳар бир муножотида дидактик ғоялар акс этган.

Мазкур тадқиқотнинг олдинги учта бобида мутафаккир шоирнинг севгиси, унинг ўз севган ёрига муносабати, Илоҳий ишқи, унга ошиқлиги, шунингдек, шоирнинг реал-фоний дунёдаги маъшуқа қизга бўлган ўтли оташин муҳаббати ҳақида бир қанча жойда фикр юритишга интилсақ-да, қандайдир куч у ҳақда мулоҳаза юритишни кейинроққа қолдиришга, бунга ўта эҳтиёткорлик билан ёндошишга, ундан ортиқча бирор бир фикрни илгари суриб, унинг руҳониятига ҳурматсизлик қилиб қўйишдан ўзимизни тортдик.

Аввало Машраб фоний-ўткинчи дунёнинг реал инсони, унинг ҳам бошқаларники каби қалби, юраги борлигини унутмаслигимиз керак бўлади.

Мазкур биз фикр юритаётган қисмнинг вазифаси таълим-тарбия, ахлоқий-панд-ўғит, насихат-дидактик қарашлар бўлса-да, Машрабнинг бу борада пандомуз, ўгитомуз, насихатомуз, ибратомуз ҳаёти унинг яшаш тарзининг ўзи оддий муҳаббат бобида ҳам бани башариятга ҳудди ҳазрат Алишер Навоий каби намуна бўла оладиган севги, муҳаббат тимсоли бўлажак юксақ ахлоқий қарашларни тухфа этганлигига гувоҳ бўламиз.

Шу боис мутафаккир шоир оташин муҳаббатини, унинг уйланмаслик сабабларини таҳлил этишдан олдин, ҳазрат Алишер Навоийнинг муҳаббат тарихига, уйланмаганлик сабабларига мухтасар тўхталишни лозим топамиз

Ҳазрат Алишер Навоий: «Э ишқ, ғариб кимиёсен» дейдилар.

Адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров буюк мутафаккир шоирлар ва бани башарият севгиси ҳақида шу даражада гўзал бир публицистик мақола ёзганки, шу битта кичик асар мазмунида Навоий ва Машраб, Лутфий ва Атоий, Ҳувайдо ва Сарёмий, Муқимий ва бошқа ўнлаб севганлар, севилганлар тақдири, уларнинг илоҳий муҳаббатини, шу муҳаббатлари туфайли инсоният эътиборини қозониш завқини, намуна бўлиш сабабларини тушунтириб уни «муҳаммат маърифати» деб атайди: «Ер юзида шу бизнинг кунларимизгача қанча одам болалари ўтган бўлса, бари муҳаббат, севиш, яхши кўришни бошидан кечирган.

Хусусан, Навоийнинг юқоридаги, фавқуллода гўзал сўз-фикридаги ишқ билан, муҳаббат, севги, яхши кўриш орасида ҳатто оддий назар билан солиштириб кўриш мушкул бўлган, олам-олам ўзгачаликлар мавжуд бўлса керак. Навоий тилга олиб таърифлаган ишқ коинот билан битта вужудга айланган ишқ. У коинот билан бирлик касб этган қалбларда яшайди ва ўз коинотий ҳиссиётлари ва хусусиятларини касб этади. Мажнун, Фарҳод, Вертер, Мишкин ёки реал тарихий нисбатларда эса инсониятнинг энг табиий одамлари бўлмиш ҳазрати ялавочлар-пайғамбарлар, Худо элчиларининг ишқи-худди мана шундай коинот миқёсларини ўзида ифодалаган ишқдир. Бу ишқ фақат табиий одамлардагина туғилади ва азалий камолат хусусиятига эга бўлади».²

И. Ғафуров Фарҳоду Ширин, Лайлию Мажнун Илоҳий севгисини, улар фонийликда хур кетганликларини, абадийликда руҳлари бирлашиб кетишлигини, ўткинчи дунёда қовуша олмаганлиги туфайли улар шу ишқ йўлида висолга эриша олмай васл нашъу-наъмосини топа олмагани боис, қавмлар ўйлаб кўриб, уларнинг тобутини битта, қабрини битта, кафанини битта қилиб қўмганлигини ҳикоя қилган. Улар севги ва муҳаббат рамзи эдилар. И. Ғафуров одамзот севгиси ҳақида ёзади: «Одамлар борки, висол ишқнинг энг сўнгги нуқтаси, самараси ва ҳосиласи-бош мақсади деб тушунадилар. Уларнинг назарида висолга муяссар бўлиш билан ишқ яқунланади. Ёки янги босқичга киради. У ёғига «проза» бошланади.

Лекин етай деганда етиб бўлмайдиган ишқ — Мажнун, Фарҳод, Вертерлар ишқи ҳам мавжуд.

¹ М. Тожихўжаев. Машраб муножотлари. Тўплам, 174-бет.

² Иброҳим Ғафуров. Муҳаббат маърифати. «Ўзб. адаб. ва сан. ». 2004, 10 декабрь.

Етганда сақлаб бўлмайдиган ишқ — Баҳром Гўрлар ишқи-бу бошқа. Унинг висолида хамиша аччиқ аламли айрилиқлар ётади. Булар инсониятнинг худога яқинлиги ва яна ҳам тўғрироғи Худо зухуроти эканлигининг бизга маълум қилинган бир сирли белгисидир. Юқоридаги тушунчаларимизни муҳаббат фани деб атаёмиз».¹

И. Ғафуров муҳаббатга инсон буюк бир қадрият сифатида қарашлигини, Эрих Фроммнинг «Севиш санъати» китоби бироз ғализроқ таржима қилинганлигини, «Искусство любить» деб аталганлигини, аслида «Муҳаббат фани» деб аталиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлаган: «Ер юзида ҳозиргача қанча одам ўтган бўлса, муҳаббат, севги, яхши кўришни ўз қалбига доир тушунган ва амал қилган. Бир миллиард, ўн миллиард, юз миллиард муҳаббат, севги, яхши кўриш амалиёти ҳақида сўз юритиш мумкин. Шунчалар алвон ва ранго-ранг бу ҳиссиёт соҳаси».²

«Фромм ўша асарида «Муҳаббат амалиёти эътиқод амалиётини талаб қилади», деб ёзади. Дарҳақиқат, эътиқод даражасидаги муҳаббат энг олий муҳаббатдир. Қадим шоирларимиз Ҳаким Ота, Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб тош битикларимиздаги, Алп Эр Тўнгамиз тирик достонидаги буюқдан-буюк ўланларда, Навоийгача ва унинг барча издошларида, Лутфий, Атоий, Машраб, Хувайдо, Сарёмий, Муқимийларда худди ана шундай амалиёти эътиқод даражасига кўтарилган ишқ-муҳаббат ҳақида ёзилганлигини кўрамиз. Ҳаким Ота «ҳақ зикрини ҳузур билан айтиш керак», деганида ва унинг барча гўзал сатрларида эътиқод ва муҳаббатнинг мислсиз чаманлари очилиб ётганлигини кўрамиз. «Ҳузур билан айтиш» бу том маънода муҳаббат билан айтишдир ва шундагина, фақат шундагина Ҳақ билан бирлик туғилади. Ҳақ билан бирлик туғилгандагина одам ўзини, ҳаётдаги ўрнини, вазифасини, инсонлик бурчини англаб, тушуниб ётади. Англаб етиб, ҳаракат қилиш имкониятини топади».³

И. Ғафуров фикрича, Муҳаммад Ғаззолий «Иҳё улумид-дин» китобида: Муҳаббат билишнинг натижаси бўлиши мумкинлигини, чунки инсон ўзи билган нарсасинигина севишлигини муҳаббат интилувчининг хусусияти эканлигини, инсон муҳаббатини шу тариқа билиш ҳодисаси билан боғлайди. Билиш эса маърифатдир. Бундан мантиқан шундай ҳулосага келишимиз мумкинки, муҳаббат-фан, илм, санъат, ҳунар, кашф, қандай куч-қудратга эга бўлса, маърифат ҳам шундай куч-қудратга эгадир. Ва янги бир тушунчани юқоридаги тушунчалар қаторига қўшиб қўямиз: муҳаббат маърифати. Бу маърифат устодлар ижоди дунёсида етакчи йўналишга эгадир.

Бобораҳим Машраб ана шундай илоҳий муҳаббат маърифатини инсониятга улашган мутафаккир эди. У илоҳий ишқ висолида сархуш, сармаст эканлигини, ҳаммага жаннатдан жой беришини, унгагина дўзахни танҳо беришини илтижо қилади:

*Ки ҳоло Бурқи Сармастман, манга Дўзахни танҳо бер!
Мудом ҳушёр эмас мастман, манга Дўзахни танҳо бер!*

Кўҳна адиблар ва уларгина эмас, ҳозирги қаламкашлар ҳам севги, яхши кўришни мастлик, куллик, мубталолик, девоналик сингари тушунчалар-ҳолатлардан ажратмай тасвирлайдилар. Минг бир турфа таърифлар, тавсифлар келтирадилар. Мусиқа, фалсафа, поэзия дунёга келишини муҳаббат орқали изоҳлайдилар.

Машраб И. Ғафуров қайд этган ана ўша девоналикни-дарвешликни, гадоликни, қаландарликни, фақирликни, сўфийликни танлаган шеърят яловбардорларидан бири эди.

Шу мазмунни, яъни унинг тасаввуф, дин ва ахлоқ ҳақидаги қарашларида талқинини топган ижтимоий-маънавий ва дидактик фикрларни изоҳлаш билан бирга, унинг шеърятда ўз салафи бўлган Алишер Навоийнинг севги-муҳаббат бобидаги ҳаёти Машрабга ўрناк бўлган бўлиши мумкин. Шу ҳолни мухтасар баён этмоқчимиз. Бу хусусда XVI асрда яшаган Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъул вақое» («Нодир воқеалар») китобида «Алишер Навоий таъбида нафсоний шаҳват ва руҳий лаззатга майлнинг чекланганлиги хусусида» мавзусидаги шоирнинг уйланмай, пок яшашидан кўзланган мақсадни, Абдуқодир Ҳайитметовнинг «Навоий нега уйланмаган?» илмий мақоласини, филология фанлари доктори Шухрат Сирожиддиновнинг «Навоий кимни севган?» тадқиқий мақоласини, тадқиқотчи Ботир

¹ И. Ғафуров. Муҳаббат маърифати. Ўша манба, ўша жой.

² И. Ғафуров. Муҳаббат маърифати. Ўша жой.

³ Ўша манба, ўша жой.

Оқбўтаевнинг «Алишер Навоий севгиси адабиётшунослар талқинида» илмий мақоласи, С. Олимнинг «Навоийнинг маъшуқаси ким эди?» тадқиқотидаги фикрларни қисқача таҳлил қилишни лозим топдик.

Зайниддин Восифийнинг ёзишича: «Бу жаноб дунёга келиб, ҳаёт хилъатини кийганларидан буён этақларига шаҳват чиркини теккизмаганлар, футувват ва жўмардлик ёқаси лаълин тугмасини хотинлар ҳавою ҳавасига тутқизмаганлар».

Султон Ҳусайн Байқаронинг бу гапига замон Билқиси, даврон Зубайдаси Хадичабегим катъиян деган: — Бундан чиқди жаноби Мир эркаклик хислатидан махрум эканлар-да?!

Абдурахмон Жомий Рум вилоятдан келган порсо, художўй кишига аёл билан қовуша олмаган кишиларни: «Бу ерда уларни биз ҳез деб атаймиз» — деган.

Хадичабегимнинг Давлатбахт исмли бир парипайкар, ой юзли чўриси бор эди. Фалак ойи унинг орази, қоши ва пешонасидан рашк қилиб ўзини гоҳ юзга, гоҳ қошга, гоҳида пешонага солиб кўрарди. Осмон офтоби унинг жамоли тобидан девона бўлиб, боши-ю юзини очганча гардун томида юмаларди.

Восифийнинг ёзишича, Навоий ўша парипайкарга майл билдирган, бу махфий сирдан султон Ҳусайн Мирзо, Хадичабегим ва амир Алишергина хабардор бўлган.

Хадичабегим фалак куёши мағриб саропардасига беркингач, туннинг гулдор мушкин ёпинчиғи устига тортгач, у бемаҳалда Мирни ҳайратга солиб, унинг уйига кириб келган. Қиз ўргатилганидек узундан-узук ҳикоят бошлаб, Навоийга кеч бўлганлигини баҳона қилиб ётиб қолишга розилигини айтган. Мир унга ёнидаги хонадан жой ҳозирлашни буюрган.

Аммо тун ярмида ул сарви раъно хиромон бўлиб Мирнинг хонасига кирди ва деди:

– Эй, олам махдуми, одамларнинг нури дийдаси! Баданимдаги ҳар бир мўй занжир каби мени бу томон судрагандек тасаввур қиламан. Бу судраш камина канизакка бўлган иноятингиздандир.

Навоий бу такаллуф найранг иш бермаслигини, унинг мақсадини сири аён эканлигини айтиб, канизак кўлини олиб, тиззаларига қўйдилар...

– Бу мусқаб билан мақсудингиз дуррини теша олишимга иймонингиз комил бўлса керак ва бу калид бирла муродингиз дуржи кулфини очиб мақсуд гавҳарини топа оламан. Шуни билингки, бизда эркаклик хислати бор, кўлимиздан келади, аммо бу ишни қилмаганмиз, қилмагаймиз ҳам.

Бу гаплар Хадичабегим ва Мирзо кулоғига етқач, уларнинг Мирга бўлган эътиқоди юз, балки минг чандон зиёда бўлди...²

Афсус ва надомат билан айтамикки, Иззат Султоннинг «Навоийнинг қалб дафтари» илмий-тадқиқот асарида юқоридаги Зайниддин Восифий томонидан келтирилган ишончли манба мутлақо бошқача талқин қилинган. Шунинг учун адабиёт назарияси илмининг улкан билимдони, академик Иззат Султоннинг тадқиқотидан шу ўринни айнан келтирамиз: «Бадоеъул вақое»дан: «Алишер уйланмаган эди. Бунинг сабаблари замонанинг ҳамма кишиларини қизиқтирар эди. Султон Ҳусайн мирзо Алишернинг уйланмаслигига сабаб унинг «Этаги поклиги» ва нафсоний шаҳватга майли йўқлиги, ахлоқий жиҳатдан жуда юксаклиги, илм-фан ва шеърятга берилганлиги, деб ҳисоблар эди. Султоннинг севиқли хотини Хадичабегим эса бунинг сабабларини бошқача деб тушунар эди. Ҳақиқатни аниқлаш учун Хадичабегим ўзининг жуда ҳам гўзал канизакларидан Давлатбахтни Алишернинг уйига юборди. Давлатбахт турли баҳоналар билан Алишернинг уйида тунаб қолди. Тунда қиз Алишернинг кўйнига кирди... Давлатбахт эрталаб Хадичабегим олдига жуда хурсанд қайтиб, бутун воқеани айтиб берди. Натижада, султон Ҳусайн Мирзонинг фикри тасдиқ бўлди ва Хадичабегимнинг ҳам Алишерга ҳурмати аввалгидан юз маротаба ортди».³

«Бадоеъул вақое»да эса аслида бошқачароқ тасвирланганлигини юқорида кўрдик, «Тунда қиз Алишернинг кўйнига кирди» деган фикр мулоҳазалидир. Навоийнинг «этаги поклиги» юқорида қайд қилингани ҳолда бу энди ортиқча гаплиги шундоқ кўриниб турибди.

Навоийнинг авлиё, аҳлуллоҳ даражасидаги мақоми тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб келмоқда. Этаги пок, шаҳватдан холи Навоий сиймоси Зайниддин Восифий китобида тўғри ёритилган.

¹ Зайниддин Восифий. «Бадоеъул вақое». 105-бет.

² Ўша манба, 106-бет.

³ Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. Фафур Фулом номидаги бадний адабиёт нашриёти. Тошкент, 1969, 296-297-бетлар.

Тадқиқотчи Ботир Оқбўтаев Алишер Навоийнинг ишқи илоҳийми ёки гўзал ёрга бўлган ишқми деган фикрни илгари суриб бу хусусида замондошлари Жомий («Юсуф ва Зулайҳо», «Баҳористон», «Хирадномаи Искандар»), Ҳусайний (Ҳусайн Бойқаро «Ошиқлар мажлиси»), Давлатшоҳ Самарқандий («Шоирлар тазкираси»), Хондамир («Яхши хулқлар», «Суюкли хислатлар», «Воқеалар хулосати»), Бобур («Бобурнома»), Зайниддин Восифий («Бадоеъул вақое») асарларидаги фикрлар диққатга сазоворлигини билдирган.

Бобур Навоий ҳақида: «эрлик қувватига эга эканлиги, лекин таъбида анча нозиклик борлиги», Восифий эрлик қуввати бўлса-да, ишқини Худо йўлида бахшида этганлиги, Э. Воҳидов «илму шеърда шоҳу султон, лек такдирга қул» Навоий севгиси хусусида олимлар орасида турлича қарашлар мавжудлигини илгари сурган.

Тадқиқотчи Б. Оқбўтаев Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъул вақое» китобидаги маълумотлардан хабарсиз ҳолда Навоийда эркаклик хислати бўлмаган деган фикрга чек қўйилганлигини тасдиқлайди: «Йирик адабиётшунос Иззат Султон «Навоийнинг қалб дафтари» номли асарида Восифий маълумотларига таяниб, Давлатбахт исмли қизнинг Навоий билан бир кеча бирга бўлганлигини айтиб Навоийда эркаклик хислати бўлмаган деган фикрларга чек қўяди», - дейилган. Навоий тасаввуф тариқатида устози Жомий маслаҳати билан кириб, нафсни енгишни, аёлга Нақшбанддек рағбат қилмасликни ўрганиб, ёлғиз ўтганлигини наҳотки тадқиқотчиларимиз чуқурроқ мулоҳаза юритиб кўрмасдан, унинг эркаклиги бор-йўқлигини исботлашга уриниша, бу қанақа беъманилик. Навоий шахсиятига тухмат қилишдан сақланайлик!

Ҳарам бўлмаган, учта шаръий аҳли аёли бўлган Офқоқхожага ёки шахват томири онгли куйдирилган Машраб шахсиятига озмунча тухмат қилинмадими яқин ўтмишда.

Мана Навоийнинг Илоҳий ишқига жавоб: Нажмиддин Комилов ўзининг «Тимсоллар тимсоли», «Ахтарин ашк этди-ю», «Эр кўнглида соф ишқ», «Аҳд қилдим» каби мақолаларида ҳамда Иброҳим Ҳаққулнинг «Парим бўлса, учиб қочсам» мақоласида Навоий ишқини тасаввуфий йўналишда таҳлил этадилар.¹

С. Олим «Ишқ, ошиқ ва маъшук» илмий рисоласида «Навоийнинг маъшукаси ким эди?» деган мавзуда фикр юритиб, «Лисон ут-тайр» достонидаги бир байт шоирнинг шахсий ҳаётига боғлаб талқин қилинганини, Навоий ўз ишқини шарҳ айлайдиган бир достон ёзиш нияти борлигини айтган:

*Бир неча кун умрдин топсам амон,
Шарҳи ишқим назм этай бир достон.*

Навоий «ишқим» деганда биз тушунган маънодаги оддий севгини, яъни ўзининг бирон қизга муҳаббатини эмас, аксинча маънавий, яъни кенг маънодаги ишқни, Ҳаққа-Тангрига ишқини кўзда тутган. Навоийнинг фалсафасига кўра ишқнинг ҳақиқийси-Худога муҳаббат экани сир эмас.²

Адабиёт илмининг, хусусан навоийшунослик илмининг етук мутахассислардан бири А. Ҳайитметов «Навоий нега уйланмаган?» тадқиқотида унинг оила қурмагани ва бу турли талқинларга сабаб бўлганлигини Бобур «Бобурнома»да чуқур андуҳ билан: «Ўғил ва қиз ва аҳли аёл йўқ, оламини тавре фард (якка) ва жаридда (ёлғизликда) ўткарди», - деган фикрини келтирганлигини хабар берган.

Навоий ўқувчилик чоғида мактабдоши бўлган қиз ҳақида шеър ёзиб, унинг бадавлат хонадоннинг фарзанди эканлигини, суратию сийрати гўзал бўлиб, шоир уни «Моҳи муаддаб» - «Одобли ой» деб атаганлигини айтган. Уни фақат Навоий эмас, барча мактаб аҳли севганлар. Навоий у билан бирга юрган. У билан муҳаббатли хатлар ёзишган.³

1457-1463 йиллар орасида Машҳаддаги мадрасаларнинг бирида эса ҳиротлик бир қиз билан мактуб ёзишиб турган. Улар бир-бирларини севганлар ва Навоий ўқишни тугатиб Ҳиротга қайтгач, оила қуришга аҳду паймон қилганлар. Кейинроқ Навоий севгилисини бетоб бўлиб қолгани тўғрисида хат олган. Навоий унга кўмак бера олмаётганлигидан ўкинган, шу муносабат билан у шундай сатрларни битган:

Барча бир сори манга-у ёр заъфи бир сори,

¹ Ботир Оқбўтаев. Алишер Навоий севгиси адабиётшунослар талқиниди. Адабиёт кўзгуси. 2000. №5. 30-бет.

² С. Олим. Ишқ, ошиқ ва маъшук. «Фан», Тошкент, 1992, 48-бет.

³ Абдуқодир Ҳайитметов. Навоий нега уйланмаган? Гулистон. 2004, 1 сон, 24-бет.

Кош анга сихҳат бўлиб, бўлгай тенг юз мунча ғам.

*Садқа айларга анга лойиқ менга йўқ туҳфас,
Хаста жоним нақти бордир, элт, эй пайки ҳарам!*

*Эй Навоий, шарҳу ҳолимни дедим ирсол этай.
Сўзидин ҳам сафҳага ўт тушти, ҳам куйди қалам.¹*

Навоий 1463 йили Ҳиротга қайтганда, Ҳирот султон Абу Саид даврида харобаликка юз тутган, тартибсизлик ҳукмрон эди. Навоийлар хонадони аҳволи ёмонлашган, унинг тоғаларининг мол-мулки мусодара қилинган.

Навоий бир рубойида «Моҳим» деган кўнглига яқин қизнинг вафот этганини эшитади:

*Ёшунгон эмиш қора булутқа моҳим,
Гардунни совурмоглиқ эрур дил хоҳим.*

*Кирмиш қора туфроққа қуёшдек шоҳим,
Невчун қора қилмасун қуёшни оҳим!²*

Навоий 1469 йили баҳорда Самарқанддан Ҳиротга қайтади. Хусайн Бойқаро саройидан энг юқори мансабни эгаллайди.

Бироқ Хуросондек давлатнинг бош вазири оила курмагани диний жиҳатдан ҳам, дунёвий нуқтаи-назардан ҳам кўнгилсиз бир ходиса эди. Шунинг учун Навоийнинг уйланиши масаласи билан унинг яқин қариндошлари, ҳатто подшоҳ хонадони аъзолари, хусусан, подшоҳнинг катта хотини Хадичабегим ҳам шуғулланган.

Навоий — буюк ақл ва заковат эгаси бўлиш билан бирга юксак дид ва таъб эгаси, кўнгли ўта нозик бир инсон.

«Хамса»нинг биринчи достони «Ҳайрат ул-аброр»да ёзилишича, 1483 йилда 42 ёшида Навоий уйланиш ҳақида ўйлаган. Достоннинг «Вафо бобида...» деб аталган саккизинчи мақолатда шоирнинг изхори дили мавжуд. Шахси бизга ноъмалум аёлга сабо орқали мурожаат қилиб, ундан вафодор бўлишни ва Навоийга илтифот кўрсатишни илтижо қилган ва қуйидаги сатрларни битган:

*... Неча висолингни тилаб зор ўлай?
Неча фироқингга гирифтор ўлай?
Бағрим ўлуб кўҳи бало лоласи
Кўздин оқиб ҳар сори парголаси
Жоним ўлуб ҳажринг ила дардманд,
Рағлар ажалдин анга печон каманд.
Онча сени истабон урдим қадам,
Ким тобингда қадам ўлду адам...³*

«Хамса»нинг иккинчи достони «Фарҳод ва Ширин»нинг кириш қисмидаги бобларнинг бирида севгилисидан кўнгли қолганлигини ёзади.

Навоий қарилик палласида «Наводирун-ниҳоя» девонидаги ғазалларининг бирида йигитлик даврини, унда севгилиси билан бирга бўлган кунларини, айти вақтда уларнинг ўзаро муносабатлари мураккаб кечганини, кўпроқ унинг қайсар ва ўжарлиги туфайли оила қуриш ҳақида бир фикрга кела олмаганликларини хотирлаб шундай бўлса ҳам биринчи «ёр»ини чуқур самимият билан эслайди. Унинг исми Сезала эди. :

*Бор эди, ул ҳамки бир чоғ, бизга ёре бор эди,
Кули ар ёр ўлмаса, филжумла боре ёр эди.*

*Васлидин бутқармаса, таскин берур эрди сўруб,
Хаста кўнглим дарди, не ким ҳажридин афгор эди.*

Мен агар маҳрум эдим, маҳрам ҳам эрмас эрди ул,

¹ Ўша манба, ўша жой.

² Ўша манба, 21-бет.

³ Ўша манба, 26-бет.

Кўнглум ар озурда эрди, лек миннатдор эди.

*Шам агар ёрутмаса, куйдирмаса ҳам яхшидур,
Не улусқа улфат ондин, не менга озор эди.*

*Гуйиё шуқр этмадим ким, онсиз ўлмишман бу дам,
Ул қуёшимни ёшургон чархи кажрафтор эди...¹*

Адабиётшунос олим Шухрат Сирожиддинов «Навоий кимни севган?» тадқиқотида:

*Ёрдин ҳеч ким манингдек зору маҳжур ўлмасун,
Жумлаи оламда расволиққа машхур ўлмасун,*

матлаъли ғазалига асосланиб, Навоий ҳеч бир ерда ўз севгилиси номини тилган олмаганлигини айтган.

Ш. Сирожиддинов «Мажолис ул-ушшок» («Ошиқлар мажлиси») номли тазкирада Алишер Навоий ҳаётининг ёритилиши масаласига тўхталиб, яхши ҳулқда ном чиқарган жувон, яъни турмуш қуриб улгурган аёл назарда тутилгандир.

У маҳваш ишқиди: «... шунчалик азобларни бошидан ўтказдиким, уни эшитишга ҳеч кимнинг тоқати йўқ»² эканлигини келтирган.

Эрта тонгда Мир эшигидан кириб борган ул моҳитобон учун зўр мажлис ясаиб, суҳбат қурган, паришон ва ошуфта ҳолларида унга атаб кўплаб ғазаллар ёзган Навоий унга етишиш орзусини тупроққа олиб кетди.

Ш. Сирожиддинов: «Биз шоирнинг илк девонидаги ишқий ғазалларни «Мажолис ул-ушшок» тазкирасидаги тафсилотлар ҳамда Хусайн Бойқаронинг таржимаи ҳоли билан киёслаганимизда, мавзу майдонига султоннинг суюкли хотини Хадичабегимнинг номи калқиб чиқди.

Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъул вақое» асарида Амир Шахвали Хадичабегимга кўкалдош бўлганлиги қайд этилган. Кўкалдош лақаби темурийларга яқинликни билдирган. Султон Хусайндек аёлларга нисбатан нозиктаъб бир ҳукмдорнинг Султон Абу Саиднинг ғунчачисига уйланиши ва кўпинча унинг маслаҳати билан иш кўриши эътиборга олинса, подшоҳнинг Хадичага бўлган ишқига биринчи муҳаббат натижаси сифатида қарашга тўғри келади. Аёнки, биринчи муҳаббат инсон қалбида ўчмас из қолдиради. Шу жиҳатдан Хусайн ва Алишер ўспиринлик йилларида гўзал чехрали Хадичани севишган бўлсалар ажаб эмас. Албатта, Навоий табиатига кўра ўта эҳтиросли бўлгани учун ҳам қизни қаттиқроқ севган. Бу ўринда Навоийнинг йигитлик даврида ёзилган бир ғазали диққатга сазовордир:³

*Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга,
Ишқидин олам менга ҳайрону мен ҳайрон анга.*

*Ўқларингдин дам-бадам таскин топар кўнглум ўти,
Бордурур бир қатра су гўёки пар пайкон анга.*

*Бир дилвордир кўнглумким, гам сипоҳи қалбида,
Оҳи новак, този догидур қизил қалқон анга.*

Абулқосим вафотидан сўнг Навоий Машҳадда юрганда ҳам у қизга атаб жуда кўплаб ғазаллар битади. Абу Саид мирзо Ҳирот тахтига ўтириб, Хуросон нисбатан тинчланган даврда Навоий Ҳиротга қайтади. Бу пайтга келиб балоғатга етган ва тўлин ойдек тўлишган гўзал Хадича Навоийни янада баттарроқ мафтун этганлигини тасаввур этиш қийин эмас.

Навоийнинг илк девонида ёрдан келган мактублар ҳақида бир неча ғазаллар борки, бу нарсалар улар ўртасида яқин муносабатлар мавжудлигидан дарак беради:⁴

*Ёрдин келмиш менга бир турфа мактуб, эй кўнгул,
Ким эрур ҳар сатри бол ҳар лафзи марғуб, эй кўнгул,*

*Асру кўп такрор этардим ул париваш номасин,
Бўлмишам эл ичра мажнунлиққа мансуб, эй кўнгул.*

¹ Ўша манба, ўша жой.

² Шухрат Сирожиддинов. Навоий кимни севган? «Ёшлик», 1991, 5-сон, 34-бет.

³ Шухрат Сирожиддинов. Навоий кимни севган? 34-бет.

⁴ Ўша манба, 35-бет.

Ш. Сирожиддиновнинг ёзишича, Хадичабегимнинг тенгсиз жамоли сарой аъёнлари ўртасида овоза бўлиб, шу туфайли султон Абу Саид ғайриқонуний хотин, ғунчачи сифатида ҳарамига киритгандир. Орзулари сароб бўлган Навоийда султон Абу Саидга нисбатан ғазабкор рашк ва ички адоват боис ва Хадичабегимнинг Навоийга бефарқ эмаслигини пайқаган Султон шоирга совуқроқ муомалада бўла бошлаганлиги, уни Самарқандга бош олиб кетишига сабаб бўлгандир. Навоий устози Ҳасан Ардашерга ёзган мактубларида Самарқандга кетишининг асосий сабаблари йигитлик ғурури йўл қўймай айтмаган бўлиши мумкин. Тадқиқотларда Абу Саид Мирзонинг золимлиги, Навоий тоғаларининг қатл эттирилиши Навоий билан Ҳусайн Бойқаронинг дўстликлари туфайли юз берган, дейилади.

Ҳусайн Бойқаро тахтга ўтиргач, Навоий яхши умидлар билан Ҳиротга қайтади. Хадичабегим ҳам у билан турмуш қуришга рози бўлган бўлса керак. Хадичабегим Ҳусайн Бойқаро хотини ҳисобланиб, ундан бир қизи бор эди. Навоий ҳам Ҳусайн Бойқаронинг Хадичабегимдан умидини уза олмаётганидан ва унга уйланиш режаси борлигидан беҳабар бўлмаган. Шунинг учун ҳам уйига кириб келган маъшуқасини изига қайтариб юборади.¹

Ш. Сирожиддинов тадқиқотда тўғри хулоса берган, унинг фикрича, Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг Машҳаддан қайтиб Самарқандга кетгунича, бошидан ўтказган воқеалар, ишқий кечинмаларини билмаган. Чунки Навоий ва Хадичабегим ўртасида ўтган гапларни бири вазири, иккинчиси хотини бўлгани учун ҳам ундан қаттиқ сир тутишган. Жуда кам боҳабарлар эса Хадичабегимдан ҳайиқиб бу сирни ичларига ютганлар. Шу сабабли Алишер ва Хадича муносабатлари ҳақида бирор манбада ҳаттоки ишора ҳам йўқ. Бизнингча, бу кейинчалик баъзиларга маълум бўлиб, тилдан-тилга кўчган ва афсонага айланган. «Мажолис ул-ушшоқ» тазкирасидаги воқеаларнинг ҳаққонийлигига келсак, уларнинг ростлигига шубҳа йўқ.² Бу воқеани султон кексалик йилларда эшитиши ва оғринмай қабул қилган бўлиши мумкин. Султон Ҳусайн халқнинг гап-сўзини ўйламай Абу Саиднинг ғунчачисига уйланиб, уни ўзининг энг яқин маҳрами ва сирдошига айлантириши Хадичабегимга бўлган севгиси ёшлиқдан бошланганлигини ва ўша илк муҳаббат туйғулари умрининг охиригача сўнмаганлигини билдиради. Навоий ҳам дўсти учун ўз ишқини қурбон қилганлиги унинг шеър, ғазалларида сезилиб туради. У ҳар куни Хадичабегимни кўрар экан, ишқ олови янада кучаяр ва оқибатда бошқага уйланиш учун ўзида қувват топа олмас эди:

*Ваҳки, кўнглум гуссаси ҳар лаҳза қасди жон қилур,
Ҳажрим андуҳи бузуг сатрим уйин вайрон қилур.*

*Кўп мададдур ҳажр андуҳида совуг оҳлар,
Ким, сингурса мен киби ўзига қасди жон қилур.*

*Неча йиллик меҳнатим ишқ ичра билгай ошиқе,
Ким, ҳадисин ёр ила агёрдин пинҳон қилур.*

*Жонни истармен чиқарсам уйидин, кўзларни ҳам,
Кўнглум ул дамким, хаёлин лаҳзае меҳмон қилур.*

Хадичабегим эса, Бобур айтганидек, «ўзини оқила тутар эди, вале беакл ва пургўй хотин», мол-давлатга берилган, унинг учун ишқ-муҳаббат туйғуси иккинчи даражали бўлса ҳам, ҳар ҳолда баъзида Навоийга илтифот қилиб кўяр, бу эса Навоий дардининг яна қайталанишига сабаб бўларди.

Иброҳим Ҳаққулнинг «Ғазал гулшани» тўпламида Абдуқодир Ҳайитметовнинг Навоий ишқи хусусида айтган қуйидаги фикрини учратамиз: «Маълумки, севги масаласида Навоийнинг ҳаёти фожеали бўлган. У ўз ёрига эриша олмагач, дунёдан тоқ ўтган. Лекин бу ҳеч вақт Навоийни муҳаббатни қоралашга олиб келмаган. Олим ўз фикрини исботлаш учун ҳазратнинг ушбу ғазалини келтиради:

*Ёрдин ҳижрон чекар ушшоқи зор, эй дўстлар,
Нега тортай ҳажр, чун йўқ менда ёр, эй дўстлар.*

*Айламанг бекаслигимни таън, бир кун бор эдинг,
Менда ҳам бир нозанини чобуксувор, эй дўстлар.*

¹ Шуҳрат Сирожиддинов. Навоий кимни севган? 35-бет.

² Ўша манба. 36-бет.

*Ёрсиз вайронада қон йиғларман охир,
Сиз қилинг ёр бирла гашти боғу лолазор, эй дўстлар»*

У умрини, ишқини Худо васлига етишиш йўлига бахшида қилди. Пировардида, ҳазратнинг орзуси ўзида комил инсон сиймосини яратиш ва мутлоқ руҳ—Ҳақ жамолини кўришга йўналтирди».¹

Навоий шахсий ҳаётида севгилиси висолига етиша олмаган бўлса ҳам, бутун умри давомида ҳаётни севиб яшади ва ижод қилди.

Бир шеърда унинг:

*Демаким: - Бўлдинг қарию ўтди даври ишқим,
То тирикдурман, манга ишқу муҳаббат чоғидур.*

Хусайн Бойқаро подшоҳ эди, бош вазир Навоий унинг дўсти эди. Асосий гап шундаки, Навоийдек улуғ шоир Хадичабегим туфайли Хусайн Бойқародек дўстига хиёнат нари турсин, ўртага озгина ғубор тушишини ҳам хоҳламас эди. Шу боис у сир сақлашда, ўзининг қалб маънавиятига содиқ қолиб улар иккисига ва ёшликдаги дўстликка садоқатини изхор қила билди. Хадичабегимнинг канизак Давлатбахтни Навоий уйига юборишида, унга Навоийнинг қўл теккизмаганлиги, аслида Хадичабегимга унинг садоқати эди. Шунинг учун Хусайн Бойқаро ва Хадичабегимнинг Навоийга нисбатан минг-минг ҳурмати ошганлиги Навоийдек улуғ зотнинг дўстлик ва муҳаббатга садоқат рамзи эди.

Демак, Навоий севгиси энди Илоҳий мақом ва мартабага кўтарилиб, энг юксак чўққи ва даражага етган эди. Машраб идеали ва қалби ҳам Навоийники каби эди. Асли ҳарамга эмас, Тўтинисо хизмат қилаётган ҳовлига Машрабнинг уч кун шом қоронғусида назар солиши унинг учун баҳона эди, холос. «Мақбули ҳидоят бўлайин деб гуноҳ эттим» дейиши нафсини енгиб, унинг тасаввуфга садоқати, пирига таслимияти эди. Шунинг англай олмаган тасаввуф фалсафасидан беҳабарлар, хали-ҳануз унга (пирга) тош отмоқдалар

Исматуллоҳ Абдуллоҳ таъкидлаганидек, «Моу маний» иборасидаги «моъун» сўзи арабча «мо» «сув» маъносига эга, «маний» эркаклар уруғи, «моу маний» «уруғ суви». Бу эса «кечтим моуманликдан, манда иллат қолмади» дегани. Ҳаққа етган мутасаввуф, сўфийда ўша иллат қолмайди. Ўта нозик бу масалада Навоий ва Машрабни тушуниш учун унга эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш керак деганимизнинг боиси шулдур.

Ҳар икки улуғ ўзбек шоирнинг башарият олдидagi хизмати, Аллоҳга севгиси, муҳаббати, ишқи илоҳийни юқори тутиши шахсий оила муносабатидан ҳам устун кўйишида эди.

Бобораҳим Машрабнинг дидактик қарашлари ҳақида гап кетганда унинг «Кимки толибдур анинг ганжи ниҳони тавбадур», «Жумлайи мақсудни сан зоти Аллоҳдин тила», «Асли давлат дин эрур, марди гуноҳдин, манки ёнмасман хануз», «Ошиқ улдур то дилига сақласа асрорни» ва бошқа шеър, мухаммасларида панд-насихат, ўғит, ахлоқий фикрлар, таълим-тарбиявий ғоялар илгари сурилган.

Машраб илм-фан, ахлоқ йўлига кирган кишининг ички яширин-ниҳони тавбадир дея таълим беради. У инсонларга мурожаат қилиб, тирикликнинг, иймоннинг, бандаларнинг, шоҳу гадонинг маслаги тавба бўлиши зарур дея одамларга панд-насихат қилади. У тавба деган сўзни оғзига олган кишиларда гуноҳ қолмаслигини, инсоннинг қилиб қўйган гуноҳини тавбаси учун Аллоҳ таоло афв этишини, ҳатто Куръони каримда ҳам Аллоҳ бандалари тавбасини афв этишини айтганлигини, тавба қилмаган киши ҳеч қачон мақсадга етолмаслигини, «Жумлаи шоҳу гадонинг соябони тавбадур» дея ўғит беради.

Машраб тавбани дарёга қиёслаб кишини дарё тубидан дур изловчига ўхшатади, шармандаи шармисор киши тавбаси туфайли покиза бўлади дейди у. Тавба унинг фикрича, инсон гарданидаги гуноҳларини кетказди, Аллоҳга содиқ бандаларгина тавба-тазарру қиладилар дея насихат қилади.

Унинг ўғит беришича, Холиқ тавбасиз, муножотсиз тоат-ибодатни ҳаргиз қабул қилмайди, тавба қилмаганларни Яратган даргоҳида қабул қилмайди, тавбани Аллоҳ ва унинг элчиси Расулуллоҳ мўъминлар учун фарз этди, то жонинг борича Яратган даргоҳида тавба-тазарруда бўл, дейди

¹ Ботир Окбўтаев. Алишер Навоий севгиси адабиётшунослар талқинида. 31-32-бетлар.

У мусулмонларга панд-насихат қилиб, ҳар соат инсон тавба қилишини уқтиради, инсон борки унинг нуқсони борлигини эслатиб, у истиғфор айтишини таъкидлайди, бир гуноҳ қилиб қўйсанг Аллоҳга минг бора тавба қил дея маслаҳату ўғит беради:

*Машрабо, ҳар соате сан тавбани такрор қил,
Банда бенуқсон эмасдур, кунда истиғфор қил,
Оби ҳасратдин дидангни ҳар замон хунбор қил,
Бир гуноҳнинг устида тавбангни минг изҳор қил,
Жумлайи шоҳу гадонинг соябони тавбадур.¹*

Машрабнинг панд-насихат ҳақидаги қарашларини таҳлил этишда Ж. Юсуповнинг устози Ғайбулла ас-Салом айтиб юрган бир фикрни келтиришни лозим топдик. Чунки тасаввуфда ҳар доим бир нарса таъкидланади: олимнинг фаросатлисидан кўрқ: «Машраб «жойи келса авлиёликдан фаросатлилик афзалдир», дейдилар. Дарҳақиқат, домламиз раҳматлида фаҳмлаш қобиляти, донолик, юзга қараб ични билишдек ўта ноёб бир фазилат, хислат бор эди. Машрабни шунчалик севардиларки, таҳсил давомида ҳиргойидан тўхтаб «Машрабни тушуниш учун Машрабнинг дардини, Машрабнинг аламлари марказини топиш керак. Бу марказнинг нақ ўртасида Одам ато ва Момо Ҳавомизнинг Жаннатдан қувилишлари машмашаси туради»,² дердилар».

Машраб фарзандларга ўғит-насихат қилиб мақсудингни Аллоҳдан тила дейди, сен фоний дунё бандасисан, Шайъанлиллоҳ-(Худо учун бир нарса беринг ёки сўранг) ҳожатингни Яратгандан тила, чунки Аллоҳ бандаларга ваъда қилган, у сўраса мен уни тилақларини адо этаман деган, агар сен унга-Ҳаққа ножоиз иш қилсанг, ҳатто тутган намозингхам унинг даргоҳида қабул бўлмайди, шунинг учун сен бутга эмас Каъбага сажда қилиб, мушкулотингни Аллоҳдан тила, Аллоҳнинг Ягона ва дуоларини қабул қилишини, унинг карами дарё каби кенг ва сув мўллигини эсингдан чиқарма дея ўғит беради:

*Жумлайи мақсудни сан зоти Аллоҳдин тила,
Сан гадосан, ҳожатингни шайъанлиллоҳдан тила.*

*Ваъда қилгондирки: Ҳеч мўъминни зоеъ қўймайин,
Онча ҳожатингни сан ажран жамолин тила.³*

Мутафаккир фарзандларга насихат қилиб, асли давлат «дин эрур», яъни исломиятдан хабардор киши, Худодан кўрққан, тўғри йўлдан юрувчидир дейди. Қалбингда, дилингда маъно, илм бўлмаса ўзингни марди бадавлат санама, ҳақиқат талабида бўлаверма дейди.

У Ҳотам Тоий сахийлик рамзи, гарчи сен Ҳотам Тоий каби саховатпешалигинг жаҳонни тутса-да, риёдан йироқ бўл, ўзингни саховатли, сахий деб ҳисоблама дейди. У ҳеч қачон ўзини насл-насаби билан фахрланмаслигини, ҳатто пайғамбар Муҳаммад (с. а. в.) авлодидан бўлса-да, унинг авлодиман дея керилмасликни, «муттақий» (тақводор, парҳезкор) бўлса-да, бу йўлда нафси амморани ўлдиришни, «зиндалик» (тирикликда) бўлмасанг, яъни хушёр бўлиб, тариқат йўлни тутмасанг, ўзингни аҳли тариқат ҳисоблама деб ўғит беради.

Фоний дунёнинг тоат-ибодатини адо этишда Яратган олдида ўзингни заиф ва ожиз, хоксор ва нотавон тут, дилингни чиркинатлардан тоза тутган, аритган ҳолда аҳли тоатман дея кўрма, ўзингни Яратган олдида сомелик билан некбин ҳолда тут дейди.

Ўзингни мухтасиб-шариатга хилоф ишларни текширувчи, бозордаги тош-тарозу ва нархларни назорат қилувчи каби тут, дилингни ғуборлардан тозала, нодонлик билан соҳиб насихат санама дейди.

Агарда етти иқлим сенинг фармонингга итоат этиб турса-да, аччиқ бўлса-да, шавкатлиман деб керила кўрма дея насихат қилади.

Мустақим (тўғри йўлдан юрувчи) бандаликда шу йўл тўғрилигини гарданингда ол, йўқлик йўлини тутмоқчи бўлсанг: «Сан адам йўлини тутгил, аҳли хизматман дема», дейди.

Фоний дунёда улуғлик сифатларини қабул қил, сен нафсинг билан уруш, унга қарши бор, «То Сиротдин ўтмасанг, аҳли саломатман дема», дейди.

¹ Машраб. Девон. 2006, 496-бет.

² Ж. Юсупов. Машраб. Девон. Сўзбоши. 45-бет.

³ Машраб. Девон. 2006, 50-бет.

Яратган хузурида, бокий дунёда ҳам сен ўзингни камбағал, мол-мулксиз деб ҳисоблама, беҳиммат деб билма, негаки Яхёдек пайғамбар шому сахар унинг Яратган ишқи билан мотам тутиб йиғлайди, сен ҳам қалбан кўз ёш тўк, лекин аҳли надомат чекиб, афсусланма деб панд-ўгит беради.

Ғазал охирида Машраб хастадил шоирнинг ҳолини сўрамоқчи бўлсанг, унинг асрорини, руҳониятидан хабар олмақчи бўлсанг, эй менинг хаста дилимни даволагувчи ҳоким табиб деб у беш кунлик хатарли умр йўлидасан, ўзингни соҳиб каромат санама дея насиҳат қилади:

*Асли давлат дин эрур, марди бадавлатман дема,
Дилда маъни бўлмаса аҳли ҳақиқатман дема.*

*Мухтасибу нафс бўлсанг, дилни ширкатдин арит,
Сан бу нодонлик билан соҳиб насиҳатман дема.*

*Хастадил Машрабнинг асрорини билсанг, эй ҳаким,
Бул хатарлик йўлдасан, соҳиб кароматман дема.¹*

Мутафаккир Машраб ўзини дўзах ўтида ёнишини, бунинг ҳисобига бошқалар ёнмаслигини Аллоҳдан илтижо қилиб сўрайди. Ҳамма ғафлат уйқусидан уйғонганлигини, ўзигина ҳали уйғонмаганлигидан афсус-надомат чекади.

Барча Яратган олдида тавбаю тазарруда зор-зор йиғлаб турганлигини, у эса охират аъмолин айтиб ҳануз ундан қутула олмаганидан афсус чекади.

Машраб бандаларини Аллоҳ лутфидан, марҳаматидан умидвор эканлигини, у эса бедаво нафс учун ҳали-ҳануз ундан ноумид ҳолда юрганлигини таъкидлаб ўтади.

У Ҳаллоқи олам олдида ҳамма орифу содиқлар панд-насиҳатни олганлигини, у ҳамон панд-насиҳат, ўгит-ибрат олмаганидан афсус чекади. У такаббурлик шайтоний феълли одамларга хослигини, такаббурдан ҳеч қайси замон холи эмаслигини таъкидлайди.

Азозил-Иблисининг номи, шайтон Одам отога ғурур ва кибр қилиб, Аллоҳнинг амрига бўйсунмаганлиги учун улёйи жаннат мақомидан ерга ҳайдалган. Машраб Азозилнинг саркашлик қилиб Аллоҳнинг амрига бўйсунмаганлиги, итоатсизлиги учун ерга қувилганлигини, ҳатто дунёи давлатни кўп йиққан Қорун ҳам ер қаърига кирганлигини, Аллоҳ бандаси бўлишни истасанг ҳавою ҳирсдан кечилинг, бу дунёнинг ҳою ҳавасларидан узокда бўлишинг керак деб панд-насиҳат қилади:

*Барчалар ёнди гуноҳдин, манки ёнмасман ҳануз,
Хоби гафлатдан уёнди, ман уёнмасман ҳануз.*

*Орифи содиқ ҳама панди насиҳат олдилар,
Барча пандинг олдилар, пандингни олмасман ҳануз.*

*Банда бўлсанг, Машрабо, кечкил ҳавоюи ҳирсдин,
Кечди барча ҳирсидин, ҳаргиз кечолмасман ҳануз.²*

Машраб Ҳақ йўлига кирган ошиқни ҳар қандай сир-синаотни ўзида сақлай олишини, бор-йўқни ўзида англай олишини, қачонки инсон хаста бўлсагина ҳаким уни сўраб келишини, у осий банда эканлигини, Аллоҳ даргоҳидан ноумид қилмаслигини, бир гул учун ва минг гул учун ҳам бирдай сув ва парвариш кераклигини, у инсон дилида маърифатдан иймон нури бўлмаса, сўфийлар бир хурга буни алмаштириб юборишларини айтади.

Шунинг учун мутафаккир инсон хотирини пок қилиб дунёга берилмаслигини, дилда агар ғубор бўлса, Аллоҳга етишиш мумкин эмаслигини англатади.

Машраб бани одамзотга ва ўз лирик қахрамонига муаллиф сифатида фоний дунёда авлиёлардек муаззам комил инсон бўлайин десанг, Ҳаққа фақат тавба қилиб истиғфор айт дея ўгит беради:

*Ошиқ улдур то дилига сақласа асрорни,
Барҳам урса йўлига оламда йўқу борни.*

То дилиннга маърифатдин нури иймон бўлмаса,

¹ Машраб. Девон. 2006, 54-бет.

² Машраб. Девон, 2006, 84-бет.

Сўфилар, бир ҳуга алмашман-дасторни.

*Авлиёлардек муаззам бўлайин десанг вале,
Машрабо, ҳеч канда қилма дилдин истиғфорни.*

Мутафаккирнинг ижтимоий-маънавий ва дидактик қарашлари ҳақида хулоса чиқаришда аввало, Шарқда таълим-тарбиявий, ахлоқий-маънавий йўналишда ижод этган Яссавий, Умар Хайём, Кайковус, Фирдавсий, Саъдий, Жомий, Навоий асарларининг Машраб ижодига таъсирини назарда тутмоқ керак.

Бобораҳим Машраб адабий услуби, унинг тили халқ тилига жуда яқин. Буни шундан билса бўладики, у ижодида халқ оғзаки маънавий меросини чуқур ўрганиб, илҳомланган, ундан кўп ўзлаштирган Машраб Ҳофиз ва Саъдий Шерозийлар ижодини яхши билганлиги кўзга ташланади. Хусусан Навоий ва Хондамир шеърляти ва ундаги маънавий-ахлоқий, дидактик ғояларни чуқур билган.

Шарқ тасаввуфий қарашларидаги комил инсон ва унинг сиймоси Машраб асарларига кўчган.

Шуни эътироф этмоқ керакки, аввало Машраб дунёқарашига таъсир этган, унинг маънавиятини бойитган омил Маҳдуми Аъзам чевараси бўлган Офокхожа хонадонида таълим-тарбия олиб, камолга етганлигидир. Шу боис у ўз шеърларида тасаввуфона истилоҳлар қўллаган, тасаввуф адабиёти намояндалари ижодига эътиборини қаратган. Шеърларида йирик мутасаввуфларнинг номларини тилга олган. У фарзандларга мурожаат қилиб, аввало Яратувчига ҳамд, сано, наът, суруд ўқиган. Сониян ота-онага муҳаббатли бўлишга, уларнинг ўғит-насихатларини тинглашга, ибратомуз намуна бўладиган жиҳатларини ўзлаштиришга даъват этган.

У яратган шеърлят дидактик ва маънавий қарашлари долзарблиги, мазмун-моҳиятининг теран ва фалсафийлиги билан қимматли ва бугунги кун талабига жавоб бера олади.

ХУЛОСА

Бобораҳим Машраб ижтимоий-маънавий, диний-тасаввуфий, ахлоқий мероси ва унинг илмий-бадий адабиётдаги талқини хусусида фикр юритиб, мутафаккир шоир яшаб ижод этган Мовароуннаҳрда ижтимоий фикр ривожининг иқтисодий-сиёсий ва маънавий замини, Машрабнинг ижтимоий-маънавий мероси, шоирнинг тасаввуф таълимоти ҳақидаги қарашлари, мутафаккирнинг дин ва ахлоққа муносабати мавзусини ўрганиш долзарб ва муҳим эканлигини назардан қочирмай, унинг илмий меросини холисона ўрганиш мақсад қилиб олинди.

Машраб яшаган XVII-XVIII асрлар Мовароуннаҳрда ижтимоий фикр ривожининг иқтисодий-сиёсий ва маънавий заминини тадқиқ қилишда давр ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволи, шунингдек, тарихий шароит, давр, маданият ва илм-фани ривожи, унинг ўсиши ва депсиниш жараёни, маънавий фикрнинг хусусиятлари, шоирга замондош ва ҳамфикр бўлган мутафаккир шоир, адиб ва маданият аҳли томонидан яратилган меросга муносабат масалалари таҳлил этилди.

Машрабнинг ижтимоий-маънавий меросига муносабат ўзбек адабиёти тарихида муфассал ва кенг жараёнда ўрганилмаганлиги ҳисобга олиниб, унинг шахсияти ва илмий-маънавий мероси ҳамон ўта мураккаб ва чигал дегувчилар фикрини бир томонга суриб мутафаккир шоир ижоди, маънавий мероси ўтган аср эътиборидан четда қолганлигини назардан қочирмай, Бобораҳим Машраб ҳаёти, шоирнинг ижодий мероси, унинг сиймоси «Қиссаи Машраб»да ёритилиши, шоир шахсиятининг бадий адабиётлардаги таҳлили масалалари чуқур, холисона ёндашилган ҳолда муфассал ўрганилиб, унга муносабат билдирилди.

Машраб ва тасаввуф таълимоти мавзуси хусусида шу пайтгача шоир меросига муносабат билдирилганда уни ўта, ҳатто даҳрий ва исёнкор руҳда талқин этилганлигини фикримизни истифода этмай, унинг маънавий меросининг ўзига аслида тасаввуфий руҳда эканлигини, мутафаккир ижодига мутасаввуф-салафлар таъсири масаласи унинг ижодиёти-шеърятини нуктаи назардан ёндашилиб ўрганилди. Салафлардан фарқли шоир ғазалиётида тасаввуфий ғоялар талқини, у илгари сурган фикр ва қарашлар, шунингдек, мутафаккир тасаввуфий қарашларида комил инсон муаммоси қандай талқин этилганлигига муносабат билдирилди.

Машрабнинг дин ва ахлоққа муносабати масаласида фикр юритилиб, унда шоир дунёқарашида юксак қадрият саналган ислом динига бўлган масалаларнинг ёритилиши бугунги кун нуктаи назари, эҳтиёжи ва талабидан келиб чиққан ҳолда таҳлил этилди.

Машрабнинг ижтимоий-ахлоқий дунёқараши ўрганилган фаслда эса унинг таълим-тарбия, хулқ-одоб ҳақидаги шеърлари таҳлил этилиб, унинг бугунги авлодга бўлган таъсири масалалари ёритилди.

Мутафаккирнинг ижтимоий-маънавий ва дидактик қарашлари ўрганилган қисмда шоирнинг ибрат, намуна бўлган шеърлари мазмун-моҳияти, ундаги панд-насихат, ўғит ва хулқ, ундан ҳосил бўладиган яхшилик ва ёмонлик ҳақида муаммолар таҳлил этилди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, тадқиқотда қуйидаги хулосага келинди:

I. 1) Мутафаккир шоир Бобораҳим Машраб яшаб ижод этган Мовароуннаҳрда ижтимоий фикр ривожининг иқтисодий-сиёсий ва маънавий замини таҳлил этилган XVII-XVIII асрда тарихий шароит қай ҳолда эканлигини билиш учун аввало ўша давр ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволига мухтасар тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Машраб кўнимсиз ҳаёт кечириб ва ижод этган давр Мовароуннаҳрда ўша давр иккита – Бухоро ва Хоразм хонликлари, XVIII аср бошларида эса Қўқон (Хўқанд) хонлиги ташкил топган эди.

XVI аср охирига келиб юз йиллар ҳукмронлик қилган шайбонийхонлар ўз ўрнини уруш ва талотўплардан сўнг аштархонийлар сулоласига бўшатиб берди. Шундан сўнг Мовароуннаҳрда Жўжихон наслдан бўлган аштархонийлар (жонийлар) сулоласи ҳукмронлиги бошланди. Аштарийхонлар сулоласининг биринчи хони Жонибек Султонни хон қилиб кўтаришга қарор қилдилар. Лекин у бу таклифдан бош тортгач, тахтга Жонибекнинг ўғли Динмуҳаммадни кўтарадилар. Аммо у Бухорога келишда отдан йиқилиб ҳалок бўлган. Шунда унинг укаси Боқи Муҳаммадхон ворис деб эълон қилинган. Анъанага кўра, Валимуҳаммадхон Балхга ноиб қилиб юборилган. 1601 йилда

Бухоро хонлигида ҳокимият аштархонийлар сулоласи кўлига ўтади. У Жонибек номи билан – жонийлар сулоласи деб ҳам юритилган.

Аштархонийлар ҳукмронлиги ўзбек давлатчилиги тарихида энг зиддиятли давр ҳисобланиб, олий ҳокимият 150 йилдан зиёдроқ (1601-1756) давр мобайнида ўз қарамоғида сақлаб келган аштархонийлар даврида марказий ҳукумат заифлашиб, ўзаро ички урушлар авж олган. Абдуллахон иккинчининг ҳаракати билан бунёд бўлган йирик Бухоро хонлиги ҳудуди торайиб кетди. Марказий ҳукуматнинг вазиятни қўлдан чиқариб юбориши ва бошқа омиллар туфайли XVII аср бошидаёқ Хуросоннинг катта ҳудуди қўлдан бой берилишига сабаб бўлиб, натижада Хоразмда мустақил Хива хонлиги пайдо бўлди. XVIII аср бошларида Қўқон хонлиги барпо этилди.

Аштархонийлар сиёсий фаолиятининг заиф халқлари шу тариха пароканда ҳолда тарихга кирди. Аштархонийлар сулоласи XVIII асрнинг ўртасигача ҳукмронлик қилиб, сулола саккиз хондан иборат бўлган. Боқимухаммад, унинг укаси Валимухаммад, Имомқулихон, унинг укаси Назирмухаммадхон, унинг ўғли Абдулазизхон, унинг укаси Субхонқулихон, унинг ўғли Убайдуллахон, унинг укаси Абулфайзхон сўнгги хон (1711-1747) йиллар бошқарган. Шулар ичида Имомқулихон (1611-1642) нисбатан узоқ йил тахтда бўлган. Имомқулихон даврида вазият барқарор бўлиб, давлат ҳудуди кенгайган. У халқнинг аҳволдан хабардор бўлиб, қоронғу тушиши билан оддий кийиниб, амалдорлари билан ҳар бир воқеадан огоҳ бўлган. Шунинг учун унинг даврида мамлакатда фаровонлик ва барқарор вазият ҳукм сурган.

1736 йилда Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг ўғли Ризоқул бошчилигидаги Эрон кўшинлари Қаршини, 1740 йилда Нодиршоҳ Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Самарқанд, Ҳисорни эгаллайди ва мамлакатни талаб, бойликларни олиб кетади.

Мамлакатда зулмга қарши бир неча марта кўзғолонлар бўлган. XVII-XVIII асрларда шаҳарлар ҳаёти суёт ривожланиб, савдо-сотик унчалик йўлга қўйилмаган, иқтисодий тангликлар бўлиб турган. Аммо зодагонлар ва юқори табақа кишиларига жуда катта имтиёзлар берилган.

Хива, Қўқон хонлигида аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Қисман Россия билан савдо-сотик йўлга қўйилган. Аштархонийлар сулоласида мунтазам армия сақланмаган. Сулола таназули унинг сўнгги хони Абулфайзхоннинг ўта кўп қон тўкиши билан хотима топди деса бўлади. Бу ҳол сулола инқирозини тезлаштирди.

2) Ҳар қандай жамиятнинг зиёилик даражаси ўша ердаги илм-фан ва маданият равнақи билан ўлчанади. Шу нуқтаи назардан қаралганда, мутафаккир шоир Бобораҳим Машраб ижод этган давр тарихида илм-фан ривожини олдинга эмас, балки орқага кетган деб таҳлилчилар томонидан эътироф этилган XVII-XVIII асрларда маънавий муҳит даражаси қандай бўлган деган савол қўйилиши табиий.

Ўша муҳитда илм-фан намояндалари томонидан адабиёт, тилшунослик, тарих, тиббиёт, жўғрофия, фалсафа, ахлоқшунослик, илму нужум, мантик, меъморчилик, математика, тасвирий санъат, хаттотлик, наққошлик, мусиқа, фикҳ ва бошқа илмлар мадрасаи олияларда ўқитилган.

Арасту, Афлотун, Форобий, ибн Сино, Беруний, Розий, Замаҳшарий, Улуғбек, Али Қушчи, Жомий, Навоий каби мутафаккирларнинг табиий-илмий, сиёсий, фалсафий-ахлоқий фикрлари, ижтимоий-маънавий ғоялари билан қизиқиш, уларни ўрганиш ва ривожлантириш, шунингдек уларнинг меросларини халқ оммасига ёйиш ишлари амалга оширилди.

Шоир яшаган давр маданий ҳаётида Муҳаммад Юсуф муншийнинг «Муқимхон тарихи», Муҳаммад Амин Бухорнийнинг «Убайдуллонома» каби тарихий китоблари яратилди. Бухорода Абдулазизхон, Убайдуллахон мадрасалари, Боқимухаммад, Субхонқулихон томонидан ҳовуз, дорул-шифо, чорбоғлар, саройлар, иншоотлар ва бошқа кўплаб меъморий обидалар қурилди.

Самарқандда Ялангтўш Баҳодир томонидан Шердор, Тиллакори ва бошқа осори атикалар, мажмуалар яратилди.

Биргина XVII асрда Бухоро хонлигида 150 га яқин мадрасалар фаолият кўрсатиб, ижтимоий ва фалакиёт соҳасидаги фанлар ривожини ўсди.

XVII-XVIII асрда яратилган иморатларни тарихида номи қолмаган бинокорлар қурдилар.

Халқ маданияти, дoston, кўшиқ, эртақ, мақол, масалларда адолатсизлик ва нотенгликка қарши фикрлар куйланди.

Омманинг саводини чиқариш мақсадида мактаблар очилиб, унда Қуръон, ҳадис, фалакиёт, риёзат, мантиқ, тилшунослик каби фанлар ўқитилди.

Муסיқа илми ривожланиб, машхур ҳофиз ва гўяндaлар етишиб чиқди. Ўймакорлик, наққошлик санъати ривож топди, миниатюра жанрида нафис асарлар яратилди. Мармар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш бирмунча йўлга кўйилди. Ёғочсозлик, тоштарошлик, бронза ва кумушга ишлов бериш санъати ривожланди. Наққошлик, мисгарлик, тўқувчилик, чармсозлик, гулдор нақшлар солиш санъати шаклланди.

Кутубхоналарда безакли, рангли, Шарқ минатюрачилиги билан жилва берилган китоблар кўпайди. XVII-XVIII асрларда яратилган маданий турдаги асарлардан халқнинг юқори табақа вакиллари, зодагонлар фойдаланишди.

Халқ дostonларидан эса халқнинг турли тоифалари манфаат кўрдилар, унга ижодий ёндошдилар, сайқал бериб ривожлантирдилар.

Тадқиқ қилинаётган давр Хива хонлигида маданий ва илм-фан равнақи ўзига хос ривожланиб, у ерда Абулғози Баҳодирхон фаолияти алоҳида мазмун касб этади. Хон томонидан қимматли тарихий-мемуар асарлар «Шажараи турк» ва «Шажараи тарокима» яратилди.

Халқнинг куйи табақасидан маданият ва илм-фан вакиллари етишиб чиқдилар, улар наср ва назмда дурдона асарлар яратдилар.

3) Машраб яшаган давр маънавий фикрининг муҳим хусусиятларини белгилашда ўтмиш тадрижий-тарихий қарашлари, салафлар мероси, маънавий кадриятлар, илғор фикрлар, ўша муҳитда яшаган халқ зиёлилари томонидан ўзлаштирилиб, тўлдирилиб, сайқал берилиб кейинги авлодларга узатишда Машрабга замондош алломаларнинг ҳиссаси каттадир.

XVII-XVIII асрлар Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон диёрида яшаган Шарқнинг улуғ аллома ва адиблари, шоир ва маданият арбоблари Абулғози Баҳодирхон, Саидо Насафий, Мирзо Бедил, Сўфи Оллоҳёр, Хўжаназар Ҳувайдо, Юсуф Қарабоғий, Муҳаммад Шариф Бухорий, Турди Фароғий, Абу Абдулло ас-Сиёлкутий, Муҳибулло ал-Ҳиндий, Вафойи, Мулла Масту охунд, Нодир, Равнақ, Андалиб, Роқим, Нишотий, Умар, Боқий ва бошқа ижодкорларнинг асарлари маънавий фикрнинг муҳим хусусиятларини белгиловчи асарлар бўлиб хизмат қилади.

Мовароуннаҳр мактаб ва мадрасаларида Қуръон хатм қилиниб, «Чор китоб», «Сўфи Оллоҳёр» китоблари ибтидо қилинган.

Қуръон илми, фикр, ҳандаса, илми нужум, фалсафа, мантиқ, адабиёт, жўғрофия, тарих, таъбат фанлари ўқитилган. Талабаларга ўзбек тилидан ташқари араб ва форс тиллари орқали Фаридиддин Аттор, Ҳофиз Шерозий, Мирзо Бедил, Навоий, Фузулий газалиёти, мутафаккирларнинг асарлари дарслик ва кўлланма сифатида ўргатилган.

XVII-XVIII асрлар маънавий ҳаётида тасаввуфнинг нақшбандия, яссавия, кубровия таълимотлари кенг тарқалганлиги, улар адабиёт, санъат, ижтимоий билимларга таъсир кўрсатганлиги кўзга ташланади.

Бу давр маънавияти ҳақида гапирилганда Эрон, Туркия, Қашқар, Ҳиндистон каби мамлакатлар билан ўзаро алоқада бўлганлиги кузатилади.

Асли озарбайжонлик, Мовароуннаҳрға келиб ижод этган Юсуф Қарабоғийнинг фалсафа илмига қўшган ҳиссасини, Абулғози Баҳодирхоннинг тарихий асарларини, Мирзо Бедилнинг мантиқ ва фалсафа соҳасидаги кашфиётлари, Сўфи Оллоҳёрнинг таълим-тарбия, ахлоқий-дидактик, панд-насихат ҳақидаги қарашлари, Муҳаммад Шариф Бухорийнинг шеърляти, ҳуқуқ, тилшунослик, тарих ҳақидаги асарлари, Хўжаназар Ҳувайдонинг шеърлий асарлари, Саидо Насафийнинг ахлоқий-дидактик асарлари, Турди Фароғийнинг ҳажвий шеърлари ўша давр маънавий фикрининг хусусиятларини белгиловчи муҳим асарлар ҳисобланган.

II. 1) Мутафаккир Машрабнинг ижтимоий-ахлоқий, таълим-тарбия ҳақидаги қарашлари шу пайтгача тарих, социология, фалсафа ва адабиёт тарихи фанлари нуктаи назаридан монографик тарзда таҳлил этилмаган. Шоирнинг ижтимоий-маънавий мероси, унинг ҳаёти, ижодий мероси, шоир сиймосининг «Қиссаи Машраб», «Тазкираи қаландарон»да ёритилиши, Машраб шахсиятининг бадий адабиётлардаги талқини,

мутафаккир ижодининг илмий адабиётлардаги талқини тўлалигича, муфассал ҳолида тадқиқ қилинмаган, бунга қўл урилмаган, аммо ўрганилиши муҳим долзарб ишлардан бири эди.

Надомат билан айтмоқ жоиз, Бобораҳим Машраб ҳаёти ва фаолияти ҳақида фикр юритилганда, ҳамон йирик илмий-бадий асарларда, рисола ва методик қўлланмаларда мутафаккир туғилган сана, унинг ёши, қайси шаҳарда таваллуд топганлиги масаласи баъзи тадқиқотларда хилма-хил ва мунозарали ўринлар учраб туриши таажжубли ҳолдир.

У ўз она шаҳри ҳақида шундай демаган бўларди:

*Намангандек табаррук юрт менга тор ўлди,
Муллолар қутқусидан азиз бошим хор ўлди.*

Мазкур тадқиқотнинг бош мақсади ўша турли хил ва баҳсталаб ҳолатларни бартараф қилиб, илмий манба ва маълумотларга таянган ҳолда шоир ҳаёти, фаолияти, ижодиётида учраган ва баъзи жузъий камчиликларга ҳолисона муносабат билдириб, уларни тўғрилашдир.

Мазкур тадқиқотда Машрабнинг туғилган юрти Наманган шаҳар Маддохлик маҳалласи эканлиги, шоир умри 71 ёшда интиҳосига етмагани, аксинча у 58 ёшда шаҳиди аъло мақомида поёнига етгани, унинг ўлими бош сабаби Балх, Қундуз ҳокими ва аркони давлат арбобларини дарғазаб қилгани, бунга эса шоирнинг ғайритабiiй ҳаракати баҳона бўлиб ҳукм ижро этилгани ва бундан Машраб кутган мақсад кўзлангани таҳлил этилди.

Бу вазифани бажаришда аввало Машраб ҳақидаги манокиб, қисса, тазкира, рисола ва у ҳақдаги илмий ишларга мурожаат қилинди, машрабшунос олимлардан Жалолиддин Юсупов, Исматуллоҳ Абдуллоҳ, Муҳсин Зокиров, Абдурашид Абдуғафуров, Дилором Ҳамроева тадқиқотларига, Фитрат, Ҳ. Болтабоев, Ғафур Ғулом, Ҳ. Ҳомидий, В. Раҳмонов, И. Ғафуров ва бошқа адабиётшунос олимларнинг рисола, илмий тадқиқотларига таянилди.

И. Ғафуров талқинича, Машраб башар фарзанди, у тарихий шахс. Машраб Намангандаги биринчи устози мулла Бозор охунд, кейинчалик Қашқардаги пири комили Офокхожа хонадонида барча илмларни эгаллаши, ўз хоҳишича, «Мақбули хидоят бўлайин деб гуноҳ эттим» дейиши бу унинг тасаввуф фалсафасидан хабардорлиги эди.

Машраб ҳаёти ҳақида фикр юритилганда Фитрат, Ғафур Ғулом, Ҳ. Болтабоевлар Машрабни Андижонда туғилганлигини айтишади. Машраб Наманган шаҳрида туғилганлиги инкор қилиб бўлмас ҳол. Самарқандлик Муҳаммад Бадъе Малехо ҳам Машрабни «Музаққир ул-асҳоб» асарида андижонлик деб айтган. Машраб туғилган санаси барча адабиётларда 1653 йил деб ёзилиши мақсадга мувофиқ, унинг вафоти 1711 йил. Бундан шундай хулоса чиқадики, Машраб «Мажмуаи Фаҳмий»да ёзилишича, 58 йил умр кўрган. Жуда кўп тадқиқотчиларни чалғитувчи шоир 1640 йилда туғилган деган фикр кун тартибидан олиб ташланиши керак.

Машрабнинг дастлабки илм олиши Мулла Бозор охунд, кейинчалик Қашқарда Офокхожа хонадонида, тўрт йил Қарши шаҳрида, қисман Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлиб, у 18 йил турли ўлка ва мамлакатларда сайру саёҳат билан юрганлигини, роса 18 йил эса пири Офокхожа хонадонида ўтганлигини қайд этмоқчимиз.

Машраб 1690 йили Қашқардан Наманганга келганида отаси Мулла Вали вафот этган, онаси Салимабиби ва синглиси Моҳибадр ҳаёт бўлган. Кўзи ожиз онанинг фарзанди келиши билан кўзи нурланган. Кўп ўтмай вафот этган. Машраб хаста синглиси Моҳибадрни яқин қариндошларига топшириб, 1691 йил узоқ сафарга отланган. Мовароуннаҳрнинг ҳамма мавзуларида, шунингдек, «Қисса»ларда қайд этилганидек, Туркистон, Хўжанд, Фарғона, Тошканд, Самарқанд, Кармана, Ғиждувон, Хоразм, Шероз, Машҳад, Исфаҳон, Ҳамадон, Шом, Рум, Бухоро воҳаларида бўлган. У Афғонистонда, Балх, Ҳирот, Қундуз, Мозори Шариф, Андхўй, Шибиргон шаҳарларида, Ироқ, Туркия, Эрон, Эрон Арманистони, Покистон, Ҳиндистон, Сурия, Сауд Арабистони, Дакан, Ҳалаб (Алеппо), Дамашқ, Қоҳира, Яман, Макка, Мадина, Жидда ва бошқа шаҳарларда бўлиб, азизу авлиёларни, хусусан пайғамбар (с. а. в.) кабрларини зиёрат қилган.

Балх ҳамда Қундуз ҳокими Маҳмуд катагонбийнинг фармони билан 1711 йилда ўлдирилиши, шаҳиди аъло мақомига етишиши, Офокхожа башоратининг рўёбга чиқиши деб билмоқ керак.

Шунинг учун у бу ўлимни тақдири азал деб билган:

*Девонаи Машрабсан, қўрқиб нега йиғларсан,
Ошиқ кишига ўлмоқ ки, айна муддао келди.*

Машраб ҳаётини ёритувчи асар унинг замондошлари, ҳаммаслак ва унга ҳамроҳ бўлган «Тазкираи қаландар» муаллифи Исҳоқ Боғистоний ва «Қиссаи Машраб» муаллифи Пирмат Сеторий томонидан ёзилган ва бу ҳар икки асар у ҳақда маълумот берувчи тазкира ва қиссалар деса бўлади.

Машраб девона, дарвеш, қаландарликни танлаган сўфий эканлигини таъкид этмоқчимиз, у шу йўл билан ўз мақсадларини амалга оширди.

Машраб салафлари Иброҳим Адҳам, Саид Имомиддин Насимий, Боязид Тайфур Бистомий, Жунайд Бағдодий, Мансур Ҳаллож мақоми, мартабасини идеал билган мутафаккир эди. Шунинг учун улар тариқат йўлини, сулукини танлади, дунёдан ёлғиз ўтди:

Минг шукр худойимга Мансурга қўшилдим мен.

Офокхожанинг канизак баҳона бичиши Машраб орзусининг амалга ошиши эди. Тасаввуфда нафсни енгиш, руҳ билан қолиш ғоясига содиқлик эди. Офокхожа уни бичиб жаҳолатга эмас, Нури Илоҳийга чиқарди. Чунки Машраб ҳол мартабасига етгани, улувият сирларидан огоҳ кишида нафсга хоҳиш қолмай ўзини Яратган жамолига етишган, меърожда унинг висолини кўриш бахтига муяссар бўлган деб билади. «Машраб» арабий сўз бўлиб, унинг луғавий маъноси майл, баҳра, насиба экан, демак у ўзини илоҳий муҳаббатга бағишлаган деб билган.

Машраб Ҳазрат Алининг фарзандлари Ҳасан ва Ҳусайн – Ҳусайндан тарқалган-сайид авлодига бориб тақалади. Унинг устози ҳам Офокхожа Карбало даштининг шаҳиди Ҳазрат Али авлодидан эди.

Машраб шунинг учун ҳаёти мазмунини унинг тариқат йўлига боғлагандир.

2) Ўзбек шоири ва мутафаккири Бобораҳим Машрабдан жуда катта илмий мерос қолди. Бу мерос унинг ғазалиёти, шоирнинг мустазодлари, мураббаълари, мухаммаслари, мусаддаслари, мусаббаълари, масамманлари, маснавий, фардлари, тўртликларидир.

Шоирдан бизга қолган шеърий меросни 1990 йил хатирчилик Жалололдин Юсупов «Меҳрибоним, қайдасан» мажмуасида сўзбоши ва охир сўз ёзиб чоп эттирди.

Ниҳоят ўн олти йилдан сўнг 2006 йил яна Ж. Юсупов томонидан сўзбоши ёзилиб, унинг «Девон»и нашр этилди.

Бу ҳар икки шеърий мерос халқимизнинг шеърият мухлислари томонидан илиқ кутиб олиниб, улар китоб жавонидан жой олди.

Машрабнинг янги топилган шеъриятдан наманганлик марҳум олим Исматуллоҳ Абдуллоҳ мўъжаз мажмуалар тузиб 2-3 марта чоп эттирди.

Машраб Жалололдин Румий йўлидан бориб, унинг «Маънавий маснавий»сига жавобан «Мабдаи нур» шеърий асарини яратган. Надомат билан айтиш зарурки, яқин ўтмишда бу асар қаршилиқ Машраби Рўзибой Сонийга нисбат берилди. Аммо тадқиқотлар унинг Бобораҳим Машраб қаламига мансублигини исботлади. Хатирчилик Ж. Юсупов узоқ вақт олиб борган тадқиқот шуни кўрсатдики, Машрабнинг «Кимё» ахлоқий-таълимий асаридан ташқари «Қиссаи Вайсул-Қараний», «Қиссаи Меърожи Расули акрам с. а. в.» каби шеърий манзумалари борлиги аниқланди. Ҳамон баъзи машрабшунос олимлар унинг ҳали эълон қилинмаган шеърий асарларини, ғазалларини матбуотда эълон қилиб бораётганлиги қувонарли ҳолдир.

Таъкидлаб ўтмоқнинг ўринли жойи шундаки, 2006 йил Ж. Юсупов томонидан сўзбоши билан эълон қилинган шоир девони машрабшунослик илмига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Машраб яшаган XVII-XVIII асрларда у ҳақида «Тазкираи қаландарон» ва «Қиссаи Машраб» ривоят, афсоналар билан уйғун ҳолда яратилган асарлар ҳам Машраб ўз

даврида ва бугунги кунда ҳам башарият учун катта хизмат қилган мутафаккир шоир эканлигини намоён этади.

Машраб ҳақида, унинг ижодий мероси, фаолияти, босиб ўтган йўллари акс эттирувчи кўплаб асарлар яратилди. Бу ҳам ижодкорларимизнинг унинг маънавий меросига бефарқ эмаслигидан далолат беради.

Унинг ғазалиёти, илмий фаолияти, у қолдирган мерос аждодлар, хозирги ва келгуси авлод томонидан севиб, ардоқланиб ўрганилишининг боиси, унинг шеърляти аввало ХАЛҚ тили ва дилига яқинлиги, соддалиги, самимийлиги, ўйноқилиги, равонлиги, Илоҳ ва Илоҳиётга яқинлигида деб тушунмоқ керак.

3) Бобораҳим Машраб сиймоси «Тазкираи қаландарон», «Қиссаи Машраб» ва «Офоқхожа манақоби» каби тазкира, ривоятлар билан чатишиб кетган ва бошқа асарларда ҳам талқин қилинган.

Асли боғистонлик Исҳоқ Боғистоний «Тазкираи қаландарон» тазкирасида Машраб ва у билан жуда кўп юрт, мамлакатларни кезган қирқ қаландар, уларнинг яшаш тарзи, фаолияти, зиммасидаги юмушлар, дарвешлар тоат-ибодати ҳақида маълумот берган.

Маълум маънода гарчи ривоят тарзида нақл қилинган бўлса-да, «Тазкираи қаландарон»да Машраб борган шаҳарлар, шоирнинг Самарқанд ва Қабодиёнда Сўфи Оллоҳёр билан учрашувлари, уларнинг бир-бирларига хурмат-эҳтироми, савол-жавоблари жуда таъсирли берилган.

Шунингдек, тазкирада Машрабнинг Наманганда мулла Бозор охунд билан ўрталарида бўлган озгина тушунмовчиликлар, шоирнинг Балх ва Қундузга бориши, Маҳмуд катағоний билан бўлган қаттиқ тўқнашуви каби ҳолатлар тасвири берилган.

XVIII- XIX-XX асрларда ҳам «Қиссаи Машраб» халқимиз томонидан севиб ўқилган асарлар сирасига киради. Бу асар «Девонаи Машраб», «Шоҳ Машраб», «Ғазали эшони шоҳ Машраб», «Эшон Машраб», «Эшон шоҳ Машраби девонаи Намангоний», «Мухаммаси шоҳ Машраб» каби номлар билан китобат қилиниб, машрабхонларнинг сеvimли асари сифатида катта шуҳрат қозониб, ўқиб, ўрганиб келинган.

Тараққиётимиз бошқалар томонидан бошқарилган пайт, Машрабнинг «Мабдаи нур», «Кимё» асарлари бошқа Машрабларники дейилган кезларда «Қиссаи Машраб» китоби ҳам деярли 70-80 йил мобайнида чоп этилмай тақиклаб қўйилди ёки диний тус берилиб уни ўқиш, ўрганиш мумкин эмасдек, «зарарли» китоблар сирасига киритилди.

Мустақилликдан сўнггина «Қиссаи Машраб» чоп этилиб, халқимизга туфҳа қилинди. Асарнинг дастлаб «Шарқ юлдузи» журналида илк варианты, кейинчалик адабиётшунослар М. Жўраев ва С. Рафъиддин томонидан сўзбоши ёзилиб чоп этилиши адабиётимизнинг ҳам ютуғи бўлди, дейиш мумкин.

«Қиссаи Машраб» халқ китобларига ўхшаб кетади. Уни ўзбек фольклорининг тарихий ривоят ва тарихий афсона жанрларига хос ҳикоялар деса ҳам бўлади.

«Шоҳ Машраб»да воқеалар тизими худди халқ дostonларидек берилиб, унда Машрабнинг туғилиши, дастлабки савод чиқариши, мулла Бозор охундга шогирд тушиши, илмларни эгаллагач, Қашқарга сафари, Офоқхожа хонадонига келиб, пирга мурид тушиши, етти йиллик хизмат ва тариқат йўлини ўрганиши, Қашқар ва Ёркентда шоир бўлиб танилиши, Офоқхожа хонадошидаги Тўтинисога бўлган соф туйғуси, ҳазратнинг уни жазолаши, қалмоқ юртида Кунтожихоннинг йилқиларини боқиши, жуда кўп шаҳарларга саёҳати, Сўфи Оллоҳёр билан уч бора учрашуви, охир оқибат Балх ва Қундузга келиши, Маҳмуд катағонбийнинг хунрезлигига исёни ва ниҳоят шаҳид бўлиб дорга осилиб, ҳаётининг интиҳо топишигача бўлган воқеалар муфассал ривоят ҳолида берилган.

Машраб асарлари тадқиқотчиси Исматуллоҳ Абдуллоҳ «Қиссаи Машраб»нинг халқ оммаси, хусусан, аёллар томонидан севиб ўқилиши, шуҳрат қозониши, унинг авлодлар томонидан ардоқланиб ўрганилиши, шунингдек, машрабхонликларда, масжидларда, чойхоналарда, мадрасаларда, йиғинларда иштиёқ билан ўқилиши, жозибатор шеърларини ҳофизу, гўяндалар томонидан ашула қилиб куйланиши, афсона тарзида тингланиши унинг жозоба кучи, оҳанграбоси ва мазмун-моҳияти билан оммани ўзига жалб қилишида деб хулоса чиқаради.

Ундаги ривоятлар ҳам ҳатто бадийлашган тарзда берилганлиги билан аҳамиятлидир.

Машрабнинг турли жанрдаги, хусусан, ғазаллари ривоятларга мос ҳолда «қисса»га синдириб юборилган.

«Қиссаи Машраб» муаллифи Пирмат Сеторийнинг фикрича, ҳамма ерда оташин шеър ўқиган, сўфий, авлиё Машрабни аввало халқ оммаси ҳар жойда иззат-хурмат билан кутиб олган, ундан оташин ғазаллар тинглаган, у танбури билан ўз ғазалларини ашула қилиб айтиб берган.

Не-не ҳукмдорлар унинг карвонсаройларга, такяхоналарга тушганидан хабар топиб, то у турган ердан ўз саройигача пояндоз солишган, унга тухфаю тортиқлар беришган, аммо Машраб уларни назарига илмаган.

Унинг ғоя маслаги шундай эди:

*Бир мартабада турмас эмиш шоҳ ила дарвеш,
Бас, жандани кийдим, ўзимни дарбадар эттим.*

«Қиссаи Машраб»да айтилишича, тарихий Машраб ва унинг реал фаолияти тўқима Машраб ва у ҳақдаги саргузашт-ривоятлар билан қўшилиб, халқ қаҳрамони типидида Машраб образи юзага келган.

Меҳнаткаш халқ Машрабни адолат жарчиси деб билган, ҳоким табақа ва зоҳидлар уни журъаткор шахс сифатида билса-да, ундан чўчиганлар, ҳатто динни, исломни менсимасликда айблаган. «Қиссаи Машраб»да ёзилишича, шоир доимо азиз авлиёлар хилхонасини, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилган, дини исломга асло тил теккизмаган.

Академик Б. Валихўжаев фикрича, «қисса» халқ китоблари талаблари бўйича қайта ишланиб, унда шоирнинг бадиий сиймоси яратилган.

«Қиссаи Машраб»нинг кульминацион нуқтаси унинг Маҳмуд қатағонбий билан журъатли мунозараси ва хоннинг уни зиндонбанд қилиб, дорга осиши воқеаси билан хотима топган.

Алҳол, Маҳмуд қатағон Машрабни ўлимга ҳукм этса-да, уни 4 кун зиндонбанд қилиб, аҳли уламо олдида тавба қилса, гуноҳини афв этиб, озод қилиб юборишини билдирган. Аммо Машраб тупурган тупугини қайтиб олмаслигини, дор остида ҳам Ҳақ сўздан қайтмай Маҳмуд қатағондан нажот ва узр сўрамаган. «Қисса»да айтилишича, Қатағон уламоларга кўзимни қисиб айтмабидим, шунча гуноҳкорнинг гуноҳини сўраб оласизлар, нега Машрабнинг гуноҳини сўрамадинглар, энди тонгла қиёматгача Аллоҳ ва бандалари олдида юзим қора бўлди дея афсус-надомат чеккан.

Машраб образи «қисса»да оташзабон шоиргина эмас, қабоҳат ва жаҳолат, адолатсизлик ва зўравонликка қарши довюрак шахс ва ҳеч иккиланмай халқ томонда туриб разолат ва сафолатга қарши курашувчи сиймо сифатида ҳам тасвирланган.

4) Машраб шахсиятининг бадиий адабиётлардаги талқини хусусида фикр юритилганда шуни айтмоқ жоизки, мутафаккир шоир ҳақида шоир ва адиблар, драматург ва ёзувчилар унинг сиймосини яратишга уриниб, бир қанча асарлар яратдилар.

Хусусан, у ҳақда шоирлар Ойбек, Омон Матжон, драматурглар Муҳаммад Али, Абдулла Жаббор шеърӣ драма, ёзувчилар Ҳамид Ғулом, Шухрат, Миркарим Осим, Иброҳим Ғафуров, Хайриддин Бегматов каби ижодкорлар роман, тарихий роман, қисса ва ҳикоялар яратганлар.

Ойбек «Машраб» номли шеърӣда патила-патила сочли, кўзларидан ўт чақнаб турган дарвеш шоир сиймосини яратса, Омон Матжон авлиё, башоратчи, вали, шу билан бирга миллат ғурури, шарафи учун курашувчи, уни ғафлатдан уйғотувчи мағрур Машраб қиёфасини яратишга уринади.

Муҳаммад Али шеърӣи достонида қора ва оқ, зулмат ва ёруғлик ўртасида курашаётган, эли, халқи бахтини ўйлаётган, Тангри марҳаматига етишга интилаётган шоир сиймосини яратишга ҳаракат қилган.

Миркарим Осимнинг «Синган сетор» қиссасида Мулла Бозор охунд ва Офоқхожа хонадонидида таҳсил олган шоир Машрабнинг болалик туйғулари, покиза, бокира ички тугёнлари бадиийлаштирилган.

Ёзувчи Иброҳим Ғафуров «Озод нафас» ҳикоялар туркумида шоир Машрабнинг юрт кезиб, ҳамроҳи Пирмат ҳамда кучукчаси Барфоқ билан сайру саёҳатлари, ҳатто ўрмон подшоси шер ҳам Машраб ёрилган товонини ялаб ғойиб бўлиши каби

манзараларни чизиб, унинг озод нафас учун инсониятни олдинга етаклаётган шоир сиймосини берган.

Мухтасар фикр билан ёзувчи Ҳамид Ғуломнинг «Машраб» романи замон талабига жавоб бера олмаганлигини қайд этамиз.

Шухрат «Машраб» романида шоирнинг болалик, ўсмирлик, балоғат ёши, илк муҳаббатини қаламга олган. Танқидчилар фикри ҳисобга олинса, бу мўъжаз асар роман эмас, қисса талабига жавоб беради. Аммо асарнинг поёнига етмаганлиги, ҳали тугалланмаганлиги, уни ёзишга Шухрат имконияти бўлмаганлиги, лекин ёзувчи ҳаёлидаги ишнинг пишиб етилиши, ҳисобга олинса, уни кичик мўъжаз роман деб аташ жоиз бўлар эҳтимол.

Шухрат бу асарда балоғат ёшида Машрабнинг Арзигулга чинакам боғланиб, уни севиб қолиши, аммо унинг бирдан ғойиб бўлиб қолиши, пировардида унинг Қашқарга Офокхожага назр қилиб юборилиши ўсмир йигитча Машрабга ёмон таъсир этиши билан асар якунланади. Аммо асарда Шухрат жуда катта ижобий фикрни, Машрабнинг устози Бозор охунднинг қаттиққўл, камтар ва билимдон донишмандлиги, унинг шогирдларига, хусусан, Машрабга бор илмини бериш ҳаракатлари ўта ёрқин тасвир этилган.

Нарпайлик ўқитувчи Хайриддин Бегматнинг «Девона Машраб» романи бошқа асарларга нисбатан мукамалроқ ишлангани, ундаги образларнинг бадиий-пишиқлиги билан ўзига хосдир. Бугунги машрабшунослик бадииятида ҳар қалай асарга озчиликкина мунаққидларимиз баҳо бериб, ундаги бадиий тўқималар ҳаёт ҳақиқатидан йироқ ва ишонарсиз чиққанлигини таъкидламоқдалар. Асарни ўқишга киришилганда унинг бадиий тасвирни жуда маҳорат билан чизилганлигини эътироф этамиз. Асар жуда енгил ва тез суръатда ўқилади. Аммо Машраб ва Офокхожа, Машраб ва Тўтинисо ўртасидаги конфликт ва ўзаро яқинлик шу даражада ишончсиз чиққанки, ундан ҳафсалангиз пир бўлади.

Биз урғу бериб айтмоқчи бўлган Офокхожа ва Машраб ўртасидаги ихтилоф Тўтиниса туфайли ўта бўрттирилиб талқин этилганлигидир. Гўё асарда тасвирланишича, ички ҳарамдаги Тўтиниса билан Машраб ўртасидаги севги ҳосиласи қизнинг «зинокор» Машрабдан фарзанд кўриши, унга атаб Тўтинисонинг кўйлакчалар тикиши, ўрта асрлар мусулмон динининг энг юқори нуқтасига чиққан кезлари Машраб ва Офокхожа ихтилофини шунчалик бўрттириб тасвирлаш шартмикин, деган фикр ҳаёлингизга келади.

Асарга ёзувчи П. Қодиров муносабат билдириб, уни Машраб сиймосини яратишга бўлган ижобий уринишлардан бири эканлигини таъкидлаган. Шунингдек, ёзувчининг мураккаб тарихий мавзуда қалам тебратганлигини, кўп йиллар манбаларни синчиклаб ўрганганлигини, баҳсталаб мавзуларга китобхон фикрини уйғотишга ҳаракат қилганлигини таъкидлаган.

«Девона Машраб»га тақриз ёзган адабиётшунос олим Б. Дўстқораев ҳам асар ютуқларини одилона кўрсатиб, ундаги ютуқларни санаб, аммо йўл кўйилган жузъий нуқсонлар асар обрўсини кўтаришга эмас, балки ўта сунъий тиқиштирилган бадиий тўқималар асарга унчалик «ёпишмаган»лигини, ёзувчи образлар устида яна ишлаши лозимлигини мунаққид сифатида билдирган.

Асарнинг бадиий қиммати, ёзувчи тўқима ҳаёлотининг кенглиги, қуввати ҳофизасининг Машраб шахсиятини аниқлашдаги фаолиятини юқори баҳолаган ҳолда, тасаввуф фалсафасидан огоҳ эмаслиги, билимининг чекланганлиги ва бу йўлда ҳали изланиши зарурлигини мантиқан асосли деб биламиз.

5) Мутафаккир ижодиётининг илмий адабиётлардаги тадқиқи хусусида фикр юритилганда, унинг ижоди нафақат Ватанимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам ўрганилганлиги ва ўрганилаётганлиги, унинг ижодига адабиётшунослар ва олимларнинг қизиқиши ортганлиги, шеъриятининг жозоба кучи Европа, Осиё ва Шимолий Африка худудигача етиб борганлиги манбалардан маълум.

Машраб ижоди бўйича адабиётшунос ва файласуф олимлар И. Мўминов, В. Й. Зоҳидов, М. М. Хайруллаев, А. Рустамов, А. П. Қаюмов, Б. Валихўжаев, М. Б. Баратов, В. Абдуллаев, И. О. Султонов, Ғ. Ғулом, Фитрат, С. Айний, Н. Комилов, А. Ҳайитметов, И. Ҳаққулов, И. Салоҳий, Д. Салоҳий, Ҳ. Алиқулов, Ж. Тўланов, И. Сувонкулов, А. Ш. Жўзжоний, Нусратулла Жумахўжа, Р. Орзибеков, П. Қаюмов, В. Раҳмонов, М. Ғафуров, Э. Шодиев, Ҳ. Ҳомидий, Ё. Исҳоқов, Б. Дўстқораев, Ҳ. Болтаев, Б. Тўхлиев, А. Ёқубов,

М. Тожихўжаев, З. Ризаев, С. Рафъиддин, М. Ҳасаний, О. Носиров, Э. Мусурмонов, А. Халилбеков, М. Адизова, К. Муллахўжаева, Мусурмонов ва бошқа кўплаб олимлар тадқиқот олиб бориб, унинг ҳаёти, ижодиёти ҳақида илмий тадқиқий мақолалар ёзишган, гўзал ғазалиётидаги мазмун, маънони таҳлил этиб, шарҳлаганлар.

Машраб илмий мероси ҳақида махсус тадқиқот ўтказган олимлар А. Абдуғафуров, Исмадуллоҳ Абдуллоҳ, Ж. Юсупов, Муҳсин Зокиров ва Дилором Ҳамроевалар монография яратиб, шоир ижодиётининг адабий-бадиий қиммати ҳақида рисола ва китоблар эълон қилганлар.

Машраб ижоди билан дастлаб Европа адиблари Ҳерман Вембери, Дитрель де Ренн, Бернер Гренер, Йоханнес Аветараннанлар шуғулланган.

Хорижда Машраб ижоди XIX асрнинг иккинчи ярмида Европа олимлари А. П. Хорошхин, В. П. Наливкин, Н. И. Веселовский, Н. Н. Пантусов, Н. С. Ликошин, В. Л. Вяткин, А. Карцев, Л. В. Дмитриева, Г. П. Снесарёв, Н. И. Остроумов, Н. Э. Петровский, В. Н. Беляев, А. Н. Кононов, Н. Д. Миклухо-Маклай, А. А. Молчанов, М. А. Салье, А. А. Семёнов, О. И. Смирнова, А. Э. Шмидтлар Машраб ижоди билан шуғулланганликлари, машрабшунослик-шарҳшунослик фанига ҳисса қўшганликлари манбалардан маълум.

Холисанулло айтиш керак, Машраб ижодиётини тўплаган, унинг шеърӣ асарларига тартиб бериб, ғазаллари ва турли жанрдаги лирикасини халққа тухфа қилганлардан бири Жалолиддин Юсупов бўлса, иккинчиси Исмадуллоҳ Абдуллоҳдир. Ҳар икки заҳматкаш олим шоир ижодини, унинг шеърӣ мажмуасини йиллар давомида йиғиб, системали тартиб бериб, нашрга тайёрладилар ва уни то китобхонлар қўлига етгунча ҳаракатдан тўхтамадилар.

Исмадуллоҳ Абдуллоҳ «Мабдаи нур» ва «Кимё»ни нашрдан чиқарган бўлса, Ж. Юсупов шоир шеърларини йиғиб «Девон» тартиб берди. Бу иш ҳали Ж. Юсупов томонидан тугалланган эмас, изланиш, шоир асарларини йиғиш, «Мабдаи нур»ни тўлдирилган ҳолда қайта нашрга тайёрлаш жараёни давом этаётир.

Ўтган аср 70-йилларида файласуф И. Мўминов Машраб ижоди халқ оммаси орасида Бедилдан ҳам машҳурроқ эканлигини эътироф этган бўлса, Фитрат: «Машрабнинг ўз замонида теран мутасаввуф ва кучли шоирлардан бўлганини асарларидан англагани» ва унинг «ўзбек шоирларига кўзга кўринарлик таъсир қилганини қабул қилмай чора йўк» деб ҳисоблаши шоирнинг ўтган асрда ҳам машҳур халқ севган мутафаккирлардан бири эканлигини англатади.

Фитрат В. П. Вяткин Машрабни тарихий шахс эмас, афсонавий шоир даражасига кўтарилганлигини, шу қапдар кўп ўқилиб, шуҳрат топқонлигини келтирган.

Профессор Ҳ. Болтабоев Машраб ижодий фаолияти бўйича тадқиқот олиб бориб, тадқиқот марказида Фитратнинг «Машраб» илмий мақоласини чуқур, ҳар томонлама теран таҳлил этиб берган ва шоирнинг ўзбек адабиёти тарихида, хусусан тасаввуфӣ адабиётида тутган ўрнига тўхталган.

Фитратнинг «Машраб» тадқиқий мақоласини қайта нашрга тайёрлаб, сўзбоши билан «Туркистон» газетасида чоп эттирган Б. Дўстқораев ҳам мазкур мақолани машрабшуносликдаги энг чуқур ёзилган тадқиқотлардан бири деб ҳисоблаган.

Тасаввуф олами Н. Комилов Машрабнинг тасаввуфӣ қарашларини ўрганиб, уни Иброҳим Адҳам, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румӣ ижодидан илҳомланганлигини, Мансур Ҳаллож мақомини орзу этганлигини таҳлил этган.

Адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул Машраб шахсиятини тинглаган киши унинг ички ҳаётида ҳеч қачон сокинлик, хушнудлик бўлмаганига дарҳол ишонч ҳосил қилади деб ҳисоблаган.

Файласуфлар М. Хайруллаев, Ҳ. Алиқуловлар Машраб шеърӣидаги ижтимоий фалсафӣ жиҳатларни, унинг ахлоқӣ-таълимӣ, хулқ-одоб ҳақидаги қарашларини таҳлил этган.

Адабиётшунос А. Абдуғафуров Машраб ҳаёти, ижоди, унинг ишқ-муҳаббат, ёр, дўстлик, одамийлик ҳақидаги, унинг салафлар ижодига бўлган муносабатини талқин қилган.

А. Ҳайитметов Машрабнинг ҳурфикрлилик ҳақидаги ғояларини. мутафаккирнинг адабий мероси ва унинг ўзбек адабиётидаги ўзига хос ижодини таҳлил этган.

Машраб ҳақида Пулатжон Домулло Қайюмов «Тазкираи Қайюмий» асарида унинг китоби Тошкент литографиясида бир неча бор босилганлигини, у Офокхожанинг муриди ва шогирди эканлигини, кўплаб юртларни кезганлигини, уламолар фатвоси билан дорга осилганлигини ёзиб қолдирган.

Адабиётшунослардан А. Рустамов, Ҳ. Ҳомидий, Иззат Султон, И. Гафуров, В. Раҳмонов, М. Зокиров, Ш. Сирожиддинов, И. Сувонқулов, М. Адизова, А. Ш. Жўзжоний, Ғ. Гафуров, Нусратулла Жумахўжа, Д. Ҳамроева, К. Қаҳҳорова, Э. Шодиев, Қ. Тўқсонов, М. Назаров, М. Мирҳолдоров, С. Жамолов, А. Халилбеков, А. Нуриддинов, И. Абдуллаев, О. Баҳодиров, Р. Воҳидов, Ф. Каримова, М. Тожихўжаев, тарихчи ва файласуфлардан П. Равшанов, Р. Ўроқов, И. Жумабоев ва бошқа олимлар Машраб ижодиётининг илмий адабиётдаги тадқиқи масалалари билан шуғулланиб, унинг ижтимоий-маънавий мероси ҳақида тўхталганлар.

III. 1) Мазкур тадқиқотнинг ўзаги Машраб ва тасаввуф таълимоти мавзуси бўлиб, унда аввало Машраб ижодига мутасаввуфлар таъсири масаласи ҳал этилди.

Мустақилликдан сўнг тасаввуф ва тасаввуф таълимоти ҳақидаги илмий рисоалар адабиётимизга кириб келиб, илгари тақиқланган асарларни ўқиш имконига эга бўлди. Шайх Нажмиддин Кубро, Усмон Турар, Маҳмуд Асъад Жўшон, Юнус Эмро, Умар Форук Сайдо ал-Жазарий, Шайх ал-Колободий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Идрис Шоҳ, Иброҳим Ҳаққул, Нодирхон Ҳасан, Султонмурод Олим, Е. Э. Бертельс, Н. Комилов, Ориф Усмон, Ҳ. Ҳомидий, М. Зокиров, Ҳ. Болтабоев, Д. Салоҳий каби олимларнинг тасаввуф ҳақидаги тадқиқотлари, рисоаларидан баҳраманд бўлди.

Тасаввуф тадқиқотчиларининг фикрича, бу маслак сифатида Ислом дини майдонга келгандан кейин жамиятдаги ихтилоф, зулмнинг кескинлашуви, адолатсизликнинг, қашшоқликнинг кучайишига қарши кўтарилган норозиликнинг оловланиб кетиши натижасида шаклланди, ривожланди.

VII-IX асрларда, айниқса, араб дунёсида тасаввуф тезлик билан ривожланиб, Увайс Қараний, Ҳасан Басрий, Робиа Адавия, Иброҳим Адҳам, Боязид Тайфур ал-Бистомий, Абубакр Шиблий, Абу Мансур ал-Ҳусайн ал-Ҳаллож каби мутасаввуфлар майдонга келди.

Тасаввуф Хуросон ва Мовароуннаҳрга ислом дини билан бирга кириб келди. Бунинг натижаси ўлароқ Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Низомий, Хисрав Дехлавий, Аҳмад Яссавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб каби жаҳоний мутафаккирлар етишиб чиқди.

Мутафаккирларнинг асарларида тасаввуф таълимотидан четга чиқмаслик учун Қуръон ва ҳадислардан узоқлашмаслик каби фикрлар уқтирилган.

Е. А. Бертельснинг тасаввуф адабиётини ўрганмасдан туриб, ўрта асрлар мусулмон Шарқи маданий ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас, бу адабиётдан хабардор бўлмасдан Шарқнинг ўзини ҳам англаш қийин деган фикрлари тасаввуф ва ислом динининг нақадар бир-бирига яқин таълимот ва маслак эканлигини англатади.

Машрабнинг тариқат йўлини тутишдан мақсади жаннат умиди эмас, балки изчил сўфийлардек Аллоҳ дийдорига восил бўлишдир.

Тасаввуфда тариқатлар кўп бўлиб, ҳар бир тариқатнинг асосчиси ўз тариқат йўлининг мазмун-моҳиятини, ундан кўзланган мақсадни билвосита тарғиб этадилар.

Марказий Осиёда энг кўп тарқалган тасаввуф таълимоти нақшбандия, яссавия таълимотидир. Бу таълимотларни Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Маҳдуми Аъзам Хожаги Косоний, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Шайх Ҳудодод Вали, Бобораҳим Машраб ҳам қабул қилган.

Нақшбандия таълимотининг инсонпарварлик ғояларини В. В. Бартольд, В. А. Гордлевский, Е. Э. Бертельс, А. А. Семёнов, В. Болдинов каби йирик шарқшунослар қайд этганлар.

Нақшбандия тариқатининг энг йирик вакиллари ҳақида гап кетганда Юсуф Ҳамадоний, Абдулҳолиқ Гиждувоний, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Алоуддин Аттор, Мавлоно Яъқуб Чархий, Хожа Ҳидоятулло Офокхожа сингари бузруквор мутасаввуф донишмандларини тилга олмоқ зарур.

Шарқдаги тасаввуфнинг пайдо бўлиши ва такомилда хурфикрликни назардан кочирмаслик керак. Абу Сайид Абул Хайр, Бобо Қўхий Шерозий, Бобо Тоҳир Урён, Нажмиддин Кубро, Камол Хўжандий, Аҳмад Яссавий, Саъдий Шерозий, Умар Хайём каби Шарқнинг забардаст шоирлари, мутафаккир, мутасаввуф донишмандлар, хурфикрлик гуманист шоир ҳам бўлганлар.

Тасаввуф нақшбандия тариқати, унинг таълимотининг ихтиёрий равишдаги фақирлик, ҳалол меҳнат билан кун кечириб, мол-дунёга ҳирс қўймаслик каби умуминсоний ғояларни ўзида акс эттирганлиги билан қимматли ва аҳамиятлидир.

Адабиётшунос Дилором Салоҳий фикрича, «Тасаввуф» истилоҳи ислом зуҳуридан анча олдин пайдо бўлган бўлса-да, тасаввуф фалсафий-диний, маърифий тариқати ва илми ислом даврида дунёга келди.

Навоийдек улуғ мутафаккирнинг маънавий тафаккури, нақшбандийликнинг тариқати ғоялари билан суғорилгандир.

Дилором Салоҳий таъкидлаганидек, Шарқ маънавий тафаккури булоқлари, адабиёти анъаналарини XV асрда Навоий, XVI асрда Бобур, XVII-XVIII асрларда эса Бобораҳим Машраб давом эттирди. Унинг тадрижий-тарихий давомийлигини Машраб «Мабадаи нур», «Кимё», «Вайс ул-Қароний», «Қиссайи меърожи Расули Акрам с. а. в.» каби тасаввуфий асарлари билан давом эттирди.

Машраб тасаввуф таълимотини аввало улуғ Шайх Шиблий, Жунайд Бағдодий, Жалолиддин Румий, Нажмиддин Кубро, Боязид Тайфур ал-Бистомий, Иброҳим Адҳам, Мансур Ҳаллож каби мутафаккир шайх уламоларнинг дунёқарашидан келиб чиқиб давом эттирди ва ўз ижодида уларнинг маънавий меросига мурожаат қилиб, сўфийларнинг муборак номларини ҳурмат-эҳтиром билан тилга олди. У «олими нуктадонлик», «пири ҳидоятхонлик», «шуҳрати шеър бобида мўътабарлик», «хофиз хуш асар» каби даражаларга эришувда устозлари мақомида бўлди. Шайху муридлик вазифаси келиб чиқиб муридлик анъанасига содиқ қолди ва уни адо этди.

Машрабнинг пири Офокхожа таълимоти ҳазрати Нақшбанд тариқатининг Шарқий Туркистондаги бир оқими бўлиб, бу таълимот Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон халқларини бир-бирига яқинлаштириб, иноқ, иттифоқда яшашида катта моҳият касб этди.

Шарқий Туркистонда Офокхожа ҳукмронлиги даврида нақшбандия таълимоти давлат миқёсига олиб чиқилди, яъни давлатнинг ҳукмрон таълимотига айланди.

Машраб салафлари изидан бориб, хатти иршод олмай, аммо таълимотнинг нафақат Марказий Осиёга, ҳатто Осиё, Африка, Яқин Шарқ минтақаларига ёйилишига хизмат қилган вакили эди. У буни ўзининг шеърий ижоди яратган асарлари, кўрсатган кароматлари ва сўфиёна тарғибот, даъвати билан амалга оширди.

Адабиётшунос олим Исомиддин Салоҳий Машрабнинг ҳеч қандай тап тортмай беғу амалдорлардан, баъзи риёкор дин арбобию уламосидан ҳам ҳайиқмай, подшоларига ҳам таъсир ўтказиб, арқони давлат олдида ҳам коинот гултожи одам шахсини хўрламаслиги, адолат билан иш юритишларини юзига айтиб олиб берган даъватларида кўриш мумкин.

Машрабнинг тасаввуфона шеърлари халқ қалбига ўрнашди, омма унинг ғайри одатий хатти-ҳаракати замирида тасаввуф, дини ислом ва Аллоҳнинг сийрат, сифати, унинг аъмоллари турганлигини тушуниб етди.

Машраб шеърларига назар солинса, улар тасаввуфона, Илоҳий, пайғамбарларга ҳамд, сано, наът, сурид ўқиш билан бошланганлигини, салафлари ишини ижодий меросида давом эттирганлигига гувоҳ бўлади.

Бу ҳол тадқиқотчилар назарида четда қолмаган, айниқса, Фитрат, Ҳ. Болтабоев, Исмадуллоҳ Абдуллоҳ, М. Зокиров, Ж. Юсупов, Д. Ҳамроева тадқиқотларида юзага чиққан.

2) Мутафаккир Бобораҳим Машраб шеърлятидаги тасаввуфий ғоялар талқини ҳақида гап кетганида улуғ шоирнинг мутасаввуфлар ижодига ҳамоҳанг тарзда тасаввуфий асарлар ёзганлигига гувоҳ бўламиз. Машраб шеърлятининг ранг-баранглиги, турли жанрларда ёзган назмий асарлари, хусусан, ғазалиётидаги тасаввуфий ғоялар ҳақида тўхталиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

Машраб форсий, туркий шеърлят сарчашмаларидан баҳраманд мутасаввуф шоирдир. У Ҳофиз Шерозий, Лутфий, Имомиддин Насимий, Алишер Навоий каби устозлар ижодини яхши билган ва уларнинг ижтимоий-маънавий меросидан озуқа олган

лирик шоирдир. У форс-тожик адабиётини, шунингдек, араб шоирлари ижодини ҳам яхши билган. У тасаввуф адабиёти таъсири бўлгани ҳолда, илоҳий ишқни юксак даражада билгани ҳолда буюк ғазалнавис сўфий шоир намояндаси бўлгани ҳолда Фаридиддин Аттор, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Жалолоддин Балхий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдурахмон Жомий, Махдуми Аъзам Хожаги Косоний каби форс-тожик адабиётининг буюк намояндalари ижодидан баҳра олган, уларнинг шеърий анъаналарини, ақидаларини ривожлантирган.

Машраб машхур сўфий Офокхожадан илоҳий билимларни ўзлаштиради, пирнинг даргоҳида тасаввуфий ғояларни ўрганади, шу билан бирга тасаввуфна ғазаллар битади.

Машраб ғазалларида Иброҳим Адҳамни жуда кўп тилга олган. Шунингдек, у мутасаввуф Жалолоддин Румий таъсири остида кўплаб ғазаллар ёзган.

Фитрат «Девона Машраб» китобида тўрт-беш маснавийни «Мабдаи нур» услубига ҳамоҳанг ёзилганлигини таъкидлаган. Фитрат айтганидек «Мабдаи нур» «Маънавий маснавий» таъсирида ёзилган асардир. Чунки Машраб Офокхожа маслаҳати ва тавсияси билан Румий асарига жавобан «Мабдаи нур»ни яратган. «Мабдаи нур» ҳали мукамал ҳолатда бизда чоп этилган эмас. Унинг ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидага Шарқшунослик институтида бир неча хил ва Ж. Юсупов шахсий кутубхонасида 19 хил варианти бўлгани ҳолда, у ҳали нашр этилмаган ва тўлиқ бўлган варианти энди нашрга берилади, бу тадқиқот бошида Ж. Юсупов туриб, «Мабдаи нур»даги аралашиб кетган ривоят ва ҳикоятларга тартиб берган.

Машраб Офокхожа вафотидан кейин ҳам бу даргоҳдан қаддини узмаган. Бу даргоҳ Машраб учун тасаввуфий ғояларнинг мукаммалашувига зинапоя вазифасини ўтаган дейиш мумкин.

Иброҳим Адҳамдек ўзини жаҳондан мосуво этган Машраб оҳи сардини рўза, фиғонини-тоат билиб, бу ишни «хуни ғарқ бирла адо қилдим», эндики бас, Мансурман дейди:

*Дори Мансур аналҳақ жойидир,
Бош бериб, юз минг нидо топсам керак.*

Адабиётшунос А. Абдуғафуров Машраб Навоий шеърий анъаналарининг давомчиси эканлигини, ғазал мисралари руҳига ҳам Машраб дунёқарашига хос сўфиёна таълимотнинг асосий ғоя – образлари усталик билан жойлаб юборилганлигини тасвирлайди.

Н. Комилов фикрича, шайхларгина эмас, қаландарлар, эшонлар, мажзуб девоналар эмас, оддий дарвешларни ҳам одамлар ҳурмат қилганлар. Шунинг натижаси ўлароқ, дарвешлик ҳаракати кенг қулоч ёйган, дарвешлик удумлари шаклланиб, улар алоҳида бир тоифа-табақа сифатида жамиятда муҳим ўрин эгаллаган.

Машраб инсон илоҳий нурдан яралганлигини талқин этиб, дилини Маҳшар кунигача, Илоҳ нуридан бебаҳра қолдирмасликни илтижо қилган:

Дилимни, ё Илоҳо, хавфи Маҳшардан жудо қилма.

Машраб фикрича инсон мақсад ва муродга етишиш, фисқу фасод, ёмонликдан, жабру ситамлардан қочиш учун қаландар бўлмоғи лозим.

Унинг фикрича, ишқ ўти дўзах ўтидан кучлироқдир. Унда ишқ шу даражада сарбаланд эдики, ҳақиқат йўл тутиш учун, ёмонлардан қочиш учун ҳеч нарсадан кўркмайдиган, кўрқиб нималигини билмайдиган, фасодга йўл бермайдиган қаландар бўлиши керак эди.

У шу йўлни тутди:

Фасод аҳлин қувай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Олим Шарофиддинов ва Сотти Ҳусайн фикрича, Машраб ўз замонасида кенг ёйилмоғда бўлган қаландарликнинг бир йирик вакили сифатида халқ ичида катта таъсирга эга шоир эди. Уларнинг қайд этишларича, қаландарлар жамиятдаги қашшоқлашган омманинг ўртасида зулмдан қутилиш учун ёрдам берувчилар сифатида баҳоланган, Машрабнинг шу кураш қурбони бўлганлигини қайд этганлар. Машраб бутун

ижоди давомида тасаввуфдан узоқлашмаган ва ваҳдати вужуд идеали билан яшаган мистик шоир. Зохирий оламдан ботиний дунёга у жуда вақтли чекинган.

Вале, эл ичра ўздин, барчадин бегона машрабман.

Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанддан:

Ўзгаларнинг кўнглидагини билиб олиш дарвешларда қандай пайдо бўлади деб сўралганда, кўзи очиклик ва англаб олиш, фаросат нури орқали бўлиб, чунки Аллоҳ нури орқали бўлиб боқади, деб жавоб берганлар. Демак, Машраб фақирлик ва дарвешлик йўлини танлаганлигини изоҳсиз билса бўлади:

Қаландарман жаҳонни сайр этиб қилдим сафар танҳо.

Тасаввуфнинг қаландария тариқати ва Машрабнинг нега бу йўлни танлаганлиги ҳақида адабиётшунос олимлардан Абдурауф Фитрат, Муҳсин Зокиров ва Ҳамидулла Болтабоевлар энг қимматли фикрни айта олганлар.

Машраб ижоди билан махсус шуғулланган Исматуллоҳ Абдуллоҳ, Жалолиддин Юсупов ва Дилором Ҳамроевалар ҳам бу мавзуга алоҳида тўхталмаса-да, аммо муҳим ва зарурий фикрларни изҳор қилганлар.

Фитрат илгари сурган фикрнинг аҳамияти ва қиммати шундаки, Машраб ғазалиётига тасаввуфий ғоялар сингиб кетганлигини, бу таълимотнинг моҳиятини Машраб ижодисиз ундан айрича тасаввур этиш мумкин эмаслигини уқтирган. Ҳ. Болтабоевнинг фикрича ўта чуқур ва салоҳиятли олим бу хусусда махсус тадқиқот қилиб тўхталган. Унинг қарашича «Шоҳ Машраб», «Девонаи Машраб» каби исм ва унвонлардан ҳам яққол англашилиб турса-да, тасаввуф таълимоти ва унинг қаландарлик тариқати ҳақида етарли тасаввурсиз, Машраб ижодини, унинг қисматини қатъий боғлаган қаландарликдан ажратиш талқин этишга йиллар давомида йўл қўйилди:

Кафанни бўйнима чулғаб, талабда бир қаландармен.

Шунингдек, Ҳ.Тўхтабоев «Машраб ва қаландарийлик» тадқиқотида тўхталиб, бу тариқат у Осиёда яссавийликдан озикланганлигини таъкидлаган.

С.Рафъиддинов «қаландар» атамасининг ижтимоий ва маънавий ҳаётимиздан, хусусан, оғзаки ва ёзма адабиётимиз саҳифаларидан чуқур жой олиб келганлигини ва у XI асрдан истеъмолга кирганлигини таъкидлаган.

Муҳаммад Бадеъ Малехо Самарқандийнинг «Музақкиру-л-аҳбоб» («Сухбатдошлар зикри») асарида Машраб, Шоҳ Шавкат Қаландар каби шоирлар номи келтирилган бўлиб, улар қаландар бўлиши билан бирга, нозиктаъб ва ўз даврининг машҳур шоирлари бўлгани учун Малехо уларни тазкирага киритган.

Фитрат Машрабнинг Бобо Қаландар, яъни қаландарлар бошлиғи бўлганлигини, лекин қаландарлик маслағи ҳали текширилмаганлигини таъкидлайди.

М.Зокиров «Тазкираи қаландарон» Исҳоқ Боғистоний томонидан ёзилганлигини, у «Офокхожа манокоби», «Қиссаи Машраб» тилидек руҳда ёзилганлигини, унда Машрабнинг қаландарлик тариқатидаги кечирган дамлари, қирқ қаландарлар ҳақидаги маълумотлар билан берилганлигини изоҳлаган.

Машраб қаландарлик қонун-қоидаларини чуқур ўзлаштирган «Қутбул ақтов» - авлиёлар улуғи мақомига дарвешлик йўлини босиб ўтиб эришган:

Шариат шарбатин тотган, тариқат халқасин тутган.

2.) Барча давр ва ҳар бир мутафаккирнинг илмий меросида етук жамият ва етук фозил инсон сиймоси энг олдинги ўринда турган. Мутафаккирлар ўз илмий мерос ва дунёқарашда комил инсон муаммоси устида фикр юритганлар. Тасаввуфда мутасаввуфлар комил инсон сиймосини яратишга уринганлар. Ибн Мискавейх, Беруний, Форобий, ибн Сино каби мутафаккирлар дунёқарашда ҳам комил инсон муаммоси ёритилган.

VIII-XIII аср Шарқ мутафаккирлари ижтимоий-сиёсий қарашлари жамият, давлат ва инсон шахсий ҳаётида ҳукмрон табақалар, авлиёлар, пайғамбарлар, файласуфларни инсоният жамиятини фозил жамиятга инсоннинг ўзини эса комил инсонга айлантириш, тарбиялаш, уларга маънавий раҳбарлик қилишларини ўргатиш муаммоси турган.

Жаҳон алломалари комил инсон тўғрисида жуда кўп асарлар яратиб, энди комил инсонларга турлича таъриф ва тавсифлар берилган.

Қадимги юнон тарихчиси, файласуф олим Плутарх, кейинчалик Суқрот, Афлотун инсоннинг чидамли ва бардошли бўлиши, қобилияти ва ахлоқи, Арасту эса кишини комилликка эриштириш назарияси устида ишлаб уни такомиллаштиришда улкан хизмат қилдилар.

Библияда, Таврот ва Забур, Инжил каби муқаддас китобларда ҳам Исо Масих ва бошқа пайғамбарлар ҳақида, инсоннинг комиллашуви тўғрисида рационал фикрлар айтилган.

Шарқда Хожа Исмоил ал-Бухорий, Имом ат-Термизий тўплаган ҳадиси шарифларда ҳам етук, баркамол, ақлли ва комилликка эришган инсон қиёфаси, унинг маънавияти ҳақида қимматли фикрлар билдирилган.

Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний ал-Розий, Ибн Сино, Журжоний, Беруний, Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Тусий, Давоний, Кошифий, Саъдий, Жомий, Навоий асарларида инсон маънавий олами, унинг камолоти, хулқ-одоби, эгаллаган илм-фани, дунёқарашини унинг фозил ва етуклиги, комиллиги масалалар эҳтиром билан тилга олишган.

Одам қанча қобилиятли бўлса, қанча куч сарфласа, унинг мақоми шунча баланд бўлади. Ҳар бир кишининг мақоми унинг билими ва амалига муносибдир. Инсонийлик ҳадди чегарасини эгаллаган ҳар бир киши комил инсон бўлади, ҳар бир одам Тангрининг улуғ оламдаги халифасидир, дейди Азизиддин Насафий.

Комил инсон ҳақида Жомий ва Навоий асарларини назардан четда қолдирмай, Жалолиддин Давоний, Ҳусайн Воиз Кошифий, Хондамир, Маҳмуд Асъад Жўшон, Азизиддин Насафий, Нажмиддин Комилов каби олимларнинг бу илмга қўшган ҳиссаларини таъкид этмоқ керак.

Айниқса, Азизиддин Насафийнинг «Зубдат ул-ҳақойиқ» ва Н. Комиловнинг «Тасаввуф» ҳақидаги 2 жилдлик китобларида комил инсон, унинг инсоният жамиятида тутган ўрни ҳақида муфассал маълумотлар берилган.

Комил инсон идеал шахс бўлиб, барча дунёвий ва илоҳий илмларни эгаллаган, руҳи мутлақ руҳга туташ, фазлу кароматдан сероб, сийрату сурати саранжом, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим покиза зот, Навоий тили билан айтганда:

Фонийвашеку, ҳам сўзидир пок, ҳам ўзи.

Комил инсонда Хизрнинг пайғамбарлиги, офтобнинг саховати мавжуд. Комил инсон одамзод орзу қилган жамики эзгу хислатларнинг ифодачиси.

Комилликнинг энг юқори нуқтаси олам мулкининг нигоҳбони Баҳоуддин Нақшбанд ва Махдуми Аъзам Хожаги Косоний десак хато бўлмас. Жалолиддин Косоний одам боласи фикрича, туғилганидан кейин дунёга кўнгил бериб, илоҳий руҳдан иборат бўлган унинг пок борлиги булғанди ва бутунлай кўздан беркилиб, у билан ҳақиқий маҳбуб васли орасида ҳижобга айланди. Комил ва мукамал муршид раҳбарлигида оғир риёзат ва ибодат орқали кўнгил кўзгусида тажаллий қилиши мумкин.

Кубровия ва нақшбандия тариқатларида комил инсон сиймоси амалий ҳаётга мос келадиган шаклда тасвирланади.

Фаридиддин Аттор ривоятида тасвирланишича, Шайх Абулҳасан Ҳарақоний барча халқ учун ўзи ўлимга тайёрлигини изҳор этган.

Н. Комилов комил инсон тасаввуф адабиётида кўп марта тилга олинган, мунозараларга сабаб бўлган ва бу ҳақда китоблар ёзилган деб. Саййид Абдулқодир Гилоний ва Азизиддин Насафийларнинг «Инсони комил» номли рисоаларини тилга олиб ўтган.

Гилоний комил инсон ҳақида фикр юритиб, у воқеан Муҳаммад (с. а. в.) каби фозил ва етук инсон бўлиши кераклигини таъкид этган.

Абулҳаким Шаръий Жўзжоний Машрабнинг комиллик сифатларини шарҳ этган ва у ҳаттоки фаришталардан ҳам устун туради, Яратувчи уларга бош қўйиб сажда қилишни буюрганлигини таъкидлаган. Жўзжоний фикрича Машрабнинг комиллик ҳақидаги қарашлари шундай ифодаланади: Ўзлари комилсифат, ҳар лукмаси ҳаққи сағир. «Қамоли

нури раҳмат», «Жаҳон нуктадони» ва Яратгандан нур келдики, «сани ман жаннатга қилдим» каби Машраб муждалари унинг комиллик ҳақидаги қарашлари ифодасидир.

Мутафаккир Машрабнинг «Манам» радифли ғазали комилликнинг энг юқори чўккиси саналиб, унда мутафаккир ўзини Яратган васлига етган деб ҳисоблайди ва ўзини Аллох сифатларидан воқиф-огоҳлигини қайд этган:

Воқифам асари ҳақдин, нури жони ҳам манам,

Машрабнинг коинот гултожи бўлган одамга муҳаббати умумбашарий моҳиятга эга. Тангри таоло жамики мавжудот ичра энг мукамал зот деб инсонни яратган ва инсон дилида ўзига нисбатан оташин муҳаббат уйғотган. Инсон сараси, унинг Худодан бохабари, унинг васли учун интилувчиси, ҳатто фаришталардан ҳам улуғи инсонинг комилдир.

Машраб ғазаларида Ҳаққа яқин комил инсон сиймосини яратгани ҳолда ўзига комил пир тутишини хоҳлаган, у биринчи пири Мулла Бозор охундни, иккинчи Офқхожани ҳам қалбан эътироф этган, у «бир пири комил керак» дея Худога муножот қилган:

*Даври Аҳмад ўтти деб, кўп йиғлама, эй Машрабо,
Ҳақ таоло раҳм қилса, бир пири комил керак.*

У пири комил топган, пир тариқатда шу тариқат асосчиси бўлган мутасаввуфга айтилади.

Машраб пиридан хатти иршод олмаган, аммо аммо тариқат пирининг этагини тутган, Офқхожа даргоҳида дарвешликни, унинг йўллари қабул қилган комил мурид эди.

Салмони Форсий Саққо мешкобчиларнинг бошлиғи бўлиб, ҳар бир хонадонга беминнат сув етказиб берган дарвешдир. Машраб ҳам Офқхожа хонадонидида мешкобчилик қилган ва сув ташиган, хонадонларга оби ҳаёт етказиб берган. Шунингдек, у Илоҳ жамолини кўриш иштиёқида пири устозларни зиёрат қилиб, инсони комил бўлган зотларнинг руҳониятларига бағишлаб шеърлар ёзди:

Туттум пирнинг этокин, охир йўлга бошлади,

ёки:

Пири комилсан, ҳақиқат бобида дарёи ҳол.

Машраб учун кимки ўзини англаса, Раббини ҳам танийди, у оламни англайди, Илоҳий сиру асрор, ғайб ҳикматидан бохабар бўлади, деб хулоса чиқаради.

Машраб пири комил Офқхожанинг олдида боришларидан бирида «Кони зар, толиби заргар, шуълаи аҳгар» бўлиши еттинчи осмонга чиқиб Исосифат, ташналарга соқийи кавсар бўлишни ва комил инсон бўлишликни Аллохдан сўрайди:

*Бўлибман кони зарман, толиби заргар бўлай дерман,
Мани комилсифат эт, офтоби нурдин Машраб.*

Машраб ўн саккиз йиллик жудоликдан сўнг оналарининг ҳузурига қайтиб келганларида, сочлари оқарган фарзанд фироғида йиғлаб кўзлари кўрмай қолган оналари худога муножот қилиб йиғлаб ўтирганлари устидан чиққан.

Шоҳ Машраб Аллоҳга муножот илтижо қилиб, унинг тўксон тўққиз номи ва сифати ҳаққи онасининг кўзи очилишини Яратгандан сўрайди:

*Ҳазин кўнглумни шод этгил, ҳарамии Каъбаи аъзам,
Ки тўксон тўққиз отингу сифотинг кибриё ҳаққи.*

Оналарининг кўзлари очилиб кетади.

Машраб ўзини пирига ҳидоя қилган, шеърят бобида шуҳрати оламни тутган, олими нуктадан, азизу мукаррам мўътабар сиймо.

А.Абдуғафуров Машраб лирикасидаги комил инсон образини афсонавий мавҳум эмас, унда бутун инсоний хислат ва фазилатлар, яхши хулқ ва хусусиятлар мавжудлигини қайд этади.

Ишқ зоҳирий кўринишдаги май, шароб, ичимлик бўлмай, балки Аллоҳ жамолидан баҳрамандлик – ишқ васлидан маст бўлишдек ботиний муҳаббат рамзи деб тушунилган. «Машраб» сўзи «шароб» маъносидаги шоир ижодини, унинг дунёқарашини рамзий маънода тўла ифодалайди.

Шунинг учун Н.Комилов «Машраб» илоҳий шаробдан сархуш дегани» фикрини келтиради.

Б.Дўстқораев Машрабга «Эшон» атамаси кўшилиб айтилишини, борлигини йўқотган киши билан боғлиқ мавжуд сир, яъни мен йўқолиб, мисли соф май қолган майнинг қуйқаси кўздан чиқиб кетган, бу Аллоҳга кўшилиб кетиши белгиси «улар» (дарвешлар) билан бирга мавжудлигини билдиради. Эшон, дарвеш, сўфий — оломон ичида ёнаётган шаъм. Шу боис Машраб «Эшони шоҳ Машраб» дейилган.

IV. 1) Мутафаккир шоир Бобораҳим Машрабнинг дин ва ахлоққа муносабати масаласи ўзбек адабиёти тарихи фани нуқтаи назаридан ҳали муфассал тарзда таҳлил ва тадқиқ қилинмаган.

Шоир дунёқарашида ислом динига бўлган масалаларнинг ёритилиши долзарб ва муҳимлигини фикримиздан истифода этмай, мутафаккирнинг ижтимоий-ахлоқий дунёқараши, шоирнинг ижтимоий-маънавий ва дидактик қарашларини бугунги кун нуқтаи назаридан тадқиқ қилишни мақсад қилиб, ундан хулосалар чиқариб ишимизда куйидаги ишларни амалга оширдик.

Юртимиздан ислом динига, жаҳон фани ва маданиятига ҳисса қўшган кўплаб алломалар, оқилу фузалолар етишиб чиққан.

Имом Аъзам мазҳаби, тариқат аҳли бўлган уламоларимиз, донишманд ота-боболаримиз фақат илму ирфонда эмас, одоб-ахлоқ бобида ҳам мукамал бўлиш йўллариини ўргатиб, кўрсатиб кетганлар. Зеро, ҳақиқий олимлик, комил мусулмонлик ила амал, ихлос, муҳаббат, садоқат, адаб ва фидойилик каби хусусиятлар билан намоён бўлади. Бугунги кунда ёш авлоднинг таълим-тарбияси ҳақида гапирар эканмиз, ажодларимизнинг билимга ташна, диний, маънавий, ахлоқий кадриятларга ихлос, эътиқод билан муносабатда бўлганликларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Биз фарзандларимизнинг дунёвий билим билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбанд таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз».

Машрабнинг қаламига илҳом берган илоҳий завқу шавқлар боиси Куръони карим, унинг бағридаги ҳар бир сура, оят ва ҳаттоки ҳарфи муборақдир. Шунинг учун Машраб ғазал ва мухаммасларида Аллоҳ таолонинг, Муҳаммад пайғамбар (с. а. в.)нинг чорёр (р. а.)нинг севги ва иштиёқларини тилга олади.

Машрабнинг турмуш тарзи, тақдири Мансур Ҳалложникига ўхшаб кетади, унинг эътиқодига кўшилади. Мансур Ҳалложнинг «Анал – Ҳақ» (Мен – Ҳақман) деган машҳур гапи учун қатл қилинган, аслида у инсонни илоҳийлаштириб, Аллоҳнинг зарраси, Аллоҳ инсон қалбида тажассум этади дегани учун ноҳақ жазоланиши ва ваҳшийларча ўлими Машрабга таъсир этади. У Ҳаллож ўлимида инсоннинг Худога бирлашиш мақсадини кўради.

Шунинг учун Машраб ислом дини ва шариат қонун-қоидаларидан четга чиқмаган, руҳонийларни танқид қилмаган. Машраб фақат риёкор шайхлар, зоҳидлар, қозилар, воизларнинг ярамас қилиқларини очиб ташлаган.

Бобораҳим Машраб қолдирган ижодий меросда диний ва тасаввуфий ғоялар ҳам асосий ўрин эгаллайди. Шоир исломнинг асосий назарий қоидаларини шубҳасиз қабул қилади.

М.Мўминов, Й.Жумабоев, Абдурауф Фитрат тадқиқотларида Машраб ижодини ёритишда уни ислом эътиқодларини писанд этмасликда, кўпроқ динсиз ҳолда тасвирлаш кўзга ташланади.

Жўзжоний Машраб асарларини таҳлил этиб, бир қатра сув уммонга тушиб ўзини кўрмоқчи бўлганда фақат уммонни кўрганидек, у ҳам ўзини кўрмоқчи бўлганда фақат «зот»ни кўради дейди.

Машрабни исломнинг ахлоқий қадриятлари, Қуръони карим, ҳадиси муборак шарифлари билан нурлантирган, унга тўғри йўл кўрсатиб, олам уфқларидан бохабар қилган Мулла Бозор охунд шахсиятига ҳам тўхтаб ўтилди.

Машрабнинг пири бўлган Офокхожа ҳақида ҳам «Офокхожа маноқибига» таянган ҳолда қимматли фикрлар берилди ва ҳали машрабшуносликда маълум бўлмаган Машраб ва дини ислом масалалари таҳлил этилди.

Шарқий Туркистонда ислом динининг таянчи бўлган Офокхожа Машрабни Тошкандда имонсиз охиратга кетиш хавфида турган Нуриддин хожанинг имонини сақлаб қолишда уни Тошкентга юбориб хизмат қилдиради.

Сўнг Офокхожанинг маслаҳати билан аввал ота-онаси хузурига Наманганга, сўнгра Байтуллоҳга, ундан кейин Балх ҳоқими Маҳмуд қатағонбий сени бир баҳона билан шаҳид қилади деган сўзни айтган.

Машрабнинг пири Офокхожа шахсияти ҳақида тугал маълумот беришга интилсак-да, адабиётшунос олим Б.Дўстқораев Алмати шаҳрида у ҳақда яна илмий рисола чоп этилганлигини маълум қилди. Биз у ҳақда ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз.

Машраб Офокхожадек пири комил топганлигини фахр билан тилга олиб, ундан фахрланишини, чунки у ислом таянчи эканлигини таъкидлайди:

Оти Исломки, андин бўлгудур равнақи ислом,

ёки:

Бўлур шахюозлар улдамки туркдин пир бўлар пайдо.

Машраб Офокхожа хонадонидан унинг истеъдодини кўра олмовчи, ҳасадчи муридлар куткусидан жабр чекди.

Машрабга улуғ салафлар ижоди, дини исломнинг умуминсоний ғоялари ибрат ва ўрнак бўлди, улуғ мутафаккир шоир ўз ижодида уларнинг исломий ғояларини ривожлантирди.

IV. 2) Мутафаккир Машрабнинг ижтимоий-ахлоқий дунёқараши долзарб бўлиб, унинг бугунги кун учун нечоғли муҳимлигини таъкидлаганимиз ҳолда, унинг шеъриятидаги таълимий-ахлоқий фикрларни таҳлил ва тадқиқ этиш бурчимиз эканлигини унутмаган ҳолда қуйидаги хулосаларга келдик.

Аввало шуни таъкид этмоқ керакки, Пайғамбаримиз (с. а. в.): «Мен гўзал ахлоқни мукамал қилувчи қилиб юборилдим», – деб марҳамат қилганларини эслашимиз керак бўлади.

Тариқат бу илму ирфондир, жаҳолат эмас. Расулуллоҳ (с. а. в.)нинг суннати санийясига тобеъ бўлишидир. Гўзал ахлоқдир, асло кўрслик эмас. Тариқатга, Ҳаққа гўзал тоат-ибодат, халққа эса гўзал хизмат қилмоқдир. «Ўзи поку, сўзи пок» бўлиб яшаш, имон ва Исломга даъват қилмоқдир.

Ҳақ тариқатгина кулни Аллоҳга, Аллоҳни кулга севдиради.

Расулуллоҳ (с. а. в.) фаришталарга тоату ибодат, ҳайвонларга шахват берилиб, ақл берилмаганини айтганлар. Одамга эса ақл ҳам, шахват ҳам берилган бўлиб, кимнингки ақли шахватидан ғолиб бўлса, у фаришталардан улуғроқдир, кимнингки шахвати ақлидан ғолиб келса, бу ҳайвонлардан ҳам пастроқдир. Чунки Аллоҳ таоло дунёдаги ҳамма нарсаларни инсон учун яратди ва уларни инсонга бўйсундириб қўйди.

Шунинг учун Аллоҳ таоло ўзининг беназир донолиги билан барча мавжудотларнинг султони бўлмиш Одамзодни ўзини танитмоқ учун яратди.

Гўзал ахлоқ мукаммаллашуви учун ҳаракат қилаётган комил инсон сиймосини яратиш Машраб шеърятининг бош мавзуларидан бири бўлган десак хато бўлмайди.

Мовароуннаҳрда ахлоқ илмига ҳисса қўшган ва жамият таълим-тарбияси билан шуғулланган кўплаб мутафаккирларнинг илмий-маънавий мероси асрлар ошса-да, инсоният қалб олами ривожига ижобий таъсир этиб келмоқда. Бурҳониддин Марғиноний, Абу Мансур Мотрудий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Воиз Кошифий, Алишер Навоий каби мутафаккирларнинг илмий-ахлоқий меросидан баҳраманд бўлиб келмоқдамиз. Уларда инсоннинг маънавий камолотга етишиши, юксак хулқ, одоб, илм-фанни эгаллаш ҳақидаги ғоялар илгари сурилган.

Мутафаккир шоир Бобораҳим Машрабнинг ижтимоий-ахлоқий, таълим-тарбиявий қарашлари, хулқ-одоб ҳақидаги фикрлари бугунги кун учун керакли эканлигини инобатга олиб, унинг шеъриятидаги ижтимоий-ахлоқий, мантиқий ғоялар таҳлил этилди.

Машраб «Мабдаи нур» асарида зохирий кўриниши мўъмин-мусулмон, аммо иймондан беҳабарларни каззоб, эшак деб атаган, ундайлар Худонинг бандаси эмас, деб ҳисоблаган.

Мансур Ҳалложнинг ўлдирилиши унинг ғоялари, таълимоти ёйилишига сабаб бўлди. Мансурнинг фожеали ўлими унинг тарафдорлари кўпайишига, ғоялари яшовчанлигига сабаб бўлди ва Машрабга бу ҳол қаттиқ таъсир этди, уни ҳаяжонга солди, шунинг учун у ўзини Мансурга қиёс этади, унга ҳаваси келади ва ўз умрининг Мансурникидай хотима топишини орзу қилади:

Аналҳақ айтаман, монанди Мансур бўлғали келдим.

ёки:

Бир лаҳза дам олмай турубон, лаҳзада кеттим.

М.Ғафуров фикрича, Машрабнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари ҳақида фикр юритиб, юрагини туганмас дард босган бу зот аслида шўх ва қувноқлигини, шу қувноқлик ва юксак ахлоқийлик унинг ғазаллари оламига ўзгача нафис бир шуъла сочиб туришини қайд этган.

Юксак ахлоқни ўзбек мумтоз мусикамиз, ашулаларимизсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Дарвешлар рақси самога тушиб, Аллоҳ номини зикр этиб, одамларни Муҳаммад нури билан нурлантириб, Аллоҳга ҳамд, сано, наът, суруд, ўқиш ҳар бир комил ва ахлоқи пок инсоннинг бурчи ва вазифасидир. Жаннатдан мусиқа ва ашуланинг саси келиб туриши шундан бўлса керак. Машрабнинг кўлидан танбур тушмай, у халқ томонидан ва ўзи ёзган ғазалларга куй басталаб, ширали ва ёқимли овозда одамлар тўпланган йиғинларда жўшиб куйлаган. Бу тўғрида Фитрат муфассал маълумот берган. М.Зокиров Машраб мусиқий асбобларни руҳий озук берувчи манба деб қараганлиги ва Исҳоқ Боғистонийнинг китобида у ҳақда, унинг машшоқлиги ва хушовоз хонандалиги ҳақида қимматли маълумот бериб, Машрабни ёшлигидан «мусиқийга бисёр кўнгил бермишди. Балоғат ёшида сетор жўрлигида ўз шеърига мақом басталаб бағоят хушовоз билан хониш қилур эрди. Шу боис халойиқ ичра «машшоқи Машраб», «Ҳофизи Машраб» демоқлик машхур бўлмишди» дейилган.

Чунки шоир шеъриятида танбур ёки сетор энг дардкаш ва мунис йўлдош сифатида тилга олиниб, у ватанидан йироқда, ғурбат, дарбадарлик, сарсон-саргардонлик, қувғинда юрганда жароҳатли дилининг малҳами, ҳамдарди, аламли юрагининг сирдоши, ҳамроҳи бўлган:

Сетор деманг ҳоли дилим сўргучи танбур.

Машрабнинг ижтимоий-ахлоқий дунёқараши унинг ахлоқий-таълимий шеъриятида акс этиб, унда одам такаббурликдан, манманлик ва худбинликдан, мунофиқлик ва ҳасаддан сақланишга, бадахлоқ, бадхулқлик иллатларидан йироқ юришга даъват этади.

IV. 3. Бобораҳим Машрабнинг ижтимоий-маънавий ва дидактик қарашлари адабий-бадий жиҳатдан ҳали таҳлил этилмаганлигини, аммо мутафаккир қолдирган маънавият, улардаги хулқ-одоб, таълим-тарбия, панд-насихат тарзидаги шеърлар кечаги кун учунгина эмас, балки бугунги ва эртанги кун учун ҳам муҳим ва қимматли эканлигини, ўз аҳамияти, моҳияти, мазмуни, фалсафаси, бадийлиги билан долзарб эканлигини қайд этмоқчимиз.

Машраб ўзбек миллий ғазалчилиги, шу билан бирга шеъриятдаги турли жанрлар қондасига амал қилгани ҳолда ундаги ҳамма жанрларда қалам тебратган мутафаккир шоирдир. У маънавияти кенг шоир ва аллома назари билан панд-насихат тарзида дидактик асарлар яратган энг сермахсул ижодкорлардан бири ҳисобланади.

Не ҳолки, то мустақилликгача Машрабнинг дидактик асарларидан, айниқса, мустазодлари, мураббаълари, мусамманлари, мусаддаслари, мусаббаълари, мусамманларидан, улардаги юксак ахлоқий, маърифий, маънавий, дидактик ғоялардан бебаҳра қолдик. 1990 йилгача чиққан Машраб девонлари уч-тўрт марта нашр этилганлигига қарамай, улардаги Илоҳий мазмунни ифода этган шеърлар «пати юлиниб», қайчиланиб босмадан чиқарилган. Тангри номи, пайғамбарлар, азиз-авлиёлар, аҳлуллоҳлар исми зикр этилган жойлар «юлиб олинган» ҳолда нашрга тайёрланган. Бу Машрабни Худосиз, даҳрий, исёнкор дегувчилар учун қўл келган. Аммо

мустақилликнинг шукуҳи, шарофати шуки, бугунги кунда уни ишқи Илоҳийдан ажратмаган ҳолда ўқиш бахтига муяссар бўлдиқ. Ўша кезларда энг кўп «йўқолган», «йўқотилган» шеърлари унинг дидактик ва маънавийга доир асарлари эди. «Мабдаи нур», «Кимё», «Қиссайи Вайсул-Қараний», «Қиссайи Меърожи расули Акрам с. а. в.» каби асарлари, ҳатто у ҳақдаги «Қиссаи Машраб», «Тазкираи қаландарон» асарлари ҳам чоп этилмади.

Машраб шеърятда Фузулий, Лутфий, Навоий, Бобур каби мутафаккир шоирлар ғазалларига жавоб айтган, уларнинг асарларига мухаммаслар боғлаган шоирдир. Унинг шеърятти қаҳрамони шоирнинг ўзидир. Демак, шундай экан, у айтган, айтмоқчи бўлган фикр ва турлича ахлоқий, таълимий, дидактик, маънавий қарашлар у томонидан одам аҳлига аталган, унга юборилган насиҳатомуз, ибратомуз, дидактик ғоялардир.

Аллоҳнинг оташин ошиғи, ишқ-муҳаббат тушунчаларининг, туйғуларининг хассос куйчиси, одам фарзандига маънавий севги тушунчаларидан бонг урувчи ошиқ-маъшукларни гуноҳкор деганларга дарғазаб хитоб қилган:

Қилма изво зоҳидо, мен ёр учун девонаман.

Адабиёт илмининг нозик жиҳатлари билимдонларидан бири Садирхон Эркинов Машраб ижоди ўзбек адабиётидагина эмас, балки бутун мусулмон шарқи адабиётининг буюк ҳодисаси эканлигини, у шахсий ҳаётидаги ирода ва қувватини шеъряттида ифода этган, шунингдек, руҳий исёнини санъаткорона ифодалаган Мансур Ҳаллож, Имомиддин Насимийлар каби улуғ мутафаккир эканлигини талқин этган.

Машраб Аллоҳ севгиси билан яшади, шу муқаддас туйғуни тўлиб-тошиб куйлади, дунёпарастлик ва жоҳилликни қоралади, унинг нигоҳи поклик, йўли софлик бўлиб, маънавий-ахлоқий фикрларни илгари сурди.

У олам аҳлига мурожаат қилиб, ўзининг дидактик панд-насиҳатларини йўллаб, Аллоҳдан мадад сўрайди. У олам аҳлига ҳамдard ва ҳамфикрлигини: «то кишига дард тегмай бўлмади бағри кабоб дилда дардинг бўлмаса сардафтаримни кавлама» деб ўғит берди ва дард аҳли дард топиб, кўзин ёшин сепиб ўтганлигини таъкидлайди:

На ерда аҳли дард топдим, кўзум ёшин сепиб ўттум.

Машраб фарзандларга ўғит-насиҳат қилиб, «Зоҳиру ботинни сан нури аҳлуллоҳдан тила», – дейди.

У фарзанду аржумандларга ўғит бериб, кўз нури кетмасдан ғайрат, шижоатни ҳис қилган ҳолда ҳаракат қилишни, Ҳақ зикрини унутмасликни, дўзах ўтини сувга айлантирган Аллоҳни эслашни, унигина дуога қўл очиб тилак тилашни ўғит берган:

Кўзни нури кетмайин соҳибдуони излагил,

ёки:

Машрабо, қилгил дуо соҳиб насиҳатнинг ҳақи.

Машраб таълим-тарбия олган, ахлоқий-дидактик, ўғит-насиҳатлар эгаллаган Офoқхожа хонадони ва у ердаги тасаввуфий таълимотлар шоир ижодиёти орқали жамиятнинг турли тоифа ва табақалари онги ва тафаккурига етиб борганлигини унутмаслик керак бўлади. Сабаби Махдуми Аъзам Хожаги Косоний авлоди бўлган бу хонадон тарқатган тариқат бобоқолонлари мероси билан уйғунлашиб, нафақат Шарқий Туркистон, Мовароуннаҳр ва биз номларини кўрсатиб берган, Машраб изи ва қадами етган мусулмон ўлкаларига, балки Осиё, Шимолий Африка худудларигача етиб борганлигини таъкид этмоқ керак. Шунинг учун у шундай дейди:

Насиҳатлар қулогимга пиримдан англаган қулман.

ёки:

*Наманган шаҳрида юрдум, Хожамни бир йўли кўрдум,
Ки ондин то абад, дўстлар, Хожамни излаган қулман.*

яна бир шеърда у:

Ўзунг – доно, ўзунг – бино, ўзунгни излаган қулман.

И.Сувонкулов Машрабнинг ижтимоий-маънавий, панд-насихат хақидаги қарашларига муносабат билдириб, унинг лирикасида инсон шарафи ва эрки, гўзаллиги ва маънавияти эзгуликка талпиниши юксак бадиий ифодасини топганлигини қайд этади.

Машраб ҳазрати Муҳаммаддек комил дин, ахлоқ тарғиботчисининг уммати бўлишдек давлату бахтга эгаллиги билан фахрланади. У одамзод қавмига ўғит бериб, айтади: «Кўлинг бирла тилингдан етмасин ҳеч кимга озоре».

Мутафаккир шоир Шарқнинг азиз-авлиёлари Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож, Жунайд Бағдодий, Имомиддин Насимий, Иброҳим Адҳам номларини ғазал, мухаммасларида тилга олган. Аҳдуллоҳ, подшо, азизу авлиё, шоиру уламо бўлган бундай улуғ зотлар ҳаёти Машраб учун ибрат ва намуна бўлиб, ёзган маънавий-ахлоқий, дидактик асарларидан у илҳом олган. Иброҳим Адҳам подшоликни ўз ихтиёрлари билан дарвешликка алишиб, салтанату сарватни, мулку давлатни хирқага алмашган, дарвешликни ихтиёр этган эди, бу эса Машрабни ўзига қаратган, унинг ғояларида шоир Илоҳий дардни кўрган эди:

Мисли Адҳамдек жаҳондин мосуво қилди бу дард.

ёки:

Орифиди Ҳақ бўлай десанг Адҳами бенаво керак.

Машраб Аллоҳ таолонинг бандаларга раҳмдил ва меҳрибон эканлигини, гуноҳкорлар гуноҳини афв этишини, Ҳақ йўлига кирган киши гуноҳлардан пок ва мосуво эканлигини, аввал Худо, кейин унинг элчиси Муҳаммад (с. а. в.) дан умид кутиб, унинг даргоҳи улуғлигини, севган қулларини ноумид кўймаслигини, умидворлигини изҳор қилади:

Аввали охир Худо, ул кун Муҳаммаддин умед.

ёки:

Ташналар Маҳшар куниди қилгай шафоатдин умед.

Машраб Аллоҳнинг расули, элчиси бўлган пайғамбар Муҳаммад (с. а. в.) га бағишлаб ҳамд, сано ўқийди, у фоний дунё давлату бойлигини кўзга илмаслигини ва ундан кўрқишни огоҳ этиб панд-насихат қилади, Муҳаммаддек пайғамбари борлигига шукрона келтириб уни мадҳ этади:

Баён эт, Маширабо, шому саҳар наъти Муҳаммадни.

Закои Кўнрапанинг «Пайғамбаримиз ва ашарай мубашшара» китобида талқин этилганидек, пайғамбар (с. а. в.) юксак ахлоқнинг намунаси эдилар. У кишининг башарият, унинг иқболи, келажак учун қолдирган ўғит-насихатлари, панду-аъмоллари, ахлоқий-таълимий, намуна ва ибрат бўладиган ижтимоий-маънавий мероси, дидактик қарашлари Машраб ижодида такомил даражасида, ижодиётида қаламга олинди:

Расулнинг умматиман, Мустафодин ўзга ёрим йўқ.

Шунингдек, Машраб муножотлари ҳам мазкур бўлимда таҳлил этилди ва Навоий муножотларига қиёсан ўрганилди.

Машраб ижодидаги ижтимоий-маънавий ва дидактик қарашлар шоир ижодининг бетакрор ва қимматли, эканлиги, инсониятни яхшилик ва эзгулик сари чорлаб туриши билан аҳамиятлидир.

Ўзбек шоири ва мутафаккири, файласуфи ва мутасаввуфи бўлган Бобораҳим Машраб ижтимоий-маънавий, диний-тасаввуфий, ахлоқий мероси ва унинг илмий-бадиий адабиётдаги талқини хусусидаги мазкур тадқиқот ишида XVII-XVIII асрда Мовароуннаҳрда ижтимоий фикр ривожининг иқтисодий-сиёсий ва маънавий замини ва унда Машрабнинг ижтимоий-маънавий мероси, шоирнинг тасаввуф таълимотига муносабати, мутафаккирнинг дин ва ахлоққа доир қарашлари таҳлил этилди.

Машраб дунёқараши ва унинг маънавий мероси, шоир тафаккури маҳсули бўлган шеърятини ўрганиш муҳим, долзарб эканлигини истифода этмай, мутафаккирнинг маърифий, диний-тасаввуфий, ахлоқий қарашларини келажак авлодга етказиш, ундаги

инсон ва жамият ҳақидаги таълимий-дидактик фикрларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш зарурлигини тоқазо қилади. Шу жиҳатдан Машраб шеърляти умуминсоний ва умумбашарий маъно, мазмун касб этиши муҳимдир.

РАҲБАРИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: «Ўзбекистон» 1993 йил.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Тошкент; «Ўзбекистон» 1994 йил
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Тошкент: 3-жилд. Ўзбекистон, 1996 йил
4. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон: 1998 йил
5. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт қафолатлари. – Тошкент: Асарлар. 6-том, 1998 йил
6. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. Тошкент: Асарлар. 7-том, 1999 йил
7. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интиломқда. – Тошкент: Асарлар. 7-том, 1999 йил
8. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Тошкент: Ўзбекистон 1999 йил
9. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000 йил
10. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига жавоблар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000 йил
11. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. – Тошкент: Фидокор. 2000 йил, 8 июн

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдулқодир Жийлоний. Раббонийликни англаш. Биринчи китоб. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005 йил. (124)
2. Абдулазиз Мансур, Баҳманёр Шокир. Муслмончиликдан илк сабоқлар. – Тошкент: Камалак, 1992 йил. – (32)
3. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992 йил, - (160)
4. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2000 йил. – (208)
5. Абдурауф Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. – Тошкент: Фан, 1993 йил. – (56)
6. Абдурауф Фитрат. Оила. – Тошкент: Маънавият, 2000 йил. – (112)
7. Абдуқодир Ҳайитметов. Шарқ шеърятининг ижодий методи тарихидан. – Тошкент: Фан, 1970 йил. - (330).
8. Абдуқодир Ҳайитметов. Ҳаётий чашма. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974 йил. – (166).
9. Абдуқодир Ҳайитметов. Табаррук излар изидан. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979 йил. – (152).
10. Абдуқодир Ҳайитметов. Навоийхонлик суҳбатлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993 йил. – (216).
11. Абдуқодир Ҳайитметов. Адабий меросимиз уфқлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997 йил. – (240)
12. Абдуғафуров А. Эрк ва эзгулик куйчилари. – Тошкент. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979 йил, - (160).
13. Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995 йил, - (180).
14. Абдуғафуров А. Қалб қаъридаги қадриятлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1998 йил. – (214).
15. Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент, Адолат, 2001 йил. (190).
16. Абдуқодир Зоҳидий. Туркистонда ўрта аср араб муслмон маданияти. – Тошкент: 1993 йил. – (132).
17. Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Хайриддин Султонов, Нарзулла Жўраев. Ватан туйғуси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996 йил. – (398).
18. Абдуқаҳҳор Иброҳимов. Бизким, ўзбеклар... - Тошкент: Шарқ, 2001 йил. – (400)
19. Абдуллаев В. А. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980 йил, - (348).
20. Абдуллаев В. А. Сайланма. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982 йил, - (440).
21. Абдуллаев В. Танланган асарлар. Биринчи жилд. – Тошкент: Фан, 2002 йил, - (248).
22. Абдулла Жаббор. Кўргали келдим. Наманган: 2000 йил. – (120)
23. Абдуллаев И., Ҳикматуллаев Х. Самарқандлик олимлар. – Тошкент: Фан, 1969 йил, - (104).
24. Абдусамедов А. таҳрири остида. Диншунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995 йил, - (250).
25. Адабиёт кўзгуси. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1998 йил, - 4-сон.
26. Адабиёт кўзгуси. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000 йил, 5-сон. – (202).
27. Абдулҳафиз Жалолов масъул муҳаррирлиги остида. Фалсафа. Қисқача изоҳли луғат. – Тошкент: Шарқ, 2004 йил, - (384).
28. Абу Ҳамид Ғаззолий. Ихёу улумид-дин (Дин илмларини жонлантириш). Биринчи китоб. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003 йил, - (232).
29. Абу Ҳамид Ғаззолий. Мукошафат-ул-қулуб (Қалблар кашфиёти). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004 йил, - (316).
30. Абу Ҳамид Ғаззолий. Кимийи саодат. – Тошкент: Адолат, 2005 йил, - (412).
31. Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. – Тошкент: Камалак. 1992 йил, - (80).
32. Алоуддин Мансур. Имоми Аъзам – буюк имомимиз. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1999 йил - (96).
33. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Тошкент: Мерос, 1993 йил. – (224).
34. Абулғозий. Шажараи турк. – Тошкент: Чўлпон, 1992 йил. – (188).

35. Абу Тоҳирхожа. Самария. – Тошкент: Камалак, 1991 йил. –(336).
36. Адабиёт ва санъат. Адабий-танқидий мақолалар. – Тошкент: Шарқ, 2000 йил. – (366).
37. Азизова М. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. – Тошкент: Фан, 2006 йил. – (240).
38. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000 йил, - (366).
39. Аннемарие Шиммел. Жанон менинг жонимда. – Тошкент: Шарқ, 1999 йил, - (175).
40. Анатолий Сағдулаев, Бобур Аминов, Ўктам Мавлонов, Наим Норкулов. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Тошкент:, Академия, 2000 йил. - (272).
41. Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. - Тошкент: Ўзбекистон бадиий адабиёт нашриёти. 1958 йил. – (464)
42. Алишер Навоий. Муножот. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матба бирлашмаси, 1991 йил, - (12).
43. Алишер Навоий. Сирожу-л-муслимийн. – Тошкент: Мерос, 1993 йил, - (112).
44. Алишер Навоий. Арбабийн. – Тошкент: мерос, 1991 йил, - (30)
45. Алишер Навоий. Ғазаллар, шарҳлар. – Тошкент: Камалак, 1991 йил, - (173).
46. Алишер Навоий. Лирика. – Тошкент:Ўқитувчи, 1992 йил, - (112).
47. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. – Тошкент: Фан, 2001 йил, - (518).
48. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. – Тошкент:2000 йил, - (172).
49. Алиқулов Х. Этические воззрения мыслителей Средней Азии и Хоросана. – Тошкент: Фан, 1992 йил, - (100).
50. Алиқулва Ҳайдар. Жалолиддин Давоний. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992 йил, - (72)
51. Алиқулов Ҳ. ва бошқ. Маънавий-ахлоқий кадриятлар мутафаккирлар талқинида. Андижон. 2003 йил. – (110).
52. Алиқулов Ҳ. изоҳлари билан. Мутафаккирлар ахлоқ ва адолат ҳақида. – Тошкент:Адолат, 1995 йил, - (46)
53. Аскарлов А. таҳрири остида. Ўзбекистон халқлари тарихи. I жилд. – Тошкент: Фан, 1992 йил, - (188)
54. Аскарлов А. таҳрири остида. Ўзбекистон халқлари тарихи. II жилд. – Тошкент: Фан, 1994 йил, - (256)
55. Аристотель. Поэтика. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1980 йил, - (118).
56. Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1992 йил, - (208).
57. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1991 йил, - (256).
58. Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий. Жомий ул-мутун. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2000 йил, - (316).
59. Аҳмаджон Бобомурод. Камолот сари. – Тошкент: Чўлпон, 2000 йил, - (72).
60. Аҳмаджон Бобомурод. Ислом одоби ва ахлоқи. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2002 йил, - (160).
61. Аҳмаджон Бобомурод. Комил инсонлар йўлидан. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003 йил, - (152).
62. Ал-Фақиқ Абу Лайс Самарқандий. Бўстонул орифийн. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003 йил, - (240)
63. Алимасов Виктор. Фалсафа ёхуд фикрлаш лаззати. – Тошкент: Маънавият, 2001 йил, - (112).
64. Асадов Бойман. Ёшлар ва кадриятлар. – Тошкент: Истиклол, 2000 йил, - (80).
65. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994 йил, - (428).
66. Аҳмедов Бўрибой. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2001 йил, - (352).
67. Абул Муҳсин ибн Муҳаммад. Али Баҳоуддин Балогардон. – Тошкент: Ёзувчи, 1993 йил, - (308).
68. Баратов М. Ўзбекистонда маърифатчилик. – Тошкент: 1961 йил, - (95).
69. Бобораҳим Машраб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1961 йил, - (95).
70. Бобораҳим Машраб. Мехрибоним, қайдасан. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990 йил, - (416).
71. Бобораҳим Машраб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991 йил, - (96).
72. Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур. – Тошкент: Фан, 1994 йил, - (48).
73. Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур. – Тошкент: Фан, 1994 йил, - (316).
74. Беруний ва ижтимоий фанлар. – Тошкент: Фан, 1973 йил, - (145).

75. Бертельс Е. Э. Сўфизм ва тасаввуф адабиёти. – Тошкент: 2006 йил, - (104).
76. Билиш назарияси масалалари. – Тошкент: Фан, 1975 йил, - (208).
77. Бозоров О., Худойкулов А. Ахлоқий кадриятлар ва ислом. Самарқанд: - 1992 йил. – (76).
78. Боқирғоний Сулаймон. Боқирғон китоби. – Тошкент: Ёзувчи, 1994 йил, - (176).
79. Бобур. Танланган асарлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976 йил, - (87).
80. Бобобеков Х., Каримов Ш., Содиков М., Усмонов Қ., Холбоев С., Шамсуддинов Р. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000 йил, - (400).
81. Болтабоев Ҳамидулла. Мумтоз сўз қадри. – Тошкент: Адолат, 2004 йил, - (192).
82. Болтабоев Ҳамидулла. Ислом тасаввуфи манбалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005 йил, - (400).
83. Бобур шеърятидан. – Тошкент: 1982 йил, - (142).
84. Бекмуродов ва бошқалар. Социология. – Тошкент: 2000 йил, - (211).
85. Бекмуродов М. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. – Тошкент: 1999 йил, - (244).
86. Бекмуродов. Мовароуннаҳрда жамоатчилик фикри тарихи. – Тошкент: Фан, 1994 йил, - (78).
87. Буюк сиймолар, алломалар. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1997 йил, - (141).
88. Валиев А. Ахлоқий поклик ва маънавий гўзаллик. – Тошкент: Ўзбекистон, 1974 йил, - (74).
89. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослик тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993 йил, - (192).
90. Валихўжаев Ботурхон. Хожа Аҳрор тарихи. – Тошкент: Ёзувчи, 1994 йил, - (96).
91. Валихўжаев Ботурхон. Самарқандда олий таълим – мадрасайи олия – университет тарихидан лавҳалар. Самарқанд: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001 йил, - (184).
92. Валихўжаев Б., Тохиров Қ. Ўзбек адабиёти тарихи. (XVI аср). – Самарқанд: 2002 йил, - (162).
93. Воҳидов Р. Ж., Эшонқулов Ҳ. Р. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. 2006 йил, - (528).
94. Дилором Салоҳий. Навоий насрида тасаввуф. – Самарқанд: 1995 йил. – (40).
95. Дилором Салоҳий. Навоийнинг шеърӣ услуби масалалари. – Тошкент: Фан, 2005 йил, - (206).
96. Дивана-и-Машраб. – Ташкент: Издательско-полиграфического объединение имени Гафура Гуляма, 1972 год. – (246).
97. Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадир. – Тошкент: Ёзувчи, 1997 йил, - (192).
98. Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. – Тошкент: Шарқ, 1999 йил, - (368).
99. Жабборов М. Рухий олам. Жаҳолат ва камолот. – Тошкент: Ўзбекистон, 1988 йил, - (392).
100. Жабборов Исо. Антик маданият ва маънавият хазинаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999 йил, - (224).
101. Жабборов С. Куръон афсоналари ва ривоятлари. – Тошкент: Фан, 1986 йил, - (57).
102. Жалолов Т. Нафосат оламида. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974 йил, - (274).
103. Жалолов Т. Ўзбек шоирлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980 йил, - (416).
104. Жалолов Омонбек. Офокҳожа манокӣби. Андижон, Ҳаёт, 2001 йил. – (66).
105. Жалолов А. Мустақиллик масъулияти. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996 йил, - (254).
106. Жонматова Ҳ. Абу Али Ибн Сино таълим-тарбия тўғрисида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980 йил, - (32).
107. Жумабоев Й. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1980 йил, - (248).
108. Жумабоев Й. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997 йил, - (182).
109. Жўраев У., Саиджонов Й. Дунё динлари тарихи – Тошкент: Шарқ, 1998 йил, - (174).
110. Жўраев О. Ўзбек классик адабиётида фалсафӣй-дидактик дostonчилик. – Тошкент: Фан, 1985 йил, - (80).
111. Жўраев Зафаржон. (тузувчи муаллиф) Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар – Тошкент: Ўқитувчи, 1994 йил, - (334).
112. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989 йил, - (368).
113. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Ғазаллар. – Тошкент: Ёзувчи, 1981 йил, - (68).
114. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Маҳрами асрор топмадим. – Тошкент: Ёзувчи, 1993 йил, - (80).
115. Зайниддин Восифий. Бадоеул вақое. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979 йил, - (214).
116. Закои Кўнрапа. Пайғамбаримиз ва ашъарайи мубашшара. – Тошкент: 1995 йил, - (176).

117. Зиёмухаммедов Бўри. Комилликка элтувчи китоб. – Тошкент: Турон-Иқбол, 2006 йил, - (352).
118. Зиёдов Шовосил. Ал-Мотуридий ҳаёти ва мероси. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2006 йил, - (29).
119. Зоҳидов В. Ўзбек адабиёти тарихидан – Тошкент: Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1961 йил, - (268).
120. Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. – Тошкент: Ўзбекистон, 1970 йил, - (496).
121. Зоҳидов В. Ҳаётбахш бадиият тароналари – Тошкент: Ғ. Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975 йил, - (464).
122. Зоҳидов В. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент: Ғ. Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976 йил, - (410).
123. Зоҳидов В. Танланган асарлар. 2-жилд. – Тошкент: Ғ. Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977 йил, - (409).
124. Зуннунова А., Ҳотамов Н. Адабиёт назариясидан қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978 йил, - (160).
125. Зуннунова А. умумий таҳрири остида. Ўзбек педагогикаси тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997 йил, - (272).
126. Зуннунова А., Тўхлиев Б., Маъсудов Х. Педагогика тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000 йил, - (188).
127. Зуннунова А ва бошқ. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Тошкент: 1992 йил, - (337).
128. Ислом динининг асослари. Мерос нашриёти. – Тошкент: 1991 йил, - (121).
129. Ислом. Справочник. – Тошкент: Фан, 1993 йил, - (220).
130. Ислом, тарих ва маънавият. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2000 йил, - (110).
131. Ислом ва хорижий Шарқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992 йил, - (173).
132. Идиоров У., Ғозиев С. Аждодларимиз ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий қарашлари. – Тошкент: 2003 йил, - (60).
133. Иззат Султонов. Пьесалар, мақолалар. – Тошкент: Давлат бадиий адабиёт шариёти. 1959 йил, - (372).
134. Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент: Ғ. Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1969 йил, - (414).
135. Иззат Султон. Ҳаёт, адабиёт ва маҳорат. – Тошкент: Ғ. Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972 йил, - (424).
136. И. Султонов, А. Ҳайитметов масъул муҳаррирлиги остида. – Тошкент: Фан. 1982 йил, - (196).
137. Иброҳимов А. И. XVI аср ўзбек адабиётининг асосий хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1976 йил, - (208).
138. Иброҳим Адҳам қиссаси. – Тошкент: Ёзувчи, 1991 йил, - (208)
139. Имом Ғаззолий. Охиратнома. – Тошкент: Ёзувчи, 1994 йил, - (32).
140. Искандаров Б. Ўрта Осиёда фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фикрнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993 йил, - (112).
141. Исомиддин Салоҳий. Эзгу сўз қудрати. Самарқанд: 2004 йил. – (176).
142. Илёсхон Ғозий. Маҳдуми Аъзам Имом ал-Қосоний. – Тошкент: Ўзбекистон. 1996 йил, - (152).
143. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983 йил, - (168).
144. Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002 йил, - (121).
145. Йўлдошхўжаев Х, Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик. – Тошкент: 2000 йил, - (132).
146. Кароматов Х. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Фан, 1993 йил, - (48).
147. Каттаев К. Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед. Самарқанд. Сўғдиёна, 1994 йил. – (94).
148. Каримов Ғ. К. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987 йил, - (320).
149. Каримов Ғ. Халқ, тарих, адабиёт. – Тошкент: Ғ. Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977 йил, - (312).
150. Каромов И. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. – Тошкент: Фан, 2001 йил, - (214).
151. Каримов С. XIV-XV асрларда Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий фикр. – Тошкент: Фан, 1995 йил, - (160).
152. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996 йил, - (272).

153. Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. Тавҳид асрори. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999 йил, - (206).
154. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. – Тошкент: Маънавият, 1999 йил, - (280).
155. Комрон Мирзо. Девон. - Тошкент: Фан, 2004йил, - (120).
156. Мавлоно Муҳаммад Қози. Хукмдорларга ўғитлар. Тошкент: Шарқ, 1999 йил, - (32).
157. Маллаев Н. Ш. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965 йил, - (748).
158. Маллаев Н. Гениал шоир ва мутафаккир. – Тошкент: Фан, 1968 йил, - (54).
159. Машраб. Танланган асарлар. – Тошкент: 1963 йил, - (127).
160. Машраб. Танланган асарлар. – Тошкент: Ғ. Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971 йил, - (192).
161. Машраб шеърятидан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1979 йил, - (126).
162. Машраб. Избранное. – Ташкент: Узбекистан, 1980 год, - (158).
163. Машраб. Девон. – Тошкент: Ғ. Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980 йил, - (352).
164. Машраб. Девон. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2006 йил, - (608).
165. Маҳмудов М. Ҳайрат ва тафаккур. – Тошкент: Ғ. Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990 йил, - (192).
166. Маҳдуми Аъзам Даҳбедий. Зубдат ус-салотин. Сўғдиёна. 1994 йил. – (76).
167. Маҳмуд Аъсад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. – Тошкент: Чўлпон, 2000 йил, - (94).
168. Маҳмуд Аъсад Жўшон. Юнус Эмро ва тасаввуф. – Тошкент: Фан, 2001 йил, - (128).
169. Маҳкамов Улфат. Ахлоқ-одоб сабоқлари. – Тошкент: Фан, 1994 йил, - (136).
170. Масъудали Юнус ўғли Ҳакимжон. Тавҳид. Аллоҳнинг ягоналигини таниш. – Тошкент: Мехнат, 1991 йил, - (32).
171. Мусурмонов Эркин Раббимович. Раҳимбобо Машраб ва унинг бадиий адабиётдаги талқини. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Самарқанд: 1995 йил. – (24).
172. Мустақиллик даври адабиёти. – Тошкент: Ғ. Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006 йил, - (288).
173. Мусурмонова О. Адабиёт ва ахлоқий тарбия. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989 йил, - (94).
174. Мирзааҳмедова М. Хожа. – Тошкент: Фан, 1975 йил, - (136).
175. Мирзаев А. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва аҳамияти. – Тошкент: 2000 йил, - (226).
176. Мирзо Бедил. Рубоийлар. – Тошкент: Ғ. Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974 йил, - (108).
177. Марицаева Т, Нуриддинов А. Маҳдуми Аъзам Косоний – Наманган: 1995 йил. – (46).
178. Мир Аммон Дехлавий. Чор дарвеш қиссаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996 йил, - (168).
179. Муртоева Р. Ҳ., Эшов Б. Ж., Жолдасов Б., Тожиева М. У., Ҳайдаров М. М., Полвонов Н., Ражабов К., Одилов А. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: 2000 йил, - (164).
180. Муртазоева Р. Ҳ. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003 йил, - (676).
181. Миркарим Осим. Аждодларимиз фожеаси. – Тошкент: Ғ. Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983 йил, - (272).
182. Муҳсин Зокирий. Машраб. Адабий-танқидий очерк. – Тошкент: 1966 йил, - (178).
183. Муҳсин Зокиров. Эрк ва маърифат куйчилари. – Тошкент: Ғ. Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984 йил, - (130).
184. Муҳиддинов М. Қ. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент: 1995 йил, - (60).
185. Муҳиддинов М. «Хамса»ларнинг биринчи дostonларида комил инсон тасвири. Самарқанд: 2001 йил. – (840).
186. Муҳаммад Нуриллоҳ Сайдо ал-Жазарий. Ҳақиқатлар уруғи. – Тошкент: Истиклол, 2003 йил. – (110).
187. Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Ғавсул Аъзам. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993 йил, - (99).
188. Муҳаммад Содик. Муҳаммад Юсуф. Имон. – Тошкент: Камалак, 1991 йил, - (160).
189. Муҳаммад Али. Дostonлар. – Тошкент: Ғ. Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974 йил, - (104).

190. Мутафаккирлар ахлоқ ва одоб ҳақида. – Тошкент: Адолат, 1995 йил, - (48).
191. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Шоядки тақводор бўлсак. – Тошкент: Чўлпон, 1992 йил, - (176).
192. Мўминов И. танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент: Фан, 1969 йил, - (496).
193. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тугган ўрни ва роли. Тошкент: Фан, 1993 йил, - (56).
194. Мўминов М. Мирзо Бедил. – Тошкент: Ўзбекистон, 1974 йил, - (20).
195. Мўминов М. бош муҳаррирлиги остида. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: 1970 йил, - (768).
196. Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Тошкент: Фан, 1968 йил, - (355).
197. Насимий. Асарлар. – Тошкент: Ғ. Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977 йил, - (232).
198. Насафий. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд. – Тошкент: Фан, 1993 йил, - (48).
199. Насафий. Хожа Аҳмад Яссавий. – Тошкент: Ғ. Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993 йил, - (16).
200. Назаров Қ. (тузувчи) Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Файласуфлар миллий жамғармаси нашриёти. 2004 йил, - (472).
201. Нуритдинов М. Юсуф Қорабоғий ва Ўрта Осиёда XVI-XVII асрлардаги ижтимоий-фалсафий фикр. – Тошкент: Фан. 1991 йил, - (124).
202. Нурмухаммедов М. К. таҳрири остида. – Тошкент: Фан, 1978 йил, - (416).
203. Низомиддинов Н. Ғ. Жанубий-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва ислом. – Тошкент: Зарқалам, 2006 йил, - (323).
204. Низомиддинов Н. Ғ. Шарқий Осиё диний фалсафий таълимотлари ва ислом. – Тошкент: ЎзФА Давлат Адабиёт музейи, 2006 йил, - (152).
205. Нодирхон Ҳасан. Қуръони каримда набийлик ва набийлар. – Тошкент: Мовароуннаҳр 2006 йил, - (120).
206. Носиров О., Жамолов С., Зиёвуддинов М. Ўзбек классик шеърляти жанрлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979 йил, - (184).
207. Олимат ул-Банот. Муошарат одоби. – Тошкент: Меҳнат, 1991 йил, - (32).
208. Олимов С. Ишқ, ошиқ ва маъшук. – Тошкент: Фан, 1992 йил, - (80).
209. Олимов С. Нақшбанд ва Навоий. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996 йил, - (216).
210. Ориф Усмон. Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида. – Тошкент: Университет, 1993 йил, - (34).
211. Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясидан ғазал ва мусаммат. – Тошкент: Фан, 1976 йил, - (120).
212. Орзибеков Р. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси, 2006 йил, - (272).
213. Останақулов Исомиддин тайёрлаган. Авлиёлар султони. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004 йил, - (256).
214. Очилова Бахти. Шахс маънавий камолотида ихлосмандлик ва ибрат бирлиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004 йил, - (144).
215. Очилова Бахти. Ихлосмандликда мерос ва ворисийлик уйғунлиги. – Тошкент: Тошкент ислом Университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006 йил, - (172).
216. Очилов Эргаш. Муборак сарчашмалар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997 йил, - (88).
217. Ортиқов Норбой. Маънавият: миллий ва умуминсоний қадриятлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006 йил, - (56).
218. Охунов Эргашали. Меҳрибоним сен ўзинг. Наманган: 2006 йил. – (850).
219. Петрушевский И. А. Ислам в Иране в XI-XV вв. – Москва: 1994 год. – (204).
220. Пўлатжон Домулло Қаюмов. Тазкираи Қайюмий. – Тошкент: 1998 йил, - (246).
221. Пўлатжон Домулло Қаюмов. Тазкират уш-шуаро. II-китоб. – Тошкент: 2006 йил, - (182).
222. Поён Равшан, Р. Ўроқов. Аждодларимиз қадри. – Тошкент: Шарқ, 1999 йил, - (384).
223. Поён Равшан, Олим Равшан, Мирхон Ҳусенов. Ҳофиз Рўзибой Машраб. – Тошкент: Шарқ, 1997 йил, - (144).
224. Расулов Ҳомид. Ўзбек эпик шеърлятида халқчиллик. – Тошкент: Фан, 1973 йил, - (148).
225. Расулов Ҳомид. Ўзбек классик шеърлятида халқчиллик. – Тошкент: Фан, 1982 йил, - (134).
226. Рафъиддинов С., Раҳимова З. Муҳаммад алайҳиссаломнинг мўъжизалари. – Тошкент: Мовароуннаҳр. 1993 йил, - (88).
227. Рафиддинов С. Рустам Сафо. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992 йил, - (24).

228. Роузентал Ф. Торжество знания. – Москва. – 1978 год. –(183).
229. Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожаги Косоний Махдуми Аъзам. (буклет).
230. Садриддин Салим Бухорий. Баҳоуддин Накшбанд ёки етти пир. – Тошкент: Ёзувчи, 1993 йил, - (16).
231. Садриддин Салим Бухорий. Дилда ёр. – Тошкент: – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993 йил, - (80).
232. Сағдуллаев А. С., Эшов Б. Ж. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Университет, 1999 йил, - (338).
233. Сағдуллаев А. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Тошкент: Академия. 2000 йил, - (272).
234. Сафарова Н. О. Хожагон тасаввуфий таълимотида маънавий-ахлоқий қадриятлар масаласи. Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. – Тошкент: 2001 йил, - (23).
235. Сафназаров Исмоил. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. – Тошкент: Шарқ, 2001 йил, - (158).
236. Самарқанд тарихи. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1971 йил, - (484).
237. Сайф ўз-Зафар Навбахорий. Дурр ул-мажолис. – Тошкент: Ёзувчи, 1992 йил, - (152).
238. Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби. – Тошкент: 1991 йил, - (78).
239. Сирожиддинов Шухрат. Сўфи Оллоҳёр илоҳиёти. – Тошкент: 2001 йил, - (78).
240. Сўфи Оллоҳёр. Сабот ул-ожизин. – Тошкент: Меҳнат, 1991 йил, - (96).
241. Сувонқулов Иноятулла. Сўфи Оллоҳёр. – Тошкент: Фан, 1995 йил, - (76).
242. Сўфи Оллоҳёр. Кўзинг ибрат била оч. Самарқанд: 2002 йил. – (160).
243. Иноятулло Сувонқулов. Сўфи Оллоҳёр. Самарқанд, 2000 йил. – (52).
244. Сўфи Оллоҳёр. Халқаро илмий анжуман материаллари. – Техрон-Тошкент: 2005 йил. – (128).
245. Сувонқулов Иноятулло. Қалб гавҳари. Сайланма. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2006 йил, - (274).
246. Сувонқулов М. Самарқанд қадамжолари – Тошкент: Фан, 2007 йил, - (136).
247. Тафаккур чечаклари. – Тошкент: Фан, 1992 йил, - (83).
248. Тавҳид. – Тошкент: Меҳнат, 1991 йил, - (32).
249. Темур тузуклари. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991 йил, - (112).
250. Тилаб Маҳмуд. Комиллик асрорлари. – Тошкент: Адолат, 2006 йил, - (96).
251. Тоҳир Малик. Одамийлик мулки– Тошкент: Мовароуннаҳр, 2006 йил, - (240).
252. Тўланов Жондор. Қадриятлар фалсафаси. Ўзбекистон, 1998 йил. – (336).
253. Тўланов Ж., Ғофуров З. Фалсафа. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997 0 йил, - (380).
254. Турсунов Х., Бекназаров Х. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982 йил, - (264).
255. Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё. – Тошкент: Ўзбек миллий энциклопедияси, 1997 йил, - (176).
256. Фахриддин Али Сафий. Рашаҳат. – Тошкент: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003 йил, - (556).
257. Философия луғати. – Тошкент: Ўзбекистон, 1976 йил, - (640).
258. Фалсафа луғати. – Тошкент. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2004. – (675).
259. Убайдий. Дийдор орзуси. – Тошкент: Шарқ, 2007 йил, - (240).
260. Умар Форук Сайдо ал-Жазарий. Тасаввуф сирлари. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004 йил, - (152).
261. Умар Хайём. Наврўзнама. – Тошкент: Меҳнат, 1990 йил, - (80).
262. Уватов Убайдулло. Муҳаддислар имоми. – Тошкент: Маънавият, 1998 йил, - (88).
263. Усмон Тўпбош. Маснавий боғчасидан. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2002 йил, - (210).
264. Усмон Турор. Тасаввуф тарихи. – Тошкент: Истиқлол, 1999 йил, - (180).
265. Умаров Э. Эстетика. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995 йил, - (246).
266. Усмонов Қ., Содиков М., Олламурадов Н. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002 йил, - (280).
267. Умар Форук Сайдо ал-Жазарий. Тасаввуф сирлари. . – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2000 йил, - (88).
268. Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. – Тошкент: Ўзбекистон, 1971 йил, - (312).

269. Хайруллаев М. масъул таҳрири остида. Ўрта Осиё халқлари хурфикрлиги тарихидан. – Тошкент: Фан, 1990 йил, - (188).
270. Хайруллаев М. М. Форобий. – Тошкент: Фан, 1991 йил, - (80).
271. Хайруллаев М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. – Тошкент: Фан, 1994 йил, - (78).
272. Хайруллаев М. М. таҳрири остида. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995 йил, - (240).
273. Хайруллаев М. М. Буюк сиймолар, алломалар. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1997 йил, - (144).
274. Хайриддин Бегмат. Девона Машраб. – Тошкент: Шарқ, 2005 йил, - (272).
275. Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний – Тошкент: Ўзбекистон, 2003 йил, - (128).
276. Хожа Аҳмад Яссавий ҳаёти, ижоди ва анъаналари. – Тошкент: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2001 йил, - (336).
277. Хондамир. Макоримул-ахлоқ. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987 йил, - (134).
278. Хожаназар Ҳувайдо. Роҳати дил. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994 йил, - (120).
279. Хожаназар Ҳувайдо. Девон. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2005 йил, - (134).
280. Хожа Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. IV-жилд. – Тошкент: 1992 йил, - (560).
281. Хуррам Барака. Тасаввуф. Самарқанд: Сўғдиёна, 1997 йил. – (142).
282. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004 йил, - (144).
283. Шайх ал-Калободий. Тасаввуф сарчашмаси. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2002 йил, - (144).
284. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004 йил, - (256).
285. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. – Тошкент: Шарқ, 2003 йил, - (160).
286. Шайхзода. Ғазал мулкининг султони. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972 йил, - (372).
287. Шамсиев П. Жомий ва Навоий. – Тошкент: Фан, 1966 йил, - (152).
288. Шамсутдинов Р., Каримов Ш., Убайдуллаев Ў. Ватан тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2003 йил, - (352).
289. Шарқшунослик. – Тошкент: Фан, 1990 йил, - (166).
290. Шодиев Эргашали. Алишер Навоий ва унинг салафлари. Ленинобод: 1967 йил. – (53).
291. Шуқуров Ш. Мирзо Бедилнинг поэтик мероси. – Тошкент: Фан, 1979 йил, - (128).
292. Шўхрат. Машраб. – Тошкент: Шарқ, 1998 йил, - (305).
293. Шўх Машраб қиссаси. – Тошкент: Шарқ, 1991 йил, - (56).
294. Шомухамедов Шоислом. Одабийлик иншоси. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984 йил, - (280).
295. Шомухамедов Ш. Гуманизм — абадийлик ялови. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974 йил, - (238).
296. Юсупов Э. Ю. умумий таҳрири остида. Фалсафа. – Тошкент: Шарқ, 1999 йил, - (295).
297. Яхшиликков Ж., Аҳмедов Ш. Темурийлар маънавияти. – Тошкент: Фан, 1999 йил, - (164).
298. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. – Тошкент: Шарқ, 1999 йил, - (208).
299. Ўзбек адабиёти. – Тошкент: Давлат бадиий Адабиёт нашриёти, 1959 йил, - (804).
300. Ўзбек адабиёти. – Тошкент: Давлат бадиий Адабиёт нашриёти, 1980 йил, - (454).
301. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. III том. – Тошкент: Фан, 1978 йил, - (380).
302. Ўлжаева Шохистахон. Амир темур ва темурийлар даврида миллий давлатчиликнинг ривожланиши. – Тошкент: Фан, 2005 йил, - (270).
303. Қамчибек Кенжа. Буюклар изидан. – Тошкент: Шарқ, 2006 йил, - (240).
304. Қиссаи Машраб. – Тошкент: Ёзувчи, 1992 йил, - (174).
305. Қиссаи Иброҳим Адҳам. Самарқанд: Зарафшон, 1993 йил. – (108).
306. Қори Низомиддин бин Мулла Ҳасан. Илми ахлоқ. – Тошкент: Ёзувчи, 1994 йил, - (16).
307. Қодиров Зоҳидхон Отахон ўғли. Имом Аъзам ҳаёт йўли ва фикр усуллари. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 1999 йил, - (112).
308. Қул Убайдий. Вафо қилсанг. – Тошкент: Ёзувчи, 1994 йил, - (48).
309. Қудратуллаев Ҳасан. Бобур армони. – Тошкент: Шарқ, 2005 йил, - (348).

310. Қўрамбоев К. Махтумқули шеърляти Ўзбекистонда. Фан, 1984 йил. – (65).
311. Қуръони карим. – Тошкент: Тошкент ислом Университети нашриёти. 2001 йил, - (619).
312. Қаюмов А. Садди Искандарий. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975 йил, - (196).
313. Ғафур Ғулом. Адабий-танқидий мақолалар. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976 йил, - (502).
314. Ғафуров Иброҳим. Дил эркинлиги. – Тошкент: Маънавият, 1998 йил, - (152).
315. Ғафуров Иброҳим. Ҳаё — халоскор. – Тошкент: Шарқ, 2006 йил, - (348).
316. Ғафуров Ғуломхон. Шарқ жавоҳирлари. – Тошкент: Маънавият, 2000 йил, - (184).
317. Ғулом Карим. Соҳибқирон ва аллома. – Тошкент: шарқ, 2002 йил, - (240).
318. Ғозиев Сирож. Подшохожа қарашларида ижтимоий ахлоқ масалалари. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999 йил, - (116).
319. Ғозиев С., Жавлонов Т., Холбўтаев Э. Маънавий комиллик сирлари. – Тошкент: Истиклол, 2005 йил, - (72).
320. Ҳазрати Хожа Убайдулло Аҳрор. Рисолаи волидия. – Тошкент: Ёзувчи, 1991 йил, - (16).
321. Ҳазиний. Тасаддуқ, ё расулуллоҳ. – Тошкент: Ёзувчи, 1992 йил, - (48).
322. Ҳамиджон Ҳомидий. Қўхна шарқ дарғалари. – Тошкент: Шарқ, 1999 йил, - (350).
323. Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. – Тошкент: Шарқ, 2004 йил, - (206).
324. Ҳамиджон Ҳомидий масъул муҳаррирлигида. – Тошкент: 2006 йил, - (160).
325. Ҳамиджон Ҳомидий, Маҳмуджон Маъмуров. Наманган адиблари. – Тошкент: Фан, 2007 йил, - (280).
326. Ҳамроева Д. Ю. Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Тошкент: 2004 йил, - (23).
327. Ҳасанхожа Нисорий. Музакири аҳбоб. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993 йил, - (344).
328. Ҳасанов Солий. Хоразм маърифати – олам кўзгуси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996 йил, - (304).
329. Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Ҳамидов Ҳ. Педагогика тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997 йил, - (248).
330. Ҳаққулов Иброҳим. Ўзбек адабиётда рубоий. – Тошкент: Фан, 1981 йил, - (100)
331. Ҳаққулов Иброҳим. Шеърят — руҳий муносабат. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989 йил, - (240).
332. Ҳаққулов Иброҳим. Занжирбанд шер қошида. – Тошкент: Юлдузча, 1989 йил, - (224).
333. Ҳаққулов Иброҳим. Абадият фарзандлари. – Тошкент: Ёш гвардия нашриёти, 1990 йил, - (192).
334. Ҳаққулов Иброҳим. Тасаввуф ва шеърят. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991 йил. – (184).
335. Ҳаққулов Иброҳим. Ирфон ва идрок. – Тошкент: Маънавият, 1998 йил, - (160).
336. Ҳаққулов Иброҳим. Аҳмад Яссавий. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001 йил, - (64).
337. Ҳаққулов Иброҳим. Эътикод ва ижод. – Тошкент: Фан, 2007 йил, - (248).
338. Ҳаққулов Иброҳим. Тақдир ва тафаккур. – Тошкент: Шарқ, 2007 йил, - (336).
339. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994 йил, - (112).
340. Ҳусниддинов З. Ислом йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Мовароуннаҳр, 2000 йил, - (108).
341. Ҳусниддинов З. таҳрири остида. Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004 йил. – (313).
342. Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990 йил, - (94).
343. Ҳофиз Шерозий. Ишқ гавҳари. – Тошкент: Шарқ, 2006 йил, - (224).
344. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979 йил, - (340).
345. Ҳувайдо. Танланган шеърлар. – Тошкент: Давлат бадиий адабиёт нашриёти. . 1981 йил, - (100).

346. Ҳошимов К. Сафо Очил. Ўзбек педагогикаси антологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995 йил, - (464).
347. Ҳошимхонов Мўмин. Машраб ва Ўрта Осиёда ижтимоий фикр тараққиёти. – Тошкент. 1994 йил, - (210).
348. Ҳошимхонов Мўмин. Машраби мўътабар ўзум. Монография. – Тошкент: Шарқ, 2001 йил, – (144).
349. Ҳошимхонов Мўмин. Маънавият илдизлари. – Тошкент: 2002 йил, – (88).
350. Ҳошимхонов М., Ибрагимова Г. Мактаб ва академик лицейларда Бобораҳим Машраб ижодини ўрганиш. – Тошкент: Орзу, 200 йил, - (40).
351. Ҳошимхонов М., Тўрақулов Х., Ибрагимова Г., Усмонов Н., Ғозиев С. Нур Шарқдандир. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003 йил, – (252).
352. Ҳошимхонов М., Тўрақулов Х., Хушвақтов Н., Равшанов О., Ибрагимова Г. Истиқболли педагогика асослари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003 йил, - (138)
353. Ҳошимхонов Мўмин. Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодий фаолияти. Монография. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007 йил, - (112).
354. Ҳошимхонов Мўмин. Машраби мўътабар ўзум. Монография. Иккинчи жилд. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007 йил, - (204).

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. МОВАРОУННАХРДА ИЖТИМОЙ ФИКР РИВОЖИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-СИЁСИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЗАМИНИ	
Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳвол.....	9
Маданият ва илм-фан.....	19
Маънавий фикрнинг муҳим хусусиятлари.....	28
II БОБ. МАШРАБНИНГ ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОСИ	
Бобораҳим машраб ҳаёти.....	47
Машраб ижодий мероси.....	79
Шоир сиймосининг «Қиссаи Машраб»да ёритилиши.....	99
Машраб шахсиятининг бадиий адабиётлардаги талқини.....	114
Машраб ижодиётининг илмий адабиётлардаги тадқиқи.....	136
III БОБ. МАШРАБ ВА ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИ	
Машраб ижодига мутасаввуфлар таъсири.....	166
Шоир ғазалиётида тасаввуфий ғоялар талқини.....	204
Мутафаккирнинг тасаввуфий қарашларида комил инсон муаммоси.....	243
IV-БОБ. МАШРАБНИНГ ДИН ВА АХЛОҚҚА МУНОСАБАТИ	
Шоир дунёқарашида ислом динига бўлган масалаларнинг ёритилиши.....	278
Машрабнинг ижтимоий-ахлоқий дунёқараши.....	302
Мутафаккирнинг ижтимоий-маънавий ва дидактик қарашлари.....	324
ХУЛОСА.....	367
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	388

Мўмин ҲОШИМХОНОВ

МАШРАБИ
МУЎТАБАР ЎЗУМ

Бобораҳим Машраб ижтимоий-маънавий, диний-тасаввуфий, ахлоқий мероси ва унинг
илмий-бадиий адабиётдаги талқини
(XVII-XVIII асрлар)

Учинчи жилд

Муҳаррир *Сирожхон ҲОЗИЕВ*
Мусаввир *Лайло СОЛИХОВА*
Техник муҳаррир *Давронбек ТОЖИАЛИЕВ*
Мусаҳҳиҳ *Сухроб АБДУВАЛИЕВ*
Саҳифаловчи *Фируза РАҲИМОВА*

Босишга 12.05.2008 йилда рухсат этилди.
Бичими 84 x 108 ¹/₈. Ҳажми 50 б.т. Адади 50.
Буюртма № 011.
Нархи келишилган ҳолда.

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекстон Миллий кутубхонаси нашриёти.

Ушбу китобнинг оригинал макети «Tafakkur Plus» МЧЖ
медиа марказида тайёрланди.
«Tafakkur Plus» МЧЖ босмахонаси.
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,
Ғ.Мавлонов кўчаси, 1а-уй.
Тел. 440-37-16. E-mail: maktub@tafakkur.uz
www.tafakkur.uz